ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ДЕНОВ ТАДБИРКОРЛИК ВА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ТАРИХ ВА ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ

# МАМЛАКАТИМИЗДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҒОЯСИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА ИЖТИМОИЙ – ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎРНИ

# КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

Мамлакатимизда учинчи ренессанс ғоясини тарғиб этишда миллий ва умуминсоний қадриятларимизнинг ўрни.
1-шўъба

Ёшларни маънавий баркамоллик руҳида тарбиялаш ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшаётган тарбиявий институтлар. Мулоҳаза ва таклифлар.
2-шўъба

Ижтимоий – гуманитар фанларни ўқитишда замонавий методларнинг аҳамияти. Тарих фанининг қадриятларимиз узвийлигидаги роли
3-шўъба

Миллий-маданий меърос, тарихий қадамжолар ва муқаддас масканларнинг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни.
4-шўъба

Ўзбекистон Республикаси стратегик сиёсатининг маънавий қиёфаси. Дунё ва биз.
5-шўъба

Денов-2022

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ДЕНОВ ТАДБИРКОРЛИК ВА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ТАРИХ ВА ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ**

# МАМЛАКАТИМИЗДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҒОЯСИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА ИЖТИМОИЙ – ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎРНИ

**МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ**

# МАТЕРИАЛЛАРИ

**2022-ЙИЛ 12-МАЙ**

**12 МАЯ 2022 ГОДА РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ ОНЛАЙН -КОНФЕРЕНЦИЯ НА ТЕМУ: ЗНАЧЕНИЕ И МЕСТО ОБЩЕСТВЕННО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК В ШИРОКОМ ПРОДВИЖЕНИИ ИДЕИ ТРЕТЬЕГО ВОЗРОЖДЕНИЯ В НАШЕЙ СТРАНЕ**

**REPUBLICAN SCIENTIFIC-PRACTICAL ONLINE CONFERENCE NAMED AFTER "THE SIGNIFICANCE AND ROLE OF THE SOCIAL SCIENCES AND THE HUMANITIES IN THE CHARACTERISTIC PROMOTION OF THE IDEA OF THE THIRD RENAISSANCE IN OUR COUNTRY" ON MAY 12, 2022**

**ДЕНОВ – 2022**

# Мамлакатимизда учинчи ренессанс ғоясини кенг тарғиб қилишда ижтимоий – гуманитар фанларнинг аҳамияти ва ўрни мавзусида илмий-амалий онлайн конференция материаллари

Мазкур тўпламда, мамлакатимизда амалга оширилаётган учинчи ренессан ғоясини халқимиз ҳаётини юксалтириш асоси сифатида кенг тарғиб этилаётгани ҳамда глобаллашув шароитида Ўзбек халқи миллий маданий меросини ва тараққиётига қўшадиган илмий ҳамда назарий ҳиссасини ёритишга қаратилган. Шу билан бирга мавжуд муаммоларни ҳал этишда инновацион усуллар ва модуллардан фойдаланишнинг илмий ва амалий натижаларидан мисоллар келтирилган.

Конференция материалларидан таълим муассасаларининг профессор ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилари, мустақил тадқиқотчилар, талабалар ва соҳага қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Конференция материаллари Денов тадбиркорлик ва педагогика институти илмий услубий кенгашининг 2021 йил 19 - майидаги № 19 - сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

**Масъул муҳаррир:**

**И.М.Норбўтаев** – Денов тадбиркорлик ва педагогика институти “Тарих ва фалсафаф” кафедраси катта щыитувчиси

**Таҳрир ҳайъати аъзолари:**

Д.Якубова, Б.Назиров, М.Бибитов, Хўжанова.Т, А.Менглибоев

**Тақризчилар:**

**Ғаффоров.Ш.С** – тарих фанлар доктори, профессор

**Турсунов.С.Н** – тарих фанлари доктори, профессор

Тўпламга киритилган мақолаларнинг мазмуни, илмий салоҳияти ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун муаллифлар масъулдирлар.

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti rektori,
filologiya fanlari doktori, professor
**G'anisher Xudayqulovich Rahimov**

***"Mamlakatimizda uchinchi renessans g'oyasini keng targ'ib qilishda ijtimoiy – gumanitar fanlarning ahamiyati va o'rni"***
mavzusidagi

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYASI

## *Kirish so'zi*

Assalomu alaykum qadrli ustozlar, bugungi ilmiy-amaliy anjuman qatnashchilari hamda aziz mehmonlar! Bugun sizlar bilan shunday ilmiy-ijodiy kechada uchrashib turganimdan benihoya mamnunman.

Bugungi kunda dunyodagi rivojlangan davlatlar eng avvalo, ilm-fan va ta'limga qaratilgan ulkan e'tibor tufayli yuksak taraqqiyotga erishmoqda. Mustaqillikka erishgan yillarimizning ilk davrida biz o'zimizning milliy o'zligimizni anglash, boy tarixiy-ma'naviy hamda ilmiy merosimizning asl mazmun-mohiyati mag'zini chaqish va uni ro'yobga chiqarishga intilgan bo'lsak, endilikda xalqimiz jipslanib «milliy tiklanishdan – milliy yuksalish» g'oyasini sobit qadamlik bilan amalga oshirishga kirishdi. Bu davrda jamiyatimizda ijtimoiy tafakkurning yuksalish tendentsiyasi qaror topishi, unga xos ham milliy, ham umuminsoniy qadriyatlarning mujassamligi e'tirof etilmoqda. Milliy ruh va umuminsoniy qadriyatlar uyg'un bo'lgan ijtimoiy tafakkur – mamlakatimiz barqaror rivojlanishining o'zan mezon va mustahkam poydevoriga aylanmoqda. Mazkur me'zonga hamnafas xolda institutimizning Tarix va falsafa kafedrasi jamoasi tomonidan mamlakatimizning eng dolzarb va strategik yo'nalishlaridan biri bo'lgan sohani ilmiy va ilmiy metodik jihatdan xalqchil holda targ'ib etish maqsadida ***"Mamlakatimizda uchinchi renessans g'oyasini keng targ'ib qilishda ijtimoiy – gumanitar fanlarning ahamiyati va o'rni"*** mavzusida ilmiy-amaliy konferensiya tashkil etishlishi yurtimiz taraqqiyotiga va milliy ta'lim tizimimizga ko'rsatilgan yuksan hurmat va ko'mak deb baholash mumkin.

## 1-шўъба: Мамлакатимизда учинчи ренессанс ғоясини тарғиб этишда миллий ва умуминсоний қадриятларимизнинг ўрни.

# ҚАДРИЯТЛАР ЁШЛАРДА ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

Каримов Санжар Синдорқулович

Жиззах давлат педагогика институти ижтимоий-гуманитар

фанларда масофавий таълим кафедраси катта ўқитувчиси

Тел: +99890-229-18-15

e-mail: haqiqiysanjar@mail.ru

Қадриятлар жамият тараққиётининг маҳсули сифатида инсон камолоти учун ҳам катта аҳамиятга эга ижтимоий ҳодисадир. Қадриятлар ўтмишда ижобий аҳамият касб этгани учунгина эмас, балки келажак истиқболи учун янги имкониятлар яратиб беришга қодир бўлганлиги сабабли ҳам қадрият ҳисобланади. Чунки қадриятлар оламни билиш ва уни амалий ўзгартиришга хизмат қилади. Ҳар бир қадриятнинг негизида, моҳияти ва аҳамиятида табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари ётади.

Бундан ташкари, қадриятлар инсон маънавий камолотига таъсир этувчи муҳим омил ҳамдир. Ҳар бир миллат ривожланишдаги тарихий воқеалар, унга ижобий ҳисса қўшган шахсларнинг тажрибалари ҳам миллий қадриятлар жумласига киради. Қолаверса, ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий одиллиги унда умуминсонийлик мезонларига амал қилиниши, пировард натижада инсон қадрининг қай даражада эканлиги, шахснинг индивидуал қадриятларни намоён қилиши учун имкониятлар яратилганлиги билан боғлиқ. ҳар қандай киши ўз қадриятлари, уларнинг турли шаклда намоён бўлиши натижасида бошқалар ва жамият учун қадрлидир.

Фалсафий адабиётларда қадриятлар турлича талқин қилинади. Қуйида уларнинг баъзиларини кўриб чиқишимиз мумкин. Жумладан, Фалсафа қомусий луғатида "қадрият – воқеъликдаги муайян ходисаларнинг умумбашарий, умуминсоний, ижтимоий-аҳлоқий, маданий-маънавий *аҳамиятини* кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-

ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий хислат ва фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар қадрият ҳисобланади[1]”, - деб таъриф берилади.

Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғатида эса Файласуф олим Қ. Назаровнинг қуйидаги таърифи келтириб ўтилади: “қадрият – инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча[2]”.

Файласуф олима Б.Очилова эса “қадрият бу табиий ва ижтимоий ҳаётда намоён бўладиган, кишилар қадрлайдиган ва улар учун манфаатли, фойдали, ижобий аҳамиятли бўлган омиллар йиғиндиси[3]” эканлигини таъкидлаб ўтади.

Демак, юқоридаги таърифларда олимлар асосан қадриятларни ижтимоий-тарихий ва маданий категория сифатида қараб, уларга «инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар» эканлигига алоҳида эътибор қаратадилар. Бироқ бу таъриф ҳам ўз ўрнида маълум бир саволлар уйғотади. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли, керакли бўлмаган нарса борми ўзи?

Оламда мавжуд жамики нарса, мавжудот инсон ва инсоният учун аҳамиятли, кераклидир балки.

Умуман олганда файласуфлар қадриятларнинг жамият ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни масаласига онтологик, гносеологик, эвристик ва дунёқарашлик нуқтаи назаридан ёндашиб, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятини алоҳида ёритишга ҳаракат қиладилар.

Шу ўринда қадриятлар масаласида бир қатор хориж олимларининг ҳам ёндашувларини келтириб ўтиш ўринлидир. Зеро, қадриятлар муаммоси фақатгина миллий масала ҳисобланмай хорижда ҳам бу масала психология, социология, маданиятшунослик, фалсафа каби фанларда қизғин ўрганиладиган масалалардан бири ҳисобланади. Ҳусусан, “Энг янги фалсафа луғати”да қадриятга “Абсолютга, шартга, мақсадга йўналтирилган объект ва ҳодисаларнинг инсоний, ижтимоий ва маданий моҳиятини акс эттирувчи атама[4]” деб талқин берилади.

Яна бир ёндашувда эса, “у инсоннинг социомаданий фаоллиги доирасини белгилаб келади, маданий фаолият натижаси сифатида эса шахсдан, айрим ҳолларда эса тарихий ҳодисалардан айрича идрок этилади. Шунинг учун қадриятлар ўтмиш, ҳозир ва келажакни уйғунлаштириш, фаолият натижаларини семиотик ифодалаш, нарса ва ҳодисаларни баҳолашда уларнинг мақсадга мувофиқларини устувор ҳисоблаш, дунёни идрок этишда

[1] Фалсафа қомусий луғат. Т.: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти. 2004.Б. 858

[2] Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2010. Б.707

[3] Очилова Б. Миллий маънавий юксалишда меърос, қадриятлар ва ворисийлик.Т. Истоқлол.2009й. 23- б

[4] Ценность. // Новейший философский словарь.- Мн.:Изд.В.М.Скакун, 1998.- С.798.

турли даражадаги қадрлаш тизимларини яратиш ва фикрларни асослаш тарзида келади. Қадриятлар энг аввало нормалар орқали амалга оширилади[5]. Таъриф муаллифи (В.Л.Абушенко) қадриятларнинг қадрланиш жараёнида мақсадга мувофиқлик принципини эътироф этганлиги диққатга сазовордир.

Қадриятларга ахлоқий ҳодисалар сифатида ёндашиш у ёки бу даражада барча адабиётларда мавжуд. Бироқ айрим муаллифлар қадриятлардаги ушбу белгиларни мутлақлаштиришга мойилдирлар. Масалан, А.И.Кравченко қадриятларга қуйидагича таъриф беради: "Қадриятлар, - деб ёзади у, - кўпчилик кишилар томонидан ижтимоий қўллаб-қувватланадиган эзгулик, адолат, ватанпарварлик, романтик севги, дўстлик каби ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлардир"[6]деб таъриф берилса, яна бир ёндашувда "Қадриятлар шубҳа остига олинмайди, улар барча кишилар учун эталон, идеал бўлиб хизмат қилади"[7] деб таъкидланади.

Ушбу ёндашувлардаги мазмун қадриятларнинг субъектив ҳусусиятларига урғу берилиш натижасидир. Таъкидлаш лозимки, қадриятларнинг субъектив ҳусусиятлари ичида мақсадга муофиқлик алоҳида аҳамиятга эгадир.

Демак, қадриятлар тасаввурларгина эмас, улар инсон ва тарихий субъектларнинг оламни идрок этиши, ўзлаштириши ва ўзгартириши жараёнида ижтимоий норма сифатида яратган моддий ҳамда маънавий бойликларининг ижтимоий муҳит тан олган мажмуасидир.

Қадриятларга нисбатан ғарб олимларининг ёндашувларини ўрганар эканмиз бу ўринда уларнинг қизиқишлари асосан алоҳида индивид ва унинг қадриятлари муаммоси эканлиги ғарбона қарашларга хос бўлган индивидуализм руҳи устунлик қилади.

Шу жиҳатдан бу қарашларнинг қамрови чекланган бўлса-да, айнан шахсий қадриятлар муайян вазиятларда одамларнинг истаклари ва хатти-ҳаракатларига таъсир этишини тан олишимизга тўғри келади. Шу нуқтаи-назардан биз уларнинг бу қарашлари бизнинг тадқиқотимиз учун муҳим жиҳатларни топишимиз мункин.

Хўш, шахсий қадриятлар дейилганда қандай қадриятлар назарда тутилади, уларнинг ўзига ҳослиги нимада?

Шахсий қадриятлар дейилганда инсоннинг фақат ўзи учун аҳамиятли бўлган, кишиларнинг фақат ўзларигина қадрлайдиган[8] қадриятлар назарда тутилади. Файласуф олим Қ.Назаров шахсий қадриятлар ҳақида фикр билдирар экан, "Ҳар бир инсон – бир олам, бошқаларга ўхшамайдиган ўзга бир дунёдир.  Инсоннинг ана шу мажозий маънодаги маънавий олами, ўзгаларга ўхшамайдиган қиёфаси ва бетакрор дунёси қадриятнинг шахсий

[5] Ценность. // Новейший философский словарь.- Мн.:Изд.В.М.Скакун, 1998.- С.798.
[6] Кравченко А.И. Социология.- М.: «Логос» Екатеринбург, Деловая книга,1999.- С.168.
[7] Кравченко А.И. Социология.- М.: «Логос» Екатеринбург, Деловая книга,1999.- С.168
[8] Б. Очилова. Миллий маънавий юксалишда мерос, қадриятлар ва ворисийлик. Т. Истиқлол.2009.Б. 23

даражада намоён бўлиш хусусиятлари билан узвий боғланган. Инсоннинг ўзи учун қадрли бўлган нарсалар қаторига жуда кўп нарсаларни киритиш мумкин. Масалан: оила, соғлик, шахсий ҳаёт, ота-она, ота-онани ҳурмат қилиш, хонадон, севги, дўстлик, билим, хавфсизлик, бойлик, касб-кор, мавқеъ, обрў, ишхона, шахсий эркинлик, омад, муваффақият, мустақил бўлиш, спорт, медаллар, адолат, тозалик, барқарорлик, меҳнат қилиш, ҳалоллик, тарбия, масъулият, ҳаёт, ҳашамат, маданиятлилик, олғирлик, тадбиркор бўлиш, қонунийлик, уддабуронлик, ватанпарварлик, шахсий бизнес, дўстлар, орзу-ҳавас, ижодкорлик, куч-қудрат, муҳаббат, фаровонлик, интелект, иймон ва ҳоказолар. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин ва бу қадриятлар ҳар бир инсонда унинг дунёқараши ва эътиқодидан келиб чиқиб турлича бўлиши мумкин.

Ҳар бир инсон қадрият устуворликларининг шахсий иерархиясига эга яъни, инсон учун баъзи қадриятлар жуда муҳим, бошқалари ўртача даражада, бошқалари эса унчалик аҳамиятсиз бўлиши ҳам мумкин.

Демак, қадрияларнинг айримлари бир киши учун қадрият ҳисобланса, яна бошқа бир киши учун улар мутлақо аҳамиятсиз, ҳаттоки кулгили бўлиши ҳам мумкин ва бу ҳолат шахсий қадриятларни ўрганишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Тўғри, шахсий қадриятлар ҳар бир инсоннинг ҳаётий мақсадлари шаклланишида асос вазифасини бажаради. Аммо шахсий қадриятлар миллий ва умуминсоний қадриятлардан айро ҳолатда ҳеч қачон мукаммаллик касб эта олмайди. Бошқачароқ айтганда шахсий қадриятлар айнан миллий ва умуминсоний қадриятларга мувофиқ шаклланганда гина юксак инсоний ва ахлоқий ҳарактердаги ҳаётий мақсадларга асос бўлиши мумкин.

Демак, шахснинг ҳаётий мақсадлари шаклланиши учун бевосита таъсир кўрсатувчи индивидуал қадриятларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар билан алоқадорлиги масаласини айнан шу нуқтаи назардан ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қадриятлар одамлар шахсиятининг асосий жиҳатларидан бири бўлиб, уларнинг борлиққа муносабати ва хатти-ҳаракатларига, ҳусусан, ҳаётий мақсадларининг шаклланишига ҳам бекиёс даражада таъсир қилади. Қадриятлар бўйича тадқиқотлар нафақат инсон хулқ-атвори ва фаолиятини таҳлил қилишга ёрдам беради, балки хатти-ҳаракатлар асосини, шахс ва ижтимоий ҳодисалар ўртасидаги мураккаб ўзаро боғлиқликни тушунишга ёрдам беради. Яъни қадриятларни ўрганиш, одамларнинг эришишни истаган барқарор мақсадларини тушунишга имкон беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Фалсафа қомусий луғат. Т.: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти. 2004.Б. 858

2. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2010. Б.707
3. Очилова Б. Миллий маънавий юксалишда меърос, қадриятлар ва ворисийлик.Т. Истоқлол.2009й. 23- б
4. Ценность. // Новейший философский словарь.- Мн.:Изд.В.М.Скакун, 1998.- С.798.
5. Кравченко А.И. Социология.- М.: «Логос» Екатеринбург, Деловая книга,1999.- С.168

# П.ФЕЙЕРАБЕНДНИНГ АНАРХИСТИК МЕТОДИНИНГ ФАН РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

Абдунаби Хатамов
Жиззах Давлат педагогика институти доценти.
e-mail: haqiqiysanjar@mail.ru

Пол Фейерабенд – америкалик файласуф ва фан методологи. Постпозитивизмнинг йирик намоёндаларидан бири. Фейерабенд ўзининг илмий билиш жараёнига анархистик муносабати ҳамда фанда универсал методологик қоидалар мавжуд эмас, деган нуқтаи назари билан ҳозирги замон фан фалсафасида ўзига хос ўрин эгаллайди. Фейерабенд назарий ва методологик плюрализм нуқтаи назаридан туриб, билимларнинг кўплаб тенг ҳуқуқли турлари мавжуд ва ушбу ҳолат билимларнинг ривожланиши ва шахсни камол топиши учун ёрдам беради, деб ҳисоблайди. Фейерабенд фикрича фан ривожланишининг энг унумдор палласи – бу муқобил қарашлар, ғоялар ўртасидаги кураш давридир. Бунинг илдизи олимларнинг турлича дунёқараши ва ижтимоий позициясига бориб тақалади. Фанга нафақат назарий-илмий вазифа, балки шу билан ижтимоий-мафкуравий вазифа ҳам юклатилган бўлади.

Фейерабенднинг илмий билиш жараёнига бўлган анархистик муносабати, унинг "Эпистемологик анархизм" деб номланган таълимотида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Методологик нуқтаи назардан қараганда, анархизм икки принципнинг натижаси ҳисобланади. Улардан биринчиси, пролиферация (кўпайтирувчи) принципи, иккинчиси эса ўлчовсизлик(ўлчовдош бўлмаган) принципидир.

Пролиферация принципиига кўра, назария ва копцепцияларни ўлчовдош бўлмаган мавжуд ва тан олинган назариялар билан кўпайтириш (ихтиро қилиш) ва қайта ишлаш зарур. Бу шуни билдирадики, ҳар бир олим, керак бўлса, ҳар бир инсон, ўзининг хусусий концепциясини яратишиши ва қайта ишлаши керак. Ушбу концепция бошқалар учун бемаъни ва яроқсиз бўлиб туюлиши мумкин. Бундан қатъий назар ҳар бир киши доимо ўз концепциясини яратишга интила бориши лозим. Ўлчовсизлик принципига

кўра эса ҳечбир назария бошқалари билан таққосланиши ва четдан танқид қилиниши мумкин эмас. Агар кимдир тамоман фантастик концепция яратган бўлса ва ундай ажралишни истамаса – буни ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Бу концепцияга қарама-қарши турадиган фактлар йўқ. Чунки, ҳар бир концепция ўз фактлари оламини шакллантиради. Биз ушбу фантастик назариянинг табиатшуносликнинг фундаментал қонунлари ёки замонавий илмий назариялар билан ўлчовсизлигини кўрсатишимиз мумкин эмас. Нега деганда фантастик назария муаллифи учун ушбу қонун ва назария ҳеч қандай қимматга эга эмасдек туюлиши мумкин. Биз хатто, мазкур муаллифни мантиқ қонунларини бузишда ҳам айблай олмаймиз, негаки, у ўзининг алоҳида мантиғидан фойдаланиши мумкин. Фантастик назария муаллифи Кун парадигмасига ўхшаш қандайдир дунёни яратади. Бу ўзига хос, ўз ўзича мавжуд, ўзгалар учун ёпиқ бўлган дунёдир. Ушбу дунёга кирмайдиган барчаси, ҳеч қандай маънога эга эмас. Шу йўсинда пролиферецияпринципини ўлчовсизлик принципи қўшилиши натижасида анархизмнинг методологик асоси шаклланади. Ҳар ким ўз хусусий концепциясини яратиш эркинлигига эга. Ҳеч бир концепциясини бошқаси билан таққослаб бўлмайди, чунки бундай таққослашга асос йўқ. Барчасига йўл қўйилади (барчаси бўлиши мумкин) ва барчаси ўринли: “Прогрессга тўсқинлик қилмайдиган ягона принцип – бу барчасига йўл қўйилади принципидир”[9].

Фейерабенд мана шу тарзда ўзининг анархистик методини бошқа методлардан кескин фарқ қилувчи энг самарали метод эканлигини асослаб беришга уринади. Унинг фикрича, ўзида қатъий, ўзгармас ва мутлоқ зарурий бўлган принципларни бирлаштирувчи илмий фаолият юритишнинг методологик ғоялари тарихий тадқиқот натижаларини солиштириш жараёнида бир қанча тўсиқларга дуч келади. Бунда шу аниқланадики, муайян қоида қанчалик тўғри ва эпистемологик асослангандек кўринмасин, ҳар доим ҳам ўзини оқлай олмайди, қонун, қоида бузилиши юз беради. Бундай қоида бузилишларнинг тасодифий ҳамдаҳал қилиш мумкин бўлганянглиш билим ёки эътиборсизликнинг натижаси эмаслиги аён бўла боради. Фейерабенд фикрича, бундай қоида бузилишлари аслида, фан тараққиётиучун зарур. Ҳақиқатдан ҳам деб, давом этади файласуф, фандаги ютуқлар – мисол учун: антик даврдаги атомистик ғоя, коперниккона инқилоб, ҳозирги замон атомизмининг ривожланиши (кинетик назария, дисперсия(ёйилиш, тарқалиш) назарияси, стериохимия, квант назарияси), ёруғликнинг тўлқин назарияси кабилар баъзи мутафаккирларнинг “аниқ” методологик қоидаларни ё онгли равишда ёки бўлмаса ноихтиёрий тарзда бузганликлари натижасидир, деб ҳисоблаш мумкин.[10]

Демак, фан тарихи Фейерабендни анархизм фойдасига яна битта муҳим маълумот билан таъминлайди. Яъни, фан тарихида у ёки бу даврда ҳеч бир

[9]Фейерабенд П. Избранные труды по методологии науки. М.: 1986. –С. 153-154.
[10]Қаранг: Фейерабенд П. Избранные труды по методологии науки. М.: 1986. – С. 153-154.

методологик қоида у ёки бу олим томонидан бузилмасдан қолмаган. Бинобарин, фан тарихида олимларнинг кўпинча мавжуд методологик қоидаларга тўғридан –тўғри зид фаолият юритишгани маълум. Демак, биз мавжуд ва тан олинган методологик қоидалар ўрнига, унга тўғридан-тўғри қарама-қарши бўлган қоидаларни қабул қилишимиз мумкин. Аммо, уларнинг биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам универсиал қоидалар бўлаолмайди. Шунинг учун ҳам фан фалсафаси қандайдир фан методини илмий билишнинг умумий методи сифатида ўрнатишга уринмаслиги керак.

Фейерабенд ўз эпистемологик анархизмини сиёсий анархизмдан фарқлайди. Унинг фикрича, сиёсий анархист муайян сиёсий дастурга эга бўлади, у жамиятнинг маълум шаклдаги ташкилотини бартараф қилишга интилади. Эпистемологик анархист эса баъзида жамиятнинг бундай ташкилотларини ҳимоя қилиш мумкин. Чунки, у бундай ташкилотга доимий адоватда ёки садоқатда бўлмайди. Эпистемологик анархистда ҳеч қандай дастур йўқ. Аслида у умуман ҳар қандай дастурга қарши. У ўз ишини руҳияти, мантиқий тафаккури таъсирида белгилаб олади. Танланган мақсадга эришиш учун у ёлғиз ҳаракат қилади. Аммо у танланган мақсад сари бошқа кишилар билан бирга ҳаракатнинг фойдалилигини билса, қандайдир гуруҳга ҳам қўшилиши мумкин. Бунда у ақл, эмоция, фаолият жараёнида жиддийлик, бир сўз билан айтганда инсон ижодкорлигининг барча воситаларидан фойдаланиши мумкин. Фейерабенд ягона бир нарсага қатъий қарши туради, у ҳам бўлса умумий қонунлар, умумий ғоялар, умумий меъёрлардир.[11]

Фейерабенд Попперниг “фальсификациялаш” принципини танқид қилади. Ушбу принципга қатъий амал қилиш, дейди у, - аслида, фанни йўқ қилади. У Куннинг “илмий жамотчилик” таълимотини эса назарияни ривожлантиришнинг бошланғич ва хулосавий босқичлари учунгина хос, деб таъкидлайди. Унинг фикрича, етук фан муқобил нуқтаи назарларни талаб қилади.

Фейерабенднинг “эпитемологик анархизм”ига биноан, бир эмпирик далил ҳақида бир неча назария бўлиши керак. Бу тадқиқотчилар ўртасида ўзаро танқид муҳитини вужудга келтиради ва илмий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатади. Фейерабенд барча билим турларини билишлик қимматига кўра тенг, деб ҳисоблайди. Унинг қарашларига кўра, ҳар қандай илмий назария, мифологик тасаввур, диний таълимот, астрологик прогноз ва алхимик изланиш ўзига хос ва аҳамиятли. Улар тенг ҳуқуқлидир. Фаннинг бошқа билим турларидан, хусусан, мифдан фарқли жиҳатлари борми? –деган саволга одатда олимлар томонидан қуйидагича жавоб берилади. Мифга қуйидаги хусусиятлар хос: ашаддий догматизм, қатъий монизм, фанатизм ва танқидга муросасизлик. Фанда эса аксинча, муросасозлик, танқидчилик кенг ёйилган бўлади. Фанда ғоялар ва қоидалар хилма-хиллиги, баҳс

[11]Қаранг: Фейерабенд П. Избранные труды по методологии науки. М.: 1986. – С. 415-416.

мунозараларга доимо шайлик, фактларга диққат-эътибор ва қабул қилинганназария ва принципларни қайтадан кўриб чиқишга ва яхшилашга интилиш асосий хусусиятлардир.

Фейерабенд фаннинг бундай идеаллаштирилган тасвирига қаршидир. Унинг фикрича, фанда догматизм ва муросасизлик авж олмоқда. Фундаментал ғоялар ва қонунлар астойидил ҳимоя қилинмоқда. Тан олинган назарияларга мос келмайдиган барча билимлар инкор қилинмоқда. Йирик олимлар авторитети уларнинг издошлари фаолиятига кучли босим ўтказмоқда. Буни мифлардаги авторитетлар ва коҳинларнинг эътиқод қилувчиларга таъсирига ўхшатиш мумкин. Фан тўғрисидаги ҳақиқат яна шундаки, ҳозирги кунда Кунча парадигмаларнинг олим қуллар руҳи ва танаси устидан мутлоқ ҳукмронлиги таъминланмоқда. Хўш унда фаннинг мифдан устунлиги нимада? Нима учун биз фанни улуғлаб, мифни пастга урушимиз керак?-деб савол беради, Фейерабенд. Бу саволга файласуф эпитемологик анархизм нуқтаи назаридан туриб шундай жавоб беради. Фан олий, тўла ишончли билим эмас. Унинг чегараси бор. Шунинг учун ҳам фан олам тўғрисида жиддий ва сермаҳсул концепциялар яратишда биргина муҳим асос бўла олмайди. Чунки, оламни тушунтириш, дунёқарашлик системалари яратишнинг фандан ташқари мифологик, теологик, метафизик каби турлари ҳам бор. Демак, оламни тўғри тушунтириш ва тушунишда фан билан дунёқарашнинг мана шундай "ноилмий" шакллари ўртасидаги сермаҳсул алоқа зарурдир. Шундай қилиб, анархизм нафақат мумкин, балки шу билан бирга фаннинг ички ривожланиш ҳамда маданиятнинг умумий тарққиётиучун зарур ҳамдир[12]. Албатта, миф ва бошқа ноилмий билимларда анчагина қимматли ғоялар бор. Унинг фан доимо ноилмий методлар ҳисобига бойиб борада, деган фикрлари тўғридир.

Фейерабенднинг камчиликларидан бири шу эдики, у илмий назариялар ўртасидаги боғлиқлик ва ворисийликни инкор этади. Унинг фикрича, ҳар бир назариянинг маъноси ўзига хосдир. Бир назариядан иккинчисига ўтилади, назария терминларининг маъноси ҳам ўзгаради. Шунга биноан, ҳар бир назариянинг ўзига хос меъёри ва мезони мавжуд бўлади. Эмпирик далил ҳақидаги плюралистик назариялардан мавжуд бўлишлик ҳақидаги ғояни, назариялар ўртасида боғлиқлик йўқлиги ҳақида фикр билан қўшиш Фейерабендни "эпитемологик анархизм"га олиб келади. Яъни ҳар бир тадқиқотчи илмий назарияни яратар экан, у доимо эркин бўлади, бир қанча назария учун умумий бўлган меъёр, эталон ёки мезон йўқ, деган хулосага келади файласуф.

---

[12]Қаранг: Фейерабенд П. Избранные труды по методологии науки. М.: 1986. – С. 322.

5. Философия и методология науки: Учеб. пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: Аспект Пресс, 1996. 318 с.

Демак барча ҳолатларда ва инсон ривожланишининг барча босқичларида “анархик назария” амал қилади. Бу реалликнинг чексиз-чегарасизлиги ва инсон фикри йўналишлари турли –туманлигидан келиб чиқади, дейди Фейерабенд. Кўпгина илмий кашфиётлар метологик қоидаларнинг бузилиши ёки уларга хилоф равишда иш юритилганлиги туфайли қилинганлиги Фейерабенд томонидан таъкидланади[5]. Бундай амалиёт, - деб уқтиради Фейерабенд, - фаннинг ривожланиши учун маъқул ва зарурдир.

Фейерабенднинг илмий билимларни ривожлантириш борасидаги муҳим ҳизмати, унинг ягона нуқтаи назар, ягона тафаккурлаш услуби ва бир хил фаолият юритишга қарши чиққани эди. У эркин баҳс ва фикрлар хилма-хиллиги нуқтаи назаридан қатъий турган. Бу албатта, илмий билиш билан ноилмий билиш ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, фикрлар хилма-хиллигида ҳақиқатга эришиш мақсад қилиб қўйилмайди дегани эмас. Илмий билимлар ноилмий билимлардар методлари, қонун-қоидаларни асослаш воситалари ва хулосалари билан фарқ қилади. Айни пайтда фан ва миф, фан ва дин ўртасидаги чегарани бутунлай олиб ташлаш амалда фан ва фалсафанинг йўқолишига олиб келади. Шунинг учун ҳам бошқа файласуфлар каби Фейерабенд қарашларини ҳам танқидий ўрганиш талаб қилинади. Яъни унинг ғояларидаги илғор томонларини эътироф, салбий жиҳатларини эса инкор қилиш керак бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Фейерабенд П. Избранные труды по методологии науки. М.: 1986. –С. 153-154.
2. Философия и методология науки: Учеб. пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: Аспект Пресс, 1996. 318 с.


## JAMIYATDA ILM-FAN, SAN’AT VA MADANIYATNING YUKSALISHI


Rashidova Mashhura Karimovna

F.f.n.,TAQI mashxura_rashidova@gmail.com


O‘zbekiston xalqining ko‘p asrlik boy tarixiga nazar tashlar ekanmiz, unda azaldan ilm-ma’rifatga alohida e’tibor qaratilib kelganligini guvohi bo‘lamiz. O‘sha davrlarda jamiyatda ilm-fan, san’at va madaniyatning yuksalishi, buyuk siymolarning o‘z ijodida erishgan yutuqlari jahon tamaddunining rivojiga qo‘shgan hissasi barchamizni birdek faxru-g‘ururimizga sabab bo‘lib kelmoqda.

Bizning millatimiz jahon sivilizatsiyasiga buyuk Xorazmiylar, Farg‘oniylar, Samarqandiylar, Buxoriylar, Termiziylar, Farobiylardek ulug‘larni yetishtirishda fidoiylik qilgan diyordir. Hozirda esa bu boy merosni asrab-avaylabgina qolmasdan, balki uni yanada boyitib kelgusi avlodlarga meros qoldirish kabi ulkan vazifa turibdi. Bu esa **yoshlarda** to‘g‘ri taъlim va tarbiyani shakllantirib, ularni Vatanga, elu yurtga xizmat qiladigan insonlar qilib tarbiyalash muhimligini ko‘rsatmoqda. Zero, Islom Karimov "Butun umrini iymon va e’tiqod, vatanparvarlik va insonparvarlik, poklik va diyonat yo‘lida fido etgan zotlarning mo‘tabar xoklari makon topgan bu zaminning muqaddasligini anglab, agar shunday insonparvar bo‘lmasa, ular dahosining nafasi sezilib turmasa, bu zamin oddiy tuproq bo‘lib qolaverishini,"[1; 184-b.] ta’kidlaganlar. Bugungi kunda O‘zbekiston Prezidenti Sh.Mirziyoev birinchi prezidentimizning so‘zlarini hayotga to‘g‘ri tatbiq etishda yanada jonkuyarlik qilayotganlarini quyidagi so‘zlardan ham ko‘rishimiz mumkin. “O‘zbekiston va uning bag‘rikeng xalqi tinchliksevar siyosat yuritish, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat bilan qarash tamoyillarini amalga oshirish pozitsiyasida doimo mustahkam turib kelmoqda. Lekin, zarur bo‘lsa, biz mamlakatimiz suvereniteti va mustaqilligiga, xalqimizning tinch va osuda hayotiga tahdid soladigan har qanday urinishlarga qarshi keskin zarba berishga qodirmiz. Shuning uchun men, xalqimizga murojaat qilib, shuni aytmoqchimanki, bu masalada hech kimda hech qanday ikkilanish va shubha bo‘lmasligi lozim. Bunga bizning kuchimiz ham, qudratimiz ham yetarli[2;9-б.]”.

Prezidentimizning ilm-ma’rifatni rivojlantirishga qaratilgan ko‘plab chiqishlarida nafaqat yoshlar, balki butun jamiyatimiz a’zolarining bilim saviyasini oshirish uchun avvalo ilm-ma’rifat, yuksak ma’naviyat kerak bo‘lib, ilm yo‘q joyda qoloqlik, jaholat va albatta, to‘g‘ri yo‘ldan adashish bo‘ladi deb donishmandlarcha aytgan so‘zlari muqaddas kitobimiz Qur’onning ilk oyatida xam “O‘qing”, “O‘qing” deb ilmu ma’rifatga alohida urg‘u berilganligi va “Ilm”so‘zining takror va takror kelganligi hamda Imom Buxoriy bobomizni “Ilmdan boshqa najot yo‘q va bo‘lmagay!” kabi so‘zlari bu davatning naqadar muhimligini anlatadi.

Ilm-fan, ma’naviyat-ma’rifatga tikilgan sarmoya buyuk kelajak uchun kiritilgan investitsiyadir. Ilm-ma’rifat rivojlanmagan davlat hech qachon to‘laqonli davlat bo‘la olmasligi bizga uzoq tarix hamda bugungi asrimizdagi yuksak taraqqiy etgan ilg‘or mamlakatlar tajribasidan juda yaxshi ayon. Darhaqiqat, ilm-ma’rifat ikki dunyo saodatidir. Ilm ma’rifatsiz kishi berilgan ne’matlar qiymatini anglab yetmaydi. Ilm-ma’rifat inson uchun najot. Shu bois, yurtimiz qadim-qadimdan ilm-ma’rifat markazi, sivilizatsiyalar chorrahasi bo‘lib kelgan. Ushbu tabarruk zamindan dunyoga ilmu irfon ziyosini taratgan buyuk allomalar, olimu mutafakkirlar yetishib chiqqan. Ular ilm-fanning ko‘plab jabhalariga asos solib,

jahon tamaddunining shonli mayog‘i bo‘lib kelganlar. Ta’kidlash joizki, xususan, O‘zbekiston hududi ham Sharq Renessansining yirik markazlaridan biri sifatida dunyoga ma’lum va mashhurdir.

Aslida ham bilimli inson ilmning qadrini, olimning qadrini yaxshi biladi. Agar davlat rahbarining keyingi yillarda ma’rifat, ta’lim va ilm-fanni rivojlantirish yo‘lida imzolagan qonun, Farmon va qarorlari, ilgari surayotgan ezgu tashabbuslarining mohitini to‘la taxlil qilsak, O‘zbekistonda yangi Ma’rifat Renessansiga mustahkam tamal toshi qo‘yilayotganini anglaymiz. Ayniqsa, ilm ahliga qaratilayotgan e’tibor va rag‘batning bosqichma-bosqich oshirib borilayotgani poydevorning yanada pishiq bo‘lishiga ishoradir.

Prezidentimizning oqilona siyosati ana shu istakning ro‘yobga chiqishiga to‘liq asoslarni yaratmoqda. Buni birgina misolda, oliy ta’lim qamrovining bos-qichma-bosqich oshirib borilayotganida ham ko‘rish mumkin. Oliy ta’limni rivojlantirish uchun o‘tgan yillar davomida 19 ta yangi oliy o‘quv yurti, jumladan, 9 ta nufuzli xorijiy universitetning filiali ochildi. Yetakchi xorijiy universitetlar bilan hamkorlikda 141 ta qo‘shma ta’lim dasturi bo‘yicha kadrlar tayyorlash yo‘lga qo‘yildi. Oliy ta’lim muassasalariga jami 146 ming 500 nafar yoki 2016 yilga nisbatan 2 barobar ko‘p talaba o‘qishga qabul qilindi.

Aytish joizki aynan shunday yuqorida keltirib o‘tgan ulug‘ maqsadlarga erishish uchun O‘zbekiston Respublikasini 2019-2021 yillarda innovatsion rivojlantirish strategiyasining bosh maqsadlaridan biri inson kapitalini rivojlantirish bo‘lsa, boshqasi 2030 yilgacha Global innovatsion indeks reytingi bo‘yicha jahonning 50 ta ilg‘or mamlakati tarkibiga kirish etib belgilangani barchaning yodida, albatta.

So‘ngi yillarda davlatimiz rahbarining bevosita tashabbusi bilan ilm-fan, ta’lim va ishlab chiqarishni o‘zaro bog‘laydigan mustahkam mexanizm bosqichma-bosqich ishlab chiqilib, joriy etilmoqda. Mamlakatimiz rivojlanishida ilm-fanning rolini kuchaytirishga qaratilgan islohotlarning amaliy natijasi sifatida qator ilmiy, ta’lim va innovatsion tashkilotlar (tuzilmalar) tashkil etildi. 32 ta ilmiy-innovatsion tuzilmalar (6 ta texnoparklar, 8 ta ilmiy markazlar va 18 ta ilmiy- tadqiqot institutlari) hamda yangi 29 ta oliy ta’lim muassaslari va ularning filiallari shular jumlasidandir.

Zero, faqat tinchlik hukm surgan, adolat tamoyillariga og‘ishmay amal qilingan jamiyatdagina barcha qadriyatlar taraqqiy etadi. Bu holatlar milliy-ma’naviy qadriyatlarimizni yanada kengroq o‘rganish imkoniyatlarini ochish bilan birgalikda o‘sib kelayotgan yosh avlodni yurtimizning haqqoniy tarixi bilan qiziqishlarini yanada oshiradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1.Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. –T.:O'zbekiston. 2016 y., 9-bet

2.Karimov I.A. Biz kelajagimizni o'z qo'limiz bilan quramiz. - T.: O'zbekiston. 1997y., 184- bet.

3.https://xs.uz/uzkr/post/uchinchi-renessans-pojdevori-insonparvarlik-va-ilm-marifat-asosiga-tiklanmoqda

# ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҒОЯСИНИНГ ЎРНИ.

**Ахмаджон Хайдарович Худаёров. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)., доцент**

**Турсунмуродова Азиза Дилмурод қизи.ТАҚИ архитектура факультети 2-босқич талабаси.**

Тошкент архитектура қурилиш институти.

ahmad1404@mail.ru.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” атамалари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантирмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида IX –XII асрларда кечган биринчи, XIV –XVI асрларда кечган иккинчи ренессанс даврлари ҳам халқимизнинг буюк истеъдоди, қанчалар катта меҳнати, синов ва уқубатларга чидами ҳамда сабр-бардошлилигининг маҳсули бўлиб кириб келган.

Ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу сабабли биз ислоҳотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз.

Бунинг учун аввало Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар,

Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”[13]. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш, миллий ва умуминсоний қадриятларимиз асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.

Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда ёшлар онгини ягона ва ўзгармас қолиплар воситасида шакллантириш, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга доир мақсад-муддаоларга ҳам тўғри келмайди.

Бу борада Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек “таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар аҳволи танқидий таҳлил қилиб, тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур”[14]. Дарҳақиқат мамлакатимизда учинчи ренессанс ғоясини тарғиб этишда миллий ва умуминсоний қадриятларлар билан боғлиқ мураккаб вазифалар турибди.

Ёшлар маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун нималарга асосланиб иш олиб бориш керак, деган саволга Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А Каримов “тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай тахдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин”[15] деб жавоб берган эди.

Мамлакатимизда учинчи ренессанс ғоясини тарғиб этишда миллий ва умуминсоний қадриятларимизнинг ўрни хусусида бир қатор таклифлар мавжуд, жумладан:

---

[13] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Тасвир”, 2020. – Б. 8.

[14] Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 44.

[15] И.А Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 116.

- Ёш авлодга ренессанс нима эканлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларимиз хақида мунтазам тушунчалар бериб бориш керак. Бу жараённи нафақат ўрта махсус, олий таълим тизимида керак бўлса, маҳаллаларда уюштириладиган тадбирларда тушунтириш, мактабгача таълим муассасаларида масала юзасидан илк тушунчаларни шакллантиришга эътибор қаратиш:
- Оммавий ахборот воситаларда “Ренессанс” нинг маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдирадиган материаллар билан бойитиш:
- мамлакат телевиденияси инфармацион дастурларида мамлакатимизда учинчи ренессанс ғоясини тарғиб этишда миллий ва умуминсоний қадриятларимизнинг ўрнига оид маълумотлар баъзасини миллий маънавиятимиз, ғоямиз ва менталитетимизга ёт бўлган ахборотлар хуружига нисбатан қизиқарли ҳамда кучлироқ қилиб тайёрлаш:
- Юртимиздан Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий каби буюк даҳолар, буюк муҳаддислар — Бухорий, Термизий, мутакаллимлар — Мотуридий ва Абул Муин Насафий ҳамда бошқа атоқли дунёвий ва диний алломалар ҳамда Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи, Лутфий, Жомий, Навоий, Беҳзод каби дунёни лол қолдирган аждодларимиз ҳаёт йўлларини ифода этадиган сифатли бадиий ва ҳужжатли филмларнинг кўпайтириш:

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, ўтмиш ренессанслари даврида аждодларимиз нималарга эришганини, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини, бошқа халқлар, минтақалар ютуқлари билан таққослаб, жаҳоннинг етакчи маданиятларидан, илм-фани, санъати ва адабиётларидан бирини, илғор ижтимоий фикру қарашларини яратганини қисқа, лўнда, дабдабали жумлаларсиз ёритиш зарур.Учинчи Ренессанс ғоясини ўқитиш ва кенг жамоатчилик онгига етказишда ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш, меъёрдан ошириб юбормаслик талаб этилади.

Бугунги кунда таълим-тарбия соҳасидан тортиб, матбуот, телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтириш, янги босқичга кўтариш зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Тасвир”, 2020. – Б. 8.
2. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 44.
3. И.А Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 116.

# УЧИНЧИ РЕНЕССАНС – ВАТАНИМИЗНИНГ МИЛЛИЙ ҒОЯСИ СИФАТИДА.

**Аъзам Абдуллаев**
**ТМИ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси**
**azamjonabdiyevich@gmail.com**

Президент Шавкат Мирзиёев тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон миллий ғоясининг янги ва аниқлаштирилган мазмунини ифодалади. Учинчи Ренессанс ғоясини, аввало, жамиятимиз чуқур англаб олмоғи керак. Ҳар жабҳада, соҳада қиладиган ишларимиз, режаю истиқбол дастурларимиз, таълим-тарбия ва кадрлар сиёсати, инвестицион сиёсат — барчаси унга шароит ва муҳит яратишга қаратилмоғи лозим.

Ренессанс луғавий французча ―қайта туғилиш деган маънони англатади. Атама сифатида унинг мазмуни анча кенг: маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради. Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассиблигидан кейин XV-XVI асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган. Ренессанс аталмиш мазкур ижтимоий ҳодиса ўзбек тилига Уйғониш даври деб ўгирилган. Австриялик атоқли шарқшунос Адам Мецнинг 1909 йилда ―Мусулмон Ренессанси номли фундаментал асари чоп этилган. Шундан буён Ренессанс фақат Европага оид ҳодиса эмаслиги, уни Шарқ халқлари европаликларга нисбатан аввалроқ бошдан кечиргани тўғрисидаги қарашлар ва тадқиқотлар пайдо бўла бошлади. Россиялик буюк шарқшунос академик Н. Н. Конрад Ренессанс VII — VIII асрларда Хитойда бошланиб, VIII асрда Ҳиндистонда давом этгани, ундан IX-XII асрларда ислом мамлакатлари эстафетани қабул қилгани, мўғул истилоси туфайли анча пасайиб қолган юксалиш Амир Темур ва темурийлар

даврида яна қайта гуркураб ўсганини таъкидлайди. У Ўрта Шарқ Уйғониш даврини Алишер Навоий замонасигача чўзади. Жавоҳарлал Неру Бобурни ҳам Ренессанснинг типик вакили, деб баҳолаган эди. XV асрдан Ренессанс Европага силжиди. Бу пайтга келиб Европа 300 —350 йил давомида ислом олимлари, жумладан, бизнинг буюк аждодларимиз асарларини, айниқса, Хоразмий, Фарғоний ва Ибн Сино асарларини лотинчага ўгириб, чуқур ўзлаштириб олган эди. Европа Уйғонишига жуда кучли таъсир кўрсатганлардан бири Ибн Рушддир. Европа фалсафаси ва илмий тафаккурида XVI аср ўрталаригача аверроизм (Ибн Рушд таълимотига асосланган оқим) мавқеини сақлаб турди. Афсуски, XVI асрнинг 30- 40 йилларида бизда анъанавий жамият узил-кесил қарор топди. Илмий, бадиий изланишларга ижтимоий эҳтиёж пасайиб кетди. Ўтмиш ютуқлари олдида қуллуқ қилиш, уларни идеаллаштириш ва фақат такрорлашга уриниш, янгиликларга салбий муносабат шаклланди. Аста-секин чуқур турғунлик ва инқироз бошланди. Улар нохуш ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, диний-мафкуравий, регионал низолар ва айирмачилик каби сабаблар билан қўшилиб қолоқ бўлиб қолишимизга, XIX аср иккинчи ярмида миллий мустақиллигимизни йўқотишга олиб келди. Ўтмишдан биринчи бўлиб теран тарихий хулоса чиқарган — жадид боболаримиз эди. Улар таклиф қилган ислоҳотлар миллатни қайта уйғотиш, тараққиёт томон буришни кўзлади. Аммо мустабид ҳокимият жадидлар ҳаракатини авж олмасдан бўғиб қўйди. Мустақилликка эришгандан кейин дастлаб чорак аср давомида миллий тикланиш билан шуғулланишга тўғри келди. Эндиликда миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтганимиздан кейин, учинчи Ренессансга эришишни давлат раҳбари стратегик вазифа этиб қўйди. Ҳақиқатан тарихан олганда биз икки Ренессансни бошдан кечирдик: биринчиси IX -XII асрлар, иккинчиси XIVаср охирги чораги XVIаср биринчи чораги. Биринчи Ренессансда юртимиздан Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий каби буюк даҳолар, буюк муҳаддислар — Бухорий, Термизий, мутакаллимлар — Мотуридий ва Абул Муин Насафий ҳамда бошқа атоқли дунёвий ва диний алломалар шуури оламни ёритди. Иккинчи Ренессансда — Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи, Лутфий, Жомий, Навоий, Беҳзод, буюк меъморлар, бастакорлар, мусаввирлар, тарихчилар чиқиб, бугун ҳам дунёни лол қолдираётган асарлар яратдилар. Ҳар икки Ренессанс даврида биз дунёнинг илғор, мутараққий халқлари қаторида эдик. Агар яна шундай даражага эришмоқчи бўлсак, Учинчи Ренессансни амалга оширмоғимиз зарур. Миллий ғоя аслида муайян халқнинг олий истиқбол мақсадини бир неча сўзларда ёки иборада мужассам ифодаловчи тушунчалар

ёки шиор, ибoрадир. У халқни ўша мақсад йўлида бирлаштиради, сафарбар этади. Халқ барча саъй-ҳаракатларини, интилишларини, бунёдкорлик фаолиятини унга 183 мувофиқлаштиради. Зарур бўлса, иқтисодий, ижтимоий муносабатларини, мамлакатнинг ҳуқуқий, сиёсий, мафкуравий асосларини, таълим-тарбия тизимини чуқур ислоҳ қилади. Миллий ғоянинг асосий вазифаларидан бири, аввало, халқнинг жипслигини, бирлигини, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдир. Иккинчидан, миллатнинг олий мақсадини, ривожланиш марраларини, мўлжалларини умумий тарзда аниқлайди. Миллий ғоя турли ибораларда ифодаланиши мумкин.

Истиқлолга эришганимиздан кейин дастлабки йилларда – Ўзбекистон - келажаги буюк давлат шиори олға сурилди. У амалда миллий ғоя вазифасини ўтади ва халқни бирлаштиришда, сафарбар этишда катта роль ўйнади. Мазкур жозибали шиорда урғу жамиятга эмас, давлатга берилганди. Кейинчалик миллий ғоя шаклан такомиллаштирилганда ―Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт‖ ибораси олға сурилди. Унда урғу сиёсий ташкилотга (давлатга) эмас, балки ҳар киши учун, сиёсий, мафкуравий қарашларидан қатъи назар, бирдек азиз Ватанга ҳамда шахс ва жамият ҳеч қачон бефарқ бўлмайдиган эркинликка ва фаровонликка қўйилди. Миллий ғоянинг бундай тушунчавий ифодаси анча мукаммаллик касб этди. Аммо унинг мазмунини, уни амалга ошириш вазифаларини очиб беришга етарлича масъулият билан ёндашилмади. Айниқса, у ислоҳотларнинг йўналишлари, соҳалари, турли босқичлари, амалдаги ва эҳтимолдаги муаммолари билан боғланмади. Натижада у мафкуравий чақириқ, қуруқ шиор даражасида қолиб кетди. Аниқ муаммолар ва вазифалардан йироқлиги учун одамларга таъсири аста-секин сусая бошлади.

Катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кутиб олинган ―Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт бугун иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётимизга реал таъсир кўрсатаётирми, деган саволга аниқ жавоб бериш анча мушкул. Миллий ғояни жонлантириш учун уни Учинчи Ренессанс ғояси билан бойитиш зарур. Фақат Учинчи Ренессансни амалга ошириб, биз озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон ҳаётни барпо эта оламиз. Ёки, яна қулайроғи, Учинчи Ренессансга эришишни миллий ғоянинг янги ифодаси, деб эълон қилиш мақсадга мувофиқ. Миллий ғоя жорий вазифаларни эмас, балки стратегик олий мақсадни ифодалайди. Шу маънода Учинчи Ренессанс ғояси истиқболга интилишга жуда мос келади. Мазкур ғоянинг сафарбарлик кучи, умуман, мафкуравий салоҳияти жуда юқори. Айни чоғда ўтмиш тарихимизнинг шонли саҳифалари, буюк аждодларимизнинг бунёдкорлик ва ижодкорлик салоҳияти билан боғланади. Бизга мазкур тушунча кимларнинг

ворислари эканимизни эслатиб туради. Янги Ренессанс йўлида халқимиз турли майда, вақтинчалик масалаларга, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, айирмачилик, мафкуравий мутаассибликнинг ҳар хил кўринишларига чалғимаслиги керак. Тарих сабоқларини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, Учинчи Ренессанс ғояси миллий руҳиятимизга, халқимиз армон-орзусига яқин. Шунинг учун ҳам биз ўз ишимизга масъулият билан қарасак, ўз ижодий ишларимиз, бунёдкорлик ҳаракатларимиз билан ватанимизнинг куч-қудратига, гуллаб-яшнашига имкон даражасида ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарурдир. Бу ҳар бир инсон учун ҳам фарз ҳам қарз ҳисоблади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. Мирзиёев Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қаттият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. Т.: 2017
3. Мирзиёев Ш.М. Мустақиллик-эзгу ниятларимиз, буюк мақсадларимиз рўёби йўлида қудрат манбаи. Президенти Шавкат Мирзиѐевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Янги Ўзбекистон, 2020 йил, 1 сентябрь.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизатсия ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005, 34-бет.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, 173-бет.


## FAMILY LITERACY RELATIONSHIP IN INNOVATIVE TEACHING SYSTEM AND CHILDREN’S PSYCHOLOGICAL DEVELOPMENT


**SattarovaFeruzaRustamkizi**

**Absalomova Diyora Ilxom kizi**

**Jizzakh State Pedagogical Institute**

**E-mail: address:** fsattarova1995@mail.ru



**Abstract:** In this article it is highlighted about further research in effectively teaching pupils based on Family Literacy Project. The implementation of using Family Literacy Project as an innovative experimental learning project for schools in Uzbekistan. The investigations devoted to this problem have been studied by

many scholars such as R. Bandler, J. Grinder, O'Connor, M. Baddeley, R. Millrood and others.

**The Purpose of this article** is to create the systematic drills based on parental and school education in teaching primary and secondary school pupils. It is vital to create cool environment between family and schools in gaining innovative learning project.

**Key words:** theoretical significance, adjustment, family patterns,international phenomena, children's literacy skills, school environment, literacy experiences, productivity, adulthood

## INTRODUCTION

Family literacy is a term with multiple definitions used to refer to both the type of discourse within families as well as to services that are provided to enhance the literacy skills of family members. In this chapter, we first consider definitions of literacy and how these have broadened over time, then we review several influences on the development of family literacy interventions, namely theoretical positions related to child and adult development; data on adult and child literacy levels; the relation between parent and child literacy skills; and immigration.

***Literacy Definitions***

In the early part of the 20th century, the term "literacy" was defined by the terms "reading" and "writing" and was seen primarily as a set of skills gained through schooling. This conceptualization of literacy as a set of skills has been described by Barton as "One of the most powerful metaphors for literacy in public discussions of reading and writing"[16]. Elaborating on the metaphor of skills, Barton noted that "It underpins the way politicians and the media discuss literacy issues" and it is also "behind discussions and headlines on falling standards, the need to improve the teaching of reading and the 'problem' of adult literacy.

### METHODS

An analysis of the research literature indicates specific skills and abilities of children ages birth through 5 years that predict later reading outcomes.
Key predictive skills and abilities include:

- **Oral language**
  listening comprehension, oral language vocabulary
- **Alphabetic Code**
  alphabet knowledge, phonological/ phonemic awareness (the ability to discriminate sounds in words), invented spelling

- **Print Knowledge/Concepts**
  environmental print, concepts about print

  Other less significant indicators include: Rapid Automatic Naming (RAN); visual memory; and visual perceptual abilities.

  How young children acquire early literacy and its oral language foundation has gained the attention of educators and policymakers. Research establishes four major principles of early literacy acquisition:

  Oral language is the foundation for literacy development.

  Oral language provides children with a sense of words and sentences and builds sensitivity to the sound system so that children can acquire phonological awareness and phonics. Through their own speech children demonstrate their understanding of the meanings of words and written materials.

  **Supporting evidence**

- Children reared in families where parents provide rich language and literacy support do better in school than those who do not. Languagepoor families are likely to use fewer different words in their everyday conversations and the language environment is more likely to be controlling and punitive.[3]

- Exposure to less common, more sophisticated vocabulary (rare words) at home relates directly to children's vocabulary acquisition. Rare words are those that go beyond the typical 8,500 most common words in the English language.[4]

- There is a strong relationship between vocabulary development and reading achievement. Understanding the meanings of words is critical to understanding what a child reads. Good readers combine a variety of strategies to read words. Even when children have strong familiarity with the alphabetic code, they frequently meet words for which the pronunciation is not easily predictable.

  Children who acquire strong vocabularies increase their ability to make sense of what a word might be while using what they know about phonics.[5]

  Children's experiences with the world greatly influence their ability to comprehend what they read.

  Reading involves comprehending written texts.What children bring to a text influences the understandings they take away and the use they make of what is read.

  **Supporting evidence**

- Background knowledge about the world is built from a child's experiences.

- The more limited a child's experiences the more likely he or she will have difficulty comprehending what is read.

Learning to read and write starts long before first grade and has long-lasting effects.

Learning to read and write is an ongoing process from infancy. Contrary to popular belief, it does not suddenly begin in kindergarten or first grade. From the earliest years, everything that adults do to support children's language and literacy is critical.

## DISCUSSION

It is extensively mentioned about primary notions and techniques on the sphere of the usage of Family literacy project for schools leraners as an innovative experimental learning project. Since the beginning of XX century, there have been done plentiful studies toward correlation of teaching primary and secondary school students depending on relationship between family and school.

Indeed, it is so important that FamilyLiteracy Project as innovative experimental learning project is formed by absorbing the advantages of a variety of previous teaching methods. It does not exclude other teaching methods. The Family Literacy Project organizes teaching coolrelationship between Family and School by using practical activities. And in the process of task fulfillment, participates in, experiences, interacts, communicates, and cooperates in the learning mode. It fully utilizes the learners' own cognitive abilities and mobilizes their existing target language resources. Perceiving, recognizing and applying the target language in practice reflect a more advanced teaching concept and is an effective foreign language teaching method worthy of promotion. This new applied teaching method completes a variety of task activities to help stimulate students' interest in learning. In the process of completing the task, the combination of language knowledge and language skills will help students develop comprehensive language skills. It can promote students to actively participate in language exchange activities, inspire imagination and creative thinking, and help students to play a role in the subject in developing communicative competence.

Still, there is giant proof to the contrary. It is additionally often inferred or even noted that older ideas were definitely ineffective or have died out completely when even the oldest ideas are still used e.g. the V.I. Andreev version of the didactic principles. One motive for this state of affairs is that proponents of new components of standards have been so positive that their thoughts are so new and so right that they should no longer conceive that the older ones have adequate

validity to cause controversy. This used to be in flip brought about through emphasis on new scientific advances, which has tended to blind researchers to precedents in older work.

GSL helps parents to re-enter education and to foster early learning in their children. This innovative and highly successful program is funded by the Regional Municipality of Waterloo Social Services. Community partners include Our Place Family Resource and Early Years Centre, Stanley Park Community Centre, Mill-Courtland Community Centre and Cambridge Self Help Food Bank.
Please click here to see a video about our Get Set Learn family literacy program as reported by Leslie Gordon of CTV Southwestern Ontario.
View a parent testimonial about ***Get Set Learn Afterschool*** – http://www.youtube.com/watch?v=B25koniwNT4
**Certified Training** – We offer family literacy program training to literacy educators and community workers. Contact Joanne, our Family Literacy Coordinator, at 519-570-3054 or joanne@projectread.ca for more information.
***What do families gain from participating in our family literacy programs?*** In an independent evaluation, it revealed that parents and children had:

- Increased knowledge and skills regarding how to foster emergent literacy and home literacy activities
- Increased reading, writing and math activities at home
- Increased confidence and more positive attitudes towards learning and school
- Increased awareness of their own Essential Skills and how they are used at work, home and in the community

**Family Literacy Booklets** – We provide our "Let's Play Literacy" booklet to parents and others who are looking for literacy tips. The 16-page booklet contains information to make literacy play fun and interactive for babies to preschoolers. It includes the following topics: 3 key literacy messages, helping your child when you are not a good reader, reading with your child, choosing books for different ages, getting ready for literacy, talking to the school, and activities for babies, infants, toddlers and preschoolers.

**CONCLUSION**

All in all, Family Literacy Project (FLP) is a lesson structure, a method of sequencing activities in your lessons. Sometimes called 'Family Literacy Project teaching', FLP teaching students solve a task that involves an authentic use of language, rather than being active at school environment . FLP is a good way to get students engaged and using their mental ability. That, plus the collaborative element, builds confidence with language and social situations. It's also been shown to be more aligned with how we actually learn a language. In language instructing it is quintessential instructors to prepare how to choose

approaches effectively and how to develop learners' all skills according to their interests and ability.

In conclusion, each individual has a man or woman profile of characteristics, competencies and challenges that result from predisposition, gaining knowledge of and development. This show up as man or woman differences in intelligence, creativity, cognitive style, motivation and the potential to technique information, communicate, and relate to others.

## REFERENCES:

[1]. Auerbach, E.: 1989, 'Toward a socio-contextual approach to family literacy', *Harvard Educational Review* 59, 165–181.Google Scholar

[2]. Auerbach, E.: 1995, 'Deconstructing the discourse of strengths in family literacy', *Journal of Reading Behavior* 27, 643–661.GoogleScholar

[3]. Barbara Bush Foundation for Family Literacy. (1989). First teachers: A family literacy handbook for parents, policy-makers, and literacy providers. Washington, DC: Author.

# ЁШЛАРДА ҲАЁТИЙ МАҚСАД ВА ПОЗИЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Маматкулов Санжар Тошпулатович

Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

E-mail: 1984sanjar@mail.ru

Норбобоева Нафиса Эркин қизи

Жиззах давлат педагогика институти талабаси

E-mail: nafisanorboboyeva@mail.ru

Мамлакатимизнинг тараққиёти ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқдир. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ҳусусда тўхталар экан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев "Ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги

авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур”[17], деб таъкидлайдилар. Шунингдек, аҳолисининг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатимизда ёшларни мустаҳкам ҳаётий позиция ва ҳаётий мақсадларга эга фаол шахс қилиб тарбиялаш илм-маърифат соҳаларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, янгиланаётган Ўзбекистон шароитида ёшларнинг ҳаётий мақсадлари ва фаолиятининг умуммиллий манфаатлар ва жамиятнинг мақсадларига нечоғлик ҳамоҳанг шаклланиши ижтимоий тараққиётнинг кафолати бўлиб ҳизмат қилади.

Жамиятнинг энг муҳим қатлами ҳамда ижтимоий ўзгаришларнинг генератори сифатида ёшлар кўплаб ижтимоий фанларнинг ўрганиш предмети бўлиб ҳисобланади. Табиийки, ижтимоий фанларнинг ҳар бирида ёшлар тушунчасига ўзига ҳос мазмун-моҳият юкланади. Социологлар, жамиятшунослар орасида биринчилардан бўлиб ёшларга фақат уларга хос бўлган маданий хусусиятлар, ўзига хос қизиқишлар, қадриятларга ва ўзини тутиш нормаларига эга бўлган ижтимоий гуруҳ сифатида қаралади, биринчи навбатда ижтимоий илдизларга эга бўлган ёшларнинг ўзига хос муаммолари ҳақида фикр юритилади. Ёшлар ҳусусиятларини аниқлашга доир илмий ёндашувлар жамиятни қайта тиклаш ва ривожлантириш тизимида ёшлар эгаллайдиган ўзига хос ҳолатларга пухта эътибор беришни талаб қилади.

Турли даврларда ёшлик ва етуклик андозалари турлича белгиланган. Қадимги мутафаккирлар ҳаётий циклни йил фаслларига ўхшаш тарзда бўлиб чиқишган. Масалан, Пифагор болалик ваёшликни қамраб олувчи “баҳор” 20 ёшгача, “ёз” 20 ёшдан 40 ёшгача, сермаҳсул етуклик ҳисобланган “куз”эса 40 ёшдан 60 ёшгача давом этади деб ҳисоблаган.

Ўрта асрларда ёшлик чегараси кўпроқ катта ёш мақомига эришиш шартини тартибга солувчи оддий ҳуқуқнинг юридик мезонлари ва нормалари билан боғланган. Масалан, Англияда киши 23 ёшга етмас экан у кўпроқ, бироқ доимо бўлмаса ҳам, бебош бўлади, тўғри фикрлай олмайди ва ўзини бошқариш учун етарлича тажрибага эга бўлмайди” деб ҳисобланган. 24 ёшга етиб ва ўқувчилик муддатини якунлаб, у оила қуриши ва хусусий иш очиши мумкин бўлган[18].

Янги даврда ёшликнинг шартли ижтимоий-руҳий чегаралари кенгайди. Жумладан, ўсмирлик ёшларнинг икки тоифасини – гўдаклар ва вояга етмаганларни ўз ичига олади. Гўдаклар - бу 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалардир. Вояга етмаганлар – бу 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслардир.

---

[17] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020. Интернет ресурс: https://prezident.uz/uz/lists/view/3324.

[18] Вrаке М. The cosiology of youth cultures and youth subcultures in America, Britain and London: Rouledge & Kegan Paul, 1995. P.43.

Алоҳида ижтимоий даъволари билан ажралиб турувчи “тинейжерлар” тушунчаси ушбу тоифа билан боғлиқ.

Замонамиз олимларидан В.В. Павловский мазкур гуруҳнинг ёш доираларини ўсмирлик ва балоғатга етганлик умумийлиги ўртасида ўтиш ҳолатини эгалловчи 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган давргача деб белгилайди[19].

Умуман олганда, ёшлик 16-30 ёш чегарасини қамраб олиб, бу давр кишининг муҳим ҳаётий мақсадлари, мўлжаллари ва ҳаётий позицияси қарор топадиган даврдир. Ҳаётий режаларни шакллантириш ёшларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Ҳаётий режа мақсадларни умумлаштириш натижасида келиб чиқади, у эса ўз олдига шахсни қўяди, бу ҳодиса бир вақтнинг ўзида ижтимоий ва ахлоқий хусусиятга эга. Ҳаётий режа ушбу сўзнинг аниқ мазмун-моҳиятига кўра охирги натижа эмас, унга эришиш усуллари мулоҳазалар предмети бўлганда юзага келади[20].

Инсонда мақсадлар гарчи абстракт кўринишда гўдаклик давридаёқ пайдо бўла бошласа-да, бироқ ўз имкониятларини чамалаш ва воқеаларнинг қай йўсинда кечишига қараб мўлжал олишдан келиб чиқадиган муҳим ҳаётий мақсадлар ёшлик даврида жадал шаклланади. Ҳаётий мақсад, бу – инсон ўз фаолиятларидан кутадиган натижа бўлиб, ҳоҳиш-истаклар ва имкониятлар тўқнашувида содир бўлади. Инсон ўзининг келажак ҳаётини қандай тасаввур этиш истагидан келиб чиқиб ўз олдига муайян мақсадлар қўйиб яшайди. Демак, мақсадлар инсон фаолиятининг ҳаракатлантирувчи кучи, шу билан бирга ҳаёт мазмунини ташкил қилади.

Америкалик социолог Роберт Мертоннинг девиацияга доир назариясида ҳаётий мақсадлар шахснинг жамиятдаги ўрнини белгилаб берувчи муҳим омил эканлиги илмий асосланган. Унга кўра шахснинг ўз олдига қўйган мақсадлар ва уни амалга ошириш воситаларининг умумижтимоий мақсадлар ва воситалар билан муносабати шахсда муайян ҳаётий позицияни қарор топтиради[21]. Шахсда конструктив ҳаётий позициянинг қарор топиб бориши инсон ҳаётий мақсадларининг қанчалик тўғри шакллантирилиши ҳамда жамиятнинг бу мақсадларни рўёбга чиқариш имконияти билан белгиланади.

Ёшларнинг ҳаётий позицияси ҳаётда тутган ўрни ва ўз вазифасини тўғри англаши хамда уни рўёбга чиқариш учун ўзига хос йўлланма бўлиб хизмат қилади. У жамият учун ё сермаҳсул, ё шахснинг пассивлигига олиб борувчи чекланган, барқарор бўлмаган, мустақилликка ёд бўлиши мумкин. Олимларнинг фикрича, “ёшлик чоғида ўзини ифодалаш, ўзини рўёбга

[19] Павловский В.В. Ювентология: проект интегративной науки о молодежи. - М,, 2001. С.74.

[20] Кон И С. Психология ранней юности. -М.: Проевведкие, 1989. С. 191.

[21] Мертон Р. Социальная теория и социальная структура / Роберт Мертон. — М.: АСТ: АСТ МОСКВА: ХРАНИТЕЛЬ, 2006. С.255.

чиқаришга эҳтиёж пайдо бўлади, ўзини рўёбга чиқариш соҳасини ва унинг усулларини танлаш, энг аввало, ёшлик йилларида юз беради”[22].

Ҳаёт фаолияти соҳасида ёшларнинг хулқ-атвори стратегияси кўп жиҳатдан уларнинг ижтимоий йўналишларига, ёш инсон ҳаётда ўзини қандай кўрмоқчи эканлигига, жамиятда қандай мавқени эгалламоқчилигига боғлиқдир. Келажакка тик қарай олиш, ҳозирги вазиятга тўғри баҳо бериш фақат билимга эмас, балки оқилона эҳтиёжларнинг шаклланишига, фаол ҳаётий позицияга ҳам боғлиқ. Ёшлар ўзларининг ҳаётий йўлида ўз олдиларига қўядиган мақсадлар кўп жиҳатдан, ҳеч бўлмаса, яқин йилларда уларнинг юриш-туришини белгилаб беради. Шу сабабли барқарор қадр-қимматга эга йўналишларни шакллантириш жараёни жуда муҳимдир.

Ижтимоий ўз ўрнини белгилаш ва ўзини ахтариш дунёқарашнинг шаклланиши билан, яъни дунёга ва инсоннинг ушбу дунёдаги ўрнига бўлган қарашларнинг умумий тизими билан чамбарчас боғлиқ[23].Таълим-тарбия, ҳаётий тажриба ва ижтимоий ўзгаришлар ёшлар дунёқарашини шакллантируви муҳим омиллар сифатида уларнинг ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишида фундаметал аҳамият касб этади. Инсон дунёқараши қанчалик кенг ва рационал бўлса, унинг ҳаётий мақсадлари ва позицияси шу қадар аниқ ҳамда реал қийматга эга бўлиб боради.

Фикрларимизни мухтасар қилиб айтганда, ёшлик ҳаётий мақсадлар, мўлжаллар ва фаол дунёқараш қарор топадиган давр. Бу даврда шахсда шаклланадиган идеаллар ва қадриятлар тизими унинг ҳаётий позициясини белгилаб беради. Шу боисдан ҳам шахс тарбияси аввало ёшларда тўғри мақсадлар ва конструктив ҳаётий позицияни шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Зеро, инсоннинг ҳақиқий баҳоси, қадр-қиммати нафақат унинг билим даражаси ёки ақлий салоҳияти билан, балки унинг ҳаётдаги олий мақсадлари ҳамда танлаган йўлининг нечоғлик жамият манфаатларига уйғун келиши билан белгиланади.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020. Интернет ресурс: https://prezident.uz/uz/lists/view/3324.
2. Вrаке M. The cosiology of youth cultures and youth subcultures in America, Britain and London: Rouledge & Kegan Paul, 1995. P.43.
3. Павловский В.В. Ювентология: проект интегративной науки о молодежи. - М,, 2001. С.74.


[22] Абульханова К. А. Стратегия жизни. -М.: Мысль, 1991. С.255.

[23] Мировоззрение // Философский энциклопедический словарь.- М., 1983. С.375.

## Учинчи ренессанс ғоясининг ёшларда моддий-маънавий меросимизга дахлдорлик ҳиссини шакллантиришдаги ўрни

**Набиев Алижон Муқимович**

**Навоий вилояти Нурота туман**

**37-сон умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси**

abduraufraxmanov19713534@gmail.com

Аҳолининг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама маънавий баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, юртда амалга оширилаётган ислоҳотларга бефарқ бўлмаган, юртнинг эртанги муносиб келажаги учун дахлдорлик ҳисси шаклланган, мақсадга интилувчан, серғайрат, ватанпарвар, садоқатли, комил шахслар сифатида тарбиялаш Янги Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олишининг муҳим омилидир. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интелектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”[24] – деб, таъкидлаб ўтдилар. Албатта, бугунги кунда бу борада юртимизда барча соҳаларда улкан ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёшларимизнинг билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари, иқтидори ва лаёқатини намоён қилишлари учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Албатта, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш ғояси ва Учинчи Ренессанс асосини яратиш борасидаги ташаббуси бугун реалликка айланиб бормоқда. Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграб, халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантирмоқда. Жумладан, ёшларимиз ўзларининг ватанпарварлиги, меҳнатсеварлиги, илмга чанқоқлиги ва олиб борилаётган ислоҳотларда дахлдорлик ҳиссини сезган ҳолда фаол

[24] Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: Ўзбекистон, 2016й 14-бет

қатнашмоқдалар. Айниқса, ёшларимизнинг ўз олдиларидаги бурч ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда юртимиздаги бой маънавий ва маданий меросимизни авайлаб асраш, келажак авлодларга етказиш борасидаги фаоллиги ҳамда ушбу меросдан фахрланиш, ғурурланиш ҳисси янада ортиб, уларни чуқурроқ ўрганишга дунё ҳамжамиятига тарғиб этишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: "Бизнинг энг асосий ютуғимиз – кўп миллатли халқимизнинг вужудга келаётган қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, замонавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир"[25].

Жумладан, Туманимиз марказида жойлашган нурота шаҳар "Чашма" тарихий-меъморий мажмуаси хусусида тўхталиб ўтсак, "Юртимизнинг бой тарихга эга бўлган Нурота шаҳри географик жиҳатдан Ўзбекистоннинг марказида жойлашган бўлиб Нурота тумани шимолий-шарқдан Жиззах, жанубий-шарқ ва шарқдан Самарқанд вилоятлари, ғарб ва жанубий-ғарбдан Навоий вилоятининг бошқа туманлари билан чегарадошдир. Шу билан бирга шаҳарнинг тарихи ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Нурато ёки Нури Бухоро номи билан тарих саҳифаларидан ўрин олган мазкур тарихий шаҳар ҳақида Абу Бакр Наршахий маълумот бериб, уни Бухоро таркибидаги тарихий жой сифатида қайд этади. Наршахий IX-X асрларда яшаб ўтганлигини назарда тутадиган бўлсак ва унинг бу ҳудуд ҳақида ўша даврда маълумотлар ёзиб қолдирилганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда Нурнинг қадимийлигига шак-шубҳа қолмайди. Меъморий ёдгорликлар асосан Шайбонийлар даврининг маҳсулидир ва кейинги даврларда яъни манғитлар сулоласи ҳукмронлик қилган вақтда таъмирланган. Наршахийнинг ёзишича, Нурда жомеъ масжиди ва работлар бўлган. Зиёратга келувчиларнинг асосий қисми Бухоро аҳолиси, шунингдек, бошқа жойлардан ҳам бу ерга кўплаб кишилар ташриф буюришган. Ҳозирги вақтда ҳам бу ерга келувчиларнинг аксарияти Бухоро ва унинг атрофидандир. Наршахий Нур зиёратига бориб қайтганларни ҳожилар фазилатига эга бўлиши тўғрисида ҳам ёзиб қолдирган.

Нурнинг зиёратгоҳ бўлиши, бу жойдаги ерда муқаддас қадамжоларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Муқаддас булоқ, балиқлар, тарихий обидалар, Саъид ад-Дин Абул Хасан Нурий, Ар-Румий сингари тарихий шахсларнинг қабрлари мавжудлиги, шунингдек, араблар истилоси даврида Мовароуннаҳрга келиб қолган ва шу тупроқда фонийликдан

[25] Мирзиёев Ш.Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: "Ўзбекистон" 2019й, 1-том, 46-бет

боқийликка кетган ҳамда Нурда дафн этилган тобеинлар қабрлари борлиги шундан далолат беради”.[26]

Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йили Навоий вилоятига ташрифи чоғида Нурота туманидаги «Чашма» зиёратгоҳи атрофини кенгайтириш ва ободонлаштириш, сайёҳлар учун замонавий меҳмонхона қуриш юзасидан берган кўрсатмалар асосида чашма атрофида жойлашган «Чилустун» ва «Панжвақта» масжидлари, Абул Ҳасан Нурий мақбарасини реконструкция қилинди. Зиёратчи ва чет эллик сайёҳлар учун қулайликларни ошириш, талаб юқорилигини инобатга меҳмонхоналар қурилди, сайёҳларга хизмат турларини кўпайтириб, аҳолини қўшимча даромад билан таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Бугунги кунда ушбу масканга нафақат туман ва вилоятимиз ёки Республикамизнинг бошқа шаҳар, туман ва вилоятларидан балки, дунёнинг кўплаб давлатларидан сайёҳлар келиб, юртимиздаги ўзгаришлар, ривожланишлар, амалга оширилаётган ислоҳотларга юқори баҳо бериб кетмоқдалар. Албатта, буларнинг барчаси Янги Ўзбекистонни борпо этишда ёшларимиз онгида миллий ғурурни, ватанпарварликни, ўз юртига садоқатни, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни шакллантириш, юртимиздаги бой маънавий ва маданий меросни авайлаб асрашда дахлдорлик ҳисссини янада ошириб боришимизда янгидан янги куч-ғайрат бағишлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: Ўзбекистон, 2016й 14-бет
2. Мирзиёев Ш.Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: “Ўзбекистон” 2019й, 1-том, 46-бет
3. https://archive.uz/post/nurota-shahar-chashma-tarikhii-memorii-majmuidagi-chashma-buloq-howuzi-chilustun-wa-jome-masjidlari


[26] https://archive.uz/post/nurota-shahar-chashma-tarikhii-memorii-majmuidagi-chashma-buloq-howuzi-chilustun-wa-jome-masjidlari

# Фуқаролик жамиятининг  ижтимоий-фалсафий таҳлили

Мусаев Собиржон
СамДУ  Юридик факултети фалсафа йўналиши 4-босқич талабаси

**Аннотация**

*Мазкур мақолада демократик тамойилларнинг асосий белгилари ҳақида сўз боради. Фуқа+ролик жамиятининг асосий белгиси ҳисобланган демократиянинг асл моҳияти тўғрисида фикр юритилган. Давлат тузилишининг шакллари ва фуқаролик жамиятининг афзалликлари кўрсатиб ўтилган. Демократия кишиларнинг зарурий эҳтиёжларини қондиришнинг бирламчи асоси сифатида кўриб ўтилган.*

***Калит сўзлар:*** *фуқаролик жамияти, демократия, монархия, диктатура, заруријат, эҳтиёж, манфаат.*

Фалсафий билимлар иникоси шуни кўрсатадику, инсонни ҳаракатга келтирувчи куч қўрқув ва манфаатга асосланган бўлади. Эҳтиёж ва заруријат эса жамиайтни тараққиётининг асосини ташкил этади. Тарихий тараққиёт жараёнлари шундан далолат берадики, инсонларининг ҳуқуқ ваеркинликлари кафолатланган, фуқаролари бурч ва мажбуриятларини англаган жамиятнинг ривожланишигина прогрессив ҳарактерга эга бўлади. Демократик жараёнларнинг қай даражада шаклланиши ва ривожланиши фуқароларнинг маънавий ва маърифий эҳтиёжининг қондирилганлиги билан бўғлиқдир. Фуқролик жамиятида биз тилга олган маънавий янгиланишлар ўзига хос заруријат ва имконият даражалари билан белгиланади.

Жаҳонда мавжуд давлатларнинг ўз бошқарув тизими, ижтимоий ҳаётга хос бўлган қоидалари мавжуд. Шунга кўра давлатнинг ҳам бир қанча турлари мавжуд. Юнон файласуфи бўлган Платон фикрига кўра; давлатлар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Фозил шаҳар
2. Тимократик шаҳар
3. Олигархия шаҳри;
4. Демократия шаҳри;
5. Тирания шаҳри; [1:608]

Форобий фозил одамлар шаҳрига зид бўлган, яъни мъанавий ва ахлоқий ривожланиш ўта паст бўлган давлатларни уч турга бўлади:

1. “Ал-мадинаал-жаҳила” (жоҳил одамлар шаҳри);
2. “Ал-мадинаал-фасиқа” (фосиқ одамлар шаҳри);
3. “Ал-мадинаал-заллаҳ” (залолатга берилганлар шаҳри); [63-73]

Давлат ва кишилик жамиятларининг турларига кўра ажратиш, бу мамлакат кишиларининг ҳам дунёқарашини очиб беради. Давлатларнинг

юксалиши кишиларнинг маънавий ва ахлоқий қарашларининг қанчалик дунё тан олгани билан ҳам тавсифланади. Бу борадаги лобаллашув ҳам муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда шаҳарларнинг ижтимоий муҳитидан келиб чиқиб уларни маълум турларга бўлишимиз мумкин. Фаробий таснифига кўра, жохил давлатларнинг: (а)керакли шаҳар(ал-мадинаал-зарурия); (б)жоҳил шаҳар(мадинаал-нажалла); (с) асос шаҳар (мадинаал-ҳисса); (д) тимократия* шаҳри (ал-мадинаал-карамия); (э) деспотия шаҳри (ал-мадинаал-тагаллуб); (ф) демократик шаҳар (ал-мадинаал-жамаийя); . Бўлинишнинг бу каби шакли давлатларнинг олиб бораётган сиёсий ҳаракатларида яққол намоён бўлади.

Фуқаролик жамиятининг энг асосий белгиларидан бири бу демократиядир. Демократиянинг шаклланиши ва барқарор ривожланиши унинг ташкил топиш генезисига бевосита боғлиқдир. Демократиянинг прогрессив руҳда шаклланишида маънавиятнинг ўрни беқиёсдир. Аслида демократия маънавиятимиз ривожланиши учун бир асос, унинг бир бўлаги вазифасини бажаради. Давлатнинг маънавий қиёфаси унинг демократик хусусиятлари билан ҳам тавсифланади. Ф. Мусаев маънавиятнинг миллий демократик тараққиётдаги антологик моҳиятини қуйидаги йўналишларга ажратиб кўрсатади:

Биринчидан, миллий демократик тараққиёт ва ижтимоий-ахлоқий қадриятлар уйғунлиги;

Иккинчидан,шарқона ахлоқ-одоб билан шарқона демократиянинг уйғунлиги;

Учинчидан,миллий демократик тараққиётнинг ижтимоий меҳнатга, инсоннинг ижодий фаолиятига, дунёни, ён-атрофни ўзгартиришга йўналтирилган изланишларга боғлиқлиги;

Тўртинчидан,бозор муносабатларининг иқтисодий ҳаётга таъсиридан келиб чиқиб янги иқтисодий қадриятлар ва иқтисодий тафаккурнинг шакллантирилиши;

Бешинчидан, ижтимоий муносабатларда умуминсоний ахлоқий қадриятларнинг қарор топиши;

Олтинчидан,трансендентал қарашлар билан дунёвий билимларнинг муштарак томонларидан фойдаланиш;

Еттинчидан,инсоннинг ижтимоий маънавий камолоти – жамият тараққиётининг мақсади;

Саккизинчидан,шахсдаги сиёсий-ахлоқий фаолликка миллий демократик тараққиётнинг мезони сифатида қараш[3:234].

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, фуқаролик жамияти кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланган, озчиликнинг

манфаатлари ҳимоя қилинадиган, эркинлик, озодлик, кишиларнинг сўз эркинлиги ҳурмат қилинадиган жамиятдир. Бундай жамиятда давлат органлари фуқароларнинг эҳтиёж ва заруриятларидан келиб чиқиб қонунлар қабул қилади ҳамда унинг ижросини таъминлашда адолатли иш олиб боради. Бундай жамияда сайлов ва сайлов жараёнлари қадрият сифатида кўрилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Платон. Государство. – СПб: Питер. 2019. – 608 с.

2. Абу Наср ал-Фараби, Ал-сиясаҳ ал-Маданияҳ, Фаwзи Митри Нажжар, Беирут: ал-Матбааҳ ал-Катҳуликийяҳ, 2014, алл транслатионс аре фром, Алфараби, Тҳе Политисал Региме, транслатед бй Фаузи М. Нажжар, ин Медиевал Политисал Пҳилосопҳй: А Соурсебоок, эдитед бй ралпҳ Лернер анд Муҳсин Маҳди, - Неw Ёрк: Фрее Пресс 2013. – 63-73 н.

3. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 234 б.

## МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ НЕГИЗИ

Утанова Умида Агзамходжаевна
Камолиддин Беҳзод номидаги миллий
рассомлик ва дизайн институти,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.
filosofiya1111@mail.ru
(+99890 3531152)

Бугун дунё бўйича халқаро алоқалар, интеграция шунчалик шиддатли кечмоқдаки, энди уларни рационал йўлга қўйиш, инсониятнинг қайси моделга мувофиқ ривожланишини аниқлаш тадқиқотчилар, футуристлар учун долзарб илмий муаммога айланган. Лекин ҳозир бир нарса аниқ - инсониятнинг келгуси ҳаёти халқлараро, давлатлараро, маданиятлараро гуманитар алоқаларнинг кенгайиши, чуқурлашувидан иборат бўлади. Бу халқ маданиятининг, инсониятнинг тинч, ҳамкорлик ва интеграция асосида ривожланишининг императивидир.

Халқ маданиятининг тараққиётини ижтимоий муносабатлардаги демократик қадриятларнинг таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Халқ

маданиятининг ўзи моҳиятан демократик воқеликдир. Ушбу воқелик ўзича, ижтимоий ҳаётдаги демократик қадриятларсиз намоён бўла олмайди. Жамият ҳаётини демократлаштириш халқ маданиятидаги демократик хусусиятларни ҳам тўлалигича рўёбга чиқариш шартидир. Демак, жамият ҳаётига тааллуқли кенг миқёсдаги, экзистенциал кўринишдаги демократик қадриятлар бор, халқ маданиятининг ички тизимларига, ижтимоий-маданий жараёнларга, моддий ва маънавий бойликларга оид демократик қадриятлар мавжуд. Улар ўртасидаги фарқ уларнинг кўламида, экзистенциал намоён бўлишидадир, бироқ моҳиятан улар жамиятнинг стратегик мақсадларига хизмат қилади. Шунинг учун улар ўртасидаги фарқларни, тафовутларни эмас, уйғунликни, муштаракликни излаш мақсадга мувофиқдир.

Маданиятдаги умуминсонийлик халқаро принципларга, давлатлараро имзоланган конвенциялар ва ҳуқуқий нормаларга риоя этишда ҳам намоён бўлади. БМТ ва унинг институтлари (ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва б.) томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатлар умуминсоний аҳамиятга эга. Шу боис уларга риоя этиш, уларда белгиланган нормаларнинг миллий дастур, қонун, тартиблардан устунлигини тан олиш жамиятда умуминсоний қадриятларнинг қарор топаётганидан дарак беради.

БМТ ва ЮНЕСКО томонидан халқ маданиятини, маданий мерос ва тарихий обидаларни асрашга, халқлар, давлатлар ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга, инсоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинганки, уларни маданиятдаги умуминсонийликни умумпланетар миқёсда қарор топтириш шарти деб аташ мумкин. Давлатларни, миллий-сиёсий институтларнинг ушбу нормаларни жамият ҳаётига жорий этиши маданий ҳаётдан умуминсоний қадриятларнинг янада чуқурроқ ўрин олишини таъминлайди. Айниқса бу саъй-ҳаракатлар миллий маданиятлардаги инновацияга мойилликни кенгайтиради.

Халқларда, этносларда қадимдан ён-атрофдаги бошқа халқлар, этнослар билан ҳамкорлик қилиб, интеграцияга киришиб, умумий маданий борлиқ яратиш анъанаси юзага келган. Асрлар давомида бу анъана чуқурлашиб этносоциал борлиқнинг ажралмас қисмига, атрибутига айланган. Шу тариқа “ҳар бир этнос умуминсоний маданият ривожига ўз ҳиссасини қўшиб, шу билан бир қаторда бир этнос маданияти иккинчи этнос маданиятининг ижобий қирралари ҳисобига бойиб, янгича мазмун касб этиб боради. Интеграциялашув жараёнлари миллий ўзликни англаш ва миллий маданият равнақи ва ривожига кенг йўл очиб, потенциал имкониятларнинг

рўёбга чиқишини ҳам таъминлайди.”[27] Бугун полиэтник, яъни кўп миллатли бўлмаган давлат, сиёсий тузум йўқ.

Маълумки, миллий-ҳудудий белгилар миллий маданиятнинг ички потенциалидир. Ушбу белгилар ҳар бир ҳудудда, гоҳо бир қишлоқ ва маҳалла ичида ҳам ўзига хос ижтимоий-маданий воқелик сифатида келади. Уларда турли миллат вакилларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, тасаввурлари титул миллат вакилларининг маданияти билан уйғунлашади. Шу тариқа умумхалқ маданияти юзага келади.

Миллийлик халқ маданиятининг негизини ташкил этади. Миллийликни ўзига жо этмаган халқ маданияти йўқ.

Халқнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси энг аввало халқнинг ўзлигини, ватанини, юртини асрашида, маълум бир ижтимоий-жуғрофий ҳудудга мослашишида ва унда ўзига хос борлиқ яратишида кўринади. Ташқи хавф-хатарларга бирлашиб кураш, ўзлигини, ватанини душманлардан асраш халқни жипслашишга мажбур этади. Бу ташқи хавф-хатардир. Ички хавф-хатарларга табиий офатлар, юқумли касалликнинг тарқалиши, мусибатлар кабилар киради. Халқ шундай ташқи ва ички хавф-хатарлар билан курашиб ижтимоий-тарихий тажриба орттиради, ўзлигини, ватанини, миллийлигини асраш йўлларини топади. Халқ маданиятида ушбу тажриба бўртиб туради. Масалан, Тўмарис, Широқ афсоналарида, “Алпомиш”, “Фарҳод ва Ширин” достонларида халқимизнинг ватанни ҳимоя қилиш тажрибаси ўз аксини топган. Халқ мақоллари, қўшиқлари ва рақсларида эса инсондаги гўзаллик, поклик, иймон, ақлу идрок ва муҳаббат тараннум этилади, уларнинг ижодкорлари нафақат ўзининг орзу тилаклари ва ҳаётий тажрибаларини, худди шунингдек, ўзига тенгдош авлоднинг, ўзи вакили бўлган халқнинг ҳам ҳаётий тажрибаларини ифода этадилар. Экзистенциал маънода қараганда халқ маданияти энг аввало авлодлар ижтимоий-тарихий тажрибасининг маҳсулидир. Шунинг учун халқ маданияти қабул қилиш ихтиёрий бўлган бойликларнинг шунчаки йиғиндиси эмас, у авлодлар таяниши, қабул қилиши шарт бўлган, уларга номаълум келажак сўқмоқларини чироқдек ёритиб турадиган маёқ, дастурамалдир. Миллийлик ушбу маёқдан, дастурамалдан фойдаланиш демакдир.

Халқ турмуш тарзи ва хўжалик юритиш маданияти халқ маданиятининг қисмлари ичида энг барқарори, турғуни, ҳатто консервативидир. Ижтимоий институтларни қисқа вақтда ўзгартириш, эскиси ўрнига янгиларини барпо этиш мумкин, аммо “хўжалик-маданий типлар”ни дарров ўзгартириш амри маҳолдир. Оила, авлодлараро муносабатлар, ижтимоий-демографик ҳаёт, кишининг шаклланиши, соғлом вояга етиши,

[27] Маманазаров Н. Мустақиллик ва миллий – этник жараёнлар. –Тошкент: Фан, 2004.- Б.59 .

дам олиш ва ҳордиқ чиқариш, тарихий-маданий анъаналарни давом эттириш, шахснинг ўз ҳаётига муносабати, яъни ўзини бахтиёр ёки бахтсиз сезиши каби ўта муҳим соҳалар турмуш тарзи билан боғлиқдир. Инсон умрининг ярмидан зиёди оилада, турмуши кечадиган, энг яқин кишилари тўпланган даврада ўтади. Ушбу даврада у севишни, ардоқлашни, яратишни, яшашни ўрганади. З.Фрейд таъкидлаганидек, айрим олган одам ҳаётида ҳам, инсоният ҳаётида ҳам маданий омил бўлган муҳаббат, севиш кишини эгоизмдан альтруизм томон бурди.[28] Айнан оилада, турмуш тарзида шаклланган муҳаббат туйғуси одамдаги ҳайвоний инстинктни ижтимоий - маданий воқелик даражасига кўтаради. Аммо муҳаббатда миллийликдан кўра умуминсонийлик кўпроқдир. Лекин бу муҳаббатда ҳам миллий белгилар бўлишини рад этмайди. Масалан, Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Тоҳир ва Зуҳра, Алпомиш ва Барчин ўртасидаги ишқ-муҳаббатда миллий хусусиятларни илғаш қийин эмас. Ибо, иффат, садоқат, вафо, куёв томонга алоҳида ҳурмат кўрсатиш, ота-она, эл розилигисиз оила қурмаслик каби хислатларда миллий белгилар мавжуддир.

Тил нафақат миллий, шунингдек, халқ маданиятининг асосий белгиларидан биридир. Тил семиотик белгилар, ахборот алмашиш, мулоқот ҳақида жуда кўп ёзилган, махсус тадқиқотлар ўтказилган. Биз уларни такрорлаб ўтирмоқчи эмасмиз. Фақат шуни айтишимиз лозимки, тил халқ маданиятининг универсал, кўп функцияли воситаси сифатида миллийлик ва умуминсонийликни социум учун зарур ижтимоий-маданий борлиққа, маконга айлантиради, инсоннинг маънавий-руҳий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи қурол вазифасини ўтайди.

Ҳар бир халқ, миллат ўзининг ижтимоий-маданий борлиғини экзистенциал бутун воқелик сифатида идрок этади. Агар шундай яхлитлик бўлмаганида халқ ўзини яхлит халқ, ўзини яхлит миллат сифатида англамаган бўларди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Маманазаров Н. Мустақиллик ва миллий – этник жараёнлар. – Тошкент: Фан, 2004.- Б.59 .
2. Фрейд З. Избранное. Кн. 1. – М.: Прогресс, 1990. – С.32.
3. Алимасов В. Ницще ёхуд "Европа буддаси" // Ж.Фалсафа ва ҳуқуқ институти , 2006, 1 – сон. – Б.28


[28] Фрейд З. Избранное. Кн. 1. – М.: Прогресс, 1990. – С.32.

# MAMLAKATIMIZDA UCHINCHI RENESSANS G`OYASINI TARG`IB QILISHDA, ILM-FANDA YOSH XOTIN QIZLARNING O`RNI

Samarqand davlat universiteti
falsafa kafedrasi dotsenti (DSc)
Sultanova Gulnoza Sabirovna
*Тел: +998915278756*
*e-mail: sgulnoza33@mail.ru*

Samarqand davlat universiteti

Tangriberdiyeva Aziza Elmurod qizi

Yuridik fakulteti falsafa yo`nalishi 3- kurs talabasi

azizatangriberdiyeva@gmail.com

tel:+998912504030

**Annotatsiya**

Mazkur maqolada har qanday jamiyat va davlatning taraqqiyotining asosiy negizi bo`lgan mo`tabar zot ayol siymosi, hamda hozirgi kunda xotin-qizlarning turli sohalarda ilg`orlik bilan yuksak qadam tashlayotgani va ilm-fanda ulkan marralarni qo`lga kiritib kelmoqdaligi haqida fikr yuritilgan. Binobarin, xotin-qizlarning huquqlarini har tomonlama ta`minlash global muammolardan biri bo`lib kelayotgani va bu muammolar o`z yechimini topish maqsadida amalga oshirilayotgan keng qamrovli, samarali islohatlar to`g`risida ma`lumotlar keltirib o`tilgan.

**Kalit so`zlar**: ayol, oila, jamiyat, gender tenglik, ilm-fan, taraqqiyot, burch, huquq, imkoniyat, qonun, adolat, sog`lom hayot.

**Kirish.** Ilm-inson qalbiga sayqal beruvchi, ma`naviy, ruhiy dunyosini go`zallashtiruvchi, insonga shon-shuhrat keltiruvchi inson tafakkurining gultojidir. Ilm olish, dastavval, jamiyatimizning negizi, hayotimizning ajralmas qismi bo`lgan muqaddas qo`rg`on oiladan boshlanadi. Chunki oiladagi hayot tarzi, oilaviy muhit, ota-onaning bir-biriga bo`lgan o`zaro munosabatlari, farzandlar uchun ilk ilm olish dargohi hisoblanadi. Shuning uchun ham xalqimiz orasida “Qush uyasida ko`rganini qiladi”,-deya ta`kidlanuvchi naql bor. XXI asr axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalar asri bo`libgina qolmay, insonning mukammal mo`jiza ekanligiga yana bir bor amin bo`lgan holda uning ulug`lanishi va qadrlanishiga ham vosita bo`la olgan davr desak adashmaymiz. Insonning haqiqiy mukammal inson, shaxs bo`lib yetishtirish kabi murakkab vazifa esa, albatta ayolga

topshirilgan.Hech bir inson yo`qki o`z-o`zidan barkamollikka erisha olgan. Har bir insonning axloqiy kamoloti, ma`naviy taraqqiyoti, ruhan poklanishi, hamda jamiyatdagi faoliyatining ortida ham ayol siymosi mujassamlashdi.

**-Mavzuga oid adabiyotlar tahlili (Literature review).** O`tkir Hoshimov aytganidek, "Ayol kishiga avvalo ona deb qarasak, hammasi joy-joyiga tushadi"[1.B,24.] Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta`kidi bilan aytganda , "Ayol siymosi yaratganning tengsiz mo`jizasi bo`lib kelgan va hamisha shunday bo`lib qoladi".[2] *Zardushtiylik dinining asosiy qomusi bo`lgan "Avesto"da oila erki, xotin-qizlarning jamiyatda tutgan o`rni, onaning xonadondagi mavqei masalalari turli o`rinlarda har xil munosabatlar bilan qayd etilgan. Zardushtiylikda qiz bolaning tarbiyasiga alohida e`tibor berilgan. Bu ta`limotga muvofiq har bir ota-ona o`z qizini balog`at yoshiga yetguncha zamonasining barcha hunarlarini bilishini ta`minlashi, e`tiqodda bosiq, pokiza qilib tarbiyalashi zarur bo`lgan.[3.B,96.]* Qadimda antik davr buyuk faylasufi Platon davlatni boshqarish to`g`risidagi qarashlarida "Ayollar erkaklar bilan teng huquqlidirlar. Barcha kishilar hamfikrdirlar, ular o`rtasida umumiylikni yemiruvchi yoki davlatni tanazzulga olib keluvchi fikrlarga yo`l qo`yilmaydi. Davlatni qo`llab-quvvatlash, umumiy ravnaqqa xizmat qilish barcha fuqarolarning burchidir",- deya e`tirof etgan.[4.B,112.]

Ta'lim tizimida xotin-qizlar uchun yana bir qator keng imkoniyatlar:

- Yangi o'quv yilidan boshlab magistraturada o'qiyotgan qizlarning kontrakt pullari to'liq byudjetdan qoplab beriladi (23 ming nafar qizlarga 200 milliard so'm);

- har yili 50 nafar qizlar nufuzli xorijiy oliygohlarga bakalavr va 10 nafari magistraturaga yuboriladi;

- har bir viloyatda ehtiyojmand oila vakillari, ota yoki onasini yo'qotgan 150 nafar qizlarning (jami 2,1 ming nafar) ta'lim kontrakti mahalliy byudjetdan to'lab beriladi;

- yosh farzandi bor talaba-qizlarga masofaviy o'qishga sharoit yaratiladi;

- doktorantura yo'nalishida xotin-qizlar uchun har yili kamida 300 tadan maqsadli kvota ajratiladi. [5] "O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Abdug'aniyevich Karimovning 2012 yil 13 dekabrdagi PQ 1875 –sonli qarori" qabul qilingandan so'ng mamlakatimizda chet tillarni o'qitishga, o'rganishga bo'lgan e'tibor yanada kuchaydi. Yurtimizda chet tillarni o'qitilishida yangicha bosqich, yangicha davr boshlandi.[6]

***Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology).*** Vatan ichra kichik bir Vatan bo`lgan har qaysi oilada ayol bor ekan, moddiy mukammallikka, farzandlar tarbiyasida ma`naviy kamolotga, tarbiyaviy salohiyatga ega bo`la oladi. Ayol butun insoniyat tarbiyachisi bo`lib qolmay, otaga farzand, bola uchun ona, oila podshosi uchun zaruriy vazir, butun bir oilaning ko`rki bo`lishi bilan birgalikda har bir davlat va jamiyatning asosiy tayanchi sifatida ulug`lanib kelmoqda. Ayol borki, olam munavvar, davlat va jamiyat farovon, oila charog`ondir. Davlat bor, jamiyat mavjud, har bir jamiyatning mukammal zanjiri sifatida oila barpo etilib, o`sha oilada ayol bor ekan, moddiy mukammallikka, farzandlar tarbiyasida ma`naviy kamolotga, tarbiyaviy salohiyatga ega bo`la oladi. Hozirgi kunda o`zining yuksak salohiyati, teran fikrlari, mukammal bilimi, jilokor iste`dodi va qobiliyati bilan oilada ayollik , jamiyatda faol fuqaro sifatida o`z o`rniga ega bo`la olgan iqtidorli xotin-qizlarga ko`rsatilayotgan e`tibor ularning o`z burchlarini samarali ado etishiga zamin hozirlamoqda. Ayni vaqtga kelib ayollarning jamiyatdagi o`rni yanada mustahkamlanib bormoqda. Bunga birlamchi sabab sifatida, jamiyatda ayollarning ijtimoiy-siyosiy faoliyati, huquq va erkinliklari to`g`risida qonun va normalarning keng tadbiq etilishi deb qarashimiz mumkin.

**Tahlil va natijalari (Analysis and results).** Har bir jamiyatning kelajagi uning ajralmas qismi va hayotiy zarurati bo‘lgan ta’lim tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan belgilanadi. Bugungi kunda mustaqil taraqqiyot yo‘lidan borayotgan mamlakatimizning uzluksiz ta’lim tizimini isloh etishda globallashuv jarayonida o‘zga mamlakatlar bilan yetarlicha hamkorlik faoliyati olib borilmoqda. Mamlakatimizda xotin-qizlarga barcha sohalarda, ya`ni ilm-fan madaniyat, san`at, tibbiyot, iqtisod, siyosat sohalarida keng qamrovli imkoniyatlarning yaratilishi, hamda olib borilayotgan mukammal islohotlar olib borilmoqda. Xotin-qizlarning turli sohadagi faoliyati bilan birgalikda, huquq va imkoniyatlarini yanada kengaytirish, mustahkamligini ta`minlash, jamiyatning uzluksiz barqaror yuksalishiga sabab bo`luvchi nihoyatda muhim konsepsiyalardan biri. Har bir davlat va jamiyat butunjahon miqyosida iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy va harbiy sohalari singari, mamlakatda erkaklar bilan bir qatorda ayollarning ham erki, huquqi, imkoniyatlari teng bo`lishi, ularga nisbatan e`tiborning yuqoriligi bilan o`z o`rniga va mavqeiga ega bo`la oladi. O`zbekiston Respublikasining Qonunchilik palatasi tomonidan 2019-yil 17-avgustda qabul qilingan, 23-avgustda ma`qullangan xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to`g`risida qonun ishlab chiqilgan bo`lib, mazkur qonun 7 bob, hamda 32 moddadan iborat bo`lib qonun mohiyati mazmunan quyidagicha sharhlangan, O`zbekistonda xotin-qizlarga nisbatan kamsitish, e`tiborsizlikni bartaraf etish, ularning huquq va erkinliklarini teng ekanligini ta`minlash asosiy ustuvor vazifalardan biri hisoblanadi. Bosh qomusimizda

ko`rsatilganidek ayollar va erkaklarning teng huquqli ekanligi haqida alohida modda kiritilgan bo`lib, unga ko`ra, xotin-qizlarga ta`lim olish, kasbiy tayyorlanish, ish, mehnat uchun rag`batlantirish va xizmat yuzasidan ma`lum bir lavozimga ko`tarilishida teng huquqiy imkoniyatlar yaratilishi ta`kidlanadi. Vatanimizda ayollar va erkaklar huquqularini tengligini ta`minlashning yana bir asosli dalili sifatida xotin-qizlarning gender kamsitilishiga yo`l qo`ymaslik maqsadida O`zbekiston Respublikasida gender tenglikni ta`minlash masalalari bo`yicha komissiya tashkil etilib, komissiyaning asosiy maqsadi va vazifasi xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlarni ta'minlash sohasidagi yagona davlat siyosatini amalga oshirish, ushbu sohada davlat dasturlarini, milliy harakatlar rejalarini va strategiyalarini ishlab chiqish, hamda amalga oshirishda ishtirok etish, mazkur sohada olib borilgan va natijaga erishilgan ishlar bo'yicha har yili O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga axborot taqdim etish, xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq va imkoniyatlarni ta'minlash va bu borada xalqaro jahon standartlariga rioya etish borasida xalqaro tashkilotlar, xorijiy mamlakatlarning tegishli organlari bilan hamkorlikni amalga oshirishdan iborat. Mamlakatimizda ayollarga bo`lgan e`tiborni yanada yuksaltirish maqsadida ta`lim va fan, sog`liqni saqlash sohalarida samarali islohatlar olib borilmoqda. Buning yaqqol ifodasi sifatida O`zbekiston Liberal Demokratik Partiyasi tomonidan “Bunyodkor ayollar”, “Ishbilarmon ayol”, “Sog`lom oila-mustahkam oila”, “Farovon oila” kabi yirik partiyaviy loyihalar hayotga tadbiq etilmoqda. Muhtaram Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning xotin-qizlarni qo`llab-quvvatlashga bag`ishlangan yig`ilishda so`zlagan nutqida, ayollarning o`rni siyosat darajasida ekanligi, hamda ularga barcha sohalarda yaratilayotgan keng imkoniyatlar haqida batafsil ma`lumot berib o`tdi. Jumladan, “Ta’lim tizimining barcha pog‘onalarida o‘qishga intilgan xotin-qizlarni qo‘llab-quvvatlaymiz va ularga sharoit yaratamiz” ta`biri ostida 2022-2026 yillarga mo`ljallangan xotin-qizlar ta’limini qo‘llab-quvvatlash dasturi qabul qilinadi. Dastur doirasida poytaxtda asosan xotin-qizlarni o`qitish uchun davlat-xususiy sherikchilik asosida to‘qimachilik sohasida alohida universitet tashkil etiladi. Joylarda uning texnikumlari ham ochiladi. Shuningdek, ayni paytda ayollarimiz ulushi past bo‘lgan aniq fanlar, texnika va huquqshunoslik yo‘nalishidagi OTMlarda xotin-qiz talabalar ulushi hozirgi 24 foizdan 40 foizgacha yetkaziladi. Buning uchun har yili xotin-qizlarning talaba bo‘lishiga kvotaning kamida 50 foizi aniq fanlar, texnika va huquqshunoslik yo‘nalishlari uchun maqsadli ajratiladi. Xotin-qizlar uchun chet tili darslarining o’qitilishi jarayonida ilg’or pedagogik texnologiyalarni, interfaol, innovatsion usullardan, kommunikativ-axborot vositalaridan foydalanilmoqda. Respublikamiz hududida chet tilining o’qitilishi, chet tili o’qituvchilarining bilim va ko’nikmalarini

baholashning umumyevropa ramkalari tavsiyanomalari (CEFR) ga mos ravishda yangi usul va talablari ishlab chiqildi. Bugun mamlakatimizda yurtboshimiz tashabbuslari bilan xotin-qizlarning ta`lim bilan birgalikda til o'rganishiga ham katta e'tibor berilmoqda. Yangi o'quv yilidan boshlab oliygoh, texnikum va kollejlarda o'qiyotgan qizlarga ta'lim kontraktlarini to'lash uchun, ilk marotaba, 7 yil muddatga foizsiz kredit berish joriy qilinadi. "Bu imkoniyat hali bizning tariximizda umuman bo'lmagan", dedi davlatimiz rahbari. Ko`rsatilayotgan yuksak ehtirom va yaratilayotgan mazkur imkoniyatlar hech bir ayolni jamiyatda maqsadsiz yashashga undamaydi. Buning natijasi o`laroq har bir ayolda mamlakat oldidagi vazifasi mukammal ravishda belgilab qo`yildi.

**-Xulosa va takliflar (Conclusion / Recommendations).** Bugungi doimiy taraqqiyotga intilib borayotgan har bir davlatning asosini shakllantirib kelgan xotin-qizlarga ko`rsatilayotgan imkoniyatlar, shart-sharoitlar, olib borilayotgan islohotlar o`z samarasini ko`rsatmoqda. Mamlakatimizda xotin-qizlarning o`rni siyosat darajasida ekanligi, ularning erkin faoliyati, ijodiy qobiliyati, ishbilarmonligi yuksak darajada baholanib keraklicha rag`batlantirilmoqda desak adashmaymiz. Jamiyat va ayol bir-biriga uzviy bog`langan. Chunki, ayol bor ekan, kelajak shakllanib boraveradi. Sharqning buyuk mutafakkir, alloma va podshohlarini, ilm ahillarini ham dunyoga keltirgan va har tomonlama mukammal komil inson sifatida tarbiyalagan, ulg`aytirgan zot bu ona ya`ni ayolligini anglashimiz, ularning yanada barkamolligini ta`minlashimiz lozim. Muhtaram Prezidentimizning xotin-qizlar uchun hali hech bir mamlakatda joriy etilmagan qarorlari butunjahon uchun andoza vazifasini o`tashi shubhasizdir.

## ADABIYOTLAR


**1.** O`tkir Hoshimov. Daftar hoshiyasidagi bitiklar.T.: "Qaldirg`och". 2019,-238b.

**2.https://xs.uz.** O`zbekiston Respublikasi Prezidentining Xalqaro xotin-qizlar kuniga bag`ishlangan tantanali marosimdagi so`zlagan nutqidan.
Chop etilgan vaqt.07.03.2019y.

**3.** S.Karimov, Sh.O`rozov, H.Samatov, S.Abduvohidov, A.Alimov. "Avesto" sharq ijtimoiy fikrlar manbai. T.: "Navro`z". 2016,-100b

**4.**Q.Nazarov. G`arb falsafasi. T.: "Sharq". 2004,-716b.

**5. review.uz.**O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning Xotin-qizlarni qo`llab-quvvatlashga bag`ishlangan yig`ilishida so`zlagan nutqidan. Chop qilingan sana. 01.03.2022

**6.** library.ziyonet.uz

# QORAXONIYLAR DAVLATIDA TA'LIM FAOLIYATI

Bebitov Maqsud Abdirasulovich

Tel:998977863300

e-mail:bebitovmaqsud@gmail.com

Denov Tadbirkorlik va pedagogika instituti o'qituvchisi

Anotatsiya: Ushbu tadqiqotda birinchi musulmon turkiy davlati bo'lgan Qoraxoniylar davrdagi manaviy ma'rifiy va ta'lim faoliyati to'g'risida ma'lumot berildi. Tadqiqot mavzusi bo'yicha turli ma'nbalar o'rganilib, natijalari bo'yicha kerakli ma'lumotlar tadqiqot doirasiga kiritildi. Binobarin, diniy omil (Islom dini) Qoraxoniylar ta'lim faoliyatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadigan muhim omil hisoblanadi. Qoraxoniylar islomni qabul qilgunga qadar ularning ta'lim faoliyatlari ma'lum bir tizimli ma'rifiy faoliyati mavjud emas adi. Islomni qabul qilish bilan birga ancha tartibli va tizimli bo'lib boradi ta'lim tizimi, ta'lim tizimining diqqat markazida madrasalar va shu davrda etishib chiqqan olimlar ayamiyatli iz qoldirganini ko'rish mumkin.

Kalit so'zlar: Ta'lim, o'qitish, Qoraxoniylar, madrasa, mudarris.

Hoqonlikning g'arbiy qismida ellikdan ortiq tanga bosib chiqarish uchun iqtisodiy patentsiali yuqori bo'lgan shahar mavjud edi. Davlatning sharqiy qismida mintaqa aholisi va davlat o'rtasidagi munosabatlar ta'minlashga mas'ul bo'lgan davlat ayonlar islom dinini yangi qabul qilgan yuz minglab odamlar uchun faqihlarga va fiqhiy asarlarga ehtiyoj bor edi[1].

Madrasa arab tilida dars olib boriladigan joy, talabalar bilim olidigan bino demakdir. Madaris - bu madrasalarning ko'pligi. Islomning qadimgi davrlaridagi masjidlar ta'lim berilgan joylar edi. Ta'lim faoliyatining ko'payishi va xilma-xilligi bilan ta'lim markazi masjidlardan madrasalarga o'tishni boshladi. Bir tomondan madrasalar boshqa tomondan masjidlarning o'rnini bosa boshlagach, masjidlar ham yangi ta'lim markazi sifatida faoliyat yuritmoqda edi. Biroq, masjidlar ibodat markazlari bo'lganligi sababli, ta'lim faoliyati ortish natijasida darslar va ibodatlarning birgalikdagi olib borish ehtiyoji natijasida yuzaga kelgan ba'zi muammolarni to'liq hal qila olmaydilar bu kabi muammolar esa madrasa muassasalarini barpo etishni majburiylashtirdi. Shuningdek, bir tomondan masjidlarda ibodat qilinadigan joylair bo'lgan boshqa tomondan, masjidlarda dars jarayonidagishovqinli va bahs munozarali holatlar ibodatga kelgan insonlar uchun kop ham uyg'un muhit emas edi . Yana darslarning ko'payishi bilan (Islom ilmlari va tabbiy ilmlar) kengayayotgan o'rganuvchi auditoriyasiga javob berish uchun masjidlardan ajratilgan muassasalarga ehtiyoj bor edi. Bu sabablarning barchasi alohida madrasa muassasasining paydo bo'lishiga zamin yaratdi[2]. Ushbu

o'zgarishlarga muvofiq o’rta asr islom dunyosidagi birinchi zamonaviy madrasa Tamg’ach Ibrohim Bug’roxon tomonidan 1066 yilda Samarqandda ochilgan. Ushbu muassasa boshqa muassasalardan o’ziga xos farqlar mavjud; qurilish jihatdan alohida noyob bino, talabalar turar joyi, kutubxona, saylangan boshqaruvchilar, dasturlar va kurslarning ma'lum bir tuzilishiga ega talabalar uchun stipendiyalar, inflyatsiya darajasiga qarab belgilanadigan professor maoshlari va doimiy manbalar aniq, belgilangan yillik byudjet kabi funksiyalar mavjud edi. Tamg’ach Ibrohim Bug’roxon tashabbusi bilan ushbu ta'lim muassasadida, XII asrda birgina Buxoroda maosh oluvchi olti ming fiqih olimlari bo'lganligi ta'lim va tarbiya faoliyatiga qanchalik ahamiyat berilishining aniq ko'rsatkichidir[3]. Madrasalarning asosiy vazifasi imom, muazzin, xatib, voiz va muftiy kabi davlat odamlarini ta'minlashdir shuningdek ularning ehtiyojlariga javob beradigan o'qimishli odamlarni tayyorlashdan tashqari, sud ishlaridan sug'orish va sudya, muhtesiblik, kotib, tarjimon, josus, notarius, elchixona, noib, hokim va vazir kabi davlat kadrlariga bo’lgan ehtiyojlarga javob berish edi. Madrasalarning tashkil topishi va sonining ortishi, davlat hizmatchilarining va olimlarni tayyorlashga bo'lgan umumiy ehtiyoji kelib chiqishi haqida aytish mumkin[4].

Qoraxoniylar, X asrda Movaraunnahir va sharqiy Turkiston o'rtasidagi mintaqada tashkil etilgan davlat tili sifatida(xoqaniy turkchasini) yozma tili sifatida ishlatgan. Ushbu davrda uyg'ur yozuvi bilan bir qatorda arab yozuvidan ham foydalanilgan. So'z boyligi jihatidan eski turk tiliga yaqin nisbatan boy uyg’urch islomda avvalgi davrda buddizm bilan bog'liq so'zlarning aksariyati lug’antda so'zlar o'rniga islomga tegishli so'zlarni o'z ichiga olingan. 1069 yilda Yusuf Xos Hojib tomonidan yozilgan va 6645 baytdan iborat "Qutatg’u bilig" hamda 1074 yilda Mahmud Qoshg’ariy tomonidan yozilgan Devoni lug’ati turk, asari arablarga turkiy tilini o'rgatish maqsadida turk tilining birinchi lug'ati hamdir.

Adib Ahmet Yukneki tomonidan yozilgan va 101 ta to'rtlikdan iborat "Hibat ul-haqoyiq", Yassaviy tomonidan yozilgan Devoni Hikmat Qoraxoniy turkiy tilning asosiy namunalaridir. Devoni lug’ati turk asarida 8624, Qutadg’u bilikda 2961, "Hibat ul-haqoyiq" 1306 so'zlarning mavjudligi, Qoraxoniylar turkiy tilining juda katta so'z boyligiga egaligi ko'rsatkichdir[5]. Qoraxoniylar turkiychasi birinchi islomiy adabiy tildir. XI-XII asrlarda Qashqar va Sharq va G'arb Turkistonda rivojlangan. X asrda Qoraxoniylar tomonidan islomning qabul qilinishi bilan uning atrofidagi islom davlatlari bilan yaqin aloqalar o'rnatildi. Aloqalar turli xil ijtimoiy institutlarga va ayniqsa tilga muhim ta'sir ko'rsatdi. Shunday qilib, Qoraxoniylar turkchasida arab va fors tillaridan tashkil topgan ba'zi bir til elementlari joylashdilar va xalq tilidan tashqarida guruh tili vujudga kela boshladi. Ushbu davr asarlari islom an'analarini yaratishda foydalaniladigan til qisqa vaqt ichida urf-odatlarga ta'sirini namoyish etib, qoraxoniylar turkchasida asarlar yaratdila boshlandi. Qoraxoniylar o'rta Osiyo turkiy madaniyatning davom etishida muhim

rol o'ynadi va ta'sir ko'rsatdi. Mahmud Qoshg'ariy va Yusuf Hos Hojib davrning ikki muhim olimidir. Mahmud Qoshg'ariy "Devoni lug'ati't turk" asari bilan arab madaniyatiga qarshi chiqqan. Mahmud Qoshg'ariy XI asrda Markaziy Osiyodagi eng yirik tilshunos bo'lish nuqtai nazaridan ham muhimdir. Yuqorida aytib o'tilgan asarda turkiy xalqlar tarixi, geografiyasi, dostoni va afsonalari haqida muhim ma'lumotlar keltirilgan. Bolasog'unlik Yusuf Xos Hojib tomonidan uyg'ur alifbosida yozilgan Qutadg'u bilig davrning muhim asarlari qatoriga kiradi. 1069 yilda she'riy uslub bilan yozilgan ushbu asar Bug'roxonga taqdim etildi. Bu asar birinchi turkiy siyosatnoma ekanligi Saljuqiylar vaziri Nizomulmulkni ham ta'sirlantirdi va Nizomulmulk ushbu asardan ilhomlanib, siyosatnoma nomli asarini yozib, Sulton Malikshoxga taqdim etdi.

X-XIII asrlarda turk-islom dunyosida ilmiy tadqiqotlar juda rivojlangan darajada edi. Olimlar hukmdorlar tomonidan yuqori baholangan. Shuningdek ushbu davrda yashgan olimlar evropaga chuqur ta'sir ko'rsatdilar. Fizika, matematika, Astronomiya va mantiq bo'yicha 160 ta asarga ega bo'lgan Forobiy Aristotel g'oyalarini juda yaxshi sharhlagan. Uning sharhlari tufayli u ikkinchi o'qituvchi(muallimi soniy) deb nomlandi. G'arbiy dunyoda u "Al Farabius" nomi bilan mashhur bo'lib, ko'plab asarlari lotin tiliga tarjima qilingan va darslik sifatida o'rta maktablarda o'qitilgan. Ibn Sino buyuk tibbiyot olimi va faylasufidir. Tibbiyot, mantiq, fizika va din falsafasi sohalarida 220 ga yaqin asar yozgan. G'arbliklar tomonidan "Tibbiyot hukmdori" unvoniga sazovor bo'ldi. Hususan Berunining 110 dan ortiq asarlari mavjud. U geografiya fanini islom olamida mustaqil bir fanga aylantirdi[6].

Qoraxoniylarda hukmdorlar ilmiy faoliyat va olimlarga e'tibor berishgan

Himoyalash natijasida ilmiy faoliyat ancha yaxshilandi. Hukmdorlar yuqorida aytib o'tilgan markazlarga Toshkent, Bolosog'un, Qashg'ar va boshqa shaharlarning ahamiyat ortib san'at markazlariga aylandi. Qoraxoniy hukmdor-larining ilm-fan sohasidagi ilmlarga muhabbati muhim o'zgarishlarga olib keldi va olimlarning sonini ko'paytirishga imkon berdi. Hukmdorlarning ta'lim faoliyatiga bunday ahamiyat berishlari aslida ikkita muhim omil. Birinch sababi islom dinini yaqinda qabul qilgan turk qabilalarining yangi e'tiqodlarini mustahkamlash va yangi e'tiqodlariga zid bo'lgan eski e'tiqodlarni yo'q qilish.Ikkinchisi shialarga qarshi ushbu ta'lim muassasalari orqali sunniylar o'z e'tiqodlarini mustahkamlash[7]. Islom olamida dastlab ta'lim va tarbiya ishlari xususiy joylarda olib borilmadi, kuttab (maktab) deb nomlangan o'qituvchilar uylari va masjidlarda faoliyat olib borilgan[8]. Boshqa tomondan, madrasalar o'quv faoliyati nuqtai nazaridan juda muhim o'rinni egallaydi. Boshqa tomondan madrasalar o'quv faoliyati nuqtai nazaridan juda muhim o'rinni egallaydi. Islom tarixida madrasalar ta'lim va tarbiya faoliyatida tobora muhim ahamiyat kasb etishi va auditoriyasi kengayishi natijasida paydo bo'lgan muassasalardir. Qoraxoniylar tomonidan o'rta osiyo shaharlarida

qurilgan Samarqand, Buxoro, Toshkent, Bolasog'un, Yorkent, Qoshg'ar madrasalari muhim marifat markazlarga aylandi. Madrasalarda olib borilgan o'quv ishlari ma'lum tartibda va tizimli ravishda olib borilar edi. Madrasalarda o'qish va yozish ta'limi bilan bir qatorda Qur'on, tafsir shuningdek dinniy darslar o'qitildi. Mamlakatdagi ta'lim tizimi samarali va

rivojlanishga faqat o'sha mamlakatda boshqaruv kuchi ko'magida erishish mumkin. Qoraxoniylarning hukmdorlari buni ta'minlaganligi sababli, ta'lim tizimlari kun sayin rivojlanib bordi uning samaradorligini davom ettirdi.

Foydalangan adabiyotlar:

1.O'zaydin, A., Kamalov, I., Xunkan. Birinchi musulmon turk davlatlari. (2013 yil).

T.R. Anadolu universiteti nashr soni: 2340, Ochiq ta'lim fakulteti nashr soni: 1337,

Veb-ofset Tes. 2-nashr. Eskishehir

2. Birinchi Usmonli madrasalari Bilgi, M. Istanbul universiteti adabiyot fakulteti nashrlari 3101, Istanbul: Xatlar fakulteti bosmaxonasi. (1984 yil).

3. O'zaydin, A., Kamalov, I., Xunkan. Birinchi musulmon turk davlatlari.(2013-yil b 124).

## Xo'ja Mayxona ota ziyoratgohi - minglab sirlar makoni

Denov tadbirkorlik va pedagogika
instituti 1- bosqich talabasi
Mustafoqulov Otabek
E-mail
mustafoqulovotabek00@gmail.com
Tel:+998992890863
Denov tadbirkorligi va pedagogika
Instituti 1-bosqich talabasi
Saidmurodov Javohir
E-mail:
saidmurodovjavohir699@gmail.com
Tel:+998932223526

***Annotatsiya:*** Boysun tumanidagi Xo‘ja Mayxona bulog‘i azaldan mahalliy aholi o‘rtasida shifobaxshligi bilan mashhur bo‘lgan. Maftunkor tabiat manzaralari qo‘ynidan sizib chiqayotgan obi-hayot o‘ta tiniq va yilning to‘rt faslida ham birdek salqin bo‘lib turadi. Uni iste’mol qilgan yoshu-keksaga quvvat ulashib, qalbiga xushnudlik bag‘ishlaydi. Shu bois buloqning siru-sinoati bu suvdan iste’mol qiladigan Darband qishlog‘i ahlini qiziqtirib kelgan.

***Kalit so`zlar:*** Boysun, Darband, buloq, qishloq, Xo’ja Mayxona, keksa, tiniq, salqin, chilla, tog’, zina, Machay, olimlar, manbalar, g’or, suv, shifobaxsh, ziyorat.

“Ko’rdim, Kezdim, Boysunday joy,
Bu olamda yo’q ekan!”

Har bir joylarda, qishloq vohalarida qadamjolar mavjud bo’lib, qadimdan xalq bu joylarni ziyorat qilib kelmoqda. Ana shunday ziyoratgohlardan biri Boysun diyoridagi Darband qishlog’idadir.[29] Bular Mozori Sangob, Devoltu, Pista mozor, Xo’jamayxona, Ushtur Sang ota, Xo’ja Xurdak kabi ziyoratgohlar mavjud. Rivoyatlarga qaraganda yetti aka-uka bir zamonlar yashagan ekanlar. Yashash manzillari alohida-alohida bo’lib, bir-birovlari bilan umuman aloqa qilmas ekanlar. Natijada ular g’oyib bo’lishgan. Ularning manzilgohlari esa ziyoratgohga aylangan. Birodarlardan Xo’ja Fil, Xo’ja Mahmud, Xo’jaipok-Quitan tomondan, Xo’ja-Anqo, Xo’jai G’or Tangridara tomonda, Xo’ja Mayxona- Darband, Xo’ja Sirpush Boysun tomonda joylashgan.[30]

Darbandlik tarixchi olim Polvon Shoimov Xo’ja Mayxona haqida shunday deydi, avvaliga 1989-yil YUNESCO dasturi bo’yicha arxeologlar Eduard Rtveladze, B. Sheyko, Sh.Ustoyev, G. Markovskiylar bilan birgalikda Quitan tomondagi qadamjolarni ko’rdik.[31] Nihoyatda xushmanzara joylar, shifobaxsh suvlar, tikka bo’y cho’zgan daralar kishini zavqlantiradi. So’ngra shu ilmiy guruh bilan Darband doirasidagi Xo’ja Mayxonani ziyorat qildik. Xo’ja Mayxona katta darada joylashgan bo’lib, suvi katta daraga borib qo’shiladi. Xo’ja Mayxonani birinchi bor ko’rgan kishi beixtiyor chuqur xayolga botadi. Millionlab yillar ana shu suvning bir maromda oqishi kishini ajablantiradi. Xoja Mayxonani minglab qariyalar, sarkardalar, din peshvolari, shayx va hojilar kelib ziyorat qilib ketishgan deb yozadi, o’z kitobida.

Xo`ja Mayxona katta darada joylashgan bo`lib, suvi Machay daryosiga, yoki qadimgi nom Turon daryoga borib qo`shiladi. Tarixiy manbalarda yozilishicha, buyuk sohibqiron davlat arbobi Amir Temur ham ushbu ziyoratgohga kelib, ziyorat qilganligi haqida manba bizgacha yetib kelgan.[32]Xo`jamayxonaga Boysundan borishda chap tomonda Hazrati Bahouddin Balogardon chillaga

---

[29] S. Tursunov “Boysun” Akademik nashriyoti. 2011 yil. 301-302-betlar
[30] Q. Rashidov “Boysun tarixi” Toshkent 2009 yil. 293-295- betlar
[31] P. Shoimov “Darband tarixi” Toshkent. 1999 yil. 29-31-betlar
4 Annayev.T, Tilolov.B, Xudoyberdiyev.Sh. Boysun arxeologik yodgorliklari. Toshkent. 1999 yil. 212-bet

o`tirgan joylari bo`lganligi, o`ng tomonda esa Hazrati Mil Kulol chillaga o`tirgan joylar belgisi bor.[33] Xo`ja Mayxona mozorining atrofi qalin daraxtlar bilan o`ralgan. Suv zovning tubidan chiqib aylanib uchta tog` zinasi orqali daryoga qo`shiladi. Tabiiy paydo bo`lgan bu qirq metrli zinalar, xuddi maxsus yasalgan zinalarga o`xshaydi. Lekin ming afsus bo`lsinki, hozirgi vaqtda bu zinalar qattiq shikastlangan. Yaponiya olimlarining yozishicha, Xo`ja Mayxona suvi Osiyo qit`asining eng birinchi toza, filtirlangan shifobaxsh suvi bo`lib, inson a`zosiga foydali bo`lgan temir va oltin moddalari mavjud ekan. Xo`ja Mayxona deb atalgan bu manzil, o`z tabiiy manzarasi, xush havosi, suvning tiniqligi, totli va shufobaxshligi bilan kishini hayratga soladi. Keksalarning aytishicha, Xo`ja Mayxona suvi bilan Machay daryosi suvi o`rtasida bog`liqligi bor ekan. Negaki Machay daryosi suvi toshsa, Xo`ja Mayxona suvi ham toshar ekan, kamaysa kamayar ekan. Irkutsklik g`orshunos olimlar, bu yerda ancha fursat turib, Xo’ja Mayxonaning ajib jumboqlari haqida bosh qotirdilar.[34] G’avvos kiyimlarini kiyib Xo’ja Mayxona yonida joylashgan va o’sha yerdan suv oqib kelayotgan g’orga kirib qaryib ikki kilometr masofada ichkari yurib bordilar. Ularning aytishlariga qaraganda g’or og’zida katta ko’l suvlari mavjud bo’lib, ichkariga qarab borgan sayn bu ko’llar o’rniga shiddat bilan g’uvillab oqayotgan suvga duch kelish mumkin, yana shuni aytish lozimki, g’or tubi ko’rinmaydi, taxminan o’n kilometrdan ortiqroq ichkariga qarab cho’zilgan ekan. Xo’ja Mayxona ota, payg’ambarimiz Muhammad Alayhissalom amakivachchalari va kuyovlari bo’lmish Xazrati Alini ajdodlari bo’lishi ehtimoldan holi emas.[35]

Shu o’rinda Darband qishlog’ida joylashgan, Xo`ja Mayxona otaning akalari hisoblanmish Ushtur Sang ota mozori Xo`ja Mayxona ota mozoriga yaqin bo`lganligi sababli, ushbu ziyoratgoh haqida ham ma`lumot berib o`tishni lozim ko`rdim.[36] Ushtur Sang ota mozori Darbandning Qorog`ut tog`idan yuqoriroq, Suvsiz tog`ining yonbag`rida joylashgan. Katta tosh ayvon ostida g`or bo`lib, bu g`or zarang bodom, pista, chakki, mushsha daraxtlari qamrab olgan. Rivoyat qilishlaricha, bir zamonlar bosqinchilar kelib qishloq ahlini talagan ekanlar. Odamlar ulardan qutulish maqsadida har tomonga qarab qochishibdi. Bir kishi hamma ro`zg`or asboblarini tuyasiga ortib, xotin, bola-chaqasi bilan toqqa qarab qochibdi va bir g`orga kirib yashirinibdi. Lekin bosqinchilar payt poylab g`orga yaqinlashadilar. Buni sezgan oila boshlig`i boshqa iloji qolmaganligi sababli g`ordan tashqariga chiqadi va qiblaga qarab xudoga iltijo qiladi: “Xudoyo xudovanda, bosqinchilar qo`liga tushmaylik, iloho ruhimizni abadiyat makoniga olib ket, sening bandangmiz, sen bizning xaloskorimizsan”, - deydi.[37] Shunda

33 P. Nazarov “Tog’lar chorlaydi” Boysun ovozi jurnali.1998-yil 26-avgust.7-8 betlar
34 S. Tursunov “Boysun” Akademik nashriyoti. 2011 yil. 301-302-betlar
35 Annayev.T, Tilolov.B, Xudoyberdiyev.Sh. Boysun arxeologik yodgorliklari. Toshkent. 1999 yil. 212-b
36 M. Abdullayeva, M. Sattorov “Tog’lar gavhari”. Toshkent. 2001 yil. 91-bet
37 P. Nazarov “Tog’lar chorlaydi” Boysun ovozi jurnali.1998-yil 26-avgust.7-8 betlar

birdaniga hamma karaxt bo`lib qoladi va boshqalarni tutishga kirishadi. Lekin hech kimni tuta olmaydilar. Bu rivoyat, xolos. Lekin shunga qaramay har chorshanba kun bu mozorni xalq ziyorat qiladi. Mol xudoyi qilishadi.

Polvon Shoimovning aytishicha, 1987-yil hamkasblari bilan Ushtur Sang ota mozorini ziyorat qilgali borgan. "Sham yoqib g`orga kirdik", - deydi.[38] Xamir qilib turgan holda toshga aylangan ayol va uning qizlari bor ekan. Keyin birin-ketin tosh tuya ostidan o`ta boshladik. Bundan maqsad kelajakda gunohlardan pok bo`lish, hamisha yaxshilik yo`lini tanlash, har bir ishga chin yurakdan e`tiqod qilish, iymon degan ulug` so`zga qat`iy rivoya qilishdan iborat edi.[39] Keyin 2 soat tog` yonbag'irlarini aylanib chiqib isparak, kiyik o`tlarini terib ovqatlandik. Mozorning mo`miyoli suvidan choy damlab ichdik!

Qizil qishloq, do'ngi qayanar
Qarog'utsan zebo manzar
G`urum bilan ham Boynazar,
Sen qolursan, biz keturmiz.

## *Xulosa*

Bu muqaddas qadamjo haqida gapiradigan bo'lsam, aynan men tug'ilgan voha, Boysun tumanida joylashganidan baxtiyorman. Sababi bu buloq suvidan 15 yildan beri iste'mol qilaman. Yaqin yillarda olib borilgan ilmiy tekshiruvlar shuni ko'rsatdiki, Xo'ja Mayxona suvi juda shifobaxsh ekanligi, ko'plab kasalliklarga davo ekanligi isbotlandi. Ya'ni shu suvni ichgan ko'plab sog'lig'ida muommosi bor bo'lgan insonlar tuzalganini eshitganman va ko'rganman. Xo'ja Mayxona suvi yurak qon-tomir kasalliklari, buyrakdagi tosh, sariq kasallik, me'da ichak kasalliklari va boshqa kasalliklarga davodir. Bu muqaddas ziyortgohni nafaqat Boysun xalqi, balki boshaqa hududlardan ko'plab kishilar ziyorat qilish uchun kelishadi. Ular ziyoratgohga mol xudoyi qilishadi. Shu bilan birga go'zal tabiatdan bahra olishadi. Havoning tozaligi, sokinligi, Xo'ja Mayxonaning muzdek shifobaxsh suvi kishini hayratga soladi. Hech ikkilanmasdan, Boysunning bu tabiatini, Surxondaryo Sheveysariyasi deb atashimiz mumkin!

Hozirgi kunda Boysun aholisini toza ichimlik suvi bilan ta'minlash maqsadida bir qancha ishlar amalga oshirilmoqda. Bu ishlarning tamal toshi qo'yilishiga, muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 10-11-fevral kunlari Surxondaryo viloyatiga tashrifi chog'ida Boyun tumani aholisi uchun ichimlik suvi yetkazib berish bo'yicha topshiriq berdi.[40] Shundan keyin ishlar boshlanib ketdi. Bu xayrli ishni amalga oshirish " O'zbekiston temir yo'llar " aksiyadorlik jamiyatiga ishonib topshirildi. Ular ko'p o'tmay bu ishonchni oqladilar. Ya'ni qiymati 58 millard so'mlik loyiha ishlab chiqildi.

[38] P. Shoimov "Darband tarixi" Toshkent. 1999 yil. 29-31-betlar
[39] O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. Toshkent. 2001-yil. 342-bet
[40] Railway.uz

Unga ko'ra, Xo'ja Mayxona bulog'idan Boysun tumani markaziga qadar bo'lgan 36,4 kilometr masofadan aholi uchun toza ichimlik suvi keltirildi. Bunyodkorlik jarayonida 29,3 kilometr temir, 7,1 kilometr polietilen quvurlar yotqizildi. Loyihaning 24,5 kilometrida 200 kub suv sig'imiga ega 2ta rezervuar qurildi. E'tiborlisi, bu yerda suvni aholi yashash punktiga yetkazib beuvchi maxsus nasos stansiyalar ham bunyod etildi. Bunyodkorlik ishlarida 150 nafardan ziyod ishchi xizmatchi ishtirok etib, 40 dan ortiq texnika va mexanizmlardan foydalandi. Shu bilan Xo'ja Mayxona suvi unumli foydalanilmoqda.

## *Foydalanuvchi adabiyotlar*


1.S. Tursunov "Boysun" Akademik nashriyoti. 2011 yil. 301-302-betlar
2.Q. Rashidov "Boysun tarixi" Toshkent 2009 yil. 293-295- betlar
3.P. Shoimov "Darband tarixi" Toshkent. 1999 yil. 29-31-betlar
4. P. Nazarov "Tog'lar chorlaydi" Boysun ovozi jurnali.1998-yil 26-avgust.7-8 betlar[41]
5.S.Tursunov. Surxondaryo viloyati tarixini o'rganish. Toshkent. 1997 yil. 172-bet


## CHAG'ONIYONDAN TARALGAN ZIYO


*Mamayusupov Og'abek Bahriddin o'g'li*
*Denov tadbirkorlik va pedagogika Institutining talabasi*
*e-mail:ogabekmamayusupov2@gmail.com*
*Tel:+998978472807*
*Sattorov Muzrob Chori o'g'li*
*Denov tadbirkorlik va pedagogika Institutining talabasi*
*e-mail:muzrobsattorov87@gmail.com*
*Tel:+998919117976*
*Ergashev Davronbek Sultonmurod o'g'li*
*Denov tadbirkorlik va pedagogika Institutining talabasi*
*e-mail:davronbekergashev11@gmail.com*
*Tel:+998944302050*



Annotatsiya; Ushbu tadqiqotda o'rta asrlarda O'zbekistonning janubidagi ilm maskani sifatida faoliyat ko'rsatgan va bugungi kunda o'zining betakror qurilish uslubi bilan Surxondaryo viloyatida yagona hisoblangan Sayyid

Otaliq madrasasining qurilish tarixi,qurilish uslubi,bugungacha va bugungi kundagi holati to’g’risida ma’lumotlar keltirilgan.

Kalitso’zlar:Madrasa,masjid,xonaqoh,qo’sh,peshtoq,fiqh,islom,sayyid,arxitektura,shayx,peshayvon,gumbaz,tarh,ravoq,miyonsaroy,Qur'oni Karim,Farjak,Otaliq,

Аннотация; В данном исследовании история строительства, методы строительства, настоящее и современное состояние медресе Сайид Аталиг, которое в средние века служило центром науки на юге Узбекистана и в настоящее время является единственным в Сурхандарьинской области со своим уникальным Ключевые слова: медресе, мечеть, ханака, двойная, крыша, фикх, ислам, сайид, архитектура, шейх, пешайван, купол, тарх, равок, миансарай, коран, фаржак, оталик,

Ключевые слова: медресе, мечеть, ханака, двойная, крыша, фикх, ислам, сайид, архитектура, шейх, пешайван, купол, тарх, равок, миянсарай, коран, фарджак, оталик,

Annotation; In this study, the history of construction, construction methods, present and present state of the Sayyid Ataliq Madrasah, which in the Middle Ages served as a center of science in the south of Uzbekistan and is now the only one in Surkhandarya region with its unique construction style. data are given.

Keywords: Madrasa, mosque, khanaqah, double, roof, fiqh, islam, sayyid, architecture, sheikh, peshayvan, dome, tarh, ravoq, miyansaray, quran, farjak, otalik,

O’tmishda Chag’oniyon bekligining markazi bo’lgan Denov shahrida Xolchayon devoriy suratlari manzilgohi, Sulton Sanjar moziy ziyoratgohi, Sayyid Otaliq madrasasi kabi ko’plab tarixiy yodgorlikla rjoylashgan. O’z davrida ilm istagida bo’lgan tolibi ilmlarga o’z eshigini ochgan ilm maskanlaridan biri bu Sayyid Otaliq madrasasi hisoblanadi. Bu madrasa shaharning qoq markazida joylashgan bo’lib, uning bunyod etilish tarixi haqida bir nechta tarixiy malumotlar bor.Yurtimizga islom dini kirib kelgandan so’ng, madrasa masjidlar qurilishi boshlandi. Islom olami sharqidagi ilk madrasa Farjak madrasasi hisoblanib,Buxoro shahridajoylashgan. Denov shahrida joylashgan Sayyid Otaliq madrasasi ham Farjak madrsasi kabi islomiy bilimyurti hisoblanadi. AyrimtarixiymalumotlargaqaragandaSayyidOtaliqmadrasasiqurilishiyurtimizda Temuriylar sulolasi hukmronligi davrida, aniqrog’I XVasr o’rtalarida 1440-1450 yillar oralig’iga to’ri keladi. Ayrim tarixchilarning fikricha bu madrasa islom olamining buyuk shayxlaridan bo’lmish, Shayx Alouddin Attorga bag’ishlab, uning og’li Xo’ja Xasan vanevarasi Xo’ja Yusuf tomonidan 26 yil davomida qurib

bitkazilgan. Lekin bu malumotlarni boshqa bir tarixiy malumotlarini ko’rsatadi. Xususan Sayyid Otaliq madrasasining arxitekturaviy qurilish uslubi XVI-XVII asrlarga oidligini ko’rishimiz mumkin.Vaholanki,XV asr memoriy qurilish uslublari XVI-XVII asr qurilish uslublaridan keskin farq qiladi.Yuqoridagi malumotlar Sayyid Otaliq madrasasining XV asr o’rtalarida,Temuriylar sulolasi hukmronligi davrida bunyod etilganligini inkor etadi.

Boshqa bir tarixiy malumotlar Sayyid Otaliq madrasasini yurtimizda Ashtarxoniylar sulolasi hukmronligi davrida, sulola vakili Imomqulixon davrida qurilganligini ko’rsatadi.[2[i]]Bu tarixiy malumotlar asosida Sayyid Otaliq madrasasi Ashtarxoniylar sulolasi vakili Imomqulixonning kuyovi Tojiddin Xo’ja Xasan Jo’yboriy tomonidan 1612-1628-yillar oralig’ida bunyod etilgan.O’sha davrdagi yurt hukumdori Imomqulixon o’z singlisini o’sha davrda kata nufuzga ega bo’lgan Jo’yboriy shayxlaridan bo’lgan Tojiddin Xo’ja Xasanga nikohlab beradi.[2]Nikoh sovg’asi sifatida esa Buxoro hududidagi Pirmast va Hisor hududidagi Denov hududlarini muhrlab beradi. Tojiddin Xo’ja Xasan Jo’yboriy bu yerlarni mustaqil boshqaradi va unga “Otaliq” unvoni beriladi. Tojiddin Xo’ja Xasan Jo’yboriy payg’ambarzodalar avlodiga mansub bo’lganligi uchun, xalq orasida unga “Sayyid” unvoni berilga edi. Tojiddin Xo’ja Xasan Jo’yboriy o’z hisobidan Denovda ikkita madrasa qurdiradi.Madrasaning qurilish ishlariga usta-me’mor Axmad Muhammad Buxoriy boshchilik qiladi.Ushbu tarixiy ma’lumot boshqa tarixiy ma’lumotlarga nisbatan ishonchliroq hisoblanadi mening nazarimda.Xususan 1998-yil iyul oyida arxitektior T.F.Jukova xam“O’zbekiston arxitekturasi va qurilishi” jurnalida Denov shahri markazida joylashgan madrasa va xonaqoh binosi XVII asr tarixiy obidasidir deb tarif berib o’tgan.]Madrasa qurilish uslubi xam  xuddi o’sha davrdagi boshqa madrasalar qurilish uslublari bilan o’xshashdir.Chunonchi Sayyid Otaliq madrasasi o’sha  dvrda keng tarqalgan , tarixiy obidalarni qurishda keng foydalanilgan “Qo’sh” uslubi shaklida qurilgan. ”Qo’sh’” uslubi deb, ikki bino fasadining bir-biriga qarama-qarshi shaklda qurilishgiga aytiladi.Denov shahri markazida joylashgan Sayyid Otaliq madrasasi va unga qarama-qarshi shaklda joylashgan Xonaqoh bino fasadi ham “Qo’sh” uslubida qurilgan.Xuddi shu davrda qurilgan Buxorodagi Abdullxon va Modarixon madrasalari,Domla Tursunjon va Muhammadyor Otaliq madrasa va xonaqohlari, Samarqanddagi Ulug’bek va Abdulazizxon madrasalari ham bir-biriga qarama-qarshi tarzda “qo’sh” uslubida qurilganligi ham fikrimiz dalilidir.

Yana boshqa bir tarixiy ma’lumotlarda Sayyid Otaliq madrasasi yurimizda Buxoro Amirligining Mang’itlar sulolasidan bo’lgan Amir Haydar zamonida,uning qaynotasi Sayyid Otaliq tomonidan qurilgan degan ma’lumotlarni uchratishimiz mumkin. Bu tarixiy malumotlarga ko’ra madrasa qurilishiga Buxoro Amirligi

hukmdori Amir haydarning qaynotasi Sayyid Otaliq homiylik qilgan,qurilish xarajatlariga esa davlat g’aznasidan mablag’ ajratilgan.Madrasa qurilish jarayoniga buxorolik usta-me’mor Ahmad Mamat Buxoriy boshchilik qilgan. Sayyid Otaliq Amirning qaynotasi bo’lib,bir necha yillar mobaynida Denovda hokimlik vazifasida ishlagan. Denovlik mahaliy aholi orasida esa Sayyid Otaliq madrassasi XIX asr o’rtalarida Dodxox Abdulkarim davrida qurilgan degan ma’lumotlarni ham uchratishimiz mumkin. Lekin bu tarixiy malumotlarni boshqa bir tarixiy malumotlar inkor etadi.Xususan,XVII asrda Mahmud Ibn Vali tomonidan yozilgan” Baxr ul- asror “kitobida Denov shahrida ikkita madrasa mavjud ejanligi qayd etib o’tilgan. N.A.Mayev ham o’zining “Xisor vodiysi haqida ocherklar “{1879} kitobida ushbu fikrni tasdiqlab o’tgan. Yuqoridagi barcha malumotlarni umumlashtiradigan bo’lsak, Denovning faxri xisoblanmish Sayyid Otaliq madrasasi XV-XIX asrlar oralig’ida,aniqrog’i XVII-XIX asrlarda qurilgan.

Sayyid Otaliq madrasasi bir necha asrlar davomida tolibi ilmlar uchun ilm dargohi vazifasini o’tagan bo’lib,bu madrasada tarix, geografiya, adabiyot, she’riyat, musiqa, mantiq, fiqh kabi fanlar o’rgatilgan.O’quvchilar shuningdek Qur’oni Karim kitobini Imom Buxoriy,Imom Termiziy kitoblarini xam o’rganishgan.Madrasa o’z davri uchun masjid imomlarini,madrasa mudarrislarini va boshqa davlat mutasaddi xodimlarini yetishtirib bergan.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki,ushbu madrasaning qurilgan davri haqida bir nechta tarixiy faktlarni keltirdik,va ularning ichidan tarixiy haqiqatga yaqin bo'lganlarini ochib berishga harakat qildik.Uzoq yillar mobaynida xalqqa ziyo nuri tarqatgan ushbu madrasa yurtimizda Chor Rossiyasi va Sovetlar hukmronligi davrida aychli ahvolga tushib qoldi.Ollohga behad shukurlar bo'lsinkim, yurtimiz istiqlolga erishgandan so'ng,boshqa madrasalar qatori ushbu madrasada ham rekonstruksiya ishlari olib borilmoqda va ushbu madrasani qayta tiklab, turistik hududga aylantirish rejalashtirilgan.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1.O’zbekiston Milliy Enksklopediyasi 1-jild Toshkent 2000-yil 31-b.

2.S.Tursunov,T.Turdiyev-Denov “Fan nashriyoti”2009.Toshkent.199-208b.

3.Chag'oniyon tarixi. Toshkent.2002

4.T.F.Jukova-O’zbekiston arxitekturasi va qurilishi jurnali

5.Muhammad Mir Olim Buxoriy-Fatxnomayi Sultoniy [ №1838]

6.Mahmud ibn Vali-Baxr ul-olam[olijanob kishilarning jasorati haqida sirlar dengizi

# AXBOROTLASHGAN JAMIYATDA YOSHLAR MILLIY O‘ZLIGINI ANGLASH MUAMMOSI

**Alijonova Maxliyoxon No‘monjonovna**

**Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri**

*Maqolada axborotlashgan jamiyatda yoshlarni milliy o‘zligini anglash muammosi ilmiy jihatdan tahlil etildi. Insoniyatning tarixiy taraqqiyoti o‘z-o‘zini anglash, eng avvalo, insoniy mavjudlikning mohiyatini ma’naviy voqelik, sha’n, qadr-qimmat, obro‘-e’tibor orqali namoyon bo‘lishini ko‘rsatadi. Hayotning ma’no-mazmuni, maqsadini tushunib etish, o‘zlikni anglashdan boshlanadi. Milliy g‘oyada uning negizlari mujassam bo‘lganligi uchun ham o‘zlikni anglashga xizmat qiladi va bir-biri bilan uzviy bog‘liq.*

***Kalit so‘zlar:*** *axborotlashgan jamiyat, yoshlar, milliy o‘zlikni anglash, qadr-qimmat, or-nomus, obro‘-e’tibor, ma’naviyat, tarbiya.*

Milliy o‘z-o‘zini anglash - har bir millat (elat)ning o‘zini haqiqiy mavjud sub’ekt, muayyan moddiy va ma’naviy boyliklarni ifodalovchi ekanligini, yagona til, urf-odatlar, an’analar, qadriyatlar va davlatga mansubligini, manfaatlar hamda ehtiyojlar umumiyligini tushunib etishiga milliy o‘z-o‘zini anglash deyiladi. YOki boshqacha aytganda:

Har bir millat (elat)ning o‘zini real mavjud sub’ekt, muayyan moddiy va ma’naviy boyliklarni ifodalovchisi, yagona til, urf-odatlar, an’analar, qadriyatlar va davlatga mansubligini, manfaatlar hamda ehtiyojlar umumiyligini tushunib etishga milliy o‘z-o‘zini anglash deyiladi.

Milliy o‘z-o‘zini anglash milliy ongdan farq qiladi. Milliy ong har bir millatning yagona tili, urf-odatlari, an’analari, qadriyatlari va ma’naviyatining pastdan yuqoriga, oddiydan murakkablik tomon rivojlanib borishining muhim mezoni hisoblanadi. O‘z navbatida milliy ongning rivojlanib borishi har bir millatni o‘z-o‘zini anglash darajasiga ko‘taradi. Milliy ong millatning o‘ziga xosligi rivojlanib borishi bo‘lsa, milliy o‘z-o‘zini anglash - milliy manfaatlarni himoya qilishda va rivojlan-tirishda harakatga keluvchi ichki ma’naviy - ruhiy salohiyatdir.

O‘zbekistonda fuqarolik jamiyati asoslarini shakllantirish, davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini yanada demokratlashtirish, avvalo, har bir fuqaroning va butun jamiyatning oliy maqsadlarini o‘zida mujassam etgan milliy g‘oya atrofida uyushish, millatning ajralmas qismi ekanligini anglab etishga ham bog‘liq.

Amir Temur deganidek, «Birliksiz kuch bo‘lmas». Millat birligida inson o‘zligini anglash jarayoni alohida o‘ringa ega. Prezidentimiz fikricha, «Chinakam insoniy fazilatlarga ega bo‘lgan... odam demokratik ne’matlarning oddiy iste’molchisi emas, balki ularning faol yaratuvchisi va himoyachisiga aylanadi... SHundagina inson o‘z mamlakatining tom ma’nodagi munosib fuqarosi bo‘la oladi»[1].

«O‘zini anglagan inson o‘zi uchun nima foydali va nimalarga qodir ekanligini yaxshi tushunadi. U qo‘lidan keladigan ish bilan shug‘ullanish asnosida o‘z ehtiyojini qondiradi va saodatga erishadi. Har qanday xato va baxtsizliklardan xoli bo‘ladi. Buning natijasi o‘laroq, u o‘zga odamlarni qadrlay oladi va ulardan ezgulik yo‘lida foydalana oladi. Oqibatda o‘zini kulfatlardan asraydi»[2].

Millatning milliy o‘z-o‘zini anglash shaxsning milliy o‘zligini anglash bilan uzviy bog‘liq.

**<u>Shaxsning milliy o‘zligini anglash deganda esa:</u>**

1. Millatning biron bir (etnos)ga mansubligini anglab etish.
2. Mazkur millatning insoniyat taraqqiyotidagi o‘rnini tushunish.
3. Milliy qadriyatlarga sodiqlik.
4. Milliy ehtiyojlar va manfaatlarni anglash, uning rivojlanish yo‘llari-ni bilish.
5. Milliy taraqqiyotga vijdonan xizmat qilish.

Aslida milliy o‘z-o‘zini anglash millatning moddiy hamda ma’naviy manfaatlarini himoya qiluvchi va rivojlantiruvchi omil hisoblanadi. U faqat milliy manfaatlarni himoya qilish bilan cheklanmaydi, u millatni «harakat»ga keltiradi va birlashtirib turadi. Xususan, millat taraqqiyoti jarayonida iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy sohalarda yuzaga keladigan muammo-larni hal qilishda milliy o‘z-o‘zini anglash omili millatni jipslashtiradi va uni umummaqsadlar yo‘lida harakatga keltiradi. U har qanday millat uchun zarur asosiy o‘ziga xos belgilari tizimida etakchi o‘rinni egallaydi. Milliy o‘z-o‘zini anglash millat abadiyligini ta’minlashning eng muhim omilidir. Chunki bu salohiyat millatning o‘ziga xosligini va manfaatlarini himoya qilib turadi. Xitoy faylasufi Shan Yan (mil.avv. 390-338) fikricha, «Nodon xalqni boshqarish oson. Tentak odamlarni og‘ir mehnatga majburlash oson. Aqlli kishilarni esa mashaqqatli mehnatga jalb etish mushkuldir»[3].

Ko‘pgina olimlar «millat»ga turlicha ta’rif berib kelgan va uning umume’tirof etgan belgilarini ko‘rsatganlar:

---

[1] Karimov I.A. Biz tanlagan yo‘l - demokratik taraqqiyot va ma’rifiy dunyo bilan hamkorlik yo‘li. T.11. -Toshkent: O‘zbekiston, 2003, 34-bet.

[2] Haqiqat manzaralari. 96 mumtoz faylasuf. -Toshkent: «Yangi asr avlodi», 2002, 63-bet.

[3] Haqiqat manzaralari. 96 mumtoz faylasuf. -Toshkent: «Yangi asr avlodi», 2002, 92-bet.

1. Hudud, 2. Til. 3. Iqtisodiy hayot. 4. Madaniyatlar, an’analar va turmush xususiyatlari birligi. Bulardan tashqari milliy o‘zlikni anglash etnik mansublikni anglash, ruhiyat va xususiyatlari, ilg‘or an’analarini ham qo‘shish mumkin.

Milliy g‘urur - shaxs, ijtimoiy guruhning milliy o‘z-o‘zini anglashi asosida shakllanadigan, ajdodlari qoldirgan moddiy, ma’naviy merosdan, o‘z xalqining jahon sivilizatsiyasiga qo‘shgan hissasi, o‘sha, millatlar oldidagi qadr-qimmati, obro‘-e’tiboridan faxrlanish hissini ifodalovchi tushuncha.

Ommaviy axborot vositalarida milliy g‘urur, milliy faxr, milliy iftixor tushunchalari keng qo‘llanilib, ular asosan, bir ma’noda ishlatilmoqda, ya’ni, milliy iftixor (faxr) bu - milliy g‘ururdir.

Umuman, milliy ruhiyatni shakllantirishda: «milliy g‘urur», «milliy iftixor», «milliy his», «milliy xarakter» kabi tushunchalar ham muhim o‘rin tutadi.

Inson «bir parcha go‘sht» bo‘lib dunyoga keladi va u dastlab tabiiy instinktlar bilan yashaydi. Sekin-asta o‘zi yashaydigan oila muhiti, keyinroq mahalla, ta’lim olgan bilim dargohi, jamiyat ta’sirida inson dunyoqarashi shakllanadi, shaxsga aylanib boradi. Jamiyatdan tashqarida esa, u hayvonot dunyosining boshqa vakillaridan farq qilmaydigan, o‘zligini anglashga qodir bo‘lmagan oddiy jonzodligicha qoladi. Jamiyatdan tashqarida o‘zining sifatlarini saqlab qolgan Robinzon Kruzo yoki Maugli kabi adabiy qahramonlar faqat hayolot mahsulidir. Mashhur ingliz yozuvchisi Daniel Defoni Robinzon obrazini yaratishga turtki bergan shaxs - Aleksandr Selkirk tarixi bunga yorqin misol bo‘la oladi. O‘zi bilan ziddiyatga borgan bu matrosni kema kapitani kimsasiz orolga tushirib qoldiradi. U atigi 4 yildan sal ko‘proq vaqtini yolg‘izlikda o‘tkazdi. Ammo shu qisqa vaqt ichidayoq u odamdek so‘zlashni, muomala qilishni unutadi, butkul insoniy qiyofasini yo‘qotadi[4].

Ta’lim-tarbiya tizimidagi islohotlar boshlangan dastlabki yillarda jahon tajribasi va hayotda o‘zini ko‘p bor oqlagan haqiqatdan kelib chiqib, agar bu maqsadlarimizni muvaffaqiyatli ravishda amalga oshira olsak, tez orada hayotimizda ijobiy ma’nodagi «portlash effekti»ga, ya’ni yangi ta’lim modelining kuchli samarasiga erishamiz, degan fikr bugun amalda o‘z tasdig‘ini topayotganini muallif mamnuniyat bilan e’tirof etadi.

Darhaqiqat, istiqlol davrida barpo etilgan, barcha shart-sharoitlarga ega bo‘lgan akademik litsey va kasb-hunar kollejlari, oliy o‘quv yurtlarida tahsil olayotgan, zamonaviy kasb-hunar va ilm-ma’rifat sirlarini o‘rganayotgan, hozirdanoq ikki-uch tilda bemalol gaplasha oladigan minglab o‘quvchilar, katta

---

[4] Ergashev I. va boshq. Milliy istiqlol g‘oyasi: O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim bakalavriat bosqichi uchun darslik. - Toshkent: Akademiya, 2005. 192-194-betlar.

hayotga yo‘llanma olayotgan, o‘z iste’dodi va salohiyatini yorqin namoyon etayotgan yosh kadrlari misolida ana shunday orzu-intilishlari bugunning o‘zida o‘z hosilini berayotganining guvohi bo‘lmoqdamiz. Eng muhimi shundaki, «portlash effekti»ning haqiqiy mohiyati va ahamiyati vaqt o‘tishi bilan, tobora kamol topayotgan sog‘lom va barkamol avlodning hayotga tobora ildam kirib borishi bilan yanada yaqqolroq seziladi.

Xulosa sifatida aytish joizki, bu tabarruk zaminda ne-ne buyuk zotlar, olimu ulamolar, siyosatchi va sarkardalar etishib chiqqani, umumbashariy sivilizatsiya va madaniyatning uzviy qismiga aylanib ketgan dunyoviy va diniy ilmlarning, ayniqsa, islom dini bilan bog‘liq bilimlarning tarixan eng yuqori bosqichga ko‘tarilishida ona yurtimizda tug‘ilib kamolga etgan ulug‘ allomalarning xizmatlari beqiyos ekani bizga ulkan g‘urur va iftixor bag‘ishlaydi. Bu ko‘hna tuproqda milodgacha bo‘lgan davrda va undan keyin qurilgan murakkab suv inshootlari, hali-hanuz o‘zining ko‘rku tarovatini saqlab kelayotgan osori atiqalarimiz qadim-qadimdan o‘lkamizda dehqonchilik va hunarmandchilik madaniyati, me’morlik va shaharsozlik san’ati yuksak darajada rivojlanganidan dalolat beradi. Mamlakatimiz hududida mavjud bo‘lgan to‘rt mingdan ziyod moddiy-ma’naviy obida umumjahon merosining noyob namunasidir. Ushbu namunadan yoshlarimizni bahramand qilish bugungi kunda katta ahamiyat kasb etadi.

## O'QUVCHI YOSHLARDA FIKRLASH QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSION YONDASHUV

**Meliyeva Dilfuza Denov tadbirkorlik va pedagogika institute 1 kurs magistri**

*Maqolada o‘quvchilarida fikrlash qobiliyatini rivojlantirishda innovatsion yondashuv asosidagi metodlarni o`rganish va yangi metodlar tavsiya etilgan. Shuningdek milliy ma’naviy merosimiz tahlil qilish asosida o‘quvchilarini mustaqil fikrlashga o‘rgatishning ilmiy va amaliy asoslarini aniqlash, mustaqil ijodiy fikrlash qobiliyatini shakllantirishda o’quvchi-yoshlarning fikrlashi qobiliyatini va o`z faoliyatiga munosabatlarini o’zgartirish masalasi o’ta muhimdir.*

***Kalit so`zlar:*** *o`quvchi-yoshlar, innovatsion fikrlash, metodlar.*

Hozirgi kunda har qanday mamlakat, har qanday jamiyat iqtidorli, iste'dodl kishilarga ixtiyoji kuchli bo`lib ularning fikrlash qobiliyatini rivojlantirishda

innovatsion yondashuv asosida zamonoviy texnologiyalar va XXI asr mojizalarini qo`llagan holda ilmiy va amaliy ishlar olib borilmoqda.

O’zbekistonda ta’lim tizimini tubdan isloh qilish, o’qitish sifati va mazmunini yangi bosqichga ko’tarish, malakali kadrlar tayyorlashning zamonaviy mexanizmini yaratish, o’quv dasturlari va adabiyotlarini yangilashga qaratilgan islohotlar bosqichma-bosqich, tizimli ravishda amalga oshirilmoqda. Hozirgi kunda yurtimiz rivojlanishida Sharqona tarbiya mazmunini o`zida mujassam etgan ta’lim muassasalarimizdagi o`quvchi-yoshlarni o`rta asr Sharqining buyuk mutafakkirlari Xorazmiy, Forobiy, Ibn Sinolar ta’kidlaganlaridek, mustaqil fikrlashga o`rgatish hamda ushbu fikrlashi jarayonida o`zlashtirilgan bilimlar biror bir manbadan tayyor holda olingan bilimlar bilan qiyoslaganda katta afzallikka ega ekanligini uqtirish bugungi globallashuv jarayonida o`rni muhim sanaladi.

O'quvchi yoshlarda fikrlash qobiliyatini rivojlantirishda dars jaroyonida innovatsion texnologiyalardan foydalanish yordamida tez va samarali tarzda fikrlash qobiliyatini oshirish mumkin. Ta`qidlash joizki "Innovatsion ta'lim texnologiyasi" - uchta bir-biriga bog'liq komponentlarning kompleksi: a) o'quvchilarga uzatiladigan zamonaviy kontent, zamonaviy biznes amaliyotiga mos keladigan vakolatlarni rivojlantirish kabi ob'ektiv bilimlarni rivojlantirishni emas, balki o'z ichiga oladi. Ushbu kontent yaxshi tuzilgan va zamonaviy aloqa vositalari orqali uzatiladigan multimedia o'quv materiallari shaklida taqdim etilishi kerak; b) o'qitishning zamonaviy usullari - talabalarning o'zaro ta'siri va ularni o'quv jarayoniga jalb etishga asoslangan vakolatlarni shakllantirishning faol usullari, nafaqat materialning passiv idrokida; c) masofaviy ta'lim shakllarining afzalliklaridan samarali foydalanish imkonini beradigan axborot, texnologik, tashkiliy va kommunikatsiya komponentlarini o'z ichiga olgan zamonaviy ta'lim infratuzilmasi[42].

Ta’lim tizimida o`quvchi-yoshlarda fikrlashni o’stirishga xizmat qiladigan metodlar yanada takomillashtirish uchun an`naviy va yangi innovatsion usullardan foydalanish maqsadga muvafiq hisoblanadi. Misol tariqasida innovatsion fikrlovchilarning shakllanishiga yordam beruvchi muayyan o’quv sharoitlari to’plami mavjud bo`lib. Bunda o`quvchi-yoshlarlarga fikr yuritish uchun imkoniyat berish; - turli – tuman g’oya va fikrlarni qabul qilish; - o`quvchi-yoshlarlarning o’quv jarayonidagi faolligini ta’minlash; - o`quvchi-yoshlarlarni kulgiga qolmaslikka ishontirish kerak; - o`quv jaroyonida tarqatma materiallar yordamida o`quvchilarda o`zgacha fikrlash va jamoa bilan ishlash o`z fikrni tatbiq etgan holda turlicha fikrlarni e’tibor bilan tinglash; - o’z hukmlarini shakllantirishga va  boshqa metodlarni qo`llash mumkin.

---

42 Yoshlarda ijodiy fikrlashni rivojlantirish istiqbollari https://hozir.org/yoshlarda-ijodiy-fikrlashni-rivojlantirish-istiqbollari.

O’quvchi-yoshlarning o’zlari ham o’z fikrlarining qimmatbaho ekanligiga ishonch hosil qila olishlari zarur. Ular o’z fikrining tushuncha va masalani muhokama qilish jarayonida o’ta muhim, shuningdek, katta hissa bo’lib hisoblanishini tan olishlari kerak. O’zaro fikr almashuv. Fikrlash jarayoni o’quvchi-yoshlarning o’zaro fikr olishuvini ko’zda tutadiO’zaro fikr olishishda o’quvchi-yoshlardan diqqat bilan tinglash, o’zining qarashlar tizimini so’zlovchiga zo’rlab o’tkazish va boshqa so’zlovchilarni tuzatib turishdan o’zini tiyib turishi ham talab etiladi. Bunga javoban o’quvchi-yoshlar boshqalarning yalpi fikrlaridan foydalanish imkoniyatiga ega bo’ladi. Keng doiradagi munozara oqibati o’laroq o’quvchi-yoshlar o’zlariga tegishli bo’lgan g’oyalarni tahlil qilish va uni aniqlashga yanada qobiliyati orta boradi hamda ularni o’z bilimlari va hayotiy tajribalarida yaratgan g’oyalari tizimiga tirkab boradi.

Fikrlash jarayonini tashkil etishda uni o’tkazishning bir necha modellari mavjud. Ular: - o’ziga ishonch hosil qilish; - ishda faol ishtirok etish; - o’rtoqlar va o’qituvchi bilan fikr almashish; - o’zgalar fikrini tinglay olish va boshqalar iborat.

Xulosa o`rnida shu alohida ta’kidlash mumkinki, fikrlash qobiliyatini rivojlantirishda innovatsion yondashuv asosida turli xil metodikalaridan foydalanish quyidagi muhim vazifalarni yechish imkoniyatini beradi: - o’quvchi-yoshlarga maqsadlarini anglab olishga yordam beradi; - mashg’ulotlarda faolligini ta’minlaydi; - samarali munozaraga chorlaydi; - o’quvchi-yoshlarning o’zlari savollar tuzishi va uni savol tarzida bera olishi uchun yordam beradi; - o’quvchi-yoshlarga o’z shaxsiy bilimlarini ifoda qilishga yordam beradi; - zamanoviy texnologiyalardan foydalanish haqida to`g`ri bilim ko`rsatmalar ega bo`ladi – har qanday fikrlarga bo’lgan hurmat kayfiyatini yaratadi; - o’quvchi-yoshlarda qadrlanadigan fikrlashga sharoit yaratadi va boshqa ko`plab davlat va jamiyatimizga yetuk bilim va o`z dunyoqarashiga ega bo`lgan yoshlarni tarbiyalashimiz mumkin.

## O'QUVCHI YOSHLARDA IJTIMOIY INTELLEKTNI SHAKLLANTIRISHNING NAZARIY-ILMIY ASOSLARI.

***O'roqova Gulsin  Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri***

*Ushbu maqolada  o'quvchi yoshlarda ijtimoiy intellektni shakllantirishning bosqichlari va bu jaroyondagi o`zgarishlar o`rganiladi. Shunindek ijtimoiy*

*intelektni rivojlanishini nazariy-ilmiy asoslari xorij tajribisini yordamida tatbiq qilinadi.*

***Kalit so`zlar:*** *intellekt, yoshlar, munosabat, ta`lim*

Vatanimiz mustaqillikka erishganidan so`ng ko`pgina sohalarda tub o`zgarishlar ro`y berdi. XX asr oxiriga kelib xalqimiz taqdirida butunlay yangi tarixiy davr boshlandi. Tarix tajriba shuni ko`rsatadiki, qaysi davrda, qanday davlatda, qaysi tuzumda yashashimizdan qat`i nazar barkamol avlodni yetuk inson qilib tarbiyalash, birinchi navbatdagi ustuvor vazifa bo`lib hisoblangan.

Ijtimoiy intellekt - bu ijtimoiy o’zaro ta’sirning muvaffaqiyatini belgilaydigan qobiliyatlar to’plami. Boshqa odamning xatti-harakatlarini, o’z xatti-harakatlarini tushunish qobiliyatini, shuningdek, vaziyatga muvofiq harakat qilish qobiliyatini o’z ichiga oladi[43]. Bu tushuncha ma’lum ijtimoiy vaziyatlarni tushunib etish va uni engib o‘tish deganidir.

Ta`qidalash mumkinki, ijtimoiy intellekt tushunchasi ko’pincha hissiy intellekt tushunchasi bilan bog’liq bo’ladi va bu jaroyanni shakllantirish uchun bolalarni avvalo oila tarbiyasidan, ta`lim bosqichlaridagi ijtimoiy holatining ta`siri o`rganilishi maqsadga muvafiq bo`ladi. Ijtimoiy intelektni nazariy ilmiy asoslarini o’rganib kelgan olimlar ijtimoiy intelektni boshqalarning his-tuyg’ularini, fikrlarini va niyatlarini yaxshi tushunish va umumiy til topish va odamlar bilan yaxshi munosabatda bo’lish qobiliyati deb baholaydilar. Lekin bazi tadqiqotchilarning fikricha inson munosabatlari qoidalari va qoidalarini yaxshi bilish. Boshqa odamlarning nuqtai nazarini tushunish qobiliyati va ijtimoiy vaziyatlarga yaxshi moslashish qobiliyati mavjudligini e’tirof etishadi ijtimoi intelekt to`la shaklanishi yo`lidagi bosqichlar deb ham atash mumkin[44].

Aynan ijtimoiy intellekt yetakchi komponent hisoblanadi shaxsni jamiyatning ijtimoiy hayotiga kiritish muvaffaqiyati, ijtimoiy soha va boshqaruv mutaxassisi, zamonaviy aloqa tizimlari va o'zaro munosabatlarning tashkilotchisi va ishtirokchisini shakllantirish. Ijtimoiy intellekt insonlarni doimiy ravishda takomillashtirishga, o'zgaruvchan sharoit va talablarga tezda moslashishga, o'zaro munosabatlar va muloqotda sherigingizni yaxshiroq tushunishga, uni va o'zingiznikini bashorat qilishga imkon beradi.

O’qituvchilar va ota-onalar o`quvchilar bilan yangi muloqot uslubiga o’tishni boshlaydilar, ular his tuyg’ulardan ko’ra ko’proq aqli va mantig’iga murojaat qiladilar rivojlanish holatining umumiy xususiyatlari hisoblanadi. O`quvchi yoshlarda rivojlanishning hayotiy ijtimoiy va psixologik holatidagi o’zgarishlar ularning aql-zakovati va xulq-atvoriga yangi, ortib borayotgan talablarning paydo

[43] Ushakov D.V. Ijtimoiy intellekt aqlning bir turi sifatida (ruscha) //RAS Psixologiya instituti. - 2004 yil.
[44] Zamonaviy ta'lim sharoitida ijtimoiy intellektni shakllantirish https://cyberleninka.ru/article/

bo'lishi kuzatiladi. Idrok, tasavvur va e'tiborni rivojlantirish xususiyatlari yuzaga kelsa xotira, fikrlash va nutqdagi o'zgarishlar o'rta maktabdagi bolalarda aks etadi.

Amerikalik psixologlar xususan, G. Allport fikricha, ijtimoiy intellekt - bu odamlar bilan munosabatlarda meyorni ta'minlaydigan maxsus "ijtimoiy tuhfa" hisoblanadi. Ijtimoiy intellektni umumiy intellektual qobiliyatlarni uchta o'zgaruvchan makonda tavsiflash mumkin: mazmun, vazifa, natijalar. J. Gilford bitta vazifani - idrokni ajratib ko'rsatdi va o'z tadqiqotlarini xulq-atvorni bilishga qaratdi. Bu qobiliyat olti omilni o'z ichiga oladi:

1. Xulq-atvor elementlarini bilish - kontekstdan ajratib olish qobiliyati xatti-harakatning og'zaki va og'zaki bo'lmagan ifodasi

2. Xulq-atvor sinflarini bilish - xulq-atvorga oid qandaydir ekspressiv yoki vaziyatli ma'lumotlar oqimidagi umumiy xususiyatlarni tan olish qobiliyati.

3. Xulq-atvor munosabatlarini bilish - munosabatlarni tushunish qobiliyati, xulq-atvor ma'lumotlari birliklari orasida mavjud.

4. Xulq-atvor tizimlarini bilish - rivojlanish mantig'ini tushunish qobiliyati odamlar o'rtasidagi o'zaro munosabatlarning yaxlit holatlari, bularda ularning xatti-harakatlarining ma'nosi vaziyatlar.

5. Xulq-atvor o'zgarishlarini bilish - turli xil vaziyat sharoitida o'xshash xatti-harakatlar ma'nosining o'zgarishini tushunish qobiliyati.

6. Xulq-atvor natijalarini bilish - mavjud ma'lumotlarga asoslanib, xatti-harakatlarning oqibatlarini oldindan ko'ra bilish qobiliyati. Bu jaroyonlarni rivojlanishida ta`lim tarbiya sohasida kuzatishimz va yangi tartiblarni amalga tatbiq etishimiz mumkin.[45]

Xulosa o`rnida shuni ta'kidlash mumkinki, bu jarayon ijtimoiy moslashuvni, sotsializatsiya jarayonida moslashishni ta'minlaydi, chunki u shaxsning o'z xatti-harakati va boshqalarning xatti-harakatlari oqibatlarini oldindan ko'ra bilish imkonini beradi hamda ijtimoiy intellektning rivojlanish darajasining ko'rsatkichi hisoblanadi.

## O'QUVCHI YOSHLARDA TANQIDIY FIKRNI RIVOJLANTIRISH

**Xo'janova Tamara Jo'raevna – Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)**

**Otaxonova Saodat Otabek qizi O'zbekiston davlat**

**san'at va madaniyat institute 4-kurs talabasi**

[45] Gilford, J. Aql-idrokning strukturaviy modeli / J. Gilford // Psixologiya fikrlash.-M., 1965. - 456 b.

## Annotatsiya:

Maqolada tanqidiy fikrlashni rivojlantirish muammolarini hal qilishda xorijiy va mahalliy olimlarning g'oyalari va qarashlari muhokama qilinadi. Yangi ta'lim standartlarini joriy etish sharoitida boshlang'ich sinf o'quvchilarida tanqidiy fikrlashni shakllantirish va rivojlantirish zarurati aniqlandi.

**Kalit so'zlar:** tanqidiy fikrlashni rivojlantirish nazariyasi, tanqidiy fikrlash, aqliy jarayon, intellekt, uslub va uslublar, metodologiyani ishlab chiqish.

Har bir o'qituvchi o'z darslarida ijodkorlik muhiti hukmron bo'lishini xohlaydi, shunda o'quvchilar xayolot, fantaziya jonli bo'lishi, taqqoslash, sezgiga tayanish, assotsiativ aloqalarni o'rnatish, muammoli vaziyatlar haqida o'ylash va ulardan chiqish yo'llarini taklif qilish, himoya qila olishi lozim.

An'anaga ko'ra, o'quv muvaffaqiyati faqat talaba tomonidan o'rganilgan o'quv materiali miqdori bilan o'lchanadi. Keng zamonaviy axborot makonida zamonaviy talabani kognitiv faoliyatga undash juda qiyin. Bugun biz talabani bilimni mexanik idrok etishga undaydigan usullar bilan cheklanib qola olmaymiz. Zamonaviy hayot yuqori darajadagi fikrlashni, keng ijtimoiy va intellektual vaziyatlarga moslashish qobiliyatini talab qiladi. Bu esa o'z navbatida o'qituvchidan izlanishni, yangi ta'lim texnologiyalarini amaliyotga joriy etishni talab qiladi. Maktab o'quvchilarining aqliy faoliyatini shakllantirishda ijobiy natijalarga erishishga imkon beradigan ko'plab innovatsion usullar orasida tanqidiy fikrlash texnologiyasiga katta e'tibor beriladi. So'nggi yigirma yil ichida bu muammo juda dolzarb bo'lib qoldi.

Ushbu muammoni ishlab chiqishda ishtirok etgan tadqiqotchilar orasida falsafiy, psixologik-pedagogik nuqtai nazardan E. de Bono, J. Dyui, D. Xelpern, D. Kluster, R. Jonson kabi tadqiqotchilarni ajratib ko‘rsatish mumkin. J. Steele, K. Meridith, S. Plaus, R. Pohllar ham bor. Shunday qilib, D. Xelpernning qarashlari ko'plab zamondoshlar tomonidan qo'shiladi. “Tanqidiy fikrlash psixologiyasi” asarida u tanqidiy fikrlash, eng avvalo, ijodiy fikrlash ekanligini ta’kidlaydi. Xelpern "qanday o'rgatish kerak" va "nimani o'rgatmaslik" muammosini ochib beradi.

“Baholash va qaror qabul qilish psixologiyasi” asarida S.Plausning fikricha, tanqidiy fikrlashni rivojlantirish bevosita baholash va qaror qabul qilish qobiliyati bilan bog’liq. Ratsionallik "to'g'rilik" dan boshqa narsani anglatmaydi va bu holda Plaus aynan shu "to'g'rilik" ni topishga yordam beradigan ko'plab usullarni taqdim etadi.

R.Pol tanqidiy fikrlashni intellektual standartlar bilan bog'laydi. U tanqidiy fikrlashni o'z talqinini beradi: "Bu o'rgatilgan tafakkurga xos bo'lgan me'yorlar va qadriyatlar sari oldindan ko'rish va progressiv harakat qilish usulidir, chunki

fikrlashni o'rganish tushunish qobiliyatini anglatadi". M.Lipmanning fikricha, o‘quvchilar o‘zlarini sovunlashni o‘rganmoqchi bo‘lsalar, olimlar kabi qilishlari kerak. V. Rudjiero tanqidiy fikrlashni his-tuyg'ular bilan bog'laydi. Bu fanda juda yaxshi ma'lum bo'lgan haqiqatdir. Tuyg'ular va fikrlash bir-birini to'ldiradi. Olimlarning asarlarida tanqidiy fikrlashning asosiy maqsadi muammolarni (vazifalar) yechish, uning asosiy natijasi esa mulohaza yuritish ekanligi isbotlangan. Rus faylasuflari, psixologlari va o'qituvchilari talabalar o'rtasida tanqidiy fikrlashni rivojlantirishda ushbu olimlarning tajribasiga tayanganligi muhimdir. So'nggi o'n yillikda bu muammo mahalliy olimlarning (V. Bolotov, A. Korjuev, G. Sorina, A. Butenko) e'tiborini tortdi. Ammo shuni ta'kidlash kerakki, maktab o'quvchilarida tanqidiy fikrlashni shakllantirish bo'yicha tadqiqotlar faqat o'tgan asrning 70-yillarida boshlangan (Veksler M., Sinelnikov V., Lipkina A., Rybak L.). Pedagogik fikrni rivojlantirishning hozirgi bosqichida kichik yoshdagi o'quvchilarni amaliyotda o'rgatishda tanqidiy fikrlash texnologiyasidan foydalanish masalasi juda dolzarbdir.

Ma'lumki, bolani o'qitish jarayonida tanqidiy fikrlashni rivojlantirish texnologiyasi - bu o'quvchilarni ijodiy faoliyatga rag'batlantiradigan, materialni o'zlashtirish va olingan bilimlarni umumlashtirish uchun shart-sharoit yaratadigan turli xil uslubiy usullar majmuasidir. Bu texnologiyaning maqsadi o‘quvchilarning nafaqat maktabda, balki kundalik hayotda ham zarur bo‘lgan aqliy qobiliyatlarini rivojlantirishdan iborat. Ushbu metodik tizimni joriy etish uchun maktabda eng yangi texnologiyalarni o'zlashtirish uchun yaratilgan qo'shimcha shart-sharoitlar kerak emas. Yuqoridagilarni umumlashtirgan holda, biz tanqidiy fikrlashni rivojlantirish texnologiyasi har bir o'quvchiga o'zini anglash imkoniyatini beradi, degan xulosaga kelishimiz mumkin. Izlanish natijasida sinfda qilingan kashfiyotlar bolalar uchun sezilmas odat bo'lib qoladi. Tajriba samaradorligining mezoni kichik yoshdagi o'quvchilarning bilim faolligini va o'quv motivatsiyasini oshirishdir.

**ADABIYOTLAR:**

1. Zair-Bek S.I. Sinfda tanqidiy fikrlashni rivojlantirish: O'qituvchi uchun qo'llanma / S I. Zair-Bek. - M.: Ta'lim, 2011. - 219 b.

2. Zagashev I.O. Tanqidiy fikrlash: rivojlanish texnologiyasi: O'qituvchi uchun qo'llanma / I.O. Zagashev, S.I. Zaire Bek. - Sankt-Peterburg; "Delta" ittifoqi, 2003. - 284 p.

3. Plaus S. Baholash va qaror qabul qilish psixologiyasi / Ingliz tilidan tarjimasi. / S. Plaus - M .: "Filin" axborot va nashriyot uyi, 1998. - 368s.

# СВЕДЕНИЯ О ЖИЗНИ И ТВОРЧЕСТВЕ НАВОИ, СОДЕРЖАЩИЕСЯ В ЕГО СОБСТВЕННЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ

**Агзамходжаева Шахноза Саидматлабовна –**
**кандидат философский наук, доцент, Ташкентский институт текстильной и лёгкой промышленности**

*В данной статье анализируются исторические источники, в той или иной мере затрагивающие философское мировоззрение, в том числе суфийское учение Навои. К этим источникам относятся прежде всего сочинения самого мыслителя, в которых он рассказывает о формировании своего мировоззрения, излагает свои воззрения на те или иные философские проблемы; сюда же мы относим труды современников поэта, которые знали его лично и имели многочисленные беседы с ним.*

***Ключевые слова:*** *творчество. Поэт, сочинение, современников, философскиы проблемы, суфийские учение, мировоззрение, беседы.*

Навои – прежде всего суфий и только потом гениальный поэт, мыслитель и гражданин. То, чем занимается суфий в бренной жизни, может служить прикрытием его святости и приближённости к Господу, своеобразным отвлечением внимания толпы от человека, душа которого полностью отвернулась от мира и каждое мгновение дышит одним только Им, Возлюбленным Создателем. Даже гениальность Навои, создавшего величайшие и непреходящие шедевры классической литературы, это всего лишь дополнение к его тщательно скрываемой от посторонних и непосвящённых глаз святости.

К самым ранним и достоверным источникам о Навои мы относим также и «Бабур-намэ», автор которого преклонялся перед гением Навои, имел короткую переписку, но встретиться с ним не смог (кстати, Бабур, будучи принципиальным и объективным историком, представил Навои не только как гениального поэта, но и как многогранную и незаурядную личность своего времени со всеми присущими ему достоинствами и недостатками).

Хотя мыслитель специально не писал свою автобиографию, как это делал много лет до него Абу Али ибн Сина[46], многие произведения Навои содержат конкретные сведения о его личности, творческой и общественной деятельности. В частности, прозаическое произведение «Вакфия», написанное в 1482 году, отражает общественную и благотворительную деятельность Навои. Мотивом для создания этого труда послужила передача

[46] См.: Автобиография Абу Али ибн Сины. // https://arboblar.uz/ru/people/abu-ali-ibn-sina

поэтом части своего состояния в вакф, однако основная часть произведения посвящена размышлениям Навои о своей жизни и деятельности. Он подводит итог сорока годам своей жизни, пишет о своих планах на будущее, о своих устремлениях и надеждах.

Этот труд показывает, что прожитую часть своей жизни Навои всецело связывал с личностью, властью, государством и деятельностью Султана Хусейна, что свое будущее также не мыслит без этого. В книге имеется часть, в которой нашло свое художественное отражение содержание шахской грамоты, отправленной на имя Навои; часть, где автор говорит о своей государственной деятельности, излагает те принципы, которыми руководствовался при этом, в частности, принцип верности шаху, шахской власти; часть, написанная в форме обращения к Султану Хусейну и в художественном отношении составляющая самые прекрасные страницы данного произведения.

Второй наш вывод – только истинный суфий, каким был Навои (или стал к сорока годам Навои), в состоянии раздать все свое богатство на благотворительные цели, сам же остался довольствоваться малым. Вот такая щедрость, бескорыстие, милосердие свойственны только лишь истинным представителям тариката. В других произведениях, посвященных жизни, праведному пути и учению суфиев, Навои вновь и вновь возвращается к этой теме, с восторгом и умилением рассказывает о своих предшественниках, которые добровольно отказывались от престола, высоких чинов, богатства и положения.

Исследованию этой книги посвящена кандидатская диссертация по филологии И.У.Шамсимухамедова[47] на тему: «Вакфия» Алишера Навои как литературный памятник (шифр специальности: 10.01.03 — Литература народов СССР (узбекская литература)), которую он защитил в 1991 году. Недавно в журнале International Scientific Journal Theoretical & Applied Science уровня **Impact Factor** была издана статья исследователя К.Эргашева на тему «Творческое сознание и стиль (на примере творчества Алишера Навои»[48], большая часть которой была посвящена «Вакфие».

Еще одно произведение, содержащее некоторые факты из жизни и общественной деятельности Навои – это «Муншаот» - сборник переписок поэта со многими соратниками. Этот труд еще не стал достоянием русскоязычного читателя. Ознакомление с его содержанием в узбекском

---

[47] См.: Шамсимухамедов И.У. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук на тему: "Вакфия" Алишера Навои как литературный памятник (шифр специальности: 10.01.03 — Литература народов СССР (узбекская литература)). // https://cheloveknauka.com/vakfiye-alishera-navoi-kak-literaturnyy-pamyatnik

[48] См. К.Эргашев. "Творческое сознание и стиль (на примере творчества Алишера Навои". // https://oaji.net/articles/2020/679-1608436041.pdf

оригинале показало, что в нем не имеются сведения о мировоззренческих постулатах, в том числе, о суфизме мыслителя.

Произведение Навои «Суждение о двух языках» - это не только лингвистический трактат, показывающий огромные возможности литературного узбекского языка, это еще своего рода «отчет о проделанной работе», в котором подробно перечислены все основные труды великого мыслителя. Он убедительно доказывает совершенство тюркского языка, говорит, что в тюркском языке много изумительных слов и выражений. Однако трудно упорядочить их подобающим образом и сочинять прелестные стихи. Тот, кто приступает к этому, быстро охладевает ввиду трудности этого и склоняется к более легкому делу. Навои выражает сожаление, что «Все даровитые люди тюркского народа слагают стихи на сартском (таджикском – Ш.А.) языке и совсем не слагают стихов на тюркском языке, а многие и не могут этого делать; если же и слагают, то не могут читать их перед сведущими тюрками, … Как бы то там ни было, несмотря на такие превосходства тюркского языка над персидским и на его тонкости и богатства, он не стал общеупотребительным в поэзии и даже почти был заброшен»[49].

Естеству моему стала ведома целая сфера великолепных красот – такая, что больше девяти сфер небес. Там довелось открыть мне такую сокровищницу достойного и высокого, что жемчужины ее сверкают сильнее бриллиантов звезд. И явился мне цветник, в котором цветы блистали ярче небесных светил. В тайник этот не ступал никто, и он был чист, а россыпи сокровищ его были защищены от прикосновения чужих рук»[50].

Навои поднял узбекский литературный язык на такую высоту, что кроме десятки тысяч его поклонников, появились сотни его последователей, писавших, как тогда говорили, на чагатайском языке. Они показывали свои стихи Навои, считались с его авторитетным мнением и прислушивались к его замечаниям. В «Суждении о двух языках», он пишет: «Вот уже около тридцати или сорока лет, как в Хоросанских владениях, которые по разумению достойнейших мужей представляют собой великий край и крупнейшую страну из всех стран мира, все мужи поэзии этого края записывают приятнейшие слова и примеры красноречия поэтов, достойные почитания, налагая их на страницы книг, представляют их на мой недостойный суд и показывают их мне, недостойному, и просят, чтобы я отделал и улучшил их; и те тонкие замечания, которые бывали высказаны мною, они по справедливости принимали, а если некоторые из них

[49] Алишер Навои. Суждение о двух языках. Т.Х. Стр.123.
[50] Алишер Навои. Суждение о двух языках. Т.Х. Стр.125.

отвергали, то, запомнив их, соглашались с ними потом и считали себя благодарными и довольными»[51].

Примечательно то, что молодые поэты (может, не только молодые) обращались к Навои с просьбой разъяснить сокрытый смысл, заложенный в поэзии тасаввуфа. Часто случалось так, что знатоки и ценители мыслей и тонкостей поэзии, споря о стихах Мир Касым Анвара и Салмана, не могли убедить друг друга, и тогда просили Навои рассудить их и принимали любое вынесенное им решение, и разногласия тем самым устранялись. Так бывало и с газелями Мир Шахи и Мавлана Катиби, с месневи Шейха Низами и Мир-Хосрова Дехлеви[52]. Все эти поэты представляли поэзию тасаввуфа.

В формировании суфийской позиции Навои огромную роль сыграл Абдурахман Джами, которого он почитал как своего муршида – учителя и наставника. Навои писал: «Покойный святейший Джами, наставник праведного пути, да будет светлым прибежищем ему могила его, - кроме слов властителя мудрости и чудотворных изречений пророка, в персидском языке не было речений превыше его (т.е. Джами) слов, - многие книги и повествования, газели и касыды, в которых он нанизывал на нить поэзии жемчужины мыслей и благоволил придавать блеск общему виду их из богатств тайной сокровищницы своей, в черновом виде сначала давал мне, недостойному, по благорасположению своему и безграничному доверию. Он говорил: «Прими листы эти и просмотри от начала до конца, и все, что придет на душу тебе, скажи». И какие бы ни пришлось высказывать мне соображения, о чем уже говорилось, он милостиво принимал их. Доказательством этого является то, что более чем в десяти книгах и повествованиях своих он благоволил упоминать мое недостойное имя. Много раз писал он о дарованиях и проницательности моей, касаясь также и других подобных вещей»[53].

Другой выдающийся суфий того времени его святость Шайх Убайдуллах Ахрар, да будет доволен им Аллах, в своём сочинении: «Родословная праведных» писал следующее: «Истину искреннего поклонения суфия составляют скорбь, надломленность и мольба»[54].

В заключение можно сказать, что необходимо и дальше глубоко исследовать произведения, все творческое наследие Навои не только с точки зрения поиска сведений о его прекрасной жизни, не только через призму его

[51] Алишер Навои. Суждение о двух языках. Т.Х. Стр.132.

[52] Алишер Навои. Суждение о двух языках. Т.Х. Стр.132.

[53] Алишер Навои. Суждение о двух языках. Т.Х. Стр.132-133.

[54] Алишер Навои Мольба к Богу. (перевод С.Мадалиева). // https://greylib.align.ru/1352/alisher-navoi-molba-k-bogu.html

суфийской поэзии, а в целом, с целью приобщения всего человечества к сокровищнице смыслов этого гения.

**УДК: 32.01.33**

**ҒАЙБУЛЛАЕВ ОТАБЕК МУХАММАДИЕВИЧ**
Самарқанд давлат чет тиллар институти
Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий
ишлар бўйича биринчи проректор
фалсафа фанлари доктори, профессор
gaybullayev@samdchti.uz

тел:+998 91-522-12-88

СамДЧТИ профессори, ф.ф.д., **Хандамова М.А.** тақризи асосида

## The role of the national idea in the development of aesthetic culture of youth in the new Uzbekistan

**Abstrakt**

The national idea plays a key role in the changes in the field of philosophy and aesthetics of the new Uzbekistan. Strengthening the role of the national idea in all spheres of society, educating young people with a high aesthetic culture in the trust and belief of the people has become an important philosophical process. People's worldview has changed and modern knowledge has been formed that young people are the main force of the future, the future of the nation.

**Keywords:** national idea, values, ideology, culture, spirituality, aesthetic culture, youth, social consciousness, interests of the people.

## Роль национальной идеи в развитии эстетической культуры молодежи в новом Узбекистане

**Аннотация**

Национальная идея играет ключевую роль в изменениях в области философии и эстетики нового Узбекистана. Важным философским процессом стало усиление роли национальной идеи во всех сферах жизни общества, воспитание молодежи с высокой эстетической культурой в доверии и вере народа. Изменилось мировоззрение людей и сформировались современные знания о том, что молодежь – это главная сила будущего, будущего нации.

**Ключевые слова:** национальная идея, ценности, идеология, культура, духовность, эстетическая культура, молодежь, общественное сознание, интересы народа.

## Янги Ўзбекистонда ёшлар эстетик маданиятини ривожлантиришда миллий ғоянинг ўрни

**Аннотация**

Янги Ўзбекистоннинг фалсафа ва эстетика фани соҳасидаги ўзгаришларида миллий ғоя асосий куч ролини ўйнамоқда. Жамиятнинг барча соҳаларида миллий ғоянинг ролини мустаҳкамлаш, халқнинг ишонч ва

эътиқодида юксак эстетик маданиятли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш муҳим фалсафий жараёнга айланди. Одамларнинг дунёқараши ўзгариб ёшлар эртанги куннинг асосий кучи, халқнинг келажаги эканлиги тўғрисида замонавий билимлар шаклланиб, жойларда маънавиятли авлодни тарбиялаш, миллий мафкуранинг бош мақсади порлоқ истиқбол сари илдамлаш эканлиги очиб берилди.

**Калит сўзлар:** миллий ғоя, қадриятлар, мафкура, маданият, маънавият, эстетик маданият, ёшлар, ижтимоий онг, халқ манфаатлари.

**Кириш.**

Янги Ўзбекистоннинг келажаги бугунги мурғак қалбларининг тақдири билан узвий жараён бўлиб, уларнинг жамиятда фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши, замонавий эстетик маданиятнинг ютуқларидан фойдаланиш муҳим жараён саналади. Жамиятда ижтимоий онгнинг ривожланиб бориши мавжуд ижтимоий тизимнинг ғояларини халқ оммаси онгида сингдиришга қаратилиб боради. Бу жараёнда ёшларнинг юксак инсоний фазилатларга эга бўла боришида уларнинг эстетик маданияти ҳамда ўзига хос ва мос маънавий хислатлари муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ёшлардаги ахлоқий фазилатлар қандайдир илоҳий куч томонидан юборилган тақдирнинг инъоми, маънавий-илоҳий куч бўлибгина қолмай, балки ижтимоий ҳаётда аста-секин нафосат олами билан уйғунлашиб, янгича эстетик тафаккур асосида бойиб боради. Бу борада «айни пайтда ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шу боисдан ҳам боғчадан бошлаб олий ўкув юртигача - таълимнинг барча бўғинларини изчил ислоҳ қилмоқдамиз. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маданият керак».

Ёшларнинг маънавий юксалиш жараёнида барча эстетик тасаввур ва хусусиятлар ижтимоий омилларнинг таъсири туфайли узоқ йиллар давомида шаклланиб ва ривожланиб боради. Ёшлардаги соғлом, нафис ва бежирим қиёфа, юксак эстетик ҳис-туйғулар, эстетик дид ва тушунчалар бирлигидан эстетик маданият таркиб топади. Ва, ниҳоят, ёшларнинг эстетик ва ахлоқий одоб маданияти бирлашиб маънавий баркамолликни вужудга келтиради.

**-Мавзуга оид адабиётлар таҳлили(Literature review).**

Ёшлар эстетик маданиятини ривожлантириш борасида бир қатор фалсафий тадқиқотлар ўтказилган ва уларда шахснинг маънавияти, маданияти, аҳлоқий камолотига доир қарашлар илмий ўрганилган[2]. Шу билан биргаликда жамиятнинг янги босқичга ўтишида ёш авлоднинг ҳар томонлама етук кадрлар бўлиб етишишларида миллий ғоянинг ўрни хорижий давлатларнинг тажрибалари асосида фалсафий мушоҳада сифатида алоҳида тадқиқ этилган.

Ёшларнинг эстетик маданиятини Самарқанд давлат чет тиллар институти тадқиқотчиси ўзининг “Ёшларда эстетик маданиятни шакллантиришнинг маънавий-мафкуравий масалалари” номли диссертация ишида ёритиб беришга эътибор қаратган. Бу тадқиқот ҳам бугунги кунда ёшларимизнинг маънавиятини халқимизнинг миллий ғояси руҳида шакллантириш, юртимиздаги барча таълим масканларида таҳсил олаётган фарзандларимизнинг мафкуравий иммунитетларини ошириш масалаларини назарда тутади.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Ёшларнинг ахлоқий-маънавий ва эстетик жиҳатдан шаклланишида қуйидаги омиллар катта роль ўйнайди: биринчидан, ёшлар туғилиб ўсган ижтимоий муҳит; иккинчидан, ёшларга узоқ вақт давомида маълум бир тизим асосида бериладиган таълим-тарбия жараёнининг ахлоқий-эстетик моҳияти; учинчидан, ёшларнинг интеллектуал ва эстетик тараққиётига таъсир этувчи туғма, яъни наслий хусусиятлар. Аммо, шу нарсага эътибор бериш керакки, ёшларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва маънавий дунёси ҳеч вақт туғма равишда берилмайди. Ижтимоий муҳит уларга ё тараққиёт, ё таназзул шароитини бериши мумкин. Масалан, ўзбек халқининг асрлар давомида чегаралаб келинган интеллектуал-маънавий салоҳияти янги Ўзбекистон туфайли янада эркин ва ҳар томонлама ривожланиш имкониятига эга бўлди. Ёшларнинг замонавий дунёқараши ҳамда янгича эстетик тафаккурининг ҳаётий қонуниятлари асосида ўзбек халқи ҳақиқий тараққиёт йўлига кирди. Эндиликда ўзбек халқи орасидан фаннинг ҳамма соҳалари бўйича етишиб чиқаётган олимларнинг, санъат соҳасида талантли ёшларнинг бадиий-эстетик тафаккур ва маданият тараққиётига қўшаётган бебаҳо ва ноёб асарлари бутун жаҳон аҳлини лол қолдирмоқда. Ёшларимиз ҳаётининг кундан-кунга ўзгариб, турмуши, кийиниши, диди юксак ҳис-туйғулар билан бойиб бораётгани маънавий-ахлоқий ва эстетик маданият соҳаларидаги ўзгаришларнинг ёрқин намунасидир.

Оилавий шароитлар ва таълим-тарбия муассасалари ҳар хил бўлгани сабабли ёшларнинг ахлоқий тарбияси, эстетик тафаккури ва эстетик маданиятга эҳтиёжлари ҳам бир хил эмас. Шунинг учун айрим болаларнинг диди ёшликдан тараққий этиб, бошқалариники ўсмай қолади. Болалар ёшлигида қандай эстетик тарбияланган бўлса, келажакда шу асосда фаолият олиб борадилар. Бу фикрлар халқимиз орасидаги «Новдани ёшлигида эгиш керак» деган нақлига тўғри келади. Шунинг учун халқимиз ахлоқий тарбияни ҳам, эстетик маданиятни ҳам доимо қўшиб олиб борганлар ва инсоннинг маънавий дунёси унинг амалий фаолиятида асосий кўрсаткич мезони бўлишини таъкидлаб келганлар. Бу ғоя қадимги маданий-маънавий

ёдгорлигимиз «Авесто»нинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини белгиловчи «эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» бирлигида ўз ифодасини топган эди.

**Таҳлил ва натижалари (Analysis and results).** Янги Ўзбкистон муҳитида гўзаллик намуналари ёшларимиз диди ва эстетик маданиятига таъсир этиб қолмай, уларнинг ахлоқий қиёфаларининг ўзгаришига ҳам таъсир этмоқда. Ижтимоий муҳит гўзаллиги, мақсадимиз улуғворлиги ахлоқий-эстетик тасаввурлар нафислигига олиб келиши табиий ҳолдир. Ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол бўлишлари уларнинг соғлом ақл-заковатли, маърифатли, инсонпарвар, меҳнатсевар сингари фазилатларга эга бўлишини тақозо этади.

Ота-боболаримизнинг «гўзаллик юзда эмас, ақлда» деган ҳикматли сўзлари бежиз эмас, албатта. Дарҳақиқат, ёшларимиз мана шундай нақлга амал қилиб, ақл-фаросатда юксак, ахлоқий тарбияси мукаммал, инсоний фазилатлари эстетик маданият билан йўғрилган бўлиши лозим. Зеро, «Гўзалликнинг япроғи-ахлоқ, илдизи-ички дунё, меваси-инсоний фазилатдир»[3], - деб таърифлаган эди ёзувчи Мирзакалон Исмоилий.

Ижтимоий ҳаётда бўлаётган ўзгаришларни ёшларнинг ахлоқий-эстетик тарбиясига сингдирилиб, жамиятимизнинг юксак маънавий-эстетик маданиятига эришиш давр талабидир. Бу борада Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаев шундай деган эди: «Азиз укаларим, сингилларим! Гўзаллик, гўзалликни ҳис қила билаш ҳар қандай маданиятнинг негизини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам гўзаллик талаблари қатъийдир. Гўзаллик туйғуси киши қалбига она сути билан кириши керак.

Мустақиллик ёшлар камолотига янгича талаблар ҳам қўйди. Ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ички ва ташқи гўзалликни ахлоқ билан бирлашувига аҳамият кучайди. Ёшлардаги фақат ташқи кўриниш эстетик маданиятнинг яхши бўлишига олиб келмаслиги, балки улардан ахлоқан покиза, маънавий дунёси бой, саховатли, иймонли, муомала маданияти юксак бўлиш каби умуминсоний ахлоқий қадриятлар ҳам талаб этила бошланди.

Айрим ахлоқ-одоб мезонларига тўғри келмайдиган бехаёлик, ёлғончилик, тилёғламачилик, ичиқоралик, фирибгарлик, дангасалик, калондимоғлик, мақтанчоқлик сингари қусурлар вақти келиб аста-секин йўқолиши, кишининг ўзи бу жиҳатлардан фориғ бўлиши мумкин. Аммо XXI асрда ёшлар орасида шундай ахлоқий касаллик аломатлари пайдо бўлдики, булар энди ўз моҳияти жиҳатидан ижтимоийзарар иллатларга айланиб қолди. Ана шундай ахлоқсизлик намуналари гиёҳвандлик, диний экстремизм ва ақидапарастлик кўринишларида намоён бўлиб, бундай хусусиятлар инсонни соғлом ижтимоий мавжудотликдан инсоният душмани – экстремизм, қўпорувчилик ҳаракатларига олиб келди.

Бу йўлга ёшлар бирдан ва тасодифан кириб қолмади. Уларнинг орқасида ўз бузғунчи ғоялари ва шахсий ниятларини амалга оширишни истаган рағбатловчилар тургани аниқ. Бу бузғунчи кучлар ёшларнинг онгини заҳарлаш, уларни ўз томонига оғдириб олиш учун ўз маблағларини аямаётгани ҳам маълум бўлди.

Гиёҳвандлик аввало инсонни инсонийлик фазилатидан жудо этади. Ундаги барча ахлоқ-одоб тушунчаларини вайрон қилади. Уни жиноятга тортади. Бунинг ёрқин мисоли марказий телевидение томонидан намойиш этилган «Кулон» фильмидаги Лукаснинг қизи – Мэлл образидир.

Демак, ёшларимиз имонини бақувват, фикрини тиниқ этиб тарбиялаш уларнинг ахлоқий фазилатларини баркамол айласа, қалбига онгу шуурига ота-она, аждодлар руҳи ва мамлакатимиз равнақи ҳақидаги эзгу ниятларни сингдириш эстетик маданиятларини юксалтиришга олиб келади.

Ёшлар тарбиясига барча ижтимоий муасасалар, таълим-тарбия тизими, оила ва жамоатчилик, давлат ва нодавлат ташкилотлари жавобгар ва масъулдир. Масалан, ёшларнинг ахлоқий ва эстетик тарбиясида маҳалла жуда катта имконият ва аҳамиятга эга. Маҳалла ёшлар учун гўзал тўй-томошалар ўтказиш, «Наврўз» байрамларини нишонлашдан тортиб, маҳалладошни сўнгги манзилга кузатиб боришгача бўлган маросимларда ёшларга ибрат ва тарбия мактаби бўлиб хизмат қилади. Маҳалла тадбирлари ахлоқий ва эстетик тарбия натижаларининг ажойиб намунасидир.

Испаниялик бир файласуф олим дунёдаги кўплаб халқларнинг миллий анъаналарини, ахлоқий-эстетик тарбиясини ўрганиб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида бўлиб, ўз ватанига қайтгач, «Ҳозиргача ўрганган, тадқиқ қилган барча ишларимни ўн беш ёшли ўзбек қизалоғининг ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйганча чой узатишдаги одобига, назокатига алмаштиришга рози эдим»[5]. деган экан. Бу файласуфнинг фикрларидан кўриниб турибдики, ўзбек оиласидаги эстетик тарбиянинг ёшлар онгига сингдирилиши меҳр-мурувватга, латофатга, назокатга ва ҳоказо маънавий фазилатларга эга бўлишга олиб келади.

Бинобарин, ростгўй, ҳалол яшашни одат қилиб, юксак эстетик маданиятга, яхши ахлоқий тарбияга эга бўлган ёшлар нафақат тенгдошлар ўртасида, балки ишлаётган меҳнат жамоа аъзолари, қариндош-уруғлари ўртасида катта обрў-иззатга, эҳтиромга сазовор бўлади.

**-Хулоса ва таклифлар (Conclusion / Recommendations).** Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, янги Ўзбекистонда олиб борилаётган барча ислоҳотлар инсон қадри ва манфаатига, баркамол, соғлом авлодни тарбиялаш ва уни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук ва ижтимоий фаол қилиб вояга етказишга қаратилди. Бунинг учун миллий қадриятларимиз, шарқона ахлоқ-

одоб ва миллий менталитетимизни инобатга олган ҳолда жаҳон цивилизацияси даражасида билимдон, маълум касб-ҳунарга эга бўлган ёшларни шакллантириш учун демократик тамойилларга асосланган тарбия ва таълим ислоҳ қилинди ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда; иккинчидан, маънавий-ахлоқий ислоҳотлар ҳар бир шахснинг ҳаётга бўлган қараши ва салоҳият хусусиятларини кўзда тутган ҳолда, шахс эркинлигига шарт-шароит яратилган ҳолда табиат, жамият ва инсон орасидаги эстетик (завқий) муносабатларни вужудга келтириш асосида олиб борилмоқда. Бу жараёнда ёшлар онгини мустақиллик мафкураси ва миллий ғурур, ифтихор туйғулари билан бойитиш уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ва эстетик маданиятини шакллантиришда ижтимоий аҳамиятга эга бўлди; учинчидан, ёшларни маънавий жиҳатдан ўнглаш, тиклаш, поклаш ва юксалтириш учун уларни мустақиллик ғоялари, миллий ва умумбашарий эстетик қадриятлар асосида тарбиялаш зарурияти туғилди ва янги Ўзбекистонда бунга оғишмай амал қилинмоқда; тўртинчидан, мустақилликни мустаҳкамлаш ва баркамол авлодни вояга етказиш учун уларнинг ақлий-интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва эстетик маданиятли этиб тарбиялаш масаласи давлат миқёсидаги умуммиллат вазифасига айлантирилди. Янги Ўзбекистонда комил инсонни тарбиялаш дастури ақлий, жисмоний ва маънавий-эстетик жараёнларнинг муштарклиги асосида олиб борилмоқда; бешинчидан, халқимизга, хусусан, ёшларга нисбатан ижтимоий қайғуриш ва уларнинг эркин истиқболини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очилиши улардаги ташаббус, мусобақа ва ҳалол рақобат сингари туйғуларнинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келмоқда. Бундай беғараз ташаббускорликнинг тараққий этиши, ўз навбатида, ҳаётга ахлоқий-эстетик муносабатда бўлишни, ижодкорлик туйғуларини кучайтиради; олтинчидан, соғлом авлод тарбияси, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ёшларнинг маънавий жиҳатдан баркамол этиш ахлоқий ва эстетик тарбиянинг узлуксиз дастури ишлаб чиқилди.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: O’zbekiston, 2021. 23-24-бетлар.
2. G’aybullaev, O. M. (2017). Some aspects and historical factors of integration processes in sphere of globalization of the ecological policy. *Theoretical & Applied Science*, (4), 83-86.
3. Мирзакалон Исмоилий. Одамийлик қиссаси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1969, 15-17-бетлар.
4. .

# МАМЛАКАТИМИЗДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҒОЯСИНИ ТАРҒИБ ЭТИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Ихтияров Мирзо Рустамович**

**СамДЧТИ тадқиқотчиси**

Мамлакатимиз ўзининг янги тараққиёт даврини бошлади. Бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” ғояси замирида очиқлик, тенглик, адолатлилик улуғ аждодларга ҳурмат тамойиллари ётади. Ана шундай улуғ аждодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи уйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари рўёби сифатида янги уйғониш даврига асос солинмоқда.

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, ҳар қайси халқ ҳаётидаги маънавий уйғониш жараёнлари миллий ўзликни англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, маданий тараққиётини янги босқичга кўтаради. Бундай ижтимоий ноёб ҳодиса “Ренессанс” – уйғониш, қайта тикланиш, юксалиш деб аталиши барчамизга аён.

Маълумки, бугунги Ўзбекистон замини қадимда икки буюк уйғониш даврига – Биринчи (маърифий – IX-XII асрлар) ва Иккинчи (Темурийлар – XIV-XV асрлар) Ренессансга бешик бўлган. Бу – жаҳон илм-фанида ўз исботини топган ва тан олинган тарихий ҳақиқатдир[1].

Савол туғилади ўйғониш даврида оммавий ахборот воситаларининг ўрни нималардан иборат бўлади деган.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда “Болажон”, Ақлвой” ва “Ўзбекистон тарихи” каналлари ташкил этилдики, бу ҳам бўлса болаларни ўзлигимизга хос ва мос қилиб тарбиялаш тараққиёт ва Учинчи Ренассанс учун асос бўлиб хизмат қилади. Макбагача таълим ёшидаги болаларни имкон қадар таълимга қамраб олинишининг ўзиёқ болалар психологиясига ижобий таъсир кўрсатиб, улар онгида ижтимоий мослашувчанлик, фикрлаш ва ўз қарашларини эркин баён этишини таъминлайди. 10-15 йил олдинги шу ёшдаги бола билан билан бугунги тенгдошларини ўртасида анчагина фарқ борлигини барчамиз яхши биламиз ва тушунамиз. Чунки, бугун улар онгига таъсир қилувчи бирламчи восита олаётган ахборот макони кенгайиб кетди. Мисол учун оддийгина мобил алоқа воситасини аксарият ёши улуғларимиздан кўра 4-7 ёшдаги болаларимиз яхши ишлатишади. Нима учун деганда бугун уларнинг ўрганиши учун имконият, ижтимоий муҳит мавжуд.

Янги ривожланиш даврини бошлаш учун аввало унга муҳит яратилиши, одамларнинг тараққиёт сари ҳаракатларини бирлаштириши ғоявий бирликни таъминланиши лозим. Бугун ҳар фуқаро давлат менга нима берди деб эмас, аксинча, мен ватанга нима бердим деб, эзгу мақсадлар сари интилмоғи керак.

ОАВ Учинчи Ренессанс пойдеворини миллий ғоя билан бойитиш зарур. Ана шундагина кўзланган мақсадимиз Учинчи Ренессансни амалга ошириб, Ватанимизни янада обод ва кўркам масканга айлантириб, дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин олишига эришамиз. Биз дунёнинг эътибори ва эътирофидаги мамлакатга, буюк аждодларимизнинг муносиб ворисларига айланамиз. Бу улкан мақсад сари қилинган ғояни халқ хохиш иродасига муносиб тарзда миллий ғояга айлантиришимиз лозим.

Учинчи Ренессанс ғояси миллий руҳиятимизга, халқимиз армон-орзусига яқин. Зотан, халқ илгари оққан дарёси яна оқишини астойдил истайди. Оммавий ахборот воситалари одамларни, айниқса, ёшларни етук ва баркамол, ўзи туғилиб ўсган юртига содиқ қилиб тарбиялашда, уларда мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга даҳлдорлик ҳиссини кучайтиришда, юртдошларимиз қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини чуқур сингдиришда муҳим омиллардан бири бўлмоқда. Улар орасида телевидение давлат сиёсатини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишнинг қулай ва самарали воситасига айланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жамият ҳаётида юз бераётган бирор-бир воқелик ёки янгилик бир неча соат ва дақиқалардан сўнг эскириб улгурмоқда. Шу боис оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, одамларни холис ахборот билан таъминлаш ниҳоятда долзарб масала. Бунда айниқса, оммавий ахборот воситалари ўртасида соғлом рақобатни ривожлантириш, соҳа ходимларининг профессионал маҳоратини ошириш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 3 августдаги ижодкор зиёлилар билан учрашувида “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” номли нутқида ахборот соҳасида янги ижодий ғоя ва ташаббуслар билан яшаш, изланиш руҳи етишмаётгани, енгил-елпи китоблар, саёз, олди-қочди газета-журналлар, теле ва радиоканаллар кўпайиб бораётгани ва айниқса, бундай ҳолатларни бартараф этиш бўйича ҳар томонлама асосланган амалий таклифлар ўртага ташланмаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунинг билан бирга телевидениенинг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини, улар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, журналист касбининг ижтимоий мақомини кўтариш, шунингдек, давлат ва нодавлат телеканаллар ўртасида соғлом рақобатни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини ўз ичига олган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг халқ билан мулоқот қилишида уларнинг ролини кўчайтириш, соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш юзасидан долзарб вазифалар белгиланиб, босқичма-босқич амалга оширилди.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий телекоммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланишни кенг жорий этиш орқали бирор кўрсатув ёки лавҳани кузатиб бораётган телетомошабинларда ўз фикри ва нуқтаи назарини билдириш, студия билан боғланиш, жойлардаги турли муаммоли масалаларни вақтида ҳал этиш, уларга жамоатчилик эътиборини қаратишга олиб келади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ш. Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири С.Дониёровга берган интервьюси 17.08.2021 йил.
2. Мирзиёев Ш. М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувдаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 4август.


## МАМЛАКАТИМИЗДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҒОЯСИНИ ТАРҒИБ ЭТИШДА ЁШЛАРДА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМ.


***Адолат Зиётова, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси***

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев тантанали табрик нутқида тараққиётимизнинг мақсади Учинчи Ренессанс бўлиши лозимлигини таъкидлади. Ниҳоятда жозибали мазкур стратегик ғоя ўзининг улуғворлиги, миллий юксалиш барча жабҳаларда қандай умумий мақсадни кўзламоғи зарурлигини кўрсатади. Амалда давлат раҳбари тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон миллий ғоясининг янги ва аниқлаштирилган мазмунини ифодалади. Бугунги кунда Ўзбекистонда кенг кўламли демократик ўзгаришлар, ёшлар сиёсатини такомиллаштириш ва янада қуллаб-қувватлаш, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври бутун дунё таърифига кўра Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш асосий мақсадга айланди. Янги давр пойдеворини қуриш олдиндан албатта унинг мазмун-моҳиятини, мақсад ва вазифаларини чуқур англаб етишимиз ва бугунги авлодга тўғри етказиб беришимиз лозим.

Ислом динининг бeқиёс илмий меросига ҳисса қушган ва она заминимиздан етишиб чиққан Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абул Муъин Насафий каби улуғ уламолар бутун мусулмон оламининг фахру ифтихори ва чексиз ғуруриға айланди.

XV асрда Амир Темур томонидан асос солинган салтанатда янги давр Иккинчи Ренессанс пайдо бўлди. Ушбу даврнинг иштирокчиси сифатида Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи, Ғиёсиддин Коший сингари беназир олимлар, Алишер Навоий, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий, Саккокий, Абдураҳмон Жомий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Хондамир, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд каби тарихчилар, Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб сингари мусаввирлар, мусиқашунос ва меъморлар, кўплаб хаттот ва созандаларнинг шухрати дунёга ёйилди.

Донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани миллатимизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди. Учинчи ренессанс пойдеворини қуришда эса албатта, аввало, аждодлар меросини янада чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилишни муҳим омил сифатида қарашимиз мумкин.

Ўзбекистон – ёшлар мамлакати. Ёшлар деганда, маънавий дунёси шаклланиш жараёнида бўлган, асосан 16-30 ёшлар оралиғидаги инсонлар тушунилади. Ўзбекистон умумий аҳолисининг 60 фоизидан кўпини ҳам айнан ёшлар ташкил этади. Шу сабабдан ҳам интернет тармоғида, мобил қурилмаларда маънавий-маърифий тарғиботни янада кучайтириш

лозим. Биринчи ва Иккинчи ренессанс пайдо бўлиш тарихи асослари ва умумий мазмун-моҳияти, даврларда юз берган илмий-ижодий кашфиётлар, сиёсий ўзгаришлар ҳақида ёшларда тушунча бўлмаса, табиийки, Учинчи реннисанс қандай бўлишини анламайдилар.

Учинчи ренессанс пойдеворини қуришнинг назарий жиҳатлари ва асослари, Ўзбекистонда юз бераётган сиёсий ўзгаришлар фаолияти билан таништириш учун эса, шунчаки дарс жараёнида берилган маълумотлар етарли бўлмайди.

Аҳоли ва айниқса ёшлар қатламига бугунги Ўзбекистон сиёсати ва мамлакат тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, қонун ва қарорларни атрофлича етказиш учун тарғиботни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириш зарур.

Маънавий-маърифий ишлар замирида албатта Учинчи Реннисанс пойдеворининг нечоғли мустаҳкамлиги муҳимдир. Негаки, бугунги глобаллашув даврида маънавий таҳдидлар кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли Қарорида қайд қилинганидек, “...жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Уларнинг барчасига ёшлар тарбиясидаги хато-камчиликлар, маънавиятнинг қашшоқлашуви сабаб бўлмоқда. Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида дахлдорлик тарбиясига етарли даражада эътибор қаратилмаслик оқибатида шундай жараён юз бермоқда. Маънавий қашшоқлашув ўз-ўзидан одамнинг ўз халқи, Ватанига дахлдорлигининг заифлашувига олиб келади. Ахборот хуружи ва бузғунчи ғояларга қарши тура оладиган мафкуравий иммунитетнинг шаклланиши ҳам дахлдорликнинг даражасига бевосита боғлиқ. Чунки дахлдор инсоннинг мафкуравий иммунитети кучли бўлади. Мафкуравий иммунитетга эга бўлган шахснинг эса маънавияти янада юксалиб боради. Сабаби унга маънавий таҳдид ва мафкуравий хуружлар зарар етказа олмайди. Шу билан бирга, ана шу хуружларга қарши курашишни яхши ўрганиб олади, лоқайд бўлмайди. Шу сабабли Учинчи Реннисанс пойдеворини яратишда, фуқаролик жамиятини барпо қилишда дахлдорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Буларнинг барчаси бизни фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнида аҳоли, энг аввало, ёшларнинг ислоҳотларга

дахлдорлигини мустаҳкамлашни таъминлайдиган ижтимоий ахлоқни ҳимоя қилиш ва маънавиятни юксалтириш муаммоларини таҳлил қилишга ундайди.
Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: "...Биз бугун ахборот глобаллашуви даврида яшаяпмиз. Биз истаймизми, йўқми, юртимизга турли кўринишдаги ахборот хуружлари бўлиши табиий. Ана шундай хуружларга қарши аҳолида, айниқса, ёшларда иммунитетни мустаҳкамлаш, уларни миллий қадриятларимиз ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда телевидение ва радионинг ўрни беқиёсдир", дея таъкидлаши айни ҳақиқат. Дарҳақиқат, ўз ҳаётига дахлдор нарсага лоқайд қараш, эътибор қилмаслик эртами-кечми шахсни ҳалокат ёқасига олиб келади. Бу ҳолга тушмаслик учун унинг олдини олиш, унга қарши доимий маърифий курашиш лозим. Дахлдорлик виждон билан боғлиқ фазилат бўлиб, унга кўра, инсон ўзини жамиятнинг бир парчаси деб билади. Дахлдорлик – жамият ютуғидан қувониб, камчилигини бартараф этиш йўлидаги хатти-ҳаракатларида ҳам намоён бўлади. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзини мамлакатнинг бугуни ва эртанги истиқболи учун дахлдор деб билса, ҳар бир хатти-ҳаракатида ўша туйғуни ҳис қилиб фаолият юритса, ўша мамлакатнинг бугуни ва эртанги куни порлоқ бўлади. Агарда инсонда дахлдорлик туйғуси шаклланмаган бўлса, ундай инсонни оиласининг ҳам, мамлакатнинг ҳам тақдири қизиқтирмайди.

Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида дахлдорлик тарбиясининг аҳамияти ортади. Бунда асосий эътибор фуқаролар ўртасидаги бефарқлик кайфиятини йўқотишга қаратилиши зарур, чунки фуқаролик жамиятининг моҳияти фуқаролар ўртасидаги жипслик, бирдамликдан иборат, яъни бир фуқаронинг иккинчи бир фуқаро, жамият, Ватан тақдирига бефарқ бўлмаслигидан иборатдир. Зеро, бир фуқаро бошқа бир фуқарога унинг тақдирига нисбатан бефарқ бўлса, ҳар қандай яхши қонунлар ҳам ишламайди". Шундай экан, бугунги кунда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳада фаолият юритаётган ҳар бир фаол фуқаронинг асосий вазифа ва бурчларидан бири – одамлардаги бефарқлик кайфиятини йўқотиб, дахлдорлик туйғусини ривож топтириш. Бунинг учун эса лоқайдлик келтириб чиқарадиган ҳолат ҳамда сабабларни аниқлаш керак. Хўш, лоқайдликнинг сабаби нимада? Лоқайдликни келтириб чиқарадиган сабаблардан бири – масъулиятсизлик иллатининг кўп учраши. Яъни, дангаса одам муайян ишни бажариш учун ўзида масъулият ҳис қилмайди. Буни мен эмас, бошқа одам бажариши керак ёки бажармаса ҳам бўлаверади, деб ҳисоблайди. Натижада, айнан мазкур иш бажарилмай

қолиб, уни бажармаган шахсдан ҳам кўра жамиятга кўпроқ зарар етади. Лоқайдлик собиқ иттифоқ даврида авж олди. Чунки ўша замонларда жамият ҳаётида бирор-бир муаммо пайдо бўлса, “уни марказ ҳал қилиши керак”, деган тушунча одамларга сингдириб юборилган эди. Аслида эса империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар, бизнинг халқимиз ўз муаммоларини ҳал қилишга ҳаққи йўқ эди. Шу тариқа халқимиз дахлдорлигининг доираси сунъий равишда торайтириб қўйилган эди. Замонавий компьютер технологиялари, “оммавий маданият” ёшларни реал ҳаётдан чалғитиб, бехабар қолдириб, лоқайд қилувчи кўплаб омилларни пайдо қилди. Булар: компьютер ўйинлари, Интернет, виртуал воқелик, кино, телевидение. Айниқса, педагог, психолог ва социологлар онлайн ролли ўйинлари феноменидан, лудоманларнинг соатлаб, кунлаб виртуал дунёларида қолиб кетишларидан ташвишга тушмоқдалар .

Шунга кўра, ёшларда дахлдорлик фазилатини муваффақиятли ривожлантиришда қуйидаги чора-тадбирларни назарда тутиш алоҳида аҳамиятга эга: - мамлакатимизни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларнинг маъно ва моҳиятини ёшлар онгига чуқур сингдириш, уларнинг жамиятдаги янгиланишлар йўлини кенг қўллаб-қувватлаши ва ушбу жараёнлардаги ижтимоий фаоллигига эришиш;

- ёшларда ислоҳотларнинг бориши тўғрисида билимларини ошириш орқали жамият ҳаётида онгли фуқаро, эркин шахс сифатида иштирок этиш малакаларини шакллантириш;

- таълим муассасаларида ислоҳотлар натижаларини миллий мафкурамизнинг асосий тамойилларининг рўёби сифатида кенг тарғиб қилиш мақсадида ўсмирларнинг ёшига мос равишда кўргазмали, видео ва аудио маҳсулотлар, босма нашрлар тайёрлаш, маърифий тадбирлар уюштириш;

- таълим муассасаларида ўтадиган маънавий-маърифий тадбирларга давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларини, таниқли олимлар, ижодкор зиёлиларни, пешқадам тадбиркорлар ва қишлоқ хўжалик, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарларини жалб этиш орқали ёшларда дахлдорлик фазилатини намоён қилишлари учун қулай шароит яратиш, бу орқали уларни Ватан, эл-юрт учун хизмат қиладиган, жонкуяр, фидойи фарзандлар этиб тарбиялаш;

- ҳар бир ёшнинг Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги, Ижтимоий ҳамкорлик, Комил инсон, Миллатлараро тотувлик, Динлараро бағрикенглик ғоялари рўёби ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш

масаласини илмий-педагогик таъминлаб бориш тақозо этилмоқда. Мазкур муаммога оид турли нуқтаи назарлар, фикрмулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда қайд этиш мумкинки, ёшларнинг дахлдорлик фазилати таълим, тарбия уйғунлигида, интеллектуал, эмоционал ва амалий фаолияти билан боғлиқликда шакллантирилиши керак.

Учинчи Ренессанс ғоясининг оралиқ босқич вазифалари аниқланиши керак. Масалан, 2030 йилда, 2040 — 2050 йилларда биз аҳоли жон бошига тахминан қанча ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарамиз, жаҳон рейтингида тахминан қандай ўринларга кўтариламиз. Таълим, маданият, илм-фан соҳаларида қандай кўрсаткичларни, марраларни забт этамиз. Улар бўйича мўлжаллар белгиланиши лозим. Шунда мазкур ғоянинг сафарбарлик таъсири конкрет ва кучли бўлади. Аммо мўлжаллар ҳавойи бўлмаслиги, конкрет рақамлардан ташкил топмаслиги керак. Янги АКТ, нанотехнологиялар, биотехнологиялар, сунъий интеллект яратиш ва шу каби йўналишлардаги вазифалар ҳам эътибордан четда қолмаслиги зарур.

Ҳар қандай буюк режалар, буюк ғоялар инсон эҳтиёжлари, турмуши яхшиланиши, эркинлиги ортиши ва маънавий камолоти билан бевосита боғлансагина, ҳаётийлик ва реаллик касб этади. Акс ҳолда у ҳавойи орзу ҳаваслигича қолиб кетади.

## O’ZBEKISTON MADANIY ME’ROSI - UCHINCHI RENESSANS POYDEVORI

**Mohidil Nematova**
**SamDU Yuridik fakulteti Falsafa yo’nalishi**
**3-bosqich talabasi nematovamohidil@gmail.com**

*“...har bir suveren davlat o‘zining betakror tarixi va madaniyatiga egadir.*
*Bu tarix, bu madaniyatning haqiqiy ijodkori,*
*yaratuvchisi esa, haqli ravishda shu mamlakat xalqi hisoblanadi”*
***Sh.Mirziyoyev***

Madaniy meros - bu o‘tmishdan qolgan qadriyatlar, g‘oyalar, tajriba, bilimlar hamda ularni o‘zlashtirish yo’llari, ya’ni kishilarning ijodiy faoliyat usullari va uni tashkil qilish jarayonidir. Mamlakatimizda ma'naviy me’rosga munosabat, uni o'rganish, tekshirish va tadqiq etish va kelajak avlodga yetkazib berish masalasi davlatning ma'naviyat sohasidagi ustuvor siyosatining ajralmas qismi bo’lib kelmoqda. Samarqand, Buxoro, Xiva, Shahrisabz, Termiz, Qarshi,Toshkent, Qo'qon va Marg'ilon kabi qadimiy shaharlarimizning tarix va tarixiy qadriyatlar bilan qiziquvchi barcha insonlar uchun qutlug' ziyoratgohga

aylanganini, ushbu hududlarda joylashgan qadimiy qadamjolar o'zining betakrorligi bilan barchaning diqqatiga sazovor bo'layotganini bundan ko'rib olishimiz mumkin.

Mustaqillik davrida o'zbek olimlarining kuch-g'ayrati bilan tariximizning ko'pdan-ko'p muhim sahifalari, eng avvalo, temuriylar davri hamda XIX asr oxiri va XX asr boshlari tarixi yangidan kashf etildi. Mamlakatimizning mustaqillikka erishishi tufayli ajdodlarimiz asrlar davomida yaratgan ilmiy, tarixiy va tafakkur mahsuli bo'lgan boy tariximizni, madaniyatimizni, tilimizni, qadriyatlarimiz tarixini bilish hamda o'zligimizni anglashga keng imkoniyat yaratildi. Endilikda ajdodlarimiz kim bo'lganligini, o'zimiz tavallud topib, voyaga yetgan makon, qishloq, ilm-fan va ma'rifat o'chog'i bilan avlodlarimizni ma'naviy qurollantirishda muhim ahamiyat kasb etgan. Darhaqiqat, mamlakatimizning muhim tarkibiy sarhadlarini tashkil qiluvchi ko'hna va hamisha navqiron Samarqand shahri bugungi kunga qadar o'zining madaniy me'rosi bilan butunjahon xalqlarini e'tiborini tortib kelmoqda. Samarqand insoniyat sivilizasiyasining qadimiy beshigi va markazlaridan biri, jahon madaniyati, fani taraqqiyotiga beqiyos hissa qo'shgan shaharlardan bo'lib, u o'zining qariyb uch ming yillik tarixi jarayonida o'z taqdirida qanchadan qancha larzali silsilalarni boshidan kechirgan bo'lmasin, ammo asrlar davomida yaratilgan intellektual merosni, fan va madaniyatimizning yuksak fazilatlarini avlodlarga yetkazib kelishda xizmati buyuk va mashhur shaharlar tipiga kiradi.

Doimo ilm-fan va madaniyat taraqqiyotining yirik markazlaridan biri bo'lib kelgan Samarqand, uning muhtasham obidalari qadimiy shaharlarimiz silsilasida mujassam bo'lgan ajdodlarimiz dahosining mushtarak timsolidir. Binobarin, Samarqandning go'zal va so'lim tabiati, qadimiy obidalari bilan uyg'un holda mustaqillik yillarida barpo etilgan yangi va chiroyli, zamonaviy inshootlari butun dunyoni o'ziga maftun etmoqda. Bu haqida birinchi prezidentimiz Islom Karimov o'z nutqida quyidagi fikrlarni bayon etgan: “Ko'hna va hamisha navqiron Samarqand shahri betakror sharqona ruhi va qiyofasi, boy tarixi, bu yerda saqlanib qolgan noyob, har qanday odamni hayratga soladigan obidalari bilan sayyoramizning turli o'lkalarida afsonaviy shahar sifatida mashhurdir. Moviy gumbazlari millionlab sayyohlarni o'ziga maftun etadigan Samarqandning Rim bilan bir qatorda “abadiy shahar”[55] degan nom bilan butun dunyoda shuhrat qozongani bejiz emas, albatta.

Bugun Yangi O'zbekiston tarixi zarvaraqlariga bitilayotgan bir jumla - “Uchinchi Renessans” atamasiga juda ko'p marotaba duch kelyapmiz. Uning tag zamirida ulug' bir ezgulikni, buyuk bir kuchni anglash mumkin. Zero, renessans -

[55] Karimov I.A. “O'rta asrlar Sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojidagi roli va ahamiyati” mavzusidagi xalqaro konferensiyaning ochilish marosimidagi nutq.

uyg‘onish demakdir. Ya’ni ilmiy uyg‘onish, ma’rifatni anglash va shu asnoda, qadimiy ma’naviy me’rosimizni jamlab, yig’ib borish jarayonidir. Bugun biz ana shunday qutlug‘ davrda Uchinchi Renessansga poydevor qo‘yiladigan zamonda yashayapmiz. Poytaxtimizda o‘tkazilgan “Markaziy Osiyo dunyo sivilizatsiyalari chorrahasida” Xalqaro madaniyat forumi doirasida O‘zbekiston madaniy merosini o‘rganish, saqlash va ommalashtirish bo‘yicha Butunjahon jamiyatining “O‘zbekiston madaniy merosi — Yangi Renessans poydevori” V Kongressi ilmiy kuchlarni birlashtirishga qaratilgan noyob tashabbus bo‘lganini ko’rishimiz mumkin. Ushbu tadbir chin ma’noda ma’naviyat, madaniyat va ma’rifat ixlosmandlarini bir yoqadan bosh chiqarib, shu asnoda yangi g’oya va tashabbuslarni ishlab chiqishiga sabab bo’ldi.

Mamlakatimizni tubdan isloh qilishga qaratilagan ushbu g’oya tag zamirida milliy ongimizni yanada o’stirish bilan bir qatorda o’sib kelayotgan yosh avlodni yetuk qilib shakllantirish maqsadi asosiy ustuvor vazifa qilib q’oyilgan. Buni biz islohotlarning aksariyat qismi Yurtboshimiz tomonidan ”Yangi O’zbekistonni biz, albatta, yoshlar bilan birga quramiz” shiori ostida olib borilayotgan tadbirlarda ko’ririshimiz mumkin. Zero, eng katta boylik – aql-zakovat va ilm, eng katta meros – yaxshi tarbiya ,eng katta qashshoqlik – bilimsizlikdir.

Xulosa o’rnida shuni ta’kidlash lozimki, yurtimizning har bir burchagida qad ko’tarib turgan tarixiy obidalarni, milliy ma’naviy me’roslarni asrab-avaylab, o’sib kelayotgan yosh avlodga yetkazib berish har birimizning oldimizda turgan asosiy ustuvor vazifalardan biridir. Ongimizni, dunyoqarashimizni o’stirishga yordam beradigan, ma’naviy jihatdan yetuk qilib kamol toptiradigan, qadriyat va an’analarimizda doimo sobit qadam turishga turtki bo’ladigan ma’naviy me’ros bugunimiz va ertamiz poydevori hisoblanadi.

## УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШДА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

**Эшбеков Баходир**
**СамДЧТИ тадқиқотчиси**

Ҳар қандай маълумот ёки тарқатилаётган ахборот қайсидир маънода инсон тафаккури ва дунёқараши, мантиқан фикрлашига таъсир қилади. Мадомики, шундай экан жамиият ривожи ва одамлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларидан тўғри фойдаланиш лозим. Ўтмишга назар соладиган бўлсак кишилик жамиятининг кейинги ярим асрлик даври давомида бевосита ахборот майдонида кимники, қуроли яъни тарқатаётган хабар ёки

маълумотлари тезкор, холис бўлса  унда ҳукмронлик бошқаларга қараганда кўпроқ бўлаётганлигини  кузатиш мумкин.

XX асрнинг 70 йилларига келиб тараққиётнинг янги босқичида бевосита ахборот жамиятини шакллантириш масаласи муҳим эканлигини даврнинг ўзи тақоза этди. 1971 йилда японлар томонидан  йилда компьютер техникасини тарқатиш ва жорий этишга мўлжалланган  дастури эълон қилинди.

Агарда мамлакатимиз тараққиётининг Учинчи Ренессанс пойдевори давридаги жараёнларига эътибор қаратадиган бўлсак, сўз эркинлигига берилган ҳуқуқий асослар амалиётда ҳам ўз аксини топди. Бу эса, фуқароларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларда ўз фикри, қарашларини эмин-эркин баён қилинишини таъминламоқда. Мисол учун 2021 йилнинг 24 октябрида бўлиб  ўтган Президент сайловларини олайлик. Ҳар бир партиядан кўрсатилган номзодлар жойларда сайловчилар бўлган учрашувларда ўзининг сайловолди дастурларини билан ўртоқлашди. Улар томонидан билдирилган фикрларга турли муносабатлар очиқ ойдин айтилди.

Бугун Учинчи Ренессанс пойдевори шиддат билан ривожланаётган даврда одамлар онг-шуурида фақат яратувчилик ва бунёдкорлик, юрт тараққиёти учун дахлдорлик ҳисси билан яшашни таъминланишида бевосита оммавий ахборот воситаларига ниҳоятда улкан ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда.  Биргина илм-фан ривожи йўлидаги қилинган ва қилиниши лозим бўлган ишлар диыыатга сазовордир. Албатта, кишилик жамияти тарққиётининг  икки ривожланиш  даврида  аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш ва ёшларга ўргатиш нақадар муҳим эканлигини яхши биламиз.

Газета, журнал, телевидение, радио ёки электрон  оммавий ахборот воситаларида дунё илм-фани тамаддунида муносиб ҳиссаси бўлган ал-Хоразмий,  Ал-Беруний, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек каби буюк аждодларимизнинг бой илмий, маънавий, тарихий  бебаҳо мероси  ҳақида туркум мақола, кўрсатув ва эшиттириш тайёрлаб борилиши лозим. Ёшларимизга буюк аждодларнинг ҳаёт йўллари, бизга қолдирган бой маънавий мероси  ҳақида қанча кўп маълумот берсак, уларнинг онг-шуурида ўтмиш аждодларга муносиб қилиб тарбияласак, бу ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

**Қайсики мамлакатда илм-фанга, сўз эркинлигига,уни ривожланишига эътибор қаратилар экан,  ҳеч шубҳасиз ушбу мамлакат тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин  олган. Хусусан, ҳар икки Ренессанс даврида биз дунёнинг илғор, тараққий этган халқлари**

**қаторида эдик. Бугун давлатимизни дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқишнинг ягона йўли бу илм-фанни ва сўз эркинлигини янада ривожлантириш, унинг ютуқларини ҳаётга тадбиқ этишдир. Айни шу мақсадда бугун Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Бу эса табиийки, мамлакатимизда Учинчи Ренессансни амалга ошириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.**

Учинчи Ренессанс ғояси тушунча мазмунини аниқ очиб бериш, аҳолининг барча қатламлари, аввало, ёшлар онгига етказиш керак. Учинчи Ренессанс биздан халқаро ҳамжамиятга илм-фан, технологиялар, ахборот, маданият ва иқтисодиёт соҳаларида янада чуқурроқ интеграция бўлишини талаб этади. Аммо ўзлигимизни, тилимизни, миллий хусусиятларимизни, маънавиятимизни сақлаб қолишимиз шарт. Бу эса таълим-тарбия тизимига жиддий эътибор қаратишни билдиради.

Биз жаҳонда содир бўлаётган воқеаларга оммавий ахборот воситалари орқали назар ташлайдиган бўлсак, кунига янгидан-янги муаммолар, қайсидир давлатда ихтиролар бўлаётганлигию, қайсидир давлатда пандемиянинг инсониятга таҳдиди, яна қайси бирида эса терроризм ва экстремизмнинг авж олишини кўришимиз мумкин. “Бугун оммавий ахборот воситаларида “ёвузлик ўқи” деб сингдирилган қатор-қатор давлатлар беқарорлик, ёвузлик, камбағаллик, ночорлик ўчоғига айланаётганлиги – таассуфки, навбатдаги “антитеррор” оперцияларнинг натижаларидан равшанлашиб бормоқда”. Булардан оқилона хулоса чиқариш, ҳар бир минтақа ва қитъада содир бўлаётган воқеаларга огоҳлиқ билан ёндашиш бизнинг бош мақсадимиз бўлиши лозим. Айни пайтда қўшни Қозоғистонда бўлиб ўтган қонли тўқнашувларнинг моҳиятида ҳам давлатга нисбатан террорчиликнинг бир кўринишидир. Бундай хунрезликларнинг оқибати бевосита давлатнинг тараққиётига путур етказиши, халқнинг давлат бошқарувига ишончининг сўниши, миллатнинг истиқболига салбий таъсирини барча оммавий ахборот воситалари кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги шиддатли давр билан боғлиқ ахборот асри – ҳаётитмизда ўзининг таъсири жиҳатидан ниҳоятда муҳим роль ўйнамоқда. Сўнгги ўн- ўн беш йилдаги ахборотнинг жадаллиги инсон билан инсон, инсон билан табиат ўртасидаги мунособатларда ҳам ҳам намоён бўлмоқда. Демократик тамойилларга кўра олиб борилаётган ислоҳатларда сўз эркинлиги, очиқлик ва шаффофлик оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари орқали берилаётган кўрсатув, эшиттириш, мақолалар табиийки инсон онги шуурига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. У икки кўринишга эга бўлиб ижобий ёки салбий, яратувчилик ёки кўпорувчилик кўринишида ўз аксини топади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ш.Мирзиёвнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашуви 2021йил,16 октябрь.

2. Абдураҳим Эркаев, Олий Мажлис Сенати аъзоси. Халқ сўзи газетаси 8сентябрь 2020 йил.

3. Муитов Д. Ахборотлашган жамият хусусиятлари. –Тошкент: Маънавият, 2015. 23-бет.

## XXI ASR YOSHLARI VA ULARNING HAR QANDAY YOT G‘OYALARGA QARSHI KURASHA OLISH MAS’ULIYATINI OSHIRISH

**Begmatov Rustam Axundjanovich – Toshkent to‘qimachilik va engil sanoat instituti katta o‘qituvchisi**

XX asrda dunyoda g‘oyaviy qarama-qarshiliklar keskin va murakkab tus olgan davr bo‘ldi. XX asr so‘ngida ikki qutbli dunyoning barham topishi, nisbiy muvozanatning buzilishi natijasida jahondagi mafkuraviy manzaralar tubdan o‘zgardi. Insoniyat tarixi – XXI asrga qadam qo‘ydi. XX asr tarix bisotidan o‘rin oldi. Mantiqan insoniyat o‘tmishdan tegishli saboqlar chiqarishi va XXI asrda tarix varaqlariga xijolatlik bilan bitiladigan voqea-hodisalarning sodir bo‘lishiga yo‘l qo‘ymasligi kerak edi. Qashshoqlik, ekologik muammolar, zaxiralar taqchiligi, ommaviy kasalliklar, diniy aqidaparastlik va terrorizm XX asrdan XXI asrga meros bo‘lib o‘tdi. Ustiga-ustak, ayrim kuchlarning urinishlari natijasi o‘laroq, xavf-xatarlar ro‘yxati yangilari hisobiga yanada kengaydi. Demografik inqiroz, demokratiya eksporti, ma’naviy qashshoqlashuv, axborot urushlari, g‘arbona turmush tarzini tiqishtirish kabi xavf-xatarlar shundoq ham bezovta dunyoning tashvishlarini ko‘paytirdi. Odamzodning mavjud illatlarga qarshi kurashi qaysidir jihatdan afsonalarda tasvirlanadigan ko‘p boshli ajdar bilan olishuvni eslatadi. Ajdarning bitta boshi tanasidan judo qilinishi zahoti, shu joydan ikki-usta bosh o‘sib chiqishi bu mahluq bilan kurashish naqadar mashaqqatli ekanini ko‘rsatadi.

Global tarmoq afzalliklarini inkor etmagan holda, uning insoniyat madaniyatiga tug‘dirayotgan havf-hatarlari to‘g‘risida so‘z yuritishga to‘g‘ri keladi. Bu noxush g‘ayriinsoniy holatlar muayyan kuchlarning global tarmoqning axborotlarni sifatli va tez uzatish hamda tarqatish bo‘yicha imkoniyatlardan foydalanish orqali jamoatchilik fikrini to‘g‘ri yo‘ldan burish, o‘zlari targ‘ib etayotgan nopok g‘oya va manfaatlar tomon yo‘naltirish uchun ularga axborot

etkazish borasida olib borayotgan harakatlari bilan bog‘liqdir. So‘zsiz, bunday ta’sirga internet auditoriyasining eng faol, eng ko‘p qismi tafakkuri etilib, dunyoqarashi puxta shaqllanib ulgurmagan yoshlar beriluvchidir.

Taassufki, ana shunday jiddiy muammoni mukammal va tizimli o‘rganishga etarli e’tibor berilmayapti. Globallashuvning milliy ma’naviyatimiz, an’ana va marosimlarimiz, yoshlarimiz tarbiyasiga o‘tkazayotgan ta’sirini o‘rganishga esa hali kirishilganicha yo‘q. Bu sohadagi hulosalar «Seriallar yoshlarimiz tarbiyasiga salbiy ta’sir o‘tkazmoqda», «Uyatsiz epizodlarni televideniyada ko‘rsatmaslik kerak», degan umumiy gapdan nariga o‘tmayapti. G‘arb mamlakatlari televideniesigina emas, atrofimizdagi ba’zi mamlakatlar televideniesida ham ko‘rsatilayotgan yoki G‘arbdan translyasiya qilinayotgan dasturlarga solishtirsak, televideniemizdagi o‘ta behayo deb atalayotgan ko‘rsatuvlar juda beozor va risoladagi ko‘rinadi. Bu holat o‘ta behayo deyilayotgan ko‘rsatuvlarning yangi to‘lqinini kutishimiz keraqligini anglatadi. Ma’naviy globallashuv xorijdan faqatgina o‘shanday behayo tomoshalarning kirib kelishini bildiradimi? Bu savolga javob topishimiz uchun ma’naviyat sohasidagi globallashuvning tarixiga va mohiyatiga nazar tashlashimiz lozim[1].

Globallashuv turli mintaqadagi mamlakatlarning o‘zaro ta’siri kuchayishi jarayoni ekan, unda iqtisodiy va ma’naviy ta’sir ko‘pincha birgalikda kechishi kuzatiladi. Faqatgina, ayrim hollarda ular nisbatan mustaqil tarzda kechadi. Globallashuv tarixiga qarasak, qadim zamonlarda ham iqtisodiy va ma’naviy ta’sirlar yonma-yon kechganligini kuzatamiz. Masalan, o‘rta asrlarda yurtimiz Buyuk Ipak yo‘lini markazida bo‘lganligi sababli ham G‘arbning, ham SHarqning ta’sirida bo‘lgan. G‘arbdan SHarqqa borayotgan, SHarqdan G‘arbga borgan savdogarlar ham yurtimiz orqali o‘tgan.

Savdo mollari bilan birga G‘arb va SHarqning urf-odatlari, an’ana va marosimlari ham o‘lkamizga kirib kela boshlagan. Globallashuv tendensiyasi ana shu tarzda yuzaga kelgan.

Global muammolarning kelib chikishi, mavjudligi va hal etilishi zaruriyati insoniyat jamiyati yangi sivilizatsiyaviy sifat o‘zgarishini taqazo etmoqda. Bu jarayonning mohiyatini chuqurroq anglash uchun, uning jadalilik holati ko‘lami va miqyosiga e’tibor berish zarur. Zero, o‘nlab va hatto yuzlab yillar davomida o‘zgarmasdek bo‘lib ko‘ringan ijtimoiy munosabatlar g‘oyat qisqa vaqtda tubdan

---

[1]Shamsieva I. “YOsh avlod ma’naviy rivojiga internetning ta’siri va axborot psihologik xavfsizlik muommosi”. “Ijtimoiy fikr-inson huquqlari” jurnali №1, 2007, 172-bet

o‘zgarmoqda. Bu hol kishilar ijtimoiy hayoti qatlamlarining barcha bo‘g‘inlarida kishilar turmush tarzida baralla ko‘rinmoqda. Ko‘lamiga ko‘ra, bu jarayon biron mintaqani chetlab o‘tmagan.

Ma’naviy jihatdan G‘arbdan qolishmaydigan SHarq nima uchun ko‘proq ta’sir o‘tkaziladigan mintaqaga aylanib qoldi. Tahlillar shuni ko‘rsatmoqdaki, iqtisodiy ta’sir o‘tkazish uchun iqtisodiy jihatdan boy bo‘lish kerak. Biroq, ma’naviy ta’sir o‘tkazish uchun ma’naviy boylikning o‘zi kifoya qilmas ekan. Masalan, dunyoda eng qadimgi tamaddunlar o‘lkasi bo‘lgan Iroq keyingi yarim asr davomida, globallashuv jarayonida uzoq mamlakatlar u yoqda tursin, yon atrofdagi mamlakatlarga ham sezilarli ta’sir o‘tkaza olmadi. Ma’naviy globallashuv jarayonlarini o‘rganar ekanmiz, ma’naviy ta’sir o‘tkazishning muhim sharti ma’naviy faollik degan xulosaga keldik[2].

Mamlakat boy-madaniy tarixga ega bo‘lsa-yu, hozirgi avlod o‘sha ma’naviy boylik va an’analarni o‘zlashtirmagan bo‘lsa, u mamlakat ma’naviy ta’sir sub’ekti bo‘la olmaydi va ob’ektligicha qoladi.

Demak, globallashuv jarayonida sivilizatsiyalararo muloqot o‘sib borayotgan bir sharoitda yoshlar ma’naviyatini yuksaltirishda zamonaviylik bilan tarixiylikning o‘zaro uyg‘unligini ta’minlash ya’ni texnika, texnologiya, axborot kommunikatsiyalari yutuqlari asosida yoshlar tafakkurini boyitishning ajdodlar ma’naviy merosi ne’matlaridan o‘zaro aloqadorlikda foydalanish ko‘nikmalarini ularda hosil qilish zarur. Ta’sufki, bugun yoshlarimizning aksariyati globallashuv tufayli Evropa va xorijiy ma’naviy-madaniy oqimlar ta’siriga ko‘proq ishtiyoqmand bo‘lib, milliy ma’naviyatimizning hayotbaxsh yuksak ahloqiylikka asoslangan tamoyillariga ihlosmandligi sust kechmoqda. Inson qadri, ma’suliyati, ahloqiga bepisandlik ularning ba’zi birlarning kiyinishi, fe’l-atvori, yurish-turishida yaqqol ko‘zga tashlanib qolmoqda.

O‘zgarishlarga qanchalik qarshilik ko‘rsatilmasin, ular bari bir hayotimizga kirib kelaveradi. Ayniqsa, globallashuv jarayonidan o‘zining g‘arazli maqsadlari yo‘lida foydalanuvchi kuchlar bor ekan, bu o‘zgarishlardagi salbiy jihatlar ham kuchayib boradi. Binobarin, globallashuv jarayonining asosiy sub’ekti va harakatlantiruvchi kuchlari manfaatlariga hizmat qiladigan bunday sa’iy-harakatlardan ko‘zlangan maqsad milliy manfaat va qadriyatlarga tayangan an’anaviy tafakkur tarziga zarba berib, butun dunyoda g‘arbona andozalarga

---

[2] Bekmatov A. “Globallashuv, milliy an’analar va yoshlar tarbiyasi. YOshlarni milliy istiqlol g‘oyasi ruhida tarbiyalash – Vatan tinchligi va xafvsizligini mustahkamlanish muhim omili” mavzusidagi Respublikaga ilmiy-amaliy anjuman materiallari Toshkent-2004 yil, 67-68 betlar.

[3] Umarov B. “G‘arb tamadduni: inkiroz alomatlari”. “Tafakkur” jurnali, 2/2007 yil, 16-bet.

[4] Abbosxo‘jaev, Umarova N., Qo‘chqorov R. Mafkura poligonlaridagi olishuv. – Toshkent, «Akademiya», 2007. 14-15-betlar.

[5] Milliy istiqlol g‘oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. – Toshkent, «O‘zbekiston», 2000, 3-be

asoslangan, iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy hamda madaniy jihatdan yagona tamaddun hukmronligini o‘rnatishidan iborat. Bunday sa’y-harakatlarning hatarli jixati shundaki, uning boshqa tamaddunlar, xalqlar va davlatlar uchun qanday oqibatlar keltirib chiqarishi, masalan, yaqindagina mustaqillikka erishgan mamlakatlarning milliy manfaatlari, an’ana va qadriyatlariga qay tarzda ta’sir etishi mumkinligi global hukmronlikka intilayotgan kuchlarni u qadar tashvishlantirmaydi[3].

Xavf-xatarlarga jiddiy razm soladigan bo‘lsak, mustamlakachilik siyosati, birovlarni qaram qilish siyosati yangi asrda yo‘qolmaganini, balki o‘zining shaklu shamoyilini o‘zgartirganini tushunib etamiz[4]. Darhaqiqat, «Millat bor ekan, milliy davlat bor ekan, uning mustaqilligi va erkinligiga, an’ana va urf-odatlariga tahdid soladigan, uni o‘z ta’siriga olish, uning ustidan hukmronlik qilish, uning boyliklaridan o‘z manfaati yo‘lida foydalanishga qaratilgan intilish va harakatlar doimiy xavf sifatida saqlanib qolishi muqarrar»[5].

Aslida, suverenitet davlat miqyosida oliy hokimiyatga egalikni, tashqi va ichki siyosatni olib borishdagi to‘la mustaqillikni anglatadi. Aynan suverenitet muayyan davlat mustaqilligining birlamchi sharti va belgisidir. Bu esa suverenitetning qisman yoki cheklangan shaklda mavjud bo‘la olmasligini anglatadi. CHunki suverenitet davlatning boshqa davlatlarga tobe bo‘lmay, qaram bo‘lmay yashashini, o‘zga kuchlar tomonidan boshqarilmay, birovlarning irodasiga bo‘ysunmay, mustaqil hayot kechirishini nazarda tutadi. Muhimi, davlat suverenitetining o‘rnatilishi mamlakatlar o‘rtasida tenglik qaror topishini shartlab qo‘yadi hamda mutelik, o‘zgalar hisobiga yashash, turli kamsitishlar, ortiqcha ta’zim-tavozega yo‘l qo‘ymaydi. Davlat suvereniteti mustamlakachilikning har qanday shaklini, uning kamsituvchi tabiatini, u taqozo etadigan zo‘ravonliklarni inkor etadi[6].

Globallashuv jarayonlarini tahlil qilgan olimlar bu jarayonlarda davlatning rolini turlicha baholaydilar. Ayrim nazariyalarda globallashuv jarayonida davlatning roli tobora pasayib borishi uqtirilsa, boshqalarida uning o‘rni va ahamiyati o‘zgarmaydi, deb ta’kidlanadi. YAna bir guruh olimlar esa globallashuv sharoitida davlat bilan davlatlararo tashkilotlar o‘rtasida siyosiy hokimiyat qayta taqsimlanib, davlat ularga o‘z suverenitetining bir qismini beradi[7], degan farazlarni ilgari surmoqda.

---

[6] Abbosxo‘jaev, Umarova N., Qo‘chqorov R. Mafkura poligonlaridagi olishuv. – Toshkent, «Akademiya», 2007. 16-bet.
[7] Udovik S.L. Globalizatsiya: semioticheskie podxodы. – M., «Vakler», 2002, s. 389.

Taassuf bilan tan olish kerak, diniy aqidaparastlik va terrorizm, «demokratiyani olg‘a siljitish»ga urinishlar, axborot xurujlari, g‘arbona turmush tarzini tiqishtirish, ma’naviy qashshoqlashtirish harakatlari, buyuk davlatchilik tafakkuri va imperiyacha fikrlash xurujlari davlatimiz suverenitetiga jiddiy xavf tug‘dirmoqda. Ha, gegemoniya dunyo kabi ko‘hna. Biroq bugungi kunda hududlarni harbiy kuch bilan zabt etish o‘rniga jahonda etakchilik qilishning noan’anaviy usullari, ancha zamonaviylashtirilgan, birmuncha madaniylashtirilgan usullari keng urf bo‘lmoqda. Dunyoga hukmronlik qilishning eng oson va qisqa yo‘llarini izlayotgan kuchlar tinchlikni oliy ne’mat deb biladigan, saxiy zamini tabiiy boyliklarga to‘la, xalqi soddadil va mehnatkash O‘zbekistonni o‘z ta’sir doirasiga olishga intilayotganligini payqamaslik mumkin emas. SHuning uchun ham mustaqillikni asrab-avaylash, himya qili shva mustahkamlash O‘zbekistonda davlat siyosatining ustuvor vazifasi etib belgilangan.

**Xulosa sifatida shuni ta’kidlash lozimki:**

1. Diniy aqidaparastlik va boshqa yot mafkuralar eng avvalo yoshlarning ayrim qismining g‘oyaviy-siyosiy tajribasizligiga tayanadi. YOt mafkura va buzg‘unchi ta’sirlar bilan kurash mafkuraviy tarbiyada loqaydlik, befarqlik kayfiyatining har qanday ko‘rinishlariga murosasizlikni taqozo qiladi.
2. Qarshi targ‘ibot samaradorligining zaruriy tamoyillaridan biri - uning tezkorligida bo‘lib, unda muayyan mintaqaviy sharoitlarni, kishilarning yosh xususiyatlarini, oliy o‘quv yurtining u yoki bu muddatda hal qila olishi mumkin bo‘lgan mafkuraviy imkoniyatlarini hisobga olish ko‘zda tutiladi.
3. SHaxsning mamlakat ichkarisida va tashqarisida sodir bo‘layotgan voqealarni mustaqil tahlil qila olishi, mafkuraviy immunitetni mustahkamlaydi.

CHunki mafkuraviy tahdid o‘zining mazmuni, tamoyillari, uslublari va shakllariga ko‘ra murakkab hodisadir. Unga: Mustaqil O‘zbekistonning hayotiy yutuqlarini dalil-isbotsiz ataylab qoralash, mustaqillikka erishgan mamlakatlarning hammasida bor bo‘lgan umumiy muammolarni «faqat O‘zbekistonda bor» deb talqin qilish, erishilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy siyosat yutuqlari mohiyatini, hukumatimizning tashqi va ichki siyosatini soxtalashtirish, buzib ko‘rsatish; ayrim mamlakatlar turmush tarzi, siyosiy tizimini bir yoqlama ko‘kka ko‘tarish; milliy g‘oyalarimizni obro‘sizlantirish; ko‘p millatli O‘zbekistonda aholi o‘rtasida ijtimoiy hamkorlikni buzishga qaratilgan kayfiyatlarni tarqatish va nizolar keltirib chiqarishga urinish; odamlarning diniy tuyg‘ularini junbushga keltirish, diniy yovqarashni paydo qilish kabi yo‘nalishlar xosdir.

# ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАХТУМҚУЛИ ПАНД-НАСИҲАТЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Абдуллаев Мадамин Саотбоевич,**
**Урганч давлат университети**
**madaminabdullayev0832@gmail.com**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиб, пировард натижада баркамол авлодни тарбиялашни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек,”....бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан тобора чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” ғояси замирида улуғ аждодларимиз, умуман олганда Биринчи ва Иккинчи уйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мужассам, десак, адашмаган бўламиз”[56].

Мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялашда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг, турли даврларда яшаб ижод қилган мутафаккирларимизнинг бой маънавий меросининг ўрни ҳар қачонгидан ҳам аҳамиятли бўлиб бормоқда. Шу қаторда нафақат туркман халқининг, балки ўзбек халқининг ҳам ўз алломасига айланиб улгурган Махтумқули Фироғий маънавий мероси, унинг панд-насиҳат рукнидаги ижод намуналари хам қимматли манба сифатида эътироф этилади.

Алломанинг бой маънавий мероси ўз залвори, салобати билан инсониятнинг етук даҳолари қолдирган маънавий дурдоналар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганлиги сир эмас. Ўзининг машаққатли турмуш шароитлари, тақдир тақозоси билан дуч келган қийинчиликлар олдида эсанкираб қолмасдан ижод қилган ва жамиятдаги мавжуд иллатларни аёвсиз қоралаган мутафаккир том маънода замонлар оша хурмат ва эҳтиромга сазовор бўлиб келмоқда.

Махтумқули ижодиида устувор ўрин эгалловчи кучли халқ фалсафаси, панд-насиҳатлар шоирнинг кўрган-кечирганларини қаламга олиб, улар юзасидан теран хулосалар чиқарганлиги маҳсулидир.

Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,
Маъракада ўтириш-туришин кўринг.
Биров билан ошно бўлай десангиз,
Аввал иқрорида туришин кўринг[57].

---

[56] O’zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoyevning “Yangi O’zbekiston” gazetasi muharriri savollariga javoblari. 17.08 2021. https://uzreport.news/politics/prezident-yangi-ozbekiston-va-uchinchi-renessans-sozlari-hayotimizda-ozaro-uygun-va-hamoha

[57] Магтымгулы. Сайланма шыгырлар. Ашгабат-Баку. 1960, -Б.289.

Мутафаккирнинг панд-насиҳатларидаги даъваткор сўзлар каттаю кичикнинг руҳини поклаб, бу гўзал дунёга, инсонга, ҳаётга муҳаббат уйғотади, халқ кўнглини юксакликка кўтариб, янги мақсадлар ва марралар сари етаклайди. Махтумқули ижодидаги энг муҳим жиҳатлардан бири – аҳлоқий тарбияга йўғрилган ғоялардир.

Махтумқули, тўғри сўйла,
Умринг келиб-кечар, ўйла,
Ёши улуғларни сийла,
Бош гўрга кирмасдан бурун[58].

Жамиятда учрайдиган киши молига ёмон назар билан қараш, ўғрилик, фирибгарлик каби иллатларни қоралаган аллома инсонларни тўғри яшашга, ҳалол бўлишга, ўткинчи дунёда нафс қулига айланиб қолмасликка даъват этади.

Инсонлар орасидаги меҳр-оқибат, биродарликнинг қийматини улуғлаб, ўзаро аҳилликка чорлайди:

Одам бўлиб одам қадрин билмаса,
Ундан кўра ўтлаб юрган мол яхши.
Сўзлаганда сўз маъносин билмаса,
Ундан кўра сўзламаган лол яхши.
Махтумқули, сен сўзлагин ҳар бобдан,
Дунёга суянма, чирикдир тубдан,
Боши-охири йўқ минг қуруқ гапдан,
Бир шувиллаб ўтадиган ел яхши[59].

Ушбу сатрлардаги ахлоқий ғояларнинг аҳамияти бугунги шиддатли замонда ниҳоятда катта эканлигини тушуниш қийин эмас. Ҳар қадамда фирибгарлик, товламачилик, ўзгалар молига ҳиёнат қилиш каби иллатлар учраётган жамиятда мутафаккир ғояларига ҳар қачонгидан-да кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда.

Махтумқули панд-насиҳат руҳида ёзилган асарларида инсоний фазилатларни тараннум этади, она-юрт, миллат манфаатларини асрашга чақиради. Унинг шеърларида ўзаро хурмат, ота-онага, устозга эҳтиром, эл-юрт, Ватаннинг қадрига етиш, меҳнатсеварлик ғояларини тарғиб этади. Мутафаккирнинг ижод намуналарида меҳмондўстлик улуғланади, ҳар бир кишининг уйига келган меҳмон ким бўлса ҳам уни очиқ юз ва ширин сўз билан кутиб олишни маслаҳат беради. Махтумқули дўст танлашда унинг юриш-туришига, одобига, эл орасида ўзини тутишига қараш кераклигини

---

[58] Махтумқули. Асарлар. (Тўпловчи А.Аширов. Тарж. Э.Очилов) –Т.:”Akademnashr”, 2013, -Б.4.

[59] Махтумқули. Устозингдан айрилма. (Тарж. Э.Очилов) –Т.: “O’zbekiston”, 2012, -Б.114.

уқтиради. Хулқи, одоби ёмон кишилардан узоқроқ юришни таъкидлайди. Шоир бундай фикрларини ниҳоятда чиройли ва ҳақиқий тасвирий воситалар орқали баён этади:

Кўнгли қора билан бўлманглар улфат,
Юқар ундан турли-туман касофат.
Кўмирга ҳар қанча айласанг иззат,
Юзингга қораси юққанча бўлмас[60].

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ёшлар маънавиятини шакллантиришда, уларни келажакка ишонч ва юксак ахлоқий қадриятларга монанд тарбиялашда Махтумқули Фироғий маънавий меросининг аҳамияти бениҳоя катта. Негаки, асрлар оша инсонларни ахлоқий камолот сари етаклаб келаётган панд-насиҳатлар ҳозирги кунда ҳам қимматли ҳисобланади. Баркамол авлодни тарбиялашда мазкур ижод намуналаридан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу борада ОАВ ларнинг кенг имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда мутафаккир ҳикматларини узлуксиз тарзда тарғиб қилиб бориш, уларни шарҳлаш мақсадида жараёнга соҳа мутахассисларни кўпроқ жалб этиш зарур деб ҳисоблаймиз.

**Адабиётлар:**


1. Махтумқули. Асарлар. Тўпловчи А.Аширов. Тарж. Э.Очилов. – Т:”Akademnashr”, 2013.
2. Магтымгулы. Сайланма шыгырлар. Ашгабат-Баку. 1960.
3. Махтумқули. Устозингдан айрилма. Тарж. Э.Очилов. –Т: “O’zbekiston”, 2012.
4. Ўлмас шеърият. Методик-библиографик қўлланма. –Т: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2008.


[60] Ўлмас шеърият. Методик-библиографик қўлланма. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008, -Б.10.

# 2-шўъба: Ёшларни маънавий баркамоллик руҳида тарбиялаш ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшаётган тарбиявий институтлар. Мулоҳаза ва таклифлар.

## УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ВА ТЕАТР САНЪАТИДА УМУМИНСОНИЙ ҒОЯЛАР ТАЛҚИНИ


**Ахметжанова Муқаддас Вахабовна**
**санъатшунослик фанлари номзоди,**
**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти факультет декани**
E-mail: muqaddas_6919@mail.ru
Тел.:+99899 873 70 03
(Ўзбекистон, Тошкент)



### Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессансга қадам қўйишида ижтимоий-маданий тараққиёт, жумладан саҳна санъатининг ўрни, охирги йилларда театр соҳасида олиб борилаётган инновацион изланишлар; драматургия, режиссура ва актёрлик санъатидаги тажрибалар, миллий ва умуминсоний тамойиллар, инновацион ғоя ва лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига қаратилган ишлар ҳамда бу йўлда давлатимиз томонидан ижодкорларни қўллаб-қўвватлаш учун олиб борилган сиёсат моҳияти таҳлил қилинган.



**Калит сўзлар:** *театр, миллий ва умуминсоний қадриятлар, модернизация, реципиент, инновацион тенданциялар, бадиий-эстетик онг.*



### Аннотация

В данной стаье обсуждается роль социокультурного развития, включая исполнительское искусство, в вступлении Узбекистана в эпоху Третьего Возрождения, а также новаторские исследования в области театра в последние годы; анализируется опыт драматургии, режиссуры и актёрского мастерства, общенациональные и общечеловеческие принципы, работа по реализации новаторских идей и проектов, а также суть проводимой государством политики поддержки художников в этом направлении.



**Ключевые слова:** *театр, национальные и общечеловеческие ценности, модернизация, реципиент, инновационные тенденции, художественно-эстетическое сознание.*



### Annotation

This article discusses the role of socio-cultural development, including performing arts, in Uzbekistan's entry into the era of the Third Renaissance, as well as innovative research in the field of theater in recent years; analyzes the experience of drama, directing and acting, national and universal principles, work on the implementation of innovative

ideas and projects, as well as the essence of the state policy of supporting artists in this direction.

**Keywords:** *theater, national and universal values, modernization, recipient, innovative trends, artistic and aesthetic consciousness.*

Санъат асарининг аҳамияти, фалсафий-эстетик қиммати ижодкор яшаётган ижтимоий маънавий муҳитга, томошабинларнинг бадиий-эстетик дидига, дунёқарашига кўрсатган таъсирига қараб баҳоланади, қадрланади ёки рад этилади. Бинобарин, шу таъсири орқали санъаткор жамият бадиий маданияти ривожига ва реципиент (шахс, томошабин) ижтимоий-маънавий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшади.

Театрларимизда Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини шакллантириш мавзулари, ғоялари мужассам асарларни саҳнага олиб чиқиш кун тартибига қўйилган.

Изланишлар театр санъатининг шахс ижтимоий-маънавий шакалланишидаги маърифий-тарбиявий функцияси устуворлигини тан олиш ва эътироф этишда маҳаллий ҳамда хорижий илм-фан ва маданият вакиллари ҳамфикр эканлигини кўрсатади. Ҳ.Абдусаматов фикрича, «Театрнинг энг асосий бурчи эса – томошабинни ижтимоий маънавий тарбиялаш. Шу жиҳатдан ҳам унинг вазифаси ахлоқий-психологик муҳитни яратишдир. Спектакллар аввало халқимиз олиб бораётган катта ишлар билан ҳамоҳанг бўлиши даркор, чунки санъат ҳар қанақа шароитда ҳам холис, одил, ҳалол бўлиб қолиши даркор». [3] *(Абдусаматов Ҳ. Театр танқид кўзгусида. – Тошкент: «Фан», 1993. – 27 б.)* «Санъат, агар у инсон қалбини жумбишга келтирса, уни гўзал ва олижаноб нарсалар яратишга, артефактни, яъни инсоният томонидан яратилган сунъий бойликларни ўзлаштиришга ундаса, ўзининг ижтимоий-тарбиявий функциясини бажарган бўлади. Санъатнинг маънавий ҳаётга таъсири инсон қалби, руҳи орқали кечгани учун, ҳар бир санъат асари, пировард натижасига кўра, маънавий бойлик, ижодкор қалбининг, руҳининг инъикосидир. Лекин бу инъикос бир томонлама таъсир маҳсули эмас, жамиятда кечаётган ўзгаришлар, кишилараро муносабатлар, диний, ахлоқий ва иқтисодий омиллар ижодкор руҳи, қалби орқали асарларнинг ғоявий асосига, ранглар ва оҳанглар комбинациясига таъсир этмай қолмайди». [1] *(Алимасов В., Манзаров Ю. Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳа: назария ва амалиёт (фалсафий-социал тадқиқот). – Тошкент: «Наврўз», 2014. – 65 б.)* Испан режиссёри ва шоири Ф. Г. Лорка таъкидлаганидек, «театр ижтимоий ҳаракатдир... Мамлакатни қайта қуришда театр энг таъсирчан ва фойдали қуролдир. Халқнинг дардига, эҳтиёжларига ҳозиржавоблик билан қулоқ тута биладиган театр ўзининг трагедия ва мусиқий асарлари билан бир неча йил ичида кишиларнинг дунёқарашини ўзгартириб юборишга қодир. У миллатнинг юксак парвози ёки таназзулини ўзида акс эттириб турувчи барометрдир. Ўз театрини яратишга ёрдам бермаган миллат ё ўлик ёки ўлим остонасида турган миллатдир». [2] *(Маҳмуд Ж. Шоир театр ҳақида. «Жаҳон адабиёти» журнали. 2016 йил, июнь. 6-сон. – 136 б.)*

Бугун театрларимиз учун умумижтимоий ғоя Янги ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш ғоясидир. Бу умумижтимоий тараққиётга оид ғояни театрлар саҳанасига олиб чиқиш маълум бир вақт ва тайёргарликни талаб этаётган бўлса-да, бу борада маълум бир инновацион изланишлар олиб борилмоқда. Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш ғояси бутун ижтимоий маънавий борлиққа, маданият ва санъат институтлари фаолиятига, таълим-тарбия тизимлари, тарғибот муассасалари, шу жумладан, театрларга ҳам тааллуқли долзарб воқеликдир. Шу муносабат билан Республикамизда ўтказилаётган кенг миқёсдаги ижтимоий маънавий тадбирлар театрлар ва реципиентларга ҳам тааллуқлидир. Театрларимиз ушбу тадбирларда гоҳ саҳлаштирувчи, гоҳ у ёки бу ролни ижро этувчи, гоҳ тарихий образларни ёритувчи, гоҳо эса бутун томошани уюштирувчи, бошқарувчи режиссёр сифатида қатнашади. Масалан, Республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” (2017 йил 17 ноябрь), “Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида” (2018 йил 1 ноябрь), “Халқаро бахшичилик санъати фестиваплини ўтказиш чора тадбирлари тўғрисида” (2018 йил 1 ноябрь), “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (2019 йил 14 май), “Шарқ тароналари халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида” (2019 йил 26 февраль) каби Фармон ва Қарорлари бўйича ташкил этилган ва ўтказилган тадбирларни ташкил этишда театр вакиллари катта рол ўйнашган. Бундай оммавий тадбирлар режиссурасиз, сценарийсиз ва театр актёрларисиз бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда улар хаотик ҳамда бемақсад ҳаракатлардан иборат бўлиб қолади. Айнан театр вакиллари тайёрлаган сценарий ва режиссура тадбирларга уюшганлик, мақсадлилик бахш этади, саҳна ҳаракатларини умумижтимоий ғоя билан ҳамоҳанг қилади. ОАВ ва ижтимоий фикр бу тадбирларни ижобий баҳолаб, улардаги гуманистик ғояни ўз онгида мужассам этганини тасдиқлайди. [4] *(www.xs.uz/ 2020 йил 20 май; 2020 йил 4 июль; yuz.uz/ 2021 йил 16 сентябрь; 2021 йил 24 декабрь).*

Демак, театр санъати фақат хонадаги саҳнадангина иборат эмас, у кўча, майдонларни ҳам саҳнага айлантириб, томоша санъатининг қолган турларидан ҳам фойдаланиб, умумижтимоий ғояни баб баровар оддий, доимий ва потенциал аудитория онгига сингдириши мумкин. Бундай кенг тадбирлар аслида потенциал аудиторияни назарда тутади, ушбу аудитория орқали бошқа реципиент шахсларга таъсир этишга интилади. Бундай томоша санъати кенг маконда потенциал аудитория билан мулоқот ўрнатишга ёрдам беради, томошабинни вақтинча турмуш ташвишларидан холи қилади. “Асарга томошабин ишониши учун саҳна билан зал ўртасида фикрий мулоқот ҳосил бўлиши лозим, шундагина икки ўртада ўзаро ишонч фикрий яқинлик муҳити пайдо бўлади... саҳна билан томошабин ўртасида кўприк ўрнатилади. Томошабин ҳам ўз навбатида шундай вазиятни кутади, кундалик турмуш исканжасидан халос бўлиб, тўқима ҳаёт оғушига шўнғишни истайди”. *(Товтоногов Г. Саҳна кўзгуси. “Жаҳон адабиёти”. 2017 йил. №5. – 183*

*б.).* Бу аслида театр тарғиб этаётган умумижтимоий ғояга реципиентнинг эргашишга тайёрлигидир.

Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда жамиятимизда халқ билан мулоқот, одамларнинг дардини тинглаш, қийналган инсонларга кўмак бериш, эҳтиёжманд кишиларни қўллаб-қувватлаш каби тамойиллар устуворлик қилиб, сўз эркинлиги берилиши натижасида муаммо ва камчиликларни очиқ-ошкора айтиш, гапириш одат тусига кириб бормоқда. Ҳар жабҳада халқ билан бирга бўлиш, ислоҳотларни фуқароларимизнинг ақл-заковати, тафаккур кучи асосида амалга ошириш Янги Ўзбекистонни барпо этишда одамларни ягона мақсад йўлида бирлаштириш омили бўлмоқда. Театрлар ҳам миллий ғояни халқ ишончи ва эътиқодига айлантиришга, ижодкорларни ягона мақсад сари ҳаракат қилишга ундайдиган субъектив омиллар сирасига киради. Халқ театр ижодкорлари ижро этган турли қаҳрамонлар образларига, улар гавдалантирган ижтимоий, маънавий ва ахлоқий идеалларга ишонади, ёш авлод уларга тақлид қилади, эргашади, улардек мард, жасур, ҳалол ва адолатли инсон бўлишни мақсад қилади. Бунинг учун ижодкорларнинг ўзлари ҳар томонлама комил, илғор фикрлайдиган инсон бўлишлари, замон билан ҳамнафас бўлиб, мунтазам янгиликка интилишлари лозим. Минг афсуски, замонавий бадиий жараёнларда новотирона изланишлар, бадиий-эстетик ихтиролар кам учрайди. Шу боис Президентимиз Ш. М. Мирзиёев «Юртимиздаги бугунги ижодий муҳитни кузатсак, у қандайдир турғунликка тушиб, бир жойда депсиниб тургандай, кўпчилик ижодкорларимиз ўз ташвиш ва муаммолари билан ўралашиб қолгандай таассурот қолдиради. Ҳолбуки, маданият ва санъат арбоблари ҳамиша жамиятнинг энг олдинги сафларида бўлиши, ўз асарлари, фаол гражданлик позицияси билан одамларни эзгу мақсад ва марралар сари бошлаши, илҳомлантириши керак эмасми?», деб таъкидлайди. *(Адабиёт, санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг муҳим пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. // «Халқ сўзи » газетаси. 2017 йил, 4 август.)* У Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ҳақида гапирганида ҳам аввало зиёлиларни фаолликка даъват этади. Ҳақиқатан ҳам, барча даврларда санъат ва маданият вакиллари юксак дунёқараши, фаол фаолияти билан ўз замонидан илгарилаб кетишга ҳаракат қилган. Одамларга намуна, ибрат вазифасини ўтаган, жамият аъзоларини гўзалликка ошуфта бўлишга, қуришга, яратишга, бунёдкорлик ишларини амалга оширишга ундаган. Оғир дамларда ғалаба ва улкан муваффақиятлар, тараққиёт ва тинчлик-тотувлик сари руҳлантирган. Шу билан бирга, жамият аъзоларини руҳлантирувчи, улуғ ишларга бошловчи, қалбини гўзаллаштирувчи соҳа вакилларининг ўзлари ҳам руҳланган, ҳар томонлама ҳимояланган ва тизимли рағбатлантириладиган бўлиши керак.

Кейинги йилларда мамлакатимизда театр санъатини ривожлантириш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маданият масканларини замонавий технологиялар асосида қайта жиҳозлаш, Навоий, Наманган, Сирдарё, Тошкент вилоятларида янги

театрларни ташкил этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугун аксарият театр масканларида, айрим санъат даргоҳларини ҳисобга олмаганда, режиссёр ва актёрларга ишлаш ва ижод қилиш учун етарли шарт-шароит яратиб берилган.

Қайд этиш жоизки, жамиятимизда кечаётган шиддатли янгиланиш жараёнларини, одамлар онгида устуворлик касб этаётган прагматик ёндашув ва Учинчи Ренессанс ғоясини амалда қарор топтираётган замондошларимиз образини яратиш бир томондан, янгиланишга қарши – коррупция, фоҳишабозлик, порухўрлик ва гиёҳвандлик каби иллатларни қўллаб қувватлаётган салбий кучлар хусусиятларини очиб бериш иккинчи томондан, долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш ғояси Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан 2016 йилдаёқ илгари сурилган ва у Ҳаракатлар стратегиясида мужассамини топган эди. Ўтган беш йил ичида улкан, беқиёс ўзгаришлар амалга оширилди, аммо уларнинг ҳеч бир қирраси, соҳаси тўлақонли ва яхлит бадди бўёқларда ўз аксини топа олмади.

Ҳар бир соҳанинг тараққиёти, ривожи унга кириб келган янги авлодга, уларнинг онги, тафаккури ва инновацияларга мойиллигига, кекса, тажрибали мутахассислар томонидан “оталиққа олиниши”га боғлиқдир. Шунинг учун театрларда кечаётган инновацион изланишлар янги авлоднинг келишига боғлиқ. Бугун театрларимиздаги асосий ижрочилар ёшлардир. Улар театрларга Янги Ўзбекистон, реципиентлар қалбига Учинчи Ренессанс ғояларини олиб киришга тайёргарлик кўрмоқда.

Театр ижодий салоҳиятини кучайтириш янги, инновацион изланишларга ёшларни жалб этишни тақозо қилади. Аслида театр шундай масканки, бу ерда мудом барча ёшдаги актёрлар учун рол, ижро этиш учун персонаж топилиши мумкин. Объектив ва одатдаги ҳолатда театр ижодкорлари умрининг сўнгигача муқим бир жойда фаолият юритишади. Театр штатлар жадвалида ўринлар чекланган, мавжуд иқтисодий имкониятлар доирасида бўлади. Бу эса санъат оламига кириб келаётган ёш ижодкорларнинг театрга жойлашишида муайян қийинчиликлар туғдиради. Масалан, Ўзбек миллий академик драма театрида йиллаб штатдан ташқари ишлаган, охири бу масканни тарк этган Г.Шарипова, З.Солиева каби актёрлар етарлича учрайди. Йиллаб навбатини кутиш, вақтни бой бериш ижодий ҳис-туйғуларнинг эскиришига, оҳорини йўқотишига олиб келади.

Янги Ўзбекистонда «ижодини намуна қилиб кўрсатиш, авлоддан авлодга мерос қилиб қолдириш мумкин» бўлган санъаткорларни етиштириш борасида муайян ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Масалан, 2020 йилда ўтказилган навбатдаги «Дебют» кўрик-фестивалида ёш истеъдодларни саралаб, катта, профессионал саҳнага олиб чиқишни назарда тутилган. Ушбу кўрик-фестивалларда ёш ижодкорларнинг турли жанр ва йўналишларда яратилган ишлари жамоатчилик эътирофига сазовор бўлган. Аммо ушбу ёш драматург, ёш режиссёр, ёш актёрларнинг кейинги ижодий тақдири қандай кечаяпти, бадиий-эстетик

фаолиятида қандай тўсиқларга рўпара келмоқда, деган саволларга ҳали тўла-тўкис жавоблар йўқ.

Шуни ҳам эсда тутиш зарурки, ҳар қандай фаолиятда, шунингдек, санъатда ҳам, мутлақ янги нарса йўқ, биз янги деб тасаввур этган нарса нимадандир, қаердандир олинган, ўсиб чиққан бўлади. Санъатда мутлақ янги нарсани, А.Эфрос айтганидек, “фақат орзу қилиш мумкин”. *(Эфрос А. Профессия режиссёр. – Москва: «Искусство», 1979. – С. 190.).* Янги Ўзбекистон мутлақ янги спектаклларни, репертуарларни мутлақ янгилашни, бадиий-эстетик воситаларни мутлақ ўзгартиришни талаб этаётгани йўқ, инновациялар эса анъаналарга ҳам таяниши, азалий мавзуларга мурожаат этиб, уларни давр муаммолари билан омухталаши мумкин.

Шахснинг ижтимоий-маънавий фазилатлари ичида фуқаролик позицияси ва эстетик маданияти муҳим рол ўйнайди. Фуқаролик позицияси шахснинг жамият ва давлат ишларини бошқаришга муносабатларини ифода этади. Унинг негизида инсон ўзининг конституцион ҳуқуқларига таянган ҳолда жамият ва давлат ишларига аралашишини табиий ҳол деб билиши ётади. Ижтимоий ҳуқуқий қадриятларни ҳимоя қилиш, эркин фаолият юритиш, сўз ва ижод эркинлигидан фойдаланиш кабилар фуқаролик позициясига киради. Демократик жамиятда фукролик позицияси ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий бурчи, бу бурчини жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги ҳиссаси кўрсатади. Театр санъати бу фазилатларни замонавий мавзулардаги асарларни саҳналаштириш, замонавий қаҳрамон образларини яратиш орқали шакллантиради. Бугун ўзбек театрларида Назар Эшонқул (“Жамлолиддин Мангуберди”, “Уруш одамлари”), Шароф Бошбеков (“Зўрдан зўр чиқса...”, Усмон Азим (“Бир қпадам йўл”, “ Адибнинг умри”, “Кундузсиз кечалар”, “Тонг отган тарафларда”), Эркин Аъзам (“Кечиккан одам”), Ҳайитмат Расул, Қилич Абдунабиев (“Жайхун қўшиғи”), Наим Каримов (“Гули ва Навоий”), Нурилла Аббосхон (“Жайдари келин”, “Ўзбекча рақс”, “Боғ”, “Ўзгалар дарди”)нинг саҳналаштирилган асарларида замонавийлик, давр ва инсон муаммоси тилга олинади. Мазкур асарлардаги образлар азалий мавзу эзгулик ва ёвузлик, фазилат ва иллат, янгилик ва эскилик ўртасидаги коллизияларни томошабинга тақдим этади, жамиятдаги ҳодисаларга фаол муносабатда бўлишга интиладилар. Уларнинг фаол фуқаролик позицияси, айниқса ён атрофимизда учраётган бедиллик, юлғичлик, коррупция, хиёнат, нафсга ўчлик кабиларга қарши туришида, курашида намоён бўлади.

Глобаллашув ва интеграция, бозор иқтисодиёти театр санъатини коммерциализациялаш масаласини ҳам кун тартибига қўйди. Бу борада турли, гоҳо қарама қарши фикрлар билдирилмоқда. Менежмент ва маркетинг асосларига қурилган илғор давлатлар тажрибасидан кўринадики, санъат маркетинги бир бирини тўлдириб келади. *(Kerrigan F., Fraser P.,Ozbilgin M. Arts maketihg. Germanya, 2014.; Robertson I. Understanding art markets and management, Routledge, New York, 2005).* Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам ҳам менежмент ва маркетинг изжланишлари олиб бориш амалга оширилмоқда *(Zunnunova U.,G, Faiziev T.R. Art*

*maketing. – Tashkent: "Kamalak", 2019).* Бироқ, бизнинг фикримизча, шундай театрлар борки, уларни хўжалик ҳисобига ўтказиш, коммерция марказларига айлантириш мураккаб, ҳатто ноўрин ишдир. Масалан, Миллий драматик театрни, Республика Ёш томошабинлар театрини ёки  Опера ва балет театрини коммерция марказларига айлантириш уларнинг ижтимоий маънавий ва маърифий тарғибий функцияларини батомам ўзгартиришга олиб келади. Шундай экан бу борада жиддий изланишлар, илмий экспериментлар ўтказиб кўриш зарур. Реципиент (томошабин), аҳоли театр маданий хизматларини, уларнинг бозор иқтисодиёти ва коммерция талабларига мувофиқ ишлаши учун, зарур маблағлар билан таъминлай оладими? деган саволга жавоб излаш даркор. Бундан ташқари, вилоятлардаги кўпгина театрларни коммерция марказларига айлантириш учун коммерция талабларини қабул қиладиган локал маданий муҳитни шакллантириш ҳам даркор. Коммерция талабларига жавоб бера оладиган маданий муҳит, аудитория, реципиент мавжуд бўлсагина театрларни коммерциализациялаш мумкин. Шунда ҳам улар ўзининг ижтимоий маънавий анъаналари ва функцияларидан воз кечмаслиги, савдо сотиқ ўчоқларига айлантирилмаслиги керак.

Бугун Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш жамиятимизни бирлаштирувчи, кишиларимизни келажак сари ундовчи, инновацион ривожланиш учун креатив изланишларга чорловчи миллий ғояга айланмоқда. "Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари" шиори Учинчи Ренессанс ғояси билан бойиди, янги ижтимоий моҳият касб этмоқда. "

Шахс маънавияти-реципиент (томошабин) маънавиятидир. Реципиент театрга у бу нарсадан хабардор шахс сифатида қадам қўяди. Шунинг учун реципиентни шахс сифатида кўриш театрнинг бурчидир. Аммо шахснинг ижтимоий маънавияти, бадиий-эстетик онги ўзгарувчандир. Театр ушбу жиҳатни эътиборга олади ва реципиентга шу жиҳат орқали таъсир этади. Ижтимоий маънавий воқеликларнинг ўзгарувчанлиги театрни ҳам, реципиентни ҳам тинмай изланишга ундайди, шу тариқа улар, шу жумладан, бутун ижтимоий маънавий борлиқ ҳам, динамик воқеликка айланади. Шахснинг ижтимоий маънавий шаклланиши ушбу динамизмга мувофиқ кечади.

Театр санъати кишиларнинг бўш вақтида кечадиган бадиий-эстетик қизиқишларини, уларнинг ҳордиқ олиш, турмуш ташвишларидан вақтинча холи бўлиш, фаолиятини ва кечинмаларини ранг баранглаштириш истакларини ҳисобга олади. Шахс ижтимоий маъанавий шаклланишини фақат театр санъати устига юклаш ноўрин ёндашув. Театр санъати ижтимоий борлиқдаги бир институт, жанр, бадиий-эстетик ижод, маданий фаолият тури. У ўзининг ушбу функциясидан келиб чиқиб реципиентнинг ижтимоий маънавий шаклланишига таъсир этади. Шу жабҳада у маълум маънода жавобгардир.

Реципиент шахснинг индивидуал хислатларини ҳисобга олиш ижтимоий маънавий тарбия учун муҳимдир, бироқ бу индивидуал хислатларни ҳисобга олиш, очиғини айтганда, театр санъати учун ечиб бўлмас, ўта қийин муаммо.  Театр тайёр аудитория, реципиентларга мурожаат этади, унинг оммавийлашиш хусусияти кўп

ҳам индивидуалликни ҳисобга олавермайди. Аммо бу муаммони санъаткорга индивидуал хислатлар билан ишлаш техникасини сингдириш орқали ечиш мумкин. Бу борада жаҳон театрлари тажрибаларига, экспериментларига мурожаат этиш мумкин.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**


1. Алимасов В., Манзаров Ю. (2014) Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳа: назария ва амалиёт (фалсафий-социологик тадқиқот). – Тошкент: «Наврўз», 66 б.
2. Маҳмуд Ж. (2016) Шоир театр ҳақида. «Жаҳон адабиёти» журнали. 6-сон. – 136 б.
3. Абдусаматов Ҳ. Театр танқид кўзгусида. – Тошкент: «Фан», 1993. – 27 б.
4. www.xs.uz/ 2020 йил 20 май; 2020 йил 4 июль; yuz.uz/ 2021 йил 16 сентябрь; 2021 йил 24 декабрь
5. Товтоногов Г. Саҳна кўзгуси. “Жаҳон адабиёти”. 2017 йил. №5. – 183 б.
6. Адабиёт, санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг муҳим пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. // «Халқ сўзи » газетаси. 2017 йил, 4 август.


# УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭЪТИБОРДАН БОШЛАНАДИ


**Ўрол АБИЛОВ,**

**Соғлиқни сақлаш вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслахатчиси.**


## Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида Давлат тилига бўлган эътибор

***Ҳадиси Шарифда айтилишича “Тил миллат кўзгусидир”. Ўтмишдан маълумки, давлат тили мавжуд жамият маънавиятининг ва тараққиётининг асосини ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан, давлат тили кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг бир бутун бўлиб, жипслашиши ва жамиятимиз ривожланишининг асосидир, калитидир.***

Бу борада мавжуд имкониятларни бутун шижоати ва омилкорлигини ишга солган ҳолда қонун устиворлиги асосида мақсадимиз сари йуналтириш талаб килинади. Негаки, бу келажак жамиятимизни беками кўст бунёд этишимизнинг адолатли ва қонуний шартларидан биридир.

Бу борада биринчи навбатда вазирликда 2018 йилдан бошлаб, барча буйруқ ва кўрсатма хатлар давлат тилида чикарилмокда.

Шу нуқтаи назардан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ушбу масалада вазирликнинг “Вазирлик тизимидаги муассасаларда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш ҳамда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этиш тўғрисида”ги алоҳида буйруғи билан тасдиқланган Соғликни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча муассасаларда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил этиш ва унинг ижросини назорат қилиш бўйича Ишчи гуруҳи тузилиб, унинг олдига вазирлик тизимидаги муассасаларида Давлат тилини қонунда белгиланган тартибда жорий қилинишини ташкиллаштириш ва унинг ижросини сифтли амалга оширилишини назорат қилиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди.

Жумладан, вазирлик тизимининг жойлардаги муассасаларини ўрганиш бўйича асосан алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар сифатида бошқарма аппарати ва тизимидаги муассасаларда давлат тилида иш юритиш ҳолати, ўзбек тилидаги ҳужжатларнинг тўғри ва саводли тайёрланиши, буйруқ ва фармойишларнинг тиллар кесимидаги сони, давлат тилида қабул қилинган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг хатосизлиги, идоралараро ёзишмаларнинг давлат тилида юритилиши, уларда ўзбек тили адабий меъёрларига амал қилиниши ҳолати, вазирлик аппарати ва тизимидаги муассасаларда ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш йўналишида давлат тили қоидаларига амал қилиниш ҳолати, давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларида давлат тили талабларига риоя этилишининг умумий ҳолати, давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларининг бино ва ҳудудида турли хил ёзувлар: эшиклардаги пешлавҳа, реклама банерлари, эълонлар, йўналиш кўрсаткичлари, кўргазмали укув-информация материаллари ва ҳабарлар ҳамда уларнинг давлат тили талабларига риоя этилишининг ҳолати, ўрганиш якунида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларида ўрганилган ҳудуд муассаса раҳбарларининг Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчисилари иштирокида ўрганиш натижалари бўйича муҳокама ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бўйича керакли топшириқлар берилиши белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, Тизимда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил этиш ва унинг натижадорлигини ошириш мақсадида тузилган ишчи гуруҳ фаолиятини янада фаоллаштириш юзасидан Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан жойларда давлат тилини самарали ташкил қилиш бўйича услубий-амалий ёрдам ташкил этиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги аппарати ва унинг қуйи тузилмалари ходимлари ҳамда бошқа тилларда сўзлашувчи ходимлар учун Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги давлат университетлари ҳамда педагогика институтлари ҳузурида ташкил этилган Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказларида ўқишларини ташкил этиш бўйича тизим

ходимларини ўқув машғулотларига жалб этиш бўйича кадрлар бўлими билан келишган ҳолда чораклик, йиллик тақсимоти ишлаб чиқилиб, шунинг асосида тизим ходимларини ўқишларга жалб қилиниши олиб борилмоқда.

Тизимда давлат тилини ривожлантириш ва нуфузини тубдан оширишга қаратилган чора-тадбирлар бўйича жойлардаги барча тиббиётга оид муссасаларда ходимлар, талаба-ўқувчилар ва тиббиёт муассасаси жойлашган ҳудуд маҳаллаларидаги аҳоли ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5850-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги "Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил этиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги 34-сон қарорининг мазмун-моҳияти ҳақида тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилди ва бу ишлар давом эттирилмоқда.

Жумладан, 2020 йил 16 ноябрдаги 166-сон буйруғи билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги 34-сонли "Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 25 мартдаги 83-сон буйруғи ижросининг таъминланиш ҳолатини ўрганиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида, бутун мамлакат бўйлаб ҳудудий бўлинган жойларга мутаҳассислардан иборат еттита ишчи гуруҳи сафарбар этилди. Уларнинг асосий вазифаси вазирлик тизимидаги муассасаларда Давлат тилида иш юритиш амалий фаолиятини тўлиқ ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш, йўл қўйилган хато-камчиликларни танқидий баҳолаш, муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан тавсиялар беришдан иборат қилиб белгиланди. Бугунги кунда вазирлик тизими муассасаларида Давлат тилида иш юритиш амалиёти ишчи гуруҳ томонидан юқорида номлари келтирилган Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида билдирилган амалий ёрдам ва тавсиялари йўриғида фаолият юргизишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6084-Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги аппарати ва унинг қуйи тузилмаларида иш ҳужжатларини лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич ўтказиш бўйича вазирлик аппарати ва бутун тизимда чора-тадбирлар режасига асосан муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги айрим ҳафларни соддалаштириш борасида вазирликнинг Фанлар Академиясига таклифлари юборилди. Шунингдек, биринчи навбатда вазирликнинг расмий ва бошқа бир қанча тиббиётга оид бланкалари лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига ўтказилди ва бу иш давом эттирилмоқда.

Вазирлик томонидан бугунги кун нуқтаи назарига мос равишда тиббиёт мутаҳассислари кўригидан ўтказилиб ва уларнинг фкрларини инобатга олган ҳолда 10000 мингдан ошиқ сўзликдан иборат "Тиббий

атамалар изоҳли луғати” китоби кирилл ва лотин ёзувларида тайёрланиб, вазирлик тизимидаги барча муассасаларни ушбу луғат билан таъминлаш мақсадида кўп минг нусҳада чоп этилди ва жойлардаги муассасаларга етказилмоқда.

Вазирлик тизимидаги тиббиёт таълими муассасаларида “Тил – миллат кўзгуси”, “Китоб билим манбаи”, “Она тилида сўзлашамиз”, “Билимли ёшлар – келажак бунёдкори” мавзуларида иншолар танловлри ўтказилди. Аксарият иншо танловлари лотин ёзуви орқали ўтказилдики бу ўз навбатида ёшларни китоб ўқишга бўлган қизиқишларини ўстириши қолаверса, уларда давлат тилига бўлган ижобий муносабатни уйғунлаштиришига хизмат қилишига йўналтиради.

Бу ишларни ҳамжиҳатлик билан амалга оширишда албатта вазирлик тизимида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич ўтказиш чораларини амалга ошириш бўйича ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилган мутаҳассислардан иборат ишчи гуруҳларининг фаоллиги ўз самарасини берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ишчи гуруҳининг яна бир самарали иш фаолиятини вазирлик тизими муассасаларида Давлат тилига амал қилиш ҳолатини ҳудудларга жойларга чиқиб вазирлик аппарати ва унинг тузилмалари биноларида ҳамда ҳовлисида ўрнатилган барча ташқи ёзувлар, шу жумладан, пешлавҳалар, реклама ва эълонлар, кўргазмали бошқа ахборот матнларини давлат тилида бўлишини таъминлаш ва назорат қилиш, ўрганиш ва услубий-амаллий ёрдам кўрсатиш бўйича олиб бораётган ишларида янада ёрқинроқ кўриш мумкин.

Маълумки, барча давлатларда соғлиқни сақлаш тизими аҳолининг барча қатламларининг соғлигини муҳофаза қилувчи энг катта тизилма ҳисобланадики кўп миллатли Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими ҳам шу русумда фаолият олиб боради. Шу боис, далат тили борасидаги ишларни самарали амалга ошириш қанчалик мураккаблигига қарамасдан Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат ва нодавлат тузилмаларига тегишли бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан ўрнатилган, жойлаштирилган пешлавҳалар, реклама ва эълонлар, кўргазмали бошқа ахборот матнларини давлат тилида бўлишини таъминлаш борасида вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятидан кенг ва унумли фойдаланиш самара бермоқда.

Вазирлик тасарруфидаги мавжуд ўн иккта олий ва етмиш тўртта ўрта тиббиёт таълими муассасаларининг тиллар кафедралари қошида ташкил этилган “Юзма- юз” ва “Нишона” тўгараклари томонидан ўзбек тилига доир билимлар бериш билан бирга ёшларни қизиқтирувчи турли ижодий кечалар, мушоиралар ташкил этиш Ёшларнинг онгига давлат тилининг мулоқатда нақадар бой ва нафис томонларини етказиш ва давлат тили – она тилига бўлган эътиқодини ошириш давлат тилини янада ривожлантириш ҳамда унга бўлган ижобий муносабатни барқарорлаштириш борасида, муҳим аҳамият касб этаётганлиги ўта муҳимдир.

Мазкур йўналишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимига кирувчи ҳудудлардаги барча таркибий бўлинмалар ва муассасаларда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда

амал қилиниши бўйича жойларда жамоатчилик назорати ташкил этиш ва услубий-амалий ёрдам кўрсатиш бўйича мутахассислардан иборат Назорат гуруҳлари ташкил этилди.

Вазирлик тизимидаги мавжуд муассасалар ва уларнинг тасдиқланадиган барча меъёрий ҳужжатлари (буйруқ, фармойиш, маълумотнома ва ҳисоботлар Кўрсатма хатлар, тавсияномалар ва бошқа турли хил (анализ деймиз) қон таҳлили, ташхис қўйиш, касаллик тарихи хулласу калом, турли хил тиббиётга, инсон саломатлигига оид барча жадваллару диограммаларнинг изоҳ ва шарҳлари ҳам қоғоз ва электрон нусхалари) Давлат тилида юритилиши қатъий назорат остига олинди. Ва иш фаолиятдаги йиғинлар - илмий кенгашлари, ректорат кенгашлари, кафедра кенгашлари қатъий равишда Давлат тилида олиб борилиши асосан йўлга қўйилди.

Вазирлик тизимидаги мавжуд тармоқлардаги даволаш-профилактика, Тиббиёт таълими муассасаларининг ўқув ва бинолари ҳудудларига Давлат тилини тарғиб этувчи баннер ва плакатлар ўрнатилди ва бу иш жойларда давом эттирилмоқда. Маънавий-маърифий фаолиятга алоқадор янгиликлар, эълонлар ва барча маълумотлар Давлат тилида юритилиши йўлга қўйилди ва давом эттирилмоқда.

Тизимнинг жойлардаги бўғинида «Саводхон ҳудуд» акцияси ўтказилди. Ҳududдаги баннерлар ва ҳар хил реклама плакатларидаги ёзувлар ва бошқа тилларда ёзилган жумлалар ва улардаги хатолар ҳақида тегишли мутассадди шахсларга тушунтиришлар берилди ва уларда тўғриланиш ишлари йўлга қўйилди.

Тиббиёт олий ва ўрта таълим муассасаларида таҳсил олаётган 2 курс талабаларининг ўқув дастурига 36 соат ҳажмдаги “Бадиий адабиётда тиббий мавзу курси” киритилди ва ўқитиш олиб борилмоқда.

Тиббиёт таълими муассасаларининг тиллар кафедралари қошида ташкил этилган “Юзма-юз” ва “Нишона” тўгараклари томонидан ўзбек тилига доир билимлар бериш билан бирга ёшларни қизиқтирувчи турли ижодий кечалар, мушоиралар ташкил этилиши ҳам йўлга қўйилган.

Нофилологик ОТМлар каби тиббиёт таълими муассасаларида ҳам 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб “Ўзбек тили кафедраси” ташкил этилди ҳамда ўзбек тилини ўрганиш бўйича махсус курслар жорий этилмоқда.

Тизимда давлат тили мавқеини мустаҳкамлаш йўналишида олиб борилган ишларнинг тарғиботи бўйича ОАВга мақолалар тайёрлаш ва босма даврий нашрлар, телерадиоканаллар, интернет сайтлари, хусусан, “til.gov.uz” сайтида материаллар бериб бориш борасида Вазирлик тизимидаги Давлат тилига бўлган муносабат ва амалга оширилган ишлар ҳамда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич ўтказиш борасидаги ишлар ҳақида жойларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ОАВ ва ижтимоий тармоқларда айниқса маҳаллий ОАВда маслаҳатчиларнинг чиқишлари қилинмоқда.

Шунингдек, вазирлик тасарруфидаги барча Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар

соғлиқни сақлаш бошқармалари, бўлинмаларида, жумладан, тиббиёт таълими, даволаш-профилактика муассасалари, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, илмий-амалий марказларда ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, мулкий мансублигидан (Давлат ва нодавлат) катъий назар тиббиётга алоқадор барча тиббиёт муассасаларида ҳужжатлар, ёзишмалар, кўчаларга ўрнатилган реклама баннерларининг сўзсиз давлат тилида (ўзбек тили) юритилишини таъминлаш, бинолари пештоқидаги номлар ва унинг ичидаги хоналар эшигидаги атама биринчи навбатда давлат тилида ва заруратдан келиб чиқиб, ундан кейин бошқа тилларда ёзилиши, муассасаларда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда амал қилинишини ташкиллаштириш бўйича Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича муассаса раҳбарининг маслаҳатчиси тайинланиб, давлат тили масаласидаги ишларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича жамоатчилик назорати ташкил этилди.

**Тилга хиёнат - халкка, миллатга, давлатга хиёнатдир!**

Турли хилдаги ва даражадаги хиёнатлар ҳақида кўп гапириш ва уларнинг ҳолат даражасидан келиб чикиб, кечириш мумкиндир, лекин, давлат тили борасидаги, халққа, миллатга, давлатга қилинган хиёнат умуман кечиримга лойиқ эмас.

Бир оғайнимдан анча илгари латифанома кинояни эшитгандим. Унинг айтишича рус мактабига ўқишга берган қизини ўзбекчани ҳам ўзлаштирсин деган мақсадда ўқувчиларнинг ёзги таътили даврида вилоятга, ота- онаси яшайдиган қишлоққа юборади. У ерда қизи ўзига тенгдош кўп кизалок дугоналар билан танишади, улар билан дустлашади. Огайним кизини кўргани бориб караса, бутун қишлоқ қизлари русча сўзлашаётган эмиш... Бу албатта латифанома ҳодисадир. Лекин эътибор берилиб, ўзбек халқининг меҳмондустлиги ва инсонларга бўлган меҳр-оқибати нуқтаи назаридан қаралса, қишлоқ қизларининг меҳмон қизнинг кўнглини оғритмаслик учун қилинган саъйи ҳаракати маҳсулидир. Худди шундай халқимизнинг мамлакатимиздаги бошқа миллат вакилларининг дилини оғритмаслик учун улар билан асосан рус тилида бўлган мулокатлари ҳам уларга инсонийлик муҳаббатининг рамзидир холос. Уларга миллат ва тил масаласида тобелик эмас! Буни тўғри тушунишлари ва яшаётган мамлакатнинг давлат тилида сўзлашишга ўрганишлари учун уларга етарлича вақт берилди, барча шароитлар ва имконият яратилди. Натижа эса, ўзгармади. Қонун эса барча учун баробардир.

Бошка тилларни ўрганишни ҳеч ким тақиқламайди ва бу инсон камолотининг бир бўғини сифатида олиб қаралади. Лекин, ҳамма учун кўринарли бўлган йуналтирувчи ва чорловчи барча ёзувлар: эълонлар, атаманомлар, таклифлар, пештахта ёзувлари ва шу қабилидаги барча эслатмалар ёзилишида давлат тилида бўлишини таъминлаш ва заруратдан келиб чикиб, бошқа тиллардаги ёзувлар ҳажм жиҳатидан давлат тилидан

қуйида кичик ҳажмда бўлишига эътибор бериш ҳар бир ватанпарвар ва миллатпарвар, шу ватан фарзанди учун муқаддасдир.

Албатта, кўп тиллилик миллий тилларнинг ривожланишига имкон яратади. Буни инкор қилиб бўлмайди. Лекин, она тили – давлат тили ҳисобига эмас.

Ҳар бир тилнинг ахброт майдони бўлади. Бу майдон бугунги кунда торайиб қолган. Уни кенгайтириш керак. Туркия, россиядаги ва марказий осиё мамлакатларидаги кўпгина журналларда ўзбек тилида мақолалар эълон қилинмоқда, бу жуда қувонарли ҳол, шундай йўллар билан ҳаракат қилиш давлат тили майдонини кенгайтиришга бўлган саъйи ҳаракатлардан бири ҳисобланади.

Фикримизча, араб тилининг кенг ёйилишига асосий сабаблардан бири бу “Қуръону Карим” ва “Ҳадису Шариф”нинг араб тилида нозил бўлиши ва ёзилиши, инглиз тилининг кенг ёйилиши америка қитъасида инглизларнинг кенг тпрқалиши ҳамда инглиз мустамлакаларининг юзага келиши, француз тилининг кенг тарқалиши мустамлакачилик ҳаракатларининг натижаси ўларoқ бир жиҳатдан европа ва бошқа минтақалардаги киборлар жамияти табақасининг ўзгалардан усунлигини намойиш этишга уринишининг самараси сифатида олиб қаралса бўлади.

Рус тили масаласида шўролар даврида барча собиқ республикаларни ёппасига руслаштиришга бўлган ҳаракатлар натижаси бутун жаҳонга маълум.

**Давлат тили тақдири - узбек тилига муносабат эволюциясидир.**

Инсоният тараққиёти давомида тарихий манбаларнинг гувоҳлик бериши бўйича, ўзбек тилининг амал қилиш хронологиясига эътибор қилсак, тахминан қуйидагича ҳолатга дуч келамиз:

2020 йил сентябрь ойида инсоният тарихида биринчи марта ўзбек тилидаги нутқ БМТ минбаридан янгради.

7 асрда юртимизга араб истилочилари бостириб келди, натижада 8-9 асрларда илм тили тўпик араб тилига ўтказилди.

892 йили туркий эл саркардаси Исмоил Сомоний ғокимиятни қўлга олиб давлат ишларини форсий тилга ўтказди. 999 йили Мовароуннаҳрни Қорахонийлар тўлик қўлга олишиб, давлат бошқаруви яна форсий тилда давом этаверди, чунки давлат бошқаруви Авесто давридаёк эронийлар қўлига ўтгандан буён давлат форсий услубда бошқарилган эди.

Қорахонийлардан Юсуф Ҳос Ҳожиб, Махмуд Кошғарийлар давлат тилини туркий тилга ўтказишга роса уринишган, аммо ҳокимият форсийзабонлар қўлида эди.

1212 йили хоразмшоҳ Аловуддин Мухаммад қорахонийлардан ҳукмронликни қўлга олгач, давлат бошқаруви тўлиқ ўзбек тилига ўтказилади. Бу даврда илм тилиараб, адабиёт тили - форсий, ҳарбий тил - туркий бўлиб қолди.

Мўғил босқини даврида ким қайси тилни билса, шу тилда иш олиб борилаверган. Мўғиллар кўпрок маҳаллий халққа имоишора билан мурожаат

қилишган. Гўёки ҳайвонларга қандай муомила қилсак, улар ҳам шундай муомила қилиб кетаверган.

Темурийлар даврига келиб, давлат ҳужжатлари туркийлаштирилган. Аммо, бу жойда хам бир аниқ тартиб йўқ эди. Илм тили ҳамон араб тилида, шеърият тилида форсий забон устуворлик қилган, ҳарбий-давлат бошқаруви туркий тилда. Мирзо Улуғбек ҳам форсий ва туркий тилларни аралаштириб ишлатган.

Хиротда Алишер Навоий туркий тил ҳимоячиси бўлиб келди ва давлат тилини тўлиқ туркий тилга ўтказишга эришган. Адабиётда ҳам туркий тилнинг устуворлигини амалда исботлади.

Шайбонийлар даврида ҳам туркий тил ҳимояси давом эттирилди, аммо бу ҳаракат изчил ва илмий асосга таянмаган интилиш эди.

Намозхонлар ва диний уламолар араб тили ва форс тилидан воз кечишмади, Қуръонни араб тилида, ниятни форстожик тилида ўқишни давом эттиравеpишди. Диний уламоларнинг бундай муносабати туркий тил тантанасига халақит берди ва бу ҳолат ҳамон давом этмокда.

Ўзбек тилининг мустаҳкамланиш имкониятлари Ўзбекистон ҳудудида асосан адабиёт ва санъат соҳасида Иттифоқ даврида бир оз ривожлангандай кўринади. Лекин давлат ҳужжатларини рус тилида олиб бориш динамикаси доимий равишда ўсиб борган.

Мустақилликка эришганимиздан кейинги вазият ҳам ачинарли бир ҳолат, ўзбек тилида гаплашувчилар сони аҳоли сонига нисбатан, айникса, интеллигенция қатлами орасида камайиб кетганлиги сезиларли даражага етиб борган.

Буни тахминан ўзбек миллатига мансуб аҳоли сонига нисбатан олиб қаралса, улардан 10-15 фойизи рус тилида гаплашишади, 5 фойизи инглизча гаплашади, 20-30 фойиз ўзбеклар ўзбек тилини рус тили билан аралаштириб гаплашади. Бу дегани, 50 фойиз ўзбек ахолиси учун давлат тилини ривожлантиришнинг аҳа- мияти сезилмайди. 40-50 фойиз кишлок аҳолиси учун бирмунча аҳамиятли.

Бу ҳолат ўта фожеали ҳолатдир. Тарихий тажрибапар шуни кўрсатадики, бугун фаол ҳаракат қилиб, давлат тилининг мавқеини кўтариб, сақлаб колаолмасак, эртага уни батамом қўпдан бой бериш мумкин.

Тилни сақлашда халқ бирлиги жуда муҳим. Мана шу бирлик булмаса, ҳар қандай миллат тилини ҳалокатдан сақлаб қолиш имконияти заиф бир ҳолатга келиб колади ва миллий давлатчиликка птур етишини барча англаб етиши зарур.

Албатта, Давлат тилини тўлақонли давлат тили даражасига кўтариш бу фақатгина соҳа мутасаддиларининггина ижро қилиши лозим бўлган масала эмас, балки барча Ўзбекистон халқининг - фуқароларининг умум вазифаси эканлигини ҳар биримиз ёддан чиқармаслигимиз ва бу ишга қамарбаста бўлишимиз лозим.

# МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МЕЪРОСИМИЗ БЎЛГАН ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

**Абилов Ўрол Муродович**
**Фалсафаф санлари доктори, профессор**

**Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича Соғлиқни сақлаш вазири маслаҳатчиси**

## БМТ минбаридан халқаро миқёсдаги буюк ҳодиса

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги Ўзбекистон мамлакатининг Давлат тили – Ўзбек тилидаги чиқиши нафақат Ўзбекистон халқининг балки, бутун ер куррасидаги миллионлаб ўзбек миллатига мансуб аҳолининг бир неча юз йилликлар давомида орзу бўлиб келган умид ва ишончларининг рўёбга чиқиши билан, халқаро миқёсдаги буюк ҳодисадир!

Бунинг буюк ҳодисалиги шундаки, Ўзбекистон давлати эркин мустақил давлат сифатида ўз йўли ва барча соҳаларда жаҳондаги мавжуд мамлакатлар билан тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорлик қилиши мумкинлигини яна бир бор намоён этди.

Иккинчидан, ер юзидаги ўзбек миллатига мансуб аҳолининг келиб чиқиши нуқтаи назаридан ўзбекистондай ота ватанига бўлган меҳр-муҳаббати ва унга нисбатан интилишларини кучайтирди, десак тўғри бўлади.

Учинчидан, маъруза мазмунидан келиб чиқиб, Президентимиз томонидан келтирилган таклифларнинг бугунги кундаги мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги ўта долзарблиги нуқтаи назаридан, хориж мамлакатларининг ўзбекистон билан, ўзаро манфаатдорлик негизида ҳамкорлик қилиш истагининг ортишини юзага келтириши билан характерлидир.

Тил - миллатнинг ва давлатнинг энг асосий белгиловчи омили эканлигини мана шу халқаро миқёсда қилинган маърузадан келиб чиқиб, омма ўртасида давлат тилига бўлган ижобий муносабатни ва муҳитни янада мустаҳкамлаш имкониятларини кучайтириш борасида мутасаддиларга қатор муҳим вазифаларни қўйганлиги билан ҳам изоҳланади.

## Давлат тили борасида соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида:

Ҳадиси Шарифда айтилишича “Тил миллат кўзгусидир”. Ўтмишдан маълумки, давлат тили мавжуд жамият маънавиятининг ва тараққитёининг асосини ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан, давлат тили кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг бир бутун бўлиб, жипслашиши ва жамиятимиз ривожланишининг асосидир, калитидир.

Шундай экан, ҳали ҳанузгача кўпгина давлат тилида иш юритиш имконияти етарли бўлган ташкилотларда ҳам ҳамон иш рус тилида юритилаётганлигини қандай тушуниш ёки баҳолаш мумкин?! Давлат тили

тўғрисидаги қонунга, Президент фармонига муносабат шу даражада бўлиши керакми? Мутасадди ташкилотлар ва жавобгар раҳбар шахсларнинг нега бу ҳолатга эътиборлари суст? Булар барчаси давлат тилининг амалга жорий қилиниши жараёнини сустлаштиради, муддатини узайтиради, охир оқибатда миллий давлатчилик хусусиятига путур етказади. Бу борада мавжуд имкониятларни бутун шижоати ва омилкорлигини ишга солган ҳолда қонун устиворлиги асосида мақсадимиз сари йўналтириш талаб қилинади. Негаки, бу келажак жамиятимизни беками кўст бунёд этишимизнинг адолатли ва қонуний шартларидан биридир.

Бу борада биринчи навбатда вазирликда 2018 йилдан бошлаб, барча чиқариладиган буйруқ ва кўрсатма хатларнинг барчаси давлат тилида чиқарилмоқда

Шу нуқтаи назардан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ушбу масалада вазирликнинг “Вазирлик тизимидаги муассасаларда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш ҳамда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этиш тўғрисида”ги алоҳида буйруғи билан тасдиқланган Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча муассасаларда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил этиш ва унинг ижросини назорат қилиш бўйича Ишчи гуруҳи тузилиб, унинг олдига вазирлик тизимидаги муассасаларида Давлат тилини қонунда белгиланган тартибда жорий қилинишини ташкиллаштириш ва унинг ижросини сифтли амалга оширилишини назорат қилиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди.

Шунингдек, вазирлик тасарруфидаги барча ҚҚР соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, бўлинмаларида, жумладан, тиббиёт таълими, даволаш-профилактика муассасалари, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, илмий-амалий марказларда ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, мулкий мансублигидан (Давлат ва нодаввлат) қатъий назар тиббиётга алоқадор барча тиббиёт муассасаларида ҳужжатлар, ёзишмалар, кўчаларга ўрнатилган реклама баннерларининг сўзсиз давлат тилида (ўзбек тили) юритилишини таъминлаш, бинолари пештоқидаги номлар ва унинг ичидаги хоналар эшигидаги атама биринчи навбатда давлат тилида ва заруратдан келиб чиқиб, ундан кейин бошқа тилларда ёзилиши, муассасаларда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда амал қилинишини ташкиллаштириш бўйича Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича муассаса раҳбарининг маслаҳатчиси тайинланиб, давлат тили масаласидаги ишларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича жамоатчилик назорати ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2009 йилда давлат тили асосида яратилиб, нашр этилган 2 жилд, икки тилли, ўзбек-рус, 20000 мингта тиббий атамалардан иборат “Тиббий терминлар энциклопедик луғати”нинг ҳозирда ҳаммабоп, тўлдирилган нашрини тайёрлаш устида ишлар олиб борилмоқда.

**Тилга хиёнат – халққа, миллатга, давлатга хиёнатдир!**

Турли хилдаги ва даражадаги хиёнатлар ҳақида кўп гапириш ва уларнинг ҳолат даражасидан келиб чиқиб, кечириш мумкиндир, лекин, давлат тили борасидаги, халққа, миллатга, давлатга қилинган хиёнат умуман кечиримга лойиқ эмас.

Бир оғайнимдан анча илгари латифанома кинояни эшитгандим. Унинг айтишича рус мактабига ўқишга берган қизини ўзбекчани ҳам ўзлаштирсин деган мақсадда ўқувчиларнинг ёзги таътили даврида вилоятга, ота-онаси яшайдиган қишлоққа юборади. У ерда қизалоқ кўп дугоналар билан танишади, улар билан дўстлашади. Оғайним қизини кўргани бориб қараса, бутун қишлоқ қизлари русча сўзлашаётган эмиш... Бу албатта латифанома ҳодисадир. Лекин эътибор берилиб, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва инсонларга бўлган меҳр – оқибати нуқтаи назаридан қаралса, қишлоқ қизларининг меҳмон қизнинг кўнглини оғритмаслик учун қилинган саъйи ҳаракат маҳсулидир. Худди шундай халқимизнинг мамлакатимиздаги бошқа миллат вакилларининг дилини оғритмаслик учун улар билан асосан рус тилида бўлган мулоқатлари ҳам уларга инсонийлик муҳаббатининг рамзидир холос. Уларга миллат ва тил масаласида тобелик эмас! Буни тўғри тушунишлари ва яшаётган мамлакатнинг давлат тилида сўзлашишга ўрганишлари учун уларга етарлича вақт берилди, барча шароитлар ва имконият яратилди. Натижа эса, ўзгармади. Қонун эса барча учун баробардир.

Бошқа тилларни ўрганишни ҳеч ким тақиқламайди ва бу инсон камолотининг бир бўғини сифатида олиб қаралади. Лекин, ҳамма учун кўринарли бўлган йўналтирувчи ва чорловчи барча ёзувлар: эълонлар, атама-номлар, таклифлар, пештахта ёзувлари ва шу қабилидаги барча эслатмалар ёзилишида давлат тилида бўлишини таъмилаш ва заруратдан келиб чиқиб, бошқа тиллардаги ёзувлар ҳажм жиҳатидан давлат тилидан қуйида кичик ҳажмда бўлишига эътибор бериш ҳар бир ватанпарвар ва миллатпарвар, шу ватан фарзанди учун муқаддасдир.

Мустақил давлат бўлиб ривожланишнинг энг асосий устунларидан бири бу ўз сўзи ва давлат тилига эга бўлишидадир. Иттифоқ даврида ҳеч кимга сир эмас, алоҳида республика бўлган билан тил эркинлиги чегараланган эди. Русий забон давлатлар ва баъзи бир русий забон ўзбек фуқаролари бўлмиш кимсалар, шунингдек, ўзбекистонда туғилиб, шу ватанда камол топган айрим бошқа миллат вакилларининг ўзбекистон фуқароси бўлатуриб, давлат тилига бўлган ғаразли муносабатлари ҳеч бир халқаро ва инсоний қоидаларга тўғри келмайди. Менимча уларнинг ўзлари ҳам ғараз мақсадли кимсалар томонидан маълум бир рағбатлантириш ҳисобига ўзгаларнинг нағорасига ўйнашаётганлигини жуда яхши билишади. Яна бир томони ўзбек бўла туриб ўз она тилида равон мулоқат қила олмаган баъзи бир кимсалар ижтимоий тармоқларда рус тилини яхши билганлар яхши ишларга жойлашиши мумкинлигини, шунга қарамасдан ўзбекистонда рус мактаблари гўёки ёпилиб кетаётганлигини ва рус тилини билмасдан мамлакатни ривожлантириш таназзулга юз тутишини “башорат”

қилишмоқда. Бундай калтафаҳм баҳонада мустақил давлатга нисбатан бўлган беғаразлик, адолат ва ҳақиқат, асос қани?!

Шу каби кимсаларга нисбатан бировнинг уйига ўз ўриндиғини олиб бориб у ерни ўзиники қилиб олиш мумкин бўлмаганидай, бошқа давлат миллий тилини ўзи мансуб бўлган давлат тилидан устун қўйиш ғирт инсонийлик фазилатини йўқотган (космополит) ватанфуруш, хоинларга хосдир демасдан илож йўқ.

**Давлат тили тақдири – ўзбек тилига муносабат**

Инсоният тараққиёти давомида манбаларнинг гувоҳлик бериши бўйича, Ўзбек тилининг амал қилиш хронологиясига эътибор қилсак, тахминан қуйидагича ҳолатга дуч келамиз:

2020 йил сентябрь ойида инсоният тарихида биринчи марта ўзбек тилидаги нутқ БМТ минбаридан янгради.

7 асрда юртимизга араб истилочилари бостириб келди, натижада 8-9 асрларда илм тили тўлиқ араб тилига ўтказилди.

892 йили туркий эл саркардаси Исмоил Сомоний ҳокимиятни қўлга олиб давлат ишларини форсий тилга ўтказди. 999 йили Мовароуннаҳрни Қорахонийлар тўлиқ қўлга олишиб, давлат бошқаруви яна форсий тилда давом этаверди, чунки давлат бошқаруви Авесто давридаёқ эронийлар қўлига ўтгандан буён давлат форсий услубда бошқарилган эди.

Қорахонийлардан Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Кошғарийлар давлат тилини туркий тилга ўтказишга роса уринишган, аммо ҳокимият форсийзабонлар қўлида эди.

1212 йили хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад қорахонийлардан ҳукмронликни қўлга олгач, давлат бошқаруви тўлиқ ўзбек тилига ўтказилади. Бу даврда илм тили – араб, адабиёт тили – форсий, ҳарбий тил – туркий бўлиб қолди.

Мўғил босқини даврида ким қайси тилни билса, шу тилда иш олиб борилаверган. Мўғиллар кўпроқ маҳаллий халққа имо-ишора билан мурожаат қилишган. Гўёки ҳайвонларга қандай муомила қилсак, улар ҳам шундай муомила қилиб кетаверган.

Темурийлар даврига келиб, давлат ҳужжатлари туркийлаштирилган. Аммо, бу жойда ҳам бир аниқ тартиб йўқ эди. Илм тили ҳамон араб тилида, шерият тилида форсий забон устуворлик қилган, ҳарбий-давлат бошқаруви туркий тилда. Мирзо Улуғбек ҳам форсий ва туркий тилларни аралаштириб ишлатган.

Хиротда Алишер Навоий туркий тил ҳимоячиси бўлиб келди ва давлат тилини тўлиқ туркий тилга ўтказишга эришган. Адабиётда ҳам туркий тилнинг устуворлигини амалда исботлади.

Шайбонийлар даврида ҳам туркий тил ҳимояси давом эттирилди, аммо бу ҳаракат изчил ва илмий асосга таянмаган интилиш эди.

Намозхонлар ва диний уламолар араб тили ва форс тилидан воз кечишмади, Қуръонни араб тилида, ниятни форс-тожик тилида ўқишни

давом эттираверишди. Диний уламоларнинг бундай муносабати туркий тил тантанасига халақит берди ва бу ҳолат давом этмоқда.

# ҚАДРИЯТЛАР - ШАХС ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Маматкулов Санжар Тошпулатович

Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

E-mail: 1984sanjar@mail.ru

Нега баъзи одамлар муҳтож бўлганларга ёрдам беришга мойил, бошқалари эса йўқ? Нега баъзи одамлар бошқаларга қараганда диндорроқ? Касбларни танлашда кишилар ўртасидаги тафовутнинг сабаби нимада? Нега инсонларнинг ўзига, бошқаларга, жамиятга, дунёга бўлган барқарор муносабатлари – ҳаётий позициялари бир биридан фарқ қилади? Бизнингча, инсонларнинг қадриятлари бундай муносабат ва хатти-ҳаракатларда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ушбу мақолада биз қадриятларнинг шахсда ҳаётий позиция шаклланишига таъсирини муҳокама қиламиз. Табиатан субъектив бўлишига қарамай қадриятлар шахснинг кўплаб хатти-ҳаракатларини олдиндан таҳмин қилиш ва ҳаётий позициясини аниқлаш имконини беради.

Қадриятлар индивидуал ва ижтимоий кўламда бўлиши мумкин. Ижтимоий қадриятлар (кўпинча маданий қадриятлар деб юритилади) ижтимоий гуруҳ аъзолари кўзлаган мақсадларни ифодалайди ва улар гуруҳ аъзолари ва етакчилари томонидан ушбу мақсадларга эришиш йўлида қилинаётган ҳатти-ҳаракатларни оқлаш учун хизмат қилади[61]. Шахснинг қадриятлари (кўпинча шахсий қадриятлар деб юритилади) бу унинг хатти-ҳаракатларини рағбатлантирадиган ва ҳаётларида раҳбарлик қилувчи принцип сифатида хизмат қиладиган кенг мақсадлардир[62]. Улар кишиларнинг хоҳишларига ва хатти-ҳаракатларига ҳар қандай вазиятда таъсир қилади.

Шахсий қадриятларнинг тузилиши Гордон Оллпорт томонидан психологик тадқиқотларга киритилди. Милтон Рокичнинг таклифи билан қадриятлар борасидаги тадқиқотларга янги туртки берилди, бу кишиларнинг ҳаётий позицияси ва хулқ-атворини шаклланишида қадриятларнинг

[61] Schwartz S. H. A theory of cultural values and some implications for work. Appl. Psychol. 48, 1999. pp. 23-47.
[62] Rokeach, M. The Nature of Human Values. Free Press, New York, 1973. P.23; Schwartz, S. H. Universals in the content and structure of values: theoretical advances and empirical tests in 20 countries. Adv. Exp. Soc. Psychol. 25, 1992. P. 12.

аҳамиятини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йигирма йилликда қадриятлар бўйича илмий изланишлар сони ортиб бормоқда. Тадқиқотчилар кўплаб маданиятлардаги қадриятларнинг таркиби, тузилиши, келиб чиқиши ва ўзаро боғлиқлигини ўрганиб чиқдилар. Шахсий қадриятлар ўзига хос маъно-моҳиятга эга бўлиб, мотивлар, мақсадлар ёки муносабатлар каби бошқа жиҳатлардан фарқ қилади.

К. Клакхон, М. Рокич ва С. Шварц тадқиқотларида шахсий қадриятлар кишилар ҳаётини бошқарувчи принциплар тарзида талқин этилиб кенг, вазиятга қараб ўзгарувчи, орзу қилинган мақсадлар сифатида белгиланади. Эҳтиёжлар, мотивлар, шахс хусусиятлари, муносабатлар ва аниқ мақсадлар каби конструкциялар билан қадриятлар ўзаро боғлиқдир.

Қадриятлар кенг, транс-вазиятли (ҳар қандай вазиятда амал қилувчи) мақсадлардир. Қадриятлар мотивацион мақсадларнинг когнитив ифодасидир[63]. Барча қадриятлар мақсадларни ифодалайди, аммо ҳамма мақсадлар ҳам қадрият эмас. Қадриятлар турли хил вазиятларда қўлланиладиган кенг мақсадлардир. Шундай қилиб, масалан, мустақилликни иш контекстида муҳим қадрият деб билган киши, бошқа шароитларда: дўстлари, оиласи даврасида ҳам ушбу қадриятга катта аҳамият бериши мумкин. Ушбу транс-вазиятли хусусият қадриятларни муайян ҳаракатлар, объектлар ёки вазиятларга тегишли бўлган муносабатлар ва конкрет мақсадлар каби конструкциялардан ажратиб туради.

Қадриятлар мақсадга мувофиқдир. Қадриятлар орзу қилинган мақсадларни англатади, улар кишиларнинг муҳим ва қадрли деб билган нарсаларни акс эттиради. Инсонлар, одатда, ўзларининг шахсий хусусиятларига ижобий қарайдилар ва ўзини ўзи қадрлашга мойил. Бироқ, кишилар ўзларининг шахсий қадриятларини бошқа шахсий сифатларига қараганда муҳимроқ деб биладилар, улар ўз қадриятларини шахсий хусусиятларидан кўра идеал сифатида кўришади ва уларни ўзгартишни унчалик ҳам хоҳламайдилар[64].

Қадриятлар хатти-ҳаракатларни йўналтирувчи ва тартибга солувчи тамойиллар сифатида субектив аҳамиятига кўра иерархиявий тарзда тартибланади. Ҳар бир шахс учун устуворлигига кўра қадриятларнинг шахсий иерарҳияси мавжуд: баъзи қадриятлар жуда муҳим аҳамиятга эга, баъзилари ўртача даражада, бошқалари эса камроқ аҳамиятли. Аксарият кишиларнинг қадриятлар иерархиясида баъзи ўхшашликлар бор. Қадриятлар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият кишилар учун ўз яқинларига ғамхўрлик

---

[63] Schwartz, S. H. Universals in the content and structure of values: theoretical advances and empirical tests in 20 countries. Adv. Exp. Soc. Psychol. 25, 1992. P.1-65.

[64] Roccas S., Sagiv L., Oppenheim S., Elster A. & Gal A. Integrating content and structure aspects of the self: traits, values, and selfimprovement. J. Pers. 82, 2014. pp.144-157.

қилишга туртки берадиган қадриятлар энг муҳим қадриятлардан биридир. Аксинча, аксарият социумларда кўпчилик кишилар учун бошқалардан устунлик қилиш ва уларни бошқариш ҳам муҳим қадрият сифатида намоён бўлади[65]. Бироқ, кишилар ушбу қадриятларнинг аҳамиятлилигига кўра бир биридан фарқланадилар.

Қадриятларнинг иерархик ташкил этилиши уларни ўз-ўзини англаш билан боғлиқ бошқа конструкциялардан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятдир. У қадриятларнинг мотивацион хусусиятини акс эттиради: иерархияда қадрият қанчалик юқорида бўлса, бу шахснинг ҳаётида йўналтирувчи тамойил сифатида мазкур қадриятга таянишга шунчалик кучли ундайди[66]. Шу боисдан ҳам, бизнингча, шахснинг муайян ҳаётий позицияга эга бўлишида қадриятлар марказий ўринни эгаллайди. Шахснинг қадриятлари тизимида қайси бир қадриятларнинг доминантлик қилиши ҳаётий позицияни белгилаб беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**

1. Roccas S., Sagiv L., Oppenheim S., Elster A. & Gal A. Integrating content and structure aspects of the self: traits, values, and selfimprovement. J. Pers. 82, 2014. pp.144-157.
2. Rokeach M. The Nature of Human Values. Free Press, New York, 1973; Schwartz S. H. in The Ontario Symposium: The Psychology of Value Vol. 8, 1996. pp.1-24.
3. Rokeach M. The Nature of Human Values. Free Press, New York, 1973. P.23;

# NURONIYLARINI E’ZOZLAGAN YURTIM

**Yormatov Faxriddin Joylovovich.**
**Termiz davlat Universitetining pedagogika**
**instituti tillar fakulteti dekani, Tarix fanlari nomzodi, dotsent**
**YFaxriddin73@gmail.com**

Keksa avlod vakillarining ijtimoiy faolligini oshirish, ularga hurmat-e’tibor va mehr-oqibat koʻrsatish, salomatliklarini asrash, turmush sharoitlarini yanada

[65] Schwartz, S. H. & Bardi, A. Value hierarchies across cultures: taking a similarities perspective. J. Cross Cult. Psychol. 32, 2001. pp.268-290.
[66] Rokeach M. The Nature of Human Values. Free Press, New York, 1973; Schwartz S. H. in The Ontario Symposium: The Psychology of Value Vol. 8, 1996. pp.1-24.

yaxshilash maqsadida so‘nggi yillarda davlatimizning mavjud me’yoriy-huquqiy bazasi yanada takomillashib, qator qonunchilik hujjatlari ishlab chiqildi. 2014 yildan boshlab Mehnat vazirligi va Sog‘liqni saqlash vazirligi BMT Taraqqiyot dasturi bilan hamkorlikda mamlakatda yolg‘iz keksalarga va nogironlarga professional ijtimoiy xizmat ko‘rsatish” loyihasini amalga oshirib kelmoqda. Ushbu loyiha ko‘magida “Keksalarni e’zozlash yili” Davlat dasturi doirasida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015 yil 10 avgustdagi 237-sonli “Keksalar va nogironlarni manzilli ijtimoiy himoya qilish va qo‘llab-quvvatlashni yanada kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” [1]gi qarori qabul qilindi.

Vazirlar Mahkamasining 2016 yil 5 fevraldagi 31-sonli “O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi tizimining turg‘un davolash-profilaktika muassasalarida ovqatlanishni tashkil etish va uning uchun haq to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash to‘g‘risida” [2]gi qaroriga ko‘ra I va II guruh nogironlari, bolalikdan nogironlar, 1941-1945 yillardagi urush nogironlari va qatnashchilari, shuningdek ularga tenglashtirilgan shaxslar hamda Chernobil Aesidagi halokat oqibatlarini tugatishda qatnashgan nogiron shaxslar Tibbiyot muassasalarida ovqatlanish to‘lovidan ozod qilindi.Bundan tashqari, 2016 yil 26 dekabrda O‘RQ-415-sonli “Keksalar, nogironlar va aholining boshqa ijtimoiy ehtiyojmand toifalari uchun ijtimoiy xizmatlar to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining Qonuni qabul qilindi.

Prezident Shavkat Mirziyoev tomonidan 2016 yil 28 dekabr kuni «O‘zbekiston faxriylarni ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash «Nuroniy» jamg‘armasi faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi farmon va «Keksalar va nogironlarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida"gi qarori[5]ning qabul qilinishi ham xonadonimiz fayzi bo‘lgan nuroniylarga bo‘lgan e’tiborning yaqqol namunasidir.

Hujjatlarga berilgan rasmiy sharhda keltirilishicha, O‘zbekistonda 2010–2015 yillar mobaynida keksalar va pensionerlar uchun mo‘ljallangan 12 ta Saxovat va Muruvvat internat uylari moddiy-texnika bazalari, 14,6 ming yolg‘iz keksalar, pensioner, nogironlarning turar joy sharoitlari yaxshilandi, 5,4 ming odam reabilitatsiya texnik vositalari va protez-ortopediya mahsulotlari bilan ta’minlandi, 6,4 ming nogiron va pensioner sanatoriyalarda sog‘liqlarini tiklashdi. Ko‘rsatilgan tibbiy-ijtimoiy yordamning umumiy hajmi 132,2 milliard so‘mni tashkil etdi.

Shu bilan birga, o‘tkazilgan o‘rganish ishlari «Nuroniy» jamg‘armasi davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlanishi, yolg‘iz keksalar, pensionerlar va nogironlarni muhofaza qilish tizimini yanada takomillashtirish, uning manzilliligini ta’minlash,

keksa yoshdagilar, imkoniyati cheklangan odamlar va yolg‘iz keksalarga ko‘rsatiladigan tibbiy-ijtimoiy yordam darajasi va sifatini ko‘tarishni, shuningdek joylarda tuman va shaharlar aholisining zamonaviy diagnostika va davolanish uslublaridan foydalanish imkonlarini ta’minlaydigan tubdan yangi yondashuvlar ishlab chiqish zarurligini ko‘rsatdi.

Keksalarni qo‘llab-quvvatlash davlat tizimini yanada takomillashtirish maqsadida qariyalar va faxriylarni ijtimoiy himoyalash, ularning faolligini oshirish, mamlakatning ijtimoiy-siyosiy hayotida to‘laqonli ishtirok etishlari uchun shart-sharoitlar yaratish, tinchlik va osoyishtalikni ta’minlash sohasida katta avlod vakillarining rolini oshirish uchun qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni va qarorida quyidagilar ko‘zda tutilgan:

oqsoqollar, keksalar va faxriylarni yoshlarni xalqimizning ko‘p asrlik an’analariga, Vatanga muhabbat, keksalarni e’zozlash ruhida tarbiyalashga qaratilgan ijtimoiy faoliyatga jalb etish;

«Nuroniy» jamg‘armasi markaziy apparatining, uning viloyatlardagi va tumanlardagi bo‘linmalariga, «Nuroniy» jamg‘armasi xodim-pensionerlariga davlat byudjetidan pensiyalarini to‘la hajmda to‘lash orqali byudjetdan moliyalanishini ta’minlash;

har yili «Mahalla» xayriya fondiga Navro‘z va Mustaqillik umummilliy bayramlariga bag‘ishlab o‘tkaziladigan hasharlardan tushadigan mablag‘larning 10 foizini «Nuroniy» jamg‘armasiga o‘tkazish;

«Nuroniylar maskani» komplekslarini yaratish va ularda o‘quv zallari, hordiq xonalari, davolash fizkulturasi, shuningdek ovqatlanish xonalari va tibbiy kabinetlarni tashkillashtirish;

fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlarida jamoatchilik tartibida fuqarolar yig‘ini (ovullar, qishloqlar, mahallalar) raisining o‘rinbosari — keksalar va faxriylar ishlari bo‘yicha maslahatchi lavozimini kiritish;

«Nuroniy» jamg‘armasining barcha bo‘linmalari moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, zarur shart-sharoitlarni yaratish, mebel, kompyuter texnikasi va aloqa vositalari bilan ta’minlash;

kasalliklarni o‘z vaqtida aniqlash va davolash uchun 2,8 million keksa yoshdagi fuqarolarning barchasi ixtisoslashtirilgan tibbiy brigadalar tomonidan chuqurlashtirilgan tibbiy ko‘rikdan o‘tkazilishini ta’minlash;

biriktirilgan patronaj hamshiralari tomonidan salomatliklari ustidan doimiy nazorat orqali keksa yoshdagi fuqarolar orasida kasalliklar profilaktikasi choralarini

kengaytirish, 15,5 ming yolg‘iz keksalarning turmush sifatini va turmush darajasini ularga shaxsiy ijtimoiy xodimlarni biriktirish orqali oshirish;

keksa yoshdagi shaxslarni ularga to‘lovsiz asosda davolash va sog‘lomlashtirish. Shu munosabat bilan respublika ixtisoslashtirilgan tibbiyot markazlariga 20 ming va viloyatlardagi tibbiyot muassasalariga 215 mingdan ziyod, jami 178,9 milliard so‘m miqdoridagi orderlar ajratish ko‘zda tutilgan;

urush va mehnat faxriylari, yolg‘iz pensionerlar va nogironlar salomatligini har yil bu kontingentga kirgan 34 ming odamni 18 milliard so‘m miqdorida sanatoriya-davolash muassasalarida bepul sog‘lomlashtirish yo‘li bilan salomatliklarini yaxshilash;

Buxoro, Qashqadaryo va Xorazm viloyatlarida keksalar, nogironlar hamda urush va mehnat faxriylari uchun 3 ta yangi sanatoriy qurish va ularni jihozlash yo‘li bilan qo‘shimcha 50 mingdan ziyod pensioner va nogironlarning sanatoriya muassasalarida bepul sog‘lomlashtirilishini tashkillashtirish. Ushbu maqsadni amalga oshirish ishlariga davlat byudjeti hisobidan 13,5 milliard so‘m ajratish;

o‘zgalar parvarishiga muhtoj yolg‘iz keksalar va nogironlar turmush darajasi va sifatini har yil ushbu kontingentga kirgan 4 ming odamni umumiy miqdori 3,2 milliard so‘m bo‘lgan asosiy oziq-ovqatlar, gigiena vositalari bilan ta’minlash yo‘li bilan oshirish;

1941−1945 yillardagi urush qatnashchilariga sanatoriylarda har yili sog‘lomlashtirish kursidan o‘tish o‘rniga yo‘llanmaning o‘rtacha narxiga teng ravishda kompensatsiya olish huquqini berish;

yolg‘iz va kam ta’minlangan keksa fuqarolarni umumiy miqdori 6,4 milliard so‘m hajmidagi qishki kiyim komplekti va poyafzal, shuningdek qishga g‘amlash uchun qishloq xo‘jaligi mahsulotlari bilan har yili ta’minlash;

Andijon, Buxoro, Samarqand va Farg‘ona viloyatlarida ochiq yurakda jarrohlik operatsiyalarini o‘tkazish uchun umumiy summasi 9,7 milliard so‘m bo‘lgan hududlararo kardioxirurgik markazlar yaratish;

tuman (shahar)lardagi barcha tibbiyot birlashmalari va muassasalarini, shuningdek barcha viloyatlardagi onkologiya dispanserlarini umumiy miqdori 108,7 million AQSh dollariga teng bo‘lgan tegishli zamonaviy tibbiyot uskunalari bilan jihozlash;

keksalar va nogironlarning 23 ta Saxovat va Muruvvat uy-internatlari moddiy-texnika bazasini umumiy miqdori 207 milliard so‘mga teng hajmda mustahkamlash.

Dasturni moliyalashtirishga 688,2 milliard so‘m yo‘naltiriladi, shuningdek xalqaro moliyaviy tuzilmalarning 108,7 million AQSh dollari hajmidagi kredit va grant mablag‘larini jalb etish ko‘zda tutilgan.

2017 yilning yurtimizda *“Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili”* deb e’lon qilinishida ham katta ma’no-mazmun bor. Bu haqda Prezidentimiz Sh. M. Mirziyoev alohida gapirib, “Bu islohotlarning asosiy maqsadi – aholi uchun munosib hayot darajasi va sifatini ta’minlashdir. Eng asosiy ustuvor vazifa *“Inson manfaatlari hamma narsadan ustun”* degan olijanob g‘oyani izchillik bilan hayotga tatbiq etishdan iborat.

Bugun hayotimizning o‘zi Konstitutsiyamizda ifodasini topgan eng asosiy maqsad – *inson manfaatlarini har tomonlama ta’minlash* masalasini dolzarb vazifa qilib qo‘ymoqda. Inson manfaatlarini ta’minlash uchun esa avvalo odamlar bilan, xalq bilan muloqot qilish, ularning dardu tashvishlari, orzu-niyatlari, hayotiy muammo va ehtiyojlarini yaxshi bilish kerak. *Xalq davlat idoralariga emas, davlat idoralari xalqimizga xizmat qilishi kerak* va bu haqiqatni avvalo barcha bo‘g‘indagi rahbarlar yaxshi tushunib olishi zarur” degan edi.

2022-yil 17-fevralda O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “Nogironligi bo’lgan shaxslarni hamda aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarini qo’llab-quvvatlashning qo’shimcha chora-tadbirlari to’g’risida”[7]gi farmoni ham muhim ahamiyat kasb etadi.

## Foydalanilgan adabiyotlar

1.https://lex.uz/docs/2718856

2.https://lex.uz/uz/docs/-3083192

3..https://lex.uz/docs/-4532381

4/. https://lex.uz/docs/2898879

5.Jamiyat 2016.29.12

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruzasi. 2017 yil 15 yanvar.

7. Yangi O’zbekiston gazetasi. 2022 yil 18 fevral.

# O’zbekiston taraqqiyotida millatlararo bag’rikenglik tamoyili

**Normamatova Pardaxol Ochildiyevna**
Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti tarix o’qituvchisi
Tel+998994562373
E-mail-quvonchbozorov8@gmail.com

Ko`p millatli jamiyatimizda ijtimoiy-siyosiy barqarorlik, fuqarolar o`rtasida tinchlik va millatlararo totuvlik saqlanganligi mustaqil O`zbekistonning bunyod bo`lishi va rivojlanishining birinchi, boshlang`ich bosqichida qo`lga kiritilgan eng asosiy yutuq bo`ldi.

**ISLOM KARIMOV**

**Anotasiya:** Ma`lumki O`rta Osiyo, xususan O`zbekiston hududi qadim asrlardan turli madaniyat, til, urf-odat, turmush tarziga ega bo`lgan, xilma-xil dinlarga e`tiqod qiluvchi, bir-biriga o`xshash bo`lmagan bir necha xalqlar yashagan o`lkadir. O`zbekistonning jo`g`rofiy nuqtai nazaridan muhim savdo yo`llari chorrahasida joylashgani, ko`plab davlatlar bilan iqtisodiy aloqalar qilgani turli xalqlarning diniy va ma`naviy hayotiga, shuningdek, Movarounnahrdagi urf-odatlar ham o`zga yurtlar madaniyati rivojiga salmoqli ta`sir ko`rsatgan. Bu esa o`ziga xos millatlararo ham jihatlik va diniy bag`rikenglikni shakllantirishdagi asosiy omillardan biri bo`lib xizmat qilgan.

**Kalit so’zlar :** Qo’shnichilik, logistika, diniy bag’rikenglik, diniy konfessiya, Yangi O’zbekiston

Bu haqda birinchi Prezidentimiz o`zlarining «O`zbekiston XXI asr bo`sag`asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari» asarida: «Ming yillar mobaynida Markaziy Osiyo g`oyat xilma-xil dinlar, madaniyatlar va turmush tarzlari tutashgan va tinch-totuv yashagan markaz bo`lib keldi», deb qayd etganlari ham bejiz emas. Haqiqatan ham O`zbekiston zaminida qadim zamondan islom dini bilan boshqa dinlar yonma-yon yashab, rivojlanib va bu jamiyatning ma`naviy yuksalishiga muayyan hissa qo`shdi.

Hozirgi kunga kelib, respublikamizda 130 dan ortiq millat va elat vakillari istiqomat qiladi. Turli millat va elat vakillari uchun esa bir qancha milliy-madaniyat markazlari faoliyat yurgazib kelmoqda. Jumladan, Toshkent viloyatida Angren shahar rus milliy-madaniyat markazi, Olmaliq shahar ukrain milliy-madaniyat markazi, Oqqo`rg`on tumani koreys milliy-madaniyat markazi, Viloyat qozoq milliy-madaniyat markazi, Yangiyo`l shahar tatar milliy-madaniyat markazi kabilardir. O`zbekistonda barcha diniy tashkilotlarga qonun doirasida teng sharoit yaratib berilgan. Ularning qonunga mos istaklari ro`yobga chiqarilmoqda.[1]

So‘nggi yillarda davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri — jamiyatda millatlararo totuvlik va bag‘rikenglikni ta’minlash, do‘stlik muhitini va ko‘p millatli katta yagona oila tuyg‘usini mustahkamlash, yoshlarni Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat bilan qarash ruhida tarbiyalash, xorijiy mamlakatlar bilan madaniy-ma’rifiy aloqalarni kengaytirishga yo‘naltirilgan keng miqyosdagi ishlar amalga oshirildi.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining qoidalari turmushga faol tatbiq etilmoqda, bu qoidalar O‘zbekiston Respublikasining fuqarolari millatidan qat’i nazar O‘zbekiston xalqini tashkil etishini, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi o‘zining hududida yashovchi millat va elatlarning tili, urf-odati va an’analariga hurmat bilan munosabatda bo‘lishni, ularni rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratilishini e’lon qiladi va kafolatlaydi.

Ushbu maqsadlarda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzurida Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do‘stlik aloqalari qo‘mitasi tashkil etilgan bo‘lib, u o‘z faoliyatini yuritmoqda hamda jamiyatda millatlararo totuvlik va bag‘rikenglikni ta’minlash bo‘yicha davlat siyosatini izchil amalga oshirib kelmoqda.

Bularning barchasi albatta, turli millat va din vakillarini mustaqil diyorimizda tinch totuv yashashi uchun qilinayotgan say harakatlardir . So’ngi yillarda qo’shni mamlakatlardagi bo’layotgan ko’ngilsiz voqealar odamni dilini xira qiladi .Shunday bir vaziyatda O’zbekiston hukumati jimgina qarab turmadi ,aksincha ularning kuchli ekanliklari har qanday sharoitda ham murosa bilan jipslashib ,ish ko’rishligini qayta -qayta takrorladi.Xalqimizda bir naql bor ,Qo’shning tinch Sen tinch .Albatta O;zbekistonning savdo iqitosidiy ,logistika ,va boshqa sohalarni rivoji uchun ishonchlik hamkorlar zarur bo’ladi. Ma’lumki O’zbekiston markaziy osiyoning qoq markazida joylashgan rivojlangan davlatlar bilan turli xil aloqa qilish uchun esa biron bir qo’shnimiz hududi orqali o’tiladi.O’zbekiston Respublikasi o’zining qo’shnilari bilan siyosiy,iqtisodiy ,diplomatik aloqalarni juda yaxshi olib borayapti.Yaqinda qo’shni Afg’oniston respublikasida hokimiyat tolibonlar qo’liga otdi.Shunday bir og’ir kunlarda O’zbekiston tashqi ishlar vazirligi ,Hukumat raxbarlari matonatli afg’on millati bunday qiyinchiliklarni yengib o’tishiga va mintaqada tinchlik o’rnatishga ishonishligini bildirib bir necha bor murojaat qildi. Har qanday vaziyatda ham qo’shnisini o’z holicha tashab qo’ymadi,hozirgi pandemiya davrida esa imkoni boricha insonparvarlik yordamlarini ayamay ko’maklashib kelayapti .Pandemiya o’zining yuqori cho’qqisiga chiqqan vaqtlarda qo’shni Tojikiston respublikasiga tibbiiy niqob ,oziq-ovqat mahsulotlari beg’araz yordam sifatida yetkazib berildi.[2]

Bugungi kunda mamlakatimizda 16 ta diniy konfessiya erkin faoliyat yuritmoqda.Qolaversa, yurtimizda qozoq,qirg’iz,turkman,tojik,turk tillarida faoliyat yuritadigan maktalarning soni kun sayin oshib bormoqda .Turli millat va elat farzandlarini tinch -totuv diyorimizda bilim olishiga yetarlicha sharoitlar yaratib berilmooqda .

Markaziy Osiyoning barcha davlatlari bilan umumiy chegaraga ega O‘zbekiston, shubhasiz, mintaqani barqarorlik, izchil taraqqiyot va yaxshi qo‘shnichilik hududiga aylantirishdan manfaatdor. Mamlakatimiz taraqqiyotining chegaralarimiz xavfsizligidan tortib suv resurslarini oqilona taqsimlashgacha bo‘lgan barcha muhim hayotiy masalalarini hal etish mintaqamiz bilan chambarchas bog‘liq. Iqtisodiy jihatdan taraqqiy topgan, xavfsizligi ta’minlangan Markaziy Osiyo O‘zbekiston uchun eng asosiy maqsaddir. Transport-kommunikatsiya va energetika sohalaridagi yirik mintaqaviy loyihalarni qo‘shni mamlakatlar bilan faol hamkorlik qilmasdan, ularning yuksak darajada integratsiyalashuvini ta’minlamasdan amalga oshirib bo‘lmaydi.

Yangi O‘zbekistonning besh yillik davri mobaynida, Prezident Shavkat Mirziyoyev davlatlar o‘rtasidagi ishonch darajasini oshirish va Markaziy Osiyoda mintaqaviylikni mustahkamlash borasida ulkan yutuqlarga erishdi. U davlat rahbari bo‘lganining birinchi yilidanoq Markaziy Osiyo davlatlari o‘rtasidagi hamkorlik darajasini ko‘tarishga yordam beruvchi yirik ishlarni amalga oshirdi. Xususan, 2017 yilda O‘zbekiston rahbari Markaziy Osiyoning boshqa respublikalari rahbarlari bilan 15 dan ortiq ikki tomonlama uchrashuv va telefon orqali suhbatlar o‘tkazdi, shuningdek, uchta davlat tashrifi (Turkmaniston, Qozog‘iston, Qirg‘iziston) va ikkita ishchi tashrifni (Qozog‘iston va Turkmanistonga) amalga oshirdi.

Uzoq tanaffusdan so‘ng, qo‘shni mamlakatlar o‘rtasidagi chegarani belgilash kabi murakkab jarayon tezlasha boshladi. Bundan tashqari, Prezident turli madaniy-gumanitar uchrashuvlar, ikki tomonlama biznes-forumlar va hamkorlikning yangi formatlari tashabbusi bilan chiqdi. O‘zbekiston va Tojikiston o‘rtasida havo va avtobus xizmatlari qatnovi yo‘lga qo‘yildi, viza olish tartibi soddalashtirildi. O‘zbekiston rahbarining amaliy harakatlari uning qo‘shnilarimiz o‘rtasida ishonchli munosabatlarni o‘rnatish niyati haqiqiyligini ko‘rsatdi.

O‘zbekistonning tashqi siyosatdagi yangi yondashuvi tufayli, qo‘shnilar bilan iqtisodiy hamkorlikda sezilarli yutuqlarga yerishildi. Xususan, mamlakatimizning 2017-2019 yillarda Markaziy Osiyo davlatlari bilan o‘rtacha yillik savdo aylanmasi 50% dan oshib 5,2 mlrd. dollarni tashkil etdi. 2020 yil yakunlariga ko‘ra, global pandemiyaga qaramay, O‘zbekiston va Markaziy Osiyo davlatlari o‘rtasidagi

umumiy savdo hajmi 5 mlrd. dollarga yetdi. Jumladan, Oʻzbekistonning umumiy tashqi savdo aylanmasida Markaziy Osiyo davlatlarining ulushi 2019 yildagi 12,4% dan 2020 yilda 13,6% ga oshdi.

Shu bilan birga, Markaziy Osiyoda barqaror rivojlanish istiqbollari qoʻshni Afgʻonistonda tinchlikka erishish bilan uzviy bogʻliqdir. Afgʻoniston doimo Markaziy Osiyoning ajralmas qismi boʻlib kelgan va shunday boʻlib qoladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar :**

1 Sherzodbek Shavkatbekov **,**Yangi o’zbekiston -yangi qo’shnichilik

2 PF-5876-sonli O’zbekiston respublikasi Prezidenti farmoni

3 Barno Saitova O`zbekistonda millatlararo totuvlik va diniy bag`rikenglik

## ЁШЛАРНИНГ ФУҚАРОВИЙ ОНГИНИ НАЗАРИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИНСТИТУТЦИОНАЛ ЁНДАШУВИНИНГ АҲАМИЯТИ

***Жиззах давлат педагогика институти, “Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси Норбеков Умид***

**(umidnorbekov@gmail.com)**

Ёшларнинг фуқаровий онгини шакллантириш масаласи мустақиллик йилларида биринчи Президент И. Каримов ташаббуси билан олға сурилган “Баркамол авлод”, “Миллий истиқлол мафкураси”, “Миллий ғоя” сиёсий дастурлари асосида илмий тадқиқ қилинган. Миллий истиқлол мафкураси ва миллий ғоянинг бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт барпо этиш, деб боҳаланиб, унинг негизини баркамол ёшлар тарбияси, мустақил мамлакатни тасарруф этувчи ёшлар масаласи ташкил қилади.

Ушбу контексда миллий мафкура ва миллий ғояни ёшлар онгига синдиришда, уларда фуқаролик онгин шакллантиришда ижтимоий муҳит ва уни етакчи омили мафкуравий муҳитни ўрни ва роли масаласига доир илмий концепцияни четлаб ўтиш мумкин эмас. Бу масалада ўзбек олимларидан А. Жалолов, Қ. Назаров, А. Очилдиев, С. Отамурадов, С. Мамашокиров, Х. Шайхова, А. Бегматов, М. Қуронов, М. Қаҳҳорова, Ш. Пахруддинов, И. Эргашев ва бошқа кўзга кўринган ўзбек олимлари салмоқли илмий тадқиқотларни олиб борилган, турли илмий ёндашув ва концепцияларни

яратишган. Шулардан ўзбек олимаси М. Қаҳҳорова олға сурилган ёшлар онгини шаклланишида эса ғоявий – мафкуравий муҳит концепсиясидир [67].

Мафкуравий муҳит ҳақида гапирганда аввал “мафкура” категорияснинг генизисига эътибор қаратиш лозим. “Мафкура” атамаси илк бор XIX аср бошларида, аниқроғи 1805 – 1807 йилларда Франция императори Напалеон Луи Бонапарт даврида мулоқотга киритилган. Унинг муаллифи – таниқли француз иқтисодчиси ва публицисти Эрнесто де Грасси бўлган. “Мафкура” деганда жамият иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ҳаётини ташкиллаштирувчи, бошқарувчи ва муайян мақсадлар томон йўналтириб турувчи ғоявий дастур, принциплар тизими, қўлланма назарда тутилган. Мафкура ижтимоий муҳитда амал қилади. “Муҳит – шахс ён- атрофидаги жамият ва давлат ичидаги воқелик, ҳодисаю –ҳолалар жараёни”[68]дир. Мафкуравий муҳит эса, М. Қаҳҳорова ёндашувига биноан” бу муаян жамиятдаги ғоявий, маънавий, ахлоқий, ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларнинг тизимли мазмунидир”. Мафкуравий муҳит М. Қаҳҳорова биноан муаян таркибга эга: ғоявийлик, маънавиятлилик, аҳлоқийлик, ҳуқуқийлик ва ижтимоийлик[69]. Бундай ёндашув афзалликлари билан бир қаторда айнан мантиқий камчиликларга ҳам эга. Масалан, формологика, тушунчалар мазмуни ва ҳажми нуқтаи назардан ёндашилганда “ижтимоий” деган тушунча ўз таркибига ҳам иқтисодни, ҳам аҳлоқни, ҳам сиёсатни, ҳам ҳуқуқни, ҳам динни, ҳам саънатни олади. Аслида иқтисод ҳам, сиёсат ва ҳуқуқ ҳам, саънат ҳам ижтимоий ҳодисадир. Мафкуравий муҳит кенг тушунча.Бироқ масаланинг ҳуқуқий жиҳати мавжуд. Агар демократик ижтимоий муҳит мавжуд бўлса, бироқ биз мафкура манопол ҳолатда бўлмаса, плюларизм шароити мафжуд бўлса, ёшлар онги табиийки тузмда шаклланади. Собиқ шўро даврида муҳолифлик учун муқобиллика ҳам ўрин йўқ эди. Ўзбекистон Конституциясига биноан эса бирон мафкура манопол мафкура ҳуқуқийликка эга бўлмайди.

Демак, легитимлик талаби мавжуд. М. Қаҳҳорова ёндашувида миллий истиқлол мафкурасига миллий истиқлол мафкурасига урғу берилган. Дарҳақиқат, миллий истиқлол мафкураси халқимиз мафкурасидир. Давлат, ҳоқимият ресурсларидан бири мафкурадир. Шунинг учун давлат ва нодавлат интитутлар ёшлар фуқаровий онгини шаклланишида, уни фуқаровий жамият талабларига мос қарор топишида тенг маъсулдир. Шу жиҳатдан М. Қаҳҳорова ёндашуви илмий аҳамият касб этади, ёшлар фуқаровий онгини шакллантириш муаммосига бевосита алоқадор ёндашувдир.

[67] Матлуба Қаҳҳорова. Мафкуравий муҳит ва аҳлоқ. –Т.: “Фан”, 2009.–97б.
[68] Леонтьев А.Н. Деетельность. Сознания. Личность, –М.: Наука, 1977.– с.28.
[69] М. Қаҳҳорова. Мафкуравий муҳит ва аҳлоқ –Т.: “Фан”, 2009. – 5- бет.

Масалан, мустақилликка эришишга қадар, 1989 –йилда айнан ўзбек ёшлари ўзбек тилини давлат мақомига эришишга ҳисса қўша олганлар, давлат тилини легитимлигига эришганлар. Ёшлар сиёсати шу боис қатор давлатларда давлат ижтимоий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади,давлат доимо ёшларни ўз диққат марказида тутишга мажбур. Зеро, ёшлар бошқарилмаса, турли йўлларга кириб кетиши, бунёдкорлик ва вайронкорлик қудратига ҳам эга.

Хўш, тарихий хотира ёш авлодга нима учун керак, деган савол туғилади. Бизнингча, ёш авлод бугунги ҳаётимиз, эркинлигимиз ўз бўлмаганлигини теран англаш, халқимиз катта авлодлари (масалан, аждодлар) миллий мустақиллик, миллий мустақил давлат яратиш учун курашган, ҳатто жонларини қурбон қилганликларини билишлари керак, деган хулоса чиқариш мумкин. Шу боис фуқаровий онг шаклланишига тарихий ёндашиш методологик жиҳатдан тўғри ёндашувдир.

Ёшлар фуқаровий онгини сиёсий таҳлили учун муҳим концептуал асослардан бири институтционалистик ёндашувдир. Ушбу тадқиқотимиз асоси ва мақсади ҳам айнан шу – институтционализмни ёшлар фуқаровий онгини шакллантириш учун ўрни,роли ва аҳамиятини асослашдир. Институтционал ёндашув илмий манбаларга қараганда янги эмас.

Масалан, ижтимоий тараққиётни барқарор ривожланишини давлат ёки оила институтларисиз тасаввур қилиш қийин. Улар жамият ривожланиши барқарорлиги учун таянч институтлардир. Институтционализм давлат ва ҳуқуқ назарияси билан боғлиқ. Фуқаролик жамияти ўзаги ҳам институтлар тизимини шакллантиради. Масалан маҳалла институти Ўзбекистонда шаклланаётган фуқаролик жамият учун таянч, асосий институтлардан бири ҳисобланади. Фуқаролик жамият талаблари истиқболда турли туман ижтимоий институтларни юзага чиқаради. Масалан кўнгилликлар, яъни “волонтёрлик” инстиути шундай институтлардан биридир.

Институтционал ёндашув Ғарб давлат ва ҳуқуқ назариясида XIX – XX асрларда пайдо бўлди. Унинг асосчиси Торстей Веблен ҳисобланади[70].

Бугун Ўзбекистон ҳалқаро бозор муносабатлари муносабатларига шиддат билан кириб борилялти. Бозор муносабатларига стихияли, кўр – кўрона кириш мақсадга мувофиқ эмас. Бозор муносабатларига илмий асосда киришиш керак. Веблен институтционал парадигмаси айнан бозорга, рақобат муҳитига институтционал ёндашувни асослайди. Зеро, фуқаровий жамият иқтисодиётисиз мумкин эмас. Ёшлар шаклланаётган фуқаролик жамиятидан ўз фаравонлигини, юксалишини, муносиб ҳаёт кечиришни умид қилади. Шу

[70] Т.Веблен “Инженеры и ценовая система” 1921

ўринда ёшларга оид давлат сиёсатида ёшлар фаоллиги, уларни бозор муносабатларининг фаол субьектига айлантириш, бунинг учун ҳуқуқий маконни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бежиз катта ўрин олмаган. Бу йўналишида нодавлат нотижорат ташкилотлари нуфузини олиб бориши кузатилади. Агар бугунги кунгача улар сони 10 мингдан зиёд бўлса, ҳозирда ёшлар фаоллигини юксалтириш сиёсати таъсирида улар сони 100 мингдан ортади,ёшлар фуқаролик жамиятининг авангардига айланади.

Президент Ш. Мирзиёев раҳномолигида олиб борилаётган тез ривожланиш сиёсати, уни ёшларга урғи берилиши жуда кўп кўрсатмоқда. Айниқса 2021 йилни “Ёшларни қўллаб қувватлаш ва аҳолини саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши бу тахминнинг асосли эълон эканлигини тасдиқлайди. Фуқаролик жамият давлат бошқаруви қисқарадиган, демак, сиёсий бошқарувга эҳтиёж сезмайдиган, фуқаролар ташаббускорлиги, ўзини ўзи бошқарадиган, ижтимоий ишларни ташкиллаштирадиган ва назорат қиладиган фуқаро интитутлари тизимидир. Буни Ғарб социологиясининг таниқли номаёндалари Д. Белл, О.Тоффлер, Л. Туроу, У. Валлерстайн, Ф.Фукуяма ва бошқалар. XX аср арафасида англаб етадилар. Улар бундай жамиятни “постиндустриал”, “постиқтисодий”, “посткапиталистик” деб таърифлаб XXI асрни “ахборот” жамияти деб баҳолайди. Бундай жамиятда “ахборот” ҳам сиёсат, ҳам ҳуқуқ, ҳам аҳлоқ, ҳам маданият ва ҳам мулкка айланади. “Ижтимоий давлат” деган категория ҳам сиёсий талаффузда оммалашмоқда. Бугун “ҳуқуқий давлат” эмас “ижтимоий давлат” деган категория устуворликка эришиши кузатилади. Бундай жамиятда глобал бошқарув тенденцияси кучаяди деган таҳмин бор. БМТ “Civil society” терминологиясини муомалага киритар экан, давлат бошқарувига муқобил бўлган леберал бошқарувга ўрғу беради. Волонтерлик бундай жамиятнинг етакчи агентига айланади, деган хулосани беради[71].

Зеро Ўзбекистон йил сайин ҳалқаро ҳамжамиятга уйғунлашиб бормоқда. Қолаверса БМТнинг глобал бошқарув Комиссияси фаолият кўрсатмоқда, фуқаролик жамиятини маниторингини амалга оширмоқда[72]. Глобал бошқарув бугун асосан молиявий-иқтисодий муносабатлар глобаллашуви кузатилади. Европа Иттифоқи каби халқаро уюшмалар муаян даражада локал фуқаролик жамиятларига эҳтиёжни сўндиришга, регионаликка урғу бермоқда. Бу ўз навбатида қарши реакцияларни ҳам юзага чиқармоқда. Масалан, Буюк Британиянинг ўз миллий сувиринитети муҳофаза қилиш мақсадида 2020 йил оҳирида ЕИ дан чиқиши “Brekcid” буни исботлади. Бундац ҳолатлар фуқаролик жамияти демократик каби универсал

---

[71] Civil Society\\https:www.un.org\in\sections\resources-different-ankences\civilsociety\index.html

[72] Our Global Neighbourhood. The report of the Comission of the Global Governance.N.Y.: Oxford University Press, 1995

қадрият бўлмай, ҳар бир тарихий макон, давлат ва ҳалқ ўзининг бетакрор қиёфасида шаклланиши мумкин, деган хулосаларни беради. Глобал бошқарув умумжаҳон глобал муаммолар – глобал исиш, атмосферани ифлосланиши, тоза ичимлик суви муаммоси ва ниҳоят пандемия каби умумжаҳон муаммоларига нисбатан қўлланса локал жамиятлар учун фуқаролик жамиятни барпо этишда самарали булур эди, деган хулосага келамиз. Буни Ўзбекистонда 2020 йилда сайёрамиз узра пайдо бўлган эпедемия, уни ёйилиши ва бартараф этиш стратегияси яна бир карра исботлади, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат бундай қалтис шароитда оқилона эканлигини кўрсатди.

Глобал бошқарувга ҳаётий эҳтиёжлар бўлса-да, уни амалга ошириш бугунги кўп қутбли замонда анча мушкул кўринади. Чунки глобал миқёсда, турли минтақаларда фуқаролик жамиятини шаклланиши бир ҳил эмас, турлича кечмоқда. Бироқ бунингча, халқаро иқтисодий муносабатлар интеграцияси жараёни эртами кечми ҳар бир суверен давлатни умумжаҳон интеграцияси жараёнига қўшилишига олиб келади.

Масалан, қўшни Авғонистонда тинчлик ва барқарорлик БМТ глобал бошқарув дастурига кирган (Ҳавфсизлик Кенгаши) бўлиб, ушбу муаммони Марказий Осиё минтақаси давлатларининг саъй- ҳаракати ва иштирокисиз, бу масалада иштироксиз мумкин эмас албатта. Ўзбекистон ҳукуматининг ташқи сиёсатда, ҳавфсиз регионал сиёсатда ҳорижий вектори Афғонистонда тезроқ тинчлик ва барқарорлик муҳитини қарор топтириш, миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб Ҳинд океанига транспорт каридорини очишга қаратилганлиги сир эмас. Ушбу жиҳатлар Ўзбекистон фуқаролик жамиятини, уни талабларига мос ёшлар фуқаровий онгини шакллантириш глобал ёндашувсиз мумкин эмаслиги аён бўлади. Бежис юқорида тилга олинган БМТ глобал бошқарув Комиссияси янги орган – фуқаролик жамияти форумини таъсис этиш таклифини ўртага ташламади. Ушбу Комиссия Бош Ассамблеясига аккридациясидан ўтган фуқаролик жамияти ташкилотларини ваколатларини киритиш тартибини белгилаб берди[73].

Глобал ижтимоий – сиёсий муаммоларга жаҳоннинг турли фуқаролик жамиятлари етакчилари таъсири ортиб бормоқда. Масалан, швециялик мактаб ўқувчиси Грета Тунберг 2019 йил 23 сентябрида БМТнинг глобал иқлим ўзгаришларига бағишланга саммитда 60 ортиқ давлат раҳбарлари олдида глобал иқлим ўзгаришларини инсоният ҳаётига қанчалик ҳавф солаётганлиги хусусида оташин нутқ сўзлади. Ёш авлоднинг инсониятнинг келажаги ҳақида қайғураётганлиги жаҳон жамоатчилигини ҳаёжонга солди,

---

[73] United Nations (Junell, 2004). A\58\817. We the peoples: Civil society, the United Nations and Global governance\\http:\\access-dds-ny.un.org.\doc.\UNDOC\GEN\NO4\376\41\PDF\NO4337641\.pdf Open Element

ёшларнинг сиёсий фуқаровий онгини айрим мамлакатларда ошиб бораётганлигини уларнинг инсоният тақдирига бефарқ ва лоқайд эмасликларини номаён эди. Натижада жаҳон афгор оммаси наздида “No One is The Small to Make a Difference” яъни “Бирор нарсани ўзгартириш учун сен кичик эмассан” деган шиор ўз ўрнида хосдир, ёшлар фаоллигини, ўзига хос ҳаётий позицияси борлигини исботлади.

Масалан, 2021 йил 6 сентябирида АҚШ янги президенти Жо Байден сайланишига қарши АҚШ Оқ Уйи – Капитолий биносига ёшларнинг ҳужуми ёки 2021 йил 23 январида таниқли сиёсий кучлар раҳнамолигида муқаддам қидирувда бўлган, беҳисоб давлат ва халқ мулкини ўзлаштирган мултимиллионер А. Навалнийни Россия маъмурияти томонидан хибсга олинишига қарши мамлакатни турли бўлиб ўтган оммавий номойишлар, унда аксарият ўсмирларни иштирок этишига муваффақ бўлиши буни яққол мисолидир. Бундай тадбирлар ортида ёшлар онгини манупуляция қилишга, шундай мақсадларни сингдиришга қаратилган, чуқур ўйланган сиёсий комбинациялар – технологиялар борлиги маълум бўлди.

Ўзбек сиёсатшуносларидан С.Саидов таъкидлашича, ҳозирги кунда турли соха олимлари Европа Иттифоқи малакатларида бошқарув муаммолари ва унда фуқаролик жамияти иштирокини батафсил тадқиқ этиб келадилар[74]. Ушбу масала бўйича турли сиёсий дискурсни Европа Комиссияси томонидан нашр этилган “Бошқарув тўрисида”, “Оқ хужжат”да аниқ кўришимиз мумкин. БМТ, ЕИ ва бошқа ҳалқаро хужжатларда бошқарувда фуқаролик жамияти иштирокини оширишга қаратилган сиёсий чақириқларда кучаймоқда. Бунинг концептуал томони шундаки, леберал демократик ғояси мазмун – моҳияти фуқарони давлат бошқарувида,сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларида кенг иштирокини юзага келтиришни асосий мақсад қилиб қўяди.Фуқаролик жамияти юксак маънавиятга асосланади, унда аҳлоқсизлик, маънавий тубанликка ўрин йўқ. Ўзбекистонда қарор топаётган фуқаролик жамияти, ёшлар фуқаролик онгида Ғарб маданиятига тақлидчилик ҳуқуқий оқибатларга – анънавий маънавиятимиздан бегоналашишга, манқурдликка олиб боради. Бугун бадиий кино соҳасида телевединияда, шоу- безнесда, реклама орқали кириб келаётган Ғарб қадриятларига тақлидчилик, кўр-кўрона ўзлаштириш тенденцияси юзага келмоқда. Ташқи қиёфа, ўзаро муомала,хулқ – атворда, маданиятда муқаддам русларга тақлид қилган бўлсак. Ҳозирда Европача (европача тўй, европача ўй, евро ремонт ва ҳ.к.) тақлид қилиш

[74] Саидов С. Фуқаролик жамиятини шакллантириш хусусида Марказий Осиё интеграция жараёнларини кучайтириш муаммолари. Сиёсий фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган дессертация. Т.,2021. 34-35- бетлар

кучайиб бормоқда. Бу тендеция субьектлари ёшлар бўлиб қолаётгани ташвишлидир[75].

Ёшлар фуқаровий онгини миллий қадриятларимиз, бой ва кўҳна маънавиятимиз қадриятлари билан бойитиш – долзарб ижтимоий сиёсий вазифа ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Анвар Қодиров. Оммавий маданият:таъриф, тахлил, аксилтехнологиялар. – Т.: "Fan va Texnologiyalar",2017, 144 бет;
2. Саидов С. Фуқаролик жамиятини шакллантириш хусусида Марказий Осиё интеграция жараёнларини кучайтириш муаммолари. Сиёсий фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган дессертация. Т.,2021. 34-35- бетлар
3. Матлуба Қаҳҳорова. Мафкуравий муҳит ва аҳлоқ. –Т.: "Фан", 2009.– 97б
4. Леонтьев А.Н. Деетельность. Сознания. Личность, –М.: Наука, 1977.– с.28.


## NIKOHNING AXLOQIY-AKSIOLOGIK MOHIYATI VA BARKAMOL YOSHLAR TARBIYASIDAGI AHAMIYATI


**Komilov Ro'zi Rabiyevich**
**Samarqand davlat chet tillar instituti dotsenti**
**+99899-595-01-42**


Insoniyat tarixiy taraqqiyoti jarayonida har bir xalq o'zining ajdodlaridan – avlodlariga o'tib kelayotgan ma'naviy merosiga ega. Mana shunday milliy tafakkur bilan yo'g'rilgan buyuk ma'naviy kamolot omillari azaldan sharq xalqlarining farzand tarbiyasiga alohida e'tibor berib kelishida namoyon bo'lgan. Jumladan, o'zbek xalqining qadimdan shakllanib kelgan milliy tarbiya va shu asosda vujudga kelgan nikoh marosimlari bugunga qadar o'z ahamiyatini yo'qotmagan.

[75] Анвар Қодиров. Оммавий маданият:таъриф, тахлил, аксилтехнологиялар. – Т.: "Fan va Texnologiyalar",2017, 144 бет;

Yangi asrga kelib kelajagimiz davomchilari bo'lgan yosh avlodga ta'lim va tarbiya berish murakkab hamda ko'p qirrali jarayonga aylanib bormoqda. Bizning asosiy vazifalarimizdan biri ularni jismonan sog'lom, aqlan barkamol, ma'naviy jihatdan yetuk, ajdodlar marosimlarini kelgusi avlodlarga bust-butun qilib etkazib beradigan farzandlar sifatida kamol toptirishdan iborat. Bu vazifalarni amalga oshirish uchun biz yoshlarni milliy an'analar va urf-odatlar asosida tarbiyalashimiz, ularda milliy faxr, milliy iftixor tuyg'ularini shakllantirishimiz lozim. Bu borada Islom Karimov ta'kidlaganlaridek: "Mustaqilligimizning dastlabki kunlaridanoq ajdodlarimiz tomonidan ko'p asrlar mobaynida yaratib kelingan g'oyat ulkan, bebaho ma'naviy va ma'daniy merosni tiklash davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan nihoyatda muhim vazifa bo'lib qoldi. Biz ma'naviy qadriyatlarni tiklashni milliy o'zlikni anglashning o'sishidan, xalqning ma'naviy sarchashmalariga, uning ildizlariga qaytishdan iborat uzviy, tabiiy jarayon deb hisoblaymiz". Shunday ekan, biz o'zbek milliy marosimlari, milliy qadriyatlarimiz va an'analarimizni o'zida mujassam etgan buyuk ma'naviy xazina va o'lmas boyliklarimiz sifatida qadrlamog'imiz darkor.

Shu narsani alohida ta'kidlamoq joizki, qariyib uch ming yildan buyon xalqimiz orasida yashab kelayotgan urf-odatlar, marosimlar, udumlar va taomillar bor. Bu marosimlarga xalqimizning, ayniqsa, to'y-tantanalarga befarq emasligi, quvnoqlik, xushchaqchaqlik kayfiyatiga, kulgisevarligiga, quvnoq hazil-mutoibalarga tashnaligidan va bunday yig'inlar o'tkazishda milliy nikoh marosimlariga qat'iy e'tibor berishidan dalolat beradi. Xalqimizning turmushida "to'y" nomi bilan yuritiladigan anjumanlar o'nlab-yuzlab topiladi. Bu anjumanlarning barchasi qarindosh-urug'lar, tanish-bilishlar, yaqin kishilar, qo'ni-qo'shnilar hamkorligida o'tkazilib kelingan va shunday davom ettirilmoqda. O'zbek milliy to'y-tantanalari orasida eng ko'p rasm-rusmlar va urf-odatlarga boy marosimlardan biri nikoh to'yidir. O'zbek milliy nikoh to'ylari uch bosqichli jarayonni o'z ichiga oladi:

1) Nikoh to'yigacha bo'ladigan (kelin tanlash, sovchi yuborish, non sindirish, fotixa qilish kabi) marosimlar;

2) Nikoh to'yi kunida bo'ladigan (kelinni kuyovning uyiga olib kelish, nikohlash, to'y-tomoshani o'tkazish kabi) marosimlar;

3) Nikoh to'yidan so'ng bo'ladigan ("yuz ochdi", "kelin salom", "kuyov chaqirdi") marosimlari.

O'zbek xalqining nikoh to'yi marosimlari o'zida xursandchilik, shodiyonalik kayfiyatlarini mujassamlashtirish bilan birgalikda, muhim tarbiyaviy ahamiyatni ham kasb etadi. Bu urf-odatlar, rasm – rusmlar zamirida mustahkam oila qurish, serfarzandlik, baxt – saodatga erishish, avlodni davom ettirish g'oyalari mujassamlashgan.

Nikoh to'yigacha bo'ladigan odatlardan biri bu kelin tanlash, yoki "qiz ko'rdi" deb yuritiladi. SHu boisdan "O'tmishdan xalqlar orasida "qiz ko'rdi" udumi mavjud bo'lgan. Ana shu odatga ko'ra qiz ko'rish uchun uch nafar ayol qatnashgan. Ular hovlima – hovli yurishib, qiz ko'rganlar. Bu ishga bo'lajak kuyovning onasi katta hayot tajribasiga ega bo'lgan, odam ruhiyatini yaxshi tushunadigan, gapdon, epchil-chaqqon, xalq udumlarini puxta biladigan, kishilar bilan muomala qilishga ustakor ayollarni tanlagan". Bu ayollar mahallama – mahalla, hovlima – hovli yurib, bo'lajak kelinni tanlagan.

Demak, sovchilik udumi juda uzoq vaqtlardan buyon mavjud bo'lib, hanuzgacha xalq orasida alohida e'tibor bilan qaraladi. Agar kelgan sovchilarga qiz tomon rozi bo'lsa qizning otasi va boshqa yaqin qarindoshlari bilan maslahatlashib ko'rishini aytgan. Mobodo rozi bo'lmasa, qizi hali yoshligini yoki "qizimizning boshi bog'langan" deb javob berishgan.

To'yga rozi bo'lgan ikkala tomon qalin puli, nikoh to'yi xarajatlari xususida kelishib olganlaridan so'ng, kelinning tog'asi bitta nonni olib ikkiga bo'ladi va chap qo'lida ushlab turgan non bo'lagini kelinning haqi, o'ng qo'lidagi non bo'lagini kuyovning haqi deydi. Shundan so'ng o'ng qo'lidagi kuyovning haqi deyilgan non bo'lagini kelinning otasiga, chap qo'lidagi kelinning haqi deyilgan non bo'lagini kuyov tomoniga beradi. Kuyov tomonidan kelganlar haligi non bo'lagini kuyovning otasiga eltib beradilar va kuyovning otasi non bo'lagini mayda bo'laklarga bo'lib o'sha yerda o'tirganlarga beradi. Bu odatni "non sindirish" deb ataganlar va bu marosimdan keyin ikkala tomonning ham to'yga roziligi anglangan.

"Bo'g'cha ochuvchi" uchun kuyov taraf bir kiyimlik gazmolni bo'g'cha ustiga qo'ygan bo'ladi. Kampir yoshlarni duo qilib, gazmolni oladi. Fotiha to'yi o'tgach, kuyov tarafdan keltirilgan qo'yning to'shi pishirilib, osh bilan kuyovnikiga jo'natiladi. Ayrim joylarda varaqi pishirib jo'natadilar. Buni "Unning tagi" deyishadi. Kuyov taraf qarindoshlari varaqidan tatishlari shart". [4. 31]

Bunday to'y boshlash bilan bog'liq marosimlar xalqimizning qon-qoniga singib ketgan bo'lib, yurtimizda yashayotgan har bir millat o'zining milliyligidan kelib chiqqan holda amalga oshirishadi. Asosan yoshi kattalar, ya'ni bobo va momolarning roziligini olish muhim sanalib, ularning duosi bilan bo'ladigan to'y xayrli bo'lishi milliy rasm-rusumlarimiz orasida dolzarb sanalib kelingan.

Xalqimizda qadimdan shakllangan urf-odatlarga ko'ra uzatilayotgan qiz to'y kuni o'z uyida emas, balki qo'shni xonadonda yoki uyiga yaqin qarindoshinikida o'tirgan. Bu joyda kelin va uning dugonalari jam bo'lib, davrani qizdirib, o'yin-kulgu qilishgan, laparlar aytishgan. Kuyovning kelgani haqida yangalar kelinni xabardor qilishgan. "Kuyov tomondan borganlardan ikkitasi kelin bo'layotgan qiz o'tirgan uy ostonasiga borib, falonchi tog'am vakilim bo'lsin, deb rozilik berishini

so’rashgan. Vakil bo’layotgan tog’aning fazilatlari aytib o’tilgan. Qizdan rozilik olingach guvohlar ishtirokida sha’riy nikoh o’qitilgan. Mulla kuyovga kelinni moddiy ta’minlash, har qanday sharoitda ham tashlab ketmaslik, ozor bermaslik kabi sahrtlarni aytgan. Kuyov qabul qilgach, shirin suv keltirilgan. Suvni avval kuyov, so’ng kelin, qolganini vakil, shu joyda o’tirganlar ichishgan. Shu kundan boshlab ikki yoshning ishonchli vakili yelkasiga yoshlarga hayoti davomida yo’l-yo’riq ko’rsatish mas’ulyati yuklangan ”.

Kelinning uyidagi to’y marosimlari o’z nihoyasiga etgach, shu kuni kechga kuyovning uyida “Nikoh to’yi” bo’lib o’tgan. To’yga kelinning yaqin qarindoshlari, tanish-bilishlari, dugonalari va boshqalar o’ziga xos “karvon" bo’lib kuyov xonadoniga olib keladi. “Kelin karvoni” oldida asosan kichik yoshli o’g’il bolaning bo’lishi va kelinning butun tana qismi kiyimda yoki paranji bilan to’silgan bo’lishi talab etiladi. Kelinni olib kelayotganlar kuyov uyi oldiga yaqinlashgach darvoza oldida katta gulxan yoqilib, kelin va kuyov undan uch marta aylanishadi. Shundan so’ng kuyovning yangalari shakar solingan sut yoki qatiq va bir kiyimlik mato olib chiqadilar. Sut kelichakka yaxshi niyatlar bilan ichkaziladi. Kelinga sut berishda uning hayot yo’li sutday oydin, zurriyotli va zotli bo’lsin, degan mano mujassamlashgan.

Kelin olib kelingach, kuyovning uyida asosan ayollar ishtirokida “Kelin ko’rdi” bazmi bo’lib o’tadi. Unda kelin bilan tanishuv jarayoni bo’lib, kuyov va kelinning qarindoshlari yoshlarga niyat qilgan biror buyum yoki taqinchoqni sovg’a qilishadi. Ushbu bazm tugagach, kechga kuyovning uyida “Nikoh to’yi” bo’lib o’tadi.

Xalqimizning boshqa xalqlarga o’xshamaydigan milliy nikoh marosimlarini o’tkazish bugungi kunda o’zining dolzarbligi va muhim falsafiy ahamiyat kasb etishi bilan ajralib turadi. Shu boisdan yoshlarimizning milliy ma’naviy merosimiz asosida kamolotga etkazish va kelajak avlodlarga o’z holicha yetkazib berish masalasi doimiy, uzluksiz, tadrijiy davom etib boraveradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati**

1. Karimov I.A. O’zbekiston XXI asr bo’sag’asida: Xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolarlari. Toshkent, O’zbekiston. 1997. B-137.

2. Ismoilov H. O’zbek to’ylari. -Toshkent, O’zbekiston. 1992. B- 102.

3. Ashirov A. O’zbek xalqining qadimiy e’tiqod va marosimlari. -Toshkent. Alisher Navoiy nomidagi O’zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti. 2007. B- 89.

4. Mardonova G. Nur to’la uy. Toshkent, O’zbekiston. 2011. B- 31.

5. Saifnazarova F. O’zbek oilasi: Ijtimoiy va ma’naviy qadriyatlar. Toshkent, “Yurist-media markazi”. 2007. B- 55-56.

# ЁШЛАР МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ АҲАМИЯТИ

***ТТЕСИ “Ижтимоий фанлар ва жисмоний тарбия” кафедраси катта ўқитувчиси Абдунасирова Ҳалима Эрдтиллаевна***
***Xalima1971@mail.ru***

Авлоний тарбияни, қадимги ва Ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирлари анъаналарига суяниб, учга бўлади: бадан тарбияси, фикр тарбияси, ахлоқ тарбияси. Шулар орасидан ахлоқ тарбиясига алоҳида урғу бериб, уни “инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража бергувчи” тарбия деб баҳолайди. Фазилатларни файласуф-педагог яхши хулқлар, иллатларни эса – ёмон хулқлар деб атайди. Матонат, диёнат, шараф, ҳаё сингари мусулмон Шарқи учун анъанавий бўлган фазилатлар шарҳи билан биргаликда Авлоний виждон, Ватанни суймак сингари Туркистон минтақаси учун янги талқинда тақдим этилган фазилатлар ҳақида алоҳида тўхталади. Ватанни суймоқ, лозим бўлса, унинг йўлида жонини фидо этмоқ юксак ахлоқий инсонга хос фазилатдир. Инсон Ватанни танламайди. “Биз туркистонликлар ўз Ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик иссиқ чўлларини, эскимўлар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилур эдилар” [1, 94-б]. Виждон эса Авлоний наздида, инсон ниятлари ва қилмишларини акс эттирувчи энг мусаффо ахлоқий кўзгудир, “инсон ақли ва фикрининг ҳақиқий мезони” [2, 54-б]. Шунингдек, мутафаккир интизом, иқтисод, идрок ва зако сингари ўша даврларда ҳали кўп қулоқ ўрганмаган фазилатларни ҳам алоҳида эътибор билан назарий-амалий таҳлилдан ўтказади, ўқувчига иложи борича қисқа ва лўнда тарзда тақдим этишга интилади.

Абдулла Авлоний ўз рисоласида “ёмон хулқлар”га – иллатлар таҳлилига катта ўрин ажратади. Миллат тараққиётига энг кучли тўсиқ бўладиган иллатлардан бири сифатида аллома жаҳолатни келтиради, жаҳолатни “инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлиғи” [3, 73-74-б], деб таърифлайди. Авлоний ғазаб, шаҳват, ҳасад, кизб, тама сингари иллатларга ҳам атрофлича тўхталади. Авлоний оиладаги тарбияни мактаб тарбияси учун катта мадад дея баҳолайди. У ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларга янгича ёндашади. У бола шахсини оёқости қиладиган, бола қалбига, ҳиссига шикаст етказадиган жисмоний жазони қоралайди. Болани севиш ва унга усталик билан таъсир кўрсатиш зарур. Уни ишонтириш воситаси билан бурчни англаш йўлига солиш керак, деб ҳисоблайди. Муаллифнинг бу борадаги фикрларига хулоса ясаб, шуни

айтиш мумкинки, Авлоний ўша давр тарбия усулларини замонга мос эмаслигини тўғри тушунганлар ва уларни ислоҳ этиш заруратини тўла англаб етганлар. Зеро, замонга мос тарбиягина ёш авлодни миллат жонкуярига айлантириши мумкин.

Абдурауф Фитрат ўз асарларида инсонлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик масаласига алоҳида тўхталиб ўтади. "Ҳеч шубҳа йўқки, – дейди адиб, – одамлар нечалаб дин, мазҳаб, қавм ва миллатга бўлинмасинлар бир отанинг фарзандларидир, бир жинсдир". У миллат тинчлиги ва равнақи ҳар қандай қадриятдан устун эканлигини таъкидлайди. Ва буни таъминлаш ҳар бир миллат вакили учун ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини алоҳида уқтиради. У миллатнинг интизоми ҳақида гапириб, шундай дейди: "ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса, шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади" [4, 4-б].

Фитратнинг тарбия хусусидаги қарашлари унинг "Оила" асарида кенгроқ ўрин эгаллаган. Ушбу китоб икки қисмдан иборат бўлиб, муаллиф китобнинг биринчи қисмига, маълум маънода меъёрий дастуриламал тарзида тартиб беради. Ундан ҳар бир янги оила қурмоқчи бўлган туркистонлик кичик ҳажмдаги ахлоқий-маиший, гигиеник-саломатлик қомуси сифатида фойдаланиши мумкин эди. Бундан ташқари, асарда оиланинг моддий томонлари, ташкил топгандан бошлаб, бузилишигача бўлган ҳолатларнинг маънавий, ахлоқий, иқтисодий асослари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтади.

Умуман олганда, Фитратнинг "Оила" китобида жамиятдаги ижтимоий ва маънавий муаммолар уйғунлашиб кетган. Лекин унда педагогик-дидактик услуб эмас, жанговар чорлов услуби устун. Фитрат учун юксак ахлоқийлик эрк ва эрксеварлик билан мустаҳкам боғлиқ; Туркистон ва туркистонликни озод кўриш, яъни миллий мустақиллик мафкураси китобнинг руҳига сингдириб юборилган. Уни ўқиган киши нафақат ахлоқий фазилатлар нималардан иборат ва уларга қандай эришиш кераклигини, балки миллий озодлик, шахсий эркинлик нима-ю, уни қандай қилиб қўлга киритиш мумкинлигини англаб олади. Шу боис мутафаккир-жадид Абдурауф Фитратнинг "Оила" асари Туркистон миллий Уйғонишида бениҳоя катта роль ўйнади, дейиш мумкин. Айни пайтда у ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ажойиб ахлоқий-маърифий рисола сифатида алоҳида эътиборга молик.

Жадид маърифатпарварларимиздан яна бири бу Маҳмудхўжа Беҳбудийдир. У ҳам тарбия хусусида жуда кўп фикр-мулоҳазалар билдирган. У ўзининг қатор асарлари ва мақолаларида тарбия муаммоларини кўтаради. "Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг холи" деб номланган пъесаси бунинг

ёрқин мисолидир. У ушбу драмасида маърифатсизлик, жаҳолат, ахлоқсизлик ҳамда фарзанд тарбиясига нотўғриёндашув қандай оғир оқибатларга олиб келиши ҳақида баён қилади. У том маънода миллатнинг дардини кўрсатишга ҳаракат қилади. У ушбу асарида зиёли тилидан шундай дейди: “Бизларни хонавайрон, бачагирён, беватан вабанди қилғон тарбиясизлик ва жаҳолатдур: беватанга дарбадарлик, асорат, фақру зарурат ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбиянинг меваси ва натижасидир. Дунёга тараққий қилган халқ илм воситаси ила тараққиёт қилади. Асир ва забун бўлганларида беилмликдан. Модомики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўқитмаймиз, бул тариқа ёмон ходисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо ҳукм-фармон бўлса керак. Бу ишларни йўқ бўлмоғига ўқимоқ ва ўқитмоқдан бошқа илож йўқ” [5, 50-б].

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Авлоний А. Ўсон миллат. Т., Шарқ, 1993 й. 94-б

2. Авлоний А. Танланган асарлар. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Маънавият. 2006 й. 54-б

3. Муаллифлар жамоаси. Ўрта Осиё педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. – Т.: Фан., 1996 й. 73-74-б

4. Фитрат А. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. – Т.: Маънавият, 2000 й. 4-б

5. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асралар. – Т.: Маънавият. 2006 й. 50-б

## YOSHLARNI MA’NAVIY-RUHIY BARKAMOLLIK RUHIDA TARBIYALASHDA TASAVVUF FALSAFASI FANINI O’QITISHNING ZARURLIGI

**Sohibnazar Karimov**

**SamDU professori falsafa fanlari doktori**

**karimov@gmail.com**

Tasavvuf musulmon olami halqlarining diniy, ijtimoiy, falsafiy, madaniy-ma'naviy xayotida ommalashgan, murakkab, o'zaro ziddiyatlarga to'la g'oyaviy oqimlardan biridir. Tarkidunyochilik, bu dunyo ne'matlaridan tiyilish, Allox visoliga etish uchun qalb va ruxni poklash, xalol, o'z mexnati xisobiga yashash, faqirlik tasavvuf ta'limotining hoshususiyatlaridan xisoblanadi va bu hususiyatlar, o'z navbatida, islom tamadduni uchun ma'naviy-ruxiy asos bo'lib hizmat qiladi.

Sharq halqlari tarihida O'rta asrlarda va undan keyingi davrlarda xam tasavvuf ta'limoti davr mafkurasi nuqtai nazardan o'ziga hos mavqega ega bo'lgan. Markaziy

Osiyoda tasavvufning yassaviya, naqshbandiya, kubraviya tariqatlarining ta'siri kuchli bo'lgan.

Mamlakatimizda milliy g'oya va mafkurani shakllantirish extiyoji tug'ulgan bugungi kunda milliy qadriyatlarimizga, ayniqsa, insonning ma'naviy-ruxiy kamolotga eltuvchi tasavvuf ta'limotini o'rganishgakuchli extiyoj sezilmoqda. Zero, mustaxkam e'tiqod, islom ilmi va mafkurasini keng targ'ib qilish va uni yosh avlodqalbiga singdirish xayotiy zarurat o'laroq e'tirof etilmoqda. Chunki tasavvuf ta'limotining tarkibida eng yahshi, ideal jamiyat xaqidagi qarashlari vujudga kelgan. Tasavvuf namoyondlari nazarida bunday ideal jamiyat solix kishilar jamiyati sifatida talqin qilinib, unga, inqilobiy yo'l bilan emas, balki ruxiy kamolot vositasida erishish mumkinligi targ'ib qilingan. Tasavvuf ta'limotining negizida ezgulikka, savob ishlarni qilishga da'vat, halqning g'am-tashvishlarini kamaytirish bilan bog'liq harakatlar yotadi.

Mashxur rus sharqshunos olimi, prof.E.E.Byertel'sning quyidagi fikri tasavvufni o'ziga hos ta'limot sifatida o'rganishda muxim nazariy-metodologik haraktyerga ega: “Tasavvuf adabiyotini o'rganmasdan turib, o'rta asrlar musulmon Sharqi madaniy xayoti xaqida aniq-ravshan tasavvurga ega bo'lish mumkin emas. Bu adabiyotdan voqif bo'lmasdan, Sharqning o'zini xam to'la-to'kis anglash qiyin”[Qarang: E.E.Byertel's Sufizm i sufiyskaya lityeratura. –M.: Nauka, 1965. S.54].

Tasavvuf ta'limotini o'rganish mamlakatimizda taraqqiyotning asosiy bo'g'ini bo'lgan yosh avlodni xalol, pok, ruxiy barkamol, ma'naviy mustaxkam qilib tarbiyalashda yassaviya, kubroviya, naqshbandiya tariqatlarini yanada chuqur o'rganish, ularni yosh avlod ong-u shuuriga asl xolida yetkazib byerish eng dolzarb vazifalarimizdan biri ekanligini ko'rsatmoqda. Buyuk istiqlol tufayli Hoja Axmad Yassaviy, Shayh Najmiddin Kubro, Hoja Baxovuddin Naqshband singari buyuk mutasavvuflarning poklik, to'g'rilik, mexr-shafqat, adlu-insof, iymon, mexnatsyevarlik, vatanparvarlik kabi umumbashariy myeroslaridan halqimiz baxramand bo'la boshladi.

Tasavvuf Sharq va G'arb mamlakatlarida xam islom tarihi bilan birga rivojlanib, islom madaniyati va ma'rifatiga katta xissa qo'shdi. Agar biz xind o'lkasida tasavvuf g'oyalarining paydo bo'lishi va o'ziga hos hususiyatlari xaqida to'htaladigan bo'lsak, bu mamlakatga tasavvuf g'oyalari VIII asrda savdo karvonlari orqali sufiylar tashrifi bilan bog'liq xolda kirib kelganini ko'ramiz. Tasavvuf ta'limotining Xindistonda keng tarqalishi esa Maxmud G'aznaviyning Xindistonga yurishi va sufiylar migraciyasi davri bilan bog'liq.

Boburiy Akbarshoxning vaziri, olim va adib Abulfazl Allomiyning “Oyin-i Akbariy” asarida yozilishicha, Xindistonda tasavvufiy suluklar 14 ta bo'lib, ular orasida eng ko'p tarqalganlari 6 ta, ya'ni qodiriya, chishtiya, suxravordiya, shattariya, firdavsiya va naqshbandiyadir. Shuning uchun xindistonlik musulmonlarning ma'naviyati, urf-odatlari va xatto, e'tiqod qiladigan islom dini xam Misr, Turkiya, Eron musulmonlarinikidan ajralib turadi.

Ilmiy izlanishlartasavvufning ta'limot sifatida  falsafiy nuqtai nazardan taxlil qilinmaganini ko'rsatadi. Tasavvuf ta'limoti extirosni emas, ko'proq falsafiy mushoxada va taxlilni talab qiladi. Uning xar bir rukni, yo'nalishi, rashxasi va qolavyersa,  xar bir bosqichi falsafiy tadqiq va mushoxadaga muxtoj. Bunga amal qilmaslik esa nafaqat tasavvufning rivojlanish bosqichlari, qonun-qoidalari, balki uning moxiyatini xam tushunib olishimizda yuzakilikka yoki biryoqlamalikka olib keladi.Chunonchi, tasavvufni hudoga qo'shilish xaqidagi ta'limot sifatida talqin qilish uning moxiyatini sohtalashtirishdan boshqa narsa emas. Chunki Joldoliddin Rumiy o'zining”Ma'naviyi masnaviy”sida

“Kimki xamma Xaq desa, axmoq turur,

Kimki xama noxaq desa, badbaht erur”(215-bet) deb yozadi.

Shu paytgacha biz Mansur Hallojni “Anal Xaq” degani uchun hudosizlikda ayblab keldik. AslidaMansur Hallojga tegishli bo'lgan quyidagi misralar uning elkasidan bu og'ir gunoxni olib tashlaydi. Bunga ishonch xosil qilish uchun uning quyidagi so'zlarini keltirishning o'zi kifoya: Furqati lavlam takun fi za-s-sukun, Lam yaqul inna ilayxi roji'un”, -  deydi. (Mazmuni: Ey mening ishonchli do'stlarim, meni qiynab o'ldiring. Chunki doimiy xayotim o'limdadir. Chindan xam xayotim o'limdadir, ey yigit. Qachongacha yurtimdan, elimdan ayri yashayman. Bu dunyoda turishim ayriliq bo'lmasa, “Biz yana unga qaytamiz”, deyilmasdi.

Prof. N.Komilov tasavvuf ta'limotining ijtimoiy moxiyatlari xaqida to'laroq va qiziqarliroq muloxaza yuritgan. Olimning ta'kidlashicha, “Tasavvuf garchi islom bag'rida kurtak yozib, Qur'on va xadislar xikmatidan oziqlangan, ko'p xollarda shariat axkomiga suyangan bo'lsa-da, ammo u rasmiy, diniy sholastika-mutaassib ruxoniylarning zoxiriy aqidaparastligi xamda xokim tabaqalarning ayshu-ishratga g'arq turmush tarzi, talonchilik va manfaatparastligiga zid o'laroq mexnatkash halq noroziligini ifodalab keldi. Shu sabab bu ta'limot tezda el orasiga yoyilib, fikriy izlanishdagi, Xaq va xaqiqatga tashna ziyolillar, ilmu adab axlining yuragini band etdi”[Qarang: N.Komilov. Tasavvuf va badiiy ijod. // “Yoshlik”, 1997, -8. 73-bet].

Istiqlol yillarida tasavvuf ta'limotini o'rganish soxasida ancha ijobiy ishlar amalga oshirildi. Tasavvufga oid nodir manbalar o'rganildi, nashr etildi. Kubraviya, Yassaviya, Naqshbandiya tariqatlarining shakllanishi va

ta'limotlarining bugungi ma'naviy yuksalishimizdagi o'rni va axamiyati ochib byerildi.

Tasavvufning falsafiylanish davri XIII-XIV asrlarda tasavvufni falsafa bilan yaqinlashtirishga va uni bog'lashga xarakat qilgan bir qator mutafakkirlarning sa'y-xarakati tufayli paydo bo'ldi. Jumladan, Ibn al-Arabiy, Abu Xomid G'azzoliy, Farididdin Attor, Aziziddin Nasafiy, Yaxyo Suxravardiy, Ibn Saboin, Abdurazzoq Koshoniy, Jaloliddin Rumiy, Abduraxmon Jomiy, Abdulqodir Bedil kabilarning dunyoqarashi muxmi rol o'ynagan. Aslida, tasavvufning falsafiy asoslarining yaratilishi bu ta'limotning asl o'zagidan kelib chiqadi. Chunki, tasavvufni tushunish va tushuntirish chuqur falsafiy mushoxadani talab qiladi. Shu o'rinda, ta'kidlash joizki, falsafiy tafakkur aqliy (racional) va xissiy (irrocional) bilimlarni yonma-yon o'rganish orqali takomillashadi. Zyero, bu mutafakirlarning ijodlarida inson aqli va ruxi, zamon va inson, suvrat va siyrat, vaqt va zamon, dunyoni bilish kabi qarashlar o'z aksini topgan. Shuni aloxida ta'kidlash kyerakki, tasavvuf xech qachon falsafiy tizimda ta'limot sifatida  nufuzli o'rin egallashga xarakat qilmagan. Aksincha, falsafa tasavvufning moxiyatini ochish uchun unga murojaat qiladi. Shu bilan birga uning o'zi bir tomondan diniy, ikkinchi tomondan falsafiy irfoniy qarashlardan oziqlangan va shu asosda inson ruxiyati, erki,  ichki olami va tuyg'ulari majmuasini ifoda etgan ahloqiy  nizomlar majmui sifatida Sharq ijtimoiy tafakkur tarihida o'z o'rniga ega bo'lgan.

Shuni xam aloxida ta'kidlash joyizki, irfoniy tasavvufni rivojlantirishning asosiy yo'li sifatida  irfoniy bilishni tan olganlar va o'z  asarlarida ramzlar orqali so'fiyona  ma'rifatga erishishni ta'kidlaganlar.

Shu o'rinda faridudddin Attor o'zining “Tazkirat ul-avliyo asarida” Abulxasan Nuriy tomonidan Tasavvufga byerilgan ta'rifni keltiradi: “ Yana so'radilar:

-Tasavvuf nima?

Shayh Xasan Nuriy:

-Tasavvuf bu rusumdir, ilm emas. Va lekin tasavvuf Allox hulqlaridan biridir. Allox o'z kalomida ishora qilganidek, tasavvuf Alloxning hulqlari bilan hulqlanishdir. Va yana tasavvuf bu-ozodlik va mardlikdir. Alloxdan nasiba uchun takallufni tark qilmoqdir xamda dunyoni dushman tutish. Ohiratni do'st tutishdir!”.(Qarang: Fariduddin Attor. Tazkirat ul-avliyo. 368-bet.). Abu Sa'id Harroz xam tasavvufxaqilda qimmatli fikr bildirib shunday yozadi:” So'radilar:

Tasavvufnima?

Aytdi:

-Tasavvuf arab lo'g'atida “so'zlamoq”degani. Barcha shaxvat va tashvishlardan so'zi holis bo'ladi. Alloxdan o'zga kungli ichida va tashida xech

narsa qolmaydi. Qachonki odam shunday bo'lolsa, uni so'fiy deydilar”. (Qarang: Fariduddin Attor. “Tazkirat ul-avliyo. 361-362-betlar”).

Tasavvuf falsafasi xaqida gapirganda G'arb va Sharq olimlarining bu masalaga yondashishini xam nazarda tutishi zarur. G'arb olimlari tasavvuf falsafasini mistika-g'ayritabiiy kuchlarga ishonish deb tushuntiradilar. Arab fors mamlakatlarida paydo bo'lgan tasavvuf tariqatlarida islom asoslaridan chekinishlar sezilib turadi. Lekin yurtimizdagi tariqatlarning bari Qur'on va Sunnatga mosligi bilan ajralib turadi. Bugungi zamon fanida tasavvuf falsafasi degan tushuncha xam bor deb, yozadi tasavvufshunos olim Musurmon Namoz. Biz bu tushunchani butunlay inkor etmagan xola, jumlani biroz kengroq tushunish tarafdorimiz. Chunki tasavvuf umumiy nom bo'lib, ruxiy tarbiyani anglatishi ma'lum bo'lsada, xar bir tariqatda ruxiy tarbiyaning yo'li va yo'nalishi, uslub va usullari, xattoki moxiyat negizi turlicha bo'lganini ko'rinadi. Tarihda xatto shariatni ayrim qoidalarini tan olmaydigan yoki asliga hilof sur'atda talqin qiladigan tariqat yo'nalishlari xam ko'p bo'lgan.

Shuningdek, G'arb dunyosida botiniy ilmlar bilan shug'ullangan tasavvuf ustozlarining zoxiriy amallariga qarab, bu ilmni rasmiy islom falsafasining tor qobig'idan chetga chiqishdan urunish, deb baxalovchilar, xatto islomni inkor etuvchi falsafiy oqim sifatida tushunadigan xam bor. Sho'rolar mamlakatida olimlari orasida tasavvufni rasmiy islomga opaziciya deb tushunishga moyillik bor edi. Islom dunyosidagi tasavvufiy tariqatlar tarihini o'rgangan olimlarning aksariyati uni iloxiyatshunoslikdan yiroqlashib ketgan metafizika deb qaraydilar. (Musulmon Namoz, Bahouddin Naqshband. 50-bet).

Bizning nazarimizda tasavvuf falsafaiga bunday yondashish bir tomonlamalikdan darak byeradi. Chunki xar bir ta'limot va uning amal qilishi falsafiy asosga ega bo'lishi shart. Tasavvuf falsafasi xam ta'limot sifatida xam dunyoqarash sifatida o'zining falsafsiga ega bo'lishga xaqli. Ta'limotlar tarihini o'rganish shundan darak byeradiki, tarihda hech bir ta'limotning falsafasi o'zini sof xolda namoyon qilgan emas. Ular shu ta'limot ichidagi oqimlar, yo'nalishlar, siftida u yoki bu yo'nalishda ma'lum darajada bir biriga muholif sifatida faoliyat ko'rsatganlar. Tasavvuf ta'limoti xam o'zining tarkibidagi tariqatlar dunyoqarashi falsafasidagi farqlar tasavvuf falsafasi kyerak emas, degan ma'noni anglatmaydi. Aksincha, tasavvuf falsafasi tariqatlarning iloxiy va dunyoviy moxiyatlarini chuqurroq va tyeranroq ochishga yordam byeradi.

Tasavvuf falsafasi shu vaqtgacha mustaqil fan sifatda o'rganilmagan bo'lsada, lekin uning jamiyat bilan aloqadorligi, ta'siri va jamiyat taraqqiyoti bilan uzviyligi uni fan sifatiga o'rganishni talab qiladi. Tasavvufga fan sifatida yondashish uning ijtimoiy fanlar tizimida o'z o'rniga ega bo'lib, o'zining predmet sifatidagi qonun va

kategoriyalariga xam egadir. Bizga ma'lumki, qonun insonning jamiyatdagi xatti-xarakatlarinibelgilab byeruvchi yo'l-yo'riq va qoidalar yig'indisidir. Shu bilan birga qonun xar qanday sharoitda zaruratni ifoda etadi. Tasavvuf falsafasining bunday qonunlar jumlasiga 1. Tasavvuf falsafsining ijtimoiy fanlar tizimiga moslik va hoslik qonuniyati 2. Tasavvuf falsafsining inson ma'naviy-ruxiy dunyoqarashini shakllantirish qonuniyati 3. Tasavvuf falsafasining inson ruxiy kamolotiga erishtirish qonuniyati.4. Tasavvuf falsafsining islom falsafasi va qadriyatlari bilan uyg'unlik qonuniyati. 5. Tasavvuf falsafsining dinamik o'zgaruvchanlik qonuniyati 6. Tasavvuf falsafasining umuminsoniy ta'limot fonuniyati.

Shu bilan birga tasavvuf falsafasi fan sifatida insonning atrof-muxitda sodir bo'layotgan xodisa va jarayonlar bo'lgan munosabati va uni bila olish hususiyatlarini aks ettiruvchi kategoriyalarga xam ega. Tasavvuf falsafasining boshqa ijtimoiy fanlar, kategoriyalardan farqi ular o'zlarining nixoyatda umumiyligi bilan farqlanadi. Tasavvuf falsafasi kategoriyalari insonning ma'naviy-ruxiy kamoloti pag'onalari va tayanch markazlarini ifodalaydi. Tasavvuf falsafasining kategoriyalari o'zining asosiy muammosi bo'lgan inson tafakkurining etukligiga va tashqi olam bilan munosabat darajasiga bog'liq bo'ladi. Boshqa kategoriyalar kabi tasavvuf falsafsining kategoriyalpri xam mazmun jixatdan tashqi olam qonuniyatlariga mos keladi. Tasavvuf falsafsining kategoriyalari o'z manbai mazmuni jixatdan ob'ektiv, lekin shakl jixatdan sub'ektivdir. Chunki tasavvuf falsafasi kategoriyalari tafakkur kategoriyalari sifatida faqat kishilar miyasidagina mavjuddir. Bunday kategoriyalar jumlasiga botin va zoxir, tariqat va shariat, komil inson, vaxdat ul-vujud, mexr-shafqat, tasavvuf va futuvvat, zikr, tariqat va mexnat, iloxiy bashorat va ishorat, qalb, rux, tajalliy, valiylik, oriflik, zoxidlik, zikr, zoxiriy va botiniy ilm, poklik, nafs, ahloqlardir.

Mustaqillik sharofati bilan yirik tasavvuf namoyondalari va islom ulamolari tug'ilgan kunlarining nishonlanishi bu ulug' zotlar xayoti va ijodiy myerosini chcqur o'rganish zaruriyatini kun tartibiga olib chiqadi. Eng muximi – xozirgi demokratik davlat va fuqarolik jamiyati bunyod etilayotgan bir sharoitda insonning barcha imkoniyatlarini namoyon qilishga va o'zligini anglashga sharoit yaratilganidir. Bu soxalarda qator g'oya, nazariya va tajribalar mavjudki, ularni nafaqat talaba yoshlar, balki ilmiy tadqiqotchilar xam o'rganishlari maqsadga muvofiq.

**Adabiyotlar.**

1. Komilov N. Tasavvuf. Movarounnaxr. –T.: 2009.

2. Shayh Muxammad Sodiq Muxammad Yusuf. Tasavvuf xaqida tasavvur. – T.: “Sharq”, 2012.

3. Navro'zova G. Bahouddin qalamiga mansub risola. Bahouddin Naqshband. Avrodi. Avrodi bahoiya. –Buhoro. 2000.

## ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШДА ДАВРИЙ МАТБУОТНИНГ ЎРНИ

**Хайитмуродов Равшан Эргаш ўғли**
**ЎзМУ Тарих факультети Хужжатчилик, хужжатшунослик ва архившунослик мутахассислиги 1-босқич магистранти**

Ҳар бир давлатнинг, жамиятнинг, халқнинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк куч – униб-ўсиб келаётган ёшлардир. Мамлакат умумий аҳолисининг тахминан 58,4 фоизини 30 ёшгача[76] бўлган қатлам вакиллари ташкил этган. Ўзбекистонда вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни бугунги кун, ўта мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатарлар, зарарли салбий омиллар ва оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, шунингдек, уларда бундай таҳдидлардан огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиб яшаш иммунитетини шакллантиришни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Бу эса ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, таълим-тарбия бериш тизимини янгича босқичга кўтариш, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг асл сабаб ва шароитларини муҳокама қилиш ҳамда уларни олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Шу сабабдан, республикамизда ёшларга оид сиёсат – давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, унинг асосий мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратишдан иборатдир. Вояга етмаган тушунчаси бўйича, 1989 йил БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар вояга етмаган деб

[76] Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бошқармасининг таҳлилий маълумотлари. 2019 йил.

белгиланган[77]. Вояга етмаганлар икки тоифага 13 ёшдан 16 ёшгача ва 16 ёшдан 18 ёшгача бўлиб ўрганилади.

Ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, уларнинг маънавий-аҳлоқий фазилатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган «оммавий маданият», ёт ва бузғунчи ғоялар таъсиридан сақлаш каби вазифалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу масалани ҳал этиш учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Ички ишлар вазирлигига ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг асл сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш юзасидан аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Хусусан, бу каби вазифаларни тарғиб қилишда “Постда” газетаси ва “Қалқон” журнали ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, “Постда” газетасининг саҳифалари, шубҳасиз, юртимиз, халқимиз осойишталиги йўлидаги фидойилик, жасоратли юртдошларимиз ҳақидаги лавҳаларга бой. Газета таҳририяти жамиятимизда ноқонуний ҳаракатга қарши курашишнинг асосий йўли тарбия эканлигига ҳам алоҳида урғу бераётганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Газета ички ишлар ходимларининг ҳаёти ва фаолияти, қонунчиликда олиб борилаётган ислоҳотлар, соҳада қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг моҳияти, ички ишлар органларининг жамиятда тутган ўрни тўла-тўкис ёритиб беришда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3907-сон Қарорида ҳам Ички ишлар органларига ҳам бир қатор муҳим вазифалар қўйилган[78].

Буларга ёшлар ўртасида миллий ғояни тарғиб қилиш, уларда давлат рамзлари ва миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш; ёшлар ўртасида мафкуравий иммунитет, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни шакллантириш, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишни олдини олишга қаратилган таъсирчан тарғибот усулларини жорий этиш; диний экстремизм ва терроризмнинг оқибатларини ёритиш, аҳоли, айниқса, ёшлар онгини ёт ғоялардан ҳимоя қилишга бағишланган таъсирчан тарғибот

[77] Рустамбаев М. Жиноят ҳуқуқи. (Умумий қисм). – Т.: Илм зиё. 2005.– 84-б.
[78] Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3907-сон Қарори. 2018 йил 14 август. (www.lex.uz.)

материалларини тайёрлаш ва намойиш этиш ҳамда Интернет орқали тарқатиш; ёшларга оид давлат сиёсатини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш; ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг асл сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш юзасидан аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш каби вазифаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ёшларнинг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни содир этишида уларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш, ижодий учрашувлар ташкил қилиш, уларнинг иқтидори ва салоҳиятини юзага чиқариш борасида қилинган ишларни даврий нашрларда чоп этиш, интернет орқали тарқатиш ёшларнинг жиноятчиликка бўлган мойиллигини олди олишга хизмат қилади.

Айтиш лозимки, ўтган беш йил давомида мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида, ёшларга доир жами 25 та қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, шундан Ўзбекистон Республикасининг 2 та Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та Фармони, 4 та қарори, 1 та фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 14 та қарори ва 3 та фармойиши имзоланди. Ёшлар масалалари билан боғлиқ 70 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш сиёсатини ишлаб чиқишда “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги”ги Конвенция (1989 й.), “Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича БМТнинг устувор тамойиллари (Ар-Риёд тамойиллари, 1980 й.) ва бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ташкил этилган. Бу каби халқаро қонун ҳужжатлари ва мамлакатимизнинг талай қабул қилган қонунлари ҳозирги иноватцион аср ёшларининг янада камол топиши ҳамда юртимиз равнақига керакли кадрлар бўлиб ўз сўзи ва ўз ҳиссасини қўшишида сабабчи бўлишидадир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3907-сон Қарори. 2018 йил 14 август. (www.lex.uz.)

2. Рустамбаев М. Жиноят ҳуқуқи. (Умумий қисм). – Т.: Илм зиё. 2005.– 84-б.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бошқармасининг таҳлилий маълумотлари. 2019 йил.

## СОҒЛОМ ЭЬТИҚОД МУСТАҲКАМ ОИЛА АСОСИ

Собирова Азиза Ислом қизи
СамДУ фалсафа йўналиши 4-босқич талабаси

**Аннотация:**

*Ушбу мақолада ислом таьлимотида оиладаги аҳлоқшунослик масалалари ўрганилган. Ислом таьлимоти асосида тарбияланган ёшларнинг оила ва жамиятда ўрнини ёритиб беришни мақсад қилган. Ислом динида одоб-аҳлоқ қоидалари атрофлича ёритилган. Мусулмон оиласида шаклланган этиканинг жамият осойишталиги ва фаравонлигида тутган ўрни ҳамда афзаллик жиҳатлари ҳақида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:*** *ислом, этика, аҳлоқ, одоб, ҳулқ, оила, Қурьон карим*.

Дунёда мавжуд барча динлар ўз таьлимоти, маьнавияти, маданияти, қадряти ва дунёқарашига эга. Динларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқ қилувчи томонлари мавжуд. Ҳатто оила, ундаги аҳлоқий меьёрлар ҳам тубдан фарқ қилади. Ислом таьлимоти асосида оилада қарор топадиган этика ва эстетик қарашлар бугун диққатимиз марказида бўлади. Биламизки исломда оила муқаддас ҳисобланади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг бир бўлагидир. Жамият ҳаётидаги энг кўп ижтимоий жараёнлар айнан шу даргоҳдан бошланади. Балки шунинг учун ҳам оилани кичик бир жамият деб ҳисоблармиз. Аммо мана шу кичик жамиятдан улкан мамлакатни қуришга қодир бўлган авлод шаклланар экан, бола тарбиясида оиладаги муҳитнинг ўрни нечоғлик катта эканлигига амин бўламиз.

Ҳар қайси замонда ҳам илмли ва тарбияли ёшлар қадрланган. Мамлакатимиз мутақилликка эришган дастлабки кунлардаёқ ёшлар келажаги учун ҳаракат бошлаб юборилди. Бу нарсани ҳаттоки мамлакат Конститутция қабул қилинмай туриб “ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги конуннинг қабул қилиниши фикримиз исботидир. Фаровон ҳаёт мукаммал тарбиядан бошланади деган шиорга амал қилган ҳолда юртимизда турли кўринишдаги ижобий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев 2017-йил 30-иьюнда ёшлар билан танқидий руҳда ўтказилган учрашувда гапни тарбиядан бошлади. “ Маьлумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб

аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”-деди президент.

Иморат ҳар қанча катта бўлмасин агар пойдевори мустаҳкам бўлмаса унда албатта қулайди. Бу ўринда “Ёмонлик уруғи кўпроқ ёшлик даврида экилади” [2:120] деганда Тоҳир Малик ҳақ эди. Аммо масалага бошқа нуқтаи назар билан қарасак, яхшилик уруғи ҳам айнан ёшлик даврида экилади дейишимиз мумкин. Оилавий қадрятларга путур етказаётган хавфларни санаганда “Диний экстримизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, “омавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамлар асрлар давомида амал қилиб келаётган этиқодлар, оилавий қадрятларга путур етказмоқда. Шу ўринда ёшларни миллат руҳида тарбиялаш ва уларни ҳар ҳил ёд ғоялар тизимидан асраш масаласида ислом динининг ўрни салмоқлидир.

Инсон зоти аҳлоқ билан чекланган ихтиёр эркинлигига лойиқ мавжудот қилиб яратилгандир. Жамиятда ва динда инсоннинг ҳатти ҳаракатларини назоратда тутиб туриш учун қатьий амал қилиниши белгиланган қонун қоидалар ва нормалар мавжуд. Ҳар бир шахс нормаларга амал қилади ва шу нормалар асоосида ўз ҳаётини барпо этади. Инсон амал қилиши керак бўлган хулқ-атвор нормаларини дастлаб оилада олгани боисдан ҳам, биз бугун “ислом таьлимотида оила этикаси ва фарзандни вояга етказишда бажарилиши керак бўлган амаллар” ҳақида фикр юритамиз.Ҳар қандай фарзанд маьлум бир муҳитда, маьлум бир оилада дунёга келади. Унинг келажакда ким бўлиб етишиши албатта бевосита фарзандга бериладиган эьтиқодий, аҳлоқий тарбияга боғлиқдир. Фарзандларга одоб бериш аввало оиладан бошланади. Маьнан юксак, гўзал ҳулққа ега ота-оналарнинг фарзандлари ҳам одобли бўлади. Бу гўзал хулқ, бошқаларнинг ҳавасини келтирадиган одоб-аҳлоқ инсон кўрки саналади.

Гўзал ҳулқ тўғри тарбияга даҳлдордир. Ота-она фарзандларига яхши билан ёмоннинг, ҳалол билан ҳаромнинг, маьрифат билан жаҳолатнинг, саҳоват билан баҳлликнинг фарқини аниқ тушунтира билиши ва ҳар вақт уларни эзгулик йўлига чорлашлари лозим бўлади. Шу ўринда бир савол пайдо бўлади ота-онанинг ўзи фарзанд тарбиясида меьёрни қаердан олади? Жавоби мусулмон киши учун осон, биринчиси Қурьони каримда баён этилган ҳукмлар бўла, иккинчиси

Мухаммад (с.а.в.) ҳадислари одобни тўғри шакллантириш, юксалиши, эзгуликка интилиши , ҳалолни ҳаромдан фарқлай билиши, инсон ўз ҳаётининг мазмун-моҳиятини англаб олиши учун ниҳоятда муҳимдир. Суннатга қараб яшаш эса мусулмон кишига ҳотиржамлик, виқор, салобат

бағишлайди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилинган бир ҳадисда: " Суннатта мувофиқ қилинган оз амал бидьат аралашган кўп амалдан яхшидир", дейилади.

Исломият оламида оила қуришдан бошлаб уни қандай давом этиришгача бўлган ёриқномалар мавжуддир. Ҳадиси шарифларда оила қуриш билан боғлиқ ҳолат қуйидагича баён этилади. "Расулуллоҳ соллоалоҳу алайҳи васаллам: Кимники Аллоҳ солиҳа аёл билан ризқлантирган бўлса, батаҳқиқ, у динининг ярмига ёрдам берибди. Иккинчи ярмида Аллоҳга тақво қилсин-дедилар".

Аҳлоқимиз биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр

таьсири бордир. Тарбия уч қисмдан иборат: бадан тарбияси, ақлий тарбия ва аҳлоқий тарбияси. Бунда болалар тарбиясига алоҳида эбтибор берилади. Чунки болалар аҳлоқий тарбияни муҳитдан оладилар, бошқача қилиб айтганда, болалар сувга ўхшайдилар, сув идишининг шаклини олганидек, болалар ҳам муҳитнинг одоб-аҳлоқини қабул қиладилар.

Каломлар ичида енг яхшиси "Салом"дир.Мусулмон оиласида фарзандга тарбия енг аввалда Аллоҳни таниш билан бошланади. Буни биз ота-онанинг фарзандига "салом" ни ўргатганидан билишимиз мумкин. Чунки салом бу Аллоҳнинг исмларидан биридир. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифларда "саломдан аввал гап бошламанг" дейдилар. Яна Пайғамбаримиз алайҳисаломдан сўрадилар: " Қайси амал енг яхши амалдир?" Жавоб бердилар: " Таниган ва танимаган одамнингга таом ва салом бермоғинг" дедилар.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш " Миллий тараққиёт йўлимизни қатьият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз",-Т.: "Ўзбекистон", 2018.-Б.-592.

2. Малик Т "Ҳусни хулқ"-Т.: "Ғофур Ғулом", 2016.-Б.-144.

3. Муаллиф: www.зиёуз.сом/ кутубхона/ мусулмоннинг одоб китоби/ зоҳиджон Исломов,-2008.

5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф " Бахтиёр оила", Т.: "Шарқ", 2012.-Б.-504.

7. Малик Т " Саодат саройининг калити",-Т.: "Янги аср авлоди", 2014.-Б.-400.

# ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТОЛЕРАНТ ДУНЁҚАРАШНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

**Мамиров Азизжон Ниязмухамедович**

**Тошкент давлат иқтисодиёти университети**

**Таянч (Phd) докторант**

**Aziz_m@list.ru**

Ўзбекистон республикаси мустақилликни қўлга киритганидан буён ўтган давр ичида турли соҳаларда ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жамиятнинг деярли барча соҳаларида жуда катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва хуқуқий барча йўналишларида ўтказилгиб келинаётган ўзгаришлар Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган эди. Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати, мамлакатимизнинг бош устивор йўналиши бўлиб, ўз олдига асосий мақсад қилиб ёшларнинг ижтимоий шаклланиб камол топиши, уларда ижодий иқтидорни ривожлантириш, бу имкониятларни жамият ривожи йўлида фойдаланиш учун имкон борича – иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шаароит яратиш ва бу шароитларни кафолатлашдан иборат бўлди. Бу шароитларни амалиётда қўллаш ва рўёбга чиқариш эса хуқуқий, марифий, иқтисодий ва ижтимоий йўналишлар олдига муҳим вазифаларни қўймоқда.

Ёшлар деб – ўз тенгдошлари ёшларига нисбатан умумийлиги билан ажралиб турувчи, ўзига хос ижтимоий психологик жихатларни ўзида мужассамлаштирган, ижтимоий демографик гурухга айтилади[79].

Ёшларнинг ижтимоийлашув жараёни, ижтимоий жараённи актив харакатларини ўрганиш орқали ижтимоий демографик гуруҳлар билан мулоқот ва мунособатга киришиш жараёнида содир бўлади[80].

-“Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистонни барпо этиш-бу шунчаки ҳоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақазо этаётган, ҳалқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир. Янги Ўзбекистон-демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жахон ҳамжамияти билан дўстона хамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади ҳалқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб боришдан иборат бўлган давлатдир”[81].

---

[79] Молодежь как социальная группа [Электронный ресурс] // Обществознание. Универсальный справочник. Режим доступа: https://compendium.su/social/universal/85.html

[80] Плугарь О. А. Молодежь как социальная группа: определение, социальнодемографические характеристики и перспективные направления исследования [Электронный ресурс] // Современные проблемы науки и образования. 2015. № 2-2. Режим доступа: https://www.science-education.ru/ru/article/view?id=22074

[81] “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021йил 17август,№165(421)

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, буюк аждодларимиз эришган оламшумул ютуқлар замирида аввало она Ватанга, халққа хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам эканлигини  кўрамиз. Масалан Абу Райхон Беруний, Мирзо улуғбек сингари улуғ алломалар, Алишер Навоий, Бобур мирзо каби шоир мутафаккирлар, Абдулла Авлоний, Фитрат, Абдулла Қодирийдек маърифатпарвар адиб ва олимлар машҳур илмий кашфиётларини, ўлмас бадиий асарларини айнан камолот ёшида яратганларини хаммамиз яхши биламиз ва бу билан фахрланамиз[82].

Ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишда, шунингдек ёшларни барча сохада ижтимоий муносабатларга таёрлаш, уларда бу жараённи ташкиллаштиришда фаол иштирок этиш, ташаббускор, мустақил фикрга эга бўлишкаби сифатларни ўзида мужассам этиш бугунги куннинг асосий талабига айланиб бормоқда.

Бизнинг назаримизда бир қанча вазифаларни ижобий ҳал этилиши ёшлар ташкилотларининг хозирги ёшлар орасида обрўсини оширади ва ёшлар ташкилотларига нисбатан ишонч ва ҳурматни қарор топтирган бўлар эди.

1. Ёшлар орасида уларнинг қизиқишлари ва энг мухим эхтиёжларини ижтимоий сўровлар орқали ўрганиш ва уларда маънавий ижтимоий фаоллик даражасини аниқлаб олиш.

2. Ёшларнинг муаммолари ва уларда ижтимоий фаолликлар даражасини ўрганувчи психологик марказий бюроси (бўлими)ни ташкил этиш.

3. Мазкур марказ фаолиятини юқори савияда ташкил этиш учун кучли малакага ва стажга эга бўлган психолог, социолог ва педагогларни жалб қилиш.

4. Ёшлар орасида нотиқлик санаътига қизиқадиган дунёқараши кенг, ахлоқли, билимли, ўзининг бағрикенглиги билан обрў таратган, нутқ махоратига эга бўлган фаолларини танлаб олиб, уларда беш дастур асосида таълим бериш орқали, улар ёрдамида маънавий-ижтимоий тарғибот, ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошида фаолият юритувчи “Ёшлар ишлари қўмитаси” ва “Камолот” ёшлар жамғармаси ўртасида ижодий ва маънавий ҳамкорликни йўлга қўйиш, шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги Қонуннинг талабларини амалда қай даражада ижроси таъминланаётганлигини таҳлил қилиб бориш.

6. Ташаббускор, илмли, ижодкор, шижоатли ёшларни имкониятларидан ва кучидан фойдаланган ҳолда, уларда психологик билимларни шакллантирган ҳолда келажакка ишонч, ўз имкониятини ва иқтидорини тўғри баҳолай олиш лаёқатларини шакллантиришга қаратилган турли ҳил ижтимоий тадбирларни ташкил қилиш.

7. Мамлакатимизга фан техника ривожланиши сабаб кириб келаётган турли хил ахборотлар орасида инсон руҳияти, тарбияси ва онгига салбий таъсир қилувчи, ахлоқини ўзгартирувчи, уруш ва турли ҳил салбий ғоявий

[82] Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Т.:”Ўзбекистон”,,. 2021й. 252-б.

йўналтирувчи ахборотларни ажратиб олиш ва уларни шахс ривожидаги салбий оқибатларга олиб келувчи ролини илмий асословчи назарий методик қўлланма яратиш яратиш ва уни жамиятга тадбиқ этиш.

8. Талабалар ўртасида инсон имкониятларини нақадар чексизлигини кўрсатиб беришга хизмат қилувчи санъат ва бадиий асарлар намойишини кенг йўлга қўйиш.

Мутахасисслик – шахснинг бирор соҳада эришган юқори даражадаги фаолият соҳаси ёки касби демакдир. Бу яна бошқа кўринишда – ўз ишининг устаси, касби бўйича юксак маҳорат эгаси деб ҳам тушунтириш мумкин. Ёшларда касб бўйича маҳоратнинг шу даражага кўтариш учун ўз соҳаси бўйича йўналишларни тарбиялаш ва ривожлантириш керак. Ўз қизиқишларини ривожлантириш, амалий ишларни бажариш орқали шу йўналишдаги ўқитиш ривожлантирилади ва шакллантирилади. Ўқитиш ишлари эса ўз навбатида соҳаси бўйича амалий фаолиятларни бажара олиш лаёқати ва амалий фаолият асосидаги ишларни бажариш сифатидир.

Олий даргохга кириб ўз мутахасислигига эга бўлиш, касб ёки хунар ўрганиш, қисқа курсларда ўқиш орқали бирор фаолият йўналишини ўзлаштириш. Илмда йўналишлар асосан учга бўлинади:

- инсонларнинг ўз мутахассислиги бўйича назарий ва амалий фанлар,
-шу мутахассисликнинг ижтимоий – иқтисодий муносабатларини ва талабларини ўрганувчи фанлар,
- мутахссис йўналиши бўйича маънавий-ижтимоий фанлар.

Мутахассис ўз йўналиши бўйича сохасини пухта эгаллаган ҳолда шу соҳанинг истиқболларини назарий ва амалий таъминлаб бера олиши зарур. Масалан математика ёки физика касбини мутахассисини олсак, олий ўқув юртини тугатган мутахассис, ўз касби бўйича ўқув юртига кириб у ерда билим бериш орқали янги мутахассини етишиб чиқишига хиссасини қўшади. Албатта етишиб чиққан муттахассис ҳам ижтимоий муносабатлардаги муаммоларни яши англаши ва жамоа билан муносабатга киришиб кета олиши лозим. Бундан хулоса қиладиган бўлсак, юқори малакали, ўз ишининг устаси бўлган кадр мамлакатнинг энг катта бойлиги хисобланади.

Шу пайтгача ўтган давр шуни кўрсатадики ҳозиргача “Камолот” жамғармасининг 1000 дан ортиқ жамоа марказлари, барча туман ва шахарлардаги 240 га яқин бўлимлар ва ундан ташқари мактаб ва олий ўқув юртларида фаолият олиб бормоқда. 1996 йил сентябрь ойида жамғарманинг туман ва шаҳар марказлари раҳбар ходимларни таёрлаш мақсадида “Камолот жамғармаси” Республика бошқаруви буйруғи билан “Ёшлар муаммолари” институти ташкил қилинди.

Ёшлар муаммолари институти асосан учга бўлиниб фаолият олиб боради:

- Ёшлар муаммоларини ўрганиш бўлими;
- “Камолот” жамғармаси ходимларининг малакасини ошириш бўлими;
- Чет тиллари ва кампютерни ўқитиш бўлими;

Ёшлар муаммоларини ўрганиш бўлимида бевосита ёшларга хос бўлан муаммоларни кўриб чиқиб, ўрганилиб уларга ечим топишга харакат қилинади. Хусусан, бу бўлимда лаборотория, социологик сиёсатшунослик

бўлимлари мавжуд бўлиб, миллий мерос, қадриятлар ва маънавит –маърифат соҳасида фаолият олиб бориб, ёшларни Ватанга садоқат, уни севиш, унга садоқат руҳида тарбиялаш сохасида социологик тадқиқотлар олиб боради. Шу билан бирга ёшларнинг муаммолари, уларнинг бандлиги, ёшларни иш билан таъминлаш, ишсизлар сони ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва уларга ечим топишга ҳаракат қилади.

Бундан ташқари Республикамизда ёшлар толерант дунёқарашини шакллантириш жараёнида сиёсий партияларнинг ҳам ролини алохида таъкидлаш лозим.

Маълумки Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин ҳар бир фуқаро сўз эркинлиги, эътиқод эркинлигига ҳамда ўз имкониятларини жамиятда эркин намойиш қилиш имкониятига эга бўлди. Республикамизда фуқаролик жамияти қуриш ўзининг амалий аҳамиятига эга бўлди. “Биз учун фуқаролик жамияти – дейди Ислом Каримов – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устивор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади”[83].

Бундан келиб чиқадики инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар давлат бошқариуида хокимият органларининг ташкилотчилик фаолиятини амалга оширишда, инсон фаолиятнини барча қонунлар ва воситалар билан кафолатланишига таъсир кўрсатади. “Бу ҳуқуқни амалга ошириш-давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир”[84].

Давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистонда биринчидан сохта, хар хил мафкуралар фаолияти ва яккахокимлигига чек қўйилди. Ўз миллий маънавиятимиз ва маданиятимиз рухига қорилган бағрикенглик асосида шакллантирилган миллий мафкурага кенг йўл очилди. Иккинчидан – Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари ва мафкуралар ва турли фикрлар асосида риожланиши ва ҳар қандай мафкура давлат мафкураси бўла олмаслиги белгилаб берилди. Бундан ташқари ҳар бир инсон ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, шаъни ва бошқа дахлсиз хуқуқлари олий қадрият ҳисобланади ва қонун томонида ҳимояланади. Демократик давлат барпо этиш учун бу хуқуқий асослар жуда катта аҳамиятга эгадир. Чинакам демократия фуқароларнинг толерантлик тамойиллари асосида, тенглик ва бағрикенглик тушунчалари бўйича фикрлашга, инсон тафаккурининг озод бўлишига кўп жихатдан боғлиқдир.

“Умумий тамойилларни ва меёрларни ўрганмай туриб, демоктарик институтларни шакллантириш, фуқаролик жамияти асосларини яратиш мумкин эмас”[85].

Фан амалиётида “Демократия” сўзининг қўлланилиши:

[83] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.:Ўзбекистон., 1998. 554-б.
[84] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1,-Т., 1996. 79-б.
[85] Султонов Т. Ва бошқ. Президент И. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари бўйича маърузалар матни. Т.,2000.-76ғб.

- Давлат тузумини тавсифлашда;
- Ҳокимият манбаи сифатида кўпчилик ифодасини эътироф этиш;
- -фуқароларнинг эркинликлари ва тенгхуқуқликларини тенхуқуқлиларини ифода қилишда;
- Сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларини ташкил этиш ва улар роли ошиб боришининг детерминанти чифатида;
- Халқ оммаси, ижтимоий гуруҳлар, фуқароларнинг сиёсий ҳокимиятини амалга оширишда миқдор ва сифат жиҳатданфаолиятини ифодалашда;
- Фуқаролар хуқуқлари ва эркинликларининг синоними сифатида;
- Сиёсий маданият ва ижтимоий харакат сифатида;
- Ижтимоий-сиёсий таълимотлар сифатида;
- Сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш ва уни идора этиш сифатида;
- Озчиликнинг фикри ҳурматда ва уни эркин тарзда оппозицияга ўтиш ҳуқуқини эътироф этиш орқали аниқ ўз ифодасини топди;

Хулоса ўрнида шуни айтиш кераки Республикасмизда ёшлар ташкилотларининг ўрни ҳозирда ёшларда бағрикенглик, тенглик каби тушунчаларни шакллантиришда жуда каттадир. Ҳозирги глобаллашув тобора шиддат билан авж олаётган бир даврда бағрикенглик тамойилларини шакллантириш ва уни ёшлар онгида ривожлантириш шубҳасиз республикасмиз ривожида ва ундаги хамдўстлик тушунчаларини ёшлар ўртасида янада мустахкамлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Молодежь как социальная группа [Электронный ресурс] // Обществознание. Универсальный справочник. Режим доступа: https://compendium.su/social/universal/85.html
2. Плугарь О. А. Молодежь как социальная группа: определение, социально-демографические характеристики и перспективные направления исследования [Электронный ресурс] // Современные проблемы науки и образования. 2015. № 2-2. Режим доступа: https://www.science-education.ru/ru/article/view?id=22074
3. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021йил 17август,№165(421)


## БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ


**Ҳамидова Мафтуна.**
**ТерДУнинг Педагогика институти 1-курс магистри**


Маълумки, жамият тараққиёти барча давлатларда ривожланишнинг моҳияти унинг суръати, инсонларнинг одоби, тарбияси ҳулқи ва маънавий камолат даражасига боғлиқ.

Мустақиллик йилларида педагог кадрларни тайёрлашнинг янги тизими ишлаб чиқилиб, узлуксиз таълимда ўқитиш сифати ва самарадорлигини бўлажак ўқитувчиларнинг касбий, маънавий, ахлоқий тайёргарлиги белгилаб бериши ҳақидаги қатъий хулосага келинди.

Талабаларда маънавий маданиятни ривожлантириш механизмларини жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган,Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролиқ жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш асосида такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳам[1]да муҳим ўрин эгаллайди.Мазкур йўналишлар доирасида давлатимиз томонидан ишлаб чиқилаётган чора-тадбирлар ўзининг кўзланган мақсади билан жуда аҳамиятлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160 сонли “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”[2]ги қарори ҳам айнан ушбу масалаларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутади. Баркамол шахс тарбиясида маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини таъминлашда ҳам бир қатор ишлар кўлами кенгайди.

Мамлакатимизда ёшлар тарбиясига эътибор давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август куни бўлиб ўтган халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида таълим ва тарбиянинг аҳамияти ҳақида сўз борди. Мазкур йиғилишда Давлатимиз раҳбари ёш авлод тарбияси, одоб-ахлоқи ҳақида тўхталиб, “**Мактаб - бу ҳаёт-мамот масаласи, келажак масаласи. Бу масалани давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак. Мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди**”, - дея алоҳида таъкидлади.

Концепция ана шу ҳикматга ҳамоҳанг бўлиб, унда фарзандларимизда миллий юксалишимиз учун энг зарур фазилатлар: Ватанга садоқат, тадбиркорлик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик болаликдан бошлаб босқичма-босқич ривожлантириб борилади. Вояга етган ўғил-қизларимиз мустақил ҳаётга ана шу фазилатлари билан кириб борадилар. Бу фазилатлари уларнинг ўзларини ҳам, халқимизни ҳам бахтли, фаровон қилади.

Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси ўзида дунё педагогик тажрибаси ва ютуқларини мужассам этганлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, Европа Иттифоқининг тарбиявий тавсиялари, АҚШ тажрибасидан шахс эркинлиги, тадбиркорлик, муваффақиятга эришишга интилиш, Жанубий Кореяда ёшлар онгига урф-одатлар, ахлоқий идеалларни сингдириш, Япониянинг “характерни шакллантиришга йўналтирилган таълим”, Хитойнинг яхшилик, тўғрилик, поклик, донолик ва ишончлилик каби фазилатларни тарбиялашга қаратилган педагогик тажрибалари ўрганилган.

Концепцияда Ўзбекистонда ёшлар тарбиясини замонавий асосда илмий-технологик ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ва уни бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосланган таянч компетенциялар, фазилатлар асосида шакллантириш ишига катта аҳамият берилган. Бунинг учун оила, мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар, олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик ҳамкорликни янги даражага кўтарилади.

**Концепция олдига қўйилган вазифалар:**

- маънавий-ахлоқий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш;
- тарбиянинг ҳомиладорлик давридан бошланадиган, тадрижийлик ва узлуксизлик тамойилларига асосланган методикасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш;
- узлуксиз тарбия тизимида миллий ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш;
- тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб бориш;
- оила, таълим муассасалари ва маҳалла, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорлик механизмини йўлга қўйиш;
- маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланишдан иборат.-

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида узлуксиз маънавий тарбия концепциясини амалга ошириш жараёнини мувофиқлаштирувчи **“Маънавий тарбия”** республика жамоатчилик кенгашини ташкил этиш. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мазкур узлуксиз маънавий тарбия концепциясидан тарбиянинг тизимли ва узвийлигини таъминлашда қуйидагича натижалар кутилмоқда:

- концепциянинг жорий қилиниши узлуксиз маънавий тарбия жараёнининг тизимли ташкил этилишига, тарбия соҳасининг илғор

инновацион технологиялар асосида такомиллашувига, ёшларнинг Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағри кенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби таянч компетенциялар билан мустақил ҳаётга кириб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратади.

- оилалар, таълим муассасалари, маҳаллалар ва корхоналарда мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш лаёқатига эга бўлган ёшларнинг маънавий камол топиши учун зарур бўлган инновацион ижтимоий-педагогик соғлом ва барқарор муҳит яратилади.

- жамиятда жиноятчилик, экстремизм, терроризм, коррупция, фирибгарлик, кўзбўямачилик, ёлғончилик, эгоцентризм, ахлоқий бузуқлик, оилавий ажримлар, меҳр-оқибатнинг камайиши, “оммавий маданият”га кўр-кўрона тақлид, лоқайдлик, бегоналашув, ўзибўларчилик, фарзанд тарбиясида масъулиятсизлик, оилавий қадриятлар инқирози, эл-юрт тақдирига бефарқлик каби иллатлар кескин камаяди. Банд бўлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга, келажакка бўлган ишончи ошади. Мамлакат дунёда рақобатбардош, бой инсон капиталига эга бўлади.

- оила, таълим муассасалари, давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар, ота-оналарда бой миллий тарбиявий меросимиз тўғрисида билимлар шаклланади, уларни ўрганиш, сақлаш, тарғиб қилиш, ўргатиш орқали миллий фазилатларнинг авлоддан-авлодга безавол ўтиб бориши таъминланади.

- концепциянинг амалга оширилиши жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғлом ва барқарор бўлишига салмоқли ҳисса қўшади. Қолаверса, 2021 йилнинг 26 март куни Президентимиз “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сон қарорни имзолади. Мазкур ҳужжат билан маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Фарзандларимизни илм-фан ва таълим-тарбия асосида вояга етказиш мақсадга мувофиқ экан, ўз ўрнида тарбия эса маънавият билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, ёшлар келажак эгалари ҳисобланади. Ёшларимиз таълим-тарбиясида эса маънавий тарбия катта аҳамиятга эга. Энг муҳими, фарзандларимиз тарбиясига этиборли бўлайлик, айнан шу мезон болаларимизни маънан, руҳан соғлом, ўз ота-боболарига, тарихимизга, Ватанимизга, она тилимизга, ўз миллий қадриятларимизга ҳурмат билан қарайдиган баркамол бўлиб ўсиб унишининг асосидир. Хуллас, Баркамол шахс тарбиясида маънавият ва маърифатнинг ўрни ана шундай қудратли кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармон”и етти йўналишдан иборат бўлиб, шунинг бешинчиси бевосита маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш деб номланиши ҳам шубҳасиз баркамол шахс тарбиясида муҳим қадам бўлди.

**Адабиётлар:**

1.Халқ сўзи 2017.8.12.

2.htts: // lex.uz

3. htts: // uza.uz

4.htts: // lex.uz

5.htts: // lex.uz

6. htts: // lex.uz

7. htts: // lex.uz

## ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШГА МАЪНАВИЙ-ТАРБИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ЎРНИ

***Замонов Зокир Тургинович,***
*ЎзДЖТУ доценти,*
*сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори,*
*Тел: +99897 752-56-52*

Янги Ўзбекистонда кейинги даврда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар таг замирида мамлакатимиз ёшларини маънан ва жисмонан етук, касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаган, мустақил ҳамда ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳиятли фаол фуқаро қилиб камол топтиришда давлат органлари ҳамда маънавий-тарбиявий институтларнинг иштироки муҳим саналади. Хусусан, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий фаолиятларини такомиллаштиришда ёшларга оид давлат сиёсати мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Мамлакатимизда ёшларга оид муҳим ҳужжатлардан бири сифатида 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун ҳужжати ҳам бу борадаги ишларни тизимлаштириш ва барқарорлаштиришни янги босқичга олиб чиқди. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай эътироф этади: “Биз

ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз”. Бу том маънода, ёш авлодни юксак салоҳият, билим ва маърифат соҳиблари этиб тарбиялаш сиёсати жамиятимиз тараққиётининг асосий мантиғига айланганлигидан дарак беради.

Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТнинг юксак минбаридан туриб, “Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим” дея таъкидлаб ўтади. Энди ёшлар фақат кузатувчи, баҳо берувчи, ўрганувчи эмас, улар энди жамиятнинг фаол аъзоси сифатида тарғибот ишларида зиёлилар қатлами билан сафдошлигини англатади.

“Ёшларимизнинг аксарияти даврнинг руҳини тўғри хис этмоқда, – дейди тарихчи олим А.Маврулов, – айни пайтда ёшларда ақл ва фаросатнинг мутаносиблигини таъминлашга бўлган интилиш жамият барқарорлигини мустаҳкамловчи омил сифатида баҳоланиши мумкин”. Зеро, ёшларнинг илмий ва интеллектуал салоҳиятининг ортиб бориши натижасида уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ҳаётга муносабати сезиларли даражада шакллана боради. Инсоннинг илмий салоҳияти ортгани сари у олижаноб, адолатли бўлиб боради. Азизиддин Насафийнинг ёзишича: Инсоннинг вазифаси узлуксиз маърифатга интилиш ва ўз борлиғини нур билан тўлдириш, илм топиб мусаффоликка етишишидир”. Шу маънода, етарли маърифатга эга бўлган жамиятда эзгу ташуббуслар, бунёдкор ғоялар туғилади ва амалий ҳаётда ўз ижоботини топади.

Бундан ташқари, ҳозирда мамлакатимиздаги давлат ва жамоат ташкилотларининг маънавий-тарбиявий муассасалар билан ижтимоий фаолиятдаги интеграциялашуви натижасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириши юзасидан қуйидаги ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда:

- билим олиш ёшлар ҳаётий қадриятлари тизимида муҳим ўрин эгаллаши натижасида улардаги интеллектуал салоҳиятни мунтазам оширишга бўлган интилишида ўз ифодасини топмоқда;
- ёшлар бандлиги йил сайин ортиб бориши натижасида улар хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб қилинмоқда. Шу асосда, улар ўзининг аниқ келажак режаларига эга бўлмоқда.

- ёшлар халқимиз маънавияти, урф-одат ва анъаналари, давлат мустақиллиги, аждодларимизнинг бой мероси, она тилимиз ва маданиятимизни тарғиб қилиш ишларини самарали йўлга қўймоқда.

Эътиборли томони, ҳозирда маънавий-тарбиявий институтлар интеграциялашувининг энг муҳим асоси бўлмиш оила ва маҳалла институтини фаолиятини ва улар ўртасида ижтимоий ҳамкорлиги амал қилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу боисдан ҳозирда оила ва маҳалланинг ўзаро коммуникативлик даражасини ўрганиш долзарб масалалар сирасига киради.

Бевосита, маънавий-тарбиявий муассасаларнинг самарали фаолияти ёшлар ижтимоий-маънавий фаоллигига тўсқинлик қиладиган қуйидаги муаммоларни ҳал этишга имкон яратади. Хусусан: маънавий-тарбиявий институтлар жамиятда қабул қилинган миллий ғоя ва мафкура орқали фуқароларда миллий бирдамлик, тотувлик ва масъулият сифатларини шакллантиришни асосий мақсад қилиб қўяди; жамиятда бўлаётган туб ўзгаришларда ёшларнинг миллий маданияти, миллий онги, миллий ғурури ва миллий ўзликни англаш воситасида хайрихоҳлигини юзага чиқариш ва маълум бир стратегик мақсадга бирлашиш имкониятини туғдиради; мамлакатда янги типдаги жамоатчилик тарафдори сифатида ҳар бир фуқарони инсоний бурч ва масъулиятини ошириш бўйича мунтазам амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар билан институт мақомини ошириб боради.

Оила институти маънавий-ахлоқий муҳитда медиаторлик вазифасини бажариб, жамиятда маънавий-тарбиявий институт олдида бир қатор долзарб масалаларни қўяди ҳамда ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар ҳамда стратегик ҳаракатларни амалга ошириш учун қуйидаги барқарор ижобий жиҳатларни келтириб чиқаради: оила жамиятдаги энг кичик жамоат бирлиги ҳисобланиб, инсон таълим-тарбиясининг илк уюшмаси, маданий-маънавий тузилма сифатида миллий қадриятларни ўзига сақлагувчи ноёб маскан ҳисобланади; жамиятдаги бошқа ижтимоий институтлар ҳамда бирлашмаларнинг жамият ижтимоий ҳаётида фуқаро билан перманент (доимий равишда, бир умрга ҳаётий заруриятлари амалга ошириладиган) ижтимоий маскан шаклида гавдаланиши унинг жамиятдаги масъулияти ва мавқеини оширади; жамиятда дастлабки маънавий-тарбия институт сифатида оиланинг маҳалла, ёшлар ташкилотлари ва бошқа маънавий-маърифий ташкилотлар билан ягона ғоя, муштарак мақсад йўлида мунтазам ҳамкорлик қилиши унинг ижтимоий фаолиятидан келиб чиқиб инклюзивлик (бошқа соҳаларга кириб бориш) фаолиятини йўлга қўйишига асос бўлади; жамиятда баркамол авлод тарбиясининг дастлабки ўчоғи сифатида ўзида жамоавий бир бутунликни, сулолавий яқинликни амалга оширишни, миллий менталитетдан

келиб чиққан ҳолда жамиятдаги мураккаб ижтимоий институтларга ўсиб боришда баъзи латент ва баъзида ошкора тарбиявий воситаларни ўзида мужассам этадиган ижтимоий-маънавий бирлик вазифасини ҳам ўтайди.

Қолаверса, маҳалла ҳам маънавий-тарбия маскани ҳисобланади. Бинобарин, маҳалла инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган беқиёс макон демакдир[9]. Шу маънода, маҳалла инсонларнинг миллати, ёши, жинси, дини, ирқи, тили, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар уларни эзгулик йўлида жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи демократик оилалар мажмуаси ҳисобланади Бу оила инсонларнинг бир-бирларига бўлган ўзаро ҳурмати, муҳаббати, мустаҳкам дўстлиги асосида яшайди, фаолият кўрсатади.

Маҳалланинг жамоавий маскан сифатидаги ўрни шундаки, у қадим-қадимдан шу ҳудудда яшовчи жамоаларнинг келишиб яшаб-фаолият юритиб, шу ҳududдаги барча ютуқларни бўлишиши ва бартараф этилиши лозим бўлган муаммоларни биргаликда ҳал этадиган маънавий-тарбиявий макон сифатида гавланади.

Зотан, маҳалла ижтимоий тарбиянинг асосий тармоғи ҳисобланади. У болага яккама-якка ёхуд жамоа бўлиб таъсир ўтказиш қобилиятига эга бўлиб, у тарбиянинг турли шакл ва методларидан фойдаланиш имкониятини яратиб беради. Хусусан, маҳаллада жамоа бўлиб ёшларга таъсир ўтказиш, суҳбат, тўй-ҳашам, маърака-маросимларда хизматга жалб этиш, ҳашарни жамоавий бўлиб уюштириш [10] тадбирларини амалга оширишда етакчилик қилади. Бугун маҳаллалар одоб-ахлоқ гўшасига айланмоқда. Давлат сиёсати ҳам бу борадаги ижтимоий ташаббускорликни маъқулламоқда. Мисол учун, маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш, маҳалла аҳолисининг фаровон турмуш кечириши учун муносиб шароит яратиш, мавжуд инфратузилмани комплекс ривожлантириш, шунингдек, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик коммуникациялари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, замонавий спорт иншоотлари ва маҳалла гузарларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнда «Обод маҳалла» дастури тўғрисида ПФ-5467-сон Фармони эълон қилинади.

Ҳозирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида қуйидаги маънавий-тарбиявий тадбирлар, хусусан: маҳаллаларда аҳоли кенг қатлами билан маданий-ахлоқий, маърифий суҳбат, учрашувлар ташкил этиш; ҳамкор жамоатчи ташкилотлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан билан ҳамкорлик ва мунтазам ижтимоий-маънавий кўмак бериш; маҳалла ҳудудидаги мавжуд оилаларнинг ижтимоий харитасининг яратилиши; оилада тарбияси оғир ёшлар муаммоларини ҳал этишда, бу сингари оилалар билан якка тартибда индивидуал ишлаш; фаол ва намунали маҳаллалар

маслаҳатчилари билан тажриба алмашиш; намунали оила ва маҳаллалар ҳаёт-фаолияти, тажрибасини оммалаштиришнинг кенг йўлга қўйилаётганлиги жамиятда маънавий-ахлоқий соғлом муҳит яратилганлиги билан ўлчанади.

Демак, бугунги кунда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида жадал ислоҳотлар кечаётган бир шароитда маънавий-тарбия институтларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий асосларини янада мустаҳкамлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур ҳисобланади:

*Биринчидан*, оила ва маҳаллани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ҳамда нодавлат секторларнинг ўзаро дифференциялашган ижтимоий ҳамкорлигини кучайтириш лозим;

*Иккинчидан*, ёш оилаларни ижтимоий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар ўртасидаги ажримларнинг олдини олиш, уларни оиланинг муқаддаслигини амалда таъмин этишларини юзага чиқариш ва ижтимоий-оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларга методик ва психологик ёрдам кўрсатишни амалга оширувчи маҳалла фуқаролар йиғини қошида “Ёш оилалар ижтимоий методик марказ”ларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни.// “Халқ сўзи” газетасининг 2016 йил 15 сентябрдаги 182-сони.

[2] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ/Ш.М. Мирзиёев. –Т.: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016. –Б 14.

[3] *Қаранг:* [Электрон манба] Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи расмий сайти: www.yi.uz.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябтдаги БТМнинг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан. [Электрон манба] www.president.uz.

[5] Маврулов А. Ватанни севиш масъулияти. –Т.: “Sano-standart” 2015. –Б. 46.

# OILADA YOSHLARNI MA’NAVIY BARKAMOLLIK RUHIDA TARBIYALASHNING DOLZARB MASALALARI

**Xo`janazarova Sabohat**

Surxondaryo viloyati Muzrabot tumani 14- maktab o`qituvchisi

**Amanova Ra’no** Surxondaryo viloyati Muzrabot tumani 14- maktab o`qituvchisi

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada oilaviy munosabatlar, oila pedagogikasi jamiyatning shaxs tarbiyasiga oid muhim davlat siyosatidagi ustuvor vazifalarni mukammal bajarishdagi jihatlari yoritilgan, shuningdek, oilada umummadaniy dunyoqarashni shakllantirishning dolzarb masalalari, farzand tarbiyasiga doir tartib, odob – axloq qoidalarini sinovdan o‘tkazuvchi va amalda tadbiq qiluvchi ota-onaning faoliyati tahlil etilgan.

**Kalit so’zlar:** shaxs, madaniyat, ma`naviyat, oila, jamiyat, tarbiya, ta’lim, axloq, milliy qadriyat, BMT Bosh Assambleyasi.

Ota-bobolarimiz qadimdan oilani muqaddas bilib, uni mustahkamlashga alohida e’tibor qaratib kelgan. Oila ijtimoiy hayotning abadiyligini, avlodlarning davomiyligini, tarbiyaning uzluksizligini ta’minlaydigan, kelajak nasl qanday bo‘lib yetishishiga o‘z ta’sirini ko‘rsatadigan ijtimoiy makon va pedagogik omil vazifasini o‘taydi. Inson oilada shakllanadi. Oila muhabbat, hurmat, birdamlik va mehribonlik manbai. Aynan shu qadriyatlarga har bir rivojlangan jamiyat suyanadi.

BMT Bosh Assambleyasining 1993-yil 20-sentyabrdagi yalpi yig‘ilishida 1994-yildan boshlab 15-mayni “Xalqaro oila kuni” sifatida nishonlashga kelishilganligining o‘zi ham bu masalani xalqaro miqiyosida qanchalik dolzarb ekanligidan dalolat berib turibdi. Barcha davrlarda ham davlat va jamiyat g‘amxo‘rligi oilalarning mustahkamligi va tinchligiga asos bo‘lgan. Shu bois mamlakatimizda 1998-yil “Oila yili”, 2012-yil “Mustahkam oila yili”, 2016-yil “Sog‘lom ona va bola yili” deb e’lon qilinganligi hamda Respublikamizda oila institutini mustahkamlash konsepsiyasi qabul qilinishi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.06.2018-yildagi PQ-3808-son qarori bilan uning ustuvor vazifalariva amalga oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar tasdiqlanishi, shuningdek, 2019-yildan boshlab har yili 15-mayda mamlakatimizda “Xalqaro oila kuni” nishonlanishi davlatimizdagi oilaviy muhit va uni mustahkamlash uchun qilinayotgan amaldagi sa’y-harakatlarning yaqqol namunasidir.

Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev o`z nutqlarida quyidagi fikrni ta`kidlab o`tganlari, oila institutining mamlakatimizda nechog`lik ahamiyatli ekanligidan dalolat beradi: “Oila men uchun muqaddas. Muqaddasligi shuki, avvalambor qayerda ishlashidan qat’iy nazar, agar oilada tarbiya, muhit, halollik, munosabat, tarbiyaga alohida e’tibor bermasa, hech qachon natija bo’lmaydi. Shuning uchun men farzandlarimning tarbiyasiga juda katta e’tibor beraman. Har bir farzandimga ham, nevaramga ham alohida o’zimning munosabatim bor. Har bir nevaramning alohida xarakterini bilaman, orzusini, istagini bilaman”.

Darhaqiqat, asrlar davomida o‘z e’tirofini topgan va diniy-axloqiy qadriyatlar darajasiga ko‘tarilgan oilaviy munosabatlarda halol yashash, mehnat qilish, farzand tarbiyasi ijtimoiy hayot tarzini rivojlantirish manbaidir. Sharqona

tarbiyada shaxsning umummadaniy dunyoqarashining shakllanishi asosi oiladan boshlanadi.

Pedagog-olimlar mazkur mavzuning ta'lim-tarbiyaviy jihatlarini tadqiq etib, oilaning shaxs tarbiyasidatutgan o'rniga alohida e'tibor berib, oilaviy tarbiyani umumiy tarbiyaning bir qismi sifatidagi jihatini yoritishmoqda; psixolog olimlar oila va oilaviy munosabatlarga etno-psixologik jihatdan yondoshmoqdalar. Etnograf-tarixchilar ham oilaning kelib chiqishi va oilaviy munosabatlar madaniyatining shakllanishi bilan bog'liq masalalarga to'xtalib, oilaviy urf-odatlar, an'analar, marosimlarning yoshlar tarbiyasiga ta'sirini o'rganganlar.

Faylasuf olimlarimiz masalaning mohiyatini ochib berishda shaxs vajamiyatning o'zaro munosabati haqidagi umumbashariy qonuniyatga suyangan holda, shaxs ijtimoiy munosabatlar majmuidan iborat, degan nazariy konsepsiyani o'rtaga tashlaganlar. Xuddi shu konsepsiyadan esa oilada farzand tarbiyasi ijtimoiy xarakterga ega, degan boshqa bir nazariy xulosa kelib chiqishi tabiiydir. Madaniyatshunoslar oilaviy munosabatlar madaniyatining yosh avlod tarbiyasiga ta'sirini tahlil qilib kelmoqdalar.

Shuni alohida ko'rsatib o'tish kerakki, Markaziy Osiyo mutafakkirlari va ma'rifatparvarlari Farobiy, Beruniy, Ibn Sino, Yusuf xos Hojib, Kaykovus, Devoniy,Alisher Navoiy, Bobur, Munis Xorazmiy, Bedil, Behbudiy, Abdulla Avloniy, Qori Niyoziy, Cho'lpon, Fitrat va boshqalarning asarlarida oila va oilaviy munosabatlar haqida qimmatli fikrlar mavjud. Ularning ko'plarida mazkur masalaga oid qarashlar muayyan tartibga tushirilgan va ta'limot darajasiga ko'tarilgan. Xususan, Abu Ali ibn Sinoning "Axloq", "Oila xo'jaligi", Alisher Navoiy "Hayrat-ul abror" va "Mahbub-ulqulub" asarlarida oilaga alohida e'tibor bilan qarab, uni inson kamolga erishuvida asosiy makon deb bilganlar.

XX asr boshlaridagi ma'rifatparvarlik harakatining asoschilaridan biri Fitratning "Oila" asarida oila asosini to'g'ri qurish, oilada yosh avlodga jismoniy, aqliy vaaxloqiy tarbiya berish orqali mana shu turg'unlikdan qutilish, jamiyatni isloh qilishmumkinligini bayon qilgan. "Millat taqdiri mana shu millat vakillari yashaganoilaning holatiga bog'liqdir…

Oiladagi o'zaro munosabatlar madaniyati malakasi tasavvuf falsafasida hamalohida o'rin tutadi. Bu falsafaning yirik vakillari bo'lgan Ahmad Yassaviy, Bahovuddin Naqshband, Najmiddin Kubro tariqatlarida ota va onalar o'zaro munosabatlarining farzandlar kamolotidagi roli, farzandlarning ota-onalarga bo'lgan munosabati mavzui alohida ta'kidlab o'tilganligini ko'ramiz.

Mustaqillik davrida oila-nikoh munosabatlarining huquqiy tartibga solinishimasalalarini F.Otaxo'jayev, o'zbek oilalari ma'naviyatining tarixiy asoslari,ma'naviy ruhiyati, an'analari, farzandlar tarbiyasi muammolarini istiqlol mafkurasinuqtai nazaridan O. Safarov, M. Mahmudovlar tahlil etsalar [4-161],

oilaning jamiyatda tutgan o‘rni, oilaviy tarbiya, oila a’zolarining oiladagi o‘rni, oilada milliy va umuminsoniy tarbiya masalalarining pedagogik nuqtai nazardan O.Musurmanova, oilaning mohiyati, ota-onalarning bola tarbiyasidagi mas’uliyati, farzandlik burchiga oid ba’zi milliy diniy an’analarimizni E. Yusupov, yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlashga oid masalalarni M. Xalmatovalar tahlil qilganlar.

Zamonaviy oilalarga xos ikkinchi xususiyat ularning nuklearligidir (Nuklear –lotincha so‘zdan olingan bo‘lib, lug‘aviy ma’nosi “yadro” demakdir. Er-xotin vabolalardan iborat). Hozirda G‘arb sivilizatsiyasi ta’sirida oilaning bu xili ko‘payib bormoqda [5-44]. Bunday oilalarda qaynona va kelin yoki kelinlar alohida yashaganliklari uchun ular orasidagi nizoli munosabatlarning oldi olinadi, turmushtarzida ular bir-birlari bilan qadrliroq, mehr-shafqatliroq madaniy munosabatdabo‘lishadi. Bu masalaning ijobiy tomoni bo‘lib, oilaviy munosabatlarda shaxsning umummadaniy dunyoqarashining shakllanishiga olib keladi. Ota-onadan alohida yashayotgan kelin-kuyov mustaqil hayotga, oila iqtisodiyotini rejalashtirishga, farzandlarni mustaqil tarbiyalashga o‘rganadilar. Oilaviy masalalarni dam olish, bo‘sh vaqtdan samarali foydalanish kabilarda nuklear oilalar erkinlikka ega bo‘ladilar.

Sharq tarbiyasida biz ota-onalar oila baxtliligini ta’minlashda va yoshlarni oilaga tayyorlashda jinsiy tarbiyaga alohida e’tibor qaratishimiz lozim. Mashhur faylasuf Z. Freydning ta’lim berishicha, oila faqatgina birgalikda yashash uchunemas, balki to‘laqonli hayot kechirish, insoniy ehtiyojni qondirish uchun ham quriladi.[6-90]

Oilada har tomonlama sog‘lom muhitni qaror toptirishda quyidagi ijtimoiy pedagogik-psixologik, ma’naviy-madaniy mezonlarga amal qilishni tavsiya sifatida maqsadga muvofiq deb yondashishimiz mumkin:

– yoshlarni sportga, jumladan, oilaviy sportga ijobiy munosabatini shakllantirishga erishish;

– farzandlarda hayotiy faoliyatni oqilona tashkil etish va reproduktiv madaniyatni shakllantirishga erishish;

– oilada sog‘lom turmush tarzini asosiy omil sifatida xalqimizning o‘ziga xos an’analari va qadriyatlarini o‘rganish va keng targ‘ib etish;

– ota-onalarning farzand tarbiyasi yuzasidan mas’uliyatini, salohiyatini, savodxonligini, ota-onaning pedagogik-psixologik layoqatini oshirish, oilaviy va ijtimoiy tarbiya birligini ta’minlash;

– oilada ma’naviy va jismoniy yetuk avlodni tarbiyalash, yoshlarni oilaviyhayot qurishga tayyorlash, zamonaviy kasb-hunar sirlari bilan qurollantirish;

– oilaviy munosabatlarda farzandlarning umumadaniy dunyoqarashini shakllantirishga erishish.

Xulosa qilib aytganda, oilaning zimmasiga ulkan va zarur ijtimoiy vazifalar yuklangandir. Bola tarbiyasi eng og‘ir ijtimoiy vazifa ekanligi ayondir. Ota vaonaningshaxsiy va ijobiy namunasi solih va soliha farzandlarning kamolga yetishi uchun garovdir. Ostona hatlab tashqi dunyoga qadam qo‘yilganida esa bolaga atrof-muhit va jamoatchilikning ta’siri sezilarli bo‘ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati**

1. Shavkat Mirziyoyev- oila va baxt haqida. 25-iyul 2018. https://www.gazeta.uz
2. Fitrat A. Oila yoki oila boshqarish tartiblari. T., “Ma’naviyat” 1998. 53-b
3. Imom Ismoil al-Buxoriy. Al-Adab Al-Mufrad. 1-bob. Ota-onaga e’tiborhaqida. T.2007. 1-b
4. Safarov O, M.Maxmudov, Oila ma’naviyati. T., “Ma’naviyat”, 2016. 161-b
5. Mavrulov A. Ma’naviy barkamol inson tarbiyasi. T., “O‘zbekiston”, 2008.44-b

## YOSHLARNI IJTIMOIYLASHUVI JARAYONIDA FUQAROLARGA MOS MA’NAVIY VA AXLOQIY TARBIYALASH MEXANIZMLARI

**Maxmudov Shokir Kamolovich**
Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti “Boshlang‘ich ta’lim metodikasi” kafedrasi katta o‘qituvchisi.
Tel: +998978476366

**Anotatsiya**: Maqolada tarbiya, milliy tarbiyaning inson kamol topishidagi o‘rni va ma’naviy axloqiy xususiyatlari yoritib o‘tilgan bo‘lib keltirilgan tavsiyalar yoshlarni ijtimoilashuvi va tarbiyasida amaliy yordam beradi.

**Kalid so‘zlar**: axloq, odob, oila, jamiyat, rivojlanish, milliy, muammo, munosabat, mafkura, shaxs, ijtimoiy, ta’sir, xususiyat.

Yurtimizda buyuk rejalar va bunyodkorlik ishlari tarixiy an’ana va tajribalarga asoslanib, aql-u idrok bilan amalga oshirilmoqda. Shu o’rinda yurtboshimiz Sh.M.Mirziyoyev «Ma’naviy-ma’rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida»-gi PQ-5040-son Qarorni 26.03.2021 imzoladilar unda ma’naviy-ma’rifiy jarayonlarni tashkil etishda yaxlit tizim mavjud emas, xalqimiz, ayniqsa yoshlarni ma’naviy tahdidlardan himoya qilish borasida yetarli darajada tashkiliy-amaliy va ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilmayapti, ushbu yo’nalishda davlat tashkilotlari, fuqarolik jamiyati institutlari, ommaviy axborot vositalari hamda xususiy sektorning ijtimoiy hamkorligi

samarali yo’lga qo’yilmagan[86]- deb keltirilganligi va sohada qilinishi kerak bo’lgan muammolar borligini belgilab beradi.

Har qanday jamiyatning kelajagi yosh avlodning qanday ta’lim-tarbiya olishiga va qay tarzda tarbiyalanishiga bog’liq. Ana shunday ma’naviy tafakkurga ega bo’lgan avlodgina mamlakat oldida turgan umumdavlat ahamiyatiga molik vazifalarni bajarishga qodir bo’lib, shu xalqi manfaatlari yo’lida xizmat qila olishi mumkin va o’zbek xalqining bundan keyingi taqdirini belgilab berishda yoshlarda ma’naviy-huquqiy tarbiya berishga oid tushunchalarni shakllantirish muhim rol o’ynaydi.

Bu esa nafaqat hozirgi avlod taqdiri, balki kelajak avlodning taqdiri ham shunga bog’liq ekanligini anglaydi.

Shunga yoshlarning ijtimoilashuvi jarayonida fuqarolarga mos ma’naviy-axloqiy va huquqiy tarbiya berishga oid tushunchalarni shakllantirishdan foydalanib ularni tarbiyalash davlatimiz oldida turgan muhim vazifalardan biri hisoblanadi, hamda bu mavzu dolzarb bo’lib, jamiyat rivojida katta ahamiyatga ega.

Yoshlarning ijtimoilashuvi jarayonida fuqarolarga mos ma’naviy-axloqiy va huquqiy tarbiya berish masalasi muqaddas Islom dinida ham o’z aksini topgan. Islomiy tarbiya bolani yetti jihatdan tarbiyalashni maslahat beradi. Bular: sog’liq va badan tarbiyasi, aqliy tarbiya, estetik tarbiya, axloqiy tarbiya, vijdoniy-nafsoniy tarbiya, diniy-ruhiy tarbiyadir.

Rasululloh sallallohu alayhi vasallam: «Farzandlaringizni izzat-ikrom qilish bilan birga, tarbiyasini, odobini ham yaxshilanglar!», deganlar. Shu bilan birga, «Hech bir ota o’z farzandiga xulq-odobdan yaxshiroq meros qoldirolmaydi», deb tarbiyada ota-onaning rolini belgilab o’tganlar[87].

Zamonaviy ta’lim va tarbiya tizimini yaratish, yoshlarni ma’naviy- huquqiy tarbiya berish, ularning fuqarolarga mos hati-harakatini ta’minlash hozirgi davr talabiga mos bo’lishi lozim. Buning uchun, birinchidan, aholining barcha qatlamlarida huquqiy bilimlarni rivojlantirish kerak. Huququiy bilimlarning shakllanishi axloq-odob qoydalari sifatida oliy ta’limi muassasalarida, oila va jamiyat institutlarida tizimliy yo’lga qo’yilishi lozim. Huquqiy bilimlarni oshirishda barcha huquqshinos pedagoglar jalb qilinsa amaliy natijaga erishish imkoni yuqori bo’ladi. Yoshlarning hayotga moslashuvlarida “Inson huquqlari”, “Huquqiy tarbiya uslubiyati”, kurslarini OTM, mahalla va boshqa jamoa joylarida tashkil etish muhim kasb egallaydi.

---

[86] O’zbekistan Respublikasi Prezidentining «Ma’naviy-ma’rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»-gi PQ-5040-son Qarori.- Toshkent. 26.03.2021yil.

[87] R. Mavlonova, N. Vohidova, N.Rahmonqulova. Pedagogika nazariyasi va tarixi.- Toshkent. **Fan va texnologiya. 2010y.**

Ma'naviy-axloqiy tarbiyani rivojlantirish maqsadida huquqiy bilimga ega jamoatchilik institutlarida davra suhbatlari, ma'ro'zalar, seminarlar, vebinar va shunga o'xshash tadbirlar tashkil etilishi, amaliy ahamiyatga ega. Huquqshunoslar ishtirokidagi muloqotlar, huquqni muhofaza qilish idoralari xodimlari bilan uchrashuvlar, savol-javob kechalari va shuning singari tashkiliy tadbirlar ijobiy samara berishi shak shubhasizdir.

Buyuk ma'rifatparvar olim Abdurauf Fitrat "Har bir mamlakatning tolesi va taraqqiyoti yoshlarga qanday ta'lim va tarbiya berishligiga har tomonlama bog'liqdir", degan ezgu shiorni o'rtaga tashlagan edi.

Shu bois, mamlakatimizda sog'lom va har qanday illatlardan xoli bo'lgan ta'lim tarbiya muhitini shakllantirish bugun har birimizning muhim va ustuvor vazifamiz bo'lmog'i lozim. Bu yo'lda to'siq bo'layotgan muammolarni bartaraf etish, ta'lim tizimi sofligi va shaffofligini ta'minlash, kechiktirib bo'lmaydigan vazifamiz hisoblanadi.

Kadrlar tayyorlash sohasidagi davlat siyosati insonni intellektual va ma'naviy-axloqiy jihatdan tarbiyalash, uning har tomonlama rivojlangan shaxs sifatida namoyon bo'lishiga erishishni nazarda tutadi. Mazkur ijtimoiy talabning amalga oshirilishi har bir fuqaroning bilim olish, ijodiy qobiliyatini namoyon etish, intellektual jihatdan rivojlanishi hamda muayyan kasb yo'nalishi bo'yicha mehnat qilish huquqni kafolatlaydi.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida huquqiy davlat qurish asosiy maqsad qilib qo'yilganligi ta'kidlangan. Ushbu maqsadni amalga oshirish uchun aholinig xususan yoshlarning huquqiy ongini oshirish va huquqiy madaniyatni yuksaltirish muhim sanaladi. Fuqarolarning huquqiy madaniyatini yuksaltirish demokratik sharoitda ularning to'g'ri yashay va ishlay bilishlari hamda huquqiy ta'lim-tarbiyasini yuksak tarzda olib borish bilan bevosita bog'liqdir. Huquqiy davlat qurish jarayonida barchaning ishtirok etishi muvaffaqiyatlar garovidir. Bunga yoshlarning iqtisodiy siyosiy, huquqiy savodxonligi, o'z haq-huquqlari, burchlari va majburiyatlarini chuqur anglashi orqali erishish mumkin. Ma'naviy-axloqiy tarbiya negizida yoshlarda huquqiy bilimlar shakllanib jamiyatda o'z o'rinlarini egallashlari uchun zamin yaratadi.

## Foydalanilgan adabiyotlar


1. O'zbekistan Respublikasi Prezidentining «Ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»-gi PQ-5040-son Qarori.- Toshkent. 26.03.2021yil.

2. O‘zbekiston Respubilkasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoevning “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi” to‘g‘risidagi 60 sonli PF.- T.: O‘zbekiston, 2022y.
3. Xudoyqulov X.J. Komillik fazilatlari.–T.:Innovatsiya-Ziyo. 2021 y.238-bet.

## TASAVVUF HAQIDA OLIMLARNING AYTILGAN FIKLAR

***Qodiraliyev Abror***
*Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti o‘qituvchisi*
*Tel:998975353007*
***Shavqatulloyev Do`stmuhammad***
*Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti talabasi*
*Tel:998932214673*
*e-mail:ma6069054@gmail.com*

**Anotatsiya:** *Sunniylik islom dinidagi asosiy yo`nalishdan biri va eng keng tarqalgani, jahondagi 92% musulmonlar sunniy yo`nalishga mansub, VII asrning o`rtalarida musulmonlar siyosiy sabablarga ko`ra bo`linib ketishdi, Sunniylik bo`yicha Abu Hanifa, Abul Hasan Ash`ariy, Abu Mansur Moturidiy turli asarlar yozib qoldirishgan, Sunniylik va tasavvuf bir-biriga bog`liq tushunchalardir, Ushbu maqolada tasavvufga bo`lgan olimlarning fikrlari yoritilgan.*

**Kalit so`zlar:** *roziyalloh, sajda, so'fiylik, ash'ariy, tasavvufchi, fatvo, sahobalar.*

Abu Hanifa an- No'mon: Hanafiy faqihi Ala 'al-Din al-Xasakfi " Sharh Tanweer al-Absar " dagi al-Durr al-Muxtorda shunday degan : " Olim Abu al-Qosim al-Qushayri o'zining risolasida, uning ta'limotidagi qat'iylik va shu tariqa taraqqiyot: Men professor Abu Ali ad-Daqqoqning aytganlarini eshitdim: Men bu usulni Abu al-Qosim an-Nasrabodiydan oldim. Abu al-Qosim aytdi: Men al uni olib Shibli , u al-siri al-Saqati uni oldi va u Ma'ruf al-Karkhi dan bo'lib, u Dovud al-Ta'i dan hisoblanadi. U Abu Hanifadan ilm va uslubni oldi va ularning har biri uni maqtab, inoyatini tan oldilar. Xo'sh, siz qanchalik ajablanasiz, ukam: Sizda bu buyuk janoblar orasida yaxshi namuna bo'lmaganmi? Agar ular ushbu e'tirofda va mag'rurlikda ayblangan bo'lsalar va ular bu usulning imomlari, shariat va haqiqatning ustalari bo'lsalar va bu masalada ulardan keyin keladiganlar izdoshga ega bo'lsalar va ular qabul qilgan narsalarga zid bo'lgan hamma narsa rad qilinadi va novator. Ibn Abidin deydi uning izoh, Al-Muxtor ning ham , Al-Durr-ul-muxtor javob (Uning deb: Al-Hasakfi, yuqorida ko'rsatilgan Al-Durr egasining so'zlarini izohlab, Abu Hanifa roziyallohu gapirishiga Abu Hanifa) bu maydonning ritsari

hisoblanadi.Undan avvalgi Ahmad bin Hanbal o'ng tomonida u bilimdon, taqvodor, zohid va oxiratni hech kim anglamaydigan joydan afzal deb aytgan va uni qamchilar bilan kaltaklagan. hukm kechasi, lekin u buni qilmadi. Said Abdulloh bin Muborak : Abu Hanifaning o'rnak namunasiga loyiq hech kim yo'q, chunki u pok va taqvodor olim dindor imom edi, ilm-fan anglash va ko'rish, zukkolik va taqvodorlik orqali vahiy nozil qildi. At-Savri unga aytganlarga aytdi: Men Abu Hanifadan kelganman: Men er yuzidagi eng ibodat qiluvchilardan bo'lganman va shunga o'xshash narsalarni Ibn Hajar va boshqa taniqli ulamolar rivoyat qilganlar. Va u davom ettiradi va quyidagilarni tushuntiradi: Uning so'zlari: Ular bu usulning imomlari va boshqalar. Risala al-futuhada sudya Zakariya al-Ansoriy : Tariqat bu shariat yo'lidir va shariat: cheklangan yuridik harakatlar va ikkitasi va haqiqat uchta bir-biriga o'xshashdir, chunki Qodir Xudoga olib boradigan yo'l ko'rinadigan va botiniydir, uning tashqi tomoni yo'l va qonundir, ichki qismi esa haqiqatdir, shuning uchun qonundagi haqiqat Usul undagi sariyog 'oshqozonlariga o'xshaydi. sut, uning sariyog'ini chayqamasdan olish mumkin emas va bu uch narsa nimani anglatishini xizmatkor  Ibn Abdul Razzoq tomonidan belgilangan tartibda qullik o'rnatishdir. (Uning so'zlari: va ulardan keyin), ya'ni kim bu imomlardan keyin o'z vaqtida kelgan bo'lsa, shariat va haqiqat ilmi bo'lgan bu masalada yurgan bo'lsa, demak u ularga imom bo'lgani kabi, ularga ergashgan bo'ladi. ulardan uning uslubi va ta'limotiga taqlid qilishdi ”.

Ahmad Ibn Hanbal : Imom Ahmad Ibn Hanbalga kelsak, u so'fiylarni hurmat qilgan va ularning mavqelarini oshirgan. Chunki ular bu millat uchun hidoyat, solihlik va yaxshilik imomlari Olim Muhammad al-Safarini al-Hanbaliy Ibrohim bin Abdulloh al-Qalanisiydan iqtibos keltirgan; Imom Ahmad so'fiylar haqida shunday degan: « Men odamlarni ulardan yaxshiroq bilmayman. Ularga quloq soling va mavjud bo'linglar, dedi u: "Xudo soati bilan xursand bo'lsinlar " .

Bungacha imom Ahmad o'g'li Abdullohni ularning yig`ilishlari to'g'risida ogohlantirgan edi, u ularning ta'limotini o'rgangach, ularning ahvollari va mavqeini bilib, ularga yonida qolishni va ularga ergashishni buyurdi, quyida uning o'g'li bilan bo'lgan hikoyasi: " Imom Alloh rahmatiga olsinEng oliy Ahmad, so'fiylarga hamrohlik qilishdan oldin , eng oliy o'g'li Abdullohga Alloh rahmatiga olsin: "Ey o'g'lim, sen gapirishing kerak", deb aytardi va o'zlarini sirli deb ataganlarni enagaga qarashdan ehtiyot bo'ling, ehtimol ular ulardan biri o'z dinining qoidalaridan bexabar va Abu Hamza al - Bag'dodiy bilan birga bo'lganida , tasavvufchi va odamlarning ahvolini bilganida, u o'g'liga: "Oh , men senga bmajalspman, bu odamlar, ular bor bizga oshdi bir ko'p yilning fan, nazorat qilish, taqvo va zohidlik va yuqori Alhmhalhadit » ,  va yana ham Ahmad ham bu imom ortiq ko'zi uning bu hisoblanadi, chunki, ko'p, katta so'fiy bir yilning birinchi

gapirgan kim ham ilm-fan Tasavvuf haqida Ibn Taymiyya aytganidek, fatvolar quyidagicha: «Bu imomlar ortiq bir uzatiladi qilindi va shayxlar bunday Imom Ahmad ibn Hanbal, Abu Sulaymon al-Darani, va boshqalar kabi.   Bu erda so'fiylar Imom Ahmadning tarjimai holi va sinflari tarkibiga kirishi tushuntiriladi, masalan: Abu Haynimning "Hilyat al-Avliyo", Sha'raniyning "Buyuk sinflari", "Al-Kavkib ad-Duriya" al-Manaviy, Farididdin al-Attorning "Chipta".

Abu Hamid G'azzoliy : G'azzoliy o'zining ash'ariysi bilan qanchalik mashhur bo'lgan bo'lsa, u ham o'z tasavvufi bilan shuhrat qozongan va shu sababli bu tasavvufning Ash'ariy ta'limotiga aralashib ketishining xavfli bosqichini anglatadi. uning bir qismi, ammo Al-G'azzoliy bu haqda qutqaruvchida aytgunicha - uning azob-uqubati, sayohati va izolyatsiyasi haqida uzoq tushuntirishdan so'ng - qattiq qabul qilgan tasavvufning qaysi turi bor: « va shuncha vaqt - o'n yil, va bu chekinishlar paytida menga vahiy qilingan narsalarni hisoblash va tekshirish mumkin emas, va undan unga foyda ko'rishni qay darajada eslatadi: Men aniq bilaman , so'fiylar Xudoning yo'lida Alselekkon, va ularning o'quv dasturlari yurish va bu yo'l eng maqbul yo'l va ularning munosabati yanada pokroqdir Aksincha, agar donolarning aqllari, donolarning donoligi va olimlar orasida qonun sirlaridan xabardor bo'lganlarning bilimlari o'zgarishi kerak bo'lsa ularning xulq-atvori va axloqi bilan bog'liq bo'lgan bir narsani o'rnini egallab, undan yaxshiroq narsani almashtiring, ular unga yo'l topolmaydilar, chunki ularning barcha harakatlari va sukunati ichki va tashqi tomondan bashorat qandilining nuridan olingan. Yerning yuzida bashorat asosida ortida engil izlab bilan hech qanday nur yo'qdir. "Keyin u tushuntiradi va tushuntiradi va aytadi: « Umuman olganda, uning poklik usuli haqida aytuvchilar - uning shartlaridan birinchisi - qalbni Xudodan boshqa narsadan butunlay poklaydi va uning kaliti bu yo'ldir. ibodat qilishdan qaytarish, qalbni Xudoni zikr qilishning butunligiga botish va oxirgisi Xudo ichida butunlay yo'q qilishmi? Va bu deyarli tanlash va birinchi bo'lgan daromad ostida keladi, nima tashqari, ularning so'nggi bo'lib, u usuli boshlanishi bo'lib, bu narsa, lekin unga sayohat biri uchun bir daxliz oldin .

Ibn Taymiya : Ibn Taymiya dedi, shuning uchun, uning umumiy Fatvolarning yilda so'fiylik haqida gapirdi: " Bu imomlar ortiq bir uzatiladi qilindi va shayxlar bunday Imom Ahmad ibn Hanbal, Abu Sulaymon al-Darani, va boshqalar kabi, . " Va u aytdi: " Xalqning aksariyati va hadis, fiqh va tasavvuf ahliga kelsak, ular elchilar olib kelgan narsalarga va ulardan chiqqan kitoblarga va ilm-fan hayajoniga asoslanadi va ular faqat xabarning izdoshlari. . ”  Uning tasavvufga mansub ekanligi isbotlanmagan, garchi u ba'zi so'fiylarni maqtagan bo'lsa ham va uning tasavvuf va unga tegishli bo'lganlar haqidagi fikrining xulosasini uning so'zlari bilan ifodalash mumkin: Xudoning homiylari

taqvodorlardir. mo'minlar, u ulardan birini kambag'al, so'fiy, huquqshunos, olim, savdogar, ishlab chiqaruvchi, shahzoda yoki Hukmdor deb atasa ham, boshqasi yo'q, Xudo Taolo aytgan: Haqiqatan ham, Xudoning do'stlarida qo'rqish ham yo'q, qo'rqmaydi ham. Ular iymon keltirgan va taqvodorlarni xafa qilurlar. tugadi. Boshqa tomondan, u o'zlariga tegishli deb da'vo qilayotgan boshqalarni, masalan Al-Xallaj, Ibn Arabiy va boshqalarni tanqid qildi va buning uchun u fatvolarda aytdi: bid'at va bid'at ahlining mazhablari ularga tegishli bo'lgan, ammo So'fiylik ahlining tergovchilariga ular ular orasida emas: masalan, Al-Xallaj kabi. tugadi.

Toj al Din Sobki dedikitobida « Teaching Assistant yaxshi fazilatlari va pestitsid kufrona » ostida, nomXudo va Baohm salom va biz ular bilan jannatda to'plangan: so'fiylik. Ularning so'zlari haqiqatni bilmasliklari sababli, ular bilan noaniq bo'lganlarning ko'pligi sababli tarqaldi, shunda shayx Abu Muhammad al-Juvayniy aytdilar: Vaqf ular uchun haqiqiy emas, chunki ular uchun chegara yo'q. To'g'ri - bu uning haqiqiyligi va ular dunyodan yuz o'giradigan va ko'pincha ibodat bilan band bo'lganlardir. So'ngra u tasavvuf ta'riflari haqida aytguncha gapirdi: Gap shundaki, ular Xudoning xalqi va Uning zikri bilan rahm-shafqatga umidvor bo'lganlar va ularning iltijolari bilan yomg'ir yog'adi, shuning uchun biz ularga yordam berdik.

Jaloliddin as-Suyutiy : U aytdi: So'fiylik o'zi sharafli ilmdir va u sunnatga ergashish va bid'atlardan voz kechish, qalb va uning odatlaridan voz kechish, omad, maqsad, iroda va tanlov, Xudoga bo'ysunish atrofida aylanadi. , Undan va Uning farmonidan mamnun bo'lish, Uning sevgisini izlash va boshqa hamma narsaga nafratlanish .. Men uning ko'payganligini ham bilib oldim, bu uning oilasiga taqlid qiladigan va ulardan bo'lmagan odamlarning bosqinchisi, shuning uchun ular unga qo'shilishdi Unga tegishli bo'lmagan narsa va bu har kimga ishonchsizlikni keltirib chiqardi, shuning uchun ilm ahli haqiqat odamlari yolg'onchilardan tanilishi uchun ikkala turni ajratishga yo'naltirildi va men bu narsalarni o'ylab qoldim shariat imomlari tasavvufni inkor etdilar va men so'fiy tergovchisining biron bir narsa aytayotganini ko'rmadim, buni faqat bid'at va ekstremistlar aytadilar, ular o'zlarini so'fiymiz va biz ulardan emasmiz.

Olim Ibn Xaldun : Ibn Xaldun aytadi: “ Bu ilm - tasavvufni anglatadi - dinda paydo bo'ladigan shariat ilmlaridan biridir; Uning kelib chiqishi shundan iboratki, bu odamlarning yo'li hali ham millat ajdodlari va uning buyuk sahobalari va izdoshlari bilan bo'lgan va ulardan keyin haqiqat va hidoyat yo'li bo'lgan va uning kelib chiqishi Qudratli Xudoga sajda qilish va undan voz kechish va burilishga bag'ishlangan bo'lishi kerak. dunyoning ziynatidan va ziynatidan va jamoat zavq, pul va obro'-e'tiborni qabul qiladigan narsalardan astsizm va ijoddan ajralib qolish, ibodat qilish uchun yolg'iz qolish va bu sahobalar va salaflar orasida

keng tarqalgan edi. Ikkinchi asrda va undan keyingi yillarda Fsha faolligi pasayib , dunyo bilan aloqada bo'lgan odamlar tasavvuf va so'fiylarga sig'inish nomidan o'puvchilarni ajratdiladi.

**Foyidalanilgan Adabiyotlar**


1. Ibn Obidin ad-Durr al-Muxtorning sharhi (1-jild / 43-bet). Wai Pak saytida 2016 yil 5 martda saqlangan.
2. Imom az-Zarqoniyning Al-Aziya taxtasida Malikiy fiqhidagi sharhi, 3/195, Imom Mulla Ali Al- ning "Ilm va Zayn al-Xlemning ko'zi izohi" da Imomi al-Adaviyning izohi. 361-362-yillarda "So'fiylik haqida ma'lumotlar".
3. Attika haqiqatini tasdiqlash, as-Suyutiy.


# Fuqarolik jamiyatini qurishda yosh avlodning ijtimoiy faolligini oshirishning roli


***Qodiraliyev Abror***

*Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti o'qituvchisi*

*Tel:998975353007*



**Anotatsiya:** *Ushbu maqolada bugungi kunda yoshlarni fuqarolik jamiyatini qurishdagi ijtimoiy faolligi oshirishda qanday usullarda foydalanish kerakligi, fuqarolik jamiyatini qurishda yosh avlodning o'rni qanchalik muhimligini yoritib berish masalalari o'z aksini topgan.*



**Kalit so`zlar:** *fuqarolik jamiyati, yoshlar, ijtimoiy hayot, ta`lim, davlat, shaxs, huquqiy davlat.*


Avvalambor, fuqarolik jamiyatiga to'xtaladigan bo'lsak, bu jamiyat insoniyat jamiyatining oliy ko'rinishi va oliy shakli hisoblanadi. Fuqarolik jamiyati atamasi ko'plab olimlar, faylasuflarning asarlarida turlicha talqin qilingan. Lekin "Fuqarolik jamiyati" atamasi XVII asrning oxirlariga kelib keng va muntazam qo'llanila boshladi.

Ko'pchilik olimlar va mutaxassislarning e'tirof etishlaricha, yoshlar aholining 14 yoshdan 30 yoshgacha bo'lgan, hayot faoliyati, mehnat turlarining ishtirokchisi, barcha ma`naviyat va madaniyat shakllarining targ'ibotchisi, ishtirokchisi va iste'molchisi deb hisoblaydilar.

Yoshlar ijtimoiy guruhi hozirgi zamon jamiyatining ijtimoiy hayotida ayniqsa, fuqarolik jamiyatini shakllantirishda murakkab ko'rinishga ega tabaqa va qatlam sifatida o'zini namoyon etmoqda. Chunki yoshlar fikri o'zgaruvchan bo'ladi. Sotsiologiyada yoshlar odatga ko'ra quyidagi ijtimoiy psixologik guruhlarga ajratiladi: a) mehnatkashlar qatoriga qo'shila boshlagan o'rta maktab bitiruvchilari; b) xo'jalikning turli jabhalarida ishlayotgan 16 yoshdan 19 yoshgacha bo'lgan yoshlar; v) 20 yoshdan 24 gacha bo'lganlar; g) 25 yoshdan 30 yoshgacha bo'lgan – yosh intelligensiya, ya'ni ziyolilar guruhlaridir[88].

Aynan yoshlar tushunchasidan kelib chiqib, yosh aholi guruhiga quyidagilarni kiritish mumkin:

- Ishlab chiqaruvchilar: mexanizatorlar, qishloq xo'jaligi ishchilari, transport xodimlari, quruvchilar;
- Ixtisoslashmagan va qo'l mehnati bilan band bo'lgan yosh xodimlar;
- Texnika, texnik xizmat ko'rsatish xodimlari: mehnat munosabatlarini kompyuterlashtirish sharotida va zamonaviy texnika xizmatiga bog'liq bo'lgan yangi kasbdagi yoshlar qatlami. Bu qatlamdagi yoshlar soni faol ravishda o'sib bormoqda;
- Menedjerlar, agronom, zootexnik, shuningdek ishlab chiqarish tashkilotlari va xo'jalik jabhasidagi faoliyat yuritayotgan mutaxassislar, unda asosan o'rta va oliy ma'lumotlilar darajasi yuqoridir;
- Keyingi vaqtda faol shakllanayotgan ilmiy va ijodiy intelligensiya, ya'ni ziyolilar guruhi. Bu guruhga tibbiy muassasa xodimlari, o'qituvchi va xalq ta'limida faoliyat yuritayotganlar, mdaniyat sohasidagi yosh ishchi xodimlar kiradi;
- Ta'lim olayotgan yoshlar: yoshlar tarkibi va tuzilishi jihatidan bu guruh nihoyatda rang-barangdir. Bunga: 1) maktab o'quvchilari; 2) litsey talabalari; 3) o'rta mutaxassislik va oliy ta'limda sirtdan o'qiydigan talabalar. Bu guruhdagi yosh chegara 14 yoshdan 30 yoshgacha bo'lib, unda tahsil olayotgan yoshlar turli tumandir.

Hozirda O'zbekiston huquqiy davlat, demokratik jamiyat qurish yo'lidan bormoqda. Bu esa davlat, jamiyat va shaxslararo munosabatlarni yangicha anglashni taqozo etadi. Huquqiy davlat tushunchasi mavjud qonunlarning asosiy me'yor, ijtimoiy munosabatlar tamoyili sifatida talqin qilishni ko'zda tutadi. Qonunlar esa shaxs huquqlari va erkinliklari ustuvorligiga asoslanadi. Fuqarolik jamiyati tushunchasi esa uyg'un birlashuviga asoslangan huquqiy jamiyat tizimini

[88] Кузнецова В.Н. Социология молодёжи. М., Гардарики, 2007, 6-б.

o‘z ichiga qamrab oladi. Davlat shaxs huquqlari himoyalanishini kafili sifatida mavjuddir[89].

Manbalarda yoshlar ijtimoiy faolligini asosan ikki turga ajratib ko‘rsatiladi. Xususan, uning namoyon bo‘lish tabiatiga ko‘ra konstruktiv va desktruktiv[90] turlagan ajratish mumkin. Yoshlar konstruktiv ijtimoiy faolligi shundan iboratki, ular muayyan ziddiyatlar bilan to‘qnashuvda ana shu ziddiyatlarni mavjud ijtimoiy tizim, qonuniy, huquqiy dasturlar yordamida bartaraf etish uchun intiladi. Mavjud qonunlar asosida o‘z manfaat va ehtiyojlarini ifodalash, muammolarni hal qilish uchun jamoat birlashmalarini tuzadi.

Huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatini shakllantirish barcha ijtimoiy muammolarningosonlik bilan bartaraf etilishini anglatmaydi. Bunda shunday huquqiy tizim nazarda tutiladiki, uning doirasida doimo vujudga keladigan ziddiyatlar barcha ijtimoiy qatlamlar manfaatlari munosibligini saqlagan holda qonunlar doirasida asta-sekinlik bilan hal qilinadi. Bugun olidimizda turgan masalalar hali xanuz chuqur anglash, o‘rganish va ilmiy taxlil etishini taqozo etidi. Bundan ko‘zlangan maqsad – masala va muammolarni hal etish bo‘yicha zaruriy tavsiyalar, usul va vositalarni ishlab chiqishdir. Bu birinchidan. Ikkinchi tomondan, ko‘tarilgan muammo u yoki bu “Davra suhbati” va anjumanlar ishtirokchilari doirasi bilan cheklanib qolmasligi kerak. Uning mohiyati har bir odamgacha yetib borishi zarur. Buning uchun esa barcha mavjud usullardan foydalanishimiz lozim. Inson faoliyatining genezisi va taraqqiyotiga ta’sir ko‘rsatuvchi shart-sharoitlarni tadqiq etishda faoliyat xarakterini boholish kabi omil ham muhim ahamiyatga ega[91]. Birinchidan, bu ijtimoiy me’yorlar bilan belgilangan o‘z-o‘ziga baho berish, ikkinchidan, ayniqsa fikrlari qadrli bo‘lgan insonlarning bergan baholaridir.

Inson faolligi tushunchasi taraqqiyot tushunchasi bilan uzviy bog‘liqdir. Bu tamoyilning mazmuni shundan iboratki, inson faoliyati muttasil ravishda o‘z-o‘zini namoyon qilishga qaratilgan bo‘ladi. Bunda shaxs qobilyatlari asosan jamoadagi muloqot jarayonida ochilib boradi. Intellektual o‘sishga bo‘lgan qobilyatlarini jamoada ijodiy namoyon qilayotgan shaxs muloqot paytida o‘z kuch-imkoniyatlarini boshqa kishilar bilan bo‘lishadi, shuningdek to‘ldirib, kengaytirib boradi. Inson konstruktiv faoliyatining shart-sharoitlaridan biri bo‘lgan faollik tamoyili ongli tuzilmalarning maqsadga intilgan va harakatga yo‘naltirilgan shaxs bilan aloqalarini ochib beradi. Inson shaxsi uning mehnatga bo‘lgan ijodiy, faol munosabati bilan xarakterlanadi. Yosh shaxsning ijodiy yo‘nalishi, faolligi va mehnatga yo‘nalganligi kabi xislatlari uning o‘ziga nisbatan ongli munosabati

[89] Қаранг: Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Алмасов В.А.., Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. Т.: 2006, 11-б.
[90] Ўша манба: 12-б.
[91] Қаранг: Социальный портрет молодежи Центральной Азии и аспекте обеспечения государственной и региональной безопасности. Т., 2002.

bilan muvofiqlashtiriladi. Faollik insonning shunday xususiyatiki, uning tarkibiga yoshlarning o‘zini namoyon qilishiga bo‘lgan intilishi ham kiradi.

Mamlakatimiz yoshlar siyosatining yo‘nalishlarini belgilash 1991 yilining oktabr oyidan boshlandi. 1991 yil 20 noyabrda “O‘zbekiston Respublikasida yoshlar dalat siyosatining asoslari haqida”gi O‘zR qonuni qabul qilindi. Yoshlar bo‘yicha olib borilayotgan davlat yoshlar siyosatini izchillik va uzluksizlikni ta’minlash maqsadida Respublikamiz hukumati tomonidan 2008 yil “Yoshlar yili” deb e’lon qilinda va “Yoshlar yili” Davlat Dasturi to‘g‘risida Prezident qarori qabul qilindi. Bu qabul qilingan qarorda quyidagi ustuvor vazifalar belgilab berildi:

- yoshlarning manfaatlarini yanada to‘liq ta’minlash va huquqlarini himoya qilishga yo‘naltirilga huquqiy bazani takomillashtirish hamda mustahkamlash;
- ta’lim jarayonini uning uzluksizligi va davomiyligi nuqtai nazarida yanada takomillashtirish;
- ishga tushiriladigan umumta’lim maktablari, kasb-hunar kollejlari va akademik litseylari qurish va rekonstruksiya qilish sifatini oshirish;
- ta’lim va kadrlar tayyorlash butun tizimi darajasi hamda sifatini tubdan oshirish;
- yosh avlodni hayotga qat’iy e’tiqod va qarashlar ruhida tarbiyalash;
- oliy o‘quv yurtlari, kasb-hunar kollejlari va akademik litseylar bitiruvchilari, muddatli harbiy xizmatni tugatgan yoshlarni ishga joylashishi bilan bog‘liq masalalar butun kompleksini hal etish;
- musiqa, rassomlik,san’at va madaniyat sohalarida bolalarning ijodiy talanti va qobilyatlarini barvaqt aniqlash hamda rivojlantirish uchun shart-sharoit yaratish;
- yoshlarda sog‘lom turmush tarziga intilishni shakllantirish;
- yosh oilalarni ma’naviy va moddiy jihatdan qo‘llab-quvvatlash.

Shunday qilib, yoshlarga berilayotgan e’tiborni kelgusi avlodlarga berilayotgan e’tibor sifatida tushunmoq lozim. Zero, bugungi yoshlarning ijtimoiy faolligining qay darajada ekanligi, kelgusi avlodning tabiati qanday bo‘lishini belgilab berishi va kelajakda jamiyat ijtimoiy taraqqiyotida o‘z aksini topishi shubhasizdir. Shuning uchun ham yoshlar ijtimoiy hayotini yaxshilashga qaratilgan har qanday chora-tadbirlar tizimi kelajakda o‘z mevasini berishi shubhasizdir. Shu jihatdan olib qaraganda, yoshlarga sarflanayotgan har qanday mablag‘ yurtimiz tinchligi, barqarorligi va farovonligi qolaversa taraqqiyoti uchun sarqlanmoqda deb tushunmoq lozim.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi // O‘zbekiston Respublikasining

Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma’ruzasi 07-12-2016.– Toshkent: “O‘zbekiston”, 2017.
2. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. - Toshkent: “O‘zbekiston”, 2017.
3. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat - yengilmas kuch. – T.: Ma’naviyat, 2008.
4. Sharifxo‘jayev M. O‘zbekistonda ochiq fuqarolik jamiyatining shakllanishi. –T.: Sharq, 2003.

## ЖИСМОНИЙ ЕТУКЛИК ВА ИНСОН ОРГАНИЗМИНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ

***Урганч Давлат университети тадқиқотчиси,***
***Искандаров Нурбек Шерифбоевич***

Инсоннинг филогенетик ва онтогентик ривожланиши узлуксиз жараёндир. Бу узлуксизлик жамият тараққиётига мувофиқ келади, айнан шунинг учун ҳам жамият ўзининг турли тараққиёти босқичларида етук шахсни шакллантириш муаммоларини кун тартибига қўяди ва ўзига хос тарзда, услубда ҳал этади. Тўғри, камолотга эришган шахс ҳам, тараққиётининг сўнгги чўққисига чиққан жамият ҳам йўқ, аммо бу саъй-ҳаракатларимиз беҳуда экан-да, деган фикрга олиб келмайди. Ҳар бир ижтимоий тарихий босқич бу масалаларни ечишда маълум бир ютуқларга эришади, албатта.

Инсоннинг жисмоний етуклигини маънавий етуклик билан боғлаш бизнинг субъектив хоҳишимиз ифодаси эмас. Жамият ва инсон тараққиётининг ўзи, айниқса уларнинг Бутун, Тизим тарзида ривожланиш қонунлари ушбу икки йўналишни уйғунликда қарашга ундайди.

Бугун Ўзбекистон Учинчи Ренессансга қадам қўйган. Бу шунчаки шиор эмас, у ўзининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий асосларига эга бўлиши, бутун жамият “қайта туғулиш” иштиёқи билан яшаши, етук авлодни тарбиялашни этнотараққиёт зарурати сифатида қабул қилиши зарур. Унутмаслик керакки, Биринчи ва Иккинчи Ренессанслар бир неча асрлар ўтгач эътироф этилган, бунга аввало эмпирик тажрибаларнинг умумлаштирилгани, маданий-маънавий мероснинг долзаблашуви ва уни қайта тиклаш эҳтиёжи сабаб бўлган. Биз бугун мутлақ бошқа жараёнга дуч келаяпмиз, биз бугунги ижтимоий борлиқни, ўзимиз яшаётган жамиятни,

тузумни Учинчи Ренессанс деб атаяпмиз. Президентимиз Мустақилликнинг 29 йиллигига бағишланган табрик нутқида ишлатган ушбу ибора тезда ижтимоий гуманитар фан вакиллари томонидан ўзлаштириб олинди, илмий янгилик сифатида истеъмолга киритилди. Бизнинг фикримизча, жисмоний ва маънавий етук инсон ушбу Учинчи Ренессанснинг чўққиси, энг олийжаноб натижаси бўлиши зарур. Ундаги барча ютуқлар ана шу инсонга бориб тақалади ва ундаги фазилатлар билан ўлчанади. Фалсафа фанлари номзоди, профессор, Олий Мажлис сенатининг аъзоси А.Эркаевнинг ёзишича, “Ренессанс” луғавий французча “қайта туғилиш” деган маънони англатади. Атама сифатида унинг мазмуни анча кенг: маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунликдан кейин қайтажонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради. Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассиблигидан кейин 15-16 асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган. Ренессанс аталмиш мазкур ижтимоий ҳодиса ўзбек тилига Уйғониш даври деб ўгирилган”[92]. Тадқиқотчининг Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврларига оид фикрлари Учинчи Ренессанснинг ижтимоий моҳиятини, этнотараққиёт учун қанчалик зарурлигини тушунишга ёрдам беради. Шу мақсаддан келиб чиқиб, биз этнодидактик (этнопедагогик) меросга мурожаат этишни ҳам Учинчи Ренессансга оид воқелик сифатида эътироф этишимиз лозим. Этнодидактик(этнопедагогик)мерос ҳам тарихий маданий тажрибалар маҳсули, ундаги давр ва этнотараққиёт талабларига жавоб берадиган жиҳатларни қайта тиклаш, замон билан уйғунлаштириш Учинчи Ренессансга хизмат қилади. Шу маънода А.Эркаевнинг қуйидаги фикрлари эътиборлидир: “Ҳолва деган билан оғиз чучимаганидек, Ренессанс деган билан у содир бўлиб қолмайди. Бунинг учун ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилиши, халқда руҳий кўтарилиш, қатъий иродали интилиш юз бермоғи зарур. Аввало, тушунча мазмунини аниқ очиб бериш, аҳолининг барча қатламлари, аввало ёшлар онгига етказиш керак. Ўтмиш ренессанслари даврида аждодларимиз нималарга эришганини, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини, бошқа халқлар, минтақалар ютуқлари билан таққослаб, жаҳоннинг етакчи маданиятларидан, илм-фанни, санъати ва адабиётларидан бирини, илғор ижтимоий фикру қарашларини яратганини қисқа, лўнда, дабдабали жумлаларсиз ёритиш зарур”[93]. “Алпомиш”, “Манас”ва “Гўрўғли”достонларида бош қаҳрамоннинг ажралмас ҳамроҳи, жангларда ҳалоскори ва энг яқин сирдоши сифатида отлар тилга олинади. Бу шунчаки эпизод эмас, Қорабайир, Кўкбайир, Учқир, Оқ қанот, Оқбайир,

[92] Эркаев А. Учинчи Ренессанс миллий ғоя сифатида // “Халқ сўзи”, 2020, 8 сентябрь
[93] Эркаев А. Учинчи Ренессанс миллий ғоя сифатида // “Халқ сўзи”, 2020, 8 сентябрь

ахалтака ва ёвмит отлари минтақамиз халқлари этномаданиятидан чуқур жой олган. Тарихий мисоллар кўрсатадики, Хан императори Фарғона тулпорлари учун юртимизга қўшин юборган ва кўп сонли тулпонлар эвазига орқага қайтиб кетган. Хивадаги Ичан Қалъа мажмуи ёнида Хива хонининг 15 мингдан 45 минггача жанговар, учқур тулпорлари сақланган, улар ташқи хавфғхатар пайдо бўлганида жангга ташланган. Мустақиллик арафасида ҳам Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Бухоро ва Қароқолпоқ даштларида йилқичилик йўлга қўйилган эди. Отларимиз жаҳон мусобақаларида қатнашиб келган. Кўпкари этнопедагогикада ҳар доим тилга олинган. Аммо кейинги йилларда йилқичиликка эътобор берилмади. Мутахассисларнинг фикрича, мустақиллик йилларида “ҳомийлар ёрдамида йилда икки-уч маротаба мусобақаллар ташкиллаштирилган. Шунингдек, Президентимизнинг 2021 йили Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “ ўғил болаларни эр йигитнинг қаноти бўлган от билан дўстлашиб, мард ва жасур бўлиб камол топиши учу ёшлар ўртасида от спортини оммалаштириш”, барча туман, вилоят ва республика миқёсида улоқ кўпкари, чавғон, пойга каби миллий ўйинлар ташкил этиш, “Қорабайир зотли отлар ёшларимиз учунғурур тимсолига айланиши зарур” деб тааъкидлади[94].
“Алпомиш” достонида “Эр йигитнинг оти бўлгай, Оти бирла шони бўлгай”, “Манас”да эса “Эр йигит оти билан Эл шони тойи билан” дейилади. Бизда Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси мавжуд, баъзи маълумотларга кўра, мазкур спорт тури билан 2 мингга яқин киши шуғулланади. Урбанизациялашиб бораётган шаҳарларда от ушлаш ва от спорти билан шуғулланиш оммавий спорт тури бўлиши қийин. Аммо от спорти ёки от миниб туриш инсон саломатлигига фойдали, энг муҳими у ота-боболаримиздан қолган анъана сифатида ёшларда ҳайвонот оламига меҳр уйғотади. Минг афсуски, отдан ота-боболаримиз сайр қилишда, дала ишларида, юк ташишда фойдаланганлари, халқ эртакларида эса одамнинг яқин дўсти сифатида келиши энди китоб варақларидагина учрайдиган бўлиб қолган.

Жисмоний етклик ва маънавий етуклик инсон организмининг морфофункционал ҳамда психоэмоционал жиҳатлари нуқтаи назаридан мустақил, косубстанционал воқеликлар ҳисобланади. Онтогенетик ва филогенетик ривожланишига мувофиқ эса улар бир-бирига диалектик боғлиқ. Ушбу боғлиқликка гуманистик моҳиятга эга этнопедагогик (этнодидактик) тажрибалар ва анъаналар нуқтаи назаридан қарасакгина мавзуга оид муаммолар нималардан иборатлиги аниқлашади.

[94] Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Азму шижоатли ёшларимиз билан биргаликда Янги Ўзбекситонни албатта бунёд этамиз.// “Янги Ўзбекистон”, 2021, 1 июль

Этнопедагогика (этнодидактика) жисмоний етукликни маънавий етуклик билан уйғун қарайди. Тўғри, гоҳо қаҳрамонлик эпослари ва фантастик,сеҳрли эртакларда асосий эътибор бош қаҳрамонларнинг жисмонан етуклигига, топқирлиги, чаққонлиги, енгилмаслигига қаратилади. Юзага келган вазият, тўсиқ ва ёвуз, бераҳм кучнинг тантана қилиши мумкинлиги бош қаҳрамонларни дадил ҳаракатга чорлайди. Уларда сентиментализмга берилишга вақт йўқ (“Маҳобҳорото”даги Аржуна бундан истисно, ваҳоланки, у ҳам Кришна даъватларига мувофиқ жангга киришга мажбур бўлади). Жисмоний қувват, куч ва дадиллик, мардлик ёвуз томонникидан устун, кўп бўлиши даркор, акс ҳолда бош қаҳрамонлар мағлуб бўлади, улар мурод мақсадига етолмайди. Бироқ бош қарамонларнинг жисмоний етуклиги уларнинг маънавий фазилатлари, етуклиги орқали гуманистик аҳамият касб этади. Шу туфайли улар этноанъаналарда барқарор, миллий қадриятлар сифатида яшаб келади. Бу ўринда жисмоний етуклик биринчими ёки маънавий етуклик деган савол қўйилиши мумкин эмас. Халқ табобати асрлар давомида шаклланиб, халқ саломатлигини асраш ва таъминлашга хизмат қилиб келган соҳадир. Уни замонавий тиббиётга қарши қўйиш мумкин эмас. Республикамиз Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги “ Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори бу масалага ойдинлик киритди. Унда 1) халқ табобати хизматлари кўрсатишни тартибга солувчи норматив база яратилмаган; 2) мизозлар саломатлигига зарар етказганлик учун табибларнинг жавобгарлиги белгиланмаган; 3) касалликларни олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда замонавий тиббиёт билан боғлиқ ҳамкорлик масалалари ҳалэтилмаган; 4) аҳоли халқ табобати ва унда кўрсатиладиган тиббий хизматлар тўғрисида зарур маълумотларга эга эмас, деб қайд қилинган. Қарорда халқ табобати аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча усули сифатида тан олиниши эътироф этилган.

## АНЪАНАВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТИЗИМЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФИЙ ЁНДАШУВЛАР

***Урганч Давлат университети тадқиқотчиси,***

***Искандаров Нурбек Шерифбоевич***

Жисмоний етклик ва маънавий етуклик инсон организмининг морфофункционал ҳамда психоэмоционал жиҳатлари нуқтаи назаридан мустақил, косубстанционал воқеликлар ҳисобланади. Онтогенетик ва

филогенетик ривожланишига мувофиқ эса улар бир-бирига диалектик боғлиқ. Ушбу боғлиқликка гуманистик моҳиятга эга этнопедагогик (этнодидактик) тажрибалар ва анъаналар нуқтаи назаридан қарасакгина мавзуга оид муаммолар нималардан иборатлиги аниқлашади.

Этнопедагогика (этнодидактика) жисмоний етукликни маънавий етуклик билан уйғун қарайди. Тўғри, гоҳо қаҳрамонлик эпослари ва фантастик,сеҳрли эртакларда асосий эътибор бош қаҳрамонларнинг жисмонан етуклигига, топқирлиги, чаққонлиги, енгилмаслигига қаратилади. Юзага келган вазият, тўсиқ ва ёвуз, бераҳм кучнинг тантана қилиши мумкинлиги бош қаҳрамонларни дадил ҳаракатга чорлайди. Уларда сентиментализмга берилишга вақт йўқ (“Маҳобҳорото”даги Аржуна бундан истисно, ваҳоланки, у ҳам Кришна даъватларига мувофиқ жангга киришга мажбур бўлади). Ижтимоий-тарихий вазият, юзага келган хавф уларни аввало жисмоний хатти-ҳаракатлар, куч, қувват, мардлик тимсоли сифатида эъзозлашга ундайди. Этнопедагогика, агар унга инсон саломатлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, халқ табобати (этнотиббиёт) билан ҳам боғлиқлигини кўрамиз. Халқ табобати асрлар давомида шаклланиб, халқ саломатлигини асраш ва таъминлашга хизмат қилиб келган соҳадир. Уни замонавий тиббиётга қарши қўйиш мумкин эмас. Республикамиз Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги “ Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори бу масалага ойдинлик киритди. Унда 1) халқ табобати хизматлари кўрсатишни тартибга солувчи норматив база яратилмаган; 2) мизозлар саломатлигига зарар етказганлик учун табибларнинг жавобгарлиги белгиланмаган; 3) касалликларни олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда замонавий тиббиёт билан боғлиқ ҳамкорлик масалалари ҳалэтилмаган; 4) аҳоли халқ табобати ва унда кўрсатиладиган тиббий хизматлар тўғрисида зарур маълумотларга эга эмас, деб қайд қилинган. Қарорда халқ табобати аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча усули сифатида тан олиниши эътироф этилган.

Этнотиббиётнинг ўзига хос жиҳатлари ва муаммолари мавжуд. Биринчидан, у халқимизнинг этномаданий ҳаётидан жой олган воқелик ҳисобланади. Буюк заминдошимиз Абу Али ибн Синонинг 467 та шифобахш ўсимликлардан фойдаланганлиги, улар ҳақида зарур маълумотлар қолдиргани фикримизнингг ёрқин исботидир. Иккинчидан, халқ табобатида шундай этнлопсихологик усуллар қўлланиладики, айнан улар беморда соғайиб кетишга ишонч уйғотади. Учинчидан, халқ табобати организм фаолиятига аралашиш (жаррохлик, тиғ тегизиш) тарафдори бўлмай психо ва фитотерапия билан даволаш усулларини қўллаб-қувватлайди. У инсон

организмидаги ўзини-ўзи тиклаш қувватига ишонади. Ўзбекистон ҳудудида, мутахассис лолимлар ҳисобига кўра, 4300 дан ошиқ турли ўсимликлар борлиги ўрнатилган. Уларнинг 750 туридан ошиғи шифобахш хусусиятга эга. Улардан 112 тури илмий тиббиёт учун зарур ҳисобланади, 70 таси фармацевтика саноатида ишлатилади[95]. Президентимизнинг 2020 йил 10 апрелда қабул қилган "Ёввойи ҳолда ўсуви доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш,қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда 2020 йил 26 ноябрдаги "Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгшайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорларида соҳага янгича ёндашишни бошлаб берди. Доривор ўсимликлар етиштирувчи 14 кластер ташкил этилди. Улар халқ табобатини рационал ташкил этиш, замонавий усуллар билан бойитиш, этнотиббий тажрибаларга илмийлик бахш этишга имкон беради. Илгари табиблапр мойчечак, ялпиз, тирноқгул, арслонқулоқ, чой ўти, кийик ўти, тоғ райхони, баргизуб, наъматак, дўлана, жағ жағ каби доривор ўсимликларни дала ва адирлардан, тоғ ёнбағирларидан териб келарди, энди уларни махсус етиштирувчи фермерлар ва тадбиркорлар бор. Уларга давлат томонидан ерлар ажратиб берилмоқда, 2023 йилгача солиқлардан озод қилинган.

Анъанавий соғломлаштириш тизимлари учта ёндашувни қўллаб қувватлайди: биринчиси - доривор ўсимликлар билан даволаш; иккинчиси - махсус соғломлаштирувчи жисмоний машқлар билан даволаш; учинчиси психотерапевтика усули билан даволаш. Булар шахсда жисмоний етукликни шакллантиришни мақсад қилиб қўймайди, бироқ улар инсон организмини шлаклардан тозалаши, синиқ суякларни улаши, танани коррекция қилиши, нафас йўлларини очиши, қон томирларини зарарли моддалардан тозалиши орқали уни ижтимоий ҳаётга қайтариши мумкин. Бу эса саломат юришнинг, жисмоний етуклик сари боришнинг энг муҳим йўлидир. Этнотиббиётнинг дидактик мазмуни ҳам шундадир.

Жисмоний ва маънавий етукликнинг этнопедагогик мерос билан алоқалари кишининг ўз "Мен"ини излаш жараёнида, ҳаётий идеаллар излашида ҳам намоён бўлади. "Мен" шунчаки эгоистик тушунча эмас, у, айниқса Шарқ халқларида, этноанъаналар ва этнотажрибалар таъсирида шаклланади. Ҳаётий идеал жисмоний етукликда ҳам, маънавий етукликда ҳам бўлиши мумкин. Баъзи ёшлар Алпомишдек баҳодир, довюрак ва элпарвар, баъзи ёшлар Шахбоз Турсунов, Одил Сирожиддинов, Муаттар Набиева, Зайнаб Дайибекова, Шахобидбдин Заиров, Баходир Жалолов,

[95] Қаранг: Сувонов Л. Табиатнинг ўзи шифокор // "Янги Ўзбекистон", 2021, 4 июнь

Муазизбек Мирзахалилов каби жаҳон чепионлари бўлишни исташлари табиий ҳолдир. Хуллас, шахснинг “Мени” малум бир олдийжаноб хатти-ҳаракат ёки маҳорат, мардлик, жасорат таъсирида шаклланади. Аксарият ёшлар маънавий идеал сифатида буюк аждодларимиз бадиий-эстетик ижод аҳлидан Алишер Навоий, Муҳаммад Бобир, Абдулла Қодирий, Фитрат, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, илм-фан фидойиларидан Беруний, Ибн Сино, Яхъё Ғуломов, Азизхон Қаюмов, Собир Юнусов, Суима Ғаниева кабиларни танлаши мумкин. Бироқ бу икки тоифага тааллуқли ёшлар бир бирларидан мутлақ узоқ эмас, уларнинг иккаласига ҳам жисмоний ва маънавий етуклик баб-баробар зарурдир. Тўғри, ҳаётнинг маълум бир босқичларида, ўз “Мени”ни излаётганда ушбу идеаллардан бири устуворлик қилиши мумкин. Лекин ижтимоий ҳаёт талаблари бу идеалларни йўналтирувчи бўлиб майдонга чиқади, шахснинг хатти-ҳаракатларини рационаллаштиради.

## O‘QUVCHI YOSHLARNI TABIATNI MUHOFAZA QILISH RUHIDA TARBIYALASH MUAMMOSI

**Bozorova Aziza Saidmurot qizi – Denov tadbirkorlik pedagogika instituti 1 kurs magistri**

*Maqolada o‘quvchi-yoshlarni tabiatni muhofaza qilish ruhida tarbiyalashning asosiy muammolari ilmiy tahlil qilindi. Xalqaro hamjamiyatdagi ekologik muammolarni bilan bir qatorda O‘zbekistonda tabiatni muhofaza qilish sohasidagi asosiy islohotlar haqida ham ma’lumot berildi.*

***Kalit so‘zlar:*** *ekologik muammolar, konvensiya, kelishuv, tabiat, muhofaza qilish, xalqaro hamkorlik.*

Tabiatni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi BMT ning Iqlim o‘zgarishi to‘g‘risidagi Doiraviy konvetsiya va Kioto protokoliga muvofiq, Kopengagen kelishuvi (KK-15) Xalqaro Konferensiyasiga tayyorgarlik ko‘rish davrida O‘zbekiston Respublikasining ushbu dolzarb muammo bo‘yicha munosabatini asoslash bo‘yicha tahliliy materiallar tayyorlashda va uni BMT ning ushbu Konvensiyasi Ijroviy Kotibiyatiga taqdim etishda qatnashdi. BMT ning iqlim o‘zgarishi to‘g‘risidagi Doiraviy Konvensiyasi bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasining Uchinchi Milliy axborotini tayyorlash doirasida amalga oshirilgan faoliyat bo‘yicha tahliliy materiallar taqdim etildi.

O‘zbekiston Birlashgan Millatlar Tashkiloti tizimining dasturlarida faol ishtirok etmoqda va uni muassasalari bilan hamkorlik qilib kelmoqda. Jumladan, O‘zbekiston BMTning barqaror rivojlanish bo‘yicha Komissiyasining a’zosi hisoblanadi va shu kungacha 150 dan ortiq Xalqaro Konvensiya hamda Bayonnomalarini ratifikatsiya qilgan[1].

O‘zbekiston Respublikasi Butunjahon meterologiya Tashkilotining deyarli barcha dasturlari, shu jumladan, gidrologiya, meterologiya, iqlim, axborotlar, alohida xavfli gidrometerologik hodisalar, qurg‘oqchilikni boshqarish, gidrometeorologik xavfsizlik bo‘yicha xalqaro o‘n yillikni o‘tkazish sohasidagi dasturlarning ishtirokchisi hisoblanadi, shuningdek, YUNESKOning xalqaro gidrologik dasturi hamda MDH mamlakatlari gidrometerologiyasi bo‘yicha Davlatlararo kengashi ilmiy dasturlari a’zosidir[2].

Britaniya Kengashi bilan hamkorlik “Iqlim o‘zgarishi muammolari bo‘yicha xalqaro xarakat” Dasturi tadbirlar hamkorlik amalga oshirilayotgan bo‘lib, unda Tabiatni muhofaza qilish davlat qo‘mitasining yosh mutaxassislari faol ishtirok etmoqdalar.

O‘zbekiston qator xalqaro moliyaviy muassasalar, jumladan, Global ekologik jamg‘armasi (GEJ), Xalqaro valyuta jamg‘armasi (XVJ) jahon banki (JB), Evropa Rekonstruksiya va rivojlanish banki (ERRB), Osiyo Taraqqiyot banki (OTB) va boshqalar bilan uzviy hamkorlik qiladi, ular xorijiy investitsiyalar, jahon tajribasi ham toza texnologiyalardan foydalanishni ta’minlashdek muhim masalalar yuzasidan yordam ko‘rsatadi[3]. SHular birga O‘zbekiston mintaqaviy integratsiyalash masalalarida ikki tomonlama kelishuvlar (Rossiya Federatsiyasi, Ukraina, Gruziya) asosida MDHning alohida a’zolari, shuningdek, MDHning alohida a’zolari, shuningdek MDH ijroiya qo‘mitasining yordamchi organi hisoblangan davlatlararo ekologik kengashi bilan hamkorlikda amalga oshiradi. 2015 yilgacha bo‘lgan davrda MDH mamlakatlarini rejalashtirish bo‘yicha harakatlar dasturi atrof-muhitni muhofaza qilishga oid qator tadbirlarni ko‘zda tutadi. Atrof-muhit monitoringi, ekologik xavfsizlik, smanoat chiqindilarini klassifikatsiya qilish hamda ularni ya’ni tizimda markalash va boshqalar.

Respublika EvroOsiyo iqtisodiy hamkorligi (EvroiH ), Markaziy Osiyo hamkorlik tashkiloti (MOHT), SHanxay Hamkorlik Tashkiloti (SHHT) a’zosi hisoblanadi. Mintaqada suv resurslaridan foydalanishni muvofiqlashtirish masalalariga befarq bo‘lmagan O‘zbekiston Iqtisodiy Hamkorlik tashkiloti (IHT)

---

[1] O‘zbekiston Respublikasida atrof-muhit holati va tabiiy resurslardan foydalanish to‘g‘risidagi Milliy Ma’ruza (2008-2011 yil) Toshkent, “CHENOR ENK”, 2013, 221-bet.

[2] Ekologiya xabarnomasi. 2012 yil, 5-son, 37-bet.

[3] Ekologiya xabarnomasi. 2012 yil, 5-son, 42-bet.

va Markaziy Osiyo mintaqaviy iqtisodiy hamkorligi (MOIH) singari yirik mintaqaviy tuzilmalarga a'zo[4].

Xalqaro tashkilotlar tomonidan moliyalashtirilayotgan, Tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasi ular bo'yicha milliy ijrochi agentlik bo'lgan tabiatni muhofaza qilish bo'yicha bir qator loyihalar amalga oshirildi. Jumladan:

- "Qoraqalrpog'iston Respublikasi hududidagi Amudaryo deltasida to'qay o'rmonlari va muhofaza etiladigan tabiiy hududlar tizimlarini mustahkamlash" loyihasi. Loyiha doirasida: qo'riqxona va unga tutash xududlaridagi Buxoro bo'g'ularining hisobi o'tkazildi: Nazarxon to'qayida buxoro bug'ulari uchun voler qurilishi nihoyasiga etkazildi; energiyaning qayta tiklanuvchi manbalari bo'lgan biogaz qurilmasi joriy etildi; qo'riqxona tashrif-markaz uchun binoning qayta tiklash ishlari yakunlandi; jamoa o'rmonchiligi uchastkalarida muntazam ravishda o'rmonzorlar barpo qilish ishlari o'tkazilmoqda; Qoraqalpog'iston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi bilan maktab o'quvchilarning ekologik ta'limi bo'yicha qo'shma ish rejasi tayyorlandi va amalyotga joriy etilmoqda hamda Qoraqalpog'iston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasining Axborot markazi tashkil etilib, zamonaviy anjomlar bilan ta'minlandi; bo'lg'usi Quyi Amudaryo davlat biosfera rezervati (BR)ning boshqaruv rejasi tayyorlandi; BRni tashkil etish bo'yicha hukumat qaror loyihasi tayyorlandi va u Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi hamda O'zbekiston Respublikasining mutasaddi vazirlik va idoralar bilan kelishildi.
- "Maqsadli institutsional kuchaytirish va kasbiy malakani rivojlantirish orqali Rio Konvensiyalarini joriy etish uchun milliy salohiyati mustahkamlash" loyihasi doirasida tabiatni muhofaza qilish va boshqa asosiy idoralar mutaxassislari, shuningdek, tabiatni muhofaza qilish respublika va viloyatlar jamg'armalari xodimlarining salohiyatlari va malakalarini oshirish bo'yicha bir qator treninglar, seminarlar va uchrashuvlar tashkil qilindi va o'tkazildi;
- "O'zbekiston Respublikasi qayta foydalanish uchun kollektor-drenaj suvlari sho'rlanishini kamaytirish texnologiyasini ishlab chiqish" loyihasi doirasida; analitik-tahliliy laboratoriyalarni zamonaviy uskuna va jihozlar bilan ta'minlashdi, ular asosida kollektor-zovur suvlari sho'rlanishini texnologiyasini ishlab chiqish bo'yicha Koreya mutaxassislari bilan birgalikda dastlabki laboratoriya tadqiqotlari o'tkazildi;
- BMTTD/GEJ ning "Iqtisodiy o'tish davridagi mamlakatlarda GHFU iste'molidan bosqichma-bosqich voz kechishga tayyorgarlik" mavzuidagi mintaqaviy loyihasi doirasida tegishli hisobotlar tayyorlandi va taqdim qilindi, BMTTDning mintaqaviy vakolatxonasi tomonidan ma'lumotlarni to'plash va

[4] O'zbekiston Respublikasida atrof-muhit holati va tabiiy resurslardan foydalanish to'g'risidagi Milliy Ma'ruza (2008-2011 yil) Toshkent, "CHENOR ENK", 2013, 222-bet.

qonunchilik shahri bo‘yicha tanlov o‘tkazildi va milliy ekspertlar tanlab olish o‘tkazib, sovutgich uskunalari va havoni konditsionerlash bo‘yicha xizmat ko‘rsatish va ta’mirlash korxonalarida, sanoat korxonalari, savdo, transport va boshqalarda GHFU va azonga xavfsiz moddalar iste’moli bo‘yicha bo‘yicha amaliy ishlar amalga oshirildi.

Tabiatni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi tomonidan GEJ/YUNEP bilan birgalikda O‘zbekiston uchun “Moneral Protokoli bo‘yicha majburiyatlar bajarilishi borasida iqtisodiyoti o‘tish davridagi mamlakatlarda (Ozarbayjon, Qozog‘iston, Tojikiston, O‘zbekiston) intitutsionol tarafdan mustahkamlashni qo‘llab-quvvatlashni davom ettirish” loyihasi amalga oshirilmoqda. Ushbu loyihasi doirasida OEM va tarkibida ular bo‘lgan mahsulotlar bilan noqonuniy savdo qilishning oldini olish bo‘yicha bir qator tadbirlar bajarilmoqda, milliy qonunchilikni yangilash bo‘yicha takliflar tayyorlash, jamoatchilikni xabardor qilish bo‘yicha keng faoliyat olib borilmoqda.

Xulosa sifatida aytish joizki, milliy xavfsizlikka qarshi yashirin tahdidlarni ko‘rib chiqar ekanmiz, ekologik xavfsizlik va atrof-muhitni muhofaza qilish muammosi alohida e’tiborga molikdir. Ekologik xavfsizlik kishilik jamiyatning buguni va ertasi uchun dolzarbligi, juda zarurligi bois eng muhim muammolar jumlasiga kiradi. Bu muammolar amaliy tarzda hal etilsa, ko‘p jihatdan hozirgi va kelgusi avlod turmushining ahvoli va sifatini belgilash imkoniyatini beradi.

## O‘QUVCHI YOSHLAR SHAXSINI SHAKLLANTIRISHDA MAKTAB MUZEYLARINING O‘RNI VA AHAMIYATI

**Xo‘janova Tamara Jo‘raevna – Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti**
**falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) -**
**O’zbekiston davlat san’at va madaniyat institutıı**
**4-kurs talabasi Otaxonov Umidbek Otabek o’gli**

**Annotatsiya:**

Maqola maktab muzeylarini yaratish bilan bog'liq mavjud vaziyatni tahlil qilishga bag'ishlangan, maktab muzeyining kichik yoshdagi maktab o'quvchilarining shaxsini rivojlantirishdagi roli ko'rib chiqiladi, maktab muzeylari tizimining kamchiliklari tahlil qilinadi. va ularni bartaraf etish usullari taklif etiladi.

**Kalit so'zlar**. Pedagogika, didaktika, qo'shimcha ta'lim, maktab muzeylari, shaxmat madaniyati.

Maktab muzeylarining paydo bo'lish tarixi o'tgan asrning boshlariga borib taqaladi, eng yaxshi mahalliy o'qituvchilar birinchi marta o'zlarining pedagogik amaliyotlarida tizimlashtirilgan didaktik materiallardan foydalana boshlaganlar. Tizimlashtirish turli yo'nalishlarda amalga oshirildi, har bir elementda tavsif va maqsadli karta mavjud edi.

Didaktik materiallarni tizimlashtirish sohasidagi ishlarni olim-o'qituvchi P.P. Blonskiy o'zining pedagogik nazariyasida shaxsning ijtimoiy rivojlanishi omillari sifatida o'qish va mehnat o'rtasidagi bog'liqlikka katta e'tibor bergan. Shu bilan birga, P.P. Blonskiy ko'rgazmali qurollarning katta to'plamiga ega bo'lib, ular qat'iy tasniflangan. Didaktik qo‘llanmalar to‘plamini yaratish ustida ham taniqli o‘qituvchi S.T. O'qituvchilik faoliyatini Rossiyada birinchi bolalar klublarini tashkil etishdan boshlagan Shatskiy 1917 yildan keyin butunlay qo'shimcha ta'lim sohasida ishlashga o'tdi. RSFSR Xalq Komissarligining Xalq ta'limi bo'yicha birinchi tajriba stansiyasining boshlig'i bo'lgan S.T. Shatskiy o'zaro bog'langan didaktik vositalar to'plamini yaratdi.

1990-yillarning boshlariga qadar maktablarda harbiy-vatanparvarlik muzeylari amalda yagona bo‘lgan. Ularga, qoida tariqasida, demobilizatsiya qilingan harbiy xizmatchilar boshchilik qilishgan. Eksponatlari yetarli bo‘lgan maktab muzeylariga “Xalq muzeyi” unvoni berildi. Maktab muzeylariga uslubiy rahbarlik barcha maktab muzeylari kolleksiyalarini ro'yxatga olishdan manfaatdor davlat muzeylari tomonidan amalga oshirildi. Rasmiy ravishda, bu muzey eksponatlarini saqlash uchun g'amxo'rlik sifatida e'lon qilindi. Ammo, amalda, motivlar boshqacha edi. O'sha paytda davlat muzeyining toifasi va natijada muzey xodimlarining mehnatiga haq to'lash hisobga olingan muzey fondining hajmiga bog'liq edi. Shuning uchun ham ozmi-ko‘pmi qiziqarli va qimmatli eksponatlarning aksariyati maktab muzeylaridan olib tashlandi va davlat muzeylari omborlarida saqlandi. Shunday qilib, maktab muzeylari, Mahalliy tarix fani maktab o'quv dasturidan chiqib ketdi. Ijtimoiy fanlar bilan integratsiyalashgan holda, u ko'pchilik ta'lim muassasalarining soatlaridan deyarli yo'qoldi. Sobiq o‘lkashunoslik bo‘limlari negizida endilikda yangi o‘lkashunoslik maktabi muzeylari vujudga kelmoqda. Ular maktab muzeylari soni bo'yicha uchinchi guruhda edi.

Ta'lim muassasalari tarixi muzeylari mustaqil guruhni tashkil qiladi. Tarix orqali o'zini-o'zi tasdiqlash istagi doimiy ravishda o'zgarib turadigan nomlar, raqamlar va hatto ta'lim muassasalarining maqomi sharoitida juda muhimdir. O'z ta'lim muassasasi tarixining "guvohlarini" to'plash - tez o'zgaruvchan zamonaviy dunyoda tartib va barqarorlikka intilish. Ko'rinib turibdiki, yosh avlodni o'qitish, tarbiyalash va ijtimoiylashtirishga mas'ul bo'lgan ta'lim muassasalari ushbu ichki konsolidatsiya yo'nalishidan chetda qola olmaydi.

Fan va texnika tarixi muzeylari, ayniqsa, kompyuter texnologiyalari va axborot texnologiyalari, atrofdagi dunyo haqiqatlariga bevosita munosabat sifatida vujudga keladi. Bolalar kompyuterning qo'shimchasi emas, ular axborot texnologiyalarining mohiyati va vazifalarini tushunishlari, ularning rivojlanish tarixini, barqaror ijtimoiy taraqqiyot manfaatlarida foydalanish imkoniyatlari va chegaralarini bilishlari kerak. Zamonaviy bola fan va texnologiya tarixini, xususan, kompyuterni bilishi kerak. Texnik taraqqiyot tarixidan xabardorlikni oshirish murakkab jarayon bo'lib, faqat majburiy ta'limning o'zi etarli emas. Mulohaza yurituvchi muzey-pedagogik faoliyat bu borada katta imkoniyatlar ochadi.

Mutlaqo noyob, faqat ta'lim muassasalariga xos bo'lgan bolalar ijodiyoti muzeylari. Ular, qoida tariqasida, ustaxonalar, studiyalar va turli to'garaklar o'z ichiga oladi. Bu yerda talabalar ijodiy ishlarining eng yaxshi namunalari fondi to‘ldirildi. Bunday eksponatlarning pedagogika fani uchun ahamiyatini ortiqcha baholab bo‘lmaydi, lekin eng muhimi, ular to‘g‘ri tashkil etilgan va foydalanilsa, yuksak pedagogik mahoratni talab qiladigan mukammal o‘quv va o‘quv materialiga aylanishi mumkin.

Afsuski, ta’lim bo‘limining e’tiborini ajoyib voqealar o‘ziga tortmoqda. Stol o'yinlari ta'lim bo'limining diqqat markazida emas. “Shaxmat hovlisi” festivali munitsipalitetlarga qaratilgan bo‘lib, ta’lim muassasalari ham shunday muhim tadbirdan chetda qolishdi. To'g'ri, tan olish kerakki, Moskvadagi ba'zi ta'lim muassasalarida bolalar ijodiy shaxmat va shashka uyushmalari ishlaydi. 1752-sonli gimnaziyada “Ikki qirol” shaxmat madaniyati maktabi, “Ritsar harakati” sport seksiyasi faoliyat yuritadi. Parallel gimnaziya chempionatlari o'tkaziladi. Har yili maktab o‘quvchilari ko‘zga ko‘ringan shaxmatchilar, shaxmat harakati yetakchilari bilan uchrashadi. Progimnaziyada shaxmat bo‘yicha ijodiy uyushmalar faoliyatini aks ettiruvchi buyumlar jamlangan.

Maktab muzeylarining tarbiyaviy roli vaqt sinovidan o'tgan va juda aniq. Lekin barcha davlat ta’lim muassasalarining o‘z muzeylari mavjud emas. Shu bilan birga, ba'zi maktablarda besh va undan ortiq sohalarda muzeylar tashkil etilmoqda. Hozirgi vaziyatni qanday izohlash mumkin?

Agar davlat ta’lim muassasasi ma’muriyati va professor-o‘qituvchilari muzey ishiga ishtiyoqi baland bo‘lsa, asta-sekin har bir o‘quv xonasi muzeyga aylanadi. Bunday sinflarda plakatlar va didaktik jadvallar o'rniga muzey ekspozitsiyalari paydo bo'lib, maxsus o'quv muhitini yaratadi, darsda muzey ashyolaridan foydalanish yangi ta'lim sohasi hisoblanadi.

Turli yo‘nalishlar bo‘yicha davlat ta’lim muassasalari tizimidagi muzeylar harakatining bugungi holatini o‘rgandik. Ammo maktab muzeyini yaratish va

to‘laqonli faoliyat ko‘rsatishi uchun ta’lim muassasasidagi istalgan yo‘nalishdagi muzey rahbaridan nafaqat ishtiyoq, ishtiyoq, boshqaruv organlarining buyruqlarini bajarish qobiliyati, balki kasbiy muzeyshunoslik bilimi va malakasi ham zarur. Darhaqiqat, maktab muzeylari negizida ta’lim-tarbiya ishlarini olib borish uchun nafaqat to‘g‘ri tashkil etilgan muzey jarayoni, balki kasbiy pedagogik bilim, ko‘nikma va malakalar ham zarur. Maktab muzeylari rahbarlarining aksariyatida bu yo'q.

Maktab muzeylarining kognitiv va tarbiyaviy salohiyatini ortiqcha baholab bo'lmaydi. Ammo bu potentsialni ro'yobga chiqarish, fondlar har bir aniq muzeyning tanlangan profili va mavzusiga mos keladigan jarayonlar, hodisalar, hodisalardan dalolat beruvchi haqiqiy muzey eksponatlari bilan doimiy va maqsadli ravishda to'ldirilsagina mumkin bo'ladi. Maktab muzeyi salohiyatini ro‘yobga chiqarishning yana bir sharti muzey eksponatlarini doimiy o‘rganish bo‘lib, bu jarayon, voqea va hodisalarni kolleksiya va ekspozitsiyalarda to‘liq aks ettirish uchun zarurdir.

Xulosa o‘rnida ta’lim muassasalaridagi muzey ishining bugungi holatidagi ayrim kamchiliklarni qayd etmoqchiman.

Birinchidan. Ta’lim muassasalarining ko‘plab muzeylari reja asosida, buyruq bo‘yicha, “yuqoridan” ko‘rsatma asosida tashkil etildi. Maktab muzeylari yuqoridan ko'rsatma bo'yicha emas, balki ichki ehtiyoj va ta'lim muassasasining o'zi bunday qadamga tayyorligidan kelib chiqqan holda tuzilishi kerak. Muzey madaniyati asoslarini o‘quvchilar o‘z ta’lim muassasasi muzeyida ish boshlashdan oldin ham singdirish kerak.

Ikkinchidan. So'nggi yillarda ta'lim muassasalari muzeylarining ko'plab sharhlari va tanlovlari e'lon qilinib, ular mavjud bo'lmagan muzey ijtimoiy harakatining tekisligiga o'tkazilmoqda. Jahon tajribasi ta’lim muassasalarining muzeylar tarmog‘ini yaratish bo‘yicha aynan shunday qarorga misollar bilan boy. Ammo xorijiy tajribadan ko'r-ko'rona nusxa ko'chirish zamonaviy rus haqiqatlarida samarali emas. Bu jamiyatning iqtisodiy rivojlanishining etarlicha yuqori darajasi, homiylik nufuzi va bank tizimining ishonchliligi bilan mumkin. Axir, haqiqiy, hatto juda kichik muzeyni yaratish juda ko'p miqdordagi ko'ngillilar bo'lsa ham, qimmatga tushadigan ishdir.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Blonskiy P.P. Bolalarda isbotlash psixologiyasi va uning xususiyatlari // Psixologiya savollari. 1964. No Z. S. 41-56.
2. Blonskiy P.P. Talaba tafakkurini rivojlantirish. M., 1935 yil.
3. Vaxterov V.P. Bolalar uchun ertaklar dunyo. M., 1902

# BOSHLANG'ICH TA'LIM O'QITUVCHILARINING PEDOGOGIK FAOLIYATIDA KASBIY REFLEKSIYANI RIVOJLANTIRISH

***Rahimova Gavhar Denov tadbirkorlik***

***va pedagogika unstituti  1 kurs magistri***

*Ushbu maqolada boshlang`ich ta`lim o`qituvchilarining ta`lim sifatini oshirish va pedagogic faoliyatini rivojlantiruvchi omillar tahlil qilanadi. Pedogogik faoliyatida uchraydigan muommalar va ularning echimi o`rganiladi.*

***Kalit so`zlar:*** *ta`lim, kasbiy rivojlanish, tajriba, metodlar.*

Ta’lim-tarbiya jarayonini ajdodlar tamonidan o`z bilim tajribalarni yosh avlodga o`rgatishdan iborat bo`lib, bu jarayonda asosan inson hayoti uchun zarur axborotlarni avloddan-avlodga uzatish amalga oshiriladi. Undagi ilg`or fikrlar, texnologiyalar ta’lim-tarbiya jarayoniga tadbiq etilib, yangi mazmundagi darslik, metodik qo`llamalar yaratishda milliy ma’rifiy merosimizdan keng foydalanmoqda.

Boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining malakasini oshirish tizimida metodik tayyorgarligini takomillashtirish, uzluksiz kasbiy rivojlantirishning ko‘p jihatdan nazariy yoritilishiga qaramay, jamiyat, fan va ta’limning yangi yo‘nalishlari o‘qituvchini innovatsion metodik tayyorgarligini takomillashtirish, uzluksiz kasbiy rivojlantirish zaruriyatini kuchaytiradi.

Shundan kelib chiqib, boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining metodik tayyorgarligini takomillashtirish, kasbiy rivojlantirish muammosini ilmiy jihatdan tahlil qilish natijasida quyidagi qarama-qarshiliklar mavjudligi aniqlandi:

zamonaviy ta’limni innovatsion jarayonlarga yo‘naltirish va boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining innovatsion o‘quv jarayonini amalga oshirishga doir nazariy va uslubiy tayyorgarligi o‘rtasida;

boshlang‘ich sinf o‘qituvchisini uzluksiz kasbiy rivojlantirish zarurati va mavjud holatda bu jarayonga ilmiy-metodik yondashuvlar yetarli darajada rivojlanmaganligi o‘rtasida;

o‘qitishning an’anaviy bilimga asoslangan yondashuvi va boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining metodik tayyorgarligini takomillashtirish, uzluksiz kasbiy rivojlantirishda kompetentlikka asoslangan, faol va shaxsga yo‘naltirilgan yondashuvlarni talab qiladigan ta’limdagi zamonaviy innovatsion tendensiyalar

o‘rtasida va ta’lim sohasida xalqaro tajribalar va qiyosiy tahlil natijalari va boshqa omillarga e`tibor berishligimiz maqsadga muvofikdir[96].

Hozirgi davrda pedagog va psixolog olimlar o`qituvchilarning pedagogik faoliyatida fikrlash hamda analitik qobiliyatlarni rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etishini ta’kidlarnoqdalar. Bu qobiliyatlar asosini esa, O`qituvchining kasbiy refleksiyasi tashkil etadi. Refleksiya (lot. «reflexsio» - orqaga qaytish) - «har tomonlarna barkamol rivojlangan insonning o‘z xatti - harakatlari va ularning qonuniyatlarni anglashga qaratilgan nazariy faoliyat shaklidir; inson ma’naviy dunyosining o‘ziga xos yashirin hisladarini ochib beradigan o‘z-ozini bilishga va anglashga qaratilgan faoliyatdir»[97].

Boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining metodik tayyorgarligini takomillashtirish va kasbiy rivojlantirish zaruriyatini belgilovchi bosh mezon bu inson oldiga qo‘yilgan maqsad bo‘lib, unga erishish uchun vazifalar belgilash, tashkil etiladigan faoliyatni oldindan rejalashtirish, amalga oshirish yo‘l-yo‘riqlarini tanlash va loyihalashtirish, maqsad va natijani muvofiqlashtirish zarur hisoblanadi. Demak, har bir o‘qituvchi o‘z-o‘zini kasbiy rivojlantirish uchun ma’lum darajada o‘z dunyoqarashiga, tafakkuri, tasavvuri va mavjud bilimiga, shaxsiy va kasbiy ehtiyojlariga asoslanadi. O‘qituvchilarda o‘z-o‘zini kasbiy rivojlantirish yo‘nalishida shakllantiriladigan ehtiyoj davlat va jamiyat ehtiyojlaridan kelib chiqishi lozim. Metodik tayyorgarlikni takomillashtirish va o‘z-o‘zini kasbiy rivojlantirishga bo‘lgan ehtiyoj yetarlicha shakllantirilsa, o‘qituvchilarda o‘z kasbiga oid yangiliklarni, fan-texnika yutuqlarini o‘rganishga qiziqish shakllanadi, bu o‘z navbatida o‘qituvchilarda mustaqil ta’lim olish ya’ni mustaqil o‘rganish, o‘zo‘zini rivojlantirish ko‘nikmalarini shakllantirishga, bu orqali o‘qituvchilarda metodik tayyorgarlikni takomillashtirishga xizmat qiladi. Shu bilan birga, o‘qituvchilarni o‘z faoliyatida ma’lum bir ijobiy natijalarga erishish, o‘qituvchilar jamoasida obru-e’tibor qozonish, o‘zini o‘zi boshqarish va rivojlantirish kabi ko‘nikmalarni shakllantiradi[98]. Shuningdek, o‘qituvchilarning metodik tayyorgarligini takomillashtirish jarayonida muhim ahamiyat kasb etuvchi vositalardan biri muvaffaqiyatga bo‘lgan ehtiyoj bo‘lib, bu ma’lum bir vazifani mas’uliyat bilan bajarish orqali ko‘zlangan natijalarga erishishga xizmat qiluvchi – o‘qituvchini o‘zini o‘zi kasbiy rivojlantirish ehtiyoji hisoblanadi.

Xulosa o`rnida ta`qidlash joizki, o`qituvchilarni faoliyatida kasbiy refleksiyani rivojlantirish asosiy ustovori sifatida zamonoviy texnologiyalar va asrlar davomida xalqimizning milliy qadriyatlaridan hosil bo`lgan ta`lim tarbiyaga e`tibor

---

[96] 4 Muslimov N.A. Kasb ta’lim o‘qituvchisini kasbiy shakllantirishning nazariy-metodik asoslari: ped.f.dok. ...diss. – T.:2007, -315 b.

[97] Yuldashev.M.A. Xalq ta’limi xodimlarining malakasini oshirishda ta’lim sifati menejmentini takomillashtirish: ped.fan.dok. ...diss. –T.: 2016. -309 b.

[98] Hasanboyev J., To’raqulov X.A., Ravshanov O.A., Kushvaktov N.H. Milliy pedagogikamiz tarixiy ildizlari va barkamol avlod tarbiyasi. – Jizzax: 2007.

berishimiz kerak. Bunda ta`limdagi muommalrni o`rganib ularni bartaraf etish omillarini tariximizda bo`lgan ta`lim tajribasidan olishimiz mumkin. Zero, tarixni bilmasdan, o`rganmasdan unday ruhiy, ma’naviy ozuqa olmasdan turib, kelajakda orzu umidlarga erishib bo`lmaydi. Shuningdek, xorij tajribasidan foydalangan holda boshlang'ich ta'lim o'qituvchilarining pedogogik faoliyatini rivojlasntirishimiz mumkin.

## INNOVATSION YONDASHUV ASOSIDA BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINI HUNARMANDCHILIKKA O'RGATISH KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH TEXNOLOGIYALAR

***Ro'ziyeva Dilafro'z - Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri.***

*Ushbu makolada boshlang'ich sinf o'quvchilarini hunarmandchilikka o'rgatish ilmiy va amaliy metodlar ko`rib chikildi Shuningdek hunarmadchilik kompetensiyalarini rivojlantirishda zamonoviy texnologiyalarni ahamoyati o`rganildi.*

*Kalit so`zlar: kasb-hunar, o`quvchi, ta`lim,*

Hozirgi kunda yurtimiz rivojlanishida Sharqona tarbiya mazmunini o`zida mujassam etgan ta’lim muassasalarimizdagi o`quvchi-yoshlarni o`rta asr Sharqining buyuk mutafakkirlari Xorazmiy, Forobiy, Ibn Sinolar ta’kidlaganlaridek, mustaqil fikrlashga o`rgatish va mustaqil kasb egasi bo`lish hamda ushbu jarayonlarda o`zlashtirilgan bilimlar biror bir manbadan tayyor holda olingan bilimlar bilan qiyoslaganda katta afzallikka ega ekanligini uqtirish bugungi globallashuv jarayonida o`rni muhim sanaladi.

Hozirgi davrda o`quvchi-yoshlarni kasb – hunarga yo`naltirish masalalarini dolzarblashuvi, ularning erkin va ongli kasb tanlashlari uchun ijtimoiy–iqtisodiy va pedagogik –psixologik shart–sharoitlar yaratish zaruriyati bilan izohlanadi.

O`zbekiston Respubliksi Prezidenti Sh.Mirziyoev ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy sohalardagi ishlarni yangi tizim asosida yo'lga qo'yish bo'yicha 5 ta muhim tashabbusni ilgari surgan edi.[99] Ta`qidlash mumkinki, bunda o'quvchilarini hunarmandchilikka o'rgatish kompetensiyalarini rivojlantirishi bo`yicha batafsil to`xtalib o`tganlar. Shu sababdan, shaxsda kasb tanlash va uning ijtimoiy–pedagogik asoslarini tizimli va samarali shakllantirish, o`quvchilarining kasbiy qiziqishlarni rivojlantirish muhim masala hisoblanadi.

[99] Yoshlarni tarbiyalashdagi muhim 5 ta tashabbusi https://uzdaily.uz/uz/post/5328

Bo`lg`usi kadrlarni kichik guruhlarda, yani maktabgacha ta`limdan tizimidan keyin boshlang`ich sinflardan innovatsion texnologiyalardan foydalangan holda kasb hunar o`rgatish maqsadga muvafikdir. Bunda, o`quvchilarning o`zlashtirish darajasi aniqlanib. Har bir o`quvchi-yoshlar o`z qiziqishi, qobiliyati va imkoniyatiga mos o`zlashtirishga erishish bilan bir qatorda olgan bilimlarini amalda tadbiq etib boradi. Kasbiy madaniyatni tushuntirish va tasavvurlarni shakllantirish maqsadida muammoli vaziyatlarni yechish uslubidan foydalanish ta'lim samaradorligini yanada oshiradi.

Darhaqiqat, bolaning o`zini-o`zi anglashi, qiziqishi va intilishining shakllanishi, tafakkurining o`sishiga ta'sir etuvchi metodlardan birimustaqil ishlash va erkin fikrlashga o`rgatishdan iboratdir. Ayniqsa, milliy mafkura asosida amalga oshadigan rivojlanishga yoshlarning ongli munosabatini shakllantirish o`qituvchilar, ziyolilar va keng jamoatchilik zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydi. Boshlang`ich sinflardagi o`quvchilarni qiziqishlar asosida kasbiy madaniyatning shakllantirish borasida muvaffaqiyatga erishish mumkin, agarda:

- o`quvchilarda kasbiy-madaniy munosabatlari shakllanishiga nisbatan yangicha yondashuv qaror topsa va bu jarayonda chet el tajribasidan foydalansa;
- o`quvchilarda kasbiy-madaniy munosabatlari shakllanishiga yo`naltirilgan pedagogik faoliyat mazmuni maqbul shakl, metod va vositalar tizimi asoslansa;
-o`quv-tarbiya jarayonida fanlararo aloqadorlikning ta'minlanishiga erishilsa;
- o`quvchilarning zamonaviy texnologiyalardan foydalanilgan holda qiziqishlarini bilib olib to`g`ri yonaltirish.

Biz yosh avlodga ilm-fan hamda kasb-hunarni yoshligidan o`rgatib borishimiz kerakki, zero u kelajakda buning foydasi hamda berilgan tarbiyaning to`g`riligini ongli ravishda tushunib yetsin. Bolaning o`zligini anglashda "Men" konsepsiyasini ijobiylashtirishda oila, shuningdek, ta`lim muassasalarida o`qituvchi va o`quvchi o`rtasida kechadigan muloqot xususiyatlari muhim ro`l o`ynaydi.

Ma`lumki, o`quvchi – yoshlarni kasb–hunarga yo`naltirish , ularni shaxsiy moyillik, layoqat, qiziqishlari asosida hamda jamiyat talablariga mos holda ongli kasb tanlashga tayyorlash jarayoni maqsadga yo`naltirilgan, hamkorlikdagi xususiyatga ega ilmiy – amaliy faoliyatdir.[100]

O`qituvchining qanchalik bilimli, aql-zakovatli ekanligi o`quvchilarning bir-birlari bilan va ota-onalari bilan olib boradigan muloqoti orqali namoyon bo`ladi. O`qituvchi ta'lim-tarbiyaviy jarayonda o`quvchilar ma'naviy madaniyatini shakllantirishda muloqotning cheksiz imkoniyatlaridan foydalanib ong va faoliyat birligini ta'minlashi taqozo etiladi. Ma'naviy ong o`quvchining dunyoqarashi, bilimi, his-tuyg`usi, idroki, irodasi va diqqatining majmuasi bo`lib, u

[100] .T.Omonov, N.X.Xo`jayev, S.A.Madyarov, E.U.Eshchonov "Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat" Toshkent 2009-yil

o`qituvchining pedagogik mahorati negizida ta'lim-tarbiyaviy faoliyat asosida shakllantiriladi. O`z navbatida, ong ham faoliyatga ta'sir ko`rsatadi va uni tartibga soladi.[101]

O`quv-tarbiya jarayonlarini ilmiy va metodik jihatdan mukammal tashkil etish muvaffaqiyatlar garovidir. Mashhur ingliz adibi J.Bernard Shou topib aytganidek, "Bilimga eltuvchi yagona yo`l, bu – faoliyatdir". Shuni ta`kidlash joizki, o`quv faoliyati har doim ham barkamol insonni voyaga yyetkazishga, uning ma`naviy va moddiy madaniyatini shakllantirishga qaratiladi.Shuni hisobga olgan holda hozirda davlatimiz tomonidan berilgan imkoniyatlar tomonidan ta`lim tizimida, boshlang`ich sinf o`quvchilarida zamonoviy texnologiyalardan foydalangan holda o`quvchilar uchun kichik tarbirlar va dars jaroyani yordamida hunarmandchilik o`rgatish maqsadga muvafikdir zera azaldan xalqimizda "Hunar, hunardan unar", "Hunari borning oltin bilagi bor" degan maqollar o`z ahamiyatiga ega.

## ИЛМИЙ БИЛИШДА ОНГ ВА ОНГСИЗЛИК ТУШУНЧАСИ

**Абдуносирова Ҳалима Эрдтллаевна – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти катта ўқитувчиси**

*Мақолада илмий билашда онг ва онгсизлик тушунчаси илмий жиҳатдан таҳлил қилинди. Ахборотлашган жамиятда ёшлар миллий ўзлигидан бегоналашувининг олдини олиш омиллари бири онг ва онгсизлик тушунчасининг моҳиятини англашдан иборатдир.*

***Калит сўзлар:*** *илмий билиш, онг, онгсизлик, ривожланиш, объектив дунё, объект, субъект.*

Кўпгина адабиётларда илмий билишнинг ҳаракат йўли фақатгина тўғри чизиқдан иборат эмас, балки кесимларида янглишиш ҳоллари юз бериши мумкин бўлган эгри чизиқдан иборат[102] дея таъкидланади. Яъни илмий билиш жараёнида ниҳиятда мураккаб ва мазкур жараённи таҳлили турли концепциялар асосида амалга ошади. Билиш назариясида скентизм ёндошув алоҳида аҳамиятга эга. Шу борада И.Кант илмий билиш борасидаги скептицизмга ашаддий қарши бўлган. Шу билан бирга у илмий билишнинг куч-қудрати арзимаслиги тўғрисидаги догматик уйдирмага ҳам, фаннинг

[101] A.Holidov "Pedagogik mahorat" Toshkent 2011-yil

[102] Қаранг: Свергузов А.Т. Рефлексия в структуре механизмов научного познания : Дис. ... канд. филос. наук. Ульяновск, 1996. - 150 с. Витченко Н.Н. Социально-этические и гуманистические основания научного познания : Дис. ... д-ра филос. наук. Томск, 2005. - 371 с. Полозова И.В. Метафора как средство философского и научного познания : Дис. ... д-ра филос. наук. Москва, 2003. - 346 с. Алиев Н.И. Гносеологические аспекты обоснования в научном познании : Дис. ... д-ра филос. наук. Санкт-Петербург, 2002. - 318 с.

имкониятларини сциентик баҳолашга ҳам танқидий кўз билан қараган. Шу нуқтаи-назардан келиб чиққан ҳолда фан ривожланиши учун у аввал унинг ўзи ғоявий оламдан четлашишига барҳам бериши, материя, моддий муносабатлар онгни белгилаши ҳақидаги фикридан воз кечиш лозим онг ва моддийлик борлиқнинг ажралмас, бир бутунлиги эканини англаб етиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Илмий билиш жараёнида мантиқ ва интуициянинг ҳзаро боғлиқлиги шубҳага жой қолдирмасди. XX аср фанида уларнинг ўзаро боғлиқлиги янада чуқуррoқ таҳлил қилинди ва шу асосда "мантиқий ҳулосаларни интуитив асоси аниқланди." [103] Мазкур омилларни ўзаро боғлиқлиги ва билиш жараёни асосини мазкур ёндошув ташкил этиши билан бошқа детерминантлари ҳам мавжуд.

Х.Б.Саитходжаевнинг фикрича, "Илмий билиш жараёни индивидуал даражасида интуитив ва мантиқийдир, унда зарурият тасодифият билан қўшилиб кетган, тасодиф интуиция механизмини ишга солиш учун устуворлик қилади, эҳтимолий натижа эса кейинги мантиқийлик билан тўлдирилади. Билишнинг амалий ва ижтимоий табиати унинг умумий рационал характерини ва объектив дунё мантиғи билан мос равишдаги қонуний тараққиётини таъминлайди"[104].

Мантиқий методологик асослари билан ижтимоий маданий шароит хам назарга олиниши зарур. Бу фан қадриятларда ўз аксини топади. Р.Р.Бурнашев таъкидлашича, "Фан билан шуғулланиш билиш методлари ва воситаларини эгаллаш билан бир қаторда, илмий билишга хос бўлган қадриятлар ва йўналишларнинг муайян тизимини ўзлаштиришни ҳам назарда тутади"[105]. Мазкур йўналишлар олинаётган билимлар бугун қандай амалий самара бераётганидан қатъий назар, янги ва янги объектларни ўрганишга қаратилган илмий изланишни рағбатлантириши лозим. Акс ҳолда фан ўзининг бош вазифаси – инсоннинг моддий дунёни ўзлаштириш имкониятлари чегараларини кенгайтириб, ўз даври амалиёти моддий тузилмалари доирасидан четга чиқишни амалга ошира олмайди.

Илмий билиш идеалларини махсус ўрганиш асосида Р.Р.Бурнашев "Ҳар қандай олим ҳақиқатни фаннинг олий қадрияти сифатида идрок этиб, ҳақиқатни излашни илмий фаолиятнинг асосий омилларидан бири сифатида

---

[103] Кузьицов. Б.Г. Идеалы современной науки. М. 1983. –С.31

[104] Саитходжаев Х.Б. Идея в структуре научного познания: Дис. ... канд.фил.наук; ТГПИ им.Низами; №04.94.0001335. - Т., 1994. - 142 с.

[105] Бурнашев Р.Р. Методологические проблемы изменения идеалов и норм научного познания: Дис. ... канд.филос.наук; Ин-т.философии и права им.И.М.Муминова. - Т, 1997. - 146 с.

қабул қилади. Бу омил илмий билишнинг бир қанча идеаллари ва меъёрларида, чунончи: билимни ташкиллаштиришнинг муайян идеаллари (масалан, назариянинг мантиқий изчиллиги ва унинг синовда ўз тасдиғини топганлиги), ҳодисаларни ўрганилаётган объектларнинг муҳим алоқаларини акс эттирувчи қонун ва тамойилидан келиб чиқиб тушунтиришга ҳаракат қилиш ва ҳоказоларда ўз ифодасини топади”[106]- деб ёзади. Илмий билишнинг қадрият ва йўналишлари тадқиқотлар уларнинг ўзгаришини такидлайди. Бу холни классик фан ва замонавий фан қадриятларни тахлили кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам аксарият буюк олимлар ўзларининг кашфиётлари билангина эмас, балки ўз фаолияти билан одамларнинг жуда кўп авлодлари учун янгилик ҳамда ҳақиқатга хизмат қилиш намунаси бўлганлиги туфайли маданиятда сезиларли из қолдирганлар.

Ушбу олимлар билиш жараёнининг субьектини илмий тадқиқотларида ўз аксини топади. “Илмий билиш фаолиятининг фанга хос бўлган меъёрлари ва мақсадлари, шунингдек янги объектларни ўзлаштиришни таъминловчи ўзига хос воситалар ва методларнинг мавжудлиги мутахассис - олимларни изчил шакллантиришни тақозо этади”[107]. Бу талаб «фаннинг академик тизими» - илмий кадрлар тайёрлашни таъминловчи алоҳида ташкилотлар ва муассасалар пайдо бўлишига олиб келади. Бундай тайёргарлик жараёнида бўлажак тадқиқотчилар нафақат махсус билимлар, илмий иш усулларини балки фаннинг асосий қадриятлари ва омиллари, унинг ахлоқий меъёрлари ва тамойилларини ҳам ўзлаштиришлари лозим.

Шундай қилиб, илмий билиш табиатини аниқлашда фаннинг ўзига хос белгилари тизимини фарқлаш лозим, уларнинг орасида қуйидагилар биринчи ўринда туради:

- ҳозирги замон фанининг объекларининг мураккаб тизимлилига;

- мураккаб тизим объектларни тадқиқоттида янгича ёндошувлар фалсафий категорияларини трансформациялашуви, ночизиқли тафаккурни қўллашдан иборат.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, илмий билишда фанлараро ёндашув асосан фан соҳалари туташган жойда амал қиладиган методологиянинг турли асослари ва даражаларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам фанлараро ёндашув фан методологиясининг бир қанча синтетик ва интегратив усуллар

[106] Бурнашев Р.Р. Методологические проблемы изменения идеалов и норм научного познания: Дис. ... канд.филос.наук; Ин-т.философии и права им.И.М.Муминова. - Т, 1997. - 146 с.

[107] Алексеев П.В, А.В.Панин. Теория познания и диалектика. – Москва: Высшая школа, 1991. – 383 с.

мажмуи сифатида намоён бўлади. Мазкур ёндашув комплекс илмий дастурларни амалга оширишда кенг қўлланилади.

## ТАРИХИЙ ҚАДАМЖОЛАР ВА МУҚАДДАС МАСКАНЛАРИМИЗДА ХАВФСИЗ ТУРИЗМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

**Алкаров Элдор Махмудович,**
**СамДЧТИ тадқиқотчиси**

Жаҳоннинг кўпгина ривожланган давлатларида туризм саноати ва бизнеси кенг тараққий этиши натижасида давлатнинг асосий даромад манбаига айланган тармоқ сифатида намоён бўлмоқда. Бундай туризм хизматлари Малайзия, Сингапур, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Япония, Хитой ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг иқтисодиётида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Янги Ўзбекистон ҳам ўзининг тараққиёт стратегиясида халқимизнинг тарихан буюк аждодларимиз яратиб қолдирган бой маданий мерос объектлари, улуғ авлиёларнинг қадмамжолари ва кўплаб дин вакиллар учун муқаддас саналган масканларига эга. Уларнинг жаҳон цизилизацияси тарихида тутган ўрнини яхши ўрганиш, хорижий сайёҳларнинг сонини янада кўпайтириш муҳим ижтимоий масалага айланган. Бу жараёнда миллий ва хорижий зиёратчиларнинг сонини оширишнинг ягона йўли аввало бу сайёҳлик объектларида хавфсизликни таъминлаш, халқнинг диққат-эътиборини янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу жойларда хавфсиз туризмга эътибор бериш мақсадида бугунги кунда туризм ривожланган Хива, Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Тошкент каби кўплаб шаҳарларимизда тарихий бино ва иншоатларимизнинг узлуксиз қўриқланиши таъминланган. Бу борадаги ишларимизни янада ошириш мақсадида давлатимиз раҳбари ўзининг доимий ҳаракатларини олиб бормоқдалар. Ҳар бир туризм объектининг хавфсизлигини таъминлаш билан биргаликда унинг мазмунини фалсафий дунёқараш билан бойитиш, одамларнинг энг яхши ташриф масканларига айлантириш борасида ижобий ишлар йўлга қўйилди. Шунинг учун юртимизда соҳага доир фаолиятни кучайтириш борасида Ш.М.Мирзиёев фикр билдирар эканлар, "туризм равнақи учун махсус иқтисодий ҳудудларни тузиш, туристик кластерларни яратиш, соҳага стратегик шерикларни жалб қилиш, сайёҳлик инфратузилмаси ва туризм саноатини жадал ривожлантириш, ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, миллий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уни жаҳон бозорларига олиб чиқиш борасидаги фаолиятимизни жадал ривожлантирамиз", деган эди.

Юртимизда туризм соҳасидаги ислоҳотларни ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги ПҚ-135-сон “Туризм ва маданий мерос вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, вазирликнинг ташкилий ва аппарат тузилмалари белгиланди. Бундан кўринадики, Янги Ўзбекистоннинг ислоҳотларида туризмни янги тараққиёт босқичига эришиш, айниқса, барча ҳудудларда аҳолининг талаб ва таклифларини инобатга олган ҳолда инфраструктурани янгилаш ҳамда хавфсизлик меъёрларини йўлга қўйиш бўйича алоҳида тизим ишлаб чиқилди.

Юртимиз қадимдан Шарқ билан Ғарбни бирлаштириб турган савдо йўли бўлиб, минтақада ота-боболаримиз томонидан ўзига хос Марказий Осиё маданияти, анъаналари, қадриятлари шаклланган. Ман шу ҳолат ҳам бугунги кунда халқаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда, туризм салоҳиятини оширишда алоҳида бир мактаб вазифасини ўтайди. Халқимизнинг миллий-маданий мероси ютуқлари асрлар оша янгиланиб, ҳудудда бир-биридан фарқланувчи меъморий обидаларнинг барпо бўлишга, айниқса охирги минг йилликда маданияти ва урф-одатлари билан боғлиқ қадамжоларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Буларнинг барчаси ўзига хос ислом маданияти ва меъморчилиги сифатида эътироф этилади. Мана шундай фаровонлик ва хавфсизлик ишларини буюк саркарда Амир Темур кенг кўламда йўлга қўйган. “Амир Темурнинг Хитой ҳоқони Тайцзуга йўллаган мактабида “Карвонсаройлараро йўллар очилди, йўллардаги қароқчилар йўқ қилинди, узоқ юртларга борувчилар ўзларини хотиржам ҳис этадиган бўлди”, деб таъкидлаб ўтилган. Шу билан бирга Амир Темур Самарқанддан Византия, Венеция, Испания, Франция каби Европа мамлакатларига борадиган карвон йўллари хавфсизлигини ҳам унутмайди”. Уларда хавфсизлик масалаларига ҳам бугунги кунда алоҳида жамоатчилик назорати ва давлат дастурлари асосида эътибор қаратилиб, ҳар бир муқаддас қадамжонинг зиёратгоҳга айлинишдаги ижтимоий, иқтисодий, тарихий, фалсафий ва географик омиллар бўйича “Йўл харита”лар ишлаб чиқилган.

Янги Ўзбекистонда хавфсиз туризмни ривожлантириш учун давлат ва нодавлат секторида амалий ишлар давлат сиёсати даражасида йўлга қўйилди. Натижада, одамларнинг туризм ҳақидаги қарашлари замонавий фалсафий дунёқараш билан бойиб, республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида ягни туристик зиёратгоҳлар, замонавий дам олиш масканлари бунёд этилмоқда.

Ўзбекистонда ҳудудига ислом дини кириб келганидан бошлаб, бу ҳудудда кенг ва тез суръатларда маҳаллий аҳолининг эътиқод манбаиги айланиб кетди. Бугунги кунда келиб эса ислом дини вам маданиятининг

равнақи аждодларимизнинг яратган ноёб асарларида бутун дунёга тарқалди. Ислом дунёси айни пайтда бу буюк боболаримиз яратган маънавият ва уларнинг муқадас қадамжоларини зиёрат қилиш учун юртимизга ташриф буюрмоқда. “Мамлакатларимизда туркий ва ислом цивилизациясининг тарихий ёдгорликлари, буюк олимлар, шоир ва мутафаккирлар, рассомларнинг мероси асраб-авайланади. Бу бебаҳо бойлик бутун инсоният мулки бўлиб, ундан бутун дунё баҳраманд бўлиши керак. Зиёрат туризмини фаол ривожлантириш бунга хизмат қилади. Туризм индустрияси иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида мамлакатлар ва халқларни яқинлаштиришда муҳим роль ўйнайди”. Демак, биз ислом дунёсига хизмат қилаётган аждодларимиз маънавий меросидан баҳраманд бўлган ҳолда, уларнинг зиёрат туризми сифатида Ўзбекистонни келиб кўриб кетишлари учун хавфсизликни таъминлашимиз, маънавий дурдоналаримизни жаҳонга кенг ёймоғимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда, хавфсиз туризм соҳасини ривожлантириш халқнинг реал даромадлари ошишига, давлатимизнинг иқтиосдиёти юксалишига хизмат қилади. Бунда ҳар бир фуқаро ўзининг масъулиятини чуқур англаган ҳолда маънавиятимизнинг нодир ва бебаҳо хазиналарини туризм соҳаси орқали инсониятнинг келажагига етказиши ва уларнинг миллий қадриятларини доимо эъзозлашлари даркор.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: O’zbekiston, 2021. 172-бет.
2. Обидов М. Буюк ипак йўлидаги Шинжон. - Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2017. 13-бет.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: 2020. 4-жилд. 266-267-бетлар.


## INNOVATSION FAOLIYAT O’QITUVCHI MAHORATINI OSHIRISH OMILI SIFATIDA


**Maxmitova Dilfuza Saidazimovna –**

**Toshkent to’wimachilik va yengil sanoat instituti dotsenti**



*Maqolada innovatsion faoliyat o’qituvchi mahoratini oshirish omili eksnligi ilmiy jihatdan asoslab berildi. Ta’lim jarayonida innovatsion*

*texnologiyalardan foydalanishni tashkil etishda nafaqat o'qituvchining, balki talabalarning o'quv-bilish faoliyati va uni boshqarish alohida ahamiyatga ega.*

***Kalit so'zlar:*** *innovatsiya, faoliyat, o'qituvchi, omil. Islohot, ta'lim, tarbiya.*

Respublikamizda ijtimoiy hayotning barcha sohalarida tub islohotlar olib borilmoqda. Islohotlarning asosiy g'oyasi mamlakatimizda rivojlanish va taraqqiyot yo'li deb e'tirof etilgan demokratik, insonparvar, huquqiy jamiyat barpo etish uchun xizmat qiladi. Bu esa o'z navbatida o'sib kelayotgan yosh avlod zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydi. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni (2020 yil yanhi tahriri), "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi" hamda O'zbekiston Respublikasi 1-Prezidenti I.A.Karimovning qator asar va nutqlari, chunonchi, "Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori", "O'zbekiston XXI asrga intilmoqda" nomli asarlarida mustaqil respublikada ijtimoiy tarbiyani yo'lga qo'yish maqsadi va vazifalari belgilab berilgan.[108]

"Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi"da belgilangan, joriy etiladigan ta'lim tizimida mustaqil fikrlash qobiliyatini tarbiyalashda o'quvchi va o'qituvchi munosabatini tubdan o'zgartirish, ya'ni o'quv jarayonini insonparvarlashtirish, ta'lim jarayonida yangi innovatsion texnologiyalardan samarali foydalanish masalasi o'ta muhimdir[109].

Bu esa, bevosita yoshlarning tafakkuriga, ongiga, ruhiyatiga ta'sir etish orqali amalga oshiriladi va o'z navbatida yangi pedagogik texnologiyalarni joriy etishni talab etadi.

Innovatsion faoliyatda eng muhim masalalardan biri bu - o'qituvchi shaxsidir. Bu esa ayni paytda o'qituvchidan - sermahsul ijodiy shaxs bo'lishi, kreativlikni, keng qamrovli qiziqish va mashg'ullikni, ichki dunyosi boy, pedagogik yangiliklarga o'ch bo'lishi, murakkab texnika bilan ishlay oladigan, ishlab chiqarish jarayonining mohiyatini to'la anglash imkoniyatiga ega, favqulodda ro'y beruvchi vaziyatlarda ham yuzaga kelgan muammolarni ijobiy hal eta oladigan malakali mutaxassisni tayyorlashga bo'lgan ijtimoiy ehtiyoj ta'lim jarayonini texnologik asosda, innovatsion texnologiyalardan keng va samarali foydalangan holda tashkil etishni taqozo qiladi.

Shunday ekan bu masalaning yechimi qay darajada ta'limni texnologiyalashtirish bilan bog'liq va ta'limda yangi texnologiyalardan foydalanish hususiyati qanday?

[108] Karimov.I.A . Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch. – Toshkent: «Ma'naviyat», 2008, 65-66 b.
[109] Pedagogik texnologiyalar. - Urganch 2010.

Dastlab "Innovatsiya" tushunchasiga aniqlik kiritaylik. Bu so'z (inglizcha innovation) - yangilik kiritish, yangilikdir ya'ni *muayyan ijtimoiy birlikka - tashkilot, aholi, jamiyat, guruhga yangi, nisbatan turg'un unsurlarni kiritib boruvchi maqsadga muvofiq o'zgarishlarni tushunadi.*

Tadqiqotchilar (A.I. Prigojin, B.V. Sazonov, V.S. Tolstoy, A.G.Kruglikov, A.S.Axiezer, N.P.Stepanov va boshqalar) innovatsion jarayonlar tarkibiy qismlarini o'rganishning ikki yondashuvini ajratadilar: *yangilikning individual mikrosathi va alohida-alohida kiritilgan yangiliklarni o'zaro ta'siri mikrosathi.*

Birinchi yondashuvda hayotga joriy etilgan qandaydir yangi g'oya yoritiladi.

Ikkinchi yondashuvda alohida-alohida kiritilgan yangiliklarning o'zaro ta'siri, ularning birligi, raqobati va oqibat natijada birining o'rnini ikkinchisi egallashdir.

Pedagogikaga oid adabiyotlarda innovatsiya jarayoni sxemasi beriladi. U quyidagi bosqichlarni qamrab oladi:

*1. Yangi g'oya tug'ilishi yoki yangilik kontseptsiyasini paydo qilish bosqichi, u kashfiyot bosqichi deb ham yuritiladi.*

*2. Ixtiro qilish, ya'ni yangilik yaratish bosqichi.*

*3. Yaratilgan yangilikni amalda qo'llay bilish bosqichi.*

*4. Yangilikni yoyish, uni keng tadbiq etish bosqichi.*

*5.Muayyan sohada yangilikning hukmronlik qilish bosqichi. Bu bosqichda yangilik o'zining yangiligini yo'qotadi, uning samara beradigan muqobili paydo bo'ladi. YAngi muqobillik asosida, almashtirish orqali yangilikning qo'llanish doirasini qisqartirish bosqichi*[110].

Ilmiy yo'nalishlarda yangilik va innovatsiya tushunchalari farqlanadi. Yangilik - bu vositadir: yangi metod, metodika, texnologiya va boshqalar.

V.I. Zagvyazinskiy yangi tushunchasiga ta'rif berib, pedagogikadagi yangi bu faqatgina g'oya emas, balki hali foydalanilmagan yondashuvlar, metodlar, texnologiyalardir, lekin bu pedagogik jarayonning unsurlari majmuan yoki alohida olingan unsurlari bo'lib, o'zgarib turuvchi sharoitda va vaziyatda ta'lim va tarbiya vazifalarini samarali hal etishning ilg'or boshlanmalarini o'zida aks ettiradi.

Shaxsni tarbiyalash ishi nihoyatda murakkab faoliyat jarayoni bo'lib, juda qadimdan ushbu faoliyatga jamiyatning yetuk kishilari, olim-u allomalari jalb

[110] Tolipov O'.Q. O'qituvchilar tayyorlashda yangi pedagogik texnologiyalar. – Toshkent, «Xalq ta'limi», 2000. №2.

etilgandir. Mazkur holat yosh avlod tarbiyasi, uning tashkil etilishi mazmuni nafaqat shaxs kamoloti, balki jamiyat taraqqiyotini ham belgilashda muhim ahamiyatga ega ekanligini anglatadi. Buyuk allomalarimizdan Ibn Sino bola tarbiyasida mashg'ulotlarni yangilash, almashtirib turish-ularda charchashni va qiziqishini susaytirishni oldini olishiga yordam berishini, Sa'diy ta'limda munozara uslubidan foydalanishni, Navoiy aniq va hayotiy yangiliklar bilan tarbiyalashni, Beruniy yaratiladigan har bir ishning kishi ruhiyatiga, qobiliyatiga mos, uni toliqtirmaydigan bo'lishini aytadi. Bularning barchasi zamonaviy til bilan aytganda innovatsion texnologiyalardan foydalanishning asosini tashkil etadi.

Innovatsion pedagogik jarayonning muhim unsurlari *shaxsning o'z-o'zini boshqarishi va o'zini- o'zi safarbar qila olishi hisoblanadi.* Uning eng muhim yo'nalishlaridan biri **talabalarning bilish faoliyatini rivojlantirish**.

Bunday yo'nalish kollej talabalarning o'quv ishlarini faollashtirish, ularning kasbiy ixtisoslashishini aniqlab olish faolligini o'z ichiga oladi.

O'qituvchining ijodiy individualligi esa quyidagilardan iborat:

- *intellektual - ijodiy tashabbus;*
- *bilimlar kengligi va chuqurligi intellektual qobiliyati;*
- *ziddiyatlarga nisbatan hushyorlik, ijodga tanqidiy yondashuv, vujudan yaratuvchilikka kurashchanlik qobiliyati;*
- *axborotlarga tashnalik, muammolardagi g'ayriodatiylikka va yangilikka bo'lgan his-tuyg'u, professionalizm, bilishga bo'lgan chanqoqlik (N.V.Vishnekov).*[111].

Shu tariqa o'qituvchining ijodiy individualligini shakllantirish shaxs rivojlanishi va yangilanishining dinamik innovatsion jarayoni sifatida tushuniladi.

Demak, o'qituvchi yangi pedagogik texnologiyalar, nazariyalar, kontseptsiyalarning muallifi, ishlab chiqaruvchisi, tadqiqotchisi, foydalanuvchisi va targ'ibotchisi sifatida namoyon bo'ladi.

Xulosa sifatida aytish joizki, innovatsiya jarayonlari, ularning funksiyalari, rivojlanish qonuniyatlari, mexanizmlari va uni amalga oshirish texnologiyalari, boshqarish tamoyillarining pedagogik asoslarini o'rganish kasb-hunar kollejlari o'quv jarayonini zamonaviy pedagogika hamda psixologiya fanlari yutuqlari asosida jahon standartlari darajasida tashkil etish imkonini beradi.

---

[111] Лернер И.Я. Внимание технологии обучения // Сов. педагогика. 1990, Н3. С 139.

# BOSHLANG’ICH SINFLARDA TEXNOLOGIYA FANINI O’QITISHNING XUSUSIYATLARI: DIDAKTIK ASPEKT

**Muhammadiyeva Mushtariy-Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri**

**Annotatsiya**

Maqolada didaktika nuqtai nazaridan texnologiya darsining xususiyatlari ochib berilgan, uning ta'limning boshlang'ich bosqichining boshqa darslaridan farqlari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: o'quv faoliyati, mehnat faoliyati, predmetli-amaliy faoliyat, motivatsiya, intellektual qobiliyatlar.

Texnologiya darsi didaktikaning umumiy qonuniyatlari, tamoyillari va qoidalariga bo'ysunadi. Shu bilan birga, shuni e'tirof etish kerakki, bu ta'limning boshlang'ich bosqichida uning xususiyatlari va boshqa darslardan ba'zi tub farqlari haqida gapirishga imkon beradigan juda o'ziga xos darsdir. Keling, ushbu xususiyatlarning asosiylarini qisqacha tavsiflaymiz. Texnologiya darsida bolalar bir vaqtning o'zida ikki turdagi faoliyatga jalb qilinadi: mehnat va tarbiya. Ushbu faoliyat turlarining har biri o'z motivatsiyasi va maqsadiga, o'ziga xos naqshlariga, maxsus tuzilishi va tashkil etilishiga ega. Sinfda bu faoliyatlar bir-biri bilan chambarchas bog'liq bo'lib, o'quv va mehnat faoliyati va operatsiyalarining murakkab majmuasini tashkil qiladi va bir-biriga o'zaro ta'sir qiladi. Texnologiya darsining turli bosqichlarida faoliyatning u yoki bu turi ustun rol o'ynashi mumkin. Talaba uchun eng muhimi, ish joyini kelgusi ish uchun tayyorlash: asboblarni qulay va xavfsiz joylashtirish, materiallarni to'g'ri tanlash va hk .; u o‘zining asosiy e’tibori va harakatini o‘zi qayta ishlayotgan materialning xossalarini o‘rganishga yoki o‘qituvchining har qanday texnologik jarayon haqidagi hikoyasiga yoki zarur hisob-kitoblarni bajarishga qaratadi. Doimiy ravishda bir faoliyat turidan ikkinchisiga o‘tib, o‘quvchi darsda o‘z ishining umumiy yo‘nalishini, mantiqiyligini yo‘qotmasligi, maqsad sari izchil harakat qilishi kerak. Yosh talaba uchun bu juda qiyin vazifa. Yuqoridagilarni hisobga olsak, bolalarning texnologiya darsiga jalb qilingan faoliyati ikki xil faoliyat turining xossalari va sifatini o'zida mujassam etganligini va uni haqli ravishda keng qamrovli o'quv va mehnat faoliyati deb atash mumkinligini ta'kidlash mumkin. Bu texnologiya darsining barcha boshqa xususiyatlarini va o'ziga xos xususiyatlarini oldindan belgilab beradi. Ikki xil faoliyat turining xossalari va sifatlarini o'zida mujassamlashtirgan va uni haqli ravishda murakkab o'quv va mehnat faoliyati deb atash mumkin. Bu texnologiya darsining barcha boshqa xususiyatlarini va o'ziga xos xususiyatlarini

oldindan belgilab beradi. Ikki xil faoliyat turining xossalari va sifatlarini o'zida mujassamlashtirgan va uni haqli ravishda murakkab o'quv va mehnat faoliyati deb atash mumkin. Bu texnologiya darsining barcha boshqa xususiyatlarini va o'ziga xos xususiyatlarini oldindan belgilab beradi. Dars maqsadining ikki tomonlamaligi texnologiya darsining asosiy xususiyati hisoblanadi. Bolalarning sinfdagi ishi kattalar qiladigan ish emas. O'qituvchi bolalarni sinfdagi mehnat jarayoniga kiritadi, ya'ni bu ta'lim va mehnat jarayonidir. Bunday jarayondagi har bir faoliyat turi o'zining yakuniy natijasiga qaratilgan bo'lib, bu faoliyatning maqsadidir. Mehnat faoliyati uchun bu o'ziga xos mehnat mahsuloti: bolalar ishlab chiqarish bilan shug'ullanadigan mahsulot yoki qandaydir xizmat. Ushbu mahsulotni olish ularning ushbu darsdagi mehnat faoliyatining yakuniy maqsadidir. Ta'lim faoliyati boshqa maqsadni ko'zlaydi - bolalar mehnatining mazmuni bilan bevosita bog'liq bo'lgan politexnik va umumiy bilimlarning ma'lum miqdorini o'zlashtirish; murakkab va oddiy mehnat malakalarini egallash; ba'zi ko'nikmalarni mustahkamlash va ularni mahorat darajasiga etkazish. Bu maqsadlardan qaysi biri muhimroq ekanini aniqlash mumkin emas. Bolalar uchun ularning mehnat faoliyatining natijasi (mehnatning o'ziga xos mahsuloti) yanada jozibali va shuning uchun muhimroqdir. Aynan u ularning mehnat va ta'lim faoliyatini ko'proq rag'batlantiradi, bu murakkab faoliyat uchun ustun motivlarning paydo bo'lishiga yordam beradi, ayniqsa mehnat mahsuli qiziqarli, g'ayrioddiy, yorqin, qiziqarli, chiroyli bo'lsa; agar bola mahsulotni qayerda va qanday ishlatishini bilsa, uning ishidan qanday foyda bor. Mehnat faoliyati jarayonida shakllanadigan intellektual va amaliy ko'nikmalar kichik yoshdagi o'quvchilar tomonidan maqsadli o'zlashtirilishi kerak bo'lgan ta'lim faoliyatining muhim tarkibiy qismlari sifatida qabul qilinmaydi. Bolalar uchun ular faqat kerakli, foydali narsalarni qilishingiz mumkin bo'lgan vositadir. O'qituvchi, aksincha, bolalar mehnati mahsulida, mehnat jarayonining o'zida, eng avvalo, texnologiya darsining ko'plab tarbiyaviy vazifalarini hal qilish vositalari va usullarini ko'radi. Uning uchun bolalarning o'quv va mehnat faoliyatining ta'lim, tarbiya va rivojlanish natijasi muhimroq va muhimroqdir. Bu texnologiya darsining maqsadi va mazmunini talabalar va o'qituvchilar tomonidan tushunishdagi tub farqdir. Bularning barchasi o'qituvchining texnologiya darsidagi faoliyatida bevosita namoyon bo'lib, uni sezilarli darajada murakkablashtiradi, bu quyidagi xususiyatda namoyon bo'ladi. O‘qituvchi texnologiya darsida ikkita asosiy vazifani bajaradi: tashkiliy va konstruktiv. Sinfda bolalarning mehnat jarayonini tashkil qilishda u birinchi navbatda uning aniqligi, izchilligi, izchilligi, ritmi, xavfsizligi va to'liqligi bilan shug'ullanadi. O'qituvchi mehnat jarayonining umumiy tuzilishini, uning asosiy tarkibiy qismlarini, ma'lum materiallardan muayyan mahsulot tayyorlash texnologiyasining xususiyatlarini yaxshi bilishi va shu asosda bolalar mehnatini

oqilona tashkil qilishi kerak. Bunda uning faoliyati texnolog faoliyatiga ko'proq o'xshaydi. O'qituvchi "ishlab chiqarish" boshlig'i funktsiyalarini bajaradi. Boshqa tomondan, u bolalarni nafaqat to'g'ri ishlashga, balki mehnat jarayonida zarur bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishga o'rgatadi; ufqlarini kengaytiradi; mulohaza yuritishga, isbotlashga, izlanishga undaydi; ularning ijodiy va bilish faolligini, mustaqilligi va mas'uliyatini oshiradi. O'qituvchi mehnat faoliyati asosida bolalarda doimiy aqliy va jismoniy mehnat, mehnatsevarlik, mas'uliyat, maqsadlilik, aniqlik, do'stlik va o'zaro yordam tuyg'usini shakllantiradi, ya'ni xarakter va shaxsiyatning ijtimoiy ahamiyatga ega xususiyatlarini tarbiyalaydi. xususiyatlar. O'qituvchi nafaqat bolalar mehnatini, balki unda barcha kognitiv jarayonlarni: hislar, idrok, diqqat, tasavvur, xotira, fikrlash va nutqni rivojlantiradigan tarzda tashkil etishga intiladi.

Shunday qilib, boshlang'ich maktabda texnologiya darsining umumiy xususiyatlarini tushunish o'qituvchilarga har xil turdagi darslarni loyihalashda har bir aniq dars uchun uslubiy tarkibni tanlashga ko'proq ongli ravishda yondashish imkonini beradi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Golubeva L.V., Chegodaeva T.A. Dars tahlili: tipologiya, metodlar, diagnostika. - Volgograd: O'qituvchi, 2007 yil.

2. Konysheva N.M. Kichik yoshdagi maktab o'quvchilarini mehnat ta'limi usullari: dizayn ta'limi asoslari. - M.: Akademiya, 1999 yil.

## O‘QITUVCHINING INNOVATSION FAOLIYATIDA AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINING O‘RNI

**Xurramov Jasur-Denov tadbirkorlik va**

**pedagogika instituti 1 kurs magistri**

**Annotatsiya:**

Innovatsion faoliyatning muvaffaqiyati o'qituvchining ta'lim tizimidagi turli yangiliklarning amaliy ahamiyatini nafaqat kasbiy, balki shaxsiy darajada bilishini anglatadi. Biroq, o'qituvchining innovatsion jarayonga qo'shilishi ko'pincha o'z-o'zidan, uning yangilikka professional va shaxsiy tayyorgarligini hisobga olmasdan

sodir bo'ladi. Innovatsion pedagogik faoliyatga tayyorlik - bu pedagogik maqsadlarga erishishning samarali usullari va vositalariga ega bo'lishni, ijodiy bo'lish qobiliyatini o'z ichiga olgan maxsus shaxsiy holatlarni taqazo qiladi.

**Kalit so’zlar:** ta’lim, innovatsiya, integratsiya, axborot texnologiyalari, kompetensiya

Ta’lim jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari talabalarga multimediali ma’ruzalar, elektron darslik, o‘quv dasturlari, nafaqat o‘qituvchi, balki kompyuter, internet tarmog‘i bilan muloqot qilish, bilim va ko‘nikmalarni o‘z-o‘zini nazorat qilish imkoniyatini beradi. test dasturlari yordamida. Yangi materialni o‘rganishda kollejimizning elektron o‘quv zalida mavjud bo‘lgan interfaol doska, elektron darsliklar hamda “Amaliy informatika” fanidan elektron qo‘llanmadan foydalaniladi.

Kompyuterlar turli ob'ektlar, holatlar va hodisalarning modellarini qurish va tahlil qilish imkonini beradi. Masalan, LSOSLV grafik tizimi uchun o'quv dasturidan foydalanib, talabalar geometrik ob'ektlar qanday qurilganligini tasavvur qilish imkoniyatiga ega. Ular dastur interfeysi, chizmalarni yaratish va tahrirlash vositalari bilan tanishadilar, murakkab uch o'lchamli figuralarni qurishni o'rganadilar. Talabalar o'quv qo'llanmasini materialni to'liq tushunishlari uchun qancha marta kerak bo'lsa, shuncha ko'rishadi. Multimedia o‘quv kursida o‘quvchilarga o‘zini sinab ko‘rish imkonini beruvchi amaliy topshiriqlar mavjud. Shuningdek, kompyuter talabalarning o'qishga bo'lgan ishtiyoqini oshiradi, laboratoriya ishlarini bajarishda CAD AutoCAD, 3ds uchun uslubiy qo'llanmalardan foydalaniladi. MAX, CorelDraw. CorelDraw laboratoriya qo‘llanmasi neft va gaz sanoati mutaxassisliklari bo‘yicha amaliy mashg‘ulotlar o‘tkazish uchun mo‘ljallangan. CorelDraw to'plami juda ko'p sonli sozlamalar, asboblar, menyularga ega, shuning uchun laboratoriyada tasvirlangan aniq misollar yordamida uning imkoniyatlari bilan tanishish talabalarimizga dasturni tezroq o'rganishga yordam beradi.

Bugungi kunda mehnat bozori kollej bitiruvchilaridan nafaqat zamonaviy ishlab chiqarishning o‘ziga xos xususiyatlarini bilish, balki kompyuter texnologiyalarini mukammal bilish, ishlab chiqarish muammolarini hal etish ko‘nikmasiga ega bo‘lishni ham talab qilmoqda. Shuning uchun men o'z amaliyotimda chizmalarni bajarishda maksimal aniqlikni ta'minlaydigan va ko'plab jarayonlarni avtomatlashtirish orqali vaqtni tejashni ta'minlaydigan Kompyuter yordamida loyihalash tizimlaridan foydalanaman. Yangi materialni o'rganishdan oldin bilim yangilanadi. Shunday qilib, keyingi mavzularni o'rganib, siz bir necha bor oldingi materialni takrorlashga qaytishingiz mumkin, bunday o'rganish talabalarga o'quv materialini chuqur o'zlashtirishga imkon beradi.

Dialogik qismni tashkil etish jarayonida bajarilgan laboratoriya ishi, talabalarning turli tadbirlarda ishtiroki, bilimlarning oraliq va yakuniy nazorati, eng muhimi, loyiha ustidagi izchil ishlar baholanadi. Har bir darsda bolalar AutoCAD tizimi haqida yangi narsalarni o'rganadilar, oldingi materialni takrorlaydilar va shu bilan o'zlarining loyiha chizmalarini kerakli tafsilotlar bilan to'ldirishlari mumkin.

Yakuniy qism o'rganilayotgan butun bo'limni umumlashtirish va loyihalarni himoya qilish bo'yicha ishlarni tashkil qilishni o'z ichiga oladi. Loyiha usuli talabalarga o'z faoliyatini rejalashtirish, tashkil etish va nazorat qilishda mustaqillik ko'rsatishga, loyihalarni amalga oshirishda ijodkorlik ko'rsatishga imkon beradi. Loyihalarni himoya qilish orqali talabalar muammoni hal qilish qobiliyatiga ega bo'ladilar, axborot, kommunikativ kompetentsiyani, hamkorlikda ishlash qobiliyatini, bir-birini tinglash, empatiya va boshqalarning muvaffaqiyatlaridan zavqlanish qobiliyatini rivojlantiradilar.

Talabalar tomonidan bajarilgan ishlarni baholash, loyiha faoliyati shu bilan tugamasligi - murakkab chizmalarni umumlashtirish, taqqoslash va bajarish qobiliyati kelajakda ishlab chiqarishda amaliyot o'tashda, shuningdek, kurs va diplom loyihalashda zarur.

O‘quv jarayonida AKTdan foydalanish o‘quvchilarning bilim olishga qiziqishini oshirishga, o‘quvchilarning axborot kompetensiyasini shakllantirishga yordam beruvchi yangi avlod ta’lim texnologiyalarining paydo bo‘lishiga olib keldi. Keyingi yo‘nalish – ilmiy-tadqiqot ishlarida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari. Ilmiy-tadqiqot ishlarida axborot texnologiyalaridan foydalanish talabalarga turli ijodiy loyihalarda o'zlarini amalga oshirishga imkon beradi, ularning keyingi kurs va bitiruv loyihalari bilan ishlashlarida yordam beradi. Talabalarning AKTdan foydalangan holda ilmiy ijodkorligi tobora muhim ahamiyat kasb etadi va kelajakdagi mutaxassislarni kasbiy tayyorlashning zaruriy tarkibiy qismlaridan biriga aylanib bormoqda. Innovatsion pedagogik faoliyat sinfdan tashqari ishlarda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishda ham shakllanadi. O'quv faoliyatining davomi bo'lgan darsdan tashqari mashg'ulotlar dasturiy vositalarni ishlab chiqarish, kollej veb-sayti bilan ishlashda qo'llaniladi. KVZ kabi mashhur an’anaviy tadbirlar, ko‘ngilochar kechalar, interfaol doskadan foydalangan holda kompyuter grafikasi sharhlari, multimedia texnologiyalari o‘quvchilarning axborot kompetensiyasini shakllantirishga xizmat qilmoqda. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari kollej oldida turgan ta’lim muammolarini hal etishda katta imkoniyatlar yaratadi; darsdan tashqari mashg'ulotlar tufayli talabalarning kelajakdagi kasbiy va ijtimoiy faoliyatida shaxsiy va kasbiy muvaffaqiyatlariga yordam beradigan zarur ijtimoiy ahamiyatga ega fazilatlar shakllanadi.

AKT vositalaridan foydalanishning sanab o'tilgan usullari o'quvchilarning kognitiv faolligini oshirishga xizmat qiladi, darsning didaktik vazifalarini hal qilishga hissa qo'shadi. AKT vositalari va usullariga asoslangan innovatsion pedagogik faoliyat kelajakdagi raqobatbardosh mutaxassislarning axborot malakasini oshirishga qaratilgan.

## ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Akulenko B.J.I. Malaka oshirish tizimida fan o‘qituvchisining AKT-kompetentsiyasini shakllantirish // Ta’limda yangi texnologiyalarni qo‘llash: XV stajyor materiallari. konferentsiyalar. Troitsk, Trovant, 2004. - S. 344-346.

2. Goryachev A.V. “Maktab 2100” ta’lim tizimida axborot savodxonligini shakllantirish. Elektron resurs. URL: www.school2100.ru

# BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARI BILAN INTERFAOL O'YIN TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANIB TA'LIM BERISH USULLAR

***Nosirova Dilnoza Sobirovna -Denov tadbirkorlik va pedagogika unstituti o‘qituvshi***

*Maqaloda boshlang`ich sinf o`quvchilariga ta`lim tarbiyasiga bo`lgan etibor va bu jarayondagi zamanaviy metodlardan foydalanishning ahamiyati o`rganiladi. Shu bilan birga, interfaol o`yin texnologiyalarning maktablarda qo`lanillishi va ularning ta`lim jarayoniga ta`siri ta`tbiq etaladi.*

***Kalit so`zlar:*** *interfaol metodlar, ta`lim, o`quv jarayoni, ta`lim texnologiyalari.*

Bugungi kunda rivojlangan mamlakatlarda talabalarning o'quv va ijodiy faolliklarini oshiruvchi, ta'lim-tarbiya jarayonining sifati, samaradorligini kafolatlovchi pedagogik texnologiyalarni qo'llashga doir katta tajriba to'plangan bo'lib, bu tajriba asosini interfaol metodlar tashkil etmoqda. Bu kabi metodlar o'z mohiyatiga ko'ra ta'lim oluvchilarda o'quv-bilish faolligini oshirish, ularni kichik guruh va jamoada ishlash, o'rganilayotgan mavzu, muammolar bo'yicha shaxsiy qarashlarini dadil, erkin ifodalash, o'z fikrlarini himoya qilish, dalillar bilan asoslash, tengdoshlarini tinglay olish, g'oyalarni yanada boyitish, bildirilgan mavjud mulohazalar orasidan eng maqbul echimni tanlab olishga rag'batlantirish imkoniyatiga egaligi bilan alohida ahamiyat kasb etadi

Ta'lim tizimiga pedagogik texnologiyalarning innovatsion metodlari keng ko'lamda kirib kelmoqda. Mazkur usulning eng muhim jihati shundaki, u o'quvchilarni faollashtiradi, fikrni mustaqil ifodalash, tanqidiy fikr yuritish, tahlil

qilish, xulosa chiqarishga o'rgatiladi. Ma'lumki, an'anaviy ta'lim uslublaridan farqli o'laroq, bu usul o'qituvchi bilan o'quvchining darsda keng, ayrim o'rinlarda o'quvchining o'qituvchidan ham faolroq ishtirok etishini taqozo etadi.

Boshlang'ich sinf o'qituvchilarining vazifasi kichik maktab yoshidagi o'quvchilar ongiga milliy g'oyani singdira olish muammosini hal qilishdan iborat. Yaqindagina maktab ostonasiga qadam qo'ygan o'quvchi milliy g'oya tushunchasi nima ekanligini tushunib etmaydi. Shu sababli o'qituvchilar ta'lim-tarbiya jarayoniga innovasion texnologiyalarni jalb etib, didaktik o'yinlar asosida tashkil etish maqsadga muvofiqdir. Natijada boshlang'ich sinf o'quvchilari ongiga vatanparvarlikni o`rgatish ko'rsatgichlari ortadi. Buning uchun boshlang'ich sinf o'qituvchilari quyidagilarga rioya qilishi kerak:

- innovasion usullarni tanlash, to'plash va qo'llashni bilish;
- ma'lumotlar, faktlar va axborotlarni tayyorlashda yangilikni birlamchi asos sifatida qabul qilish;
- izchil ravishda yangiliklarga amal qilib borish va boshqalar[112].

Ta’lim metodlarini tanlashda har bir darsning didaktik vazifasidan kelib chiqib tanlash maqsadga muvofiq sanaladi. An’anaviy dars shaklini saqlab qolgan holda, unga turli-tuman ta’lim oluvchilar faoliyatini faollashtiradigan metodlar bilan boyitish ta’lim oluvchilarning o`zlashtirish darajasining ko`tarilishiga olib keladi. Buning uchun dars jarayoni oqilona tashkil qilinishi, ta’lim beruvchi tomonidan ta’lim oluvchilarning qiziqishini orttirib, ularning ta’lim jarayonida faolligi muttasil rag`batlantirilib turilishi, o`quv materialini kichik-kichik bo`laklarga bo`lib, ularning mazmunini ochishda aqliy hujum, kichik guruhlarda ishlash, bahs-munozara, muammoli vaziyat, yo`naltiruvchi matn, loyiha, rolli o`yinlar kabi metodlarni qo`llash va ta’lim oluvchilarni amaliy mashqlarni mustaqil bajarishga undash talab etiladi. Bu metodlarni interfaol yoki interaktiv metodlar deb ham atashadi[113].

Interfaol oyinlar va yangi metodlar deganda-ta’lim oluvchilarni faollashtiruvchi va mustaqil fikrlashga undovchi, ta’lim jarayonining markazida ta’lim oluvchi bo`lgan metodlar tushuniladi. Bu usullarni qo`llanilganda ta’lim beruvchi ta’lim oluvchini faol ishtirok etishga chorlaydi. Ta’lim oluvchi butun jarayon davomida ishtirok etadi.

Bugungi kunda respublika ta’lim muassasalarida interfaol ta’limni tashkil etishda quyidagi eng ommaviy texnologiyalar qo`llanilmoqda:

**1. Interfaol metodlar:** “Keys-stadi” (yoki “O`quv keyslari”), “Blits-so`rov”, “Modellashtirish”, “Ijodiy ish”, “Munosabat”, “Reja”, “Suhbat” va boshqalari.

---

[112] O'.Tolipov, M.Usmonboeva. Pedagogik texnologiya: nazariya va amaliyot. T.: "Fan", 2005.

[113] D. Ro'zieva, M. Usmonboeva, Z. Holiqova. Interfaol metodlar: mohiyati va qo'llanilishi. TDPU, T., 2013.

**2. Strategiyalar:** “Aqliy hujum”, “Bumerang”, “Galereya”, “Zig-zag”, “Zinama-zina”, “Muzyorar”, “Rotatsiya”, “T-jadval”, “Yumaloqlangan qor” va b.

**3. Grafik organayzerlar:** “Baliq skeleti”, “BBB”, “Kontseptual jadval”, “Venn diagrammasi”, “Insert”, “Klaster”, “Nima uchun?”, “Qanday?” va boshqalar[114].

Xulosa sifatida ta`qidlash joizki, bugungi kunda O`zbekistonda ta'lim jarayonining sifatini oshirish, samaradorligini takomillashtirish borasida salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda. Bu borada xorijiy davlarlardan va milliy qadriyatlarimizdan boy tajriba to'plangan bo`lib. Ta'lim jarayonining samaradorligini ta'minlash borasida to'plangan mavjud tajribalar orasida interfaol ta'lim texnologiyalar alohida o'rin tutmoqda. Interfaol ta'lim texnologiyalar turli murakkablikdagi o'quv materiallarini juftlikda, kichik guruhlar va katta guruhda talabalar tomonidan birgalikda, o'zaro o'zlashtirish imkonini beradi. Bu esa talabalarning bilish imkoniyatlarini oshiradi va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantiradi.

## MAXTUMQULI FIROG`IY QARASHLARIDA YOSHLARNI KOMILLIK SARI YETAKLSHNING ASOSIY MEZONLAR

Urganch Davlat Universiteti. Pedagogika va psixologiya

kafedrasi o`qituvchisi Aziza Raximova

Bugungi kunda jamiyatimizdagi olib borilayotgan barcha isloxotlar zamirida albatta yoshlarni ma`naviy ahloqiy jixatdan tarbiyalash asosiy o`rinda turadi. Shu jumladan Maxtumquli asarlari negizida xam yoshlarda ma’naviy-axloqiy fazilatlarni shakllantirishning psixologik-pedagogik xususiyatlari, komillik va o’zaro hamjihatlik g’oyasining yoshlar faoliyatidagi namoyon bo’lishining asosiy jixatlarini o`rganishda bu boradagi egallagan bilmlarimiz asosiy mezon xisoblanadi .

Maxtumquli birdamlikni erkin, osoyishta turmush qurishning asosiy va birinchi shartlaridan biri, tinch va osoyishta hayot garovi deb bilgan. U bu yorqin g’oyalarni amalga oshirish uchun “bir odam yig’ilishi kerak” degan g’oyani ilgari surdi. Maxtumqulining o’zi hurmat qilgan, e’tiqodini oqlay oladigan ba’zi odamlar bilan yaqin bo’lganligini ko’rsatadi.

Maxtumquli o’z millatini, vatanini ezgu din sifatida ko’ribgina qolmay, o’z mustaqilligini saqlab qolish, kerak bo’lsa jonini ham fido qilish kabi vatanparvarlik

[114] Boshlang`ich sinflarda o`quv mativlarining xususiyatlari / J. A. Bekmuradova. —Молодой ученый. — 2020.

g’oyalarini ilgari surdi. Binobarin, u yigitning mardlik va jasoratini Vatan manfaati, xalq manfaati bilan bog’laydi. Shu munosabat bilan u xalqning erkin hayoti uchun mardonavor kurashgan yigitlarni ulug’lab, qora hirsga xizmat qilgan qo’rqoq va qo’rqoqlarni qattiq qoralaydi.

Maxtumquli o’zining Vatanga sadoqatini, el-yurtga sadoqatini, xalqqa fidokorona xizmatini jamiyat go’zalligini, inson kamolotini, beparvolikni targ’ib qiluvchi mayoq, deb biladi. Maxtumquli o’z she’rlarida xalqning kuch-qudratini madh etgan. Tabiat bilan mustahkam bog’lanish natijasida shoirda vatanparvarlik tuyg’usi chuqur va kuchli shakllanadi. Bular uning she’rlarida shoir ma’naviy olamining muhim ustunlaridan biri sifatida alohida ajralib turadi. Maxtumquli vatanga sadoqat va muhabbatni inson kamoloti, uning ma’naviy go’zalligi deb bilgan. U o’z she’rlarida birlashgan turkman davlatini tuzishga da’vat etadi, she’rlarida esa omma kuchini madh etadi. Shoir chinakam vatanparvarlar aholining katta qismini tashkil etishini yaxshi tushunadi. Hamjihatlik – bir yo’l (fikr – yo’l) ketayotganlar demakdir, men boshqa hech narsani bilmasdim, lekin qalbning fundamental tarixiy masalalarida Maxtumqulining yo’li Go’ro’g’linikidan biroz farq qiladi. Hamjihatlik ma’naviy ma’noni anglatadi, ammo ularning har biri turkman ruhining boshlanishini anglatadi. Yana bir muammo shundaki, bu ma’naviy tashabbuslarning mazmunini "yomon" yoki "yaxshi" shaxsiy qadriyatning tor doirasiga qo’yib bo’lmaydi. Hayotiga kelsak, farq yanada hayratlanarli: Go’ro’g’lining hayoti jilovi yo’q erkalik selidir, Maxtumquli esa tizgin quroli bo’lgan davlatni orzu qilgan.

Xo’sh, yuqoridagi banddagi Go’ro’g’laning munosabatini qanday izohlash mumkin? Ruhning rivojlanishida shunday qonuniyat mavjud: - har qanday yangi hodisa (munosabat, ta’limot, tamoyil) mazmunining yangiligi eski, eski hodisalarda umuman hech narsa yo’qligida emas, balki uning ichida nima borligidadir. Maxtumquli uchun Go’ro’g’li maqsad sari intilishning o’rnakidir, lekin maqsadning o’zi emas. Uning uchun, jumladan, “Yor, senden” she’ridagi telvalar (ideal) Xudoning ma’naviy-intellektual izlanishlariga erishishdir. U dunyoning poydevori va ustunlarini qidiradi. Holbuki, u bu ishlarga parvo qilmaydigan Go’ro’g’lidan farq qiladi. Bu yerda bir-biri bilan foydalanish uchun birlashtirish qanday. Go’ro’g’li uchun haqiqiy hayot hayot, hayotning o’zi esa jang maydonidir. Shunday qilib, u jang maydonida vafot etadi.

Maxtumquli uchun hayotning mazmuni jang maydoni emas, u hayotga boshqacha qaraydi. Jang maydoni Maxtumquli hayotining eng kichik lahzalaridan biri, tarix fasllaridan biridir. Uning hayoti mazmunining qolgan to’qson to’qqiz foizi boshqa mazmun bilan banddir. Binobarin, ma’naviy-axloqiy mazmun shoir ijodida asosiy o’rinni egallab, qalb kamoloti, insonning asosiy hayot quroli qilich emas, urush

ekanligini tasdiqlovchi ruhiy tamoyilga erishish bilan bog'liq masalalarga e'tibor qaratadi. Shu bilan birga, qilich, qurol, ot falsafalarining mazmuniga o'zgartirishlar kiritadi.

Maxtumquli qarashlaridagi urush, ot, qurol-yarog' haqidagi she'rlar bir qarashda a'zamdek ko'rinmaydi. Uning to'liq urush mavzusiga bag'ishlangan "Menga kalla kerak" she'rida shoir jangga kirgan mard yigitning ta'sirchan qiyofasini xuddi tirikdek mahorat bilan tasvirlay olgan. Bugun butun insoniyat buyuk faylasuf va gumanist shoir she'riyatidan ulkan ishtiyoq va ma'naviy quvvat oladi, turkman donishmandining ijodiga katta hurmat bilan qaraydi.

Nasihat she'rlari shoir ijodida kishilarda yaxshi fazilatlarni tarbiyalashda muhim o'rin tutadi. Bu mavzuda Maxtumquli "Joniga tegmaydi", "To'xtaysan", "Yursan", "Xalq yaxshi", "Qiyin bo'ladi", "Bo'lasan" kabi o'nlab she'rlar yozgan. Bo'l", va "Ajralma". Shoir bu she'rlarida noinsof, qo'rqoq odamlarni masxara qiladi, ularga olijanob tarbiya beradi, ularni mardlikka, or-nomusli bo'lishga chorlaydi. Shoir yaxshi xislatlarni gapirganda, yomon sifatlarni qoralaganda targ'ibot usulini qo'llaydi. Magtimguli ezgulik insonning ziynati, deb tushungan.

Ijtimoiy tengsizlik mavzusi: Ijtimoiy tengsizlik masalasi Maxtumquli ijodidagi eng muhim mavzulardan biridir. Bu mavzuda yozgan "Salar qushi aytolmas", "O'zi boshladi", "O'tib ketdi", "Baxtli bo'ladi", "Odamlar seni izlar", "Qaytibdi" kabi she'rlari bor. ", "Uning oltini bo'lmasa", "Buyuk davr kelmadi" .

Vatanparvarlik, qahramonlik lirikasi: Vatanparvar shoir Maxtumqulining qahramonlik, millat, birlik, birlik haqidagi she'rlari uning ijodida muhim o'rinlardan birini egallaydi. Bu mavzuda Maxtumquli «Turkman" , «Tepalik nima, tekislik nima", «Buni oldindan aytib bo'lmaydi", «Ko'z yoshlarimiz to'kildi", «Ketmang", «Menga ko'zlar kerak", "Menga bosh kerak", "Menga jasorat kerak" bo'lmaydi. Maxtumquli chinakam vatanparvar sifatida turkman yurti, uning go'zal tabiati, boyligi, mard yigitlari bilan faxrlanardi.

Maxtumquli tarqoq turkman qabilalarini birlashtirib, mamlakat mustaqilligiga, xalqning tinch-totuv yashashiga erishish mumkin, degan xulosaga keldi. Bu g'oya shoirning "Turkman", "Döker bo'ldik yoshimiz", "Turkman binosi" kabi she'rlarida o'z ifodasini topgan. Maxtumqulining vatanparvarlik, qahramonlik mavzuidagi asarlari ham tarixiy aniqligi, aniq mazmuni, badiiy obrazlarga boyligi bilan ajralib turadi.

Xulosa o'rnida aytishimiz mumkinki haqiqatdan ham Maxtumquli she'rlari tog' bag'ridan qaynab chiqqan zilol chashmaning suvi kabi musaffodir. Ular lola-rayhonli, gul-lolali bog'-bo'stonning muattar hidi kabi barq urib, ko'ngilni zavqu shavqqa to'ldiradi. Bo'g'in-bo'g'inlarni bo'shashtirib, yuraklarni yayratgan

dutorning mayin va dil o'rtar nolasi kabi hayajonga soladi. Maxtumquli yashagan zamon nihoyatda og'ir va murakkab bir davr edi. Shu davrning ma'naviy havosidan nafas olgan shoir kuchli larzalarning, turli hodisalarning girdobida kuyib-pishib yashagan. U jamiyatni, hayotni, odamlarni teran tushungan, insoniyat erishgan dunyoviy va diniy tasavvufiy ilmlarni chuqur o'zlashtirgan, ma'naviy kamolotga erishgan komil zot bo'lgan. Mutafakkir umuminsoniyat baxtu saodati uchun jon kuydirib yashagan chog'ida o'sha davrda dunyoning turli burchaklariga sochilgan, mustaqil davlati bo'lmagan turkman xalqini hamjihat bo'lishga, yagona davlat atrofiga jipslashishga, milliy birdamlikka chaqiradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1 O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi: Toshkent – 2010 y.

2 "O'z yurtingdan ayrilma" saylanma Yansi asr avlodi – 2018 y.

## ИСЛОМ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИДА МУСУЛМОН АЁЛЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

**Жуманиязова Махира Рахимберган қизи**

**УрДУ, тадқиқотчиси,**

Инсон - онгли мавжудот, у ўзининг ижтимоий ва фуқаролик вазифаларига эга. Демократик ҳуқуқий давлат ва гуманистик қадриятларга таянадиган жамият хотин-қизларни алоҳида "каста" қилиб қўя олмайди. Уларнинг ижтимоий ҳаётда ва жамиятни янада инсонпарварлаштириш ва модернизациялаш жараёнларида қатнашиши тараққиёт талабидир. Аҳолисининг ярмидан кўпи хотин-қизлар бўлган жамият уларни ислоҳотларга жалб этишга, уларнинг жисмоний ва интеллектуал кучидан фойдаланишга мажбур. Бу ўринда ҳатто аёлнинг эркакка физиологик нотенглиги эмас, балки умумижтимоий тараққиётнинг шахс, гуруҳ, ҳатто миллат манфаатларидан устун келувчи, жинслар ва улар ўртасидаги нотенглик ҳақидаги фикрларни четга суриб қўювчи глобал қонунлари борлигини эслашга тўғри келади. Дин ва диний трансцендентал қарашларни мутлақлаштириш умумижтимоий, глобал тараққиёт қонунларини тор соҳага олиб кириш, барча тасаввурлар ва фаолиятлар турларини якка трансцендент орқали асослашга интилиш, натижада ижтимоий ҳаётдаги ранг-баранглик ва фикрлардаги плюрализмни илғамаслик, рад этиш билан баровардир. Инсон, жинсидан қатъий назар, қотган тасаввурлар, тушунчалар, ҳатто турғун ҳаёт тарзи билан яшай олмайди, бугунги глобал ўзгаришлар уни, динамик тарзда,

янгиланиб, ижтимоий ҳаёт талабларига мувофиқлашиб яшашга ундайди. Динамизм нафақат ижтимоий муносабатларга, шунингдек, улар ичида яшаётган субъектлар - давлат, корпорация, таълим муассасалари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, динга ҳам тааллуқлидир. Мавзумиздан келиб чиқсак, хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга, ўзининг саломатлигини таъминлашга бўлган интилишларини исломдаги талқинлари ўрганилиши керак.

Абу Толиб Ибн Али эслайди: "Вақти-вақти билан ақлларинингизга дам беринг, чунки чарчаган ақл сўқир бўлади". Унга Абул Дард қўшимча қилади: "Мен юрагимга нимадир енгил нарса билан дам бераман, шу тарзда у Ҳаққа хизмат қилишда куч беради"[115]. Манбалардан маълум бўладики, ислом кишилар руҳий етуклик ҳақида қандай қайғуришса, жисмоний етуклик ҳақида ҳам шундай қайғуришлари даркор. "Пайғамбар ўз издошларига яхши ҳолатда, ҳар қандай пайтда хатти-ҳаракатга тайёр бўлишлари учун турли спорт машқлари билан шуғулланиб юришни маслаҳат берган. У айниқса камондан отиш, отда чопиш ва сувда сузишни қўллаб-қувватлаган. Ҳадислардан маълумки, унинг ўзи югуриш мусобақаларида қатнашган, хотини Ойша билан отда чопган, шунингдек, Ойшага тош отиш машқларини томоша қилишга рухсат берган. Бундай машқлар масжид ҳудудида уюштирилган, уларни Пайғамбар уйидан томоша қилиш мумкин бўлган. Ушбу эпизодлар кўрсатадики, барча мусулмонлар ўзини яхши жисмоний ҳолда сақлаши, мусулмон аёллар эса, агар ғайриахлоқий, ислом анъаналари ва тарбибларига қарши бўлмаса, спорт томошаларини кўриш ҳуқуқига эга бўлган. Масалан, мусулмон аёли спорт мусобақаларини томоша қилиш учун эри ёки бошқа яқин бир эркак билан бориши мумкин эди. Яхшиси унга эри ёки маҳрам эркак билан, ёки таниш кишилар гуруҳи билан боришга рухсат этилган"[116]. Замонавий нуқтаи-назардан бу тартиблар бир оз ғалати кўринади. Бугун спорт томошаларини кўришга эридан рухсат сўраш, айрим спорт турлари билангина шуғулланиш, спорт залларига қатнашда аёл ўзининг маънавий эҳтиёжлари ва қизиқишларидан келиб чиқиб эмас, балки эркакнинг рухсати билан шуғулланиш турли саволлар уйғотади. Оммавий ахборот воситалари, айниқса телевидение спорт томошаларининг деярли барчасини намойиш этади, кўрсатади. Бу томошаларнинг фақат айримларинигина кўр, томоша қил, деб аёлга кўрсатма бериш ёки уларни томоша қилма, дейиш ҳар қандай нормага ҳам тўғри келмайди. Уларни томоша қилиш ёки томоша қилмаслик хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳисобланади. Қайси спорт тури билан шуғулланиш ҳам уларнинг ўз ихтиёридадир. Бироқ профессионал

[115] Қаранг: Хаттаби Х. Справочник мусулманской женшины. - Алмати: "Классик" М., 2004. С. 33.
[116] Ўша асар. С 33-34.

спорт машқларининг барчаси ҳам хотин-қизларга мувофиқ келавермаслигини унутолмаймиз. Масалан, оғир атлетика, альпинизм, хоккей, бокс, дзюдо, кингбокс кабилар хотин-қизлар организмига салбий таъсир этиши аниқ. Шунга қарамай, хотин-қизлар ичида ҳам ушбу “эркаклар спорти” билан шуғулланишни истовчи хотин-қизлар топилади, ҳатто улар халқаро мусобақаларда қатнашади, чемпионлик титули учун курашади. Ислом спорт залларидаги шортик, купальник, майка кабиларда томошабинлар олдига чиқишни маъқулламайди, спорт томошалари эса иложи борича енгил ва ихчам, ҳар бир спорт турига мос келадиган, спортчи хатти-ҳаракатларига халақит бермайдиган кийинишни тоқазо этади. Тўғри, айрим спорт машқларида оёқ, бадан, елка ва сонларни кўрсатиш одатга айланган. Масалан, бадиий гимнастика ёки енгил атлетикани олайлик. Бу халқаро нормаларга мувофиқ келадиган спорт турларида қатнашувчи хотин-қизлар танасига ёпишиб турадиган, хатти-ҳаракатларига халақит бермайдиган либосларни кийишга мажбур. Бу жойда ислом тақиқларини эслашга ҳожат қолмайди. Демак, исломда ўтган асрларда қарор топган консерватив тасаввурларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро нормаларга мувофиқлаштириш муаммоси пайдо бўлади.

Ислом хотин-қизлар учун алоҳида машқ заллари ва томошалари бўлиши тарафдоридир. У мазкур томошаларда эркаклар бўлишини, қатнашишини хуш кўрмайди, яъни хотин-қизларнинг эркаклар олдида ўзини томоша қилдиришига қарши. Спорт томошаси фақат жисмоний машқ эмас, у томоша, шоу ва жисмоний ўсиш мактабидир. Бугун спорт томошаларининг асосий продюссерлари, халқаро миқёсда ташкилотчилари ва ҳомийлари эркаклар бўлиб қолмоқда. Масалан, халқаро бокс, дзюдо, “қоидасиз жанг”, оғир атлетика, автоспорт, альпинизм, самбо каби спорт мусобақларини ташкил этиш, уларга ҳомий қилиш соф эркаклар иши, машғулоти бўлиб қолмоқда. Уларда хотин-қизларнинг роли деярли сезиларсиз даражададир. Жаҳон спортида қарор топган ушбу нормаларни исломий анъаналар ҳисобга олиши зарур. Ислом спорт мусобақаларини томоша қилишда мусулмон аёлларининг қатнашишини тақиқламайди, бироқ бу томошаларни улар мусулмон бўлмаган хотин-қизлар билан кўришига тўғри келса, ҳижобда бўлишини уқтиради. Лосина, шорт, купальник, рейтуз кабиларни кийиш қатъиян ман этилади. “Деярли барча спорт турлари билан, агар машқлар ўтказиладиган спорт иншоотлари ислом талабларига жавоб берса, шуғулланиш мумкин”[117]. Худа Хаттабнинг бу фикрлари ортодоксал ислом талабларига жуда яқин. “Ислом талабларига жавоб берса” деган сўзни қандай тушуниш керак? Халқаро спорт машқларида ҳижобда чиқиш, хатти-ҳаракатларни сиқувчи

[117] Ўша асар. С. 35.

кийимлар кийиш, мусулмон бўлмаганлар даврасида ҳижобда юриш каби талаблар консерватив қарашлар ифодаси эмасми? Дунёвий давлатларнинг ҳеч бири мазкур талабларга риоя этмайди, балки улар халқаро спорт майдонларида хотин-қизларининг юқори поғоналарга чиқишини қўллаб-қувватлашади. Буюк бобомиз Ибн Сино организмни чиниқтируви бадантарбия билан шуғулланишни ҳар бир кишига, шу жумладан, хотин-қизларга ҳам мувофиқ келадиган фаолият тури сифатида қараган. “Секин ва узоқ вақт пиёда юриш, бадантарбия оғриқни қолдирувчи тадбирлардандир. Чунки уларда бўшаштириш ва юмшатиш таъсири бор”[118]. “Жисмоний машқ қилиш, - деб ёзади аллома, - кетма-кет чуқур нафас олишга мажбур қиладиган ихтиёрий ҳаракатдир. Нормал суратда ва ўз вақтида жисмоний машқ билан шуғулланувчи одам бузилган хилтлар туфайли келган нарсаларнинг давосига муҳтож бўлмайди”[119]. Шу билан бирга, Ибн Сино аёлларнинг тиббий билимлар ва бола тарбияси, унда зарур жисмоний машқларни, бадантарбияни шакллантиришга оид билимлар бўлиши зарурлигига ҳам эътибор қаратади. У ўз фикрларини хотин-қизларнинг барча ижтимоий ва оилавий вазифалари билан уйғун талқин қилади: “...Хотин киши, - деб ёзади у, - билимли бўлсин; у динга ишониши керак; уятчан, шарм ҳаёли, табиатан жасур; ўз эрини қаттиқ севиши; эзма бўлмасин; ўз эрига бўйсуниши; тўғри бўлиши; камтар ва фаросатли бўлиши керак; у ҳеч вақт ўз шаънига доғ туширмасин; эри билан эҳтиёткор бўлиб, унинг ҳурматини жойига қўйиб муомала қилиши шарт; ўз вазифасини ва бурчини яхши билсин; хотин оила хўжалигидаги нарсалардан тўғри, тежаб фойдалана билсин; у ўзининг характери ва яхши томонлари билан эридаги камчиликларни йўқотиши керак”[120]. Аллома илмнинг соғ-саломат яшашга таъсирини қуйидаги шеърида ижтимоий-фалсафий ғоялар тарзида ифода этади:

Тарк қил бор нарсани, аълодур жон ҳаммадан,
Жон камоли илмдандир, илмдандир сўлу соғ,
Жон агар бир шиша бўлса, илм бир ёнувчи шам,
Ҳикмати инсонни билгил ул чароғида лампаёғ.
Гар чароғ равшан эрурса, сен соғ саломат ҳам тирик,
Гар чароғ сўнса, сенинг ҳам ўлганингдир ушбу чоғ[121].

Демак, соғ-саломатлик илмдан, ушбу илмни билмаслик “чароғ сўниши” билан баробардир. Ибн Сино бу илмни аввало тиббиёт эканини назарда тутган, албатта.

---

118 Ибн Сино, Абу Али. Тиббий ўгитлар. - Тошкент: “Меҳнат”, 1991. 62 б.
119 Қаранг: Педагогика тарихидан хрестоматия. - Тошкент: “Ўқитувчи”, 1993. 38 б.
120 Ўша асар. 39 б.
121 Ўша асар. 42 б.

**Резюме:**

Ушбу мақолада, Хотин-қизларни жамият ислоҳотларга жалб этиш, уларнинг жисмоний ва интеллектуал кучидан фойдаланиш, аёлнинг эркакка физиологик нотенглиги эмас, балки умумижтимоий тараққиётнинг шахс, гуруҳ, ҳатто миллат манфаатларидан устун келувчи, жинслар ва улар ўртасидаги нотенглик ҳақидаги фикрлар ҳамда дин ва диний трансцендентал қарашларни мутлақлаштириш умумижтимоий, глобал тараққиёт қонунларини тор соҳага олиб кириш, барча тасаввурлар ва фаолиятлар турларини якка трансцендент орқали асослашга интилиш, натижада ижтимоий ҳаётдаги ранг-баранглик ва фикрлардаги плюрализмни илғамаслик, рад этиш билан бароварлиги тўғрисидаги фикрлар баён этилган.

**Resume:**

In this article, the involvement of women in social reform, the use of their physical and intellectual power, the idea of gender and inequality between them, as well as religion and religious transcendental views, prevailing over the interests of the individual, group, or even nation, rather than the physiological inequality of women to men. absolutization to bring the laws of universal, global development into a narrow field, to try to substantiate all kinds of ideas and activities through a single transcendent, resulting in the diversity of social life and the equality of non-acceptance and rejection of pluralism in thought.

**Продолжить:**

В данной статье вовлечение женщин в социальные реформы, использование их физической и интеллектуальной силы, представление о гендере и неравенстве между ними, а также религия и религиозные трансцендентальные воззрения, превалирующие над интересами личности, группы , или даже нации, а не физиологического неравенства женщин мужчинам абсолютизировать законы всеобщего, глобального развития в узкое поле, пытаться обосновать всякого рода идеи и деятельности через единое трансцендентное, в результате чего возникает многообразие общественной жизни и равенстве неприятия и неприятия плюрализма в мышлении.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Хаттаби Х. Справочник мусулманской женшины. - Алмати: “Классик” М., 2004. С. 33.
2. Ибн Сино, Абу Али. Тиббий ўгитлар. - Тошкент: “Меҳнат”, 1991. 62 б.
3. Педагогика тарихидан хрестоматия. - Тошкент: “Ўқитувчи”, 1993. 38 б.

# Narshaxiyning “Buxoro tarixi” asarida O`rta Osiyo shaharlari tasnifi

**Yangiboyev Abdulaziz O’tkir o’g’li**
**Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti talabasi**
**Email: yangiboyevabdulaziz53@gmail.com**
**Tel: +998931453353**
**Jo’rayev Azizbek Anvar o’g’li**
**Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti talabasi**
**Email: jurayevazizbek635@gmail.com**
**Tel: +998930781078**

**Anatatsiya:** Ushbu maqola Narshaxiyning “Buxoro tarixi” asarida berilgan Buxoro va unga yondosh shaharlar tasnifiga bag’ishlanadi.O’rta asrlar davrida paydo bo’lgan shaharlar ushbu asarda to’la tarixi bayon etilganini ko’rishimiz mumkin.Bugungi kunda ushbu shaharlar va mavzelarning tarixi va madaniy an’analarini o’rganishda albatta “Buxoro tarixi” asariga tayanamiz.

**Kalit so`zlar**: «Xazoin ul-ulum», Buxoro, «Bodyayn xurdak», «Zot ut-tavois», Dog‘uniy Iskajkat Kulortegin, «Jo‘bayi baqqolon», Zandana, Vardona, Barkad, «Barkadi alaviyon»— «Ali avlodnning Barkadi», Romtin (Romitan), «Kini Siyovush»— «Siyovush jangi», Varaxsha«Navro‘zi kishovarzon», «Masolik va mamolik», Siyovush, Buxorxudot.

Abu-l-Hasan Nishopuriy «Xazoin ul-ulum» kitobida keltirganki, Buxoro shahri, garchi oradan Jayhun daryosi o‘tgan bo‘lsa ham Xuroson shaharlaridan hisoblanadi.Karmina Buxoro qishloqlari jumlasidan bo‘lib, uning suvi Buxoro suvidan keladi;xiroji Buxoro xirojiga qo‘shiladi. Uning o‘ziga tegishli alohida bir qishloq ham bor; unda masjidi jome barpo etilgan. Karminada adib va shoirlar ko‘p bo‘lganlar. Masalda aytilishicha, qadim vaqtlarda Karminani «Bodyayn xurdak» («Ko‘zacha») deb ataganlar. Buxorodan to Karminagacha o‘n to‘rt farsangdir.

Iskajkat. U bir katta kuhandizga ega. Uning aholisi boy kishilar bo‘lganlar; boyliklari dehqonchilikdan bo‘lmagan, chunki u qishloqning yerlari xarob bo‘lib, yaxshi yerlari ming juftga yetmagan. Uning hamma aholisi savdogarchilik bilan shug‘ullangan. U joyda ko‘p bo‘z (to‘qib) chiqarilar edi. Har payshanba kuni u yerda bozor bo‘lardi. U kishloq sultonlikka tegishli mulklar jumlasidandir. Abu

Ahmad al-Muvaffaq billoh bu qishloqni muqotaa sifatida Xurosonning amiri Muhammad ibn Tohirga bergan edi (keyin) uni yana Sahl ibn Ahmad ad-Dogʻuniy al-Buxoriyga sotdi va pulini oldi. Dogʻuniy u joyga bir hammom qurdi va daryoning quyi tomon qirgʻogʻida bir burchakka katta qasr bino qildi. U qasrnnng qoldiqlari bizning zamonamizgacha saqlanib kelgan edi.

Varaxsha. Bir nusxa (kitob) da Varaxsha oʻrnida Rajfandun deb yozganlar. Katta qishloqlar jumlasidan boʻlib, Buxoro singari edi; u Buxoro shahridan qadimiyroqdir, u podshohlar turadigan joy boʻlib, mustahkam hisorga ega boʻlgan, chunki padshohlar (u hisorni) bir necha marta mustahkamlaganlar. Uning Buxoro shahrining devori singari devori ham boʻlgan. Rajfandun yoki Varaxshaning oʻn ikkita arigʻi bor. Bu qishloq Buxoro devorining ichkarisida joylashgan. Unda obod bir qasr boʻlgan, shundayki, goʻzallikda uni namuna qilib koʻrsatar edilar. Uni Buxorxudot bino qilgan boʻlib, qurilganiga ming yildan ortiqroq vaqt oʻtgan.

Baykand. Buni shaharlar jumlasidan deb hisoblaydilar. Baykand aholisi, biror kishining Baykandni qishloq deb atashiga rozilik bergan emaslar. Agar biror baykandlik Bagʻdodga borsa va undan «sen qayerdansan?» deb soʻrasalar u Baykanddanman degan, Buxorodanman degan emas. Baykandda katta masjidi jome va oliy imoratlar bor. To ikki yuz qirqinchi yilgacha (2 iyun 854—21 may 855) Baykand darvozasi oldida koʻp rabotlar boʻlgan. Muhammad ibn Ja’far (an-Narshaxiy) oʻz kitobida keltirishicha. Baykandda Buxoro qishloqlari sonicha, mingdan ortiq rabot boʻlgan. Buning sababi shuki, Baykand katta va yaxshi joy boʻlib, har bir qishloqning aholisi u yerda bir rabot qurib unga bir toʻda kishilarni joylab qoʻygan va ularning nafaqalarini qishloqdan yuborib turgan.

Buxoro. Ahmad ibn Muhammad ibn Nasr buning ajoyabotlari haqida toʻxtab, shunday deydi: Abu-Hasan Nishopuriyning «Xazoin ul-ulum»da aytishicha, Buxoro kuhandizining, ya’ni Buxoro arki hisorining bino etilishiga mana shu (voqea) sabab boʻlgan: Siyovush ibn Kaykovus oʻz otasidan qochib Jayhun daryosidan oʻtib Afrosiyobning oldiga keldi. Afrosiyob uni yaxshi qabul etdi va oʻz qizini unga xotinlikka berib, aytishlaricha, barcha mulkini ham unga topshirdi. Bu viloyat oʻziga vaqtincha berib qoʻyilgan joy ekanligi tufayli,

Siyovush bu yerda o‘zidan bir yodgorlik qoldirishni istadi. Shunday qilib, u Buxoro hisorini bino qildi va ko‘proq vaqt o‘sha joyda turar edi. (Kimlardir) u bilan Afrosiyob o‘rtasida yomon gap yurgizdi va (natijada) Afrosiyob uni o‘ldirdi hamda ana shu hisorda sharqiy darvozadan kiraverishingda «Darvozayi g‘uriyon» deb atalgan somonfurushlar darvozasining ichkarisiga dafn etdilar. Shu sababli Buxoro otashparastlari o‘sha joyni aziz tutadilar va unga atab har bir erkak kishi har yili navro‘z kuni quyosh chiqishidan oldin o‘sha joyda bittadan xo‘roz so‘yadi. Buxoro aholisining Siyovushning o‘ldirilishiga bag‘ishlab aytgan marsiyalari bo‘lib, u barcha viloyatlarga mashhurdir. Kuychilar unga moslab kuy tuzganlar va qo‘shiq qilib aytadilar. Qo‘shiqchilar uni «otashparastlar yig‘isi» deydilar. Bu gaplar bo‘lganiga hozir uch ming yildan ortiqroq vaqt o‘tdi. Shunday qilib, mana shu rivoyatga ko‘ra bu hisorni Siyovush bino qilgan, ba’zilari esa Afrosiyob bino qilgan deganlar. (So‘ng) bu hisor buzilib ketib, ko‘p yillar vayronligicha qoldi. Biz aytib o‘tgan xotinning eri, Tag‘shodaning otasi bo‘lgan Bidun Buxorxudot taxtga o‘tirganidan keyin, odam yuborib bu hisorni tuzattirdi, undagi qasrni ham u tuzattirdi va o‘z nomini temirga yozdirib qasrning eshigiga mahkam o‘rnattirdi. **Xulosa:** Shuni xulosa qilib ayta olamizki,yurtimiz hududidagi shaharlar hozirgi kunga qadar ko’plab o’zgarishlarga uchradi.Shunday bo’lsada ularning tarixi, qurilish texnikasi, shahar aholisining shug’ullangan mashg’ulotlari shu kabi asarlar yordamida bizgacha yetib kelmoqda.Biz tadqiqotchilarning asosiy vazifamiz shu asarlar yordamida ularning tarixini to’g’ri va to’liq yoritib berishdan iboratdir.

## Foydalanilgan adabiyotlar:


1. Abu Bakr Narshaxiy. “Buxoro tarixi” ;-Fors tilidan A.Rasulov tarjimasi
2. www.ziyouz.com

# 3-шўъба: Ижтимоий – гуманитар фанларни ўқитишда замонавий методларнинг аҳамияти. Тарих фанининг қадриятларимиз узвийлигидаги роли.

## ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Абилов Ўрол Муродович

**Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича Соғлиқни сақлаш вазири маслаҳатчиси**

### БМТ минбаридан халқаро миқёсдаги буюк ҳодиса

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги Ўзбекистон мамлакатининг Давлат тили – Ўзбек тилидаги чиқиши нафақат Ўзбекистон халқининг балки, бутун ер куррасидаги миллионлаб ўзбек миллатига мансуб аҳолининг бир неча юз йилликлар давомида орзу бўлиб келган умид ва ишончларининг рўёбга чиқиши билан, халқаро миқёсдаги буюк ҳодисадир!

Бунинг буюк ҳодисалиги шундаки, Ўзбекистон давлати эркин мустақил давлат сифатида ўз йўли ва барча соҳаларда жаҳондаги мавжуд мамлакатлар билан тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорлик қилиши мумкинлигини яна бир бор намоён этди.

Иккинчидан, ер юзидаги ўзбек миллатига мансуб аҳолининг келиб чиқиши нуқтаи назаридан ўзбекистондай ота ватанига бўлган меҳр-муҳаббати ва унга нисбатан интилишларини кучайтирди, десак тўғри бўлади.

Учинчидан, маъруза мазмунидан келиб чиқиб, Президентимиз томонидан келтирилган таклифларнинг бугунги кундаги мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги ўта долзарблиги нуқтаи назаридан, хориж мамлакатларининг ўзбекистон билан, ўзаро манфаатдорлик негизида ҳамкорлик қилиш истагининг ортишини юзага келтириши билан характерлидир.

Тил - миллатнинг ва давлатнинг энг асосий белгиловчи омили эканлигини мана шу халқаро миқёсда қилинган маърузадан келиб чиқиб, омма ўртасида давлат тилига бўлган ижобий муносабатни ва муҳитни янада мустаҳкамлаш имкониятларини кучайтириш борасида мутасаддиларга қатор муҳим вазифаларни қўйганлиги билан ҳам изоҳланади.

### Давлат тили борасида соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида:

Ҳадиси Шарифда айтилишича “Тил миллат кўзгусидир”. Ўтмишдан маълумки, давлат тили мавжуд жамият маънавиятининг ва тараққитёининг асосини ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан, давлат тили кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг бир бутун бўлиб, жипслашиши ва жамиятимиз ривожланишининг асосидир, калитидир.

Шундай экан, ҳали ҳанузгача кўпгина давлат тилида иш юритиш имконияти етарли бўлган ташкилотларда ҳам ҳамон иш рус тилида юритилаётганлигини қандай тушуниш ёки баҳолаш мумкин?! Давлат тили тўғрисидаги қонунга, Президент фармонига муносабат шу даражада бўлиши керакми? Мутасадди ташкилотлар ва жавобгар раҳбар шахсларнинг нега бу ҳолатга эътиборлари суст? Булар барчаси давлат тилининг амалга жорий қилиниши жараёнини сустлаштиради, муддатини узайтиради, охир оқибатда миллий давлатчилик хусусиятига путур етказади. Бу борада мавжуд имкониятларни бутун шижоати ва омилкорлигини ишга солган ҳолда қонун устиворлиги асосида мақсадимиз сари йўналтириш талаб қилинади. Негаки, бу келажак жамиятимизни беками кўст бунёд этишимизнинг адолатли ва қонуний шартларидан биридир.

Бу борада биринчи навбатда вазирликда 2018 йилдан бошлаб, барча чиқариладиган буйруқ ва кўрсатма хатларнинг барчаси давлат тилида чиқарилмоқда

Шу нуқтаи назардан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ушбу масалада вазирликнинг “Вазирлик тизимидаги муассасаларда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш ҳамда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этиш тўғрисида”ги алоҳида буйруғи билан тасдиқланган Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча муассасаларда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил этиш ва унинг ижросини назорат қилиш бўйича Ишчи гуруҳи тузилиб, унинг олдига вазирлик тизимидаги муассасаларида Давлат тилини қонунда белгиланган тартибда жорий қилинишини ташкиллаштириш ва унинг ижросини сифтли амалга оширилишини назорат қилиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди.

Шунингдек, вазирлик тасарруфидаги барча ҚҚР соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, бўлинмаларида, жумладан, тиббиёт таълими, даволаш-профилактика муассасалари, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, илмий-амалий марказларда ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, мулкий мансублигидан (Давлат ва нодаввлат) қатъий назар тиббиётга алоқадор барча тиббиёт муассасаларида ҳужжатлар, ёзишмалар, кўчаларга ўрнатилган реклама баннерларининг сўзсиз давлат тилида (ўзбек тили) юритилишини таъминлаш, бинолари пештоқидаги номлар ва унинг ичидаги хоналар эшигидаги атама биринчи навбатда давлат тилида ва заруратдан келиб чиқиб, ундан кейин бошқа тилларда ёзилиши, муассасаларда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда амал қилинишини ташкиллаштириш бўйича Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича муассаса

раҳбарининг маслаҳатчиси тайинланиб, давлат тили масаласидаги ишларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича жамоатчилик назорати ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2009 йилда давлат тили асосида яратилиб, нашр этилган 2 жилд, икки тилли, ўзбек-рус, 20000 мингта тиббий атамалардан иборат “Тиббий терминлар энциклопедик луғати”нинг ҳозирда ҳаммабоп, тўлдирилган нашрини тайёрлаш устида ишлар олиб борилмоқда.

**Тилга хиёнат – халққа, миллатга, давлатга хиёнатдир!**

Турли хилдаги ва даражадаги хиёнатлар ҳақида кўп гапириш ва уларнинг ҳолат даражасидан келиб чиқиб, кечириш мумкиндир, лекин, давлат тили борасидаги, халққа, миллатга, давлатга қилинган хиёнат умуман кечиримга лойиқ эмас.

Бир оғайнимдан анча илгари латифанома киноями эшитгандим. Унинг айтишича рус мактабига ўқишга берган қизини ўзбекчани ҳам ўзлаштирсин деган мақсадда ўқувчиларнинг ёзги таътили даврида вилоятга, ота-онаси яшайдиган қишлоққа юборади. У ерда қизалоқ кўп дугоналар билан танишади, улар билан дўстлашади. Оғайним қизини кўргани бориб қараса, бутун қишлоқ қизлари русча сўзлашаётган эмиш... Бу албатта латифанома ҳодисадир. Лекин эътибор берилиб, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва инсонларга бўлган меҳр – оқибати нуқтаи назаридан қаралса, қишлоқ қизларининг меҳмон қизнинг кўнглини оғритмаслик учун қилинган саъйи ҳаракат маҳсулидир. Худди шундай халқимизнинг мамлакатимиздаги бошқа миллат вакилларининг дилини оғритмаслик учун улар билан асосан рус тилида бўлган мулоқатлари ҳам уларга инсонийлик муҳаббатининг рамзидир холос. Уларга миллат ва тил масаласида тобелик эмас! Буни тўғри тушунишлари ва яшаётган мамлакатнинг давлат тилида сўзлашишга ўрганишлари учун уларга етарлича вақт берилди, барча шароитлар ва имконият яратилди. Натижа эса, ўзгармади. Қонун эса барча учун баробардир.

Бошқа тилларни ўрганишни ҳеч ким тақиқламайди ва бу инсон камолотининг бир бўғини сифатида олиб қаралади. Лекин, ҳамма учун кўринарли бўлган йўналтирувчи ва чорловчи барча ёзувлар: эълонлар, атама-номлар, таклифлар, пештахта ёзувлари ва шу қабилидаги барча эслатмалар ёзилишида давлат тилида бўлишини таъмилаш ва заруратдан келиб чиқиб, бошқа тиллардаги ёзувлар ҳажм жиҳатидан давлат тилидан қуйида кичик ҳажмда бўлишига эътибор бериш ҳар бир ватанпарвар ва миллатпарвар, шу ватан фарзанди учун муқаддасдир.

Мустақил давлат бўлиб ривожланишнинг энг асосий устунларидан бири бу ўз сўзи ва давлат тилига эга бўлишидадир. Иттифоқ даврида ҳеч кимга сир эмас, алоҳида республика бўлган билан тил эркинлиги чегараланган эди. Русий забон давлатлар ва баъзи бир русий забон ўзбек фуқаролари бўлмиш кимсалар, шунингдек, ўзбекистонда туғилиб, шу ватанда камол топган айрим бошқа миллат вакилларининг ўзбекистон фуқароси бўлатуриб, давлат тилига бўлган ғаразли муносабатлари ҳеч бир халқаро ва инсоний қоидаларга тўғри келмайди. Менимча уларнинг ўзлари

ҳам ғараз мақсадли кимсалар томонидан маълум бир рағбатлантириш ҳисобига ўзгаларнинг нағорасига ўйнашаётганлигини жуда яхши билишади. Яна бир томони ўзбек бўла туриб ўз она тилида равон мулоқат қила олмаган баъзи бир кимсалар ижтимоий тармоқларда рус тилини яхши билганлар яхши ишларга жойлашиши мумкинлигини, шунга қарамасдан ўзбекистонда рус мактаблари гўёки ёпилиб кетаётганлигини ва рус тилини билмасдан мамлакатни ривожлантириш таназзулга юз тутишини “башорат” қилишмоқда. Бундай калтафаҳм баҳонада мустақил давлатга нисбатан бўлган беғаразлик, адолат ва ҳақиқат, асос қани?!

Шу каби кимсаларга нисбатан бировнинг уйига ўз ўриндиғини олиб бориб у ерни ўзиники қилиб олиш мумкин бўлмаганидай, бошқа давлат миллий тилини ўзи мансуб бўлган давлат тилидан устун қўйиш ғирт инсонийлик фазилатини йўқотган (космополит) ватанфуруш, хоинларга хосдир демасдан илож йўқ.

**Давлат тили тақдири – ўзбек тилига муносабат**

Инсоният тараққиёти давомида манбаларнинг гувоҳлик бериши бўйича, Ўзбек тилининг амал қилиш хронологиясига эътибор қилсак, тахминан қуйидагича ҳолатга дуч келамиз:

2020 йил сентябрь ойида инсоният тарихида биринчи марта ўзбек тилидаги нутқ БМТ минбаридан янгради.

7 асрда юртимизга араб истилочилари бостириб келди, натижада 8-9 асрларда илм тили тўлиқ араб тилига ўтказилди.

892 йили туркий эл саркардаси Исмоил Сомоний ҳокимиятни қўлга олиб давлат ишларини форсий тилга ўтказди. 999 йили Мовароуннаҳрни Қорахонийлар тўлиқ қўлга олишиб, давлат бошқаруви яна форсий тилда давом этаверди, чунки давлат бошқаруви Авесто давридаёқ эронийлар қўлига ўтгандан буён давлат форсий услубда бошқарилган эди.

Қорахонийлардан Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Кошғарийлар давлат тилини туркий тилга ўтказишга роса уринишган, аммо ҳокимият форсийзабонлар қўлида эди.

1212 йили хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад қорахонийлардан ҳукмронликни қўлга олгач, давлат бошқаруви тўлиқ ўзбек тилига ўтказилади. Бу даврда илм тили – араб, адабиёт тили – форсий, ҳарбий тил – туркий бўлиб қолди.

Мўғил босқини даврида ким қайси тилни билса, шу тилда иш олиб бориловерган. Мўғиллар кўпроқ маҳаллий халққа имо-ишора билан мурожаат қилишган. Гўёки ҳайвонларга қандай муомила қилсак, улар ҳам шундай муомила қилиб кетаверган.

Темурийлар даврига келиб, давлат ҳужжатлари туркийлаштирилган. Аммо, бу жойда ҳам бир аниқ тартиб йўқ эди. Илм тили ҳамон араб тилида, шерият тилида форсий забон устуворлик қилган, ҳарбий-давлат бошқаруви туркий тилда. Мирзо Улуғбек ҳам форсий ва туркий тилларни аралаштириб ишлатган.

Хиротда Алишер Навоий туркий тил ҳимоячиси бўлиб келди ва давлат тилини тўлиқ туркий тилга ўтказишга эришган. Адабиётда ҳам туркий тилнинг устуворлигини амалда исботлади.

Шайбонийлар даврида ҳам туркий тил ҳимояси давом эттирилди, аммо бу ҳаракат изчил ва илмий асосга таянмаган интилиш эди.

Намозхонлар ва диний уламолар араб тили ва форс тилидан воз кечишмади, Қуръонни араб тилида, ниятни форс-тожик тилида ўқишни давом эттираверишди. Диний уламоларнинг бундай муносабати туркий тил тантанасига халақит берди ва бу ҳолат давом этмоқда.

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*ТТЕСИ “Ижтимоий фанлар ва жисмоний тарбия”ассистенти*
*Садикова Роза Исмаиловна*
*17-21 гуруҳ талабаси Норова Н.А*
Roza.sodykova@mail,ru

Ҳозирги кунда дунё ҳамжамиятининг олдида турган глобал муаммолардан бири ёшлар тарбиясидир. Бугун замон шиддат билан ўзгараяпти. Бу ўзгаришларни энг аввало ёшлар ҳис қилмоқдалар. Бугунги шароитда ёшлар маънавиятига салбий таъсир этувчи омиллар талайгина. Уларнинг шакли, кўриниши ҳар хил бўлишига қарамай, мақсадлари битта – келажак эгалари бўлган ёшларни дунёқараши, фикрлаши, эътиқодини ўзгартиришдир. Ёшларни ҳар томонлама соғлом, маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш ҳар қандай даврда ҳам муҳим ҳисобланган. Чунки жамиятнинг, давлатнинг эртанги куни, келажаги ёшларнинг бугунги кунда олган билимларига, тарбиясига, маънавиятига боғлиқ. Мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар яратилган. Jamiyatimizda kitobxonlik masalasiga yondoshuv turli davrlarda turlicha boʻlgan. Har bir davrning oʻz ehtiyojidan kelib chiqib, kitobxonlik darajasi belgilangan. Binobarin, har qanday davlatning kuch-qudrati oʻz fuqarolarining ongliligi bilan belgilanar ekan, bunda albatta kitobxonlik masalasiga alohida e'tibor berilgan. Bugungi kunda “Mutolaa madaniyati”, “Kitobxonlik madaniyati”, “Oʻqish madaniyati” kabi atamalar bilan qo'llanilib kelayotgan ijtimoiy hodisalar axborot olish madaniyatining tarkibiy qismlaridir.

“Mutolaa” so'zi arabcha “o'qish” degan ma'noga ega bo'lsa-da, bugungi kunda u kitob o'qishdan ko'ra kengroq tushunchani anglatmoqda. A. Umarov fikricha: “Mutolaa” madaniyati ijtimoiy guruhlar, uyushmalar va alohida individlarning umumiy ma'lumot olishga yo'naltirilgan jarayon, xulq-atvor va

faoliyatlari mazmuni hamda tarkibiy tizimlarida yuz beruvchi o'zgarishlar majmuini ifodalovchi bilimlar, me'yorlar, ijtimoiy hodisalar va boshqa atributlardir.[1] Ayni chog'da mutolaa madaniyatini ta'lim tizimlari orqali maxsus shakllantiradigan, ixtisoslashgan ma'lumotni inson hayoti davomida turli manbaalar - kitoblar (badiiy, ilmiy, o'quv, qomusiy), ommaviy axborot vositalari (gazeta, jurnal, televideniya, radio va shu kabilar), zamonaviy axborot texnologiyalari (internet, elektron gazeta, jurnal va hokazolar), shuningdek, subyekt bilan bevosita muloqotga kirishuvchi shaxslar (oila a'zolari,...) orqali ega bo'linadigan turli yo'nalish va shakldagi umumiy ma'lumotdan farqlash lozim bo'ladi» . Professor E.I.Yo'ldoshev «O'qish madaniyati» tushunchasiga shunday ta'rif beradi: «O‘qish madaniyati - juda keng qamrovli tushuncha bo'lib, kitobga qiziqish va uni sevish, adabiyot bilan kengroq tanishishni, kitob va u bilan ishlash haqidagi maxsus bilimlarga ega bo'lishni, shuningdek, kitobdan to'la ravishda foydalanishga yordam beruvchi ko'nikma va malakaga ega bo'lishni taqozo etadi» [2]

“Бола ота-она қўлида омонатдир”-дейди буюк алломаларимиз. Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқа унинг юриш – туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонати бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Ёшларимизнинг қалбида биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват акс садо бери туриши керак. Бунга эса тарбия, тарбия ва яна тарбия билан эришишимиз мумкин. Лекин тарбия дегани фақат мактаб тарбиясидан иборат эмас. Ҳозир ҳаммамиз бор айбни мактабга ағдаришга ўрганиб қолганмиз”- дейдилар Юртбошимиз “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқларида. [3]

Агар бизлар ёш авлод тақдирига бефарқ қарасак, фарзандларимизни аниқ мақсадлар орқали ватанпарвар қилиб тарбияламас эканмиз, ёшларимизни ўзгалар қўлига бериб қўйган бўламиз. Бунинг учун эса ёшларимизни миллий- диний қадриятлар руҳида тарбияламоғимиз лозим. Миллий-диний қадриятларимиз ёш авлодни, ўз Ватанига нисбатан муҳаббат руҳида тарбияланишда, ўткан авлод ва аждодларига садоқат,
зўравонликка нисбатан нафрат руҳида тарбияловчи, уларни эзгулик ва бунёдкорликка даъват этувчи битмас куч-қудрат манбаидир. Улар нафақат мафкуравий бўшлиқнинг юзага келишига, балки минг йиллардан бери ҳалол меҳнати ва оламшумул кашфиётлари ила жаҳон тамаддунига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган халқимизнинг менталитетига тамомила зид террорчилик ғояларининг кириб келишига қарши қаратилган мустаҳкам қалқон ҳамдир.

Буюк боболаримиз китоб орқалижуда кўплаб кўзлаган мақсадларига эриша олишган. Китоб билан маънавиятларини, билим салоҳиятларини янада юксалтирганлар, дунёвий ва диний билимларни оширишган. Шу боисдан ҳам Абдураҳмон Жомийнинг китоб ҳақидаги сатрларини келтириб ўтишни ўринли деб ҳисоблайман.

“Китобдан яхши дўст йўқ жаҳонда,
Ғамхўринг бўлган у ҳамма замонда.
У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор,
Жонингга юз роҳат беради такрор”.

Бугунги кунда китобхонлик маданиятини шакллантириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилаётганини эътироф этиб ўтмоқчиман. Бу борада ташкил этилган электрон кутубхоналар, “Ёш китобхонлар” танлови ёшлар ўртасида китоб ўқишга жалб қилиш учун ташкил қилинган ва амалий натиаларини барчамиз кўриб турибмиз. Булардан кўзланган асосий мақсад эса, ҳозирги кунда китобга бўлган меҳрни янада ошириш, уларга китоб ҳаёт йўлида энг яхши ҳамроҳ бўлишини уқтириш, таҳсил олаётган соҳалари бўйича ҳам ва бошқа ҳар соҳада керак бўлишини исботлаш, уларнинг билим салоҳиятларини юксалтириш асосий вазифа бўла олади. Олиб борилаётган ислоҳотлар адабиётимиз вакилларидан, уларнинг яратган асарларидан бохабар бўлишлари, адибларимизнинг ҳаёти ва ижодига бефарқ эмасликлари, уларни ўрганиш ва ҳурмат муносабатида бўлишлари кўзда тутилган. Ёшларни баҳс, мунозарага киришиш, адабиёт ва мусиқа асарларидан завқ ва илҳом олишга ўргатиш, бадиий-эстетик идрок этиш қобилиятини шакллантириш, ҳар томонлама билимли этиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимизга айланиши лозим. Китоб инсонларни эзгуликка, меҳр-оқибатга даъват этади, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини юксалтиради. Шу боис фарзандларимизни ёшлигиданоқ китобга ошно қилиш, мутоалага ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда асосий масъулият ота- оналар ва устозлар зиммасига тушади. Ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини камол топтиришнинг муҳим воситаси китобдир.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Инсон тафаккур олами. Илмий мақолалар тўплами. Т.: Мумтоз сўз, 2016. 48-бет

2. Дунёни маърифат қутқаради. Қўлланма. Т.: Маънавият, 2017. 132-ббет

3. Шавкат Мирзиёев “Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик” Тошкент. “Ўзбекистон” 2019 йил 480- бет.

## IJTIMOIY ISLOHOTLARDA INSON OLIY QADRIYAT SIFATIDA

**Ibragimov Alisher Qurbon o'g'li –**, Jizzax davlat pedagogika instituti tadqiqotchisi

**Annotatsiya**: Mazkur maqolada mamlakatimizda ijtimoiy sohadagi islohotlarning olib borilishi, inson manfaatlarining ta'minlanishi, uning davlat va jamiyat qurilishidagi ahamiyati, milliy yuksalish tamoyillari aks etgan.

**Аннотация:** В статье отражены осуществление реформ в социальной сфере в нашей стране, защита интересов человека, его роль в построении государства и общества, принципы национального роста.

**Annotation:** This article reflects the implementation of reforms in the social sphere in our country, ensuring human interests, its importance in building the state and society, the principles of national progress.

**Kalit so'zlar:** Milliy yuksalish, inson, demokratiya, huquqiy davlat, fuqarolik jamiyati, inson manfaati, erkinlik, farovonlik, ijtimoiy qadriyatlar, iqtisodiyot, ma'naviyat, taraqqiyot.

**Ключевые: слова:** национальный подъем, человек, демократия, верховенство закона, гражданское общество, интересы человека, свобода, процветание, социальные ценности, экономика, духовность, развитие.

**Key words:** National progress, human, democracy, rule of law, civil society, human interests, freedom, prosperity, social values, economy, spirituality, development.

Zamonaviy sharoitda demakratik va insonparvar jamiyatni shakllantirish yo'lida muhim adolatli dasturiy chora-tadbirlar olib borilib, hayotbaxsh ahamiyatga molik natijalar qo'lga kiritilmoqda. Shu maqsadlar yo'lida inson manfaatlari, erkinligi va farovonligini ta'minlash kabi ijtimoiy qadriyatlarning muhim tamoyillari aniq va ravshan belgilab olingan. Mamlakatimizda olib borilayotgan insonparvar siyosatning muhim yo'nalishlari avvalambor aholini rozi qilish, ularning hayotiy muhim muammolarini hal qilish evaziga turmush tarzini yaxshilashga qaratilmoqda. Bu yo'nalishdagi ijtimoiy ahamiyatga molik bo'lgan muhim dasturlar sog'liqni saqlash, mehnat bandligi, uy-joy va kommunal xizmatlar kabi insonlarning turmush tarzini yaxshilashga kafil bo'ladigan yo'nalishlarga ega bo'lmoqda.

Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev: "Biz pandemiya boshlangan ilk kunlarda bu qiyinchiliklardan yanada toblanib, kuchli va qudratli bo'lib

chiqishni o‘z oldimizga maqsad qilib qo‘ygan edik. Yaratganning inoyati, el-yurtimizning ahilligi va fidokorona mehnati bilan bu mashaqqatli sinovlarni mardona yengib o‘tmoqdamiz. Mamlakatimizda olib borilayotgan jadal va keng ko‘lamli islohotlar yurtimizda yangi davrni – yangi O‘zbekiston davrini boshlab berdi. Bugun yurtimizda tarixan qisqa fursatda butunlay yangicha siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy, ilmiy-ma’rifiy va madaniy muhit paydo bo‘ldi, deb aytishga barcha asoslarimiz bor”[1], deb ta’kidlagan.

Hayotimizda inson huquqlari, manfaatlari va faravonligini ta’minlash, zaruriy ehtiyojlarini amalga oshirishning muhim tomonlari Konstitusiya va davlatimizda qabul qilingan meyoriy-huquqiy hujjatlarda belgilab qo‘yilgan. Konstitusiyamizning 14-moddasida “Davlat o‘z faoliyatini inson va jamiyat farovonligini ko‘zlab, ijtimoiy adolat va qonuniylik prinsiplari asosida amalga oshiradi”[2] deb ko‘rsatilgan. Jumladan, mamlakatimiz ijtimoiy siyosatida inson manfaatlari ustivorligi va hayotiy faravonligini ta’minlashning siyosiy va huquqiy kafolatlari insonlarni ijtimoiy himoya qilish borasida qabul qilingan qonunlar, qonun osti hujjatlarida aks etgan.

Milliy yuksalish sharoitida adolatli yangilanishlar, jamiyatning barcha sohalarida jadal islohotlar va mamlakatni tubdan isloh qilish davom etmoqda. Shu asnoda jamiyatimizda barqaror rivojlanish, ijtimoiy hayotni, davlat va jamiyat boshqaruvini yanada taraqqiy toptirish, jumladan, bosh qomusimizda aniq belgilab berilgan inson manfaatlari, erkinligi, ehtiyojlari va farovonligini yaxlit ta’minlash, insonni jamiyatdagi o‘rnini mustahkamlash, uning oliy qadriyat sifatidagi maqomini yuksaltirish hamda to‘laqonli hayot kechirishi uchun sharoitlar yaratib berish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Milliy yuksalish davrida mamlakatimizning har tomonlama taraqqiyot darajalariga erishganligi va bu ko‘rsatkichlar aholining faravonligiga real ijobiy ta’sir etmoqda. 2017-2020 yillarda O‘zbekistonda iqtisodiy o‘sishining yuqori darajasi qayd etilganini e’tirof etish, joiz. Mamlakatimizda bu boradagi ko‘rsatkich 18,3 foizni tashkil etib, yalpi ichki mahsulot 60 milliard dollarga yetdi.

Prezidentimiz tomonidan ilgari surilgan “Xalq boy bo’lsa – davlat boy bo’ladi” insonparvar,g‘oyaviy tamoyili asosida ijtimoiy hayotda insonning o‘rni va nufuzini oshirish jarayonlari rivojlanib bormoqda. Ijtimoiy sohaning muhim tarmog‘i bo‘lgan ta’lim sohasini rivojlantirish milliy yuksalishning muhim poydevori ekanligi e’tirof etilgan. Bu sohasini rivojlantirish borasidagi raqamlarga

---

[1] Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқи. 31.08.2021. www.prezident.uz.ташриф.15.09.2021

[2] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 14-модда.

murojat qilsak, maktabgacha ta’lim muassasalariga qamrov darajasini 62 foizga o’sgan, nodavlat ta’lim muassasalari 200 tadan oshib ketdi. Bitiruvchilarni oliy ta’limga qamrab olish darajasi 2016 yilda 9 foiz boʻlgan boʻlsa, bugungi kunda u 28 foizga o’sdi.

Yangilanayotgan o’lkamizda ijtimoiy siyosatdagi tubdan yangilanishlar, iqtisodiy sohadagi oʻzgarishlar, shahar va qishloklarimizning obodonlashuvi, xalqimizning hayot tarzi rivojlanib, yuqorilashib borishini hayotimizning o’zi tasdiqlab turganligini ko’rishimiz mumkin. Prezidentimiz aytganlaridek, “Biz bundan buyon ham aholimizning daromadi va turmush darajasini muntazam yaxshilab borishga jiddiy ahamiyat qaratamiz. Yurtimizda ijtimoiy muammolarni hal etishning oʻziga xos yangi tizimi yaratilganidan barchangiz yaxshi xabardorsiz. “Temir daftar”, “ayollar daftari”, “yoshlar daftari”, “mehr daftari”, “mahallabay” ishlash usullari aynan shu maqsadda joriy etilmoqda. Islohotlar doirasida qabul qilingan yirik dasturlar jamiyatimizda ijtimoiy muhitni yaxshilash va aholi farovonligini oshirishga xizmat qilmoqda”[8].

Yurtimiz ijtimoiy siyosatida inson turmush tarzini yanada farovonlashtirish, davlat va jamiyat qurilishini isloh etish va iqtisodiyotni toʻliq liberallashtirishga qaratilgan tub oʻzgarishlarni amalga oshirish jarayonlari milliy yuksalish tamoyillarini roʻyobga chiqarishga zamin hozirlamoqda.

Fuqarolarimizning yillar davomida orzu qilgan huquqlarining bekamiko’z ta’minlanishi, manfaat va ehtiyojlarini amalga chiqishi jamiyat ijtimoiy barqarorligi va taraqqiyot tendensiyasi naqadar yuksak ekanligidan dalolat beradi. Ushbu jarayonda davlatimiz oʻzining zamonaviy demokratik taraqqiyoti yo’lida jahon hamjamiyati va xalqaro tuzilmalardagi ishtiroki umuminsoniy tamoyillarga mos keladigan insonparvar jamiyat qurish faoliyatining ustuvor yoʻnalishlaridan biri boʻldi.

Olimlarning ta’kidlashicha, “Islohotlar markazida insonning oliy qadriyat sifatida baholanishi mamlakatimiz strategik vazifalariga hamohangdir. Xususan, bu boradagi barcha oʻzgarishlarning mazmun - mohiyati ham inson va uning qadr-qimmatini koʻtarish bilan bogʻliq. Xolbuki, ushbu qadriyatlar asosida shakllangan jamiyat, mohiyatiga koʻra, xalqaro talablarga, umuminsoniy qadriyatlarning ustuvorligi tamoyillariga mos keladi, ularning milliy darajada namoyon boʻlishi uchun imkon yaratadi. Shu bilan birga, u mamlakatimizda yashayotgan barcha

[3] Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқи. 31.08.2021. www.prezident.uz.12.09.2021

millat va elat, har bir shaxs, turli qatlam vakillarining umumiy maqsad-muddaolarini ifodalaydi”[10].

Ijtimoiy islohotlarni amalga oshirishda innovatsion omillarni takomillashtirish borasidagi ishlarni tashkil etishda quyidagi chora-tadbirlarni e’tibor berish maqsadga muvofiq:

- ijtimoiy siyosatning muhim yo‘nalishlari ta’lim, sog‘liqni saqlash, mehnat bandligi, uy-joy va kommunal xizmatlar kabi aholi turmush tarzini yaxshilashga xizmat qiladigan sohalarda innovatsion texnologiyalarni keng joriy etish;

- inson manfaatlari, erkinligi, ehtiyojlari va farovonligini to‘la ta’minlash, har bir insonni jamiyatdagi o‘rnini mustahkamlash, uning oliy qadriyat sifatidagi maqomini yuksaltirishda davlat boshqaruv organlarining mas’uliyatini yanada oshirish;

- inson manfaatlari ustivorligi va hayotiy faravonligini ta’minlashning siyosiy va huquqiy kafolatlari aholini ijtimoiy himoya qilish borasida qabul qilingan qonunlar, qonun osti hujjatlarining amaliyotda ijrosini to‘laqonli ta’minlash;

- jamiyat hayotini tubdan isloh qilish, jahonda pandemiya va moliyaviy-iqtisodiy inqiroz alomatlari bo‘lib turganiga qaramay, iqtisodiy rivojlanish va ijtimoiy hayotni erkinlashtirishda fuqarolik jamiyati institutlari rolini oshirish;

- ijtimoiy islohotlarda inson va uning qadr-qimmatini ko‘tarishda xalqaro talablarga, umuminsoniy qadriyatlarning ustuvorligi tamoyillariga uyg‘unlashtirish, ularning milliy darajada namoyon bo‘lishi borasida chora-tadbirlar ishlab chiqish.

Xulosa o’rnida shuni a’kidlash joizki, mazkur islohotlar natijasida mamlakatimizda ijtimoiy, siyosiy, ma’naviy va madaniy yuksak o‘zgarishlar va taraqqiyot kuzatila boshlandi. Bu taraqqiyot omili faqat inson manfaatlari va faravonligini ta’minlash, iqtisodiy va ma’naviy ehtiyojlarni ro‘yobga chiqarishdir. Jamiyatda insonlarning ijtimoiy manfaatlarini to‘liq ta’minlanishi dolzarb funksiyaga aylanib, inson qadri va ijtimoiy mavqeini yuqori darajada ta’minlash muhim insonparvarlik tamoyili hisoblanadi.

---

[4] Қ.Назаров, М.Қуронов ва бошқ. Бу муқаддас Ваатанда азиздир инсон. Т, “Ўзбекистон”, 2010. –Б.4.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Vatanimiz mustaqilligi – biz uchun kuch-qudrat va ilhom manbai, taraqqiyot va farovonlik asosi. Prezident Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining 30 yillik bayramiga bag‘ishlangan marosimdagi nutqi. 31.08.2021. www.prezident.uz.
2. O‘zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi. 14-modda.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 yanvardagi «Iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va iqtisodiy siyosat samaradorligini oshirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Farmoni. 2019 yil 8 yanvar. PF-5614-son. www.lex.uz
4. Q.Nazarov, M.Quronov va boshq. Bu muqaddas Vatanda azizdir inson. T, “O‘zbekiston”, 2010. –B.4.

# ЗАМОНАВИЙ МУРАККАБ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТИЗИМЛИ ТАДҚИҚОТЛАРИ МЕТОДОЛОГИЯСИ (ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)

**Маҳмудова Гули Тилабовна фал.ф.д., проф.**
**Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ, “Фалсафа ва мантиқ” кафедраси**
**ms.makhmudova@inbox.ru**

Мамлакатимизда янги ижтимоий муносабатлар шаклланмоқда, ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этилмоқда, хўжаликни режа асосида юритишдан бозор муносабатларига ўтиш жараёни кечмоқда, буларнинг барчаси халқимиз учун янги ҳодисадир. Бироқ замонавий глобал иқтисодий таназзуллар бизни мураккаб воқелик билан тўқнаштирмоқда. Шу маънода синергетика тамойиллари, яъни олам доимий ривожланиш ва абадий ноаниқлик жараёнида бўлиши, барқарорлик эса бу йўлнинг қисқа фурсатли бекати эканлиги билан ўзининг тўғрилигини намойиш этмоқда.

М.Абдуллаева таъкидлаганидек: “XX асрнинг охирлари ва XXI асрнинг бошларида инсоният объектив дунёни англаш, тушуниш жараёнида бизни қуршаб олган дунё тўғрисида тўла-тўкис тушунчаларга, билимларга эга бўла олмагани аниқ бўлди. Фалсафада билиш жараёнини тушунишда янги тушунчалар, тамойиллар, нуқтаи назарлар ривожланди, шунингдек, мумтоз тушунчалар ҳам янги моҳият, мазмун билан бойиди. Бу жараёнда дунёнинг янги хоссалари,боғланиш ва хусусиятлари кашф этилмоқда. Бизнинг тафаккуримизда дунё чизиқлидир. Чизиқли тафаккур негизида

ҳар қандай таъсирга қарши пропорционал акс таъсир бўлади. Лекин ҳаётда биз кичкина таъсир натижасида катта, кутилмаган ўзгаришлар содир бўлишини кузатамиз, биламиз. Шу билан бир қаторда, катта, кучли таъсир натижасида кичкина ўзгаришлар ҳам содир бўлишини кузатганмиз. Бу жараёнлар ночизиқлиликнинг хусусиятларидан биридир»[122].

Шу маънода мураккаб жараёнларни тизимли тадқиқотлари методологиясини ишлаб чиқишга зарурият аллақачон пайдо бўлган. Шу маънода тизим турларидан бири ҳисобланган мураккаб тизимниг асосий хусусиятларига эътибор қаратиш, яъни элементларнинг динамик тизими; тизимнинг ўзгарувчан ҳолатларда ўз ҳатти-ҳаракатини ўзгариш қобилияти; мослашувчанликка имкон берувчи, тизимнинг элементлари ёки тизимчаларининг хилма хиллиги; кўп даражавийлиги ва ҳ.к. аллақачон нафақат фалсафий услубият, балки фанлараро тадқиқотлар кўламига сингиб кетган. “Бугунги кунда синергетика – фанлараро тадқиқот соҳаси бўлиб, у билиш жараёнида янги имкониятларни очиб беради. Фанлараро ёндашувларни табиий-илмий, ижтимоий ва табиий-ижтимоий фанларга ажратиш мумкин”[123].

Мумтоз чизиқли дунё жараёнларини акс эттирувчи қонунлар янги усуллар, чизиқли бўлмаган дунёнинг ёндашувлари билан тўлдирилмоқда. Оламни ўрганиш бир соҳа кесими нуқтаи назаридан самарали эмас, бунда фанлараро ёндашув қўл келади. Бундай методологик усул дисциплинар ёндашувдаги камчиликларни бартараф этишда ёрдам беради ва маълум бир мавзу, муаммо, ҳодисани кўриб чиқиш учун бир нечта илмий фанлар методологияси ва терминологиясини ўз ичига олган билим турини ифодалайди;иккинчидан, муаммони бир текисликда кўриб чиқадиган ниҳоятда ихтисослашган дисциплинар ёндашувдан фарқли ўлароқ, фанлараро ёндашув турли соҳаларнинг интеграцияси, ёндашувларни бирлаштириш учун катта имкониятга эга ва билиш учун когнитив комплекс яратади; учинчидан: ушбу ғоявий муносабат билан билиш субъектини ўргатиш керак. Ва ушбу дунёқараш ёндашуви инсон капиталининг билим тизимига киритилиши керак; тўртинчидан: “Мета-методология” сифатида ишлаб чиқилган бу усулда, яъни замонавий фан арсеналидаги трансдисциплинар ёндашув объект сифатида айнан турли фанларнинг турли усулларини, уларни “концетрация қилиш” ва керак бўлса, улардан “ўзиб кетиш” учун фойдаланади.

[122]**Замонавий фалсафий атамаларнинг изоҳли луғати** // Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Фалсафа илмий жамоаси. – Тошкент: «Университет», 2018. – 86 б.

[123] М.Н.Абдуллаева, Г.Ғ.Ғаффарова, Г.О.Жалолова. Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари. Т.: “NOSHIR”, 2020, 5-бет.

"... Фанлараролик ўзининг биринчи маъносида илмий муаммоларни самарали ҳал этишга хизмат қилиши мумкин. Бу объектни тўлиқ ўрганишга имкон беради, турли фанлар мутахассислари томонидан олинган маълумотларни бирлаштиради, мавжуд илмий билимларни кенгайтирувчи ва чуқурлаштирадиган янги, самарали тушунчаларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Қоида тариқасида, фанлараро тадқиқотлар тадқиқот предмети ўта мураккаб ва муайян илмий дисциплинар учун муаммо жуда катта бўлганида амалга оширилади"[124].

Замонавий ижтимоий реаликнинг доим ўзгаришда бўлиши, янгича ҳаётий шароитларнинг мужассамлиги, таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш, санъат ва бадиий ижод тараққиётида янгича ёндашувларни тадбиқ этиш заруратини туғдиради. Жаҳоннинг йирик файласуф олими Э.Агацци ҳақли таъкидлаганидек: "Бирор нарса ҳақида фалсафий тафаккур этиш, шу нарса ҳақида ўйлаш ва фикр орқали тушуниш демакдир. Маълумки, замонавий фан мураккаб экан, фалсафа ҳам ўз рефлекциясини табиатга ва унинг охир оқибати мураккабликка қаратиши лозим"[125]. Ўз фикрини давом эттирган ҳолда, Э.Агацци шундай дейди, ҳозирги кунда, фалсафанинг энг асосий хусусияти бўлган, яъни инсониятни амин қилишга ёрдам берадиган ана шу рационал "яҳлитлик истиқболини", нафақат алоҳида фан ва технологиялар, ҳатто тор доирадаги файласуфлар ҳам таъминлаб бера олмайдилар[126]. Бу ишора мураккаб, тез ўзгарувчан жараёнларни янги методологик ёндашувлар асосида ўрганиш, таҳлил қилиш, амалий таклиф ва тавсиялар бериш, прогноз қилиш зарурияти ижтимоий омил эканлигидан далолатдир. Методологик ёндашув: Бу маънода айта оламизки, фақат фалсафа оламга бўлган тор, бир ёқлама технократик, фақат ўз фойдасини кўзловчи утилитар-прагматик тафаккурга асосланган ёндашувни бартараф эта олади. Мураккаб тизимларни анъанавий тафаккур тарзи билан англаш, тушуниш етарли эмас. Демак, бошқа тафаккур тарзига зарурат туғилади. Бу тизимли тафаккурдир. Тизимли тафаккур-кузатилаётган ҳодисалар қонуниятини ва маъносини тушунишга ёрдам берувчи ёндашувдир. Тизимли тафаккур - фақат яҳлитликнинг

---

[124] М.Н.Абдуллаева, Г.Ғ.Ғаффарова, Г.О.Жалолова. Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари. Т.: "NOSHIR", 2020,11-бет.

[125] **Э.Агацци. Переосмысление философии науки сегодня.** Вопросы философии, 2009. № 1, 40–52-стр.

[126] Агацци Э. Эпистемология и социальное: петля обратной связи. Москва, Вопросы философии, 2010 год. №7, 58-67 стр. Разработка сайта: веб-студия "Большая медведица").

қисмларинигина эмас, балки улар орасидаги мураккаб боғланишларни ҳам кўра билиш қобилиятидир.

Замонавий дунё ўзининг мураккаб тузилиши билан инсонга оламга, шу жумладан табиат, жамият ва нанотехнологияларга янгича қараш имкониятини яратди. Бу атрофдаги оламни янада кўпроқ идрок этиш ва англаш учун ёрдам беради ва шу билан инсонда ва янада катта интеллектуал салоҳиятни ривожлантиради. Бу эса инсониятга воқеликни маънавий билишда катта имкониятлар эшигини очади. Ушбу жараён ифода воситаларини бадиий умумлаштиришнинг янги замонавий усулларини интенсив излаш ва оламнинг бадиий билишни кенгайтириш билан тавсифланади[127]. Шу масалага яқин бўлган фикрни етук олим Э.Агацци ҳам билдиради “Агар мумтоз файласуфлар ўз илхом парвозларини тажрибага қаратсалар, Янги давр идеали эса – кашф этишга, замонавий фан эса сўзсиз тадқиқотлардан иборатдир. Фан яратган нарсаларга мерос эмас, конструкциялар мажмуи сифатида қараши лозим. Бу эса уларни янгидан кўриб чиқиш, танқид этиш, хатто керак бўлса баъзиларидан воз кечиш мумкинлигини англатади. Фан - фан орқали бойиб боради ва ўз-ўзини ташкиллаштиради. Мулоқот натижасида фаннинг турли соҳаларида истиқболли изланишларга имконият очиб беради. Эски муаммоларни хал этиш орқали янги масалалар кутилмаган манбалардан, баъзи ҳолларда хатто мутлақо алоқаси бўлмаган соҳалардан ечим топилади”[128].

ЮНЕСКОнинг генерал директори Одри Азуле 2017 йил Жаҳон Фалсафа куни муносабати билан куйидаги фикрлари орқали мурожаат этар экан, шундай дейди: “Фалсафа – шунчаки мароқ келтирувчи илмий соҳа эмас, у жамиятни ўзгартиришга қодир бўлган амалиётдир. Бизни жаҳондаги турли-туман оқилона оқим ва таълимотлар билан таништириш билан, фалсафа маданиятлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқаларни кенгайтиради. Тафаккурга бўлган қизиқишни рағбатлантириш ва фикрларнинг конструктив мулоқоти орқали, бағрикенглик ва ҳурмат тамойилларига бирмунча юксак риоя қиладиган жамиятни яратишга асос солади. ЮНЕСКО учун фалсафа янги ғояларни туғилишига туртки бўлади ва инсониятнинг ижодий салоҳиятини очиб берувчи воситадир. Фалсафа олам ва барқарор тараққиётнинг, ўзгаришларнинг ақлий асосидир”[129].

---

[127] Г.Т.Маҳмудова, Г.Ғ.Ғаффарова, Г.О.Жалалова. Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг концептуал-фалсафий методологияси. Т.: “NOSHIR”, 2020, 92-бет.

[128] **Агацци Э. Переосмысление философии науки сегодня** // Вопросы философии, 2009. – № 1. – стр - 47.

[129] http://www.unesco.org/new/ru/unesco/events/prizes-and-celebrations/celebrations/international-days/world-philosophy-day-2017/

Бугунги кунда фалсафа соҳасидаги фундаменталь тадқиқотлар мураккаблашиб бораётган дунё, илмий билиш ва жамиятда содир бўлаётган туб ўзгаришларни ҳисобга олиши зарур. Аниқлик, равшанлик, бўлажак ҳодисаларни олдиндан билиш (башорат қилиш) каби хусусиятлар классик фалсафанинг идеаллари бўлган бўлса, тасодифийлик, ноаниқлик, эҳтимоллик каби тушунчалар замонавий фалсафа арсеналини ташкил қилади ва улар классик фалсафий концепцияларда ўз ифодасини топмаган. Замонавий фалсафа, ижтимоий ўзгаришлар концепцияси ночизиқлилик феноменини, унинг қонуниятларининг ҳаётимизда намоён бўлишини ҳисобга олмоғи зарур.

Агар тарихга мурожаат этсак, ислом цивилизацияси гуллаб яшнашининг асосий омили ўша даврда "билим концепциясининг" амал қилганлигидир ҳамда мавжудлиги билан белгиланади. Ислом оламининг илм-фан соҳасида қўлга киритган улкан ютуқлари ҳам айнан билим концепциясига асосланади. Шу сабабли ўрта асрларда ислом оламида Роузенталь "билим тантанаси" содир бўлганлигини таъкидлайди. Бу даврда яратилган билимлар ҳаётда қўлланилди ва жамиятда тараққиётга эришилди. Аммо "капалак эффекти", кичик таъсирларнинг туб ўзгаришлар келтириб чиқариши каби тушунчалар классик фалсафий концепцияларда кўрилмаган. Фалсафий концепция дунёни классик равишда кўриш билан бир қаторда замонавий фаннинг ўзини-ўзи ташкил қилиш назарияси, диссипатив тузилмалар (структуралар) назарияси, синергетика, аутопоэзис каби назарияларга таяниши лозим, чунки булар муракккаблашиб бораётган ўзаро боғлиқ тизимларни янги замонавий нуқтаи назардан кўришни ташкил қилади. Ушбу концепция ҳозирги давр дунёси руҳи, даъватлари, хавф-хатарлари ҳамда жамиятнинг замонавий талабларига мос келиши зарур.

**Адабиётлар:**


1. **Замонавий фалсафий атамаларнинг изоҳли луғати** // Мирзо Улуғбек
номидаги Ўзбекистон миллий университети Фалсафа илмий жамоаси. –Тошкент: «Университет», 2018. – 86 б.
2. М.Н.Абдуллаева, Г.Ғ.Ғаффарова, Г.О.Жалолова. Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари. Т.: "NOSHIR", 2020, 5-бет.
3. М.Н.Абдуллаева, Г.Ғ.Ғаффарова, Г.О.Жалалова. Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари. Т.: "NOSHIR", 2020,11-бет.
4. **Э.Агацци. Переосмысление философии науки сегодня.** Вопросы философии, 2009. № 1, 40–52-стр.

# ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДАГИ АҲАМИЯТИ.

**Бердалиев Низомиддин Шералиевич**
**сиёсий фанлар номзоди, доцент, ТАҚИ**
**berdaliev2021@mail.ru**

Бугунги кунда ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг маданий-тарихий анъаналари, урф-одат ҳамда умумбашарий қадриятларни ўрганишда муҳим ўрин тутган ижтимоий-гуманитар фанларни самарали ташкилий, педагогик шакл ва усулларни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш устувор вазифаларидан бир саналади. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна солаётган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Айнан узлуксиз таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди" деган фикрларида ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда нафақат ёшларнинг маънавий оламини издан чиқаришга қаратилган турли таҳдидлар, бузғунчи ғоялар, диний экстремизм ва фундаментализм, терроризм, миссионерлик ҳаракати ва "оммавий маданият" каби мафкуравий хуружларга қарши кураша олувчи, шунингдек, коронавирус каби турли хил вирусларга қарши ҳамжиҳат бўлиб курашишга, ватанпарварлик ва ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшовчи, мустақил фикрга эга ёшларни тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бу эса таълим-тарбия жараёнини янада самарали ташкил этишнинг ноанъанавий усул ва воситаларини жорий этишни талаб этмоқда.

Асрлар оша таълим – тарбия мерос ўларок улуғ олиму – уламолар орқали бизгача етиб келди. Уларнинг тарбия борасидаги бебаҳо ўгитлари, босқичма – босқич ҳолда, ёш ва мижозга эътибор бериб амалга оширган ишлари мустақил келажакнинг мустаҳкам пойдеворларини етиштиришда аҳамиятли ўрин эгаллайди. Абдурауф Фитрат бу борада бундай ёзади: "Ахлоқи гўзал фарзанд Аллоҳнинг неъматидир. Яхши тарбия инсоннинг бахту-иқболи омилидир. Баъзи феълу атвор туғма бўлса-да, яхши хулқ кўпинча шакллантирилади". Луқмони Ҳакимдан "Нега ўғлингизга жуда кўп насиҳат қиласиз?" деб сўрашди. У зот: "Кексаларнинг ёшларга қилган насиҳати худди кўчатларни вояга етказадиган боғбон кабидир. У вақт-вақти билан кўчатларнинг ортиқча шохларини кесади, улар атрофидаги бегона ўт-

ўланларни тозалаб ташлайди. Хуллас, унинг мустаҳкам бўлиб ўсиши учун бор куч-кувватини сарфлайди. Агар шундай қилса, ниҳол яхши ўсиб, унади. Зеро, у ҳосилга киргач, меваси асалдек ширин бўлади. Акс ҳолда, боғбон бепарво бўлиб, кўчатларнинг ортиқча шохларини кесмаса, улар баланд ўсиб, яхши ҳосил бермайди. Натижада, бундай ниҳолдан боғбонга кам фойда етади”. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қиладилар: “Кишининг ўз фарзандини чиройли одоб-ахлоқ билан тарбиялаши кўп микдордаги нафл садақа беришидан яхшироқдир” (Имом Термизий ривояти). Албатта, яхши фарзандлар ўз-ўзидан вояга етмайди. Балки оилада ота-она назоратидава таълим тарбия масканларида тарбияланиб, улғаяди. Билим ҳамда тажриба, келажакка умид, сабр ва матонат билан кўп яхши нарсаларни қўлга киритиш мумкин.

Дарҳақиқат, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани, коронавирус инсон саломатлигига таҳдид солаётганлиги барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир. Ота-онага, Ватанга ва атрофдаги барча инсонларга хурмат бурчини чукур англаш одамийлик фазилатидир. А.Авлоний эса тарбия доирасини кенг тарзда мушохада килиб, уни биргина ахлок билан чегаралаб куймайди. А.Авлоний тарбияни куйидагича тасвирлаб беради: «Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир» деб ката баҳо беради. Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалаларида ижтимоий-гуманитар фанларни моҳиятига этибор қаратмаслик ва эътибордан четда қолдириш ёшларнинг тарбиялаш борасида сарфлаган барча саъй-ҳаракатларимиз уларнинг онги ва тафаккурининг ривожланишида биз истаган натижаларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Зеро, ёш авлодимизни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида сўзлаганда, нафақат халқимизни улуғловчи буюк хусусиятлар, айни пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида ҳам очиқ сўз юритишимиз, биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик

каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим. Бу ўта муҳим вазифа кенг жамоатчилигимизнинг, айниқса, зиёлиларимиз, олим ва адибларимиз, санъат ва маданият аҳли, ўзини маънавият соҳасига бағишлаган барча инсонларнинг доимий диққат марказида бўлиши лозим.

Мустақиллик моҳияти ва аҳамиятини сарҳисоб қилганда, у туфайли ёшларнинг дунёқараши ўзгариб, уларда ғурур, ория, шаън ва номус туйғулари кучайишига, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, Ватанга, она заминга меҳри, эгалик ва масъулият ҳисси кучайганлигини, ёшлар ўзлигини англай бошлаганини кузатамиз. Қандай заминда яшаётганимизни ҳис қилиш, умуминсоний қадриятларга интилиш билан бирга, Шарқ фалсафаси, ўзбекона тафаккур нури барчанинг дилидан ўрин ола бошлади. Миллий анъаналаримиз ва удумларимизни тиклаш ва ривожлантириш тамойили кучайди. Ислом динимизни қадрлаш маънавиятимизни янги маънолар билан тўлдиришга олиб келди. Улуғ бобокалонларимиз маданий хазинасига ҳақиқий ворислик қила бошладик. Улардан фахрланиш имкониятига эга бўлдик. Юртимизда яшаётган барча миллат, элат вакилларининг тинч-иноқ яшаши учун шароит яратилди. Бундан ёшлар баҳраманд бўлмоқда. Аммо, эришган ютуқларга маҳлиё бўлиб, ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, маънавият ва маърифатни ривожлантиришда, ёшлар тарбиясида ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳамиятини йўқотсак мавжуд қариятларимиз ривожлантириш ва сақлаб қолишда биз муаммоларга учирашимиз айни ҳақиқат.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий гуманитар фанлар дастурларида айнан мамлакатимиз ривожи, тараққиёт стратегияси тамойилларига хос хусусиятлар, юртимизнинг бугуни ва эртанги кунини белгилаб берувчи устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ўзида мужассамлаштириши, юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодни жамиятнинг ҳақиқий таянчи ва суянчига айлантириш масаласига эътибор кучайтирилиши мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, муайян ғоя ва мафкурани ёшлар қалби ва онгига сингдириш жараёни мураккаб, кўп босқичли, ўта масъулиятли бўлиб, улар самарадорлигини муттасил ўрганиб бориш зарур. Бу, ўз навбатида, янада маҳсулдор ва таъсирчан усулларни амалиётда қўллаш, ғояга ишончни мустаҳкамлаб бориш, ушбу йўналишдаги ишларнинг самарасини оширишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, «Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор килинмаса, келажак бой беради» юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик

ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришда, мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, маънавий етук авлодни вояга етказишда, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширишда, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун йўналиш берадиган, уларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, касбга йўналтириш, ташаббусларини рағбатлантириш, шу билан бирга фарзандни ҳасад, манманлик, такаббурлик, ёлғон гапириш, алдаш, мунофиқлик, бахиллик, бекорчилик, жаҳл, ғазаб, ғийбат, беҳуда сўзларни гапириш, мазах қилиш, шаҳватга берилиш, сўкиш, тамаъ қилиш, зулм, жоҳиллик каби ёмон хислатлар ривожланишидан муҳофаза қилиш борасида ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни ва роли беқиёсдир.

**Адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик // Халқ сўзи, 2016 йил 19 октябр.

2. Авлоний А. Танланган асарлар.2-жилд. Тошкент Маънавият 1998 йил. Б-38.

3.Каримов И.А Юксак маънавият-енгилмас куч Тошкент Маънавият 2008 йил Б-36.

## МАКТАБЛАРДА ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА КЕЙС-СТАДИ (CASE-STADE) УСУЛИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

**Абдуллаев Ўктам Шералиевич,**
**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти,**
**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сонли Фармони[130], 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари

[130] https://lex.uz/docs/3893445... PF-5538-son 05.09.2018 (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/09.2018 й, 06/18/5538/1840-сон, 13.12.2018 й, 06/18/5597/2300-сон)

тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли Қарори[131] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, халқ таълими ходимларининг бошқарув, касбий ва умумий педагогик маҳоратларини узлуксиз оширилишини ташкил этиш ҳамда халқ таълими вазирининг 2018 йил 29 декабрдаги 334-сонли буйруқлари ижроси таълим-тарбия тизимини бугунги давр нуқтаи назаридан ислоҳ қилиш имкониятини беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони[132]да ижтимоий соҳа, хусусан, таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантириш, таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш муҳим вазифа этиб белгиланди.

Ҳозирги кунда педагогик амалиётда янги йўл ва воситаларни жадал татбиқ этилаётганлигини кузатиш мумкин. Бироқ баъзи таълимда шакл ва фаол усуллар ўрнига бўлинмас таълимий технологиялар зарур. Ҳар бир йўл ва восита ўқитувчи-технолог томонидан, у интилаётган, якуний натижага эришишга кўринарли қўшган ҳиссаси билан баҳоланиши зарур. Машҳур маркетолог Дж. О’Шонессининг “...китоблар ҳеч қачон тажриба ўрнини боса олмайди...” деган фикрига қўшилиш мумкин.

Бугунги кунда тарих фани уни ўқитишда ўқитувчилар олдида долзарб масалаларни кўндаланг қўймоқда. Қуйида биз 5-синфлар учун мўлжалланган тарих дарсларини ўтишда кейс-стади усулининг самарадорлиги ҳақида фикр юритамиз. Кейс-стади[133] - бу усул, одатий ҳаётни ташкиллаштирувчи вазиятларни яратувчи ва таълим олувчилардан мақсадга мувофиқроқ ечим излашни талаб қилувчи, ҳаётдан олинган одатий вазиятларни ташкиллаштириш ёки сунъий яратилган вазиятларга асосланади. Тарих дарсларида кейс-стади усули қўлланилганда дарс сифати ва ўқувчиларнинг билими янада мустаҳкамланади. Чунки кейс-стади усулида синфдаги ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳга сардор сайланади ва улар ўртасида баҳс учун муаммоли вазият берилади. Берилган муаммо устида гуруҳлар бош қотиришади ва баҳсга киришишади. Баҳсга киришаётган ўқувчи ўзининг мустақил фикрига таянади.

[131] https://iex.uz/docs/3893416...PQ-3931-son 05.092018 (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2018 й, 07/18/3931/1841-сон, 04.05.2019 й, 07/19/4306/3078-сон, 27.11.2019 й, 07-19/4537/4078-сон)

[132] https://iex.uz/docs/3107036... ПФ-4947-сон 07.02.2017 (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й, 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й, 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й.,06/19/5892/4134-сон)

[133] Кейс-стади – инглизча сўз бўлиб case-тўплам, аниқ вазият, stadi-ўрганиш демакдир.

Ўқитувчи бундай вазиятга кичик гуруҳларни назорат қилади ва керакли маслаҳатлар беради. Кейс-стади усулида муаммоли вазият олдиндан ўқувчиларга уй вазифаси қилиб берилиши ҳам мумкин. Ўқувчи бу мавзу юзасидан керакли адабиётлардан (албатта ўқитувчи тавсия этган кутубхонада мавжуд бўлган) фойдаланиб махсус тайёрланиб келади.

**Кейс-стади усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси**

| *Ишлар босқичи ва мазмуни* | *Фаолият* | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчи** |
| **Тайёргарлик** | **Танишиш учун ўқувчиларга кейс материалларини тайёрлайди ва аввалги машғулотларда тарқатади** | **Кейс мазмуни билан танишадилар** |
| 1-босқич<br>Ўқув машғулотига кириш<br>(4 дақиқа) | 1.1.Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, кутилаётган натижалар ва уни олиб режаси билан таништиради. Кейс аҳамиятини ва уни билимларни ривожланишига таъсирини тушунтиради | Диққат қиладилар |
| 2-босқич<br>Билимларни фаоллаштириш<br>(8 дақиқа) | 2.1. Ўқувчилар билимини фаоллаштириш мақсадида мавзунинг асосий тушунчалари бўйича тезкор-сўров ўтказиди.<br>2.2. баҳолаш мезонлари билан таништиради. | Саволларга жавоб берадила, муҳокама қиладилар, аниқлаштирувчи саволлар берадилар.р |
| 3-босқич<br>Алоҳида ишлаш<br>(10 дақиқа) | 3.1. кейс материалларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради, ишлаш қоидаси, вазиятларни таҳлил қилиш чизмаси, муаммоларни ифодаланишига эътибор беришларига қаратади.<br>3.2. вазиятни мустақил таҳлил қилишни, ечиш йўлларини аниқлашни, сўнгра уни ечиш топшириғини беради | Кейс материалларини муҳокама қиладилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар.<br>Мустақил равишда таҳлил қилиш варағини тўлдирадилар, муаммони ечадилар. |
| 4-босқич<br>Кичик гуруҳларда ишлаш<br>(12 дақиқа) | 4.1. Ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлади ва топшириқ беради: вазиятни муҳокама қилиш ва таҳлил қилиб кўриш, топшириқни ечиш, тақдимотга тайёрланиш | Кейсни ечиш ва тақдимот варағини тайёрлаш бўйича ҳаракат қиладилар |
| 5-босқич | 5.1. Тақдимот, муҳокама ва гуруҳлар тақдимотини ўзаро | Гуруҳлар тақдимот қиладилар. Бошқа |

| | | |
|---|---|---|
| Тақдимот<br><br>(11 дақиқа) | баҳолашни ташкиллаштиради. Жавобларни шарҳлайди, муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хулосаларга эътибор қаратади. Кейс бўйича ўзининг жавобини ҳавола қилади. | ўқувчилар мунозарада иштирок этадилар, саволлар берадилар |

**Муаммоли вазият: Иккинчи жаҳон уруши, бошланиши, якунлари ва унинг оқибатлари** (муаммоли вазият ҳақида дастлаб маълумот берилади)

Иккинчи жаҳон уруши 1939 йил 1 сентябрдан 1945 йил 2 сентябргача давом этди. Бу уруш дунёнинг 61 давлатини ўз домига тортди. Уларда дунё аҳолисининг 80 фоизи яшар эди. Армия сафига жами 110 млн киши сафарбар этилди. Иккинчи жаҳон уруши тарихда энг даҳшатли, энг кўп талофат ва катта вайронагарчилик келтирган уруш сифатида из қолдирди.

Чунончи, махсус адабиётларда келтирилишича бу урушда 65-67 млн киши ҳалок бўлган. Вайронагарчиликдан кўрилган зарар ва уруш харажати биргаликда 4 трлн долларни ташкил этган. Бу уруш айни пайтда даҳшатли қуроллар ишлатилган уруш ҳам эди. Уруш охирида ҳатто ракета қуроли ҳамда атом бомбаси яратилди ва улар инсониятга қарши ишлатилди. Германия фашистик партияси дунёда “олий ирқ” вакиллари эканликларини, қолган барча халқлар уларга тобеъ эканлигини бутун дунёга жар солишди.

**“Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиринг**

| Вазиятдаги муаммолар тури | Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари | Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари |
|---|---|---|
| 1. Германияда фашизмнинг ҳокимият тепасига келиши.<br><br>2. (бир нечта муаммолар ёзилади) | 1.1.Германиядаги ва халқаро йирик монополиялар фашизмга ёрдам қўлини чўздилар.<br><br>1.2.Англия ва Франция Версаль шартномаси кафолатчиси бўлиб, фашистлар кучини етарлича баҳоламадилар.<br><br>1.3.Версаль ва Вашингтон конференцияси қарорлари мустаҳкам эмаслиги.<br><br>1.4....(муаммоли вазиятнинг келиб чиқиши сабаблари давом эттирилади..) | 1.1.Версаль ва Вашингтон конференция қарорларини фақат урушни айбдор ҳукуматларига қарши қаратиш керак эди, мағлуб давлатлар аҳолисига эмас.<br><br>1.2.1919 йил тузилган Миллатлар Лигаси агрессор давлатларга қарши қатъий жазо чорасини кўриши керак эди.<br><br>1.3.1938 йил Англия ва Франция давлатлари шармандали “Мюнхен” шартномасини имзоламасликлари керак |

эди.

1.4...(вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари давом эттирилади.)

## Синфдан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

| Ўқувчилар рўйхати | Асосий муаммо ажратиб олиниб тадқиқот объекти аниқланган<br>Максимал. 6 балл | Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари аниқ кўрсатилган<br>Максимал. 4 балл | Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари. Аниқ кўрсатилган<br>Максимал. 10 балл | Жами<br>Максимал. 20балл |
|---|---|---|---|---|

## Синфда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

| Гуруҳлар рўйхати | Гуруҳ фаол<br>Максимал: 1 балл | Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди<br>Максимал: 4 балл | Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди<br>Максимал: 5 балл | Жами<br>Максимал: 7 балл |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |

8-10 балл – аъло

6-8 балл – яхши

4-6 балл-қониқарли

0-4 балл – қониқарсиз

*Таълим бериш усулларини ўқув ахборотини эгаллашларига таъсири.* Г.Майернинг фикрича, 72 соатдан (уч кеча-кундуздан) ўтганда, маълумотни эшитиш орқали қабул қилгандан сўнг тингловчи хотирасида 10 %; кўриш орқали (кўрганда) – 20 %; кўриб ва эшитиш орқали (кўрганда ва эшитганда) – 50 %; кўриб ва эшитиш орқали қабул қилиш ва мунозарада, амалий имкониятлар қўлланилганда – 90 % ахборот олади.

Мустақил Ўзбекистон таълимни ривожлантираётганлиги бўйича дунёнинг 141 та мамлакати ичида иккинчи ўринни эгаллаб (Франциянинг “Инссад” бизнес мактаби маълумотига кўра), жаҳон ҳамжамияти бизнинг

таълим тизимимизни эътироф этаётган бир пайтда ёшларга пухта билим бериб, уларни замон талаби даражасида тарбиялаб мамлакат келажагини таъминлащдек юксак масъулиятни  биз ўқитувчилар зиммасига юклайди.

## BILIKRACY SCHOOLS IN UZBEKISTAN

**Jummayev Abdimumin Fayziyevich**
**Teacher  Denau business and pedagogical institute**

**Bozorov Quvonchbek Dilmurod o'g'li**

**2nd year student of Social – Humanitarian, Denau Institute of Entrepreneurship and Pedagogy**

**Vafoqulov Shohruz Shavqiddin o'g'li**

**2nd year student of Social – Humanitarian, Denau Institute of Entrepreneurship and Pedagogy**

**Annotation:**Another is an important role in the growth of the lifestyle of our people, and for centuries, rich is accumulated and makes a worthy contribution to the upbringing of a young generation. The epistles of folk oral creatures have very deep historical roots, are created for many centuries and are sung in different socio-economic conditions.

The first epics appeared in Greece, in which they are sang about the courage of the legendary heroes, the prophecy of the gods. The "divine comyy" of Homer, "Divine", and published in 1475-1321, in 1472, and consists of three parts, which was published in 1465-1321: In Iylasea The second is called "purification", that is, the "purity", the hell and the hell are the ancient examples of the ephar of the epic of the epic "Paradise". Epics, according to its original, adventzing-detantic ("Alpomish", "Tahir and Shiror"), Layla and Majnun (Yusuf and Ahmad "," Saddi Isandariy (Saddi Isandari (Shaibuman "," Jizzakh Roan "), Fantastic Allelegorik (" Lispast Utororik "), Distal (" box ") Billing ") is divided into the type. If the People's epics are described, the adventure of the luxuries in romantic romantic epics is in the romantic epics. Historical persons in historical-mechanism or historical epics are symbolized and exaggerated. In general, the emotional image is dominated in epics, which will be involved in various myths, practices, stories, no care, dragon, and witchcraft. Bakhshi emondices of people, the figuries and public poets are performed in the accompanication of Dutr, Dubproving and other folk instruments. Although the epicel in wrolish literature in writing literature is the same way, the epics in written literature differ in writing and methods, methods of means of expression, dreams of their dreams, dreams, styles. Although the folklore was standing on most of Navoi's epics, including Layli and Majnun, Saddi Isandari, and the poet has been still re-created by its own aesthetic intentions. The

epics were in content to heroism, a warrant, historical, romantic, living standards. Poets were playing an important role in the implementation of epics.

In Turkmenes, the sow elders are also bids. In addition to the Uzbek folksun, Bulunglar, Narpay, Narpay, Narpay, Narlgan, Khoreabad, Sharunabad, Sharagabad, Chirchan, are also known in the center of the art center, such as Boysun, Bulunglar, Narpay, Narpa, Khoreabad, Chirchi, They differ from each other according to the principle of repertoire, styles, known creative and methods of performance. In heroic epics, the people were a "Alpomish" epic of the people, which are shown brave fight against their own lands. President of the Republic of Uzbekistan IA.A Karimov assessment of this epic on which we have attacked our national traditions; Alpomish, the Uzbeks, and the courage and tante, the people of our people, said the ancestor is an unconscious song that generation to generation. One of the favorite of the people's favorite heroes about the courage of Gurohğli is widespread among Uzbek, Tajiks, Kazakh, Turkmen, Karakalpak, Tatar, Azerbaijan, Georgia, Turkish peoples. In the epics, the heroes of the Works depict the courage of historical and legendary wars. These include "Bolarai ABO Muslim", "Alien Amir Kamza," Battle "," Battle "," Toshshid "," Tirmaris ". The repertoirs of Bakhshis were scenic and events in the past, were based on historical activities, which are also epics, which are mixed with a legend, the reality of reality. In the early twentieth century, epics such as the Jizzakh Revolue, "Madger" were reflected in 1916, including Turkestan. The largest part of the Uzbek people's epics were romantic emergencies. Their plots are extremely similar to the hero, usually falls on a beautiful girl, experiencing wonderful-strange events, overcoming difficulties and achieving its goal. Love conflicts, such as "dumb," and adventure events were among such epic. In the epics "Sokhiran", "Arrogul", Errali and Sherali's emani are reflected in the events related to the household footwear of the people. Among the epics included bookmarks created in the influence of written literature, which is due to the processing of folk oral creativity, which is due to the processing of folk oral creatures. Among the epics, "Farhod and Shirin", "Yusuf and Majland", "Bahrom and Gululom", based on the works of Alisher Navoi, were among the epics "Rustami didon", "Malikai Dilorom".

Emergentiary Surkhandarya and Kashkadarya oasis is widely developed in Khorezm and Samarkand region. During this period, the Bakhshi repertoire was more than 150 people. Among the people were famous among the people, Ergashi Jumanbulo, Fuzm Sayshi, Shop, Islam, Bakhshi, Bakhshi, Ahmad Bakhshi, Bakhshi, Ahmad Bakhshi. The coin, where the power of emergency memory, received more than seventy emergency. The fact that every epic from two to three thousand rows, even twenty thousand verses, indicated that the ability to create, strong memory, memory, and memory are possessed. The son of Fozil Satellite was able to memorize 50 epic, and some of the Bakhshites just told the epic The special evenings were organized for the hearing, the wedding did not pass without

Bakhshes, listened to the net and listened intently. Talented streopers were able to sing deson for two or three nights, because the volume of epics also required the implementation of two and three nights. Shernazar Berdinazar, Bakhsha, was able to say Estain for seven nights. Bakhshi, who visited the evening nights, competed with their talents, words with the ability to play. The region has formed festive schools with unique traditions. Largestoning schools such as Bulungur, Narpay, Khorezm, Shahrisabz, Etherabad were popular. They are distinguished by oneother according to the principle of repertoire, styles, known creative and methods of performance. The Bulungu Sister Festure School was distinguished by the skills of singing the epic "Alpomish", and other bakhshis came here and improved their skills. His representative was able to sing the epic of Amin Bakhshi until 3 months. In prison, where Kashkadarya oasis was formed in Kashaddasi, the center of the founder united about 60 Bakhshiks in Dehkanabad and Guzar districts. Rahlast School School united the Bakhshov, who lived in the lead of mountains stretched from the Manguntov to Nurata. One of the most talented representatives from the fortressy's festive school is the son of Kushgun Jumulbul (1868-1937) and the Poet "Alpomish", "SongsUluv", "Kuntuzi", "Kuntuzluv", "Birth", "Yunus" The epistle such as Pari, "Miscal Paris", "Avazkhon", "Hasanxon" were written. In this epilession school, Ergash Jumbul Sutor has played dozens of eporakies, such as ancient brochenum, Sultan Kamola, Jodon Bayshshi.

Ergash Jumbuln The son is born in 1886 in the village of Korprabot district of Samarkand region. On May 12, 1937, he died in Collection. Uzbek People's Poet, Emercher. He was founded in the Family of Facilacy. His seven ancestors also passed his uncles-poet. From the descendants of their descendants, LAFAS, Mullah, Sultanbul, Sultan, Sultduz, Jodi -xiii, Jhossi -xii centuries, were known anestestors. In the capacity of the Ergash Jumanospitulian mildchi, a great poet broker, was of great importance of the richery atmosphere of his family and the Art School in the village of Kurgan. He received the desire of the epic of his father, Jumanulbul. Jumbulbul paid great attention to the reading and learning of his son, learning. From 1884 to 188 in 1884-1886, he studied at one of the Bukhara madrassas, and in depth an in-depth study of Persian, Arabic languages, Fuzuliy, Navoi, Mashrab and Sufi the works of Mashrab and Sufi. But financial troubles and cannot continue their studies because of the death of his Father in 1886. He returns to his village for independent reading, improving the skill in the history. At a certain time, the coach and father-in-law was a guarantor collector with the help of the Hatib Hatib. In 1887-1889, Ergash Jumabul son work in Mirza, one of the Amlanders of the Bukhara Amalist Bukhara. The death of the Anden poet and his brothers, and Abdujalilils, sisters and children from the poet, as a result of the wake eporist of the poet, as a result of the spread of the poet, will die one by one. Such worship is also lived in the ward to sing and lived in westions from about 1904 -1905. In 1912-1922, Bulungur, Gallaorol, Urgut districts, Jizzakh and

Panjikent were treated, and sometimes sings of the epics. In 1923, he returned to his village and opened a one-bedroom school in the village of Karakas, 1924. The son of Ergash Jumulbul came to Samarkand in 1925 and in 1926-1928 in 1926-1928 wraps and wrote the epic in the village of Bulungur district, writing down the epic In 1929-1936, Ergash Jumbul the son of Jogbulbul sought students in his village, mainly in farming and students in the dostoconic. In 1936, he came to Tashkent and returned at the end of April 1937 and died and died in the late April. The work of Ergash Jumanospitul His son is colorful and he has memorized more than forty epics. Ergash Jumanbulbulbul son's "Kuntaqhabil", "Dalli", "Dalli", "Khukhklavi," Kholkhak "," Avazkhxon "," Avazkhxon "," Avazkhxon " Nurali, Yusuf and Ahmad, Macomiq and Uzro, Maxtibquli, Motsumkuli, Motsumkuli, Motsumkuli, and Motsumkuli, Haqizinaboni is the Treasure of the Uzbek epics had. Ergash Jumbuldil also has also blessed the traditional epics and sings the teams. His epic "Circle" epos. "I came in Tashkent", "Red", "Tursunoy", "Kushi School", "Otajoq", "Poet Girls" covers the people's respect of the people. The legacy of Ergash Jumbulbulbulbulbulbulbulbul the heritage was widely studied and published books on the poet and the film was created. The Bulungu Single School was famous for performing heroic epics. The last talented representative of the school (1872-1955) Like the epic like the rhythmine.

The art of the history school of Khorezm is different from other style schools. Khorezm epics, sometimes the saying was a written text in the sovereignty, where music were singing, and team executive leaders were singed. Khorezm Bakhshi Bakhshi songs are performed on each song on a certain following, and theisters are called ways to make them paths or workshops. Bakhshi performed the word and the song in an open circle of the song, dutar or a tor. Kashkadarya, Surkhandarya, Samarkand School of Biliary School defined the process of the ephye in an open voice, acting singing in the open voice, performing a closed voice in the open voice. In the 19th century, Kashkadarya had a school of festival in prison on Kamidar village of Kamashi district. Abdukarim Juzril (XIX century), the son of Mullah Kholnezar, united about 60 Bakhshi, such as Mullah Oldazar (1910 years old). They were in creative cooperation with the Dostonine School. In prison, representatives of the declaration school gave special attention to the lyric direction of the People's Imonian. They have previously been prevented by Sherabad school representatives of the poetic school of poetic forms. In prison, the dostainics "Nurali" from the dents (1972-1977), "Kuhimoy" (1963) and other epics were recording. Piskent is linked to the name of Bakhshi School. This school prone to lyrical direction, in some ways, in some ways, had a poetic method close to the worn festival school of the worn school school. Uzbek-Laqa Bakhshi, Republic of Uzbekistan living in South Tajikistan, is associated with the village of Jorubkol. The son of the Master The Son of the Mercy (1884-1966), Soonurod wind son (1883-1966), and Samurad wind son (1883-1964) and others were considered

talented representatives of this school. The basis of this Bakhshilar Reptoire organized a series of epicoved by Guroki, and their text was extremely short.

## МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ТАЪЛИМ ТАРБИЯДАГИ ЎРНИ

***Ғуламов Обиджон Ғайратович***
*ТАҚИ ўқитувчиси*

Маълумки, тарбия-инсон шахси, маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган тадбирлар тизимидир. Таълим эса ахлоқли, одобли шахсга ҳунар ўргатиш, билим беришдир. Инсон шахсини шакллантириш билан боғлиқ бўлган тарбия ва таълим бир-бири билан узвий боғланган жараёндир. Абдулла Авлоний таълим ва тарбиянинг муштараклиги ҳақида шундай ёзади: “Дарс (яъни таълим) ила тарбия орасида бироз фарқ бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидир. Чунки дарс олувчи-тарбия олувчи, амал қилувчи демакдир”.

Инсон шахси шаклланишида тарбия устувор аҳамиятга эга бўлади. Умуман айтганда, тарбия таълим бериш жараёнининг барча маърифий мажмуасини ҳам вазифасини ҳам ўз ичига олади. Ҳар қандай таълим, тарбия билан уйғунлашгандагина етук маънавиятга замин бўлади. Мамлакатимиз аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширлаётганислоҳотларга даҳлдорлик ҳиссини кучайтириш, шу йўналишдаги маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини янада оширишимиз зарурли давр талабига айланиб бормоқда. Тарбия, хусусан миллий тарбия хақида сўз борганда, бу тушунчанинг моҳияти устида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. Тарбия сўзи асли арабча бўлиб, «парвариш қилиш, таълим бериш, ўргатиш» деган маънони англатади. Тарбиячи эса юқоридаги мақсадларни амалга оширувчи шахсдир. Мукаммал тарбия бериш маънавий камолотнинг барча жабҳаларини ривожлантириш учун субектив омил бўлиб, унга асос ҳам яратади. Шунинг учун ҳамма даврларда ҳам тарбиячилар ёшларни ахлоқи ва одоби, иймони ва виждони, билими ҳамда малакасини давр талаблари ва эҳтиёжлари билан уйғунлаштириб шакллантиришга ҳаракат қилганлар. Шунга кўра, “ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбиядир. Миллий ғояни таълим-тарбиядаги ўрнига тўхталиб ўтадиган бўлсак, мамлакатимизда эркин, ҳуқуқий-демократик, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш, миллий ғояни жамиятимиз аъзолари онгига сингдириш, миллий ғоя ва “Ҳаракатлар стратегияси”да устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилган қадриятлар тарғиботига

эътибор қаратиш, халқимизнинг миллий ўзлигини англаб, мустақилликни мустаҳкамлаш ишига камарбаста бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ғоя, яъни мақсад кўп ҳолларда амалиётдан илгари юради. Аввал муайян ғоя жамият аъзоларининг умумий мақсади сифатида илгари сурилиб, сўнг ушбу мақсадни бажариш учун амалий фаолият бошланади. Шу жиҳатдан ҳам миллий ғоя ўзлигимизни англаб ижтимоий тараққиёт ва барқарорликни таъминлашимиз йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа — ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат.

Дарҳақиқат, инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини қуришга азму қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига қўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий, ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб билади. Бугунги кунда мамлакатимизда қарор топган ғоя ва тафаккур эркинлиги туфайли халқимизнинг асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотмаган маънавий мероси ворисийлик тамойилига асосланган бўлиб, янгича тафаккур билан таҳлил этила бошланди. Кишилик жамияти пайдо бўлгандан буён инсон кундалик фаолиятида сайқалланиб, ривожланиб борадиган муайян эътиқодни ифодаловчи ғояларга таяниб иш кўради. Бирор бир жамият йўқки ижтимоий таълимот билан ўзаро боғлиқ бўлмаган. Бугунги глобаллашув асрида эса ғоялар шу қадар тезлик билан ўз таъсири кучаймоқда. Бу тарғибот таъсири бевосита медиа ривожи билан узвий боғлиқдир. Медиа исталган ғояни турли маъноларда тарғиб қилиши, аудиторияга фейк ахборотларни узатиши орқали бугунги кунда ғоялар тўқнашуви ва турли ёд ғояларни тарғиб қилувчи гуруҳлар пайдо бўлди. Буни чуқур англаб етган ҳолда республикамиз ҳукумати томонидан мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёшларга қаратилаётган эътибор давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида қаралиб, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, мустақил фикрлайдиган замонавий мутахассисларни етиштириш ватанпарвар, маънавияти юксак, миллий ғояни ўзида мужассам этган шахсни

шакллантиришга эътибор берила бошлади. И.А.Каримов "Миллий ғоя ва истиқлол мафкураси ҳақида гап борар экан, биз ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб серқирра инсоният тарихида аниқ ва мукаммал ифодаси, тугал намунаси ҳали ҳануз яратилмаган тушунчаларни ўзимизча тасаввур қилишимиз керак, деб ўйлайман" деб таъкидлайди. Бу борадаги ишларни аниқ, мақсадли амалга ошириш сиёсат даражасига чиқарилиб, давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар қабул қилиниб, дастурлар ишлаб чиқилди. Жумладан, "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"[7] ги қонун ҳамда "Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури", Спорт соҳасидаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ёшлар билан ишлаш, уларни баркамол авлод сифатида шакллантиришни давлат миқёсида муваффақиятли амалга оширилишида замин бўлмоқда.

Улардан кўзланган мақсад ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ёшларимизга таълим-тарбия бериш касб ҳунар ўргатиш уларни иш билан таъминлаш соғлигини асраш қобилияти ва маданиятини ривожлантириш ҳамда жамият йўлида хизмат қиладиган баркамол авлодни тарбиялаш учун шароитлар яратишдан иборат. Бу йўналишда сўнги йилларда амалга оширилган ишлар катта аҳамиятга эга бўлди. Миллий ғоянинг мазмун-моҳияти, тушунча ва тамойилларини ўрганишда доимо шуни назарга тутиш жоизки, ҳар қандай ғоя сийқалаштирилса салбий натижаларга олиб келиши оқибатда қадрсизлантирилиши тарихда кўп кузатилган.[8] Бугунги кунда ҳар бир халқ ўз ғояларини сақлаб қолиш ва маънавиятини юлксалтириш учун турли воситаларда фойдаланиб келмоқда. Бундай воситалар ичида санъат ва бадиий адабиётдан фойдаланиш ҳар қачонгидан ҳам самарали эканини гувоҳи бўлиб турибмиз. Ҳозирги кунда ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотнинг асосий мақсадларидан бири сифатида ёшларнинг билим ва маънавиятининг янада ошириш уларнинг маънан ва жисмонан комиллигини таъминлашда етарли шароит яратиш муҳим вазифадир. Бир ҳақиқатни доимо ёдда тутмоғимиз керак, бугун биз бахраманд бўлиб яшаётган мустақил ҳаёт ота-боболаримиз учун асрлар давомида эзгу орзу, буюк ғоя бўлиб келган. Аждодларимизнинг ана шу йўлда узоқ вақт мобайнида олиб борган машаққатли курашлари, оғир меҳнатлари туфайли биз ҳозирги эркин ва озод кунларга эришдик. Халқимиз мустақиллик йилларида моддий ва маънавий томондан дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшаш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин

эгаллаш учун интилаётган экан, бу йўлда биз эл-у юртимизга таянч бўлишимиз муқаддас фарзандлик бурчимиздир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

**1** Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд аҳлоқ. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил, 15-16-б.

2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2021.-280-б.

3. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш, омиллари ва воситалари. Т., «Ижод дунёси» нашриёт уйи. 2002 йил, 7-б.

## К ВОПРОСУ О РОЛИ ИСТОРИИ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ В ВУЗЕ

Далакьян Жанна Сейрановна

старший преподаватель

Ташкентский архитектурно-строительный институт

janet22@mail.ru

Изучение истории как науки, очень важно для молодого поколения, так как она тесно связана с жизнью и судьбами людей. Каждый гражданин своей страны имеет свое мнение по любому вопросу истории. Исторические знания, которыми мы обладаем, - они могут быть как научными, так и не научными - образуют ту атмосферу, которая определяет ценности, мировоззрение и поведение, в том числе и в области политики. Именно поэтому историческая наука и историческое образование во все времена имели архиважную значимость. Но история — не только инструмент формирования научных знаний и духовности. Она может быть и орудием дестабилизации общества. Вот почему так важно грамотно и с учетом современных методов обучения преподать азы исторической науки и исторического образования и подвергать анализу состояние, в котором они находятся, и направление, в котором они развиваются.

Благодаря изучению истории у нашего народа углубилось самосознание и расширился кругозор. Как известно, история – это память и совесть человечества, это воскрешение прошлого в осознанном виде, где история является наставницей жизни, и ее бесценное духовное богатство.

Изменения в общественной, политической и экономической жизни оказывают большое влияние на развитие системы образования. Складывается новое сложное социальное пространство, в ситуации которого меняется сам характер социализации молодого поколения. Перед системой образования встает задача подготовки молодого поколения к культурному, профессиональному и личностному общению с представителями стран с иной историей, общественным устройством и языковой культурой. Изучая минувшие дни, мы с каждым днем убеждаемся в том, что история каждого народа или нации уникальна, самобытна его культура. Как отметил Шавкат Мирзиёев «если экономика – организм, обеспечивающий жизнедеятельность общества, то духовность – его сердце и душа.

Перед системой высшего образования в нашей стране поставлены следующие цели: «регулирование отношений в области образования, приобретение обучающимися в процессе освоения основных профессиональных образовательных программ знаний, умений, навыков и формирование компетенции определенных уровня и объема, а также «обеспечение подготовки высококвалифицированных кадров по всем основным направлениям общественно полезной деятельности в соответствии с потребностями общества и государства, удовлетворение потребностей личности в интеллектуальном, культурном и нравственном развитии». Особенно высокие требования предъявляются к вузам, в том числе и к нашему архитектурно-строительному институту. В этой связи представляется актуальной задача профессионализации знаний студентов нашего вуза, предполагающая не только усвоение специальных знаний, овладение необходимыми навыками работы в выбранной сфере, но и развитие широты и гибкости мышления, умения мыслить нестандартно и проявлять инициативу, находить организационно-управленческие решения и нести за них ответственность, способности к самоорганизации и самообразованию. Во многом эти качества формируются благодаря изучению ими истории, других фундаментальных дисциплин, как гуманитарных, так и технических.

Один из сложных моментов в преподавании истории – это отсутствие среди студентов желания к чтению исторической литературе, умение объективно анализировать информацию. Так как значительная часть студентов предпочитает более простой путь, находя готовую информацию в интернет ресурсах, где уже сделан вывод и вынесена свая версия данной проблемы. Но такой способ усвоения материала плохо укладывается в памяти и не трансформируется в умения и навыки. При изучении данного предмета необходимо как можно больше читать литературу, устно или письменно передавать материал, что поможет в свою очередь, развить

профессиональную компетенцию студентов. А в дальнейшем в ещё большей степени формировало бы их способность творчески мыслить, овладевать новыми знаниями, научную добросовестность. Необходима серьёзная научно-методическая работа по решению этой проблемы.

Использованная литература

1. Выступление Ш. Мирзиёева на совещание по вопросам кардинального совершенствования системы духовно-просветительской работы. 19 января 2021г.

2. Закон Республики Узбекистан от 23.09.2020№ ЗРУ-637 "Об образовании в Республике Узбекистан"//[Электронный ресурс] URL: https://lex.uz/ru/docs/5013009

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШДА ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Фарход Зияев**
**ТМИ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти**
**farxodziyayev1963@gmail.com**

Маълумки, тарихий жараёнларнинг объекти ва субъекти ўзгарувчан бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида тарихий жараённинг яратувчилари бўлса, субъектлари эса таъсир объектлари бўлган жамият ва инсонлар ҳисобланади. Тарихий жараёнлар силсиласида Ренессансларнинг пайдо бўлишига таъсири қанчалик аниқ содир бўлиши ҳақидаги савол тарихий жараённинг ҳаракатлантирувчи кучларининг мазмун ва моҳиятига боғлиқ бўлади. Ренессанслар даврида буюк тарихий шахслар ҳам пайдо бўлади. Уларни тарихчилар "тарихни яратувчилар" сифатида таърифлашга ҳаракат қиладилар. Масалан, Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва бошқаларни шулар жумласига киритиш мумкин.

Тарихий жараёнлар силсисила Ренессансларнинг пайдо бўлишини таъминловчи кучлар ҳақида аниқ жавоб беришнинг иложи йўқдек кўринади. Шубҳасиз, Ренессанс табиий ва иқлим омилларига ҳам боғлиқ. Денгиз бўйида, тоғларда, даштда, ўрмонда ва чўлда яшайдиган халқларнинг тақдирлари бошқача бўлади. Кўриниб турибдики, Ренессанс табиий офатлар: эпидемиялар, зилзилалар, иқлим ўзгариши ва бошқалар таъсирида таназзулга

учраши ҳам мумкин. Шу нарса маълумки, тарихий жараёнлар силсиласида Ренессанснинг ҳаракатлантирувчи кучлари, шунингдек, ижтимоий организм сифатида жамият ривожланишининг эҳтиёжларига ҳам боғлиқ бўлади. Ҳар қандай организм биринчи навбатда яшашни ва иложи борича яхшироқ яшашни хоҳлайди. Унинг фаолияти овқатланиш, кўпайиш, ўзини ҳимоя қилиш, яшаш шароитларини яхшилаш ва бошқаларни таъминлашга қаратилган бўлади Шу сабабли инсон ҳам, жамият ҳам ушбу функциялар талабига мувофиқ эҳтиёжларни ривожлантириб боради.

Ренессанснинг туғилиши шароитида маънавий ва маданий эҳтиёжларнинг ўрни катта (диний эътиқодлар, мафкура, этник маданий хусусиятлар, маълумотларга эҳтиёж ва бошқалар). Ренессанс масаласини ижтимоий феномен сифатида тадқиқ қилиш долзарб масалалар қаторига киради.

Тарихий жараён - бу тарихий воқеалар ривожи натижасида ҳосил бўлган ўзгаришлардан иборат бўлиб, улар маҳаллий ёки глобал, қисқа ёки узоқ, тараққиёт ёки таназзул ҳолатида бўлиши мумкин. Тарихий жараён бу ижтимоий организмлар, яъни инсон, жамият, давлат, цивилизациялар ҳаётининг намоён бўлишидир. Унинг қандай даражада эканлигини кўрсатувчи ўзига хос кўрсаткичлари бор бўлиб, улар ёрдамида уларнинг Ренессанс ҳолатини аниқлаш, кузатиш ва баҳолаш мумкин бўлади. Жамият Ренессанс ҳолатига келган ёки келмаганлигини тарихий жараёнларда силсиласида юз бераётган тараққиёт ёки таназзуллар ҳолатини қуйидаги омилларни таҳлил қилган ҳолда билиб олиш мумкин.

Биринчидан, тарихий жараёнларнинг кечишида муҳим омил бўлган миқдорий хусусиятлар, яъни жамиятдаги иқтисодий фаровонлик кўрсаткичлари (даромад даражаси, турмуш даражаси), иқтисодий ривожланиш (меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари, экспорт - импорт, рентабэллик ва рентабэллик ва бошқалар), демографик кўрсаткичлар (аҳоли ўсиши, пасайиши, туғилиш коэффициэнтлари - никоҳ - ўлим), маданият ва фан даражаси (университетлар, мактаблар ва шифохоналар сони ва бошқалар), ҳудудий ўзгаришлар (ҳудуднинг кўпайиши ва йўқолиши, ерларнинг ривожланиши ёки харобаланиши) ва бошқалар. 1990 йилда Покистон ва Ҳиндистон иқтисодчилари Маҳбуб ул-Ҳақ ва Арматя Сен махсус кўрсаткични ишлаб чиқдилар - инсон тараққиёти индекси (2013 йилдан бери - инсон тараққиёти индекси), бу мамлакатлараро таққослаш ва даражани ўлчаш учун ҳар йили ҳисоблаб чиқиладиган ўрганиш соҳасидаги инсон салоҳиятининг асосий хусусиятлари сифатида ҳаёт, саводхонлик, таълим ва узоқ умр кўрсаткични ўз ичига олади. Индекс БМТ томонидан 1990 йилдан бери инсон тараққиёти бўйича йиллик ҳисоботда эълон қилиниб борилади. У 30 йилдан ортиқ вақт давомида ҳисоблаб чиқилганлиги сабабли, уни тарихий жараёнлар силсиласида Ренессанснинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини кўрсатувчи кўрсаткичлари қаторига киритиш мумкин.

Иккинчидан, муҳимроқ бўлган сифат хусусиятлари, яъни жамият ва давлат ҳаётидаги ўзгаришлар, бошқарув самарадорлиги, аҳолини ҳимоя қилиш даражаси, коррупция даражаси, сиёсий режимнинг моҳияти, жамият ва шахснинг иштирок этиш даражаси, давлат ишларида ташқи сиёсатнинг табиати (тинчлик ёки ҳарбий сценарийлар). Тўғри, бу ерда тарихий жараён силсиласидаги Ренессансни тавсифлаш кўпинча баҳолаш хусусиятига эга. Масалан, мамлакатнинг демократияга олиб борадиган йўли тараққиётга, авторитар режимнинг ўрнатилиши эса тарихий боши берк кўчага, таназзулга айланди. Бироқ, бундай баҳолаш илмий тамойилларга эмас, балки мафкуравий муносабатларга боғлиқ бўлади.

Ренессанснинг тарихий жараёнларнинг йўналиши ҳар доим ҳам эволюцион ҳаракатланиш билан билан бир хил эмас. У ҳар доим ҳам оддийдан мураккабга, пастдан юқорига, оздан кўпга қараб боравермайдиган жараёнлар қаторига киради. Демак тарихий жараён силсиласида Ренессанснинг шаклланиши чизиқли эмас, уни синенгетик жараён сифатида ҳам таърифлаш мумкин: Аниқроғи, Ренессанс йўли бу «туғилиш - ривожланиш- йўқ бўлиб кетиш-ўлим, сўнгра ҳамма нарса ривожланишнинг кейинги босқичида яна такрорланиши», десак тўғри бўлади. Шунинг учун, баъзи босқичларда у тараққиёт, баъзиларида эса таназзул сифатида кўзга ташланади. Тарихий жараёнлар силсиласида Ренессансларнинг объекти ва субъекти икки томонлама хусусиятга эга. Бунда объект мазкур жараёнга таъсир қилувчи, субъект эса бу таъсирни амалга оширувчи - бу унинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Бу жараёндаги объект - бу жамият ва инсон, айнан уларнинг тарихий тақдирлари ўзгариб туради, яъни тарихий жараёндан таъсирланиб туради. Айни пайтда, тарихий жараёнлар силсиласида Ренессанснинг боришини белгиловчи сабаблар, кўпинча бевосита жамият ва инсоннинг ҳаракатларидан, хулқ-атворидан келиб чиқади.

Улар тарихий жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳамдир. Инсоният тарихидаги инқирозларнинг шубҳасиз ролини ажратиб кўрсатиш мумкин. Инқирозлар (таназзуллар), муҳим қарама-қаршиликларнинг тўпланиши, кўп векторли тенденциялар жамият ва одамлар ўзларини танлаган вазиятда бўлишига, эҳтиёжга олиб келиш учун ҳаракат қилиш ёки вазиятларга бўйсуниш ёки уларни ўзгартиришга, уларни енгишга ҳаракат қилишга бўлган урунишлар орқали содир бўлади. Жамият ва инсоннинг истаклари, эҳтиёжлари атрофидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий воқелик билан номувофиқлиги тараққиётнинг имкониятини, тарихий жараёнда янги Ренессансни ҳаракатлантирувчи кучларнинг намоён бўлишини яратади. Шу билан бирга, жамиятнинг инқирозни енгишга бўлган интилишининг ўзи ҳам уни енгиб ўтишга, ҳам илғор Ренессанс тараққиётига, ҳам замон чақириғига дош беролмаган жамиятнинг ўлимига олиб келиши мумкин.

Тарихнинг ҳаракатлантирувчи кучлари жамиятни ҳам юқорига, ҳам пастга тортиши мумкин. Ушбу йўлни танлаш ҳам, унинг натижаси ҳам кўпинча субъэктив омилларга, тақдирнинг иродаси билан тарихий жараённинг бошида турган ва муайян ҳаракатларни бажаришга мажбур бўлган одамларга боғлиқ. Ренессанс арафасидаги ажойиб ақл, ирода, қатъият, маҳорат, фидойиликка тайёрлик ва бошқаларга боғлиқ бўлган жойда объектив тенденциялар субъектив тенденцияларга йўл беради. Тарихий жараён энг қулай объектив шароитларда ҳам жамиятнинг қулашига олиб келишига сабаб бўлган "йўқотилган имкониятларнинг" мавжудлигини ҳа кўрсатади. Айниқса, бунда Ренессансни одамлар тарихий шароитларни забт этган, тарихий жараённинг йўналишини ўзгартирган ва унинг йўналишини ўзгартирган кўплаб ҳолатларни билади. Ренессанснинг тарихий жараёнлар силсиласидаги асосий ҳаракатлантирувчи кучлари очиб берилса ҳам, бироқ унинг қандай давом этишини олдиндан башорат қилишнинг иложи йўқ. Шу тариқа, ренессанснинг тарихий жараёнлар силсиласидаги сабаб-оқибат муносабатларини аниқлаш ва айрим ҳаракатлантирувчи кучларнинг таъсир даражаси муҳокама мавзуси бўлиб қолмоқда. Бунинг сабаби, тарихий жараённинг объекти ва субъектининг иккиламчи табиатида, бир хил ҳодиса ёки тенденция ҳам объект, ҳам субъект сифатида ҳаракат қилиши мумкинлигидадир. Бизнинг авлодларимиз иккита Ренессанс ижодкори бўлишган. Энди эса ҳеч шубҳасиз, ўз кучимиз ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустаҳкам қилмоқда. Бу интилишлар улкан амалий ишларга айланиб, буюк халқ ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. Мирзиёев Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қаттият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. Т.: 2017
3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ. Ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. “Ўзбекистон” Т.: 2019
4. Мирзиёев Ш.М. Мустақиллик-эзгу ниятларимиз, буюк мақсадларимиз рўёби йўлида қудрат манбаи. Президенти Шавкат Мирзиèевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Янги Ўзбекистон, 2020 йил, 1 сентябрь.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ УЗВИЙЛИК – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

**Абдужамол Холбеков**
**ТМИ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси**
**alpjamol1978@gmail.com**

Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу - илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ. Шавкат Мирзиёев Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида халқимизни улуғ байрам билан табриклаб, - Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш - Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади деб таъкидлади.

Шу ўринда - Ренессанс иборасига таъриф берадиган бўлсак, у лотинчада - қайта туғилиш маъносини беради. Бу ибора Европада рўй берган уйғониш ва қайта уйғониш даври дунё тараққиётига муҳим таъсир кўрсатгани, айнан янгиланиш ва ҳаётбахш мазмунларни ўзида жо этгани учун ҳам кенг қўлланилади. Хусусан, Ўзбекистон ҳудуди ҳам Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида дунёга маълум ва машҳур бўлганлигини таъкидлаш бизга юксак мамнуният бағишлайди. Ўзбекистон халқининг кўп асрлик бой тарихига назар ташлар эканмиз, унда азалдан илм-маърифатга алоҳида эътибор қаратилиб келганлигини гувоҳи бўламиз. Ўша даврларда жамиятда илм-фан, санъат ва маданиятнинг юксалиши, буюк сиймоларнинг ўз ижодида эришган ютуқлари жаҳон тамаддунининг ривожига қўшган ҳиссаси барчамизни бирдек фахру-ғуруримизга сабаб бўлиб келмоқда. Барчамизга тарихдан яхши маълумки, диёримиздаги биринчи Ренессанс даври - Сомонийлар даврига тўғри келиб, ушбу даврда буюк аждодларимизнинг яратган илмий-фалсафий асарлари ва оламшумул кашфиётлари ислом цивилизациясига тамал тоши бўлди. Ренессанснинг иккинчи даври эса - Амир Темур ва Темурийлар даврига тўғри келиб, нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун Марказий Осиё ўлкалари ўз тараққиётининг янги поғонасига кўтарилади. Президентимиз, - Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Ўзбекистоннинг эртанги кунига ишончни мустаҳкамлаш, аждодларга муносиб бўлиш учун ислоҳотларни илмдан бошлаш керак.

Бугунги кунда мамлакатимиз учун энг долзарб муаммолардан бири бу - бугунги замон талабларига мос кадрлар етишмаслигини, барча соҳада инновацион ва креатив фикрлайдиган, илғор технологияларни ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёж жуда юқори эканини таъкидлаб келади. Чунки мураккаб ўтиш даврида мактаблардаги таълим сифати пасайиб кетди, коллежларда давомат номига юргизилди. Ижод мактабларининг йўқлиги, маданият ўчоқлари, тўгараклар фаолиятига эътибор қаратилмагани бир қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқарди.

Бугунги кунда фан ва таълим, маънавият ва маърифатга давлатимиз раҳбари томонидан берилаётган алоҳида эътибор ва мана шу эътиборнинг амалий натижалари хусусида Президентимизнинг Парламентга мурожаатномасида ҳам ўз аксини топди. Хусусан:

- Мактабгача таълимда 2021 йилда мактабгача таълим қамрови 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказилади. 600 миллиард сўм субсидия берилиб, 2 мингта хусусий боғча очилади; хусусий сектор улуши 25 фоизга етади. 6 ёшли болаларни мактабга мажбурий тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. 2021 йилда 6 ёшли болаларнинг 82 фоизи (560 минг нафар) мактабга бепул тайёрловга жалб этилади. Узоқ қишлоқларда мактабгача таълимни уйда бериш модели йўлга қўйилади. ЮНЕСКО ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда.
- Мактаблар боланинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ўстиришга мўлжалланган янги дарсликлар тайёрлаш бошланади. Бошланғич синфларда ДТС ўрнига болага ортиқча юклама бермайдиган «Миллий ўқув дастури» жорий этилади. Бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлигига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа 100 фоиз устама тўланади. Ҳудудларда хусусий мактаблар фаолиятини рағбатлантириш учун бюджетдан субсидиялар ажратилади. 10 та президент мактаби; кимё-биология, математика ва ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб очилади.
- Олий таълим ОТМларда давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилади. Хотин-қизлар учун грантлар сони 2 баробарга оширилиб, 2 мингтага етказилади. Аъло ўқиётган эҳтиёжманд қизлар учун стипендиялар таъсис этилади. Давлат кадрлар тайёрлаш бўйича хусусий ОТМларга ҳам буюртма бера бошлайди. 30 та ОТМга ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, қабул квотаси ва молиявий масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи берилади.
- Олий таълимдан кейинги таълим 2021 йилда «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали етакчи хорижий ОТМларга магистратура ва докторантурага ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилади. 2021 йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилади (4,5 минг нафарга етади). Илмий унвонлар ва даражалар бериш ваколати олийгоҳларнинг илмий

кенгашларига ўтказилади. Физика ва чет тиллари кейинги йилга илм-фаннинг устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Мурожаатномада келтирилган ушбу фактлар сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришга қаратилаётган эътиборнинг бир 66 қисми ёки мамлакатимиз ривожланишида илм-фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган ислоҳотларнинг амалий натижаси сифатида айтишимиз мумкин. Кўриниб турганидай, мамлакатимизда бўлмиш жуда кенг миқёсдаги янгича сифат ва қудратга эга замонавий инновацион тизимларни яратиш жараёнлари давом этмоқда.

Маълумки, мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқасисидир. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни ҳисобланади.

Мактабгача тарбия, ўрта ҳамда олий таълим тизимлари, жумладан, уларни бошқариш органлари тубдан ўзгартирилди. Олий таълим муассасаларига қабул тартибида йўқ бўлиб кетган адолат мезонлари қайта тикланди. Олий ўқув юртига чет тили имтиҳонини мактаб давридаёқ ҳал қилиш, бир пайтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш мумкин бўлди. Олий таълим билан қамраб олиш 2,8 бараварга оширилди. Яқин келгуси даврда битирувчиларнинг 50 фоизи олий ўқув юртига кириш имконияти яратилади. Барча вилоятларда Президент мактаблари, атоқли олим ва шоирларимиз номларида иқтидорли ёшлар мактаблари ташкил этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш умумхалқ ишига айланиб, ҳаммамиз учун бир шиор - бешикдан то қабргача илм излаш бўлгандагина бу улуғ мақсадга эришишимиз мумкин. Бунинг учун жамиятимиз барча аъзолари уйғониши ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши зарур. Миллатнинг уйғониши Учинчи Ренессанс учун мустаҳкам пойдевор яратади, у эса баркамол ва фаровон жамият барпо қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Давлат раҳбаримиз назарда тутган Учинчи ренессанс - мамлакатимизда илм-фан тараққиётининг, иқтисодиёт ва жамиятнинг, халққа хизмат қилиш ва кишиларни рози қилишдай эзгу ният билан амалга оширилаётган барча ютуқлар - кишилариимз ва ёшларимиз ақлу заковатининг, иқтидор ва истеъдод қувватининг ёрқин тантанаси бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. Мирзиёев Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қаттият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. Т.: 2017
3. Мирзиёев Ш.М. Мустақиллик-эзгу ниятларимиз, буюк мақсадларимиз рўёби йўлида кудрат манбаи. Президенти Шавкат Мирзиѐевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Янги Ўзбекистон, 2020 йил, 1 сентябрь.

# ТАРИХ ДАРСЛАРИДА “БУЮК АСТРОНОМ МИРЗО УЛУҒБЕК ҲУКМРОНЛИГИ ” МАВЗУСИНИ ИННОВАТСИОН ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ

Ҳомидов Абдурасул Абдуқодирович
т.ф.н.доцент
Жабборов Иброҳимжон Раҳматович
т.ф.н., доцент
Академик Бобожон Ғафуров номидаги
Хужанд Давлат Университети.
(Тожикистон, Хужанд)
Телефон: 92-969-99-62;
E-mail: abdurasul.xomidov@mail.ru

***Аннотация:***

**Мазмуни:** Ушбу мақолада замонавий таълим технологияларидан бири интерактив ўқитиш технологияси ҳақида сўз боради. Олийгоҳларимиздаги тарих факултетларида ўқитиладиган тарих ўқитиш методикаси фанидан ўтиладиган замонавий дарсларга доир, яъни ўқитишнинг интерактив услуби амалий машғулот орқали ўтиладиган **“Буюк астроном Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги ”** мавзуси мисолида ҳар томонлама ёритиб берилган. Мақолада ўқитувчи томонидан амалий машғулотнинг замонавий технологиялар асосида ташкил этилиши, дарс жараёнида талабалар фаъолияти, дарснинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти ҳар томонлама ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:*, интерактив ўқитиш технологияси, қобилият, маҳорат, малака,*** *ахборот-коммуникацион технологиялар, салоҳият, компьютер,*

*проектор,* ***электрон доска***

***Аннотатция:***

**Мазмуни:** Ушбу мақолада замонавий таълим технологияларидан бири интерактив ўқитиш технологияси ҳақида сўз боради. Олийгоҳларимиздаги тарих факултетларида ўқитиладиган тарих ўқитиш методикаси фанидан ўтиладиган замонавий дарсларга доир, яъни ўқитишнинг интерактив услуби амалий машғулот орқали ўтиладиган **"Буюк астроном Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги "** мавзуси мисолида ҳар томонлама ёритиб берилган. Мақолада ўқитувчи томонидан амалий машғулотнинг замонавий технологиялар асосида ташкил этилиши, дарс жараёнида талабалар фаъолияти, дарснинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти ҳар томонлама ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:*, интерактив ўқитиш технологияси, қобилият, маҳорат, малака,*** *ахборот-коммуникацион технологиялар, салоҳият, компьютер****,*** *проектор,* ***электрон доска***

Таълим сифатини таъминлаш-талабаларнинг касбий тайёргарлик даражаси билан бирга ўқув жараённинг қандай ташкил этилиши ва унинг белгиланган сифат мезонларига жавоб беришида кўринади. Шу боис, ҳозирги даврда таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг касбий даражасини ривожлантириш, мутахассис ва айниқса педагог кадрларнинг инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланади. Бу эса ўз навбатида олий таълим муассисаларидаги ўқув-услубий фаолият мазмунини такомиллаштириш, ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш заруратини шакллантиради.

Ўсиб келаётган ёш авлодни жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ва иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, қалбида она-юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини шакллантириш борасида амалга оширилаётган беқиёс саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассамдир.

Аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда қатъий ислоҳотларни амалга ошириб, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бораётган эканмиз, кўҳна ва бой маданий мероси ўрганиш глобал аҳамиятга эга. “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим”.

Ўрта Осиёнинг қадимий халқлари ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар бой тарихга эга. Улар узоқ асрлар давомида она ерларини босқинчилардан биргаликда ҳимоя қилдилар, озодлик ва мустақиллик йўлида ўз ҳуқуқларини сақлаб қолдилар. Ана шундай улкан маданиятга эга бўлган қадимги Ўрта Осиё халқлари тарихи ҳақида ўқувчиларга маълумот беришда тарих ўқитувчиси турли хил замонавий таълим технологияларидан фойдаланиши лозим.

Бу турдаги дарсларни ўтказиш учун ахборот ресурслари, компьютер, проектор, каби замонавий ахборот технологиялари бўлиши керак. Замонавий таълим технологияларидан бири бу интерактив ўқитиш технологиясидир. Интерактив ўқитиш нима? Интерактив ўқитиш талаба ўзидан олдин мужассамлашган тажрибадан фойдаланган ҳолда, ўқув жараёнида фаол иштирок этади. Олий ўқув юртларида , масалан тарих факултетида 3 курс талабаларига ўқитиладиган тарих ўқитиш методикаси фанидан ўтиладиган “Тарих дарсида замонавий таълим технологиялари ” мавзуси орқали “**Буюк астроном Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги**” мавзусини инновацион ўқитиш усулларини талабаларга ҳавола қилиш мақсадга мувофиқдир.

Анъанавий таълимдаги бир томонламалилик таълим тизимидаги фақат маъруза машғулотларидагина эмас, амалий дарсларида ҳам устуворлилик қилади. Унга кўра “етказиб берувчи” ролида энди ўқитувчи эмас, балки талаба намоён бўлади. Бу амалий дарсда талабалар асосан талабалар ўзлари ўзлаштирган билимларни намойиш этадилар.Амалий дарсни ташкил қилишдан олдин ўқитувчи тарих фани ўқув дастуридаги айрим мавзуларни аввалдан танлаб, шу мавзу – режаси, таянч сўзлари ва адабиётлар рўйхатини ёздириб, талабаларга уйга вазифа қилиб беради.

Дарс режаси:

1. Мирзо Улуғбек илм фан зиёси (талабалар маълумоти)

2. “Блинц-ўйин” методи
3. Электрон доска билан ишлаш
4. Дарснинг якуни

**Мирзо Улуғбек (1394 - 1449)ҳақида талабалар маълумоти**

**Гулсанам**: Улуғбек аслида улуғ олим ва бунёдкор киши бўлиб бобоси Амир Темур каби жангчи эмас, балки илм-маърифат шайдоси эди. Бинобарин, у мамлакатда илм-фан равнақига жон-жаҳди билан киришар ва бу йўлда хизматини аямасди. Унинг даврида Самарқанд Шарқнинг энг гуллаган маданият ўчоғига айланган эди.

**Элнурбек:** Улуғбек Мирзонинг биринчи устози "Замона Афлотуни" Салоҳиддин Мусо ибн Маҳмуд Қозизода Румий эди. Улуғбек Мирзо Қозизода Румийдан фалакиётга оид сир-синоатларни ўрганиб, кейинчалик мазкур алломанинг маслаҳати билан Кошонлик Ғиёсиддин Жамшид ибн Маъсудни Самарқандга таклиф қилади. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Улуғбек яна бир Кошонлик фалакиёт илми алломаси - Муъниддинни ҳам Самарқандга чақириб келтирган.

**Шайдогул:** Дунё астрономияси тараққиётини Мирзо Улуғбекнинг хизматларисиз тасаввур этиш қийин. Мовароуннаҳрда қирқ йил ҳукмронлик қилган султоннинг илм-фан учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатиши, мадрасалар барпо этиши, Самарқандда йирик астрономия мактабига асос солишининг ўзи тарих олдидаги катта хизматидир. Улуғбек ташаббуси билан 1424-1428 йиллар мобайнида Самарқанд шимолида Обираҳмат ариғи бўйидаги Кўҳак тепалиги бағрига бунёд этилган жаҳонга машҳур расадхона ўз даврида осмон жисмларини ўрганувчи энг йирик иншоот ҳисобланган.

**Адҳам**: Ушбу тарихий обида орқали кузатишлар асосида 1437 йилда дунёга машҳур "Зижи жадиди Кўрагоний" асари яратилди. Европада бу асарни биринчи бўлиб тадқиқ этган олим Оксфорд университети профессори Жон Гривс ҳисобланади. У 1650 йилда мазкур асардаги жадвалларни қисман нашр эттиради. Ўша даврда Европада бу жадвалларга эҳтиёж жуда катта эди. Айтиш жоизки, Европа ренессансида Улуғбек жадвалларининг ҳам муносиб ўрни бор. Улуғбек "Зижи"да юлдузлар жадвали ўта аниқлик билан тузилган. Улуғбек асарида Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши давомида рўй берадиган нозик четланиш ҳодисасини аниқлади. Осмон жисмларининг ҳаракат назариясини ўрганди. 247 шаҳар ва аҳоли пунктининг жуғрофий координатларини белгилаб берди. Бу эса ўрта асрлар геодезияси учун катта

янгилик эди. Бу расадхона бош телескопининг диаметри қарийб 48 метр бўлган.

**Нозлигул**: 1417 - 1430 йиллар орасида Улуғбек Самарқанд маркази Регистон майдонида улкан мадраса, хонақоҳ, муқаттаъ масжиди ва ҳаммом қурдиради. Шунингдек, 1417 йилда Бухорода ва 1433 йилда Ғиждувонда ҳам мадраса қурдирган. Мазкур мадрасаларда диний илмларга нисбатан математика, геометрия, фалакиёт, табиёт, жуғрофия ва тарих каби дунёвий илмлар кўпроқ ўқитилган. Улуғбек бундан ташқари кўпгина жамоат бинолари - карвонсаройлар, тимлар, чорсулар ва ҳаммомлар ҳам қурдирган. Карвонсаройларидан энг каттаси Регистонда, ҳозирги Тиллакори мадрасаси ўрнида жойлашган бўлиб, Мирзойи номи билан шуҳрат топган. Бундай карвонсаройлар, ҳаммомлар фақат Самарқанддагина эмас, бошқа йирик шаҳарларда ва савдо йўлларида ҳам қурилган. [4:, Б. 505-506].

**Анвар**: Улуғбек Гўри Амир мақбарасига ҳам айрим қурилишлар билан ўзгача файз тароват бағишлайди. Самарқанддаги Афросиёбнинг жанубида улкан қабристон марказида жойлашган Шоҳи Зинда обидаси меъморчилик санъатининг камёб дурдоналаридан ҳисобланади. Мазкур ёдгорлик асосан XI асрдан бошлаб қурилиб келинаётган бўлса-да, Амир Темур ва Улуғбек замонасида ниҳоясига етказилган. Улуғбекнинг саъй-ҳаракати билан бу ерда ҳам меъморчилик ишлари олиб борилади. 1434 - 1435 йиллар мобайнида Шоҳи Зинданинг асосий дарвозаси ранг-баранг кошинлар билан зийнатланиб, қайтадан қурилганлиги ҳам Улуғбек замонасининг меъморчилик санъатидан нишонадур.

**Шодия**: Улуғбек атрофига ўз даврининг энг йирик ва истеъдодли олимлари тўпланган эди. Самарқанд ўша пайтда Шарқнинг энг йирик илм-фан ўчоқларидан бирига айланганди. Дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келган ўнлаб олимлар Улуғбекнинг бевосита ҳомийлиги остида фаолият кўрсатган. Улар орасида Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Али Қушчи, Низомиддин ал-Биржандий, Мирам Чалабий каби олимларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Тарихда Мирзо Улуғбек каби юксак истеъдод ва салоҳиятга эга ҳукмдорлар камдан-кам ўтган. Дарҳақиқат, буюк бобомиз жаҳон ичра янги бир осмон яратиб кетди. Унинг биргина астрономия фани ривожига қўшган ҳиссаси инсоният тамаддунидаги улуғ хизматидир. Яна, Навоий таъбири билан айтганда, дунё бор экан, унинг мероси ҳам боқий қолаверади.

**“Блинц-ўйин” методи** – тарихий воқеалар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни

ўргатишга қаратилган. **(мониторда акс этган мавзуга оид саволларга талабалар жавоб беришлари лозим)**.

1. Улуғбек Мирзонинг илм фанга қизиқиши қачондан бошланган?
2. Қачон Улуғбек Самарқанд ҳокими этиб эълон қилинади?
3. Қачон Улуғбек Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг биргина ва мустақил султони бўлади?
4. Улуғбек Мирзонинг биринчи устози "Замона Афлотуни" ким эди?
5. Мирзо Улуғбек қайси жиҳатлари билан бобоси Амир Темурдан фарқ қилар эди?
6. Қачон Улуғбек ташаббуси билан Самарқанд шимолида расадхона ташкил этилди?
7. Улуғбекнинг дунёга машҳур "Зижи жадиди Кўрагоний" асари қачон яратилди?

. 8. Алишер Навоий қайси асарида Улуғбекнинг шеърий истеъдодига юқори баҳо берган.?

9. Қайси европалик олимлар Улуғбек меросини атрофлича тадқиқ этганлар?
10. Қайси тарихий асар Улуғбек номи билан боғлиқдир?

**Электрон доска билан ишлаш (талабалар мавзуга доир тарихий шахсларни ёзиб изоҳлаб беришлари лозим**

**Тарихий формула:**

1. Ҳ-3+А-10=15…………………Муҳаммад Тарағай
2. И-3+Ч-7=8………................... Али Қушчи
3. З-5+Р-9=13...............................Қозизода Румий
4. А-1+ Е-6 =9...............................Амир Темур
5. Р-6+Б-10=14……………………Гавҳаршодбегим

(Изоҳ: А-биринчи ўринда келяпти, Е-олтинчи ўринда келяпти, умумий ҳарфлар сони 9 та .....Амир Темур)

**Дарснинг якуни**

Амалий дарснинг якунида ўқитувчи дарс жараёнида фаол қатнашган талабаларни баҳолайди ва кейинги дарсга топшириқлар бериб талабалар диққатини электрон доскага қаратади. Мониторда Мирзо Улуғбекнинг расми ва қуйидаги мисралар ўрин олади:

Темурхон наслидан султон Улуғбек,

Ки олам кўрмади султон ониндек.

Анинг абнойи жинси бўлди барбод,

Ки давр аҳли биридин айламас ёд.

Ва лек ул илм сари топти чун даст,

Кўзи олинди бўлди осмон паст.

Расадким боғламиш-зеби жаҳондир,

Жаҳон ичра яна бир осмондур.

Билиб бу навъ илми осмоний.

Ки андин ёзди "Зижи Кўрагоний".

Қиёматга дегинча аҳли айём,

Ёзурлар онинг аҳкомидан аҳком.

Бугун биз жаҳон тараққиётидаги ўз ўрнимизни, ўз йўлимизни изламоқдамиз. Дарҳақиқат аждодлар меросини авлодларга етказмоқ қанча шарафли бўлса, шунча маъсулиятли ҳамдир. Хўш жаҳон фанининг машҳур намояндалари Коперник, Галилей, Джордано Бруно каби олимлар қаторидан ўрин олган машҳур ва забардаст илм фан соҳаси вакили Улуғбек фаолиятини ёш авлодга етказишнинг қандай йўллари мавжуд? Демак тарих ўқитувчиси ёш авлодга тарихда илм-фан ривожига ҳисса қўшган, астроном олим, буюк шахс Мирзо Улуғбек фаолиятини замонавий таълим технологиялари орқали ташкил қилса бу дарс талабалар учун қизиқарли бўлади. Ижодкор, изланувчан педагог бошқа педагоглардан ўзининг билими, дунёқараши, маҳорати билан ажралиб туради ва кўпроқ замонавий таълим технологиялари асосида дарс ўтишга ҳаракат қилади, чунки бундай дарслар иқтидорли талабалар учун зарур ва шартдир.

Таълимнинг фаоллаштириш услуби асосида ташкил қилинаётган бундай дарсларнинг аҳамияти шундаки, бу замонавий дарсларда талабаларнинг фан юзасидан олган билимлари қайта мустаҳкамланади, уларда фикрлаш қобилияти ўсади. Шуни айтиш зарурки, педагогик инновациялар педагогик фаолиятга янгиликларнинг изчил олиб кирилишини тавсифлайди. Педагогик инновацияларнинг дидактик имкониятларига кўра таълим тизими ва жараёни ривожланиб боради инновацион фаолият жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, рағбанлантирувчи куч сифтида намоён булади, таълим жараёнинг сифатини кафолатлайди. Шу сабабли ҳар бир ўқитувчи

инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олиши зарур.

**Ўқитувчининг якуний сўзи**:Биз юқорида кўриб ўтилган амалий дарсда Улуғбекнинг отаси Шоҳрух Ҳиротда руҳонийларга суяниб иш кўрган бўлса, яъни эркин фикр эгаларини таъқиб этган бўлса, Самарқанд ҳокими Улуғбек ўз атрофига шоир ва олимларни тўплаб, давлатда илм фанни ривожлантирганлигининг гувоҳи бўлдик. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки илм-маърифатга берилаётган алоҳида эътиборнинг замирида чуқур маъно бор. Илм-маърифат – бу янги уйғониш даврининг пойдевори, унинг асосида эса шу юрт фуқароларининг миллий тафаккури, миллий ғояси, эртанги кунга, тараққиётга бўлган ишонч турибди.Илм-фан ривожланар экан, нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий-маданий соҳанинг ҳам тараққиёти кафолатланади, мазкур кафолат эса ўзида янги ренессанс даврини ифода этади. Келажакда янги ренессансни давом эттирувчи сиз азиз талабалардир. Бунинг учун қунт билан ўқиш, изланиш, ижод қилиш зарурдир. Президент Шавкат Мирзиеёв мамлакат келажагини сиз ёшларда, таълим ва илму фанда кўраётгани, учинчи Ренессанс ғояси миллий ғоя даражасига кўтарилгани, замонавий дунёга юзланиш ҳамда дунё билан тенглашмоқ истагида ана шу Ватан ва миллат туйғусининг яна бир жилваланишини кўриш мумкин. Таълим жараёнида интерфаол усулларданфойдаланиш талаба-ёшларда ижодий фикрлашни шакллантириш, таълим ва тарбиянинг бирлигига эришиш, талабаларда таълим жараёнига нисбатан қизиқиш ва масъулиятлиликни ривожлантириш, билиш фаоллигини ошириб мустақил таълим олишга эҳтиёжни шакллантириш ҳамда аҳлоқий тарбия самарадорлигини янада юксалтириш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//“Халқ сўзи”, 2020 йил, 30 декабрь, № 276 (7778).Б;2

2.Аҳмадалиев А. М. “Инновацион фаолият ва илғор технологиялар”.Тошкент, 2006й. Б; 37

3. Аҳмедов Б.Улуғбек. Тошкент, 1989.Б; 6

4.Бобоҷон Ғафуров. Тоҷикон. Душанбе, 2020. Б; 505-506

5.Ниёзов Ф., Зиёев М., Модули 1. Низомномаи таълими салоҳиятнокӣ (Дастур барои омӯзгор).- Душанбе,2016. Б;78

# УСУЛҲОИ ФАЪОЛГАРДОНИИ ТАЪЛИМ ДАР ТАЪРИХИ АСРҲОИ МИЁНА ВА РОҲҲОИ ТАШКИЛИ ОН

**Маҳмудов Олимҷон Раҳматҷонович - дотсент, номзоди илмҳои таърих, мудири кафедраи методикаи таълими таърих ва ҳуқуқ**

МДТ "Донишгоҳи давлати Хуҷанд ба номи академик Бобоҷон Ғафуров"
Телефон: 92-766-33-27 E-mail: makhmudov_68@bk.ru

**Ҳомидов Абдурасул Абдуқодирович дотсент, кафедраи методикаи таълими таърих ва ҳуқуқ**

МДТ "Донишгоҳи давлати Хуҷанд ба номи академик Бобоҷон Ғафуров"
Телефон: 92-969-99-62; E-mail: abdurasul.xomidov@mail.ru
[Тоҷикистан, ш. Хуҷанд].

Дар давраи ҷори шудани технологияи информатсиони дар ташкили чараёни таълиму тарбия лозим аст, ки методҳои муосири таълимро истифода барем, ки аз методҳои гузашта афзалият дошта бошанд ва дар ташаккули умумии малакаю маҳорати хонандагон, методҳои мустақилона гирифтани дониш ба онҳо мусоидат намоянд. Муаллим бояд, ки дар байни 45 дақиқа мӯъҷиза офарида тавонад. Нависандаи рус А.Н.Толстой чунин гуфта буд; «Дар фаъолияти педагогӣ метод не, балки маҳорат ва санъати моҳирона нақши муҳимро мебозад. Истеъдодро муҳаббат номидан мумкин аст. Агар муаллим ба касби худ бо муҳаббат нигарад, ӯ албатта муаллими хуб шуда метавонад». Ба таҷрибаи пешқадами педагогӣ такя карда (омӯзгорони эҷодкор Ш. А. Амонашвили, В. Ф. Шаталов, Е. Н. Илин, С. Н. Лисенкова, И. П. Волков) методи нави таълимро муназзаму босифат ҷорӣ кардан аз манфиат холӣ нест.

Барои педагоги ҳақиқӣ шудан омӯзгор бояд ҳамеша аз пайи бозомӯзӣ шавад. Ӯро лозим аст, ки тафаккури синну солии хонандагонро ба инобат гирад. Омӯзгори бомаърифат метавонад дар ташаккули шахсият заминаи воқеӣ гузорад. Дар раванди ислоҳоти муосири маориф ташкили раванди тадрис ҳамчун як омили созанда ва бунёдкор баҳри беҳтар гардидани сатҳи таълиму тарбия вазифаи муҳим ва масъулиятнокро доро буда, дар тамоми

зинаҳои таҳсилот татбиқи падидаҳои тоза ва шаклу усулҳои навини ҷараёни муосири таҳсилотро таъмин менамояд. Дар бунёди ташкили самараноки дарси муосир талаботе ба миён меояд, ки риояи он ба омӯзгор имкони афзун гардонидани дараҷаи фаъолияти манфиатнок ва сифати тайёрии хонандаро дода метавонад. Дарс ин қисми муҳим ва реалии фаъолияти омӯзгор мебошад. Яке аз намудҳои дарси муосир ин дарси маҳфили ҳозирҷавобон ҳисобида мешавад. Муаллим аз фанни таърихи асрҳои миёна дар мавзӯи «Ривоҷу равнақёбии сохти феодалӣ» дар синфи VI дарси маҳфили ҳозирҷавобон мегузаронад. Ин бояд дар доираи 45 дақиқа гузаронида шавад. Нақшаи дарс 1 ҳафта пеш ба хонандагон пешниҳод гардида хонандагон ба ду гурӯҳ тақсим карда мешаванд. Гурӯҳи аввал «Жакерия» ва гурӯҳи дуюм

« Уот Тайлер» номгузорӣ карда мешавад.

Нақшаи дарс:

1. Муаррифии гурӯҳҳо

2. Кор бо кроссворди таърихӣ

3. Бозии « Оё медонед?»

4. Бозии «Саволи сеҳрнок»

5. Бозӣ бо сардорони дастаҳо

Дар асоси шарти якум ҳарду гурӯҳ дар бораи номи гурӯҳашон пурра маълумот медиҳанд.

Гурӯҳи «Жакерия»

1. Номи гурӯҳи мо «Жакерия».

2. Шиори мо: Адолат доимо ғалаба хоҳад кард.

3.Моҳҳои май-июли соли 1358 дар Франсия шӯриши деҳқонон оғоз гардид. Ин шӯриш дар таърих бо номи Жакерия машҳур аст.

4. Ин шӯриш дорои хусусияти стихиявӣ буда нақшаи пешакӣ надошт. Дар ин шӯриш зиёда аз 100000 нафар деҳқонон иштирок намуданд.

5. Роҳбари шӯришчиён Гилом Кал ном деҳқон буд. Дар парчами шӯришчиён нишони подшоҳ-сурати нилуфари сафед акс ёфта буд. Шарҳи муаррифкунии даста чунин тарз идома меёбад, аъзоёни гурӯҳ дар бораи шӯриш маълумот медиҳанд.

Шиносоии гурӯҳи «Уот Тайлер»

1. Номи гурӯҳи мо: Уот Тайлер.

2. Шиори мо: Адолат ва оромӣ моро ба ғолибият ҳидоят мекунад.

3. Моҳҳои май-июли соли 1381 дар шаҳри Лондон шӯриши деҳқонон оғоз гардид.

4. Роҳбари ин шӯриш Уот Тайлер буд. Ӯ иштирокчии  Ҷанги садсола буд, маҳорати баланди ҳарбӣ дошт.

5. Шиори шӯришчиён чунин буд: «Мо дузд ва роҳзан нестем, мо тарафдор ва муборизи ҳақиқат ва адолат ҳастем»

Ин гурӯҳ ҳам дар бораи шӯриш бо навбат маълумот медиҳанд  ва аъзоёни гурӯҳро шинос менамоянд. Баъди ба охир расидани шарти аввал ба ҳарду гурӯҳ кроссвордҳои таърихӣ дода мешавад.

Дар чунин дарс муаллим ҳамчун назоратчӣ фаъолият мебарад ва ба  ҳар як шарт баҳо мегузорад.

Шарти 2-ум.

**Кор бо кроссвордҳо**

Кроссворди гурӯҳи «Жакерия»

5 1 10 2

П А Р Л А М Е Н Т

1 2 5 5 1

1. Соли 1265 дар Англия кадом маҷлис  таъсис дода мешавад. (Парламент)

2. Роҳбари шӯриш (Уот Тайлер)

3. Номи давлат (Франсия)

4. Палатаи болоии Англия (Лордҳо)

5. Номи шаҳр (Орлеан)

6. Палатаи поёнии парламенти Англия (обшинаҳои умумӣ)

7. Номи подшоҳ (Вилгелм)

8. Калимаи таърихӣ (Индулгенсия)

9. Номи қасре ки подшоҳ дар Лондон пинҳон мешавад (Тауэр)

**Кроссворди гурӯҳи «Уот Тайлер»**

1 5 3 6

Ж А К Е Р И Я

3 2 6

1. Қаҳрамони халқи француз (Жанна Д-Арк)

2. Номи яке аз дарёҳои Франсия (Луара)

3. Соли 1415 дар кадом шаҳр ҷанг шудааст (Азенкур)

4. Яке аз синфҳои ҷамъиятӣ (Феодалӣ)

5. Номи шаҳр (Париж)

6. Яке аз табақаи ҷамъиятии давлати Франсия (Руҳониён)

7. Яке аз давлатҳо (Англия).

Баъди ба охир расидани кроссвордҳо муаллим хатогиҳои онҳоро ислоҳ намуда, холгузорӣ мекунад.

**Шарти 3-юм**

Бозии «Оё медонед?»

Дар ин шарт ба ҳар ду гурӯҳ 10-тогӣ савол дода мешавад. Ба ҳар ҷавоби дуруст 1 хол муайян карда шудааст. Муаллим саволҳоро паи ҳам медиҳад ва ба ҷавобҳои дуруст хол дода мегузарад.

Саволҳо ба гурӯҳи «Жакерия»

1. Маънои мафҳуми феодал чист? (соҳиби замин, чорво, мулк)

2. Маънои калимаи индулгенсия (авф, бахшидан)

3. Табақаи дуюми аҳолии Франсия (феодалҳо)

4. « Еретик» чӣ маъно дорад? (аз дин баргашта, шаккок)

5. Филипи IV штатҳои генералиро кай даъват кард? (1302)

7. Лашкаркашии якуми салибӣ кай рух додааст? (1096)

8. Роҳбари шӯриши Жакерия кист? (Г.Кал)

9. Дар ҷанги садсола гардиши куллӣ кай шуд? (1429)

10. Жанна-Д-Арк кист? (қаҳрамони халқи француз)

Саволҳо ба гурӯҳи « Уот Тайлер»

1. Подшоҳи Франсия Людовики XI кадом солҳо ҳукрмонӣ кардааст? (1461-1483)

2. Жанна Д-Арк кай ва дар куҷо кушта шуд? (1431 ш.Руан)

3. Соли 1453 баъди шартнома дар шаҳри Франсия кадом бандар ба англисҳо гузашт? (бандари Кале)

4. Табақаи аввали Франсия кӣ буд? (руҳониён)

5. Маънои калимаи парламент чист? (гуфтугӯ, суханронӣ)

6. Подшоҳи Англия Генрихи VII кадом солҳо ҳукмронӣ кардааст? (1485-1509)

7. Герсоги Нормандия Вилгелм кай Англияро забт кард? (1066)

8. Шӯриши Уот Тайлер кай оғоз гардид? (майи с.1381)

9. Маънои калимаи инквизитсия чист? (тафтишот)

10. Салибдорон кай Византияро ба муҳосира гирифтанд? (1024)

**Шарти 4-ум «Саволи сеҳрнок»**

Дар ин шарт вобаста ба асрҳои миёна саволҳои шавқовар барои ҳарду гурӯҳ дода мешавад. Кадом гурӯҳ донад аввал даст бардошта ҷавоб медиҳад.

Муаллим саволу ҷавобро ба инобат гирифта, холҳоро ҷамъбаст менамояд.

Саволҳои сеҳрнок:

1. Ӯ барои ба итоати худ даровардани як қабила зӯран онҳоро ба дини насронӣ даровард. Рӯзе ӯ фармон дод, ки 4500 асирон қатл карда шаванд. Ӯ ба сардори қабила заминҳои калон инъом кард, то ки ба тарафи худ тобеъ намояд. Папа ба сари ӯ тоҷи императориро гузошт. Дигар давлатҳои Европа мехостанд бо ӯ иттифоқ бошанд. Ин инсони машҳур кист? (Ҷавоб: Карли Кабир-Бузург)

2. Ў ҷанговари моҳир буд. Дар ҷангҳо маҳорати нотакрори ҳарбии худро нишон дода, душманро дар ҳайрат мегузошт. Дар яке аз ҷангҳо бо фармони ў аз сари кўҳ ба ритсарҳои омадаистода санг ғелонда, ҳамаи онҳоро нобуд сохт. Вай аз ҷое ки душман номунтазир буд, якбора ҳуҷум мекард. Душманон онро «кўри даҳшатнок» меномиданд. Номи ин шахс кист?

3. Дар натиҷаи низоъҳои князҳо қувваи сербҳо суст шуда буд. Баъзе аз князҳо ҳатто ба майдони ҷанг наомаданд. Ҷанговар Милош Обилич маргро ба назар наоварда, ба қароргоҳи Усмониҳо ҳуҷум карда султони ўро бо шамшер мекушад. Баъди ин ҳодиса бесарусомонӣ дар қароргоҳ оғоз мегардад. Ин воқеаҳои ҷанг кай шуда буд? (Ҷавоб: дар майдони Косово-1389).

### Шарти 5-ум “Бозӣ бо сардорони дастаҳо”

Дар ин шарт ба сардорони ҳарду гурўҳ иҷро кардани се шарт вогузошта мешавад.

Шарти якум: санҷиши хотира

Шарти дуюм: эзоҳдиҳии расми таърихӣ

Шарти сеюм: занҷири сухан

Дар шарти якум ба сардорони ҳарду гурўҳ аз тарафи муаллим ҳафт номҳо ва мафҳумҳои таърихӣ аз фанни таърихи асрҳои миёна гуфта мешавад. Сардори гурӯҳҳо бояд ин номҳоро дар хотири худ нигоҳ доранд ва баъди итмоми сухани муаллим онҳоро бо тартиби муаллим гуфта такрор намоянд.

Ба сардори гурўҳи «Жакерия» чунин саволҳо дода мешавад:

1. Шўриш
2. Жон Бол
3. Вилгелм
4. Ҳокимият
5. Уот Тайлер
6. Рўҳониён
7. Бўҳрон

Ба сардори гурўҳи «Уот Тайлер» чунин саволҳо дода мешавад.

1. Жанна Д-арк

2. Парламент

3. Пуате

4. Феодалҳо

5. Новарра

6. Луара

7. Инквизитсия

Сардорҳо бояд дар бораи расми таърихие, ки ба онҳо нишон дода мешавад, маълумот диҳанд.

Дар шарти сеюм сардорҳо номҳои таърихиро номбар мекунанд. Ба чунин тарз – яке номи таърихӣ мегӯяд, дигаре бо охирон ҳарфи номи таърихӣ онро давом медиҳад. Масалан: парламент-тоифа, Азенкур-руҳониҳо ва ғайра.

Бозӣ ҳамин тариқ давом мекунад, ки кадом сардор номҳои таърихии бисёр гӯяд, ғолибиятро ба даст меоварад.

Дарси методи фаъоли таълимро муаллим  ҷамъбаст менамояд. Вай холҳоро эълон мекунад ва ба гурӯҳи ғолибомада тӯҳфа медиҳад, хонандагони фаъолро бо Ифтихорнома сарфароз мегардонад.

Дар охир вазифаи хонагӣ дода мешавад. Методи фаъоли таълими зикргардида дар ҳар моҳ дар асоси нақшаи тақвимӣ ба ҷои дарси такрорӣ гузаронида мешавад.

**Ҷиҳатҳои таълимӣ ва тарбиявии дарс:**

1. Шавқи хонандагонро оиди фанни таърих боз ҳам зиёд мекунанд .
2. Бо воситаи ин дарс ба хонандагони сустхон низ баҳо гузоштан мумкин аст, чунки онҳо бо ёрии хонандагони фаъол ба дарс иштирок мекунанд.
3. Хонандагон ба фикронии мустақилона одат мекунад.
4. Ба воситаи ин дарс дониши хонандагон бори дигар санҷида мешавад, дар онҳо дониш, махорат ва малака шакл мегирад.
5. Бо воситаи ин дарс дар замири хонандагон ҳисси дӯстӣ, якдигар фаҳмиро тарбия кардан мумкин аст.

**Адабиёт**

1. Агибалова Е.А., Донской Г.М. История средней веков. 7 класс. -М., 1992 -Б 146
2. Аҳлиллоев Т.А., Исматов М.С «Педагогика» Хуҷанд 2009, -Б 222-223
3. Семёнов А. История средней веков. -М., 1976 - Б 116

## SAFAVIYLAR, XOJARLAR VA BOBURIYLAR DAVLATLARI BAYROQLARINING QIYOSIY TAHLILI

***Panjiyev Jamshid Toxir o'g'li***
***Tel:998996641678***
*e-mail: panjiyevjamshid5@gmail.com*
*Denov tadbirkorlik va pedagogika insituti talabasi*
*Yusupov Salohiddin Abduvahob og'li*
*Tel:998881917004*
*Toshkent davlat yuridek unversititi talabasi*

**Annotatsiya:** *Bayroq har bir davlat, millat yoki ma'lum bir jamoaning ramzi sifatida ishlatilgan mato yoki moslashtirilgan va rang va shakl bilan yasatilgan tug' hisoblanadi. Turkiy davlatlar tinchlik, urush va marosimlarda turli rangdagi bayroqlardan foydalanganlar. Chunki bu ranglar ma'lum ma'nolarga ega edi. Dastlab hukmdorlarning shaxsiy belgilar bo'lgan bayroqlar vaqt o'tishi bilan davlatni ifoda eta boshladi. Ushbu maqolada Safaviylar, Xojarlar va Boburiylar davlatlarini aks ettiruvchi bayroqlar, ushbu bayroqlardagi naqshlar va ularning tarixiy asoslari o`zaro o`xshashliklar bayon qilingan va tasvirlangan.*

**Kalit so'zlar:** *Eron, Safaviylar davlati, Xojarlar sulolasi, Boburiylar imperiyasi, Bayroq.*

Bayroq urushlarda foydalaniladigan va uning uchiga ipak bo'lagi bog'langan nayza shaklida edi[1]. Eski turkiy xalqlarda bayroq nayzaga taqiladigan qurol bo`lib urush vaqtida nayza uchiga ipakdan bir belgi ham ilingan[2]**.** Turkiy xalqlarda tinchlik paytida, urushlarda va marosimlarda turli xil rangdagi bayroqlardan foydalanganlar. Bu ranglar ham har xil ma'nolarni anglatgan edi[3]. Boshida hukmdorlarning shaxsiy ramzi bo'lgan bayroqlar asta-sekin davlatning ramzini ifoda eta boshlagan. Islom dini kirib kelishidan oldin va undan keyin turkiy davlatlarida hukmdorlik belgisi sifatida ishlatilgan bayroqlardan tashqari, qo`shin qo'mondonlari va harbiy guruhlar ham alohida ahamiyatga ega bo`lgan o`zlarinig bayroqlari bor edi[4]. Bayroq yoki tug`' hukmdorlarning ramzidir. Bayroq,

muqaddas hisoblangan, shuningdek mustaqillik ramzi ekanligini ko'rsatadi. Turkiy xalqlar orasida xoqonlar, sarkardalar va qabila boshliqlari ularning obro'si va qadr-qimmati ularning bayroqlari shakli va hajmiga qarab belgilanar edi. Omad va muvaffaqiyat u to'lqinlangan chekkalarida ko'rinib turardi. Monarx bayrog'ini qo'riqlash va ushlab turish martabali odam Alamdar yoki Amirul alam deb nomlanadi.

### Safaviy davlat bayrog'i.

Ardabilda Safeviya tariqatining asoschisi shayx Safiyuddin Ardabiliy nomi bilan atalgan Safaviy davlati XVI asrning boshlarida Rumli, Damashq, Takalu, Ustachalu, Dulqadirli, Afşar, Haçhar, Bayburtlu va Varsak kabi turkiy qabilalarining ko'magi bilan ularning aksariyati Anatoliya(Kichik osiyo)dan Eronga borgan. Ismoil Safaviy tomonidan asos solingan(1501)[6]. 1587-1629 yillarda hukmronlik qilgan Safaviylar davlati shoh Abbos davrida o'zining qudrat cho`qqisiga va uning sharqida Temuriy Bobur davlati bilan chegaradosh bo'lgan, g'arbda Usmonlilar davlat yerlari hisobiga kengayib borgan. Garchi Safaviylar davlati shoh Abbos qurgan mustahkam poydevorda bir muncha vaqt saqlanib qolgan bo'lsada, afg'on bosqini natijasida zaiflashgan Safaviylar davlati 1736 yilda Mug'an shahrida Xurosondagi asharlarning Qirqlu qabilasiga mansub Tahmaspquluxon laqabli Nodirbey, "Shoh" unvoni bilan taxtga o'tirdi. Safaviylar foydalangan bayroq bugungi kunga kelib bizning qo'limizda mavjud emas. Safaviy umumiy davlat arxivi bo'lmaganligi sababli, Safaviylar davridagi narsalar ham turli mamlakatlarning xususiy yoki davlat muzeylarida to'plangan. Bu har xil bayroqdagi kalimai shahodat, Qur'on oyatlari, Alining qilichi zulfikor va sher-quyosh razmlari, astrologik ramzlar mavjud edi. XVII asrning ikkinchi yarmida bir necha bor Eronga kelgan fransuz sayyohi ser Jon Shardin(1643-1713), o'zing sayohat nomasida Safaviylar tangalariga haqida shunday dedi: "mis tangalarning bir yuzida, arslon va uning orqasida quyosh ramzi tasvirlangan Eron eyeroglifi mavjud. XVII asrda Eronga bir necha bor sayohat qilgan fransuz sayyohi Taverner ham sher-quyosh naqshli tangalarda o'ymakorlik mavjudligi haqida ma'lumot bermoqda[11]. Safaviylar hukmdori Sulaymon I (1666-1694) davrida Nyukasl gersogi nomidan Eronga kelgan Jon Frayer shaxsan Safaviylar armiyasi va bayrog'ini ko'rgan. Fryer o'zining sayohat kitobida ko'rgan bayroqni quyidagicha tasvirlaydi: "Hukmdor (Sulaymon I), uning dushmanlariga qarshi jang qilish o'rniga u o'z saroyida oq mato ustiga ikki uchi qilich tasviri tushirilgan bayroq ostida yashashni afzal ko'rar edi.. Bu erda tasvirlangan naqsh Zulfikor deb nomlangan qilich "ular buni [Hz.] Ali sharafiga ko'taradilar". Safaviylar tomonidan ishlatilgan va keyinchalik Xojarlarga ham quyosh-sher o'tgan naqshli bayroqqa kelsak, quyosh ramzi Eronning afsonaviy hukmdorlaridan biri Jamshidni

tasvirlaydi. Arslon ramzi shialar dunyosi uchun ham muhimdir shu bilan birga hazrat Ali r.a ni tafsil etmoqda edi. Shunday qilib, Safaviy Shohlar o'z tangalarida ikkita muhim o'ziga xoslikni birlashtirdilar. Arslon ramzining Sosoniylar davri materiallarida ko'rinishini e'tiborsiz qoldirmaslik kerak bundan tashqari, u Anadoli saljuqiylarida ramz sifatida ishlatilgan. Aslida ushbu ramzlar kuch va qudratni anglatadi. Shu bois tarixdagi ko'plab tarixiy shaxslar va joylar uchun ism yoki unvon sifatida ishlatilgan. Islomdan oldin va keyin arab, fors va turkiy madaniyatlarida kuch va qudratga ega bo'lgan Arslon bu jasoratning asosiy ramzi edi. Marhum Farux Sumer Arslon so'zini ism yoki unvon sifatida (Oq Arslon, Qora Arslon, Qizil Arslan, Ko'k Arslan, Arslan Bug'a, Arslan tosh, Arslan shoh va boshqalar) turkiy xalqlar tomonidan ishlatilganligini ta'kidlaydilar. Saadettin Go'mech G'arbiy turkey xalqlarning ramzi Arslon ekanligini, boshqa tomondan Arslon so'zi turk dostonlarida keng tarqalgan motiv ekanligini ta'kidlaydi[15]. Turkiy xalqlarning islomgacha bo'lgan tarixini yoritgan mashhur tarixchilaridan Bahoyiddin O'gil ma'lumotlariga ko'ra turkiy xalqlarning islomni qabul qilishi va Uyg'urlarning imperatorlik barpo etishi bilan arslon motivi ham namoyon bo'la boshlagan va Misirdagi mamluk afsonalarida bo'lgani kabi turkiy xalqlarning ajdodlari arslonlar bilan birga yashagan[16]. Shuningdek Bahoyiddin O'gil Oltoy Xun davriga oid mozor qo`rg`anlardan arslon ramzlarining topilganligi, G'arbiy Turk xoqonligi xoni Istamining taxti tort arslon ustida o'tirganligini yozadi. Uyg'ur xonlarining taxtlarida ham shu kabi ko'rinishli arslon ramzlari bo'lgan. A. Shopur Shaxbazi, 1423 yilga oid va Milliy Bibliotekda joylashgan Shemsiddin Koshoniyga oid Shohnomada quyosh arslon ramzi tushirilgan bayroq haqidagi ma'lumotlarda Kastilya qirolining elchisi Klavixo Kesh yaqinida Amir Temur tomonidan yangi qurilayotgan saroyi haqida shunday ma'lumot beradi: Kirish eshigidagi muhtasham eshikda quyosh arslonlarining suratlari ko'rinadi. Ushbu rasmlar har bir kamarlarda mavjudligni ham yozib qoldirgan. Berilgan ma`lumotlarga ko`ra quyosh arslon ramzi Amir Temur Samarqand hokimligi vazifasidan ozod qilgan shahzodaning gerbi[22] ekanligini bayon qilmoqda. Bu erdan ma'lumki, bayroqdagi quyosh arslon tasviridan foydalanish Safaviylarga qadar ham urf bo'lgan.

### Xojarlar davlat bayrog'i.

Eronda Safaviylar davri tugaganidan so'ng, mamlakatdagi ichki tartibsizlik va siyosiy inqiroz sabab turkiy, afg'on va ba'zi mahalliy qabilalarning hukmron uchun kurashga kirishishiga sabab bo'ldi. Shunday sharoitda Xojarlar sulolasi lideri Nodir Shoh Afshor[23] Zend sulolasi bilan kurashni boshladilar. Rasmiy ravishda 1795 yilda poytaxt Tehronda Xojar hukmronligi Og'a Muhammadxon Eronda taxtda o'tirishi bilan boshlangan edi. Asosan Ruslar bilan keyinchalik inglizlar

bilan uzoq yillik kurashdan so'ng Xojarlar sulolasi 1925 yilda tugatildi va Eronda boshqaruv pahlaviylarga o'tdi. O`rta osiyoda qurilgan Xun, Turk xoqonligi, Uyg`ur davlatlari siyosiy va madaniy jihatdan bir birlarini qanday davom ettirgan bo`lsa huddi shunday Eron hududida Safaviy, Afshor, Xojar sulolalari ham siyosiy madaniy jihatdan turkiy xalqlar urf-odat va ananalarini davom ettirishgan. Xojarlar Safaviylar sulolasi vorisi bo'lganligi sababli davlat va harbiy boshqaruvi juda o`xshash edi. Shu bois bayroqlar ham o`xshash edi. Fotih Ali Shoh(1797-1834) davrida [26] rasmiylashtirilgan Xojarlar sulolasi bayrog`ida ham arslon quyosh ramzi tushirilgan keyinchalik XIX – asr ikkinchi yarmida Nosiriddinshoh (1848-1896) davrida bayroqlarda[27] qilich tutgan arslon ramzi qo`llanila boshlagan. Safaviylarning shia mazhabiga amal qilgan Xojarlar hazrat Alining qilichi ramzini o'z bayroqlarida jonlantirganlar. Chunki Safaviylar davlati qulaganidan keyin, Xojarlar sulolasi, butun Eron avvalgi qudratli kunlariga qaytarishni istab uni yagona bayroq ostida birlashtirgan va xalq xotirasida chuqur iz qoldirgan Safaviylar davri siyosiy va diniy ramzlari bilan yanada mustahkam bo'lishini xohlar edi. Bundan tashqari Safaviylar va Xojarlar foydalangan quyosh-arslon ramzli bayroq Pahlaviylar sulolasi (1925-1979) davrida biroz o'zgartirilgan. Albatta, Pahlavilar arslon quyosh ramzi fors mifologiyasida afsonaviy qahramon Rustam bilan birlashtirilganligini ta'kidlaydilar. Shuningdek, Xojar sulolasi toj o'rniga ular o`z bayroqlarida pahlaviy tojini o'rnatadilar.

## Boburiylar davlatining bayrog'i.

Boburiylar davlati 1526- yilda Hindistonda qurilgan temuriylar sulolasi davomchisi Zahiriddin Muhammad Bobur tomonidan asos solingan turkiy davlatdir. Boburiylar davlati dastlab Shayboniyxon va Afg'on amirlari bilan ba'zan Eron va Tibet bilan kurashlar olib borgan. Nihoyat ingilizlar bilan urush olib borgan. Boburiylar 1858 yil etiboran tarix sahnasida tarixga aylandilar. 1617 yilda Hindistondagi Boburiylar davlati hukmdori Jaxongirshox huzirida bo'lgan ingliz sayyohi va ruhoniysi Edvard Terri (1590-1660) o'zining sayohatnoma kitobida Boburiylar foydalangan bayroq va sultonlik muhri tasvirlangan. Ushbu bayroqda fonida tasvirlangan katta quyosh uning oldida tiz cho'kib, o'ng tomonga qarab turgan arslon ramzi borligini yozib qoldirgan[28]. O'zaro Qandahor hududi ustida Safaviylar bilan kurash olib borgan Boburiylar safaviylar davlati bilan qolgan masalalarda yaxshi munosabatda bo'lganlar. Boburiylar davlati tashkil etish bosqichida Safaviy shohlari tomonidan qo'llab-quvvatlandi. Safaviylar hukmdori Shoh Abbos Akbarshohni " Shoh Otam" deb ataganida, Boburiy hukmdori Shohjahon ham Shoh Abbosni "mening akam"[29] deb atagan. Shuningdek bayroqlarining ham o'zaro o`xshashligi tabbiy holdir.

## Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Mahmud Qoshg’ariy, Devoni lug’ati turk,: Besim Atalay Tarjimasi, Turk tili uyushmasi nashrlari, Anqara 2006, yil. 205. b.

2. M. Fuad Ko’prulu, "Bayroq", Islom Ensiklopediyasi, Istanbul, Maorif Press, 1944, yil.2-son 401. b.

3. Bahoyiddin O’gel, Turk madaniyatining rivojlangan o’rta asrlari, Turk dunyosi tadqiqot jamg'armasi, Istanbul 2001, 694. b.

4. M. Fuad Ko’prulu, o’sha asar, 402. b.

5. Ibrohim Kafesog’lu, Turk milliy madaniyati, o'zini o'zi anglash nashrlari, Istanbul 2004,357-358. b.

# NOOSFERA FALSAFASINING MOHIYATI VA GENEZISI

**Sobirov Alijon Samandar o`g`li**
**SamDU Yuridik falkultet, falsafa yo`nalishi 4-bosqich talabasi**
**Alijonsobirov2604@gmail.com**

**Annotasiya**

*Ushbu maqolada noosfera falsafasiga qisqacha to`xtalib o`tilgan. Noosfera insoniyat taraqqiyotining substansiyasi sifatida ko`rib chiqilgan. Qadimgi odamlarning aqliy rivojlanishining tabiatga bo`lgan ijobiy va salbiy ta’siri ko`rib o`tilgan. Kishilarning tabiatdan foydalanish va biosferaga ta’sir o`tkazish jarayonlarining oqibatlari tahlil qilingan. Gnoseologik jarayonlarning kishilar tafakkur tarzining rivojlanishiga bo`lgan ta’siri o`rganilgan. Aqlni boshqarish, bilimdan to`g`ri foydalanish, natijani foydali qilishda bilimni kognitiv tafakkur vositasida analiz-sintez qilish yo`llari ko`rib chiqilgan.*

***Kalit so`zlar:*** *noosfera, substansiya, taraqqiyot, gnostiklar, kognitiv tafakkur, saodatli bilim, biosfera, homo sapiens.*

Inson tabiatninng eng buyuk mo`jizalaridan biridir. Tabiat va inson har qachon bir-biri bilan uzviy aloqadorlikda bo`lib kelgan. Qadimgi dunyo tarixidan ma’lumki, kishilar tabiat nimani inom etsa faqat shu narsalar bilan oziqlangan. Tabiatga ishlov berish orqali dehqonchilik qilish, hayvonlarni qo`lga o`rgatish va boqish orqali uy chorvachiligini tashkil qilish kabi ko`plab xo`jalik kashfiyotlari orqali o`z turmush sharoitini yasxshilanishiga sababchi bo`ldi. Keying davrda esa kishilarning ijtimoiy hayotida kuzatiladigan har qanday qiyinchiliklarga qarshi yangi g`oya, fikr va harakatlar shakllana boshlandi. Ular tabiat hodisalaridan oqilona foydalanishni, ularga tayyor turishni, uylar qurib jamoa bo`lib yashashni o`rganib olishdi. Bu va boshqa progressiv harakatlarning zamirida inson aqli va uning tafakkuri turadi. Bu esa, ya’ni insoniyat aql qobig`I falsafiy fanlar taraqqiyoti natijasida Noosfera deb ataldi. 1924- yil Parijdagi ilmiy anjumanda rus

olimi V. Vernadskiyning biosfera taraqqiyoti to`g`risidagi konsepsiyasi muhokamasida fransuz olimi E. Lerua “Noosfera” atamasini birinchi bo`lib qo`lladi. Bu atama turli talqinga ega bo`lsada, Aql sohasi sifatida soda ta’riflash keng tarqalgan. Aslida Noosfera biosferaning shunday holatiki, biosferani inson manfaatlariga muvofiq rivojlantirish, uning istiqbolini jiddiy o`ylab, yangi dunyoqarashni shakllantirish jarayoni boshlanishimni anglab yetishdir[134]-deyiladi Ibrohim Karimovning kitobida.

Kishilar aqliy jihatdan o`z davrida bir pog`ona yuqoriga chiqqan bo`lishi mumkin, ammo bu ularda kuchli tafakkur borligidan dalolat bermaydi. Davrlar o‘tib kishilar ongida shakllangan tasavvurlar, turli ko‘rinishdagi farishta va xudolar, but-sanamlar ularning hayotining mazmuniga aylanib bordi. Lekin ularning ibtidoiy qarashlarida mantiqsizlik va qarama-qarshiliklar mavjud edi. Bunday halat sabablaridan biri sifatida kishilarning tafakkuri mistikaviy bo‘lishidir. Zero, mistika o‘zgaruvchan. Bu haqida Arifxanova S.M o‘zining “Zardushtiylikni o‘rganishda ibtidoiy tafakkur haqidagi qarashlarning ahamiyati” nomli maqolasida quyidagi fikrlarni ketirib o‘tadi: “Ibtidoiy tafakkur mistikaviy bo‘lishi bilan birga mantiqsizlikdir, ya’ni u hali ziddiyatlar, qarama-qarshiliklarni sezmaydi, ilg‘amaydi, tajribaga asoslanmaydi. Ibtidoiy tafakkur mantiqiy munosabatlarni o‘rgatish o‘rniga partisipasiya (daxldorlik) qonuniga bo‘ysunadi” . Demak tafakkurning shakllanishi insonlar ongida daxldorlik qonunini shakllantirish va mantiq fikrlashni rivojlantirish bilan tavsiflanadi.

Demak, noosfera insonning tabiatni o`z maqsadlariga muvofiq tarzda o`zgartirishi bilan bo`gliq bo`lgan falsafiy ta’limotlardan biri degan tushuncha paydo bo`ladi. Ammo, masalaning boshqa jihatlariga qaraydigan bo`lsak, insonning ehtiyoji va manfaati tabiatni o`zgartirishga harakat qila boshlaganiga guvoh bo`lamiz. Sinergetik nuqtai nazardan qaraydigan bo`lsak, barcha narsa hodisalar xaosdan yaralganligiga va keyinchalik tartib kasb etganiga guvoh bo`lamiz. Yerda birlamchi hayot alomatlari bundan 3.8 milliar yil muqaddam paydo bo`la boshladi. Intellectual salohiyatga ega bo`lgan aqlli odam – Homo sapiens odami esa bundan 50-40 ming yillar avval paydo bo`ldi. Demak, tartibsizlik sekin –asta tartib kasb etmoqda. aynan mana shu aql egasi tabiatdan foydalanish yo`llarini o`rgandi. Milodning kishilari, ayniqsa yangi davr, eng yangi davr va hozirgi zamon noosfera qatlami kishilari esa biosferani manfaatlariga moslab o`zgartirmoqda.

Insoniyat tabiat kuchlari va boshqa hayvon turlari oldida ojiz edi. Birdan bir uning quroli aql bo`ldi. Bundan 500 yil ilgari Ilm-fan Inqilobi yuz berdi. Insoniyat o‘zining nodonligini tan oladi va mislsiz qudratga ega bo‘la boshlaydi. Yevropaliklar Amerika va okeanlarni bosib oladi. Butun sayyora yagona

[134] Karimov I. Noosfera: geosiyosat va mafkura. – T.:”Yangi asr avlodi”, 2008, - 17 b.

tarixiy maydonga aylanadi. Ilmiy texnika inqilobi va Ilmiy texnika taraqqiyoti natijasida odamzod o`z turmush tarzini o`zgartirdi va yaxshilab oldi. Bshu davrdan boshlab insoniyat taraqqiyoti va tabiat tanazzuli boshlandi.

Bilish jarayoni natijasida bilim shakllanadi. Bu bilimning qaysi yo`lda ishlatilishi esa insonning kognitiv tafakkuri(ma'lumotlarni qayta ishlash, ularni ma'qulini tanlab olish va qabul qilish jarayoni)ga bog`liqdir. Natija esa faqat saodatga yetaklovchi bo`lishi kerak. Buni quyidagi sxema tarzida ko`rsatish mumkin.




Demak, insonning aql qobig`i jamiyatni shakllantiradigan va uni yo`q qiladigan kuchga ega. Aqlni boshqarish, uni jilovlash va to`g`ri yo`naltirish sog`lom tafakkur shakllantiruvchi kuchdir.

## МАМЛАКАТИМИЗДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҒОЯСИНИ ТАРҒИБ ЭТИШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРЯТЛАРИМИЗНИНГ ЎРНИ.

**Амонжонов Сардорбек Набижон ўғли**
**Андижон Давлат Университети Тарих факултети талабаси**
Sardorbek_3200@mail.ru

+998934183200

**Аннотация:** Ушбу мақолада биз мамлакатимизда таълим тарбияга қаратилган этибор ва юртимизда Учинчи Ренессанс учун қилинаёеган ишлар ҳақида фикр мулохаза юритилади.

**Калит сўзлар:** Учинчи Ренессанс, истиқболлари, олий таълим, янграмоқда, сиёсий-хуқуқий, тараққиёини, илм-фанга, имкониятлардан.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимда приздентимиз Ш.Мирзиёев “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугинги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугинги халқимиз ҳам кечаги ҳалқ эмас” деб таъкидлаган эди.

Учинчи Ренессанс пойдевори таълим тизимининг қуйи –мактабгача таълим муассасасида ва умумтаълим мактабида қўйилиб, профессионал ва олий таълим соҳасидаги ислоҳотлар яхлит, таълимнинг барча босқисларини қамраб олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Олий ва ўрта таълим тизимида амалга ошираётган ишларнинг мазмун-моҳияти ва истиқболлари ҳам айнан инсон камолотини таъминлаш мақсадидан келиб чиқиб белгиланмоқда. Муҳтарам приздентимизнинг “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади” деган ғояларни амалга ошириш мақсадида барча олий таълим муассасалари мактаблар билан хамкорликларини кенгайтириш йўналишида фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимизда хозирги вақта яна бир муҳим уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантирмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўзгаришлар кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда. Айнан мана шу жараён халқ учун ислоҳотларимизнинг энг катта натижасидур. Чунки, мақсаднинг аниқлиги – харакатлар самарасини таъминлайдигон энг муҳим мезондир.

Агар биз бундан беш йил олдин қабул қилган Харакатлар стратегясининг туб мазмун-моҳиятини муҳтасар ифода этадигон бўлсак, ушбу ноёб хужжатда ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифаларни стратегик мақсад қилиб қўйган эдик.

Таъкидлаш керакки Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки ҳоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадигон объектив заруратдир.

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, ҳар қайси халқ хаётидаги маънавий уйғониш жараёнлари миллий ўзликни англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий. Маданий тараққиёини янги босқичга кўтаради. Бундай ижтимоий ноёб ҳодиса “Ренессанс” – уйғониш, қайта тикланиш, юксалиш деб аталиши барчамизга аён.

Маълумки, бугунги Ўзбекистон замони қадимда икки буюк уйғониш даврига – Биринчи ( маърифий – 9-12 асрлар) ва Иккинчи (Темурийлар – 14-15 асрлар) Ренессансга бешик бўлган. Бу – жаҳон илм-фанида ўз исботини топган ва тан олинган тарихий ҳақиҳатдур.

Шуни ҳулоса қилиш мумкунки биринчи ва иккинчи Ренессанс даврида илм-фанга жуда катта этибор қаратилган юртда тнчлик хукм сурган. Ҳозирги Ўзбекистонда ҳам худди шундай ҳолат кузатилмоқда, ёшларга яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб юртимиз учун албатта қайғуришимиз довруғини дунёга танитишимиз даркор. Бунинг учун ёшларга яратилаётган имкониятлардан фоёдаланиб албатта юртбошимиз такидлаган Учинчи Ренессансни амалга оширишимиз лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўхати:**


1. Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари илмий ишлар тўплами Тошкент “Таълим Нашрёти”- 2021
2. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда Тошкент – 2021


## ROLES OF MULTIMEDIA IN EDUCATION


***Sodiqova Bakhtigul Ibodullayevna, doctoral student,***

***Bobojonov Dilshod Jumaqul o'g'li, doctoral student,***

***Denau Institute of Entrepreneurship and Pedagogy***

***Isakov Fayozbek Fakhriddinovich,***

***Deputy Dean for Spiritual and Enlightenment Affairs,***

***Teacher of the Department of Digital Information Technologies,***

***Faculty of Entrepreneurship and Management,***

*Denau Institute of Entrepreneurship and Pedagogy,*

*E-mail: sodiqova.baxtigul@mail.ru*

*Tel: + 99890 981 89 96*

**Annotation**

This article discusses some of the expected features of multimedia based education and the teaching approach that promote active learning. The paper starts by defining multimedia, hypermedia and active learning. By defining these concepts, the reader can have better understating of the proposed approach in high education teaching. Multimedia, as product and application, can have potential roles in enhancing learning. Certainly multimedia resources are increasingly embraced in elementary and secondary education.

**Key words:** multimedia technology , teaching approach , enthusiasm , slide projectors , attitudes, unawareness , curriculum goals.

**Introduction:**

The term Multimedia has been in use for several decades in education (Ivers and Barron, 1998). A few decades ago, the term was used to describe the use of more than one type of media for communication commonly applied to presentations. This combination is delivered via an overhead, slide projectors, VCR or laserdisc (Jonassen, Peck and Wilson, 1999). Nowadays the common understanding of multimedia is somewhat different. Multimedia is associated with the use of a computer as means to deliver various media. Hence various media appear in digital format rather than analog. Nowadays, multimedia is a term used to refer to the use of text, picture, sound, audio and video clips, animation and graphics. Najjar (1996a) described multimedia as the simultaneous presentation of information using more than one mode of information transmission. It combines the use of various media such as text, graphics, animation, pictures, video, and sound, to present information. The term also has been used to refer to everything from slide shows to extravaganzas complete with multiple monitors, animation, video, sound, and text. It is important to mention that the components of multimedia contain information that is related to each other. Therefore, the term multimedia can be defined as is the integration of information from a variety of media sources into a single presentation. According to Jonassen (1996) hypermedia is a marriage of hypertext and multimedia. Hypertext refers to a nonsequential, nonlinear method of organizing and display text (Jonassen, 1996) which was designed to enable users to access information from a text in ways that are most meaningful to them. Hypertext composes of text, audio, and visual information stored in a computer, with the computer being used to link and annotate related chunks of information.

**Analysis part:**

Pappas and Krothe (1999) maintain that a number of authors have expressed concerns with traditional methods of college teaching. These include: overeliance on lecture and other didactic methods of instruction, lack of student involvement and responsibility for learning, ineffective techniques for coping with the rapid increases in information and individualistic rather than collaborative models of learning By calling for active participation by students, the instructional paradigm is shifted from one that is teacher-centered to one in which students assume responsibility for their own learning and are engaged in the development of critical-thinking and problem-solving skills. Thus the shift entails a change in focus from curricular content to curricular outcomes and in the aspect of assessment from traditional tools to tools which promote critical thinking such as evaluating and analysing information. Further Multimedia also enhances students' understanding, improves retention and helps to better problem solving transfer (Mayer, 1997). Learning with multimedia can decrease the study time spent on learnt materials up to 60% over traditional classroom method Najjar (1996b). Reinhardt (1995) argues that 80% of understanding comes from visualization (from the use of animation, video, laserdiscs, CD-ROM books, and hypermedia) and much less from hearing although retention rate is higher for the latter. Multimedia presentations are engaging because they are multimodal, which means multimedia can stimulate more than one sense at a time, and in doing so may be more attention getting and attention holding (Jonasson, 1996:185). The previous evidences show effectiveness of multimedia in retention if the goals to memorize information; multimedia is seen as resource of information. Multimedia holds potential for better leaning and promoting high order learning skills if incorporated into active learning approach; i.e., multimedia is considered as tool. If computers are seen mainly as a way of helping students acquire knowledge and skills within traditional classrooms, then computers will simply be a tool for achieving old goals. On the other hand, if the computer can be linked to emerging educational goals stressing cognitive processes, the potentialities for student growth seem unlimited. Using multimedia as cognitive tools engaging learners in a tool-like environment, has demonstrated an improvement in learning, collaboration, communication and problem solving (Jacobson and Spiro, 1995). Jonassen (1996, p. 203) argues that multimedia-based applications (Hyper Studio and PowerPoint) can be quite valuable in furthering knowledge construction, that is, the process of organizing and designing multimedia presentations that engages students in complex thinking. Through this process, learners are forced to reflect on what they know and how best to represent it when they have to communicate in this media. Toomey and Ketterer (1995) maintain that the computer and its multimedia application have potential as cognitive tools. Using multimedia as a

cognitive tool feeds learners' curiosity and encourages them to shape their own pattern of learning as they interact with cooperatively constructed and reconstructed multimedia presentations . Toomey and Ketterer distinguish two types of multimedia use in education, as an interactive tool and as a development tool. The latter promotes storing, sharing and reconstructing and representing knowledge in interactive textual, graphic, pictorial, visual and aural forms. Another argument for the advantage of multimedia as a cognitive tool is proposed by Reeves (1998), as he maintains that using multimedia construction programs as cognitive tools engages many skills in learners such as: project management skills, research skills, organization and representation skills, presentation skills, and reflection skills.

**Conclusion**

Multimedia complements the learner-centred active learning process in that students are no longer simply consumers of multimedia products but become actively involved in its production-they are designers. Students are highly motivated by the permission to design various ways m which they can demonstrate their newly constructed knowledge by applying their creative skills. Retention then begins to approach the optimal ninety percent level.

**The list of used literature**

1. McFarlane, A., Williams, J. M., Bonnett, M. (2000). Assessment and multimedia authoring – A tool for externalising understanding. *Journal of Computer Assisted Learning*, *16*(3), 201-212.

2. Bagley, C., & Hunter, B. (1992). Restructuring, constructivism, and technology: Forging a new relationship. Educational Technology, 32 (7), 22-27.
3. Bennett, N., & Dunne, E. (1994). Managing classroom groups. London: Simon and Schuster.

## ХОЗИРГИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ДАВРИДА ЎҚИТУВЧИ РОЛИНИ ОШИРИШ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

***Ғаффорова Улуғой***

***Сурхондарё вилояти Музработ туман 14-мактаб ўқитувчиси***

**Аннотация**

Ушбу мақолада инновацион фаолиятнинг бугунги кундаги натижаси, жамият тараққиёт даражасидаги технологик ўзгаришлар, инновацияларнинг

муваффақкияти ва самарадорлиги биринчи навбатда ўқитувчига, унинг инновацион ҳатти-ҳаракатларига боғлиқлиги, инновацион ҳатти-ҳаракатлар ижтимоий тузилмага қарши бўлиб, оммавий мактаб ўқитувчиларининг кўпчилигида устунлик қилиши хақида ёритиб берилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** инновацион фаолият, ўқитувчи, замонавий таълим.

Замонавий таълимда юз бераётган ўзгаришларни кўплаб тадқиқотчилар шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш сифатида кўриб чиқмоқдалар. Анъанавий таълимдан фарқли ўлароқ, бунда шахсга йўналтирилган ёндашув биринчи навбатда, ижобий томонга йўналтирилган ўқув жараённинг барча субъектларини ноёб шахсиятини намоён этишга қаратилади

Инновациялар бугун давлатнинг жаҳон миқёсидаги мавқеини белгилаб, ҳар бир мамлакатнинг инновацион ривожланиш даражасини баҳолаш учун мавжуд ресурслари, шунингдек, яратилган инновациялар натижалари глобал инновацион индексни ҳисоблашда инобатга олинади.

Таълим тизимини сиёсий ва мафкуравий мақсадларга буйсундирувчи авторитар, антидемократик жамият ўқитувчидан, авваломбор, шахсни ўзи яшаб турган меъёр ва тамойилларга мослашишни кутади.

Таълимнинг анъанавий тизими асосан ўқув жараёнининг якуний натижаси сифатида талабаларнинг билим ва кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Умуман олганда, ўқитишнинг мазмуни, усуллари, шакллари ва йўналиши ташқи томондан ўрнатилган стандартга тўлиқ мослаштирилмаган. Чунки жамият тараққиёт даражасидаги технологик ўзгаришлар натижасида таълим тизимининг баъзи таркибий қисмларида модернизациялар амалга оширилмоқда. Аммо уларнинг етарли эмаслиги, ёки ўз вақтида амалга оширилмаётганлиги, ички бюрократик омиллар сабабли айрим қарама-қаршиликлар юзага келмоқда.

Жумладан: ўқув-тарбия жараёнида боланинг пассив репродуктив позицияси ва унинг фаол масъулияти ўртасидаги қарама-қаршилик; ташқи буюрмачининг аниқ таълим стандартларини аниқлаши билан ўқувчининг шахсий мотивациялари ўртасидаги зиддият; индивидуал ўқув фанларини ажратиш, уларнинг мазмунини қисқартириш, фаннинг юқори ихтисослаштирилган йўналиши ва талабанинг яхлит ривожланишига бўлган эҳтиёж ўртасидаги қарама-қаршилик; ижтимоий табақаланиш ўртасидаги ҳолат; ривожланиш даражаси ва тенг имкониятлар жамияти муҳитини яратиш зарурати бўйича фарқлаш мавжудлигини кўрсатади.

Албатта, таълим тизими ҳам умумий тараққиёт қонунларидан ажралмаган ҳолда ворисийлик асосида ривож топади. Бунда мавжуд эски

тизим тамойиллари ўрнига янги талаблар асосидаги таълим стандартлари ишлаб чиқилсада, улар ўртасидаги қарама-қаршилик ҳам ижтимоий, ҳам педагогик эҳтиёжлар туфайли юзага келишини кўрсатмоқда. Натижаси эса қувонарли эмас. Аммо глобаллашув жараёни бевосита билимлар чегарасини кенгайтириб, имкониятлар даражасини ошириб юборди. Бу бевосита фанларнинг тармоқланишига, янгидан-янги ихтисосликларнинг вужудга келишига, ҳамда таълим мазмунига катта амалий ва назарий материалларни киритиш заруратини юзага келтирди. Н.Р.Юсуфбекова, бу жараёнда турли хил ўқув юртларида ўқиш вақти чекланганлиги сабабли, замонавий одам учун зарур ва етарли бўлган билимларни танлаш муаммоси юзага келишини тўғри таъкидлайди.

В.Д.Щадриковнинг таъкидлашича, замонавий педагогик инқирознинг моҳияти таълим муаммоларини шахсга мурожаат қилмасдан ҳал этилганлигидадир. Айниқса, бу муаммонинг республикамиздаги ечими анча йиллар давомида инқирозли ҳолатларини келтириб чиқарди. Чунки, болаларни ёшлигиданоқ мактабгача таълим муассасаларига етарлича жалб этиш имкониятларининг пасайиб кетганлиги, умумий ўрта ва ўрта-махсус таълим жараёнидаги узулишларнинг мавжудлиги, уларнинг талабга жавоб бермаслиги, олий таълимга етарли эътибор қаратилмаганли, унга кириш имкониятининг пастлиги, илмий-тадқиқот ишланмаларининг етарли эмаслиги, энг асосийси, илмий-педагогик фаолиятнинг рағбатлантирилмаслиги оқибатида ижтимоий муҳитда инқрозли ҳолатлар юзага келди.

Бугунги кунда, таълим ислоҳотлари боланинг гармоник ривожлантириш дастурлари асосида, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясияни йўлга қўйиш, инновацион тамойиллари асосида амалга оширилмоқда.

Бугунги таълимда шаблон бўлмаслиги керак, инновацион ҳаракатдан асосий мақсад ҳам шунга қаратилмоқда. 2019-2021 йиллардаги Инновацион ривожлантириш стратегиясига кўра, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига сарфланадиган давлат харажатларини кўпайтиришни назарда тутилган.

Бу харажатлар ўз навбатида юртимиз тараққиётига нафи тегадиган, аҳоли фаровонлиги ва халқимиз турмуш тарзини яхшилашга хизмат қиладиган маҳсулотлар, технологиялар кўринишида давлатга фойда олиб келиши лозим. Ўз навбатида, илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришдан келадиган фойда олимларнинг ҳам молиявий аҳволига ижобий таъсир кўрсатиб, келгусида уларнинг илмий изланишлар билан янада чуқур шуғулланишларига замин яратиши керак.

Инновацион фаолият бугунги кунда ўзининг реал ҳаракат сифатидаги самарали натижасини қай даражада акс эттирмоқда?

Инновацион фаолиятнинг бугунги кундаги натижаси албатта кўплаб имкониятларни очиб бераётган бўлсада, аммо айрим инқирозли ҳолатларнинг мавжудлигини ҳам кўришимиз мумкин. Таълим соҳасида фаолиятни инновацион ташкил этишда, ушбу ташкилот билан мутаносиб равишда индивидуал инновацион ишланмаларни амалга оширишни таъминлайдиган мунтазам ривожланиш стратегияси мавжуд эмас.

Е.Пискареванинг фикрича, инновацион фаолиятнинг хусусиятларини чуқур психологик-педагогик жиҳатдан ўрганиш лозим. Педагогик муаммони ҳар томонлама танқидий таҳлил қилмасдан, муаммони ҳал қилиш йўлларини топиш ва инновациянинг гуманистик ва трансформацион аҳамиятини англаш учун чуқур ишлаш лозим. Акс ҳолда педагогик инновациялар ўқитувчининг фикрлаш ва амалий ҳаракатларининг стереотипига айланиб, янгиликка тақлид қилишни англатади. Умуман олаганда, педагогик инновацияларни: таълим мазмунида; мактабнинг ички ташкилотида; ўқитувчи-талаба муносабатларида; ўқитиш усулларида киритиш мумкин.

Инновацион фаолият - шахснинг мотивацион-семантик соҳасини ўзгаришга, янги қадриятларни, мотивларни, маъно ва мақсадларни келтириб чиқаришга қаратилган фаолиятдан иборатдир. Умуман олганда, инновацион фаолият феномени, ўқитувчининг шахсий, ижодий, индивидуал йўналиши асосларини ташкил этади. Ўқитувчи мавжуд стандартлардан четга чиқади, ўқувчиларини ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришдаги машҳур андозаларни, стереотипларни рад этиш билан фаолият сифатида ушбу фаолиятни амалга оширадиган янги педагогик технологияларни яратади.

Инновацияларнинг муваффақкияти ва самарадорлиги биринчи навбатда ўқитувчига, унинг инновацион ҳатти-ҳаракатларига боғлиқ. Инновацион ҳатти-ҳаракатлар ижтимоий тузилмага қарши бўлиб, оммавий мактаб ўқитувчиларининг кўпчилигида устунлик қилади. Улар таълимни ташкил этишнинг услубий жиҳатдан ишлаб чиқилган моделларни кутишади. Ижтимоий инфантализм бизда бефарқлик, пассивликни келтириб чиқаради.

Шунингдек, инсоннинг ички дунёсида қайд этилган, уни ташқи рағбатлантириш, тартибга солиш ва мажбурлашга йўналтирилган хусусиятларини бирлаштиради. Инновацион педагогик фаолиятнинг қуйидаги таркибий қисмлари мавжуд. Булар - мотивацион, креатив, жараёнли ва ижодий компонентлар бўлиб, ўқитувчи ва таълим тизими фаолиятининг мазмунини акс эттиради.

Мамлакатимизда инновацион ривожланиш шароитида таълим соҳасидаги инновацияларнинг асосий феномени - ўқитувчилар бўлиб, улар

олдидаги муаммолар бевосита ижтимоий тизим ва педагогик фаолият натижсида бартараф этилади. Бу жараёнда ўқитувчи ролини оширишга, унинг компетенция даражасининг етарли бўлиши, ижтимоий омиллардан унумли фойдаланиши, ички интиуцияси ва билим даражаси, ижодкорлик, ташаббускорлик, танқидий мулоҳазакорлик, энг асосийси, болаларни ва ўз касбини севиши, воқеликка нисбатан толерант муносабатда бўлиши талаб этилади.

Инновациялар ўқувчиларнинг келажак умидларини, билимга ва янгиликларга бўлган муҳаббатини оширишга хизмат қилади. XXI асрда айнан инновацион фаолият – хоҳ у якка тартибда, хоҳ жамоавий бўлсин – халқларнинг фаровон ҳаёти омилига айланди. Бунда инсон капиталини ривожлантириш, жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга ҳамда мамлакатимизнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Ўқитувчилардан ижодий кўтаринкилик ва инновацион фаолият йўлидаги жўшқинлик талаб этилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Гирева Л.Д. Отечественные инновации 60-80 годов XX века // Педагогика, 1995.- № 5.- С.83 - 86.
2. Писарева Е.И. Формирование готовности будущих учителей к инновационной деятельности [Электронный ресурс]: Дис. канд. пед. наук: 13.00.08 - М.: РГБ, 2002 . - С. 167
3. Профессионализм современного педагога: методика оценки уровня квалификации педагогических работников / под науч. ред. В.Д. Шадрикова. – М.: Логос, 2011. – 168 с.


# THE ROLE OF PSYCHOLOGICAL EDUCATION AT SCHOOL AND FAMILY ENVIRONMENT


***Kholmatov Azamat Ruzibyevich,***
***Teacher of Uzun district 62 secondary school***



**Annotation:** In this article it is examined about the significance of mental training for the kids by guardians and instructors. It gives a reasoning, sums up the writing on self-teach associations, and portrays a scope of potential freedoms for the school therapist to create and improve such organizations. The expected hindrances and advantages are completely considered relying upon kids' conduct and interest.

**Key words:** psychological education, partnership, emotional issue, self-confidence, mental-health, school-community collaboration, depression, stress management, critical information

In our advanced society it is included to build the association among guardians and families in schools. It necessitates that School analysts ought to be set up to react to this significant and creating pattern which will affect their work proficiently. To be sure, school clinicians are in an exceptional situation to advance and improve the expected organization among school and home. At the point when it is referenced about brain research the vast majority consider directing a treatment for intense subject matters, like tension or wretchedness.

And keeping in mind that all clinicians have preparing in these zones, our group has explicit postgraduate preparing in Instructive and Formative Brain research, which is a part of brain research zeroed in on learning and advancement. Instructive Brain research draws from different fields like neuroscience and frequently includes government sanctioned testing to get data about kids' acquiring abilities and capacities.

How the mental instruction association among home and school climate is significant for youngsters' childhood?

As per Jessica Levantan's clarification:

- "Instructive analysts plan to see how children learn and discover approaches to improve learning results. We work with youngsters and teens to recognize qualities and shortcomings, help them tap into their current assets, and expand on systems to conquer difficulties and improve execution. What's more, this frequently stretches out past the study hall to different parts of every day living, for example, stress the board and building flexibility and self-assurance."

Intense subject matters, mentalities, inspiration, self-guideline, conduct and confidence all add to learning.

These appraisals may likewise uncover certain pain points — like memory — or passionate elements that influence learning, like uneasiness.

Starting there, we make suggestions, for example,

- Early intercession programs
- Specific learning systems for home and school
- How to manage any enthusiastic or natural issues

However, it's not simply the test outcomes alone that have an effect to youngsters' learning results.

"We invest a ton of energy pondering and talking about learning profiles with one another and take extraordinary consideration recorded as a hard copy clear reports and accommodating proposals dependent on ebb and flow research proof", clarifies Deborah Jepsen.

This community interaction produces experiences which are noteworthy – by guardians, educators and youngsters

1. Offer a continuum of school and family psychological well-being underpins.

An expanding number of schools are giving emotional wellness administrations through a multi-layered arrangement of supports, or MTSS. Toward one side of this continuum is the all inclusive advancement of psychological well-being and wellbeing, (for example, programs that advance social-enthusiastic learning and general evaluating for emotional wellness issues). Giving widespread wellbeing advancement serves to relieve more serious issues while simultaneously improving generally accomplishment. At the opposite end is facilitated, individualized, and concentrated school-and local area based emotional well-being treatment intended for those understudies who create mental problems.

School-utilized psychological wellness experts have the aptitude to give a scope of emotional well-being administrations (appraisal, directing, and discussion, for instance) to address the issues of most understudies. Nonetheless, for understudies with serious psychological sickness, it is basic to have consistent admittance to local area based therapy assets.

2. Improvement of connection among school and home climate for expanding emotional wellness

Specialized curriculum administrations are fundamental for understudies who have learning and passionate incapacities that keep them from getting to the overall schooling educational program. Be that as it may, numerous understudies who need psychological wellness upholds don't meet the measures for having a "inability."

Depending exclusively on a specialized curriculum as a component to give emotional well-being administrations restricts our scope and adequacy. Also, it places guardians in the situation of accepting that the best way to get their youngster help is to contend for a specialized curriculum position, regardless of whether it isn't really suitable. This isn't useful for anybody.

Conversely, when schools give psychological wellness upholds inside a MTSS, all understudies approach administrations, while specialized curriculum is centered around those understudies with inabilities requiring escalated and uniquely planned guidance.

3. Further school-local area joint effort to give incorporated and facilitated psychological wellness.

Disengages among school-and local area based emotional wellness suppliers make probably the most serious issues in psychological well-being care. Absence of viable correspondence prompts disarray, dispute, broken dynamic and usage,

and, as the Connecticut report notes, botched freedoms. These detaches are caused in equivalent parts by primary contrasts (e.g., separate protection laws with respect to understudies and wellbeing), utilization of various wording (e.g., "passionate unsettling influence" has an altogether different significance in a specialized curriculum versus clinical settings), and obliviousness about (and maybe an excusal of) deferent's frameworks and cycles.

Actually, to improve our arrangement of emotional well-being administrations, neither one of the sectors can bear to go it single-handedly. Both are essential components of the continuum of psychological well-being care and should work in show.

Steps toward building compelling organizations incorporate setting up an authority group made out of school and local area emotional wellness experts, directing an appraisal of requirements and existing assets, explaining jobs and obligations, giving proficient turn of events, and setting aside a few minutes for normal critical thinking and assessment. Powerful organizations engage school and local area suppliers to make more educated, viable choices and best utilization of assets, and to make uphold after some time more reliable and firm.

4. Engage families to deal with the heap choices and assets they need to meet their kid's psychological well-being necessities.

Guardians ought to be a definitive referees of their kid's consideration and prosperity. Also, they are regularly the essential, if not by any means the only, connect among school and local area administrations.

In the midst of what can be an excruciating, astounding, or in any event, terrifying arising reality for their youngster, they additionally face the overwhelming errand of settling on troublesome and now and then confounding choices. In certain occasions, this outcomes in escalated support on their part. In different cases, it brings about inaction out of hesitation, absence of comprehension, or absence of assets. In then again different cases, guardians end up got between clashing proposals or viewpoints of various experts, leaving them feeling overpowered and separated.

Regarding the parent's job while additionally passing on basic data about required administrations is a sensitive however basic duty regarding school and local area experts. This obligation incorporates lessening disgrace and encouraging assistance chasing. It requires giving data in clear and socially proper terms. It likewise requires perseverance, empathy, and, maybe in particular, setting up a believing relationship moored by acknowledgment that all gatherings need to do what is best for the kid. In such manner, improved school-local area coordinated effort that perspectives guardians as accomplices encourages their capacity to use sound judgment and get the assistance their kids need.

Improving our emotional well-being framework requires a deliberate exertion among us all. Notwithstanding rethinking our methodology, expanding human and monetary assets is fundamental. Current degrees of both school-utilized and local area based emotional well-being suppliers are terribly deficient. A considerable lot of us are simply ready to serve youngsters with the most exceptional requirements, with brief period to participate in basic avoidance and early-intercession administrations.

With regards to guaranteeing understudy achievement, emotional wellness matters, and teachers ought to be pioneers, not observers, in this exertion. Schools have the gigantic benefit of being a significant center point in youngsters' lives. Schools are as of now networks with interdisciplinary shared frameworks and supports. We can start discussions with nearby local area suppliers and start to step toward improving our emotional well-being frameworks so all kids are managed the cost of the continuum of care they so frantically need.

**Bibliography**

1.Bennett, T., Deluca, D., & Bruns, D. (1997). Putting inclusion into practice: Perspectives of teachers and parents. Exceptional Children, 64(1), 115-131.

2.Cooper, P. (2011). Educational and psychological interventions for promoting social-emotional competence in school students. In R.H. Shute, P.T. Slee, R. Murray-Harvey & K.L. Dix (Eds.) Mental health and wellbeing: Educational perspectives (pp.29–40). Adelaide: Shannon Research Press.

3.Department for Children, Schools and Families [DCSF] and Department of Health. 2004. *The mental health and psychological well-being of children and young people*, London: HMSO.

## TA'LIM JARAYONIDA TILIDA NUQSONI MAVJUD BO`LGAN BOLALAR BILAN ISHLASH SAMARADORLIGI

***Xolmatov Komil Ro'ziboyevich Uzum tuman***

***62-umumta'lim maktabi o'qituvchisi***

**Annotatsiya :**

Nutqiy buzilishlari va kamchiliklarini bartaraf etish maqsadida maxsus uyushgan korreksion pedagogikaning amaliy va nazariy jihatdan bolalarga ko`mak berishi ham muhim omillardan biri hisoblanadi.

Nutq rivojlanishida bilish faoliyatining asosiy shakllaridan biri bo`lgan tafakkur shakllanadi. Nutqiy kamchiliklarni bartaraf etish bilan shug`ullanish

muhim pedagogik faoliyati bilan bog`liqdir . Nuqsonni bartaraf etish bilan bir qatorda bolalarning ta`lim, tarbiyaviy insoniy xususiyatlarini ham rivojlantirish muhim omil hisoblanadi.

**Kalit so`zlar:** Logoped, normal, muhit, ta`lim, somatic, duduqlanish.

**Nutq nuqsoni haqida tushuncha .**

Mujassam nuqsonli bolalar toifasiga kiruvchi tilida nuqsoni mavjud bo`lgan kishilar shular jumlasidandir. Tilida nuqsoni mavjud bo`lib, mutlaqo so`zlash olmaydigan bolalarning tevarak atrofdaan informatsiyasini muloqot qila olmaganligi tufayli u aqlan rivojlanishi sust bo`ladi. Bunday bolalar bilan ishlash albatta pedagoglar uchun juda katta mashaqqatni talab etadi. Bola nutqining rivojlanish jarayoni o`z vaqtida to`g`ri kechishi uchun maxsus sharoitlar yaratilishi lozim . O`zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining 2017-yil 8-sentabrdagi 703-sonli qarorida jismoniy va psixik rivojlanishida nuqsoni bo`lgan bolalar uchun ixtisoslashtirilgan davlat ta`lim muassasalari (maktablar, maktab-internatlar) va ularning faoliyati to`g`risida ta`lim, tarbiya berish jarayonlarini qamrab oladi.

**Talaffuzi og`ir bolalar bilan ishlash metodikasi.**

Maktabgacha yoshdagi bolalarning nutqiy rivojlanishi o`z fikrini mustaqil ravishda ravon, chiroyli bayon etishi shaxs sifatida shakllanishida muhim rol o`ynaydi. Shu bois ham bolaning maktabgacha davrida nutqni me`yorida shakllanishiga ahamiyat berish muhim o`rin tutadi. Bu kamchiliklarni bartaraf etish uchun o`z navbatida maktabgacha yosh davrdagi bolalarda kuzatiladigan tovushlar talaffuzidagi nuqsonlarni bartaraf etish, lug`atini boyitish, nutqiy faoliyatini oshirish usullarini o`zlashtiradilar. O`z navbatida maktabgacha yoshdagi bolalar nutqidagi kamchiliklarni bartaraf etish bo`yicha olib boriladigan ish mazmuni, bu albatta logopedik ishni tashkil etish va amalga oshirish masalalarini qamrab oladi. Bu fanning asosiy maqsadi maktabgacha yoshdagi bolalar talaffuzi o`g`ir, nutqida kamchiliklar va uning sabablarini ochib berishga imkon yaratadi. Bunday yoshdagi bolalarda uchraydigan nutqiy kamchiliklar to`g`risida aniq tasavvur hosil qilish muhimdir. Albatta bu jarayonda logopedic ishlarni tashkil etish bo`yicha bilim, malaka va ko`nikmalarni shakllantirishdir. Bu tushunchalar o`z o`rnida fanning maqsadi desak adashmagan bo`lamiz.

Chunki nutq bu kishilararo aloqa quroli, barcha sohalarda qudratli muomala vositasi hisoblanadi. Bolada nutqiy rivojlanish jarayoni o`z vaqtida to`g`ri kechishi uchun albatta maxsus sharoitlar lozim bo`ladi.

Bularga:-

- ✓ Somatic va psixik jihatdan sog` bo`lishi ;

- ✓ Normal aqliy qobiliyatga ega bo`lishi;
- ✓ Normal eshirtish va ko`rish;
- ✓ Yetarli darajada psixik faollikka ega bo`lishi;
- ✓ So`zlashishga ehtiyoj sezishi;
- ✓ To`g`ri nutq muhiti yaratilishi.

Yuqoridagi tushunchalar bola nutqiy faoliyatining shakllanishida muhim vositalardan biri bo`lib xizmat qiladi.

Shu o`rinda ta`kidlash joizki nutqning to`g`ri tarkib topishi atrofdagilar nutqiga, nutqiy mahoratga, to`g`ri nutq muhitini yaratish ham asosiy ta`lim va tarbiyaga bog`liqdir. Turli sabablar tufayli bola nutqi rivojlanmasdan orqada qolishi mumkin.

**Logopediya** fani **grekcha "logos"- so`z** , **"peydeo"** – **tarbiyalash** degan ma`noni anglatadi. Bir oz bo`lsada buzilishidir. Nutq kamchiliklari ham o`z navbatida fiziologik va patologik guruhlarga bo`linadi. Shu o`rinda aytishimiz kerakki, bunday nutqdagi nuqsonlar o`z-o`zidan yo`qolib ketmaydi. Maktabgacha ta`lim yoshidagi bolalrning nutqiy nuqsonlaridagi kamchiliklarni bartaraf etish uchun maxsus logoped ishtirok etadi.

Nutqiy kamchiligi mavjud bo`lgan boalalr uchun bog`cha, uy maktablari mavjuddir. Nutqiy nuqsonga ega tilida kamchiliklari mavjud bo`lgan bolalarni , boshqa turli nuqsonli bo`lgan bolalardan ajratib olib alohida shug`ullanish lozimdir.

Chunki ularda eshirtish, k`orish, tasavvur hosil qilish kabi tushunchalari shakllangan bo`ladi. Duduqlanish va nutqning to`liq rivojlanmaganligi birgalikda murakkab nuqson bo`lib hisoblanadi.

**R.E.Levina** ishlab chiqqan nutq nuqsonlarining psixologik -pedagogik tasnifi logopediya faniga yangi bir sahifa bo`lib qo`shildi va bolalar bilan frontal logopedic ish olib borishga asos soldi. Jamiyatimizdagi nutqida nuqsoni bo`lgan bolalar muassasalarida quyidagi guruhlar mavjud:

**O`rta guruh -4-5 yosh.**

**Katta guruh – 5-6 yosh**

**Tayyorlav guruhi – 6-7-yosh** gacha bo`lgan davrlarni o`z ichiga oladi.

**Farobiyning** fikricha, insonning ruhiy va aqliy imkoniyatlarining tasnifini beradi. Uning aytishicha , insonda avvalo **"oziqlantiruvchi quvvat"** paydo bo`ladi, so`ng tashqi predmetlarning hissiy organlari *(eshitish, ta`m bilish, ko`rish, hid bilish, sezish)* ga ta`sir natijasida vujudga keladi.

Buyuk mutafakkir **Abu Rayhon Beruniy** o`zining **"Minerologiya"** asarida quyidagi fikrlarni keltirib o`tgan: sezgilar beshta bo`lib, ular quloq bilan eshitish, ko`z bilan ko`rish, burun bilan hidlash, til bilan tatib ko`rish va teri bilan tegib bilishdan iboratdir.

Ilm va ma`rifat faqatgina o`shalar orqali hosil bo`ladi. Sezgilar o`z qo`zg`atuvchilari orqali qo`zg`atadi. Agar ular me`yorida bo`lsa, yoqimli va zararsiz bo`ladi. Ortiq bo`lsa dardli va halokatli bo`ladi.

Bu tushunchaning vujudga kelishi orqali boalalr hayotida yuzaga keladigan o`zgarishlarning guvohi bo`lamiz. Nutq buzilishlarini oldini olish maqsadida bolalar guruhlari uchun odatdagidan farq qiladigan maxsus kun tartibi ishlab chiqilgan . Nutqni tuzatish individual darslarni ta`minlaydi . Shu bilan birga mashg`ulotlar jadvali maktabgacha yoshdagi bolalar uchun odatiy kompleks dastur: **rivojlanish, kamalak, bolalik** va boshqalar bo`yicha mashg`ulotlar uchun vaqtni o`z ichiga oladi .

Bular jumlasiga matematika, nutqni rivojlantirish va atrof-muhit, ekologiya, rasm chizish, jismoniy madaniyat, modellashtirish va musiqa darslari , shular qatorida logoped o`qituvchisi o`z vazifasiga muvofiq nutqni tuzatish , ya`ni rivojlantirish uchun kechqurun kichik guruhlar yoki alohida bolalar bilan ishlashi uchun soat ajratiladi.

Ta`kidlash joizki, logoped faoliyati bilan shug`ullanuvchi pedagog ta`limning doimiy va uzluksizligini ta`minlash zarur bo`ladi. Pedagog tuzatish jarayonida maktabgacha yoshdagi bolalar nutqini shakllantirishning yosh va individual xususiyatlarini bilishi , shu bilan bir qatorda talaffuzining o`ziga xos xususyatlarini aniqlay olishi muhim vositalardan biridir.

Bundan tashaqri bilaning nutq imkoniyatlarini hisobga olish ham o`rinlidir. Talaffuzida kamchiligi mavjud boalalr bilan ishlashda nutqni terapevt bilan birgalikda o`qituvchi nutqini rivojlantirish , tashqi dunyo bilan tanishish, savodxonlikka tayyorlash va yozishni o`rgatish uchun darslarni rejalashtiradi.

Jaryonning borishi : Pedagog va terapevt boladagi nutqiy nuqsonlarni kamayishi haqida yangiliklarni maxsus daftarga yozib boradi va bolalarga yanada yaxshilanishi uchun natijalari e`lon qilinadi.

Pedagog bolalar bilan ishlash jarayonida belgilangan ta`limdan tashqari bir qator tuzatish vazifalarini bajaradi. Shu bilan birga tarbiyachi o`z e`tiborini nafaqat bola rivojlanishidagi mavjud kamchiliklarni to`grilash, atrof-muhit haqidagi g`oyalarni boyitishga, balki buzilmagan analizatorlar faoliyatini yanada rivojlantirish va takommilashtirishga qaratadi.

Bolaning nutqi rivojlanmahganligi uchun kompensatsiya , uning ijtimoiy moslashuvi va maktabda qoshimcha ma`lumot olish uchun pedagog rahbarligida umumiy rivojlanish tipidagi ommaviy bolalar bog`chasi dasturlarida ko`zda tutilgan faoliyat turlarini o`zlashtirish zarurligini belgilaydi. Nuqsoni mavjud boalalr bilan ishlashning muhim jihati , u bolalarda kognetiv faollik va qiziqishlarni rivojlantirishdan iboratdir . Shu bilan birga umuman olganda bolalrda nutqning kam rivojlanganligi kishilar bilan aloqalarning torayishi, oilaviy tarbiyaning noto`g`ri usullari va boshqa sabablarga k`ora rivojlanib boradigan bilim jarayonlarini shakllantirishda sustkashlikni hisobga olish kerak.

Bolalardagi nutqni tuzatish manfaatlari uchun ularning harakatlarini birlashtirib , nutq terapeyasi guruhida xayrixox hissiy jihatdan ijobiy muhitni yaratishga asoslangan . Bunday psixologik muhit bolalar jamoasidagi bolalrning o`z imkoniyatlariga bo`lgan ishonchini kuchaytiradi, nutqning pastligi bilan bo`gliq salbiy tajribalarni yumshatish , darslarga qiziqishini shakllantirishga imkon beradi. Logoped o`qituvchilar bolalar xulq-atvorining turli xil salbiy k`orinishlarini tushuna olishlari, vaqtida charchoq, passivlik va sustlik kuchaganini sezishlari kerak . Nutq terapeyasi guruhu o`qituvchisining vazifasi, shuningdek kunlik holatni nazorat qilishni o`z ichiga oladi. Nutq faoliyati tuzatish jarayonining har bir davrida bolalar tuzatilgan tovushlarning to`g`ri ishlatilishini nazorat qilishdan iborat . So`zlashish faoliyati kech boshlangan og`ir tarixga ega psixofiziologik yetilmaganligi bilan ajralib turadigan bolalarga alohida e`tiborni qaratish lozim . Maktabgacha yoshdagi bolalarda nutqni rivojlantirishning taniqli o`qituvchi metodistlari E.I Tixeeva va E.A.Flerina hisoblanadi . O`qituvchi bunday boalalr bilan shug`ullanish uchun tushdan keyin boalalr bilan individual shug`ullanadi.

Kechki nutq mashg`ulotiga 5-7 nafar bola taklif etiladi . Quyidagi mashqlar bajariladi:

- ✓ Yaxshi o`rnatilgan tovushlarni birlashtirish, so`zlar va jumlalar ;
- ✓ She`rlar hikoyalarni takrorlash;
- ✓ Diqqat, xotira, mantiqiqy fikrlash , fonemik eshitish qobiliyatini, tovushni tahlil qilish va sintez qilish ko`nikmalarini rivojlantirish mashqlari;
- ✓ Tanish va kundalik mavzulardagi suhbatlarni ayttirish ;
- ✓ Takror qaytarish orqali mustahkamlash va boshqalarni amalga oshirish orqali bajariladi.

Xulosa o`rnida shuni aytish joizki, bolaning nutq darajasini bilim va individual shaxsiy xusuiyatlarini o`rganish, har bir bola bilan ishlashning asosiy yo`nalishlari va mazmunini aniqlash muhimdir.

Maktabgacha yosh bolalarni so`z boyligini to`ldirish , aniqlashtirish va faollashtirishdan iboratdir. O`qituvchi har kuni ertalab va kechqurun barcha boalalr bilan mashg`ulotlar olib boradi. Mashg`ulotlar paytida bolalarning har biriga e`tiborini qaratishi lozimdir. Har bir leksik va grammatik mavzu uchun logoped nutq materialini tanlashi va tuzatish maqsadlarini va ularni amalga oshirish usullarini belgilab beradi

**Foydalanilgan adabiyotlar :**


1. 2021 yil 12 oktyabr "Alohida ta'lim ehtiyojlari bo'lgan bolalarga ta'lim berishga oid normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 638-sonli qarori
2. Rahmonova V.S. Maxsus pedagogika. G`ulom nashriyoti Toshkent 2006-yil 29-31-bet
3. Rahmonova V.S. Defektologiya asoslari va logopediya . o`qituvchi nashriyoti 29-34-bet
4. Filecheva T.B Chirkina T.V. Osnovi logopedic. Moskva Prosveheniye 1999y 29-35bet
5. WWW.ziyonet.uz
6. WWW.lex.uz
7. WWW.gazeta.uz


## IKKI MILLAT –YAGONA TARIX


**Bebitov Maqsud Abdirasulovich**

**Tel:998977863300**

***e-mail:bebitovmaqsud@gmail.com***

***Denov Tadbirkorlik va pedagogika instituti o'qituvchi(Denov O'zbekiston)***



**Annotatsiya:** Ushbu maqolada bugungi kunda Turkiyada yashayotgan o'zbeklar haqida bo'lib, bu yerga o'zbeklarning kelib joylashish tarixi, shuningdek o'zbeklarning Turkiya jamiyati hayotida tutga o'rniga to'xtalib o'tiladi, hamda Turkiyadagi o'zbek takkalarning ahamiyati ham ochib bergan. Shu bilan birga,

maqolada Turkiyadagi o’zbeklarnig bugungi kundagi hayotlari, asosan qaysi shaharlarida yashashlari haqida juda qimmatli ma’lumotlari berilgan.

**Kalit so’zlar:** Turkiya, O’zbekiston, turk, o’zbek, takka, ebru, viza, tasavvuf, kasb, ta’lim, migratsiya

Dunyoning eng qadimiy shaharlari – Buxoro, Samarqand, Toshkent, dunyoga Abu Ali ibn Sino, Beruniy, Ulug‘beklar baxsh etgan O‘zbekistonni minglab o‘zbeklar tark etishga majbur bo‘ldi. Urushlar va chidab bo'lmas atmosfera tufayli o'z uylarini istamay haydagan qochqinlar Turkiyada boshpana topdilar. Turkiyaga turli davrlarda kelgan o‘zbekistonliklar soni bugungi kunda qariyb 50 ming nafarga yetgan. Turkiyada ish va uy-joy topgan o‘zbekistonliklar ularga boshpana bergan yurt uchun qo‘llaridan kelganini qilishga harakat qilmoqda. Turli tarixiy davrlarda turk zaminiga yetib kelgan o‘zbeklar ikkinchi vatanlarining iqtisod, san’at, siyosat va boshqa sohalarda rivojlanishiga hissa qo‘shmoqda. O‘tgan asrning 50-yillaridagi ko‘chmanchi o‘zbeklarning farzandlari bugungi kunda yuqori lavozimlarda xizmat qilib, shifokor, muhandis, akademik, tadbirkor, siyosatchi bo‘lib yetishmoqda. O‘zbeklarning Turkiyada 1700-yillardayoq qo‘nim topgani haqida dalillar mavjud. Ammo asosiy migratsiya 1900-yillarda sodir bo'lgan. O‘zbeklarning ko‘chirilishiga asosiy sabab 1 va 2-jahon urushlari; o'zbeklarning o'z vatanini tark etish qaroriga sobiq Sovet Ittifoqi ham ta'sir ko'rsatdi. 1922-yildan keyin O‘zbekistonda yashagan o‘zbek turklari bolsheviklar tuzumi zulmini boshidan kechirdi. Vatanini tark etgan o‘zbeklarning asosiy qismi ko‘p qiyinchiliklarga qaramay, dastlab qo‘shni Afg‘onistondan boshpana topdi. Ularning bir qismi Sharqiy Turkistonga, bir qismi Ozarbayjon va Eronga ko‘chib o‘tgan. Turli tarixiy davrlarda Afg‘onistonda qolgan o‘zbeklar aql bovar qilmaydigan qiyinchiliklarni yengib, Turkiyaga ko‘chib o‘tgan. Shunday qilib, 1952 yilda o‘zbeklarning bir qismi Afg‘onistondan Turkiyaga ko‘chib o‘tishga muvaffaq bo‘ldi. Ulardan ba'zilari faqat 1982 yilda Turkiyaga borishga muvaffaq bo'ldi. Bu Sovet qo'shinlarining Afg'onistonga kirishi bilan bog'liq edi. Turkiyaning Istanbul, Adana, Izmir, Manisa, Akshehir kabi shaharlarida o‘zbeklar jamoa bo‘lib yashaydi. Hatay shahri Ovakent chekkasida 5000 nafar o‘zbek istiqomat qiladi, Turkiyada esa o‘zbek nomi bilan atalgan jami 9 ta qishloq bor.

Shunday vatan fuqarosi bo‘lish sharafi 4 yoshida o‘z ona yurtlarini tashlab, qaytib kela olmagan o‘zbek adibi Ismetulloh Yesevi Turkiyaga bo‘lgan muhabbatini shunday ifodalaydi: “Turkiya – vatan, O‘zbekiston – vatandir. " Yozuvchining aytishicha, Turkiyadagi barcha o‘zbeklar Turkiya fuqaroligini qabul qilgan va bundan faxrlanadi. O‘zbeklarning Turkiyaga ko‘chirilishi va ularning bugungi ahvoliga baho berar ekan, yozuvchi Turkiyaga ko‘chib kelgan o‘zbeklar xursand ekanini aytadi. “Biz baxtlimiz, chunki shunday vatan fuqarosi bo'lish sharafdir”, - deydi Ismetulloh Yesevi. 1949-yilda oilasi bilan Turkiyaga kelgan va

bugungi kunda Istanbulda yashashni davom ettirayotgan yozuvchi buyuk islom mutafakkiri va shoiri Ahmet Yesevining 23-avlodi vakilidir. Oʻzbeklar oʻz vatanlarini Turkiyada koʻrishadi, bu yerda oʻzbeklar hayotidan haqiqiy hikoyalar toʻplanadi, yozuvchi Turkiyaning turli burchaklarida uchrashgan. Yozuvchiga koʻra, oʻzbeklar Turkiyani oʻz vatani deb biladi. Baxtiyar Shaxnazarov Oʻzbekistonda tugʻilgan. Yozuvchi oliy ma’lumotni Turkiyada olgan, u yerga turli vaqtlarda kelgan. Bir muncha vaqt oldin yozuvchi Kanadaga ko'chib o'tdi. Shaxnazarov 2008-yilda chop etilgan Turkiyadagi oʻzbeklar hayoti haqidagi kitobida turli real faktlarni keltiradi. “Oʻzbekistonliklar ogʻir damlarda ularga quchogʻini ochgan Turkiyadan minnatdor. Ular Anadoʻlini oʻz vatanlari deb tan oladilar. Oʻzbeklar Turkiyada ma’lum choʻqqilarni zabt etishdi. Masalan, professor, davlat vaziri Axat Andijon darajasiga yetgan jarroh, sobiq deputat Oʻrxon Kavunju, qoʻshiqchi Shahsenem”[135], deb yozadi

Koʻchib ketish yoʻlida tashkil topgan oilaning 9 nafar farzandi ham oliy oʻquv yurtlarini tamomlagan. Oʻzbekistonning Margʻilon tumani. Biroq, ular hali yoshligida Rossiya kommunistik anneksiyasi tufayli uylarini tark etishga majbur bo'lishdi. Xullas, 1950-yillardagi koʻchirish bilan Choʻkay Koʻcharning hayot hikoyasi boshlandi. Oʻzbekistondan Afgʻoniston, Pokiston va Saudiya Arabistoni orqali koʻchib oʻtish chogʻida Koʻcharning ota-onasi bir-birlari bilan tanishib, hayotlarini birlashtirdilar. Turkiyada mahalliy iqlim oʻz vatani Margʻilon iqlimiga oʻxshash boʻlgani uchun ular boshqa shaharlardan Adana shahrini afzal koʻrar edilar. Chokay Koʻchar oiladagi 9 nafar farzandning biri. “Otam ta’lim olishimizni doimo ragʻbatlantirar, bizni har doim eng yaxshi tarzda tarbiyalashimizni, oʻsha paytda mustaqilligiga ishongan Turkiya va Turkistonga foydali boʻlishimizni istar edi. U barcha farzandlarining eng og'ir sharoitlarda oliy ma'lumot olishiga yordam berdi. Otamning umidlarini oqlashga, Turkiyaning ham, Turkistonning ham ravnaqiga hissa qoʻshishga bor kuchimiz bilan harakat qilamiz. Akam Chagʻatoy Koʻchar Myunxenda 20 yilga yaqin yozuvchi va Amerikada joylashgan “Ozodlik” radiosining Oʻzbek boʻlimida dastur rahbari boʻlib ishlagan. Qolaversa, u Turkiston haqida koʻplab asarlar, tarjimalar nashr ettirgan, koʻplab xalqaro konferensiyalar va qurultoylarda Turkiston boʻyicha ma’ruzalar bilan qatnashgan”, — deya Koʻchar asarlarning uzun roʻyxatini sanab oʻtadi va uni quyidagi soʻzlar bilan tugatadi: “Biz butun oilamiz boʻlajak oʻgʻil-qizlarga sa’y-harakat qilamiz. o'tgan yili 103 yoshida olamdan o'tgan otamizning orzusini amalga oshiring. Turkiya va Turkistonga eng yaxshi tarzda xizmat qilishga harakat qilmoqdamiz.” An’analar davom etmoqda, qozonda palov pishiriladi Choʻkay Koʻcharning aytishicha, oʻzbeklarga Turkiyada oʻz madaniyatini yashash qiyin emas. – Ikki xalqning madaniyati shu qadar oʻxshashki, urf-odatlarga koʻnikish va ularga amal

[135] Baxtiyar Shaxnazarov Turkiyadagi oʻzbeklar haqida. 2008

qilishda hech qanday qiyinchilik bo‘lmagan. Masalan, Konyada O‘zbekistondagidek uylarning hovlisi bor. Konyada to‘ylarda ertalab azon aytiladi, palov, go‘sht tayyorlanadi. Hamma bomdod namozidan keyin dam olish uchun o'tiradi. O'zbekistonda-chi? Farqi yo‘q, o‘zbek palovi ertalabki azon bilan tayyorlanadi. Yana bitta kichik farq bor: Qo‘nyada go‘sht palovdan alohida pishiriladi, O‘zbekistonda esa birga pishiriladi”, deydi Kochar. Ismetulloh Yesevi ikki madaniyatning o‘xshashligiga qo‘shiladi: “O‘zbeklar Turkistonda bo‘lgani kabi Turkiyada ham urf-odat va urf-odatlarni saqlaydi. Bunga ko‘plab misollar keltirish mumkin – to‘ylar, sovchilar, yaqinlar va bemorlarni ziyorat qilish, Navro‘z, janozadan keyingi duolar, milliy liboslar, eng muhimi, ota-onaga hurmat va mehr. Baxtiyor Shaxnazarovning aytishicha, 1952 yildan keyin Turkiyaga ko‘chib kelgan o‘zbeklarning bir avlodi o‘z odatlariga ko‘ra to‘y va ma’rakalarni nishonlagan. Keyingi yillarda Adana va Istanbuldagi Turkistonliklar ittifoqi urf-odatlar ta’sirining pasayishi bilan birga o‘zbek urf-odatlari va ona tilini asrab-avaylash yo‘lida katta ishlarni amalga oshirdi, deydi yozuvchi.Turkiyadagi o‘zbek takkasi (darveshlar maskani) tasavvufiy fikr, tushuncha va ta'lim odamlari. O‘rta Osiyolik ziyoratchilar Istanbul orqali haj ziyoratiga keta boshlaganlaridan so‘ng, 1752-53 yillarda Uskudarda o‘zbek ziyoratchilari to‘xtash joyi bo‘lgan birinchi o‘zbek takkasi qurila boshlandi. Ismetulloh Yesevi takkalarning ko‘p vazifalari bo‘lganligini aytib, quyidagilarni ma’lum qiladi: “O‘zbek takkasi san’atimiz va sanoatimiz tarixida katta o‘rin tutgan. Shayx Mehmet Sodiq afandi katta mahorat bilan ebru (marmar rasmi) yasagan, uning o‘g‘li Ibrohim Edhem afandi xattotlik, ebru, duradgorlik, o‘ymakorlik, bosmachilik bilan shug‘ullangan. O'sha davrning ebru ustasi Edhem afandi ko'plab ebru ustalarini tayyorlagan. Mithat posho 1869 yili Edhem afandini san’at maktabiga direktor etib tayinlaydi. Bu maktabda tokar va chilangarlarni tayyorlagan Shayx Edhem afandi Turkiyada birinchi qo‘rg‘oshin quvurini quygan. 1867 yilda Xalqaro Parij ko'rgazmasida medal bilan taqdirlangan. Uning ixtirosi, bug‘ mashinasining raqami hozirgacha takkada saqlanadi”. Yeseviyning fikricha, o‘zbek takkalari Usmonlilar davlatidagi Turkiston madaniyatining o‘ziga xos vakili bo‘lgan. Istanbulning Uskudar, Sultonahmet va Eyup tumanlarida o‘zbek takkalarining ahamiyati haqida gapirar ekan, Baxtiyor Shaxnazarov Istanbuldan tashqari Urladan Izmir yaqinidagi Cheshmaga ketayotgan yo‘lda eskiroq Samud bobo takkasi borligini ma’lum qildi. Tafsilotlar: Turkiya o‘zbeklarning ikkinchi vatani.

Asosiy muammo O‘zbekistonning viza talab qilishi Turkiyadagi o‘zbeklarning muammolari haqidagi savolimizga Cho‘kay Ko‘char shunday javob beradi: “Xudoga shukur, hech qanday muammomiz yo‘q. Vatanimizdan uzoqda ekanimizdan afsusdamiz, lekin ona yurtimizdagi hayotdan mamnunmiz”. Turkiyada o‘zbeklar nimani ko‘proq sog‘inadi, degan savolga, biz shunday javob

oldik: “Havo, suv, odamlar, yer... Bir so‘z bilan aytganda, biz hamma narsani sog‘inamiz. Agar O‘zbekistonning bir tomonlama viza talabi hali bu iztirobga qo‘shilmaganida edi, ba’zan ona yurtlarimizni ziyorat qilishimiz ham mumkin edi... Shu o‘rinda o‘zbek vakillariga ilgari bildirgan tilagimizni yana bir bor takrorlash maqsadga muvofiq bo‘ladi. Istanbul Turkistonliklarning Madaniy-ijtimoiy o‘zaro yordam ko‘rsatish uyushmasiga Turkiya Respublikasi tomonidan xalq manfaati uchun faoliyat yurituvchi uyushma maqomi berildi. Ushbu maqomga muvofiq, uyushma ayrim rasmiy masalalarda davlat bilan hamkorlik qiladi. Ya’ni biz tomonidan tasdiqlangan hujjat Turkiya Respublikasi tomonidan qabul qilingan. Xuddi shunday O‘zbekiston Respublikasi ham bizning uyushmaga faqat o‘zbekistonliklarga viza berishda vakolatlar berish huquqini berishi kerak. Shunday qilib, O‘zbekistonning tub aholisi osonlik bilan viza olish va o‘z ona yurtlariga borish imkoniyatiga ega bo‘ladi. O‘ylab ko‘ring, men otam va onam tug‘ilgan, tilida so‘zlashadigan, bayrog‘ini g‘urur bilan taqib yurgan, mustaqilligi uchun yillar davomida xorijda sa’y-harakatlar qilib kelayotgan Vatanimga viza bilan ketyapman. Turkiyadagi o‘zbeklarning asosiy muammosi va qayg‘usi ham shu yerda”. Baxtiyor Shaxnazarov viza muammosiga ham e’tibor qaratadi: “Yiliga olti oyni O‘zbekistonda o‘tkazmoqchi bo‘lganlar ko‘p. Biroq O‘zbekistonning Turkiya fuqarolari uchun viza talab qilishi ko‘plab o‘zbekistonliklarning orzu-umidlarini to‘sib qo‘yadi”. Biz Turkiyada yashayotganimizdan faxr va baxtiyormiz. “Biz ham xursandmiz, ham faxrlanamiz. Biz, o‘zbek millatiga mansub turk fuqarolarining ikkinchi avlodi shoirning so‘zlariga chin dildan qo‘shilamiz.

## SOMONIYLAR SULOLASINING KELIB CHIQISHI

**Abdulxayirov Davronbek**
**Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti**
*abdulxayirovd2002@gmail.com*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada O’rta Osiyoda IX - X asrlarda hukm surgan Somoniylar sulolasining kelib chiqishi va ularning huquqiy maqomi haqida olib borilgan yangi ilmiy tadqiqotlar natijalari haqida ma’lumotlar berildi.

**Kalit so‘zlar:** Somonxudot, Arab xalifaligi, Balx, Toxariston, Yabg‘ular sulolasi, Ismoil Somoniy, Xuroson va Movarounnahr, “Tarixiy Tojikiston”, “Somoniylar davlati”, Buxoro.

Har bir tarixchi va sharqshunosga ma’lumki, Markaziy Osiyoda arablar bosqiniga qadar sug‘d, boxtar, xorazm va turk tillari ishlatilgan. Yangi fors tili arablar bosqinidan keyin IX - X asrlarda shakllana boshlagan. Yangi fors tilidagi she’riyat dastlab Safforiylar saroyida qo‘llab-quvvatlandi, ulardan keyin esa fors tilida ijod qiluvchi shoirlar Somoniylar saroyida boshpana topdilar.

Somoniylarning kelib chiqishi turk boʻlsa ham ular yangi fors tiliga homiylik qildilar. Ammo Somoniylar davrida ham yangi fors tili faqat saroy ichida tor doirada ishlatilgan. Davlat tili sifatida arab tili ishlatishda davom etgan. Somoniylar saroyida shoirlarning koʻpchiligi arab tilida ijod qilganlar, faqat bir nechta shoir ikki tilda - arab va yangi fors tillarida she'r yozganlar [Kamoliddin 2011: 545-551; Kamoliddin 2018: 9-20]. Somoniylarga tobe boʻlgan aholining aksariyatini turklar va ular bilan qoʻshilib ketgan sugʻdlar tashkil etgan, ular esa turk va sugʻd tillarida soʻzlashishda davom etganlar [Kamoliddin 2005: 231-241]. Yangi fors tili Buxoro va Samarqand aholisi orasida ham ishlatilgan, chunki arab va fors bosqinchilari mahalli aholi, ya'ni sugʻdlar va turklarni shahardan haydab chuqarib, ularning uylarini egallagan edilar.

Somoniylarning qilgan yana bir xizmati, E.Rahmon fikriga koʻra, shundan iboratki, "ular oriylar yashagan keng hududlarni, ya'ni Movarounnahr va Xuroson oʻz hukmronligi ostida birlashtirishga muvaffaq boʻldilar va u yerlarda markazlashgan hokimiyat oʻrnatdilar Birinchidan, oʻsha davrda Movarounnahr va Xuroson aholisi juda turli xil edi va uning katta qismini turklar tashkil etgan edi, chunki arablar va forslar bosqiniga qadar Movarounnahr va Toxoriston Turk xonligining tarkibiga kirgan. Xurosonga ham turklar xiyoniylar va eftaliylar davri (IV-V asrlarda) dan boshlab koʻplab kirib borganlar Ikkinchidan, hech qanday "Somoniylar davlati" yoʻq edi. Rasman ular Abbosiylar xalifalarining voliylari boʻlib, ularga itoat qilganlar va ularning barcha buyruqlarini soʻzsiz bajarganlar. Somoniylarning mahalliy ma'muriyati Abbosiylarning boshqaruv tizimi bilan bir xil edi. Ismoil Somoniy hech qachon mustaqillikka intilmagan, aksincha, u bir necha marta Bagʻdoddagi boshliqlaridan xalifaning shaxsiy soqchilari qatorida xizmat qilishni soʻragan. Ammo har safar uning iltimosi rad etilib, u amir unvonli oddiy voliy lavozimi bilan qanoatlanishga majbur boʻlgan.

Albatta, E.Rahmon, bu davr boʻyicha mutaxassis emas, hatto tarixchi ham emas, Somoniylar tarixi boʻyicha chet ellik olimlarining yangi tadqiqotlarni bilmaydi. Lekin Tojikistonlik olimlar biladilar, ammo oʻzlarini bilmaslikka olib, oʻz xalqini va prezidentini aldashda davom etmoqdalar. Chunki ularda bu yangi tadqiqotlarga javob berishga yaraydigan hech narsa yoʻq, bu yangi tadqiqotlar esa Tojikistonning yolgʻonga asoslangan milliy davlatchilik konsepsiyasini butunlay bekor qiladi. Ammo haqiqatni faqat ma'lum vaqtgacha yashirish mumkin, shunday vaqt keladiki, haqiqat baribir yuzaga chiqadi va gʻalaba qozonadi. E.Rahmon Somoniy davlatini "tojiklarning birinchi milliy davlati" deb ataydi, ammo tojiklar davlatchiligining boshlanishi afsonaviy Kayoniylar va Peshdodiydlar davriga toʻgʻri kelishiga ishora qiladi. Shu bilan birga u Tojikiston davlatchiligining tarixiga nafaqat Ahamoniylar, Arshakiylar va Sosoniylar sulolalarining hukmronligi davrini, balki Kushonlar va Eftaliylarni ham. Demak, Yaqin Sharq va

Markaziy Osiyo tarixida “tojiklar” bo‘lgan, ularning tarkibiga esa barcha eroniy tillarda so‘zlashuvchi xalqlar kirgan. Bu haqiqiy paneroniy milliy shovinizmdan boshqa narsa emas, shunga o‘xshash qarashlarni qirg‘izlarning “milliy mafkurasi” kuzatish mumkin, faqat ularda panturkchilikka asoslangan millatchilik da’volari ilgari surilgan. Balki bu sun’iy ravishda tuzilgan mayda “millat” larga xos jihat bo‘lsa kerak. Ular orasidagi farq shundan iboratki, qirg‘izlar yaqin o‘tmishda ham ko’chmanchi qabila hisoblangan, “tojiklar” esa - bu Markaziy Osiyoda turkiy tilli aholi orasida yashovchi turli eroniy tillarda so‘zlashuvchi va kelib chiqishi har xil bo‘lgan guruhlardan “qizil ruslar” tomonidan sun’iy ravishda tuzilgan odamlar to‘plamidir. Bundan keyin E.Rahmon “Somoniylarning xalqaro aloqalari va tashqi siyosati” haqida so‘z yuritadi, lekin faqat savdo aloqalari haqida misol keltiradi

**MUHOKAMA**

Yuqorida keltirilgan barcha ma’lumotlar shuni ko‘rsatadiki, Tojikistonda hukumat darajasida tarixni soxtalashitirish olib borilmoqda. Shuning uchun Somoniylar sulolasining asl kelib chiqishini aniqlash hozirgi kunda tarix fani oldida turgan eng dolzarb masalalardan biridir. Somoniylarning kelib chiqishi haqida ma’lumot beruvchi manbalar ko‘p emas. Ularning ko‘pchiligi so‘nggi asrlarga mansub. Bu manbalarda Somoniylarning ajdodlari turk bo‘lganligi qayd etilgan. Somoniylarning bobokaloni Somon-xudotning shajarasida turkcha ismlar borligi aniqlangan. Lekin shu vaqtgacha bu ma’lumotlar ilmiy jihatdan ishonchli hisoblanmas edi. Chunki bu “tojik xalqi va uning davlatchiligi” konsepsiyasiga zid edi. Oxirgi yillarda olib borilgan ilmiy tadqiqotlar natijasida Somoniylarning kelib chiqishi qadimgi turklar bilan bog‘liq bo‘lganligiga ishora qiluvchi asl manbalar topildi. Xususan, tadqiqotlar shuni ko‘rsatdiki, Somonxudotning bobokaloni Bahrom Chubin Sosoniylarning harbiy xizmatida bo‘lgan o‘g‘uz qavmiga mansub sarkarda bo‘lgan. U Xuroson voliysi etib tayinlangan va Balx shahrida yashagan. Bu yerda unga qarashli yerlar va mulklar bo‘lgan. 590-yilda u Sosoniylarga qarshi qo‘zg‘olon ko‘tarib, mag‘lubiyatga uchragandan so‘ng turklar tomonga qochib o‘tgan va Buxoroda turk xoqonining qiziga uylangan. Ana shu oilaning avlodlari Somonxudotning ajdodlari bo‘lgan. Taxmin qilinishicha, ular Farg‘ona vodiysidagi Qubo shahrida yashaganlar.

Ayrim manbalarda yozilishicha, Somoniylarning ajdodlari islomdan oldin butun Movarounnahr hukmdorlari bo‘lganlar. Bu ma’lumot shunga ishora qiladiki, Somoniylar o‘zlarini turk xoqonlarining avlodlari deb hisoblaganlar. Chunki islomga qadar butun Movarounnahr hukmdorlari faqat turk xoqonlari bo‘lishi mumkin edi. Bu ma’lumotni aniq tasdiqlovchi dalil ham topildi. Buyuk Britaniyadagi Oksford universitetining numizmatik fondida amir Mansur ibn Nuh tomonidan 358/968-69 yilda Buxoroda zarb etilgan kumush dirham saqlanadi. Uning old tarafida arabcha yozuvlar, orqa tarafida esa o‘ng tomonga qarab turgan

hukmdor surati tasvirlangan. Uning yuz tuzilishi, qulog‘idagi ziragi va boshidan orqasiga osilib turgan kokili uning qadimgi turk hukmdori ekanligidan dalolat berib turibdi. Taxmin qilinishicha, bu suratda Somoniylarning islomdan oldingi ajdodlaridan biri, ehtimol, Somonxudot yoki turk xoqoni El-tegin tasvirlangan. Turk xoqonligi Toxaristonni ishg‘ol qilgandan keyin (618-yil) Farg‘onadagi Bahrom Chubin avlodlarining ba’zilari Balx shahriga kelib, ilgari bobolariga tegishli bo‘lgan mulk yerlarini o‘zlariga qaytarib olganlar. Ulardan biri Barmak ismli kohin bo‘lib, Balxda Navbahor ibodatxonasiga asos solgan. Uning avlodlari Navbahor ibodatxonasida kohinlik ishini davom etdirib, ular ham Barmak deb atalganlar.

Arablar Navbahor ibodatxonasini xarobaga aylantirgandan keyin Barmak islom dinini qabul qildi va uning avlodlari Barmakiylar arablarning ma’muriyatida xizmat qildilar. Shunday qilib, Barmakiylar va Somoniylar oilalari o‘zaro qarindosh bo‘lganlar va Bahrom Chubinning avlodlari hisoblanganlar. Arablar O‘rta Osiyoga bostirib kelganda, Somon-xudot Farg‘onadan Balxga, u yerdan esa Marv shahriga kelib, bu yerda islom dinini qabul qilgan va Xuroson voliysi al-Ma’munning Marvdagi saroyida xizmat qilgan. 204/819-820 yilda Bag‘dodga ketishdan oldin al-Ma’mun yaxshi xizmatlari uchun uning 4 ta nabirasini Movarounnahr shaharlariga hokim etib tayinlashni buyurgan. Ular dastlab Xuroson voliylari Tohiriylarga bo‘ysinib xizmat qilganlar. 261/874-875 yildan boshlab Nasr ibn Ahmad yangi tuzilgan ma’muriy birlik Movarounnahr voliysi deb e’lon qilingan. O‘rta asr manbalarda keltirilgan ma’lumotlarga ko‘ra, Somoniylarning ajdodlari islom dinini qabul qilishdan oldin otashparast bo‘lganlar, ya’ni zardushtiylik diniga e’tiqod qilganlar. Lekin ularning tangalari, Buxorodagi oilaviy maqbarasi va Samarqanddagi saroyining devorlarida tasvirlangan ramzlar zardushtiylik diniga hech qanday aloqasi yo‘q. Bu ramzlar buddaviy din yoki moniylik bilan bog‘liqdir. O‘rta asrlarda har qanday maxfiy ma’lumot ko‘pincha ramzlar orqali ifoda etilgan. Masalan, ilk islom davrida taqiqlangan sufiylik ta’limotida ham ramzlar ko‘p ishlatilgan. Bu ma’lumotlardan ayon bo‘ladiki, Somoniylarning ajdodlari buddaviylik diniga yoki moniylikka e’tiqod qilganlar va bu ramzlarni ishlatganlar. Islom davrida Somoniylar ajdodlarining ramzlarini tangalarida, maqbara va saroy devorlarida ifoda etish orqali ajdodlarining ruhlarini yod etib, ularga hurmat izhor etganlar. Bu bilan ular o‘zlarini ajdodlar bilan ma’naviy bog‘liqlikda deb his etganlar.

.

**XULOSA**

XIV - XV asrlarda Samarqand Amir Temur va Temuriylarning poytaxti bo‘lganda, Buxoro va Samarqandda katta qurilish ishlari olib borildi, shunda bu yerga Erondan minglab me’morlar, hunarmandlar va quruvchilar taklif etildi,

chunki Eron Temuriylarga qarashli yer edi. XVI-XVIII asrlarda, Shayboniylar Safaviylar bilan uzoq vaqt olib borgan urushlar davomida asir qilib olingan barcha eronliklar qulga aylantirilib, Buxoro va Samarqandda qoldirilgan. 1810-yilda Marvdan Turkistonga taxminan 40 ming eroniy oilalari ko‘chirilgan va asosan Samarqand va Buxoro atroflariga joylashtirilgan edi. Ularning bir qismi turk, lekin asosiy qismi fors edi. XIX-XX asr boshlarida qul savdosi bilan asosan hindlar va turkmanlar shug‘ullanganlar, ular Turkistonning qul bozorlariga Erondan minglab qullarni keltirganlar. Buxoroda ham katta qul bozori bor edi

**Foydalanilgan adabiyotlar**


1. Azamat Ziyo. O‘zbek davlatchiligi tarixi. T.: Sharq, 2000.
2. Axmedov B. O‘zbekiston tarixi manbalari. T., «O‘qituvchi», 2001.
3. Mavlonov O‘. Markaziy Osiyoning qadimgi yo‘llari. T., 2008.
4. Murtazaeva R.H. va b. O‘zbekiston tarixi (Ma'ruzalar matni). T.: 2000.
5. Raxmonov N. Turk xoqonligi. T., 1993


## O‘QUVCHILARDA SHAXS XUSUSIYATLARINING NAMOYON BO‘LISHI (qobilyat misolida)


***Choriyeva.M.N***

***Denov Tadbirkorlik va pedagogika instituti***

***«Ta’lim tarbiya nazariyasi va metodikasi»***

***2-guruh magistranti mchoriyeva04@gmail.com***



**Annotatsiya:** Bu maqolada shaxs xususiyatlari borasidagi olimlarning nazariyalarini va o‘quvchilarda shaxs xususiyatlari (qobilyat)ning namoyon bo’lishi vaqtida qanday jarayonlar bo’lib o’tishini o’z ichiga oladi.



**Kalit so‘zlar:** Shaxs, o‘quvchi, qobiliyat, layoqat, talent


Qobiliyatlar odamning shunday psixologik xususiyatlaridirki,bilim,ko‘nikma va malakalarni orttirishning samaradorligi, tezligi shu xususiyatlarga bog‘liq bo‘ladi,lekin bu xususiyatlarning o‘zi bilim, ko‘nikma va malakalarga taalluqli bo‘lmaydi. Aks holda, imtihonda qo‘yilgan baho, doskada qaytarilgan javob, muvaffaqiyatli va muvaffaqiyatsiz bajarilgan yozma ishiga qarab odamning qobiliyatlari haqida qat’iy xulosa chiqarish mumkin bo‘lar edi. Ammo psixologik tadqiqotlar va pedagogik tajribalarning

ko`rsatishicha, ba‘zan dastavval boshda nimalarnidir qila olmaydigan va buning natijasida atrofdagi boshqa odamlardan ajralib qolgan odam ta`lim olish jarayonida tez orada boshqalarni quvlab o`tib ketadi va o‘z ishining katta ustasi bo`lib yetishadi. Unda boshqalarga qaraganda ko`proq qobiliyatlar namoyon bo`ladi. Qobiliyatlar bilim, ko`nikma va malakalarni egallashda namoyon bo`lsa ham, ular bilim, ko`nikma va malakalarga taalluqli bo`lmaydilar. Qobiliyatlar va bilim, ko`nikma va malakalar biri-biri bilan aynan bir narsalar emas. Bilim, ko`nikma va malakalarga nisbatan odamning qobiliyatlari qandaydir imkoniyat tarzida namoyon bo`ladi. Yerga tashlangan urug` ana shu urug`dan o`sib chiqishi mumkin bo`lgan boshoqqa nisbatan faqat imkoniyat bo`lgani kabi odamning qobiliyatlari bilim, ko`nikma va malakalarni egallash uchun faqat imkoniyat hisoblanadi. Bu bilim, ko`nikma va malakalar egallanadimi yoki egallanmaydimi, imkoniyat haqiqatga aylanadimi yoki yo`qmi bularning hammasi juda ko`p sharoitlarga bog`liqdir.Bolada namoyon bo`lgan musiqa qobiliyati uning musiqachi bo`lishiga hech bir kafolat bermaydi.Bola musiqachi bo`lishi uchun unga maxsus ta`lim berilishi,qat`iylik, salomatligining yaxshi bo`lishi, musiqa asbobi, notalar va boshqa ko`p sharoitlar bo`lishi kerak. Bularsiz qobiliyat taraqqiy etmayoq so`nishi mumkin. Qobiliyat va bilim, ko`nikma va malakalarning birligi nimada ifodalanadi? Qobiliyat bilim, ko`nikma va malakalarning o`zida ko`rinmaydi, balki ularni egallash malakasida namoyon bo`ladi, ya`ni, boshqacha qilib aytganda, mazkur faoliyat uchun zarur bo`lgan bilim, ko`nikma va malakalarni o`zlashtirish jarayoni turli sharoitlarda qanchalik tez, chuqur, yengil va mustahkam amalga oshirilishida namoyon bo`ladi. Xuddi mana shu yerda yuzaga chiqadigan farqlar qobiliyatlar bizga o‘quvchi haqida gapirish imkonini beradi. Shunday qilib, qobiliyatlar shaxsning faoliyatini muvaffaqiyatli amalga oshirish sharti hisoblangan va bilim, ko`nikma hamda malakalarni egallash dinamikasida yuzaga chiqadigan farqlarda namoyon bo`ladigan individual-psixologik xususiyatidir.

Qobiliyatlar individual-psixologik xususiyatlar sifatida xarakterlanadi, ya`ni bir odamning boshqa odamdan farq qiladigan sifatlarini ochib beradi. O`z-o`zida ma`lumki kishilar teng emas. Mana shuning uchun qobiliyatlar haqida gapirganda, bu farqlarni xarakterlab o`tish zarur. Ular sifat va miqdor jihatdan xarakterlanishi, farq qilishi mumkin. Qobiliyat xususiyatlarining sifat tomonidan qaralishi maqsadga turli yo`llar bilan borishga imkon beruvchi "o`zgaruvchan miqdor" to`plami sifatida, faoliyat muvaffaqiyatini ta`minlovchi psixologik xususiyatlarning murakkab kompleksi sifatida ko`rinadi. Qandaydir faoliyatni bajarishdagi bir xil yoki nimalar bilandir o`xshash yutuqlar asosida juda xilma xil qobiliyatlar birikmasi yotishi mumkin. Bular bizning ko`z o`ngimizda shaxs qobiliyatlarining muhim tomonini ochib beradi: bir xususiyatning o`rnini boshqa bir xususiyatlar bilan to`ldirish (kompensatsiya qilish) ning keng imkoniyatlari bor

bo`lib, buni odam o`zida chinakam va qat`iyatlik bilan ishlash orqali rivojlantirish mumkin. Odamning qobiliyatlarida bor bo`lgan kompensatorlik imkoniyatlari, masalan, ko`rish va eshitishdan mahrum bo`lgan odamlarni maxsus tarbiyalashda namoyon bo`ladi. Qobiliyatlarni miqdor jihatdan o`lchash muammosi psixologiyada katta tarixga egadir. XIX asrning oxiri va XX asrning boshlaridayoq bir qator psixologlar (Kettel, Termen, Spirman va boshqalar) ommaviy ixtisosliklar uchun kasb tanlashni amalga oshirish zarurati bilan uzviy bog`liq bo`lgan talablar ta`siri ostida ta`lim olayotganlarning qobiliyat darajasini aniqlashni talab qilib chiqdilar. O`sha paytlarda qobiliyatlarni o`lchash usuli sifatida aqliy iste'dod testlaridan foydalanildi. Aqliy iste`dod testlarining yordami bilan bir qator mamlakatlarda (AQSh, Buyuk Britaniya va boshqalar) qobiliyatlarni aniqlash va maktablarda o`quvchilarni saralash, armiyada ofitserlik xizmatini bajarish, ishlab chiqarishda rahbarlik lavozimini tanlash va shu kabilar amalga oshiriladi.Aqliy iste`dod testlari o`zlarining mazmunlariga ko`ra muvaffaqiyatli yechilishi (ko`pincha sarflangan vaqtni hisobga olib)ball yoki ochkolar yig`indisi bilan hisoblanadigan bir qator savollardan yoki masalalardan iboratdir.Test natijalari maxsus ravishda standartlashtiriladi, maxsus koeffitsientlarga aylantiriladi. Bular "aqliy iste`dod koeffitsienti" (IQ) ni aniqlash imkonini beradi. O`sha davrdagi ko`pchilik psixologlarning ko`rsatishicha qandaydir o`zgarmas, har tomonlama iste`dodni yoki "umumiy intellektni" (general intellegence) namoyon qiladi deb ta`kidlaganlar.

Qobiliyatlar umumiy va maxsus bo`ladi. Umumiy qobiliyatlar mavjud bo`lganda kishi faoliyatning turli xillari bilan muvaffaqiyatli shug`ullana oladi. Maxsus qobiliyatlar kishiga qandaydir bir muayyan faoliyat bilan muvaffaqiyatli shug`ullanish imkoniyatini beradi. Masalan, matematik, texnikaviy, adabiy, musiqiy, tasviriy va boshqa qobiliyatlar bo`ladi. Umumiy qobiliyatlarga ko`p hollarda intellekt, tafakkurning kreativligi va shaxsning psixomotor qobiliyatlari kiradi deb hisoblaydilar. Keyinchalik qobiliyatga aylanadigan layoqat nishonalarining majmui kishining iste`dodi deyiladi. Lekin bu tabiiy layoqat nishonalari muvaffaqiyatli faoliyatning to`la-to`kis shart-sharoiti bo`la olmaydi. Layoqat nishonalarini rivojlantirish kerak, bu esa faoliyat jarayonidagina ro‘y berishi mumkin. Layoqat nishonalari ko`p qiymatlidir, yana tegishli sharoitlar mavjud bo`lganda, faoliyatga qarab layoqat nishonalari asosida turli qobiliyatlar rivojlanishi mumkin. Masalan, yaxshi eshitish va ohangni sezish qobiliyati mavjud bo`lganda bir kishi kompozitor, ikkinchisi yaxshi ijrochi, uchinchisi yaxshi dirijyor, to`rtinchisi musiqa tanqidchisi va hokazolar bo`lib yetishmog‘i mumkin. Qulay sharoitlar mavjud bo`lganda ayrim kishilarda qobiliyatlar juda erta rivojlanadi. Odatda musiqa va tasviriy san`atga bo`lgan layoqat ancha ertaroq paydo bo`ladi. Masalan, M.I. Glinka 3-4 yoshidayoq shunday o`yinni juda

yoqtirgan: u ovoz chiqaradigan turli buyumlarni (mis, tog`oracha, kostrilka) yog`och bilan chalgan. Bunda kattalarni hayron qoldiradigan darajada ohangdosh tovushlar paydo bo`lganki, ularni eshitish maroqli edi. Keyinchalik bu bola buyuk kompozitor bo`lib yetishdi. Biroq shunday ham bo`ladiki, kishilar bolalikda favqulodda qobiliyatlarini namoyon qilganlar-u, biroq katta bo`lgach, ulardan mahrum bo`lganlar. Lekin bunday hollar nisbatan kam uchraydi.

Xulosa o'rnida boshlang'ich sinf o'quvchilarining qobilyatining namoyon bo'lishida har bir faoliyatni bajarib ko'rishi uchun sharoit yaratish kerak. Qobiliyatlar faoliyat davomida rivojlanadi. Qobiliyatlarni rivojlantirishning birinchi sharti - faoliyatga bo`lgan ehtiyojni tarbiyalashdir. Mehnatga bo`lgan ehtiyojni tarbiyalash uchun ishga qiziqish va unga odatlanish katta ahamiyatga egadir. Qobiliyatlar shaxsning boshqa sifatlari bilan chambarchas bog`langan. Kishining talantli ekanligi ma`lum darajada uning psixik jarayonlari, shuningdek, ko`pgina psixik xususiyatlarining rivojlanish darajasiga bog`liq bo`ladi. Ayrim qobiliyatlarni rivojlantirishda tegishli bilish jarayonlarining yuqori darajada bo`lishi hal qiluvchi rol o`ynaydi. Masalan, musiqachi uchun eshitish, rassom uchun ko`rish idroklari katta ahamiyatga ega. Kishi o`z qobiliyatlarini rivojlantirish bilan shug`ullanar ekan, bu rivojlanish quruq maqsaddan iborat bo`lib qolishi kerak emas. Asosiy vazifa jamiyatning munosib, foydali a`zosi bo`lib etishishdan iboratdir.

**Foydalanilgan adabiyotlar**


1. G`oziev E. Psixologiya. T. 1994.
2. Grimak L. P. Rezervi chelovecheskoy psixiki. - M., 1990
3. Karimova V. M., Akramova F. Psixologiya. Ma'ruzalar matni - T., 2000
4. Merlin V. S. Struktura lichnosti. Xarakter, sposobnosti, samosoznanie. - Perm, 1990


## TEXNOLOGIK TA'LIM DARSLARIDA O'QUVCHILARNING IJODIY QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISH TEXNOLOGIYASI. (BOSHLANG'ICH SINF MISOLIDA)


***Berdiyeva Sevara Denov tadbirkorlik va pedagogika unstituti 1 kurs magistri***



*Ushbu maqolada zamonaviy texnologiyalar va yangi metodlarni ta`lim jarayonidagi ahamiyati o`rganildi.Shuningdek boshlang`ich sinf o`quvchilarini*

*texnologik ta`limda ijodiy va ilmiy qobilyatlarini shaklantirshni yangi usullai tahlil qilindi.*

***Kalit so`zlar****: ta`lim, texnologiya, metodlar, o`quvchi.*

Insoniyat taraqqiyotining barcha davrlarida ilm olish bashariyatni olg‘a harakatlantiruvchi asosiy omil bo‘lib kelgan shunday ekan yosh avlodni ilmiy salohiyatini oshirish uni o‘z zamonasining eng ilg‘or bilimlari bilan qurollantirish barcha davrlarda hamma halqlar uchun eng dolzarb vazifa hisoblanadi. O‘quvchilarninig tehnik ijodkorligini tashkil qilishda o‘zora bog‘liq vazifalarni e’tiborga olish lozim. Ularning birinchisi talabalar ijodkorlik faoliyatida mustaqil fikrlashni rivojlantirish bilimlarni egallashdagi intiluvchanligi, ilmiy dunyoqarashini shakllantirilishi bilan, ikkinchisi – o‘zlashtirilgan bilimlarni ta’limda va amaliy faoliyatda mustaqil qo‘llay olishda o‘rgatish bilan belgilanadi.

Ma'lumki, ta'limda ilg‘or pedagogik va yangi axborotlar texnologiyalarini tatbiq etish o‘quv mashg‘ulotlarining samaradorligini oshiribgina qolmay, ilm-fan yutuqlarini amaliyotda qo‘llash orqali mustaqil va mantiqiy fikrlaydigan, har tomonlama barkamol yuksak ma'naviyatli shaxsni tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Hozirgi davrda texnologik ta`limda texnologiyalar rivojlanishi bilan yoshlar bu sohaga qiziqishi ortib bormoqda. Texnologiyalarni bilan tanishish darslarning bolalarda yangi axborotlar texnologiyalarini bo‘lgan qiziqishini yanada rivojlantirish bilimini mustaqil amalga oshirish masalalarni hal etish yo’llarini topishga o‘rgatish ularni mustaqil ijodkor mehnatga tayyorlashdir. Boshlang‘ich sinflardagi o`quvchilarni texnologiyalarni asosiy ob’ektlarning eng yangi bolalarga yahshi tanish bo`lgan texnologiyalardan turlaridan tanlash kerak. Texnologik ta'limning maqsadi jamiyat ehtiyojiga mos ravishda shakllanadi. Shunday ekan, ta'lim-tarbiya maqsadi mos va mutanosib bo‘lishi kerak. Ilmiy adabiyotlarda va yangidan yangi texnologiyalar ta'limning maqsadi imkoniyatlaridan to‘g‘ri, aniq, o‘rinli foydalanish ko‘nikma va malakalarini hosil qilish, mantiqiy-ijodiy tafakkurni rivojlantirish, kommunikativ savodxonlikni oshirish, milliy g‘oyani singdirish, sharqona tarbiyani shakllantirish, shaxsni ma'naviy boyitishdan iboratligi ta'kidlangan[136].

O`zbekistonda ta'lim-tarbiya tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar haqiqiy ma'noda bir-ikki yillik yoki qisqa davrda samaraga erishishga qaratilgan ish emas, balki chin ma'noda bir necha yuz yillarga tatiydigan o‘zgarish bo‘ldi, desak xato bo‘lmaydi. Bu prezidentimizning kelajagimiz, kelajak avlodimiz haqida

[136] Sharipov S. Texnik ijodkorlik va dizayn: Toshkent, 2011.

qayg‘urib, yurtimizning barcha farzandlari – mening farzandlarim, ular bizlardan ko‘ra kuchli, bilimli va albatta baxtli bo‘lishlari kerak, degan g‘oyasi zamirida donishmandlarcha siyosat yotganini ko‘rsatadi[137].

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interfaol metodlar va axborot texnologiyalarini o‘quv jarayonida qo‘llashga bo‘lgan qiziqish kundan-kunga ortib bormoqda. Bunday bo‘lishining sabablaridan biri, shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda o‘quvchilar faqat tayyor bilimlarni egallashga o‘rgatilgan bo‘lsa, zamonaviy texnologiyalardan foydalanish esa ularni egallayotgan bilimlarini o‘zlari qidirib topish, mustaqil o‘rganish va fikrlash, tahlil qilish, hatto yakuniy xulosalarni ham o‘zlari keltirib chiqarishga o‘rgatadi. O‘qituvchi bu jarayonda shaxs rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchilik, yo‘naltiruvchilik funksiyasini bajaradi[138].

Xulosa sifatida ta`qidlash joizki, bugungi kun o‘qituvchilardan ilg‘or pedagogik va yangi axborotlar texnologiyalaridan o‘quv jarayonida foydalanishni talab etmoqda. Yuqoridagilardan kelib chiqib, xorij tajribalaridan asosida dars mashg‘ulotlarida interfaol metodlarni qo‘llash orqali ta'lim-tarbiya berish muhim hisoblanadi. Shuningdek, o‘quvchilarni o‘z yo‘nalishini tanlash va mustaqil hayotga tayyorgarlik ko‘nikmalarini shakllantirishdek mas'uliyatli vazifani bajarishda ularning yaqin ko‘makchilardan biriga aylanadi. Boshlang`ich sinflar kesimida ayrim mavzular asosida o‘qitishning zamonaviy usullarini tatbiq etildi.

## AL-HAKIM AT-TERMIZIY QARASHLARIDAN OLIY TA'LIMDA FOYDALANISHNING AHAMIYATI

***Erdanova Zamira - Denov tadbirkorlik va Pedagogika instituti 1 kurs magistri***

*Maqolada Al Hakim at-Termiziyning ilmiy faoliyati, ma`naviy merosi va ularning Oliy ta`limdagi ahamiyati tahlil qilinadi. Shuningdek AL-Hakim At-Termiziy hayotidagi ilmga bo`lgan e`tiborini hozirgi yoshlarda shaklantirish masalalari ko`rib chiqiladi.*

*Kalit so`zlar: ta`lim, fikh, manaviyat, sharq olimlari.*

[137] Raxmonov Y. Ta’lim jarayonida o‘quvchilarning aqliy mehnat faoliyatini tashkil etishning pedagogik asoslari: Ped. fan. nom. ... disc. Toshkent, 2004.
[138] Boshlang‘ich sinfda o‘qitishning zamonaviy texnologiyalaridan foydalanish usullari https://kun.uz/uz/news/2019/11/27/

O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2020-yil 24-yanvarda Oliy majlisga qilgan murojaatnomasida ham, ta’lim-tarbiyaning uzviy bog’liqligini yanada kuchaytirish maqsadida “Sharqona qarashlarimizda ta’limni tarbiyadan, tarbiyani esa ta’limdan ajratib bo’lmaydi. Bu esa bugungi kun o’qituvchisidan katta mas’uliyatni talab qiladi”, - deb ta’kidladilar.[139]

Sharq madaniyatining namoyandalari yosh avlod tarbiyasiga alohida e’tibor berganlar. Ular komil inson xususida, uning axloqi to`g`risida dunyoga mashxur bo`lgan durdona asarlar yozib qoldirdilar. Ayniqsa, bola dunyoqarashining shakllanishida maktab va muallimning roli haqida o`z fikrlarini bildirishgan. O`rta asr namoyondalaridan Xusayn Voiz Koshifiy bolani bitta muallim emas, balki yoshiga qarab bir necha muallim tarbiyalashi lozim, deb hisoblaydi. Birinchi muallim unga yurish-turish odobi, hayo, rostgo`ylik, kamtarlik sofdillikni o`rgatishi lozim. Ikkinchisi bolani ilm-fanga, uchinchisi mardlik, jasurlik, chavandozlikka o`rgatishi lozim. Yana bir o`rta asr olimi mutafakirlaridan Al-Hakim at-Termiziy o`zining dunyoqarashi va komilikka erishish nazariyalari bilan ajralib turadi.

Hakim at-Termiziy ilm-ma'rifat yuksak qadrlanadigan, ziyoli bir xonadonda 820 (hijriy 205) yilda Termiz shahrida dunyoga kelgan, mana shu ilmiy-ma'naviy muhitda o‘sib ulg‘aygan. Oxir oqibatda mazkur omillar ta'sirida uning ma'naviy dunyosi va ilmiy tafakkuri shakllanib, kamolga yetgan. Ayni vaqtda shuni alohida ta'kidlash kerakki, al-Hakim at-Termiziyning ilmiy kamolotida uning otasi Ali ibn al-Hasanning xizmatlari benihoya katta. Chunonchi, u o‘z farzandi uchun nafaqat mehribon va g‘amxo‘r ota, balki unga nisbatan talabchan murabbiy va ma'rifatli ustoz maqomida ham bo‘lgan. Bu xususda al-Hakim at-Termiziy o‘z kitoblaridan birida shunday hikoya qiladi:

- Olloh taolo meni ustozim - volidimdan judo qilganda men sakkiz yoshda edim. Uning sa'y-harakatlari bois men ilm olishga shunday berilib ketgandimki, kitob mutolaa qilish men uchun asosiy mashg‘ulot bo‘lib qolgan edi. Vaholanki, mening tengqurlarim o‘yin-kulgi va vaqti xushlik bilan band bo‘lardilar. Volidimning ijtihodlari tufaylik men shu yoshimda «Ilm al-osor» (Qadimiy rivoyatlar (hadislar) haqidagi ilm)va «Ilm ar-ray» («E'tiqod haqidagi ilm») bilimlarini to‘liq egallab olgan edim[140]...

Otasi vafotidan keyin al-Hakim at-Termiziy o‘z shahridagi yetuk olimlardan asosan tafsir, hadis va fiqh ilmlaridan saboq oladi. Uning termizlik muhaddislar Abu Muhammad Solih ibn Muhammad ibn Nasr at-Termiziy, Solih ibn Abdulloh at-Termiziydan hadis ilmini o‘rganganligi haqida manba'larda aniq ma'lumotlar

---

[139] Prezident murojaatnomasi: asosiy fikrlar https://nrm.uz/contentf//.

[140] Hokim, at-Termiziy, Abu Abulloh Muhammad ibn Ali ibn Hasan. Xatm alavliya/H.Tirmiziy. – Bayrut, b.g., 446 b.

keltirilgan[141]. Al-Hakim at-Termiziy ko`plab olim ulomalardan bilim olgan va muallim va shogird-o`quvchi o`rtasidagi munosabatning nimaga asoslanishi va qanday bo`lishligi haqida xam fikr yuritadi va yetuk inson tarbiyalab yetishtirishning eng natijali yo`lini qidiradi.

Hozirda oliy ta`limda sharq an`anlari asosida zamonoviy texnologiyalar bilan talaba-yoshlarga bilim berish ularning tafakkurini, ilmiy salohiyatini rivoji uchun ilmiy amaliy ishlar olib borilmoqda. Xususan davlatimiz rahbarini tashabbusi bilan sharq mutafikkirlarini ijodi o`rganish uchun bir qancha ishlar amalga oshirilyotgan bo`lb, bundan "sharq mutafakkirlarining merosi" degan fan va darslik joriy etilgani tahsinga loyiqdir. Yuqorida ta`qidlaganimiz kabi al-Hakim at-Termizining yoshligidan ilm-u tarbiyani oiladan olganligi ilmlari mustahkamlash uchun olimlardan ilm olganligini va mustaqil izlanganligini ko`rib al-Hakim at-Termiziy hayotida bo`lgan imga chanqoqligi singari hozirgi yoshlarda butun dunyo mutaffiakirlarini ijodi o`rganib yangi natijalarga erishish maqsadga muvafiq bo`ladi.

Xulosa qilib aytganda, sharq mutafakkirlarining o`qituvchi-o`quvchi munosabatlariga bergan ta'limotlari maktabda oliy ta`limda yaxshi ma'naviy-psixologik iqlimni yaratishda, yoshlarimizni har tomonlama barkamol inson bo`lib yetishishida bebaho manba bo`la oladi.

## BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARI SAVODXONLIGINI OSHIRISH JARAYONIDA SHAXSGA QADRIYATLI YONDASHUV METODIKASI.

***Istamov Zuhriddin Denov tadbirkorlik va pedagogika unstituti 1 kurs magistri***

*Ushbu maqolada boshlang`ich sinf o`quvchilarini ta`lim tarbiyasini shakllantirivb savodxonligini oshirishdagi amliy ishlar va yangi metodlar tahlil qilinadi. Shuningdek ushbu jaroyondagi milliy qadriyatlar o`rni va qadriyatli yondashuv metodikasi o`rganiladi.*

***Kalit so`zlar:*** *milliy qadriyatlar, ta`lim-tarbiya, o`quvchilar, ma`naviyat*

Hozirgi davrda O'zbekistonda amalga oshirilayotgan tub o'zgarishlar va islohotlar natijasida, jahon talablariga mos keladigan hamda milliy ma'naviyatimiz

---

[141] Ash-Shayx Komil Muhammad Muhammad Avayda. Al-Hakim at-Termiziy, 5-6-betlar.

an'analariga asoslangan, yangicha yashash tamoyillari ustuvorligini ta'minlash vazifalari hal qilinmoqda.

Yosh avlod tarbiyasida milliy qadriyatlardan foydalanishning ahamiyati va o’rni katta. Ma'naviy qadriyatlar va milliy o'zlikni anglashning tiklanishi. Biron - bir jamiyat imkoniyatlarini, odamlar ongida ma'naviy va axloqiy qadriyatlarni rivojlantirmay hamda mustahkamlamay turib o'z istiqbolini tasavvur eta olmaydi. Xalqimiz siyosiy mustaqillik va ozodlikni qo'lga kiritgach, o'z taqdirining chinakam egasi, o'z tarixining ijodkori, o'ziga hos milliy madaniyatining sohibiga aylandi. Tarix xotirasi, xalqning, jonajon o'lkaning, davlatimiz hududining xolis va haqqoniy tarixini tiklash milliy o'zlikni anglashni, ta'bir joiz bo'lsa,milliy iftixorni tiklash va o'stirish jarayonida g'oyat muhim o'rin tutadi. Tarix millatning haqiqiy tarbiyachisiga aylanib bormoqda. Tarixiy tajriba, an'analarining meros bo'lib o'tishi- bularning barchasi yangidan- yangi avlodlarga tarbiyalaydigan qadriyatlarga aylanib qolmog'i lozim[142].

Ta’lim-tarbiya jarayonini ajdodlar tamonidan o`z bilim tajribalarni yosh avlodga o`rgatishdan iborat bo`lib, bu jarayonda asosan inson hayoti uchun zarur axborotlarni avloddan-avlodga uzatish amalga oshiriladi. Undagi ilg`or fikrlar, texnologiyalar ta’lim-tarbiya jarayoniga tadbiq etilib, yangi mazmundagi darslik, metodik qo`llamalar yaratishda milliy ma’rifiy merosimizdan keng foydalanmoqda. Chunki ta’lim tarixni o`rganish, uning milliy tarbiya metodlari va texnologiyalariga ega ekanini namoyon etdi. Ta’lim samaradorligining milliy asosi ta’lim tarbiya jarayonini turli tarixiy davrlarda amalga oshirishning shakil va usullari, mazmun hamda turli pedagogik nazaryalar haqidagi ma’lumotlardan iborat bo`lib, ular zamonaviy pedagogik texnologiyalarning kelib chiqishi uchun zamin hisoblanadi. Turli xalqlar an’anaviy tarbiya madanyatining amalga oshirishi va rivojlanishning qiyosiy tahlili asosida zamonaviy pedagogika ilmida o`quv-tarbiya jarayonining millilashuvi kansepsiyasi yaratildi. Yaratilgan milliy qadryat konsepsiyasi turli milliy maktablarning rivojlanish pragnozini amalga oshirish imkoniyatini beradi[143].

O`quvchilarga milliy qadryatlar orqali savodxonligini oshirish deganda, biz xalq madanyatining ma’naviy va estetik qadryatlarini o`zlashtirishning maqsadga yo`naltirilgan, uzluksiz va tadrijiy, pedagogik jihatdan uyushtirilgan jarayonini, bolada milliy tarbiyaning shakillanishini ta’minlovchi Vatanga, ona tiliga, xalqiga, uning an’analariga, urf-odatlari, ideallariga umuminsoniy qadryatlar majmui sifatida hissiy-baholovchi munosabatning shakillanishni tushunamiz. Mazkur tafsilot o`quvchilarda milliy qadriyatlar orqali tarbiya berishning pedagogik talablari majmuini ta’limda samarali tarizda amalga oshirish imkoniyatini beradi.

[142] Aliyev A. Ma’naviyat , qadriyat, badiyat. –Toshkent: Akademiya, 2000.
[143] Boshlang‘ich sinfda o‘qitishning zamonaviy texnologiyalaridan foydalanish usullari https://kun.uz/uz/news/2019/11/27/

Milliy qadryatlarning pirovard natijalarini aniqlash, milliy xususiyatlar, pedagogik shart-sharoitlarni o`rganish asosida oila va ta'lim muossasalarining hamkorligi amalga oshirilgandagina o`quvchilarga ta'limda milliy qadryatlarni samaradorligini oshirish mumkun. Mazkur vazifalarni bajarish tadqiqot amallarining quydagi tartibini ko`zda tutadi:

-o`quvchilarning milliy qadriyatlarni darajasini baholash mezonlari va ko`rsatkichlarini aniqlash;

-o`quvchilarning qiziqishlarini va ilmiy salohiyati darajasini aniqlash;

-milliy qadriyatlar orqali ta`lim-tarbiya berishning jarayonini aspektlarini takomillashtirishga yo`naltirilgan pedagogik talablar majmuini amalga oshirish[144]. Boshlang'ich ta`limda tarixiy–milliy va zamonaviy pedagogik texnologiyalar uyg`unlashtirilsa, ta'lim jarayonida milliy tajribalar va zamonaviy pedagogik texnologiyalar integratsiyasi o`qituvchi va o`quvchi munosabatlarida insonparvar, demokratik harakter kasb etsa, milliy va zamonaviy pedagogik texnologiyalarni integratsiyalashtirishda innovatsion metod va usullardan foydalanilsa, ta'lim samaradorligi oshadi.

Xulosa o`rnida ta`qidlash mumkinki, o`quvchilarni tarbiyalashda xalqimiz uchun qadrli bo`lgan milliy urf-odatlarimiz, an'analarimiz, o`chmas merosimizga mehr-muhabbat ularga sodiqlik ruhini shakillantira olsak har birimiz uchun ijobiy natija bajarayotgan ta`lim tarbiya rivojlanishini anglatadi. Shuningdek, tarixni bilmasdan, o`rganmasdan unday ruhiy, ma'naviy ozuqa olmasdan turib, kelajakda orzu umidlarga erishib bo`lmaydi.

## BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA EKOLOGIK TARBIYANI TAKOMILLASHTIRISHNING HOZIRGI HOLATI.

***Mamatov Eldor – Denov tadbirkorlik va pedagogika unstituti 1 kurs magistri***

*Maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarini ekologik tarbiyasini yanada rivojlantirish jarayonidagi omillar tahlil qilindi. Ekologik tarbiyaning rivojlantirishda oiladagi tarbiyaning o'rni. Oiladagi yosh avlodni kattalardan olgan malaka va bilimlarni o'zlashtirish jaroyonlari ko'rib chiqildi.*

***Kalit so`zlar**: Tarbiya, ekologiya, boshlang`ich ta`lim, tabiat.*

[144] Q. Hoshimov, S.Ochil.O`zbek pedagogikasi antologiyasi. O`qituvchi - 2010

*“Tarbiya biz uchun yo hayot — yo mamot,*
*yo najot — yo halokat,*
*yo saodat — yo falokat masalasidir”*
***Abdulla Avloniy***

Ma'naviy qadriyatlar tizimida ta'lim va tarbiyaning milliy xususiyatlari ham o'z o'rniga ega. Xalqning kelajagi yoshlarga bog‘liq ekani qanchalik haqiqat bo‘lsa, yoshlarni milliy ruhda tarbiyalash, vatanparvarlik tuyg‘ularini tarbiyalash zarurati ham umuminsoniy e’tiborda. yosh avlodni har tomonlama yetuk qilib tarbiyalash bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biri ekanligiga alohida e’tibor qaratilgan. Ushbu vazifalar orasida o‘quvchilarni globallashuv davrining eng muhum muammolaridan biri - ekologik xavfni bartaraf etishda kurashishga imkon beruvchi bilimlar bilan qurollantirish alohida ahamiyat kasb etadi.

Ta`qidlash lozimki boshlang‘ich ta’limning barcha sinflarida Ona Vatan haqida tushuncha berishda o‘quvchilarga vatanparvarlik, xalqparvarlikni singdirish bilan ona tabiatga mehr uyg‘otiladi. Inson yashashi uchun havo, suv, quyosh qanday kerak bo‘lsa, o‘simlik va hayvonlar ham shunday kerakligi, ular o‘rtasidagi tabiiy bog‘liqlik ochib beriladi va shuningdek inson komillikka intilar ekan bunda tarbiyani ahamiyati juda kata hisoblanadi.

Ma`lumki, «Ekologiya» - yunoncha so’z bo’lib, tirik mavjudotlarning yashash Sharoiti va tevarak-atrofdagi muhit bilan o’zaro munosabatlari hamda Shu asosda yuzaga keladigan qonuniyatlarni o’rganadigan fandir ya`ni tabiatshunosik fani.[145]

Boshlang‘ich sinflarda tabiatshunoslik bo‘yicha darslarni tashkil etish chog‘ida tabiiy muhit holatining inson ta’sirida o‘zgarishi, jonli va jonsiz komponentlarga insonning kuchli antropogen ta’siri tufayli ekologik muammolar vujudga kelayotganligi, orol bo‘yi mintaqasida ekologik tang vaziyat vujudga kelganligi, sanoat mahsulotlaridan atmosferaning ifloslanishi ekologik muammolarni vujudga keltirganligi, Yer yuzida ekologik tang vaziyatli hududlarning keskin ko‘payishi, umumsayyoraviy ekologik inqiroz havfining real ekanligini o‘quvchilarga tushuntirish lozim.[146] O‘quvchilar tushunishlari lozimki, tabiatni muhofaza qilish hozirgi va kelgusi avlodlarning ehtiyojlarini hisobga olgan holda tabiiy boyliklardan oqilona foydalanish va atrof - muhitni saqlashdan iborat. Shu jihatdan o‘quvchilarga ekologiya va ekologik tushunchalar haqida ma’lumot beriladi. Xususan, ekologiya hayot jarayonlarini o‘ziga xos uslublarda tadqiq qiladigan mustaqil fan hisoblanadi.

Ekologik tushuncha yosh avloddan, umuman, insondan tabiat boyliklaridan oqilona foydalanish bilan birga vaziyatni sog‘lomlashtirishni, ekologik havfsizlikni ta’minlashni, inson va tabiat o‘rtasidagi uyg‘un munosabatlarga oid milliy va

---

[145] O’quvchilarning ekologik tarbiyasi https://hozir.org/mavzu-ozbekiston-respublikasi-talim-tizimi-v2.html?page=139

[146] Kadirova, D. (2021). GROWTH RHYTHM OF INTRASPECIFIC FORMS OF WHEAT. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 2(11), 294-299

umumbashariy tajribalarni o‘rganishni va hayotga tadbiq qilishni, tabiatning yanada go‘zallashuvi, gullab-yashnashi uchun hissa qo‘shishini taqoza etadi.

O`zbek xalqidagi azaldan Markaziy Osiyo xalqlari orasida avlodda-avlodga o‘tib kelayotgan ekologik tarbiyasi tahsinga sazovardir. Bu davrlarda ajdodlarimiz farzandlariga oilada tug‘ilgandan boshlab tejamkorlik xislatlarini, uvol qilmaslik xususiyatlarini hamda tabiyat unsurlari bolmish suv tuproq hayvonot dunyosidan faqat samarali ishdagina foydalanishni o‘rgatishar ongiga singdirishar edi. Ekologik ta’lim-tarbiya mazmunini takomillashtirish, uning sifat va samaradorligini oshirishda mazkur jarayonga milliy qadriyatlar g‘oyalari, shu jumladan, O‘rta osiyo mutafakkirlarining ekologik meroslarini singdirish muhim ahamiyatga ega. Bunga misol tariqasida o‘zbek xalq ijodidagi gaplarni ham aytish mumkin masalan: "Ota bolaga go'zal odobdan yaxshiroq narsani bera olmaydi" kabi hadislar, "qush uyasida qo'rganini qiladi" kabi naqllar ham bolaning fe'l-atvori, tabiati va dunyoqarashini belgilaydigan yaxshilik va ezgulik, olijanoblik va mehr-oqibat, or-nomus va andisha kabi ma'naviy mezon va qarashlar aynan oila sharoitida kamol topishiga ishoratdir.

**Xulosa o'rnida** aytish mumkinki yoshlarga, kelajak avlodga bolalikdan tabiatga mehr - muruvvatli bo‘lish tuyg‘ularini singdirib borish lozim. Ekologik ta’lim - tarbiyaning asosiy maqsadi yosh avlodda atrof - muhitga ongli munosabatni shakllantirishdan iborat bo‘lib. Ekologik tushunchalar o‘quvchilarni tabiatni asrab - avaylashga, uni sevishga, unga oqilona munosabatda bo‘lishga, o‘z maktabi, o‘zi yashab turgan oilasi, mahallasi, qishloq va shahrini ozoda saqlashga, uni ko‘kalamzorlashtirishga, mevali bog‘lar yaratishda o‘z hissalarini qo‘shishga, hayvonot dunyosiga g‘amxo‘rlik qilishga, qo‘ying-ki, yer, suv, havoning musaffoligiga erishish misolida atrof-muhitni, butun nabotat dunyosini e’zozlashga o‘rgatadi. Bu esa o‘z navbatida bolalarga ekologik bilim va tarbiyani berish bilan birga uning ekologik madaniyatini shakllantirishni ham taqoza etadi.

## BOSHLANG'ICH SINF MATEMATIKA DARSLARIDA O'QUVCHILARGA MATNLI MASALALAR VA ULARNI YECHISHGA O'RGATISH METODIKASI

***Mamayusupova Mahbuba Denov tadbirkorlik va***
***Pedagogika instituti 1 kurs magistri***

*Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o`quvchilarini matematika darslariga bo`lgan qiziqishlarini oshirish va o'quvchilarga matnli masalalar va ularni*

*yechishga o'rgatish metodikalari o`rganiladi. Shuningdek o`quchilarga matematika darsini o`tkazishda didaktik oyinla va yangi metodlar ahamiyati tahlil qilinadi.*

***Kalit so`zlar:*** *o`quvchi, didaktik o`yinlar, matematika, metodlar.*

O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevni "Matematika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy-tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" qarori qabul qilindi. Xalq ta`lim vazirligi ta`qidlagandek: Maktabgacha yoshdagi bolalarda ilk matematik tasavvurlarni shakllantirish bo'yicha zamonaviy pedagogik texnologiyalarni joriy qilish, hududlarda matematika faniga ixtisoslashtirilgan maktablar faoliyatini rivojlantirish hamda yangi maktablarni tashkil etish ustuvor yo'nalishlardan biridir[147].

Boshlang'ich sinf matematika o'qituvchisining metodlarini va tayyorgarligi deyilganda biz uni ilmiy dunyoqarash asosida matematika o'qitish metodikasi bo'yicha umumiy psixologik-pedagogik va matematik tayyorgarlik bilan uzviy bog'lanishda tayyorlanishini tushunishimiz mumkin.

Boshlang'ich matematika kursi, bir tomondan, bilimlarning boshqa sohalarida foydalaniladi va bolalarning rivojlanishiga yordam beradi. Shu bilan boshlang'ich bilimlar yagona majmuasini yaratadi, ikkinchi tomondan, zaruriy metodologik tasavvurlarni va fikrlashning mantiqiy tuzilishlarini shakllantirishga yo'naltirilgan. 6-10 yoshli davr bolalarining fikrlash qobiliyatlari va tasav vurlari shakllanishida eng mas'ul va muhim davr ekanligini psixologlar isbot qilishgan. Bolalikning mana shu davrida shakllantirilmagan bilimlar poydevorini keyinchalik to'ldirish juda qiyin. Shu sababli, boshlang'ich ta'lim metodikasining, xususan, matematikadan boshlang'ich ta'lim metodikasining asosiy vazifalaridan biri o'qitishning yetarlicha yuqori rivojlantiruvchi samaradorligini oshirishni ta'minlash, bolalarning aqliy rivojlanishlariga ta'sirlarini jadallashtirishdan iborat.[148]

O'qitishning mazmuni va o'quvchilarning aqliy faoliyatini rivojlantirishga ta'sir etadigan u yoki bu o'quv varianti uchun eng samarali usullarini qo'llashni bilishi, darsga tayyorlanishda yoki darsning o'zida yuzaga keladigan aniq metodik vazifalarni hal etishni bilishi zarurdir.

Ta`qidlash joizki, pedagoglarda metodik masalalar va ularning yechimi o`quvchilarni har bir darsda qiziqishlarini oshirish darslarda turli xil oyin yoki yangi metodlar foydalangan holda darsni samarali olib borish muhim omil hisoblanadi. Darsda yuzaga kelgan metodik masalaning mazkur o'quv vaziyati

---

[147] Matematika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy-tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida https://lex.uz/docs/4807552

[148] Jumayev M.E. « Matematika o`qitish metodikasidan praktikum" T-2003-yil. Bet-7.

uchun eng yaroqli yechimini o'qituvchi tez topa olishi uchun bu sohada yetarlicha keng tayyorgarlikka ega bo'lish talab etiladi.  Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun o'yinlar muhim ahamiyatga ega: o'yin orqali o'qitish jiddiy tarbiya shaklidir. Mavjud didaktik o'yinlar mantiq ilmi va matematika nuqtayi nazaridan mazmunan o'rganilgan materialni mustahkamlash vositasi sifati da ishlatiladi[149].

Sanoqni o'rganish, qo'shish va ayirishni birinchi bosqichda o'rgatish (yuz ichida)-boshlang'ich ta'limning asosiy vazifasi bo'lib kelgan va shunday bo'lib qoladi. Biroq, bu yagona vazifa bo'lib qolmasdan, balki u bolalarni matematikani o'rganishga yanada kengroq va har tomonlama sanoqqa tayyorlash ishining tarkibiy qismi bo'lib qoladi. U ikkita asosiy yo'l bilan belgilanadi pedagogik yo'l, ya'ni bolalar fikrlashini qo'llaniladigan matematik mulohazalarga tayyorlash va matemanka yo'li-ya'ni bolalami eng muhim matematik tushunchalarni, eng avvalo, natu ral son va geometrik shakl tushunchalarini o'rganishga tayyorlash orqali

Bolalami matematikani o'rganishga tayyorlashda ishni nimadan boshlash yangicha yechimni taqozo etadi. Matematikani jiddiy o'rganish uchun bolalarni partaga o'tqizishdan oldin balki ular bilan maternatik o'yin" o'tkazish lozimdir. Masalan matematik tayyorgarlikda didaktik o'yinlardan foydalaniladi, biroq bu o'yinlar, birinchidan, mantiqiy va matematik mazmun bilan boyitilgan bo'lmog'i, ikkinchidan, ular mashg'ulotning o'zida emas, balki undan oldin yoki keyin o'tkazilishi lozim.

Har bir didaktik o'yinda ko'pchilik bolalar yoki butun sinf o'quvchilari ishtirok etadi. Masalan, Doiraviy misollar o'yinida hamma bolalar masala yechadi, “Zanjircha” da 10, “Do'koncha” da 8-12 bola, Narvoncha"da esa qariyb hamma o'quvchilar masala yechadilar. Bundan tashqari, o'yin jarayonida hatto bolalardan ba'zi bir lari ishtirok etmasa ham, ular o'yinda imo-ishoralar vositasida qatnashadilar.

Xulosa o`rnida shuni ta`qidlash joizki, matematik matnli masalalar va ularni yechishga o'rgatish metodikasi hozirda kundan kunga riojlanmoqda va o`z o`rnida o`quvchilarni qiziqtirish uchun malakali o`qtuvchilar tomonidan ilmi amaliy ishlar va didaktik o`yinlar dars davomida olib borilmoqda. Shuningdek, boshlang`ich sinf matematika darslarida masalalar yechishda o’quvchilarda hisoblash malakalarini o’stirish orqali matnli masalalar yechishdagi qo’llaniladigan pedagogik texnologiyalardan foydalanish maqsadida masalalar to’plamlari, multimedia va grafik vositalarni tayyorlash yo`lga qo`yilsa boshlang`ich matematik ta`lim samaradorliugini oshirishda ijobiy natijalar beradi.

---

[149] Boshlang’ich sinf matematika darslarida o’quvchilarni mantiqiy masalalar yechishni o’rgatish https://cyberleninka.ru/article/

# YOSHLARNI KREATIV TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHNING PEDOGOGIK JIHATLARI

**Xo'janova Tamara Jo'raevna – Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) -E-mail: txojanova@gmail.com**
**Mobil telefon: 90-996-06-20**

*Ushbu maqolada O`zbekiston respublikasida pedogoglar salohiyatini rivojlantirish uchun olib borilyatgan ishlar jaroyoni o`rganilib o`quvchilar kreativ tafakkurni shakllantirish muammosi, uning rivojini nazariy amaliy asoslari va mazmuni yoritilgan. Shuningdek, maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarida kreativlik salohiyatini rivojlantirish metodlari haqida fikr yuritilgan.*

***Kalit so`zlar:*** *o`quvchi, pedagog, ta`lim, kreativlik.*

Butun dunyo tajribasidan ma`lumki ta'lim taraqqiyotining jadal suratlarda rivojlanishi avvalambor ta'lim jarayoniga innovatsion va kreativ yondashish lozimligini taqozo etadi. Hozirda jahonda har qaysi jamiyatning rivojlanishi va yo'nalishini begilab beruvchi innovatsion-kreativ ijodkorlik ta'siri ostida yuz berib, inson faoliyatining har bir sohasida ijodkorlikka bo'lgan ehtiyojning ortishi bilan ifadalanadi. Ta`lim sohasida ko`plab xorijiy ilg`or davlatlarda kreativ tafakkurni pedogogikada qo`llashadi. Jumladan AQSH, Kanada, Germaniya, Rossiya, Yaponiya, Koreya kabi davlatlarda o'qitish jarayonlari innovatsion-kreativ yondashuv asosida amalga oshirilmoqda.

Shu o`rinda ta`qidlash joizki, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. M. Mirziyoyev 2019-yil 23-avgustda xalq ta'limi, oliy ta'lim xodimlari bilan bo'lgan muloqotda uzluksiz ta'lim tizimida olib borilishi kerak bo'lgan dolzarb vazifalar haqida fikr yuritib, "… bugungi kunda ta'lim muassasalarida faoliyat olib borayotgan o'qituvchilarning obro'sini ko'tarish, shu bilan bir qatorda bugun o'qituvchilarning o'zlari ham ta'lim-tarbiya jarayoniga yangicha ijodiy yondashishi lozim"[150], - degan bir qator fikrlarni bildirib o'tdi.

Yoshlarda kreativ salohiyatni rivojlantirish jarayonining umumiy mohiyatini to'laqonli anglash uchun dastlab "kreativlik", "kreativ yondashuv" tushunchalarining ma'nosini tushunib olish talab etiladi. Ta`lim sahosida rivojlangan mamlakat olimlari fikriga ko`ra, "kreativlik – o'z qiymatiga ega original g'oyalar majmui" sanaladi va "kreativlik – shaxs tomonidan amalga

[150] Prezident ta'lim masalalariga bag'ishlangan videoselektor https://kun.uz/uz/news/2019/08/23/maktablar-uchun-mablagni-ayamaymiz-prezident-talim-masalalariga-bagishlangan-videoselektor-otkazdi

oshiriladigan amaliy harakat bo’lib, u o’zida muayyan yangilikni aks ettirishi va ma’lum amaliy qiymatga ega bo’lishi lozim”[151].

Kreativlik (“creative” yaratuvchi, ijodkor) – shaxsning yangi g’oyalarni ishlab chiqishga tayyorligini tavsiflovchi hamda mustaqil omil sifatida iqtidorlilikning tarkibiga kiruvchi ijodiy qobiliyati ma’nosini ifodalaydi. Shaxsning kreativligi uning tafakkurida, muloqotida, his-tuyg’ularida, muayyan faoliyat turlarida namoyon bo’ladi. Kreativlik shaxsni yaxlit holda yoki uning muayyan xususiyatlarini, zehni o’tkirlikni tavsiflaydi.

Yoshlarning kreativlik sifatlariga ega bo’lishi ularning shaxsiy qobiliyatlari, tabiiy va ijtimoiy quvvatini ta`limdagi faoliyatni sifatli, samarali tashkil etishga yo’naltiradi. Shuningdek, o’quv jarayonini tashkil etishda yangi g’oyalarni yaratish, bir qolipda fikrlamaslik, o’ziga xoslik, tashabbuskorlik, yordam beradi. Binobarin, kreativlik sifatlariga ega pedagog kasbiy faoliyatini tashkil etishda ijodiy yondashish, yangi, ilg’or, o’quvchilarning o’quv faoliyatini, shaxsiy sifatlarini rivojlantirishga xizmat qiladigan g’oyalarni yaratishda faollik ko’rsatish, ilg’or pedagogik yutuq va tajribalarni mustaqil o’rganish, shuningdek, hamkasblar bilan pedagogik yutuqlar xususida doimiy, izchil fikr almashish tajribasiga ega bo’lishga e’tibor qaratadi.

Ayni o’rinda shuni alohida qayd etib o’tish joizki, har bir shaxs tabiatan kreativlik qobiliyatiga ega. Bu o’rinda Patti Drapeau shunday maslahat beradi: “Agarda o’zingizni kreativ emasman deb hisoblasangiz, hozirdanoq kreativ tafakkurni rivojlantirishga qaratilgan mashg’ulotlarni tashkil eta boshlashingizni maslahat beraman. Aslida, gap sizning ijodkor bo’lganingiz yoki bo’lmaganingizda emas, balki ijodkorlik faoliyatni kreativlik ruhida tashkil etishingiz va yangi g’oyalarni amalda sinashga intilishingizdadir”[152].

Har tomonlama fikrlash o’qituvchilardan o’quv topshirig’i, masalasi va vazifalarini bajarishda ko’plab g’oyalarga tayanishni talab etadi. Bundan farqli ravishda bir tomonlama fikrlash esa birgina to’g’ri g’oyaga asoslanishni ifodalaydi. Mushohada yuritishda muammo yuzasidan bir va ko’p tomonlama fikrlashdan birini inkor etib bo’lmaydi. Binobarin, bir va har tomonlama fikrlash kreativlikni shakllantirishda birdek ahamiyat kasb etadi. Ya’ni, topshiriqni bajarish, masalani yechishda shaxs yechimning bir necha variantini izlaydi (ko’p tomonlama fikrlash), keyin esa eng maqbul natijani kafolatlovchi birgina to’g’ri yechimda to’xtaladi. Shaxsning kreativligi uning tafakkurida, muloqotida, his-tuyg’ularida, muayyan faoliyat turlarida namoyon bo’ladi. Kreativlik shaxsni yaxlit holda yoki uning muayyan xususiyatlarini tavsiflaydi. Kreativlik iqtidorning muhim omili sifatida ham aks etadi. Qolaversa, kreativlik zehni o’tkirlikni belgilab beradi,

[151] Vishnyakova, N. F. Kreativ akmeologiya. Oliy ta'lim psixologiyasi / N. F. Vishnyakova. - M: 2007. - 300 bet.
[152]Drapeau Potti. Talabalar ijodkorligini uyg'otish (targ'ib qilishning amaliy usullari innovatsion fikrlash va muammolarni hal qilish). - Virjiniya, AQSh: ASCD, 2014-yil. 260 bet.

“o’quvchilar e’tiborini ta’lim jarayoniga faol jalb etishni ta’minlaydi”. Shu bilan bir qatorda kreativlik masalasini ilmiy tushunishda turli fikrlarning mavjudligi, yaxlit xulosaga kelinmaganligi tadqiqot mavzusi dolzarbligining yana bir ko’rinishi hisoblanadi.

Kreativ salohiyat – bu shaxsni rivojlantiruvchi kategoriya sifatida inson ma’naviyatining ajralmas qismi bo’lib, shaxsni o’z-o’zini rivojlantirish omili, shaxsiy jonbozlikning asosi, shaxs ega bo’lgan bilimlarning ko’p qirrali ekanligida emas, balki yangi g’oyalarga intilishida va o’rnatilgan stereotiplarni yangilik yaratish jarayonini isloh qilish va o’zgartirishda, hayotiy muammolarni yechish jarayonida kutilmagan va noodatiy qarorlar chiqarishda namoyon bo’ladi.

Yoshlarda kreativ tafakkurini rivojlantirishning pedogogik jihatlari quyidagi yo’nalishlar bo’yicha harakat qilishni talab qiladi: 1) O’qituvchilarning ijodiy fikrlash ko’nikmalarini namoyish etishi va erkin faoliyat yuritishi uchun zarur shart-sharoitni yaratish; 2) Talaba-yoshlar tomonidan o’quv fanlarini qiziqish bilan o’zlashtirishiga rag’batlantiruvchi strategiyani joriy etish; 3) Innovatsion yondashuv va pedagogik masala (muammolarning yechimi)ni topishda ijodiy yondashuvning ustivorligini ta’minlash; 4) Belgilangan ta’limiy-tarbiyaviy vazifalarni to’laqonli bajarish orqali kutiladigan natijaga erishish.

Xulosa sifatida ta`kidlash joizki bugungi kunda yoshlarining ijodkor va kreativ bo’lishi yoki bo’lmasligi emas, balki ularning kasbiy faoliyatini ijodkorlik, kreativlik ruhida tashkil etishi, yangi g’oyalarni ta’lim jarayonida sinab ko’rishi maqsadga muvofiq bo`ladi.

## O‘QUVCHI-YOSHLARNI VATANPARVARLIK VA INSONPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHNING DOLZARB MUAMMOLARI

**Xolbekova Dilbar To‘raevna – Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri**

*Maqolada o‘quvchi-yoshlarni vatanparvarlik va insonparvarlik ruhida tarbiyalashning dolzarb muammolari ilmiy jihatdan o‘rganilgan. Insonparvarlik kishilarning bir-biriga hurmatida, qadr-qimmatida, mehr-shafqatida, diyonatda, o‘zaro ko‘maklashuvda, hamdardlikda, boshqalar qayg‘usiga sherik bo‘lib, quvonchidan va baxtidan sevinishda, xalq baxti va yutuqlaridan faxrlanishda ko‘rinadi.*

***Kalit so'zlar:*** *vatanparvarlik, insonparvarlik, qadr-qimmat, mehr-shafqat, hamdarlik, millatlaaro totuvlik, diniy bag'rikenglik.*

Vatanparvarlik tushunchasi insonparvarlik tushunchasi bilan uyg'undir. Vatanparvarlik uchun intilish, vatanparvarlik uchun kurashning zaminida insonparvarlik yotadi. Insonparvarlik bu o'zbek xalqi milliy ruhiyatining ajralmas fazilatidir. U purma'no va sermazmun tushunchadir. Insonparvarlik o'zbek xalqining ajralmas xislati tarzida ko'zga tashlanadi. Qur'oni Karim insonparvarlik g'oyalari asosiga qurilgan. Muhammad alayhissalom hadislari shu g'oyalarga boy hikmatlar majmuasi sanaladi.

Vatan ravnaqi g'oyasi mazmunini har bir kishining manfaatlarini yurt manfaatlari bilan uyg'unlashtiruvchi, uni xalq baxt-saodati yo'lida xizmat qilishga undovchi bunyodkor g'oyadir. U milliy istiqlolning oliy maqsadi - O'zbekistonda yashayotgan barcha fuqarolarning el-yurt kamoli bilan bog'liq orzu-umidlarini amalga oshirishni ifodalaydi. Vatan g'oyasini amalga oshirishda: 1) ijtimoiy barqarorlik, millatlararo totuvlik, diniy bag'rikenglik, mahallaning mavqeini oshirish, aholini ijtimoiy himoyalash tamoyillari muhim hisoblanadi; 2) hayotda demokratik tamoyillarning ustuvorligi, muqobil partiyalar, jamiyatni erkinlashtirish, davlatning islohotchilik funksiyasi, aholi siyosiy ongi va madaniyatini oshirish zarur; 3) mulkchilikni shakllantirish, kichik va o'rta biznesni, tadbirkorlikni rivojlantirish kerak; 4) intellektual salohiyatni ko'tarish; 5) qonun ustuvorligiga erishish, huquqiy demokratik jamiyat qurish kabilar kiradi.

Xalq og'zaki ijodida mifologik obrazlar bilan birga afsonaviy qahramonlar obrazi ham yuzaga kelgan. Bu qahramonlar kishilarning osoyishtaligi va baxt-saodati uchun kurashib, fidokorlik ko'rsatadilar. Chunonchi, Gershasp va Elikbek haqidagi afsonalarda ajdar va jinlarni enggan, o'limdan qo'rqmas, mard, bahodir, kishilarni halokatdan qutqaruvchi qahramonlar obrazlari tasvirlangan.

Qadim O'rta Osiyo aholisi yaratgan og'zaki adabiyot yodgorliklari orasida qahramonlik eposi katta va muhim o'rin tutadi. Ularda xalqimizning chet el bosqinchilariga qarshi vatanparvarlik kurashi asosiy o'rinni egallagan. Chunonchi To'maris, SHiroq, Zarina, Rustam, Siyovush haqidagi xalq og'zaki eposlarida vatanparvar va fidokor bahodirlarning monumental obrazlari yaratilgan[1].

«To'maris» eposida O'rta Osiyo aholisining chet el bosqinchilariga, xususan eramizdan avvalgi VI asrda bu o'lkaga bostirib kirgan eron ahmoniylari shohi Kirga qarshi massaget qabilalarining qahramonona kurashi aks etgan. Kir qo'shini

[1] Imomnazarov M. Milliy ma'naviyatimiz asoslari. – Toshkent, 2006, 69-bet.

tor-mor etilib, uning o‘zi e.a. 529 yilda jang maydonida o‘ldiriladi, kallasi tanasidan judo etilib, qon bilan to‘ldirilgan meshga solinadi.

«Shiroq» eposi ham O‘rta Osiyo xalqlarining chet el bosqinchilariga qarshi qahramononа kurashini aks ettiradi. Vatanparvarlik va jasorat, vatan va o‘z xalqi baxti-saodati yo‘lida fidoyilik qilishga shay, tayyor turish kabi yuksak ma’naviylik sak qabilasining cho‘poni Shiroq timsolida gavdalangan.

Markaziy Osiyoda ma’naviyat bilan birga ma’rifat ham rivojlangan. O‘zbek xalqining turmush tarzi, mehnat faoliyati, o‘zaro munosabatlari, hamkorlik, hamdardlik, vafodorlik, bir-biriga suyanishi, yaxshi qo‘shnichilik, bolajonlik, ota-onaning bolaga, bolaning ota-onaga hurmati, sadoqati kabi qadriyatlari insonparvarlik g‘oyalari bilan sug‘orilgan. O‘zbek xalqi bir umr mehr-shafqatli bo‘lgan, barchaga yordam qo‘lini cho‘zgan. O‘zbek xalqi o‘zining insonparvarligini fashizmga qarshi kurash yillari etim bolalarning boshini silab o‘z tarbiyasiga olib yorqin namoyon etdi.

O‘zbek xalqi doimo umuminsoniyat dardini kuylab kelgan. Al-Xorazmiy, al-Beruniy, Ibn Sino, az-Zamahshariy, Pahlavon Mahmud, Alisher Navoiy, Ogahiy asarlaridagi g‘oyalar - insonparvarlik ruhi bilan ajralib turadi. Xususan, Navoiy ijodida insonparvarlik alohida ahamiyat kasb etadi. Uningcha, vatanga, xalqqa sadoqat eng avval uning taqdiri ustida g‘amxo‘rlikdan iboratdir.

Insonparvarlikning ko‘rinishlaridan biri bu insonni ulug‘lashdir. Inson tabiatning gultoji. U har qancha maqtovga loyiq zot sanaladi. Bu haqda Qur’on va hadislarda, mutafakkirlar ijodida ajoyib, ibratli fikrlar aytilgan. Biz bu o‘rinda «SHarq Gegeli» degan sharafli nomga sazovor bo‘lgan faylasuf shoir, mutafakkir Mirzo Abdulqodir Bedil so‘zlarini keltirish bilan cheklanamiz. Bedil insonni irqiy, milliy, diniy e’tiqodlaridan qat’iy nazar hurmat va ehtiromga sazovor zot deb biladi va bu haqda shunday deydi: «Har kimki, hazrati insonni sajdaga sazovor demasa, u mal’undir». Qanday ajoyib fikr! Ushbu fikr har qanday davr uchun ham adolatli, ardoqli va olijanobdir.

Vatan tushunchasining qamrovi turli tarixiy davrlarda turlicha bo‘lgan, hududi ham hajman o‘zgarib turgan: goho toraygan, goho kengaygan, lekin bu o‘zgarishlar nisbiydir[2]. Ma’lumki, Odam – Er farzandi. Uni Xalloqi a’zam tuproqdan yaratmishdir.

Har bir odam, yaxlit olganda butun xalq, o‘z Vatanini chuqur bilsa, teran tomirlari qaerlarga borib etishi va tutashganini yaxshi anglasa, bugunini teranroq his etadiva qadriga etadi, kelajagini yorqin ko‘ra bildi. Vatan bu uy-joy, bola-chaqa. Boshqalarga esa to‘kin sochin yashash uchun qulay joy, undaylar uchun

[2] Ibrohimov A., Sultonov X., Jo‘raev N. Vatan tuyg‘usi. – Toshkent, O‘zbekiston, 1996, 140-bet.

qaerda yashash oson bo‘lsa, o‘sha er Vatan. Butun Er yuzini Vatanim deb bilguvchi kimsalar ham bor, albatta. Ularni odatda kosmopolitlar deb ataydilar. Oddiy xalq tili bilan aytsak, ularni bevatanlar ham deyish mumkin.

Insoniyatning ko‘p ming yillik tarixi mobaynida oila, oilaviy munosabatlar juda katta taraqqiyot yo‘lini bosib o‘tdi. Turli davrlar bularga o‘z ta’sirini o‘tkazdi. Mohiyati bir bo‘lsa-da, turli xalqlarda oilaviy munosabatlar turli xil shakllarda namoyon bo‘ldi. O‘zbek oilalarida uch-to‘rt, hatto besh avlod vakillari (ya’ni, bobo-buvilar, ota-onalar, farzandlar, nevaralar va chevarlar) o‘zaro ahillikda, bahamjihat umr kechiradilar. Har bir bo‘g‘inning o‘z burchi va mas’uliyati, o‘z erki va mavqei bor. Kattalarni hurmat qilishdek milliy qadriyat, ba’zan yoshi va ilmi ulug‘lar qolib, mansab va lavozimi yuqorilarga qulliq qilish kabi holatlarni e’tirof etmaydi. Ayni paytda, xalq tomonidan ko‘rsatiladigan yuksak ehtirom keksalarga ham katta mas’uliyat yuklaydi.

Vatan hissi – muqaddas tuyg‘u. Vatan hissi – shu Vatanning egasi bo‘lmish xalqni bilishdan, uning qadriga etishdan, nimalarga qodir bo‘lganini tan olishdan, buyukligini e’tirof etishdan boshlanadi. Hozirgi o‘zbek vatanparvarligi xalqimiz taraqqiyotini olg‘a siljitadigan ota-bobolarimiz yaratuvchanlik ishining bevosita davomidir. Biz o‘z Vatanimizni sevamiz, u biz uchun bamisoli nafas olayotganimiz musaffo havo kabidir.

O‘zbekistondagi yoshlar ongida ma’naviy bo‘shliq vujudga kelmasligi uchun ularning qalbi va ongida sog‘lom hayot tarzi, milliy va umummilliy qadriyatlarga hurmat-ehtirom tuyg‘usini bolalik paytidan boshlab shakllantirishimiz zarur.

Shuni unutmaslik kerakki, bugungi kunda inson ma’naviyatiga qarshi yo‘naltirilgan, bir qarashda arzimas bo‘lib tuyuladigan kichkina xabar ham axborot olamidagi globallashuv shiddatidan kuch olib, ko‘zga ko‘rinmaydigan, lekin zararini hech narsa bilan qoplab bo‘lmaydigan ulkan ziyon etkazishi mumkin. SHu nuqtai nazardan Ushbu mavzuni har tomonlama o‘rganish eng dolzarb muammolardan biridir.

Xulosa sifatida aytish joizki, o‘zbek milliy qadriyatlari inson va millat hayotining barcha jabhalarida namoyon bo‘ladi. Milliy tabiatimizga xos bo‘lgan mehr-oqibat, muruvvat, andisha, or-nomus, sharmu-hayo, ibo-iffat kabi betakror fazilatlar, xalqimizni ko‘p jihatdan ajratib turadigan bag‘rikenglik, mehmondo‘stlik, oqko‘ngillilik xususiyatlarini tavsiflash orqali ularni butun qadriyat darajasida o‘ringa ega ekanligini unutmaslik lozim.

# ZAMONAVIY BOSHLANGICH TA’LIM MUAMMOLARI

**Jumayeva Nargiza-Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri**

Annotatsiya: maqolada ta'lim mazmuni va jarayonining rivojlanishi bilan bog'liq salbiy tendentsiyalar tahlil qilinadi. Mahalliy ta'limda sezilarli o'zgarishlarning kelib chiqishi kuzatiladi. Boshlang‘ich maktabni modernizatsiya qilish ta’lim muassasalari faoliyatida ilg‘or pedagogik an’analarni avaylab saqlash bilan birga innovatsion yo‘nalishlarni amalga oshirishni nazarda tutadi

Kalit so'zlar: ta'lim, boshlang'ich ta’lim, o’quvchi shaxsiyati, o’quvchi qiziqishlari.

Boshlang‘ich maktab hozirda chuqur o‘zgarishlarni boshdan kechirmoqda. Milliy loyihalarni amalga oshirish orqali ta'limga sarmoya kiritish jarayoni amalga oshirilmoqda, yangi ta'lim standartlari joriy etilmoqda va kichik maktab o'quvchilarining xalqaro qiyosiy tadqiqotlardagi ishtiroki natijalari tahlil qilinmoqda (o'quv jarayonini qurish uchun ta'limni rivojlantirishning global tendentsiyalarini hisobga olgan holda, boshqa tomondan, ta'limning birinchi bosqichiga ta'lim sifatini oshirishda o'ziga xos tormoz bo'lib xizmat qiluvchi, o'tmishdagi qarama-qarshiliklarni kuchaytiruvchi va hozirgi holatni muammolilashtiruvchi salbiy holatlar ta'sir ko'rsatadi. Bunday muammolarning bir qatori iqtisodiy xarakterga ega: o'qituvchilarning past maoshi, o'quvchilar uchun o'quv to'plamlarining yuqori narxi, eskirgan maktab binolari va boshqalar. Boshqa muammolar o'qituvchilarning o'zgaruvchan ta'lim holatiga moslasha olmasliklari bilan bog'liq bo'lib, bugungi kunda yuqori darajadagi o'zgaruvchanlik va ko'pincha noaniqlik mavjud.

Zamonaviy boshlang'ich ta’lim muammolarini shartli ravishda tashqi va ichki qismlarga bo'lish mumkin.

Tashqi muammolar - bu boshlang'ich maktabning mavjudligi va rivojlanishiga ko'proq bosim o'tkazadigan ijtimoiy-iqtisodiy omillar tufayli ma'lum bir davr muammolari. Ular orasida quyidagilar mavjud:

- ijtimoiy-siyosiy o‘zgarishlar;

- iqtisodiy va ekologik inqirozlar va buning natijasida bolalar salomatligining yomonlashishi va ta'lim xarajatlarining kamayishi;

- demografik o'zgarishlar (tug'ilish darajasining pasayishi, migratsiya, demografik bum), bu esa ilgari tashkil etilgan ko'p millatli va ko'p madaniyatli muhit va jamiyat tuzilishining o'zgarishiga olib keldi;

- ijtimoiy institut sifatida oiladagi inqiroz va o'zgarishlar, bu bolalar va kattalar o'rtasidagi muloqotning etishmasligiga olib keldi;

Bugungi kunda, ta'lim darajalari o'rtasida uzviylikning yo'qligi. Mavjud ta'lim mazmuni modelining kamchiliklari haqida gapirganda, boshlang'ich ta'limdagi mavjud vaziyatni yaxshilashga qaratilgan o'quv-uslubiy to'plamlarni (O'TM) ishlab chiquvchilarning urinishlarini e'tiborsiz qoldirib bo'lmaydi. Bu, birinchi navbatda, "bolalar bog'chasi" - "boshlang'ich maktab" bosqichlari chegaralarida ta'limning uzluksizligi va izchilligini ta'minlash istagi ham bor. Bir qator ta'lim modellari doirasida ("Maktab 2100", "Istiqbolli boshlang'ich maktab", "XXI asr boshlang'ich maktabi") ushbu bosqichlarni yagona tashkil etishni ta'minlash maqsadida, yaxlit tizim doirasida, har tomonlama katta maktabgacha yoshdagi bolalar uchun birinchi bosqichda o'qishga tayyorlash dasturlari yaratilmoqda. Bugungi kunda maktabgacha ta'lim dasturlari maktabgacha ta'lim muassasalari va bolalar bog'chasiga bormaydigan bolalar uchun qo'shimcha ta'lim muassasalari negizida faol foydalanilmoqda. Ta'limning uzluksizligi va izchilligini amalga oshirish "boshlang'ich maktab" - "o'rta maktab" bosqichlarida ham o'z amalga oshirilishini topadi. Boshlang'ich ta'limning ayrim ta'lim modellari ("Maktab 2100", "Garmoniya") umumta'lim maktablari uchun o'quv-uslubiy to'plamlarni ishlab chiqishda davom etmoqda. Shu bilan birga, shuni ta'kidlash kerakki, umuman olganda, mualliflar ta'limning birinchi bosqichi uchun o'quv-uslubiy materiallarni ishlab chiqish bilan cheklanadi. Ta'limning uzluksizligi va izchilligini amalga oshirish "boshlang'ich maktab" - "o'rta maktab" bosqichlarida ham o'z amalga oshirilishini topadi. Boshlang'ich ta'limning ayrim ta'lim modellari ("Maktab 2100", "Garmoniya") umumta'lim maktablari uchun o'quv-uslubiy to'plamlarni ishlab chiqishda davom etmoqda. Shu bilan birga, shuni ta'kidlash kerakki, umuman olganda, mualliflar ta'limning birinchi bosqichi uchun o'quv-uslubiy materiallarni ishlab chiqish bilan cheklanadi. Ta'limning uzluksizligi va izchilligini amalga oshirish "boshlang'ich maktab" - "o'rta maktab" bosqichlarida ham o'z amalga oshirilishini topadi. Boshlang'ich ta'limning ayrim ta'lim modellari ("Maktab 2100", "Garmoniya") umumta'lim maktablari uchun o'quv-uslubiy to'plamlarni ishlab chiqishda davom etmoqda. Shu bilan birga, shuni ta'kidlash kerakki, umuman olganda, mualliflar faqat ta'limning birinchi bosqichi uchun o'quv materiallarini ishlab chiqish bilan cheklanadi.

Shunday qilib, standartni joriy etish bilan bog'liq vaziyat uni ishlab chiqish darajasida ham, boshlang'ich maktabning ommaviy amaliyotiga joriy etish

darajasida ham juda muammoli hisoblanadi. Hozirgacha standartning ko'plab qoidalari qayta ko'rib chiqilmoqda, hujjat matniga o'zgartirishlar kiritilmoqda.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Radchenko A.F. Oila va ota-ona davlat barqarorligining asosi sifatida // Pedagogika, 2012.

2. Imomichi T. Axloqiy inqiroz va metatexnik muammolar // Falsafa savollari, 1995 yil.

3. Feldshteyn D.I. O'zgaruvchan dunyoda o'zgaruvchan bola: yangi maktabning psixologik va pedagogik muammolari // Ta'lim siyosati, 2010 yil.

# BOSHLANGANCHI SINFLARDA NUTQ MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHNING AYRIM DOZARB MASALALARI

**Qurbanova Umida-Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri**

**Annotatsiya**

Ushbu maqolada rus tilining ijtimoiy hayotdagi ahamiyati va uning ma'naviy rivojlanishi tahlil qilinadi. Og'zaki nutq, madaniyat, til, adabiy me'yor kabi tushunchalar va ularning nutqning to'g'riligiga oid ishlardagi ahamiyati ko'rib chiqildi. O`quvchilarda nutq madaniyatini o`rgatish maktab oldidagi asosiy vazifalardan biridir. Nutq madaniyati nutqni rivojlantirish bo'yicha ishlarning umumiy tizimidagi tendentsiyalardan biridir.

**Tayanch so`zlar:** nutq, madaniyat, til, adabiy til normalari, og`zaki nutq, ifodali o`qish.

Til yordamida inson o‘z xalqining o‘tmishdagi va hozirgi hayotidagi o‘rnini anglaydi, madaniy merosiga, jamiyat, millat ma’naviy taraqqiyotining zamonaviy jarayonlariga qo‘shiladi. Bizning zamonamizda rus tilining ahamiyati juda katta. Rus tili ham jahon tillari doirasiga kirib, xalqaro aloqa vositasi sifatida mustahkamlangan. Bu ijtimoiy funktsiyalar butun tarixiy taraqqiyot yo'li bilan tayyorlangan. Mamlakatimizda rus tilini o'rganish va ilmiy jihatdan normallashtirish, og'zaki va yozma nutq madaniyatini yuksaltirish, sinfda lingvistik bilimlarni targ'ib qilish vazifalari ayniqsa keng qo'yilishi tabiiydir.

Biz maktabda sinfda ham, bir-birimiz bilan muloqotda ham, gazeta-jurnal sahifalarida nutq madaniyati talablari, adabiy til me’yorlariga rioya qilish kabi masalalarga doimo duch kelamiz, tilga oid bahs-munozaralarni ko‘p eshitamiz. Biri uchun nutqda "g'ayrioddiy" va "yangi" bo'lgan narsa boshqasi uchun yagona mumkin bo'lishi mumkin va hokazo. Nizoda kim hakamlik qiladi? Kimning tajribasi va bilimi o‘ziga ishonch uyg‘otsa, kim lug‘at va ma’lumotnomalarga, ilm-fan va til ma’lumotlariga murojaat qiladi.

Albatta, olim sifatida nutq madaniyatini egallashga intilayotgan shaxs “maxsus” tilshunoslik fanlari asoslarini: fonetika, morfologiya, sintaksis, leksikologiya va boshqalarni batafsil bilishi shart emas. Ammo umumiy til fanida bir qator muammolar mavjudki, ular, albatta, eng keng odamlar doirasiga tanish bo'lishi kerak.

Til fanining asoslari, uning asosiy qoidalari bilan tanishmagunimizcha, biz o'zimizning nutq madaniyatimiz va suhbatdoshlarimiz (talabalar) nutq madaniyati haqida chuqur va jiddiy (va eng muhimi, to'g'ri) baholay olmaymiz. .

Nutq til mavjudligining shakli, uning gavdalanishi, amalga oshishi. Nutq deganda odamning hayotiy vaziyatlarda til boyliklaridan foydalanishi, fikrni til orqali shakllantirish va etkazish jarayonining natijasi tushuniladi. Alohida ma'ruzachining nutqi talaffuz, lug'at, jumla tuzilishi xususiyatlariga ega. Shunday qilib, nutq konkret va individualdir.

Zamonaviy tilshunoslikda inson nutq madaniyatining ikki darajasi ajralib turadi - quyi va yuqori. Pastki bosqich uchun adabiy tilni o'zlashtirishning birinchi bosqichi uchun nutqning to'g'riligi, rus adabiy tilining me'yorlariga rioya qilish etarli. Leksik, orfoepik (fonetik), grammatik - so'z yasash, morfologik, sintaktik me'yorlar mavjud. Leksik me'yorlar tushuntirish lug'atlarida so'zlarning ma'nosi va ularning boshqa so'zlar bilan mos kelishini talqin qilish shaklida mustahkamlangan, qolgan normalar adabiy til grammatikasi bo'yicha qo'llanmalarda, maxsus ma'lumot lug'atlarida ochib berilgan.

Agar kishi talaffuzda, so`z shakllarini qo`llashda, ularni tuzishda, gap tuzishda xatoga yo`l qo`ymasa, uning nutqini to`g`ri deb ataymiz. Biroq, bu etarli emas. Nutq to'g'ri, lekin yomon bo'lishi mumkin, ya'ni muloqotning maqsadlari va shartlariga mos kelmaydi. Yaxshi nutq tushunchasi boylik, aniqlik va ifodalilikning kamida uchta xususiyatini o'z ichiga oladi.

Boy nutqning ko'rsatkichlari faol lug'atning katta hajmi, turli xil morfologik shakllar va sintaktik konstruktsiyalardir. Nutqning to'g'riligi - bu bayonotning mazmunini eng yaxshi ifodalaydigan, uning mavzusi va asosiy g'oyasini ochib

beradigan shunday til vositalarini tanlash. Ekspressivlik muloqot sharoitlari va vazifalariga eng mos keladigan til vositalarini tanlash orqali yaratiladi.

Kishi to`g`ri va yaxshi nutqqa ega bo`lsa, nutq madaniyatining eng yuqori darajasiga erishadi. Bu shuni anglatadiki, u nafaqat xatoga yo'l qo'ymaydi, balki aloqa maqsadiga muvofiq bayonotlarni qanday qilib eng yaxshi tarzda qurishni biladi, har bir holatda kim va qanday sharoitda ekanligini hisobga olgan holda eng mos so'z va konstruktsiyalarni tanlaydi. murojaat qilmoqda.

Nutq madaniyatining yuqori darajasi madaniyatli shaxsning ajralmas xususiyatidir. Nutqimizni yaxshilash har birimizning vazifamizdir. Buning uchun talaffuzda, so'z shakllarini qo'llashda, gapni qurishda xatolarga yo'l qo'ymaslik uchun nutqingizni kuzatib borishingiz kerak. Siz doimo so'z boyligingizni boyitib turishingiz, suhbatdoshingizni his qilishni o'rganishingiz, har bir holat uchun eng mos so'z va konstruktsiyalarni tanlay olishingiz kerak.

O`quvchilarning nutq madaniyati malakalarini tarbiyalash maktab oldida turgan jiddiy vazifalardan biridir. Yuqorida ta’kidlanganidek, ko‘plab jurnal va gazetalarda “so‘zlash qobiliyati” masalasiga maqolalar bag‘ishlangan. Biroq, tan olish mumkin emaski, nutq madaniyati ko'nikmalarini o'stirish empirik tarzda, har bir holatda, hozirgacha zarur mashqlar tizimi ishlab chiqilmagan, bu ish uchun hali ham zarur qo'llanmalar mavjud emas.

Talabalarning nutqi esa ko'pincha bir-biriga mos kelmaydigan, mantiqiy jihatdan mos kelmaydigan, ko'plab uslubiy xatolarni o'z ichiga oladi va, qoida tariqasida, ifodasizdir.

Og'zaki nutq madaniyatini tarbiyalash nutqni rivojlantirish bo'yicha olib boriladigan umumiy ishlar tizimidagi yo'nalishlardan biridir. U kuzatish va tahlil qilish usullari yordamida amalga oshiriladi. Talabalar tomonidan to'g'ri adabiy talaffuzni o'zlashtirish murakkab va uzoq davom etadigan jarayondir. Tinglash va eshitish qobiliyati, nutqini yaxshilash istagi katta ahamiyatga ega. Bu pozitsiya psixologik tadqiqotlarda tasdiqlangan.

Xuddi shunday samarali vosita - bu sinfda va sinfdan tashqarida talabalar bilan individual ishlash. Shu maqsadda o‘qituvchi shevadagi nuqsonlarni qayd etadi, masalan, unli tovush qisqarishi (o‘ylaydi, o‘ylaydi). Ko'pincha morfologik nuqsonga ham yo'l qo'yiladi: fe'llarning 3-shaxsi ko'rinishidagi yumshoq tugatish (o'ylab ko'ring, de-bark). Har bir holatda o'qituvchi maxsus topshiriq beradi. Demak, ikki bo‘g‘inga bog‘liq unlilarni siqilish odatiga yo‘l qo‘ymaslik uchun o‘quvchilar shu qolip bo‘yicha bo‘g‘inlarni alohida talaffuz qilishni mashq qiladilar: o‘ylaydi, o‘qiydi, tinglaydi. Bu mashqlar 1-sinfda ham, 3-sinfda ham amalga oshiriladi. Axir, bu qanchalik haqoratli bo'lmasin, uchinchi sinf

o'quvchilari bir xil xatolarga yo'l qo'yishadi. Ushbu talaffuz etishmasligini bartaraf etish uchun fe'lning asoslarini tushunish qobiliyatiga yordam beradi, masalan, bilim.

Adabiy talaffuz me'yorlari ko'pincha so'zlarda urg'uni noto'g'ri joylashtirish bilan buziladi. Rus tilida stress boshqacha va mobil. Masalan, himoyalangan - stress uchinchi bo'g'inga, normallashtirilgan - to'rtinchi bo'g'inga tushadi. Normadan har qanday og'ish nutq xatosi hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda, maktab o‘quvchilariga nutqda to‘g‘ri intonatsiya, pauza va mantiqiy urg‘ulardan foydalanishga o‘rgatish, intonatsiyaning o‘zgarishi gap ma’nosining o‘zgarishiga olib kelishiga e’tibor berish kerak. Masalan, istehzoli talaffuzda kechikmading jumlasi o‘zining lug‘at tarkibi va sintaktik aloqasi bilan ifodalagan ma’nosiga qarama-qarshi ma’no kasb etadi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR


1. Барахоева Ж.М., Евлоева Ф.З. Формирование культуры речи у младших школьников на уроках русского языка// <^^ш-ишуегеит» №6.- Назрань: Пилигримм, 2016. - С.59-62
2. Барахоева Ж.М., Ваделова З.Д. Игровое обучение на уроках русского языка в начальной школе// <^^иа-ип^егеит» №6.- Назрань: Пилигримм, 2016. - С.56-59
3. Буржунов Г.Г. Виды звуковой интерференции в русской речи учащихся-дагестанцев - РЯНШ. 1975. № 4. С.30-40


## TALABALAR GURUHINING O'ZI-O'ZI TASHKIL ETISHINING ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARI


**Mirzayeva Baxtiniso-Denov tadbirkorlik va**

**pedagogika instituti 1 kurs magistri**


**Annotatsiya**


Maqola talabalar guruhida jamoani shakllantirish texnologiyasiga bag'ishlangan. Mualliflar “jamoa” atamasini ochib beradilar, ijtimoiy-psixologik tayyorgarlikda uning shakllanish bosqichlarining xususiyatlarini tavsiflaydilar.

Kalit so'zlar: jamoa qurish treningi, evristik usullar, ijodiy fikrlash, faol kognitiv faoliyat, interaktiv o'zaro ta'sir, interaktiv effekt.

Zamonaviy oliy kasbiy ta'lim muassasasida talabalar guruhining o'zini o'zi tashkil etishi samarali jamoa pozitsiyasidan ko'rinishi mumkin. Bunday jamoani qurishning asosiy maqsadi - bu muammoni hal qilishning standart usuli mavjud bo'lmagan sharoitlarda muammolarga turli xil qarashlarga ega bo'lgan odamlar guruhida boshqaruv qarorlarini qanday qabul qilishni o'rganish. Tashkiliy psixologiyada bunday qarorlar tuzilmagan deb ataladi. “Jamoa” va “jamoa qurish” atamalari turli mualliflar tomonidan nisbatan bir xil talqin qilingan. Shunday qilib, M. Armstrong jamoani "bir-birini to'ldiruvchi ko'nikmalarga ega bo'lgan oz sonli odamlar, samaradorlikni oshirish va o'zaro javobgarlikni saqlaydigan yondashuvlarga muvofiq muammolarni birgalikda hal qilish uchun birlashtirilgan odamlar" deb ta'riflaydi. Boshqa tadqiqotchilar Salas I. va Qush R. jamoani maqsadlar, qadriyatlar va qo'shma faoliyatni amalga oshirishda umumiy yondashuvlarga ega bo'lgan va o'zlarining tegishliligi va sheriklarini o'zaro aniqlaydigan bir guruh odamlar (5 dan 20 kishigacha) deb atashadi. guruh. Bundan tashqari, ular jamoa a'zolari bir-birini to'ldiruvchi ko'nikmalarga ega ekanligini, yakuniy natijalar uchun mas'uliyatni o'z zimmalariga olishlarini va har qanday guruh rollarini bajarishga qodirligini ko'rsatadilar ”.

Talabalar hukumati jamoasini tavsiflab, V.V.ning ta'rifini izohlash mumkin. Avdeevning fikriga ko'ra, jamoani universitetda talabalarning o'zini o'zi boshqarish "bir maqsad yo'lida birlashgan, maqsadlarga erishish uchun uyg'un va samarali ishlaydigan bir xil fikrdagilar guruhi".

Shubhasiz, oliy ta’lim muassasasida o‘zini-o‘zi boshqarish organlari faoliyatiga talabalarni tayyorlash jarayoni jamoa tuzish uslubiga asoslanishi kerak. Bu usul strategiyalarga tayanadi. "Talabalar kutilmagan notrivial vaziyatlar bilan shug'ullanadigan tashkiliy muhitni" yaratish, ular quyidagicha belgilanadi: "omon qolish uchun ahamiyatsiz bo'lmagan harakatlar, innovatsion strategiyalar, yangi xatti-harakatlar talab etilganda". Bunday usullarni qo'llash uchun zarur bo'lgan asosiy ko'nikma - bu kommunikativ kompetentsiya, ushbu guruh a'zolari tomonidan hali jamoaga aylanmagan g'oyalarni yaratish uchun turli xil ijodiy texnologiyalarga ega bo'lish. Bunday jamoaning rivojlanishi bilan uni jamoaga aylantirish jarayonida uning har bir a'zosining ijodiy salohiyatidan maksimal darajada foydalanish sodir bo'ladi. Bu, bir tomondan, ushbu guruh doirasida hamkorlikni shakllantiradigan sinergik ta'sirning natijasidir. Ijtimoiy-psixologik trening tushunchasi biz tomonimizdan o'ziga xos o'quv jarayoni, har qanday murakkab faoliyatni o'rganish va o'zlashtirish qobiliyatini rivojlantirish usuli sifatida talqin qilinadi. Talabalar guruhi a'zolari orasidan jamoani shakllantirish har

qanday ijtimoiy-psixologik treningning varianti sifatida mavjud bo'lgan bir qator standart bosqichlarni o'z ichiga oladi.

1-bosqich - "Moslashuv" yoki "Keling, tanishamiz" - ishtirokchilarni tanishtirish va tanishtirishning turli strategiyalari bilan tanishish uchun mo'ljallangan. Talabalar o'zlarini, qiziqishlarini, sevimli mashg'ulotlarini taqdim etadilar, bir-biri haqida, universitetda o'zini o'zi boshqarishning xususiyatlari va an'analari haqida ma'lumot to'plashni o'rganadilar, so'rovnomalar tuzadilar, savollarni shakllantirishni o'rganadilar. Bu bosqichda o‘quvchilar o‘zaro munosabatlar etikasi haqida gapiradilar, jamoada o‘zaro hamkorlik qoidalarini birgalikda ishlab chiqadilar, “faoliyat”, “izlanish, ijodiy pozitsiya”, “obyektivlashtirish, xulq-atvordan xabardorlik”, “sherik muloqoti” tamoyillarini muhokama qiladilar.

2-bosqich - "Guruhlash" yoki "Jamoa bu ..." - bir-biri bilan o'zaro aloqada bo'lishi mumkin bo'lgan yoqtirishlar va qiziqishlar assotsiatsiyasini yaratishni o'z ichiga oladi. Bu bosqich “jamoa” tushunchasi, samarali jamoa belgilari, jamoaviy ish haqidagi tipik noto‘g‘ri tushunchalar va uning shakllanish bosqichlari bilan tanishishga qaratilgan. Bunday ishning natijasi guruhning birlashishi darajasidagi pozitsiyaviy o'zgarishlar, o'z ishidan faxrlanish tuyg'usi paydo bo'ladi.

3-bosqich - "Ratsion faoliyati" yoki "O'zaro munosabatni o'rganish" - guruhda guruhning o'zaro ta'siri tamoyillarini rivojlantirishga yordam beradi. Ushbu bosqich muloqot qobiliyatlarini rivojlantirish va jamoadagi rollarni bilishga qaratilgan. Talabalar jamoaviy o'zaro munosabatlarni ko'rsatishga imkon beruvchi hikoya va rolli o'yinlardan foydalanadilar. Talabalar jamoa haqida yaxlit tasavvurni shakllantiradilar, butun jamoa g'oyasini rivojlantiradilar, rollarni taqsimlash, ularning imkoniyatlarini va jamoani baholash bilan o'zaro bog'liqligini baholash, samarali jamoaviy ishlashga hissa qo'shadigan qulay psixologik muhitni shakllantirish .

4-bosqich – “Jamoa faoliyati” yoki “Aqliy hujum” – talabalarni boshqarish faollarining shaxsiy va jamoaviy xususiyatlarini rivojlantirishga qaratilgan bo‘lib, ular samarali jamoaviy hamkorlikni shakllantirish imkonini beradi. Shuni ta'kidlash kerakki, deb yozadi A.I. Dontsovning fikricha, ijodiy fikrlash uch bosqichdan o'tadi: g'oyalarni shakllantirish, ularni shakllantirish; ushbu fikrlarni baholash va tahlil qilish; muayyan muammo yoki vaziyatni hal qilish uchun g'oyadan foydalanish. Talabalar ijodiy, ijodiy jarayonga kiritiladi - bu ma'lum bir bosqichlar ketma-ketligi bo'lib, ularning soni boshqacha bo'lishi mumkin.

Birgalikda muhokamada bir xil odamlarning shaxsiy ishlariga qaraganda yuqori sifatli g'oyalar paydo bo'ladi. Bu "interaktiv effekt" va "g'oyaning o'zaro

changlanishi", uni birgalikdagi sa'y-harakatlar bilan takomillashtirish, boshqalar tomonidan "o'ylash" tufayli sodir bo'ladi va shu bilan g'oya yanada konstruktiv va amalga oshirish uchun mos bo'ladi. "Aqliy hujum" rejimida ishlashda mashg'ulot qoidalariga qat'iy rioya qilish kerak, masalan, ishtirokchilarni tanishtirish va qoidalar bilan tanishtirish, ularni "generatorlar" va "tahlilchilar" guruhlariga bo'lish uchun taxminan 5-10 vaqt ketadi. daqiqa. Muammoning keyingi bayoni - 10-15 daqiqa; savollarga javoblar - 5-15 daqiqa; g'oyalarni shakllantirish - 15-20 daqiqa; g'oyalarni tahlil qilish - 30-45 daqiqa; g'oyalarning tahrirlangan ro'yxatini tuzish - 30-45 daqiqa.

5-bosqich – “Yakunlash” yoki “Tekshiruv” – o‘quvchilar, masalan, “o‘quvchilarning kommunikativ va tashkiliy moyilliklarini rivojlantirish va jamoani rivojlantirish uzluksiz va ajralmas jarayondir” degan xulosaga keladi. Yoki “samarali jamoalar universitetda talaba aktivini rivojlantirish uchun manba bo‘lib, barcha darajadagi o‘zini-o‘zi tashkil etishga qodir “fuqarolik jamiyati”ni yaratish bo‘yicha ijtimoiy buyurtma bajarilishini ta’minlash imkonini beradi” degan xulosaga kelish mumkin.

Maqolada keltirilgan texnologiyani evristik deb atash mumkin, chunki u g'oyalar, takliflarni izlash jarayonida talabalarning faolligi va intuitiv fikrlashini rag'batlantiradi, to'plangan ma'lumotlarni integratsiyalashuviga yordam beradi va shu asosda qarorlar samaradorligini sezilarli darajada oshiradi. qilingan. Bu usul trening ishtirokchilarining turli idrok usullari, g'oyalari, tafakkurining rivojlanish holatlari bilan tajriba o'tkazish imkonini beradi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**

1. Avdeev V.V. Xodimlarni boshqarish: jamoani shakllantirish texnologiyasi / V.V. Avdeev. -M.: Moliya va statistika, 2002. - 544 b.

2. Dontsov A.I.Guruh - jamoa - jamoa // Zamonaviy dunyoda ijtimoiy psixologiya / A.I. Dontsov. - Moskva: Aspect Press, 2002. - S. 96 - 114.

3. Karyakin A.M. Jamoa ishi: nazariya va amaliyot asoslari / A.M. Karjakin. - Ivanovo: Ivan. davlat energiya un-t, 2003. - 136 b.

## IJTIMOIYLASHUV JARAYONIDA MULOQOT FUNKSIYALARI

**Normurodova Gavhar-Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri**

**Annotatsiya**

Muloqot va ijtimoiylashuv jarayonlarining o'zaro ta'siri falsafiy aks ettirishning zamonaviy darajasi ko'rsatilgan masalalardanbiridir. Ijtimoiylashuvning innovatsion kommunikativ amaliyotlari va sifat jihatidan yangi natijalarini keltirib chiqaradigan ushbu o'zaro bog'liqlikning sub'ektlararo xususiyati ta'kidlangan.

Kalit so'zlar: ijtimoiy aloqa, kommunikativ amaliyot, kommunikativ modellashtirish, sotsializatsiya, sotsializatsiya darajalari, sotsializatsiya predmeti.

XX asrning oxirlarida olib borilgan ko'plab tadqiqotlar tufayli aloqa haqidagi g'oyalar va mulohazalar haqida yetarlicha keng tasavvur yaratilgan. Ammo ustunlik qiladigan nuqtai nazarni har bir bo'lakda inson bilimining ma'lum bir sohasiga xos xususiyatlar mavjud bo'lgan mozaika bilan solishtirish mumkin. Muloqot ijtimoiy hayotning fundamental hodisalaridan biri bo‘lganligi sababli u har tomonlama o‘rganishni talab qiladi va fanning turli sohalarida faoliyat yuritayotgan olimlarning e’tiborini tortadi. Falsafa uslubiy funktsiyani bajarib, aloqa muammosini eng to'liq, chuqur va izchil tahlil qilish va ushbu hodisaning to'liq tasavvurini yaratishga chaqiriladi.

Zamonaviy falsafa yutuqlariga asoslanib, muloqotning genezisi, shakllanish bosqichlari va ijtimoiygacha bo'lgan aloqa darajasining ontologik o'ziga xos xususiyatlarini o'rganish maqsadga muvofiq edi. Ilmiy tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, aloqa evolyutsiyasini tahlil qilish shaxsni shakllantirish va uning ijtimoiylashuvi muammolari kontekstida uning ijtimoiy darajasini o'rganish vazifasini belgilaydi.

Jamiyatning barcha jabhalarida sifatli o'zgarishlar zarurligini anglatuvchi islohot va modernizatsiya maqsadlarini amalga oshiradigan zamonaviy Rossiyada sotsializatsiya jarayonining ayrim jihatlari, ularning ijtimoiy amaliyotda namoyon bo'lishi dolzarb bo'lib, bu jamiyat uchun juda muhimdir. rus jamiyatining ma'naviy va qadriyat-gumanistik tuzilmalari. Shu munosabat bilan, ijtimoiylashuvning kommunikativ jihatini madaniy qadriyatlar va shaxsning xatti-harakatlarini o'zlashtirish jarayoni sifatida o'rganish muhim ko'rinadi. Muloqot evolyutsiyasining ijtimoiy-falsafiy tushunchasi kommunikativ tuzilmalar va insonning sotsializatsiyasini belgilovchi onto- va filogenetik omillarning o'zaro bog'liqligini aniqlash, sub'ektning tarixiy shakllanishi jarayoniga qaratilgan. Ontogenezda (shaxsning dastlabki shakllanish jarayoni) odam kommunikativ munosabatlarga bog'liqlik holatiga tushadi, chunki u aprior mavjud ijtimoiy voqelikning barcha qoidalari va xulq-atvor normalarini o'rganishga majbur bo'ladi. U birinchi navbatda inson munosabatlari yo'naltirilgan ob'ekt sifatida

muloqot jarayonining ishtirokchisiga aylanadi. Unga ega bo'lgan individuallik hali ijtimoiy shaxs emas. Filogenezda (guruh ongining shakllanish jarayoni) individ sub’ekt sifatida o‘zi uchun tashqaridan madaniyat va axloq tomonidan belgilangan me’yor va me’yorlar bo‘yicha tashqi faoliyatni mustaqil ravishda amalga oshirishni boshlaydi.

O'z navbatida, frantsuz antropologi va faylasufi P. Teilhard de Sharden insonning kelib chiqishi va evolyutsiyasini, uning ijtimoiylashuvini ko'rib chiqar ekan, bu jarayonlar sodir bo'ladigan kommunikativ fonning muhimligini tan oldi. Mehnat faoliyati, shaxsning nutq orqali ob'ektiv dunyoni ifodalash qobiliyati, fikrlash va nutq orqali uning ma'nosini aniqlash, tabiiy instinktlar asosida emas, balki ijtimoiy munosabatlar asosida birlashgan odamlar guruhlari va jamoalarini yaratish. ijtimoiy borliq - bu oxir-oqibatda shaxsni tarixiy jarayonning haqiqiy sub'ekti sifatida shakllantirgan narsadir.

Aktual kommunikativ muammolarni o'rganishning rivojlanishi bilan falsafiy va antropologik yondashuv o'rnatildi, uning doirasida jamiyat sotsializatsiyasining dastlabki bosqichida aloqaga bo'lgan ehtiyoj bilvosita, mehnat faoliyati orqali paydo bo'lganligi qayd etildi. Mehnat hayotiy ehtiyojlarni qondirishga imkon yaratdi va shu bilan insoniyatning omon qolishini ta'minladi. Ibtidoiy jamoalar a’zolari o‘rtasidagi kommunikativ aloqalar doimo muayyan amaliy maqsadlarni ko‘zlagan. Individ o`zining rivojlanish jarayonida o`zining «Men»ini «Biz» podasidan ajratib ko`rsatishga, o`z jamiyatining boshqa a`zolarini nafaqat o`ziga teng, balki undan farqli sub`ektlar sifatida ham idrok eta oladi. Insonning aks ettirish qobiliyatini egallashi bilangina individual, shaxslararo munosabatlar mumkin bo'ldi.

Inson faoliyatining tobora xilma-xilligi jarayonida doimiy ravishda paydo bo'ladigan ijtimoiy aloqalar va o'zaro ta'sirlarga bo'lgan ehtiyojlarni qondirishga intilib, aloqa tuzilishi yanada murakkablashadi. Kommunikativ munosabatlarning yangi funktsiyalari va turlari paydo bo'lib, ularning mazmuni, jamiyatning kommunikativ tizimlaridagi o'rni va rolini aniqlash vazifasini qo'yadi.

Ko'rsatilgan kontekstda ijtimoiy aloqani umumiy sabab, ehtiyojlar, manfaatlar, maqsadlar bilan birlashtirilgan aloqa sub'ektlarini o'zaro tushunishga asoslangan aloqa va ma'lumotni yo'naltirilgan uzatish jarayoni sifatida belgilash to'g'ri ko'rinadi. Muloqotning mohiyati, bizningcha, odamlarga kommunikativ harakatlar orqali o'zlarining muhim maqsadlarini amalga oshirishga imkon beradigan amaliyotlarda ochiladi. Kommunikativ amaliyotni turli darajadagi aloqalarni doimiy ravishda ko'paytirish bilan birga makon va vaqt ichida tuzilgan mazmunli ma'lumotlarni uzatishga qaratilgan ijtimoiy faoliyat sifatida aniqlash kerak.

Ijtimoiylashuvning ushbu xususiyatini asosan qabul qilib, biz sotsializatsiyaning kommunikativ xususiyatiga e'tibor qaratgan holda taklif qilingan xususiyatni aniqlashtirish va to'ldirishni maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz. Shuningdek, ayrim zamonaviy kontseptsiyalarda (P.Bergman, T.Lukman) sotsializatsiya bosqichlarini ajratishda “birlamchi” va “ikkilamchi” sotsializatsiya atamalari qo‘llanilganini, bizningcha, ular o‘zaro bog‘liqlik va munosabatlarni yanada aniqroq ta’kidlaganligini ham qayd etamiz. ijtimoiylashuvning hissiy va oqilona darajalarini shakllantirish ketma-ketligi.

Ijtimoiylashuvning ikki darajasini aniqlash - hissiy (asosiy) va ratsional (ikkilamchi) - ularning xususiyatlarini aniqlaydi. Ikkilamchi sotsializatsiya jarayonida aloqa rolining o'ziga xosligi shaxsning institutsional kontekstni ko'proq o'zlashtirishi bilan belgilanadi. Bunday holda, sotsializatsiya, ijtimoiy guruhdagi shaxslarning muvaffaqiyatli moslashuvi sifatida, ratsionallik, voqelikni mantiqiy tushunish, maqsadlar va ularga erishish yo'llarini aniqlashning ijobiy namunasidir.

Muayyan kommunikativ-qiymat paradigmasi ikkilamchi sotsializatsiya maqsadlarini amalga oshirishga yordam beradi. Shu munosabat bilan, muvaffaqiyatli sotsializatsiya tayyor madaniy tarkibni o'tkazishdan iborat emas, balki harakatning aloqasi bo'lib, uni davom ettirishda shaxs o'z faoliyati mazmunini haqiqiy ehtiyojlar, qiziqishlar va maqsadlardan kelib chiqqan holda shakllantirishga qodir.

**Adabiyotlar ro’yxati**

1. Strigapkova E.Yu. Muloqotning ijtimoiy-falsafiy muammolari. Saratov, 2007 yil.

2. Yaspers K. Tarixning mazmuni va maqsadi. M., 1991 yil.

## АЛОУДДИН АТТОР ҲАЗРАТ БАҲОУДДИННИНГ АЙРИМ МАЪНАВИЙ СИФАТЛАРИ ҲАҚИДА

## (“РИСОЛАИ ҚУДСИЯ” АСАРИДАГИ НАҚЛЛАР МИСОЛИДА)

**Раҳматов Эркин**
СамДУ докторанти

Ушбу мақолада шайх Алоуддин Атторнинг машҳур мутасаввиф Ҳазрати Баҳоуддиннинг маънавий сифатлари “Рисолаи қудсия” асари мисолида қаламга олинган. Шунингдек, мақолада руҳий, маънавий покланиш, қалбга

сайқал бериш, инсон хулқидаги барча иллатлар бнлан курашувчиларнинг ижтимоий моҳияти ҳақида сўз юритилади.

**Таянч сўз ва иборалар**: Алоуддин Аттор, Ҳазрати Баҳоуддин, маънавий сифатлар, тариқат, ахлоқ, руҳий тарбия, маънавий покланиш, қалбга сайқал бериш, ижтимоий моҳияти.

**Кириш.** Улуғ тарихий бурилишлар даври мафкурасини белгилаган улкан ғоялар инсоният тараққиётининг муайян босқичида янги маънавий-руҳий зарурат, фикрий ва ҳиссий изланишлар эҳтиёжига жавоб тариқасида пайдо бўлганлиги сабабли маданий-маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳасини қамраб олиб, бани одамнинг тахайюл ва тасаввуротлар олами, тафаккур тарзига таъсир этиб келди. Инсоннинг тўхтовсиз ижодий фаолияти ғоялар тизимига ўзига таъсир ўтказиб, янги таълимотлар, мазҳаблар, қарашлар силсиласини вужудга келтирди.

Тасаввуф тадрижий тараққиётга эга таълимот сифатида Шарқ халқлари тарихида Ўрта асрларда ва ундан кейинги даврларда ҳам тасаввуф таълимоти давр мафкураси нуқтаи назардан ўзига хос мавқега эга бўлган.

Тасаввуфнинг тарихий тараққиёти ва назарий жиҳатларини ўрганиш баробарида, йирик шайхлар ва авлиёлар фаолиятини тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Воқеан, назарий қарашларнинг ўзини олиб қараганда ҳам шайхларнинг сўзи ва ҳолатлари, асарлари, насиҳатлари, улар ҳақидаги хотиралар, ривоят ва ҳикоятларни ўрганиш замирида умумлаштирилган. Тасаввуфий қарашларнинг яхлит таълимот сифатида ислом ўлкаларига кенг ёйилиши ва ижтимоий ҳаётда муҳим воқеъликка айланишида Мовароуннаҳр ва Хуросондан етишиб чиққан олимларнинг ўзига хос ўрни бор.

Баҳоуддин Нақшбанд Нақшбандия таълимотини асослаган бўлса, унинг шогирдлари Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Алоуддин Ғиждувоний ва Яъқуби Чархийлар унинг ишларини давом эттирганлар. Машҳур мутасаввиф шайх, Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси Аттор Баҳоуддин ҳазратларининг етук шогирдларидан бўлган.  Хожа Муҳаммад Порсо Аттор илтимоси билан "Рисолаи қудсия" ("Хожа Баҳоуддиннинг қудсий калималари") китобида Аттор тилидан ўз пири ҳақидаги ўнлаб ривоят ва хотираларини келтирган. Уларда Нақшбанднинг шарҳи ҳоли, ҳаёт тарзи, маънавий сифатлари, одатларига оид қимматли маълумотлар баён этилган .

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.** Нақшбандия таълимотини асосчиси  Ҳазрати Баҳоуддиннинг маънавий сифатлари тадқиқига бағишганган тадқиқотлар Н.Комилов, О.Бўриев, В.Зоҳидов, Г.Наврўзова, О.Усмон, Ҳ.Болтабоев, Р.Шодиев, М.Ҳазратқулов,

Ж.Холмуминов, Б.Номозов, Д.Сайфуллаева. Х.Саматов., Ф. Музаффаров., В.Чўлиевалар томонидан ўрганилган. Аммо Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси ва куёви Алоуддин Аттор пири комилнинг маънавий сифатлари ҳақида Хожа Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” (“Хожа Баҳоуддиннинг қудсий калималари”) китобида Аттор тилидан келтирилгани илмий далил сифатида хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, Шайх Аттор ҳазратларининг илмий мероси ҳақида тарих манбаларида аниқ маълумот келтирилмаган. Муҳаммад Боқирнинг “Мақомати Хожаи Бузрук” асарини ёзишича, Хожа Муҳаммад Парсонинг “Рисолаи қудсия” асаридан асаридан фойдалангани ҳақида шундай ёзади: “Бу зикр (хотира)лар Ҳазрати Эшоннинг ишончли кишилари , чунончи, Хожа Алоуддин Аттор ва қутб ул-авлиё, яъни жаноби ҳазрати Хожа Муҳаммад Парсо... тилларидан бевосита ёки бевосита эшитилган ёки нақл қилган мўътабар китобларидан олиниб, бу “Мақомат”га киритилди.

**НАТИЖАЛАР ВА АМАЛИЙ МИСОЛЛАР.** Аттор илтимоси билан “Рисолаи қудсия” (“Хожа Баҳоуддиннинг қудсий калималари”) китобида Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанд тутган ҳаётий йўли, маънавий сифатлари, одатларига тўхталиб ўтади. Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» асари Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималарини шарҳлашга бағишланган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: «Бу сўзлар (уларнинг) муборак оғизларидан чиққан сўзлардан бир томчисигина бўлиб, бу заиф банда... бу қудсий калималардан баъзиларини садоқат ва иродат юзасидан табаррукона ва иршод сифатида қаламга олиб юрарди». Муҳаммад Порсо ўзининг бу асарида улуғвор устозининг қудсий калимларини келтирибгина қолмай, уларни шарҳлаб ҳам беради. “Рисолаи қудсия” асарининг илмий-академик нашри 1354/1976 йилда форс олими Аҳмад Тоҳири Ироқий томонидан Теҳронда тайёрланган.

Асарда келтирилишича, Алоуддин Аттор шундай айтган: «Хожамиз (Баҳоуддин Нақшбанд) йўллари фақр, тарки дунё, тааллуқотлардан кечиши, тўлиқ ёлғиз бўлиб мосивони инкоридан иборат эди. Уларнинг муқаддас сўзлари фақирнинг исботи ва фақирларнинг муҳаббати ҳақида эди». Мутассавифларнинг фикрича, илоҳ йўлидаги фақирлик — бу ихтиёрий қашшоқлик, ботиний оламнинг барча ҳаваслардан холи-халос бўлиб, илоҳий файзни қабул қилишга ҳозирланишдир.

Алоуддин Аттор устози Баҳоуддин Нақшбанд тутган йўллари ҳақида: «Ҳалолга интилиш ва нафсдан қочишни, айниқса, ҳалол луқмани таъкидлаб гапирар эдилар. Суҳбатларида доимо “ал ибодату ашарата *ажзоин тисъату минҳо* талабу-л-ҳалоли ва жузъун воҳидун минҳо соиру-л-ибодоти», яъни

“Ибодат ўн қисмдан иборатдир. Ундан тўққиз қисми ҳалолликни қидириш, бир қисми эса бошқа ибодатдир”, деган ҳадис ўтар эди».

Алоуддин Аттор Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт тарзи ҳақида: «Хожамиз (Баҳоуддин Нақшбанд) йўллари фақр, тарки дунё, тааллуқотлардан кечиши, тўлиқ ёлғиз бўлиб мосивони инкоридан иборат эди. Уларнинг муқаддас сўзлари фақирнинг исботи ва фақирларнинг муҳаббати ҳақида эди». Баҳоуддин Нақшбанд ўзликдан ҳамда фоний дунёдан воз кечган ва Ҳақ бақосида ўзлигини қайта топган зот бўлиб, суратда бандаю, маънила озод кишидир. Сурат — ташқи кўринишда банда бўлиш — жисм-танани Илоҳ тоатига бағишлаш бўлса, маънида озодлик — ботинни барча алоқалардан тозалаб, руҳни ҳур ва пок сақлаш демак. Сўфийга ҳеч бир нарса ва ҳеч бир киши қарам бўлмаслиги, унинг ўзи ҳам ҳеч бир нарсанинг, ҳеч бир одамнинг қарами бўлмаслиги керак. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳақида ўзи айтганларидай:

Ҳеч мо не ва ҳеч мо кам не,

Аз паи ҳеч, ҳеч мо ғам не.

Жанда дар пушт, пушт гўристон,

Гар бимирем ҳеч мотам не.

(Ҳеч нарсамиз йўқ, шунинг учун ҳеч камимиз йўқ. Ҳеч-ҳеч, яъни у-бу нарса дейишдан ҳеч бир ғамимиз йўқ. Эгнимиэда жандаю орқада қабристон, ўлган кунимиз мотам ҳам йўқ). “Ҳазрати Хожа Ало ул-ҳақ ва-д-Дин (Алоуддин Аттор) аттароллоҳу марқадаҳуннинг нақлича, Ҳазрати Хожамизнинг йўллари фақир йўли эди. Тарки дунё тарки тааллууқот (кўнгил боғланадиган нарсаларнинг тарки), нафйи мосуво (Аллоҳдан бошқанинг инкори) уларда мавжуд эди. Уларнинг муборак нафас (анфоси қудсия)лари фақирлик ихтиёри ва фуқаро муҳаббати ҳақида бўлиб, эҳсонлари жуда юқори эди. Улар: “Биз нимаики топсак, шундан топдик”, деб айтар эдилар.

“Хожамизнинг таомлари зироатдан зироатдан ҳосил буларди. Ҳар йили бироз арпа ва мош экардилар. Ва ишлов берардилар. Ҳукизларни эҳтиёт қилардилар. Уларнинг шариф суҳбатларига келган уламолар ва акобирлар овқатларини табаррукона ер эдилар”.

Баҳоуддин Нақшбанд умри бўйи деҳқончилик билан, ўз қишлоғида унча катта бўлмаган ерга буғдой ва мош экиб кун кечирган. У уйида ҳеч қандай мол-дунѐ ва бойлик сақламаган. Қишда қамишлар устида, ѐзда бир бўйра устида ѐтиб кун кечирган, уйида хизматкори бўлмаган.

Бутун умрини ўз ҳоҳиши билан фақирлик ва йўқчилликда ўтказган, топган тутганларини етим-есирларга, бева- бечораларга инъом этган,

ҳукдорлардан доимо ўзини йироқ тутган, улар олдида ҳеч қачон тамагирлик қилиб яшамаган.

"Ҳазрати Хожа Алоуддин аттараллаҳу сирраҳудан қуйидагини нақл қиладилар: "Тангри инояти билан Ҳазрати Хожамиз қаддасаллаҳу сирраҳунинг муборак нафаслари баракатидан толиблар кўпинча биринчи қадамдаёқ муроқаба давлатига мушарраф бўлар эдилар.Агар бу иноят назари ва тарбиятлари зиёда бўлса адам(йўқлик) даражасига етардилар. Агар бу назар бундан зиёда бўлса фано мақомига етишар эдилар. Ўзларидан бутунлай фоний бўлиб, Ҳаққа боқий бўлардилар . Шунда Ҳазрати Хожамиз илтифот қилардилар: "Бу давлат ҳосили воситаси ила ўзидан бутунлай ўзилиш ва ҳақиқий мақсудга етишиш керак!"

Юқоридаги зикрдан аён бўладики, Бахоуддин Нақшбанд "Зоҳирда халқ билан ва ботинда Ҳақ билан" шиорини кўтариб чиқган бўлсаларда, аммо хилватни инкор қилмаган. Чунки тасаввуф ботин билан, ғайб олами билан ошноликдир. Хилватнинг ҳақиқати ғайри илоҳ нарсалар ва ишлардан фориғ бўлиб, дилни Худо муҳаббатига боғлашдан иборат. Нақшбандияда ҳам чилла ўтирмасдан, суҳбат билан қўлга киритилишни тарғиб этади.

Айтар эдилар: "Ман арафаллаҳа ла яхфи алайҳи шайъун" (Кимки Аллоҳни таниси, ундан хеч нарса маҳфий қолмайди). Хожа Алоуддин Аттор айтар эдилар: "Уларнинг бу қудсий калималаридан мурод шуки, орифга нарсалар сирининг аён бўлиши, унинг таважжуҳ қилишига боғлиқдир".

Тасаввуфнинг ички сирларидан воқиф бўла бориш натижасида инсон бу таълимот мусулмон халқлари ахлоқига қанчалик чуқур кириб борганлигини ҳис қила бошлайди. Нафақат халқ балки халқ ичидан етишиб чиққан комил мутфаккирлар ҳам ўз асарларининг қаҳрамони қилиб сўфийлар ахлоқи, шу жумладан, тариқат етакчисини намуна қилиб ибрат сифатида кўрсатишга ҳаракат қилганлар.

**ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.** Шайх Алоуддин Атторнинг машҳур мутасаввиф Ҳазрати Баҳоуддиннинг маънавий сифатлари: камолотга, олий ахлоқий сифатларга интилиш, тўхтовсиэ изланиш, руҳий изтироблар замиридаги кучли муҳаббат, мақсадга етишиш йўлидаги бемисл инсоний сидқу вафо, фидойилик ҳақида кўпгина маълумотларни тақдим этган.

Маънавиятимизни юксалтиришда нақшбандийликда илгари сурилган ҳалоллик, меҳнатсеварлик, тўғрилик, софдиллик, ўзгаларга ёрдам бериш, саҳийлик, имонли ва эътиқодли бўлиш, меҳр-шафқат каби хулқ-одоб қоидалари, шубҳасиз, кишиларни ижтимоий ҳаёт ишларида фаол қатнашишга, эзгулик ва хайрли ишлар қилишга даъват этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Буюк Термизийлар: Термиз тазкираси / Мусанниф Мирзо Кенжабек. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017. – 512 бет.

2. Соҳибназар К. Тасаввуф фалсафаси.Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2021. – 304 бет.

3. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти 149 Хожа Баҳоуддин Нақшбанд.Таржимон тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний. - Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2019. - 335 б.

## BOSHLANG’ICH SINF O‘QUVCHILARINING EKOLOGIK KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISH

**Usanova Shahnoza-Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri**

**Annotatsiya**

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining ekologik kompetensiyasi tushunchasi ko'rib chiqiladi. Kichik maktab o'quvchilarida "Atrofimizdagi dunyo" mavzusidagi darslarda va sinfdan tashqari vaqtlarda ekologik kompetentsiyani shakllantirish texnologiyasi taklif etiladi.

**Kalit so'zlar:** ekologik kompetentsiya, ekologiya, ekologik ong, ekologik tafakkur, ekologik ta'lim.

Globallashuvning Yevropa tendentsiyalari, Yevropada o'rta ta'limning madaniy hamkorligi kengashi yosh yevropaliklar ta'lim jarayonida egallashlari kerak bo'lgan asosiy, asosiy kompetentsiyalarni aniqladi. Shunga ko'ra, ta'lim maqsadi "Umumiy ta'lim mazmunini modernizatsiya qilish strategiyasi" (2001) matnlarida qayd etilgan asosiy kompetentsiyalarni (kompetentsiyalarni) shakllantirish bilan bog'liq bo'la boshladi.

Bizning mamlakatimizda ham ekologik savodsizlikka qarshi kurashish zarurligini e'lon qilindi va maktabda ekologiya kursini o'rganmasdan turib odamlarda ekologik ongni shakllantirish mumkin emasligini ta'kidladi. So‘nggi yillarda e’lon qilingan me’yoriy-huquqiy va ilmiy-uslubiy hujjatlarda mazkur yo‘nalish ustuvorligi qayd etilgan. Shunday qilib, tabiatshunoslik ta'limini modernizatsiya qilishning etakchi g'oyalaridan biri ekologik jihatdan barkamol shaxsni shakllantirishdir. Shu munosabat bilan, umumta'lim muassasalarining atrof-muhit haqida ekologik bilimga ega bo'lgan, ekologik jihatdan mos keladigan

ijtimoiy xulq-atvor yo'nalishini tanlashga undaydigan va xulq-atvorda o'zini namoyon qilish tajribasiga ega bo'lgan ekologik barkamol shaxsni shakllantirish bo'yicha faoliyati. -irodaviy, hissiy-sezgi va intellektual sohalar alohida ahamiyatga ega. Boshlang'ich sinf yoshi - bu ko'plab asosiy shaxsiy xususiyatlarning shakllanishi boshlanishi uchun sezgir davr, shu jumladan bolaning ekologik kompetentsiyasini rivojlantirish. Hozirgi vaqtda bolalarning yoshiga mos keladigan va ekologik ta'lim bilan bog'liq bo'lgan ekologik ta'limning maqsadi va natijasi to'g'risida kelishuv mavjud emas. Mantiqiy kompetentsiya shaxsiy xususiyat va ta'lim sifati ko'rsatkichi sifatida. Ekologik kompetentsiyani samarali shakllantirish "Atrofimizdagi dunyo" kursi doirasida mumkin, chunki bu kurs boshlang'ich sinf o'quvchilarida ekologik savodxonlik asoslarini va tegishli kompetensiyalarni - tabiatda kuzatish qobiliyatini shakllantirish uchun keng imkoniyatlar yaratadi. , tajribalar o'rnatish, tabiat va odamlar olamidagi xatti-harakatlar qoidalariga, sog'lom turmush tarzi qoidalariga rioya qilish.

Shu sababli, tabiatga qadriyatli munosabatni shakllantirish, o'z xatti-harakatlari va boshqalarning xatti-harakatlarini baholash va o'z bilimlari asosida ishonchli harakat qilish qobiliyatini shakllantirishni ta'minlaydigan ekologik ta'limni o'qitish va diagnostika qilish texnologiyalari, vositalari, usullarini izlash dolzarb bo'lib qoladi. , bu esa pirovardida bitiruvchida ekologik kompetentsiyani rivojlantirishni ta'minlaydi.boshlang'ich maktab. Olimlar boshlang'ich ta'limning Davlat standartini (2010) amalga oshirish texnologiyalarini faol ravishda ishlab chiqmoqdalar, bunda "asosiy kompetensiyalarni shakllantirish - o'quvchilarning olingan bilim, ko'nikma va faoliyat usullaridan foydalanishga tayyorligi" ga katta o'rin beriladi. amaliy muammolarni hal qilish uchun haqiqiy hayot" .

Kompetensiya ta’limning ilmiy kategoriyasi sifatida I.A.Vinogradova, Z.Z.Kirsanova, I.Yu.Klimenko, O.V.Kolobova, N.V.Kuzmina, N.A.Lupatova, A.M.Novikov, N.A.Rototaeva, V.A.Slastenina, Yu.A.N.yumenlar asarlarida ko‘rib chiqilgan. Shaxmatova, A. Shelton, S. E. Shishov, E. A. Shulpina va boshqalar. 4]. Biroq, ularning barchasi asosan kasb-hunar maktabida mutaxassis tayyorlashga qo'yiladigan talablarni aniqlashga bag'ishlangan. Kompetentsiya - bu bilim, ta'lim va hayotiy tajribadan foydalanishga asoslangan holda, uning hayotiy vaziyatlarda, faoliyatning turli sohalarida yuzaga keladigan muammolar va tipik vazifalarni hal qilish qobiliyatini belgilaydigan shaxsning shakllangan integrativ sifati sifatida talqin etiladi. Kompetensiyalar deganda harakatning umumlashtirilgan usullari majmui tushuniladi. D.S.Ermakov tadqiqotlarida kompetentsiya shaxsni ta'limga tayyorlash uchun berilgan talab (me'yor) sifatida qaraladi. Shunga ko'ra, ekologik kompetentsiyani ekologik muammolarni hal qilish, hayotni saqlash va barqaror takror ishlab chiqarish sohasida talabalarni

tayyorlash darajasiga qo'yiladigan me'yoriy talablar tizimi sifatida belgilash mumkin. Ekologik kompetentsiya ekologik ta'limning natijasidir.

Ekologik kompetentsiya - bu insonning o'zlashtirilgan ekologik bilimlari, ko'nikmalari, e'tiqodlari, motivlari, qadriyat g'oyalari, ekologik ahamiyatga ega shaxsiy fazilatlari va amaliy tajribasiga muvofiq "inson - jamiyat - tabiat" tizimida harakat qilish qobiliyatini belgilaydigan integral sifat. ekologik faoliyat. Barkamollik - bu shakllangan qadriyatlar va motivlar, bilimlar, ta'lim va hayotiy tajriba, individual xususiyatlar, moyillik, ehtiyojlar asosida hayotiy vaziyatlarda yuzaga keladigan turli darajadagi muammolar va vazifalarni hal qilish qobiliyati bilan tavsiflanadi.

Pedagogik adabiyotlarda ekologik kompetentsiya tarkibiga quyidagi komponentlar kiradi: kognitiv, motivatsion-qiymatli va faoliyat-amaliy. O'quv jarayonida kichik maktab o'quvchilarida ekologik kompetentsiyani rivojlantirish "atrofimizdagi dunyo" fanini rivojlantirish doirasida amalga oshiriladi, bu ekologik kompetentsiyaning barcha tarkibiy qismlarini shakllantirish uchun imkoniyatlar yaratadi. Shu munosabat bilan bunday texnologiyani ishlab chiqish zarurati mavjud.

Ko'rsatilgan talablarga muvofiq biz "XXI asr ekoplanetasi" ekologik o'quv kursini ishlab chiqdik. U to'rt bo'limdan iborat (kontent yo'nalishlari bilan ajralib turadi): "EkoMaktab", "EkoRegion", "EkoShahar", "EkoDunyo". Tabiatni bilish jarayoni oddiy tafakkurdan, tevarak-atrofdagi olamni hissiy idrok etishdan boshlanib, odamlarning ijtimoiy-tabiiy muhit bilan munosabatidagi sabab-natija munosabatlari va bog`liqliklarini oydinlashtirish uchun kengayib, chuqurlashadi. Ushbu kurs talabalarda quyidagi fazilatlarni rivojlantirishga qaratilgan:

- axborotni qabul qilish, qidirish va qayta ishlash qobiliyati;

- ekologik muammoni mustaqil aniqlash qobiliyati;

- ekologik ko'nikma va malakalar;

-tabiatshunoslik ta’limi jarayonida olingan nazariy va amaliy bilimlardan foydalana olish;

- hamkorlik va guruhda ishlash qobiliyati;

- ekologik loyihalarda ishtirok etish va yangi yechimlarni topish qobiliyati;

- loyihalar natijalarini etkazish qobiliyati;

- Boshqa odamlar bilan muloqot qilish qobiliyati va tayyorligi.

Diagnostika vositalarini ishlab chiqishda biz ekologik kompetentsiya tarkibini, uning tuzilishini, shuningdek, aniqlik, asoslilik va barqarorlik tamoyillarini hisobga oldik. Bu ekologik kompetentsiyani rivojlantirish darajasining mezonlari va ko'rsatkichlarini aniqlash, ularni aniqlashning tegishli usullarini shakllantirish va kichik yoshdagi o'quvchilarning ekologik kompetentsiyasining rivojlanish darajasining bosqichma-bosqich monitoringini ishlab chiqish imkonini berdi. Bolalarning ekologik kompetentsiyasini shakllantirish darajasini aniqlash uchun ushbu sifatni rivojlantirish mezonlari va ko'rsatkichlarini aniqlash kerak. Ekologik kompetentsiya tuzilishiga ko'ra uning asosiy ko'rsatkichlari quyidagilardan iborat:

- ekologik bilim va ko'nikmalar;
- tabiiy va ijtimoiy muhitni bilish usullarini ishlab chiqish;
- axborotni qidirish, qabul qilish va qayta ishlash qobiliyati;
- ekologik ko'nikma va malakalarning mavjudligi;
- hamkorlik va guruhda ishlash qobiliyati;
- loyiha faoliyatida ishtirok etish;
- muammoli vaziyatlarning yangi echimlarini topish qobiliyati;
- shaxsiy, hissiy munosabatlarning namoyon bo'lishi.

Ekologik kompetentsiyaning har bir mezoni uchun u besh darajadan biriga tegishli (pastdan yuqorigacha). Reyting shkalalarini hisoblashda qo'llaniladigan matematik statistika qoidalarini hisobga olgan holda, biz har bir ko'rsatkichning ahamiyatini 1 dan 5 gacha ball bilan aniqladik.

Bizning fikrimizcha, kichik yoshdagi o'quvchilarda ekologik kompetentsiyani shakllantirish biz tomonidan ishlab chiqilgan pedagogik texnologiya yordamida mumkin, ammo tabiatga hissiy va qadriyatli munosabatni, ekologik javobgarlik tuyg'usini tarbiyalashga e'tiborni kuchaytirish zarur. sayyoramizning farovonligi, tabiiy muhit ob'ektlariga estetik munosabatni rivojlantirish, maktabdan tashqari amaliy, ekologik ahamiyatga ega bo'lgan tadbirlar tajribasini kengaytirish.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR


1. Alekseev S.V. Asosiy maktabda ekologik ta'lim. SPb. : Maxsus adabiyot, 1999 yil.

2. Ermakov D.S. Talabalarning ekologik kompetensiyasini shakllantirish: monografiya. M.: RUDN, 2008 yil.

3. Zakhlebny A. N., Dzyatkovskaya E. N. Ekologik kompetentsiya - ekologik ta'limning yangi rejalashtirilgan natijasi // Ekologik ta'lim: maktabgacha, maktabda, maktabdan tashqari. 2007 yil. № 3.

# ZAMONAVIY TA'LIM JARAYONIDA INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING AHAMIYATI.

**Shamsiddinova Maftuna- Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri**

**ANNOTATSIYA**

Zamonaviy maktabda o'quv jarayonini tahlil qilish asosida innovatsion pedagogik texnologiyalarni ishlab chiqishning dolzarbligi va zarurligi ko'rsatiladi, ta'lim texnologiyalarining asosiy turlari va ta'limni zamonaviy tashkil etishning yondashuvlari ko'rib chiqiladi.

**Kalit so'zlar:** maktab ta'limi, zamonaviy pedagogik texnologiyalar, innovatsion ta'lim.

Pedagogik texnologiya - bu o'qituvchi faoliyatining shunday konstruktsiyasi bo'lib, unda o'z ichiga olgan barcha harakatlar ma'lum bir ketma-ketlik va yaxlitlikda taqdim etiladi va amalga oshirish istalgan natijaga erishishni o'z ichiga oladi va bashorat qilinadi. Ta'limdagi zamonaviy texnologiyalar yangi ta'lim paradigmasini amalga oshirish vositasi sifatida qaraladi. Ta'lim texnologiyalarini rivojlantirish tendentsiyalari bevosita ta'limni insonparvarlashtirish bilan bog'liq bo'lib, bu shaxsning o'zini o'zi anglashi va o'zini o'zi anglashiga yordam beradi. Jamiyatda o'z shaxsiy ehtiyojlarini ro'yobga chiqarishga qodir bo'lgan ijodiy o'zini o'zi rivojlantiradigan shaxsga ehtiyoj bor. "O'zingni rivojlantir, sen jamiyatni rivojlantirasan" tezisi ma'lum darajada yangi ijtimoiy tuzumning o'ziga xos xususiyatini aks ettiradi. Zamonaviy maktab o'z bitiruvchilarini hayotning kasbiy, ijtimoiy, kundalik sohalaridagi muammolarni ko'rish qobiliyati va ularni mustaqil ravishda hal qilishga tayyorligi orqali jamiyatdagi "innovatsion" xatti-harakatlarga tayyorlash uchun mo'ljallangan. Ta'lim muassasasida dars davomida ham, undan tashqarida ham har bir bolaning iqtidorini rivojlantirish uchun sharoitlar yaratilishi kerak. O'qituvchi bugungi kunda psixolog, tarbiyachi bo'lishi kerak, uning kasbiy mahorati, pedagogik va insoniy fazilatlari shaxsning intellektual va ijodiy

rivojlanishining eng yuqori darajasi sifatida bolaning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishni ta'minlashga qaratilgan.

Zamonaviy ta'lim texnologiyalari quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- ta'limni rivojlantirish;
- muammoli ta'lim;
- ko'p bosqichli o'qitish;
- jamoaviy ta'lim tizimi;
- ixtirochilik muammolarini o'rganish texnologiyasi;
- o'qitishda tadqiqot usullari;
- loyihani o'qitish usullari;
- o'qitishda o'yin usullaridan foydalanish texnologiyasi: rolli o'yin, ishbilarmonlik va boshqa turdagi o'quv o'yinlari;
- salomatlikni tejaydigan texnologiyalar va boshqalar.

Shuni ta'kidlash kerakki, metodik yo'naltirilgan pedagogik texnologiyalar doirasida ta'limni zamonaviy tashkil etishning quyidagi yondashuvlari o'qituvchining kasbiy amaliyoti, tayyorgarligi va pedagogik mahoratining asosiy shartiga aylanishi kerak:

- shaxsga yo'naltirilgan yondashuv. Talabalarning shaxsiy o'sishiga erishish uchun hamkorlik, yordam, tushunish, hurmat strategiyasi qo'llaniladi. Talabaning butun ta'lim jarayonida asosiy harakat qiluvchi shaxs sifatida tan olinishi - bu shaxsga yo'naltirilgan pedagogika;
- fanlararo aloqalarni o'rnatishda muhim tizimli bilimlarni shakllantirish asosida o'quvchilarning qobiliyatlarini rivojlantirish yo'nalishida o'qituvchilarning o'zaro hamkorligida muhim yondashuv namoyon bo'ladi;
- operativ-faol yondashuv davlat ta'lim standartlarining asosiy pozitsiyalariga asoslanadi. O`quvchilarda harakat qilish qobiliyati bilimlarni egallash jarayonida shakllanadi, ya`ni bilim ularni amalda qo`llash jarayonida o`zlashtiriladi;
- ta'limga kasbiy yo'naltirilgan (kompetentlikka asoslangan) yondashuv o'quvchilar o'rtasida kasbiy kompetentsiya va kasbiy munosabatlarni shakllantirishda ifodalanadi (asosan universitetlarda qo'llaniladi, lekin qisman litsey, gimnaziya va shaxsni chuqur o'rganadigan maktablarda ham qo'llanilishi mumkin). mavzular);
- akmeologik yondashuv innovatsion ta'limni tashkil etishdagi muhim yondashuv bilan chambarchas bog'liq bo'lib, u o'quvchilarning ijodiy fikrlash, o'z-o'zini rivojlantirish, o'z-o'zini takomillashtirish, o'z-o'zini tarbiyalash uchun yangi va mavjud o'qitish vositalari va usullarini ishlab chiqish va yangilashdan iborat. va o'z-o'zini nazorat qilish;

- ijodiy rivojlanayotgan yondashuv talabalarda samarali fikrlash va ijodiy shaxsning faoliyati, fazilatlari va qobiliyatlari, ilmiy-ijodiy ko'nikma va qobiliyatlariga ijodiy munosabatni shakllantiradi;

- kontekstli yondashuv davlat ta’lim standartiga o‘rganilayotgan fanlar mazmuniga mos ravishda ifodalanadi.

Innovatsion ta'limda o'quv va kognitiv faoliyatning o'ziga xos xususiyati - bu bilimlarni o'zlashtirish turi bo'lib, unda talabalarni nafaqat o'quv faoliyatiga, balki ijodiy faoliyatga jalb qilish uchun sharoitlar yaratiladi. Bunda talabaning faoliyati samarali va ijodiy darajaga etadi. Innovatsion ta'limda bu faoliyat ijodiy faoliyat sifatida davom etadi, bunda o'quvchining bilimi ko'nikmalar bilan bir vaqtda shakllanadi va ko'nikmalarning shakllanishini va bilimning umumlashtiruvchi tizimliligini tasdiqlovchi ijodiy mahsulotlar yaratiladi. Innovatsion ta’limning psixologik mohiyatini tahlil qilar ekanmiz, shuni ta’kidlash kerakki, innovatsion ta’limda emotsionallikning yetishmasligiga qarshi ijobiy kurash olib boriladi.

Shunday qilib, hozirgi vaqtda ta'lim jarayonida reproduktiv faollik (xotirada qolgan narsalarni ko'paytirish) ulushini kamaytirish orqali bolaning shaxsiy rivojlanishini ta'minlaydigan zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan foydalanishni ta'lim sifatini oshirishning asosiy sharti deb hisoblash mumkin. ta’lim, o‘quvchilarning o‘quv yuklamalarini kamaytirish va o‘quv vaqtidan samarali foydalanish. Innovatsion pedagogik texnologiyalar muvaffaqiyatli ta’limning kalitidir.

## ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Demeneva N.N. Kichik yoshdagi maktab o'quvchilarining matematika darslarida o'quv ishlarini farqlash. - M., 2005 yil.

2. Lazarev V.S. Maktabning pedagogik va innovatsion tizimi kontseptsiyasi // Qishloq maktabi. - 2003. - No 1. - B. 4.

3. Salnikova T.P. Pedagogik texnologiyalar: darslik. - M.: TC Sphere, 2005 yil.

4. Selevko G.K. Zamonaviy ta'lim texnologiyalari. - M.: Pedagogika, 1980 - 146 b.

## 4-шўъба: Миллий-маданий меърос, тарихий қадамжолар ва муқаддас масканларнинг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни.

### СУЛАЙМОН БОҚИРҒОНИЙНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ


***Ўразметов Мангубек Турсунбоевич***
***Урганч давлат университети, «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси” кафедраси доктаранти.***
***+998937500811***
***mangubek.urazmetov@inbox.ru***


Ватанимиз ҳудудларидан етишиб чиққан кўплаб мутафаккирлар, мутасаввифлар, алломалар жаҳон илм-фани, тамаддунининг ривожланишига беқиёс ҳисса қўшишганини ҳозирги кунгача яратилган илмий манбалар ва қатор тадқиқотчилар ўз тадқиқотларида тасдиқлашади. Яссавийлик тариқатининг ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшган йирик ва забардаст, жаҳонга машҳур намояндаларидан бири бу халқ орасида Ҳаким ота лақаби билан танилган мутасаввиф шоир Сулаймон Боқирғонийдир. Сулаймон Боқирғонийнинг туғилган санаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар учрамайди. Баъзи манбаларда мутасаввифнинг туғилган ва вафот этган йиллари 1122-1186 деб кўрсатилган. У Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Дамашқда таҳсил олганлигини, ўзининг “Охир замон” китобида зикр қилган.153 У халқ орасида Ҳаким ота номи билан танилган. Сулаймон Боқирғоний Яссавий услубида донолиги ва ҳикматлари билан туркий халқлар орасида катта обрў ва ҳурматга эга бўлган.

Филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққулов буюк ватандошимиз, Сулаймон Боқирғонийга туркий тасаввуфнинг кўзга кўринган вакили сифатида баҳо бериб, “тариқатда ҳам, шериятда ҳам Аҳмад Яссавий анъаналарининг давомчиси бўлган. У Яссавийнинг учинчи халифаси… Боқирғонийнинг дин ва тасаввуф, ишқ ва ахлоқдан сабоқ берувчи ҳикматлари Туркистон халқлари орасида кенг тарқалиб, севиб ўқилган”154 - деб таъкидлайди. Сулаймон Боқирғонийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи манбалар жуда кам ва саноқли маноқиблар, манбаларда мутасаввифнинг ҳаёти ҳақида қисқа маълумотлар берилган. Муаллифи номаълум бўлган “Ҳаким ота” китоби, Байҳақийнинг “Рашаҳот ул айнул

[153] Sulaymon Boqirg’oniy. “Boqirg’on kitobi” (sherlar va doston). Yozuvchi nashryoti. Toshkent.: 1991 yil. 57-bet.
[154] Xaqqulov I. “O’zbek tasavvuf sheriyatining shakllanishi va taraqqiyoti”. Doktorlik dissertatsiyasi aftoreferati. Toshkent, 1995 yil. 30-bet

ҳаёт”, Хазинийнинг “Жавоҳир ул-аброр мин амвож ил-биҳор”, Мавлоно Ғулом Лоҳурийнинг “Хазинат ул асфия”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул маҳаббат мин шамойил ул-футувват”, Мулла Шариф Бухорийнинг “Ҳужжат уз зокирин”, Шайбонийнинг “Рисолаи маъарифи Шайбоний”, Саид Аҳмад Носируддин Маржонийнинг “Тарихи машойихи турк”, Хожа Ҳасаннинг “Музаккири аҳбоб” каби асарларда Боқирғоний ҳақида қисқа маълумотлар берилган.

Сулаймон Боқирғоний Аҳмад Яссавий бошлаб берган ҳикматнавислик анъаналарини фаол тарзда давом эттирган мутасаввиф шоир ва алломадир. У ўз асарларини “Сулаймон”, “Қул Сулаймон”, “Сулаймон Боқирғоний, “Ҳаким Сулаймон”, “Ҳаким Хожа”, “Ҳаким Хожа Сулаймон” каби тахаллуслардан фойдаланиб ёзган. Мутасаввиф шоир ўзидан бой маънавий мерос қолдириш билан бирга, туркий тасаввуфнинг кейинги даврлардаги тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. Сулаймон Боқирғоний кўпгина асарларини туркий тилда ёзиб қолдирган. Аллома ўз асарларини ёзишда шакл, лозим бўлса мазмун нуқтаи назаридан ҳам, ўзининг пири муршиди Аҳмад Яссавийга эргашган ва Яссавий муридлари орасида ҳикмат анъанасини давом эттиришда юқори ўринни эгаллаган. Сулаймон Боқирғоний ҳаёти ва ижоди давомида ўзидан бой улкан маънавий ва фалсафий мерос қолдирган. Айниқса, мутасаввиф ўзининг маънавий меросининг марказига шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатнинг алоқадорлигини сақлашга интилган.

Мутасаввиф ўзининг улуғвор асарларидан бири бўлган “Имом Аъзам қиссаси”да қатор ижтимоий-фалсафий, ахлоқий масалаларга, хусусан, инсон ҳуқуқлари, ҳалоллик, ҳаромдан сақланиш, адолатли ҳукм чиқариш каби жамият ҳаётидаги адолатнинг энг муҳим тамойилларга алоҳида урғу берган. Мазкур асар Марказий Осиё мусулмонлари, айниқса, халқимиз минг йиллар давомида амал қилиб келаётган ҳанафийлик мазҳабининг асосчиси Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг ҳаёти ҳақида маълумот берувчи ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга асардир. Мутасаввифнинг “Охир замон китоби”да эса борлиқ фалсафасининг муҳим мавзуси ҳисобланган Ер ва коинотнинг яратилиши, қиёматнинг аломатлари баён этилган. Шунингдек, мазкур асарда аллома ўқувчиларга нариги яъни боқий дунё азобларини эслатиб, уларни дунёда тинч, осойишта, адолатли яшашга, зулм ва ситам, зулмкорликни тарк этишга чорлаган.

Ҳаким отанинг “Боқирғоний китоби” эстетик, ахлоқий, поклик, инсон қалбининг уйғунлиги масалаларига бағишланган. Унинг фикрига кўра, абадий гўзаллик Худодир. Худо соф мутлақ мавжудотдир. Худо дунёни тўрт

қисмга (олов, сув, ер, ҳаво) яратди. Кейин у ўсимликлар, ҳашаротлар, ҳайвонлар ва одамларни туғдирди, уларни бошқарадиган тўрт аъзодан (оёқ, қўл, бош ва танадан) иборат.

Боқирғонийнинг фикрига кўра, Худонинг гўзаллигини илмий фантастика тан олмайди. Чунки оддий одам ва Худо ўртасида кўринмас "парда" мавжуд. Ушбу "пардани" олиб ташлаб, Худони таниб, унга қойил қолмоқчи бўлган ҳар бир киши, аввало, сўфийлик йўлидан бориши ва унинг асосий босқичларидан (шариат, тариқат, ҳақиқат, маърифат) ўтиши керак. Натижада, "ички кўз" (басират) очилиб, руҳан покланган киши Худога бир қадам яқинлашади.

Яссавийдан кейин ҳикмат ёзиш ва ҳикматхонлик йиғинларини ўтказиш ўзига хос тарзда одатга айланган. Хусусан, Сулаймон Боқирғоний, Занги ота, Бобо Мочин, Саййид ота, Иқоний, Темурий, Умурий, Неъматуллоҳ каби кўплаб Яссавий издошлари ҳикматнавислик тажрибасини давом эттирганлар155.

Боқирғоний манзумаларининг туб моҳиятини инсон тақдири ва комиллик ҳақиқатларини қўлга киритиш ташкил этади. Унинг адабий мероси кўламининг кенглиги, ахлоқий-тарбиявий аҳамиятининг кучлилиги билан дидактик адабиѐтимиз тарихида алоҳида мавқега эга. Боқирғоний, айниқса, шеърий қиссаларида қадимги давр қаҳрамонлари тимсолларини адабиѐтимизга олиб кирган. Шунингдек, у мунозара жанри имкониятларини ҳам амалда исботлаган. Сулаймон Боқирғоний шеърларининг халқ орасида машҳур бўлишининг муҳим сабабларидан бири сифатида унинг Аҳмад Яссавий ҳикматларига мос келишини кўрсатиш мумкин. Зеро, мутасаввифнинг шеърлари, ҳикматлари мақсад, услуб ва тил жиҳатдан Яссавий ҳикматларига ўхшаш бўлиб, уларни бир-биридан ажратиш баъзан қийин кечади. Бу умумий жиҳатлар асосан тилнинг соддалиги, ифоданинг ёрқинлиги, шакл ва мазмун жиҳатдан халқнинг тилига яқинлигидир. Сулаймон Боқирғонийнинг маънавий мероси, унинг ижоди ҳақида фикр билдирар экан, турк олими Фуод Кўприлизода унинг "Охир замон китоби" ва "Биби Марям китоби"ни "Ўрта Осиёда, шунингдек, Итил атрофларида диққат ва ҳарорат билан ўқилган асарлардандир"156-фикр билдиради. Сулаймон Боқирғонийнинг асарлари бугунги кунда дунёнинг бир неча нуфузли кутубхоналарининг қўлёзма фондларида сақланади. Хусусан,

[155] Хасанов Н. Яссавийликка доир манбалар ва "Девони ҳикмат" тадқиқи. Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2017. 29-бет

[156] Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳ муаллифлари: Иброҳим Ҳаққул, Сайфиддин Раъфиддин. Т.: "Ёзувчи", 1991. 5-бет.

мутасаввифнинг асарлари ўрин олган қўлёзмалар ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларида ҳам сақланмоқда. Улар ичида Қул Сулаймон асарларидан тузилиб, алоҳида девон ҳолига келтирилганлиги қайд этилган қўлёзмалар бор. Улар шу институтнинг асосий фондида 12056, 7153, 8405, 7091, 7193, 7153, 9074, 11440, 8811, 7698, ва 5354 ашёвий рақамлари билан сақланади.

Сулаймон Боқирғонийнинг ҳаёти ва ижоди, маънавий меросини ўрганиш бўйича мамлакатимиз ва жаҳонда қатор салмоқли ишлар амалга оширилган. Жумладан, Умрбой Ембергенов ва Жабборберган Шомуродовлар "Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота)" номли рисоласида Сулаймон Боқирғоний ва унинг шахсиятидан тортиб, мутасаввиф ҳақида ёзилган муҳим маноқиблар, монографик асарлар, маънавий меросини таҳлил этишган.

Боқирғоний меъроси турли йилларда Ф. Кўпрулу, Н. Маллаев, К. Эраслан, И. Ҳаққулов, С. Рафиддинов, Х. Суйинишалиев, Б. Кенжҳебаев, Н. Келимбетов, Т. Қидир каби олимлар томонидан ўрганилган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Sulaymon Boqirg'oniy. "Boqirg'on kitobi" (sherlar va doston). Yozuvchi nashryoti. Toshkent.: 1991 yil.

2. Xaqqulov I. "O'zbek tasavvuf sheriyatining shakllanishi va taraqqiyoti". Doktorlik dissertatsiyasi aftoreferati. Toshkent, 1995 yil.

3. Хасанов Н. Яссавийликка доир манбалар ва "Девони ҳикмат" тадқиқи. Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2017.

## ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭЪТИБОР – МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА УНИ НАМОЁН ҚИЛИШ АСОСИДИР

**Ў.М.Абилов**

**Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича Соғлиқни сақлаш вазир маслаҳатчиси, Фалсафа ф.д., профессор**

Ўзликни англаш бу осон кечадиган воқелик эмас. Ўзликни англаб, уни намоён этиш янада мураккаб ва анча вақтни талаб этадиган ҳодисадир. Биз

мустақилликка ўзлигимизни англаш натижасида эришдик. Лекин уни тўлиғича намоён этиш жараёни ҳали ҳануз давом этмоқда.

Буни давлат тилини оммавий равишда Ўзбек давлатчилигини ҳар жиҳатдан ривожлантириш асоси сифатида қўллашимизнинг айни пайтгача бўлган даврда сустлигида кўришимиз мумкин. Негаки, бу ҳолат 1989 йилда давлат тили тўғрисида қабул қилинган қарорнинг 30 йилдан ошиқ вақт ўтганлигига қарамасдан ҳали ҳануз ўзининг тўлиқ ижобатини топа олмаганлигида кўринади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тугрисида" 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш ҳамда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилитпига эришиш максадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул килинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори асосида давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари тузилмаларида рахбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди ва ушбу янги лавозимни эгаллаган мутаҳассисларга юқоридаги вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича жуда катта масъулият юклатилди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисидаги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу мақомнинг мустаҳкамланиши натижасида, у БМТ томонидан тан олинган дипломатик мулоқот тили мақомини олди. Бу ўз навбатида халқаро муносабатларда қўлланиш мавқеи нуқтаи назаридан унинг қўлланилиш доирасини давлат ва нодавлат ташкилотларнинг давлат тилидаги ички ҳужжатлар ва улар ўртасидаги ёзишмалар борасида кенг қўлланишини мамлакат бўйлаб кенгайтиришини қонунан тақоза этади. Албатта, дастлабки вақтларда давлат тили мақомини ҳаётга тадбиқ этилиши муайян қийинчиликлар, чекинишлар, ўзбек тилида сўзлаша олмайдиган аҳоли учун руҳий қийинчиликлар туғдирган ҳолатлар ҳам бўлиб ўтганлиги сир эмас. Бундай ҳолатлар давлатга номини берган миллат тили давлат тили сифатида мустаҳкамланган кўпгина давлатларда бўлиб ўтганлиги ҳам. Лекин, айни пайтда, Ўзбекистонда уни ҳаётга тадбиқ этишнинг демократик услубияти ҳам намоён былди ва бу бағрикенглик имкониятидан Ўзбекистон фуқароси сифатида мамлакатимизда яшаётган бир юзу ўттиздан ошиқ миллат вакилларининг қанчалик даражада фойдаланганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Буни биз, давлат тилини тўлиқ тадбиқ этилиши муддатларининг узайтирилиши, уни ўрганиш бўйича курслар ва мактаблар тармоғининг кенг ёйилиши, энг асосийси эса,

русийзабон ва бошқа миллат вакилларидан иборат аҳолининг ўзбек тилини ўрганиши учун аниқ фаолиятнинг амалга оширилиши, ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли ўртасида эса - бу осон кечмайдиган ишда уларга ёрдам беришдаги ижобий интилишида ҳам кўришимиз мумкин. Бу ерда, энг асосийси, тил мансублиги бўйича зиддиятлар туғилишига йўл қўймаслик лозимлиги асосий мезон сифатида олиб қаралди. Зеро, тил асосидаги қарама-қаршиликнинг вужудга келиши сиёсий маданияти етарлича бўлмаган шарт-шароитларда яхшиликка олиб келмаслиги мумкинлиги доимий эътиборда бўлганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ўзбекистон раҳбарияти ҳам ушбу ҳолатни қатъий назорат қилмоқда ва бу соҳадаги ҳар қандай чекиниш ва суистеъмолликларнинг олдини олмоқда.

Журнал, рўзнома, радио ва телевиденияда турли тилда сўзлашувчи муаллифлар чиқиш қилмоқдалар, ушбу оммавий ахборот нашрлари турли тилда фаолият юритмоқда ва шу тарзда миллий мансублигидан қатъий назар ҳар бир фуқаро учун Республикамиз ҳаётидан хабардор бўлиб туриш учун имконият яратилмоқда. Шу туфайли, алоҳида олинган инсон кўпмиллатли муҳитда ўзига хос миллий дунёқарашга эга бўлмаслиги ва шунинг учун ҳам бегона бир элементга айланиши тўғрисидаги фикрлар етарлича асосга эга эмасдир. Ҳамма гап шундаки, ушбу умуминсоний тамойил ўтмиш амалиётида ҳисобга олинмай келинарди ва бу ҳол алоҳида шахс манфаатларини инкор этилишига олиб келиб, масалан, миллий қадр-қимматнинг камситилишига, аксарият халқ учун ўзининг миллий “Мен”лигини йўқотилишига ҳам олиб келарди. Инсон ва унинг манфаатлари устидан на ижтимоий-синфий, на миллийлик тушунчалари оғир гурзи бўлиб турмаслиги лозим. Шу тарзда, унинг ижтимоий ва миллий танлови нафақат объектив шарт-шароитлар, шу билан бирга келажакка ишонч, ижтимоий ҳимояланганлик туйғуси акс этадиган унинг ички руҳий дунёқараши билан белгиланади. Миллий ўзликни танлаш ҳуқуқи, қадриятлар тизимини англашнинг миллий шаклини танлови, маданий ўзига хосликнинг аҳамиятини англаб етиш - бу инсон эркинлиги тамойилининг энг асосий жиҳатларидан биридир. Эркинлик, Амир Темур айтганларидек, фақат қонун устивор бўлгандагина мавжуддир. Демак, мамлакатни барча соҳаларда ривожлантириш ва уни муҳофаза қилиш борасида давлат тили, виждон, матбуот, оммавий ахборот воситалари эркинлиги, ихтиёрий жамоалар ва фуқаролар уюшмалари, ҳаваскорлик ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари (маҳаллалар) тўғрисида қабул қилинган қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларини изчиллик билан жорий этиш зарурати туғилади. Бу ҳол бир томондан суистеъмолчиликлар, демократик жараёнларнинг бузилишининг олдини олса, иккинчи томондан - ҳар бир халқ ва ҳар бир фуқарога миллатидан ва диний мансублигидан қатъи назар, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайди.

Энг асосийси бугунги кунда тил ўрганиш, миллий маънавиятимизнинг асосини ташкил қилувчи давлат тилига бўлган муносабатни масъулият билан ривожлантириш, ўтмиш аждодларимиз маънавий меросига ижодий ёндашган ҳолда янги, замонавий, жаҳон маданияти ва технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим бўлади. Бу йўналишда маориф, маданият ташкилотларигина эмас, балки барча жамият аъзоларининг иштироки зарурдир. Лозим бўлса, жойларда шахсан ҳокимларнинг бевосита халқ билан маънавият ва маърифат, Давлат тилининг нуфузи ҳамда заруратлиги тўғрисидаги суҳбатларини уюштириш, имконият даражасида телевидение, радио ва умуман, оммавий ахборот воситалари орқали кенг ташвиқот ишларини олиб бориш лозим. Бунда маҳаллий оммавий ахборот воситалари зиммасига раҳбариятнинг давлат тили ва маънавий ва маърифий соҳада халқ билан бирга эканлигини намоён этувчи чиқишларнинг ранг-баранглигини ошириш, унинг ҳақиқий ва ҳаётий кўринишларини батафсил оммага етказиш вазифаси тушади. Бизнинг назаримизда, шаҳар, туман ҳокимлари ўрнак бўлсалар, маънавий янгиланишни давлат тилига бўлган салоҳиятли ижобий муносабат, муҳитни ўзларидан бошласалар, кўзланган мақсадга янада муваффақиятга эришган бўлар эдик. Негаки, маъжозий маънода айтганда ўзи сувда сузишни билмаган киши кемада ишлагани билан денгизчи бўлолмайди.

Шу маънода яна бир бор таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибининг мураккаблиги ва ўзига хослиги шундаки, унинг фуқаролари бир юз ўттиздан ошиқ миллат, элат, этник гуруҳларнинг бирлашмасидан ташкил топган. Шу боис, биргаликда яшаётган турли миллат вакилларининг миллий ўзига хослигини тан олиш ва ҳурмат қилиш давлат тили орқали маънавий салоҳиятимизнинг янги қирраларини очишда ва ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Юқорида билдирилган давлат тили тўғрисидаги мулоҳазаларимизни адолат нуқтаи назаридан миллий давлатчилигимиз ривожланишининг фарз бўлган идеаллари ёки бўлмаса қадриятлари бўлганлиги учун ҳам бугунги кунда уни шак-шубҳасиз самарали тарзда юзага чиқариш лозимлигини эътиборга олган ҳолда, кўпчилик ҳукмига ҳавола этдик. “Ҳолва, ҳолва деган билан оғиз ширин бўлиб қолмайди” деган халқ мақоли бор. Ушбу қароргача бўлган даврда Давлат тили масаласида ҳам шундай ҳолат бўлиб келганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бугунги кунда мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари тузилмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиларининг масъулиятини оширади ва улар томонидан жиддий қадамлар ташланишига умид қиламиз. Албатта Давлат тилини тўлақонли давлат тили даражасига кўтариш бу фақатгина соҳа мутасаддиларининггина

ижро қилиши лозим бўлган масала эмас, балқи барча Ўзбекистон халқининг - фуқароларининг умум вазифаси эканлигини ҳар биримиз ёддан чиқармаслигимиз ва бу ишга қамарбаста бўлишимиз лозим.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ушбу масалада вазирликнинг "Вазирлик тизимидаги муассасаларда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш ҳамда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этиш тўғрисида"ги алоҳида буйруғи билан тасдиқланган Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча муассасаларда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил этиш ва унинг ижросини назорат қилиш бўйича Ишчи гуруҳи тузилиб, унинг олдига вазирлик тизимидаги муассасаларида Давлат тилини қонунда белгиланган тартибда жорий қилинишини ташкиллаштириш ва унинг ижросини сифтли амалга оширилишини назорат қилиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди.

Шунингдек, вазирлик тасарруфидаги барча ҚҚР соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, бўлинмаларида, жумладан, тиббиёт таълими, даволаш-профилактика муассасалари, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, илмий-амалий марказларда ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигида ҳужжатлар, ёзишмалар, кўчаларга ўрнатилган реклама баннерларининг сўзсиз давлат тилида (ўзбек тили) юритилишини таъминлаш;

- вазирлик тизимидаги тиббиётга алоқадор муассасаларнинг бинолари пештоқидаги номлар ва унинг ичидаги хоналар эшигидаги атама биринчи навбатда давлат тилида ва заруратдан келиб чиқиб ундан кейин бошқа тилларда ёзилиши;

- вазирлик тизимига кирувчи ҳудудлардаги барча таркибий бўлинмалар ва муассасаларда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда амал қилиниши бўйича жамоатчилик назорати ташкил этиш;

- тегишли бўлимга мазкур буйруқнинг барчага етиб боришини таъминлаш мақсадида вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши каби масалалар бўйича кўрсатмалар берилди ва назоратга олинди.

Шуниng билан биргаликда қуйидаги масалаларга жуда ҳам жиддий эътиборни қаратиш кескин чоралар кўришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1.Барча дори – дармон воситаларини қўллаш бўйича йўриқномалар ва рецептлар давлат тилига ўгиртирилди ва давом эттирилмоқда. Бу иш қонуний йўл билан четдан кириб келаётган барча дори-дармонларга тегишлилиги белгилаб қўйилди.

2.Тиббий тез ёрдам хизматига телефон қилсангиз айрим холларда русча жавоб берилиши ҳам мавжуд эди. Бу рус тилини билмайдиганларга мурожаат қилиб мақсадини тўғри тушунтиришларида анча қийинчиликлар туғдирар эди. Бу масалани тузатиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

3.Кўчаларда турли хил рекламалар ҳамон рус тилида ёки бошқа хориж тилларида кўзга ташланарли даражада катталаштириб ёзилиши кишини ажаблантиради ва ҳайрон қолдиради. Агар суриштириб келсангиз уни ёздирган шахснинг ўзи ҳам у тилни умуман тушунмаслигига гувоҳ бўласиз. Сўрасангиз хорижликларга осон бўлиши учунлигини рўкач қилади. Ваҳоланки хорижликлар Ўзбекистонни кўришга келади. Улар Ўзбекистонга ўзбекларнинг ўзига хос қадриятлари ва яшаш тарзини, осори-атиқаларини кўриш учун ташриф буюришади. Аслида бошқа хориж тилидаги лавҳалар туристлар учун Ўзбек миллатининг бошқа давлатларга қарам эканлиги маъносини англатиши билан ишлари йўқ. Бу масалада ҳам тозалаш ишларини олиб бориш ва уларни биринчи навбатда давлат тилида юритилишини жорий қилишни тақоза этади. Бу ҳақда Ўзбекистон Бош вазири А.Арипов “Жамоат жойлари, кўчалар, бинолар пештоқида, турли лавҳа ва рекламаларнинг кўпинча бошқа тилларда ёки мантиқсиз, тушунарсиз мазмунда ва шаклда акс эттирилиши бунга сабаб бўлмоқда”- деб ҳаққоний танбеҳ берганлиги эътиборга молик масала бўлиб, уларни тезкорлик билан Давлат тилига ўтказишга ишорадир.

4.ОАВларида ўзбек адабий тилида эмас балки ҳудудий шеваларда гапириш адабий ўзбек тилининг мавқеига путур етказмоқда. Бунинг ҳам тезлик билан чорасини кўриш лозим.

5.Баъзи раҳбар ходимлар омма ўртасида ўзбекча ва русча сўзларни қўшиб араш-қуралаш тилда ва Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро симпозиумлар ва анжуманларда эса, асосан рус тилида маъруза қилишади. Бу ҳолга чек қўйишнинг аллақачон вақти келмадимикин деган савол туғилади ва албатта ўзбекчага ўгириш лозим.

6.Фарзандларимизга ва бошқа миллат вакилларига Ўзбек тилини ўргатишга интилиш анча суст, ўзбек тилини ўрганишга интилувчиларни рағбатлантирилмайди, ўзбек тилини ўргатувчи пулсиз курслар очиш ва ўзбек тилини ўргатувчи арзон ва сифатли китоблар нашр қилиш, давлат тилини сифатли амалга оширилишини таъминлашда анча ёрдам беради.

7.БМТнинг Ўзбекистондаги вакили ва Америка элчиси халққа ЎЗБЕК ТИЛИДА мурожаат қилган бир вақтда, аммо айрим министрларимиз ўзбек тилида гапиришдан ор қилади шекилли рус тилида гапиришни афзал кўрганлиги ҳам носоғлом ҳолатдир.

# SO`FI OLLOHYOR ASARLARIDA YOSHLAR MA'NAVIYATINI YUKSALTIRISHDA JAMOATCHILIKNING O`RNI MASALALARI.

**Himmatova Zarina Axtamovna**
**Sharof Rashidov nomidagi SamDU**
**falsafa kafedrasi doktoranti**
**zarina.khimmatova@mail.ru**

Azal-azaldan Sharqning buyuk mutafakkirlari o`z asarlari, falsafiy qarashlari orqali insoniyatni komilikka, diniy va dunyoviy bilimlarini mukammal egallashga undaganlar. Jamiyatda o`z gumanistik g`oyalarini ulgari surib, insoniyatni insonparvarlikka, mehr-shavfqatga, halol mehnat qilishga, bag`rikenglikka da'vat etib kelganlar. Ular o`z asarlari orqali insoniyatga bilim berish bilan birga ularni har tomonlama mukammal qilib tarbiyalsh kabi ulkan vazifalarni ham amalga oshirganlar. Ana shunday murakkab vazifani o`z zimmasiga olgan buyuk ajdodimiz So`fi Ollohyor o`z asarlari orqali jamiyat hayotida muhim o`rin tutuvchi yoshlar masalasini birinchi o`ringa qo`ygan. Ayniqsa, "Sabot ul-ojizin" asarida yoshlarning jamiyat taraqqiyotidagi o`rni nechog`lik muhim ahamiyat kasb etishi borasida muhim falsafiy qarashlari sodda va aniq bayon etilgan.

So`fi Ollohyorning yoshlar tarbiyasi va ma'naviyati borasidagi qarashlarida "Shaxs va jamiyat bir-biriga mas'uldir", degan da'vat yotadi. Bu masala hozirgi davr uchun ham o`z ahamiyatini yo`qotmagan qarashdir. Mutafakkir: agar biror-bir yomon, ya'ni bid'at ishlarni o`zing qilmasangda, ammo jamiyatning tubanlashuviga rozi bo`lib, loqayd bo`lishning ayni gunohdir, gunoh bo`lganda ham gunohlarning eng og`iridir", deya bong uradi. So`fi Ollohyor o`z qarashlarida yoshlar tarbiyasiga, jamiyatga ta'sir etuvchi omil sifatida qaraydi,. Shuning uchun ham yoshlar ma'naviy tarbiyasi bilan faqatgina mas'ul shaxslargina emas, balki hamma o`z daxldorligini his qilgan holda ishtirok etishi lozimligi uqtiriladi.

Jamiyat ravnaqini taminlashda unda yashayotgan fuqarolarning to`g`ri va pok hayot kechirishlari uchun avvalo loqaydlikdan voz kechishi, har bir vatanparvar fuqaroning jamiyat oldidagi burchi ekanligi bot-bot uqtiriladi. Jamiyatdagi biror yosh to`g`ri yo`ldan adashsa, unga bilib turib yo`l ko`rsatmaslik baxillik, deydi. "Baxillikning ham xiyonatning ham eng kattasi – yoshlar tarbiyasidan o`zini chetga olishdir" - deb, ta'kidlaydi. "Birov yo`ldan adashib, cho`l-u biyobonga kirib ketayotganini unga halokat xavfi yuzlanayotganini ko`rsang – u, bilib turib to`g`ri yo`lni ko`rsatmasang bu qaysi insof va diyonatga to`g`ri keladi? Bundan ortiq xiyonat, baxillik bormi? Agar oldingda yosh bolani yonayotgan olovga tushib ketayotganini bilsang-u, unga yordam qo`lini cho`zmasang, sen qanday

musulmonsan, senda insof bormi o`zi?! Boshdan-oyoq barchamiz bir-birimizga aka-ukadirmiz. Ichimizdan akami, ukami, kimdir to`g`ri yo`ldan adashib ketayotgan bo`lsa, qolaversa, bu zalolatdan qutulish yo`llaridan xabardor inson to`g`ri yo`lga boshlamasa, bundan o`tadigan baxillik bo`lmaydi, ey musulmon"- deb, insonlarni loqayd boqlmaslikka chorlamoqda. So`fi Ollohyorning XVIII asrda ilgari surgan bu g`oyasi bugungi davr uchun ham eng kerakli va dolzarb hisoblanadi. Buni Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning quyidagi fikrlaridan ham anglashimiz mumkin: "Bir bolaning yo`ldan adashishi – bu nafaqat bir oila, balki butun jamiyat boshiga tushgan kulfat". So`fi Ollohyorning shaxs ma'naviy tarbiyasi haqidagi qarashlarida e'tiborli jihati shundaki, u mazkur mashg`ulot shaxsning juda yoshligidan boshlanishi kerak, toki shaxs ulg`aygani sari qadamini o`ylab bosish malakasiga ega bo`lsin, yoshlikdagi yanglish (xato) bilan ulg`aygan kishining yanglishish oqibatlari orasida katta farq bor, deb uqtiradi. Yoshlarni ma'naviyatli, ma'rifatli qilishda jamoatchilikning ta'siri kuchli albatta, buni mutafakkir asosan so`z vositasida, amalga oshirishni nazarda tutib, bunda shirin so`zli bo`lishni muhim omil hisoblaydi. "Sabot ul-ojizin" asarining "Suchuk tillik bo`lmoqni bayoni" bobida ham komil shaxsni tarbiyalashda, so`zning ahamiyati muhimligi, qolaversa, shirin so`z orqali nafaqat shaxsni tarbiyalash, balki to`g`ri yo`ldan adashganlarni ham to`g`ri yo`lga solish mumkinligi haqida so`z yuritadi. Mutafakkir o`z qarashlarida, shaxsan tarbiyalashda qalbning pokligiga putur yetkazmaslik zarur deydi. U qalbni quduqqa, qalb pokligini esa zilol suvga qiyoslaydi. Ozgina bo`lsa-da, kibr bilan aytilgan so`z huddiki quduqdagi zilol suvga tushgan qon kabi uning pokligiga putur yetkazishi mumkin deb, tushuntiradi.

So`fi Ollohyor yoshlarni komillik sari yetaklashda jamoaichilikning roli muhim deb, hisoblaydi. Jamoatchilik yoshlarni hamisha bilim olishga chorlashi, otasining qudrati-yu, nasl-nasabiga emas, o`z bilim va halol mehnati orqali hurmat – e'tibor topish kerakligini uqtirishi lozim, deydi.

Bunda pand-nasihat usulidan foydalanish muhimligi ta'kidlanadi, lekin buning uchun avvalo ularni ma'rifatdan bahramand etib, ko`ngil ko`zgularini pand – nasihatga tayyorlash lozim, chunki uning ta'kidlashicha, qorong`u kechada soyani aniqlab bo`lmaganidek, ko`ngil ma'rifiy nurdan holi bo`lsa, unga pand – nasihat kor qilmaydi. Bu bilan So`fi Ollohyor bugungi davr o`zbek yoshlariga qo`yilgan asosiy talablardan biri – bilimli bo`lish, ilm izlab, kecha – kunduz tinmay o`z ustida ishlab, yuksak ma'naviyatli shaxs bo`lishlarida jamoatchilikning o`rni muhim ahamiyat kasb etishini ta'kidlabgina qolmay, o`zi bevosita targ`ib qilib yurgan.

Xulosa qilib aytganda, XVII asrning ikkinchi yarmi XVIII asr boshlarida yashab ijod etgan buyuk mutafakkir, So`fi Ollohyor o`z asarlari, undagi ijtimoiy - falsafiy qarashlari va g`oyalari orqali butun insoniyatni to`g`ri yo`lga chorladi, komillikka yetakladi. Mutafakkir o`z asarlari, undagi ijtimoiy-falasafiy qarashlari va g`oyalari orqali butun insoniyatni to`g`ri yo`lga chorladi, ma’naviy merosining bosh g`oyasi e’tiqodi mustahkam komil inson tarbiyasi” bo`lib, uni amalga oshirish mohiyatan, komil inson tarbiyasini umumjamiyat vazifasi qilib belgilash edi. So`fi Ollohyorning boy ma’naviy merosi butun insoniyatni komillikka yetaklaydi va har qanday jamiyatni ravnaq topishida shaxning bilimi va ma’naviy tarbiyasi muhim omil ekanligini isbotlaydi.

**Iqtiboslar:**


1. Sirojiddinov Sh. “So`fi Ollohyor ilohiyoti” I qism. Imom al – Buxoriy xalqaro jamg`armasi nashriyoti. Toshkent, 2001. – Б 80
2. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M Mirziyoyevning „Ijtimoiy barqarorlikni ta’minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash – davr talabi” mavzusidagi anjumanda so`zlagan nutqi. 15.06.2017 yil. II uza. uz/politic 3/ Vatanimizda – diriva – kelazhagi – u – lida – yanada – omzini – of – b – lib. 15.06.2017 yil.
3. Suvonqulov I. “So`fi Ollohyor” (hayoti va ijodi) qollanma. – Samarqand, 2000, 52 bet.


## SOVET DAVLATINING ILM-FAN VA MAORIF SOHASIDA AMALGA OSHIRGAN SIYOSATI


**Xasanova Nodira Ibragimovna**
**Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti**
**Tarix va falsafa kafedrasi katta o`qituvchisi (PhD)**



**Annotatsiya**: Surxondaryo okrug ijroiya qo‘mitasining 1928 yilgi yig‘ilishida savodsizlikni tugatish masalasiga alohida e’tibor qaratildi. Yig‘ilishda qayd qilinishicha, 1927 yilda okrugda 22 ta savodsizlikni tugatish maktablari bo‘lsa, 1928 yilda ularning soni 42 taga yetdi. Qishloqlardagi ahvol muhokama qilinib, maktab ochilmagan hududlarda savodsizlikni tugatish maktablarini tashkil etish zarur deb topildi. Bundan tashqari, xotin-qizlar maktablari faoliyatiga ham to‘xtalib, bu boradagi ahvol ancha yaxshilanganligi ma’lum qilindi[157].


[157] Денов туман давлат архиви, 6-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 9-варақ.

**Kalit so‘zlar:** savodsizlikni tugatish maktablari, maorif tizimi, kommunistik partiya mafkurasi, o‘zbek yozuvi, “mulla”, “bosmachi”, “quloq”, “aksilinqilobiy isyonchi”, “amir malayi”, madaniy inqilob, MTS, milliy ziyolilar, qizil choyxona, motor-remont zavodi

Surxondaryo okrug ijroiya qo‘mitasining 1928 yilgi yig‘ilishida savodsizlikni tugatish masalasiga alohida e’tibor qaratildi. Yig‘ilishda qayd qilinishicha, 1927 yilda okrugda 22 ta savodsizlikni tugatish maktablari bo‘lsa, 1928 yilda ularning soni 42 taga yetdi. Qishloqlardagi ahvol muhokama qilinib, maktab ochilmagan hududlarda savodsizlikni tugatish maktablarini tashkil etish zarur deb topildi. Bundan tashqari, xotin-qizlar maktablari faoliyatiga ham to‘xtalib, bu boradagi ahvol ancha yaxshilanganligi ma’lum qilindi[158].

1929/1930 o‘quv yiliga kelib Surxondaryo maorifi uchun ajratilgan mablag‘lar hajmi 4 mln. 602 ming so‘mni tashkil qildi[159]. Natijada ushbu mablag‘lar evaziga tashkil etilgan maktablar soni ortib bordi. Faqat 1927-1930 yillarda 30 ta yangi maktab qurildi, 27 ta bino maktab uchun moslashtirildi[160]. Bunyod qilingan maorif tizimi, «savodsizlik»ni tugatish maktablari kommunistik partiya mafkurasi asosida faoliyat yuritishi lozim edi. Ta’lim tizimi to‘liq hukmron mafkura iskanjasida ish yuritdi.

1929 yil martida bo‘lib o‘tgan Surxondaryo okrug Sovetlarining IV s’ezdida “Okrugning madaniy qurilishi to‘g‘risida”gi masalani muhokama qildi. Qarorda ta’kidlanishicha, xalq ta’limiga mablag‘ ajratish 1928 yilga nisbatan 2 baravar ko‘paygan, maktab tarmog‘i 40% oshgan. S’ezd mahalliy hokimiyat organlari zimmasiga boshlang‘ich maktablar rivojiga g‘amxo‘rlik qilish, eski usul maktablariga qarshi qat’iylik bilan kurash olib borishni yukladi[161].

1920-yillar oxirida o‘zbek yozuvini arab alifbosidan o‘tkazish siyosati xalqning sog‘lom ma’naviy hayotiga katta zarar keltirdi. Shuni ta’kidlash lozimki, kommunistik mafkura savodxonlikni bartaraf etish niqobi ostida savodsiz mahalliy aholiga dastlab eski o‘zbek tilida o‘qitishni joriy etib, keyinchalik bu yozuvni o‘zlashtirish qiyinligi, harflarda belgilarning haddan tashqari ko‘pligini ro`kach qilib, uni yozish uchun qulay lotin alifbosi bilan almashtirishni targ‘ib etib bordi.

1930 yilda VKP (b) XVI s’ezdida madaniy inqilobning hal qiluvchi zarur shartlaridan biri “savodsizlikni bitirish, umumiy majburiy boshlang‘ich ta’limni joriy etish, shuningdek, maktablarni isloh qilish va siyosiy maorif ishini amalga oshirishdan iboratdir” deb yo‘l-yo‘riq berdi. VKP (b) Markaziy Qo‘mitasining

---

[158] Денов туман давлат архиви, 6-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 9-варақ.
[159] Ўз МА, 837-фонд, 2-руйхат, 251-иш, 27-варақ.

[160] Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 2-рўйхат, 15-иш, 24-варақ.
[161] Халияров Х., и др. Сурхандарьинская область. –С. 76.

1930 yil 25 iyulda qabul qilgan qaroriga muvofiq, 1930/1931 o‘quv yilidan boshlab mamlakatda 8-10 yoshdagi bolalar uchun umumiy majburiy boshlang‘ich ta’lim joriy etildi. Keyinchalik bu 11 yoshli bolalarga ham tatbiq etildi. Mamlakatda umumta’lim maktablarining uchta tipi o‘rnatildi: boshlang‘ich (1-4 sinflar), to‘liqsiz o‘rta (5-7 sinflar) va o‘rta (8-10 sinflar)[162].

Butun Sovet Ittifoqida savodsizlar aholining 38% ni tashkil etib turgan bir vaziyatda ushbu vazifani bajarish oson emas edi. Bunda mablag‘, o‘qituvchi kadrlar va binolar yetishmovchiligiga duch kelindi. 1930 yili 7 sinf ma’lumotiga ega bo‘lgan har bir kishi 3 haftadan to 6 oygacha bo‘lgan qisqa muddatli o‘qituvchilarni tayyorlovchi va qayta tayyorlovchi kurslarni tugallab o‘qituvchi bo‘lishi mumkin edi. Bunaqangi holat uzoq cho‘zilishi muqarrar bo‘lib qoldi. Garchi ta’lim tizimiga pul ajratish ko‘payib borgan bo‘lsada, u yetarli bo‘lmagan, negaki mablag‘ning asosiy qismi og‘ir sanoatga yo‘naltirilayotgan edi[163].

1930 yilda majburiy ta’lim joriy etilishi bilan Termizdagi 2 ta maktab umumiy yetti yillik maktabga aylantiriladi. Boshlang‘ich maktablardagi sinfxonalar soni ham bir muncha ko‘paytirildi. Natijada shaharda yashayotgan 8 yoshdan to 15 yoshgacha bo‘lgan barcha bolalarni o‘qishga jalb qilish imkoniyati yuzaga keldi. Bu esa yana o‘qituvchi kadrlarga bo‘lgan ehtiyojni birmuncha oshib borishiga sabab bo‘ldi. 1934-35 o‘quv yilida shahar maktablarida faoliyat yuritayotgan 82 nafar o‘qituvchining bor-yo‘g‘i 16 nafari oliy ma’lumotli edi. Oliy ma’lumotli o‘qituvchilarga bo‘lgan ehtiyojni inobatga olgan holda, ko‘plab yoshlar Samarqand, Toshkent va Buxorodagi pedagogika institutlariga o‘qishga yuborildi[164].

1929-1933 yillarda ommaviy jamoalashtirish o‘tkazilishi bilan Respublika va viloyatning ko‘plab joylaridan quloq qilingan aholi Surxondaryo okrugining Hazorbog‘, Qumqo‘rg‘on, Surxon va Sho‘rchida tashkil etilgan sovxozlarga ko‘chirib keltiriladi. Bundan tashqari, 1930-1932yillarda paxtachilikni rivojlantirish maqsadida Farg‘ona vodiysi va Sherobodning tog‘li hududlaridan Termiz va Denov tumanlariga aholi ko‘chirib kelinadi. Bu esa, mahalliy hokimiyat organlari oldida ko‘chirib keltirilganlarning bolalari uchun maktablar tashkil etish muammosini yuzaga keltiradi. Muammoni hal etish uchun Hazorbog‘, Sho‘rchi, Qumqo‘rg‘on, Surxon va Termiz tumanidagi Namuna kolxozi hududida yangi maktablar tashkil etiladi. Surgun qilinganlar orasidan o‘qituvchilar bo‘lgan taqdirda ularni muallimlikka tayin qilish holatlari ham ko‘p bo‘lgan.

---

[162] Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. –Б. 577.

[163] Боффа Дж. История Советского Союза. В двух томах. Том 1. От революции до второй мировой войны. Ленин и Сталин. 1917-1941. Пер. на русский И.Б.Левина. –Москва: Международные отношения, 1990. –С. 381.

[164] Сурхондарё вилоят давлат архиви, 89-фонд, 5-рўйхат, 56-иш, 42-варақ.

Boysunda o‘qituvchi-mutaxassislar tayyorlash bo‘yicha 1932 yilda 6-oylik ta’lim-tarbiya kursi ochilib, 105 nafar o‘qituvchi tayyorlandi. 1933 yilda 70 kishi, 1934 yilda 20 kishi muallimlikni bitirdi. Bundan tashqari, yozgi ta’til vaqtida bu muallimlar pedagogika texnikum va institutlarda malaka oshirishga yuborildi. 1930 yillarda tojik millatiga mansub bolalar uchun 15 ta o‘quv xonasi, 15 ta bolalar maydonchasida tojik tili o‘quv kurslari tashkil etilib, adabiyotlar va muallimlar bilan ta’minlandi. 1934 yilda 243 bola maktablarga jalb etilib, shundan 231 tasi kolxoz a’zolarini bolalari va 12 tasi yakka xo‘jaliklarni bolalaridan iborat edi[165].

O‘zbekiston sovetlarining 1935 yil yanvarida bo‘lib o‘tgan beshinchi s’ezdi O‘zbekiston Xalq Komissarlar Sovetiga 8 yoshdan to 15 yoshgacha bo‘lgan hamma bolalarni majburiy yetti yillik ta’limga tortish hamda shahar va qishloq joylariga yangi maktab binolarini qurish dasturi ishlab chiqish to‘g‘risida ko‘rsatma berdi. Ushbu masala Surxondaryo okrug ijroiya qo‘mitasining 1936 yil 17 dekabridagi sessiyasida muhokama qilindi va tegishli tadbirlar ishlab chiqildi[166]. Natijada okrug shahar va qishloqlari maktablari uchun yangi binolar qurish boshlandi. 1937 yilda Termiz shahridagi “Pravda” gazetasi nomli 2-sonli o‘rta maktabga yangi o‘quv binosi qurib berildi. Bu Surxondaryoda qurilgan ilk ikki qavatli maktab binosi edi. O‘sha yili Jarqo‘rg‘on tumani Kakaydi qishloq kengashidagi “Pravda” gazetasi nomli maktab qaramog‘ida Changoyoq qishlog‘ida (hozirgi Qahramon mahallasi) ikkita boshlang‘ich sinf ish boshladi. Bu sinflarning har birida 24 nafardan o‘quvchi o‘qidi. Ularga Po‘lat Do‘lanov va Hasan Tursunqulovlar saboq berishdi. 1930 yillarda “Mehnat-rohat” kolxozida beshta boshlang‘ich maktablar bo‘lib, ularda 1926-1940 yillarda 630 nafar kishi ta’lim oldi[167].

1920-30 yillarda Surxondaryo okrugida yangi temir yo‘l va neft-gaz tarmoqlarining ishga tushirilishi ularda ishlaydigan ishchi kadrlarga ehtiyojni vujudga keltirdi. Shu maqsadda 1940 yili Kakaydida bitta FZU (Fabrika-zavod bilim yurti) ochildi[168]. Bu bilim yurti voha neft korxonalari uchun ko‘plab kadrlar yetkazib bera boshladi.

1940/1941 o‘quv yilida Surxondaryo viloyatida 303 barcha turdagi maktab faoliyat ko‘rsatgan bo‘lib, ularda 71 ming nafar o‘quvchi o‘qigan[169]. Ulardan 21 ming nafari savodsiz va chalasavod, shu jumladan, 12 ming xotin-qiz 871 ta sinfda

[165] Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Б. 166-167.
[166] Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Б. 131.
[167] Турсунов С., ва бошқалар. Жарқўрғон тарихидан лавҳалар. –Б. 74.
[168] Ишчи кадрлар ўчоғи (Какайди 6-ҳунар-техника билим юрти 25 ёшда). –Жарқўрғон, 1992. –Б. 4.
[169] Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. –Ташкент: Узбекистан, 1964. –С. 317.

o‘qir edi. 1941 yil 1 yanvar holatiga ko‘ra, viloyat aholisining 89,9% savodli edi. Maktab yoshidagi bolalarning deyarli hammasi sovet ta’limiga tortilgan edi[170].

Respublika bo‘yicha 1940-41 o‘quv yilida 4931 ta maktab bo‘lib, ulardan 2722 tasi boshlang‘ich, 1702 tasi to‘liqsiz o‘rta, 798 tasi o‘rta maktablar tashkil etgan. Maktablarda 1281 ming o‘quvchi o‘qigan. Shundan boshlang‘ich maktablarda 364 ming, to‘liqsiz o‘rta maktablarda 572 ming, o‘rta maktablarda 323 ming, aqliy va jismoniy nuqsoni bor bolalar maktablarida 22 ming o‘quvchi bo‘lgan. Ularga 36 ming o‘qituvchi ta’lim bergan. Ishchilar, qishloq yoshlari va katta yoshlilarga mo‘ljallangan maktablar soni 573 bo‘lib, ularda 44 ming kishi o‘qigan. Shundan 1-4 sinflarda 10 ming, 5-8 sinflarda 30,7 ming, 9-10 sinflarda 3 ming kishi o‘qir edi. Ittifoq bo‘yicha bu ko‘rsatkich 7276 ta maktab va 768 ming o‘quvchi; ulardan 1-4 sinflarda 107 ming, 5-8 sinflarda 551 ming, 9-10 sinflarda 110 ming kishi o‘qir edi[171].

Tan olish kerakki, 1920-1941 yillarda Surxon vohasida sovet hokimiyati maorif sohasida ko‘pgina yutuqlarni qo‘lga kiritdi. Bepul ta’limning joriy etilishi, yangi maktablar va o‘qituvchilar tayyorlovchi bilim yurtlarining tashkil etilishi, savodsizlikka qarshi kurash, texnik kadrlarni tayyorlovchi fabrika-zavod o‘quv yurtlarining ochilishi shubhasiz, shu davrning eng muhim natijalaridandir. Maorif sohasida erishilgan yutuqlarni inkor etmagan holda quyidagi salbiy holatlarko‘zga tashlanadi. Bular quyidagilardan iboratdir.

1. Sovet ta’limi mamlakatda boshqa maktablarning bo‘lishiga yo‘l qo‘ymadi. Mamlakatda faqatgina davlat maktablarining mavjud bo‘lishi ta’limda raqobat muhitining yo‘qolishi va ta’lim sifatining tushishiga olib keldi. Qolaversa, sovet maktabi real hayot va ishlab chiqarish bilan bog‘lanmagan edi. Sovet maktablaridagi mana shunday kamchiliklarni ko‘rgan ota-onalar o‘z bolalarini eski maktablarda o‘qitishni afzal ko‘rdilar. Bunga javoban mustabid rejim sovet maktabi bilan raqobat qilishi mumkin bo‘lgan barcha jadid va eski an’anaviy maktablarniyopib tashladi. Ularda dars beruvchi domlalar 1920-1930 yillardagi ommaviy qatag‘onlarda yo‘q qilindilar. Sovet maktablarida hurfikrlilik ta’qiqlab qo‘yildi. O‘zgacha fikrlaganlik uchun jinoiy jazoga tortish avj oldi.

2. Sovet ta’lim tizimi haddan ortiq mafkuralashtirildi. Bunda bolalarga chuqur bilim berishdan ko‘ra kommunistik g‘oyalar bilan tarbiyalash muhimroq deb hisoblandi. O‘quvchilarning bilimi o‘qish-yozishni bilishi, kolxoz darajasida zarur bo‘lgan texnik tushunchalarga ega bo‘lishi, siyosiy dunyoqarashi esa kommunistik mafkura va ateizm ruhida tarbiya topganligi bilan belgilanar edi.

---

[170] Халияров Х., и др. Сурхандарьинская область. –С. 77.

[171] Народное образование, наука и культура в СССР. Статистический сборник. –С. 54-55, 121-122

3. O‘rganilayotgan davr ichida maorif sohasiga mahalliy va davlat budjetlaridan katta mablag‘ ajratilishiga qaramay, savodsizlikni to‘liq tugatishning iloji bo‘lmadi. Shahar va qishloq maktablari moslashtirilgan binolar, oliy va o‘rta maxsus ma’lumotli o‘qituvchilar bilan ta’minlanmadi. Viloyatda oliy ma’lumotli o‘qituvchilar nihoyat darajada kam edi. Agar 1941 yilda Surxondaryo viloyati maktablarida jami 1760 nafar o‘qituvchi ishlagan bo‘lsa, shundan 36 tasi oliy ma’lumotli edi, xolos. 1538 tasi yoki 87,4 foizi hatto o‘rta ma’lumotga ham ega emas edi.Buning yechimi hududda oliy ta’lim muassasasini tashkil etish bo‘lgan. Afsuski, Markazni bunday muammolar qiziqtirmagan. Uning maqsadi o‘lka yer osti va yer usti boyliklarini ko‘proq tashib ketish bo‘lgan. Shu maqsaddan kelib chiqib, Surxondaryo ta’lim tizimini arzon xom ashyoni tashib ketishga moslashtirishga harakat qildi. Hududda oliy o‘quv yurtini ochish yoki tub aholi vakillarini respublika institut va universitetlarida o‘qitish o‘rniga ko‘proq Rossiyadan tayyor kadrlarni jo‘natish bilan shug‘ullandi. Aynan kadrlar tayyorlash masalasida sovet hukumatining mustamlakachilik siyosati yaqqol ko‘zga tashlanadi.

4. O‘zbekiston qishloqlaridagi maktab o‘quvchi va o‘qituvchilarining ommaviy va majburiy ravishda dala ishlariga jalb qilinishi maorif rivojiga g‘ov bo‘ldi. Natijada ta’lim sifati talab darajasida bo‘lmadi.

Sovet rejimining maorif sohasidagi siyosati salbiy oqibatlarni keltirib chiqardi. Surxondaryo okrugidagi bilimli o‘qituvchilarning o‘z kasbini tashlab, xo‘jalik ishlariga o‘tib ketish holatlari ko‘paydi. Bu tizimda o‘z ixtiyori bilan ishlovchilar soni keskin kamaydi. Faqat okrug partiya qo‘mitasining 14-16 yoshli komsomollarni maorif ishiga majburan jalb etish orqaligina vaziyatni ma’lum darajada ushlab turishga muvaffaq bo‘lindi. Ular ham voyaga yetib, imkon bo‘ldi deguncha boshqa ishga o‘tishga harakat qilishar edi.

Xulosa qiladigan bo‘lsak, Surxon vohasi ziyolilari 1920-1941 yillarda juda og‘ir sharoitlarda mehnat qildilar. Bir tomondan, o‘quv binolari, o‘quv qurollarining yetishmovchiligi va iqtisodiy qiyinchiliklar bo‘lsa, ikkinchi tomondan, kommunistik partiyaning zo‘ravonligi, milliy ziyolilarga qarshi ommaviy qatag‘onliklar, ulug‘ davlatchilik shovinizmi va mustamlakachilik zulmi ostida faoliyat yuritdilar. Shunday bo‘lsada, milliy ziyolilar savodsizlikni tugatish, el farzandlariga bilim berishda jonbozlik ko‘rsatdilar. Ularning ko‘pchiligi o‘z kasbiga sodiq bo‘lganliklari uchun el hurmatiga sazovor bo‘ldilar.

# ЭРКИН ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ШАХСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ҒОЯВИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Каримов Санжар Синдорқулович
Жиззах давлат педагогика институти ижтимоий-гуманитар фанларда масофавий таълим кафедраси катта ўқитувчиси
Нематуллаев Шохжахон Ғайбулла ўғли
Жиззах давлат педагогика институти Сиртқи бўлим, Тарих йўналиши 1 босқич талабаси.
Тел: +99890-229-18-15
e-mail: haqiqiysanjar@mail.ru

Янгиланаётган Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида хукуматимиз томонидан ватандошларимизнинг чин маънодаги инсоний ҳақ - ҳуқуқлари таъминланиб, уларнинг ўз орзу-умидларини рўёбга чиқаришлари учун зарур бўлган имкониятлар вужудга келтирилмоқда.

Дарҳақиқат, жамиятимиз ҳаётнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий – маърифий соҳаларида олиб борилаётган ислоҳатларнинг туб моҳиятини ҳар бир шахс учун эркин ва фаровон ҳаёт яратиш масаласи ташкил этади. Сир эмаски,олиб борилаётган ислоҳатларнинг муваффақияти ҳар бир фуқаронинг жамият, халқ ва давлат олдидаги ўз масъулиятини англаган ҳолатда фаолият юритишига ҳам боғлиқдир. Бундай ҳаётий зарурият таълим тизими олдига ҳам, мустақил дунёқарашга эга бўлган, эркин фикрловчи, ўз манфатини мамлакат, халқ манфаати билан уйғун холда кўриб этиб юрт истиқболи учун ўзини маъсул деб биладиган ёшларни тарбиялашдек ғоят долзарб вазифа юкланмоқда. Айни пайтда, ёшлар маънавий дунёқарашини бойитишда шахснинг эркинлиги ҳамда масъулиятининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш ҳам таълим тизими олдида турган муҳим масалалардан биридир. Ушбу вазифаларнинг мувафаққиятли амалга оширишда шахснинг эркинлиги ва масъулияти ҳамда уларни уйғунлаштириш масаласини алоҳида таҳлил қилиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Эркинлик. Хўш, Жамият тараққиётининг барча даврларида имконият учун юксак идеал бўлган ушбу тушунчанинг мазмунида қандай моҳият мужассамланган?

Бу сўзнинг луғавий маъноси – кишининг ўз истаги бўйича иш тутишидир. Афсуски аксарият ҳолларда бу тушунчанинг теран фалсафий моҳиятини англамаган ҳолда худди шундай маънода ҳам қўлланилмоқда. Аслида, эркинлик инсоннинг индивудуал руҳий, маънавий дунёси билан

боғлиқ ҳолда субъектив асосга эга бўлсада, унинг муайян жамият аъзоси сифатида ижтимоий муносабатларга киришиши жараёнидаги объектив шароитларга мослашувида намоён бўлади.

Ижтимоий гуманитар билим соҳаларида эркинлик тушунчасини жамиятнинг турли соҳалари билан боғлаб сиёсий эркинлик, виждон эркинлиги, ирода эркинлиги, сўз эркинлиги каби аниқ тушунчалар ҳосил қилинади. Биз бу тушунчаларни шахс эркинлигининг таркибий қисмлари сифатида ҳам кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Аслида инсоннинг ҳаёти ғоят мураккаб алоқадорликлар орқали кечиши, муносабатларнинг ҳилма-ҳил соҳаларида намоён бўлиши туфайли эркинлик тушунчасига ҳилма-ҳил таърифлар берилган бўлсада, барча таърифларга хос умумий жиҳатлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Эркинлик бу-англанган зарурият, инсоннинг истаги, жамиятда тенг имкониятга эга бўлиш, инсоннинг ўз бахтини ўзи яратиш қобиляти ёки инсоннинг ўзлигини англаш даражаси сифатида талқин қилинади.

Ҳозирда шахс эркинлиги инсоннинг ўз ҳаёти ва фаолиятини эркин амалга ошириши, озод шахс сифатида меҳнат қилиш, билим олиш, ўзи истаган касб-ҳунарни танлаш, дин ва бошқаларни мустақил танлашини ифодалайди. Шу ўринда кишининг эркинлик тушунчасига монанд тарзда шаклланадиган ҳатти-ҳаракатларида икки ҳил бир-бирига зид ҳолатлар намоён бўлиши мумкинлигини назардан қочирмаслик лозим. Бир томондан ижобий ҳолатда шахснинг ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилиши, ўз ҳақ-ҳуқуқларини эркин амалга ошириши, ижодкорлик, ташаббускорлик каби жиҳатларини тўла руёбга чиқаришида кузатилса, иккинчи ҳолатда эса эркинликни масъулиятдан айри ҳолатда тушинишида намоён бўлади ва бу ҳолат ўзбошимчалик ҳамда ҳудбинликни келтириб чиқаради. Шу ўринда таниқли файласуф Анвар Чориевнинг “Эркинлик ва масъулият Шахс онгли фаолиятининг икки томонидир[1]” деган фикриниини эслаш ўринлидир.

Шахс ўз фаолиятида бирор мақсадга интилиб, шу йўлда ҳаракат қилар экан унинг бу ҳатти-ҳаракати бошқаларнинг интилиши ва манфаатларига зид келмаслиги керак, чунки эркинликнинг меъёри ва адолат чегараси ҳудди шу асосда шакилланади. Аксинча, шахс ўз фаолиятида ҳеч бир акс таъсирини тан олмаган тақдирда кимнингдир эрксизлиги ҳисобига эркинликка эришиш ҳолати содир бўлади. Бошқача айтганда, К. Ясперс тушинтирганидек, “бирор киши учун эркинликни руёбга чиқаришнинг маъқул йўли, иккинчи бир киши

[1] Чориев А. Мустақил шахс.Т.:”Чинор ЕНК”2002.248-б

учун мутлақо қарама-қарши бўлиши мумкин[2]”,шу боис шахс бу жараённи тўғри баҳоламаган тақдирда ўзга бир шахснинг эркинлигини чеклайди. Бундан келиб чиқиб, эркинлик ҳеч қачон мутлоқ ҳарактерга эга бўла олмаслигини чуқур англаган ҳолда шахснинг эркинлиги доимо унинг масъулияти билан ўзаро ички алоқадорликда мавжуд бўлишини эътироф этишимиз лозим.

Демакки, шахс ўзининг мустақил фаолиятида жамиятнинг бошқа аъзолари, оиласи, маҳалласи, меҳнат жамоаси, давлати ва жамияти олдидаги масъулиятини ҳис қилганда, шунингдек, мавжудижтимоий нормаларга амал қилган ҳолдагина муайян даражада эркинликка эришиши мумкин.

Демак, ҳар қандай хаётий вазиятларда киши ўз ҳатти ҳаракатини меъёрлар билан, қадриятлар билан, шунингдек бошқа кишиларнинг манфаатлари билан мослаштиришига тўғри келади. Бундай ҳолда киши масъулият билан иш юритаётган бўлади. Масъулият дейилганда Шахс фаолиятининг унинг бурчига мувофиқ эканлигининг англаниши ёки ўз ҳатти ҳаракати учун жавобгар эканлигини  англаб етиши назарда тутилади. Бундан ташқари кишининг ўз яқинларига , эл-юртига нисбатан ички масъулияти ҳам бор бўлиб бу туйғу масъулият ҳисси деб аталади. Ривожланган масъулият ҳиссига эга инсон ўз ҳатти-ҳаракатларини назорат қилиши ҳамда уларнинг оқибатларини олдиндан кўра билишга қодирдир.

Демакки, эркинлик ва масъулият доимо алоқдорликда ва ўзаро боғлиқликда мавжуд экан шахс фаолиятидаги эркинлиени намоён этувчи ҳар бир жиҳатнинг моҳиятида масъулият ётади. Агар инсонда эркинлик бўлмаса демакки бу инсонда масъулият ҳам бўлмайди[2].

Шахс масъулияти унинг Шахсий масъулияти, фуқаролик масъулияти ҳамда миллий масъулияти кўринишида намоён бўлади[3].

Кўриниб турибдики шахснинг эркинлиги ва масъулияти мустақил шахс фаолиятининг асосий томонлари бўлиб, Шахс эркинлиги ва масъулиятини уйғунлаштириш бевосита Жамият ва шахс манфаатларини уйғунлаштириш масаласидир. Жамият ва Шахс манфаатларини уйғунлаштириш эса асосан икки ҳил йўналишда амалга оширилади.

Биринчи йўналишда, мажбурлаш ва таъқиқлаш асосий аҳамиятга эга бўлиб жамиятда диний ёки ҳуқуқий нормаларни қатъий белгилаш орқали

[2] Қаранг: Миллий ғоя ва мафкуранинг фалсафий-ҳуқуқий фанлар ривожидаги аҳамияти.Т.: фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти.2008.203-б
[2] Очилова Б.Миллий- маънавий юксалишда мерос қадриятлар ва ворисийлик.Т.:”Истиқлол” 2009.145-б
[3] Иброхимов А.”Биз ким ўзбеклар...”Т.:Шарқ.1999.177-б

жамият аъзоларининг эркинликлари ва ҳақ-ҳуқуқларининг чегараси белгиланиб, уларнинг бурчлари қатъийлаштириб қўйилади. Бу қоидаларнинг амал қилиши устидан жамият ва давлат назорат қилиб туради.

Иккинчи йўналишда эса кишиларда бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилиши ҳамда ўз бурчларини ихтиёрий тарзда масъулият билан бажариш ҳисси шакиллантирилади. Бу йўналишда жамиятда мавжуддиний, ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларга нисбатан хурмат туйғуси асосан, таълим-тарбия, ибрат ва муайян эътиқодни шакиллантириш орқали шакиллантирилади.

Хўш , бундай натижага қандай эришиш мумкин ? Бизнинг жамиятимиз шароитида шахс ва жамият манфатлари уйғунлаштириш қандай усул ва воситалар орқали оширилиши мумкин? Бу масалага бугинги замоннинг ўзига хос характерли хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиб ***ғоявий тарбия орқали*** дея жавоб бериш мумкин . Чунки бу жараёнда миллий ғоямиз жамиятимиз аьзоларининг барчаси учун умумий бўлган орзу интилишларни мақсад-муддаоларни, эхтиёж ва манфатларни ўзида ифода этиб, жамият ва шахс манфатларининг уйғунлашувини таьминлаши мумкин .

Хулоса сифатидатаъкидлаш жоизки, эркин ва масъулиятли ёшларни тарбиялашда мафкуравий тарбия алоҳида аҳамиятга эгадир. Мафкуравий тарбияни муваффақиятли амалга ошириш учун ,аввало, оила, талим тизими, оммавий ахборот воситалари адабиёт ва санъат, давлат ва жамоат ташкилотларининг комплекс тарздаги уйғун фаолияти тақозо қилиниб,бу соҳадаги энг асосий масъулият эса шубҳасиз талим-тарбия тизимининг ҳиссасига тўғри келади.

## TARIXIY-MADANIY MEROS O‘ZLIKNI ANGLASh OMILI SIFATIDA

***Azimova Charos Azamatovna***
***Toshkent arxitektura qurilish unstituti o’qituvchisi***
***charosrose@gmail.com***
***Jo’rayev Farruh Shobo’ta o’g’li***
***Toshkent arxitektura qurilish unstituti talabasi***

Tarixiy-madaniy meros har bir xalqning, har bir millatning o‘tmishini, nafaqat buguni bilan, balki kelajak bilan ham baholaydigan, ularni bir butun yaxlit jarayon sifatida namoyon qiladigan eng muhim qudratdir. Shuningdek, u xalqning, millatning o‘ziga xos milliy xususiyatlarini bilib olish uchun yirik manba vazifasini ham bajaradi. Ayniqsa, madaniy meros millat ma’naviyatini to‘la tasavvur qilishda muhim ahamiyatga egadir. Tarixiy-madaniy merosning

ajdodlardan avlodlarga o‘tib turishini ta’minlovchi vositalardan biri milliy urf-odatlar, rasm-rusumlar, bayramu-sayllar, marosimlar, ya’ni milliy-madaniy an’analardir. Xuddi shu milliy-madaniy an’analar yordamida bir avlod to‘plagan madaniy meros ikkinchi avlodga uzatiladi. Bu hodisa, o‘z navbatida, milliy vorisiylikni shakllantiradi. Shuning uchun ham madaniy meros ajdodlar bilan avlodlar o‘rtasida ishonchli ko‘prik vazifasini bajaradi. Bugungi kunda mamlakatimizda ma’naviyatimiz, tariximiz, milliy qadriyatlarimizni tiklash, madaniy merosimizni asrab-avaylash, ularni boyitish hamda dunyo hamjamiyatiga tanishtirish borasida keng qamrovli ishlar olib borilmoqda. Yurtimiz o‘z qadimiy madaniyatiga, qadriyatlariga ega o‘lkadir. Xalqimizning avlodlardan-avlodlarga o‘tib kelayotgan nihoyatda qadimiy va boy ma’naviy-madaniy merosi bugungi kunda dunyo hamjamiyatini mamlakatimizga tobora jalb qilmoqda. Bu borada birinchi prezidentimiz I.Karimov ta’kidlaganidek: “Albatta, har qaysi xalq yoki millatning ma’naviyatini uning tarixi, o‘ziga xos urf-odat va an’analari, hayotiy qadriyatlaridan ayri holda tasavvur etib bo‘lmaydi. Bu borada, tabiiyki, ma’naviy meros, madaniy boyliklar, ko‘hna tarixiy yodgorliklar eng muhim omillardan biri bo‘lib xizmat qiladi”.

Darhaqiqat, yurtimiz hududidagi yoshi Rim va Bobilga tengdosh Samarqand, Buxoro, Xiva, Shahrisabz, Toshkent kabi shaharlarimiz va ularda hozirgi kungacha saqlanib kelinayotgan tarixiy-madaniy yodgorliklar bilan faxrlansak arziydi. Bugungi yosh avlodni ma’naviy jihatdan barkamol etib tarbiyalashda ularning o‘rni beqiyos.

Sharq bilan G‘arbni bog‘lab turuvchi Buyuk ipak yo‘lining ayni markazida joylashgan O‘zbekiston hududida turli davrlar va sivilizatsiyaga xos minglab me’moriy va tarixiy-madaniy meros saqlanib qolgan bo‘lib, ularning ko‘pi YuNESKOning butunjahon madaniy merosi ro‘yxatiga olingan. Hozirgi kunda shularning taxminan 4 mingtasi Respublikamiz bo‘ylab amalga oshiriladigan sayyohlik yo‘nalishlari tizimiga kiritilgan. Mustaqillik yillarida ana shu bebaho merosning tarkibiy qismi bo‘lgan obidalarni tiklash, asrash choralarini ko‘rish hamda kelgusi avlodga to‘la-to‘kis yetkazib berish yo‘lida ulkan bunyodkorlik ishlari olib borildi. Mana shu yillar davomida, birinchi navbatda, xalqimizning milliy qadriyatlari qaytarildi. Boy ma’naviy-madaniy merosimiz, jumladan, Imom Buxoriy, Abduxoliq G‘ijduvoniy, Ahmad Yassaviy, Hakim at-Termiziy, Bahovuddin Naqshband, Burxoniddin Marg‘inoniy, kabi olamda mashhur allomalarimizning ma’naviy xazinasidan bahramand bo‘lish imkoniyati tug‘ildi.

Olib borilayotgan islohatlarning samaradorligi, avvalo, boy tarixiy- madaniy merosimizning keng o‘rganilishi, yoshlarimiz qalbi va ongu shuurida milliy qadriyatlarning chuqur singdirilayotganligi bilan chambarchas bog‘liq. Ayni

paytda bu yosh avlodni sog‘lom turmush tarzi tamoyillari asosida tarbiyalash, jismoniy, ma’naviy va ruhiy chiniqtirish, ularda milliy g‘urur va iftixor tuyg‘usini oshirishga xizmat qiladi. Mavjud ma’naviy-madaniy merosni qay darajada saqlanib, avaylab kelinayotgani, uni har tomonlama o‘rganib keng jamoatchilikka, ayniqsa, yoshlar ongiga singdirish, jahon hamjamiyatiga targ‘ib etish borasida amaliy ishlar faol olib borilmoqda. Shu o‘rinda Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning “...biz ona zaminimiz bag‘ridagi har bir moddiy va ma’naviy meros namunasini ko‘z qorachig‘idek asrab-avaylash, qayta tiklash va ta’mirlash bo‘yicha qilinayotgan bu ishlarimizni kimgadir namoyish qilish, ko‘z-ko‘z etish uchun emas, aksincha, kelajagimizni o‘ylab, ongimiz va qalbimiz da’vati bilan amalga oshirmoqdamiz. Toki, ertaga bizning o‘rnimizga keladigan, biz boshlagan olijanob ishlarni munosib davom ettirishga qodir bo‘lgan yoshlarimiz ana shu bebaho ma’naviy boylikdan bahramand bo‘lsin, shu asosda o‘zining kimligi, qanday buyuk zotlarning avlodi ekanini anglab yetsin”[2], degan so‘zlarini eslash joiz. Darhaqiqat, insoniyat bosib o‘tgan tarixiy taraqqiyot tajribasidan bizga yaxshi ma’lumki, qaysi davlat, qaysi millat o‘z madaniy merosini qadrlasa, e’zozlasa, o‘zida mavjud milliy-madaniy an’analari, tarixiy obidalar, arxitektura yodgorliklarini ardoqlashga yoshlarni da’vat etsa, moddiy-ma’naviy boyliklarni yaratgan kishilarga nisbatan hurmat ruhini shakllantirsa, o‘sha jamiyatda, madaniy-ma’naviy, iqtisodiy-siyosiy barqarorlik hukm surgan.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, yurtimizda olib borilayotgan islohotlar orqali biz o‘z oldimizga uzoq va davomli milliy manfaatlarimizni amalga oshirish masalasini qo‘yar ekanmiz, shakllanib kelayotgan yangi avlod hayotida tarixiy-madaniy merosga munosabatni yaxlit falsafiy tafakkur darajasida samarali rivojlantirish vazifasiga yanada jiddiy ahamiyat qaratishimiz darkor.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati**


1. Karimov I.A.Yuksak ma’naviyat - yengilmas kuch. - T.: «Ma’naviyat», 2008. 29-30 b.
2. O‘zbekiston ovozi. 2007, 24 fevral.


## ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ


Буранова Нигора Аъзамкуловна
Тошкент архитектура қурилиш институти
Умарова Камола ТАҚИ талабаси
E-mail:nigoraburanova77@gmail.com

Ҳозирги кун ёшларни янгича руҳда тарбиялаш, уларнинг онгига миллий мустақиллик ғояларини чуқуррoқ сингдириш, аждодларимиз яратган диний қадриятлар моҳиятини англаш, уларни айниқса, ёшларга чуқуррoқ тушунтириш, миллий истиқлол мафкурасини кенг омма орасида ёйишнинг энг таъсирчан воситаларидан бири ҳисобланади.

Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг айниқса ёшларнинг юксак идеаллари, хақ ва хақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизими ҳисобланади. Кўп асрлар мобайнида халқимизнинг, айниқса ёшлар қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.[1] Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр шавқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан ана шу заминда илдиз отади ва ривожланади. Диний қадриятларда, биринчи навбатда Ислом таълимотида жамики одамзотни эзгуликка, ҳақ ва ҳаққонийликни, тўғри йўлга даъват этадиган ва ноҳақликка қарши курашишга чорлайдиган шундай бебаҳо фалсафий ғоялар, нодир ҳикматлар ривоятлар, панду-насиҳатлар, энг муҳим йўл-йўриқлар борки, уларни билиб, чуқур ўзлаштириб олиб қатъий амал қилган, уларга суяниб иш қилган, фаолият кўрсатадиган ёшлар ҳаётида ҳеч қачон қоқилмайди.

Диний қадриятлар ёшларни илм-фанга, маънавият ва маърифатга даъват этганлиги жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Буни ислом дини мисолида кўриш мумкин. Ислом илм деганидир. Муқаддас китобимиз Қуръони Каримдада 78000 га яқин сўз бўлса, унда “илм” сўзи турли ҳолларда 765 та марта такрорланади. Ислом фақат шаърий илмларини эмас, балки барча илмларни ўрганиш фойдали деб ҳисоблаган. Қуръони Каримнинг оят ва суралари, пайғамбаримизнинг хадислари илмга даъват билан тўла. Ислом илм талаб қилишни ибодат даражасига кўтарган, ҳаттоки ибодатдан илмни устун қўйган.

Қуръони Карим мусулмонларнинг ҳаётидаги ягона инсонийликни шакллантирувчи йўлбошчига айланди. Қуръони Каримдаги “Инсон” сурасида шундай дейилган: «Биз инсонга тўғри йўлни кўрсатиб қўйганмиз, ҳохлагани шукр келтирувчи бўлсин ёки куфр келтирувчи бўлсин» (3-оят). Қуръоннинг кўпчилик оятларида инсонни ихтиёри ўзи билан бўлиб у қилган яхши ва ёмон ишларига ҳам ўзи жавобгардир.

Қуръони Каримда келажак авлодни, ёшларни доимо йўлга йуналишини, уни ўз иҳтиёрига қўйиб бериш муҳимлигини кўриб турибмиз. Муҳаммад алайҳиссаламнинг ибратли ишлари эътиқод, поклик, маънавий-ахлоқий ҳислатларни ифодаловчи сўзлари, насихатлари саҳиҳ ҳадисларда мужассамлашган. Шу билан бир қаторда ҳадисларда ёшларнинг маънавий камолати мезони билим деб кўрсатади. Таълим – тарбия ёшларни ўткир зеҳнли, зукко, хотирасини кучли қилишдаги аҳамияти катта эканлиги таъкидлайди. Билимсизлик ёшларни нодонликка олиб келади, илимсиз жамиятда эса жаҳолат, разолат ҳукмронлик қилади. Шарқона миллий тарбиянинг асоси бўлган Қуръони Карим, Ҳадиси шариф каби миллий қадриятлардан кенг фойдаланиш баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўсиб келаётган ёш авлодда миллий ғурур, Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, иймон-эътиқод каби инсоний фазилатларни ёшларда шакллантиришда хадислардан фойдаланиш зарур. Бугунги вояга етаётган ва келажак авлодларимизда ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий ва маданий меросга садоқатни тарбиялаш, муқаддас қадриятларимизни сақлаш ва асраб-авайлаш – бугунги сиёсатимизнинг узвий қисми, маънавий бойлигимиз ва маънавий қудратимизнинг далолати эканлигани ҳамиша таъкидлаб келган. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат бўлган, ёшларни меҳр-оқибатли, ор-номусли бўлишга чорлайдиган ана шу бойликнинг моҳиятини англаш ва тўғри тушуниб етишга муайян даражада хизмат қилган. Давлатимизнинг шу диний қадриятлар соҳасидаги максад ва вазифалари, биринчи навбатда, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳалқимиз фаровонлигини юксалтиришга кўмаклашишга қаратилган. “Дин соҳасида оламшумул аҳамият касб этган алломаларнинг меъросини ўрганиш аждодларимиз томонидан кўп асрлар мабойнида яратиб келинган ғоят улкан, бебахо маънавий ва маданий меъросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кутарилган нихоятда мухим вазифа бўлиб қолди” .

Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини равнақ топишига қўшган ҳиссаси туғрисида сўз юритганда, энг аввало, хақли равишда ислом оламининг забардаст уломалари –ватандошларимиз Имом ал Бухорий, Имом Абу Исо ат-Термизий Маҳмуд аз– Замахшарий, Ахмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Мотрудий, Бурхониддин Марғулоний ва Ҳожа Ахрор Валий, Абдухолиқ Ғиждувоний ва бошқалар ёшлар учун муҳум диний қадриятларга оид асарларини мерос сифатида қолдирди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида “Мусулмон оламида муҳаддислар султони дея улкан шуҳрат қозонган Имом ал – Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз” деб таъкидлайди. Бу мўтабар зот меросининг гултожи бўлмиш энг ишончли ҳадислар тўплами “Ал – жоме ас – саҳиҳ” китоби ислом динида Қуръони Каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба бўлиб, аҳли ислом эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган энг улуғ миллий - маънавий қадриятимиз ҳисобланади. Бу асар маънавий қадриятимизни тиклашда, ёшларда ахлоқ-одоб, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик, сингари фазилатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, бу нодир асарда маънавий поклик, ахлоқий камоллик ҳақидаги ҳадисларда ёшларни ҳақиқий мусулмон, иймонли ва диёнатли бўлишга даъват этади. Чунки, диёнат Оллоҳ ҳузурига яқин қиладиган муқаддас эътиқод, маънавиятнинг энг муҳим омили ҳисобланади.

Ахмад Яссавий ислом динининг йирик намоёндаси сифатида ёшларга оид бир қанча панд-насихатларни мерос қолдирди. Ахмад Яссавий хикматларининг ахлоқий, фалсафий, илдизлари тўғридан-тўғри Қуръони Карим ғоялари ва Муҳаммад салололоҳу алайҳи васаллам ҳадисларига бориб боғланади. У ислом динининг йирик намояндаси сифатида “тупроқни” Аллоҳнинг мунаввар нури, сувни ёруғ ҳаёти, ҳавони буюклиги, оловни ғазаби тимсоли ҳисоблайди. Хўжа Ахмад Яссавий Масжиди пештоқига ҳазрати Расулуллоҳнинг “Талабул илми фаризатун ала кулла муслимин ва муслиматин” – Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир, деган хадис битилганлигини кўрамиз. Ахмад Яссавий ҳикматларида тўғрилик, меҳнатсеварлик, мўминларга меҳрибон бўлиш, инсоф каби ғояларни илгари сўради. Умуман, Яссавийнинг баркамол инсон ҳақидаги ғоялари ёш авлодни тарбиялашда муҳим маънавий мерос ҳисобланади.

Баҳовуддин Нақшбанд таълимоти асосида ҳар бир ёш авлоднинг ҳалол, пок бўлиши, ўз меҳнати билан ҳаёт кечириши кераклиги, сабр-қаноатли бўлиши, камтар, самимий бўлиши, иймон ва эътиқодини мустаҳкам тутиши, дилда худони жў этиб, амалда халқ билан бирга бўлиш каби олижаноб хислатларни таркиб топтириш ётади. [6] Баҳовуддин Нақшбанд таълимоти ёшларда мехр-оқибат, самимийлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, сабр-қаноатнинг таркиб топишига йўллайди. Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан ёшларни барҳаманд бўлишга, уларнинг мана шундай муҳитда камол топишига, ислом динининг

инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлодни тарбиялашга ўргатишимиз зарур. Президентимиз таъкидлаганидек ўсиб келаётган баркамол авлодни Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўгиглари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбиялашимиз лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1.Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд –Т.: Ўзбекистон , 2018. 29-30-бетлар.

2. Toshbekova M.X. Factors for Overcoming Ideological Threats in Globalization 2020

3.Каримов И.А Истиқлол ва маънавият 1994-йил 15-бет.

4.Yakubovich A.H., Turg'unovich R.F., Ravshanovich R.F. Amir Temur and Turan States. Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research 2019 (5(7))


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА АЖДОДЛАРИМИЗ МАДАНИЙ МЕРОСИНИНГ ТАДҚИҚОТИ ВА ТАРҒИБОТИ МАСАЛАЛАРИ


Иминова Дилбархон Маннобовна,
Андижон давлат университети
«Миллий ғоя ва маънавият асослари,
ҳуқуқ таълими» кафедраси
катта ўқитувчиси


Ватанимиз сарҳадлари нафақат Марказий Осиё, балки бутун Шарқ дунёсида қадимги цивилизация шаклланган минтақалардан бири ҳисобланади. Буни узоқ ўтмишда таркиб топган тарихий-маданий вилоятлардаги моддий маданият ёдгорликларининг кўплиги ва улар тадқиқотида қўлга киритилган археологик манбалар жонли гувоҳ сифатида кўрсатиб турибди. Мустақил Республикамиз ўз тараққиёти барча соҳасида жаҳон стандартига эришаётган бир пайтда аждодларимиз томонидан яратилган бой маданий меросни жаҳон ҳамжамиятига намоён этиш энг долзарб масалалардан бири саналади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ватанимиз тарихи, аждодларимиз бой маданий меросини таърифлаб: “Бой тарихимиз дурдонаси бўлган маданий меросимизни асраб-

авайлаб, келажак авлодлар учун безавол етказишимиз зарур. Ҳозирги вақтда уларнинг сони 7 мингдан зиёдни ташкил этади” - деб таъкидлаган.

1998 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “ЎзР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” чиқарган қарорининг археологияга тегишли бандлари асосида “Ўзбекистонда археология фанини ривожлантириш концепцияси” ишлаб чиқилди. 2001 йилда «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», 2009 йил 16 июнда «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» ги қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 16 январдаги “Моддий маданий ва археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Ф-5181-сон фармойиши шу ҳуқуқий пойдевор жумласига киради. Шунингдек, ЮНЕСКО нинг маданий меросни муҳофаза қилишга қаратилган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга йўналтирилган фаолияти, хусусан, 1972 йилда қабул қилинган Умумжаҳон маданий ва табиий меросни сақлаш тўғрисидаги Конвенция муҳим аҳамият касб этишини алоҳида эътироф этиш лозим.

Дарҳақиқат, моддий-маданий мерос аждодларимизнинг интеллектуал салоҳиёти, жаҳон халқлари цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасини намоён этади ва шу аснода ҳозирги кун таълим, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларимизда объект сифатида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис таълим, тарбиянинг янги тизимида тарихий, моддий-маданий ёдгорликлар тадқиқотлари ютуқ, кашфиётлари ўқувчилар диққатига етказилиши, мактабгача тарбия, узлуксиз таълимнинг кейинги босқичлари барчасида ашёвий далиллар асосида тарғиб-ташвиқот қилиниши ҳамда кўргазмали бурчаклар ташкил этилиши максадга мувафиқдир. Бу бурчаклар нафақат маданий меросимизни тарғиб-ташвиқот этиш, шу билан бирга маънавий-маърифий тарбия воситаси сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Шундай тарбия ўчоклари сифатида мамлакатимиздаги бир қатор университетларнинг тарих факультетлари қошида фаолият кўрсатаётган Археология музей лабораторияларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ушбу музейларнинг экспонатларини ташкил этувчи археологик манбалар археология кафедралари ходимлари томонидан магистр, талабалар иштирокида амалга оширилган археологик тадқиқотлар жараёнида қўлга киритилган. Хусусан, кейинги йилларда Ватанимиз жанубий сарҳадлари бронза даври жамоалари моддий-маданиятига доир ёдгорликлар тадқиқотида қўлга киритилган археологик ашёлар музейлар экспонатларини ташкил этади. Археология музей-лабораторияларидаги экспонатлар тарихий

тараққиёт босқичлари кетма-кетлиги бўйича қўйилиб, бу тартиб 1-дан Ватанимиз сарҳадларида аждодларимиз тарихий тараққиёт босқичлари кетма-кетлигида узлуксиз яшашиб, ўзига хос маданият яратишганлигини; 2-дан бу маданият бошқа жойлардан келиб қолмаганлиги, маҳаллий, тубли, жойли маданият эканлиги, туб илдиз негизида узвий равишда шаклланганлигини намоён этади.

Бундай тарғиб-ташвиқот ишлари жуда мухим бўлиб, аникроғи ёш авлодни замон талаби асосида тарбиялаш, уларда тарихий хотира, дунёвий, аҳлоқий салоҳият шакллантириш ва юксалтириш, тарихий, миллий ва умумбашарий қадриятларга эътиқод ва хурмат туйғуларини уйғотишда аҳамияти беқиёсдир. Шу боис моддий-маданий ва археологик мерос объектларини сақлашимиз ва уларни келажак авлодга етказишимиз ҳамда улардан фойдаланиш ишларини йўлга қўйишимиз лозим. Шу нуқтаи назардан қуйида баъзи мулоҳазаларимизни келтирмоқчимиз: Республика миқёсида мактабгача таълим, узлуксиз таълим барча масканларида моддий-маданий ва археологик мерос объектларига бағишланган илмий тўгараклар ҳамда ўлкашунослик, археология, этнологик бурчаклари, музейларини ташкил этиш; Республикамиз миқёсида моддий-маданий ёдгорликларни таъмирлаш бўйича ихтисослашган устахоналар ташкил этиш ва уларда фаолият кўрсатадиган мутахассисларни тайёрланишини йўлга қўйиш; моддий-маданий ва археологик мерос объектларининг ёш авлодни Ватанимиз тарихи, аждодларимиз томонидан яратилган юксак маданий-меросга ҳурмат, ғурур-ифтихор, садоқат, ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллийлик руҳида тарбиялашда нақадар аҳамиятли эканлигидан келиб чиқиб, шу жиҳатларни тарғиб қилиш учун оммавий ахборот воситаларида махсус рубрикалар ташкил этиш ва шу аснода кенг халқ оммаси диққатига етказилишини ҳам йўлга қўйиш; Моддий-маданий ва археологик мерос объектлари тадқиқотида шаклланган илмий мактаблар, ҳозирги кунда ёдгорликларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш, консервациялаш, археологик ёдгорликлар тадқиқотида хорижнинг етук илмий марказлари билан амалга оширилаётган ҳамкорликлар тўғрисида ҳужжатли фильмлар яратиш ва уларни таълим, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларда кенг қўллашни йўлга қўйиш; моддий-маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш, асраш, илмий тадқиқ этиш ва улардан фойдаланишнинг Республикамиз қонунчилигида акс этганлигини кенг халқ оммаси ўртасида таълим масканларида тарғиб этишни йўлга қўйиш.

Хуллас, моддий-маданий ва археологик мерос объектлари тадқиқотида қўлга киритилган археологик манбалар ёш авлодни аждодларимиз маданий меросини идрок этишда асосий омил бўлиб, ёшларни бу маданий меросга

бўлган ҳурматини оширади. Уларни ўтмиш тарихимиз, Ватанимиз, халқимизга чексиз муҳаббат, ватанпарварлик, қадриятларимизга садоқатлилик, ифтихор, ғурурланиш, аждодларга муносиб авлод бўлишлилик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / “Халқ сўзи” газетаси, 30 декабрь 2020 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, «Ўзбекистон» НМИУ, 2012.
3. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири Л.Саидова. – Т.: Адолат, 2004.
4. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: «Шарқ» нашриёти, 1998.

## ҚАДИМГИ МИНГТЕПА - МАДАНИЙ МЕРОС МАСКАНИ

**Авазбек Мирзаев,**
**Андижон давлат университети,**
**“Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси.**
**+998-99-9004479**

Юртимиз тупроғи жудаям азиз ва узоқ минг йилликларни ўз ичига олган маскандир. Қадим Мовороуннахрнинг дунё манбаларида ёзилган маълумотлардан ҳам қанчалик қадимий эканлигини билиб олиш мумкин. Юритимиздаги қайси шаҳар ёки вилоятга бормайлик қадимий тарихий объекти йўқ жойни учратмаслик мушкул. Жумладан Андижонда ҳам шундай манзилгоҳларнинг бир қанчаси мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ватанимизнинг ўтмиш тарихи хусусида: «Барчамизга маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади»[1.5], - деб таъкидлаган.

Мингтепа – кўҳна шаҳар харобаси(мил. ав.3 – мил. 5-а.) Андижон вилояти Мархамат туманига туташиб кетган ёдгорлик бўлиб, хитой ёзма манбаларидаги Эрши шаҳри билан айнан деб тахмин этилади. 1940 – 1950 йилларда А.Н.Бернштам, Ю.А.Заднепровский, кейинчалик 1990-йилларда Ўзбекистон Республикаси ФА Археология институтининг Б.Матбобоев бошчилигидаги Фарғона отряди археологик текшириш ишларини олиб борган.

Мингтепа шаҳар ҳаробаси (қадимий номи Эрши), яъни хитой йилномаларида Да-Ван деб юритилган Довон давлатнинг қадимий пойтахти ҳисобланган. Мингтепа милоддан аввалги IV асрлари – милоднинг IV-V асрларини ўз ичига олган Марказий Осиё антик даврининг йирик ва муҳим археология ёдгорлигидир.

Хитой тарихчиси Чжан Сяннинг берган маълумотларига қараганда, қадимги Довон давлатида 70 дан зиёд катта ва кичик шаҳарлар мавжуд бўлган. Аҳолиси эса бир неча юз минг кишини ташкил қилган.

Фарғона водийсида деҳқончилик ҳам кенг ривож топган. Маҳаллий аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан, яъни асосан йилқичилик билан шуғулланган. Довон ўзининг тутқич бермас “самовий отлари” билан дунёга машҳур эди. Хитойликлар отларни “қанотли отлар” деб атаганлар. Чунки ўша даврда Довоннинг отларига тенг келадиган отларни топиш мушкул эди. Хитой императорининг “самовий отлар”га бўлган қизиқиши ортиб, уларга эга бўлишни ҳоҳлайди. Довонга ўз элчиларини юборади. Довон ҳукмдори отларни уларга беришга рози бўлмайди. Сўнгра хитой императори катта кучли қўшинни лашкарбоши Че Лин бошчилигида Довонга юборади ва унга катта миқдорда кумуш ҳамда олтин ҳайкалчасини беради. Довон ҳукмдори такроран рад жавобини беради, натижада Довон билан Хитой ўртасидаги тўрт йиллик уруш бошланади.

Довон давлати отларининг сифати ва иш қобилияти қанчалик яхши бўлганлигини от учун бошланган тўрт йиллик урушдан ҳам кўришимиз мумкин. Отларни етиштириш билан асосан маҳаллий аҳоли шуғулланган. Хитой тарихчиси Чжан Сян айтиб ўтганидек, фарғоналиклар “от минган ҳолда маҳорат билан камондан отишган”.

Мингтепа шаҳар харобаси 200 гектар майдонни (ички ва ташқи шаҳарлар) эгаллаган. Хитой манбаларида ёзилишича, милоддан аввалги 125 йилда Фарғонага ташриф буюрган хитойлик таниқли сайёҳ Чжан Сян қуйидагича тафсифлайди:

“Бепоён далаларида шоли ўсимлиги, буғдойи, бедаси ва узум шароблари бор. Довон яхши отларга эга, улар Эрши шаҳрида топилади. Бу отлар маълум давр боқувда бўлган. Улар отларни асосан беда билан боқишади”.

Хитой элчиси айниқса, беда ва узумни кўриб ҳайратда қолган, чунки бу ўсимликлар тўғрисида илгари хабари бўлмаган. Археологик қазиш ишларида аниқланган топилмаларга асосланиб, қазишма ўрнида очиқ осмон остидаги кулолчилик буюмлари ишлаб чиқариш пункти бўлган деган хулосани айтиш мумкин. Мазкур топилмалар орасидаги катта ҳажмдаги хум идишлар эҳтимол Хитой манбаларида тилга олинган мусаллас(вино) ишлаб чиқариш

билан боғлиқ бўлиши керак. Яъни хитой ёзма манбаларида келтирилишича, Фарғона водийсида узум етиштириш ривожланган ва бадавлат оилалар бир неча минг дань (литр) вино сақлаганлар ҳамда мазкур ичимлик бир неча йиллар давомида айнимасдан сақланган. Ҳатто манбаларда тилга олинишича Хитой императорининг "Путаогун" (узум саройи) деган машҳур саройида юқори мартабали меҳмонлар қабул қилинган. Айнан мазкур саройда Фарғона водийсидан келтирилган узум кўчатлари парвариш қилинганлиги айтилади. Демак, Марҳамат ва Асакадаги миришкор узум етиштирувчи бобо деҳқонларимиз тарихи камида 2300-2400 йиллик тарихга эгадирлар.

Манбада яна айтилишича "Хитой элчиси уруғларни олиб келди, кейин осмон ўғли (хитой императори) мой ва узум кўчатларни ўз ҳудудларига ўтқазишга киришди".

Мингтепа қадимги шаҳри харобасини археологик нуқтаи назардан ўрганилиши масаласига келсак, мазкур худуд дастлаб 1946-1952 йилларда рус археолог олими А.Н.Бернштам томонидан ўрганилган. Унинг берган маълумотларига қараганда топилмалар орасида асосан сопол идишлар кўп учрайди. Сополдан ясалган катта идишлар баландлиги 2 метргача етган деб ўзининг ҳисоботларида қайд этган.

Мингтепа қадимги шаҳри ўрнидаги маҳобатли харобаларни чуқур ва мукаммал ўрганган А.Н.Бернштам, мазкур худудда илгари қадимги Фарғона давлатининг пойтахти Эрши шаҳри жойлашган деган илмий хулосага келган.

Кейинчалик Мингтепада қазиш ишларини яна бир рус археолог олими Ю.А.Заднепровский давом эттириб, ХХ – асрнинг 70 – 80 йилларида мазкур археологик объектни батафсил ва атрофлича ўрганади. Ушбу олим ҳам изланишлари давомида топилган кўплаб моддий манбалар ҳақида ўз ҳисоботларида келтириб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм ва бошқа йўналишларни қамраб олган 2014-2018 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурига биноан Ўзбекистон Республикаси ФА ва Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий ФА ўртасидаги икки томонлама шартнома асосида Ўзбекистон-Хитой қўшма халқаро археологик комплекс экспедицияси Марҳамат туманидаги Мингтепа шаҳар ҳаробасида илмий қазишма ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон-Хитой қўшма халқаро археологик комплекс экспедицияси Андижон вилоятининг Мархамат туманидаги водийдаги энг катта қадимшунослик ёдгорлиги - Мингтепа шаҳар харобасининг 20 га яқин нуқтасида археологик қидирув ишлари олиб бормоқда.

Ёдгорлик режасини ўрганишда яқинда муҳим ўзгариш, бошқача айтганда, яна бир янгилик қўлга киритилди. 2011 йили самодан олинган

суратлар таҳлил этилганда Мингтепа ички шаҳрини режаси шу вақтгача китоблардаги тўғри тўртбурчакли эмас, балки параллеллограмма кўринишдаги эканлиги аён бўлди. Бу нарса нафақат Мингтепа режасига эмас, балки уни ўрганиш билан боғлиқ муаммоларга ҳам ўзгартиш киритиши шубҳасиз. Чунки унинг кўплаб белгиларига кўра, илк темир даврининг энг йирик ёдгорлиги Эйлатон билан ўхшашликлари бор. Дарвоза қуйи қатламларидан милоддан аввалги IV-III асрларга оид илк темир даври кулолчилик буюмлари топилиши ҳам шаҳарни қадимийлигини тасдиқлайди.

2012 йил июль ойида Жанубий Кореянинг Сеул миллий университетининг Чун Кунгсо раҳбарлигида профессорлар – Парк Сангсоп, Жунг Кеунсик, Ю Кенбайе, Ле Жеонгман, Квон Сеокман, Ле Кюнгхе, Хванг Ёжунг кўҳна шаҳар Мингтепа шаҳристони ва унинг атрофидаги Мунчоқтепа, Тоштепа, Жингиртепани зиёрат қилдилар. Улар мазкур ҳудудда археологик қазишмалар чоғида топилган асори-атиқалар ва ноёб топилмаларни кўришди, ўзлари керакли маълумотларни олдилар. Чунки, юқорида келтирилган фикримиз тасдиғи ўларок, Фарғона водийсидаги 70 дан зиёд катта ва кичик шаҳарладан бири сифатида Мингтепа қайд этилган. Мингтепа – “Алитепа”, “Оқтепа”, “Оқбоштепа”, “Шўртепа”, “Бандитепа”, “Тоштепа”, “Ғортепа”, “Йўлбарстепа”, “Қуштепа”, “Жунлитепа”, “Лўмбитепа”, “Лўлитепа”, “Қоровултепа”, “Жунғортепа”, “Мунчоқтепа”, “Йиғлоқтепа”, “Шоҳидтепа”, “Норкитепа”, “Қизилоёқтепа”, “Қоратепа”, “Тепамозор”, “Жийдамозортепа”, “Дўнгтепа”, “Далавойтепа”, “Бўронтепа”, “Жаннаттепа”, “Мўминбойтепа”, “Қашқартепа”, “Чиғириқтепа”, “Чорбоғтепа”, “Шомирзатепа” каби юзлаб тепаликларни ўз ичига олган. Мингтепа қадимда Шарқ ва Ғарбни боғлаган Буюк Ипак Йўлида жойлашган ҳамда у жаҳон цивилизациясида муҳим рол ўйнаган.

Ушбу экспедиция томонидан аниқланган сопол, тош ва суяк топилмалари милоддан аввалги IV милодий V асрлар охири билан белгиланади ва саналар олимларимизнинг олдинги қилинган хулосаларга зид эмас. Демак, Мингтепа Буюк Ипак йўли бошланган милоддан аввалги II асрдан милоднинг V-VI асрларгача карвонлар қўним топган ривожланган азим шаҳар эди. Шунинг учун буюк тарихимизнинг яна бир тилсиз гувоҳини келажак авлодларга етказиш мақсадида Мингтепада очиқ осмон остидаги музей ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Мингтепани ўрганишдан асосий мақсад, карвон йўлларидаги Мингтепани қадимги шаҳар сифатида шаклланиши ва  ривожланиши босқичларини тарихи, уни Марказий Осиё цивилизациясида тутган ролини ҳамда ҳозирги кунда миллий-маданий мерос объекти сифатида тутган ўрнини ўрганишдан иборат.

**Фойдаланилган адабиётлар:**
1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 5-жилд. – Тошкент, «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти,2003.
3. Бичурин И. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, СПб., 1851, т. III.

**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим**

## КУМУШХОНАВИЙНИНГ ПАЙҒАМБАРЛАР ҲИКМАТИ ҲАҚИДАГИ ҒОЯЛАРИ

***Гуламова Мавжуда Тошпулатовна,***
***кимё фанлари номзоди, доцент,***
***Бухоро давлат тиббиёт институти***
***(Ўзбекистон)***
gulamovamavjuda@mail.ru

Инсон бутун борлиқни гултождир. Аллоҳ инсонни икки оламда саодатли бўлишини истайди. Шунинг учун унга тўғри йўлни кўрсатиш мақсадида шароитга қараб, вақтга қараб, замонга қараб ўзининг пайғамбарларини юбориб турган. Ана шундай Аллоҳ томонидан қадрланган инсон ҳамма вақт қадрланиб келинган.

Маълумки, Прездентимиз Шавкат Мирзиёев халқимизга янги йил табригини йўллаб, 2022 йилга “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб ном бердилар. (Yangi Oʻzbekiston. Ijtimoiy-siyosiy gazeta. №3(525),2022 6 yanvar.)

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзининг “Ҳадис ва ҳаёт” 20 жуз анбиёлар қиссаси китобида пайғамбар, расул, набий, ваҳий нима эканлиги тўғрисида маълумот берган. Аллох одамларнинг ичларидан энг ақлли ва энг яхши кишини танлаб, Жаброил алайхиссалом орқали хабар юборган. Жаброил фаришта Аллохдан хабар олиб келган инсон пайгамбар, хабар эса ваҳий деб, айтилган. “Пайғамбар” (форс тилда-хабар келтирувчи)- Аллоҳдан ваҳий олган ва уни одамларга етказадиган шахс. Набий ҳам расул ҳам пайғамбар дейилган.

Аллох баъзи пайгамбарга факат ўзи амал килиши учун ваҳий, дин

юборган. Бундай пайгамбар “Набий”, дейилади. Аллох баъзи пайгамбарга ўзидан бошка одамларни хам динга давъат килишни буюрган. Бундай пайгамбарни “Расул”, дейилади. Расул элчи дегани.

Халқимизни маънавий меросини бойиб боришига сабаб, буюк алломаларнинг маънавий мероси ўрганилиб, улардан қолган асарларнинг таржима қилиниб, нашр этилишидир.

Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асосланган нақшбандия таълимотининг асл моҳияти жамиятда тинчлик, хотиржамликни барқарор бўлиши ва халқни фаровон яшашини таъминлашга қаратилган.

Мақоламизда Баҳоуддин нақшбанд томонидан асосланган Нақшбандия тасавуффи таълимотини Туркиядаги ривожлантирган холидия тармоғини - кумушхонавия новдасини муршеди, “Силсилаи шариф олтин занжир”да 32-ҳалқанинг пири Аҳмад Зиёуддин ал- Кумушхонавий (1813-1893)нинг. “Жомиъ ул-мутун” асарида келтирилган пайғамбарлар ҳикматини тадқиқ қилиоқчимиз. Кумушхонавийнинг маънавий меросидан бири “Жомиъ ул-мутун фий ҳаққи анвоис-сифатил илоҳиййа вал-ъақоидил Мотуридия ва алфозил куфри ва тасҳиҳил–аъмолил-ъажибиййа”–“Аллоҳ таолонинг анвойи исм-сифатлари, Мотуридия эътиқоди, куфр сўзлар баёни ва амалларнинг дуруст бажарилиши ҳақида матнлар тўплами” асаридир. Бу манбани тасаввуфшуннос олим ва таржимон Мирзо Кенжабек ўзбек тилига ўгириб, 2000 йил Тошкентдаги “Мовароуннаҳр” нашриётидан чоп этган.

Ушбу асар жаҳондаги жуда мўътабар манбалардан бўлиб, халқимиз тарихи ва маънавий-маърифий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Асар Мотуридия эътиқоди асосида ёзилган бўлиб, унда Имом Аъзам ва Имом Мотуридий асарларидан то XVIII асрга қадар эътиқод ҳақида ёзилган китоблардан матнлар олинган. Китобда Аҳли суннат ва-л-жамоат ақоидига асос бўлган Мотуридия эътиқоди, яъни соғлом эътиқод тамойиллари ҳамда бузуқ ақидалик оқимларнинг ҳоллари матн ва шарҳлар асосида батафсил баён этилган.

Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг “Жомиъ ул-мутун асари уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлими “Эътиқод” деб номланган. Кумушхлнавий асарни биринчи бўлим, олтинчи қисмидаги “Катта гуноҳлар” мавзусидаги Аллоҳ таоло томонидан пайғамбарларнинг юборилиши ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини ёзган. Пайғамбарлар ҳикматини 10 та қиррасини очиб берган.

1. Аллоҳни, яъни Яратган зотни танишда ақл эгаларига ёрдамлашмоқ. Шундай қилиб. Инсонларнинг: “Бизларга келиб хабар берувчи бўлмади” тарзидаги узрхонлик баён этишларининг олди олинган бўлади.
2. Ақл танҳо ўзи била олмайдиган хукмларни билдирмоқ.

3. Ақл идрок эта олмайдиган баъзи яхши ёмон амалларни ўргатмоқ.

4. Турли хил ва узоқ тажрибалардан кейин зарарлари маълум бўладиган ғизо (озиқ-овқат) ва даволарни билдирмоқ.

5. Нафсларни турли илмий ва амалий нарсаларга ҳозирламоқ.

6. Инсонлар муҳтож бўладиган баъзи муҳим санъатларни (ҳунарларни) ўргатмоқ.

7. Бўйдоқларга гўзал ахлоқни, идорачиларга эса жамиятни мукаммал бир тарзда идора эта олмоқлари учун сиёсатни ўргатмоқ.

8. Итоат этганнинг савобини, исён (саркашлик) қилганнинг жазосини билдирмоқ.

9. Ўтмишдан ва келажакдан хабарлар ҳамда мисоллар бермоқ.

10. Пайғамбарлар жамият орасида бўлмоқлиги шу жамият учун Раҳматдир. Ва яна санаб бўлмайдиган миқдорда кўпгина ҳикматлар бор...

Пайғамбарлар қасддан гуноҳ қилмайди. Пайғамбарларнинг мўъжизаларидан биттаси ҳам уларнинг барча айблардан узоқ бўлмоқликларидир. Улар инсонларнинг энг яхшиси, энг мукаррами, энг чиройли ахлоқлиси, энг хушфеъли, энг ақллиси ва энг адолатлисидир.

Дарҳақиқат, пайғамбарлар қиссасин ўқиб, ҳар бир пайғамбарнинг ўзига хос мақоми, вазифаси, ҳунари, феъл-атвори, ахлоқ-одоби бўлгани тўғрисида маълумотга эга бўлга бўламиз.

Мақола юзасидан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

1. Кумушхонавийнинг “Жомиъ ул-мутун” асарида пайғамбарлар ҳикмати, Аллоҳнинг бандасига меҳрибонлигига далил эканлиги исботланган.

2. Пайғамбарлар Аллоҳ томонидан танлаб юборилган инсонларнинг энг олийси эканлиги ёзилган.

**3.** Кумушхонавийнинг “Жомиъ ул-мутун” асари пайғамбарлар ҳаёт йўли инсоният учун ибрат эканлигини асослайди

**Иқтибослар**


1. (Yangi O‘zbekiston. Ijtimoiy-siyosiy gazeta. №3(525),2022 6 yanvar.)
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Ҳадис ва ҳаёт”. Анбиёлар қиссаси китоби. 20 жуз Т.: Шарқ. 2011. -568 б.
3. Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси – Т.: “Фан”, 2021. – 244 б
4. Гуламова М. Т. Аҳмад Зиёуддин ал- Кумушхонавийнинг “Ромузул-аҳодис” асарида қўшничилик одоблари.// Ислом тафаккури. 2022. 1-сон. –42-46 б.

# УЛУҒ АЛЛАМОЛАР ИЖОДИДА КАСБ-ҲУНАР КАМОЛОТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

***ТТЕСИ “Ижтимоий фанлар ва жисмоний маданият” кафедраси ассистенти Закирова Н. Х.***
***14-21 гуруҳ талабаси Эгамбердиева М.Д***
***Zakirova.nigora@mail.ru***

Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати даражасига кўтарилган,таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар жараёнида асосий бўғин ҳисобланган умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш ва касб танлашга йўналтиришдан иборатдир.Бу жараён тўғри ташкил этилганида шахснинг бўлғуси касбий фаолият субъекти сифатида шаклланиши таъминланади,келажакда бозор иқтисодиёти муносабатларига тезроқ мослашиши учун шароит яратилади. Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий моҳияти таълим мазмуни ва шаклини такомиллаштиришга қаратилган. Фан-техника тараққиёти, жамиятимизнинг демократлашуви, ахборот миқёсининг ошиб бориши каби омиллар боланинг шахсий хусусиятларига, жумладан, идрок эта олиш, тасаввур ва фикрлаш, ақлий қобилиятларининг ривожланишига олиб келди. Боланинг оламни билишга бўлган эҳтиёжи ҳар томонлама кескин ошганлиги ҳеч кимга сир эмас.Ушбу ғоя асрлар давомида шарқ мутаффакирларимиз томонидан улуғланиб ривожлантириб келинган. Жумладан, Форобий бу касб-ҳунар ҳақида қуйидаги ибратли фикрларни илгари суради: «Инсон бирон-бир касбни эгаллаши учун фақат туғма қобилияти кифоя эмас, касб-ҳунарда камолотга ҳам етишиши керак. Камолот инсондан ҳунарнинг бирон бир соҳасини эгаллаш билан қаноатланиб қолмай, балки ҳунарни тўлиқ ўзлаштиришни талаб этади. Табиб фақат даволаш билангина шуғулланиб қолмасдан, тиббиётга оид ҳамма ишлар билан қизиқиши керак. Бу ҳамма ҳунарларга ҳам тааллуқлидир». Кайковус «Қобуснома» асарида касб-ҳунарни улуғлаб «Эй фарзанд, огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига нафъ еткурмас. Билурсанки, хори муғилоннинг тани бордур, аммо сояси йўқдур. Ҳунарсиз киши ҳам хори муғилон янглиғ на ўзига ва на ўзгага фойда берур. Барча дониш ва ҳунарнинг сармояси: адаб, тавозе, ҳаё, покдиллик, парҳезкорлик, беозорлик, сабр ва матонатлиқдур» дейди. Улуғ бобоколонимиз А.Навоий ўз ғазалларида инсонни вақтни бой бермай илм-ҳунар эгаллашга чақиради. «Илм касбини қилди то жони бор, ҳунар ўрганди онга ки имкони бор». Улуғ алломаларимиз ўзлари яшаб ўтган даврлардаёқ

фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратар эканлар,фарзандларининг комил инсон бўлиб етишишларида бериладиган тарбияни,касб-ҳунарнинг нақадар муҳимлигини, унинг моҳияти ва мазмунини атрофлича изоҳлаб беришга ҳаракат қилганлар. Алишер Навоийнинг фикрича, тарбиянинг мақсади ёш авлодни ватанпарвар, халқпарвар, инсонпарвар, касб-ҳунарли, билимли, энг яхши фазилатларга эга бўлган киши қилиб етиштиришдир.
Касбий тарбиянинг бош мақсади ёш авлодни маънавий ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маънавий тарихий анъаналарга, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалга жорий этишдир.
Бунинг учун:
- ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишга кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишини шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;
- ўқувчиларни миллий, умуминсоний қадриятлар, Ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, тобора ўстириб, бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларини шакллантириш;
- ҳар бир ўсмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш, инсон фаолиятининг турли соҳаларида жорий қилиб кўриш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун шарт- шароит ҳозирлаш;
- инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш (бир-бирини тушунадиган, меҳрибонлик, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларга тоқатсизлик), муомала одоби каби касбий тарбия воситалари (ноҳақликка, ёлғончиликка, туҳмат, чақимчилик) га тоқатсизлик;
- ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, жамиятимизда яшаётган одамлар билан ўзаро муносабат мулоқотни ўрганиш, ўз халқига, давлатига содиқлик, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, ёш авлодни Ўзбекистон Конституциясига, Байроғига, Гербига, Мадҳиясига, Президентига садоқат руҳида тарбиялаш; - қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш учун фидойилик, экологик таълим-тарбия;
- мустақил давлатимиз Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холисона баҳо бериш, унинг тинчликсеварлик, ошкоралик

ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ошкора-очиқ ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушунтириш;
- турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий ёндашиш фазилатларини шакллантириш;
- соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;
- ёшларимизни эркин, мустақил фикрлашга ўргатиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда шарқ мутаффакирларининг фикрлари ва ёшларни кичик тадбиркорлик ишларини ташкил этиш ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлашда муҳим
омил ҳисобланади. Бу жараёнда сўзсиз уларда бир-бирини қўллаб-кувватлаш, меҳрибонлик, ҳомийлик, ёрдам каби фуқаролик эътиқодлари ва фазилатлари шакллантириб борилади.

***Фойдаланилган адабиётлар:***

1. Абдулла Авлоний. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ». Т., 1996 й.
2. Абу Райҳон Беруний. "Ҳикматлар".Т.,Ёш гвардия, 1973 й.
3. Абдулаҳатов Н., Абубакирова К., "Алломалар тўғрисидаги асотирлар". Фарғона 2012 й.

## MAVLONO MUHAMMAD QOZI NAQISHBANDIYA TARIQATI NAZARIYOTCHISI VA DAVOMCHISI

**Alimov Mansur Narboyevich**
**SamCHTI mustaqil tadqiqotchisi**

Mavlono Muhammad Qozi (1447-1515) naqishbandiya tariqatining yirik nazariyatchilaridan bo’lgan, Xo’ja Ubaydullox Axror(1404-1490)ning muridi va izdoshi bo’lib, XV asr oxiri XVI asr boshlarida yashab faoliyat ko’rsatgan yirik mutasavvuf olimlardan biri hisoblanadi. Mavlono Muhammad Qozi o’z navbatida Maxdumi A’zam Daxbediy nomi bilan mashhur bo’lgan shaix Ahmad Xo’jagiy ibn Jaloliddin Kosoniy(1464-1542)ning ustozi bo’lgan. Mavlono Muhammad Qozi o’z davrida zoxiriy va botiniy ilmlarni ustozi Xo’ja Ahror mulozamatida o’n ikki yil, yani 1490-yil uning vafotiga qadar o’rgandi.

Bundan tashqari Muhammad Qozi Xurosonda Alisher Navoiy o’zining “Nasoyim ul-muhabbat” asrida “Alar vasfida xoma tili lol va til xomasi shikasta maqoldur. Chun asr fuzalosidin va zamon ulamosidin kim alarning shogirdlig‘ig‘a muazzazu mumtoz va musharrafu sarafroz erdilar.[172] deb ma’lumot bergan

[172]Alisher Navoiy. Nasoyim ul-muhabbat www.ziyouz.com kutubxonasi 233-bet.

Abdurahmon Jomiydan suluklik ilmidan saboq oldi.Mavlono Muhammad Qozi ilmiy merosidan zamonamizgacha yetib kelgan asosiy asar mashhur "Silsilat ul-orifin" asaridan tashqari, davlatni boshqarish yuzasidan yo'l-yo'riq va nasixatlarni o'z ichiga olgan, yana bir risola XVI asrning nodir yozma manbalaridan bo'lgan "Tarixi Rashidiy" asari orqali yetib kelgan. Shu o'rinda takidlab o'tish kerakki, "Tarixi Rashidiy " asarining mualifi Mirzo Muhammad Haydar bo'lib, taniqli tarixchi olim iste'dodli lirik shoir va davlat arbobi bo'lib, 1499-1551-yillarda yashab o'tgan. Otasi Muhammad Husayin O'ratepa hokimi bo'lib Mavlono Muhammad Qozining muridlaridan bo'lgan. Onasi Xo'p Nigor xonim Mo'g'ulistonni 1456-1487-yillarda boshqargan Yunusxonning qizi edi.

Mavlono Muhammad Qozi naqishbandiya tariqatining yirik piri murshidi sifatida ustozi Xoja Ahror Valiyning : har kimki bu sharif makonda (Yerda) bo'lmoq sharafiga muyassar bo'lgan bo'lsa, ul kishi shunga intilmog'i kerakki, uning mavjudligi musulmonlarg'a rohat bag'ishlasa; uning bilan muloqotda bo'lgan amir va sultonlar ham uning mijozi va axloqidan ta'sirlanib, musulmonlarga manfaat yetkazish niyatida bo'lsalaru ularga jabru-zulm qilishdan, ularni kamsitishdan o'zlarini saqlasalar; uning suhbatida bo'lgan va bandalarni tashvishga qoldirishga bois bo'ladigan ma'noni – so'zlarni eshitmasalar. degan g'oyalarini davom etirib,o'g'illari Mavlono Qutbiddin Ahmad orqali "Tarixi Rashidiy" muallifi Mirzo Muhammad Haydarga quydagi o'gitlarni beradi :

1.Biron voqea yuz berganda va ushbu voqea yuzasidan hukm chiqarish lozim bo'lganda, podsho yoki hokim o'zini fuqarolaridan biri deb tasavvur qilib, boshqa birovni o'ziga hokim deb bilsin. Shu holatda o'sha boshqa birovdan o'ziga ravo ko'rmagan va qilinishi lozim deb bilmagan har qanday hukmni o'zidan boshqalarga ham ravo ko'rmasin.

2.Podsho musulmonlarning xojatlarini chiqarishni ibodatlarning sarasi deb hisoblashi lozim. Agar u birorta musulmonning o'z eshigi oldida muxtoj va muntazir bo'lib turganini bilsa, tokim uning xojatini ado qilmaguncha hech qanday ibodatga mashg'ul bo'lmasligi kerak.Shuningdek, podshoh o'zining rohatini o'ylab, musulmonlarning xojatlarini chiqarishni kechiktirmasligi kerak.

3.Podsho yemoq-ichmoq va kiyinmoqdan xulafoi roshidin(Xulafoi roshidin "To'g'ri yo'ldan borgan xalifalar",yani Muhammad payg'ambar vafotidan keyin ketma-ket xalifalik qilgan uning to'rtta izdoshi-Abubakir,Umar,Usmon va Ali nazarda tutilmoqda) odatlariga amal qilib,tansiq taomlar va bashang kiyimlarga ruju qo'ymasligi kerak.Amiralmo'min Ali raziyalloxu anxu xalifalik taxtiga o'tirgan kuni bozorga borib uch dirhamga bir ko'ylak sotib olibdi.Ko'ylagining engi va etagidan qo'lining kafti va oyog'i to'pig'idan oshgan qismini qirqib tashlabdi.Odamlar "Nega bunday qilding ?-deb so'rashganda,-Bu taxoratga qulay, kamtarlikka mos va ergashishga(o'rnak olishga ) munosibdir",- deb deb javob beribdi.

4.Podsho suhbat asnosida muloyim so'zlab,asossiz ravishda qo'pollik qilmasligi lozim.Biron masala yuzasidan dalil-isbotlar ko'p bo'lsa,ularni eshitishdan erinmasligi, zaif va miskinlar suxbatidan or qilmasligi kerak. Naql qilishlaricha,

xalifa Ma’mun zamonasida bir kishi gunoh ish sodir etib, so’ng qochib ketibdi. Uning akasini ushlab Ma’mun oldiga olib kelishibdi.Xalifa unga,agar ukasini topib keltirmasa, qatl etilishini aytibdi.Shunda u odam debdi: “Ey amiralmo’minin! Agar sening noyibing biron odamni qatil etmoqchi bo’lsa-yu,U odamni qo’yib yubor , deb farmon yuborsang , noib uni qo’yib yuboradami yoki yo’qmi? Ma’mun debdi: “Albatta qo’yib yuboradi”.Xaligi odam debdi: “U xolda men seni jahon axliga hokim qilib qo’ygan hazrat Xudovanddan farmon keltiraman.Chunki ,birovning yukini birov ko’tarmaydi”(Qur’oni karim,35-sura 18-oyat).Shunda Ma’mun: “Uni qo’yib yuboringlar.Chunki u o’z so’ziga isbot keltirdi”,-debdi.

5.Podsho xalqning roziligini o’ylab, hukm chiqarishda sustkashlik ko’rguzmasligi va ikkiyuzlamachilik qilmasligi lozim.Shuningdek , xar bir odamni xushnud etishi uchun xaqiqat va shariyatga qarshi bormasligi lozim. Hukmronlikning o’ziga xos tomoni shundaki, doimo xalqning yarmi podshohdan norozi bo’lib yuradi.Chunki muxolif tarafni haqiqat bilan xushnud etib bo’lmaydi va butun xalqning roziligiga erishmoq odil podshoh uchun ham imkonsizdir.Podsho hukm chiqarganda hech kimga yon bosmay beg’araz hukm chiqarmog’i lozim.

6.Podsho davlat va mamlakatga taxdid etadigan xatardan g’ofil qolmasligi kerak.U shuni bilsinki, amirlik mansabi va xukumat bir vosita bo’lib,bu vosita orqali abadiy saodat va ezgu nom qo’lga kiritiladi.Davron podshohlari va xokimlarining aksari foniy dunyoning bevafo davlatiga mag’rur bo’lib, xavoiy nafslari uchun o’z dinini vayron qiladilar va benomusliklari tufayli iymonnini shamolga uchiradilar.Xaq yo’lidan yurish sabobini va adolat uchun xizmat qilishni g’animat deb bilgil. Aytishlaricha, odil podshohning har kungi odolatini o’lchaganda bu uning jami toat-ibodatiga barobar kelsa, shundan ma’lum bo’ladiki, u o’zini abadiy saodatidan maxrum etmaslikka harakat qilmoqda.

7.Podshoh din ulomolarini ziyorat etishi va ular bilan suhbatlashish uchun o’zida ehtiyoj sezishi kerak.Garchand bu zamonda bu toifa odamlarni topish mushkul bo’lsa-da, ular azizdirlar.Agar Olloh inoyati bilan ular bu diyorda paydo bo’lib qolsa, podsho ularning ziyoratiga shoshilmog’ va bu toifaning nasixatlarini o’z hayotining saodati deb bilmog’i lozim. U orif odamlar suratiga kirib oluvchi johillar va fosiqlar suhbatidan saqlanmog’i shartdir.Chunki bunday odamlar dinni vayron etuvchilar qavmidandirlar.Shunday bir rivoyat bor: Xorun ar-Rashid shayx Shafiq Balxiyni taklif qilib unga debdi: “Menga nasixat qil”.U debdi: “Ey, amiralmo’minin ! Xudoning do’zax nomli bir saroyi bor, seni shu saroyga darvozabon qilib qo’ygan Olloh senga uchta narsa bergan bo’lib, shu uchta narsa bilan sen xalqni ushlab turishing kerak.Bular: mol, qilich va qamchidir. Mol bilan sen muxtojlarning haddan oshiq kambag’allashib ketishining oldini olmog’ing lozim, tokim ular ilojsizlik sababidan yomon shubha-xayollarga bormasinlar; Qilich bilan zolimlarni qirasan va qamchi bilan fosiqlarning ta’zirini berasan.Agar shu aytilganidek qilsang, ham o’zing najot topasan va ham xalqni najotga yetkazasan.

8.Podsho jabr-zulm va takabburlik bilan xalqni o’zidan qo’rqitmasligi, balki zaiflar va o’z qo’l ostidagilarga adl-u ehson va shafqat nazari bilan qarab, raiyatning muhabbatini qozonmog’i lozim.Rasul sallallohi allayhi vasallam shunday degan: “Sizning eng yaxshi podshohlaringiz sizni sevadigan va siz ham ularni

sevadiganlaringizdir. Eng yomon hokimlaringiz esa sizni o'ziga dushman deb biladigan va siz ham ularni dushmaningiz deb hisoblaydiganlaringizdir".
9.Podshoh zo'ravon amoldorlarning zulmiga beparvo qaramasligi lozim. Qaysi bir amaldorning zulm va jinoyatni payqagan zahoti uni jazolab, duchor etsinki, bu boshqalarga bir ibrat bo'lsin.Podshoh hukumat ishlarida bo'shanglikka yo'l qo'ymasligi, davlat arboblarini siyosat va nasihat yo'li bilan tarbiyalashi zarur.
10.Podsho va hokim ro'y berayotgan voqea-xodisalarning yuzaga kelish sababi va mohiyatiga chuqur nazar tashlamoqlari,basirat ko'zi bilan ularning oqibatini ko'ra olmog'i lozim.Agar bu masalalar aniq va ravshan bo'lsa, ularni shariyatga ko'ra hal etmog'i, chigalliklar mavjud bo'lsa, ularni farosat nuri bilan yoritib idrok etmog'i lozim.
Umuman olganda, Mavlono Muhammad Qozi Markaziy Osiyo integratsiyasiga o'zining ijtimoiy, siyosiy, diniy tashabbuskorligi bilan XV-XVI asrlarda islom dini yagona hukmron mafkura bo'lgan bir sharoitda, zidiyatli siyosiy, voqealar jarayonida, diniylik va dunyoviylik bir-biriga zid emasligi hamda ularning chegarasini aniq bilib, teokratik davlatning kengaytirilgan demakratik tamoillarga asoslanuvchi shaklini yaratdi. Mutasavvifning mamlakatni birlashtirish va davlatchilik to'g'risidagi qarashlar hozirgi kunda ziddiyat va tahdidlarga qarshi kurashishida katta ahamiyatga ega.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1.Alisher Navoiy. Nasoyim ul-muhabbat www.ziyouz.com kutubxonasi 233-bet.
2. Mirzo Muhammad Haydar .Tarixi Rashidiy. Toshkent .2011-y. 430 -bet

## ТУРИЗМ, КАК СТРАТЕГИЧЕСКАЯ ОТРАСЛЬ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА.

**Абдурашид Шарипов – преподаватель профессиональной школы номер 2 Шараф - Рашидовского района Джизакской области .**

**Ключевые слова:** туризм, туристический потенциал, культурное наследие.

Аннотация: В данной статье описывается актуальность и роль туризма в нашей стране, приводится сравнительный анализ современного состояния туризма.

Ускоренное развитие сферы туризма и повышение его роли в экономике считается одной из важных задач в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. За последние годы туризм стал одной из "точек роста" национальной экономики, которая, являясь

драйвером развития других связанных отраслей, стимулирует рост доходов, обладая высоким мультипликативным воздействием. По оценке Всемирной туристической организации, 100 туристов, находящихся в городе с развитым туристическим сервисом, расходуют около 200 долларов, то есть пребывание одного туриста в городе приносит доход 2 доллара. Для сравнения, любому даже развитому государству, чтобы получить такой доход, было бы необходимо вывести на мировой рынок около 1 тонны хлопка или 2 тонн пшеницы. За последние годы туризм стал одной из "точек роста" национальной экономики - 1 $ прямого дохода от туризма дает минимум 5-7 $ в смежных отраслях экономики.

Также развитие туризма помогает решить еще одну проблему-проблему безработицы. По статистике, каждые 30 туристов, посещающих страну, способствуют созданию 1 рабочего места в сфере туризма и 2 места в связанных с туризмом отраслях. Также туризм положительно влияет на развитие периферии, т.е. сельской местности. Он дает возможность реализовать продукцию сельского хозяйства, местной промышленности и ремесел. Индустрия туризма в Узбекистане имеет существенный потенциал развития. Он связан как с наличием большого числа уникальных природных объектов (озер, горных вершин, речных пойменных лесов), так и богатым культурно-историческим наследием. Узбекистан — центр Великого шелкового пути и сердце Центральной Азии. С момента появления Великого шелкового пути Узбекистан — связующий мост между Востоком и Западом, страна граничит со всеми государствами региона и является самым коротким маршрутом для поездок из Европы в Азию и наоборот. Ташкент, Самарканд, Бухара, Хива, Шахрисабз, Термез — эти города известны во всем мире. Историко-познавательный, гастрономический, оздоровительный, MICE, горный, агро-, эко-, археологический — все эти виды туризма можно найти в Узбекистане. Наша страна — поистине музей под открытом небом: в ней насчитывается 8.2 тысячи объектов культурного наследия, а некоторые из них включены в Список объектов всемирного наследия ЮНЕСКО. Из общего количества этих объектов, свыше 4,2 тысячи объектов археологического и более 2 тысяч объектов архитектурного наследия. Более чем 500 из них включены в туристические маршруты. Большим туристическим потенциалом обладают также 8 охраняемых территорий, 3 национальных природных парка, 6 государственных природных памятников и 11 заказников.

И, конечно, паломнический туризм: с этой целью масса мусульманских и буддистских паломников посещает Узбекистан ежегодно.

В начале 2016-х гг. в Узбекистане был запущен процесс кардинального реформирования туристической отрасли. Преобразования в сфере туризма названы одним из стратегических направлений развития национальной экономики, которое способно обеспечить ускоренное развитие регионов.

Анализ показал положительную динамику роста основных индикаторов туризма. Так, в 2016-2019 годах произошло значительное увеличение количества иностранных туристов, посетивших Узбекистан. Для сравнения, если в 2016 году страну посетило 2 миллиона иностранных туристов, в 2019 году их количество увеличилось в 3,3 раза и достигло 6,7 миллиона.

В 2018 году число иностранных туристов выросло на 98%, по сравнению с 2017 годом, а число фирм и организаций, осуществляющих туристическую деятельность – на 131%.

В то же время положительные результаты отмечены во внутреннем туризме. По сравнению с 2016 годом количество внутренних туристов в 2019 году почти удвоилось и составило 14,7 миллиона человек Работа, проделанная в Узбекистане по превращению туризма в один из стратегических секторов экономики, отражена в различных рейтингах и номинациях.

Однако в отрасли существует множество проблем, которые необходимо решить. Высокие транспортные расходы по сравнению с соседними странами, отсутствие диверсификации авиамаршрутов, а также низкое качество дорог, санитарная и информационная инфраструктура, острая нехватка гидов и экскурсоводов являются одними из факторов, снижающих туристическую привлекательность Узбекистана. При решении этих проблем можно серьезно надеяться на новые успехи в развитии туризма Узбекистана.

## Список литературы:

1. О развитии туризма в Узбекистане и Самаркандском полумарафоне. Интервью с заместителем премьер -министра и руководителем Государственного комитета по развитию туризма Республики Узбекистан Азизом Абдухакимовым. https ://themag.uz/post/aziz-abduhakimov

2. Туристические итоги 2020 года: путешествовать стали, как 30 лет назад. Kp.ru. URL: https://www.kp.ru/russia/novosti-turizma-v-rossii/kak-pandemiya-izmenila-puteshestviya.

3. Узбекистан вошел в список самых быстрорастущих стран по туризму. Gazeta.uz.

**FAN VA MADANIYAT RAVNAQI**

**IX-XII ASRLAR MADANIY YUKSALISHINING SHART-SHAROITLARI. ILM-FAN**

*Najimova Shahrizoda*

*Ashurova Parvina*

*Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti talabalari*

**Annontatsiya:**Ushbu maqolada sharq uyg'onishining vujudga kelishi va uning yirik nomoyondalar , Muhammad in Muso al Xorazmiy va Ibn Sinolarning ilm fanga xususan O'rta osiyo ilmiga qo'shgan hissasi haqida batafsil aytiladi.

**Kalit so'zlar:**Renessans, Uyg'onish , italyanalar, Al jabr val muqobala.

Fanda "Uyg'onish davri" deb ataladigan davr G'arbiy va Markaziy Yevropa mamlakatlarda XIV-XVI asrlardagi rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlarini ifodalash uchun ishlatilgan. Birinchi marotaba "uyg'onish" atamasini XVI asr italyan rassomi va tarixchisi J.Vazari o'z asarlarida ishlatadi. "Uyg'onish", "uyg'onish davri" atamalari XIV-XVI asr ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish mohiyatini ochib bermasdan, ko'proq antik davr merosini, ya'ni antik madaniyatga o'xshash madaniyatni qaytadan "tirilishi", "uyg'onishi" ma'nosida ishlatila boshlandi. Keyinchalik fanda bu atama keng qo'llanila boshlandi. Shu ma'noda ko'pchilik tadqiqotchilar IX-XII asrlar O'rta Osiyo xalqlari tarixida madaniyatning rivojlanishini o'ziga xos xususiyatlarni ham "uyg'onish" davri deb atalishi yuqorida qayd qilinganidek, shartlidir deb hisoblaydilar.

IX-XII asrlar O'rta Osiyo xalqlari tarixida moddiy va ma'naviy hayotning rivojlanishida oldingi davrlarga nisbatan keskin yuksalish davri bo'ldi. VIII asrda Arab xalifaligi hozirda O'rta Osiyo deb atalmish hududni fath etib bo'lgan, bosib olingan yerlarda islom dini keng yoyilib, ijtimoiy-iqtisodiy va ma'naviy hayot Arab xalifaligi tartib-qoidalariga butunlay bo'ysundirilgan edi. Xalifalik tarkibiga kiritilgan o'lkalarda faqat islom dinigina emas, balki arab tili va uning imlosi ham joriy etildi. Chunki arab tili xalifalikning davlat tili bo'lsa,

islom dini uning mafkurasi edi. Shu sababli bu mamlakatlarda arab tilini o‘zlashtirishga intilish kuchli bo‘lgan. Islomni qabul qilgan aholining arab tili bilan muloqoti, ibodat vaqtlarida qur’on suralarini tilovat qilishdan iborat bo‘lgan bo‘lsa, mahalliy zodagonlar arab tilini xalifalik ma’murlari bilan yaqinlashish va mamlakatda o‘z siyosiy mavqelarini tiklab uni mustahkamlashning garovi deb hisoblaydilar. Arab tiliga bo‘lgan bunday ehtiyoj va intilish tufayli ko‘p vaqt o‘tmay Movaraunnahrda xatto o‘z ona tilidan ko‘ra arab tili va yozuvi o‘zlashtirib olgan bilimdonlar paydo bo‘ldi. Chegaralari borgan sari kengayib, ulkanlashib borayotgan xalifalik uchun ilm ahli suv va havodek zarur bo‘lib qoldi. Davlatni boshqarishda xalifalik ma’muriyati bilimdon siymolarga muhtoj edi. Chunki arablar orasida bu paytda davlat ishiga yaroqli bo‘lgan bilimdonlar ham oz bo‘lib, borlari ham zaif edi.

Muhammad ibn Muso **al-Xorazmiy** (783-850) qadimgi Xorazm diyorida tug‘ilib, voyaga yetadi. G‘oyatda o‘tkir zehn egasi va noyob qobiliyat sohibi bo‘lgan al-Xorazmiy yoshlik chog‘idan boshlab aniq va tabiiy fanlarni o‘rganishga qiziqdi, arab, fors, hind va yunon tillarini egalladi, bu tillarda yozilgan kitoblarni qunt bilan o‘qib, mutolaa qildi. U dastlabki ta’limni xususiy muallimlardan oldi va so‘ngra o‘sha davrning yirik ma’rifat markazlaridan biri bo‘lgan Marv madrasasida o‘qidi. Xalifa Xorun ar-Rashidning o‘g‘li Ma’mun xalifalik taxtiga o‘tirgach (813 y.) Muhammad Muso al-Xorazmiyni o‘zi bilan birga Bag‘dodga olib ketadi va u yerda tashkil etilgan “Bayt ul-Hikma”ga boshliq etib tayinladi. Bag‘dodda u Suriya, Iroq, Eron, Xuroson va Movaraunnahr olimlari bilan ijod qiladi.

Xorazmiy matematika, geometriya, astronomiya, geografiya, tarix ilmi va boshqa fanlar sohasida barkamol ijod qildi. Uning “Al Jabr al muqobala” (“Tenglamalar va qarshilantirish”), “Hisob al-Hind” (“Hind hisobi”), “Kitab surat al-Arz” (“Yer surati haqida kitob”), “Kitab at-Tarix” (“Tarix kitobi”), “Kitab al-Amal Bil Usturlabat” (“Usturlob bilan ishlash haqida kitob”) kabi asarlari olimga jahonshumul shuhrat keltirdi. Olimning “Kitob at-Tarix” (“Tarix kitobi”)da Xuroson , Kichik Osiyo va Movarounnahrning VIII-IX asrlar tarixiga oid qisqa va aniq ma’lumotlar o‘z ifodasini topgan. Xorazmiyning “Zij” (“Astronomik jadval”), “Quyosh soati haqida risola” asarlari falakiyotshunoslik fanining rivojlanish taraqqiyotiga katta hissa qo‘shdi.

Abul Abbos Ahmad ibn Muhammad ibn Nosir **al-Farg'oniy** 797-865 yillarida yashab ijod qilgan vatandoshimizdir. Ahmad Farg'oniy o'z asarlari bilan fan tarixida katta iz qoldirdi. U matematika, geografiya, astronomiya, tarix sohalarida ijod qildi. Ahmad Farg'oniyning ijodiy faoliyati Bag'dodda ulug' mutaffakir olim Al-Xorazmiy rahbarligidagi "Baytul-Hikma" bilan bog'liqdir. U arab atamashunosligini paydo bo'lishi va ilmiy taraqqiyotiga munosib hissa qo'shib, Bag'dod va Damashqda rasadxonalar qurilishida shaxsan qatnashdi. Ahmad Farg'oniyning kitoblari dunyoga ma'lum va mashhurdir. "Kitob fi Usul ilm an-Nujum" ("Falakiyot ilmining usullari haqida kitob"), "Falakiyot risolasi", "Falak asarlari sababiyati", "Al-Majistiy", "Ilm-xayya", "Al Farg'oniy jadvallari", "Usturlob bilan amal qilish haqida", "Oy yerning ustida va ostida bo'lganida vaqtni aniqlash risolasi", "Yetti iqlim hisobi", "Usturlob yasash haqida kitob" asarlarining qo'lyozmalari Angliya, Fransiya, Germaniya, Misr, Hindiston, AQSh va Rossiyada saqlanmoqda.

Ahmad Farg'oniyning bu asarlaridagi ilmiy kashfiyotlari butun jahon fani va madaniyatiga ulkan va munosib hissa qo'shdi. U 812 yilda quyosh tutilishini oldindan bashorat qilib berdi, yerning dumaloq ekanligini ilmiy dalillar bilan isbotlab, bir xil fazo yoritgichlarni har xil vaqtda ko'rilishini, tutilishini hamma joyda har xil kuzatish mumkinligini izohlab berdi.

Ahmad Farg'oniy yaratgan ilmiy kashfiyotlar natijalari qaysi fan sohasida bo'lishidan qat'iy nazar g'oyatda pishiq, puxta va nihoyatda mukammal bo'lgan. XII asrdayoq olimning asarlari lotin tiliga tarjima qilinganligi va Yevropaga tarqalganligi bu fikrning isbotidir. Yevropaliklar Ahmad Farg'oniyni "Al Fraganus" deb ataganlar. Uning asarlarini lotin, nemis, ingliz, fransuz, rus va boshqa tillarga tarjima qilganlar.

Abu Nasr Muhammad ibn Muhammad **Forobiy** 873-yilda Forob (O'tror) yaqinidagi Vasij shaharchasida tavallud ko'rgan va 951-yilda Damashqda vafot etgan.

O'rta Osiyoning yirik qomusiy olimlaridan biri, Sharq uyg'onish davrining eng ko'zga ko'ringan arbobi, Sharq falsafasining otasi Forobiy avval Forob, Buxoro va Samarqandda bilim oldi va turli tillarni o'rgandi. Bag'dodga kelgach fanning turli sohalari bo'yicha bilimlarini chuqurlashtirishda davom etdi. U ilmiy darajasini oshirgach, fanning deyarli barcha sohalarini egallab, 160 dan ortiq

asar yozdi. Forobiyning riyoziyot, falakiyot, tabobat, musiqa, falsafa, tilshunoslik va adabiyotga oid asarlari butun olamga mashhur bo‘ldi. U yozgan “Aristotelning “Metafizika” asari maqsadlari haqida”, “Tirik mavjudot a’zolari haqida”, “Musiqa kitobi”, “Baxt-saodatga erishuv haqida”, “Siyosat al Madaniya” (“Shaharlar ustida siyosat yurgizish”), “Fozil odamlar shahri”, “Masalalar mohiyati”, “Qonunlar haqida kitob”, “Tafakkur yurgizish mazmuni haqida”, “Mantiqqa kirish haqida kitob”, “Falsafaning mohiyati haqida kitob” va boshqa asarlar buyuk olimning ilm va dunyoqarash doirasining beqiyos darajada kengligi va chuqurligidan dalolat beradi.

Forobiy fanning nazariy va falsafiy tomonlarini yoritishga harakat qilgan. U Platon, Aristotelning barcha falsafiy, tabiiy, ilmiy asarlariga, Ptolemeyning osmon jismlari harakati, Aleksandr Afrodiyning ruh haqidagi psixologiyasiga oid, Galenning tibbiyot bo‘yicha asarlari, Epikur, Zenon, Yevklid risolalariga taqriz va sharhlar yozdi. Agar ilm-fan rivojidagi o‘zining qo‘shgan buyuk xizmatlari uchun Aristotel “Birinchi muallim” unvoniga sazovor bo‘lsa, Forobiy donishmandligi, Aristotelni yaxshi bilganligi, qomusiy aqli va ilm-fan taraqqiyotiga qo‘shgan katta hissasi uchun “Al-muallim as-Soniy - “Ikkinchi muallim”, “Sharq Aristoteli” degan mu’tabar unvon oldi. Forobiyning “Inson tanasining a’zolari haqida”gi risolasi tibbiyot ilmining maqsad va vazifalarini aniqlashga bag‘ishlangan. “Astrologiyaning to‘g‘ri va noto‘g‘ri qoidalari haqida”gi risolasida astrologlarning ruhiy va ijtimoiy hodisalar va jarayonlarni osmoniy jismlar haqidagi ilmiy taxminlariga asoslangan faoliyatini, yolg‘on tasavvurlar va uydirmalardan farqlash zarurligini ta’kidlaydi.

O‘rta asr fanining rivoji va taraqqiyotida Forobiyning ilm tasnifi bo‘yicha olib borgan ilmiy ijodiy ishlari g‘oyatda qimmatlidir. U “ilmlarni kelib chiqishi haqida”, “Ismlarning tasnifi haqida” va boshqa risolalarida o‘sha davrda ma’lum bo‘lgan 30 ga yaqin ilm sohasining tartibi, tasnifi va tafsilotini beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

**1 Eshov B.J., Odilov A.A. O’zbekiston tarixi. I - I- jild. - Toshkent: Yangi asr avlodi, 2014.**
**2. Istoriya Uzbekistana. - T.: Fan, 2012.**
**3. O’zbekistonning yangi tarixi. 1, 2, 3-kitoblar. T.: Shark, 2000.**

# СУЛТОН САОДАТ МАЖМУАСИ

***Mardonova Madina Hikmat qizi***
***mardonovamadina35@gmail.com***
***Nuriddinova Rohila Yo‘ldashali qizi***
*maxmudovx71@gmail.com*
***Xolboyeva Feruza Abdukarim qizi***
***denov7816@gmail.com***
***Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti tarix yo’nalishi 1-bosqich talabalari***

**Аннотатсия :** Термиз шаҳри яқинида жойлашган Султон Саодат мажмуаси Термиз саййидлари хонадонининг X-XVII асрлар давомида қурилган мақбараларидан иборат бўлган ўзига хос меъморий обидадир. Султон Саодат сўзи араб тилидан таржима қилинганда – «бахтлилар султони» демакдир.

**Калит сузлар:** “Баб ас-садат мадан ас-саодат; хубб ас-садат мифтах ас-саодат”,“Мужаррабат”,“Амир аш-Шахид”

Термиз саййидларининг етакчилари – нақиблари асрлар давомида “Султон Садот” – саййидлар султони унвони билан шарафланган. Иккала атама бир-бирига ўриндош сифатида фойдаланилган, арабча “Баб ас-садат мадан ас-саодат; хубб ас-садат мифтах ас-саодат”, яъни “саййидлар эшиги, бахт конидир; саййидларга муҳаббат бахт калитидир” калимаси кенг ишлатилган. Мақбаранинг дастлабки қисми олимларнинг фикрига кўра, Сомонийлар даврида қурилган. Мажмуадаги илк қабрда Термиз саййидлари хонадонининг асосчиси Ҳасан ал-Амирнинг ҳоки ётибди. Унинг Ислом дунёсида эътироф этилган шажараси Ҳазрат Пайғамбаримизга (С.А.В) бориб тақалади. Нақл қилинишича, Ҳазрат Алининг Биби Фотимадан туғилган ўғли Ҳусайн сўнгги сосоний шоҳи Йаздигарднинг қизига уйланади. Уларнинг фарзанди Алидан Ҳусайн ал-Асқар, ундан Убайдуллоҳ дунёга келади. Убайдуллоҳнинг фарзанди Жаъфар ал-Ҳужжат Мадина шаҳрининг ҳокими бўлганлиги ривоят қилинади. Жаъфар ал-Ҳужжатдан Амир Ҳусайн, ундан эса Ҳасан ал-Амир туғилади. У милодий 850 йили яқинлари билан Самарқандга келади. У ерда ўн бир йил яшаб кейин Балхга ўтади. Тахминан 865 йилда Термизга келади ва шу ерда бутунлай ўрнашиб қолади. Сомонийлар давридан Термиз саййидлари худовандзода фахрий унвонига сазовор бўлишган. Айнан шу маънода, лекин бошқа кўринишда Темурийлар даври манбаларида Термиз саййидлари “хонзода”, XV асрнинг иккинчи ярмидан эса “мирзо” унвонлари билан шарафланганлар. Шунингдек, улар ўзларининг исми-шарифларидан ташқари Мусавий, Алавий ва бошқа кўплаб кунниялар ва унвонлар билан номланганлар. Термиз саййидлари хонадонининг вакиллари салоҳияти бутун

ислом дунёсида эъзозланиб келинди, улар асрлар давомида жамият ҳаётида етакчилик қилганлар. Саййидлар сулоласига мансуб бўлиш ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, мафкуравий ва илмий жараёнларида фаол иштирок этишни талаб этган. Жумладан, Термиз саййидларининг еттинчи нақиби Мажидиддин Али ибн Жаъфар Мусавий XII асрнинг биринчи ярмида Салжуқийлар давлатининг етакчи дин пешволаридан бири бўлиш билан бирга, олимлар ҳомийси сифатида танилади ва Термизда расадхона қурдиради. Термиздан етишиб чиққан энг машҳур шоир Адиб Собир Термизий Мажидиддин Али ибн Жаъфарнинг ҳомийлигида ижод қилган. Муҳаммад Хоразмшоҳ 1212 йилда уламо ва имомларини йиғиб, Аббосийларни халифаликдан маҳрум қилади ва вазири, Термиз саййидларидан бўлган Аъло ал-Мулкни халифа деб эълон қилади. Саййидлар мўғуллар босқинидан кейин ҳам мавқеларини йўқотмай, вайрон бўлган Термиз марказини Султон Саодат мажмуаси ҳудудига кўчиришади. Термиз саййидларидан етишиб чиққан машҳур аллома Саййид Бурҳониддин Термизий(1275-1342) 1231 йилгача шаҳар аҳлига етакчилик қилган, кейинчалик Кичик Осиёга, Конияга кўчиб кетиб, Жалолиддин Румийнинг устози бўлган. Саййид Бурҳониддин Термизийнинг Туркиянинг Қайсария шаҳрида қад кўтарган мақбараси асрлар давомида зиёратгоҳ бўлиб келади. Хонадоннинг яна бир етакчиси Худованзода Абу-л Макарим Аъло ал-Мулк – “Амир аш-Шахид”(1292-1344) Термиз ҳокими бўлиб, муғулларга қарши мустақиллик курашида фаол иштирок этган. Унинг ўғиллари ва жиянлари манбаларга кўра Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида муҳим аҳамият касб этишади. Нашр этилган шажаралардан бирига кўра Амир Темурнинг илк умр йўлдоши Хонзода Олий-Насаб бўлган. Термиз саййидларининг шажарасига кўра Аъло ал-Мулкнинг эса шундай исмли жияни ва қизи бўлган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Амир Темур саййидлар билан оилавий алоқада бўлган. Мазкур воқелик тарих давомида ўз исботини топади: кўплаб Темурийлар саййидлар билан никоҳлар воситасида қариндошчилик ришталарини боғлаганлар. Ўзаро никоҳлар натижасида Темурийлар ва саййидлар хонадони чамбарчас боғланиб кетганлар.
Амир Темур ўзининг авлодларига саййидларни азиз тутишни васият қилиб кетган. Темурийлар бу васиятга содиқ бўлиб Самарқандда Шоҳи Зиндада Термиз саййидларининг вакилларини дафн этган бўлсалар, Шаҳрисабзда Улуғбек томонидан 1437 йилда барпо этилган, асли номи “Авлоди муборак” бўлган – Гумбази Саййидон мақбараси Термиз саййидларининг даҳмасига айланган. “Султон Содот” Абул Маолий 1459 йилда вафот этган ва Гумбази Саййидонда дафн этилади. Саййиднинг қабритошида Термиз саййидлариниig шажараси келтирилган. Шайбонийлар ва ундан кейинги

даврларда ҳам Термиз саййидлари маълум мавқега эга бўлишади. Шайбонийхон ўзининг ўғли Муҳаммад Темур Султонга Термиз саййидларидан келин олиб беради. Абдуллахон II Султон Саодотни зиёрат қилгани ва мақбарани таъмирлагани ҳақида маълумот бор. Ислом дунёси тарихида Термизийлар маърифати, илму-урфондаги истеъдодлари билан алоҳида ажралиб туради. Улар орасида саййидлар ҳонадони вакиллари ҳам бор: фалакиётчи олим Жалолиддин Жаъфар ибн Ҳусайн ат-Термизий, Табиб, дориларнинг тавсифи, ишлатилиши соҳасига бағишланган "Мужаррабат", яъни, "Синалган дорилар" китобининг муаллифи Муҳаммад Маъсум ибн Саййид ал-Хасаний ат –Термизий, "Муноқиби Муртозавий" тарихий асарини ёзган Мир Муҳаммад Солиҳ Термизий, "Дастур ал-Мулк" асарининг муаллифи Хожа Самандар Термизий шулар жумласидандир. Термиз саййидлари хонадонидан етишиб чиққан машҳур рассом Мир Саййид Али Ҳиндистонда Ҳумоюн саройида хизмат қилган. XX асрнинг 30-йилларигача зиёратчилар чоршанба куни Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбарасини, пайшанба куни Султон Саодат мақбарасини зиёрат қилганлар. Лекин, шўролар тузумининг сиёсати оқибатида зиёрат тақиқланган, мажмуа дарвозахонаси бузиб ташланган ва хонақоҳ ғиштлари ташиб олиб кетишган. Қабрлар устидаги қабртошлар олиб ташланган. Термиз саййидлари хонадонининг тарихини, мамлакат равнақи ва тараққиётини таъминлашга қўшган ҳиссасини, улар абадий макон топган маскан ҳақидаги маълумотларни ўрганиш мозий саҳифаларини тўлдиришга хизмат қилади. Масалан, афғон қабилаларининг диний раҳнамоси Пир Бобонинг асли исми Саййид Али Шоҳ ат-Термизийдир, унинг қабри ҳам муқаддас қадамжой ҳисобланади. Шу каби Термиз сайидлари хонадонининг вакиллари, бутун Ислом дунёсида Хитойдан тортиб Туркиягача, Татаристондан тортиб Ҳиндистонгача тарқаладилар. Улар барча жойда қалб нури, ақл зиёси билан ислом маърифатини тарқатадилар, ўткир заковати, юксак одоби, мукаммал ахлоқи, қолаверса ҳидоят йўлидаги кароматлари билан Ислом дунёси нафига хизмат қилиб назарга тушдилар. **Хулоса:**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Султон Саодатга 2019 йилнинг 6 апрелдаги ташрифи давомида мажмуа тарихи, архитектураси ва инфраструктураси билан танишдилар. Султон Саодат мажмуаси тарихини ўрганиш, уни таъмирлаш ва ободонлаштириш, зарур иншоотларни барпо этиш, зиёратчилар учун барча қулайликларни яратиш борасида берилган кўрсатмалар ижроси юзасидан аллақачон амалий ишлар бошланган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий

меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”.

**Адфбиётлар:**

1.Жалолиддин Мирзаев Термиз давлат университети ва Имом Термизий

халқаро илмий-тадкикот маркази катта илмий ходими тарих фанлари номзоди**.**

2.Ад.:Аршавская З. А., Ртвеладзе Э. В., Хакимов З. А., Средневековые памятники Сурхандарьи, Т., 1982.

3. „Dastur al Mulk“ (Guide to Kings) (XVII sentury) by Khwaja Samandar Muhammad ibn Baqi al-Termizi, translator professor of history Jabbor Esonov, „Sharq“, Tashkent 2001, page 22

## SURXONDARYONING QADIMIY QADAMJOLARI JARQO`RG`ON MINORASI MISOLIDA

**Anvar Jo’rayev Azizbek o`g`li**
**Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti talabasi**
**Email:**azizbekjurayev635@gmail.com
Tel:+998930781078
**Yangiboyev Abdulaziz O`tkir o`g`li**
**Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti talabasi**
**Email:**yangiboyevabdulaziz53@gmail.com
Tel:+998931453353

Moziyning qaysi bir nuqtasiga boqmang purviqor ajoddodlarning salobatli ishlariga ko`zingiz tushadi. Yurtimizning qayisi bir go`shasiga ko`z tiksangiz, bugunning me`moriy obidalarini yaratib ketganlar. Buyuk ipak yo`lining chorrahasida bu tomondan Xitoy , bu tomondan Konstantinopol , bu tomondan Dehli - yu bu tomoni Damashqdan chiqqan savdogarlar davr tili bilan diplomatik aloqa qilayotgan ajdodlarning g`olib hayqirig`ini tinglaysiz . Nega biz, “Jarqo`rg`on minorasini qo`yib, gapni Buyuk ipak yo`lidan” boshlayotganimizga xayron bo`lmang. Bu shaharlarning biri Afg'oniston, Ikkitasi Surxondaryo hududida bo`lgan. Jumladan 1-shahri Barbar (Kobul)da to`xtab, 2- shahri G`ayibar (Jarqo`rg`on) da hujjatlarga muhr bostirgan va 3- shahri Salosil (Sherobod) (eslang. Hazrati Adham Sahobaning boshini tanasidan judo qildirib olib keltirgan, Shoh Murk vatanida savdo sotiqni boshlagan.) Demak shahri G`ayibarda Buyuk ipak yo`lining muxrdorlik ishlari olib borilar ekan, yillar o`tishi bilan Shahri G`ayibar (Jarqo`rg`on)da balandligi 50 metr bo`lgan minoraga ehtiyoj

sezilgan. Chunki u payda hozirgidek, 1 metr qalinlikda asfaltlangan, eni 10-15 metr , gigant yo'llar bo`lmaganki, karvon boshi ketaversayu, yo`l to`g`ri G`ayibar, yoki shahri Salosilga borsa. Har holda karvon uzoqdan mo`ljal olish uchun shunday baland qurilishiga ehtiyoj (go`yoki dengiz chetiga qurilgan mayoq minorasi kabi) sezilgan bo`lsa ne ajab?!

Ajdodlar ham anoyi bo`lmagan. Bu minorani qurish bilan bir varakayiga bitta o`q bilan uchta quyonni urib yiqitgan: qanday qilib deysizmi? Minora savdogarlar uchun mayoq vazifasini , mo`minlar uchun azon aytish, harbiy maqsadda kuzatuv punkiti vazifalarini o`tagan. Ana shunday mulohazalar bilan XI asr oxiri XII asr boshlarida bunday gigant inshoatni qurishga kirishilgan degan tahminlar o`rinlidir. Jarqo`rg`on minorasi 1108-1110 yil podsho Sulton Sanjar tomonidan qurilgan bo`lib, unda usta Muhammad Ali o'ta mahorat bilan ishlagan. O'sha paytlarda bu yerlarni Chormangan qishlog'i bo'lib , Shahri G`ayibarning Buyuk ipak yo`liga eng yaqin qismi hisoblangan. Ayni vaqtda muxrdorlik mahkamasi, masjid va boshqa ma`muriy binolar ham bo`lgan tahminlar bor. Alqissa, Buyuk ipak yo`li savdogarlari bilan yaqin aloqada bo`lgan, ulardan katta foyda ko`rayotgan davr sultoni-Sulton Sanjar jahon savdogarlarining diqqatini yanada kuchaytirish, ko`proq foyda qurish maqsadida, huddi shu qishloqdan minora qurishga amri farmon bergan.[173]

U 1109 yilda Sulton Sanjarning buyrug'iga muvofiq . Hozirda u yerda yigirma metrdan oshadi, ammo qurilish vaqtida u qirq uch metrga yetgan. Minorada uning yaratuvchisi , Saraxs shahridan usta Ali ibn Muhammadning ismini va undan yuqoriroqda esa oxiriga yetkazilmagan Qur'onning muqaddas suralarini ko'rish mumkin. Minoraning siljigan o'qi tufayli u tugallanmagan yoki qisman vayron bo'lgan deb tahmin qilinadi. 1879 yilda minora yaqinida qadimiy masjidning xarobalari topilgan, bu minora qurilishi bilan amalga oshirilganidan dalolat beradi. Minoraga nima bo'lganligi va nima uchun masjid vayron qilinganligi to'g'risida tarixchilar bir fikrga kela olishmadi.[174]

Jarqo'rg'on minorasi Arslonxon Muhammad ibn Sulaymon tomonidan bunyod etilgan. Minoraning qurilishiga rahbarlik qilgan arxitektor Ali ibn Muhammad Saraxsiy bo'lib, minora kitobasida uning nomi yozib qo'yilgan. U hozirda Surxondaryo viloyati Jarqo'rg'on tumani Alisher Navoiy jamoa xo'jaligiga qarashli Minor qishlog'ida joylashgan. Mazkur inshoot nomi bilan u joylashgan qishloq ham Minor deb ataladi. Arslonxon Qoraxoniylar sulolasiga mansub Movarounnahr hukmdori bo'lib, to'liq ismi Muhammad ibn Sulaymon Dovud Kuchtegin ibn Tamg'achxon Ibrohim. U 1102-yilda Arslonxon nomi bilan

[173] Ch.Y. Muhammad Nazar. Surxandaryo- avliyolar qo`nim topgan muqaddas zamin;- Navro`z nashriyoti T:2013.
[174] E.Rtveladze, M.Aminov . Surxandaryo ensiklopediyasi;- Toshkent:-2008

Movarounnahr taxtiga o'tirgan. 12 ming mamlukdan iborat qo'shin tuzib, Dashti Qipchoqqa bir necha bor yurishlar qilgan. Umrining oxirlarida falaj bo'lib qolganligi tufayli taxtni o'g'illari –Nasr, so'ng Ahmad bilan birga boshqargan. 1130-yil Samarqand Saljuqiylar tomonidan egallangach, Arslonxon Balxga jo'natilgan va o'sha yerda ko'p o'tmay vafot etgan. Arslonxon davrida madaniy hayot bir muncha rivojlangan. Movarounnahrning ko'plab viloyatlarida binolar qurilgan, shular ichida Jarqo'rg'on va Minorai Kalonlar mashhurdir. Jarqo'rg'on minorasi rivojlangan o'rta asrlarda, XII asrning boshi, ya‘ni 1108- 1109-yillarda bunyod etilgan. Xurosondan ko'chib kelgan musulmon diniga mansub aholi e‘tiqodi uchun dastlab minora yonida masjid bunyod etilgan (yonida bir vaqtlar pishiq g'ishtdan qurilgan Jome‘ masjid bo'lgan, lekin u saqlanmagan) va atrof joylardan aholini namozga chaqirish qulay bo'lishi uchun, muazzin – azon aytuvchi uchun minora bunyod etilgan. Keyingi asrlarda harbiy maqsadda – kuzatuv obyekti vazifasida ham foydalanilgan. Me‘moriy inshoot qurilishida turli hajmda va shakl-shamoyili o'zgartirilgan pishiq g'ishtlardan, maxsus qirralari qotishmasidan, poydevori esa to'rtburchar shakliga keltirilgan va xalq orasida ―dev g'isht deb atalgan pishgan g'ishtlardan ishlab chiqilgan. Jarqo'rg'on minorasi 8 qirrali poydevor ustiga g'ishtdan mavj shaklida terilgan 16 plitavor qobirg'adan iborat. 20 m balandlikda g'ishtin panjarali ravoqlar ishlanib, uning ustida kufiy yozuvli belbog' hoshiya bor. Belbog' ustida yana qirralar davom ettirilgan, lekin minora tepasi saqlanmagan. Arxeolog olim N.N.Karazin rasmida masjid va minora xarobasi aks ettirilgan (1879-y.). Minoraning hozirgi balandligi 21,6 m., asosi (diametri – 5,4 m)ning kitobasida me‘mor nomi Ali ibn Muhammad Saraxsiy va qurilgan sanasi yozilgan (V.A.Shishkin tomonidan o'qilgan). Ichki qismi esa bezaklarda holi ravishda oddiy pishgan g'ishtlardan ishlangan va yuqoriga ko'tariladigan zinalarning har bir pog'onasi 30-40 sm ni tashkil qiladi.[175]

Minora sakkiz qirrali bo`lib, 50 mertrdan o'tgan bo`lmagan. Minoraning o'rtarog`ida imorat belbog`i da Kitoba (yozuv mual) bezaklari bo`lib, yozuvni V.A.Shishkin tomonidan o`qilganida, unda ‘’Minora usta Ali ibn Muhammad Saraxsiy tomonidan hijriy 490-492-yillarda qurilgan’’degan jumla borligi aniqlangan. Mustaqillikkacha obidaning past qismini 4- 5 metr joyi yerga cho'kib va tuproq bosib , yuqorisidan ham ko`p qismi yemirilib , bizgacha 21.60 metr joyi yetib kelgan . Minora 1938 yilda birinchi marta 1946 yilda ikkinchi marta naridan beri ta'mirlangan. Minoraning haqiqiy "hayoti" mustaqillikdan keyin boshlandi. Minoraning tag qismi tuproqdan tozalanib, yuqori qismi ham talab darajasida ta`mirlandi. Hozir minora ko`plab yurtdoshlar, ayniqsa yosh avlodning "moziy bilan gaplashadigan" saxniga aylangan.[176]

---

[175] A.Zamonov. Tarix fanidan olimpiadaga tayyorlanamiz;- Toshkent:-2012.

[176] Ch.Y. Muhammad Nazar. Surxandaryo- avliyolar qo`nim topgan muqaddas zamin;- Navro`z nashriyoti T:2013.

Jarqo'rg'on minorasi islom me‘morchiligining Xuroson me‘morchilik maktabi an‘analari uslubida barpo etilgan. Minoraning o'ziga xosligi shundaki, bunday inshoot O'rta Osiyoning biror bir hududida uchramaydi. Chunki, boshqa minoralarning aylanasi tekis holda ishlangan bo'lsa, Jarqo'rg'onda esa 16 ta o'ziga xos qovurg'alar mavjud. Bundan tashqari, boshqa minoralar singari baland qilib qurilmagan. Tadqiqotchilarning fikricha, inshoot ko'rinishi jihatidan Italiyadagi Piza minorasini eslatadi. Buyuk ipak yo`li haqida yana bir gap. Qadimda el aro ma'naviyat va madaniyat tarqatuvchilar - asosan yirik savdogarlar hisoblangan. O'rta Osiyo xususan Surxondaryoni to`liq o'z ichiga oluvchi qadimiy Baqtriya joylashgan hududlarga ham yirik savdogarlarning jahon madaniyatini olib kelishida Buyuk ipak yo`lining ahamiyati cheksiz bo`lgan. Shu nuktai nazardan kelib chiqib, Buyuk ipak yo`lining Salosil (Sherobod) hamda Shahri G`ayibardan o`tishi asosan savdo-sotiq bilan birga rasmiyatchilik ishlarini olib borilishi , vohamizning jahon sahnida tutgan o`rni azal-azaldan diqqatga sazavor bo`lganligiga guvohdir.

Hozirda Jarqo'rg'on minorasi ehtiyotkorlik bilan qo'riqlanadi va muhim tarixiy va madaniy obyekt hisoblanadi .Me‘moriy obidaga hukumatimiz hamda Xalqaro tashkilotlar tomonidan berilayotgan e‘tiborga to'xtaladigan bo'lsak, inshoot YUNESKO tashkilotining Butun jahon madaniy yodgorliklari ro'yxatiǁga kiritilgan, davlat muhofazasiga olingan. Shuningdek, 2002-yil Termiz shahrining 2500 yillik yubeliyi munosabati bilan minora qafasasining tepa qismi ta‘mirlandi. O'zbekiston respublikasi Oliy Majlisi tomonidan 2000-yil ―"Madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanish to'g'risida" hamda 2008-yil 12-sentabrda ―"Muzeylar to'g'risida" qabul qilingan qonunlar me‘moriy obida muhofazasining huquqiy kafolatidir.[177]

**Xulosa** qilib shuni ayta olamizki, ajdodlarimiz madaniy me`rosini saqlash ularni kelajak avlodlarga moddiy zarar yetmagan va ilmiy merosini davom ettirgan holda tarixini to`g`ri yoritib berish biz yosh tadqiqotchilarning vazifamiz hisoblanadi. Zero, qadimiy qadamjolar tarixning ochilmagan sirlarini ochishga yordam beradi.

## Foydalanilgan adabiyotlar:


**1. Ch.Y. Muhammad Nazar. Surxandaryo- avliyolar qo`nim topgan muqaddas zamin;- Navro`z nashriyoti T:2013 67-69-betlar**

**2. E.Rtveladze, M.Aminov . Surxandaryo ensiklopediyasi;- Toshkent:-2008 32-33-betlar**

**3. O`zbekiston milliy ensiklopediyasi;- Toshkent:- 2008 "J" harfi 97-bet**


[177] A.Zamonov. Tarix fanidan olimpiadaga tayyorlanamiz;- Toshkent:-2012.

# SO'FI OLLOYORGA ZAMON BOQAJAK

***Boborahimov Shoxruhbek Innoyatillo o'g'li.***
***Axtamova Xurshida Jamshid qizi.***
***Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti***
***2-bosqich talabalari.***

Annotatsiya: " So'fi Olloyorga zamon boqajak" deb nomlangan maqolada, So'fi Olloyorning hayoti va ijodi haqida, u kishining ustozlari haqida, So'fi Olloyorning Vaxshivorga kelishlari haqida, So'fi Olloyor va Boborahim Mashrabning uchrashuvi haqidagi ma'lumotlar yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: So'fi Olloyor, Katta Vaxshivor, Kichik Vaxshivor, Boborahim Mashrab, Karomatxon Murodulloxon o'g'li, Muzaffarxon Umarxon o'g'li, Ravshan Mirzayev

Surxon vohasi ozod O'zbekistonning janubiy darvozasidir. Bu voha o'zining tabiiy-geografik jaylashishi bilan insonni lol qoldiradi. Bu yerda bir vaqtning o'zida tabiatning to'rt faslini ham ko'rish mumkin. Termiz va Muzrabotda 40-48 daraja issiq bo'lgan bir vaqtda Vaxshivor, Sangardak, Xonjizalarning 10-15 daraja iliqligida toza xavodan nafas olmoq odamga rohat baxsh etadi. Shu bilan birga Surxon vohasi o'zining uzoq tarixi, jahon sivilizatsiyasiga qo'shgan ulkan hissasi, insoniyat tafakkurini boyitishga daxldor bo'lgan buyuk shaxslarni yetishtirgan iste'dodli xalqi, bir necha ming yillik davlatchiligi hamda o'tmishdagi favqulodda boy madaniyati bilan ham alohida o'rin egallaydi.(1)

Aytish kerakki, vohaning jannatmakon bir bo'lagi, go'shasi bo'lgan Denov o'zining tarixiy obidalari, ulug' allomalarining manzili va makoni bo'lganligi bilan ham ajralib turadi. Denovdagi Xolchayontepa va u yerdan topilgan osori-atiqalar, Qizqo'rg'on(Sina), Govurgon(Bobotog'), Namozgoh, Xoja Muhammad Alouddin Attor maqbarasi, Denov qo'rg'oni, Yurchi qo'rg'oni, Said Otaliq madrasasi(XVll asr), So'fi Olloyor masjidi(1713-yil) odamlarni to hanuzgacha hayratga soladi. Xalq dilidan chuqur joy olgan Xoja Alouddin Attor, Mavlonai Zohid(Kichik Vaxshivor), So'fi Olloyor kabi piri komil zotlar nafaqat Denovda, Surxondaryoda, balki mamlakatimizda, hattoki xorijda ham mashhurdir.(2) So'fi Olloyor hayoti va ijodiga bo'lgan qiziqish mustaqillik sharofati bilan ancha ortdi. (3) "Men haj ziyoratiga ketish arafasida So'fi Olloyor jamg'armasi ishini Saudiya Arabistonida, u yerga kelgan boshqa mamlakat hojilariga targ'ib qilish maqsadida So'fi Olloyor hayoti, ijodi, jamg'armaning tashkil etilishi, maqsad va hisob raqamlari yozilgan murojaatnoma xatini o'zbek tilida tayyorlab, arab va ingliz tillariga tarjima qildirib, ko'paytirib olib borgan edim. Men Makka va Madinada

Suriya, Bangladesh, Turkiya, Hindiston, Pokiston hojilari, Respublikamizdagi viloyat hojilarining mingboshilariga, Saudiya Arabistonidagi vatandoshlar bilan imkoni boricha ko'proq uchrashishga, suhbatlashishga va murojaatnima xatini tarqatishga harakat qildm va amalga oshirdm deb hisoblayman. Meni ajablantirgan narsa shu bo'ldikki Makka va Madinada uchrashgan har bir vatandoshdan "Siz So'fi Olloyorni bilaszmi?" deb savol berganimda, ular hammasi "E, hoji aka u kishini bilmaydigan odam bormi?!" deb darhol So'fi Olloyorning she'rlarini yoddan aytib berishi bo'ldi" deb yozadi Ravshan Mirzayev o'z kitobida.(4) Keyingi vaqtlarda So'fi Olloyorning hayoti va ijodiyotiga qiziqishning ancha ortgani hech kimga sir emas. Bunga u kishi haqida chop etilayotgan kitoblar, maqolalar, o'tkazilayotgan turli anjuman, yubileylar hamda bevosita alloma qalamiga mansub bo'lgan kitoblarning qayta-qayta nashr etilayotganligi ham dalil bo'la oladi. Surxondaryolik shoir Meliqul Xanjarning "Vaxshivor va So'fi Olloyor" nomli risolasida So'fi Olloyor 1625-yilda tug'ilganligi, u kishining Muhammad Saloh (13 yoshida vafot etgan), Muhammad Siddiq va Azima ismli farzandlari bo'lganligi yoziladi. So'fi Olloyorning 1721-yilda vafot etganligi va Katta Vaxshivor qabristonida dafn etilgani, u kishining "Maslak ul-muttaqin", "Murod ul-orifin", " Sabot ul-ojizin", " Daloil Olloyor", " Fauzun-najot", " Azima", " Torjumla", " Chor kitob" nomli kitoblari borligi qayd qilinadi. Ubaydulla Alamkashning ma'lumotiga ko'ra, So'fi Olloyor 1725-yili Katta Vaxshivorda vafot etadi. (6) "Shajara - ajdodlar sadosi" nomli kitobda So'fi Olloyorni 1625-yilda Kattaqo'rg'on mavzeida tug'ilgan, va 1721-yilda 96 yoshlarida vafot etib, Katta Vaxshivor qabristonida dafn etilganliklari qayd etilgan. So'fi Olloyorning tarjimai holiga doir yana bir manba: " Risolai Aziza " kitobidir. Bu asar hijriy 1221(milodiy 1806) yilda tatar olimi Tojiddin Yolchig'ul o'g'li tomonidan yozilgan. Asar So'fi Olloyorning " Sabot ul-ojizin" asariga yozilgan sharh bo'lib, yozilish uslubi, ifoda soddaligi, mazmun to'laligi bilan mashhurlik topgan. (6) Bugungi kunda So'fi Olloyorning avlodlaridan 60 yoshdan oshgan Muzaffarxon Umarxon o'g'li(yettinchi avlod), 40 yoshdan oshgan Karomatxon Murodulloxon o'g'li bergan ma'lumotlar hozirgi kunda juda ham muhim hisoblanadi. Ba'zi manbalar va rivoyatlarga tayanib shuni aytishimiz mumkinki, taqvoga, ilm-ijodga berilgan So'fi Olloyor Panjikent, Urgut, Dehqonobod, G'uzor, Qabodiyon, Qorategin va boshqa joylarda bir-ikki yil yashab, 1710-yillarda o'zining bir she'rida qayd qilingani kabi, yetti nafar hamrohi(xalifalari) bilan Denov muzofotiga (hozirgi Oltinsoy tumani) ga qarashli Katta Vaxshivor qishlog'iga kelib joylashadi. Katta Vaxshivor qishlog'iga kelib ilonlarni Govurgonga haydab, Qorabuloq suvini qishloqqa oqizib kelib, 1713-yilda tarixiy masjidni qurib ishga tushuradi. Farzandlari va xalifalari bilan shu yerda muqim yashab qoladi. Ulug' shoir, mutasavvif, buyuk olim 1721-yilda shu yerda vafot etib, tog' yon bag'ridagi qabristonga dafn etiladi.(4) Ko'pgina tarixiy manbalarda va So'fi Olloyorning o'zi qayd

qilib, tan olgan ma'lumotlarga ko'ra, shoirning 4 nafar ustozi bo'lgan. Bular: Xoja Mo'min, Muhammad G'azniy, piri komil shayx So'fi Navro'z Buxoriy va Shayx Habibullohlardir. Ba'zi manbalarda So'fi Olloyor Shayx Navro'zning muridi ekanligi, u esa o'z navbatida Shayx Habibullohning xalifalaridan biri bo'lganligi ta'kidlanadi.(7) Ulkan mutasavvif shoir, yirik alloma So'fi Olloyor Katta Vaxshivor qishlog'iga taxminan 1710-yillarda yetti chog'li xalifasi bilan keladi. Bir rivoyatda aytilishicha, So'fi Olloyor kelguniga qadar Katta Vaxshivorda odam yashamagan. Bu yerda ilonlar makoni bo'lgan. Shuning uchun bu joyning nomi Vaxshi Mor (ilonlar darasi) deb atalgan. So'fi Olloyor esa shu ilonlarni bu yerdan haydash maqsadida yuborilgan kishi hisoblangan. So'fi Olloyor xalifalaridan birining qo'liga duo bitilgan maktubni berib, Vaxshivor darasining yuqori qismida katta xarsang tosh borligini, shu tosh ustidagi ilonlar podshosiga olib borib ko'rsatishni buyuradi. Xalifa maktubni olib baland ko'targancha ketaveradi. Odam hidini sezgan katta-katta ilonlar unga tashlanmoqchi bo'lib, daraxtlar, toshlar orasidan chiqishadi. Lekin uning qo'lidagi duo bitilgan maktubga ko'zlari tushishi bilan o'zlarini orqaga olib, yo'l berishadi. Xalifa toshlar orasidan yurib-yurib bir katta tosh yoniga boradi. Xatni katta tosh ustidagi oq ilonga ko'rsatadi. Oq ilon- ilonlar podshosi maktubga ko'zi tushgach, bu yerdan ketish haqida farmon kelganini bilib, kuchli bir na'ra tortadi. Shunda tog'u toshdagi barcha ilonlar yetib kelib bir yerga jamlanadi va uning orqasidan yo'lga tushadi. Oq ilon ortidan millionlab mayda-katta ilonlar ergashadi va ular darani tark etadilar. Darani tark etgan ilon to'pi hozirgi Islom To'rayev nomli shirkat xo'jaligi(Denov tumani hududida) dan o'tib, shu yerda bir muddat to'xtaydi. Keyinchalik shu joyni odamlar "Ilonsoy" deb ataydilar. So'ngra ilonlar to'pi hozirgi Oxunboboyev nomli shirkat xo'jaligi hududidan o'tayotib, bir kecha shu yerda qoladi. Shu yerni o'shandan beri xalq Zahartepa qishlog'i deb ataydi. Ilonlar bu yerda o't-o'lanlarga zahar solishadi. Shundan keyin ilonlar galasi yana yo'l yurib, Bobotog' massividagi Govurgon degan manzilga borib qaror topadi.(8) Rivoyat qilishlaricha, So'fi Olloyor Vaxshivorga kelib ilonlarni Govurgonga haydab, "Vaxshimor" darasini "Vaxshivor" darasiga aylantirgan va Katta Vaxshivor qishlog'ini tashkil etish uchun joy tanlangan, so'ng xalifalaridan biriga hassasini berib Vaxshivor soyining o'ng qirg'og'idagi nam(qora) joyga suqib orqasiga qaramay qishloqqa sudrab kelishini tayinlaydi. Xalifasi ustozi aytganday hassani suqib kela boshlaydi, qishloqqa kelishiga biroz joy qolganda shaytonning vasvasasiga berilib, ustozining aytganini unutib, orqasiga qaraydi. Ne ko'z bilan ko'rsinki, orqasidan hassa izidan bir tegirmon ariq suvi oqib kelayotgan ekan. (4)

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, jahonda allomalar, so'fiylar, shoirlar, donolar millionlab mavjud bo'lgan. Lekin So'fi Olloyorni xalq alohida sevib, ardoqlab kelmoqda. U o'z ijodiy faoliyati bilan

xalqimizning estetik badiiy tafakkurini, ezgu axloqini ijtimoiy-falsafiy rivojlanishning yangi pog'onasiga ko'tara oldi. So'fi Olloyorning buyukligi yana shundaki, agar Xoja Ahror Valiy, Mahdumi a'zam kabi alloma bobokalonlarimiz naqshbandiya tariqati ta'limotlarini ijtimoiy hayotga tadbiq etishda namuna ko'rsatgan bo'lsalar, So'fi Olloyor bu tariqatning barcha davrlar uchun dolzarb, milliy-sharqona va umuminsoniy axloqiy-ta'limiy qarashlarini ibodat jarayoniga, maktab-madrasalar ta'lim tizimiga olib kirdi. Bu esa uning eng buyuk xizmatidir. So'fi Olloyor o'zining ana shu xizmati bilan millionlab kishilarning muallimi va murabbiysiga aylandi, buyuklik kasb etdi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**


1. Abdullo Xolmirzayev "Surxondaryoning tabarruk ziyoratgohlari". Toshkent- 2001.
2. Meliqul Xanjar "So'fi Olloyor Vaxshivorda". Termiz - 1995.
3. Xurram Hamdamov "Oltinsoyda Vaxshivor bor". Toshkent - 2013.
4. Ravshan Mirzayev "So'fi Olloyorga zamon boqajak". Toshkent - 2007.


# SULTON SAODAT MAJMUASI


***Boboraxmatova Dilshoda Ismayilovna Denov tadbirkorlik va pedagogika institute Tarix fakulteti talabasi***
***Tel: +998919677977***
***e-pochta boboraxmatovadilshoda90@gmail.com***
***Mamataliyeva Mohidil O'ral qizi***
***Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti Tarix fakulteti talabasi***
***Tel:+998905225607***
***e-pochta mamataliyevamohidil05@gmail.com***


Termiz shahridagi ushbu me'moriy yodgorlik 20 ga yaqin maqbarani o'z ichiga olgan. (X-XVII asrlar). Termizning sharqida joylashgan bu ziyoratgoh 7 asr davomida shakllangan.[178] Unda Sayyidlar sulolasining maqbaralari joylashgan. Dastlab shu atrofdagi yerlar egasi, payg'ambarimiz avlodlaridan bo'lmish Hasan al-Amir (IX asrning 2-yarmida vafot etgan) maqbarasi bunyod etilgan. Majmuaning eng qadimgi qismi uning janubi-g'arbidagi XI asrda qurilgan baland gumbazli ayvon peshtoqi ostidagi go'rlar bilan to'la ikki maqbaradir.

[178] Tursunov S.N. Surxondaryo tarixi ko'zgusida.Toshkent, 2001 – yil.

Ulardan birinchisining ichki o'lchami 10X10 m, ikkinchisiniki 9X9 m bo'lib, ikkovini birlashtiruvchi gumbaz ostidagi keng maydon masjid xizmatini bajargan. Unda shakli turli-tuman uyma g'ishtlar juda moxirona va turli uslubda terilgan. Birinchi maqbarada IX asrning ikkinchi yarmida vafot etgan shu atrofdagi yerlarning egasi, obruli oila boshligi, Muxammad payg'ambarning avlodidan xisoblangan Xasan al-Amir ismli sayyidning xoki yotibdi. [179] Bu zal xar xil shakldagi gishtlar bilan turli-tuman uslubda terilgan. Ikkinchi zal jixozi birmuncha oddiy, har ikkala makbara eshigi kungurador ayvonli bo'lib, hovliga qaratib qurilgan, bu uslub ansamblning kyeinchalik rivojlanishida reja sifatida xizmat qiladi. Tugallangan Sulton Saodat majmuasi kelishgan ayvonli, yirik gumbazli bosh maqbara (Xasan al-Amir maqbarasi) atrofida guruxlangan imoratlardan iboratdir. Sulton Saodat qariyb yetti asr (X-XVII) davomida shakllandi, u yegirmaga yaqin maqbarani uz ichiga oladi. XIV-XV asrlarda Sulton Saodat majmuasida ham yangi maqbaralar qurilgan. Xalq orasida Sulton Saodat majmuasi nomi bilan mashhur bo'lgan maqbaralar X asrda, qolganlari, asosan, XV-XVII asrlarda yonma-yon qurilib, uzun hovlining 2 tomonini egallagan.

Maqbaralar peshtoq va gumbazli chorsu xonalar (9x9,05 m va 10,15x10,25 m)dan iborat. Hovlining to'ridagi peshtoq va ikki qanotidagi gumbazli maqbaralar bir xil tarhda, janubdagi maqbara zinalar hisobiga kichikroq ko'rinadi. Shimoliy-g'arbidagi maqbaraning qurilma va bezaklari oddiy g'isht (27x27x5 sm)dan juft-juft qilib terilib, mavjli bezak hosil qilingan. Ichki xona devorlariga g'ishtdan hoshiyali bo'rtma ravoqlar ishlangan. Janubiy-g'arbdagi maqbara shimoliyg'arbdagidan bir oz kichik, ko'rinishi oddiy, ganch suvoqli. Mazkur 2 maqbara orasidagi peshtoqning supasi to'rida mehrob joylashgan. Sirkor koshinlar binoga alohida husn bag'ishlagan. XV-XVII asrlarda qurilgan maqbaralarda o'sha davrga xos yulduzsimon girrix naqshlar, ganchkori bezaklar keng qo'llanilgan.[180] Sulton Saodat ansambli g'arbdan sharqqa o'tadi va uzunligi 70 m. hozirgi vaqtda uning binolarining deyarli yarmi saqlanib qolgan. Ansamblning dastlabki maqbarasi ikki bino (maqbara va masjid), gumbazlar bilan qoplangan va ikkala xonani birlashtiradigan ayvon (gumbazli vestibul) dan iborat. Yon devorlarda ikkita kirish joyi bor: shimoldan maqbaraga, janubdan masjidga. Binoning asosiy jabhasi dekorning soddaligi va nafisligi bilan hayratlanarlidir, chunki u oddiy kuygan g'ishtdan qilingan: "Rojdestvo daraxti", "Kamon" bilan bezatilgan maqbaraning devorlarining uzunligi

[179] Tursunov S.N. Surxondaruo viloyat tarixini o'rganish T. 1997 yil.
[180] Ro'ziyev A.N., Surxondaryo viloyati T., 1996;

bo'ylab tekis joylar mavjud. Hozirgi vaqtda maqbaraning butun maydoni to'rtburchaklar, yuzsiz qabr toshlari bilan qoplangan.[181]

Masjid ham dafn qilingan joyga aylandi, shuning uchun ilmiy adabiyotlarda u noto'g'ri maqbara deb ataladi. Masjid - "kamtarin". Uning devorlari faqat bir necha juft g'isht bilan qoplangan. Va faqat uning Mihrab (imomning ibodati uchun joy) "kamon"bilan bezatilgan. Masjidning ichki qismida Qur'ondan o'yilgan chiziqlar topilgan. Sulton Saodat Ansambli Strukturaning yonoq devorlari geometrik naqshli sekizgenli majolitik plitalar bilan bezatilgan, sirda esa oltin qo'shimchalar mavjud edi. Archivolt archivolt geometrik va gul naqshlari bilan bezatilgan uch qavatli ustunlarga asoslangan. Lobbi devorlari qora va ko'k bo'yoq bilan bo'yalgan rasm bilan qoplangan(tadqiqotlar davomida topilgan qismlar). Ushbu dekorning faqat kichik bir qismi saqlanib qolgan va endi u butunlay yo'qolgan.

Sulton Saodat vaqti-vaqti bilan qayta qurildi. Shunday qilib, birinchi marta XIV-XV asrlarda sodir bo'lgan. - binoning asl ko'rinishini qayta tikladi; sobiq dekor o'sha davrning uslubiga mos keldi; olimlar uchun qimmatli yozuvni o'yib yozishdi, chunki u Termezning seyidlari naslining eng qadimgi yozma birikmalaridan biri edi. Keyingi tiklash XIX asrning oxirida amalga oshirildi. [182] majmuaning qo'riqchisi bo'lgan Shayx, seyidlarning avlodi. Ayni paytda tiklash ishlari ham olib borilmoqda. Sulton Saodat Ansambli Darwazxon (oldindan qurilishi) va Hanak (dervishes monastiri), mihraby edi oxirida: XIV asrning ikkinchi yarmida kompleksi g'arbda.yana ikki monumental binolar qurildi. Keyinchalik, o'choqlarning soniga qarab, xonaki xonasi oshxona sifatida ishlatila boshlandi. 1978 tomonidan u vayron qilingan va qo'ylar uchun qalamga aylangan. [183]

Asosiy qabrda Sulton Saodat bir vaqtlar o'z vatanini tark etgan ko'plab mashhur sayidlarning qoldiqlarini ko'mib tashladi. Bu turning kamroq taniqli vakillari kompleksning Shimoliy va sharqida joylashgan va birinchi maqbaraning rejasini takrorlaydigan kamroq monumental maqbaralarda dafn etildi - lobbi bilan birlashtirilgan ikkita bino mavjud. Sulton Saodat yaqin vaqtgacha (30-lar XX asr) musulmonlarning faol ziyoratgohi bo'lgan. Payshanba va juma kunlari qurbonlik hayvonlari qotib, oziq-ovqat tayyorladilar, Qur'onni o'qidilar, qabrlarni chetlab o'tishdi, shamlar yoqishdi. O'zbekiston bilan Afg'oniston o'rtasida aniq chegara o'rnatilgandan so'ng unga haj ziyorati deyarli to'xtatildi.

Majmua mustaqillikdan keyin ta'mirlanib, ziyoratgohga aylantirilgan. 2000-yil 30-avgustda qabul qilingan O’zbekistan Respublikasining ―Madaniy meros

[181] Tursunov S.N. Surxondaryo tarixi ko’zgusida.Toshkent, 2001 – yil.
[182] Annayev T. Shaydullayev Sh. Surxondaryo tarixidan lavhalar. T: Meros, 1997-yil,
[183] Annayev T. Shaydullayev Sh. Surxondaryo tarixidan lavhalar. T: Meros, 1997-yil,

obyektlarini muhofazalash va ulardan foydalanish to'g'risida‖gi qonun madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanish sohasida jahon talablariga mos qonuniy asosni yaratdi. O'zbekiston Respublikasi hududida dunyo sivilizatsiyasi rivojlanishida katta o'rin tutgan, asrlar davomida saqlangan Samarqand, Buxoro, Toshkent, Xiva, Shahrisabz, Qo'qon, Marg'ilon, G'ijduvon, Vobkent, Termiz va boshqa tarixiy shaharlar, mavjud bo'lgan me'moriy va tarixiy obidalar davlat muhofazasiga olingan.Inshoot YUNESKO tashkilotining ―Butun jahon madaniy yodgorliklari ro'yxati‖ga kiritilgan. Me'moriy obidaga hukumatimiz tomonidan berilayotgan e'tiborga to'xtaladigan bo'lsak, 2002-yil Termiz shahrining 2500 yillik yubeliyi munosabati bilan inshootning hozirgi qiyofasi shakllantirildi.

Xulosa: Shuni xulosa qilib aytolamizki ,Surxandaryo vohasida joylashgan barcha tarixiy obidalar shonli tarixdan hikoya qiladi. Xususan Sulton Soadat majmuasi ham somoniylar sulolasi davrida qurilgan me'moriy obida hisoblanadi. Bu esa o`rta asrlar davrida Surxon vohasi ham sivilizatsiya markazi bo`lganligini ko`rsatadi. Biz tadqiqotchilar esa bu ma'lumotlarni yaxlitlab tahlil qilishni oldimizga asosiy vazifa qilib qo`yishimiz kerak.

## *Foydalangan adabiyotlar:*


1. ***Tursunov S.N. Surxondaryo tarixi ko'zgusida.Toshkent, 2001 – yil.***
2. ***Ro'ziyev A.N., Surxondaryo viloyati T., 1996;***
3. ***Tursunov S.N. Surxondaruo etnografik makon. Termiz oqshomi, 2009 – yil.***


## SURXANDARYODA MILLIY-MADANIY MEROS, TARIXIY QADAMJOLAR VA MUQADDAS MASKANLARINING XALQIMIZ MA'NAVIY HAYOTIDAGI O'RNI.


***Qobilboyeva Zarnigor Bobomurod qizi***
*Tel:940713545*
***Safarova Manzura Salimjon qizi***
*Tel:999692138*
***Ermamatova Kamola Ismoil qizi***
*Tel:903234828*
***Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti talabalar:***


O'zbekiston Respublikasining amaldagi "Madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanish to'g'risida"gi Qonunga binoan Respublikamiz hududida 2006 yil 1 yanvar holatida davlat hisobida 7734

nomlanishdagi madaniy meros obyektlari bo‘lib, ulardan 1526 tasi respublika ahamiyatiga, 6208 nomlanishdagi obyekt mahalliy ahamiyatdagi madaniy meros obyektlaridir. Surxondaryo viloyatdagi boy tarixga ega qadamjolar, muqaddas ziyoratgohlar hududda ziyorat turizmini joriy etib, nafaqat mahalliy balki, xorijlik sayyohlar oqimini kengaytirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Biroq, hozirgacha viloyatning bu boradagi salohiyatidan samarali foydalanishga e’tiborsizlik bilan yondashib kelinayotgan edi. 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasida belgilab berilgan vazifalar ijrosi doirasida ishlab chiqilgan ziyorat turizmini rivojlantirish bo‘yicha “yo‘l xaritasi” bu boradagi ishlarni yangi bosqichda ruyobga chiqarishga xizmat qilmoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev joriy yil 19-20-yanvar kunlari Surxondaryo viloyatiga tashrifi chog‘ida vohaning turizm salohiyatidan samarali foydalanib, yangi ish o‘rinlari yaratish va aholi daromadlarini oshirishga alohida e’tibor qaratgan edi. Shunga muvofiq viloyatda 2018-2019-yillarda Surxondaryo viloyatining turizm salohiyatini kompleks rivojlantirish chora-tadbirlari dasturi qabul qilinmoqda. Unda hududning yangilangan, zamonaviy qiyofasini yaratish, transport infratuzilmasini takomillashtirish, xorijdan tashrif buyurayotgan sayyohlarga sifatli xizmatlar ko‘rsatish kabi muhim masalalarga alohida ahamiyat berilgani ziyorat turizmi imkoniyatlaridan unumli foydalanishga qulay muhit yaratadi. [1]

O‘tmishda Surxondaryo muqaddas islom dinini targ‘ib qilgan va uni rivojlantirishga munosib hissa qo‘shgan Hakim Termiziy, Iso Termiziy kabi ko‘plab buyuk olimlarga beshik bo‘lgan, – deydi O‘zbekiston Respublikasi Turizmni rivojlantirish davlat qo‘mitasi Surxondaryo viloyati vakili Sh.Ibragimov. – Boy tarixga ega bu yurtda So‘fi Olloyor, Alouddin Attor, Muhammad Zohid singari ulug‘ zotlar mangu qo‘nim topgan. Mazkur dastur asosida Boysun, Termiz, Jarqo‘rg‘on, Oltinsoy, Denov, Uzun, Sherobod tumanlaridagi muqaddas qadamjo va ziyoratgohlar rekonstruksiya qilinib, obodonlashtiriladi. Yo‘llar ta’mirlanadi. Savdo-hunarmandchilik do‘konlari quriladi. Xorijlik sayyohlarning emin-erkin ziyorat qilishi uchun barcha zamonaviy sharoitlar yaratiladi. Denov tumanida Naqshbandiya ta’limotining asoschisi Hazrat Bahouddin Naqshbandning birinchi xalifasi Alouddin Attor mangu qo‘nim topgan muqaddas ziyoratgoh mavjud. Oltinsoy tumanida “Silsilai oliya” tarkibiga kiruvchi ulug‘ zotlardan yana biri – Muhammad Zohid maqbarasi, turkiy tasavvuf ta’limotining yirik namoyandasi So‘fi Olloyor qadamjosi va ul zot tomonidan barpo etilgan masjid saqlanib qolgan. Yangi yo‘nalishlarda ziyorat turizmini rivojlantirish bo‘yicha “Yo‘l xaritasi”da aziz-avliyolarimiz muqaddas hoki qo‘yilgan bu maskanlarni obodonlashtirib, ziyoratchi sayyohlarning tahorat qilishi, namoz o‘qishi uchun zamonaviy qulayliklar yaratish, “halol” standartini joriy etish belgilab berilgan. –

Mamlakatimizda ziyorat turizmining yo‘lga qo‘yilayotgani yurtimizda yashab o‘tgan buyuk zotlarni yod etib, ularning haqiga duo qilish va ibratli hayot yo‘llarini chuqur o‘rganishda muhim ahamiyat kasb etadi, – deydi O‘zbekiston musulmonlari idorasi viloyat vakili A.Sayfuddinov. Xorijlik sayyohlarning ham o‘tmishda yashab o‘tgan aziz avliyolarimizning diniy ta’limoti va islom dini rivojiga qo‘shgan salmoqli hissasi bilan yaqindan tanishishiga keng imkoniyat yaratadi. Muqaddas qadamjolar atrofi yanada obod, yanada ko‘rkam bo‘ladi. Ziyorat turizmini rivojlantirish borasida amalga oshiriladigan keng qamrovli bunyodkorlik ishlari doirasida Termiz tumanidagi Kokildor ota, Qirq qiz, Sulton Saodat yodgorliklari, Chorgumbaz masjidi, Boysun tumanidagi Hazrati Eshonbobo ziyoratgohi va shifobaxsh suvi, Hazrati Sulton Valiy, Jarqo‘rg‘on tumanidagi Xo‘ja Samandar Termiziy ziyoratgohlari, Oltinsoy tumanidagi Xo‘jaipok ziyoratgohi va shifobaxsh suvi, Uzun tumanidagi Oq ostona bobo maqbarasi kabi tarixiy obidalar so‘lim go‘shaga aylantiriladi. [2]

Termiziy me'moriy majmui, Hakim Termiziy maqbarasi- Termizdagi me'moriy yodgorlik (X – XV asrlar). Majmua Abu Abdulloh Muhammad Hakim Termiziy nomi bilan bog‘langan. Termiziy me'moriy majmui asrlar davomida bir necha bor qayta qurilgan. Masjid, maqbara, xonaqoh, qorixona kabi binolardan iborat bo‘lgan. Dastlab xom g‘ishtdan xonaqoh (IX) bunyod etilib, Hakim Termiziy shu yerda yashab mudarrislik qilgan. Binodan keng hovlining bir qismi, qalin devor to‘siq va shim.sharqiy burchagida uncha katta bo‘lmagan yerto‘lasimon hujra saqlangan. Vaqtlar o‘tishi bilan qabr ustiga, xonaqohning jan. G‘arbiy burchagida xom g‘ishtdan jan.ga qaratib maqbara bunyod etilgan (IX). Termiziy maqbarasi xalq orasida ulug‘lanib avliyo qabri, muqaddas ziyoratgoh sifatida e'zozlangan. Keyinchalik maqbaraning sharqiy devoriga tutashtirib kichik qorixona va o‘g‘li al Hakim Abdulloh maqbarasi (X) , shim.da uncha katta bo‘lmagan hovliga qaragan 3 gumbazli, ravoqli yo‘lak ko‘rinishidagi namozgoh masjidi(XI – XII ) hamda bir qator qo‘shimcha xonalar qo‘shilgan.Temuriylar hukmronligi davrida (XV) xonaqoh baland asos (bal. 1,5 m) ustiga pishiq g‘ishtdan qayta qurildi. Unga tutash bo‘lgan xonalar ta'mirlandi. Xonaqohning shim. va jan. tomonlariga peshtoq ishlandi. Oddiy va aniq qurilmali xona devorlari ravoq ustunlari «romb» ko‘rinishidag poy-ustunga tayangan. Hakim Termiziy maqbarasi IX asrda bunyod etilgan xonaqoh hujralaridan biri bo‘lgan. Xonaqoh hovlisining g‘arbidagi 3 gumbazli masjid maqbaraga tutash, 3 ravog‘i hovliga qaragan. Masjidning g‘arbiy devor markazida keng hoshiyali mehrob bor. Undagi bo‘rtma yozuv, sopol shakllar, oraliq zaminidagi o‘yma ganch bezaklar o‘ziga xos. Masjid ustunlari g‘ishtdan bezakli qilib terilgan. Masjiddan ravoq orqali maqbaraga o‘tiladi. Maqbara ichi ganch o‘ymakorligida gilam nusxa bezakda serhasham pardozlangan. Gumbaz osti sharafasida kufiy xatida Qur'onning 36 surasi o‘yib yozilgan.

Xonaqoh ichi ham yulduzsimon girih naqshlar bilan pardozlangan. Ravoqlaridagi tobadonlariga panjaralar oʻrnatilgan. Maqbara ichidagi oq marmar sagʻana temuriylar davridagi tosh oʻymakorligi san'atining yuksak namunasidir. Sagʻana 3 pogʻonali, asosi islimiy naqsh va yozuvli hoshiyalar bilan, oʻrta qismidagi 3 mehrobiy tokchaning markaziy (oʻrta) qismi muqarnas kosachalar bilan, 2 yoni shamchiroq tasviri bilan bezatilgan.Sagʻanadagi yozuvlarda Ter-miziy hayoti va faoliyati tavsiflangan. Kichik maqbarada ham ta'mirlash ishlari olib borilgan. Abdullaxon hukmronligi davri (16-a.)da hazira (hovli) hududida 9 gumbazli masjid (eski masjidni oʻz ichiga olgan) qurilgan. Oldida yengil ravoq ustunli ayvon joylashgan. XIX asrda 9 gumbazli masjid oʻrnida 4 gumbazli masjid bunyod etilgan. Jan.dan kiraverishda yana bir maqbara (goʻrxona va ziyoratxonadan iborat) qurilib, ravoqli boʻlmalar orqali Termiziy maqbarasi va xonaqoh bilan oʻzaro bogʻlangan. Termiziy me'moriy majmui 1955-57 yillarda ilmiy oʻrganilib XIV - XVasrlardagi koʻrinishi qayta tiklandi. 1980- 81 yil va2001-2002 yillarda maqbara va xonaqoh qayta pardozlandi.

**Foydanilgan adabiyotlar:**


1.Karimov I.A. “Oʻrta asrlar SHarq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizasiya rivojidagi roli” mavzusidagi xalqaro konferensiyada soʻzlangan nutqi. “Xalq soʻzi”, 2014 yil 15-16 may.

2. Muqaddas qadamjolar va ziyorat udumlari , Ahror Ahmadjanov – Toshkent - 2016.

3.MUQADDAS QADAMJOLAR, ZIYORATGOHLAR, MASJIDLAR VA QABRISTONLARNI OBODONLASHTIRISH ISHLARINI SAMARALI TASHKIL ETISH TOʻGʻRISIDA, Toshkent sh., 2018-yil 15-fevral, 120-soni.


## O'QUVCHI SHAXSINI RIVOJLANTIRISHDA O'QITUVCHI MAHORATI.


***Avalova Tursunoy Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri***



*Maqolada o`quvchi shaxs bo`lib rivojlanishidagi omillar va bu jarayonga o`qituvchi o`quvchi o`rtasidagi muloqat ahamiyati o`rganildi. Shunigdek, sharq munafikkirlarini o`quvchi va o`qituvchi hakida fikrlari tahlil qilindi.*



***Kalit so`zlar:*** *o`quvchu, muloqat, ta`lim, fikrlash qobilyati.*

*В статье исследуются факторы развития ученика как личности и значение общения учителя и ученика в этом процессе. Также были проанализированы мнения восточных мыслителей об учениках и учителях.*

***Ключевые слова:*** *студент, общение, образование, мыслительная способность.*

*The article explores the factors in the development of the student as a person and the importance of communication between the teacher and the student in this process. The opinions of Eastern thinkers about students and teachers were also analyzed.*

***Keywords:*** *student, communication, education, thinking ability.*

Bugungi kunda o`qituvchiga qo`yilayotgan muhim talablardan biri, zamonaviy pedagogik texnologiyalar bilan tanishish, amalda qo`llash va shular orqali o`quvchi-talabalarni mustaqil fikrlashga o`rgatishdan iborat. O`zbekiston Respublikasi "Ta'lim to`g`risida"gi Qonunning 5-moddasida "... tegishli ma'lumoti, kasb tayyorgarligi bor va yuksak fazilatlarga ega bo`lgan shaxslar pedagogik faoliyat bilan shug`ullanish huquqiga ega" ekanligi aytiladi[184].

Ta'kidlash joizki, zamonaviy kadrlar oldiga qo`yilayotgan eng muhim vazifalardan biri - yuksak malakali mutaxassislar sifatida o`zligini, o`z qobiliyatlari, individualligi, shaxsiy fazilat hamda xislatlarini bilgan holda mehnat faoliyati va boshqaruvda jamoaning mehnatini oqilona tashkil etish va ijtimoiy foydali mehnatning, shuningdek, faoliyatning barcha sohalarida iqtidorli kasb sohibi sifatida faoliyat ko`rsatishdir.

O`qituvchi muloqot metodi shaxsning o`z qobiliyati, iqtidori, layoqati, tafakkuri, diqqati, e'tiqodi, harakteri, temperamenti, muloqoti xususiyatlarini bilib, uni to`g`ri yo`naltira olsa, o`zi va o`zgalar ruhiyatiga befarq bo`lmaslikka, o`z layoqatini o`stirishning elementar vositalaridan boxabar bo`lishga yordam beradi.

Buning uchun har bir o`qituvchi nutq madaniyatini shakllantirish usullaridan xabardor bo`lishi kerak, albatta. Shundagina o`z-o`zini va o`zgalarni anglashi, turli vaziyatlar va guruhlarda muomala qilishi, erkin va mustaqil fikrlash qonuniyatlarini bilishi orqali pedagogik faoliyatda va boshqaruvda katta muvaffaqiyatlarga erishishi mumkin. Ta'lim muassasalarida o`qituvchi – o`quvchilarni mustaqil fikrlashga o`rgatilishi, o`qituvchi va o`quvchi – talabalar munosabatidagi majburiy itoatkorlik o`rnini ongli intizom egallishiga lozimligini uqtiradi.

Boshqarish vositasi bo`lgan muomila o`quvchilarning faoliyatiga hamrohlik qiladi. Nihoyat, boshqarish vositasi bo`lgan muomala faoliyatidan keyin boradi. Har bir kishining qanday dunyoqarashiga egaligi, bilimliligi uning muomalasida

---

[184] O`zbekiston Respublikasining "Ta'lim to`g`risida"gi Qonuni. O`zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1997 yil. 9-son, 225-modda

ma’lum bo`ladi. Shuning uchun ham o`tmishda yashab o`tgan mutafakkirlarimiz tilga, so`zga hurmat bilan yondashishdlarini uqtirib o`tganlar. Ulug` bobomiz A.Navoiy muomala madaniyati, xushmuomalalik, tilning ahamiyati to`g`risida, shirinso`zlik haqida purhikmat fikrlar bayon qilganki bugungi kunimiz uchun ham o`z ahamiyatini yo`qotmagan emas. «Til shirinligi ko`ngilga yoqimlidir, muloyimligi esa foydali. Shirin so`z sof ko`ngillar uchun asal kabi totlidir»,- deydi, Navoiy.

Ma'lumki, tarbiya - inson shaxsi, ma'naviy qiyofasini shakllantirishga qaratilgan tadbirlar tizimidir. Ta'lim esa axloqli, odobli shaxsga hunar o'rgatish, bilim berishdir. Inson shaxsini shakllantirish bilan bog'liq bo'lgan tarbiya va ta'lim bir-biri bilan uzviy bog'langan jarayondir bunda o`qtuvchi va o`quvchi misol keltirish mumkin ustoz ta`lim beradi shogird o`rganadi. Abdulla Avloniy ta'lim va tarbiyaning mushtarakligi haqida shunday yozadi: "dars (ya'ni ta'lim) ila tarbiya orasida biroz farq bo'lsa ham, ikkisi bir-biridan ayrilmaydigan, birining vujudi biriga boylangan jon ila tan kabidir. Chunki dars oluvchi - tarbiya oluvchi, amal qiluvchi demakdir".

Har qanday ta’lim jarayonida o`qtuvchi va o`quvchi o`rtasida birincha fan to`g`risada tushuncha, fikrlash qobilyati va boshqa elementar narsalar mavjud bo`lib bularni ya`ni muloqat, ilmiylik va ma`rifatga e`tibor berish orqali ta`limni bir necha o’n barobar osonlashtiradi va tezlashtiradi. Ikkinchidan, pedagogik faoliyatni to’g’ri amalga oshirishning garovidir. Uchinchidan, muayyan ob’ekt (narsa yoki xodisalar)ni o’quvchilar tomonidan tez va to’g’ri tushunilib, samarali o’zlashtirilishiga xizmat qiladi.

Xulosa qilib aytganda,. o'quvchi shaxsini rivojlantirishda o'qituvchi mahorati juda kata ahamiyat kasb etadi, zero inson umrini ilm ma`rifat izlab o`tqazadi bunda o`quvchilarga to`g`ri yo`naltiradigan ma`rifatparvar o`qituvchi kerak bo`ladi. Bu jarayonda o`quvchu va o`qituvchi so`zlashuv munosabatlari nihoyatda go`zal va muloyim bo`lishni taqozo etadi.

## BOSHLANG'ICH SINFLARNI MA'NAVIY-HUQUQIY TARBIYA BERISH VA MAHALLA HAMKORLIGINI RIVOJLANTIRISH USULLAR

***O'zbekova Nozigul - Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri***

*Ushbu maqolada boshlang'ich sinflarni ma'naviy-huquqiy tarbiya berish bosqichlari o`rganildi va bu jaroyandagi yangi metodlar ko`rib chikildi. Shuningdek mahallaning ta`lim tarbiyaviy va ma`naviy-huquqiy saholarga ta`siri va ahamiyati tahlil qilindi.*

***Kalit so`zlar:*** *mahalla, tarbiya, huquqiy, oila*

Uzoq yillarda davomida o’zbek xalqi yaratgan ta’lim-tarbiyaga oid boy merosga ega hisoblanadi. Bundan tashqari, avlodlarda insonparvarlik, kamtarlik, mehnatsevarlik, do’stlik, iymon-e’tiqod, mehr-oqibat, odoblilik kabi umuminsoniy fazilatlarni shakllantirishning o’ziga xos tajribasini to’plagan. Tarixdan ma’lumki, ma’naviy-axloqiy fazilatlar hech qachon o’z-o’zidan vujudga kelmaydi, balki ularning kelib chiqishining haqiqiy manbai, ularni keltirib chiqargan sabablar va harakatga keltiradigan kuchlar mavjuddir. Zero, har qanday axloqiy qoidalar muayyan tarixiy zaruriyat natijasiga vujudga keladi va muayyan qonuniyat asosida rivojlanib boradi. Shuni alohida ta’kidlab o’tish kerakki, Sharq mutafakkirlarining ta’lim-tarbiyaga oid qarashlari bu tajribaning shakllanishiga ulkan ta’sir ko’rsatgan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyevning farmoni asosida “Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to‘g‘risida” aholi o‘rtasida huquqiy madaniyatni shakllantirish bo‘yicha huquqiy-ma’rifiy tadbirlarni xalqimiz tarixi, dini, milliy qadriyatlarini o‘rgatish bilan uyg‘un holda tashkil qilish olib borilmoqda, shuningdek, har bir fuqaroda davlat ramzlari bilan faxrlanish tuyg‘ularini shakllantirish orqali mamlakatga daxldorlik, vatanparvarlik hissini kuchaytirish tatbiq qilish jaroyonlari olib borilmoqda.[185]

Ma`naviy-huquqiy tarbiya - shaxsga nisbatan ma`naviy qadriyatlarni va huquqiy ongni, huquqiy ko’rsatmalarni, qonunga itoatkor xulq-atvor ko’nikmalari va odatlarini shakllantiruvchi uyushgan, bir tizimli, aniq maqsadni ko’zlagan faoliyat yig’indisi hisoblanadi.

Tarbiyaviy ishning mustaqil yo’nalishi tarzida huquqiy tarbiya yo’nalishining ajratib qo’yilmasligi o’sib kelayotgan avlodning ayrim qismi huquqiy ongi ahvoliga salbiy ta’sir ko’rsatmay qolmadi.

Boshlang'ich sinf o`quvchilarni ma'naviy-axloqiy jihatdan tarbiyalash, ularda sog'lom turmush madaniyatini uzviylik tamoyillari asosida rivojlantirishning mexanizmlarini ishlab chiqish, barkamol avlodni tarbiyalashda ta'lim muassasalari va fuqarolik jamiyati institutlarining roli va ahamiyatini e'tiborga olgan holda oila, mahalla, ta'lim muassasalari va fuqarolik jamiyati institutlari hamkorligini yanada kuchaytirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Jamiyat barqarorligi ko'p jihatdan insonlarning ma'naviy etuklik darajasi va o'zaro hamjihat bo'lib yashashiga bog'liq. Shu jihatdan, oila–mahalla ta'lim-tarbiyani amalga oshiruvchi jamiyatning asosiy bo'g'ini hisoblanadi. Inson oilada tug'ilib, jismonan ulg'ayib borsa, mahalla uning milliy xususiyatlarini

---

[185] Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to‘g‘risida https://lex.uz/ru/docs/-4149765

shakllanishiga, ta'lim dargohi esa, ilmiy salohiyatni oshirishga va har biri umumiy holda insonni ma'naviy etuk shaxs maqomiga erishishiga xizmat qiladi.

Davlatimiz tomonidan oilalar mustahkamligiga va ma'naviy-huquqiy tarbiya olgan yoshlarni shaklantirishga e'tibor berilmoqda va buning uchun ta'sirchan chora-tadbirlar ko'rilmoqda. Binobarin oilaviy muhit qanchalik sog'lom, turmushi obod bo'lsa, mahalla shunchalik tinch va farovon, jamiyat esa ravnaq topadi. Farzandlar shu uch muhit ta'sirida ulg'ayib, o'zligini anglab boradi. Yoshlar tarbiyasida ota-ona, mahalla faoli va ta'lim muassasalari hamkorligi muhim ahamiyatga ega. Yoshlarimizni har tomonlama sog'lom va barkamol etib tarbiyalashda oilaning o'rni beqiyos. Buyuk allomalarimiz farzand tarbiyasida oilaning o'rni va ahamiyati haqida ko'plab asarlar yaratganlar. Abdurauf Fitrat "oila va oila boshqarish tartiblari" deb nomlangan asarining ikkinchi qismini aynan farzand tarbiyasiga bag'ishlagan. Unda oiladagi eng ilg'or vazifa farzand tarbiyasi ekani, xalqning harakat qilishi davlatmand bo'lishi, baxtli bo'lib izzat-hurmat topishi, Jahongir bo'lishi, zaif bo'lib xorlikka tushishi, faqirlik jomasini kiyib, baxtsizlik yukini tortib e'tibordan qolishi, o'zgalarga tobe, qul va asir bo'lishi bolalikdan o'z ota-onalaridan olgan tarbiyalariga bog'liqligi alohida ta'kidlanadi.[186]

Farzand oilada jismonan, fikran va axloqan tarbiyalanishi, kuchli badan, sog'lom fikr va yaxshi axloq bilan qurollantirilishi lozim. Biz ham ajdodlarimiz qadriyatlariga tayangan holda oila muqaddasligini, butunligini saqlashimiz, farzandlarimizni vatanparvar, insonparvar, yuksak e'tiqodli, odob-axloqli va albatta barkamol etib tarbiyalashga intilishimiz zarur.

Boshlang`ich sinf o`quvchilari tarbiyalashda oilaning bir qancha vazifalari mavjud bo'lib, ular quyidagilardan iborat:

• oilada sog'lom muhitni yaratish, milliy ruh va turmush tarzini hisobga olish, farzandlar uchun ota-ona har tomonlama o'rnak bo'lishi, farzandlarning ota-onasiga, Vatanga muhabbat tuyg'usini shakllantirish, o'zaro bir-birlariga mehribon, g'amxo'r bo'lishini ta'minlash;

• oilada huquqiy tarbiyani yaxshilash, oila a'zolarining o'z huquq va burchlarini anglab etishlarini va ularga rioya qilishlarini ta'minlash;

• farzandlariga chuqur dunyoviy bilim asoslarini berish, ma'rifatli, ma'naviyatli kishilar bo'lib etishishlarini ta'minlash;

• shaxslarning ma'naviy barkamol va jismonan sog'lom bo'lishlari uchun iqtisodiy va ijtimoiy muhitni yaratish;

• shaxslarni mustaqil fikrlashga o'rgatish, istiqlol g'oyalari va milliy mafkuraga sadoqat ruhida tarbiyalash;

---

[186] Abdurauf Fitrat. Oila yokki boshqarish tartiblari – T.: Cho'lpon, 2013. – bet 6. (Abdurauf Fitrat. Family or management procedures – T.: Cholpon, 2013. B. 6

• farzandlarida mavjud bo'lgan iste'dod kurtaklarini rivojlantirish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish;

• o'z farzandlarining o'quv muassasasi, mahalla, davlat va jamiyat oldidagi burchlarini to'la ado etishlari uchun oilada mas'uliyatli bo'lish.

Yuqorida aytilgan fikrlardan kelib chiqib, jismonan sog'lom, ma'naviy barkamol avlodni voyaga etkazishda oiladagi tarbiyaning o'rni beqiyos. Chunki xalqimizda "qush uyasida ko'rganini qiladi", degan naql bor. "Hozirda sog'lom avlodni tarbiyalash, voyaga etkazishimiz kerak. Sog'lom kishi deganda faqat jismonan sog'lomlikni emas, balki sharqona axloq-odob va umumbashariy g'oyalar ruhida kamol topgan insonni tushunimiz mumkin.

Yoshlarning ta'lim-tarbiyasi haqida gap ketganda, mahallaning roli va ta'siri katta. Bejiz "Mahalla – ham ota, ham ona" deyilmagan. O'zaro mehr-oqibat, ahillik va totuvlik kabi xalqimizga xos urf-odat va an'analar aynan mahalla muhitida rivojlangan. Bular esa yoshlarning ongu tafakkurini shakllantirishda ma'naviy-huquqiy tarbiya berishda muhim ahamiyatga ega. Yoshlarning ta'lim-tarbiyasida mahallaning o'rnini hech narsa bilan tenglashtirib bo'lmaydi. "Ma'lumki, azaldan o'zbek mahallalari chinakam milliy qadriyatlar maskani bo'lib keladi. Xalqimizga xos o'zini-o'zi boshqarish tizimining bu noyob usuli qadim-qadimdan odamlarning nafaqat tilida, balki dilida, butun hayotida chuqur joy egallagani bejiz emas. Ayni paytda mahalla yurtimizda amalga oshirilayotgan "kuchli davlatdan – kuchli jamiyat sari" degan tamoyilning amaliy ifodasi bo'lib, ma'naviy hayotimizni yanada mustahkamlash, yosh avlodimizning ongu tafakkurini zamonaviy asosda shakllantirish borasida muhim ahamiyat kasb etmoqda".

Xulosa o`rnida aytish mumkinki, har qaysi ota-ona, mahalla, murabbiy har bir bola timsolida avvalo shaxsni ko'rishi zarur. Farzand tarbiyasiga ana shu oddiy talabdan kelib chiqib yondashsak maqsadga muvofiq bo'lar edi. Maqsadimiz, insonni ma'naviy-huquqiy asoslarini tarbiyalash ekan, mahalla ta'lim muassasasi hamkorligini yanada rivojlantirish ushbu institutlar, jamoatchilik vakillari, fuqarolik jamiyatining boshqa institutlari faolligini mustahkamlash muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

## INKLYUZIV TA'LIMNING O'ZBEKISTONDA RIVOJLANISH TARIXI VA TAXLIL NATIJALARI.

***Qodirova Oysoat - Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri***

*Ushbu maqolada imkoniyati cheklangan bolalarni ta`lim-tarbiya berish masalasi bugungi kunda dolzarb masalalardan biriga aylanib bormoqda. Hozirgi kunda Respublikamizda alohida yordamga muhtoj bolalarning rivojlanish*

*darajasi, imkoniyatlari, xususiyatlari va qobiliyatlariga ko'ra maxsus yoki umumiy ta'lim tizimida ta'limni amalga oshirish maqsadida inklyuziv ta'lim tizimi amalga oshirilmoqda va buni ta`lim tizimidagi ahamiyati o`rganiladi.*

***Kalit so`zlar:*** *inklyuziv, ta`lim-tarbiya, mustaqillik, nogiranlarni qo`llab-quvvatlash.*

O`zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida, 1990 yildan buyon maxsus ehtiyojli bolalrni umumta'lim muassasalari tizimida o'qitish borasida bir qancha jahon miqiyosida deklorasiyalar va qarorlarni qabul qildi. Ularni jahonning ko'plab davlatlari e'tirof etdilar. Ammo bugungi kunga qadar ularni hayotga joriy qilish borasida ko'plab muammolar mavjud. Ba'zi davlatlarda esa umumiy ta'lim borasida qonun yoki qarorlar qabul qilinganda nogiron bolalarning ta'lim masalasi unga kiritilmaydi.

Mustaqillikni dastlabki yillaridan to hozirgi vaqt davomida maxsus ehtiyojli bolalrni umumta'lim muassasalari tizimida o'qitish borasida sezilarli ishlar amalga oshirildi. Ammo inklyuziv ta'limi tizimini joriy qilish asosan shaharlar miqiyosida bo'lib qishloqlardagi hududlarda hali-hamon maxsus ehtiyojli bolalar ta'limdan chetda qolib ketmoqda yoki qishloqlardagi ota-onalar nogiron farzandini shaharlardagi maxsus muassasalarga qatnashlarini ta'minlash uchun qiyinchiliklarga duch kelmoqdalar. Shuning uchun ham maxsus ehtiyojli bolalarni inklyuziv ta'limga jalb etish barcha hududlarda barcha maxsus ehtiyojli bolalarni qamrab olgan bo'lishi ta'minlanishi lozim.

Inklyuziv ta'limning tarixiga nazar soladigan bo`lsak bu ta`lim ilk bor AQShda qo`llanilgan bo`lib otgan arning 70 yillarida ommalashib davlat qonunlarida bu ta`lim-tarbiyani qo`llab quvvatlovchi qarorlar qabul qilana boshlandi. Ma`lumki AQShda, 1960 yillarning oxirlarida deyarli 200,000 nogiron odamlar oziq-ovqat, uy-joy va kiyim-kechak kabi asosiy ehtiyojlarni ta'minlaydigan davlat muassasalarida yashadilar va kun sayin imkoniyati cheklanganlarni himoya qilish siyosati kuchaya boshladi. 1997 yilda barcha nogiron bolalar uchun ta'lim to'g'risidagi qonun qayta ko'rib chiqildi. Nogironlar ta'limi to'g'risidagi qonun, va imkon qadar cheklangan sharoitda barcha maktablarning rivojlanishi va barcha bolalar uchun bepul va tegishli davlat ta'limi berilishini majburiy qildi. 2000 yillarning boshlariga kelib, nogiron o'quvchilarning deyarli yarmi umumiy sinfga jalb qilingan. 2013 yildan boshlab, inklyuziya hali ham ta'lim bo'yicha davlat kengashlari milliy assotsiatsiyasi (NASBE) va Qo'shma Shtatlarning aksariyat sinflarida keng qo'llaniladi.[187]

[187] Крыжановская Л.М. Психологическая коррекция в условиях инклюзивного образования. Пособие для психологов и педагогов. – М.: «Владос», 2013. 83-б

Hozirgi davrda aholining imkoniyati cheklangan qatlamini qo`llav quvvatlovchi amaliy ishlar olib borilyotgan bo`lib bunga asos qilib O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev "Nogironlarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi farmoyishni imzolagani ko`rishishimiz mumkin.[188]

Bu farmoishda asosan nogironlarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash, tibbiy-ijtimoiy yordam berish tizimini yanada takomillashtirish, nogironlarning hayot sifatini yaxshilash, ta’lim olish va ishga joylashishda ularga har tomonlama ko‘maklashish maqsadida farmoyishga muvofiq Nogironlarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash tizimini tubdan takomillashtirishga qaratilgan takliflarni tayyorlash bo‘yicha komissiya tashkil etildi.

Ta`qidlash joizki inklyuziv ta'limning prinsiplarini o`ziga hos tizimga ega Masalan: 1. Insonning qadr qimmati, uning qobiliyati va yutug‘iga bog‘liq emas. 2. Har bir inson o‘ylash va xis qilish qobiliyatiga ega. 3. Har bir kishi eshitish va muloqot qilish qobiliyatiga ega. 4. Har bir kishi bir\biriga muxtoj. 5. Shaxsning to‘liq va haqiqiy ta'lim olishi faqat real hamkorlikda amalga oshadi. 6. Hamma kishilar o‘z tengdoshlarini qo‘llab quvvatlashga muxtoj. 7. Hamma ta'lim oluvchilarni yutuqga erishishiga ularning nimadir qila olmasligi emas, balki nimanidir qila olishidir. 8. Hamkorlik qilish kishi haètini har tomonlama kuchaytiradi. Inklyuziv ta'lim tizimi quyidagi ta'lim muassasalarni o‘z ichiga oladi; maktabgacha umuta'lim, umumiy o‘rta ta'lim, o‘rta maxsus kasb-xunar va oliy ta'lim. Bu ta'lim muassasalarning maqsadi bolalarning ta'lim olishi va kasb-xunarga tayyorlashda ularning o‘rtasidagi to‘siqlikni bartaraf etib ochiq ta'lim muxitini yaratishdan iboratdir. Umumta'lim maktablarda alohida dastur va darsliklardan foydalanish imkoniyati bo‘lmaydi. Inklyuziv ta'lim tizimi integratsiyalashgan ta'lim tizimidan uzinig mazmun – moxiyati, maqsadi, vazifalari va xarakat dasturi bilan farqlanadi. Bolaning tarbiya va o‘quv faoliyatida orqada qolishi psixik funksiyalarni o‘zlashtirmaganligi natijasidir. Masalan, bolaning kiyim kiyishida ketma-ketlikning buzilishi uning xotirasi zaifligidan emas, balki ushbu jarayonni amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan malakalarni egallamaganligi tufayli ro‘y beradi.

Xulosa sifatida ta`qidlash joizki, inklyuziv ta’lim tizimini qo’llab quvvatlashda bolada o’ziga ishonch va o’zini qadrlash hissini rivojlantirishda kattalarning qiyofasi juda muhim sanaladi. Lekin juda ko’p maxsus ehtiyojli bolalar o’sib, ulhayayotgan bir paytda o’zlariga o’xshagan maxsus ehtiyojli katta odamlarning uchratmaydilar va katta bo’lish qandayligini tasavvur ham qila olmaydilar. Shuning uchun ham maxsus ehtiyojli kattalar maxsus ehtiyojli

[188] Nogironlarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida https://lex.uz/docs/-3290912

bolalarning at'limida doimiy ishtirok etishlari kerak bo`ladi. Hozirda bu ta`limning tizimining rivojlanishi va imtoyozlari juda ko`p bo`lib imkoniyati cheklanganlarni kundan kun sayin qo`llab quvvatlash ishlari olib borilmoqda.

## SHARQ MUTAFAKKIRLARI QARASHLARINING YOSHLAR TARBIYASIDAGI AHAMIYATI


***Sapayev Valisher –***

***Urganch davlat universiteti o'qituvchisi***



Annotatsiya: Ushbu tezisda Sharq mutafakkirlari axloqiy qarashlarining yoshlar ongi va tafakkuridagi o'rni masalasi ilmiy-falsafiy jihatdan tahlil qilingan.



**Kalit so‘zlar:** yoshlar, axloq, axloqiy qarashlar, inson ongi, inson tafakkuri.

Yoshlarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalash, ularda Vatanga muhabbat tuyg‘usini shakllantirish, milliy ongi va tafakkurini rivojlantirish hamisha har qanday demokratik jamiyatning eng asosiy maqsadi va matlabi bo‘lib kelgan. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev "Ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash - davr talabi" mavzuidagi anjumanda so'zlagan nutqida yosh avlod tarbiyasiga alohida to'xtalib: "Bizni hamisha o'ylantirib keladigan yana bir muhim masala - bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so‘z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog'liq.

Tarbiyadan murod - barkamol, komil insonni voyaga yetkazishdir. Komillikning belgisi haq yo'lidan borib, xalqqa foyda keltirishdan iborat. Kishi o‘z so'zi, amaliy ishlari, niyati bilan qanchalik odamlarga foyda keltirsa, u shunchalik komil bo'ladi. Komil, barkamol insonni tarbiyalash, voyaga yetkazish haqida musulmon Sharqi axloqi tarixida inson hayoti uchun dasturulamal qo'llanma vazifasini o'tagan ko‘p pandnomalar, xalq kitoblari mavjud bo'lgan. Jumladan, Kaykovusning “Qobusnoma”, Sa'diyning “Guliston”, “Bo'ston”, Amir Temurning “Temur tuzuklari”, Abdurahmon Jomiyning “Bahoriston”, Alisher Navoiyning “Mahbub-ul qulub”, Husayn Voiz Koshifiyning “Axloqi Muhsiniy” kabi asarlari shular jumlasidandir.

Ma'naviyatimiz negizini xalq va millatni o'zligiga qaytaradigan, kerak bo'lsa, uni tarbiyalaydigan, shon-sharafi, or-nomusi, ishonch-e'tiqodini ifodalaydigan, jamiyatimizning o'ziga xos taraqqiyot yo'li, turmush tarzi, tub manfaatlariga tayangan holda, muttasil rivojlanib, takomillashib boradigan g'oyalar tashkil etadi.

Ma'naviyat - inson ruhiy, hissiy, aqliy-intellektual olami, dunyoqarashini ifodalovchi tushuncha. U kishilarning falsafiy, huquqiy, ilmiy, badiiy, axloqiy,

diniy tasavvurlarini o‘z ichiga oladi. Ma’naviyat atamasining asosida "ma’no" so'zi yotadi. Inson ichki dunyosidagi botiniy hissiyotlar, uning ma’naviy-axloqiy qiyofasini belgilab beruvchi yuksak yoki aksincha tuban tuyg‘u va qarashlar orqali uning tashqi xatti-harakatlariga asos bo‘ladi. Inson tashqi olami esa uning bo‘y-basti, ko‘rinishi, kiyinishi, xatti-harakatlarida o‘z aksini topadi. Inson ichki (botiniy) olami uning yashashdan maqsadi, fikr yuritishi, orzu-istaklari, intilishlari, his-tuyg‘ularini qamrab olib, uning odob-axloqi, estetik va badiiy tiynatida aks etuvchi ichki quvvat manbai hisoblanadi. Taom va yegulik odamga jismoniy quvvat bersa, ma’naviyat unga ruhiy ozuqa va qudrat bag‘ishlaydi.

Ma’naviyat ma’rifat va madaniyat bilan bog‘liq. Ma’naviyat tap-tayyor holda vujudga kelmaydi. Unga muttasil o‘qish, o‘rganish, tajriba orttirish orqaligina erishiladi. Ma’naviyat qanchalik boyib borsa, jamiyat va millat shunchalik ravnaq topadi. Ma’naviyati boy inson yashashdan maqsadi nima ekanini aniq biladi, umrini mazmunli o‘tkazishga harakat qiladi, muomala-muloqot madaniyatini egallaydi, har bir masalaga insof va adolat nuqtai nazaridan yondoshadi. Vijdon va oriyat nima, to‘g‘rilik va munofiqlik nima, or-nomus nima, halol va harom nima — bularning barchasini bir-biridan ajrata oladi, hayotda yomonlikka boshlovchi xatti-harakatlardan voz kechadi, yaxshilikka boshlovchi amallarni bajaradi. Qisqasi, inson hayotining mazmuni uning ma’naviyatida aks etadi. Vatanni sevish hamda vatanparvarlik inson ma’naviyatini belgilovchi asosiy omil hisoblanadi.

Yuksak ma’naviyatli jamiyatda qobiliyat, iste’dod egalari shu jamiyatning, millatning yuzi, g‘ururi, obro‘-e’tibori hisoblanadi. Aql, sog‘lom fikr, jamiyat qonunlari, adolat va go‘zal odob-axloq ustuvor bo‘ladi. Bunday jamiyatda xalqning ertangi kunga ishonchi kuchli bo‘lib, inson nomiga nomunosib turli illatlarga yo‘l qo‘yilmaydi. Millatning asrlar davomida shakllangan ildizlari, uning tarixiy tajribalari va ijtimoiy-madaniy rivojlanishisiz ma’naviyatni tasavvur qilish qiyin.

Bunday ma’lumotlar ma’naviy tarbiya sohasida juda chigal, lekin hal etilishi zarur bo‘lgan muammolarning ko‘lamini his etish imkonini beradi. “Tarbiya” darslarida shu kabi muammolarni dalillar asosida muhokama qilish o‘quvchining fikrini boyitadi, dunyoqarashini kengaytiradi, ma’naviyat va mafkura masalalariga ogohlik bilan yondashishga o‘rgatadi.

Albatta, muammo qanchalik chigal bo‘lmasin, uning yechimi ham mavjud. Biz ma’naviyat tarbiyasining tarixiy shakllangan institutiga egamiz. Faqat uning imkoniyatlaridan yetarlicha foydalanishimiz, uning imkoniyatlarini to'liq o‘rganishimiz lozim.

Umuman, ulug‘ yurtdoshimiz Imom Buxoriyning “Al-adab al-mufrad” asarini umuminsoniy axloqiy qadriyatlar durdonasi desak, hech mubolig'a qilmagan bo'lamiz. Uzoq o'tmishdan hozirga qadar dunyo musulmonlarida axloqi karima va odobi hamida kabi olijanob xislatlarni takomillashtirish, ularni pokizalikka, imonli, e’tiqodli, sof vijdonli va insofli bo'lishga da’vat etishda bu asar bebahodir. Bu kitob yoshlarni yaxshi amallarga o'rgatish va aksincha noo'rin yo'llardan qaytarishda, shubhasiz, o‘z ijobiy ta’sirini ko'rsatadi, albatta.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1.Шавкат Мирзиёев. Миллий тараккиёт йулимизни катъият билан давом эттириб, янги боскичга кутарамиз. 1-том. - Тошкент: Узбекистан НМИУ, 2018. - 501 б.

2.Ал - адаб ал - Муфрад. 1-кисм. Муаллиф: Шайх Мууаммад Содик Мууаммад Юсуф; Тури: Электрон китоб; Нашр санаси: 2008. - 98 б.

# СЎФИ ОЛЛОЁР МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚ ҚИЛИШДА “ШАРҲИ СУФИЯ” МУҲИМ МАНБА СИФАТИДА

**Жонмурод Саматов**
**ДТПИ ўқитувчиси**
jonmurodsamatovsuper_@mail.ru

Юртимиз азалдан шарқ тамаддунига бешик ва илм маърифатга гўша бўлиб келган. Улуғвор тарихимизни варақлар эканмиз Сурхон воҳаси азалдан уламолар, сайййидлар, азиз-авлиё, буюк мутафаккирлар макони бўлган. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндаси, нақшбандийлик тариқати давомчиси, форсийда ҳам, туркийда ҳам маҳорат билан ижод қилган зуллисонайн шоир, илоҳиёт олими ва буюк фақиҳи, дин арбоби Сўфи Оллоёр исломий аҳком ва тасаввуфий ғояларни халқ онги ва шуурига сингдириб, ҳидоят ва нажот йўлини кўрсатган. Сўфи Оллоёр битган манзумаларда Қуръон оятлари, ҳадислар, ислом олами дарғаларининг ҳикматлари ва ибратли панд-насиҳатлари акс этган. Бу эса шоирнинг ўз даврининг мутафаккири, диний ва дунёвий илмлар билимдони, шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат денгизи “ғаввоси” бўлганидан далолатдир.

“Сабот ул-ожизин” ўқимишли ва осон ёдлашли бўлгани учун толиби илмлар томонидан завқу шавқ билан ўқилган. Шунга қарамай, айрим

байтлардаги изоҳталаб жумла ва мисраларнинг мазмунини теран англаш эҳтиёжи туғилган. Сўфи Оллоёр адабий меросини ўрганилиши шоир яшаган даврдан бошланганки, ўша пайтдаёқ унинг китоблариига луғат тузилган. Луғатда ақидавий ва тасаввуфий-ирфоний истилоҳлар мазмуни изоҳланган ҳамда ҳар бир сўз форсий маънодоши билан бирга ёзилган.

“Сабот ул-ожизин”нинг шарҳларидан бири Убайдуллоҳ ибн Исломқули томонидан ёзилган “Шарҳи суфия” китобидир. Илм аҳлининг диққат марказида бўлган “Шарҳи Суфия” “Рисолаи Азиза” каби севиб мутолаа қилинган. “Шарҳи суфия” муқаддимасида “Сабот ул-ожизин”ни шарҳ қилишдан кўзланган мақсад қуйидагича баён қилинган: “Фақири ҳақир ва заифи нотавон, аҳқари жамеъи толибон, яъни Убайдулло ибн Исломқули айтуркиим, бу балдаи нодония ҳазрати эшони Сўфи Оллоёр раҳматуллоҳи алайҳининг китоблари, яъни “Сабот ул-ожизин” машҳур ва маъруф бўлубдур. Валекин бачканаларнинг ва баъзи нодонларнинг қўлина тушиб, кўп жойлари... ғалат бўлуб ва баъзи нодонлар ҳам ул ғалат иборатларни ёд олиб ва ғалат маъниларни берурлар ва ул меҳнатларидин ҳеч фойда топмаслар, балки Ҳазрати Сўфининг руҳлари нохушнуд бўлур. Анинг учун бир оз каминада ҳиммат бор эди, азизларнинг руҳониятларининг мададларини Худои таборак ва таолодин тилаб, шул китобларидин ғалат иборатларни бартараф қилиб ва маънисини ҳам алоқадр... баён қилиб, шарҳ боғланса, аҳбоб ва асқадо ва ихвонлар қошида марғуб ва маҳбуб бўлғайму, деб ихтиёр қилдим. Бу шарҳнинг оти “Шарҳи суфия” бўлди, чунки китобларини ҳам алҳол от тутарда нисбат ба суи Ҳазрат “Сўфи Оллоёр” дерлар” .

Шарҳнинг кириш қисмида инсон ва унинг фазилатлари, ўша даврда мавжуд бўлган сулукларнинг моҳияти ҳақида ёзилган бўлиб, шориҳ ҳар бир сулук ҳақида мулоҳазаларини баён қилган. Жумладан, ҳуфия сулуки ҳақида тўхталиб “сулукларнинг улуғи ва афзали” деб баҳо берган.

Шарҳлар ўқувчига тушунарли бўлиши учун Убайдуллоҳ ибн Исломқули “Сабот ул-ожизин”ни байтма-байт тушунтирган:

*Агар чандики бўлсанг қутби аброр,*
*Дегил: “не донишим, не дон ишим бор!*

Шарҳ: Агар чандеки саййид ва солори қавм, адоҳфаҳм ва донишмандларидан бўлсанг ҳам ўз эътиқодингга муқаррар этиб дегилки, холо ҳеч дониш ва ҳеч кирдори шоиста манга ҳосил эмас. Қутб-ла замма “қоф” саййид ва солори қавмки ҳар ишнинг мадори ангадур. Аброр – жамъи бирр, “бо”ни касраси ва ташдиди “ро” бирла бахшиш ва неки ба фатҳа “бо”

некукор маънисида, арабий ва маънои олами хубга мустаъмал. Ва иккинчи “не донишим” таъкиди аввалдур ва ёйи аз барои нафидур ва донишим махфуфи “дон ишим” дур мажмуъи “не дон ишим” бўлур. “Дон”дин мурод “дона” ва “ишим”дан мурод “кирдори шоиста”дур ва аз ру фаҳм “зарра ча кирдори шоистам” йўқ деган бўлур. Бу суратда аброр маънии аввалда (бахшиш, неклик)дур ва сурати аввалда (аброр) маънии охирда “некукор – яхшилик қилувчи киши”.

Шориҳ байтларни ҳам сўз тузилиши, ҳам луғавий маъноси, ҳам тасаввуфий истилоҳини шарҳлаган. Айрим байтларни шарҳлашда Сўфи Оллоёр ҳаётига оид маълумотлардан унумли фойдаланган. Жумладан, Убайдуллоҳ ибн Исломқули “Ҳазрати Сўфи фарзанди аржумандларига қилғон насиҳатлари” фаслидаги биринчи байтни шарҳлашда ўзи билган маълумотларни илова қилган:

*Таваллом улдур, эй фарзона фарзанд,*
*Нигоҳдоринг сани бўлсун Худованд.*

Шарҳ: “Дуо ва васиятларим улдур, эй муборак болам, сани дунёда сақлагувчи Худойинг бўлсун. Таваллом – бифатҳа ал-во ва ташдид эл-лом би маънии ад-дуо вал-васият. Қовла “фарзона” ба маънии муборак ва соҳиб ул-илм вал-ақл ва соҳиб ул-эътибор вал-мартаба маъносидадур эмишлар. Оллоёрнинг ўғли Муҳаммад Содиқ деган эоди. Бухорода туғмиш эрди. Йигирма етти ёш тўлғонда асл юрти Самарқандга кетди. Оллоёр Бухорода қолди. Ўн йилдан сўнг Байтуллоҳга зиёфат айлар учун азм айлаб бизнинг Булғор юртига душ келуб, бир оз Қозон қалъасинда таваққуф айламишдур. Ул замонда Булғорнинг бир комил сўфиси бор эрди, исмини Идрис Ҳофиз дерлар эрди, анинг ила силсилалари бор эрмиш. Оқибат Оллоёр Сўфи Булғор юртиндин арзи Румга бормиш. Анда кўб-кўб кароматлари қилинмишдин сўнг Искандария шаҳриға келди. Анда дорулфанодин доулбақоға кўчди. Ражаб ойининг йигирма тўққизинчи куни эрди. Оллоёрнинг ул замонда ёши тўқсон йил эрди:

*Чароғи кулбаи асрори тавҳид,*

*Зи соқи машрабе Сўфи Оллоёр.*

*Агар чўяд таърихи вафоташ,*

*Зи “чим”у “лом”у “қоф”у “ғайн” бардор.*

Маъноси: Тавҳид сирлари кулбаси – уйининг чироғи, соқий машраблардан бўлган Сўфи Оллоёр. Агар унинг вафоти таърихини изласанг, “жим, лом, қоф, ғайн”дан чиқаргил, яъни 1133/1721 йил.

“Шарҳи суфия”да келтирилган маълумотлар Сўфи Оллоёр ҳақидаги манбалар билан солиштириш орқали тасдиқланиши ёки инкор қилиниши мумкин. Сўфи Оллоёр ҳам ўзининг Миёнкол мавзесининг хитой-қипчоқ қабиласининг Ўтарчи уруғидан эканини қайд этган:

*Гарчи Оллоёр Ўтарчидир ёмон,*

*Қўймағил душман қўлига мубтало .*

“Сабот ул-ожизин”нинг Исроил Тошкандий кўчирган нусхаси охирида Сўфи Оллоёрнинг вафот этган санаси тарихи ёзиб қолдирилган:

*Абу Ҳанифаи вақт аз Сўфи Оллоёр,*

*Худо дода ба ў қолу ҳолро бисёр.*

*Ҳар онгаҳ омада тарихи фавти ў пурсанд,*

*Бигў, ту қофу жиму ғойну ламро бишумор.*

Таржимаси: “Сўфи Оллоёр замонасининг Абу Ҳанифасидир. Худо унга қол (диний илмлар) ва ҳол (сўфийлик илми)дан кўп баҳраманд этгандир. Унинг вафоти санасини сўрасалар: “Сен қоф, жим, ғойн ва ломни сана” .

Абдулазиз Амир Кулолийнинг “Тазкираи машойихи мутааххирини Бухоро” асарида Сўфи Оллоёр шайх Наврўзнинг муриди экани, шайх Наврўз шайх Ҳабибуллоҳнинг халифаларидан бири экани таъкидланган .

Сўфи Оллоёр шариат, тариқат ва илоҳий маърифат байроғини юксак кўтарган, диний илмларни шеъриятда юксак мақомга олиб чиққан мутасаввиф шоир бўлганки, “ислом одобини, ислом ахлоқини айнимағон, бузилмағон ҳолда, Пайғамбаримизни кўрсатғон, юрғон, саҳобаларни тай қилган йўлларини, аслиндин айнан нақл қилиб, миллатни димоғиға, умматни қалбиға талқин қилғон, шуни билан дини мубин исломға хизматлари кўп етган улуғ зотга туркистонликларнинг ҳар бир воҳиди раҳмат дейишга қарздордир, Сўфи Оллоёрни қиёматга қадар ифтихор этса арзийди” .

Юқоридаги фикрлардан қуйидагича хулоса ясаш ўринли:

Биринчидан, исломий ақидаларнинг мазмун-моҳиятини теран англаган Сўфи Оллоҳёр азалий анъаналарга таянган ҳолда ҳаётий ҳикмат ва панд-насиҳатларни Қуръон оятлари билан мустаҳкамлаб, ҳозирга қадар ўлмас маънавий мерос қолдирганки, Сўфи Оллоёр ижодига қизиқиш ҳозирга қадар аҳамиятини йўқотмаган.

Иккинчидан, Сўфи Оллоҳёр зиммасидаги масъулиятли вазифа – банданинг банда олдидаги ва банданинг Яратувчи олдидаги ҳаққини адо

этиш деб билиб, жамиятни қайта тарбиялаш, халқ мафкурасини ёт унсур, тинчлик-осойишталикка раҳна соладиган бидъатлардан тозалаш, бузилганни тузатиш ва ислоҳ этиш учун умрини бағишлаган. Алломанинг асарлари келажаги буюк юртнинг навқирон ёшларини маънавий баркамол этиб тарбияланишларидаги ўрни беқиёсдир.

Учинчидан, "Шарҳи Суфия"ни ўрганиш ва тўлалигича нашр этиш орқали бугунги кундаги маънавий-ахлоқий, диний-мафкуравий муаммоларни ҳал этиш, ақидавий ихтилофларни бартараф қилиш муқаррар.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар**


1. Ҳасанов Б. Қўлёзма луғатлар тавсифи. Адабий мерос. 1980 йил 3-сон. 80-бет.
2. Валихўжаев Б. Миёнкол адабий муҳитида Сўфи Оллоёрнинг мавқеи // Мулоқот журнали, 1996 йил. 3-сон. 41, 42, 43-бет.


## УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ВОРИСЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ БОЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ


**Машарипова Гуларам Камиловна – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профссори, фалсафа фанлари доктори**



*Мақолада Учинчи Ренессанс ворисларини тарбиялашда Абу Райҳон Беруний бой илмий меросининг ўрниилмий жиҳатдан асослаб берилган. Беруний инсон ҳаётининг маъноси ҳақида фикр юритиб, ҳаётдан мақсад – бахтга эришиш бўлиб, у билиш ва илм олишдадир. Олимнинг дунёқараши, унинг борлиққа жамиятга инсонга бўлган фалсафий-ахлоқий қарашлари ўрта аср инсонпарварлигининг ёрқин мисолидир.*



*Калит сўзлар: Учинчи Ренессанс, тарбия, ёшлар, маънавий мерос, аниқ фанлар, табиий фанлар, фалсафа, диний қарашлар.*


Ўз даврининг етук мутафаккир олими, буюк даҳоларидан бири Абу Райҳон Берунийдир. Ўз замонасининг ҳамма фанларини, биринчи навбатда, илоҳиёт, физика, маъданшунослик, фармогностика, минералогия, риёзиёт, фалакиёт фанларини пухта эгаллаган[1]. Бу фанлар тараққиётига қўшган ҳиссаси билан унинг номи дунё фанининг юқори поғонасида муҳим ўрин олди. "Беруний илмий масалаларда ҳам, тарихий воқеа-ҳодисаларга, ўз

[1] Машарипова Г.К. Абу Али ибн Сино илмий-фалсафий ва маънавий меросининг жамият ҳаётидаги ўрни. Монография. – Т.. Navro'z нашриёти, 2020. – Б. 76.

замондошларига баҳо беришда ҳам ўта холислик ва ҳаққонийлик билан фикр юритган"[2].

Хоразм Маъмун академиясининг мударриси Абу Райҳон Беруний маънавий мероси, асарларининг қиммати, билдирган фикр-мулоҳазаларининг илмий аҳамияти шундаки, у Буюк Ипак йўлида жойлашган Ватанимиз ҳудуди ва халқимиз характерида миллий ва диний бағрикенглик юксак даражада ривож топганлиги хусусида тарихий маълумотлар келтиради[3]. Беруний таъкидлашича, одамлар бир-бирларига ёрдам бериши, турмушга зарур бўлган нарсаларни яратиш, ҳар қандай офатлардан сақланиш, ҳамкор, ҳамдард, ҳамдаст бўлиш ва хавф-хатарсиз яшаш учун жамиятга уюшганлар. Инсон жамоаларининг вужудга келишининг асосий сабаби ҳам ана шу ўзаро ёрдам, ҳамдардлик, ҳамнафасликдир. Шу билан бир қаторда, Беруний инсонпарвар мутафаккир сифатида бу ҳолат ва тартиб кейинчалик турли талончилик ва душманликлар натижасида бузилганлигини кўрсатади. Масалан, Беруний «Минералогия»да таъкидлаганидек: «Инсон эҳтиёжлари шу даражада хилма-хилки, унинг бир ўзи уларни қондира олмайди. Уларни қондириш учун битта ёрдамчи ҳам кифоя қилмайди. Эҳтиёжлар хилма-хил ва жуда кўп. Фақат бир қанча одамлардан ташкил топган жамоа билангина уларни қондириш мумкин. Бунинг учун эса одамлар шаҳарлар бунёд қилишга муҳтождирлар»[4]. У фикрларини «Геодезия» асарида давом эттиради: «Ва ... (инсон) эҳтиёжларининг кўплиги ва ундан ўзни тийиш (имконияти)нинг камлиги ўзини ҳимоя қилиш воситаларининг камлиги, душманларнинг кўплиги туфайли ўз ҳамжинслари билан жамиятда уюшишга эга бўлганки, бу жамиятда унинг ҳар бир (аъзоси) бир-бирларига ўзаро ёрдам муносабатида бўладилар, унинг ва бошқаларнинг ҳам эҳтиёжларини қондирадиган иш билан машғул бўладилар»[5]. Ушбу мақолада Абу Райҳон Берунийнинг диний соҳадаги қарашлари илмий жиҳатдан таҳлил этилди. Бу ҳақда тадқиқотчилар А.Б.Холидов ва Б.Т.Эрманлар қуйидаги фикрни айтадилар: «Динга Беруний ўша давр қарашларидан келиб чиқиб, кенг маъно беради ва уни маънавий ҳаётнинг бутун мажмуи, ҳатто, инсон амалий ҳаётининг кўп соҳалари деб тушунади»[6]. Абу Райҳон Беруний фикрича, инсоннинг феъл-атвори ва маънавий қарашлари, сурати ва сийрати бевосита табиий муҳит таъсирида

[2] Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008, 42 б.

[3] Абу Райҳон Беруний. Тафҳим. -Т., 2005, - Б.58.
[4] Абу Райҳан Беруний. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) - Москва: 1963.- С. 11.
[5] Абу Райхан Беруний. Определение границ мест для уточнения расстояния между населенными пунктами. Геодезия Т. III. - Ташкент: Фан, 1966. - С. 83.
[6] Холидов А.Б, Эрман Б.Т. Предисловие к «Индии» Беруни // Индия. Т. II. -Москва, 1963. - Стр.47.

шаклланади. Зеро, айнан шу табиий муҳит, географик шароит халқлар, миллатлар шаклланишининг муҳим асоси бўла олади. “Инсон ўз табиатига кўра мураккаб танага эгадир. Инсоннинг танаси бир-бирига қарама-қарши қисмлардан иборат бўлиб, бу қисмлар тобелик кучи асосида бирлашган”[7]. Беруний фикрича, ҳамма одамларда ўзаро бир-бирига ўхшаш,айни пайтда, фарқ қилиб турадиган жиҳатлар мавжуд. Узоқ замонлар ўтиши билан иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва такрорланиш натижасида таркиб топиб, тартибга тушган”[8], деб ҳисоблайди. Беруний ўзининг фалсафий қарашларида деизмга яқин бўлган позицияда бўлган. У худонинг яратувчи эканлигини уқтирган ҳолда,бу илоҳий биринчи туртки қувватини сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳуқуқинитабиатга беради. У борлиқнинг қадимий ваабадий эканлиги ҳамда уч унсур-олов, ҳаво, тупроқнинг ҳам сув унсуридан келиб чиққанлиги ҳақидаги ғояларни илгари суради. Олим ўзининг фалсафий қарашларидаАрасту кўплаб файласуфларнинг «бошқа дунёлар ҳам мавжуд»[9], деган фикрларига билдирган эътирозини асоссиз эканини айтиб, Демокрит ва Эпикур сингари кўп дунёлар ҳақидаги фикрлар юритиб, «ўша дунёлар ҳам бизники сингари табиий хусусиятларга эга”, деб ёзган. Олим моддий дунёнинг абадийлиги ҳақида гапирар экан, вақт нима билан ўлчанади, деган саволни қўяди ва бунга Сайёралар харакати билан, деб жавоб беради. Берунийнинг фикрича, худо ва бошланғич материядан бўлак ҳеч нарса мавжуд эмас.Табиий савол туғилади, унда вақт нима билан ўлчанади? Эҳтимол, ўша вақтда сония кўп вақтга тенг бўлгандир. Берунийнинг фикрлаш мантиғи замоннинг ўлчовсизлиги, абадийлиги, дунёнинг замондан ташқари ҳолда яратилган, деган хулосага олиб келади. Материя ва шакл муносабати ҳақида фикр юритиб, шундай дейди «…ҳаракат умумий хусусияти билан материяга тегишли бўлади ва руҳни турли шаклларда кезиб юришига мажбур этади. Демак, материя фаолдир ва унга тегишли барча нарсалар унинг ҳаракатига ёрдам беради». Беруний материя конкретлик (муайянлик)дан иборат бўлиб, у ёки бу нарсада намоён бўлади. Борлиқ эса доимо ўзгариш ва тараққиётда бўлади. Табиатнинг кучи ана шундан иборат.

Абу Райҳон Беруний фалсафий қарашларининг йирик тадқиқотчиси «Ҳиндистон» асарига сўз боши ёзган А.Ирисов фикрича: “Ўз таърифлари билан динни англашда Берунийнинг рационалистик тенденцияларини таъкидламоқчи бўлишгандир. улар тамомила ҳақлар, агар бундай маънода бўлса»,[10] деган хулосага келади.

[7] Қаранг: Ирисов А. Абу Райҳон Беруний ҳикматлари. -Ташкент: Ёш гвардия, 1973. - Б.40-43.
[8] Ўша жойда.
[9] Ёшларга аждодларимизнинг илмий мероси ҳақида. - Тошкент, 2008, 18 б.
[10] Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрлиги тарихидан. - Тошкент, 1990. - Б. 96.

Марказий Осиёда диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни мужассам этган арбоблар кўп бўлганлиги ҳақидаги фикрларни назарда тутсак, юқоридаги тадқиқотчиларнинг хулосалари маълум даражада асослидир. Зеро, ҳамма вақт жамиятда юз берадиган ижтимоий воқеа ва муносабатларнинг мазмун-моҳиятини илмий ва тарихий асосини излашга интилган Берунийдек қомусий олим ва мутафаккир ўша даврда динда, шу жумладан, ислом динида маънавий ҳаётнинг барча соҳалари мужассам эканлигига ишонч ҳосил қилган бўлиши мумкин. Берунийнинг фикрича, диний ақидапарастлик ва муросасизлик асосида келиб чиқувчи адоват, низо-жанжал ва қонли урушлар қаттиқ қораланган. У диний ақида ва кўрсатмаларгаақл тарозиси нуқтаи назаридан ёндашишни таъкидлаш билан бирга, бошқа динларга, уларнинг кўзлаган мақсад ва маънавий моҳиятига холисона баҳо беришга даъват қилади[11]. Шу муносабат билан ўрта аср олимларидан бири Абул Аббос Эроншаҳрий[12] ҳақида фахр билан қуйидагиларни ёзади: «Абул Аббос Эроншаҳрийдан бошқа оғишмай ва иккиюзламачилик қилмай, тўғри ҳикоя қилган бирон кишини билмайман. Чунки, у киши ўз китобида биронта ҳам динга тарафдорлик ёки қаршилик қилмаган. Балки динлар ҳақидаасар ёзишда ўзича бир йўл ихтиро қилган ва бундай асар ёзмоқчи бўлган бошқа кишиларни ҳам шу йўлни тутишгачақирган. У яҳуд ва насороларнинг динларини, Таврот ва Инжилнинг мазмунини яхши ҳикоя қилган»[13].

Абу Райҳон Беруний илк ўрта асрларда несторианлар - насроний (христиан) динидаги мазҳабида одат бўлиб қолган қораланган хатти-ҳаракат ғайриахлоқийлик ҳақида, умуман, қавмларнинг мақтовга сазовор насроний динидаги ҳаёт тарзи ҳақида шундай ёзади: «Биз Оллоҳдан дўст ёки душман бўлишидан қатъи назар, бирон кимсани ҳақорат қилишдан сақлашни сўраймиз. Абу Райҳон Берунийнинг ижодида кузатиш муҳим ўрин эгаллайди[383]. Табиатни илмий ўрганишда кузатиш билишнинг бошқа шакллари билан ўзаро боғланган. Беруний фикрича, кузатувчи кузатилаётган ҳодисани у юз бераётган жойда идрок этади[17]. Бинобарин, кузатиш у ёки бу ҳодисани унинг муайян кўринишида қайд этади[18]. Беруний тадқиқотчи ўтказган тажриба ва унинг натижаси амалда ишончли эканлигини қайд этади.

[11] Беруний Абу Рйҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т., Фан, 1968. – Б.188.
[12] Абул Аббос Эроншоҳий ҳақида маълумот учун. Беруний Ҳиндистон II том. -Тошкент: Фан, 1965. - Б.477.
[13] Беруний.Ҳиндистон II том. -Тошкен, 1965. - 27б.
[383] Машарипова Г.К. Хоразм Маъмун Академияси алломалари табиий-илмий меросининг ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётига таъсири. (Монография). - Ташкент: “Navro’z”, 2019, 241б.
[17] Абу Райхон Беруни. Избранные произведения. В 6-т. Т. 3. - Ташкент: Фан, 1963. - С. 57.
[18] Там же, с. 260.

У «Синовдан бошқа устувор дастур, тажрибада текширишдан ўзга муваффақиятга элтадиган дастуриламал йўқ»[19], деб ёзади.

Хулоса сифатида айтиз жоизки, фалсафада оламни билиш йўллари, усуллари ишлаб чиқилган, бу методология (усуллар ҳақидаги таълимот)да ўз ифодасини топган. Ижтимоий фалсафа инсон ва жамиятни ўрганиш йўллари, усуллари ҳақида баҳс юритади. Абу Райҳон Беруний эволюцион жараён натижасида таркиб топган ғоялардан бири дунёнинг манзараси оламни идора қилувчи манба – "тузилиш ва бузилиш"дан иборат зиддиятдир, деган фикрни қўллаб-қувватлайди.

## НАҚШ ТУШУНЧАСИ АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ТАЛҚИНИДА

***Наврўзова Гулчеҳра Неъматовна -***
***Бухоро муҳандислик-технология институти "Ижтимоий фанлар" кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори***
***Тел:91 411-77-07, email:*** premium.progress@mail.ru

Нақшбандия таълимотининг асосий шиорларидан бири "Нақш банд, ба дил банд" – "Нақш боғла, кўнгилда боғла" дир. Нақшбандия таълимотидаги нақш тушунчасини таҳлил этиш учун манбаларга мурожаат қиламиз. Нақшбандия таълимотининиг Ҳирот жамоасининг муршиди мутафаккир ва мутасаввиф Абдураҳмон Жомий "Туҳфат ул-Аҳрор" асарида "Дар манқабати Қутб ут-тариқ Ғавс ул-халойиқ Хожа Баҳо ул-миллати ва-д-дин Муҳаммади Бухорий ал-маъруф ба Нақшбанд қ.с." – "Қутб ут-тариқ халойиқ қутқарувчиси Хожа Баҳо ул-миллат ва-д-дин Нақшбанд номи билан маъруф бўлган Муҳаммад Бухорий қ.с манқабати" да 11 мисрани нақш сўзининг моҳиятини изоҳлашга бағишлайди.

Дар хуми ин доираи нақшбанд,
Чанд шави банд, ба ҳар нақш чанд.[189]
Мазмуни:
Бу нақш боғловчи хум доирасида,
Сен кўп боғланасан ҳар нақшга боғланасан.

[19] Там же, с. 340.
[189] Абдураҳмон Жомий. Туҳфат ул-Аҳрор. Лакҳнав: Нувил – Кишур, 1908. 26-бет.

Жомий бу ерда оламдаги турли нақшларни: қуёш, ой, ўсимлик ва ҳайвонот, мол-дунё, мансаб ва гўзалликни нақш тушунчаси билан ифодалаб, инсонни уларга боғланишини айтмоқда, яъни инсоннинг турли бут ва санамларга сиғиниши, молпарастлик ва дунёпарастликка берилишини нақшга боғланиш сифатида таърифлайди. Нақш сўзи Оллоҳ томонидан яратилган турли нарсаларни англатувчи нарсадир.

Абдураҳмон Жомий кейинги мисраларда Оллоҳни бенақш – нақшсиз деган тушунча билан ифодалаб, унинг ягоналиги, Аҳад , Самад ва Қодирлигини кўрсатмоқда:

Нақш раҳо кун, сўи бенақш рав,
Дида ба ҳар нақш чи дори гарав?[190]
Мазмуни:
Нақшлардан узилгин, бе нақш – нақшсиз томон боргин,
Сен нега кўз нурингни ҳар нақшга берасан?

Жомий  нақшларга, яъни турли бут ва санам маъбудларга боғланишдан узилиш лозимлигини ва фақатгина нақшсиз бўлган Оллоҳга томон юзланиб, ўшанга томон бориш кераклигини таъкидлайди. У инсонни кўз билан кўрадиган шакллар суратларга боғланишни қоралаб, асл моҳият бўлган Оллоҳга юзланиш кераклигини уқтиради.

Нақш чу парда-сту ту з-афсурдаги,
Моили парда шуда аз пардаги.
Мазмуни:
Нақш парда кабидир ва сен ундан кучсиз, руҳсиз, сўлғин, тушкунсан.
Пардалар орасида бўлганинг учун сен пардаги интиласан.

[190] Абдураҳмон Жомий. Туҳфат ул-Аҳрор. Лакҳнав: Нувил – Кишур, 1908. 26-бет.

Бу мисраларда Жомий нақшни  ҳижоб, парда тушунчаси билан ифодаламоқда. “Ҳижоб” муҳим тасаввуфий тушунча бўлиб, ҳақиқатга етиш, Тангри жамолини кўриш, Оллоҳни асл моҳиятини билишга тўсқинлик қиладиган нарса ва ҳодисалардир. Ҳижоб парда, тўсиқ маъноларини англатади ва Тангри билан банда ўртасида мавжуд бўлади.  Банда Ҳаққа етиши учун ҳижобларни бартараф этиши зарур.

Ҳужвирий “Кашф-ул маҳжуб” асарида ҳижоб тушунчасини таҳлил этиб, ундан қутилиш йўлларини кўрсатган. Жомий ҳам қуйидаги мисраларида пардалардан қутилиш кераклигини уқтиради:

Барфикан аз пардаги ин пардаро,

Гарм кун аз вай дили афсурдаро.

Мазмуни:

Ҳижобларга ўранган ҳолатидан қутилгин, яъни пардаларни олиб ташла,

Руҳсиз, жонсиз синиқ кўнглинга пардалардан узилиб,  қувват бергин.

Бу мисралардан маълум бўладики, Оллоҳга боғланиш ўсимликнинг ўз илдизига боғланиши ва ундан қувват олиши кабидир. Агар ўсимлик илдизидан узилса қуриб қовжираб қолгани каби инсон ҳам Оллоҳдан ўзгага боғланса инсонийлик қиёфасини йўқотади. Шунинг учун Жомий қуйидаги йўлни таклиф этади:

Растан аз ин парда, ки бар жони туст,

Бе  мадади пир на имкони туст.

Мазмуни:

Жонингга чирмашган бу пардадан қутилиш, пирнинг мададисиз амалга ошмайди.

Кейинги мисраларда бундай пир, муршид устоз Баҳоуддин Нақшбанд эканлигини таъкидлаб, уни Шоҳ Нақшбанд номи билан улуғлаб, кўнглини бенақш – нақшсиз деб таърифлайди. Бу билан Баҳоуддин Нақшбанд кўнглида Оллоҳдан ўзга бошқа илоҳ

йўқлигини ва қалбида Оллоҳгина нақшланганини кўрсатади. Бу билан Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия камолот йўли инсонларни бошқа нақшлардан узилиб, фақатгина Оллоҳни кўнглида нақшлаш йўлларини кўрсатган.

Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг айтганларидан маълум бўладики, Ҳақ ва банда ўртасидаги энг катта ҳижоблардан бири нафс ҳижобидир. Чунки аммора нафси Ҳақ йўлига бораётган кишига азият беради. Нафс тана истаклари асосида вужудга келади. Аслида тана Аллоҳ яратган мўжизаларнинг энг буюгидир. Айнан шу тана ёрдами билан инсон эзгу ишларни қилиб, дуолар олиб, Оллоҳга яқинлашади. Аммо тана инсонга эмас, балки инсон умрини фақат нафс истаклари, яъни ейиш, кийиниш, ухлашларга бағишласа ундай тана истаклари ҳижоб бўлади. Чунки инсон Оллоҳни эмас балки нафсини қулига айланади. Шунинг учун сўфийлар Оллоҳ йўлидаги ҳижобларни бартараф этиш учун “ Оз егин, оз гапир ва оз ухла” ва “ Эзгулик ила сабр, эзгулик ила ният, эзгулик ила амал ва эзгу дуо” да бўлгин деб таъкидлаганлар. Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар:“ Ҳою ҳавас ва нафс аҳллари тутган ишлар асосининг барчаси залолат, яъни адашишдан иборатдир. Ишларда ниятни тўғри қилиш энг муҳим нарсадир. Ният –касб қилиб топадиган нарса эмас балки у ғайб оламидандир. Ниятнинг ҳақиқати ихтиёр остида эмас. Агар ният йўқ бўлса умид натижа бермайди.

Хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Абдураҳмон Жомий нақш тушунчасини кенг маънода талқин этиб, Тангри томонидан яратилган ва инсон боғланадиган нарсалар ва ҳодисалар сифатида талқин этган.

2. Нақшсиз асл моҳият деб Жомий Тангри таолони тушунган.

3. Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбандни кўнгли нақшсиз, яъни кўнглида фақатгина Аллоҳ нақшланган деб таърифлаган.

4. Нақшбандия таълимоти инсонларни турли нақшларга боғланишлардан узилиб, нақшсиз Оллоҳга томон юзланиб уни қалбга нақшлаш йўлини ўргатувчи энг мақбул таълимот эканини

Жомий "Туҳфат ул-Аҳрор" асаридаги Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган манқабатда баён этган.

## ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**
**доц.Д.О.Ортиқова**

***"... юртимиздаги ҳар қайси инсон ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари авваламбор, унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади"[191].***

*Мақолада ёшларни маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашда оиланинг ўрни илмий жиҳаьжан таҳлил қилинди. Фақат оилада фарзандлар катталардан малака, билимларни ўзлаштирадилар, катталар эса ўз ҳаётларида босиб ўтган йўлларини фарзандлари орқали қайта барпо этадилар. Оилавий муҳит ўзига хос, уникал бўлиб, унинг ҳар бир аъзоси янги авлодда мустаҳкам ва барқарор соглом оилани барпо этишга масъулдир.*

*Калит сўзлар: ёшлар, оила, баркамоллик, тарбия, оилавий муҳит.*

Миллий қадриятларимиз тизимининг энг муҳим тармоқларидан бири - оиланинг ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи маскан эканлигидир. Чунки оила келажак насллар учун бетакрор тарбия қўрғони, жамиятнинг дурру гавҳаридир. Ҳар бир оила дунёга келган фарзандига чиройли исм қўйишдан тортиб яхши таълим-тарбия бериш, миллати, Ватани, ота-онасига муносиб ўғил-қиз, тенгдошлари ҳурмати ва муҳаббатини қозонган етук бир инсонни вояга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу боис мамлакатимизда олиб борилаётгпн кўпгина хайрли ишлар, эзгу амаллар, аввало, оилаларни мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда уларнинг ёруғ келажагини таъминлашга йўналтирилгандир. Зеро, оилада шаклланган соғлом муҳит - фаровон турмуш, осуда ҳаёт тарзимизнинг мустаҳкам пойдеворидир. Мухтасар айтганда, буларнинг барчаси халқимизга мансуб азалий қадрият - соғлом ва покиза насл давомийлигини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, оила мустаҳкам тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осойишта ва фаровон бўлади, Бундай оила ва жамиятда тарбия топган шахс баркамол инсон бўлиб вояга етади.

[191] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи.1 июль, 2017 й.

Луқмони Ҳакимдан сўрабдилар:

-Нега ўғлингга насиҳат қилаверасан?

Ҳаким жавобида шундай дебди:

-Ёдингда бўлсин, кексаларнинг ёшларга насиҳати ҳамиша сув-ҳаводек зарурдир. Бола бир ниҳол кабидир. Улуғлар боғбоннинг ўзидир. Боғбон ҳамиша ниҳол парваришида ҳушёр ва қаттиққўл, айни вақтда меҳрибон бўлиши зарур. Ниҳолнинг ён атрофдаги шох-бутоқларини вақтида кесиб турмаса, сув-ўғитни бермаса, авж яхши бўлмайди. Зеро, насиҳат эшитмаган, тарбия берилмаган фарзанд ҳам қаровини йўқотган кўчат билан баробар. Ундан мақсад ва орзунинг мевасини ҳеч қачон тера олмайсан....[192].

Оила маданияти - оиланинг тарбия муҳити сифатидаги хусусияти, унинг ўзига ҳослиги оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг бевоситалиги ва мустаҳкамлиги билан уйғунликда эканлиги ила шартланади.

Оилада тарбия кўрмаган, хулқ-одобдан бенасиб фарзанд оила ва жамият учун катта мусибатнинг ўзидир. ***Қаттиққўллик интизомни, ширинсўзлик одоб муомалани, меҳнатсеварлик ҳалоллик ва ботирликни, илмли бўлиш маърифатни камол топтиришда бош омилдир.*** Дарҳақиқат, фарзанд гўзаллиги гўзал хулқ билан, боғ гўзаллиги парваришкор боғбон билан, олам сокинлиги маърифат биландир. Айнан боболар ўгити, отанинг шахсий ибрати, онанинг меҳри орқали тарбия авлоддан авлодга, инсондан инсонга ўтади, онг ва шуурда муҳрланиб боради. Иқтисодий фаровон, ахлоқий, ғоявий–тарбиявий жиҳатдан соғлом бўлган оилаларда комил инсон вояга етади, унинг туйғулари, тушунча ва дунё қарашида миллий истиқлол ғоялари кенг томир отади.

Шу боис ота-боболаримиз оилага жуда катта эътибор билан қарашган. Буюк алломаларимиз Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнакий, Кайковусдан тортиб Беруний, Ибн Сино, Форобий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек ва бошқаларгача ўз асарларида оилавий масалалар, хусусан, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бола тарбиясида ота-она, бобо-бувининг ўрни, комил ва ватанпарвар шахсни етиштиришда бу муҳим ижтимоий институтнинг ролига алоҳида ёндашиб, ибратли ҳикоятлар, ривоятлар, фарзандларга мактублар, ҳикматли сўзлар, шеърий сатрлар орқали панд-насиҳатлар, ҳаётий хулосалар ёзиб қолдирганлар. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Мунавварқори Абдурашидхонов каби маърифатпарварларимиз ҳам одоб-ахлоқи гўзал, жисмонан ва маънан етук авлодни тарбиялашнинг ягона йўли — барқарор оила қуриш эканини, оилани мустаҳкамламасдан давлат ва жамият тараққиётига эришиб бўлмаслигини таъкидлашган.

---

[192] Хайруллооҳ Қосим Элтурк. Отамнинг насиҳати. – Тошкент: “Adabiyot uchqunlari” , 2017, 106-бет.

Халқимизда оила билан боғлиқ ўзига хосликни минг йиллар давомида ҳаёт синовларидан ўтиб келаётган никоҳнинг муқаддаслиги, ота-онанинг фарзандлар, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи, ўзаро иззат-ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ибо-ҳаё каби ҳамма бирдек итоат этадиган қонунлар мажмуасидан иборат, дейиш мумкин. Оила шаъни ва номусини пок сақлаш миллатимизнинг энг улуғ фазилатларидандир. Оилани асраш йўлида жон фидо қилишгача борган аждодларимиз жасоратлари тарихий асарлар, диний манбалар, адабиётимиз, халқ оғзаки ижоди, санъатимиз орқали бизгача етиб келган. Буюк аждодларимиз ҳаётидаги кўплаб ибратли воқеалар оила билан Ватан муштарак тушунча бўлиб келганлигини исботлайди.

Ўзбек оилаларида ёшлар учун шарт-шароит яратилиб, фарзандли бўлгунларига қадар ота-она ёрдам бериб туради. Ушбу миллий қадрият оилавий муносабатларда ҳам вужудга келиши мумкин бўлган бегоналашув жараёнини бартараф этади, авлодлар ворислиги учун замин яратади.

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврига келиб ҳам Ўзбекистон ўз истиқболи ва келажагини оилани ривожлантириш, уни эъзозлашда, деб билаётгани юқоридаги анъанавий қадриятларимизни янада бойитган ҳолда замонавий, намунали ва фаровон оилани барпо этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, жамиятда энг ибратли оилавий анъаналарни сақлаб қолиш ҳамда тарғибот қилиш масалалари бўйича ҳудудларда қатор фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб борилаётир.

Мисол учун, замонавий муваффақиятли оила мезонлари қандай бўлиши керак, деган мавзуда республикамизнинг турли вилоятларида 800 дан ортиқ оилаларда ижтимоий сўровлар ўтказилиб, якуний натижалар бўйича замонавий оиланинг модели ишлаб чиқилди. Тадқиқот ўтказилган оилалар вакилларининг фикрларига кўра, оиладаги соғлом ва барқарор, осойишта психологик муҳит; юксак маънавий-ахлоқий тарбия; етарли даражадаги иқтисодий ва маиший шароитлар; оила аъзоларининг таълим йўналишида олий маълумотлилик даражаси; сиҳат-саломатликка алоҳида эътибор қаратиш замонавий намунали оиланинг асосий мезонлари қаторига киради.

Ҳар бир оила, ҳар бир хонадон ўзига хос ҳаёт тарзига, оила маданиятига эга. Бу ҳолат оилавий урф-одат ва анъаналарда ўз аксини топади. Ўз ичига оилавий анъаналар, этикет, урф-одатларни олган ҳаёт тарзи оила маданияти билан узвий боғлиқ. Болаликдан ўзимизга сингдириб борган маънавий қадриятлар оиламизнинг моддий ҳолати, оила аъзоларимизнинг нуфузи, маълумотлилик даражаси билан эмас, балки оила муҳитида ўзлаштирилган хулқ-атвор, насиҳатлар, мисоллар, намуналар, меъёрлар, кўрсатмалар билан бизда бир умрга қолади. Биздаги умумий маданият негизларини шу ердан қидиришимиз лозим.

Икки инсон оила қураётганда шахсий бахтини кўзлаб иш тутади. Лекин шу билан бирга оила ҳеч қачон шахсий иш бўлиб қолмаган, чунки у жамиятнинг бир бўлагидир. Унинг ҳар бир аъзоси бахтга интилар экан, ҳар бир қадамини жамият манфаатлари билан уйғунликда қўйиш эҳтиёжи бўлмаса, уни етук баркамол шахс сифатида шаклланади, деб айтиш қийин. Фақат шу эҳтиёж, яъни маънавий эҳтиёж оилада бошқаларга ҳамдардлик, инсониятга меҳр уйғота олади.

Бош Қомусимизнинг "Оила" бобида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, унда никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш, ўз навбатида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурликлари, фарзандлар, ота-оналарининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши ўз ифодасини топган[193].

Хулоса сифатида айтиш жоизки, бугун биз тарбиялаётган фарзандлар вақт ўтиб эртанги ҳаётимизни бошқаради. Шу боис барча олижаноб фазилатларни биринчи галда оилада шакллантиришга эътибор қаратиш лозим. Оила тинч-тотув бўлса, ота-она ўртасидаги муносабат самимият ва меҳр-муҳаббат асосига қурилса, табиийки, фарзандлар одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон эътиқодли бўлиб тарбияланадилар. Демак, ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш барчамизнинг бурчимиздир. Зеро, оила – авлодлар давомийлиги, қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни, қолаверса, халқимиз маънавий меросининг авлоддан авлодга ўтишини таъминловчи омилдир.

## ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МУНАВВАРА КАРЫ КАК ПРОСВЕТИТЕЛЬ СРЕДНЕЙ АЗИИ

***Отаназаров Исломбек Муродбек ўғли студент Национального Университета Узбекистана***

*Ushbu maqolada Munavvar qorining Turkiston o'lkasi hududidagi ta'lim, madaniyat, ma'rifat sohasidagi faoliyati haqida so'z yuritiladi hamda 20-yillarda*

[193] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 08.12.1992 й., XIV боб "Оила". https://lex.uz/docs/20596#39201

*sovet hukumatining ma’rifatparvarlarga nisbatan olib borgan siyosati asoslanadi. XX asr.*

*Kalit so`zlar: Jadid, ma`rifatparvar, maktabning yangi turlari, qatag`on, madaniyat.*

С обретением независимости Узбекистана стало изучаться жизнь и творчество выдающихся просветитель узбекского народа, вдохновителя борцов за свободу в начале XX века. Сегодня Узбекистан вступает в новый, высокий этап своего развития. Президент Республике Узбекистан Ш.М. Мирзиёев отметил что «Мы сделали национальное возрождение важнейшей и приоритетной задачей. Мы прекрасно понимаем, что эта великая цель может быть достигнута только через солидарность и партнерство с людьми всего мира, построение открытого демократического общества, более широкое чувство уважения к национальным и общечеловеческим ценностям в нашей жизни»[194]. От этого можно понять, что сейчас наш цель сохранить наследия наших предков, которое отдавали свои жизни чтобы улучшать состояние народа.

Мунаввар кары Абдурашидхонов как человек единогласно признанный со стороны узбекской интеллигенции XX века «духовным вдохновителем», «слугой нации, работающий день и ночь в великих целях будущей нации», литератор, воспитатель, редактор, просвещенец, общественный деятель родился 1878 году в Ташкенте, в нынешнем Шайхонтаурском районе, в махалля Дархон, в семье учителя. Получив образование в Эшонкули дадгох (Ташкент) и медресе Мирараб (Бухара) работал имамом ташкентской мечети Дархан.

Мунаввар кары в конце XIX века начинает активно участвовать в движении джадидов. В 1901 году открывает школу джадидов в своём доме, а затем и в различных кварталах Ташкента. Он подготовил первый учебник для новометодных школ “Первый учитель”, в котором изложил основы обучения грамматике, алфавита. Во втором учебнике “Второй учитель” он раскрыл методику обучения чтению и письму, а также основы взаимоотношений в семье. Мунаввар кары также подготовил первый учебник по математике. Составляет пособия "Тажвид ал-Қуръон", "Площадь земли" и публикует их. А для детей пишет стихи и рассказы. В 1909 году в Ташкенте создает ассоциацию "Жамияти хайрия" и открывает организацию "Турон".

---

[194] Когда будут жить литература, искусство и культура, нация и народ, все человечество будет жить в мире». https://xabar.uz/uz/

Мунаввар кары в 1906 году впервые открывает издательство газеты «Хуршид». В последующем работает главным редактором газет "Нажот", "Кенгаш" и редактором газеты "Садойи Туркистон". И он был один из основоположников узбекского театра. Он посредством театра показывает «испорченность привычек» и их исправление. Его труппа называлась «Турон». Труппа просуществовала с 1914 по 1924 годы. Оратор, педагог, энциклопедист Мунаввар Кары его деятельность не только ограничивался на создание национальной школы и были другие факты о его просветительской работой

С деятельностями Мунаввара кары общество молодёжь гордился тем, что привела к сдвигам социальное и духовная положения народа. В статье «Общество мусульман в Ташкенте» он писал следующие, «Ташкентские мусульмане, забывшие название Ташкентского общества или не слышавшие слова «общество», узнавали о существовании общества в возрасте от семи до семидесяти лет. Понятно, что местами, которыми пользовались русские, евреи и армяне, могут пользоваться и мусульмане, что подняло дух ташкентских мусульман и заставило их смотреть на общество с любовью[195]». Из этих слов можно отметить что Мунаввар кары поддерживал не только местного народа и других народов которое проживавшие на территории Туркестана и в своих действиях утверждал основной истории и духовности местного народа.

«По данным журнала «Наука и просвещение», на школах Мунаввар кары было следующие: «В школе-образце училось несколько сотен детей. Школа была укомплектована талантливой молодежью с очень серьезной подготовкой. Талантливые писатели и художники, такие как Хамза, Каюм Рамазан, Ойбек, Маннон Уйгур позже вышли из числа воспитанной у них молодежи. Работа великого педагога сильно обеспокоила представителей царского правительства. В книге «Попытки свадьбы» можно прочитать следующую информацию: «В Алма-Ате (Верном) состоялся большой сход русских учителей, на котором «узбеков нельзя учить вместе с татарами и казахами!» Образованных татар нельзя оставлять в Туркестане! Потому что они передают знания узбекам и казахам и открывают им глаза и разум. Тогда не будет у нас в Туркестане хлеба в пищу.[196]

Мунаввар кори в 1917 году после февральской революции открыто выражает идею создания Туркестанского демократического национального государства. Он поддерживает созданную в Коканде «Туркистон

---

195 Шарқ юлдузи журнали//- 1992_5 сон. Б. 107

[196] Р. Шамсутдинов, Ватан Тарихи (ХВИ— ХХ аср бошлари) Шарк" нашриёт-: Ташкент 2003

Мухторияти». В апреле 1918 года назначается ректором Туркестанского народного университета. В 1918 году открывает научно-просветительское сообщество "Турк ўчоғи" (Тюркский очаг).

Мунаввар кори в 20-е года возглавляет тайные организации "Миллий иттиҳод" (Национальное единство) и "Миллий истиқлол" (Национальная независимость). В середине 20-х годов усиливаются репрессии и Мунаввар кори отстраняется от всех должностей. Но и это не отгородило его идеи независимости.

Деятели культуры, литераторы, учёные, такие как Ҳамза, Элбек, Ойбек, Акмаль Икрамов, Абдулҳай Тожиев, Салимхон Тиллахонов, Қаюм Рамазон, Баҳром Ҳайдарий, Маннон Уйғур были учениками Мунаввар кори. Он был арестован в 1929 году и расстрелян в 1931 году. Похоронен на кладбище Ваганьково в Москве.

Мунаввар Кари считал своей жизненной целью повышение и развитие репутации нации. Он в своих произведениях: «Почему мы не можем использовать Туркестан, когда наша страна — одна из самых богатых стран по почве, воде и воздуху?» — спросил он. Он стонет невежество и незнание мира означает, что нет другого способа ответить на такие вопросы. Чтобы избавиться от этого необходимо знать и изучать испорченность порочных привычек чтобы противостоять и улучшать состояние самого себя».

В заключение следует отметить что Мунаввар кары предъявлял правильные путь и всегда благосклонно относился к творчеству своего дело. Чтобы сохранить целостность и развивать страну он делал множество действий и это укрепляло менталитет и духовность народа.

## АЖДОДЛАРИМИЗ ҚОЛДИРГАН БОЙ ИЛМИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСНИНГ ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДАГИ ТУТГАН ЎРНИ

***Саидова Дилбар Сайфуллаевна***
***Самарқанд шаҳар 54-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси***

Аждодларимиз томонидан бизга қолдирилган бой илмий-маданий мерос келажак авлоднинг тафаккури, дунёқараши миллий ва умуминсоний қадриятлари асосида шаклланишида Ватанга муҳаббат, миллатпарварлик, аждодларга муносиб фарзанд бўлиб вояга етиш ва уларнинг бунёдкорлик

фаолиятини давом эттиришда муҳим аҳамият касб этади. Агар ўтмиш меросимизни улкан бир дарё деб тасаввур этсак, бу борадаги ҳозирги билим ва тасаввурларимиз ундан бир томчи холос. Бугунги кунда истиқлол туфайли эришган энг катта ютуқларимиздан бири бу буюк аждодларимиз миллий-маънавий меросининг қайта тикланишидир. Сўнги йиллар ичида ўтмиш миллий-маънавий ва маданий меросни ўрганиш, уларнинг ёшлар таълим-тарбиясига, маънавиятига таъсирини кўплаб соҳа вакиллари тадқиқ қилмоқдалар.

Халқимизнинг узоқ ўтмиш тарихи шундан далолат берадики, инсониятнинг маънавий камолатига ижобий таъсир кўрсатган бой маънавий-маданий мерос ва буюк қадриятлар соҳибимиз. Бу ҳақда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Бизнинг қандай буюк ва шонли ўтмишимиз, қандай улуғ аждодларимиз борлигини яхши биламиз ва бу билан ҳамиша фахрланамиз.”[197] – деб таъкидлаб ўтадилар.

Бизнинг донишманд аждодларимизнинг барчаси илм-маърифатни улуғлаганлар, инсонни ахлоқли, тарбияли бўлишга, Ватанни севишга, инсонпарвар ҳамда миллатпарвар бўлишга ундаганлар. Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий-маънавий соҳалардаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ёшларимизнинг маънавий юксалишига замин ҳозирлаш, хусусан жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ баркамол инсон бўлиб вояга етишиши устида қайғуриш, уларни инсонпарвар, ватанпарвар, миллатпарвар, ахлоқий жиҳатдан комил инсон бўлиб етишишининг илмий асосланган тарбиявий тизимини ишлаб чиқишдир. Бу ҳақда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов: „Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астраномия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади”[198] – деб таъкидлайди.

Аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий мерос, улкан кашфиётлар инсон дунёқараши, айниқса ёш авлод дунёқарашини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Ёш авлодда инсоний фазилатларни шакллантириш ва ривожлантиришда миллий-маънавий меросимиздан фойдаланмоғимиз лозим, чунки аждодларимиз

---

[197] Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 191-бет.

[198] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: „Маънавият”, 2008, 31-бет.

меросида таълим-тарбия, ахлоққа доир масалалар чуқур ишлаб чиқилган. „Шу ўринда Бельгияда Ибн Синога, Литвада Мирзо Улуғбекка, Москва, Токио ва Баку шаҳарларида Алишер Навоий бобомизга, Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида эса Аҳмад Фарғоний хотирасига ҳурмат сифатида муаззам ҳайкалларнинг ўрнатилиши ҳар бир ватандошимиз қалбида чексиз ифтихор туйғуларини уйғотади”[199].

XXI аср бошқа давлатлар сингари Ўзбекистоннинг ҳам олдига ечимини топиши зарур бўлган бир қатор муаммоларни қўйди. Бу муаммоларнинг ечими бевосита ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай экан, бугунги кунда буюк давлатга муносиб баркамол авлодни тарбиялаш, уларни маънавий етук, жисмонан бақувват, маърифатли, юқори даражали замонавий мутахассис кадр қилиб тарбиялашда фаол иш олиб бориш лозим. Ҳар қандай мамлакатнинг эртанги куни, келажак тараққиёти биринчи ўринда ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолоти билан ўлчанади. Аждодларимизнинг ўтмиши, миллий ва диний анъаналаримиз, маънавий қадриятларимизни ўрганиш, халқимизнинг миллий ўзлигини англаши, демократик, адолатли, ҳуқуқий давлат ривожида фуқароларнинг, айниқса, ёш авлоднинг яхлит бир дунёқараши шаклланишида назарий пойдевор вазифасини бажаради. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Тарихимиз, маданиятимиз динимизга алоқадор бир варақ қўлёзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англатиш, фарзандларимизни шу улуғ меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат” – деб таъкидлаб ўтадилар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтамизки аждодларимиз буюк ва ўта мураккаб тарихни ўз бошидан кечириб, шунинг эвазига ўзининг бой илмий-маънавий меросини яратди. Натижада биз донишманд ва юксак маънавият соҳибига эга бўлган халқ сифатида шаклландик. Бундай донишманд ва юксак маънавиятли халқгина, ўзининг олдига энг олий эзгу мақсади сифатида, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек вазифа қўйиши мумкин. Аждодларимиз томонидан яратилган бой илмий-маданий мерос халқимиз маънавий юксалишида муҳим аҳамият касб этади ва биз бунинг устида фаол иш олиб боришимиз лозим.

[199] Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Т.: „Ўзбекистон”, 2010. 63-64-бетлар.

# ФИРДАВСИЙНИНГ «ШОҲНОМА» АСАРИДА МАЪНАВИЙ ВА АХЛОҚИЙ ҒОЯЛАРНИ АКС ЭТИШИ

***Урганч давлат университети, «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси» кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори. Профессор. Хажиева Максуда Султановна***

Ҳаким Абулқосим Фирдавсий Эроннинг машҳур шоирларидан бири ва шунингдек жаҳоннинг энг машҳур қаҳрамонлик эпоси асарларини яратган адиблардан бири саналади. У замонасининг барча асосий илмларини эгаллаб, араб ва паҳлавий тилларини чуқур ўрганган. Ўз даврининг қомусий олими бўлиб етишгани учун ҳам уни ҳаким деб улуғлашган. У Эрон, Турон, Юнон ва Ҳиндистон олимларининг турли соҳадаги асарларидан яхши хабардор бўлган. Фирдавсий ёшлигиданоқ шеърлар машқ қила бошлаган. Бу ҳақда маълумотлар бўлсада, шеърларининг ўзи етиб келмаган. Унинг «Юсуф ва Зулайҳо» номли достон ёзганлиги хам ҳалигача мунозарали. Фирдавсий ижоди бўйича амалга оширилган ишлардан француз шарқшунос олими Лук Ланглиснинг хизматларини эслаш ўринлидир, чунки у 1788 йилда, яъни, Жозеф Чимпион билан бир пайтда “Шоҳнома”нинг кичикроқ бир қисмини гўзал ва равон тарзда таржима қилиб, сўзбошисида буюк форс шоири Фирдавсийни атрофлича таништириб ўтади. Шунингдек, Франция сайёҳи Шардин (1643-1713) ҳақида икки оғиз сўз юритиш жоиз. Унинг 1811 йилда Парижда босилиб чиққан “Саёҳатнома” номли китобида Фирдавсийга иқтидорли тарихнавис, сифатида баҳо берилади. Маълум бўлишича, Шардин Эрон ҳақида жуда кенг ва бой маълумотларга эга бўлишига қарамасдан, Фирдавсий ва унинг ижодини бутун бўй-басти билан етарли даражада илғаб олмаган кўринади[200] . Францияда амалга оширилган “Шоҳнома” таржималари хусусида гапирганда деярли барча эроншунос таржимонларни эслаш ўринлидир, чунки улар форс адабиётининг ҳақиқий ошиқлари ва фидоийлари эдилар. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, “Шоҳнома”нинг турли тилларга қилинган таржималаридан таассурот олган ва илҳомланган бир қатор жаҳон адиблари ҳам Фирдавсий асарининг мазмун-моҳиятини тўлдиришга, унга эргашишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, француз шоири ва ёзувчиси Ломартин (1869-1890), машҳур рус шоири Жуковский (1783-1852), инглиз шоири Мотив Арнольд (1822-1888), машҳур олмон шоирлари Гёте (1749-1832) ва Гейне (1797-1856) машҳур француз адиби Виктор Гюго (1802-1885), француз шоири Франсуа Купе (вафоти 1842) ўз асарларида

[200] Амир Исмоил Озар. Адабиёти Ирон дар адабиёт-э жаҳон. –Тэҳрон: “Энтэшорот-э Сўхан”, 1387. -С.278

“Шоҳнома”нинг достонлари, қаҳрамонлари, мазмун ва мотивларидан фойдаланганлар. Фирдавсий отасидан қолган ерда деҳқончилик қилиб кун кечирган. Баъзи манбаларда унинг узоқ йиллар сарбозлик хизматида бўлгани ҳам айтилади. Фирдавсийнинг ёшлик йиллари сомонийлар давлатининг гуллаб яшнаган даврига тўғри келади. Бу даврда Эрон ва Турон халкларининг нафакат ижтимоийсиёсий, балки маданиймаънавий ҳаётида ҳам бир кўтарилиш бўлган. Ўзининг кимлигини англаш ва уни бошқаларга ҳам кўрсатиш мақсадида улар Эрон ва Туроннинг шонли тарихини тиклашга интиладилар. Шу мақсадда қад. афсона ва ривоятлар, буюк шохлар ва баҳодирлар тарихи тўпланади ва ёзилади. Бу борадаги интилишларни сомоний ҳукмдорлар қўллаб-кувватлаб турганлар ва тўпланган улкан материални шеърга солишни Абу Мансур Дақиқийтн сўраганлар. Лекин шоир эндигина минг байт ижод килганда, фожиали равишда ўлдирилгач, Бухоро амири Нуҳ ибн Мансур Сомоний Фирдавсийни ҳузурига чорлаб, унга чала қолган «Шоҳнома»ни ниҳоясига етказишни буюради. Бундан мақсад шонли тарихи ва буюк шаъншавкатига кўра форсий халкларнинг араблардан кам эмаслиги, балки устунлигини кўрсатиш ва уларга қарши курашда фойдаланиш эди. Ватанга ва унинг буюк тарихига муҳаббат руҳида тарбияланган, болаликдан қадимий афсона ва ривоятлар, қахрамонлик қиссалари, жангномаларни жон кулоғи билан тинглаб улғайган Фирдавсийнинг ўзи ҳам халқ ичида юриб, уларни ёзиб олган, кўплаб оғзаки ва ёзма материаллар тўплаган. Эрон ва Турон халкларининг қарийб 4 минг йиллик тарихи юксак маҳорат б-н қаламга олинган «Шоҳнома» устида Фирдавсий 30 йилдан ортиқ меҳнат қилган. Тадқиқотчилар асарни 3 қисмга бўладилар:

Биринчи, бўлимда энг қад. афсоналар қайта ишланиб, назм ипига терилган бўлса, иккинчи, бўлимда халқ қаҳрамонлари ҳақидаги ривояту қиссалар бадиий талқин қилинади. Учунчи, бўлимда тарихий шохлар ҳаёти тасвирланган.«Шоҳнома» ҳажми (60 минг байтни ўз ичига олади), мавзу кўлами, образлар олами, қаҳрамонларнинг кўп ва хилма-хиллиги, ғоявий мотивлари ва кўтарилган масалалар жиҳатидан жаҳон адабиётидаги энг катта эпик асар. Юздан ортиқ достонлардан ташкил топган бу асарда мингдан зиёд каттакичик персонажлар иштирок этади. «Шоҳнома» гарчи шоҳлар китоби деб аталиб, эллик подшоҳликдан иборат тўрт сулоланинг тарихи ни тадрижий равишда ёритган бўлсада, барча курашлар ва қаҳрамонликлар халқ ичидан чиққан баҳодирлар томонидан амалга оширилган. Асарда Ватан ва халқ йўлида жонини тиккан юзлаб фидойи қаҳрамонлар образи яратилган. Подшоҳлар баҳонасида халқ, унинг тарихи, қадриятлари, қаҳрамонликлари улуғланган. Айни жиҳатдан

«Шоҳнома» - халқ заковати ва жасоратига қўйилган ўзига хос назмий ҳайкал. «Шоҳнома»нинг асосий ғояси - ватанни улуғлаш, халқ қудрати ва заковатини кўз-кўз қилиш, миллат фарзандларини васф этиш ва шу орқали уларни биргаликка, марказлашган давлат қуришга чақириш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик ва тинчликсеварликни мадҳ этиш, эзгулик, олижаноблик, ҳалоллик, мардлик, меҳнатни тараннум этиб, қонли урушлар, ёвузлик, жабру зулм, адолатсизлик, мунофиқликни қоралашдан иборат. «Шоҳнома»даги Рустам, Суҳроб, Сиёвуш, Бижан, Золи Зар, Судоба, Гударз, Гев, Туе, Ҳожир, Гурдофарид, Ҳумой, Манижа сингари қаҳрамонлар ер юзида адолат тантанаси учун курашадилар. «Зол ва Судоба», «Бижан ва Манижа» достонларида чинакам байналмилаллик ғоялари илгари сурилган. «Исфандиёр», «Шоғод», «Ўн икки муҳораба» достонларида эса мамлакатнинг яхлитлигига рахна солувчи, уруш оловини ёқувчи золим ва фитначи шоҳу саркардалар кескин қораланади. «Сиёвуш» достонида уруш ва тинчлик масаласи бадиий талқин қилинади. «Шоҳнома» чинакам халқ китобига айланиб, халқ орасида кенг таркалгандан сўнг муайян ўзгаришларга ҳам учраган. Шунинг учун темурий шаҳзодалардан Бойсунқур Мирзо унинг 40 дан ортиқ нусхаларини ўзаро қиёслаб, мукаммал матнини туздирган. Фанда «Шоҳнома»нинг Бойсунқур нусхаси сифатида машҳур бу матн асарнинг ишончли нусхаларидан бири ҳисобланади. Шоир жасади отасидан қолган боғнинг бир чеккасига кўмилган. 1934 й. да Фирдавсий таваллудининг 1000 йиллиги муносабати билан шоир қабри устига мақбара қурилган ва у шоир мухлисларининг муқаддас зиёратгоқига айланган. Шарқ мамлакатларида шоҳномахонлик бир анъана тусини олган. Фирдавсий қаҳрамонлари ўзбек халқи орасида ҳам қадимдан машҳур. «Китоби Жамшид», «Китоби подшоҳ Афросиёб», «Шоҳ Таҳмурасп» номли халқ китоблари, «Рустам ва Суҳроб», «Доро ва Искандарбек» каби халқ эртакларида «Шоҳнома» таъсири яққол кўзга ташланади. Бу мангу асар ҳақидаги тадқиқотлар силсиласи ҳам Фирдавсий ватанида, ҳам чет элларда ҳали давом этади. Зеро бу асар башарият тарихи, айниқса, Эрон ва Марказий Осиё халқларининг бир неча минг йиллик асотири ва тарихини акс эттирган кўзгудир.

# ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИНГ РАЦИОНАЛ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОЛОГИЯСИ

***Урганч давлат университети тадқиқотчиси,***
***Саидназаров Улуғбек Ахмеджанович***

Жисмоний маданиятнинг ихтиёрийлиги ва оммавийлиги тамойиллари жисмоний тарбияни инсон камолоти билан шуғулланувчи илм-фан соҳасига айлантирган. “Жисмоний тарбия мазмунига кўра, кенг маънодаги “тарбия” деб номланадиган умумий педагогик тушунча таркибига киради ва тарбия жараёнидаги тарбиявий, билим (таълим) бериш, вазифаларини мутахассис педагогнинг йўналтирувчи хизмати асосида таълим тамойилларига мувофиқ ёки ўзини ўзи тарбиялаш тартибида амалга оширилади. Шунинг учун жисмоний тарбия инсон организмини морфологияси ва хизмати жиҳатидан такомиллаштириш, унинг ҳаёти учун муҳим бўлган асосий ҳаётий-зарурий ҳаракат малакалари, кўникмалари, улар билан боғлиқ бўлган назарий билим ва амалий малакаларни шакллантириш, ҳамда ҳаракат сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган кўп йиллик педагогик жараёндир”[201]. Мазкур фаннинг икки хусусий томони мавжуд, яъни ҳаракат (ҳаракат фаолияти)га ўқитиш ва жисмоний (ҳаракат) сифатларини тарбиялаш[202]. “Ҳозирги кунга келиб, инсоннинг меҳнат фаолияти ёки онгли равишда ўзи ихтиёрий равишда бажарадиган ҳаракатлари (мукшаклари фаолияти)дан биологик қувват юзага келиши ва бу қувват фақат мушаклар иши, фаолияти учунгина сарфланмай (олдин, фақат мушаклар фаолияти учун ишлатилади, деган назария мавжуд бўлган), ички аъзоларимизнинг фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши М.Р.Магендовичнинг “мотор висцериал рефлекслари” назарияси орқали исботланди[203]. Демак, жисмоний маданият жисмоний тарбия ва унга тааллуқли назарияни, фанни ўз ичига олган тарзда инсонда жисмоний ҳаракатлар билимини, фалсафасини шакллантиради. Жисмоний маданият ва машқлар билан шуғулланадиган инсон, ҳар бир шахс маълум бир кўрсаткичларга эришишни назарда тутади. Бу кўрсаткичлар аввало организмнинг чаққонлиги, эгилувчанлиги, юк кўтара олиши, ташқи таъсирларга чидаши ва адаптацияси, ички куч қувватларини сафарбар этиши, бақувватлиги кабиларда намоён бўлади. Жисмоний тарбия ва методика

[201] Абдуллаев А. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси. 1 жилд. - Тошкент:Ilmiy texnika axboroti press nashriyoti, 2018. 20 б.
[202] Ўша жойда
[203] Қаранг: Ўша асар. 21 б.; Евсеев Ю.И. Физическая культура. Учебное пособие. 5 е изд.- Ростов на Дону, Феникс, 2008

фанида махсус ўлчовлар ҳам бор. Масалан, антропометрия ана шундай мезонлардан бири ҳисобланади.

Бир қатор давлатларда эса умумий жисмоний тайёргарлик (УЖТ) меъёрлари ҳам ишлаб чиқилган. УЖТ жараёнида асосан қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

1) инсон организмининг ҳар томонлама жисмоний ривожланишига таъсир этиш билан чидамлилик, куч, тезлик, чаққонлик ва мушакларга эластиклик ва бўғинлар ҳаракатчанлигидек сифатларини тарбиялаш билан жамият аъзосини умри давомида, ёши учун мос даражадаги ҳаракат фаоллиги тонусини ушлашнинг қулай базасини яратиш;

2) саломатликни мустаҳкамлаш, организмни ташқи муҳитнинг зарарли омилларига қарши тура олиш жиҳатини кучайтириш;

3) ўқув ва меҳнат фаолияти давомида иш қобилияти пасайган ҳолатларда фаол ҳордиқ чиқариб, организм қувватини тиклаш учун шароит яратиш;

4) қўшимча ёки кутилмаганда юзага келадиган қийинчиликларни енгиш учун ирода кучини мустаҳкамлаш ва бошқалар[204]. Мазкур кўрсаткичларга эришиш жамиятнинг умумижтимоий саломатлик талабларига мувофиқ келади. Инсон уларни ихтиёрий тарзда ўз машқларига киритади, чаққонлик ва саломатлик қоидаларини асосий мезонга айлантиради. Ижтимоий фаолият, жамият учун зарур хатти-ҳаракатлар тизими инсон организмидан кенг, ижтимоий-фалсафий маънодаги чаққонликни талаб қилади. Меҳнат ресурсларини ташкил этувчи шахс, инсон жисмоний маданиятга ҳам шу нуқтаи назардан, умумижтимоий тараққиёт эҳтиёжига мувофиқ ёндашади. “Мен” ва “биз” уйғунлашиб саломатлик феноменини шакллантиради, яъни инсон ўз “мен”ини зарур фаоллик даражасида тутиб туриш учун зарур жисмоний машқларни бажаради ва шу тариқа ўзининг хатти-ҳаракатларини тараққиёт эҳтиёжига мувофиқ тизим сифатида идрок этади. Ҳа, жисмоний машқлар жараёнида инсон хатти-ҳаракатларини умумижтимоий тараққиёт эҳтиёжи экани ҳақида фикр юритиб, ўйлаб ўтирмайди, унинг учун жисмоний машқларнинг ўзи муҳим. Мушакларида тўпланган куч, қувват уни шод қилади, бу табиий ҳол, бироқ ушбу мушаклар оиласи, яқинлари, ватани ҳимояси, обрўси, шарафи учун ҳам зарур эканини кейинроқ англайди. Жисмоний маданиятнинг рационал ташкил этилган махсус машқлар тизими экани инсон олдига:

1) ўзининг жисмоний имкониятларини аниқ билиш ва шу асосда хатти-ҳаракатлар, машқлар динамикасини бошқариш;

[204] Ўша асар. 25-26 б.

2) ўзини, организмини махсус машқларга тайёрлаш, чиниқтириш ва уларни бажариш вазифасини қўяди.

Махсус машқлар жисмоний маданиятнинг асосини ташкил этади. Ҳатто дам олиш ва психологик чарчоқни тарқатиш, фаолият турини алмаштириш учун ўтказиладиган машқларда ҳам махсус машқлар билан боғлиқдир. Тўғри, бу машқлар доим ҳам жисмоний етукликка ёки рекордларга олиб боравермаслиги мумкин. Бироқ улар, махсус машқлар сифатида, кишида маълум бир махсус сифатларни (билаклар ва кўкрак қафасларни кенгайтиради, оёқларини чаққон, тез чопадиган қилади, турникда осилишда ва айланишда моҳир қилади) шакллантиради. Демак, махсус машқлар инсон атропометриясида жисмоний етуклик белгиларини шакллантириши билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам жисмоний маданият билан мунтазам шуғулланган киши билан бундай машқлардан узоқ киши тез фарқланади, улар ўртасида жисмоний етуклик, гўзал қомат, бақувват мушак, чаққонлик каби сифатларда антропологияга оид белгилар дарров кўзга ташланади. Бу белгилар, мутахассисларнинг таъкидлашича, жисмоний маданиятнинг инсон организмига қуйидагича таъсир этишида намоён бўлади:

- юрак қон томир функцияси фаоллашади;
- нафас олиш яхшиланади;
- суяклар мустаҳкамланиб, мускуллар кучли бўлади, бўғинларнинг ҳаракатчанлиги ортади;
- овқатнинг яхши ҳазм бўлиши таъминланади;
- айириш органларининг фаолияти яхшиланади;
- асаб тизими мустаҳкамланади.

Булар эса марказий нерв тизимида бўладиган қўзғолиш ҳодисаларининг мувозанатини бир меъёрда сақлашда катта аҳамиятга эга; инсон психологиясига ижобий таъсир кўрсатади; қадди-қоматнинг тўғри шаклланишига ёрдам беради ва ҳакозолар. Шунинг учун ҳам жисмоний маданият, алоҳида феномен сифатида, инсоннинг бутун ҳаётида, филогенетик ва психофизиологик шаклланишида, ундаги жисмоний қувват ва фаолликнинг керакли меъёрда, даражада намоён бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Агар жамиятга соғлом инсон ва авлод керак бўлса, ижтимоий ҳаётни ва борлиқни рационал ташкил этишга қодир онгли инсон керак бўлса, у аввало субъектларининг жисмоний маданиятини шакллантириш ҳақида қайғуради. Бу шунчаки ўткинчи мулоҳаза ёки фикрлар эмас, у инсон мавжудлигининг ва этнос тараққиётининг бош муаммосидир. Шу боис ҳам жисмоний маданиятни шакллантириш аввало фалсафий антропологик аҳамиятга эга мавзу ҳисобланади.

**Фойдаланилган Адабиётлар**

1. Абдуллаев А. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси. 1 жилд. – Тош.: Ilmiy texnika axboroti press nashriyoti, 2018. 20 б.
2. Евсеев Ю.И. Физическая культура. Учебное пособие. 5 е изд.- Ростов на Дону, Феникс, 2008. 56 с.
3. Морфология человека. Под ред. Б.А.Никитюк и В.П.Чтецова. Учебное пособие. 2 е изд. - Москва: МГУ, 1990;

## ЁШЛАР ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

***Урганч давлат университети тадқиқотчиси,***
***Саидназаров Улуғбек Ахмеджанович***

Янги Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпини, яъни 64 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу ижтимоий тараққиётимизнинг кафолати ва энг муҳим захирасидир. Шунинг учун ҳам жисмоний маданият ва тарбия асосан ёшларга, уларда саломатлик ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган. Ўзининг филогенетик ва физиологик ривожланиш хусусиятларига кўра ёшлар жисмоний машқларга, ўз кучини ва чаққонлигини синаб кўришга, спорт билан шуғулланишга мойил ижтимоий демографик қатламдир. Филогенетик ва физиологик ривожланиш организмдан ён-атрофга фаол муносабатда бўлишни, серҳаракатчанликни, табиат билан мусобақалашиб, ҳатто рақобатлашиб яшашга ундайди. Табиат инсоннинг филогенетик ва физиологик ривожланиши учун барча зарур шароитларни яратавермайди, бундай шарт-шароитларни инсоннинг ўзи яратиши, уларни ўзининг эҳтиёжларига бўйсундириши керак. Жисмоний маданият, айниқса спорт ана шундай шарт-шароитлардан биридир.

Спорт ёшларнинг ватанпарвар ва интеллектуал фаол шахслар бўлиб етишишига ёрдам беради. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ёшларга қарата дейди: “Ёш авлод онгини салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, адашганларни тўғри йўлга қайтариш ўзини ватанпарвар деб ҳисоблайдиган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, айниқса ёшларнинг асосий бурчи бўлиб қолиши шарт”[205]. Ватанпарварлик этноанъаналар ва ибратли тажрибалар таъсири маҳсули ҳисобланади. Шахс ўзидан ўзи ватанпарвар бўлиб дунёга келмайди, ҳатто у ўзини онгли мавжудот эканини сезганида ҳам “ватан”, “эл”, “юрт”, “халқ” деган юксак сўзларнинг асл моҳиятига етавермайди. Шунчаки яшаш,

[205] “Азму шижоатли ёшларимиз билан биргаликда Янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар кунига бағишланган танатали маросимдаги маърузаси // “Янги Ўзбекистон”, 2021, 1 июль

меҳнат қилиш ёки оилани тебратиш ҳам ватанпарварликка кирмайди. Ватанпарварлик инсоннинг маълум бир этномаконда, маълум бир этноанъаналар ва юртни севиш, ардоқлаш этнотажрибалари мавжуд муҳитда шаклланадиган туйғусидир. Кучли, бақувват, чаққон шахс гоҳо эгоистик майлларга берилиши мумкин, уни ватанпарвар дейиш қийин. Ватанпарвар ватани равнақи ва юрти тинчлигини ўйлаш, бу борада меҳнат қилиш, жисмоний ва ақлий кучларини сарфлаш демакдир. Ватанпарвар керак бўлса, ўзининг ҳузур-ҳаловатидан кечиб, халқи учун фидоийлик кўрсатиш, ватанининг гуллаб яшнаши учун альтруистик хатти-ҳаракатларга тайёр шахсдир. Ватанпарварлик туйғуси алоҳида ижтимоий-тарбиявий усуллар ва маърифий-тарғибий тадбирлар билан шакллантирилади. Замонавий ҳаёт шундайки, у шахсдан амалда ватанпарвар бўлишни талаб этади, шиорлар, қасамлар ва даъватлар тез ўзгариш хусусиятига эга. Жисмоний маданиятнинг алоҳида феноменлиги ватанпарварлик деган алоҳида феноменда юксак чўққига чиқади. Улар иккиси бирлашиб, уйғунлашиб бетакрор, буюк ва муқаддас воқеликни ҳосил қилади.

Жисмоний тайёргарлик ватан ҳимоячиларининг бурчи экани ҳақида Президентимиз ёшларга қарата қилган юқоридаги маърузасида дейди: "Ҳозирги вақтда миллий армиямиз, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, чегара қўшинларида хизмат қилаётган ҳарбийларимиз чинакам Ватан ўғлонлари, жасур аждодларимизнинг муносиб давомчилари эканини амалда исботламоқда. Буюк саркардаларимизнинг жанг санъати, ҳарбий соҳадаги билим ва тажрибаси, энг муҳими, ватанпарварлик фазилатлари ҳар бир юртимиз ўғлони учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилиши керак. Уларнинг жанговар анъаналарини бугун ким давом эттиради? Сизлар, сизлар каби миллионлаб фарзандларимиз, албатта"[206].

Президентимиз ушбу маърузасида уюшмаган ёшлар масаласига беҳуда урғу бермайди. Уюшмаган ёшлар бирор ижтимоий ҳаракат тарафдори бўлмайди, бирор ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида қатнашишни, эл, юрт манфаатларига хизмат қилишни ёқтирмайди. Улар кўча стихиясига берилган ёшлардир. Кўча қадриятларини қўллаб-қувватлашга мойил, кўчадаги нормаларни, девиант хулқ атворни ўзлаштирган ёшлар ҳисобланади. Уларнинг тарбиячиси ўз майллари ва хоҳишларини ҳар нарсадан устун, юқори қўювчи, ўрни келганида ушбу майл ва ҳоҳишларини қондириш учун ғайриахлоқий ва ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этишга тайёр кўчадир. Тасодифий инстинктлари билан бошқа, ўзгача фикрловчи ва

[206] "Азму шижоатли ёшларимиз билан биргаликда Янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз". Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар кунига бағишланган танатали маросимдаги маърузаси // "Янги Ўзбекистон", 2021, 1 июль

турмуш тарзига эга тенгқурларини мазах, ҳақорат ва шаънига тегувчи жаргонлар ишлатиб, уларни ўзига бўйсундириш улар учун нормал ҳол ҳисобланади. Уюшмаган ёшларда юксак ҳаётий принцип ва ҳаётий олийжаноб идеал йўқ. Ватанга хизмат қилиш эса фахрли принцип, гўзал инсоний идеалдир. “Ёшлар, - дейди Президентимиз Ш.М.Мирзиёев, - айниқса, уюшмаган ёшларнинг муаммоларини ўрганиб, ҳал қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва спортга жалб этиш масалаларига устувор аҳамият қаратишимиз зарур. Шу мақсадда Мудофаа вазирлиги ҳузурида “Ватан ўғлони” болалар ва ўсмирлар ҳарбий ватанпарварлик ҳаракатини ташкил этиш ҳақидаги ташаббусни қўллаб-қувватлайман. Ҳаракатнинг ҳар бир мактабда тузиладиган отрядлари жами 200 мингдан ортиқ ўқувчиларни қамраб олиб, уларни тарбиялашда асосий кучга айланиши керак. Мудофаа ва Халқ таълими вазирликлари вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан бирга, ушбу тизимни самарали йўлга қўйишга масъул бўлади”.

Президентимиз “халқчил спорт тизими” деган иборани истеъмолга киритди. Бу билан у спортнинг оммавий тури мавжудлигини эътироф этди. Илгари бу жисмоний маданият тури “ҳаваскорлик спорти” дейиларди. Кейинги пайтларда бу ибора ишлатилмайдиган бўлди, унинг ўрнига “оммавий спорт”, мана, энди “халқчил спорт тизими” деган иборалар таклиф этилаяпти. Гап бу ерда ибораларда эмас, машғулотнинг фалсафий антропологик моҳиятидадир. Бу иккала иборалар, тушунчалар ҳам инсоннинг саломатлигини оширишга хизмат қиладиган жисмоний машқларни, фаолият турларини назарда тутади. Оммавий спорт профессионал спортдан фарқлаш учун ишлатилган, ҳақиқатан ҳам, оммавий спортнинг шахсга, машқ қилувчиларга ўз талаблари бор.

# 5-шўъба. Ўзбекистон Республикаси стратегик сиёсатининг маънавий қиёфаси. Дунё ва биз.

## МУТААССИБЛИК АСР ВАБОСИ.

***Ў.Т.Нормуротов***
***Денов тадбиркорлик ва педагогика институтининг Ёшлар орасида маънавий муҳитни яхшилаш бўйича ректор маслаҳатичиси.***

**Аннотация**

Все мы знаем, что наш шариат всегда был против религиозного фанатизма и глубокой преданности религии. Эти ереси религии решительно осуждаются в стихах Корана и хадисах, которые являются первоисточниками нашей священной религии. Так как, эти два зла нанесли неописуемый вред нашей религии под разными именами в разное время, и это происходит до сих пор под разными звучными именами и лозунгами. Так что же такое религиозный фанатизм, глубокий отход от религии? Каково отношение нашей религии к этим двум порокам? Фанатизм – это лексическое значение одержимости определенным верованием или мировоззрением, настаивание на собственном мнении, игнорирование мнения других, отрицание и признание себя всегда правым. В наши дни тоже это называются «фанатизмом». Фанатик слепо пытается претворить свое мнение в жизнь, полагая, что его мнение правильное, а мнение других — неправильное, придерживаясь приемлемого для него мнения, будь то правильное или неправильное. Преданность религии означает «углубиться в религию, дойти до крайностей в совершении религиозных обрядов и молитв, свернуть на неверный путь, как на путь правильный».

**Ключевые слова.**

Фанатизм – это лексическое значение одержимости определенным верованием или мировоззрением, настаивания на собственном мнении, игнорирования мнения других, отрицания и всегда признания себя правым. Преданность религии означает «углубиться в религию, дойти до крайностей в совершении религиозных обрядов и молитв, обратиться на неверный путь как на путь правильный.

**Annotation**

We all know that our Sharia has always been against religious fanaticism and deep devotion to religion. These heresies of religion are strongly condemned in the Qur'anic verses and Hadiths, which are the primary sources of our sacred religion.

Because these two evils caused indescribable harm to our religion under different names at different times, and this is still happening under different sonorous names and slogans. So what is religious fanaticism, a deep departure from religion? What is the relation of our religion to these two vices? Fanaticism is the lexical meaning of obsession with a certain belief or worldview, insisting on one's own opinion, ignoring the opinions of others, denying and admitting oneself is always right. These days, too, this is called "fanaticism." The fanatic blindly tries to put his opinion into practice, believing that his opinion is right and the opinion of others is wrong, sticking to the opinion that is acceptable to him, whether it is right or wrong. Devotion to religion means "deepening into religion, going to extremes in performing religious rites and prayers, turning to the wrong path as the right path."

**Keywords.**

Fanaticism is the lexical meaning of obsession with a certain belief or worldview, insisting on one's own opinion, ignoring the opinions of others, denying and always admitting oneself is right. Devotion to religion means “to go deep into religion, to go to extremes in performing religious rites and prayers, to turn to the wrong path as the right path.

Ислом дини мусулмонлар ҳаётининг ҳар бир жабҳасини ўзида мужассам этган, ҳар замонга мос эзгуликка асосланган бағрикенг, мўътадил диндир. Ислом фақат диний аҳкомлардан иборат бўлган дин эмас, балки у жамият маънавияти ва маърифатини шакллантирувчи ҳамда камолга етказувчи ва унинг ижтимоий-сиёсий, руҳий-маънавий талабларини қондирувчи диндир. Аммо, исломий арконларнинг ижроси баробарида инсон диний илмсизлик сабабли кўплаб муаммоларга дуч бўлиши табиий ҳолдир. Мана шу муаммолардан бири мутаассиблик ва динда чукур кетишдир.

Ҳаммамизга маълумки, шариатимиз диний мутаассибликка ва динга чуқур берилишга доим қарши бўлган. Муқаддас динимизнинг асл манбалари бўлган Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифда диндаги бу бидъатлар қаттиқ қораланган. Чунки, бу икки иллат турли замонларда турли номлар остида динимизга тасвирлаб бериб булмас даражада зарар етказиб, бу ҳол ҳозирда ҳам ҳар хил жарангдор номлар ва шиорлар остида давом етмоқда.

Хўш, диний мутаассиблик, динда чуқур кетиш нима? Мазкур икки иллатга динимизнинг муносабати кандай?

Мутаассиблик – унинг луғавий маъноси бирон эътиқодга ёки дунёқарашга ўта берилганлик, ўз фикрида қатий туриб олиб, бошқаларнинг фикрини инобатга олмаслик ҳамда инкор қилиш ва ҳамиша ўзини ҳак деб билишликдир. Ҳозирги вақтда бу «фанатизм» ҳам дейилади. Мутаассиб (фанат) киши кўр-кўрона хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри бўлсин ўзига маъқўл бўлган бир фикрда маҳкам туриб, ўзини фикрини ҳақ, бошқаларнинг фикрини ноҳақ деб эътиқод қилган ҳолда ўз фикрини амалда кўрсатишга ҳаракат қилади.

Динга ғъулу кетиш – «динга чуқур кетиш, диний арконлар ва ибодатларни бажаришда ҳаддидан ошиш, тўғри йўл деб нотўғри йўлга бурилиш» маъноларини англатади.
Ойша онамиз (р.а.)дан ривоят қилинган қуйидаги ҳадис бунинг далилидир: «Бани Асад қабиласига мансуб бир аёл ҳузурида ўтирган эди. Шу пайт Расулуллоҳ (с.а.в.) уйга кириб келиб: «Бу аёл ким», деб сўрадилар. «Бу – уша, кечаси ухламай намоз ўқиб чиқадиган аёл», дедим. Сўнг, мазкур аёлнинг қанақа намоз ўқиши ҳақида сўзлашдик. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бундай қилманглар, солиҳ амалларни қурбингиз етганича адо этинглар, қанча ибодат қилсангиз ҳам Аллоҳ таолога малол келмайдию, бироқ ўзингизга малол келиб қолмасин!» дедилар.
Ҳадисдан маълум бўладики, ҳар бир инсонга динга чуқур кетиб, ёхуд мутассибона бирорта фарз қилинмаган амални ўзига вожиб қилиб олиб, сўнг бажаролмайдиган ҳолатга тушиб қолгандан кўра динга ўртачалик, яъни васатийлик йўлини танлаб солиҳ амалларда мудом бўлиши яхшироқ экан.
Пайғамбаримиз (с.а.в.) мазкур ҳадисларида динда чуқур кетишнинг оқибати яхши бўлмаслигини маълум қилиб, ибодатга оид амаллардан тоқат етадиганини олишга буюрдилар. Исломнинг асосини ташкил қилган амаллар бандаларнинг тоқатидан келиб чиқан ҳолда фарз қилинган, яъни мутадиллик ва бағрикенгликка асосланган диндир. «Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. Ҳар кимнинг қилган яхши амали ўзи учундир ва ёмон амали ҳам ўзининг бўйнигадир….» Мазкур оятда Аллоҳ таоло инсонларни ибодатдан қурби етмайдиган нарсага буюрмаганлигини хабар қилмоқда. Ҳатто шариат ҳукмларининг умумий қоидаларини бажаришга тоқати-қурби етмайдиган кишилар учун баъзи амалларнинг бажарилишида динимизда истиснолар ҳам мавжудки, динда чуҳур кетган, мутаассиб кишилар шариатда берилган бундай енгилликларни тан олмайдилар ва алалоқибат кечирилмайдиган гуноҳи кабиралардан бири – кибрга, яъни ўз ибодатлари билан мағрурланиш ҳиссига мубтало бўладилар.
Ислом динини ғаразли мақсадлар йўлида, фойдаланишни кўзлаб динимизга «фундаментализм», «экстремизм» ва «терроризм» каби ножоиз ибораларни ишлатиб ислом динининг асл моҳиятини нотўғри талқин килаётган кишилар ҳар қандай ном остида муқадддас динимизни номига доғ тушириб турли ҳил кўринишдаги террорчилик ҳаракатларини олиб бораётган ташкилотлар фаолиятини юритиб келаётган жиноятчиларнинг ғояларини қўллаб-қувватлаб келаётган ёшлар ҳам аниқланмоқда.
Хусусан, ислом динида ман қилинган зулм ва зўравонлик, кишининг ибодат сабабли ўз жисмига зулм қилиши, эътиқод ва ибодатда мутаассибона йўлни танлаб динда чуқур кетиш, жиноятларнинг ҳар қандай ҳолати ва кўринишлари ҳам, гарчи у Ислом дини номидан содир бўлаётган бўлсада Ислом ақидаси ва таълимотига мутлақо қарама-қаршидир. Жумладан, Пайғамбаримиз с.а.в. шундай деганлар: «Дин арконларини енгил қилиб кўрсатинглар, оғир қилиб кўрсатманглар ва диндаги яхши, хушхабар нарсаларни айтинглар, диндан нафратлантириб қуйманглар», деб мархамат қилганлар.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев, жонажон юртимизда яшаб келаётган ҳар бир ватан фарзанди юртимизда фаровонлик ва осойишталикни қарор топтириш йўлида бузғунчилик ғояларига қарши ўзининг билими, ҳунари ва ақли билан кўрашмоғи даркор деб таъкидлаб келадилар. Зеро, ҳозирги кунда экстремистик гуруҳ етакчилари томонидан олиб борилаётган ижтимоий тармоқлардаги даъватларига назар солсак ҳижоб ўраб юрмасанг дузахи бўлиб қоласан деб айтаётган биргина чақириғига нисбатан аҳолида қўрқув ва ваҳима ўйғонмокда ҳамда бунга эркак кишиларни масъул қилиб қўйишмокда.
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси бошлиғи Нуримон Абулҳасаннинг таълим муассасаларида рўмол ўраб юришга рухсат берилмаслиги юзасидан шундай “Агар биз таълим муассасаларида диний атрибуталарни тақиш. Ўраб юриш ёки уларни намоён қилишга рухсат берадиган бўлсак, бу фақатгина соқол билан рўмол бўлмайди. Довуд аллайҳиссаломнинг юлдузлари пайдо бўлади. Исо алайҳиссаломнинг хочлари пайдо бўлади” дея таъкидлайди.

Тасаввур қилинг таълим муассасаларида ўсмир йигитлар соқол қўйишса ва бошқа атрибутларни ҳам намоён қилса, кейин эса ўша 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг ҳам ўз динларини намоён қилиш ҳолатлари юзага келавериш иллатига рози бўлишадими? Агар рози бўлишса, у қандай шаклда бўлади?

Бинобарин ҳар бир воқейликнинг ўз унсурлари бўлгани каби, жамиятимиздаги бу каби диний билимсизликнинг ҳам ўзига хос муаммо ва таъсирлари бугунги кунда ёшларимиз онгига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Жумладан, динда мутаасибона ҳаракат, динга чуқур кетиш, ҳаддан ошиш, Қуръон ва Суннатда келган таълимотларга зид равишда ўз фикрига эргашишни қаттиқ қоралайди.

Ҳозирги кунда таълим муассасаларида талаба, ўқувчи-ёшларнинг билиб, билмасдан диний либосларни кейиши ва соқол қўйиб юришлари таълим берувчининг эмас балки, ота-оналарининг ҳам катта масъулияти мавжуддир.

Ваҳоланки, **“Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”** деб таъкидлаган собиқ Президентимиз И.Каримов.

Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз. Чиндан ҳам, бу заминда истиқомат қиладиган одамларнинг тарқоқ бўлиб яшашга имкони йўқ, табиатнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи уларни шу руҳда тарбиялаган. Турмуш ва тафаккур тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган мана шундай азалий тушунчалар минтақамизда яшаб ўтган улуғ алломалар, мутафаккир зотларнинг қолдирган бебаҳо меросида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Мисол учун, Алишер Навоий бобомиз бўладими, Рудакий, Абай,

Махтумқули ёки Тўқтағул каби улуғ зотлар бўладими, уларнинг барчаси ўз ижоди билан нафақат икки дарё оралиғидаги халқларни, балки бутун башарият фарзандларини доимо меҳр-оқибатли, дўст-биродар бўлиб яшашга даъват этгани бежиз эмас, албатта.

Ота-боболаримиз неча асрлар мобайнида шу бепоён минтақада қандай ҳамжиҳат бўлиб, қандай қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун ҳам, таъбир жоиз бўлса, тарих ва ҳаёт гардиши, табиатнинг ўзи бизни-бутун Ўрта Осиё халқларини айнан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечиришга даъват этмоқда.

Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин.

Марҳум Президентимиз И.Каримовнинг яна бир сўзлари **“Бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади”** деган эди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан кураша олиши мумкин.

## ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ҚОНУНЛАРИ ВА УЛАРНИ АНГЛАШ ЗАРУРИЯТИ

***Ҳакимов Акмалжон Мирзаганиевич***
***Фарғона политехника институти***

***Аннотация:****Ушбу мақолада жамият* тараққиёти қонунлари, *тараққиёт босқичлари, ривожланиши, унинг ўрганишнинг асосий методлари ҳақида маълумотлар баён этилган.*

***Калит сўзлар****: жамият, фалсафа, социология, политология, ривожланиш,тараққиёт, гносеологик таҳлил.*

***Аннотация:*** В данной статье описаны закономерности развития общества, этапы развития, основные методы их изучения.

***Ключевые слова:*** *общество, философия, социология, политология, развитие, прогресс, эпистемологический анализ.*

***Annotation:*** This article describes the patterns of development of society, stages of development, the main methods of their study

***Key words:*** *society, philosophy, sociology, political science, development, progress, epistemological analysis.*

Жамият жуда мураккаб организм бўлиб, унга хос бўлган энг муҳим хусусиятлардан бири доимий равишда ривожланиш ва тараққиёт жараёнини бошдан кечириши билан изоҳланади. Мавжуд адабиётларда, хусусан, соҳага оид тушунчалар луғатларида “ривожланиш” тушунчасининг маъноси “табиат ва жамиятдаги қонунли ўзгариш; бир сифат ҳолатидан бошқасига, эскидан янгига ўтиш. Ривожланиш натижасида объектнинг таркиби ёки структурасининг янги сифат ҳолати вужудга келади. Ривожланиш табиат, жамият ва билиш тарихини тушунтиришнинг умумий тамойилидир”, [1;322] дея изоҳланади. Ушбу изоҳдан маълум бўладики, ривожланиш табиат, жамият ва билиш жараёнларига тааллуқли воқелик сифатида сифат ёки сон ўзгаришларини ифода этадиган тушунчадир. Шу билан бирга мазкур манбада ривожланишнинг икки шакли мавжудлиги ҳам қайд этилади: “объектнинг секин аста содир бўлувчи миқдор ўзгаришлари билан боғлиқ эволюцион ривожланиш ва объект тузилмасидаги сифат ўзгаришларидан иборат инқилобий ривожланиш. Эволюцион ривожланиш жамиятда бир тизимнинг аста - секин, кескин портлашларсиз бир сифатий асосдан иккинчи сифатий асосга ўтишини, инқилобий ривожланиш эса кескин портлаш йўли билан бир сифатий асосдан иккинчи сифатий асосга ўтишини билдиради” [1;323].

Аслида ривожланиш ва тараққиёт жараёнларини англашга қизиқиш инсониятнинг узоқ ўтмиши, яъни антик даврлардан бошлабоқ муайян тоифадаги кишиларнинг эътиборини тортганлиги тафаккур тарихидан яққол кўриш мумкин. Масалан, Платон ва Аристотель асарларида “ривожланиш” ва “тараққиёт” алоҳида воқелик ёки фалсафий тушунчалар сифатида қаралмаса-да, бироқ бу жараёнларнинг воқеилик сифатидаги моҳияти уларнинг назаридан четда қолмаганлигини кўрамиз. Жумладан, уларнинг фаолият, эзгулик, интилиш, ҳаракат, сабаб, оқибат каби жараёнлар ҳақида билдирган фикрларини ўрганиш муаммога оид фалсафий хулосаларга келиш имконини беришини таъкидлашимиз мумкин. Бироқ улар умумфалсафий ва умумвоқеиликларга оид талқинлар бўлиб, уларни ҳар қандай ўзгаришга, ҳаракатга, яъни жамиятдан ташқари бўлган жараёнларга ҳам тадбиқ этиш мумкин. Антик давр мутафаккирлари назарида ушбу жараёнлар гоҳ ошкора, гоҳ яширин тарзда кечади, инсон ақлу идроки эса номаълум, яширин воқеиликларни, табиат ва жамият қонунларини излаб топиши билан қудратлидир.

Масалага ана шу тарздаги турлича ёндашувлар тарихини ўрганиш шуни ҳам кўрсатадики, жамият тараққиёти ҳақида турлича талқинлар аввало тадқиқотчиларнинг илмий-назарий концепциялари, қизиқишлари ва

ижтимоий борлиқни англаш имкониятлари билан боғлиқлиги ҳақидаги фикрлар юритилганлигидан дарак беради.

Инсоннинг онгли мавжудот эканлигини англаш, ён-атрофига назар ташлайдиган, унда кечадиган ҳодисаларга асос қидирадиган бўлганлиги ва бефарқ бўла олмаслиги феноменининг шаклланиши инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатида ана шу ён-атрофни англаши билан боғлиқ воқеилик эканлиги ҳақида ҳам сўз юритиш имконини беради. Кишилик жамиятига хос бўлган бундай мавжуд бўлиш ва ривожланиш жиҳатлари аввало жамиятнинг имманент (ўзгармас) қонунларида акс этади. Масалага бундай ёндашувларни таҳлил қилиш жамият тараққиётининг имманент қонунлари ҳақида турли фикрлар ва ёндашувлар мавжудлигини тасдиқлайди.

Бунда баъзи мутахассислар собиқ иттифоқ тузумининг емирилиши ва бутунлай парчаланишидан кейинги жараёнларга тадбиқан тўрт гуруҳга ажратишиб кўрсатишади. Жумладан, табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиш қонунларини биринчи гуруҳга киритганлар ва уларни “умумпланетар қонунлар” деб аташган [2;32]. Бу қонунларни изоҳлашда, улар моҳиятига кўра, жамият тараққиётини биосфера ва ноосфера билан боғлиқ тарзда қарашни ифода этиши нуқтаи назаридан ёндашишган. Жамият табиатнинг ажралмас қисми, у ижтимоий хусусиятлари билан ажралиб турса-да, ўзи учун зарур бўлган барча неъматларни, мавжудлик ва ривожланиши учун зарурий моддаларни аслида табиатдан олади. Моддий оламнинг бирламчилиги, ижтимоий онг ва жамиятнинг ривожланиши ана шу табиат инъомлари туфайлидир.

Бутун инсоният ва давлатчилик пайдо бўлганидан бошлаб, ҳозиргача амал қилиб келаётган қонунлар эса иккинчи гуруҳга киритилган ва улар “умуминсоний қонунлар” деб аталган. Бундай гуруҳга мансуб қонунларга "ижтимоий эҳтиёжлар билан ижтимоий манфаатларнинг ўзаро уйғунлиги қонуни, жамият моддий ҳаёти билан маънавий ҳаётининг мувофиқлиги, маънавиятнинг фаоллиги, моддий бойликларни яратиш ҳамда уларни истеъмол қилишнинг бир- бирига мутаносиблиги каби қонунлар киради".

Кўриниб турибдики, бу ўринда асосий эътибор ижтимоий қонунларга, жамият ҳаётини ва ривожланишини белгилаб берувчи жиҳатларга қаратилган. Ваҳоланки, жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари умуминсоний қонунлар гуруҳига киради. Бинобарин, ижтимоий қонунлар умуминсоний характерга эга бўлиб, улар кишиларнинг талаб ва эҳтиёжлари тизимида алоҳида ўрин эгаллайди.

Учинчи гуруҳ қонунларга эса “инсониятнинг тарихий тажрибаси давомида кўпгина халқлар, миллатлар ҳаётида ўхшаш шарт шароитда айнан бир хилда амал қилган ва қилаётган қонунлар киради”, деб қаралган ва улар

“умумий қонунлар” туркумини ташкил қилиши таъкидланган[2;33]. Мисол тариқасида бозор иқтисодиёти, талаб ва таклиф, рақобат, инфиляция қонунлари ана шу гуруҳдаги қонунлар эканлиги уқтирилган.

Тўртинчи гуруҳни “жузъий қонунлар” ташкил этиши таъкидланган ва ушбу ўринда “Муайян жамият ривожланишининг аниқ бир босқичлари, ҳолати тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун умуминсоний ва умумий қонунларни билишнинг ўзи етарли эмас, чунки муайян бир жамиятни, ундаги ҳодиса ва жараёнларнинг мазмун моҳиятини билиш аввало, жузъий қонунларни билишни тақозо этади”, дея алоҳида урғу берилган[2;33].

Жамият тараққиёти қонунларини таҳлил қилиш энг аввало уларда инсон манфаатлари устиворлиги акс этганлигини кўрсатади. Шундай экан, жамият тараққиёти билан инсоний манфаатлар ўртасидаги диалектик боғлиқликни англаш, илмий билиш ва изоҳлаш ҳар бир давр ва босқичда турлича бўлган бўлса-да, жуда муҳим аҳамият касб этган. Фақат бунда инсон билимларининг чекланганлиги жамият ҳаёти ва тараққиётини, унинг ички зиддиятлари ва тўқнашувларини, пировардида эса ривожланиш қонунларини объектив билишга, очиб беришга имкон беравермаган. Баъзи ҳолларда жамиятнинг объективлик билан бирга субъективликнинг бирлигидан иборат ҳодиса эканлиги “ўз кучини кўрсатган”, яъни айрим субъектив мотивлар ҳам бунга халақит қилган ҳолда имкон бермаган. Аммо О.Конт ҳақли равишда назарда тутганидек, “позитив билим” қанчалик объектив, рационал бўлмасин, улар ҳам чекланганлигини ҳеч қачон эсдан чиқариб бўлмайди. Шундай экан, айрим ҳолларда инсон ўй-хаёли, орзу-ниятларини кенгайтирувчи гносеологик хусусиятлардан ҳам рационал фойдаланиш, жамият тараққиётини башорат қилишга ёрдам берувчи баъзи фаразларга ҳам таяниш мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида жамият тараққиётининг қонунлари ҳақидаги қарашларни фақат рационал билимлардангина иборат деб, уларни мутлоқлаштириш ўринли эмаслигини кўрсатади. Зеро, ҳар қандай назарий фалсафий қараш, субъектив воқеилик сифатида, объектдан узоқлашган, ўй, хаёлда шаклланган, гоҳо эса рационалга зид фараз бўлиши ҳам табиий ҳолдир. Бу эса билиш объекти жамият ва унинг тараққиёти бўлган ижтимоий билиш учун ҳам тегишлидир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004.
2. Қаранг: Хайдаров Х. Ислоҳотлар қонунияти. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

# МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ШАРОИТИДА ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ

***Хусан АБДУНИЯЗОВ Нуриллаевич,***
***ЖДПИ магистранти.***
***Илмий раҳбар: Акбар САИТҚОСИМОВ Исаханович,***
***фалсафа фанлари доктори, профессор.***

**Аннатация:** Ушбу мақолада миллий юксалиш шароитида инсон манфаатларини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг рўли ҳақида сўз боради. Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш борасида кўплаб хуқуқий хужжатлар ишлаб чиқилди. Буларнинг энг асосийларидан миллий юксалиш учун хизмат қилиб келаётган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлари стратегияси ва унинг мантиқий давоми бўлган Тараққиёт стратегияси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мақоламизда Ҳаракатлар стратегияси ва Тараққиёт стратегиясида инсон манфаатлари ва фуқаролик жамияти институтларининг бу борада тутган ўрни таҳлилий ўрганилди.

**Калит сўзлар:** Янги Ўзбекистон, миллий юксалиш, ҳаракатлар стратегияси, тараққиёт стратегияси, ҳуқуқий давлат, инсон ҳуқуқлари, миллий тараққиёт, инсон манфаатлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, ижтимоий шериклик.

Инсоният XXI асрга келиб ўзининг узоқ тарихий тараққиёти давомида эришган тажрибаларига асосланган ҳолда давлатчиликнинг сифат жиҳатдан янги босқичига қадам қўйди. Мазкур босқичнинг моҳияти шундаки, эндиликда ҳар қайси ривожланган мамлакатда давлат билан бир қаторда бошқа субъектлар – нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолият миқёси ва таъсир кўлами ҳар жиҳатдан ўсиб, нафақат мамлакат ичида, шунингдек, халқаро муносабатларда ҳам яққол сезилмоқда.

Биз давлатни инсоният фазосида ўтмишдан келажакка қараб учиб келаётган кўп двигателли самалётга ўхшатишимиз мумкин. Инсонлар тақдирини ўз зиммасига олган ана шу самалётнинг двигателлари давлатда ҳукумат, суд ҳокимияти, сиёсий партиялар, мустақил ОАВ лари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, ННТ лар ва бошқалардир[207].

[207] Р. Хидоятов. Давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги: Муаммо ва уларнинг ечимлари. Жиззах.уз.

Биз фуқаролик жамиятини қуриш сари борар эканмиз, жамиятимиз ривожланиб борган сари бошқарувда жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг роли кескин ўсади, улар давлатнинг кўпгина функцияларини амалга оширадилар. Аммо уларнинг фаолиятидаги самара фуқароларнинг қайси даражада иштирок қилишига боғлиқ бўлади. Жумладан, жамоат ва нодавлат ташкилотлари қайси томоннинг ташаббуси билан ташкил қилинишидан қатъи назар фуқаролар фаоллигини шакллантира олмас экан, бошқарувда давлат устуворлиги сақланиб қолади.

Маълумки, давлат демократик қадриятларни шакллантиришда, жамоат ва нодавлат ташкилотларини вужудга келтиришда асосий ташаббускор бўлиб чиқади, керак бўлса уларга ҳомийлик ҳам қилади. Шунинг учун ҳам дастлабки босқичларда бошқарувда жамоат ва нодавлат ташкилотларининг қандай фаолият кўрсатиши уларнинг ўзларидан кўра, уларга хомийлик қилган давлатнинг демократик тамойилларига муносабатларига боғлиқ бўлади.

Демократик жараёнлар бошланиб кетгандан кейин уни секинлаштириш мумкин, аммо тўхтатиш мумкин эмас. Унга қарши қандай кучлар юзага чиқмасин, барибир секинлик билан бўлса ҳам бошқарувда жамоат ва нодавлат ташкилотларининг мавқеи мустаҳкамланиб бораверади.

Бошқарувда жамоат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлиги ҳақида фикр юритилганда, энг аввало сиёсий партияларнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Чунки, сиёсий партиялардан бошқа биронта ташкилот жамият бошқарувини ўз зиммасига олишни мақсад қилиб қўймайди. Шундай экан, демократик қадриятлар шаклланиши уларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Айниқса, партияларнинг жамият ҳаётида мавжуд муаммоларни дадил кўтариб чиқишига қодир бўлишлари демократик бошқарувни шакллантиришнинг дастлабки босқичи учун амалий аҳамиятга эга бўлади.

Улар фаолиятида бу йўналишдаги сусткашлик, мавжуд муаммоларни билса ҳам билмасликка олиш ёки ҳокимиятга ўз фикрини билдиришни хохламаслик ва ундан хадиксраш, умуман ҳокимият билан шу каби масалаларда ҳамкорлик қилмаслик нафақат бошқарув тизимида балки бутун жамият ҳаётида муаммоларнинг тўпланиб боришига олиб келади. Уларнинг тўпланиб қолиши эса, умумий тараққиёт учун турли таҳдидларни юзага келтиради.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, жамоат ташкилотларининг етакчиларидан бири бўлган сиёсий партияларнинг бошқарув тизимида фаолият кўрсатиши бутун жамият ҳаётининг барқарорлашиб боришига ёрдам беради ва демократик жамият қуриш имкониятларини кенгайтиради.

Жамият ривожланиб борган сари давлат ўзининг кўпгина функцияларини жамоат ва нодавлат ташкилотларига ўтказиши учун шароит юзага келади ва айни пайтда унинг фаолиятида бошқарувни ана шу ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш эҳтиёжи кучайиб боради. Буни ўз вақтида англаган ва унга амал қилган давлатгина бошқарувда самарали фаолият кўрсатиши мумкин. Бу эса унинг барқарор ривожланишини таъминлайди[208].

Очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ислоҳотларда нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимизда 9 мингдан зиёд ННТлар, 29 халқаро ва хорижий нодавлат ташкилотлар филиаллари ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, ҳали ҳамон жамоат ташкилотларининг аҳоли муаммоларини тизимли равишда ўрганиш, уларни ҳал этиш, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишдаги иштироки талаб даражасида эмас[209].

Коррупция каби салбий ҳолатга қарши курашни такомиллаштириш масалалари алоҳида эътиборни талаб этмоқда. 2017 йил декабрида мамлакатимиз Парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев коррупцияга қарши таъсирчан механизмларни жорий этиш муҳимлигини алоҳида қайд этди. Таъкидлаш жоизки, сиёсий партияларнинг дастурий ҳужжатларида, шу жумладан, Сайловолди платформаларида коррупцияга қарши курашиш масалаларига алоҳида аҳамият бериш ҳамда мансабдор шахслар томонидан иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги бевосита қайд этилган, бу эса уларнинг фаолиятида коррупция, бюрократизм ва расмиятчилик ҳолатларига қарши курашишнинг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қилади.

Инсон манфаатларини таъминлаш жараёнида давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини таъминлаш масалаларига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Хусусан, "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонда қуйидаги масалалар белгилаб олинди:

[208] Одилқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик.- Тошкент. Адолат 2018 йил -13 б.
[209] Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. https://lex.uz/docs/4872355.

Давлат органлари ва ташкилотлари ҳар йили 1 мартга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) расмий веб-сайтларига жойлаштириб, 10 мартга қадар уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар беради. 1 апрелга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказади[210].

2021 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталига амалга оширилган давлат харидлари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар, бундан давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар мустасно), Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёзлар берилган субъектларнинг бенефициарлари (якуний манфаатдор жисмоний шахслари), улар томонидан тўланган солиқлар ва молиявий кўрсаткичлар, ўзларининг йиллик харажатлар сметаси ва унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомототранспорт воситаларини сотиб олиш харажатлари яклаб борилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш, фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва махсус, шу жумладан муқобил маърузаларни тайёрлаш белгиланди.

---

[210] *Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. //Янги Ўзбекистон. 2021 йил. 16 июнь.*

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унинг мантиқий давоми бўлган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида инсон манфаатларини таъминлаш жараёнида давлат ва жамоат ташкилотларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш юзасидан устувор вазифалар белгилаб олинган. Зеро, ҳар қандай сиёсат замирида Ватан, Халқ, Миллат манфаатлари ётади. Шунингдек, жамоат ташкилотлари биринчи ўзак - бошланғич ташкилотлар орқали халқ ичига тез ва дадил кириб боради.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

[1] Р. Хидоятов. Давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги: Муаммо ва уларнинг ечимлари. Jizzax.uz.

[1]Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. https://www.lex.uz/acts/11360.

[1] Одилқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик.- Тошкент. Адолат 2018 йил -13 б.

# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ СИЁСИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШИШИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ОМИЛЛАРИ

Сафаров Мухлис Махмудович
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
23.00.03 – “Сиёсий маданият ва мафкура” ихтисослиги
бўйича таянч докторанти
моб: (97) 412-05-84, эл.поч: m.safarov@cspi.uz.

Дунёда кечаётган глобал ўзгаришлар жамият ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва ижтимоий қатламларга, хусусан ёшларнинг сиёсий онги ва маданиятига турли хил таъсир кўрсатиб келмоқда. Шу боис, мамлакат келажаги ва тараққиётини таъминлашда ёшларнинг сиёсий онги ва маданиятини, ҳаётий мақсад ва мўлжалларини тўғри шакллантириш, уларни жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялаш муҳим стратегик аҳамиятга эга. Шунингдек, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга бўлган ишонч ва эътиқодини янада мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий онги ва маданиятини бугунги кун талабалари асосида ривожлантиришда илм-фан ва маънавий-маърифий ишларни тўғри ташкил этиш долзарб вазифалардандир.

Мамлакатимизда ҳам бугунги кунда ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор бериб келинмоқда. Буни 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун[211]да ҳам кўришимиз мумкин. Қонунда ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш[212] каби асосий принциплар ва йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, унда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмларининг меъёрий-ҳуқуқий асосларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Ёшлар ҳаёти, уларнинг таркибий тузилиши ўзига хос хилма-хилликка эга. Бундай бўлиши табиий. Лекин, бугунги ёшларни қандай муштарак мақсадлар бирлаштириб туриши муҳим. Дунё шу жумладан, Ўзбекистон ёшлари ҳаётида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига амал қилиш, дунё ёшларини бирлаштириб турадиган, уларни муштарак мақсадлар билан боғлайдиган муҳим ҳаётий мўлжалларини белгиловчи мезон бўлиб қолиши керак.

Ёш авлод тарбияси, уларнинг маънавий салоҳиятини янада ошириш, сиёсий онги ва маданиятини ривожлантириш бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялаш – давр талабидир[213].

Зеро, дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради.

Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда.

[211] Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун. Lex.uz.

[212] Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси. Халқ сўзи. 2016 йил 15 сентябрь

[213] Мирзиёев Ш.М. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – 275-б.

Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”.[214] Дарҳақиқат, бугунги дунёда “куч ишлатиш” йўли эмас, маърифат билан иш тутиш ва ёшларни илм-фанга, маънавият ва маърифатга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгаритиш ва уларни баҳраманд қилиш орқали кўпгина муаммоларни ҳал этиш мумкин. Илмли ва маърифатли ёшлар миллий ва умуминсоний қадриятларни узвий боғлиқлигини ва инсоният тараққиётида муҳим ўрин тутиб аждодлар ва авлодларни бир-бирлари билан боғлаб хизмат қилиб келганлигини тушунишга ёрдам беради. Маърифатли ва илмли ёшларгина уни қадрига етади ва қадрлаш маданиятига эга бўлади. Ёвуз мақсадларни фарқига боради ва унга қарши тура олади.

Маълумки, дунёдаги экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Мамлакатимизнинг эртанги куни, фаровонлиги ёшларимиз қандай инсон бўлиб камолга етишини тақозо этади. Бу маънавий-маърифий соҳада ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, сиёсий онги ва маданиятини ривожлантириш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни тақозо этади. Бу борада давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан БМТ Бош Асамблеясининг 2017 йил 19 сентябрдаги 72-сессиясида “БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси”ни ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу халқаро конвенция орқали дунё ёшларининг ўз салоҳиятини намоён қилиши, турли зўравонлик ғояларини тарқалишини олдини олиш, уларни ижтимоий қўллаб-қуватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятлари яратилади.

Ёшлар сиёсий онги ва маданиятини модернизациялашишининг маънавий-маърифий омиллар қуйидаги жиҳатлар билан боғлиқ. Бу: *биринчидан,* бугунги кунда Ўзбекистон ёшлари ҳаётида буюк истиқболлар очилганлиги, уларни ҳаётда ўз ўринларига, ижтимоий мавқега эга бўлишлари учун етарли шарт-шароит яратилганлиги; *иккинчидан,* ёшлар мамлакатнинг мустақил демократик тараққиёт йўлидан ривожланишда муҳим стратегик кучдир. Унга қарши қаратилган ҳар хил мафкуравий тазйиқларга жавоб бера олишлари учун ҳам кучли билим-тафаккурга ва маърифатга эга бўлишлари миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига амал қилишлари лозим. *Учинчидан,* ёшларнинг ОАВ дан, ахборот коммуникация тизими, интернет орқали турли-хил “ижтимоий тармоқлар”дан фойдаланишда ижтимоий-

---

[214] Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2-нашри, 2020. – 252-б.

сиёсий маъсулият ва маданиятни янада оширишга қаратилган маънавий-маърифий ишларга кенг жамоатчиликнинг эътиборини янада кучайтиришни тақозо этади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун. Lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси. Lex.uz.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2-нашри, 2020. – 508 б.

## INSON HUQUQLARI – YURTIMIZ MILLIY TARAQQIYOTINING ASOSIY POYDEVORI

***Jabborova Farangiz Muslaxiddinovna***
***Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti talabasi***
***Tel: +998 91 500 21 79***

**Annotatsiya:** Yurtimizda amaga oshirilayotgan adolatli siyosat zamirida inson huquqlarining kun sayin rivoj topishi milliy taraqqiyotimiz va ijtimoiy hayotimizning liberallashuvining asosi bo’lib kelmoqda. Mazkur maqolada jamiyat va inson o’rtasidagi o’zaro bog’liqlik, ijtimoiy aloqalar va ma’naviy – ma’rifiy sohalardagi davlat dasturining xalqimiz hayotida ahamiyatli ekanligi ilmiy hamda nazariy jihatdan ochib berishga qaratilgan.

**Kalit so’zlar:** Hissiy, emotsional, strategiya, bashariyat, ta’lim, tarbiya, mafkuraviy tarbiya, ma’naviy poklik, axborot asri, ma’naviy tahdid, milliylik, integratsiya.

Keyingi yillarda mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar samarasini yanada oshirish, davlat va jamiyatning har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, mamlakatimizni modernizatsiya qilish hamda hayotning barcha sohalarini liberallashtirish masalalariga alohida e’tibor qaratildi. Huddi shu tiklanish jarayoni xalqimizning yuksak turmush tarzini, sabru toqat, mehru muravvat, mehnatsevarlik singari ijobiy xislatlarini namoyon qilish imkoniyatini amalga oshirishni ta’minlaydi. Bu esa, milliy tiklanish va yuksalish jarayonining o’ziga xos xususiyatlari bilan bir qatorda, butun o’zbek xalqi mentaliteti, madaniyati va muloqot jarayonining ko’p jihatlarini qamrab oladi. Mazkur holat milliy tiklanishning bugungi qiyofasi, hozirgi zamon g’oyaviy asosi sinfiylik,

partiyaviylik emas, balki butun bir boshli umumbashariy printsiplarni ifodalaydi. Hozirgi davrga kelib milliy tiklanish aniq maqsadga yo'naltirilgan. Bu serqirra jarayon bilan bog'liq ustuvor yo'nalishlarni rejali amalga oshirish maqsadida davlatimiz rahbarining "2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi 2017 yil 7 fevralda imzolangan Farmoni va u bilan tasdiqlangan "2017 — 2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi" belgilab olindi. Xususan, ushbu strategiyada davlat va jamiyat hayotini isloh qilish rejalar majmuida alohida o'rin tutadi. O'zbekiston birmuncha murakkab bo'lsa-da, eng to'g'ri yo'ldan, ya'ni jamiyat hayotining barcha jabhalariga bir-biriga bog'liq komponentlar sifatida yondoshib, ularning barchasini qamrab olgan kompleks islohotlarni amalga oshirish yo'lidan borayotir. Bu esa tariximizda, qolaversa, boshqa davlatlar tajribasida bugungi kunda kuzatilayotgan kamchiliklar, aniqrog'i, isloh qilinayotgan sohani bunday yangilanishlardan chetda qolgan boshqa sohalar orqaga tortishi mumkinligi kabi holatlarning oldini oladi.

Shu ma'noda, bugungi kunda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev rahbarligida amalga oshirilayotgan tub islohotlar ham istiqlol yillarida mazkur yo'nalishdagi ezgu intilishlarning mantiqiy davomi bo'lmoqda, deyish mumkin. Milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari g'oyasini rivojlanishning beshta ustuvor yo'nalishi – Harakatlar strategiyasi reallikka aylantiradi. Chunki, shu asosdagi islohotlar odamlarni ochiqlik, oshkoralik, shaffoflik muhitida yashash va ishlashga ham da'vat etmoqda. Bunday halqchil muhitda yashashga intilish esa xalqimizni har tomonlama mukammal, farovon turmush kechirishini ta'minlaydi. Darhaqiqat, Harakatlar strategiyasi demokratik taraqqiyotning yangi bosqichini boshlab berdi. Harakatlar strategiyasi O'zbekistonda huquqiy demokratik davlatni barpo etish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish yo'lini har tomonlama asoslab beradigan, davlatimizning dunyoda rivojlangan davlatlar qatoriga chiqishini ta'minlab beradigan noyob xujjat hisoblanadi. Harakatlar strategiyasi asosida keng ko'lamda amalga oshirilgan islohotlarning muvaffaqiyati ko'p jihatdan aynan davlat va fuqarolik jamiyati o'rtasidagi yaqin hamkorlikka bog'liq jarayondir. Bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoev ta'kidlaganidek: "Bizning muhim vazifamiz – fuqarolar, davlat va jamiyat o'rtasida o'zaro mas'uliyat, huquq va burch bog'liq ekaniga oid printsipni izchil amalga oshirishdan iborat. Bu printsip mamlakatimiz oldida turgan muhim vazifalarni hal qilishda davlat va fuqarolik jamiyati o'rtasida samarali hamkorlikni ta'minlaydigan konstitutsiyaviy asosdir. Biz barchamiz – fuqarolar ham, jamiyat ham, davlat ham Vatanimiz ravnaqi uchun, mamlakatimizda tinchlik-barqarorlikni mustahkamlash uchun, tarixiy, ma'naviy va madaniy merosimizni saqlash, boyitish va kelgusi avlodlarga bezavol yetkazish uchun birdek mas'ulmiz".

Mustaqil O’zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi har bir fuqaroga dinga e’tiqod qilish yoki qilmasligi, erkin shaxsiy fikrlash huquqini berdi. Lekin, bu hol mafkura bilan tub ildizlari Islom diniga borib taqaladigan milliy-madaniy turmush tarzining an’analari, qadriyatlari orasidagi o’zaro munosabatlarda hech qanday konfliktni keltirib chiqarmadi. Barkamol yosh avlodni komillik tomon, ularda Vataniga sodiqli hissini uyg’otish, ularda gumanizm xislatini tarbiyalash kabi ezgu fikrlardan boshladi. Etik-estetik me’yorlari, ilm-fanga bo’lgan qiziqishi yanada kuchaytirish barobarida yoshlarda ularni qamrab turgan atrof-muhit, odamlarga, tabiatga va Ona yurt deb atalmish Vataniga ulkan darajadagi munosabatni rivojlantirdi. Mamlakatimizda qaror topgan etik, ma’naviy muhit sog’lomligi o’z navbatida o’sha munosabat asosida jonkuyarlik, dahldorlik, majburiyat, mas’uliyat hislarini o’zida mushtarak etgan vatanparvarlik ruhini qaror topdirdi. Shu kabi tuyg’ular o’zining tanasida g’urur-iftixor hissini, g’oyaviy sobitqadamlik, sodiqlikni uyg’un etgan holda inson uchun ulkan etik qadriyat sanaladi.

Ona Vatan muhabbati bilan qorilgan millatning irodasi, fidokorona xizmatlari, kuch-qudratiyu vafosi asrlar osha tarix sinovlaridan o’tib kelmoqda. Shu zaminda millatimizning bir yoqadan bosh chiqarib, yeng shimarib ishlashi, ularning jipsligi, hamjihatliligi, ahil-inoqligi yuzaga keladi. Hozirgi vaqtda butun insoniyat tarixida ayovsiz sinov bilan ro’baro’ kelib turibmiz. Dunyo bo’ylab sayohat qilib yurgan, insonlarni tahlikaga solgan koronavirus pandemiyasiga qarshi kurashish avj olgan palladamiz. Bu balo odamlarning tinchligiga, ayniqsa sog’ligiga putur yetkazmoqda. 2017-2021 yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha Harakatlar strategiyasida, shuningdek, “Faol tadbirkorlik, innovatsion g’oyalar va texnologiyalarni qo’llab-quvvatlash yili”, “Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili”, “Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili”davlat dasturlari, “Obod qishloq”, “Obod mahalla”, “Har bir oila – tadbirkor”, “Yoshlar – kelajagimiz”, “Besh muhim tashabbus” kabi muhim dastur va rejalar doirasida olib borilayotgan tub islohotlarning ma’no-mazmuni va ruhi mujassam etilishiga alohida e’tibor qaratiladi. Bugungi kunda yurtimizda tinchlik va barqarorlikni mustahkamlash, inson huquqlari, erkinliklari va manfaatlarini ta’minlash, Vatanimizni har tomonlama taraqqiy ettirish, uning xalqaro maydondagi obro’-e’tiborini yuksaltirish borasida keng ko’lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Vatanimiz mustaqillikka erishgandan keyin o’tgan har bir kunimiz xalqimizning fidokorona mehnati, bunyodkorlik salohiyatining yana bir amaliy namoyoni, erkin, ozod va farovon hayotimiz, g’urur-iftixorimiz timsoli sifatida yangi tariximiz solnomasiga tom ma’noda yorqin sahifa bo’lib kirmoqda. Harakatlar strategiyasida “O’zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Inson huquqlari bo’yicha vakili (Ombudsman) to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasi Qonuniga o’zgartish va

qo'shimchalar kiritish haqida"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni loyihasini ishlab chiqish, unda mazkur qonunning normalarini "Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to'g'risida"gi, "Davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari faoliyatining ochiqligi to'g'risida"gi, "Ijtimoiy sheriklik to'g'risida"gi, "Parlament nazorati to'g'risida"gi qonunlarga moslashtirish, Ombudsman mintaqaviy vakillarining huquqiy maqomi, vakolat va majburiyatlarini belgilash nazarda tutildi. Bu strategik vazifalarning ilgari surilishi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 28 dekabrda qabul qilingan "Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari bilan ishlash tizimini tubdan takomillashtirishga doir chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmoniga binoan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti devoni ishlar boshqarmasining Fuqarolar qabulxonasi negizida tuzilgan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Xalq qabulxonasi, Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahrida, shuningdek, har bir tuman va shaharda (tumanga bo'ysunuvchi shaharlardan tashqari) tuzilgan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Xalq qabulxonalari va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining virtual qabulxonasi vazifalari va vakolatlarining belgilanishi bilan uzviy ravishda bog'liqdir.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI


1. www.lex.uz. O'zbekison Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF 4947-son Farmoni bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi"
2. www.lex.uz. O'zbekiston Respublikasi Prezidentning 2019 yil 6 sentyabrda "Xalq ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga doir chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5812- sonli Farmoni
3. A.To'lepov, Internetga in qurgan o'rgimchaklar. T:. 2014.


# GLOBALLASHUV SHAROITIDA INSON QADRINI ULUG`LASH, HUQUQ VA MANFAATLARINI HIMOYASINING AHAMIYATI


***Vazira Shanshieva***
***Jizzax davlat pedagogika istituti tadqiqotchisi***


Dunyo yangi ming yillikka qadam qo'yayotgan bir paytda, iqtisodiy kengayish va texnologik taraqqiyot shu paytgacha geografik to'siqlar bilan ajralib turadigan turli madaniyatli xalqlarni birlashtirmoqda. Qianfan Zhang "Klassik Xitoy falsafasida inson qadr-qimmati g'oyasi: Konfutsiylikning qayta tiklanishi" nomli maqolasida o'zaro munosabat tamoyiliga haqida fikr yuritib quyidagi fikrni ta'kidlaydi. "O'z qadr-qimmatini to'liq tan olish, tabiiyki, boshqalarning qadr-

qimmatini hurmat qilishni talab qiladi: agar kimdir o'z shaxsini boshqalarga hurmat qilishni xohlasa, u irqiy farqlardan qat'iy nazar, birinchi navbatda boshqalarni hurmat qilishi kerak jinsi, yoshi yoki siyosiy e'tiqodlaridan qat’y nazar[215]”.

Bugungi globallashuv jaroyonida dunyo xalqlari uchun o’zaro munosabat va inson qadri tushunchalari keng ma’nomazmun kasb etmoqda. Inson qadrini jamiyatda ulug’lash va ijtimoiy manfaatlarini himoya qilish har bir jamiyatning eng ustuvor yo’nalishi desak mubolag’a bo’lmaydi. Inson qadri umubashariy tamoillardan biri bo’lib, bu jamiyatning inson ravnaqi uchun adolat va farovonlikni kafolatlaydigan ijtimoiy manfaatlar ustunligi uchun ximat qiladigan jamiyat barpo etishni talab etadi.

O‘zbekiston xuddi shunday oqilona yo‘lni tanladi. Bugun yurtimizda amalga oshirilayotgan islohotlar shunchaki islohot uchun emas, aynan inson uchun, uning farovon hayoti uchun xizmat qiladi. Presidentimiz Shavkat Mirziyoyevning xalqimizga yo‘llagan tabrigidagi quyidagi so‘zlari diqqatga sazovordir: “Yurtimizda keng ko‘lamli islohotlarimiz barqaror tus oldi. Ularni yanada rivojlantirish maqsadida biz Yangi O’zbekiston Taraqqiyot strategiyasini ishlab chiqdik. Uning asosida "Inson qadri uchun", degan ulug‘vor g‘oyani amalga oshiramiz. Biz yangi yilga nom berishda, keng jamoatchilikning fikrlarini o‘rgandik. Ana shu takliflardan kelib chiqib, men Yangi – 2022 yilni mamlakatimizda **"Inson qadrini ulug‘lash va faol mahalla yili"** deb e’lon qilishni taklif etaman”[216]. Inson qadrini ulug‘lash – yurtimizda yashayotgan har bir odamning huquq va erkinliklari, qonuniy manfaatlarini ta’minlash demakdir. Tarixiy jihatdan inson qadri tushunchasiga yondashadigan bo’lsak barcha davrlarda inson va uning qadr qimmati borasida yuksak fikrlar ta’kidlanib kelgan. O‘rta Osiyo xalqlarining eng qadimgi madaniy yodgorliklaridan biri bo‘lmish zardushtiylik dinining muqaddas kitobi “Avesto”da inson, uning paydo bo‘lishi, mohiyati va kelajagi haqidagi masalalar jamiyat taraqqiyoti bilan bog‘liq ravishda izohlangan. Avestoda o‘sha davrning axloqiy va huquqiy qoidalari o‘z aksini topgan bo‘lib, inson va uning taqdiri masalalari aynan shu qonunlar doirasida yoritib beriladi. Avestoda ifodalangan axloqiy qoidalar asosini uchta narsa, ya’ni yaxshi fikr (gumata), yaxshi so‘z (gukta) va yaxshi ish(gvarishta) tashkil etadi.

VIII–XII asrlarda yetishib chiqqan Forobiy, Beruniy, Ibn Sino kabi buyuk mutafakkirlari qarashlarida ham inson muammosi alohida o‘rin egallagan.

---

[215] Qianfan Zhang. The Idea of Human Dignity in Classical Chinese Philosophy: A Reconstruction of Confucianism. Journal of Chinese Philosophy. 27(3):299 – 330 DOI:10.1111/0301-8121.00019/

[216] Sh.Mirziyoyev. Yangi yil munosabati bilan O‘zbekiston xalqiga yo‘llagan tabrigi. https://uzlidep.uz/uz/news-of-party/11046

Shu o‘rinda aytish lozimki, insonlarning adolatli jamiyatga erishish yo‘llarini Forobiy adolatli shohning hukmronlik qilishi, ilm-fan ravnaqi va, eng asosiysi, insonning axloqli bo‘lishi, ruhiy mukammallikka erishishida ko‘radi. Mutafakkir o‘z asarlarida bu narsa insonning o‘z qo‘lida ekanligi, ya’ni inson o‘z taqdirini o‘zi belgilashi va yaratishi mumkinligini bir necha bor uqtiradi. Forobiy insonning baxt-saodati narigi dunyoda emas, balki o‘zi yashab turgan real dunyodadir, deb ta’kidlaydi[217].

Ma'rifat davri faylasufi (18-asr) Immanuil Kantning fikricha "Axloq va insoniyat bunga qodir bo'lgan narsa, qadr-qimmatga ega bo'lgan narsadir[218]", deb ta`kidlaydi. Qadr-qimmat tushunchasi umuminsoniy qadriyat sifatida keng tushuniladi va barcha insoniyatning o'ziga xos va ichki qadr-qimmatiga taalluqlidir, uni keng doiradagi xalqaro hujjatlar va deklaratsiyalarda ham topish mumkin. Hozirgi vaqtda biz qadr-qimmat tushunchasiga nafaqat asosiy huquqiy tushuncha, balki demokratik jamiyatning asosiy jihati sifatida ham qiziqish to'lqinining guvohi bo'lmoqdamiz.

“Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi” dunyo davlatlarida inson huquq va erkinliklarining ifodasi va himoya qilinishida juda muhim manba sifatida xizmat qilmoqda. Mazkur Deklaratsiya 1948 yil 10 dekabrda Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining Rezolyutsiya 217 A (III) bilan qabul va e’lon qilingan. Deklaratsiya muqaddima va 30 moddadan iborat, o’tgan davr mobaynida 500 dan ziyod tillarga tarjima qilingan. Deklaratsiyada insonning asosiy huquq va erkinliklari belgilangan.

Deklaratsiyaning 2-moddada har bir inson irqi, tana rangi, jinsi, tili, dini, siyosiy yoki boshqa e’tiqodlaridan, milliy yoki ijtimoiy kelib chiqishi, mol-mulki, tabaqasi yoki boshqa holatidan qat’i nazar ushbu Deklaratsiyada e’lon qilingan barcha huquq va barcha erkinlikka ega bo’lishi zarurligi, inson mansub bo’lgan mamlakat yoki hududning siyosiy, huquqiy yoki xalqaro maqomidan, ushbu hudud mustaqilmi, vasiymi, o’z-o’zini idora qiladimi yoki boshqacha tarzda cheklanganligidan qat’i nazar biror bir ayirmachilik bo’lmasligi kerakligi ko’rsatilgan bo’lsa, 23-moddasida har bir inson ta’lim olish huquqiga egaligi, ta’lim olishda hech bo’lmaganda boshlang’ich va umumiy ta’lim tekin bo’lishi lozimligi, boshlang’ich ta’lim majburiy bo’lishi kerakligi, texnik va hunar ta’limi hammaning qurbi yetadigan darajada bo’lishi, oliy ta’lim esa har kimning qobiliyatiga asosan hamma uchun yetarli imkoniyat doirasida bo’lmog’i kerakligi hamda ta’lim inson shaxsini to’la barkamol qilishga va inson huquqlari hamda

[217] Iskandarov B. O’rta osiyoda falsafiy va ijtimoiy-siyosiy fikrlarning shakllanishi tarixidan lavhalar. – T., 1993. – B.29-30.
[218] Immanuel Kant, Fundamental Principles of the Metaphysic of Morals, trans. by Thomas Kingsmill Abbott (Second Section: Transition From Popular Moral Philosophy To The Metaphysic Of Morals).

asosiy erkinliklariga nisbatan hurmatni kuchaytirishga qaratilmog'i lozimligi belgilangan.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro`xati**

1. Qianfan Zhang. The Idea of Human Dignity in Classical Chinese Philosophy: A Reconstruction of Confucianism. Journal of Chinese Philosophy. 27(3):299 – 330 DOI:10.1111/0301-8121.00019/
2. Sh.Mirziyoyev. Yangi yil munosabati bilan O'zbekiston xalqiga yo'llagan tabrigi. https://uzlidep.uz/uz/news-of-party/11046
3. Iskandarov B. O'rta osiyoda falsafiy va ijtimoiy-siyosiy fikrlarning shakllanishi tarixidan lavhalar. – T., 1993. – B.29-30.

## YOSHLAR HAYOTIDA VIRTUALLASHUV SABABLARI VA OMILLARI MA'NAVIY BARKAMOLLIK RUHIDA TARBIYALASH ULARNI KELAJAKDA TUTGAN ÒRNI VA ROLI

Termiz davlat unversteti ijtimoiy fanlar fakulteti Boshlanģich talim yunalishi 2-bosqich talabasi
**Xolmirzayev Shavkat.**
Termiz davlat unversteti fuqarolik jamiyati kafedrasi falsafa fanlar doktori .**ilmiy rahbar: Bobomurodov Erkin Hayitivich**

**Annontatsiya.** Maqolada yoshlar hayotida axborotlashgan jamiyat tizimida zamonaviy virtual texnologiyalar, virtual reallik ma'no-mazmuni, virtual tadqiq etiah yo'nalishlari, virtuallashuvning insoniyat uchun ta'sirining sabab va omillari yoritilgan. Shuningdek axborot jamiyati taraqqiyoti, onlayn borlashmalar rivoji, internet tarmog'i rivoji va ta'siri hamda zamonaviy ta'limda olib borilayotgan noananaviy dars turlari tadbiq qilingan.

**Kalit so'zlar:** axborotlashgan jamiyat, internet, virtual reallik, raqamli texnologiya, virtual olam.

Jahon axborotlashgan jamiyat tizimida zamonaviy virtual texnologiyalari imkoniyatlaridan samarali foydalanish tobora dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Bu esa yoshlar hayotida virtuallashuvni yuzaga keltirmoqda. Hozirgi kunda yoshlarning aql-zakovati oldingi yillardagi yoshlarga qaraganda juda oldinlagan. Bugungi kunda rivojlangan davlatlarning nufuzli universitetlari va ilmiy tadqiqot markazlarida,jamiyatda shakllanayotgan yangi virtual madaniyat va uning o'ziga xos xususiyatlaridan tortib, to uning virtual reallikda mavjud bo'lish

oqibatlarini ilmiy-amaliy jihatdan o'rganishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Shu boisdan ham axborotlashgan jamiyatda virtuallashuv ma'no mazmunga ega.

Dunyo amaliyotlarida bugungi kunda axborot kommunikatsion texnologiyalarini keng joriy qilinayotganligi inson faoliyatining virtuallashuvi bilan yoshlar hayoti, hayot tarzi, sharoiti tubdan o'zgargan desak mubolag'a bo'lmaydi. Chunki, axborotlashgan jamiyat asoschilaridan hisoblangan M.Kastels to'g'ri ta'kidlaganidek, "zamonaviy olam asosini "tarmoqli" tuzilmalar tashkil qiladi". Darhaqiqat hozirgi jamiyatda aynan global tarmoq orqali turli universitet, institutlar, tuzulmalar va birlashmalar shakllanishi,taraqqiy etishida keng shart-sharoit yaratib berilmoqda. Bundan tashqari, axborotlashgan jamiyatda shakllangan ba'zi salbiy tendentatsiyalar shaxslar ayniqsa, yoshlar o'rtasida ijtimoiy begonalashuv holatlari keskin ortishiga olib kelmoqda va hatto juda yomon oqibatlar yuzaga kelmoqda. Sababi esa turli ijtimoiy-iqtisodiy omillar ta'sirida aksariyat odamlar, yoshlar, ayollar ish bilan ta'minlanganligi yoki ularning real dunyo qiyinchiliklaridan "osongina" voz kechish yoki "oson pul topish" yo'llarini o'ylab topib botqoqqa botishi juda yomon oqibatlarga olib keladi. Ayniqsa, virtual olamda hali to'liq dunyoqarashi shakllanmagan yoshlar, shuningdek o'z qat'iy fikriga pozitsiyasiga ega bo'lmagan ayrim shaxslarni tezda o'z domiga tortib ketadi. Bu esa bunday muammoli vaziyatlarnitez oldini olinmasa, yechim topilmasa, jamiyat tanazzulga uchrashi aniq. Nimagaki, oldinlari bir buyuk davlatni yengish insonlar, yoshlar ongini zaharlash qurol-yarog'lar, qo'rqitishlar asosida amalga oshirilgan bo'lsa, hozirgi axborotlashgan virtuallashuv jamiyatni har xil turli diniy ekstremistik g'oyalar, saytlar, o'rgimchak to'ri deb atalmish internet tarmoqlari orqali soniyasiga amalga oshiriladi desam mubolag'a bo'lmaydi.

Bugungi kunda yoshlar hayotida oqilona bilimlarni o'zlashtirish, axborotlardan foydalanish eng muhim masaladir. Chunki, aynan har qanday jamiyatni qurish jarayonida yoshlar hayoti, bilim olishining madaniy shakllari har doim xilma - xil bo'lib, ular zamonaviy ilm - fan, texnika taraqqiyotiga kuchli ta'sir ko'rsatadi. Bugun E. Toffler "boylik yoki zo'ravonlikka emas, axborot hosil qiladigan intellent va bilimga asoslanadi", degan fikriga hech birimiz qarshi chiqa olmaymiz. Demak zamonamizning o'ziga xosligi bu axborot hukmronligi, media hukmronligidir. Shunday ekan axborotlardan to'g'ri, oqilona foydalanish, uning foydasi shu bilan birga zarari haqida o'sib kelayotgan yoshlarga yanada chuqurroq tushuntirish zarurdir. Yoshlar tasavvurida virtual olamni shakllantirish muhim vazifalardan biridir. Bunday internet muammolari 1996- yildan boshlab, to hozirgacha o'rganilib kelinmoqda. Vaholangki, internetga bog'lanib qolish yoshlarning soatlab ekran qarshisida o'zining qilishi kerak bo'lgan ishidan

chalg'ishi bular hech qachon tugamaydi, aksincha kengayib boraveradi. Internet olamidan biz yoshlar qanday foydalanishimiz kerak?

Albatta buning yo'llari juda ko'p. Xohlasangiz, zarur bo'lgan turli xil tarixiy ma'lumotlar, har xil kitoblarning elektron hamda audio shakllarini yuklab olish bu bizlarga juda katta imkoniyat, qulaylik, albatta. Prezidentimiz Sh. M. Mirziyoyevning o'zlari ham internet sohasini jadal rivojlantirish va keyingi yillarda uning tezligini kamida 4 baravariga oshirilishi lozimligini ta'kidlaganlar. Ma'lumki, bolalar yoshligidan o'ynashga qiziqadilar. O'yin - bu faqatgina o'ynaydigan joy yoki vaqt o'tkazish emas, balki unda jamoa bo'lishni o'rganish, muloqotga kirishish, va albatta, g'laba qilishga intilish, kuch bo'ladi. Virtual olamda bolalar ham, kattalar ham o'ynaydigan kompyuter o'yinlari juda ommalashgan. Bolalar juda yoshligidan o'yinlar o'ynaydi: uch to'rt yashar bolalar donolardek fikr yuritib telefon, kompyuterlar to'g'risida gapirishlari kattalarni hayratga soladi. Telefon va kompyuterlarni yoshgina bolachalar ayrim katta yoshdagi insonlardan yaxshi tushunib, erkin foydalanishadi. Bu, albatta, yoshlar hayotiga ham ijobiy, ham salbiy ta'sir qilishi mumkin. Bolalar kompyuter muhitida bo'lib qolganida bu o'yin uni qay darajaga, qay tomonga olib boradi? U tajovuskor bo'ladimi, yoki dunyoga, vataniga, oilasiga foydasi tegadigan inson bo'lib yetishadimi? Bu, albatta, bizga va eng muhimi ota - onalarga bog'liqdir. Ba'zi ota - onalar bolalari shovqim solib o'ynayotgan bo'lsalar, bu kattalarga yoqmaydi va ularni "O'ynama, o'ynashni to'xtat... Darsingni qilsang bo'lmaydimi... Boshqa foydali ishni qilsangchi, o'ynama", deb jerkib berishadi. Menimcha, bunday qilish ota - ona uchun juda noto'g'ri va bu gaplar bolalarning kayfiyatiga ta'sir qiladi, qaysarlik qilishlari ortib boradi. Ota - ona bolaga nimadan qanday, qachon, qay vaqtda foydalanish, nima to'g'ri- yu, nima noto'g'riligini tushuntirib, uqtirishlari kerak. Bugungi kunda rivojlangan mamlakatlarda bolaga maktablarda kitob, darslik o'rniga notebook berishadi. Bundan nima maqsad ko'zlangan? Bu, albatta, eng birinchi navbatda yoshlarga bilim olishlariga qulaylik va yoshligidan kompyuter- notebook, telefon va turli texnalogiyalarga tushunishi kerakligi, yangiliklar yaratishi, mamlakat rivojiga hissa qo'shishi kabi juda ko'p maqsadlar ko'zda tutilgan.

Prezidentimiz Sh. M. Mirziyoyev yoshlarga xotin- qizlarga juda ko'plab qulayliklar yaratib beryaptilar. Negaki, jannatmakon yurtimiz, mamlakatimiz kelajagi bizning, yosh avlodning qo'lidadir. Yana shuni ham yodimizdan chiqarmasligimiz kerakki, oqning qorasi, kunning tuni bo'lgani kabi har bir narsaning foydasi bilan birga zarari ham mavjud. Shunday ekan biz yoshlar maqsadimiz yo'lida og'ishmay, to'g'ri harakatlanishimiz darkor. Prezidentimiz,

jannotmakon go'zal yurtimiz, ota- onamiz oldilaridagi burchimizni to'laqonli bajarishimiz kerak va albatta marra biz yoshlarning qo'lidadir.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Mirziyoyev Shavkat Miromonovich. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi.- Toshkent: O'zbekiston. NMIU. 2019.- B 88.

2. http://uz.infocom.uz.

3. https://qaraqalpagstan.blogspot.com.

4. https://cyuberleninka.ru.

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA YOSHLAR JINOYATCHILIGINI OLDINI OLISHDA MAHALLABAY ISHLASH.

**Madrimov Ixtiyor Baxtiyor o’g’li**
Urganch davlat universiteti, Tarix fakulteti talabalasi
ixtiyor_madrimov94@mail.ru

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada yoshlar jinoyatchiligiga qarsi kurashishda mahallabay ishlashning imkoniyatlari yoritilgan.
**Kalit so‘zlar:** Yoshlar, voyaga yetmagan, pedogogik profilaktika, jinoyatchilik, javobgarlik, yoshlar yetakchisi.

O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonunining 30-moddasida “Voyaga yetmagan bolalarning ota-onalari yoki qonuniy vakillari, bolaning huquq va manfaatlarini himoya qilishlari shart, hamda uning tarbiyasi, maktabgacha, umumiy o‘rta, o‘rta maxsus kasb-hunar olishi uchun javobgardir”, deb belgilab qo‘yilgan. Bu esa har bir ota-onaga bola tarbiyasi uchun javobgarlik mas’uliyatini yuklab, farzand tarbiyasi bo‘yicha chuqur pedagogik profilaktik bilimlarga ega bo‘lishni talab qiladi. Zero bugungi kunda buzg‘unchi mafkuralar oilalarga kirib borish, o‘z g‘oyalarini singdirib, oilalarda milliy tarbiya muhitini aqidaparastlik tarbiyasi bilan siqib chiqarishga harakat qilmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Mahallalarda yoshlar bilan ishlash tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori (PQ–92-son, 19.01.2022 y.)ga binoan, har bir shaharcha, qishloq, ovulda, shuningdek, shaharlar, shaharchalar, qishloqlar hamda ovullardagi har bir mahallada yoshlar yetakchisi lavozimi joriy etildi.

Yoshlar bilan ishlashning yangicha boshqaruv mexanizmlarini joriy etish, ular bilan ishlashning vertikal tizimini yaratish, yoshlar muammolarini bevosita mahallalarda hal etish, ta’lim muassasalarida ma’naviy-ma’rifiy va tarbiyaviy ishlarning samaradorligini yanada oshirish maqsadida tashkil etilgan Har bir shaharcha, qishloq, ovulda, shuningdek, shaharlar, shaharchalar, qishloqlar hamda ovullardagi yoshlar yetakchisi quyidagi asosiy vazifalarni bajaradi:

- “Yoshlar balansi”ni shakllantirish, yoshlar to‘g‘risidagi zarur ma’lumotlarni “Yoshlar daftari” va “Yoshlar portali” elektron platformalariga kiritib borish, ular bilan samarali ish tashkil qilish;
- mahallalarda yoshlarning bo‘sh vaqtini mazmunli tashkil etish, milliy xalq o‘yinlari va sport turlarini yoshlar orasida ommalashtirish, Besh muhim tashabbus loyihalari, yoshlar festivallari va boshqa madaniy-ma’rifiy tadbirlarni amalga oshirish;
- yoshlarning ijtimoiy faolligini oshirish, iqtidori, iste’dodi va tashabbuslarini rag‘batlantirish hamda hayotda o‘z o‘rnini topishlariga ko‘maklashish;
- yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash hamda ularning intellektual jihatdan kamol topishini va ma’naviy rivojlanishini ta’minlash;
- huquqbuzarlik sodir etishga moyilligi bo‘lgan yoshlar bilan tizimli ishlash, jazoni ijro etish muassasalaridan ozod qilingan, ixtisoslashtirilgan o‘quv-tarbiya muassasalaridan qaytib kelgan yoshlarning ijtimoiy-pedagogik reabilitatsiya qilinishi va moslashuviga ko‘maklashish.

Yetakchining oylik ish haqi miqdori u biriktirilgan mahalladagi xonadonlar soniga mutanosib ravishda quyidagicha belgilandi:

- xonadonlar soni 500 tagacha bo‘lgan mahallada – mehnatga haq to‘lashning eng kam miqdorining 5 baravari miqdorida (bugungi kunda 4 mln 110 ming so‘m);
- xonadonlar soni 501 tadan 1 000 tagacha bo‘lgan mahallada MHTEKMning 5,5 baravari miqdorida (bugungi kunda 4 mln 521 ming so‘m);
- xonadonlar soni 1 000 tadan ortiq bo‘lgan mahallada – MHTEKMning 6 baravari miqdorida (bugungi kunda 4 mln 932 ming so‘m).

Yoshlar ishlari agentligiga Yetakchilarni har chorak yakuni bo‘yicha oylik ish haqining 50 foizigacha miqdorda mukofotlash huquqi berildi.

Har chorakda yuqori natijadorlikka erishayotgan mamlakat bo‘yicha eng ilg‘or 100 nafar yetakchilar 1 oylik ish haqiga teng miqdorda bir martalik pul mukofoti bilan taqdirlanadi.

Boshqa hududlardan kelib o‘z faoliyatini olib borayotgan yetakchi uchun bazaviy hisoblash miqdorining 2 baravarigacha (540 ming so‘m) bo‘lgan miqdorda turar joy ijara to‘lovi qoplab beriladi.

Mahallalarda voyaga yetmaganlar bilan ishlar samaradorligini oshirish uchun quyidagilarni amalga oshirish tavsiya etiladi:

1. Mahallalardagi oilalarning har biriga kirib, ulardagi ijtimoiy muhitni to‘liq

o‘rganish, Xotin-qizlar qo‘mitasi, ichki ishlar xodimlari, imom-xatiblar bilan hamkorlikda mahallalardagi notinch-noqobil oilalarning ro‘yxatlarini shakllantirib, mashullarni belgilab, ulardagi ijtimoiy muhitni sog‘lomlashtirishni ta’minlash orqali salbiy holatlarning oldini olishga erishish.

2. “Fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari to‘g‘risida”gi Qonunning 10-moddasiga asosan fuqarolar yig‘inlariga berilgan vakolat yilning har choragida tuman, shahar va viloyat hokimliklari hamda hokimlik tizimiga kiruvchi davlat boshqaruvi organlari rahbarlarining fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari faoliyati sohasiga kiruvchi masalalar yuzasidan hisobotlarini eshitishni samarali tashkil etish.

3. Fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari faoliyati samaradorligini oshirish masalalarining viloyat, tuman (shahar) xalq deputatlari kengashlarida har chorakda bir marta muhokama qilish.

4. Ta’lim muassasalari o‘quvchilarining davomatini to‘laqonli ta’minlash, o‘qishga muntazam kelmayotgan o‘quvchilarni aniqlash va ularning ota-onalariga jamoatchilik nazorati orqali kasb-hunar egallashlari uchun yaratilgan sharoitlardan to‘g‘ri foydalanishlari borasidagi tushuntirish ishlarini yanada jonlantirish.

5. Kengash raisining yoshlar ishlari bo‘yicha o‘rinbosari Yoshlar ittifoqi, Yoshlar ishlari agentligi mahalla yoshlar yetakchilari, ichki ishlar organlari bilan birgalikda mahallalarda yoshlar, ayniqsa, uyushmagan yoshlar bilan ishlash yoshlar ta’lim tarbiyasi, bandlik, huquqbuzarliklar profilaktikasi kabi sohalarda o‘zaro hamkorlikni samarali yo‘lga qo‘yish;

6. Kengash raisining keksalar va faxriylar masalalari bo‘yicha o‘rinbosarlari mahallalarda keksalarimizni qo‘llab-quvvatlash, ijtimoiy faolligini oshirish, ularni yoshlar tarbiyasiga jalb etish, oilaviy ajrimlarning oldini olishda ularning imkoniyatlaridan keng foydalanish;

7. “Fuqarolar yig‘inlari va hududiy profilaktika inspektorlarining o‘zaro hamkorligi tartibi to‘g‘risida”gi Nizom loyihasini ishlab chiqish;

8. Har oyda ichki ishlar profilaktika inspektorlarining fuqarolar yig‘inlari faoliyati sohasiga kiruvchi masalalar yuzasidan hisobot berish tartibini ishlab chiqish.

## Foydalanilgan adabiyotlar:

**1.** O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 24.09.2020-y., 03/20/637/1313-son; Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021-y., 03/21/683/0375-son, 12.10.2021-y., 03/21/721/0952-son.

**2.** O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Mahallalarda yoshlar bilan ishlash tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 20.01.2022-y., 07/22/92/0046-son.

# ВАЖНЫЕ ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА И СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ТЕМПЫ РОСТА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

***Сайёра Эгамовна Атаджанова***

***Ташкентский архитектурно-строительный институт, старший преподаватель кафедры «Философских и социально-политических дисциплин»***

**sayyora_egamovna31@gmail.com**

**Аннотация:** В статье анализируются важные этапы развития Узбекистана и стратегические темпы роста Нового Узбекистана.

**Ключевые слова:** концепция, стратегия, ВВП, «Женская тетрадь», «Молодежная тетрадь».

Мы знаем, наша Республика Узбекистан прошла несколько эволюционных этапов с момента обретения независимости. Мы также стали свидетелями событий, негативно влияющих на развитие Узбекистана. Однако продолжение роста темпов развития не остановилось. Долгое время в мире господствовала концепция экономического развития. Одним словом, суть этой концепции предельно проста и ясна: процветающей является страна с высокими темпами роста экономики и производительности труда, высоким валовым внутренним продуктом (ВВП) и средним доходом на душу населения.

Поскольку эта концепция проста и понятна, она по-прежнему влияет на мышление людей. Но на рубеже 21 века стало ясно, что экономический рост сам по себе не является главной целью. Доходы общества являются лишь средством: их можно тратить на программы социальной поддержки малоимущих, на вооружение, на развитие образования, а также на реализацию проектов, не влияющих на благосостояние народа. По этой причине качество жизни в разных странах не всегда соответствует среднему уровню доходов. Кроме того, ВВП страны может быть распределен неравномерно. Так что ни уровень ВВП, ни темпы роста не могут быть главным критерием развития и успеха. Понимание этого позволило сформировать новый подход - концепцию развития человека.

Программа развития Организации Объединенных Наций (ПРООН) рассчитывает и ранжирует индексы человеческого развития по странам с 1990 года. Что касается стран Центральной Азии, то Казахстан, Кыргызстан и Таджикистан участвуют в этом рейтинге с 1990 г., Узбекистан – с 2000 г., Туркменистан – с 2010 г. Также с 2010 года внесены некоторые изменения в

методику расчета Индекса человеческого развития в отчетах ПРООН. Кроме того, количество стран, участвующих в этом рейтинге с 2011 года, составляет определенную сумму: от 186 до 189. Поэтому стоит рассмотреть, как менялись позиции стран Центральной Азии в этом рейтинге за период 2011-2018 гг. и динамику индекса человеческого развития в этих странах.




Определяя развитие нового Узбекистана, под руководством Президента Ш.М.Мирзияева разработана четкая функция по повышению уровня жизни населения в каждом регионе, а также по обеспечению занятости других безработных. Словом, преодоление существующих проблем граждан Узбекистана, повышение престижа Узбекистана в мире, повышение индекса человеческого развития является важной задачей.

**Использованная литература:**


1. https://uzanalytics.com
2. https://yuz.uz
3. http://www.adolat.uz/news/ayollar-daftari-va-yoshlar-daftari-hayotzarurati


## ЯНГИ ЎЗБЕКИТОН ИМИДЖИНИ ШАКЛЛАНИШИДА МАЪНАВИЙ- АХБОРИЙ ОМИЛЛАР


**Юлдашева Махфуза Қобилжоновна**
**сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)**
**Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети**
(93)0000383
mohi.83@mail.ru


Бугун илм фан тараққиёти тезкор равишда тараққий этиб бормокда. Замонавий цивилизация шароити эса кўплаб соҳаларда янгидан-янги илмий тадқиқотлар ўтказиш эхтиёжини туғдиради. Сўзимизнинг бошиданоқ

“Рненесанс” тушунчасига таъриф берсак. Илк бор Европада ўрта асрлар мутаассиблигидан кейин 15-16 асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган ушбу атама “Ренессанс” луғавий французча “қайта туғилиш” деган маънони англатади. Уйғониш даври дея юритилаётган ушбу атама остида бажарилаётган ислоҳотлар маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида бир қатор ижобий ўзгаришларни олиб кирди. Жумладан, олий таълим тизимидаги қуйидаги ўзгаришлар шулар жумласидандир. Охирги беш йилда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш сезиларли даражада ошиб, 2021 йилда 28 фоизга етказилди. Жумладан, 10 та нодавлат, 20 та хорижий ОТМлар филиаллари ташкил этилди. Хорижий университетлар филиаллари 26 тага етказилди. Олий таълим муассасалари сони 64 тадан 141 тага етказилиб, қабул ўринлари 66 мингтадан 181 мингтага оширилди. Бунинг натижасида, биринчи навбатда, мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш имконияти туғилади. Зеро, бу янги Ўзбекистондаги шиддатли янгиланишларнинг долзарб талабидир. Илмсиз, маърифатсиз миллатнинг эртаси йўқдир. Дарҳақиқат глобаллашиб бораётган бугунги дунёда терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибержиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи ортиб, ҳатто баъзи ҳудудларда атайин беқарорлик ва норозилик кайфиятлари тобора авж олдирилмоқда. Бундай вазиятда албатта бизни жаҳон ҳамжамияти олдида фақатгина юксак маънавиятимиз буюк ўзбекона фазилатларимизни кўрсатиб беради. Инсониятнинг глобал муаммолари, глобаллашувнинг реал жараёнлари ва шаклларини аниқлашда, биринчи навбатда, жамиятнинг асосий қисмини ташкил этувчи ёшлар параметри туради. Бугун дунёда содир бўлаётган шу каби ташвишли воқеликларнинг барчаси иқтисодий ва маънавий юксалиш уйғунлигини таъминлаш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди. Кундалик ҳаётимизга кириб келган ижтимоий тармоқлар давлат, жамият, шахс учлигига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Бунда табий равишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи кун тартибидаги долзарб ва муҳим аҳамият касб этиб боради. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айни вақтда дунёнинг жуда кўп минтақаларида инсоний қадриятлар емирилиб, маънавият инқирозга юз тутмоқда. Бу ўринда эса ахборт хуружлари ва таҳдидига нисбатан ижтимоий иммунитетни шкллантириш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Жамоатчилик фикрининг қай даражада шаклланганлигига, жамиятнинг сиёсий онги, ҳуқуқий билимлар савияси, маънавий-маърифий даражасига қараб жамиятнинг тараққиётга ёки таназзулга юз тутиши муқаррар.

Маълумки, ҳар бир фуқаро ўз шахсий нуқтаи назари, ўз қарашлари, маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий имкониятлари доирасидагина фаолият кўрсатади. Ўз олами ҳудудида яшайди ва ташқи оламга ўз ақли доирасида шахсий муносабатини билдиради. Ҳар бир индивид мустақил инсон сифатида табиий-биологик камолотидан ва руҳий эҳтиёжидан келиб чиқиб

ўзига мос ахборотни қабул қилади, уни таҳлил этади. Унинг атрофида мушоҳада юритади, фикрлайди ва ана шу таҳлиллар асосида ўзининг шахсий хулосасига эга бўлади. Натижада у ёки бу тарздаги ўз нуқтаи назарини шакллантиради. Хўш бугун илм- фан ривожида ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир тадқиқотлар маънавий-ахборий хавфсизликни таъминлай оладими? Ушбу саволга илмий қарашларимиз, таҳлилларимиз доирасида жавоб беришга ҳаракат қиламан.

**Биринчидан,** аввало, ёшлар янгиланиб бораётган дунёвий этикани пухта эгаллаб, унинг асосида яшашни ўрганишлари керак. Мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз тинчлик маданиятини англашлари ва тушуниб етишлари, глобализация жараёнига ижтимоий масофадан қарашлари муҳим аҳамият касб этади. Маънавий тарбия билан маънавий-ҳуқуқий тарбиянинг ўзаро узвийлиги таъминланиши лозимлигини бугунги ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

**Иккинчидан,** Ғарб турмуш тарзи турли ахборот воситалари орқали ҳаётимизга бостириб кираётган, болалар ва ёшлар онгига кучли таъсир ўтказаётган бир пайтда шарқона тарбия мактабига эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Демак тафаккур тарзи теран, маънавий соғлом фуқаролар оилада шаклланар экан, ҳар бир ота-она фарзандига ахборот маконидаги меъёр ва мувозанат тушунчасини ҳам сингдириб бориши зарур.

Ўзида ахборотга нисбатан ижтимоий иммунитетга эга бўлган ҳар бир фуқаро ўз олдига қўйидагича савол қўя олади:

-бу керакли ахборотми?

-бу ахборотни тарқатиш, сақлаш ва узатиш керакми?

-Ушбу ахборот менинг интелектуал салоҳиятимга ёки инсоний фазилатларимга қандай таъсир кўрсатади?

Мана шу саволларни ўз олдига қўйган ва теран таҳлилий фикрлаш тарзига эга бўлган фуқароларни ахборот шаклида узатилаётган, аслида манбасида тахдид ва хуружлардан иборат ғоя ортидан хеч ким эргаштира олмайди. Жамият шу даражада шаклланиши лозимки, унинг аъзолари тиғиз ахборотлар бозоридан умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Ахборот олиш кафолати бу бевосита шахсий манфаатдан устун турадиган, умуммиллий манфаатга дахлдор бўлган қадриятга айланмоғи шарт.

Ахборот хавфсизлиги муаммолардан бири ахборотлашган жамиятда ахборот орқали замонавий руҳий таъсир технологияларининг тобора ривожланиб бораётганлиги шахс ва жамият тафаккурининг шаклланишига у ёки бу тарзда кучли таъсир ўтказишидир[2]. Демак, ахборот хуружи тобора авж олиб бораётган, якка тартибда ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон онгига кучли таъсир ўтказаётган, кенг миқёсда олганда жамият тараққиёти ва миллат тақдирини ҳал қилишга қодир бўлган, глобал миқёсда

эса бутун инсоният ҳаётини кафолатлайдиган, унинг тараққиёти ёки таназзулини белгилашга қодир бўлган тиғиз ахборот тизимини бошқариш, тартибга солиш, ундан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат эътиборидаги асосий масалалардан бирига айланган. Ана шундай шароитда ҳар бир талаба, ёшлар қатламлари олдига юксак маънавий вазифаларни қўяди. Яъни қандай мазмундаги ахборотни тарқатиш ман этилади, жамиятнинг психологик ҳолатига салбий таъсир этувчи, ижтимоий, миллий, этник, диний тафовут ва келишмовчиликларни кучайтирувчи, зўравонлик ва урушни тарғиб этувчи, порнография, маиший бузуқлик, шахслар мавқеига, обрўсига ва шаънига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралашда норасмий, виждон билан боғлиқ бўлган, соғлом ақл ва юксак тафаккурга таянган маънавий-руҳий меъёрлари вужудга келади. Бугунги тезкор технологиялар даврида эса виртуаллашув жараёнларини кескин суръатларда ўсиб бораётанлигини кузатишимиз мумкин. **Бугун онлайн хаётда виртуал дунёда ўз борлиғ дунёсини маънавий оламини унутиб қўйиб радикаллашув таъсирига тушиб қолаётган фуқароларимизни ҳам кўришимиз мумкин.**

Ахборот тармоқларидан истеъмолчи сифатида ахборот олаётган ҳар бир шахс ахборотни фильтрлаб ўтказа олиш кўникмасини шакллантиришлари лозим. Бу энг аввало, ахборот манбаи минимал (телевидение, радио), айримларда эса кенг (интернет, янги телекоммуникациялар тизими) бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан мутахассислар фикрига кўра, бугунги кунда жамиятда айнан ахборотни олиш, унга йўл топиш соҳасида кескин бўлиниш, табақалашув содир бўлмоқда. Бу борада интелектуал салоҳиятли, шахслар, ўзининг ҳаракатчанлиги ва янгиликка интилувчанлиги ҳамда ахборот ўз ҳамиша ресурсига эгалиги туфайли юқори даражада коммуникатив фаоллик кўрсатишади. Аммо ушбу коммуникатив фаоллигидан фойдаланиб, жамиятни енгил-елпи, маънавий ахлоқий талабга жавоб бермайдиган, ёинки давлатлараро муносабатларга хам ўзининг салбий таъсирини ўтказадиган ахборотлар билан таъминлаб қўйсачи?

Демак, ахборот хуружи тобора авж олиб бораётган, якка тартибда ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон онгига кучли таъсир ўтказаётган, кенг миқёсда олганда жамият тараққиёти ва миллат тақдирини ҳал қилишга қодир бўлган, глобал миқёсда эса бутун инсоният ҳаётини кафолатлайдиган, унинг тараққиёти ёки таназзулини белгилашга қодир бўлган тиғиз ахборот

тизимини бошқариш, тартибга солиш, ундан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

**Аниқ натижаларга эришиш учун қуйидагиларни таклиф қиламан:**

-инсоннинг шахс ва фуқаро сифатидаги имкониятларни руёбга чиқариш ва уни шакллантириш;

-замонавий жамият тобора ривожланаётганлиги боис, инсоннинг ўзини ўзи ҳимоя қила олиш инстинктини, ўзини ўзи бошқариш салоҳиятини шакллантириш;

-ижтимоий ҳаётда ахборот жамиятининг хусусиятларини эътиборга олиб алоҳида одамлар, гуруҳлар, қатламлараро муносабатларни янада барқарорлаштириш;

-ижтимоий тараққиётнинг аҳборот компаненти ижтимоий-иқтисодий тараққиетнинг энг муҳим воситаси эканлигини инобатга олиб ахборот хуружлари, таҳдидлари манбалари ва йўналишларини, уларнинг ривожланиш омилларини ва динамикасини доимий тарзда, узлуксиз равишда ўрганиб бориш.

Берилган таклифлар йўналишлар доирасида тадқиқ этилиши, жамиятда ижтимоий сўровномалар ўтказиш, илмий тадқиқот институтлари, ижтимоий-сиёсий марказлар хамкорлик дастурини ишлаб чиқиши шунингдек Олий таълим ва халқ таълими вазирлиги “Ижтимоий фанлар” доирасида “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш” бўйича янги замонавий фанларни ўқув режасига киритиши, ушбу масалада назарий ва амалий билимлар шаклланиб, тажрибаларнинг ортишига олиб келади. Президентимиз таъкидлаганидек, “Агар кимдир, маънавият масаласи — бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир”.

**Хулоса ўрнида:** Маънавият вакцинасини ҳар бир миллатнинг ўзи яратади дея Президентимиз бежиз айтмаган. **Мақола аввалидаги саволимга, аниқ жавоб- маънавий ахборий хавфсизлигни таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар бугун жуда хам зарур. Бугунги замонавий технология ютуқларини инкор қилмаган ҳолда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосини интеграциялашган тарзда соҳаларга оид бўлиб ўрганиш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш лозим деб ҳисоблайман.** Ушбу муаммонинг тадқиқот майдонини изчил кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борадаги тадқиқот ишларининг амалиётга жорий этилиши эса жамият хавфсизлиги, барқарорлиги, давлат тараққиётига хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Клинтон Х. “Бир болага етти маҳалла ота-она”. Т.: “Ўзбекистон”. 2007. 173-бет.
2. М.Юлдашева. Ахборотлашган жамият: меъёр ва мувозанат. Т.: “Венстром” 2018.45-бет
3. Больц Н. Азбука медиа. –М.: Европа, 2011.-С.23-24.

## MAHMUDXO’JA BEHBUDIY YANG DAVR O’ZBEK MADANIYATINING ASOSCHISI

Husanboev Azizjon Rustamjon o’g’li
Tel : +998911192743
Toshquvvatov Norqobil
Tel : +998900715807
Choriyev Otajon Olim o’g’li
Tel : +998999494429
**Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti talabalari**

**Annontatsiya** : *Mahmudxo'ja Behbudiy XX asr bo'sag'asidaga Turkiston ijtimoiy-siyosiy harakatchiligining eng yirik namoyandasi, yangi davr o'zbek madaniyatining asoschisidir. Turkiston jadidlarining tan olingan rahnamosi, mustaqil jumhuriyat g'oyasining yalovbardori, yangi maktab g'oyasining nazariyotchisi va amaliyotchisi, o'zbek dramaturgiyasini boshlab bergan birinchi dramaturg, teatrchi, noshir, jurnalist. U tariximizning g'oyat og'ir va murakkab bir davrida yashadi.*

**Kalit so’zlar** : *“Usuli savtiya” , Samarqand, Buxoro , “Risolai asbobi savod” , “Tarixi islom” , Qozon ,Ufa ..*

Mahmudxo'ja Behbudiy mana shu Turkiston jadidchilik harakatining asoschisi, boshlab beruvchisi edi. U 1875 yilning 19 yanvarida Samarqand yaqinidagi Baxshitepa qishlog'ida, ruhoniy oilasida dunyoga kelgan. Otasi Behbudxo'ja Solihxo'ja o'g'li turkistonlik, Ahmad Yassaviyning avlodlaridan, ona tomonidan bobosi Niyozxo'ja urganchlik bo'lib, amir Shohmurod zamonida (1785–1800)Samarqandga kelib qolgan. 1894 yilda otasi, imom-xatiblik bilan shug'ullanib kelgan Behbudxo'ja vafot etadi. Yosh Mahmudxo'ja tog'asi qozi Muhammad Siddiq tarbiyasi va qaramog'ida o'sib voyaga yetadi. Arab sarfu nahvini kichik tog'asi Mulla Odildan o'rganadi. 18 yoshida qozixonada mirzolik qila boshlaydi. O'z ustida qunt bilan ishlab, shariatning yuksak maqomlari – qozi, mufti darajasigacha ko'tariladi. Yosh Mahmudxo'ja dunyoqarashining shakllanishida Rusiya jadidchilik harakatining asoschisi Ismoilbek Gasprinskiyning xizmati katta bo'lgan. U 1892 yilda Turkistondagi maktablarni

isloh qilish, “usuli savtiya”ni joriy etish taklifi bilan general gubernator N. O. Rozenbaxga murojaat etadi. Javob olmagach, 1893 yilda oʻzi Toshkentga keldi. Samarqand, Buxoroda boʻldi. Mahalliy xalq bilan gaplashib, dastlabki yangi usul maktablarni ochishga muvaffaq boʻldi. Behbudiy oʻz xotiralarida ustozi bilan uchrashuvlarini ixlos va muhabbat bilan tilga oladi.

Behbudiy Qozon va Ufaga borib (1903-04), u yerdagi yangi usul maktablari bilan tanishadi, tatar ziyolilari bilan aloqani yo□lga qo□yadi. Yangi maktablar uchun darsliklar tuzishga kirishadi. «Risolai asbobi savod» («Savod chiqarish kitobi», 1904), «Risolai jug□rofiyai umroniy» («Aholi geografiyasiga kirish», 1905), «Muntahabi jug□rofiyai umumiy» («Qisqacha umumiy geografiya», 1906), «Kitobat ul-atfol» («Bolalar xati», 1908), «Amaliyoti islom» (1908), «Tarixi islom» (1909) kabi kitoblar chop ettiradi. Keyinchalik (1908 yilda) Shakuriyning Rajabamindagi maktabini Samarqanddagi o□z hovlisiga qo□chirib keltiradi. Behbudiy 1911 yilda «Padarkush» dramasini yozdi. Bu birinchi o□zbek dramasi edi. 3 parda 4 manzarali bu asar mazmunan sodda bo□lib, o□qimagan, johil va nodon bolaning o□z otasini o□ldirgani haqida edi. Behbudiy bu asar janrini «milliy fojia» deb atagan. Nashr qilishga chor senzurasi yo□l qo□ymaydi. «Borodino jangi va Rusiyaning fransuzlar bosqinidan xalos bo□lishining 100 yillik yubileyi sanasiga bag□ishlanadi» degan vaj bilan Tiflis (Tbilisi) senzurasidan o□tkazadi. Drama 1913 yil bosilib chiqqan, ammo sahnaga qo□yish uchun yana bir yilcha vaqt ketadi. Asar Samarqandda 1914 yil 25 yanvarda sahnaga qo□yildi. Drama xalqqa kuchli ta□sir ko□rsatadi. Abdulla Qodiriy «Baxtsiz kuyov» dramasini shuning ta□sirida yozgani ma□lum. «Padarkush» ham janr, ham mazmuniga ko□ra yangi o□zbek adabiyotini boshlab bergan asar bo□ldi. Drama Toshkentda 1914 yil 27 fevralda Avloniy tomonidan qayta sahnalashtiriladi [3].
Behbudiy «Samarqand» gazetasini chiqaradi. Gazeta o□zbek va tojik tillarida, haftada 2 marta chop etildi. 45-soni chiqqach, moddiy tanqislik tufayli nashr to□xtadi. Shu yil 20 avgustdan u «Oyna» jurnali chiqara boshladi. Haftalik, suratli bu jurnal asosan o□zbekcha bo□lib, she□r, maqola (forscha), e□lonlar (ruscha) ham berib boriddi. Jurnal Kavkaz, Tatariston, Eron, Afg□oniston, Hindiston, Turkiyagacha tarqaldi. Behbudiy kitob nashrini ham yo□lga qo□yadi. Fitratning «Bayonoti sayyohi hindi»sini ruschaga tarjima qildirib bostirdi (1913). Behbudiy 1914 yil 29 mayda ikkinchi marta Arab mamlakatlariga sayohatga chiqadi. Sayohati davomida Bayramali, Ashxobod, Krasnovodsk, Kislovodsk, Pyatigorsk, Jeleznovodsk, Rostov, Odessa shaharlarida boʻladi, 8 iyunda Istanbulga keladi. Undan Adanaga oʻtib, yana Istanbulga qaytadi va 20 iyunda Ismoilbek Gasprinskiy bilan uchrashadi. Soʻng Quddus, Bayrut, Yofa, Xalil ar-Rahmon, Port-Said, Shom shaharlarida boʻladi. Sayohat xotiralari

«Oyna» jurnalida bosilib turadi. Bu «xotiralar» har jihatdan muhim bo‘lib, an’anaviy tarix-memuar janrining 20-asr boshidagi o‘ziga xos namunasi edi. Muallif unda yo‘l taassurotlariga, kishilar bilan uchrashuvlarining ibratli tomonlariga keng o‘rin beradi. Vatan taqdiri kun tartibiga qo‘yilgan 1917 yilning 16–23 aprelida Behbudiy Toshkentda bo‘lib o‘tgan Turkiston musulmonlarining 150 vakili ishtirok etgan qurultoyida hayajonli nutq so‘zladi. Behbudiy iztirob bilan Samarqandga qaytadi. U yerda tura olmay, Toshkentga keladi. Turkiston rus sovet hukumati rahbarlari bilan muzokara olib borishga urinadi. Tabiiyki, muzokaralar natija bermaydi. Millatni, milliy taraqqiyotni inkor etgan sho‘rolar yo‘li aldov va zo‘ravonlikka asoslanganini bilardi. Shuning uchun ham uni 1906 yildayoq aql va shariatga zid deb e’lon qilgan edi.

**Foydalanilgan adabiyotlar :**


1. ziyouz. com kutibxonasi
2. “Ma’naviyat yulduzlari” (Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, Toshkent, 1999)
3. Vol. 1 No. 2 (2022): “Young Researcher” Journal No. 2


## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЁШЛАРДА ЮКСАК МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ


**Тошкент молия институти**
**“Ижтимоий фанлар” кафедраси**
**катта ўқитувчиси Рахманов**
**Абдурауф Мухаммедович**
abduraufraxmanov19713534@gmail.com



**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида амалга оширилаётган ислоҳотлар жумладан, таълим тизимидаги янгиликлар ва ўзгаришлар хусусида, ўсиб келаётган ёш авлодни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашда қадриятларнинг жумладан, миллий, умуминсоний, ахлоқий ва диний қадриятларнинг ўрни ва роли хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган



**Калит сўзлар:** инсонпарварлик, ватанпарварлик**,** фаолият, концепция, ахлоқ, одоб, иймон, виждон, меҳнатсеварлик, ҳалоллик,

камтаринлик, байналминаллилик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, миллий ва ижтимоий ғурур

Бугунги кунда юртимизда барпо этилаётган Янги Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ижтимоий соҳанинг асоси ҳисобланган таълим тизимида ҳам кенг кўламли янгиланиш ва ташаббуслар бошланди. Уларни ҳаётга тўлиқ жорий этиш ижтимоий тараққиёт масъулиятини ўз зиммасига оладиган малакали ва рақобатбардош профессионал кадрларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараённи амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" ЎРҚ-406-сон Қонуни, 2019 йил 29 октябрдаги «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида» ЎРҚ-576-сонли Қонуни, 2020 йил 23 сентябрдаги "Таълим тўғрисида" ЎРҚ-637-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-6097-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4307-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5040-сон қарорлари жамият ижтимоий ҳаётида ислоҳотлар жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу фаолиятни амалга оширишда методологик асосдир.

[219]Хусусан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси мазкур соҳада янги ислоҳотлар учун дебоча вазифасини бажариб боради.

Ушбу ҳужжатга интелектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбаардош кадрлар тайёрлаш, миллий ваинновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди. Концепциянинг мазмуни мамлакатимизда олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини акс эттиради. Унда олий ўқув юртларида қамров даражасини кенгайтириш ҳамда

[219] https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-yangicha-talim-tizimi-va-yangicha-yondashuvlar

таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, ҳалқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа кўплаб аниқ йўналишлар белгилаб берилган. Буларнинг барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилади.

Шундай экан, бугунги Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ёшларимизни, билимли, етук мутахассислар этиб тайёрлаш билан бирга уларни креатив фикрлайдиган, дунёқараши кенг, юксак маънавий ахлоқий қадриятларга эга инсонлар қилиб тарбиялаш ҳам долзарб масалаларидандир.
Зеро, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугунги замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мутақил фикрлайдиган, юксак интелектуал ва маънавий салоҳиятига эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”.[220] Шундай экан, баркамоллик, юксак маънавиятлилик, муайян ижтимоий иқтисодий замин асосида пайдо бўлади. Ёшларнинг маънавий олами асосан жамият тараққиётининг маҳсули бўлсада ўз навбатида у жамият тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Бизнинг фикримизча ёшларда ахлоқ, одоб, иймон, виждон, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, камтаринлик, байналминаллилик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий ва ижтимоий ғурур ва маъсулият қанчалик кучли бўлса жамият тараққиёти юксалиши учун шунчалик замин яратилган бўлади. Демак, жамият тараққиётининг ҳар-бир босқичи ёшларнинг маънавий камолоти ва фаоллигига ҳам боғлиқдир.

. Албатта, тарихни, маънавий-маданий меросни чуқур ўрганмасдан, чинакам баркамол авлодни вояга етказиб бўлмайди. Чунки, аждодлар даҳосидан, тарих тажрибасидан баҳра олган инсоннинг иродаси мустаҳкам, эътиқоди буд бўлади. Ўз мустақил фикрига эга бўлиш билан бирга она ватанни севиш, унинг тараққиёти учун жон куйдириш, юрт тақдири учун ўзини масъул деб ҳис этиш туйғулари шаклланади. Тарих ва маънавий-маданий мерос ёшларни порлақ келажакни яратиш йўлида фаол бўлишга ундайди. “Шу сабабли, маънавият халнинг тарихи ва маданиятини чуқур билаш ва тушуниб етишга асослангандагина муҳим ижтимоий кучга

---

[220] Ш.Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019 й, 145-146 бетлар

айланишини жойларда ҳар бир мутасаддилар теран англаб, унинг моҳиятини ёшлар онггига сингдиришда тарғибот ва ташвиқотнинг барча самарали усулларидан собитлик билан фойдаланишлари яхши натижа беради".

Шу муносабат билан Янги Ўзбекистон ёшларининг маънавий соҳадаги фаолиятини янада юқори босқичга кўтариш учун турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, булар жумласига Республика миқёсида ўтказилаётган танловлар, тасвирий санъат кўргазмалари, ёш ижодкорлар тўгараклари, турли соҳаларда ташкил этилган рағбатлантирувчи имкониятлар Республика Президенти стипендиятлари, Алишер Навоий стипендияти, Абу Райхон Беруний стипендияти, Мирзо Улуғбек стипендияти, Зулфияхоним мукофати савриндорлари (ижод соҳасида), Келажак юлдузлари, Келажак овози ва бошқаларни олиш мумкин.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, инсон тарбияси борасидаги ишларнинг дебочасини, энг аввало, соғлом авлодни яратиш ва уни вояга етказиш вазифалари ташкил этади. Соғлом ота-онадан соғлом фарзанд дунёга келади, соғлом ва жисмоний бақувват фарзандларимиздан маънавий баркамол инсон шаклланади. Баркамол инсонни вояга етказиш ва комил инсон тарбияси учун эса оила, мактаб, жамият ва давлатнинг узвий ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш лозимдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ш.Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2019 й, 145-146 бетлар
2. М.Абдураимова. Комиллик йўлида. «Ёшлик» журнали. 2011.1. 36 бет.
3. https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-yangicha-talim-tizimi-va-yangicha-yondashuvlar


## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИДА ТЕАТР САНЪАТИНИНГ ЎРНИ. (1950-2021 ЙИЛЛАР)


**Сарвар Ахмедов,**
**Қарши давлат университети магистранти**



***Аннотация:*** *Ушбу мақолада совет даврида маданий ҳаётнинг бир қисми бўлган театр-томоша санъати соҳасида Ўзбекистоннинг Афғонистон, Ҳиндистон, Вьетнам ҳамда Мўғилистон каби давлатлар билан алоқалари, ҳамда ўзбек театри ўз тараққиёти йўлида жаҳон театри тажрибасини ўзлаштириб борганлиги ёритиб берилган. Шунингдек,*

*мустақиллик йилларида театр соҳасини ривожлантириш учун ҳукумат томонидан амалга оширилган ишлар вв уларнинг таҳлили кўрсатиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *Ўзбекистон театр санъати, “Падаркуш” пьесаси, спектакль, маданий-маърифий муассасалар, мусиқали спектакли, “27 март - халқаро театр куни”, драма театри.*

Санъатлар ичида инсон тарбияси учун муҳим бўлган театр санъати маданий алоқалар тизимида давлат мафкурани тарғиб этишнинг энг кенг қўлланадиган шакли ҳисобланади. Театр-томоша санъати маданиятнинг таркибий қисмларидан бири сифатида инсон камолотида муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, мазкур санъат нафақат одамларга руҳий-маънавий озуқа бериш, балки турли халқларнинг ўзаро алоқалари ривожланишида самарали восита вазифасини бажариб келган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “бир асрдан зиёд шонли тарихга, ижодий мактабларга эга бўлган ўзбек театр санъати ўзининг бой анъана ва қадриятларини сақлаб, замон билан ҳамнафас бўлиб, изчил ривожланиб келаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганларидек, театр ҳақиқатан ҳам ибратхона, қутлуғ тарбия ва маърифат масканидир”. 1913 йилда ўзбек театри жадидчилик ҳаракатининг меваси маърифий театр сифатида Махмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” пьесаси билан театр сифатида майдонга чиққан эди.

Шунингдек, Хамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида хорижий Шарқ халқлари ҳаёти ва кураши хақидаги пьесалар саҳналаштирилган. 1957 йилда Хамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида ҳинд тилида Р.Тагорнинг “Халокат” романи асосида саҳналаштирилган “Ганг дарёсининг қизи” намойиш этилди. Нозим Ҳикматнинг “Туркия ҳақида қисса”, хитой классиги Ван Шифунинг “Май тўкилди” спектакллари, Жазоир ёзувчиси Муҳаммад Дибнинг “Катта уй” романи асосида саҳналаштирилган “Жазоир - менинг ватаним!” номли спектакллар Шарқ анаъаналарини бирлашувида, миллатлараро дўстона маданий алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Айнан шу даврда “27 март - халқаро театр куни” сифатида нишонланиб, театрнинг халқлар ўртасидаги тинчликни мустаҳкамлаш ва ўзаро хамдўстлик воситаси сифатида Осиёдаги кўплаб мамлакатлар билан маданий алмашинувлар воситаси бўлган.

1960-1980 йиллар ичида Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида “Почта” (Р.Тагор, 1961), “Шакунтала” (Калидаса, 1973) каби асарлар сахнага қўйилди. Ушбу асарлар ўзбек томошабинларини “ҳинд

санъати билан яқинлаштиришнинг энг қулай усулларидан бирига айланди". С.Юдаков билан И.Акбаровнинг партитуралари ҳинд мавзусида ёзилган ўзбек композиторлари асарлари қаторидан муносиб ўрин олди. Республика композиторлари кўплаб "ҳиндча" оригинал асарлар яратишди. Чунончи, А. Козловскийнинг "Ҳинд қиссаси", Г Мушелнинг "Кашмир афсонаси" балети, М. Ашрафийнинг "Севги Тумори" балети, И.Акбаровнинг "Почта" симфоник картиналари М. Ашрафийнинг "Ганг узра тонг" кинофильмига яратган мусиқасини бошқалар "ҳиндча" мавзудаги асарлар қаторидан ўрин олди.

1973 йилнинг 5-15 март кунлари Ҳиндистоннинг Панжоб шахрида ўзбек-ҳинд дўстлиги ўн кунлиги ташкил этилган. Ўзбек театрининг таниқли артисти И.Болтаева сафар таассуротлари ҳақида шундай деган: "Биз ҳинд халқининг совет маданиятидан, адабиётидан ҳабардор эканликларини, таниқли адиблар ва жамоат арбобларининг хаёти ва ижоди билан қизиқишларини, айникса, ўзбек маданиятининг равнақини кузатиб боришларини кўрдик. Жаландар коллеж талабалари ўзбек театри томонидан намойиш этилган "Йўқолган узук ёки Шакунтала" комедияси ҳамда С.Аҳмаднинг "Келинлар қўзғолони" спектакллари ҳақида жўшиб гапирдилар. Мен уларга Р.Тагорнинг "Ганг дарёсининг қизи", "Почта" каби сахна асарлари ўзбек театрларидаги намойиши ҳақида сўзлаган.

1980 йилларда Хамза номидаги Ўзбек dавлат академик драма театрининг "Қиёмат қарз" спектакли нафақат Осиё минтақасида, балки дунёнинг бошқа давлаҳларида ҳам шуҳрат қозонди. 1984 йилда Синьцзян халқ театрида ўзбек ёзувчиси Саид Аҳмаднинг "Келинлар қўзғолони" комедияси 80 марта намойиш этилди. Урумчи, Гулжа шаҳридаги мазкур халқ театри актёрлари асарнинг миллийлигини, комедиядаги ўзига хос руҳ ва енгил юморни тўлиқ сақлаган ҳолда талқин этишди. Театр соҳасидаги маданий алмашинувида янги сахифа - афғон мавзуси майдонга келди. 1984 йил сентябрда Хамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри биносида Қобулдаги афғон драма театрининг гастроллари уюштирилди. Афғонистон Демократик Республикаси Маданият министрлиги ҳузуридаги театр уюшмаси президенти Абдулҳамид Жалиё афғон театрининг ижодий йўли анча илгари бошланганини, Гоголь, Островский ва чет эл классикларининг асарларини сахналаштиришга муваффақ бўлган театр афғон халқи ҳаётидан олинган асарларнинг сахналаштириш бўйича дастлабки ҳаракатларни олиб бораётганини таъкидлади. Гастролда театрнинг янги анъаналарини ўзида мужассамлаштирувчи учта саҳна асари Асадулла Хабиб - "Тун ва қамчин", М.Горький - "Она хақида афсона", Бертольд Брехт - "Қоида ва истиснолар" асарлари муваффақият билан намойиш қилинди.

Ўзбекистон Респуликасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг сиёсий жасорати билан 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач, ҳукумат томонидан маданият, таълим, илм-фан билан бир қаторда театр соҳасига катта эътибор қаратилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида давлат бюджетидан ажратилаётган маблағнинг муттасил ортиб бориши ҳам мамлакатда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида қаралиб, соҳага бўлган катта эътибор кўрсаткичидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қуwатлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1998 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармонлари асосида театрлар давлат бюджети ҳисобига қўллаб-кувватланди. Фармонга биноан Маданият ишлари вазирлиги тизимида ва театр ижодий ходимлари уюшмаси қошида 1998 йилда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди [10]. Бирлашма театр жамоаларига халқимизнинг бой маънавий оламини, унинг маданий мероси, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотувчи спектакллар яратишда, истеъдодли ёшларни театрга жалб қилишда, театрларнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашда, ижодий ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишда кўмаклашди.

2001 йил 21 сентябрдан театр номи ўзгартирилиб, "Ўзбек миллий академик драма театри" деб атала бошланди. Жамоа замонавий мавзуда спектакль яратиш билан бирга буюк тарихий шахслар, қатағон қурбонларининг бадиий тимсолини яратишга эътибор кучайтирилди. Натижада У.Шекспир замондоши К.Марлонинг "Соҳибқирон Темур" драмаси ўзбек саҳнасида илк бор саҳналаштирилди, А.Ориповнинг "Соҳибқирон Темур" драмаси, У.Азимовнинг Чўлпон ҳаётидан ҳикоя қилувчи "Кундузсиз кечалар" томошабинларга тақдим этилди. "Жар", "Хотинлар гапидан чиққан ҳангома", "Сабъаи сайёр", "Алишер Навоий", "Абулфайзхон", "Меҳробдан чаён", "Чимилдиқ", "Қаллиқ ўйин", "Машраб", "Муҳаббат султони", "Дарахтлар тик туриб жон беради", "Ҳамлет", "Қирол Лир", "Етти фарёд" ва бошқалар сўнгги йиллар яратилган энг яхши спектакллардир. Ёқуб Аҳмедов, Рихси Иброҳимова, Эркин Комилов, Толиб Каримов, Саидкомил Умаров, Теша Мо‘минов, Зуҳра Ашурова, Жамшид Зокиров, Гавҳар Зокирова, Мадина Мухторова, Тоҳир Саидов, Учқун Тиллаев, Муқаддас Холиқова, Саида Раметова, Раъно Ярашева ва бошқалар театрнинг етакчи актёрларидир. Театрнинг бош режесёри Валижон Умаров 2005 йилда саҳналаштирди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда совет даврида амалга оширилган театр-томоша соҳасидаги халқаро маданий алоқалар жараёнида Осиёдаги қатор мамлакатлари билан халқаро маданий алмашув салмоқли ўринни эгаллади. Бироқ сиёсий тазйиқ ва мафкуравий чекловларга қарамай, ўзбек саньат усталари саҳна маҳоратининг энг юксак намуналарини хорижий мамлакатларда намойиш эта билдилар, халқлар ўртасидаги умуминсоний ва миллий маънавиятнинг энг гўзал жиҳатлари алмашинувига муваффақ бўлдилар.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абуталипов Ч.А. Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари.-Тошкент: ЎзДавНашр. 1964. – 137.

2. Бой ила хизматчи монгол саҳнасида // Совет Ўзбекистони. 1969 йил 10-ноябрь. – Б.3.

3. Гудков М. Первая советская пъеса на американской сценс: “ржавчина” В.Киршона И.А. Успенского (1929-30). Театралълне сюжетъ. 2017. – Б.265.

# O’RTA OSIYO TARIXIDA ILM-FAN YUKSALISHLARI TO‘G‘RISIDA BA’ZI MULOHAZALAR

***Nazirov Baxtiyor Safarovich,***

*Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti*

*Telefon:+998( 99) 677 60 22*

*baxtnazir-1@mail.ru*

**Annotatsiya:** *Falsafiy qarashlarida pozitivist bo‘lgan fransuz faylasufi Jozef Ernest Renan (27.02.1823-2.10.1892) tabiat va jamiyat o‘z qonunlariga ko‘ra taraqqiy etishini e’tirof qilar ekan, bu olamda allaqanday ilgarilanma harakat va ezgulikka umumiy intilish bor, deb hisoblagan. Uning fikricha, ilgari alohida falsafiy tizimlar va nazariyalar mavjud bo‘lib, ularning har biri o‘z tarafdorlariga ega bo‘lgan bo‘lsa, ezgulikda ularning barchasini o‘rganib va umumiy xulosa chiqarish, o‘z aqli bilan ish tutish uchun imkoniyat tug‘ildi.*

**Kalit so‘zlar:** Uchinchi Renessans, SHavkat Mirziyoev, Oliy Majlisga murojaatnoma, Jozef Ernest Renan (27.02.1823-2.10.1892), pozitivist, tabiat, jamiyat, qonunlar.

**KIRISH**

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasida tasdiqlanganidek, “Biz o‘z oldimizga mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini barpo etishdek ulug‘ maqsadni qo‘ygan ekanmiz, buning uchun yangi Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar, Ulug‘beklar, Navoiy va Boburlarni tarbiyalab beradigan muhit va sharoitlarni yaratishimiz kerak. Bunda,

avvalo, ta’lim va tarbiyani rivojlantirish, sog‘lom turmush tarzini qaror toptirish, ilmfan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g‘oyamizning asosiy ustunlari bo‘lib xizmat qilishi lozim”[221].

**ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR**

Mazkur maqolani tahlil qilish jarayonida ilmiy bilishning mantiqiylik, tarixiylik, izchillik va obyektivlik usullaridan keng foydalanildi. Uchinchi Renessansning umumiy xususiyatlari haqida tahlil olib borildi. Renan “Dialogues fragments philosophiques”nomli o’quv qo’llanmasi metodologik manba bo’lib belgilandi.

**MUHOKAMA VA NATIJALAR**

Ma’lumki, G‘arb adabiyotlarida Yevropa mamlakatlarida keskin madaniy yuksalishga olib kelgan XV-XVII asrlarni Renessans – Uyg‘onish davri nomi bilan yuritadilar. Masalan, XIX asrda yashagan fransuz olimi Jozef Ernest Renanning fikricha, “Absolyut tizimlar zamoni o‘tdi. Ilgari har bir olim o‘z sistemasiga ega bo‘lib, uning uchun yashar va kerak bo‘lsa jonini berar edi. Endi biz ularning barchasini birin-ketin yoki bir varakayiga o‘rgana olamiz”[222]. Biroq ko‘pchilik mualliflar Sharqda shunday jarayon bo‘lganligidan ko‘z yumadilar. Holbuki, IX-XII asrlarda Markaziy Osiyoda Yevropadan bir necha asr ilgari madaniy yuksalish yuz berganligini hech kim inkor eta olmaydi. U Yevropadagidek yangi siyosiy-iqtisodiy jarayon, ya’ni burjua munosabatlarining vujudga kelishi bilan bog‘liq bo‘lmagan bo‘lsa-da, madaniyat tarixida so‘nmas iz qoldirdi va Yevropa Renessansining vujudga kelishiga katta ta’sir ko‘rsatdi. Shuning uchun biz IX-XII asrlardagi Markaziy Osiyo madaniy yuksalishini Uyg‘onish davri, aniqrog‘i ilk Uyg‘onish davri madaniyati deb atashga to‘la asosimiz bor. Bu ilk Uyg‘onish davri madaniyati siyosiy-iqtisodiy jihatdan Yevropa mamlakatlaridan farqli o‘laroq mustaqillikka erishish va bu mintaqada mustaqil davlatlarning vujudga kelish jarayoni bilan uzviy bog‘liqdir.

Bu davrda Yaqin Sharqda Al-Ma’mun xalifalik qilgan davrda (813-833) davlat ilm-ma’rifatning o‘sishiga yordam berdi. Bag‘dodda, sungra Damashqda astronomik rasadxonalar qurildi. Bag‘dodda “Bayt ul-hikma” (“Donishmandlar uyi”) tashkil etildi. Bu ilm dargohlarida O‘rta Osiyolik olimlar faol ishtirok etdilar. XI asrning boshlarida Xorazmda mashhur “Ma’mun akademiyasi” tashkil qilindi. Bu yerda Beruniy atrofiga o‘sha zamonning bir guruh olimlari, jumladan, Abu Ali ibn Sino, Abu Nasr ibn Iroq, shuningdek, faylasuf Abu Saxl Masihiy, tabib Abul Xayr Hammar va boshqa olimlar ko‘plab ilmiy izlanishlar olib bordilar. Bu davrda tabiiyot ilmi, panteistik falsafa bilan birga islom ilohiyoti ham keng rivojlandi. Muhaddis sifatida butun musulmon olamida mashhur Imom Buxoriy, Imom Iso at-Termiziy, kalom ta’limotining asoschilari Abu Mansur Moturidiy va Burhoniddin

[221] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. Xalq so'zi. 2020 yil 30 dekabr. №276. 2-bet.

[222] Renan “Dialogues fragments philosophiques” – “Falsafiy dialoglar va parchalar”. Ф., 1876, p.

al-Marg‘inoniy hamda Abu Homid Muhammad al-G‘azzoliylar islom dini rivojiga katta hissa qo‘shdilar.

Ikkinchi Renessans – Sohibqiron Amir Temur va temuriylar sulolasi hukmronlik qilgan (XV-XVI asrning birinchi yarmi) davrga to‘g‘ri keladi. Bu davrda yashab, ijod etgan olim va mutafakkirlar Sa’diddin Taftazoniy, Mir Sayyid Sharif Jurjoniy, Muhammad Tarag‘ay Ulug‘bek, G‘iyosiddin Jamshid al-Koshiy, Alauddin Ali ibn Muhammad Qushchi, Abdurahmon Jomiy, Nizomiddin Mir Alisher Navoiy, Kamoliddin Husayn Voiz Koshifiy, mashhur tarixchilar Mirxojd va Xondamir, rassomlar Kamoliddin Behzod va shoh Muzaffarlarning nomlari dunyoga mashhur bo‘lgan. Bu davrda davlatni boshqarishda din va tasavvuf qoidalariga alohida e’tibor berildi. Ahmad YAssaviy va Bahouddin Naqshband ta’limotlari ma’naviyat rivojida muhim ahamiyatga ega bo‘ldi. Ilm-fan rivojlantirildi, me’morchilik san’ati yuksak darajaga ko‘tarildi. Amir Temur Ko‘ksaroy masjidi, Shohizinda, Bibixonim madrasasini qurdirdi. Keshda (Shahrisabz) Oqsaroy barpo etildi.

Mirzo Ulug‘bek davrida Registonda, keyinchalik Buxoro va G‘ijduvonda madrasalar, Bibixonim masjidi, Go‘ri Amir maqbarasi, Ulug‘bekning falakiyot rasadxonasi qurildi. Ilm-fan, xususan, falsafa, mantiq ilmi rivojiga katta e’tibor berildi. Buning natijasida XIV-XV asrdan boshlab islom madrasalarida mantiq ilmini o‘qitish huquq va tilshunoslik fanlari bilan bog‘liq holda olib borildi. Buyuk falakiyotchi olim va davlat arbobi Muhammad Tarag‘ay Ulug‘bek matematika, astronomiya, geometriya, tarix, kimyo va boshqa sohalarda ilmiy tadqiqotlar olib bordi. Uning eng mashhur asari “Ziji jadidi Ko‘ragoniy”da 1118 yulduzning o‘rni va holati aniqlab berilgan. Ulug‘bek Quyosh va Oy harakatlarini, ularning tutilish vaqtlarini to‘g‘ri hisoblab chiqqan. U atrofiga iqtidorli yoshlarni to‘plab, o‘zining ilmiy maktabini yaratdi. Sharq Renessansining ikkinchi davrida yaratilgan falsafiy, badiiy tafakkur rivojining yorqin namunasi Alisher Navoiy ijodida o‘z ifodasini topgan[223] .

Sharq Renessansi haqida ko‘plab asarlar yozilgan. Ularda o‘sha davrlarda Sharqda Islom ilmlari bilan bir qatorda ijtimoiy, tabiiy fanlar ham rivojlangani qayd etilgan. Bu haqda shveysariyalik mashhur sharqshunos Adam Metsning “Musulmon Renessansi” asaridan ma’lumotlarni olish mumkin. Mazkur asar IX-X asrlarda musulmon sharqida yuz bergan madaniy rivojlanishning tarixiga bag‘ishlangan. Masalan, unda qayd etilishicha, “Keyingi o‘zgarishlarning sababi shunda ediki, huquqshunoslik ilohiyotdan ajralib chiqib, olimlar guruhi bir-biriga dushmanlik ruhida bo‘lgan ikki guruhga bo‘linib ketdi, ya’ni faqihlar (fuqiho) va olimlar (ulamo)”. Birinchi guruh atrofiga bir parcha non topish umidida bo‘lgan juda ko‘p talabalar to‘plandi, negaki, kimki huquq va urf-odatlarni o‘qib olsa, ular yordamida qozilik va voizlik joyini egallashi mumkin edi. Bu to‘g‘rida o‘zining yaxshi iboralari bilan mashhur bo‘lgan al-Johid shunday deydi: “Biz o‘z

[223] Jahon falsafasi qomusi “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti. Тошкент-1916, 2- жилд, 510-бет.

tajribamizdan shunga ishonamizki, kimki ellik yil davomida hadislarni o‘rgansa va Qur’onni sharhlashni bilsa ham u faqihlar jumlasidan hisoblanadi va qozilik lavozimiga erisha olmaydi. Bunga u shu vaqtdagina erisha oladiki, agar u Abu Hanifaning va unga o‘xshashlarning amaliy faqihlik iboralarini yoddan o‘rganib olsa va u bunga bir-ikki yilda erisha oladi. Ko‘p o‘tmay bunday odamni shahar yoki hatto viloyat qozisi etib tayinlashlari mumkin” [224].

Dunyoviy fanlarning bilimdoni ilohiyotchidan o‘zining kiyimi bilan ham farq qilar va “kotib” deb atalar edi. Ilohiyotchi taylason kiyimini kiyar ediki, u uzun bo‘lib to‘pig‘igacha tushar edi. Kotiblarning tayanchi dunyoviy ilmlar o‘lkasi bo‘lgan Fors bo‘lib, uning poytaxti Sherozda ilohiyotchilardan ko‘ra, ularga katta ehtirom ko‘rsatilar edi. Har bir nazarga ilinadigan masjid huzurida o‘zining kitobxonasi bo‘lar edi, negaki, shunday odat mavjud ediki, o‘lim oldidan o‘z kitoblarini masjid kutubxonasiga berishni vasiyat qilar edilar. Aytishlaricha, Marv shahridagi masjidning kutubxonasi asosini Yezdigerd III o‘zi bilan olib kelgan kitoblar tashkil etgan[225].

Shuningdek, amerikalik mashhur fan tarixchisi Jorj Sartonning “Fan tarixiga kirish” nomli fundamental ishi ham bu to‘g‘rida qimmatli ma’lumotlarni mujassam etgan. XIX asrning oxiri XX asrning boshida Turkiston madaniyati qator talantli olim, sayyox, shoir, pedagog, jurnalistlarni etishtirib chiqardi, ular xalqimizning umumiy madaniyati rivojlanishiga juda katta ta’sir ko‘rsatdilar. Yevropa madaniyati yangiliklari, Yaqin Sharq mamlakatlaridagi o‘zgarishlar Turkiston madaniyatida yerli xalqning mustamlakachilik siyosati, kamsitilishiga qarshi ma’rifatchilik harakatini kuchaytirib yubordi. U asosan xalqni yangi madaniyat, ma’rifatga chaqirishga, millatni uyg‘otishga, yangilanayotgan ma’naviyatni egallashga yo‘naltirilgan edi. Asta-sekin ma’rifatchilikdan jadidchilik o‘sib chiqdi va u ma’lum darajada siyosiy masalalarni olg‘a sura boshladi. Yangi ta’lim-tarbiya, yangi maktab, yangi maorif, uni boshqarish, madaniy targ‘ibot, tashkilotchilik masalalari asosiy o‘ringa ko‘tarildi. Yangiliklarga asoslangan holda rus va eski feodal maorifdan farq qiluvchi fikr-g‘oyalar oldinga surildi, ular erli matbuot, turli kitoblar orqali keng targ‘ib etildi. Bu madaniyatdagi mustamlakachilikka qarshi mustaqillikka xalq ongini oshirish, o‘z ahvolini yaxshilashga intilishning ko‘rinishlaridan edi .

**XULOSA**

Ushbu Uchinchi Renessans davrida Ahmad Donish, Berdaq, Feruz, Muqimiy, Furqat, Zavqiy, Bayoniy, Avaz O‘tar kabi olim, shoirlar o‘z davrining muhim masalalarini ko‘tarib chiqdilar va xalqni ilm-fan, ma’rifatni egallashga undadilar. Behbudiy, Abdulla Avloniy, Fitrat, CHo‘lpon, S.Ayniy, Hamza kabi iste’dod egalari jadidchilik g‘oyalarini olg‘a surish va targ‘ib qilish sohasida bayroqdor bo‘lib tanildilar. Turkistonning o‘z rivojlanish yo‘lini targ‘ib etishda

---

[224] Адам Мец. Мусульманский Ренессанс. Изд-во “Наука”. Главная редакция Восточной литературы. М., 1966, 144-145-betlar.

[225] Qarang: o‘sha asar, 145-b.

jonbozlik koʻratdilar. Mustaqilligimiz arafasida ularning izdoshlari boʻlgan Rauf Parpi va Gulchehra Nurullaevalar jasorat koʻrsatib, bu ishni davom ettirdilar. Masalan, 1989 yilda oʻzbek tiliga davlat tili maqomi masalasi koʻtarilganda Gulchehra Nurullaeva, "agar oʻzbek tiliga davlat tili maqomi berilmas ekan, oʻzimni Qizil Maydonda yoqaman", degan bayonot bilan chiqdi. U umrining oxirigacha haqiqiy mustaqillik uchun kurashdi. Mustaqilligimiz tufayligina millatimiz va jahon madaniyati rivojiga ulkan hissa qoʻshgan Sharq uygʻonish davrini ilmiy, xolis oʻrganish, baholash imkoni ochildi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**


1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. Xalq soʻzi. 2020 yil 30 dekabr. №276. 2-bet.
2. Renan "Dialogues fragments philosophiques" – "Falsafiy dialoglar va parchalar". F., 1876, r. VIII-IX.
3. Jahon falsafasi qomusi "Oʻzbekiston faylasuflari milliy jamiyati" nashriyoti. Toshkent-1916, 2-jild, 510-bet.


# СУРХОН ВОҲАСИДА 1946-1970 ЙИЛЛАРДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ СИЁСАТИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ


**Яқубова Дилорам Таджиевна Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ўқитувчиси Тарих ва фалсафа кафедраси мудири тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**



**Аннонтатсия:**Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистонда йирик суғориш иншоотларини барпо этишга киришилди. Бу жараён ВКП(б) МК ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1945 йил июл ва 1946 йил 2 февралда чиққан буйруқларига асосан амалга оширилди. Сурхондарё вилоятида улкан ирригация тармоқларини бунёд этиш даври бошланди.



**Калит сўзлар:** Сурхон-Шеробод, Ҳазарбоғ, Таллимарон, СССР Министрлар Совети, Сурхондарё ҳавзасидаги янги ерларни «Жанубий Сурхон сув омбори.


Сурхон-Шеробод воҳасидаги деҳқончилик Шерободдарё ва Занг каналидаги суғориш тизимларини қайта таъмирлаш билан боғлиқ эди. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши асосан колхозларнинг кучи ва маблағлари ҳисобига бажарилди. Жарқўрғон ва Термиз туманлари колхозчилари

томонидан 1949 йилда узунлиги 23 км бўлган Какайди ва 1956 йилда Занг (узунлиги 90 км) каналлари қурилди. Термиз туманидаги Янгиариқ канали қайта таъмирланиб, Сурхондарёнинг сўл қирғоғидаги Оқтепа массиви ўзлаштирилди[226]. Шу билан бирга, Шўрчи туманидаги Шалдироқ, Оққўрғон, Оқтепа ботқоқликлари, Денов туманидаги Кампиркўл ботқоқлиги, Жарқўрғон туманидаги Оққўрғон, Гарангтўқай ва Заркамар Туркманқишлоқ, Жалоир, Қумқўрғон ботқоқликлари, Сариосиё туманидаги Жартекис ва Файзобод ботқоқликлари ўзлаштирилди. Янги ўзлаштирилган ерлар ҳисобига 1946 йилда пахтанинг ҳосилдорлиги 14,8 центнерга, 1953 йилда эса 25,9 центнерга етди. Ингичка толали пахта майдонлари эса 10 баробар ошди[227].

1950 йилда Сурхон-Шеробод воҳасининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида комплекс механизацияни киритиш мақсадида суғоришнинг янги тизимига ўтиш, суғориладиган ҳудудларни кенгайтириш, сувни тежаш ва ернинг шўрланиши олдини олиш масаласида муҳим ишлар қилинди. 1951-1952 йилларда Жарқўрғон, Термиз, Ангор, Шеробод ва Шўрчи туманлари меҳнаткашлари Занг каналини тозалаш ва кенгайтириш борасида катта ишларни олиб бориб, экин майдонларининг сув билан таъминланишини яхшилади. Ўтказилган тадбирлар натижасида, қишлоқ хўжалигида экин майдонлари кенгайиб, 1950 йилда 155,2 минг гектарни ташкил этди, шундан 59,7 минг гектари пахта майдонлари эди[228].

Юқоридаги муаммони ҳал этиш учун СССР Министрлар Совети 1952 йил 2 сентябрда Сурхон-Шеробод воҳасида янги ерларни ўзлаштириш мақсадида сиғими 165 млн $м^3$ га тенг бўлган Учқизил сув омборини қуриш ва 10 минг гектар янги ерни очиш бўйича махсус қарор қабул қилди. Совет ҳокимияти пахта яккаҳокимлигини мустаҳкамлаш мақсадида колхозларни сув билан таъминлашга алоиҳда эътибор бериб, Сурхондарё вилоятидаги Учқизил ва Тошкент вилоятидаги Туябўғиз сув омборларига 48 миллион сўм мавблағлар ажритиб, ушбу сув омборларни тезлатишни давлат назоратига олди[229]. Шунингдек, Занг каналини узайтириш ва қайта таъмирлаш бўйича кўрсатмалар берди. Ушбу қарорни амалга ошириш бўйича 27 кишидан иборат Колхозлараро махсус кенгаш тузилди. Занг канали бўйича ўтказилган ер ишларининг умумий ҳажми 400 минг $м^3$, бутун колхоз ички суғориш ва коллектор тизимини қайта қуриш учун 300 минг $м^3$ ишлар

226 Истомин М.С. Освоение новых земель в Сурхандарьи // Социалистическое сельское хозяйство, 1954. №2. –С.8.
227 Газета «Ленинское знамя». 3 июля, 1954.
228 Сурхондарё вилояти давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 16-варақ.
229 Венгрский В.Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши.Тошкент.Ўзбекистон ССР сиёсий ва илмий билимлар тарқатиш жамияти.1958. № 24-25. –Б. 7.

бажарилди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун 2,5 млн сўм ажратилди[230]. Сурхон-Шеробод ҳудудини ўзлаштириш, янги суғориш тизимларини қуриш ва коллектор-зовурларни ишга тушириш мақсадида механизация кучидан фойдаланишга катта эътибор берилди. 1953 йилда воҳа қишлоқ хўжалигига 6 мингта трактор ва 2200 та автомашиналар жалб этилди[231].

«Жанубий Сурхон сув омбори» ҳисобидан янги ерларни ўзлаштириш мақсадида 1961 йилда «Сурхансовхозстрой» трести ташкил этилди. Шу тариқа, «Жанубий Сурхон сув омбори» базасида Шеробод даштини кенг кўламли ўзлаштириш бошланди. Сув сиғими 800 млн $м^3$ бўлган Жанубий Сурхон сув омбори Шўрчи туманидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхози ерларида, Заркамар ва Хўжамулки оралиқларидаги тўқайзорлар ўрнида қурилди. Сув омборини лойиҳалаш ишлари 1958 йилда бошланган, асосий қурилиш ишлари эса 1961 йилда киришилган эди. Тўғоннинг максимал баландлиги 30 метр, тепа қисмининг кенглиги 10 метр, қирра бўйлаб узунлиги 5,4 км. Сув омборининг умумий кўринадиган майдони 65 $км^2$ дир. Унинг вазифаси Сурхон дарёсининг мавсумий оқимини тартибга солиб, халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ишлатиш эди. Сув омбори баҳорда бўладиган сел сувларини йиғиб, ёзги қуруқ фаслда Шеробод ва Қумқўрғон магистрал каналлари орқали Сурхон-Шеробод воҳасидаги 71 минг гектар ердаги экинзорларни сувлаш имкониятини яратди. 1962 йилдан бошлаб Жанубий Сурхон сув омбори воҳа қишлоқ хўжалигини зарур бўлган сув манбаси билан таъминлай бошлади. Орадан олти йил ўтгач, яъни 1968 йилда сув омбори тўлиқ ишга туширилади[232].

Сурхондарёда янги ерларни ўзлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1965 йил 7 июлда «Узглавводстрой» зиммасига Сурхон-Шеробод воҳасидаги совхозларнинг ирригация ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътибор қаратишни юклади. Натижада, 1966 йилда Занг канали батамом реконструкция қилинди ёки қурилаётган пайтидаги ўтказиш қувватидан 5 баравар кўп сув ўтказди. Сурхон-Шеробод воҳасида «Узглавводстрой» томонидан 1966 йилда 4,1 минг гектар, 1967 йилда 9 минг гектар, 1968 йилда 11 минг гектар, 1969 йил 12,6 минг[233] ва 1970 йил 14,0 минг гектар ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолати яхшиланди. 1965 йилда Шеробод даштининг қўриқ совхозлари бўлмиш Янгиободда 3635 гектар, Комсомолободда 4000 гектар, Советободда эса 2100 гектар майдонга

[230]Сурхондарё вилояти давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 41-иш, 4-5-варақлар.
[231]Сурхондарё вилояти давлат архиви. 580-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 17-варақ.
[232] Бўриев С.Д. Сурхоннинг сув тўғони. –Тошкент, 2019. –Б. 46.
[233] Газета «СоветскийУзбекистан». 1 октября, 1969 года.

пахта экилди. 1965 йилда қишлоқ хўжалик экинларининг майдони Сурхон-Шеробод воҳасида 166,6 минг гектардан 214,8 минг гектарга етди[234].

1966 йилда Шеробод даштини суғориш ва ўзлаштириш дастури асосида Шеробод воҳасининг энг қадимги ҳосилдор ерлари бўлган Янги Истара, Қизириқ массивларини ўзлаштириш бошланди. Бу иш «Жанубий Сурхон сув омбори» ва Шеробод машина магистрал каналининг қурилиши билан боғлиқ эди. Узунлиги 27 километр бўлган Шеробод магистрал канали Жанубий Сурхон сув омборининг ўнг қирғоғида қурилган бош сув олиш иншоотидан сув олади. Пишқириб оқаётган сув канал трассасининг дастлабки 8 километрида Сурхондарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб ва Тошкўприксой ўзани тагидан 150 метр узунликдаги 3 кўзли (3х3,5 м.) темир-бетон қувурли дюкер орқали ўтади. Қуйироқда каналдан Қумқўрғон каналига 10 м³/сек. миқдоридаги сувни ташлаш учун сув чиқаргич ўрнатилди. Каналнинг 13 кмдаги участкасида Шеробод насос станцияси барпо этилди. У ердаги қудратли насос-агрегатлар ёрдамида сув 10 қаватли уйнинг баландлигича кўтариб берилади. 1966 йилда Шеробод магистрал канали Қизириқдара даштига биринчи марта сув берди. Орадан беш йил ўтгач, яъни 1971 йилда Шеробод магистрал канали тўла фойдаланишга топширилди[235].

Каналнинг чап тармоғи қурилиши билан 1968 йили Бандихон- Қизириқ массивларининг янги ерларида иккита қўриқ совхози ташкил этилди. 1968 йили 3238 гектар қўриқ ерлар ўзлаштирилди[236], шулардан 1000 гектарига пахта экилди[237]. 1968 йил Шеробод машина магистрал канали тизими бўйича Й.Охунбобоев номли 7-совхоз ташкил этилиб, 2100 гектар янги ерлар ўзлаштирилди ва 400 гектар ерга пахта экилди. Ўша йили давлатга 538 тонна пахта топширилди, ҳар бир гектар ердан 13 центнердан пахта йиғиб олинди[238]. 1972 йилга қадар Шеробод магистрал канал ҳудуди бўйича 8 та пахтачилик совхози ташкил этилди. 1968 йилда Сурхон-Шеробод воҳасидаги совхозлар давлатга 28346 тонна пахта топширдилар. Сурхон-Шеробод воҳасида 1958-1968 йилларда пахта майдонлари 82,451 гектардан 111,500 гектарга етди. Агар 1958 йилда Сурхон-Шеробод воҳасида 236 минг тонна пахта давлатга топширилган бўлса, 1968 йилга келиб бу кўрсатгич 346,3 минг тоннага етди.

«Жанубий Сурхон сув омбори» комплексида бажарилган ишлар натижасида вилоят жанубида йилнинг исталган даврида суғориш учун етарли миқдорда сув тўпланди. Сув кам бўлган шароитга мослаб асрлар давомида

---

[234] Журнал «Узбекистан». 1965, № 10. –С. 14-15.

[235] Сурхондарё вилояти давлат архиви.478-фонд, 1-рўйхат, 86-иш, 49-варақ.

[236] Сурхондарё вилояти давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 126-иш, 19-варақ.

[237] «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, 1969. №3. –Б.18.

[238] Текущий архив водохозяйственного строительства новых совхозов в Сурхандарьинской области. Данные на 1.01. 1969 г.

яратилган агротехника усулларини танқидий назардан қайта кўриб чиқилди. Чунки ўзлаштирилаётган водийнинг моддий-техника ва табиий-иқлимий шароитларидан янада тўлароқ фойдаланиш пайти келган эди.

Бундан ташқари, Сурхон воҳасида янги ерларни ўзлаштириш ва пахтачиликни ривожлантиришда Меҳнат Қаҳрамонлари – Шаймардон Қудратов, Отамурод Худойназаров, Жиянқул Рустамов, Муҳаммади Келдиев, Бобоёр Ҳасанов ва бошқалар, Республикада хизмат кўрсатган пахтакорлар – Назиртош Тўраев, Саиджон Отаниёзов, Алиқул Файзиев, Раҳима Абдураҳмонова, Қумри Қурбонова, Норқобил Аҳмедов, Кўчар Одинаев ва бошқаларнинг меҳнатлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Лапасов А.Ч. Истиқлол йўли: Ангор. –Термиз, 1992. –Б. 4–5.
2. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 16-варақ
3. Сурхондарё вилояти давлат архиви.478-фонд, 1-рўйхат, 86-иш, 51-варақ.


## BOSHLANG'ICH TA'LIM TIZIMIDA INNOVATSIYA JARAYONINI AMALGA OSHIRISHDA XALQARO TAJRIBALAR


**Abdiyeva Turg'unoy – Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri**



*Annotatsiya: Maqolada O`zbekistondahgi boshlang'ich ta'lim tizimida olib borilyatgan yangi innovatsion g`oyalarda xorij tajribarlarini ahamiyati o`rganiladi. Shuningdek Yaponiya, Germaniya, AQSH kabi ilg`or xorijiy ta`lim tizimi tuzilmasi, tajribasi va zamonaviy ta`lim dasturlari qisqacha tahlil qilinib va O`zbekistonning ayni damdagi yutuqlari e`tirof etilgan.*



*Kalit so`zlar: ta`lim, xorijiy tajriba, xalqaro baholash, zamonaviy maktab*


Hozirda, XXI asrga kelib globallashuv jarayoni jamiyatning barcha sohalarida avj olmoqda va o’z navbatida, fan va texnikaning rivojlanishiga, iqtisodiyotning yuqori darajada o’sishiga hamda ta’lim sohasining rivojlanish jarayonining yanada yuksalishiga olib kelmoqda. Ma`lumki 2019-yil 26- noyabrda O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev ”Zamonaviy maktab” larni tashkil etish chora tadbirlari to`g`risida“gi qaror qabul qilindi. Qarorga muvofiq 2021-yilgacha maktablarnng kamida 3 foizi, 2025-yilgacha 20 foizi 2030yilga qadar esa 50

foizini, , zamonaviy maktab" larga aylantirishning asosiy parametrlari belgilandi.[239] Prezidentimiz 2020 yil yanvar oyida Oliy Majlisga yo'llagan Murojaatnomada maktab o'quv dasturlarini ilg'or xorijiy tajriba asosida takomillashtirish, o'quv yuklamalari va fanlarni qayta ko'rib chiqish, ularni xalqaro standartlarga moslashtirish, darslik va adabiyotlar sifatini oshirish zarurligini takidladi.Maktablarda moddiy-texnik ta'minotini yaxshilash, o'quv tarbiya jarayonida xalqaro zamonaviy pedagogik texnologiyalarini qo'llash bo'yicha vazifalarini belgilab berdi. Yurtimizda matematika, kimyo, fizika, va biologiya darslarining 10 foizigina amaliy mashg'ulotga ajratilgan .Ta`lim sifati rivojlangan davlatlarda bu ko`rsatkich 30-50 foizni tashkil etadi. Shu bois xalq ta'limi vazirligi Axborot texnologiyalari va kommunikat-siyalarini rivojlantirish vazirligiga o'quv dasturlarida raqamli texnologiyalardan keng foydalanish, aniq fanlarda amaliy mashgu'lotlar ko`lamini oshirish vazifasi qo'yildi.

Ta`qidlash joizki dunyo davlatlari ta'limning jamiyat taraqqiyoti va inson rivojlanishidagi muhim o'rnini e'tiborga olib, ta'lim sifatiga e'tibor qaratdi. Ayni davrda ta'lim sohasida sifat tushunchasi global fenomen sifatida ko'rilmoqda. Yosh avlodning intelektual faolligini shakllantirish nafaqat muayyan bir mamlakat balki xalqaro hamjamiyat uchun ham muhim masalaga aylandi.[240]

Xalqaro tajribalarini sinchkovlik va qunt bilan o'rganish orqali ta'lim tarbiyada o'z dolzarbligini yo'qotb borayotgan ish shakllari, uslublaridan xalos bo'lish bilan birga, uni munosib tarzda yangilashda qo'shimcha boy manbalarga ega bo'lamiz. Davlatimiz rahbari mamlakatda kadrlar muammosi mavjudligini barcha sohalarga islohotlar sur'atiga mos zamonaviy mutaxassislar kerakligini aytgan edi. Shu maqsadda butun ta'lim tizimi takomillashtirilmoqda. Maktabgacha ta'lim rivojlantirilayotganini maktab saboqlariga puxta zamin bo'lmoqda. Umumiy o'rta ta'lim sifati ilg'or xalqaro tajriba va zamon talablari asosida yuksaltirilmoqda. Prezident maktablari, buyuk allomalarimiz nomi bilan ataladigan ixtisoslashtirilgan maktablar, ijod maktablari, Temurbeklar maktablari kabi zamonaviy va innovatsion ta'lim maskanlari tashkil etildi.Ularda xalqaro tajribalar yo'lga qo'yilganligi kelajakda yetuk kadrlar yetishib chiqishidan dalolat beradi.

Hozirda chet davlatlardagi ta`lim sifati yuqori bo`lib buni isboti sifatida xorijiy mamlakatlatlar ta'lim tizimini tahlil qilib o'tamiz. Yaponiya ta'lim tizimi Yaponiya ta`limida ``iqtidorli o`quvchi `` tushunchasi yo`q, chunki har bir o`quvchi alohida iqtidor sohibidir. Ilg'or mamlakatlar ichida Yaponiya ta'limi o'ziga xos yo'nalishi yetakchi o'rinni egallaydi. Jumladan, Yaponiya ta'lim tizimining tarkibi quyidagicha: maktabgacha ta'lim , boshlang'ich maktab , kichik o'rta maktab, yuqori o'rta maktab, oiliy ta'lim tizimlariga kiruvchi oliy o'quv

---

[239] Zamonaviy maktablarni tashkil etish tish chora-tadbirlari to‘g‘risida https://lex.uz/docs/-4613683

[240] Boshlang'ich ta'lim tizimini rivojlantirishda xorij tajribalaridan foydalanishning o'ziga xos tamoyllari https://hozir.org/1-jamiyat-taraqqiyotida-talim-tarbiyaning-tutgan-orni-nimada-j.html

yurtlari. Boshlang'ich maktabda o'qituvchilar bolalarni tanqidga, ya'ni o'z xulqining yomon jihatlarini, maktabdagi kamchiliklarni tanqid qilishga o'rgatishadi. Bundan ko'rinib turibdiki, o'qituvchi faqat ta'lim berish bilan cheklanib qolmay, bolaning har tomonlama rivojlanishiga tasir etadi. Yaponiya rivojlangan davlatlar ichida o'qituvchining maoshi davlat rahbarlari orasida ham yuqori bo'lgan yagona davlat. Majburiy ta'lim muhiti. Ta'limning bu pog'onasi 6 yoshdan 15 yoshgacha bo'lgan bolalarni o'z ichiga oladi. Muhtoj oilalarning bolalariga moddiy yordam ko'rsatiladi. Yuqori o'rta maktab 10-11-12-sinflarni o'z ichiga oladi, bunday maktablarning kunduzgi, sirtqi, kechki bo'limlari mavjud. Yuqori bosqich o'rta maktablarda butun o'quv jarayonida o'quvchilar 80 ta sinov topshirishadi. O'quvchilar majburiy asosiy fanlardan tashqari o'z xohishlariga ko'ra ingliz tili, texnik ta'lim va maxsus sinovlarga jalb etiladi. Universitetlariga yuqori va o'rta maktabning yoki 12 yillik oddiy maktabni bitirgan o'quvchilari qabul qilinadi[241].

Germaniya ta'lim tizimi: Germaniya jahon ma'rifat va madaniyat o'choqlaridan biri. Ushbu davlatda har bir fuqaro o'z shaxsini erkin rivojlantirish, o'z iqtidori moyilligi va qobiliyatiga qarab maktab, o'qish joyi va kasb tanlash huquqiga ega. Maktab ta'lim tizimi boshlang'ich va o'rta ta'lim muassalaridan iborat. Germaniyada maktab ta'limi quyidagi maktab tiplariga bo`linadi: boshlangi'ch maktab; yo'nalish maktablari; asosiy maktab; real maktab; gimnaziya; umumiy maktab ; maxsus maktab. Boshlang'ich maktab ta'lim tizimining poydevori hisoblanadi. Boshlang'ich maktabdan so'ng o'quvchilar yo'nalish maktabga o'tishadi. Asosiy yoki to'liq xalq maktabi boshlang'ich maktabni bitirib, real maktab yoki gimnaziyaga bormagan barcha o'quvchilar uchun majburiydir. Asosiy maktab o'qituvchilari o'zlarini o`qituvchi emas, ijtimoiy pedagog, deb his qiladi. Lekin asosiy maktabdagi o'quvchilar yomon o'zlashtirishiga qaramasdan kasbiy ta'lim olishiga majbur bo'lishadi. Real maktablar ikkinchi bosqichga qarashli bo'lib, odatda 5-10-sinflarni o'z ichiga oladi. Real maktab yuqori darajali kengaytirilgan umumiy ta'lim beradi va o'quvchilarni mustaqil fikrlash, mas'uliyat hissi, insonlarga rahbarlik qilish ko'nikmalariga yuqori talab qo'yadigan kasb egalari bo'lishi uchun kasbiy ta'lim kurslariga tayyorlaydi.

Xulosa sifatida ta`qidlash joizki, hozirda O'zbekiston ta`lim sifatini rivojlantirish jaroyonida bo`lib kundan kunga ilmu-ma`rifat va ta`lim berish rivojlanyapti bunga prezidentimiz Sh. Mirziyoyev tomonidan ta`lim sifat samaradorligini oshirishdagi farmoishlari sabab bolyapdi.Shuningdek hozir davlatimiz yaratayotgan shart sharoitlarni bilan va xorij tajribasidan foydalangan

---

[241] Ta`lim sifat samaradorligini oshirishda xalqaro tajribalardan foydalanish **https://cyberleninka.ru/article**.

holda va sharq ilmu-marifati hisobga olib o`z ta`lim standartlarini yaratishimiz mumkin.

## GLOBALLASHUV DAVRIDA "OMMAVIY MADANIYAT"GA QARSHI KURASHISH MUAMMOSI

**Atamurodova Dilnoza - Qashqadaryo viloyati G'uzor tumani 2-umumiy o'rta ta'lim maktabi ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi**

*Maqolada globallashuv davrida "ommaviy madaniyat"ga qarshi kurashish muammosi va unga qarshi kurash chora-tadbirlary ilmiy jihatdan tahlil qilingan.*

*В статье научно анализируется проблемы борьбы с «массовой культурой» в эпоху глобализации и меры борьбы с ней.*

*The article scientifically analyzes the problems of combating "mass culture" in the era of globalization and measures to combat it.*

XXI asr ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy, madaniy hayotning barcha sohalarida xalqaro munosabatlarning integratsiyalashuvi va intensivlashuvi, bir so'z bilan aytganda, globallashuv jarayoni bilan xarakterlanadi. Har qanday ijtimoiy hodisa kabi globallashuv jarayonining ham ijobiy va salbiy jihatlari mavjud. Globallashuv jarayoni bilan bog'liq ziddiyatlar avvalo madaniyat sohasida yaqqol namoyon bo'lib, millatlarning ma'naviy-axloqiy qadriyatlariga tahdid solishida, g'oyaviy ta'sir ko'rsatishida o'z aksini topmoqda.

Ma'lumki g'oyaviy tarbiya sust bo'lgan yoki to'g'ri olib borilmaganda inson ongida g'oyaviy bo'shliq paydo bo'lib, bu bo'shliqni shu millatning tabiatiga yot g'oyalar egallab olishi va turli mafkuraviy tazyiqlar o'z zararli ta'sirini o'tkazishi muqarrar. Bu holat ayniqsa hozirgi globallashuv davrida "ommaviy madaniyat" niqobi ostidagi xavf-xatarning keng tarqalib borayotganligi masalasiga jiddiy e'tibor qaratishimizni talab etmoqda. Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" asarida bu xavfning mohiyatini quyidagicha ta'riflaydi: "Tabiiyki "ommaviy madaniyat" degan niqob ostida axloqiy buzuqlik va zo'ravonlik, individualizm, egotsentrizm g'oyalarini tarqatish, kerak bo'lsa shuning hisobidan boylik orttirish, boshqa xalqlarning necha ming yillik an'ana va qadriyatlari, turmush tarzining ma'naviy negizlariga bepisandlik, ularni qo'porishiga qaratilgan xatarli tahdidlar odamni tashvishga solmay qo'ymaydi"[242].

"Ommaviy madaniyat" tushunchasi sivilizatsiya bilan bevosita bog'liq bo'lib, ko'pincha uning mahsuli sifatida qaraladigan hodisani anglatadi. Bu tushuncha XVIII asr oxiri XIX asr boshlarida "elitar madaniyat" tushunchasiga qarama-qarshi holda, madaniyatning o'ziga xos shaklini ifoda etish uchun ilk bor qo'llanilgan. Ommaviy madaniyatning ijtimoiy iqtisodiy ildizlari yirik sanoat ishlab chiqarishni rivojlanishi bilan bog'liqdir. XIX asrning oxiridan XX va XXI asrlarga kelib, fan-

[242] Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat –yengilmas kuch. -T.: Ma'naviyat, 2008. –B.117.t

texnikaning keskin rivoji, ya’ni kashfiyot va ixtirolar ommaviy madaniyatning rivojlanishiga ham o‘z ta’sirini ko‘rsatdi. Radio, televidenie, kinematograf, video, kompyuterlar tizimi, internet kabi kommunikativ-axborot vositalarining keng omma orasida tarqalib borishi ommaviy madaniyatni yangi bosqichga olib chiqdi.

Ommaviy madaniyatning asosiy belgi va xususiyatlarini o‘rganish masalasiga XX asrdayoq X.Ortega-i-Gasset, K.Yaspers, R.Gvardini, G.Makmoen kabi olimlar jiddiy e’tibor qaratganlar. Ispan faylasufi Xose Ortega-i-Gasset (1883-1955) ning fikriga ko‘ra, omma hayotiga zamonaviy taraqqiyot mahsuli bo‘lmish texnika-texnologiyalarning qudratli kuchi singib bordi-yu, ammo ma’naviy tomon bilan har bir insonning individulligi chetga surib qo‘yila boshlandi. Agar madaniyatning boshqa ko‘rinishlari inson tabiatidagi ibtidoiylik, ya’ni arxaik belgilaridan uni uzoqlashtirib, kamol topib borishiga xizmat qilgan bo‘lsa, olimning fikriga qaraganda, ommaviy madaniyat insonni “qiyofasiz” oqimning bir qismiga aylantirib, undagi barcha arxaik sarqitlarni niqobsiz yuzaga chiqarib yubordi. “Bunday insonni qanday hayot va nimalar kutmoqda?” - degan savolni ilgari surar ekan, olim afsus bilan unga o‘zi quyidagicha javob beradi: “Hech qanday. Chunki bu odam endi na o‘zi, na boshqasi bo‘la oladi. U o‘z individulligini yo‘qotib borar ekan, qobiliyat va imkoniyatlari katta bo‘lishiga qaramay, hech narsa yarata olmaydi. Hayotni befarq kuzatuvchi tomoshabinga aylanib, ommaviy madaniyat ta’sirida o‘zi ham mavjud hayotni go‘yo sarob kabi tasavvur qiladi”[243].

Darhaqiqat, ommaviy madaniyat umumiy iste’molchilik ehtiyoji bilan bog‘liq bo‘lib, buning asosida talab, iste’mol va tovar sifatida haridorgir bo‘lish maqsadi yotadi. Ommaviy madaniyat yosh, millat, jins, makon tanlamaslik xususiyati bilan insonni milliylik, o‘ziga xoslikdan uzoqlashtiradi. Inson ehtiyoj va istaklarini, xis-tuyg‘u va hattoki fikrlarini ma’lum bir “standartlar”ga bog‘lab, yagona qolipni shakllantiradi. Ommaviy madaniyat inson didiga aks ta’sir ko‘rsatib, uni sayozlashtiradi. Ko‘pincha axloqsizlik, behayolikni tarannum etadi.

Ommaviy madaniyatning zararli ta’siriga qarshi kurashish uchun avvalo uning o‘ziga xos xususiyatlarini bilish zarur. Ularning asosiylarini quyidagilarga ajratish mumkin:

Birinchidan, bu madaniyat tarkibiga kiruvchi san’at ko‘rinishlarini mahsuli asosan bir shaxs emas, balki ma’lum bir maqsad yo‘lida birlashgan odamlar jamoasi tomonidan yaratiladi. Bu bilan u industriyaning bir ko‘rinishiga aylanadi. Masalan, televizion ko‘rsatuv yoki jahonshumul ahamiyatga ega estrada tomoshasi bo‘ladimi, bularning barchasini tashkillashtirishda yuzlab odamlar band va manfaatdor bo‘ladi.

Ikkinchidan, ommaviy madaniyat asarlari doimo “bir marta ko‘rgan yaxshi” tamoyiliga muvofiq vizual-optik jihatdan ko‘rgazmali, namoyishkorona va tashqi ta’sirchanligiga asosiy e’tiborni qaratgan holda “haridorgir bo‘lish” maqsadida yaratiladi. Oqibatda “usti yaltiroq, ichi qaltiroq” mahsulotlar sonini oshiradi.

Uchinchidan, ommaviy madaniyat asarlarida turlicha tushuntirish va izohlarga hojat ham, talab ham bo‘lmasligi bilan ajralib turadi. Qandaydir isbotlar va tahlillar ma’lum jihatdan mazkur ijoddagi zaif bo‘g‘in bo‘lib qolishi mumkinligi bilan ajralib turadi. Chunki bu madaniyatdagi san’at asarlarida izohtalab tus va

---

[243] Qarang: Ортега-и- Гассет Х. Восстание масс. Эстетика. Философия культуры. М., 1991. с 335

tovlanishlar qabul qilinmaydi, aniqlik va “hammaboplik” asosiy talab bo‘lib, fikr yuritish, aql ishlatishning hojati qolmaydi.

To‘rtinchidan, tashqi belgilardagi, ya’ni shakl o‘zgarishlarning shartligi. Iste’molchini doimo betakror xususiyatlar, shov-shuvli yangiliklar bilan qiziqtirish, xis-tuyg‘ularini junbushga keltirib emotsional ta’sir ko‘rsatish orqali ruhiy tashkillashtirish va bir qolipga solish xususiyatiga ega bo‘ladi. Qanday bo‘lmasin individuallikni yo‘qotishga harakat qiladi.

Yuqorida keltirilgan xususiyatlardan ko‘rinib turibdiki, ommaviy madaniyatning asl maqsadi har ko‘yga solish mumkin bo‘lgan olomonni shakllantirishdir. Bunday qiyofasiz, o‘zligini yo‘qotgan olomonni esa boshqarish ham, har qanday g‘oyalarini o‘tkazish ham qiyin bo‘lmaydi. G‘oyaviy ta’sir, mafkuraviy zabt etish g‘oyat katta iqtisodiy manfaatlar bilan uzviy bog‘liq holda bo‘lishi esa barchaga ma’lumdir.

XXI asr - globallashuv davri ommaviy madaniyati zamonaviy qiyofada – go‘yo rivojlangan madaniy dunyoga integratsiyalashish, liberallashish, demokratlashish niqoblari ostida namoyon bo‘lmoqda. Bu niqoblar ostidagi salbiy holatlar va ular shakllantirishi mumkin bo‘lgan illatlar bilan umuminsoniy qadriyatlar orasidagi keskin tafovutni anglay bilish zamon talabidir. Umuman olganda globallashuv davri ommaviy madaniyati har qanday yo‘l bilan foyda olishni ko‘zlab, eng avvalo milliy axloqqa zarba berishi, jamiyatning g‘oyaviy tizimini izdan chiqarishi bilan xatarli ekanligini ham to‘g‘ri tushunish kerak.

Amerikalik olim Dennis Brutusning aytganidek: “globallashuv “profits before people” ya’ni “foyda insondan muhim” prinsipi asosida harakat qilmoqda. Bu jarayonning tarqalishi bilan ijtimoiy hayotda inson qadri yo‘qolib, pul axloq ustidan hukmronlik o‘rnatmoqda”[244].

Globallashuv jarayoni yoshlarimizda “atrofida sodir bo‘layotgan voqea-hodisalarga mustaqil munosabat bildira olish”, erkin fikrlash ko‘nikmalarini shakllantirish vazifasini dolzarb darajaga ko‘tarib qo‘ydi. Tanbeh va taqiqlashlar, tanqid va urishishlar yo‘li bilan globallashuv davri axborot xuruji va “ommaviy madaniyati” ta’siriga qarshi chiqib bo‘lmasligini har qanday aqli raso inson tushunib yetmoqda.

Xulosa sifatida aytish joizki, ushbu salbiy ta’sirlarga qarshi qat’iy tura oladigan barkamol avlodni voyaga yetkazish jarayonida tarbiyaning barcha ko‘rinishlarini uyg‘un holda olib borish va bunda arzimas deb qaraladigan soha, hamda jarayonlar bo‘lmasligi, kasb-koridan qat’iy nazar barchaning birgalikda harakat qilishi shart. Faqatgina ma’naviy yuksalishga qaratilgan g‘oyaviy, axloqiy, huquqiy va estetik ta’lim-tarbiyagina globallashuv davri zararli ta’sirlariga qalqon bo‘la oladi. Kelajak taqdiri bugundan boshlanishini, yoshlarimiz milliy va umuminsoniy qadriyatlarga sodiq, dunyoviy va diniy bilimlardan xabardor, ma’naviy barkamol bo‘lib voyaga yetishlariga har birimiz mas’ul ekanligimizni anglash davr talabidir.

[244] http// www. Perspektivy Info/print. php

# GLOBALLASHUV JARAYONIDA SIVILIZATSIYALARARO MULOQOT VA UNING INSON ONGI VA QALBIGA TA'SIRI

***Shakhnoza Sheralievna Nurbekova –***
***Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti,***
***«O'zbek va xorijiy tillar» kafedrasi oqituvchishi***

***Annotatsiya.*** *Maqolada globallashuv jarayonida sivilizatsiyalararo muloqot va uning inson ongi va qalbiga ta'siri ilmiy jihatdan tahlil qilindi. Hozirgi vaqtda insoniyat tarixini sivilizatsiyaviy jarayonlar, ularning turli ko'rinishlari va bosqichlari sifatida qarash ilmda etakchi o'rinni egallaydi.*

XXI asr insoniyat tarixiga sivilizatsiyalararo mulokot asri, texnika texnologiya va axborot kommunikatsiyalar tizimi misli ko'rinmagan darajada takomillashib boruvchi asr sifatida kirib keldi. Ayni paytda dunyodagi hodisa va jarayonlarni globallashuv tendensiyasi, mamlakatlar, xalqlar o'rtasidagi sivilizatsiyalararo o'zaro ta'sirni yanada kuchayishiga sabab bo'lmoqda.

Birinchidan, uning fan tarixida 250 yildan beri davom etib kelayotgan jiddiy an'analari mavjud;

Ikkinchidan, davrimizning barcha murakkabliklarini asosiy jixatlariga ko'ra sivilizatsiyaviylik yondashuv bilan xiyla keng tushuntirish mumkin;[245]

Uchinchidan, tafakkurimizga, dunyoqarashimizga yillar davomida singdirilgan taraqqiyotni farmatsion bosqichdan iborat ekanligi haqidagi markscha-lenincha dogmaning ijtimoiy-gnoseologik jihatdan asossizligini ochib berish uchun ham taraqqiyot jarayoniga sivilizatsiyali yondashuv muhim o'rin tutadi. Shuni alohida qayd etmoqchimizki biz sivilizatsiya tarixiga muxtasar to'xtalishni emas, balki, yoshlar ma'naviyatini shaqllanishida globallashuv jarayoni bilan bog'liq holda sivilizatsiyalararo aloqani ta'sirini tahlil qilishni maqsad qilib ko'yganmiz. Globallashuv jarayonida sivilizatsiyalararo muloqot o'sib borayotgan bir sharoitda yoshlar ma'naviyatini yuksaltirishda zamonaviylik bilan tarixiylikning o'zaro uyg'unligini ta'minlash ya'ni texnika, texnologiya, axborot kommunikatsiyalari yutuqlari asosida yoshlar tafakkurini boyitishning ajdodlar ma'naviy merosi ne'matlaridan o'zaro aloqadorlikda foydalanish ko'nikmalarini ularda hosil qilish zarur. Ta'sufki, bugun yoshlarimizning aksariyati globallashuv tufayli Evropa va xorijiy ma'naviy-madaniy oqimlar ta'siriga ko'proq ishtiyoqmand bo'lib, milliy ma'naviyatimizning hayotbaxsh yuksak ahloqiylikka asoslangan tamoyillariga ihlosmandligi sust kechmoqda. Inson qadri, ma'suliyati, ahloqiga bepisandlik

[245] Jo'raev N. Azizov.SH. "Ijtimoiy asoslari". – Toshkent: «Marifat Madadkor», 2003, 128-bet.

ularning ba’zi birlarning kiyinishi, fe’l-atvori, yurish-turishida yaqqol ko‘zga tashlanib qolmoqda.

O‘zgarishlarga qanchalik qarshilik ko‘rsatilmasin, ular bari bir hayotimizga kirib kelaveradi. Ayniqsa, globallashuv jarayonidan o‘zining g‘arazli maqsadlari yo‘lida foydalanuvchi kuchlar bor ekan, bu o‘zgarishlardagi salbiy jihatlar ham kuchayib boradi. Binobarin, globallashuv jarayonining asosiy sub’ekti va harakatlantiruvchi kuchlari manfaatlariga hizmat qiladigan bunday sa’iy-harakatlardan ko‘zlangan maqsad milliy manfaat va qadriyatlarga tayangan an’anaviy tafakkur tarziga zarba berib, butun dunyoda g‘arbona andozalarga asoslangan, iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy hamda madaniy jihatdan yagona tamaddun hukmronligini o‘rnatishidan iborat. Bunday sa’y-harakatlarning hatarli jixati shundaki, uning boshqa tamaddunlar, xalqlar va davlatlar uchun qanday oqibatlar keltirib chiqarishi, masalan, yaqindagina mustaqillikka erishgan mamlakatlarning milliy manfaatlari, an’ana va qadriyatlariga qay tarzda ta’sir etishi mumkinligi global hukmronlikka intilayotgan kuchlarni u qadar tashvishlantirmaydi[1].

Mana shu nuqtai nazardan olib qaraganda, sobiq sho‘rolar davrida shaqllangan va hayotimizga zo‘rlab kiritilgan soxta qadriyatlarni, qayta baholab ma’naviy inqirozning atributlari bo‘lgan ikkiyuzlamachilik, munofiqlik, laganbardorlik, oshna-og‘aynichilik, poraxo‘rlik, korrupsiya, narkobiznes, zo‘ravonlik jamiyatimiz hamda millatimiz ijtimoiy-siyosiy hayotiga ma’naviyati va madaniyatiga qanchalik salbiy ta’sir ko‘rsatganligini yoshlar ongiga xavola qilish zarurati yuzaga keladi. Umuman inson va kishilik jamiyatining amaliy faoliyatini mutlaqo xato, kamchiliklarsiz, to‘g‘ri va ravon yo‘l sifatida tasavvur qilish mumkin emas. Xususan sobik ittifok davrida ham xalq xo‘jaligininig boshqarishdagi, ma’muriy buyrukbozlik, byurokratizm, Qonunchilikning buzilishi, katli-om (repressiya) qilish, davlat boyliklariga vaxshiyona munosabat, ishlab chiqarish munosabatlarini izdan chikishi kabi moddiy tarzdagi buzilishlar yuzaga keldi.

Shuningdek, milliy ma’naviyatni qashshoqlashishiga bevosita ta’sir o‘tkazgan hodisalardan yana biri bu milliy siyosatning buzilishi edi. YA’ni shaqlan milliy mazmunan sotsialistik, aqidaparastlik, milliy madaniyat va ma’naviy rivojining temir panjarasi edi. Bu holat o‘z navbatida milliy huquqni amalda poymol qilinishi tashqi siyosatda sinfiy qadriyatlarni birinchi o‘ringa qo‘yish, umuminsoniy qadriyatlarni esa ikkinchi o‘ringa qo‘yish barcha fan-texnika yutuqlariga faqat moddiy manfaatdorlik nuqtai-nazaridangina yondoshishga uni ma’naviy jihatlarini e’tiborga olmaslikka olib keldi.

[1] Umarov B. “G‘arb tamadduni: inkiroz alomatlari”. - “Tafakkur” jurnali, 2/2007 yil, 16-bet.

Shu va shunga o‘xshash buzilishlar jamiyatimiz taraqqiyotiga, milliy ma’naviyatimiz rivojiga juda katta salbiy ta’sir o‘tkazadi. Jumladan, jamiyatimizda hamma hodisalarni, voqealarni va ma’naviy madaniyat yutuqlarini qanchalik moddiy boylik keltirayotganligi nuqtai nazardan baholashga intilish, boylik va pulga to‘g‘rirog‘i foydaga intilish insonning ma’naviy qashshoqlanishiga olib keladi[1].

Eng achinarlisi shundaki, intelektual aql va qobiliyat egalari bo‘lgan ziyolilarni moddiy turmush sharoitlarini yaxshilash hamda ijtimoiy himoyasini ta’minlash masalasiga ham panja orasidan qaraldi. Ma’lumki, hech kim murabbiy va o‘qituvchidek o‘sib kelayotgan avlod qalbi va shuuriga kuchli ta’sir ko‘rsata olmaydi. Ammo, uni avlod tarbiyasini yo‘lga qo‘yishda muammo bo‘lgan ko‘plab ob’ektiv sabablar qiynaydi. Avvalo, deyarli isitilmaydigan eski, talabga javob bermaydigan binolarda dars o‘tish qolaversa, oylik maoshidan kelgusi oylik maoshigacha amal-takal qilib yashash, uch-to‘rt yil davomida o‘ngib- o‘chib ketgan kostyumda har kuni ishga kelish kabi holatlar unga ma’naviy-ruhiy jihatdan ta’sir etibgina qolmasdan, uni obro‘-e’tiboriga, el orasidagi nufuziga, ijtimoiy madaniyatiga ham ta’sir etadi[1].

Zero, hususiy mulk egalari, tadbirkorlar bilan bir qatorda, huddi shu o‘qituvchilar, olimlar, madaniyat xodimlari G‘arbda va SHarqda ham jamiyatni iqtisodiy jihatdan rivojlanishi va siyosiy barqarorlikni ta’minlovchi o‘rta tabaqa sifatida faoliyat ko‘rsatgan. Intelektual kuch bo‘lgan ziyolilar doimo jamiyatni demokratik rivojlanishiga asos bo‘lib kelgan, shuning uchun ham bu siyosiy asosni mustahkamlash uni ma’naviy jihatdan, ham moddiy jihatdan, ham ko‘llab-quvvatlash zarur. SHuni alohida ta’kidlash kerakki, sobiq tuzum mafkurasi ta’sirida o‘z xalqining, millatining, madaniyati tarixini bilishiga, uning urf-odatiga, san’at va madaniyat obidalariga befarq qarash, uning ma’naviy qimmatini tushunmaslik qayfiyati jamiyatimizning ko‘pchilik a’zolari xarakterining asosiy xususiyatiga aylanib qolgan edi.

Xulosa sifatida aytish joizki, jamiyatimiz a’zolarini ma’naviy qashshoqlanishining belgisi shundan iboratki, bir tomondan, mavjud etimxonalar ota-onasi tirik bo‘lgan holatda qarovsiz tashlab ketilgan bolalar bilan to‘lib ketgan bo‘lsa, ikkinchi tomondan farzandlari bo‘la turib, iliq so‘z va g‘amxo‘rlikka muhtoj keksalar, qariyalar uylarini tobora to‘ldira bordi, ularning farzandlari jamiyatda yaxshigina lavozimlarga, etarlicha obro‘-e’tiborga ega bo‘lsa-da, o‘z

---

[1] Temirov F., Nazarov S. «Jamiyat va qadriyat». – Toshkent, 1992, 19-bet.

[1] Жумаев Р.З. «Политический система республики Узбекистан: постоновление и развития”. – Ташкент: «Фан» 1996, стр.180.

ota-onalariga, qarindosh-urug‘lariga g‘amxo‘rlik qilishni ep ko‘rmayotganligi g‘oyat achinarlidir.

## MAKTAB O'QUVCHILARINI MILLIY TIKLANISHDAN MILLIY YUKSALISH SARI G'OYALARI RUHIDA TARBIYALASHDA OILA VA MAHALLANING O'RNI.

***Rasulova Zamira Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri***

*Maqolada hozirgi jamiyatdagi dolzarb bo`lgan masalalar, ta`lim-tarbiyada mahallaning va oilaning o`rni o`rganiladi. Shuningdek milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari g`oyasini amalda tatbiq etishdagi ilmiy amaliy ishlar va ularning maktab o`quvchilariga ahamiyati tahlil qilindi.*

***Kalit so`zlar:*** *ta`lim, tarbiya, qadriyatlar, mahalla, milliy yuksalish*

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev 2021 yil 22 mart sanasida jamiyatimizda mahallaning o`rni va ahamiyati ta`qidlab, mahalla hodimlariga tabrik yo`lladi. Bundan, ko`rib turibmizki asrlar davomida xalqimizda mahalla ilm-u tarbiyada, madaniyat va ma`rifatda juda katta ahamiyat kasb etgan va hozirda ham o`zining tarbiyaviy ahamiyat mustahkam saqlab qolgan. Zero, prezidentimiz ta`qidlaganlaridek: Mahalla – asrlar osha milliy urf-odat va an'analarimizni bezavol saqlab, xalqimiz uchun ezgulik va tarbiya beshigi, yaxshi qo'shnichilik va hamjihatlik maskani bo'lib kelmoqda[246].

“Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari!” shiorini jonajon O‘zbekistonni qudratli davlat shuningdek O‘zbekiston xalqini farovon el bo‘lish yo‘lida birlashtiruvchi omil hisoblanadi. Bu jarayonlarda bevosta “Insonni o‘zgartirish orqali jamiyatni o‘zgartirish” g‘oyasi bilan yangi O‘zbekistonni barpo etish yo‘lidagi islohotlarda faol ishtirok etishni; ma’naviy intellektual taraqqiyotga erishish uchun mamlakatni modernizatsiya qilish, O‘zbekistonni rivojlangan Zamonaviy davlatga aylantirish, xalqaro miqyosdagi nufuzi va obro‘ e’tiborini yanada yuksaltirishni; barcha sohada milliy manfaatlar ustuvorligini ta’minlash uchun kurashishni; milliy, madaniy va ma’naviy boyligimiz, boy tarixiy merosimiz ta’minlashni o‘zining asosiy maqsad va vazifalari sifatida belgilaydi[247].

Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari borishda iqtisodiyotni, butun mamlakatni innovatsion asosda rivojlantirish muhim rol o`ynaydi. Bugungi kunda

[246] Prezidenti Shavkat Mirziyoev 2021 yil 22 mart sanasida jamiyatimizda mahallaning o`rni va ahamiyati haqida https://daryo.uz/k/2021/03/22 /

[247] Milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari”, Yoshlar nashriyot uyi Toshkent-2019, 1- tom 52-bet.

dunyoda innovatsion g‘oyasiz, ilm-fan yutuqlarisiz biror-bir soha rivojini tasavvur etib bo‘lmaydi. O‘zbekistonning eng katta boyligi – bu xalqning ulkan intellektual va ma’naviy salohiyatidir. O‘rta asrlar oralig‘ida yurtimiz xududidan yetishib chiqqan ulug‘ alloma va mutafakkirlar jahon ilmfaniga, butun insoniyat tamadduniga beqiyos hissa qo‘shgan. Xususan, IX-XII va XIV-XV asrlarda ikki qudratli ilmiy-madaniy yuksalishning manbai hisoblanib, jahonning boshqa mintaqalaridagi Renessans jarayonlariga ijobiy ta’sir ko‘rsatgan Sharq Uyg‘onish davri–Sharq Renessansi sifatida dunyo ilmiy jamoatchiligi tomonidan haqli ravishda tan olingan. Jamiyatimizda tinchlik va barqarorlik, fuqarolar va millatlararo hamjihatlik muhiti mustahkamlanmoqda. Yangi O‘zbekistonni barpo etish maqsadida keng ko‘lamli islohotlar, hayotimizning barcha jabhalarini erkinlashtirish, iqtisodiyot va uning tarmoqlarini, xususiy tadbirkorlikni jadal rivojlantirish borasida katta o‘zgarishlar amalga oshirilmoqda. Shu bois ham, innovatsion taraqqiyot bilan xalqimizning an’anaviy milliy turmush tarzi o‘rtasida o‘ziga xos uyg‘unlikni ta’minlash orqali O‘zbekistonga xos milliy taraqqiyot modelini yaratish ustuvor vazifa hisoblanadi. Milliy yuksalish g‘oyasi xalqimizning ulkan intellektual va ma’naviy salohiyatini ro‘yobga chiqarib, O‘zbekistonning yangi tarixida uchinchi renessans davrining boshlanishiga xizmat qiladi[248].

Hozirgi davrda O`zbekistonda ta`lim, sahosiga juda katta etibor berilmoqda bu jaroyonni maktablar misolida ko`rishimiz mumkin davlatimiz rahbari ta`qidlaganlaridek: “Maktablarni yaxshilash faqat Xalq ta'limi vazirligining emas, balki barcha vazirlik va idoralar, hokimliklar, ilmiy tashkilotlar, ziyolilar, keng jamoatchilikning vazifasi bo'lishi kerakligi ta'kidlandi”. Bu o`rinda mahallalarimizni o`rni juda katta zero o`zbek maqollarida “Bir bolaga etti maxalla ham ota, ham ona”, “mahallang tinch bo`lsa yurting tinch bo`ladi” va boshqalarda mahallaning o`rni ta`qidlangan. Shuningdek maktabgacha ta’lim, umumiy o‘rta, o‘rta maxsus va oliy ta’lim tizimi, mahalla va boshqa tuzilmalar kesimida ma’naviy-ma’rifiy va tarbiyaviy ishlarning monitoringini olib borish, aniqlangan muammolarni hal etish bo‘yicha ilmiy asoslangan tarbiya texnologiyalarni ishlab chiqish maqsadga muvafiq bo`ladi[249].

Xulosa o`rnida ta`qidlash joizki, maktab o`quvchilarini o’z oldiga ulug’vor maqsadlar qo’yib, innovatsion taraqqiyot yo’liga chiqqan O’zbekiston milliy taraqiyot manzili sari yangi bosqichga qadam qo’yishida mahalla va oilaning ahamiyati katta. Bugungi kunda yurtimizdagi tub o’zgarishlar, faol konstruktiv

---

[248] I.Ergashev, O.Muhammadieva, S.Berdiqulova, M.Safarov, Milliy g’oya targ’ibot texnologiyalari,©”MASHHUR-PRESS” 2018,

[249] Ma’naviy-ma’rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida https://lex.uz/docs/-5344692

yangilanishlar jamiyatimiz hayoti, odamlarning ongu tafakkuri o’zgarishiga xizmat qilmoqda. Milliy yuksalish har bir fuqaroning shaxsiy rivojlanishi, ularning turmush-tarzi yaxshilanishi bilan uzviy bog’liqlikdagi jarayondir.

## IJTIMOIY FAOL O'QITUVCHI SHAXSINI SHAKLLANTIRISHNING ILMIY-PEDAGOGIK ASOSLARI

***Turayeva Sadoqat - Denov tadbirkorlik va Pedagogika instituti 1 kurs magistri***

*Maqolada ijtimoiy faol o'qituvchilarni shakllantirish jaroyanining ilmiy asoslari tahlil qilindi. Shuningdek pedagoglarni qo`llab quvatlash boyicha imiy amaliy ishlar tahlil qilinadi.*

*Kalit so`zlar: ijtimoiy, ilmiy, ta`lim-tarbiya, tarix.*

Hozirgi davr talabi ma’naviy jihatdan yetuk, har tomonlama bilimdon, mustaqil fikrlovchi shaxsni shakllantirish bo`lib, bu muammo shaxslararo munosabat, ya’ni muloqot jarayonida ham amalga oshirilish mumkin. Shaxsning ma’naviy yetukligi, bilimdon, zehnliligi mana shu muloqot jarayonida namoyon bo`ladi. Shunday ekan, kishilarni muloqot jarayonida teran fikrlilik, hozirjavoblik, ta’sirchanlik, sezgirlik va muloqot jarayonidagi bilimdonlikni shakllantirish va rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Ijtimoiy pedagoglarning kasbiy vazifalari doirasiga bolalar, o’spirinlar, yoshlar va ularning ota-onalari, kattalar bilan oilaviy va uy sharoitida, o’spirin va yoshlar guruhlari, uyushmalar bilan ishlash kiradi. Bu shuni anglatadiki, ijtimoiy o’qituvchi faoliyatining asosiy sohasi jamiyatdir. Shu bilan birga, ustuvor yo’nalish oiladagi munosabatlar sohasi va uning yaqin atrof-muhitida, yashash joyida. Ijtimoiy o’qituvchi bolalar, ularning oilalari, oila va mahalla muhiti bilan ishlaydi va uning faoliyatining maqsadi bolalar va kattalarning jamiyatdagi profilaktika, ijtimoiy ahamiyatga ega tadbirlarini tashkil etishdir. Ijtimoiy o’qituvchining amaliy faoliyatining vazifalari atrofdagi jamiyatda sotsializatsiya bilan bog’liq muammolarga duch kelgan bola bilan to’g’ridan-to’g’ri ishlashdan tortib, yosh avlodni ijtimoiy tarbiyalash bilan shug’ullanadigan barcha ijtimoiy tashkilotlar va ijtimoiy muassasalarga qadar juda keng faoliyat sohasini o’z ichiga oladi.

Ijtimoiy o`qituvchi nutq madaniyatini shakllantirish usullaridan xabardor bo`lishi kerak, albatta. Shundagina o`z-o`zini va o`zgalarni anglashi, turli vaziyatlar va guruhlarda muomala qilishi, erkin va mustaqil fikrlash qonuniyatlarini bilishi orqali pedagogik faoliyatda va boshqaruvda katta muvaffaqiyatlarga erishishi mumkin. Ta’lim muassasalarida o`qituvchi –

talabalarni mustaqil fikrlashga o`rgatilishi, o`qituvchi va o`quvchi – talabalar munosabatidagi majburiy itoatkorlik o`rnini ongli intizom egallishiga lozimligini uqtiradi. Pedagogik muloqot - bu muloqotning o`quv tarbiyaviy jarayonlarni hissiy foni va vosita, mazmunini tashkii etadi[250]. Muomalada suhbatdoshni yoki tinglovchini idrok etisli bir-birini tushimishning asosiy shartidir. Agar o`qituvchi o`quvchilarini qanday idrok etayotganligini, tushinilayotganligini anglay olmasa, pedagogik munosabat yaxshi bo`lmaydi. Ayniqsa, ma'ruza o`tayotganda bu juda muhimdir. Pedagog o`quvchilar bilan muloqat qilar ekan, juda mayda qismlarni ham anglab olishga qodir bo`ladi. Bular sirtdan qaraganda unchalik ahamiyatli bo`lmasada, shaxsda sodir bo`layotgan uni tushunish uchun juda muhim bo`lgan zarur ichki jarayondir. Ko`rinishlarning alomatlari bo`lishlari ham mumkin. Bunda pedagog shaxsi katta rol o`ynaydi.

Boshqarish vositasi bo`lgan muomala o`quvchilarning faoliyatiga hamrohlik qiladi. Nihoyat, boshqarish vositasi bo`lgan muomala faoliyatidan keyin boradi. Muomala ahloq sanaladi. Har bir kishining qanday dunyoqarashiga egaligi, bilimliligi uning muomalasida ma'lum bo`ladi. Muomala-insonlar o`rtasidagi o`zaro aloqa vositalaridir. Muomala asosiy vosita til hisoblanadi. Shuning uchun ham til aloqa quroli hisoblanadi. Insoning tili shirin, muomalasi madaniyatli bo`lsa, qisqa vaqt ichida xalq orasida obro`-e'tibor topadi. So`zga chechanlik, hech qachon kishiga obro` keltirmaydi. Shuning uchun ham o`tmishda yashab o`tgan mutafakkirlarimiz tilga, so`zga hurmat bilan yondashishdlarini uqtirib o`tganlar. Ulug` bobomiz A.Navoiy muomala madaniyati, xushmuomalalik, tilning ahamiyati to`g`risida, shirinsuzlik haqida purhikmat fikrlar bayon qilganki bugungi kunimiz uchun ham o`z ahamiyatini yo`qotmagan emas. «Til shirinligi ko`ngilga yoqimlidir, muloyimligi esa foydali. Shirin so`z sof ko`ngillar uchun asal kabi totlidir»,- deydi, Navoiy[251].

Mamlakatimizda bolalar va kattalarga ma'lum hayotiy qiyinchiliklarni engishga yordam beradigan ijtimoiy o'qituvchilar ham, ijtimoiy soha xodimlari ham ishlaydi. Ijtimoiy pedagogika amaliy faoliyat sifatida asosan bolalar va oilalar bilan ishlashga yo'naltirilgan. Agar ota-onalar biron sababga ko'ra bolaga muammolarini hal qilishda yordam bera olmasalar, ijtimoiy pedagog bu vazifani bajarishga intiladi. Maktabdagi ijtimoiy ish asosan o'qituvchilar, o'quvchilar va ularning ota-onalari ta'kidlagan kamchiliklarga qaratilgan bo'lib, ularni bartaraf etish uchun muqobil tushunchalarni qo'llaydi.

Ijtimoiy pedagog bolalarning qiziqishlarini, turli xil turmush tarzidagi oilaviy munosabatlar muammolarini o'rganadi, - u oilani o'rganadi, inqirozli vaziyatlarda unga yordam beradi, atrof-muhitni yaxshilashda, atrof-muhitning psixologik va

---

[250] G`oziev E.G`. Muomala psixologiyasi. Toshkent, O`zMU, 2001.- 38 b.

[251] Qo`ng`urov R., Begmatov E., TojievY Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari. Toshkent:, "O`qituvchi". 2002.–81

pedagogik madaniyatini oshirishda, manfaatlarini himoya qiladi bolaning va aloqalarni o'rnatadi. Masalan, boshlang`ich sinf o`quvchilarimi oilalariga tashrif buyurishlari mumkin, ular o'zlari uchun kam ta'minlangan oilalarning hisobini yuritishi, bunday oilalar bilan uchrashuvlar va suhbatlar o'tkazishi mumkin, ammo o`quvchilarga rasmiy ijtimoiy yordam ko'rsatishga haqlari yo'q. Ijtimoiy o'qituvchilar bunday huquqlarga ega. Shuning uchun, ularning maktabda mavjudligi o'zgarmas hisoblanadi.

Xulosa sifatida ta`qidlash joizki ijtimoiy faol o'qituvchi shaxsini shakllantirishda hozirda turli xil metodlar va ilmiy-pedagogik nazariylar asoslari mavjud bo`lib. Davlatimiz tomonidan o`qituvchilarni ijtimoiy sohada rivojlantirish amaliy ishlari olib borilmoqda.

## BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA TABIATGA OID ILK QADRIYATLARNI SHAKLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI

**Abdurahmonova Muslima- Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti 1 kurs magistri**

**Annotatsiya**

Boshlang'ich maktab yoshi - bu bolaning jadal rivojlanishi, atrofdagi dunyo haqidagi bilimlarni jadal to'plash, tabiat va odamlarga ko'p qirrali munosabatlarni shakllantirish davri. Aynan shu yosh bosqichida atrofdagi dunyoni va undagi shaxsning o'rnini bilishning intellektual mexanizmlari, shaxsning ma'naviy-axloqiy asoslari, xulq-atvor normalari, shu jumladan ekologik me'yorlar yaratiladi.

**Kalit so'zlar:** tabiat, boshlag'ich ta'lim o'quvchisi, invariant, variantiv.

Bolalarning tabiat olami bilan munosabatlari kattalarnikidan farq qiladi. Ekologik va pedagogik mavzulardagi nashrlarda bolalar va o'smirlarning tabiatga munosabatini tavsiflovchi ko'plab tushunchalarni topish mumkin: mas'uliyatli, iqtisodiy jihatdan ehtiyotkor, g'amxo'r, ongli ravishda to'g'ri, kognitiv, axloqiy, estetik, egoistik, pragmatik, utilitar, oqilona, noto'g'ri boshqaruv. Bunday xususiyatga ega bo'lgan munosabat "sub'ektiv-pragmatik bo'lmagan" deb ataladi.

Maktab o'quvchilarining tabiatga sub'ektiv-nopragmatik munosabati hali ta'limning muhim elementiga aylangani yo'q. Zamonaviy olimlar tomonidan ishlab chiqilgan uning rivojlanish bosqichlarini qayd etamiz. Shunday qilib, maktabgacha yoshda bola o'zining "men" ni va uning atrofidagi dunyoni aniq ajrata olmaydi, u o'z impulslarini atrofdagi dunyo hodisalari orasidagi haqiqiy aloqalarga

o'tkazadi. Rivojlanish va ijtimoiylashuv jarayonida bola "inson" va "g'ayriinsoniy" sohalarni ajratib turadi. Uning hayotiy tajribasining kengayishi tabiiy ob'ektlar sub'ektiv bo'lishni boshlashiga yordam beradi, ya'ni. u uchun muhim bo'lib qoladi. Tadqiqot I.V. Tsvetkovaning guvohlik berishicha, tabiiy ob'ektlarning "muhim boshqalar" ulushi sinfdan-sinfga o'sib boradi: masalan, birinchi sinfda faqat har 15-chi bola ularni ro'yxatga kiritadi va 2-4-sinfda - har soniya. Boshlang'ich maktab yoshidagi bolalarning sevimli hayvonlariga hamster (50% gacha), gvineya cho'chqasi (taxminan 80%), it, mushuk kiradi. Bu hayvonning tashqi ko'rinishining o'ziga xos xususiyatlari, hayvonning odamning erkalashiga, bolaning hayvonga tegishidan boshdan kechiradigan yoqimli his-tuyg'ulari bilan javob berish qobiliyatiga bog'liq. Salbiy his-tuyg'ularni keltirib chiqaradigan sevilmagan, hamdard bo'lmagan hayvonlarga, bolalarga kalamushlar, sichqonlar, ilonlar, qurbaqalar (qurbaqalar), bo'rilar, tulkilar, cho'chqalar, qurtlar. Hayvonlarga nisbatan salbiy his-tuyg'ularning shakllanishiga maktab o'quvchilarining ularning zararliligi, zaharliligi va xavfliligi haqida olgan "ekologik ma'lumotlar" katta ta'sir ko'rsatadi3. Salbiy his-tuyg'ularning shakllanishida hayvonning tashqi ko'rinishi, uning odatlari, tovushlari va hidlari muhim rol o'ynaydi. Tirik mavjudotlarning odamlar orasida mashhurligi ularning "javob berish" qobiliyatining pasayishi bilan kamayadi.

Tabiiy ob'ektlar bilan aloqalar kengaygan sari, tabiatning ajoyib idroki buzila boshlaydi. Endi kichik maktab o'quvchisi tabiatga sub'ekt sifatida munosabatda bo'lishni davom ettirib, unda haqiqiy tabiiy shakllanishlarni ko'radi. Tabiat bilan muloqot qilishning maqsadlari va motivlari o'zgarmoqda: maktabgacha yoshdagi bolaning pragmatizmi (tabiat men uchun mavjud) nopragmatizm, befarq muloqot qilish istagi bilan almashtiriladi. Biroq, bu har doim ham sodir bo'lmaydi. Tabiiy ob'ektlarning qiymati haqidagi g'oyalar pragmatik bo'lmagan munosabatlarning paydo bo'lishida ishtirok etadi.

Shunday qilib, yosh o'quvchilar o'simliklarga qiziqish bildirishadi, lekin ulardan odamlar tomonidan amaliy foydalanish haqidagi g'oyalar ko'pincha ustunlik qiladi. Ammo bu yoshda qadriyatlarning yakuniy ta'rifi haqida gapirish hali ham mumkin emas: kichik yoshdagi o'quvchilar qadriyatlarni tanlash, tushunish va o'zlashtirish bosqichida. Ularning tanloviga kattalar (oila, o'qituvchi) fikri, o'zlarining ijtimoiy va axloqiy tajribasi, bolalar jamoasining, yaqin do'stlarning tanlovi ta'sir qiladi. Tabiatning xilma-xil qadr-qimmatini anglash kelajakda insonning tabiatga bog'liqligi to'g'risida ijobiy his-tuyg'ularni shakllantirishga yordam beradi, agar odam tushunsa: tabiatda hamma narsa o'zaro bog'liq, "yomon" yoki "yaxshi" turlar yo'q, "yoqimli" yoki "yaxshi". hamdard bo'lmagan o'simliklar yoki hayvonlar; ba'zi turlarning nobud bo'lishi va yo'q bo'lib ketishi boshqa turdagi o'simliklar va hayvonlarning nobud bo'lishiga olib kelishi

mumkin; tabiatning xilma-xilligida barcha turdagi hayvonlar va o'simliklar muhim va zarurdir.

**Foydalanilgan adabiyotlar**


1. Deryabo S.D. Ekologik psixologiya: ekologik ong diagnostikasi. Moskva: Moskva psixologik va ijtimoiy instituti, 1999; Yasvin V.A. Tabiatga munosabat psixologiyasi. M.: Смислъ, 2000 yil.
2. Tsvetkova I.V. Kichik yoshdagi maktab o'quvchilarini ekologik tarbiyalash: sinfdan tashqari ish nazariyasi va metodikasi. Moskva: Rossiya Pedagogika Jamiyati, 2000 yil.
3. Yasvin V.A. Tabiatga munosabat psixologiyasi. M.: Ma'nosi, 2000 yil.


## ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ҲАМДА УЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ДУНЁҚАРАШНИНГ ЎРНИ


***Лайло Азизова катта ўқитувчи, СамДУ***


Бугунги глобаллашув асрида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий соҳадаги демократик ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг юксак маънавиятга эришувини таъминлаш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, ижтимоий тараққиёт жараёнида ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган ҳамда етук шахсни вояга етказишдир. Шундай мақсадни кўзлаган кўпмиллатли Ўзбекистонда бир мақсад сари интилиш, ёшларнинг келажагини ўйлаш, фуқоролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни ва уларда замонавий дунёқарашни шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу ҳақда Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман худо хоҳласа ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади”[252] – деб таъкидлайдилар.

[252] Мирзиёев.Ш.М Озод ва обод ватаннинг баркамол фарздлари // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. Т.: „Ўзбекистон”, 2018, 415-бет.

Мустақиллик йилларида ижтимоий тараққиётнинг барча бўғинлари янги демократик андозага асосланиб, эволюцион йўлдан бориш даврида жуда кўп сиёсий, иқтисодий ва маънавий муаммолар пайдо бўлди. Натижада, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни маънавий ислоҳотлар билан бирга қўшиб олиб боришга тўғри келди. Жамиятдаги ислоҳотлар биринчи навбатда ёшлар руҳияти, миллий қиёфасига таъсир этиши табиий эди. Одамзод ўз табиатига кўра шижоатли, ғайратли, куч-кувватга тўлган ҳаётга, фаолиятга чанқоқ бўлади. Ана шу фазилатларни тўғри йўлга солиш, тарбиялаш вазифаси жамият зиммасига тушади. Ижтимоий тараққиётда баркамол авлод тарбияси фақат жисмоний жиҳатдан чиниққан, камол топган ёшларнигина эмас, шунингдек, шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий маънавий қадриятлар асосида тарбия топган шахсни ҳам кўзда тутади.

Бизнинг донишманд аждодларимизнинг барчаси илм-маърифатни улуғлаганлар, инсонни ахлоқли, тарбияли бўлишга, Ватанни севишга, инсонпарвар ҳамда миллатпарвар бўлишга ундаганлар. Аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий мерос, улкан кашфиётлар инсон дунёқараши, айниқса ёш авлод дунёқарашини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Ёш авлодда инсоний фазилатларни шакллантириш ва ривожлантиришда миллий-маънавий меросимиздан фойдаланмоғимиз лозим, чунки аждодларимиз меросида таълим-тарбия, ахлоққа доир масалалар чуқур ишлаб чиқилган.

Аждодларимизнинг ўтмиши, миллий ва диний анъаналаримиз, маънавий қадриятларимизни ўрганиш, халқимизнинг миллий ўзлигини англаши, демократик, адолатли, ҳуқуқий давлат ривожида фуқароларнинг, айниқса, ёш авлоднинг яхлит бир дунёқараши шаклланишида назарий пойдевор вазифасини бажаради. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Тарихимиз, маданиятимиз динимизга алоқадор бир варақ қўлёзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англатиш, фарзандларимизни шу улуғ меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат”[253] – деб таъкидлаб ўтадилар.

Бугунги кунда демократик ва фуқаролик жамиятида яшаб фаолият кўрсатаётган ёшларнинг турмуш тарзи, ҳаёт кечириши, хушмуомала бўлиши, меҳнатга, касб-ҳунарга нисбатан фидойилик кўрсатиши замон талаб этадиган миллий маданиятнинг ахлоқий тарбия меъёрларига мос келишидан далолатдир. Ахлоқий ва миллий тарбия натижаси бўлган ёшларда янгича дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришда жамият ва жамоатчилик,

---

[253] Мирзиёев.Ш.М Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳажиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. Т.: „Ўзбекистон”, 2018, 592-бет.

таълим-тарбия тизими, адабиёт ва санъат аҳли олдида улкан вазифалар мавжуд.

Ёшларда замонавий дунёқарашни шакллантириш, миллий руҳда тарбиялаш ва уларни олижаноб ҳис-туйғулар билан камол топтириб бориш маънавий баркамолликка етишишдаги биринчи қадамдир. Бундай ёш авлоддаги юксак маънавий фазилатлар қандайдир ғайритабиий кучлар ёки тақдирнинг инъоми эмас, у ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари, маънавий ворислик ва муайян давр, жамият таълим-тарбия тизимининг, оила ва муҳитнинг маҳсулидир. Ёшларнинг маънавий юксалиш жараёнида унинг барча ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий, маданий ва мафкуравий тасаввурлари ижтимоий тузум ва тизимларнинг таъсири туфайли шаклланиб ва ривожланиб боради. Маънавий-маърифий жиҳатдан камол топган ёшлар демократик ислоҳотларни истеъмолчисигина бўлиб қолмай, уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади.

Шу боисдан, „ҳозирги кунда янгича тафаккурлаш, ижодий фикрлаш, юксак маънавиятли кишиларни тайёрлаш жамиятимиз олдида турган энг долзарб муаммолар туркумига киради. Биз келажаги буюк мустақил давлатни барпо этаётирмиз. Шундай экан, мана шу олижаноб мақсадимизнинг моҳияти, унга эришишимиз йўллари нимадан иборат эканлигини ҳар бир фуқаронинг онгига, унинг қалбига сингдириб, тафаккурлаш маданиятини, бунёдкорлик фаолиятини такомиллаштиришимиз зарур“[254].

Хулоса қилиб айтганда ёшларнинг янги жамият қуриш ва янгича яшаш тарзига асосланган миллий тафаккури ва дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Юртимизда олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ва маънавий ислоҳотларга монанд равишда тарихимиз, миллий ўзлигимиз, анъана ва меросимиз руҳини, замонавий ислоҳотларнинг маънавий-мафкуравий моҳиятини ёшлар онгига сингдирадиган ва ундаги ватанпарварлик, миллатпарварлик, меҳнатсеварлик ва шарқона ахлоқ-одоб, миллий маданият руҳида тарбиялай оладиган маданий тараққиётни ривожлантириш доимий ва узлуксиз жараён бўлиб қолаверади.

[254] Рустамова М. Ёшларда янгича тафаккур маданиятини шакллантиришнинг фалсафий жиҳатлари. - Тошкент: Меҳнат, 2000, - 10 б.

# БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ШАРҚ ВА ҒАРБНИ БИРЛАШТИРИБ ТУРУВЧИ МАДАНИЯТ КЎПРИГИ СИФАТИДА

**Бурхонов Мажнун Илхом ўғли**
**СамДЧТИ тадқиқотчиси**

Турон азалдан Шарқ ва Ғарб ўртасидаги транзит савдо йўлида жойлашган ўзига хос бир цивилизация эди. Бу ерда “Буюк ипак йўли” очилишидан икки минг йил аввал Бадахшон ва Месопотамия, Мисрни боғлаб турувчи “Лаъл йўли” ўтган, у қадимги Турон билан Олд Осиё ва Миср алоқаларини таъминлаб турган. Лаъл (ложувард) тошидан ишланган буюмлар Месопатамия подшолари ва маликалари, Миср фиръавнлари қабрларидан топилганлиги бунинг далилидир. Бундан ташқари “Олтин йўл” деб аталадиган савдо йўли Қурама, Олой олтин конларидан асосланиб Поп ва Зркент орқали ўтадиган савдо тармоғи ҳам мавжуд эди. Бундан ташқари Хоразм, Хазария, Булғория (Волга дарёсининг қуйи оқимидаги туркийлар давлати) орқали Европа давлатларига олиб борадиган “Кумуш йўл” Туронни Шарқий ва Ғарбий Европа билан боғлаб турган.

Буюк ипак йўли эса м.а. II асрда очилган эди. Тўнғич хань сулоласи вакили У Ди элчи Чжан Цянинг м.а. 138 йилда хунн қабилаларига қарши курашда иттифоқчи бўлишга чорлаб юечжилар олдига жўнатади. Элчи хуннлар қўлига тушиб ўн йил асрликда ётади, сўнг асирликдан қочиб Тянь-Шан тоғлари орқали Иссиққўлга келади, сўнг Фарғонага ўтади. Фарғона подшоси билан музокаралар олиб боради, аммо подшо унга фақат савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатишда ёрдам беражагини билдиради. Юечжилар эса, урушавериб чарчаганликлари туфайли Хитойга ҳарбий ёрдам бера олмас эдилар. Натижада элчиликдан кўзланган мақсад амалга ошмайди. Шунга қарамасдан ушбу саёҳат кейинчалик оламшумул аҳамият касб этади, чунки Чжон Цян ўтган машрут бўйича “Буюк Ипак Йўли” деб аталадиган Шарқ ва Ғарбни бирлаштириб турувчи транзит савдо йўли очилади.

Буюк Ипак Йўли Япон оролларидан бошланиб Шарқий Туркистон, Марказий Осиё, Эрон, Месопотамия орқали ўтиб Ўртаер денгизи соҳилларига чиққан. Бу йўл Марказий Осиё шаҳарлари орқали Ҳиндистон билан боғланган. Узунлиги 12 минг километр бўлган Буюк Ипак Йўли қарийб 2 минг йил давомида (м.а. II аср) Европа, Осиё ва Африка қитъаларини боғлаб турган қуруқликдаги улкан савдо йўли бўлиб. Унинг марказида Турон жойлашган эди. Туя, от, хачир каби ҳайвонлардан транспорт воситаси сифатида фойдаланилган. Шунга кўра Сима Цяннинг маълумотига кўра олис мамлакатга кетган савдогарлар уйларига саккиз ёки тўққиз йилдан кейин қайтиб келардилар. Хитойдан ипак матолари, чинни

буюмлари, Ҳиндистондан зираворлар ва фил суяклари олиб келинарди. Туроннинг турли вилоятларидан эса ранг-баранг товарлар Шарқу-Ғарбга чиқариларди: Бадахшондан лаъл, Тоҳиристондан қизил ва яшил зумрад, дори-дармон, Бухородан "занданича" қимматбаҳо мато (ундан Европа қироллари кийим тиктириб, кийиб юрганлар), Самарқанддан аъло навли қоғоз (у Европа қироллари идораларида ишлатилган), Сўғддан мовут, гилам, безаклар, Фарғонадан наслдор отлар, Бақтриядан туялар ва ҳоказолар. Транзит савдога чиқарилган ушбу товарлар рўйхатини беришдан мақсад Турон цивилизациясининг ҳақиқатан ҳам "қувур" маданият эмаслигини исботлашдир, чунки оддий бир назар ташлаш билан ўтмишда туронлилар Буюк Ипак Йўлини ранг-баранг ва сифатли товарлар билан таъминлаб турганлар. Бу йўлда фақат товарлар ҳаракат қилиб қолмасдан, ундан диний ақидалар ва илмий ғоялар ҳам оқиб ўтган. Кўпинча савдо карвонларига кўплаб миссионерлар эргашиб борар йўл-йўлакай турли қавмларни ўз эътиқодларига даъват қилар, баъзан турли дин руҳонийлари бир бирлари билан баҳс-мунозаралар ўтказишар, айрим ҳолларда тортишувлар муштлашишгача бориб етарди. Қарвонлар билан бирга баъзан илм аҳллари ҳам илм излаб ёки ўқиш мақсадида йўлга чиқардилар. Карвонлар таркибида кўпинча китоб савдоси билан шуғулланувчи кишилар ҳам бўлар, уларга у ёки бу шаҳар олиму-фузалолари китобларга олдиндан буюртма бериб қўйишарди, шунингдек шаҳарлардаги китоб дўконлари Шарқ ва Ғарбда чиқарилган турли тиллардаги китобларни топиш мумкин эди. Туроннинг бундай йўл устида жойлашуви маданий тараққиёт учун жуда қулай шароит ва улкан имконият эдики, бундай имкониятдан аждодларимиз унумли фойдалана олдилар ва бой, кўпқатламли оригинал маданият яратдилар. Аммо. 1453 йилда туркий қавмларимиз Константинополни босиб олгач, қуруқликдан ўтадиган бу йўл ёпилиб қолди, европаликлар энди Шарққа борадиган денгиз савдо йўлини излай бошладилар ва топдилар. Турон эса бу йўлдан четда қолди, Ғарв ва Шарқ билан алоқа узилди, бу эса маданий тараққиётнинг келгуси тақдирига катта салбий таъсир қилди. Орадан 500 йил ўтгач Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш масаласи Брюссель учрашувида кўриб чиқилди, Европа ва Осиёни бирлаштириб турувчи "Европа – Кавказ - Осиё" транспорт йўлаги ТРАСЕКАни барпо этиш бўйича Декларация қабул қилинди. Ҳозирда Япониядан Адриатика денгизига қадар чўзиладиган ушбу қадимги карвон йўлини барпо этиш борасида жаҳондаги 32 мамлакат амалий ишга киришдилар, улар ичида қадимги Туроннинг вориси Ўзбекистон айниқса фаол иштирок этмоқда.

Византия билан дипломатик алоқалар ўрнатилган бўлсада, Византиянинг аварларни қўллаб-қувватлаганлиги боис Турк ҳоқонлиги билан

Византия ўртасидаги муносабатлари ҳам бузилади. Натижада Византия билан Эрон орқали олиб бориладиган савдо алоқалари деярли узилади. Шу боис Турк ҳоқонлиги Хитой билан алоқаларни яхшилашга ҳаракат қиладилар. Хитойнинг эса нияти бошқача эди, у Турк ҳоқонлигининг улкан ҳудудларига кўз олайтирмоқда эди. Шу мақсадда Хитойлик буддавий миссионер Сюань Узань Турк ҳоқони қошига жосуслик вазифаси билан юборилади. Сюань Узань даврида Амударё ва Чу дарёси оралиғида яшаган аҳоли маданий жиҳатдан яхлит бирликни ташкил қилиб, уларнинг кийиниши, тили, ёзуви, урф-одатлари ҳамма жойда бир хил эди[1]. Сиёб атрофида ҳоқоннинг ўрдугоҳи жойлашган бўлиб, шу ерда Сюань Цзань билан ҳоқон учрашуви бўлиб ўтади. Ҳоқон яшил ипак чопон кийган, сочини узун туширган ва манглайига лента ўраган эди. Унинг чодирида олтин ва кумушдан қилинган нафис буюмлар бўлиб, аёнлар темир курсиларда ўтирардилар, ёғоч курсилар йўқ эди, чунки ёғочда олов яширинган деб, унга ўтириш ман қилинган (оташпарастлик удумидан далолат). Чодирда Хитой ва Гаочан (Уйғур) элчилари ҳам бор эди. Чодирда базм бошланиб мусиқа жўрлигида ашула бошланди, у қулоқ ва дилларга хушкайфият бағишлади. Меҳмонлар гўшт еб, вино ичардилар. Ҳоқон Сюань Цзаньга қўшиб, Чинбонга (Сиан) ёш йигитни юборди[2]. Тахт талашлар ва доимий урушлар оқибатида заифлашиб қолган Ғарбий Турк ҳоқонлигини араблар босиб олди. Шарқий Турк ҳонлиги эса уйғурлар қўлига ўтди. Аммо, араблар Шимолда яшовчи туркларни бўйсундира олмадилар, кейинчалик улар Қорахонийлар ва ўғизлар давлатини барпо этдилар. Агар, Сюань Цзань давридаги турклар маданиятини Чжань Цзань даври билан солиштирсак бир қатор ўзгаришлар юз берганлигини кўрамиз. Энг аввало турклар эътиқодида симбиоз вужудга келди, яъни илгари Ҳоқон эрталаб қуёшга, кечқурун ойга топинган бўлса, энди у монах томонидан тарғиб қилинган буддизм ақидалари қабул қилганлигини эътироф этган ҳолда, оташпарастлик удумларига ҳам риоя қилишини намойиш этади (ёғоч курсилардан фойдаланмаслик). Демак, юқорида таъкидланганидек турклар VI-VII асрларга келиб ўз эътиқодларидан тобора узоқлашиб борганлар, бу эса уларни ҳалокатга олиб келди. Биз юқорида турклар Шаркда Хитойни кўчманчилар костюи билан таништирган бўлсалар, Ғарбда христанларга хос, сув билан чўқинтиришни олиб борганликларини манбаларда кўрсатган эдик.

Ҳинд-европача ёндашув тарафдорлари ошина туркларининг Олтойдан Ўрта Осиёга кириб келишини рўкач қилиб, барча туркий қабилалар, шу жумладан ўзбекларнинг ҳам келгиндилар эканлигини очиқ-равшан таъкидлайдилар, бу фикрга баъзи маҳаллий муаллифлар ҳам қўшиладилар. Келинг, ушбу фикрнинг тўғри ёки нотўғрилигини таҳлил қилиб чиқайлик.

Ашина туркларининг Шарқий Туркистонда, яъни Туронда яшаганликларини барча манбалар тасдиқлайди. Улар усунлардан зарбага учраб Олтойга кетишга мажбур бўладилар, сўнг 551 йилда Турк хоқонлигини ташкил қиладилар, 566-567 йилларда яна ўз ватанлари Туронга қайтиб келдилар. Маълумки, Шайбонийхон лашкарий кучининг асосини қипчоқлар ташкил этарди, улар ичида ўз уруғи ҳам бор эди. Улар азалдан Сирдарёнинг қуйи оқимида яшаб келганлар ва 1062 йилда Киевга ҳужум қилганлар, сўнг Дашти Қипчоқда узоқ даврда яшаб келганлар. XV асрда уларни Шайбонийхон ўз лашкарларига бирлаштириб, Ўрта Осиёни эгаллайди, оқибатда Ўзбек давлати вужудга келди. Агар бир қипчоқларнинг м.а. V асрдаёқ Хитой манбаларида Ўрта Осиёда яшаганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда, улар келгинди эмас, балки ўз ота ватанларига қайтиб келганлигини англатади. Бунинг устига қипчоқлар, яъни русча палавецлар, юнонча кумакларнинг ўз ватанларига бу қайтиши биринчи бор эмас эди. Бундай ўз Она тупроғига қайтишлар Туроннинг "дайди ўғлонлари" орасида бир неча ўнлаб юз берганлиги тарихий манбалардан маълум. Шунинг учун ҳам таркий халқларнинг Туронга кўчиб келган кўчманчи халқ эканлиги мифдан бўлак нарса эмас ва бу мифни тарихий манбалар тасдиқлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. // Бартольд В.В. Сочинения. Т.2. Часть 1. – М.: Изд-во вост. лит., 1963. – С.32.
2. Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. // Бартольд В.В. Сочинения. Т.2. Часть 1. – М.: Изд-во вост. лит., 1963. – С.32-33.
3. Enuki K. On the nationality of the Ephtolites. MDTB. Tokyo, 1959. p. 227-232.


## "MILLIY TIKLANISHDAN - MILLIY YUKSALISH SARI" G'OYASINING MAZMUN-MOHIYATINI YOSHLAR ONGIGA SINGDIRISHDA "TARBIYA" FANINING O'RNI.


**Ziyodullayeva Zulfizar-Denov tadbirkorlik va**

**pedagogika instituti 1 kurs magistri**



**Annotatsiya:** Ushbu maqoladamilliy g'oyamizning singdirishda Tarbiya fanining ahamiyati va uni o'qitishning dolzarbligi keltiriladi.



**Kalit so'zlar:** ta'lim, tarbiya, ma'naviyat, bilim, uzluksiz ma'naviy tarbiya, ma'rifat.

Zamonaviy davrda islohotlar g‘oya sifatida odamlar ong-u shuurida, qachonki, mafkuraga aylansagina, amaliy faoliyat turiga ko‘chib o‘tmoqda. Ya’ni, ijtimoiy taraqqiyot qonuniyatlarining o‘zi jamiyatni, insonni yangilanishiga majbur qiladi. Shu sababdan har qanday islohotlar davr va makon o‘zgarishlarining mohiyatiga xamohang rivojlanmasdan, yangilanmasdan turib taraqqiyot topmaydi. Bu juda nozik masala, chunki davlat yangi g‘oyalarni ilgari sursa-yu, fuqarolar uni idrok etolmasa va amalda ro‘yobga chiqarishga intilmasa yoxud fuqarolar yangi o‘zgarishlarni xohlasalar-u, lekin siyosat uni ta’minlab berishga qurbi yetmasa, ijtimoiy ziddiyatlarning vujudga kelishi shu mutanosiblikdan boshlanadi. Qachonki mazkur ikkita omillar uyg‘unlashsagina, unda yangilanish ortga qaytmas milliy harakatlarga aylanadi. Bu jarayon bir zumda vujudga kelmaydi. U adashish, ikkilanish, tajriba va ba’zida muayyan ijtimoiy nizolar orqali kechadi. Shuning uchun tabiiy rivojlanish jarayonlarini bosib o‘tish barcha xalqlarga xosdir. Lekin, uni amalda ta’minlashga erishish hamma xalqlarga ham nasib etavermaydi.

Shuni alohida ta’kidlab o‘tish lozimki, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 26 martdagi PQ-5040-son “Ma’naviy-ma’rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish chora- tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarorida ma’naviy-ma’rifiy jarayonlarni tashkil etishda yaxlit tizim mavjud emasligi, xalqimiz, ayniqsa, yoshlarni ma’naviy tahdidlardan himoya qilish borasida yetarli darajada tashkiliy-amaliy va ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilmayotganligi alohida ta’kidlab o‘tilib, “targ‘ibot-tashviqot va tarbiya yo‘nalishidagi ishlarni ilmiy asosda tashkil etish, soha bo‘yicha ilmiy va uslubiy tadqiqotlar samaradorligini oshirish”muhim yo‘nalish sifatida belgilab berildi[1].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti ta’kidlaganidek, “Yangi O‘zbekistonni barpo etish- bu shunchaki hohish istak, sub’ektiv hodisa emas, balki tub tarixiy asoslarga ega bo‘lgan mamlakatimizdagi mavjud siyosiy-huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy, ma’naviy-ma’rifiy vaziyatning o‘zi taqozo etayotgan xalqimizning asriy orzu intilishlariga mos, uning milliy manfaatlariga to‘la javob beradigan obyektiv zaruratdir. Biz bu yo‘lda islohotlarimizning asosiy harakatlantiruvchi kuchi bo‘lgan jamiyatimiz a’zolarining bor bilim va salohiyati, kuch va imkoniyatlarini, butun azmu shijoatimizni ishga solishimiz zarur”. Bir so‘z bilan aytganda xalqimiz hayotining barcha sohalari qatori fuqarolarimizning ongi va dunyoqarashida jiddiy o‘zgarishlar bo‘lmas ekan, millat, uning har bir fuqarosi bugungi jamiyat taraqqiyoti chaqiriqlariga hamohang yangilanmas ekan, rivojlanish odimlari og‘ir kechadi. Qonuniyat esa, yuksalish sari yo‘nartirilmas ekan, kechagi o‘tmish tarixning jarayonlarini takrorlab kelaveradi.

Jamiyatning yangilanishi falsafasi va ijobiy o‘zgarishlar ta’limdan boshlanadi. Boshlangan yangilanish siyosati ta’lim-tarbiya usullarini yangi sifat va

talab darajasiga ko‘tarish bilan mamlakatamiz va xalqimiz hayotining tubdan yangilash, jamiyatimizning yangi, demokratik qiyofasini yaratishga qaratilgan islohotlar, mamlakatni harakatga keltirdi. Bu yillar mobaynida boy berilgan, hozirda anglab yetilgan, ammo hamon ma’rifatni izlayotgan xalqning birdan-bir najot yo‘li. Ta’lim va yoshlar tarbiyasiga doir davlat siyosati o‘zbekning yangi avlodini vujudga keltirishga, uning axloqiy qiyofasini, milliy kodini yaratishga qaratilgan. Zero “mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar samarasi avvalambor, yuksak ma’naviyatli mustaqil fikrlaydigan, Vatanimiz taqdiri va istiqboli uchun mas’uliyatni o‘z zimmasiga olishga qodir yosh kadrlar safini kengaytirishga bevosita bog‘liq”Darhaqiqat ta’lim sohasining eng muhim vazifalaridan biri bu bugungi kun uchun zarur bo'lgan yangi avlodni, ilm-fan va o‘z ixtisosligi asoslarini puxta egallagan, nafaqat bilimli balki, yuksak ma’naviyatli qilib ham tarbiyalashdan iboratdir

Ta’lim - millatning rivoji asosi, asosiy poydevori. Millat tarixida birinchi marta ta’limning uzviy va uzluksiz tizimi hamda uning g'oyaviy konsepsiyasini yaratishga erishildi. Maktabgacha ta’lim sohasini rivojlantirish, uning sifat-samaradorligini oshirish, maktab ta’limi va oliy ta’lim uyg'unligini ta’minlash borasida jiddiy huquqiy asoslar yaratilmoqda. Ayniqsa, litsey va kollejlarning oliy ta’lim muassasalariga bog'lanishi ham ilm-fan va iqtidor uyg'unligini ta’minlashga xizmat qiladi. Bunday yondashuv 3-4 yilda ijobiy samaradorligini berishi shubhasiz. Chunki bu yondashuvlarda xalqaro tajribalarda sinalgan izchil va mantiqiy qonuniyatlar mavjud. Bu qonuniyatlar mamlakat taraqqiyotining asosi sifatida ilm-fan va innovatsiyalar bilan bog'lanmoqda.

Xulosa qilib aytganda, bugungi rivojlanayotgan davrda O‘zbekistonda yangi uchinchi renesanss poydevorini qurish uchun ham avvalo, ta’lim va tarbiya uyg‘unligiga erishish orqali yoshlar tarbiyasi bilan shug‘ullanishda to‘sqinlik qiluvchi har qanday omillarni aniqlash va ularni bartaraf etishda “Tarbiya fani” asoslaridan samarali foydalanish imkoniyatlarini kuchaytirishdan iboratdir. Xususan oliy ta’lim, professional ta’lim tizimi bitiruvchilarini oilaga tayyorlashda bo‘lajak ota-onalar farzand tarbiyalash metodlarini biladimi?, tarbiya funksiyalarini ta’lim metodlari bilan uyg‘unlashtira oladimi? kabi bir qator savollarga amalda javob berish darajasiga yetkazish uchun ham ma’naviy tarbiya masalalari nafaqat MTM yoki maktabda balki butun tizimda o'qitilishi, o‘rgatilishi kerak bo‘ladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 26 martdagi PQ-5040-son “Ma’naviy-ma’rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari

to‘g‘risida”gi Qarori//Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 26.03.2021-y., 07/21/5040/0243-son.

2. Агар жамият каётининг танаси иктисодиёт булса, унинг жони ва руки маънавиятдир/ в Узбекистан президенты Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни булиб утган маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришга баҒишланган видеоселектор йотилиши материаллари//Халк сузи. 2021 йил, 20 январь.

## ҲОЗИРГИ ДАВРДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДА САЛБИЙ ҲОДИСАЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

**Зокирова Нигора Холмахаматовна –**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ассистенти**

*Мақолада бугунги кунда миллий ўзликни англашда салбий ҳодисаларни бартараф этиш йўллари ва шакллари илмий жиҳатдан таҳлил қилинди. Мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар жадал кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Турли тилларни билиш ҳаётнинг заруратига айланади.*

Ҳозирги ахборотлашув шароитида индивидуал ўзига хосликнинг янада универсал даражадаги қадриятлар асосида шаклланиш тенденцияси ҳақида кўпроқ гапирилмоқда. Либерал қадриятлар инсоннинг шахс сифатида ривожланишида асосий рол ўйнайди, деб ҳисоблайдиганлар кўп. Шубҳасиз, умуминсоний қадриятларнинг мавжудлиги тарихнинг ҳеч бир даврида инкор этилмаган. Бу жиҳат Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожида янада яққол намоён бўлди. Ўзбек файласуф олимлари инсоннинг миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида камолотга етиши ҳақида азалдан баҳс-мунозара юритиб келадилар. Шуни эътироф этиш керакки, глобаллашув босқичида инсониятнинг аҳамияти ортди. Энди сиз дунёнинг энг чекка бурчагидаги ахборотлар манбаига тезкор киришингиз мумкин. Масалан, инглиз тилини билмасдан туриб, жаҳон илм-фани ва маданиятидаги муҳим ўзгаришлардан хабардор бўлиш жуда қийин. Муқаррар равишда ҳар бир шахс турли хил маданий муҳит билан алоқа қилади ва турли эътиқодли одамлар билан мулоқот қилади. Бу масала давлатлараро муносабатларни ривожлантириш нуқтаи назаридан долзарб аҳамият касб этмоқда.

Европада П.Ҳаттон, М.Халбвакс, Ф.Ариес, Ж.Мишле, Э.Ҳобсбаум, У.Онг, Россияда И.М.Савелева, Ж.Т.Тошенко, В.И.Меркушин, А.В.Полетаев, А.М.Руткевич, Й.Ассман, В.В.Ликова ва бошқаларни келтириш мумкин. Бу

ёндашув миллий ўзликни англаш мазмуни тарихий асосга эгадир[255], деган тахминга асосланади. Бу шуни англатадики, барча даврлар учун ўзгармайдиган қадриятлар тизими йўқ. Ижтимоий эволюция нуқтаи назаридан миллий ўзига хослик ҳар бир тарихий босқичда ўзига хос тузилиш ва мазмунга эга бўлади. Шунинг учун замонавий давр учун бу масала ўз тушунтиришига эга бўлиши керак. Юқорида номлари келтирилган тадқиқотчиларнинг Европа ва Россия тажрибаси асосида олиб борилган таҳлиллари бу хулосани тасдиқлайди. 13-асрдаёқ Канбатисто Вико “миллат кемаси» ҳаётий тажрибада тўпланган “донолик» билан олға силжишини, лекин у доимо ёрқин хотираларга қайтиб, янги лингвистик, институционал, ижтимоий, маданий ва ҳоказоларни яратганини ёзган эди. Италиялик олимнинг бу позицияси кейинчалик Европада ривожлантирилди ва қўллаш доираси кенгайтирилди. П.Хаттон француз инқилобий анъаналари XIX-XX асрларда либерал, авторитар, сўл ва республикачи сиёсий-мафкуравий оқимларнинг ривожланишига олиб келганлигини таъкидлайди. У бу ҳақида шундай ёзади: “Республика рамзлари туфайли XIX аср охирида инқилобий анъана фуқаролик маросимларида мужассам бўлди. Уларга раҳмат. Чунки айнан уларнинг баъзилари француз инқилоби французлар менталитетига киритган ўзгаришларни махсус ўргандилар»[256]. XIX аср охирида у француз миллий байрами ҳисобланган. Хаттоннинг тушунтиришлари Францияда маълум бир тарихий босқичда бутун жамият учун муҳим бўлган бир қатор воқеалар индивидуал ва жамоавий даражадаги ижтимоий-психологик, сиёсий ва руҳий хусусиятларга қандай таъсир қилганини ифодалайди. У мазкур асарида “Анъаналар текшируви» бўлимида миллий менталитетнинг бир қатор хусусиятларини шу жиҳатда таҳлил қилади. Ғарб тарихшунослиги ва социологиясининг Ж.Викодан бошлаб асосий муаммоларидан бири анъана мутлақлигининг камчиликлари ва янгиланиш (менталитетга янги элементларни киритиш) заруратини ҳаддан ташқари баҳолаш ўртасидаги оптимал нисбатни излашдир. Викониг таъкидлашича, тўлиқ анъанага риоя қилиш миллатни аста-секин йўқ қилмоқда. Вақти-вақти билан жамиятнинг кўп асрлик омилларини (анъанавий равишда «ижтимоий-маданий кодлар» деб аталади) ўрганиш керак, уларга янги белгилар қўшилиши керак[257]. М.Халбвакс анъана муқаррар равишда сиёсий масала эканлигини исботлади, чунки у жамоавий хотирадан ҳозирги кун манфаати учун фойдаланади[258].

[255] Валеева З.Р. Нравственное отчуждение как философская проблема : диссертация ... кандидата философских наук. - Уфа, 1998. - 131 с.

[256] Хаттон П. Х. История как искусство памяти. СПб.: Владимир Даль, 2004, 424 с.

[257] Вико Дж. Основания Новой науки об общей природе наций. М., Киев, 1994, 613 с.

[258] Хальбвакс М. Коллективная и историческая память //«Неприкосновен- ный запас» 2005, №2-3(40-41).

Маълум бўладики, тарихнинг ҳар бир давридаги анъаналарнинг ўзгариши жамият психик тизимининг барча даражаларида содир бўлаётган жараёнлар билан боғлиқдир. Ҳозирги замонда масаланинг сиёсий жиҳати яққол кўзга ташланади. Бу таҳлил миллий ўзликни шакллантиришда мураккаб омилларнинг ролини яққол очиб беради. Хусусан, миллий ўзликни англашда сиёсий ўзликнинг муҳим ўрни ҳақида фикр юритиш зарур.

Миллий ўзликни англаш фуқаролик ўзига хослиги тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ ва у билан боғлиқ ҳолда тушунилиши керак. У фалсафий ва социологик категория сифатида мураккаб тузилишга эга. Диний ва миллий-маънавий қадриятлар унинг ўзаги ҳисобланади. Улар миллий ўзига хосликнинг ўзгармас ва қайта тикланадиган қатламларини қамраб олади. Миллий ўзликни англашнинг ёт унсурлар билан алоқалари диний-маънавий қадриятлар соҳасида амалга ошади. Қизиғи шундаки, ҳозирги тарихий даврда диний омил сиёсий, этник ва маданий ўзига хосликни боғловчи асосий маънавий соҳа ролини ўйнайди. Менталитетда синтезланган бу қадриятлар маданий-ахлоқий омиллар билан биргаликда модернизация мазмунини ташкил қилиши керак. Муаммонинг мураккаб томони шу нуқта билан боғлиқ. Чунки модернизация шароитида миллийлик ва замонавийлик уйғунлиги принципиал аҳамиятга эга. Анъанавий тарзда, муносабатларнинг «чегара чизиғи» деб аталадиган алоқа чизиғида янги «маънолар» пайдо бўлади. Агар улар этноснинг ижтимоий-тарихий анъаналарига мос келса, маълум вақтдан кейин қабул қилинади, акс ҳолда улар чиқариб ташланади. Жамият ўз ўзгаришининг ҳар бир босқичида бу икки жиҳат уйғунлигини таъминлаши керак. Миллий ўзликни англаш уларнинг бирлигининг конкрет ифодасидир[259].

Хулоса сифатида айтиш жоизки, замонавий дунё тараққиётини тавсифловчи энг кенг тарқалган тушунчалар глобаллашув ва ахборот жамиятидир. Инсоннинг ҳаёт мазмунини англаши, ҳаёт фалсафасига холис фалсафий қараши, ҳам инсониятга, ҳам муайян миллат ва элатга мансублигини ҳис қилиши, ёлғизликка фалсафий муносабат сифатида қараши жуда муҳимдир. Фақат шу ҳолатдагина инсон ўзлигидан бегоналашув тажрибасини, унинг кўп турларини онгли, ижодий ва мақсадли равишда йўқ қила олади, объектив ва субъектив, ижобий ва салбийни ажрата олади. Шундагина инсон вақтинчалик воқеликдан юқорига кўтарилиши мумкин. У кишини инсон ўзлигидан бегоналашув таъсирида қиладиган

[259] Мельникова С.В. Феномен национального самосознания : Социально-философский анализ : диссертация ... кандидата философских наук. - Черкесск, 2003. - 170 с.

сифатларнинг (масалан, маънавий, фалсафий, маданий, ижтимоий ва ҳоказо) изчил йўқолиб кетиш хавфини қайтариши мумкин.

Миллий урф-одатлар, одоб-ахлоқ, одоб-ахлоқ ва анъаналарга бегоналашиш ҳар қандай халқнинг энг катта маданий зараридир. Агар бу бегоналашув одамларнинг онги, тафаккури, маданияти заминида илдиз отган бўлса, яхши самара бермайди. Миллат ва миллий қадриятлардан бегоналашиш бегона маданият босқинида содир бўлади. Айнан шу бегона босқинчилик орзулар, қадриятлар ва эътиқодлар мавжудлиги уйини қурилишлар тошқинига айлантиради, уни ўз вақтида олдини олиш зарур.

## KO‘P MILLATLI JAMIYAT SHAROITIDA O‘QUVCHILARDA BAG‘RIKENGLIKNI SHAKLLANTIRISH

**Narziyeva Xabiba-Denov tadbirkorlik va**

**pedagogika instituti 1 kurs magistri**

**Annotatsiya**

Maqola so'nggi paytlarda katta mashhurlikka erishgan kichik maktab o'quvchilarining bag'rikenglik muammosiga bag'ishlangan. Tahlil natijasida mualliflar bag'rikenglik mohiyatini rivojlangan shaxsning o'ziga xos qadriyatlari va manfaatlariga ega bo'lgan qimmatli axloqiy sifati sifatida ochib beradi. Maqolada kichik yoshdagi o'quvchilarda xulq-atvor ko'nikmalarini shakllantirish, bag'rikenglikni tarbiyalash bo'yicha ishlarning asosiy yo'nalishlari keltirilgan.

**Kalit so’zlar:** ko’p millatlilik, bag’rikenglik, tolerantlik, secular davlat, meros, plyuralizm.

So'nggi o'n yilliklarda bag'rikenglik mavzusi butun dunyoda eng dolzarb va keng talab qilinadigan mavzulardan biriga aylandi. U odamlarning munosabati bilan bog'liq muammolar qatlamini o'z ichiga oladi. Ilmiy ish mavzusi biz tomonidan tasodifan tanlanmagan, chunki odamlar o'rtasidagi tajovuzkorlik darajasini oshirish jarayoni aniq. Bu zamonaviy jamiyatda ziddiyatli vaziyatlar zonalarining kengayishida namoyon bo'ladi. Shunga qaramay, ta'limning madaniy taraqqiyot va taraqqiyot omili, ko'p millatli mintaqalarda eng o'tkir ijtimoiy-siyosiy, madaniyatlararo va millatlararo muammolarni hal etish vositasi sifatidagi roli etarlicha baholanmaydi. Shu bilan birga, ta'lim har doim to'plangan bilimlar, yutuqlar, an'analar, xulq-atvor namunalarini saqlashning asosiy sharti bo'lib kelgan va shaxsni, uning madaniy rivojlanishining samarali vositasi bo'lganligini ta'kidlash uchun asos bor. Bizning ilmiy ishimiz hozirgi bosqichda bag'rikenglikni

shakllantirish muammosi haqidagi bilimlar holatini tahlil qilish, shuningdek, uni hal qilish yo'llari va usullarini ko'rsatishga qaratilgan. Ayniqsa, so'nggi 30 yil ichida e'tiborni tortayotgan bag'rikenglik muammosi turli jihatlar va turli darajalarda muhokama qilinmoqda. "Bag'rikenglik" tushunchasi so'nggi paytlarda juda mashhur bo'lib, ilmiy adabiyotlarda turli xil bilim sohalarida: axloq, psixologiya, falsafa, etnopsixologiya, tibbiyot va boshqalarda keng talqin qilinmoqda. So‘nggi yillarda B.G. Ananiev, A.G. Asmolov, Yu.V. Bromley, S.K. Bondyreva, T.G. Stefanenko va boshqalar. Asmolov A.G. bag'rikenglikni "atrof-muhitning noqulay ta'siri ostida o'zini o'zi boshqarish qobiliyatidan iborat bo'lgan individual xususiyat" deb hisoblaydi. Turli tillarda “tolerantlik” tushunchasi “tolerantlik” so‘zining sinonimiga ega. V.I.ning lug'atida. Dahlning fikriga ko'ra, "bag'rikenglik" so'zi mulk yoki sifat, biror narsaga yoki kimgadir "faqat rahm-shafqat, indulgensiya tufayli" chidash qobiliyati sifatida talqin etiladi [2, p. 330]. Ko'pgina zamonaviy lug'atlar bu tushunchani xuddi shunday izohlaydi. Qisqacha falsafiy lug'atda: "Bag'rikenglik - bu turli xil qarashlar, odatlar, odatlarga bag'rikenglik. Tolerantlik turli xalqlar, millatlar va dinlarning xususiyatlariga nisbatan zarurdir”. Tolerantlikning mohiyati Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan qabul qilingan “Bag‘rikenglik tamoyillari deklaratsiyasi”da to‘liq ifodalangan. Deklaratsiyada aytilishicha, “bag‘rikenglik – bu dunyo madaniyatlarining boy xilma-xilligini, o‘zimizni ifodalash shakllarimiz va inson individualligini ifodalash usullarini hurmat qilish, qabul qilish va tushunishni anglatadi. Tolerantlik, eng avvalo, insonning umuminsoniy huquqlari va asosiy erkinliklarini tan olish asosida shakllangan faol munosabatdir”. Bizning fikrimizcha, bag‘rikenglikning mohiyatini ochib beruvchi eng to‘liq ta’rif “axloqiy lug‘at”da berilgan: “Bag‘rikenglik – boshqa odamlarning manfaatlari, e’tiqod va e’tiqodlari, odatlari va xulq-atvoriga munosabatini tavsiflovchi axloqiy tuyg‘u. Bu o'zaro e'tibor va turli manfaatlarni uyg'unlashtirishga erishish istagida ifodalanadi va hokazo. bosimdan foydalanmasdan, asosan ishontirish va tushuntirish usullari bilan. Bu boshqa shaxsga hurmat ko'rsatish, uning o'z e'tiqodiga bo'lgan huquqini tan olish, mendan boshqa bo'lish huquqidir".

Bizning fikrimizcha, bag‘rikenglikning mohiyatini ochib beruvchi eng to‘liq ta’rif “axloqiy lug‘at”da berilgan: “Bag‘rikenglik – boshqa odamlarning manfaatlari, e’tiqod va e’tiqodlari, odatlari va xulq-atvoriga munosabatini tavsiflovchi axloqiy tuyg‘u. Bu o'zaro e'tibor va turli manfaatlarni uyg'unlashtirishga erishish istagida ifodalanadi va hokazo. bosimdan foydalanmasdan, asosan ishontirish va tushuntirish usullari bilan bo’ladi. Bu boshqa shaxsga hurmat ko'rsatish, uning o'z e'tiqodiga bo'lgan huquqini tan olish, mendan boshqa bo'lish huquqidir". Shunday qilib, bag'rikenglik deganda biz birovning huquqlarini tan olish, boshqasini teng deb bilish, tushunish va hamdardlikka da'vo qilish, boshqa xalqlar va madaniyatlar

vakillarini qanday bo'lsa, shundayligicha qabul qilishga tayyorlik va ular bilan o'zaro munosabatlarni tushunamiz. Shu munosabat bilan kichik yoshdagi o'quvchilarda bag'rikenglik munosabatlari va tolerant xulq-atvor tajribasini shakllantirish uchun pedagogik shart-sharoitlarni yaratish vazifasi yangilanmoqda. Boshlang'ich maktab uchun bag'rikeng shaxsni tarbiyalash muammosi o'z-o'zidan dolzarbdir. Hayotning ushbu bosqichida turli mikro-jamiyatlardan bo'lgan, turli xil hayotiy tajribaga ega va shakllanmagan kommunikativ faollikka ega bo'lgan 20-30 bolalar o'rtasida o'zaro ta'sir shakllana boshlaydi. Sinfda muvaffaqiyatli o'rganish talab qilinadi. Tolerantlik olg‘a intilish, taraqqiyotga tayyorlik haqida gapirganda, biz tolerantlik hodisasidan ma’lum bir sifat yoki xususiyat sifatida bag‘rikenglikka o‘tamiz. Agar tolerantlik fenomeni haqida gapiradigan bo'lsak, biz vaziyatning o'zini va o'zaro ta'sirda ishtirok etuvchi barcha tomonlarni hisobga olishimiz kerak.

**Adabiyotlar ro'yxati:**

1. Asmolov A.G. Tarixiy madaniyat va bag'rikenglik pedagogikasi // Memorial. - 2001. - No 24. - S. 61-63.

2. Dal V. Rus tilining izohli lug'ati. - M., 1998. - S. 401.

3. Qisqacha falsafiy lug'at / Ed. A.P. Alekseev. - M.: Prospekt, 2006. - S. 492.

## МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИДА ЖИНОЯТЛАРНИ ЭРТА АНИҚЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИ

**Норкулов Убайдулла**
**СамДЧТИ тадқиқотчиси**

Маҳалла ўзбек халқининг қадимий масканларидан бўлиб, унда ҳар бир инсоннинг яхши ва ёмон кунлари ўтади. Унда ҳар бир фуқаронинг тинчлигини таъминлаш, фуқароларда Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириш мухим жараён сифатида амалга ошади. Айни пайтда юртимизда маҳалла ўзига хос ижтимоий институт сифатида шаклланган, халқнинг манфаат ва эҳтиёжларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида намоён бўлмоқда. Унинг куч-қудрати тимсоли халқимизнинг дарду-ташвишлари билан уйғунлашган ҳолда давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-кувватланишидадир. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2022 йилга “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб ном берилиши ҳам бежизга эмас. Бунда ўзига хос ҳикмат, аждодларимизнинг юксак маънавий дунёқарашини мужассам. Мана шу маҳаллалар айни кунда юртимизда ўн мингдан ортиқни ташкил этиб, уларда халқнинг осойиталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида участка профилактика

инспекторлари ва маҳалла посбонлари тинимсиз меҳнат қилмоқдалар. Улар маҳаллаларда жиноячиликка мойил ёшлар ёки фуқароларни эрта аниқлаб, содир бўлиши мумкин бўлган кўплаб жиноятларнинг олдини олишда асосий куч бўлиб хизмат қилмоқдалар. “Ёшлар тарбиясида жамоатчиликнинг роли сусайиб бораётгани барчамизни ташвишга солиши лозим. Илгари “Бир болага етти маҳалла - ота-она”, деган мақолга амал қилиб яшардик. Ўғил-қизларимизнинг ахлоқ-одоби, ўқиши учун нафақат уларнинг ота-оналари, аввало, маҳалла аҳли, кайвони кексалар, зиёлилар ўзини масъул ва жавобгар деб биларди. Шунинг учун ҳам маҳаллаларимизда уруш-жанжал, безорилик, ичкиликбозлик қилиб бекорчи юрадиган ёшлар, оилавий ажримлар кам бўларди. Кекса авлод вакиллари ёшларни меҳнатга, ўз уйини, кўчалар, гузар ва майдонларни озода тутишга ўргатарди”. Бугун биз ёши катталардан мана шу эзгу ишларни ёшларни ўргатишини, миллий қадриятларимизга мос фалсафий тафаккур тарзини шакллантиришни, ота-бобларимизнинг панд-насиҳатларини тарбия орқали сингдиришини кучайтиришимиз лозим.

Маҳалла ижтимоий ҳаётимизда ўзига хос институт сифатида ёши кичикдан тортиб, ёши улуғ кишиларгача яшаб, меҳнат қиладиган улуғ даргоҳ, инсоннинг қадр-қиммати юксалишида алоҳида мактаб вазифасини ўташи ёки кимнингдир билиб-билмай қиладиган жиноятига шерик сифатида қўшни маҳаллалар олдида изза бўладиган кишиларнинг жамланмасидир. Биз бу институтнинг ваколатларини ҳар бир фуқаро онгига чуқур сингдириб, жиноятчиликнинг келиб чиқишини олдини олишга доир чора-тадбирларни кўпайтиришимиз, халқимизнинг миллий менталитетига мос дам олиш масканлари, театр ва тадбирларни узлуксиз ташкил этиб боришимиз даркор.

Маҳаллаларда келиб чиқиши мумкин бўлган жиноятларнинг одини олишда аввало жамаотчилик назорати механизмига асосий эътиборни қаратиш, одамларнинг юриш-туриши, бир-бирига муносабатлари, халқнинг давлатимиз олиб бораётган сиёсатдаги қанчалик иштирок этиши кабилар ҳам бевосита маҳалла фаолларида ўзига хос фуқаролар ҳақидаги фалсафий мушоҳадани шакллантиради. Ана шундай инсонлар маҳалла институтининг ролининг унумли фойдаланишлари ва жамоатчилик асосида муайян тизимни йўлга қўйишлари лозим. Бу борада кейинги йилларда қилинаётган ишлар халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш билан бирга, жамоатчилик назорати асосида содир бўлиши мумкин бўлган жнояларнинг олди олинаёганлигини, одамларнинг дарду-ташвишлари Президент халқ қабулхонаси, вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари ва сектор раҳбарлари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда ўз ичимини топаётганлиги барча учун манзур бўлмоқда. Жойларда ишсиз аҳолининг иш билан бандлигини

таъминлаш, ҳар бир маҳаллада фуқароларнинг хавфсизлиги ва самарали меҳнат қилишига эришилмоқда.

Маҳалла институти бугун ўзининг кўплаб муаммоларни ҳал қилиш имкониятлари билан халқнинг дарду-ташвишларни енгиб, миллий қадриятларга асосланган фалсафий тафаккурни кенг кўламда намоён этмоқда. Бугун давлатимиз раҳбари бошчилигида "тажриба тариқасида йўлга қўйилган ички ишлар органлари ходимларини ҳарбий қисмларда ўқитиш ва энг асосийси, ҳарбийларимиз, ички ишлар ходимлари ҳамда жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан маҳалла ва таълим муассасаларида маънавий-маърифий, ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларини ўтказиш яхши самара берди. Натижада жиноятчилик сезиларли даражада камайди". Демак, маҳалла институти юртимизнинг барча ҳудудларида ўзининг реал воқеликка асосланган фаолияти билан фуқароларни жамаотчилик назоратини йўлга қўйишга, миллий менталитетга мос фалсафий дунёқараш билан жаҳонга юз тутмоқда.

Маҳалла институти бевосита давлат органлари билан ҳамкорликда ўзининг сермаҳсул фаолияти асосида жиноятчиликка қарши узлуксиз тадбирлар натижасида кўплаб маҳаллаларда йил давомида жиноятлар содир бўлмаслигини, одамларнинг бир-бирлари билан яқиндан ишлаши, турли муаммоларни бирлашиб ечишлари яхши самара бераётганлиги ижобий ҳолатдир. Маҳаллада жиноят бўлмаса одамларнинг дунёқараши, давлатга бўлган ишонч ва эътибори янада ошади. Шунинг учун ҳам бугун юртимизда маҳалла институти фаолиятини янада кучайтириш, давлат органларининг барчасини шу орқали бир-бирларига яқинлаштириш муҳим саналади.

Умуман олганда, маҳалла институти халқнинг ўзини-ўзи доимий равишда жамаотчилик асосида назорат қилишнинг бир кўриниши сифатида ҳар бир фуқарони ҳамиша эзга ният ва фаровон ҳаёт сари миллий ғоя руҳида яшашга чорлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: O'zbekiston, 2021. 298-бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. –Тошкент: 2020. 4-жилд. 140-бет.

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ ИНСТИТУТЦИОНАЛ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ**

**Сауров Равшонбек Русланбек ўғли –**
**Урганч давлат университети таянч докторанти**

Давлат хизматларини институтционал шакллантириш ва ташкил этиш объектив эҳтиёж бўлса-да, уларни умумий мақсадга, инсон манфаатлари ва аҳолига хизмат қилдириш стратегияси ҳали яратилмаган эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида авж олган хўжалик мустақиллиги, яъни хизматлар кўрсатишнинг дифференциаллашуви, идоралааро бўлиниб кетиши ҳанузгача, ҳатто "Ягона дарча" ташкил этилган бўлса ҳам, ўзининг салбий таъсирини сақлаб қолмоқда. "Ягона дарча" тўловларни марказлаштирган, хизматлар оиширищ ва уларни уюштириш эса идоралар ихтиёридадир. Истеъмолчи ҳам "ягона дарча"га боради, ҳам хизматлар кўрсатиш идораларига.

Институционаллаштириш хизмат турларини уюштириш ёки уларни маълум бир идоралар, муассасалар зиммасига юклашдан иборатгина эмас, у аҳоли учун зарур хизматларни ташкил этиш ва бошқаришни самарали, оптимал қилиш демакдир. "Маълумки, ташкил этиш ("ташкилот") тушунчасининг келиб чиқиши лотинча organiso, яъни "келишган шаклни маълум қиламан" деган сўз билан боғлиқдир. Бу билан ташкил этиш, айни вақтнинг ўзида функционал институционал ва назарий жиҳатлардан муайян мақсадга эриши ёки муайян вазифани ҳал қилиш тизимини яратиш ва такомиллаштириш соҳасидаги онгли фаолиятнинг жараёни ва натижасидир. Инсон фаолиятининг барча соҳаларида ташкил этишнинг, институционаллаштиришнинг роли ана шундан иборат бўлиб, бу ҳол ташкил этишга тадқиқот ва ишланмалар предмети сифатида эътиборни жалб этади"[260]. Демак, институционаллик билан ташкил этилганлик бошқарув тизимида жуда яқин, айнан воқеликлар, механзмлар сифатида қаралиши мумкин. Институт формал ташкил этилган, юқори идора ва бошқарув тизими томонидан уюштирилган, маълум бир ташкилий тизимларга, субординацион бошқаришга, назорат ва ҳисобот бериш талабларига риоя этадиган уюшма. У давлат ташкилотлари рўйхатида турадиган, махсус ҳисобга олиниб, ўзининг фаолиятини бошқарув талабларига мувофиқ олиб борадиган муассасадир. Бу институтни тугатиш ҳам бошқарув тизими ихтиёридадир, уни тугатиш муассасанинг ихтиёрида эмас. Давлат хизматларини институционал ташкил

[260] Абдураҳмонов Қ.Ҳ., Холмўминов Ш.Р. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. - Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. 18- 19 б

этишнинг ушбу умумий талабларини давлат юқори бошқарув органи тасдиқлайди, институтлар эса ўз фаолиятини, хизматларини ушбу тасдиқланган талабларга мувофиқ олиб боради. Аммо юқори бошқарув органлари тасдиқлаган талаблар фақат марказлашган бошқарув манфаатларини ифода этиши мумкин эмас, улар халқчиллик тамойилига таянган ҳолда, аҳоли ва кишиларнинг аниқ талабларига, эҳтиёжларига мувофиқ келиши зарур. Ижтимоий тараққиёт, марказлашган бошқарув талаблари билан аҳоли, кишиларнинг аниқ талаблари уйғунлашиши, улар шу тарзда давлат хизматлари кўрсатиш институтларига етказилиши керак.

Демократик тараққиётнинг ушбу нормаси институционал ташкил этилганлик, хизматларни уюштириш, бу хизматларни жамоатчилик назорати ва мониторинг қилиб боришда акс этади. Янги Ўзбекистонда давлат хизматларини институционал шаклланишида Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 20 августда қабул қилган "Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони алоҳида ўрин тутади. Фармонга кўра, давлат хизматларининг очиқлиги ва шаффоқлигини таъминлаш учун: "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри", "Лицезия" ахборот тизими ташкил этилади, ДХКМ фаолиятини баҳолаш тизими яратилади ва уларга мувофиқ ДХКМларга маош ва рағбатлантириш тартиби жорий этилади. 2021 йил 1 ноябридан "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, 1 ва 11 гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ДХКМ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали давлат хизматларини кўрсатишда давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловлар бўйича 50 фоиз миқдорида чегирма қўлланилади (тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шлахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар бундан мутасно); ДХКМ, Лицензия" ахборот тизими ҳамда ЯИДХП орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари белгиланган муддатидан 3 иш кунидан ортиқ ватга кечиктирилганда, ариза берувчиларнинг мурожаатларига асосан, хизмтдан фойдаланиш учун тўланган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловларнинг 50 фоизи уларга 1 иш кунида қайтарилади. Бунда ариза берувчига тегишли давлат хизмати бепул кўрсатилади. 2022 йил 1 январдан бошлаб айрим давлат хизматлари (8 та) кўрсатишда ундириладиган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа тўловлар миқдорлари камайтирилади; чет элда доимий яшовчи Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, хорижий жисмоний ва юридик шахслар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга электрон рақамли имзо калити сертификатларини Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналари ва

консукллик муассасалари томонидан бериш орқали электрон давлат хизматларидан фойдаланиш имкони яратилади;	Ўзбекистонда доимий яшамайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга жисмоний шахснинг шахсий идентиффикация рақами соддалаштирилган тартибда туман (шаҳар) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларида ҳамда ДХКМда амалга оширилади; лицензия, рухсатнома, сертификат ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг дубликатини бериш учун миллий валютада белгиланган тўловлар БҲМнинг 10 фоизигача миқдорда белгиланади. Фармонда туман ва шаҳарлардаги ДХКМ институционал тизим, улар жойларда давлат хизматларини кўрсатишда масъул экани таъкидланади. ДХКМ жойлаштириш, фаолиятини қўлга қўйиш, аҳолига хизматлар кўрсатиш учун туман ёки шаҳар ҳокимликларига транспорт коммуникация воситаларининг қулайлигидан келиб чиқиш кабилар топширилади. "Ягона дарча" ҳам ушбу ДХКМ тизимида ёки институтционал бирлик сифатида фаолият юритади.

Қишлоқ ва овулларда давлат хизматларини кўрсатишда янги тизим ва муносабатлар шакллантирилиши кун тартибида турибди. Бундай жойларда ДХКМ хизматларидан фойдаланишни йўлга қўйиш борасида ҳали илмий асосланган таклиф ишлаб чиқилмаган, қишлоқ ва овуллар аҳолиси туман марказларига қатнашга мажбурдир. Мазкур муаммони ҳал этишда интернет ва электрон хизматлар портали ёрдам бериши мумкин, бунинг учун эса ўша жойларда мобил алоқаларни йўлга қўйиш, интернет тизимининг узлуксиз ишлашини ташкил этиш зарур. Тўғри, Давлат хизматлари кўрсатиш агентлиги (ДХА)  сайёр қабулхоналар ва хизматлар кўрсатиш борасида маълум бир тадбирлар ўтказмоқда. Масалан, агентлик томонидан 2021 йил 12 март куни Бухоро вилояти Қоракўл туманида "Давлат хизматлари сайли" ўтказган. "Ўзимиз келдик" акцияси доирасида аҳолига зарур ахборотлар, маърифий, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳаларга оид билимлар, маълумотлар берилган. Сайлда "Сиз давлат хизматлари ҳақида нималарни биласиз?" викторинаси ва "Давлат хизматлари мен учун" расмлар танлови, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, томошолар уюштирилган. Бироқ бундай хизматларнинг, интер алоқаларникидан кўра, имкониятлари чекланган. Шунинг учун узоқ қишлоқ ва овулларда яшовчи аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг самарали ва кишиларга қулай воситаси электрон хизматларни йўлга қўйишдир. Мобил алоқаларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш зарур.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРНИ МАЪНВИЙ БАРКАМОЛ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

**Рўзимуродов Сирож Мадатович**

**Шароф Рашидов номидаги Самақанд давлат университети “Фалсафа ва миллий ғоя” кафедраси(PhD) доценти.**

Глобаллашув жараёнларида ёшларимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя этишда уларни миллий маънавий қадриятларимизни ва шарқона маданият асосида тарбиялаш муҳум аҳамият касб этади. Жаҳоннинг ривожланиши янги сифат босқичига кирганлиги ҳақида гапирилганда, нафақат индустриализм даврини постиндустриал даврга кирганлиги, балки, унинг ўрнига ўз навбатида ахборотлашган жамият даври бошланганлиги кўзда тутилади. Ушбу жараёнлар ва феноменларнинг нисбатан энг муҳим кўриниши ва ибратлиси глобаллашув ҳисобланади.

Шундай экан, оилада фарзанднинг тарбияси билан шуғулланиш унда яшаётган барча ёши катталарнинг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи лозим. Чунки бобо-бувиларимизнинг ёш болани миллий қадриятлар, тарихий шахсларимизнинг қаҳрамонлиги, халқ оғзаки ижоди орқали тарбия бериши ўзининг кўпроқ самарасини беради. Уларнинг панд-насиҳатлари ва ҳаётий тажрибаларидан ёшларимиз сабоқ олиб, ўзларининг эртанги ёруғ келажагини яратишаг интиладилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев тушунтириб берар экан “Аслида, бизнинг авлодимиз ҳам ўша тизим таъсирида шакклланган. Ота-оналаримиз авлодига хос маънавий мезонлар, ижтимоий талабларга ҳозиржавоблик, жамоавийлик тамойилларига риоя қилиш каби хусусиятлар бизнинг авлодимизга ҳам ўтган” [261] деб таъкидлаб ўтади. Шу боисдан ҳам юртимизда ёши улуғларимиз кўпроқ ўз эътиборларини фарзанд тарбияси, унинг порлоқ истиқболига қаратишга ҳаракат қиладилар. Ўзбек оиласининг жамият тараққиётидаги ролини ошириш ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.....” ва 64-моддасида эса “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар....”[262] – деб кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун ота-оналарнинг ўзлари шарқона одоб-ахлоқ қоидаларига ва ҳуқуқий

---

[261] Мирзиёев Ш.М. Таълим ва тарбия: янги имкониятлар. // Янги Ўзбекистон стратегияси. -Т.: Ўзбекистон, 2021, 233-бет.

[262]Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017, 21-бет.

томонларга риоя этишлари, миллий-маънавий қадриятларга юксак эҳтиромда бўлиши, юксак умуминсоний хислатларга эга бўлишлари керак.

Глобаллашув халқаро ҳамжамиятнинг барча соҳаларидаги ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқликни чуқурлашуви асосидаги янги, умумжаҳон глобал тизимнинг шаклланиши, ташкил этилиши, амал қилиши ва ривожланишининг объектив жараёнидир. XX асрнинг иккинчи ярми - XXI бошида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартиботлар, давлатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф-муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, информацион-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб боришини ифода этувчи тушунча.[263] “Глобаллашув” тушунчаси кўп қиррали тушунча бўлиб, кенгроқ маънода – бу миллий ва минтақавий муаммоларнинг умумжаҳон муаммоларига ўсиб ўтиши ва янги хўжалик, ижтимоий ва табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишидир. Аниқроқ маънода эса – бу иқтисодий ва хўжалик тузилмаларининг трансформацияси бўлиб, яхлит ва ягона жаҳон геоиқтисодий воқелигига айланишидир. Глобаллашувнинг аниқ соҳалари сифатида – илмий-техник технология, ахлоқий-этик қадриятлар (глобал этика), халқаро хавфсизлик ва барқарорликка янги таҳдидлар (халқаро терроризм, трансмиллий жиноятчилик, оммавий қирғин воситаларининг глобал тарқалиши) ва бошқалар ҳам ҳисобланади. “Глобаллашув” категорияси “ҳозирги даврнинг глобалл муаммолари” тушунчаси билан боғланган, лекин у билан ҳамоҳанг эмас: биринчи ҳолатда сўз жараён ҳақида бўлса, иккинчи ҳолатда ушбу жараён билан қамраб олинган муаммолар ҳақида боради. Жамиятимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни ривожлантиришда баркамол авлод тарбиясига боғлиқдир. Ёшларни руҳан тетик, жисмонан соғлом, ақлан етук, маънавий теран қилиб камол топтириш аждодларимиз маънавиятининг ажралмас қисми бўлган.

Халқимизнинг урф-одат, анъаналарини тиклашда, маҳалла ва гузарларнинг оқсоқоллари яқиндан ёрдам бераяптилар. Уларнинг ташаббуси ва фаол иштироки билан вайрона, харобаларга айланган масжидлар қайта тикланди, янгилари қурилиб, ишга туширилди. Наврўз, ҳайит, сингари байрамларнинг тикланиши ва бошқа хайрли ишларда ҳам уларнинг салмоқли улуши бор. Миллий қадриятларнинг тикланиши туфайли бугун жонажон Ватанимизнинг «ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги

[263] Маънавият. Изоҳли луғат. – Т, 2009, 196-197 б.

деб хис этаяпти ва бундан фахрланяпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак асло янглишмаган бўламиз»[264].

Ҳар бир халқнинг ўзи учун эзозли, қимматли бўлган маънавий бойликлари бўлади. Булар асарлар давомида авлоддан – авлодга ўтиб келган, ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамияти ва қадрини йўқотмаган, шу халқнинг ифтихори манбаига айланган дурдоналардир. Миллат ва элатнинг ўзига хос тарихий мероси, санъати ва адабиёти билан бир қаторда уларнинг урф-одати ва маросимлари, маданий муносабат ва ахлоқий фазилатлари ҳам маънавий қадриятлар тизимига киради. Булар халқнинг ўзига хослигини сақлаб қолишда, ёш авлодни тарбиялашда, шахснинг ижтимоийлашувида муҳим роль уйнайди. Қадриятлар тизимида миллат, унга хос белгилар, жиҳатлар, хусусиятлар, уларнинг вужудга келиш жараёнларига муайян даражада таъсир кўрсатган ҳудуд ва у билан боғлиқ туйғулар, миллатнинг ўтмиши, тарихи, маданияти, у яратган маданий бойликлар ва маънавий мерос билан боғлиқ қадриятлар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Миллий қадриятларда миллат, муайян бир халқнинг дунёқараши ва ҳаётга муносабати, ички табиати ва турмуш тарзи ўз ифодасини топади. Булар миллатнинг маънавий-руҳий олами ва тафаккур тарзи, орзу – умидлари ва идеаллари, виждони ва ор-номусида акс этади. миллий қадриятлар тор ва кенг маънода ишлатиладиган тушунчадир.

Миллий қадриятлар тор маънода муайян бир миллатнинг, элатнинг қизиқишлари ва манфаатларини ифодаловчи муносабатлар йиғиндисини, мазмунини ташкил этса, кенг маънода муайян бир давлатда яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатлари ва қизиқишларини ифодаловчи муносабатлар йиғиндисини акс эттиради”. Миллий қадриятлар халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзи ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Ўшбу қадриятлар воситасида турли ходиса ваҳолатларга, янги пайдо бўлаётган фаолият турлари ва расм-русумларга баҳо берилади. Ёш авлоднинг ҳаётий мўлжаллари, «замона қахрамони» ҳақидаги тасаввурлари ҳам маънавий қадриятлардан келиб чиқиб шаклланади. Қадриятлар қанчалик бир-бирига яқинлашиб, таъсир кўрсатмасин, ҳар бир миллат учун маънавий камолотнинг асосий йўли ва мезони миллий қадриятлар бўлиб қолади. Маънавий тарбия ҳар қандай жамият ва мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бинобарин, маънавий бой, ахлоқан пок, жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш дастлаб оилада амалга оширилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, глобаллашув даврида соғлом оила ва обод турмуш тарзини шакллантиришда, оилаларнинг билим олиши, тиббий хизматдан фойдаланиши, ижтимоий ҳимояланганлиги,

---

[264] Каримов И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.- Т.:Ўзбекистон,1993, 4-бет.

уй-жой шароити, оилада келиб чиқадиган низолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинадиган социологик сўровномалар ўтказиш, миллий урф-одат ва анъаналардан соғлом оила ва обод турмуш тарзини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган миллий қадриятларимизни аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишни кучайтириш, баъзи бир оилаларда беқарорлик, ички низоларни келтириб чиқарадиган турли салбий ҳолатларга, иллатларга қарши курашда жамоатчилик назорати, маҳалла, меҳнат жамоаси, вакиллик органлари, ёшлар ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш зарур бўлиб қолмлқда.

## МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

***Нодиржон Тоғаев (PhD), доц, СамДУ***
***Лайло Азизова катта ўқитувчи, СамДУ***

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий соҳадаги демократик ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг юксак маънавиятга эришувини таъминлаш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, ижтимоий тараққиёт жараёнида ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган ҳамда етук шахсни вояга етказишдир. Шундай мақсадни кўзлаган кўпмиллатли Ўзбекистонда бир мақсад сари интилиш, ёшларнинг келажагини ўйлаш, фуқоролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни ва уларда замонавий дунёқарашни шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман худо хоҳласа ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади”[265] – деб таъкидлайдилар.

XXI аср бошқа давлатлар сингари Ўзбекистоннинг ҳам олдига ечимини топиши зарур бўлган бир қатор муаммоларни қўйди. Бу муаммоларнинг ечими бевосита ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғланган бўлиб, ёшлар эртанги куннинг яратувчилари сифатида ўзларининг миллий давлатчилиги тарихини чуқур англаб етиши, ўз қалбларида миллатпарварлик туйғуларини барқ урдириб яшашлари лозим. Шу боис ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда авваломбор ватанпарварлик, миллатпарварлик муҳим эканлигини ҳеч ким унутмаслиги лозим. Бу ҳақда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича

---

[265] Мирзиёев Ш.М Озод ва обод ватаннинг баркамол фарздлари // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. Т.: „Ўзбекистон”, 2018, 415-бет.

узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир. Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади”[266] - деб таъкидлаб ўтади.

Бугунги кунда юртимизда миллий қадриятларни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига Она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, миллий ғоя тарғиботини ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълим-тарбия соҳасида миллий қадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш асосий ўрин тутади. Тарихимиз, маданиятимиз, миллий урф-одатларимизга эътибор кучайди. Ёшларда миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилаётганлиги фикрларимиз исботидир. Аждодларимизнинг ўтмиши, миллий ва диний анъаналаримиз, маънавий қадриятларимизни ўрганиш, халқимизнинг миллий ўзлигини англаши, демократик, адолатли, ҳуқуқий давлат ривожида фуқароларнинг, айниқса, ёш авлоднинг яхлит бир дунёқараши шаклланишида назарий пойдевор вазифасини бажаради. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Тарихимиз, маданиятимиз динимизга алоқадор бир варақ қўлёзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англатиш, фарзандларимизни шу улуғ меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат”[267] – деб таъкидлаб ўтадилар.

Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, уларда она-юртга муҳаббат туйғуларини, уни ҳимоя қилиш, асраб-авайлашга қаратилган интилишларини кучайтиришга ёрдам беради. Миллий жиҳатдан ўзлигини англаган инсонгина давлати олдида турган асосий мақсадлари нимадан иборатлигини тушуниб, халқ олдидаги масъулиятини чуқур англайди. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилиб, маънавий комилликка эришувида асосий ва белгиловчи омил вазифасини ўтайди.

Бугунги кунда жамиятимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришиш, ёшлар маънавиятини шакллантириш, диний бағрикенглик ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш, маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларда аждодларимиз меросига нисбатан фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотиш давр талабига айланмоқда. Жамият ҳаётининг барча соҳалари, бу ижтимоий, маданий, сиёсий, иқтисодий соҳалар бўлмасин, улар

---

[266] Мирзиёев Ш.М Халқ сўзи. 2017 йил. 14 январ. №10

[267] Мирзиёев Ш.М Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳажиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. Т.: „Ўзбекистон”, 2018, 592-бет.

ўзаро алоқадор бўлиб, бири иккинчисини тақозо этади ва ворисийлик асосида ривожланади. Буларнинг марказида ягона меъёр - қадрият тушунчаси, категорияси туради. Бу ҳақда мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов: “Бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда”[268] - деб таъкидлайди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга йўналтирилган, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлашга хизмат қиладиган иқтисодий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, ғоявий-мафкуравий тадбирлар тизимли тарзда амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Айни пайтда, давлат дастурлари доирасида ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалалари билан боғлиқ комплекс чора-тадбирлар ҳам юксак самара ва сифат билан рўёбга чиқарилаётганини қайд этиб ўтиш лозим. “Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади, - дейди биринчи Президентимиз Ислом Каримов, - Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак”.

Дарҳақиқат жамиятимизда маънавий янгиланишлар, юксалишлар жадал кечаётган, глобаллашув қадриятларимизга ўз таъсирини кўрсатаётган бир пайтда, ҳар бир инсонда, шахсда, анниқса ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Маънавий меросимизга асосланган миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни умуминсоний қадриятлар билан бойитиш, уйғун ҳолда сақлаб қолиш, ривожлантириш ҳамда келгуси авлодларга етказиб бериш асосий вазифага айланган.

Шарқда фарзанд тарбияси аввало, ота-она ва катталарни ҳурмат қилиш, уларга қулоқ солиш, ор-номус, шарм-ҳаё, ўзаро ҳурмат, келажакка ишонч каби қадриятларни эъзозлашдан бошланган. Қуръони Каримнинг “Ал-исро” сураси 23-оятида мусулмонларга ёлғиз Аллоҳга итоат қилишдан кейин ота-онага яхшилик қилиш, улар ҳузурида таъзимда туриш, айтганларини бажариш буюрилади. ”Парвардигорингиз, ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди.

[268]Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2015, - 267 б.

Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки хар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб “уф” тортма ва уларнинг сўзларини қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт!”.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда униб-ўсиб келаётган ёшларимиз маънавиятининг шаклланишида миллий ва умуминсоний қадриятлар ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, зардуштийликдаги табиатга эътиқод, олов ва сувни эъзозлаб, уларга яшаш манбаи сифатида ва буғдойга нон сифатида алоҳида меҳр билан қараш, исломдаги аниқлик, лафз, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига муносабат, ҳеч кимга озор бермаслик, қўлдан келганча яхшилик қилиш, қўшничилик, қариндошлар ўртасидаги муносабат, ота-онага ҳурмат, кичикларни эъзозлаш кабилар аждодларимиз онгига сингиб, миллий қадриятлар билан уйғунлашиб кетган.

## KIBERTERRORIZM - YOSHLAR KELAJAGIGA TAHDID

*Turdiyev Baxritdin Samiyevich –*
*Nizomiy nimodagi TDPU kata ‘qituvchisi*

*Maqolada kiberterrrizmning yoshlar kelajagiga tahdidi ilmiy jihatdan o’rganilga. Bugungi murakkab davrda globallashuv jarayonining mamlakatimiz aholisiga, xususan, yoshlarga bo‘lgan salbiy ta’sirning oldini olish va jamiyatimizning har bir a’zosini ma’nan yetuk etib tarbiyalash, ularning huquqiy ma’naviy dunyoqarashini, ongini rivojlantirish masalasi har qachongidan ham muhim ahamiyat kasb etmoqda.*

Kiber makonning bir nechta ta'riflari ilmiy adabiyotlarda ham, rasmiy hukumat manbalarida ham mavjud bo'lsa-da, hali to'liq kelishilgan rasmiy ta'rif mavjud emas. F. D. Kramerning fikriga ko'ra, kiber kosmik atamasining 28 xil ta'rifi mavjud.

Eng so'nggi loyiha ta'rifi quyidagicha:

Kiber-makon - bu elektronlar va elektromagnit spektrning birgalikda ishlatilishi bilan tavsiflanadigan global va dinamik domen bo'lib, uning maqsadi axborotni yaratish, saqlash, o'zgartirish, almashish, almashish va ajratish, ulardan foydalanish, yo'q qilish va jismoniy resurslarni buzishdir.

Kibermakon quyidagilarni o'z ichiga oladi:

a) keng ma'noda tushuniladigan texnologik va aloqa tizimlari tarmoqlarini ulashga imkon beradigan jismoniy infratuzilmalar va telekommunikatsiya qurilmalari (SCADA qurilmalari, smartfonlar / planshetlar, kompyuterlar, serverlar va boshqalar);

b) domenning asosiy operatsion ishlashi va ulanishini kafolatlaydigan kompyuter tizimlari (a bandiga qarang) va tegishli (ba'zida o'rnatilgan) dasturiy ta'minot;

c) kompyuter tizimlari orasidagi tarmoqlar;

d) kompyuter tizimlarini birlashtiruvchi tarmoqlar tarmoqlari (tarmoqlar va tarmoqlar o'rtasidagi farq asosan tashkiliy);

e) foydalanuvchilar va vositachilarning marshrut tugunlariga kirish tugunlari;

f) tarkibiy ma'lumotlar (yoki rezidentlar to'g'risidagi ma'lumotlar). Ko'pincha, umumiy tilda (va ba'zida tijorat tilida) tarmoqlarning tarmoqlari Internet, kompyuterlar orasidagi tarmoqlar esa intranet deb nomlanadi. Internetni (I kapitali bilan, ba'zan jurnalistik tilda «Net» deb nomlanadi) tizimning bir qismi deb hisoblash mumkin).

Kiber makonning o'ziga xos va konstitutsiyaviy xususiyati shundaki, biron bir markaziy tashkilot ushbu yangi domenni tashkil etuvchi barcha tarmoqlar ustidan nazoratni amalga oshirmaydi. Haqiqiy dunyoda dunyo hukumati bo'lmaganidek, kiber-makonda institutsional ravishda oldindan belgilangan ierarxik markaz yo'q. Shunday qilib, ierarxik tartiblash printsipiga ega bo'lmagan domen kiber-makon uchun biz Kennet Vals tomonidan ishlab chiqilgan xalqaro siyosat ta'rifini «hech qanday qonunlar tizimi mavjud emas» deb kengaytira olamiz. Bu kiber kosmosda kuchning o'lchovi yo'qligini yoki kuchning tarqalib, minglab ko'rinmas oqimlarga tarqalishini yoki ba'zi olimlar bashorat qilganidek, son-sanoqsiz odamlar va tashkilotlarga teng ravishda tarqalishini anglatmaydi. Aksincha, kibermakonat hokimiyat ierarxiyalarining aniq tuzilishi bilan ajralib turadi.

Intellektual salohiyatning mahsuli hisoblanmish axborot kommunikatsiya texnologiyalarining ijobiy tomonlari ko‘p va serqirradir. Masalan, AKT parobal antennalari orqali dunyoning istalgan mamlakatidagi yuzlab telekanallardan birini tomosha qilish imkoniyatlari telekommunikatsiya taraqqiyotining mevasi ekanligidan ko‘z yuma olmaymiz. Internet, shuningdek, turli-tuman keng imkoniyatlarga ega bo‘lgan uyali aloqa vositalari jamiyat a’zolarining o‘zaro munosabat vositasiga aylandi. Axborot-kompyuter texnologiyasi, jumladan, parobal antennalar, turli-tuman uyali telefonlar kundalik turmushimizga shunchalik chuqur kirib keldiki, endilikda ularsiz hayotimizni tasavvur etib bo‘lmaydi. Biz ilg‘or texnologiyalarning ijobiy tomonlaridan ko‘z yuma olmaymiz. Shu bilan bir qatorda Internet, uyali telefonlar orqali milliy qadriyatlarimizga zid bo‘lgan jangari, zo‘ravonlik, shuningdek behayo-pornografik mazmundagi lavhalarning ko‘payishi, ayniqsa, maktab yoshidagi bolalarning ularni ko‘rish imkoniyati tug‘ilganligi tashvishli holatdir.

Bugungi O‘zbekiston yoshlari bundan 20 yil oldingi yoshlardan keskin farq qiladi – bilimi, intellektual salohiyati, mantiqiy fikr yurita olish qobiliyati sezilarli

darajada oshgan. Ular mobil telefon, planshet, televizor yoki noutbukning istalgan funksiyasidan foydalanishni bizdan ko‘ra tezroq o‘zlashtirib olmoqda. Bu kompyuter o‘yinlari va Internetga ham taalluqlidir. O‘zbekiston yoshlari texnologiyalar asri deb atalayotgan bugungi zamondan ortda qolmaslikka harakat qilayotir. Prezidentimiz rahnamoligida yoshlarning har tomonlama barkamol voyaga yetishi va o‘z salohiyatini ro‘yobga chiqarishi uchun barcha sharoit va imkoniyatlar yaratib berilmoqda.

Farovonlik darajasi yuksalib borayotgan O‘zbekistonda yurtdoshlarimiz shaxsiy kompyuter, noutbuk, smartfon va Internetga ulangan kommutatorlarga ega bo‘lishiga qaramasdan, ommaviy foydalanish punktlari, boshqacha aytganda, kompyuter va Internet-klub hamda kafelar ham tobora ommalashib bormoqda. Tushunarli bo‘lishi uchun ularga izoh berib o‘tsak. Kompyuter klubi – o‘yin zali bo‘lib, foydalanuvchilar bu yerda turli o‘yinlar o‘ynashdan tashqari, musiqa tinglashi, klip yoki film tomosha qilishi, turli yangi dasturlar bilan tanishishi mumkin. Internetga ulangan kompyuter klubi foydalanuvchilar “jahon tarmog‘i”ning cheksiz imkoniyatlaridan bahramand bo‘ladigan klublarga aylanmoqda. Internet-kafe (zamonaviy tilda aytganda – kiber-kafe) esa ular orasida eng rivojlangani bo‘lib, bunday joylarda mijozlarning bir finjon qahva ichishi yoki yengilgina tamaddi qilib olishi uchun ham sharoit muhayyo.

Eng avvalo, ommaviy foydalanish punktlaridagi muhitni tahlil qilamiz. Albatta, kompyuter klublari Internet-klub va kafelardan farq qiladi. Aksariyat kompyuter klublari yarim qorong‘i binolarda joylashgan bo‘lib, u yoki bu o‘yin qahramonlari tasvirlari bilan chiroyli qilib bezatilgan. Bunday muhit yoshlarimizning o‘yinga berilib ketishi va atrofni unutishi, kompyuter bilan “yakkama-yakka olishuvi”ga sabab bo‘lmoqda. Yana bir muhim jihatga e’tibor qaratsak, bunday klublarda hamisha shovqin-suron hukmron. Negaki, har qanday o‘yin diqqatni talab qiladi va o‘yinga “sho‘ng‘ib” ketgan bola hayajonini yashirolmay, ba’zida baland ovozda baqiradi.

Bu fikr yoshlarning kompyuterda o‘ynash bilan o‘tkazadigan vaqtini cheklash shart, degani emas. Avvalambor, bu shunchaki virtual o‘yin ekani va haqiqatdan ancha yiroqligini esdan chiqarmaslik kerak. Biz superqahramon yoki dovyurak poygachi emasmiz. Bu shunchaki vaqtichog‘lik, xolos. Virtual poygada g‘olib chiqsa-da, aslida mashina boshqarishni umuman bilmasligi ham mumkin. Binobarin, yoshlarimizni ogohlikka chaqirish, har qanday holatda ham o‘zini boshqara olish va me’yorni unutmaslikka o‘rgatish bilan kompyuter o‘yinlarining “yovuz changalidan” xalos qilish mumkin.

Xulosa o‘rnida quyidagalni taklif sifatida ko‘rsatib o‘tamiz: Mamlakatimizda joylashgan internet klublarning manaviy-marifiy ahvolini yaxshilashga qaratilgan takliflar:

1. Har bir internet klublarda tamaki va spirtli imichliklar iste'mol qilishni taqiqlovchi targ'ibot materiallarini ko'paytirish va qatiyan taqiqlash.

2. Internet klublarda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar hamda yoshlarga yaratilgan shart-sharoitlar va keng imkoniyatlarni aks ettiruvchi plakatlarni joylashtirish.

3. Internet klublarning kirish qismiga osilgan ijtimoiy tarmoqlardan reklama sifatida foydalanmaslik.

4. Har bir internet klubda turli xil jangari rasm va afishalar o'rniga milliy o'zlikni aks ettiruvchi (sharqona urf-odat, qomusiy olimlar) rasm va ko'rsatmalarni ilib qo'yish.

5. Ko'pchilik "internet klub"lar nomi ostida faoliyat yuritayotgan "game club"larni faoliyatini taqiqlash.

6. Internet klublarda internetdan foydalanuvchilar yosh chegarasini belgilash. (chegara 16 yosh)

7. "Game club"larda reklama sifatida osib qo'yilgan plakatlarni yoshlar ma'naviyatiga zid kelmaydigan qilib chiqarish.

8. "Game club"larning ochish va yopish vaqtlarini qatiyan belgilash hamda uning nazoratini kuchaytirish. (masalan soat 18-00 ga qadar)

**Foydalanilgan ro'yxati:**

1. Strategy, Lance (1999). «Kiber makon turlari: ta'rifi va delimitatsiyasi muammolari». G'arbiy aloqa jurnali. 63 (3): 382–83.doi:10.1080/10570319909374648.

2. Shtayger, Stefan; Xarnisch, Sebastyan; Zettl, Kerstin; Lohmann, Yoxannes (2018-01-02). «Kiber kosmosdagi mojarolarni kontseptualizatsiya qilish». Kiber siyosat jurnali. 3 (1): 77–95. doi:10.1080/23738871.2018.1453526. ISSN 2373-8871.

3.www. manaviyat. gov. uz

4. www. uza. uz

## "ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ" АСОСИДА ЖАМИЯТ МИЛЛАТЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ.

**Холиқов Юнус Ортиқович**
**Самарқанд давлат чет тиллар институти**
**Гуманитар фанлар ва ахборот технологиялари кафедраси**
**доценти фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**
***Тел: (+998 93) 997-64-42***

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий барқарорликни сақлаш, миллатлараро ва динлараро ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, танланган дунёвий демократик тараққиёт йўлимизнинг бардавомлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Кўпмиллатли, кўпконфессияли Ўзбекистонда миллий бирликни, ҳудудий яхлитликни, барқарор ривожланишни таъминлаш дарҳақиқат долзарб муаммодир.

Давлатимиз раҳабари Ш.М.Мирзиёев томонидан 2022 йил 18 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг имзоланиши ўз вақтида қабул қилинган қарор бўлиб, унда ўта чуқур мукаммал ишланган 7 та устувор вазифа белгилаб берилди. Унинг бешинчи йўналиши 74-мақсади айнан шу ғоя мазмунида акс этади, халқ орзу-умидлари, эзгу ниятларини ифодалайди.

Ислом диний ақидалари Марказий Осиёда исломгача бўлган маданият ва ахлоқ билан тезда уйғунлашиб кетган. Бунинг сабаби, ислом динининг дунёвий ҳаёт қадриятлари ва қонунларига яқинлигида, эзгулик, ҳалоллик, поклик, инсонийлик, меҳнатсеварлик ва камтаринлик кабилар доимо халқимизнинг диний билимлари билан уйғунлашиб кетганлигидадир. Бинобарин, ислом динидаги азалий урф-одат ва анъаналар, миллий қадриятлар асрлар давомида аждодларимизнинг қонига сингиб кетган ва айни пайтда, ҳам ҳар доимгидек қадрлашади.

2017 йил 10 сентябрда Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотини фан ва технологияларни ривожлантириш бўйича 1– САММИТИда Президент Ш.М.Мирзиёев нутқ сўзлаб, юртимиз “Марказий Осиё ҳудудида Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида бутун дунёда маълум ва машҳур бўлган. Бу ҳақда гапирганда, аввало, улуғ ватандошларимиз – алгоритм асосчиси Ал-Хоразмий, қомусий олим Ал-Фарғоний, геодезия ва минералогия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Ғарбда Авиценна номи билан танилган Ибн Сино, давлат арбоби ва буюк астроном Мирзо Улуғбек сингари мутафаккир зотларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда. Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани – айни ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор этолмайди” деб таъкидланади.

Тадқиқотчи М.А.Семашконинг фикрича, бағрикенглик туб маънода инсоният бирлиги ва турли-туманлиги, унинг ўзаро алоқадор ва узвий

боғлиқлигини эътироф этиш, бошқа миллат ва дин вакиллари ҳуқуқини ҳурмат қилиш, тили, дини, ирқи ва миллатидан қатъи назар бошқалар билан умумий тил топа олишдир. Бағрикенглик тушунчаси дин билан узвий боғлиқдир.

Ҳар бир дин унга эътиқод қилувчиларни миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, бирдамликка, ўзаро яхшилик қилишга, бир сўз билан айтганда, ўзаро бағрикенг бўлишликка ундайди. Ажодларимиз яратган маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, уларнинг асл моҳиятини келажак авлодларга етказиб бериш бугунги кунда долзарб масала саналади. Чунки барча динлар инсонни комилликка, инсонпарварликка ва фаровонликка етаклайди. Кишиларни “ҳалоллик”, “поклик”, “меҳр-оқибат” ва “бағрикенглик”ка чорлайди.

Тараққий этган давлатларнинг барчасида диний бағрикенглик ғоялари илгари сурилган. Давр ва замон ўзгарар экан, шубҳасиз, инсон, унинг қарашлари, фикрлари ҳам ўзгаради. Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, ўша фикр ва қарашлар ижобий томонга ўзгарса, демак, “инсоният учинчи минг йиллик учун тўғри йўлни танлабди”, деб айтиш мумкин. Мағизи пуч данакдан мўл ҳосил олиб бўлмаганидек, тарихи, ўтмиши бўлмаган ҳар қандай таълимот ва ғоя йўқлик қаърига сингиши аниқ.

Маънавий-маърифий қадриятларнинг завол топмаслиги, ёшлар онги ва руҳида миллий ва диний бағрикенглик тамойили барқарор бўлиши учун нима қилиш лозим?

Биринчидан, ёшлар дунёвий билимларни ўзлаштириши билан бирга Имом Бухорий ҳадислари, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти, Абу Исо Термизий ўгитлари, Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларини ўрганишлари мақсадга мувофиқ;

Иккинчидан, дунё миқёсида терроризм ва экстремизм кучаяётган ва уларга қарши курашга зарурат тобора ошиб бораётган ҳозирги шароитда бағрикенгликдан ёвуз кучларга, жаҳолатга қарши курашда маърифий қурол қилиш, ҳар бир ёш авлод қалбида бағрикенглик туйғусини камол топтириш;

Учинчидан, тараққиёт турмуш тарзига фаровонлик ва енгиллик келтирди. Тараққиёт, илм-фан қанчалик ривожланаётган бўлса, шу билан тенгма-тенг маънавий-маърифий қадриятлар таназзулга юз тутмоқдаки, глобаллашув келтирган моддий фаровонлик бир томондан танага роҳат беришга, иккинчи томондан руҳият таназзулига хизмат қилмоқда. Япон ишчиси қўлида тараққиётни янада жадаллаштиришга хизмат қилаётган ахборот технологиялари оддий авом халқ учун кўнгилхушлик воситаси, холос. Бунинг учун жамият интеллектуал ва маънавий-маърифий куч-қудратини мустаҳкамлаш зарур;

Тўртинчидан, глобаллашув тўхтовсиз жараён. Уни тўхтатишга уриниш бефойда. Аксинча, ҳушёрликни йўқотмаслик, жамият тафаккурининг ўзгариши, миллатлараро бағрикенглик тамойилини илгари суриш, “бир ёқадан бош чиқариш”, миллий урф-одат ва анъаналарнинг сақланиб қолиши, маданият, санъат, фан ва таълимнинг ривожи глобал жараёнларга қарши тура оладиган, метин иродали, соғлом тафаккурли, юксак салоҳиятли, бағрикенг, ҳар жиҳатдан баркамол ёшларни тарбиялаш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Бешинчидан, ёшларнинг эстетик тафаккурида замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, уларда миллийликка нисбатан янги фалсафий дунёқарашни ривожлантириш жамиятнинг муҳим талабаларидан бирига айланган. Ёшлар билан тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш, диний, маънавий, маърифий қадриятлар акс этган фильмлар, кўрсатувлар, учрашувлар, толерантлик ғоялари илгари сурилган тадбирлар, турли мусобақалар ташкил этиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда бутун дунё ахлоқий бухрон, маърифий хасталик, маънавий таназзул, халқаро терроризм, демографик инқироз каби глобаллашувнинг турлари исканжасида қолиб, ундан чиқиб кетиш йўлини ахтармоқда. Глобаллашув юзага келтираётган муаммолар инсоният олдида тарқоқлик ва ихтилофларни енгиб, ўз бирлиги сари ҳаракат қилиш, айни вақтда маданиятлар, асрий анъаналарнинг ўзига хослигини, айрим миллатлар ва халқларнинг хусусиятларини сақлашни тақозо этадики, бирлашувга миллий ва умуминсоний қадриятларни эътироф этиш ва уларга риоя қилиш орқали эришиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 3-жилд, 2019. – Б. 208-209.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 1-жилд, 2018. – Б. 504-505.

3. Semashko, M. A. (2007). Development of the term "tolerance" in the Humanities. Letters to emission. Offline: electronic scientific journal, 10, 1204.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК

**Шодиев Сафар – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти доценти, тарих фанлари номзоди**

*Аннотация. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда. Маънавий тарбияни тўғри йўлга қўймай туриб, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, экологик муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди. Чунки бу муаммоларнинг келиб чиқиши умуммаънавий тарбияда юзага келган бўшлиқ, бепарволик билан боғлиқ бўлади.*

*Калит сўзлар: ислоҳот, таълим, ижтимоимй, иқтисодиёт, глобаллашув, тинчлик, рақобатбардошлик, тарбия, маънавият.*

Бугунги замонавий жамиятда инсон фаолиятининг энг кенг соҳаларидан бири - бу таълим ҳисобланади. Охирги йилларда таълимнинг ижтимоий роли ортиб, дунёнинг аксарият давлатларида таълимнинг барча турларига бўлган муносабат ўзгарди. Таълим ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг бош, етакчи омили сифатида қаралмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув ва кескин рақобатчилик кучайиб бораётган шароитда инсоннинг олдинги даврдаги бутун ҳаёт учун таълим олиш эмас, балки бутун ҳаёти давомида узлуксиз таълим олиш заруратини келтириб чиқармоқда. Ёшларни билим ва малакали этиб тарбиялаш, жаҳон тараққиётига мос мутахассислар тайёрлаш мақсадида таълим тизими изчил ривожлантирилмоқда. Шунингдек, Мустақиллик мамлакатимизда демократик миллий парламентнинг шаклланиши ва ривожланиши учун том маънода сиёсий-ҳуқуқий асос яратди. Ўзбекистон дунёдаги энг нуфузли халқаро парламент ташкилотлари бўлган Парламентлараро Иттифоқда, ЕХҲТ Парламент Ассамблеясида, МДҲ Парламентлараро Ассамблеясида ўзининг аъзолигини тиклади. Бу эса кенг доирадаги масалалар бўйича самарали ҳамкорлик борасида қўшимча имкониятлар эшигини очди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон минтақа мамлакатлари билан дўстлик ва яхши қўшничилик тамойилларига таянган ҳолда фаол ва прагматик сиёсат олиб бормоқда.

Бугун сайёрамизда дунёнинг истеъдодли олимлари, айрим туғма қобилият эгалари “замонавий қурол-яроғлар яратиш”га эмас, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитга зарар этказмаслик, инсон маиший турмушини яхшилаш муаммолари билан кўпроқ шуғулланишларига эҳтиёж кучаймоқда. Ўзбекистон раҳбариятининг қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик, дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган янгича ташқи сиёсати туфайли Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-

иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда транспорт соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик учун ишончли замин яратилди, шу билан бирга ўзаро манфаатли алоқаларни Осиёнинг бошқа давлатлари доирасида кенгайтиришда ҳам республикамиз фаол ташаббус кўрсатиб келмоқда.

Муҳтарам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан ишлаб чиқилган мамлакат янги ташқи сиёсатига янги тамойиллар билан бойитилди.

**Биринчидан,** Ўзбекистон замонавий ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусияти барча анъанавий ҳамкорлар, шунингдек, яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан муносабатлар қуришда прагматизмдир.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон бугунги кунда мамлакат ташқи сиёсати фаолиятида кўп томонлилик тамойилини доимо илгари сурмоқда.

**Учинчидан,** мамлакат ташқи сиёсатда фаолликка таянади ва минтақада ва дунёда давом этаётган жараёнларнинг пассив кузатувчиси ролидан ўзини узоқлаштиради.

**Тўртинчидан,** янги стратегиянинг муҳим фарқловчи хусусияти очиқлик, айтиш мумкинки, ташқи сиёсат фаолиятини демократлаштиришдир.

**Бешинчидан,** яна бир муҳим тамойил-конструктивизм. Ўзбекистон ташқи алоқаларда, айниқса, қўшнилар билан алоқаларда миллий манфаатларга етарли даражада эътибор бермаслик узоқ муддатли самарани бермаслигига ишончи комил.

**Олтинчидан,** давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ислоҳ қилинаётган ташқи сиёсатда устувор аҳамият касб этган яна бир тамойил-ташқи сиёсат фаолиятини инсонпарварлаштиришдир.

“Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантирмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда. Айнан мана шу жараён мен учун ислоҳотларимизнинг энг катта натижасидир. Чунки, мақсаднинг аниқлиги - ҳаракатлар самарасини таъминлайдиган энг муҳим мезондир. Агар биз бундан беш йил олдин қабул қилган Ҳаракатлар стратегиясининг туб мазмун-моҳиятини мухтасар ифода этадиган бўлсак, ушбу ноёб ҳужжатда ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифаларни стратегик мақсад қилиб қўйилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини

шакллантириш йўлидан бормоқдамиз”[269], - деб таъкидлаган эди. Жаҳон илм-фан тараққиёти ривожига беқиёс ҳисса қўшган қутлуғ она диёримиздан илм-фаннинг барча соҳалари, жумладан, исломий илмларда ҳам жаҳонга донг таратган буюк алломалар етишиб чиққан. Ватанимиз тарихининг ўчмас саҳифалари ана шундай буюк ва мўътабар зотларнинг ҳаётлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис ватанимизнинг “Ўзбекистон – буюк алломалар юрти” дея аталиши айни ҳақиқатдир. Шарқу Ғарбни ўзаро боғлаган, буюк цивилизациялар туташган юртимиз ҳудудида илмфан, маданият азалдан ривожланган. Айниқса, ўрта асрларда она заминимиздан минглаб олиму шоирлар, буюк мутафаккирлар етишиб чиққан. Уларнинг математика, физика, кимё, астрономия, этнография, тиббиёт, тарих, адабиёт, ахлоқ, фалсафа каби кўплаб соҳаларга оид асарлари, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги қадимий обидалар бутун башариятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг устувор вазифалари сифатида Президентимиз томонидан бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди. Биринчи устувор вазифа - ижтимоий сиёсат мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Иккинчи устувор вазифа - иқтисодий тараққиёт соҳасида ўсиш нуқталарини аниқлаш ва уларга алоҳида аҳамият қаратиш, шу тариқа Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муҳим роль ўйнайди.

Учинчи устувор вазифа - ҳозирги глобал пандемия даврида аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, жумладан, тадбиркорларни ўз муаммолари гирдобига ташлаб қўймасликни асосий мақсадлардан биридир. Чунки ҳар бир тадбиркорлик тузилмаси ортида қанча-қанча инсонларнинг иш ўрни, оилаларнинг даромади, бугунги ва эртанги тақдири турибди.

Тўртинчи устувор вазифа - пандемия қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аграр секторни замон талаблари асосида ривожлантириш бутун инсоният, жумладан, биз учун ҳам энг долзарб вазифага айланиб бормоқда.

Бешинчи устувор вазифа - пандемия даврида халқимизнинг соғлиги ва ҳаётини асрашдир. Шу мақсадда 2021 йил учун давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилди.

Олтинчи устувор вазифа - янги шароитда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришдир. Давлат раҳбари ибораси билан айтганда, Янги Ўзбекистонни

---

[269] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессияда сўзлаган нутқи. – “Халқ сўзи”, 2017 йил, 20 сентябрь, № 189 (6883).

барпо этиш – яқин ва олис тарихимиз, бетакрор ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, мустақил миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш демакдир.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, бугун мамлакатимизда барча соҳадаги ислоҳотлар чуқурлашиб, демократик янгиланишлар ўзининг сифат жиҳатидан янги поғонасига кўтарилиб бормоқда. Энг муҳими, фуқароларимиз онг-тафаккурида кечаётган ўзгаришлар юртимизнинг қиёфасида инъикосини топмоқда. Бундай ўзгаришларнинг туб илдизи эса давлатимиз раҳбари илгари сурган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференциядаги ҳамда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувидаги нутқини ўрганиш, Ҳаракатлар стратегиясида ва умуман, сўнгги беш йилда амалга оширилган кенг миқёсли ислоҳотларни талаба-ёшларга тушунтириш муҳим аҳамият касб этади.

## ЮРТИМИЗДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ОИД ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН КОНЦЕПЦИЯЛАР ВА УЛАРДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Норбўтаев Исломбек Мусурмонович
ДТПИ ўқитувчиси
islommusurmonovich@gmail.com
Омонова Азиза Қаландар қизи
ДТПИ 3-курс талабаси

Ёшлар тарбияси ҳақида гап кетганда уни миллий ва умуминсоний қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қадим тарих саҳифаларида улуғ донишмандлар битикларида, халқнинг руҳи ва қалбини ифодаловчи ривояту ҳикоятларда, илғор ва ҳур фикрли ижодкорлар, санъаткорлар, сиёсат намояндаларининг маънавий-маърифий меросларида улуғ қадриятлар силсиласи намоёндир. Улар эзгулик ғоялари билан жилоланган дурдоналардир. "Бори яхшилиғ қилғилким,  ондин яхши йўқ, Ким дегайлар даҳр аро қилди фалондин яхшилиғ" деган Бобурнинг эзгу қарашлари бутун-бутун авлодларга ибрат намунасидир. Яхшилик чинакам инсонийлик бўлиб, у халқимизнинг инсонпарварлик қарашларининг меҳр-оқибатлилик фазилатининг ифодасидир. Ота-боболаримиз ўз турмушларида доимо яхши ният билан, орзу-истакларини уларда жо қилиб яшаганлар, улар ўзларининг яхши номлари билан бутун жаҳонга донг таратганлар. Соҳибқирон Амир Темур "Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига

топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим", деган. .

Яхшилик комил тарбия кўрган кишиларга хос бўлиб, бу маънавият билан боғланади. Маънавиятлилик эса, аввало, ўзликни англаш билан боғланади. "Ўз халқи тарихини билмаган миллатлар хотира ва идрокларини йўқотиб қўйган довдирларга ўхшайди.".

"Маънавият тушунчаси асосида ростлик, ҳаққонийлик, тўғрилик мужассамдир. Мисол: одамлар пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)ни "амин", Амир Темур бобомизни дўстлари ва рақиблари "ростгўй" дейишган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳақида халқимиз "тўғри сўз", "адолатли одам", "сўзи билан иши бир одам экан" дейишмоқда. Ҳадисларда "Иймондан кейин келадиган, аммо иймон қадар азиз турадиган сўз борми?"- деб сўрашганда, Пайғамбаримиз: "Бор, у сўз лафздир", деганлар. Лафз эса тўғриликдир. Биз тўғрилик замонида яшаяпмиз".

Президент Ш.Мирзиёев ўзининг сайловолди учрашувларида ва президентлик давридаги маърузаларида халқимизнинг тарихи ва маънавиятини безаб турган бундай ноёб ёдгорликлар, улуғ сиймолар ҳақида, уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва роли ҳақида қайта – қайта таъкидладилар. Жумладан, андижонликлар билан бўлган учрашувда таъкидлаб айтдиларки, тарихга қарасак ҳам, бугунги кунга қарасак ҳам, Андижон заминидан кўп соҳалар бўйича кўплаб буюк, фидойи инсонлар етишиб чиққанига амин бўламиз. Чунки миллат, эл – юрт тақдири учун куйиш, миллий ғурур, ор – номус учун бел боғлаб майдонга чиқиш – Андижон аҳлига хос фазилат. Мана, улуғ аждодимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобурни олайлик. Бу буюк зот ўн икки ёшидан бошлаб Темурийлар давлатини сақлаб қолиш учун ўзини ўқа ҳам, чўққа ҳам урди, ҳеч қандай душмандан ҳам, синовдан ҳам қўрқмади. Қирқ олти йиллик умри давомида бир зум ҳам ҳаловат билгани йўқ. Ўз авлодларига Ватанга бўлган буюк муҳаббатини, эзгу фазилатларини мерос қилиб қолдирди.

Бу фикрнинг тасдиғи сифатида Фарғона номини бутун дунёга таратган Аҳмад Фарғоний бобомизнинг ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва яҳудий тилларига таржима қилинган "Астрономия асослари" китобини эслаш кифоядир. Улуғ алломанинг лойиҳаси асосида Нил дарёси сувининг сатҳини ўлчайдиган иншоот "Миқёси Нил" Мисрда ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда.

Ёки яна бир улуғ аждодимиз Бурҳониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя" асари неча юз йиллардан буён мусулмон дунёсида ислом ҳуқуқи бўйича асосий қўлланма бўлиб келаётир. Булар бугунги авлодда ўзига хос ғурур ва ифтихор туғдириши табиий.

Президентимизнинг бухороликлар билан бўлган сайловолди учрашувда эслаб ўтган маданий мерос ҳақидаги далиллари ҳам қимматлидир. Чунки азим Зарафшон дарёси бўйида жойлашган бу гўзал воҳадаги Варахша ва Ниршах сингари қадимий цивилизация ўчоқлари, кўҳна Арк, Сомонийлар мақбараси, чашмаи Аюб, Минораи Калон, Чор Бахр ва ўнлаб ноёб меъморий обидалар тарихимиз, маданиятимиз қандай чуқур излдизларга эга эканлигини яққол тасдиқлайди.

Бу қутлуғ заминдан етишиб чиққан Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Наршахий, Абдухолиқ Ғиждивоний, Мир Саид Кулол, Хўжа Ориф Ревгарий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк мутафаккирларнинг номлари, уларнинг бой мероси бутун Шарқ ва Ғарб оламида машҳурдир.

Шундай қилиб, халқимизнинг миллий қадриятлари, умуминсоний эзгу қадриятлар билан уйғунлик, ҳамоҳонглик касб этади. Буни миллий ғоямиз ва миллий мафкурамизнинг таркибий тушунчаси деб қарасак ўринли бўлади. Чунки миллий мафкура тушунчасидаги “миллий” аниқловчиси этник мансубликни билдирмайди, балки мамлакатга, муайян жамиятга мансубликни билдиради. Шу боис миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчалари”миллий истиқлол”, “миллий бюджет”, “миллий ялпи маҳсулот”, “миллий хавфсизлик”, “миллий герб”, “миллий байроқ” тушунчалари каби Ўзбекистонда яшовчи барча ҳалқларга тегишлидир.

Халқ онгига миллий ғоя қанчалик чуқур сингса, унинг ўзлигини англаши, ички муштараклиги, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўзини ягона халқ-ўзбекистонлик деб ҳис қилиши шунчалик кучаяди.

Миллий мафкура миллий ғоя теварагида шаклланади ва у ифодалаган олий мақсад йўлида жамият аъзоларининг этник мансублигидан, ижтимоий аҳволидан, жинси,ёши, тилидан қатъи назар, жиплаштиради. Бошқача айтганда, миллий ғоя миллий мафкура орқали халқнинг куч – ғайрати, иродасини, ақлий ва ҳиссий салоҳиятини белгиланган омолларга, орзу-умидларга эришиш томон йўналтиради, бу йўлда учрайдиган қийинчиликларни енгишга сафарбар этади.

Маълумки, ўзбек халқи кўп қиррали бой маданиятга эга бўлган ва ўз мақсади билан жаҳон цивлизацияси ривожланишига муносиб ҳисса кўшиб келган. Халқимиз томонидан узоқ тарихий тараққиёт жараёнида яралган маданиятимиз ўзининг тарихий илдизларига, ўз қадриятларига эга.

Ёшларнинг комил инсонлар, мустаҳкам оила вакиллари бўлиб етишишида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни беқиёс. Мустақил Ўзбекистоннинг куч–қудрат мабаи–халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, яхшилик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб келмоқда.

Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янгича мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишининг камол топишига эришиш учун зарур шарт – шароит яратишда ўз ифодасини топмоқда.

Жамият тараққий этган сари умуминсоний қадриятлар кўпайиб бораверади. Масалан, эркинлик, тинчлик, тенглик, маърифат, ҳақиқат, маънавият, гўзаллик, яхшилик, инсонпарварлик, ижтимоийлик, демократия, қонун устуворлиги ва бошқалар. Бу туйғулар мустақиллигимизнинг янги босқичга кўтарилиши жараёнида халқимизнинг онг ва шуурига тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз "Наврўз фалсафасида, Наврўз қадриятлари-одамлар дарду–ташвиши билан яшаш, кексаларни ҳурматлаш, муҳтож оилаларга эътибор ва ёрдам кўрсатиш, адолат ва халқпарварлик фаолиятимиз мезонига айланмоқда", дейди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Амир Темур ўгитлари. Т.: "Наврўз", 1992.
2. Туркий халқлар мафкураси. ТУРОН. Т.: "Чўлпон" 1999 йил
3. Ҳаракатлар сратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланишлар сари. Рисола. Нашрга тайёрловчилар: М. Бекмуродов, Қ. Қуранбоев, Л.Тангиров. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи HMUY, 2017
4. Мирзиёев Ш. Халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.: "Ўзбекистон" HMUY, 2018. II ТОМ.


## YANGI O'ZBEKISTON URBANIZATSIYA JARAYONLARI (MILLIY VA UMUMBASHARIY XUSUSIYATLAR)


**Sayidov Qaxramon Bekturdiyevich**
**Urganch Davlat Universiteti mustaqil tadqiqotchisi,**
**QSayidov@mail.ru**


"Urbanizatsiya" lotincha urbanus, uzbs so'zlaridan olingan bo'lib, "shahar", "shaharga taaluqli", "shahar qiyofasiga mansub" degan ma'nolarni anglatadi. Mutaxassislarning ta'kidlashicha, urbanizatsiya tarixiy rivojlanish asosida shallangan jamiyat bosqichlarini va hududiy mehnat taqsimoti natijasida sodir bo'lgan ko'p qirrali geografik, ijtimoiy-iqtisodiy va demografik jarayondir. Urbanizatsiyaning torroq doiradagi demografik-statistik tushunchasi dunyoda,

alohida hududlarda, mamlakatlarda shaharlarning (ayniqsa, katta shaharlarning) va shahar aholisi salmog'ining ko'payib borishini anglatadi.

Agar 1950 yilda dunyo aholisining 28,9 foizi shaharlarda yashagan bo'lsa, bu ko'rsatkich 1960 yilda 33,9 foizga, 1970 yilda 37,4 foizga, 1980 yilda 41,1 foizga, 1990 yilda 45,8 va 2000 yilda 51,2 foizga ko'tarilgan. Ba'zi manbalarga ko'ra, bugun dunyo aholisining 60 foizdan ziyodi shaharlarda yashaydi, 1900 yilda dunyodagi millioner shaharlar soni 10 ta edi. 2001 yil ularning soni 200 dan oshiq bo'lgan, hatto Mexikoda 25, Tokioda 20, Seulda 13, Pekinda 11 million, Parij, Qohira, Buenos-Ayres va Londonda 10 milliondan ziyod aholi yashaydi. Jahonda millioner shaharlarning ko'payish tendensiyasi shahar madaniyatining jozibali hodisa bo'lib borayotganini ko'rsatadi. SHahar madaniyati, o'z mohiyatiga ko'ra internatsional, polifunksiyanal va ochiq tizimdir. U turli etnomadaniyatlar bilan uyg'unlashib, murosaga kirishib yaxshi xususiyatiga ega bo'lgani uchun erkin yashashga moyil kishilarni o'ziga jalb etadi. Yirik ijodkorlar, ilm-fan darg'alari, tadqiqot va texnologik markazlar, o'quv yurtlari, xizmat turlari asosan kata shaxarlardan ekani shundandir.1900 yilda atiga ikki shaxar Sankt-Peterburg va Moskva millioner shaxar bo'lishga davogar shaxar edi, bugun ularning soni 10 tadan oshgan. O'zbekistonda faqat Toshkent-millioner shahardir. Dunyo bo'yicha bugun millioner shaxarlar soni 548 ta, ularning 33 tasida 10 milliondan ziyod aholi yashaydi. Prognozlarga ko'ra, 2030 yilga borib ularning soni 703 ga etadi va ularning 43 tasi 10 milliondan ziyod aholiga ega bo'ladi. Bunday shaharlarni boshqarish va umumiy strategic maqsadga muofiq rivojlantirish ko'plab muammolarni hal etishga undaydi. Bunday millioner shaharlar davlat ichidagi davlat tarzida kompleks muammolarni keltirib chiqaradi. Katta va yirik shaharlarning maftunkor tomoni kishilarga keng madaniy xizmat turlarining taqdim etishidadir. Ammo ular, fransuz faylasufi J.Bodriyer kuzatishiga va fikriga ko'ra, aholida "iste'molchilik"ni ham avj oldiradi [8]. Mazkur muammo alohida tadqiq etilishi kerak, ammo, bizning fikrimizcha, kata va yirik shaharlar, megapolislar, yangi sitilarlarning yuzaga kelishi umumbashariy yaqinlashishni, etnomadaniyatlarning unifikatsiyalashuvini keltirib chiqaradi. Hozirning o'zidayoq internet aloqalar, xalqaro gumanitar huquq talablari etnoan'analarni unifikatsiyalash tomon etaklamoqda.

O'zbekistonning yangi taraqqiyot bosqichi urbanizatsiyalash tomon qaratilgan. Respublikamiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan 2019 yil 10 iyulda urbanizatsion taraqqiyotni ta'minlashga oid maxsus "Urbanizatsiya jarayonlarini tubdan takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risidagi" farmoni qabul qilindi. Unda Respublikamiz ijtimoiy taraqqiyotida urbanizatsiya jarayonlari etarli darajada hisobga olinmagani ta'kidlanadi. Natijada so'ngi yillarda urbanizatsiya

darajasining pasayish tendensiyasi  kuzatilmoqda, shahar aholi punktlari soni atigi 1065 dan 1071 gacha ko’paygan. Yirik qishloq aholi punktlarini shahar posyo’lkalariga aylantirish bo’yicha ko’rilgan chora-tadbirlarga qaramasdan, bugungi urbanizatsiya darajasi shaharlarni kompleks rivojlantirish  bo’yicha zamonaviy talablarga javob bermaydi va jahon tendensiyalaridan sezilarli darajada qolib ketmoqda. Bunda urbanizatsiya darajasi hanuzgacha barqaror xususiyatga ega emas.  Zamonaviy urbanizatsiya faqat shaharsozlik, binolar qurish emas, u keng ma’nodagi shahar madaniyatini, shahar aholisining barcha ehtiyojlarini qondirishga loyiq infratuzilma yaratishni taqazo etadi. Uning markazida nafaqat ijtimoiy-iqtisodiy, shuningdek demografik, madaniy, xizmatlar ko’rsatish ham turadi.Yangi O’zbekistonda  bu sohalarda ma’lum bir ishlar amalga oshirilmoqda, shaharlarimiz ko’rki o’zgarmoqda, siti-yangi shahchalar paydo bo’lmoqda, transport xizmatlarida izlanishlar uchraydi. Prezidentimizning “Iqtisodiy rivojlanish sohasida davlat siyosatini amalga oshirish tizimini tubdan takomollashtirish chora-tadbirlari to’g’risidagi” (2019 yil 10 yanvar) dagi Farmonida ham urbanizatsiya davlat siyosati darajasidagi soha ekani ta’kidlanadi. Ularga ko’ra, urbanizatsiya jarayonlarini tubdan takomillashtirishning  asosiy vazifalariga quyidagilar kiritilgan:

1) Mutlaqo yangi uy-joy siyosatini amalga oshirishda urbanizatsiya bilan bog’liq muhandislik, transport va ijtimoiy infratuzilmalar bilan ta’minlangan, ayniqsa kam va o’rta daromadli oilalar uchun arzonlashtirilgan turar joylar qurush;
2) Turarjoy va noturarjoy bin ova inshootlar ostidagi er uchastkalariga egalik huquqini amalga oshirishni kafolatlash;
3) Qishloq aholisining shaharlarga harakatlanishini ta’minlashga oid shart-sharoitlar yaratish;
4) Yirik shaharlar aholisining faravonligini va ish bilan bandligini ta’minlash, hududlardagi oliy o’quv yurtlari va ilmiy tadqiqot institutlari asosida texnoparklar tashkil etish;
5) O’rta shaharlarni boshqarish va servis sohalarini rivojlantirishda xorijiy tajribalardan foydalanish;

Mutloq yangi uy-joy siyosatini amalga oshirishda xududlarning jog’rofiy, aholining ijtimoiy ehtiyojlarini, ayniqsa kam va o’rta ta’minlangan oilalar uchun arzon turarjoylari qurish Yangi O’zbekistonda muhim ahamiyatga ega. Aholining imkoniyatlarini hisobga olmay quriladigan turarjoylar, ayniqsa poytaxtda, avj olganini, avtokratizm davrida ro’y bergan “elita joylar va massivlar” yaratish aholida ularga nisbatan salbiy munosabatlar uyg’otganini unitolmaymiz. Masalan, Toshkent temir yo’l vokzaliga etmay yaratilgan “elita massiv”ning yarmiga yaqini

bom-bo’sh yotibdi. Bunday bo’m-bo’sh turar joylarni ko’plab ko’rish mumkin. Buni payqash uchun arxitektor yoki xonama-xona yurib o’rganib chiqish shart emas, kechroq ko’chadan o’tsangiz, biz nazarda tutayotgan turar joylarda chiroq yoqilganini ko’rmaymiz. Ming’ afsuski, bizda turar joylar fondlaridan foydalanish darajasi qancha ekani ilmiy o’rganilmagan, bu borada mutasaddi idoralar ham aniq bir nima aytolmaydi. Yangi O’zbekistonning uy-joy siyosati ana shunday nomaqbul, ochiqdan-ochiq sudxo’rlik, hatto korrupsiyaga qurilgan tizimni bartaraf etishi kerak. Buning usuli arzon turar joylar va massivlar barpo etish, aholiga uy-joy qurishi uchun kam foizli kreditlar ajratishdir.

Katta va yirik shaharlarda turar joyga yaroqli har bir metrdan unumli foydalaniladi. Insootlar ostidan madaniy-maishiy ehtiyojlar uchun foydalanish tajribasi o’zimizda xam uchraydi. Lekin ushbu tartibni rasmiy asosda amalga oshirishning huquqiy asoslari yaratilmagan. Masalan, 2017-2019 yillarda Respublikamizdagi ko’p qavatli uylar atrofini qurilmalardan holi qilish xarakati o’tkazildi. Aholi tashlandiq erlarni obod qilib yaratilgan “ogorod” lar tep-tekis qilindi, yon-atrofni bezab turgan mevali daraxtlarlar, gulzorlar, yo’laklar buzib tashlandi. Lekin o’rniga hukumat hech nima ekmadi, natijada o’sha joylar ahlatxonaga aylantirildi. Shuning uchun ham Prezidentimizning yuqoridagi Farmonlarida turar joylar fondi va inshootlar ostidagi er uchastkalaridan foydalanishni huquqiy kafolatlash masalasi qo’yilgan.

Qishloq aholisining shahar imkoniyatlari va madaniyatidan foydalanishni faollashtirish urbanizatsiyani tezlashtiruvchi omildir. Urbanizatsiyada ichki migratsiya, yani qishloq kishilarini shaharlarga harakatlanishi muhim o’rin tutadi va urbanizatsiya ko’rsatkichlariga kiradi. Masalan, Toshkent shahriga har kuni turli maqsadlarda 1,5 millionga yaqin kishi kelib ketadi. Butun jahon banki QROUNDSWELL ning keltirishicha, 2050 yilgacha Markaziy Osiyoda ob-havo, ekologiya, suv tanqisligi kabilar bilan bog’liq “klimatik migrant”lar soni 5 million dan oshadi. Ular asosan Farg’ona vohasi, Toshkent shahri atroflari va Shimoliy Qozog’iston hududlariga ko’chib boradi. Ushbu xarakatlanish transport xizmatlarini kengaytirishni talab etadi va migrantlar ehtiyojlarini qondiruvchi shaharlar infratuzilmalaridan foydalanish muammolarini keltirib chiqaradi.

Urbanizatsiya jarayonlariga oliy ta’lim muassasalari, ilmiy-texnik markazlar, ularga qishloq yoshlaridan iborat oqimning kelib qo’shilishi muammoning dolzarblik jihatdan biri hisoblanadi. Hayotiy kuzatishlardan ham ma’lumki, kata shaharlardagi OTM larda ta’lim olgan yoshlarning deyarli yarmidan ko’pi shaharlarda qolishga intiladi. Bu esa shahar infratuzilmasini va hududlariga ta’sir etadi, shahar hayotini har gal yangiga, innovatsion idrok etishga undaydi. Dunyo urbanistikasi va umumbashariy hayot, taraqqiyot ilm-fan, texnika, intellectual

izlanishlar asosiga qurilgan ekan. OTM va tadqiqot-institutlarini yanada faollashtirishni taqazo etadi. Ularga yangi-yangi ijodiy kuchlar, yoshlar kirib kelishi ob'yektiv zaruriyatdir. Xorijiy tajribalar shuni ko'rsatadiki, yirik shaharlardagi OTM va tadqiqot institutlarini asosan ichki migrantlar, shahardan tashqari hududalrdan keladigan yoshlar tashkil etadi. Ammo buning bir manfiy tomoni bor, bu yoshlar avvalo shahar muhitiga, ilmiy jamoa talablariga moslashishi kerak. Bu jarayon sekin, ba'zan esa juda ogir kechadi, chunki chekkadan kelgan yosh ilm-fan, ta'limdagi innovatsiyalarni tez va kerakli darajada o'zlashtiravermaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar


1. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. Tom 9.-Toshkent: 2005.
2. Лаппо Г.М. Города на пути в будущее. –Москва: «Мысль», 1987
3. Пивоваров Ю.Л. Основы урбанистики: урбанизация и городские системы.-Москва: «Наука», 1999.


## GLOBALLASHUV JARAYONLARIDA TARBIYAVIY FAOLIYAT MASALALARI


**Sadullayeva Manzuna Mansurjon qizi – Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti "Tillar" kafedrasi assistenti**



*Maqolada globallashuv jarayonlarida tarbiyaviy faoliyat masalalari yoritib berildi. Globallashuvning turli mamlakatlarga o'tkazayotgan ta'siri ham turlicha. Bu hol dunyo mamlakatlarining iqtisodiy, axborot, ma'naviy salohiyatlari va siyosatlari qanday ekani bilan bog'liq. Dunyoda yuz berayotgan shiddatli jarayonlarning har bir mamlakatga o'tkazayotgan salbiy ta'sirini kamaytirish va ijobiy ta'sirini kuchaytirish uchun shu hodisaning mohiyatini chuqurroq anglash, uning xususiyatlarini o'rganish lozim.*


Insonning keyingi taraqqiyot yo'llari globallashuv sharoitida shaxsning ijtimoiy ongi, yo'naltiruvchi maqsadlari, qadriyatlari, hayotiy tushunchalari, dunyoqarashi va oxir-oqibat uning jamiyat bilan munosabatlarida qanday o'zgarishlar sodir bo'layotganiga bog'liq. SHuning uchun ijtimoiy va gumanitar fanlarda globallashuvning jamiyat hayotining nafaqat iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, balki, madaniy va mafkuraviy sohalariga ta'siri masalalariga katta e'tibor qaratilmoqda.

Globallashuv shunday jarayonki, undan chetda turaman, degan mamlakatlar uning ta’siriga ko‘proq uchrab qolishi mumkin. Bunday g‘ayriixtiyoriy ta’sir esa ko‘pincha salbiy oqibatlarga olib kelmoqda.

“Globallashuv” iborasi 1983 yilda amerikalik siyosatshunos olim T.Levitta tomonidan iste’molga kiritilgan. YAngi atamaga yanada keng ma’no Garvard biznes-maktabida berildi. Bu atamaning asosiy targ‘ibotchisi yapon olimi K.Ome bo‘lib, u 1991 yilda “CHegarasiz dunyo” asarini chop ettirgan. Bu asarda globallashuv tushunchasining mazmun-mohiyatini ochib berishga harakat qilgan[270].

Globallashuvga BMTning “Inson taraqqiyoti to‘g‘risidagi ma’ruza” hisobotida quyidagicha ta’rif berilgan:

“Globallashuv – jahon iqtisodiyotining tovarlar, xizmatlar, sarmoya, ishchi kuchi va fikr-kashfiyotlar oqimining kengayishi, shuningdek, mamlakatlarning jahon miqyosidagi iqtisodiy muammolarni hal qilishga qaratilgan birgalikdagi harakatlari tufayli davom etayotgan integratsiyasi”[271] – deyilgan.

Globallashuv – turli mamlakatlar iqtisodi, madaniyati, ma’naviyati, odamlari o‘rtasidagi o‘zaro ta’sir va bog‘liqlikning kuchayishidir.

Globallashuvga berilgan ta’riflar juda ko‘p. Lekin, uning xususiyatlarini to‘laroq qamrab olgani, bizningcha, fransuz tadqiqotchisi B.Bandi bergan ta’rif. Unda globallashuv jarayonining uch o‘lchovli ekaniga urg‘u beriladi:

- globallashuv – muttasil davom etadigan tarixiy jarayon;
- globallashuv – jahonning gomogenlashuvi (1 jinsli) va universallashuvi jarayoni;
- globallashuv – milliy chegaralarning “yuvilib ketish” jarayoni.

Globallashuv haqida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov: “Globallashuv jarayoni hayotimizga tobora tez va chuqur kirib kelayotganligining asosiy omili va sababi xususida gapirganda shuni ob’ektiv tan olish kerak – bugungi kunda har qaysi davlatning taraqqiyoti va ravnaqi nafaqat yaqin va uzoq qo‘shnilari, balki jahon miqyosidagi boshqa mintaqa va hududlar bilan shunday chambarchas bog‘lanib boryaptiki, biron mamlakatning bu jarayondan chetda turishi ijobiy natijalarga olib kelmasligini tushunish, anglash qiyin emas. SHu ma’noda, globallashuv – bu avvalo hayot sur’atlarining beqiyos darajada tezlashuvi demakdir”[272] – deb ta’kidlaydi.

---

[270] Омэ.К. Безграничный мир. – Москва, 1991. –С.29-30.
[271] Аннан К. Доклад тысячелетие. – Москва, 2002. –С.65
[272] Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent: Ma’naviyat, 2008. –B.111.

Globallashuv yalpi, kompleks tabiat kasb etib, uning ta’siri axborot sohasiga, ma’naviyat sohasiga, siyosatga, iqtisodga, sotsial sohalarga yoyila boshladi. Globallashuv tobora kuchayib borayotgan to‘fonga o‘xshab bormoqda. U yangi-yangi hududlar va davlatlarni, yangi faoliyat sohalari va munosabatlarini o‘ziga qaratmoqda. Dunyo miqyosida kuzatilayotgan va integratsion jarayonlarda o‘z ifodasini topayotgan globallashuv inson hayotining barcha jihatlariga ta’sir qilmoqda. Globallashuv ta’sirida iqtisodiyotda ham, siyosiy munosabatlarda ham, ijtimoiy-madaniy hayotda ham o‘zgarishlar yuz bermoqda. Globallashuv tushunchasining yagona, umummaqbul qilingan ta’rifi bo‘lmasa-da, bu hodisani turlicha talqin qiluvchi ko‘p sonli nazariy yondashuvlar mavjud. Odatda, globallashuv deganda, dunyo miqyosida yagona moliyaviy makon va axborot maydonining shakllanish jarayoni tushuniladi.

Globallashuvning inson va postindustrial jamiyatlar hayotidagi o‘rni hamda roli haqidagi alohida qarashlar shakllanmoqda. Biroq bu jarayonlarning inson tafakkuri va ma’naviy dunyosiga ta’siri masalasiga etarli darajada e’tibor berilmagan. Vaholanki, g‘oyalar globalizatsiyasi uzoq tarixga ega bo‘lgan kompleks jarayondir. Yangi dunyoning kashf etilishi, Yer kurrasining doimiy transport marshrutlari bilan birlashtirilishi, migratsiya oqimlarining kuchayishi, axborot texnologiyalarining taraqqiy etishi va hokazolar shakllanayotgan globalizatsiyaning bosqichlari edi. O‘tgan asrning oxiri bu jarayon misli ko‘rilmagan darajada jadallashuviga olib keldi va globalizatsiya davri nomini oldi. Insonning keyingi taraqqiyot yo‘llari globallashuv sharoitida shaxsning ijtimoiy ongi, yo‘naltiruvchi maqsadlari, qadriyatlari, hayotiy tushunchalari, dunyoqarashi va oxir-oqibat uning jamiyat bilan munosabatlarida qanday o‘zgarishlar sodir bo‘layotganiga bog‘liq. Shuning uchun ijtimoiy va gumanitar fanlarda globallashuvning jamiyat hayotining nafaqat iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, balki, madaniy va mafkuraviy sohalariga ta’siri masalalariga katta e’tibor qaratilmoqda.

SHunday ekan uning intilish va harakatlarining nimasi yomon? Muammo, ana shu intilishlarda moddiy manfaatdorlikka bo‘lgan intilish bilan ma’naviyatni unga mos ravishda rivojlantirishga bo‘lgan zaruriyat o‘rtasidagi muvozanatning yo‘qolib borishida namoyon bo‘lmoqda. Buni yuksak darajada taraqqiy qilgan mamlakatlar o‘zlarining ulkan intellektual salohiyatlari bilan fan, texnika va texnologiyaning eng zamonaviy turlarini yaratib, ular vositasida mintaqalarda mavjud bo‘lgan xom-ashyo resurslarini qo‘lga kiritishning eng jirkanch uslublaridan foydalanib, ana shu mintaqa xalqlarini avvalo moddiy jixatdan qaram qilish hamda bu omil vositasida ularni o‘ziga xos ma’naviyatini ham barbod qilish

yo‘li bilan uning o‘rniga o‘zlarining ma’naviyatini ommaviylashtirishdek ma’naviy amaliyotida namoyon bo‘layotganligida ko‘rish mumkin[273].

Albatta, ana shu yaratilayotgan fan, texnika va texnologiya bir tomondan butun insoniyatning aql–zakovatining mevasi va er kurrasida yashayotgan barcha xalqlar manfaatlariga xizmat qilmoqda, ikkinchi tomondan esa, ulardan foydalanishdagi tengsizlik, ya’ni unga ega bo‘lmaganlarning boshqalar ustidan xukmron bo‘lishga intilishlari, insonlar, millatlar va xalqlar o‘rtasidagi munosabatlarda kim moddiy jixatdan baquvvat bo‘lsa, boshqalar unga “itoatkor” uning ma’naviyatini “qabul qilishga”, “majbur” degan tamoyilining yuzaga kelayotganligi insoniyat aql-zakovati yuksak darajasiga ko‘tarilgan sharoitdagi ma’naviy qashshoqlashuvning jirkanch ko‘rinishi sifatida namoyon bo‘lmoqda. Bu jarayonning yuzaga kelishiga va avj olishiga jahon miqyosida sodir bo‘layotgan globallashuv o‘zining ta’sirini o‘tkazmoqda.

Uning insonlar, millatlar, xalqlar va mamlakatlar hayotiga o‘tkazayotgan salbiy ta’sirlari bugunning o‘zida turli sohaning ko‘pchilik mutahassislarini tashvishga solmoqda. Ular hech bo‘lmaganda insonlar va millatlarning “men”ligini saqlab qolishning imkoniyatlarini izlab topish dolzarb muammolardan biriga aylanayotganligini takidlamoqdalar. Millat keng ma’nodagi ma’naviyati, ruhiyati va mentaliteti bir xil bo‘lgan insonlar uyushmasidan iborat bo‘lgan moddiy borliq hisoblanadi. Ayni paytda u jahonda mavjud bo‘lgan go‘zalliklarning gul toji va ma’naviy boyligidir. Uning “men” ligidan mahrum bo‘lishi oxir oqibatda butun insoniyatning manqurtlashuviga olib keladi. Istiqbolda bu jarayonning oldi olinmas ekan u insoniyat taraqqiyotni yana “boshidan” boshlashga majbur bo‘ladigan ma’naviy ehtiyojni yuzaga keltiradi -deganidir. SHuning uchun ham, ayniqsa keyingi paytga kelib globallashuv tushunchasi va jarayoni haqida turli sohalarda ilmiy ish olib borayotgan olimlar va mutahassislar ko‘p yozmoqdalar[274].

Bugun u iqtisodiyoning rivojlanishiga qanchalik ijobiy ta’sir o‘tkazmayotganligiga qaramasdan, uning millatlar “men”ligini barbod bo‘lishiga ayniqsa ularning istiqboli bo‘lgan yoshlarning axloqiy jihatdan qashshoqlashuviga o‘tkazayotgan ta’siri xatarli tus olmoqda.Buning oldini olish o‘ta muhim, kerak bo‘lsa, planitar muammo darajasiga etib kelmoqda. CHunki ma’naviy qashshoqlashuv, millatning o‘zligidan mahrum bo‘lishiga olib kelishi bilan birga, uning o‘zgalarga qaram bo‘lishiga olib keladi. Millat asosi va tayanchi bo‘lgan uning yoshlarini ma’naviy qashshoqlashuvi esa, istiqbolda millatning “yo‘q” bo‘lishiga olib keladi. Bu butun insoniyat uchun ma’naviy fojea hisoblanadi. Har qanday insonning o‘zining “men”ligini anglashining muhim belgilaridan biri,

[273] Qarang: Xolbekov M. Adabiyotda globallashuv jarayoni-Tafakkur, №4.2006.
[274] Otamuradov S.Globallashuv va millat - Toshkent: «Fan», 2008. 101-133-betlar.

uning o‘z millatining vakili ekanligini anglashi, undan g‘ururlanishi, unga daxldorligini his etib yashashi hisoblanadi. Ulardan mahrum bo‘lgan inson xech qachon to‘laqonli inson darajasiga ko‘tarila olmaydi. U moddiy barkamol bo‘lishi mumkin, ammo u o‘zligini his etmagan ma’naviy qashshoq inson bu darajasida qolib ketadi va buning oqibatida hayotda zavqlanish, uning go‘zalligidan baxra olish kabi umuminsoniyatga xos bo‘lgan tuyg‘ulardan mahrum bo‘lgan manqurtga aylanadi[275].

"Globalizm - milliy hayotga tahdid demakdir"[276], - deb yozadi siyosatshunos Olim Toshboev. Darhaqiqat, madaniy globalizatsiya sohasida ayovsiz kurash ketmoqda. Hatto globalizatsiya g‘oyalarining beshigi bo‘lgan Evropada ham "madaniy imperializm" haqidagi ovozlar tobora balandroq yangramoqda. Fransiyaning sobiq madaniyat ishlari vazirlaridan biri filmlar va teledasturlar orqali tarqatilayotgan va jamiyatning an’anaviy qadriyatlariga putur etkazayotgan "Koka-kola-Mak-Donalds-Mikki-Maus" madaniyatiga qarshi kurashish zarurligini qayd etdi. Uning fikrlarini qisman rossiyalik faylasuf va yozuvchi A.Zinovev davom ettiradi va "Globallashuv yangi jahon urushidir. U yangi tipdagi jahon urushi. Bu urushda tirik qolishning qarshilik ko‘rsatishdan boshqa yo‘lini ko‘rmayapman. Faqat qarshilik", - deb ta’kidlaydi.

Xulosa sifatida aytish joizki, ana shunday sharoitda milliy g‘oya va O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning 2017-2021 yillarga mo‘ljallangan “Harakatlar Strategiyasi”ga tayanish orqaligina mafkuraviy maydonlarda olib borilayotgan kurashlar mohiyatini to‘g‘ri tushunish va milliy g‘oyaga tayanib, yot g‘oyalarga qarshi kurashish mumkin.

## MAMLAKATIMIZDA TASHQI SAVDO MUNOSABATLARI. MULOHAZA VA TAKLIFLAR.

***Xaydarov Sayfiddin Mamatkulovich – Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti doktaranti***

Dunyodagi har bir yirik mamlakat borki uning asosiy rivojlanish tendensiyasi savdo munosabatlari bilan uzviy bog’liq. O’rta Osiyo qadimdan insoniyatning rivojlanish chorraxasi bo’lib kelgan. Savdo munosabatlari, eksport va import hamda mamlakatning iqtisodiy prognozlashtrish sohasi davlat dasturi

[275] Otamuradov S.Globallashuv va millat - Toshkent:«Fan», 2008. 101-133-betlar.
[276] Toshboev O. Globallashuv va milliy madaniyat//Tafakkur. - Toshkent, 2006. - №1.-B. 20.

miqiyosida boshqarilgan. Tarixda buyuk ipak yo'lining rivojlanishi ham bunga isbotdir. Shu o'rinda mamlakatning asosiy qon tomiri hisoblangan tashqi savdo haqida ilmiy va nazariy jihatdan yondoshamiz. Tashqi savdo — bir mamlakatning boshqa mamlakat yoki mamlakatlar bilan olib boradigan savdosi. Mamlakatdan tovarlar chikarish (eksport) va mamlakatga tovarlar kiritish (import)dan tashkil topadi. Eksport va import yig'indisi mamlakatning Tashqi savdo aylanmasini tashkil etadi. Mamlakatlar o'rtasida savdosotiqnint rivojlanishi ikki tomonlama foyda olish imkonini beradi. Tashqi savdo mamlakatlararo iktisodiy munosabatlarning eng oddiy va eng qadimgi shaklidir. Qadimgi Misr, Yunoniston va Rim quldorlik tuzumi davridayoq boshqa mamlakatlar bilan ikki tomonlama savdosotiq munosabatlarini amalga oshirgan. Insoniyat tarixida birinchi marta Sharq va G'arb dunyosini bir-biri bilan bog'lagan Buyuk Ipak puli kitalararo savdoni yo'lga qo'ydi. Bu yo'l hozirgi O'zbekiston hududida joylashgan shaharlarda savdosotiqning keng kuloch yoyishiga olib kelgan edi. Tashqi savdoning rivojlanishiga Buyuk geografik kashfiyotlaraan so'ng yangi dengiz yo'llarining ochilishi kuchli turtki bo'ldi. Ayniqsa, sanoat, mashinalashgan ishlab chiqarish. xalqaro xo'jalik aloqalarini yanada rivojlantirib yubordi. Yangi tarmoklar, ishlab chiqarish. turlarining paydo bo'lishi, mehnat unumdorligining oshishi ishlab chiqarilgan mahsulotlarning ichki iste'moldan tashqari qismini chet ellarga chiqarish va sotish imkonini berdi. Ayni paytda kupchilik mamlakatlarda xom ashyo resurslariga ehtiyoj keskin oshdi. Natijada tashqi oldisotdi harakatlarini amalga oshirishni uygunlashtiradigan xalqaro bozor qaror topdi. Tashqi savdoning rivojlanishi asosida xalqaro mehnat taqsimoti va D. Rikardo asoslab bergan qiyosiy ustunlik qoidasi yotadi. Bu kridaga ko'ra alohida sharoitlarning mavjudligi, xususan, qulay geografik joylashuv, noyob tabiiy resurslar ayrim mamlakatlarga tovar va xizmatlarning ayrim turlarini i. ch.da muayyan ustunliklar beradi. Mamlakat o'zining qiyosiy ustunligidan foydalanib ayrim tovar turlarini ishlab chiqarish.ga ixtisoslashadi, mahsulotlarini boshqa mamlakatlarga ham sotish maqsadida katta miqdorda va yuqori sifatda ishlab chiqarish.ga xarakat qiladi. Bunday tovar va xizmatlarni uzlarida ishlab chiqarmaydigan boshqa mamlakatlar,

ishlab chiqarganda ham ularga ketadigan sarfxarajatlarning nisbatan yuqoriligini hisobga olib, tashqaridan tovar va xizmatlarni kiritish yo‘lini tutadilar. O‘zbekiston Respublikasi jahonning 140 dan ortiq mamlakatlari bilan savdosotiq aloqalarini amalga oshirmoqda. 2021 yilda O‘zbekiston tashqi savdo aylanmasi 2020 yilga nisbatan 16%ga o‘sib, $42,1 mlrdni tashkil etdi. Eksport hajmi 10%ga oshib, $16,6 mlrdga yetgan bo‘lsa, import 20,4%ga o‘sib, $25,46 mlrdni tashkil etdi. Sanoat tovarlari eksporti oltin eksportidan o‘zib ketdi.  O‘zbekistonning asosiy tashqi savdo hamkorlari orasida Rossiya (umumiy savdo aylanmasining 17,9%), Xitoy (17,7%), Qozog‘iston (9,3%), Turkiya (8,1%) va Janubiy Koreya (4,5%) davlatlari qolmoqda. 2021 yilda O‘zbekistondan eksportning asosiy qismini sanoat tovarlari (umumiy eksportning 26,1%), oltin (24,7%), xizmatlar (15,3%) va oziq-ovqat tovarlari (8,3%) tashkil etdi. O‘tgan yil davomida O‘zbekistonga importning asosiy qismini mashinalar va asbob-uskunalar importi (32,4%, 2020 yilga qaraganda 5,2%ga kamroq), sanoat tovarlari (18,5%), kimyoviy vositalar (14,3%), oziq-ovqat tovarlari (9,9%) va xizmatlar (6,8%) tashkil etdi.

2022 yilning yanvar-fevral oylarida O‘zbekiston Respublikasining tashqi savdo aylanmasi 8,7 mlrd. AQSH dollariga teng bo‘ldi. Bu haqda Davlat statistika qo‘mitasi mamlakatda yuritiladigan barcha iqtisodiy islohatlarni mujassamlashtrilgan ma’lumot berdi. Qo'mitaning xabariga ko'ra, tashqi savdo aylanmasida eksport hajmi 4,1 mlrd dollarni tashkil etgan:  mahsulotlar –  3,7 mlrd - xizmatlar  – 348,5 mln Import hajmi esa 4,6 mlrd dollarga yetgan. Mahsulotlar – 4,3 mlrd, Xizmatlar  – 304,6 mln dollar natija ko’rsatgan. 2022 yilning yanvar oyida O‘zbekistonning tashqi savdo aylanmasi 3,5 mlrd AQSH dollariga yetganligi quvonarli xolatdir.

O‘zbekistonning hozirgi asosiy savdo hamkorlari — Buyuk Britaniya, Germaniya, Yaponiya, Shveysariya, AQSH, Janubiy Koreya, Rossiya, Italiya, Niderlandiya, Belgiya, Turkiya, Fransiya, Xitoy va boshqa davlatlar. Respublika Tashqi savdosining asosiy ulushi Yevropaga, Osiyo hamda Amerika qit’asi mamlakatlari hissasiga to‘g‘ri keladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1 - “O’zbekistonda eksportchilarning hududiy va tarmoq uyushmalarini tuzish” uslubiy qo’llanma, Toshkent: 2009

2 - O’zbekiston Respublikasida eksport bo’yicha qo’lllanma (www.cer.uz saytidan)

# УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ – ОИЛАНИНГ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИ АСОСИ

***Ашуров Назар Рахматуллаевич педагогика фанлар номзоди***
***Бошланғич таълим методикаси кафедра мудири***

**Аннотация:** Маълумки милат ва жамият тарбияси оиладан, унинг ижтимоий муҳитидан келиб чиқади ва шаклланади. Ушбу мақолада маънавий тарбиянинг оилада тутган ўрни, унинг маърифий кўринишлари ҳамда инсон шахсини шакллантришдаги босқичлари илмий изоҳлаб берилган.

**Калит сўзлар: Концепция, оила, миллий тарбия, сиёсат, таълимий мақсад, урф-одат, иқтисодий, ғоя, ижтимоий, мутафаккир.**

Ўзбек давлатчилиги шаклланишининг илк даврларидан тортиб ижтимоий турмуш даражаси ҳаётнинг асосий маънавий кўриниши бўлиб ҳисобланган. Бунда оила деб аталувчи муқаддас маскан башарият бунёд бўлишининг бешиги бўлиб келган. Оила аъзоларининг хар бири шахс сифатида муайян маънавий дунёга эга бўлиб, улар ўртасидаги яқин муносабатлар, мулоқотлар натижасида оилада ўзига ҳос оилавий маънавият юзага келади. Оила маънавиятида ота ва онанинг маънавий фазилатлари эр-хотинлик муносабатларининг шарқона юкори инсонийлик ва ахлоқийлик даражасини белгилаб беради. Таниқли психолог ва психотерапевт Вирджиния Сатир: “Оила - бутун олам микрокоиноти. Уни тушуниш учун оилани ўрганиш етарли. Оилада мавжуд бўлган ҳокимият, сирдошлик, мустақиллик, ишонч, мулоқот кўникмалари - ҳаётдаги кўпгина ходисалар калити. Агар биз дунёни ўзгартирмоқчи бўлсак, оилани ўзгартиришимиз зарур”, деган фикрларни билдиради. Кейинги вақтларда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, маданий соҳаларда мазмунан бой ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси негизида инсон, мамлакатимиз фуқаролари ва ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш ётади. Мамлакатимизда 1997 йилнинг “Инсон

манфаатлари йили”, 1998 йилнинг “Оила йили”, 2001 йилнинг “Соғлом авлод йили”, 2008 йилнинг “Ёшлар йили”, 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб аталиши ва бу тўғрисидаги Давлат дастурларининг қабул қилиниши ҳамда амалга оширилиши ҳам юқоридаги фикримиз далилидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. “Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”, деган таъкиди, юртимизда ёшлар тарбиясига, айниқса, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилаётганининг далолатидир. Бугунги кунда мамлакатимизда оила масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас, албатта. Зеро, юрт тараққиётининг тамал тоши жамиятимизнинг асосий бўғини бўлмиш оилада қўйилади. Оила шундай муқаддас маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади, этник маданият, урф-одатларимиз, ахлоқий ва маънавий қадриятларимиз сақланади, ривожлантирилади, жамият тараққиётини белгиловчи иқтисодий ва маданий ҳаёт пойдевори мустаҳкамланади.

Оиланинг асосий ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва психологик вазифаларини қисқача таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, болада шаклланадиган барча ҳиссий, руҳий туйғулар: меҳрибонлик, оқибатлилик, ўзига ва атроф-муҳитга нисбатан масъулиятлилик куртаклари оилада намоён бўлади. Оила ўз вазифасини лозим даражада амалга ошириши учун уни тегишлича, маърифий-методик қуроллантириш, ижтимоий-маънавий тадбирларни ўтказиш йўли билан унга ёрдам бериб бориш зарур.

Қолаверса, маънавий етук оила – маънавий юксак жамият таянчидир. Оила урф-одатлари, шажараси, анъаналари, ахлоқий-маънавий қадриятларни фарзандлар онгига сингдириш, ҳар бир кишини касб-ҳунар малакалари билан қуроллантириш маънавий баркамолликни тарбиялашнинг асосидир. Шундай экан, жойлардаги хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, маҳаллаларда фаолият юритаётган оқсоқоллар кенгашлари олдида турган муҳим вазифалардан бири оила қадриятларига бағишланган суҳбатлар, конференциялар, мунозаралар, учрашувлар, оилавий байрамлар, китобхонликлар, санъат асарлари кўргазмалари, қўшиқ ва рақслар кўрик-танловлари ўтказиш, оилавий фольклор этнографик ансамблларни ташкил этиш, тарихий жойларга саёҳатлар уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Янги ижтимоий-тарихий шароит оила, оилавий муносабатлар ва оилавий тарбия борасида ҳам жиддий ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Болаларни ватанпарварлик руҳида, янгича фикрловчи шахс сифатида тарбиялаш оиладан бошланишини эътиборга олиб, оилавий тарбия мазмунини қайта кўриб чиқиш ва уни янада бойитиш, унинг асосий йўналишларини белгилаш ва шу аснода мақсад ва вазифаларни ҳамда уларни қандай воситалар билан амалга ошириш йўлларини аниқлаш муҳим ижтимоий-педагогик ва ижтимоий-психологик заруриятдир.

Ана шу заруриятдан келиб чиққан ҳолда, оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш масаласи ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий аҳамият касб этмоқда. Чунки, мазкур масалаларни ҳал этиш анча мураккаб ва зиддиятли бўлиб, унга ворисийлик ва тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашиш талаб этилади.

Маълумки, мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги янги босқичи оилавий тарбияда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг замонавий мезонларини ўртага ташламоқда. Бу мезонлар ватанпарварлик, миллий ғурур, миллий онг, миллий ўз-ўзини англаш, миллий тафаккур, миллий тарбия каби тушунчаларда ўз ифодасини топган бўлиб, улар тарбия жараёнининг бугунги кунда ривожланиши учун муайян тарздаги бир мақсадга қаратилганини таъминлайди.

Ҳар қандай ахлоқий фазилат у ёки бу йўсинда инсоннинг хатти-ҳаракати тартибга солинишининг ифодаси бўлиб, инсонга бўлган ҳурмат-эътибор, меҳр-муҳаббатни билдирар экан, у умумбашарий мазмунни беради. Зотан, ҳар қандай шахс одамзотнинг бир зарраси экан, унда бутун башариятнинг моҳияти мужассам, шунинг учун ҳам у бутун инсониятга мансубдир. Шунга кўра, ҳар бир ота-она ўз фарзанди тарбиясида, унинг баркамол шахс бўлишида умуминсоний маъно ва мазмунни кўрмоғи лозим. Боланинг ахлоқий фазилатлари умуминсоний характер касб этиб, умумбашарий қадриятга айланишини англаб етган ота- она фарзандлари тарбиясидаги масъулиятни чуқур ҳис қилмоқлари мақсадга мувофиқдир.

Оилада шахсни маънавий-ахлоқий шакллантириш боланинг туғилиши билан бошланади ва у оилавий муносабатлар характери, ота-оналарнинг намунаси, улардаги умумтаълим даражаси, умуммаданий савияси ҳамда умумпедагогик маданияти ва оилавий ҳаётини қандай ташкил этишдан иборат. Бу омиллар оилада болани маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмунини ташкил этади ва улар бир қатор педагогик-психологик хусусиятларни ўз ичига олади. Буларни ҳисобга олиш эса болани маънавий-

ахлоқий тарбиялашда миллий ахлоқий қадриятлардан фойдаланишнинг ўзига хослиги ва аҳамиятини билишга ёрдам беради.

Ислом дини халқнинг ижтимоий ҳаётига, хусусан, оилавий муносабатларига, маданияти ва миллий анъаналарига сингиб кетган, аммо бундан ўзбек халқининг қадимий, такрорланмас маданияти, жумладан, оилавий қадриятлари ислом динисиз мавжуд бўлмас эди, деган қараш келиб чиқмайди. Исломий маънавият манбаларида оила, оилавий муносабатлар ва оилавий тарбияга оид қарашлар тизими мавжуд бўлиб, у оиланинг шаклланиши, ривожланиши ва мустаҳкамланишига қаратилган барча жиҳатларни ўз ичига олади. Бу қарашлар илоҳиёт нуктаи назаридан ўртага ташланса-да, улар кишиларнинг ҳаётий фаолиятлари, турмуш тарзлари, ижтимоий эҳтиёжлари, ниҳоят оилавий муносабатлари талабидан келиб чиққанлиги учун ҳам ақлга ва кундалик турмушга мувофиқ эди. Исломда оилавий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари

кўрсатиб ўтилади. Бу хусусиятлар мусулмончилик талабидан келиб чиққан, болани ахлоқий тарбиялаш ҳақидаги умумий ғоялар билан боғлиқ бўлиб, улар болани инсонийликка ва эзгуликка даъват этганлиги учун умуминсоний мазмунга эгадир. Бугунги кунда ота-оналар исломий маънавиятнинг ана шу умуминсоний мазмунини болалар шуурига сингдириб боришлари зарур.

Маълумки, Шарқ мутафаккирлари меросида таълим-тарбия, хусусан, оилавий тарбия масалаларига кенг ўрин берилган. Улар болаларни тарбиялашни жамият тақдирини, миллатнинг келажагини белгилайдиган асосий мезон деб ҳисоблаганлар. Уларнинг педагогик қарашлари замирида ижтимоий идеал сифатида комил инсон ғояси ётади. Улар тарбияда ижтимоий ва биологик томонларнинг ўзаро муносабати ҳақида тўхталиб, тарбияда ирсият ва муҳит таъсири бирдек эканлиги, тан ва руҳ соғломлигининг бирлиги каби масалаларни ўртага ташлайдилар. Уларнинг ақлий, меҳнат, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбиянинг бирлиги ҳамда уларни амалга ошириш йўллари ҳақидаги ва оилада болалар тарбияси ҳақидаги фикрлари мазкур муаммоларнинг кўпгина жиҳатларини қамраб олади ва улар муайян тарбияшунослик бўйича қарашлар тизимини ташкил этади. Бу қарашлар ўз даврларидан анчагина илгарилаб кетиб, бир неча асрдан бери аждодларимиз тафаккурини бойитиб, маънавий қадрият сифатида бугунги кунда ўз қийматини йўқотмай келмоқда. Улар ижтимоий ва оилавий тарбия бирлиги ҳақидаги масалани ижобий ҳал қилишга уринганлар, буни ҳозирги замон педагогикаси ва психологияси ҳам тўла эътироф этади

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. 2018 й

2. Юксак маънавият – енгилмас куч. И.А.Каримов. Т:2008 й

3. "Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг қарори. -Т.: 2019 йил 31 декабрь 1059-сон.

4. Muslim.uz sayti

# МУНДАРИЖА


| | | | |
|---|---|---|---|
| **1-шўъба: Мамлакатимизда учинчи ренессанс ғоясини тарғиб этишда миллий ва умуминсоний қадриятларимизнинг ўрни** | | | |
| 1 | **Каримов Санжар Синдорқулович** | **Қадриятлар ёшларда ҳаётий мақсадларни шакллантирувчи омил сифатида** | 5-8 |
| 2 | **Абдунаби Хатамов** | **П.Фейерабенднинг анархистик методининг фан ривожланишидаги ўрни** | 9-13 |
| 3 | **Rashidova Mashhura Karimovna** | **Jamiyatda ilm-fan, san'at va madaniyatning yuksalishi** | 13-16 |
| 4 | **Ахмаджон Хайдарович Худаёров Турсунмуродова Азиза Дилмурод қизи** | **Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда учинчи ренессанс ғоясининг ўрни** | 16-18 |
| 5 | **Аъзам Абдуллаев** | **Учинчи ренессанс – ватанимизнинг миллий ғояси сифатида** | 19-22 |
| 6 | **SattarovaFeruzaRustamkizi Absalomova Diyora Ilxom kizi** | **Family literacy relationship in innovative teaching system and children's psychological development** | 22-27 |
| 7 | **Маматкулов Санжар Тошпулатович Норбобоева Нафиса Эркин қизи** | **Ёшларда ҳаётий мақсад ва позицияни шакллантириш – давр талаби** | 27-30 |
| 8 | **Набиев Алижон Муқимович** | **Учинчи ренессанс ғоясининг ёшларда моддий-маънавий меросимизга дахлдорлик ҳиссини шакллантиришдаги ўрни** | 31-33 |
| 9 | **Мусаев Собиржон** | **Фуқаролик жамиятининг ижтимоий-фалсафий таҳлили** | 34-36 |
| 10 | **Утанова Умида Агзамходжаевна** | **Миллий ва умуминсоний қадриятлар жамият тараққиётининг асосий негизи** | 36-39 |
| 11 | **Sultanova Gulnoza Sabirovna Tangriberdiyeva Aziza Elmurod qizi** | **Mamlakatimizda uchinchi renessans g`oyasini targ`ib qilishda, ilm-fanda yosh xotin qizlarning o`rni** | 40-44 |
| 12 | **Bebitov Maqsud Abdirasulovich** | **Qoraxoniylar davlatida ta'lim faoliyati** | 45-48 |
| 13 | **Mustafoqulov Otabek Saidmurodov Javohir** | **Xo'ja Mayxona ota ziyoratgohi - minglab sirlar makoni** | 48-52 |
| 14 | **Mamayusupov Og'abek Sattorov Muzrobjon Ergashev Davronbek** | **Chag'oniyondan taralgan ziyo** | 52-55 |
| 15 | **Alijonova Maxliyoxon No'monjonovna** | **Axborotlashgan jamiyatda yoshlar milliy o'zligini anglash muammosi** | 56-59 |
| 16 | **Meliyeva Dilfuza** | **O'quvchi yoshlarda fikrlash qobiliyatini rivojlantirishda innovatsion yondashuv** | 59-61 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 17 | **O'roqova Gulsin** | **O'quvchi yoshlarda ijtimoiy intellektni shakllantirishning nazariy-ilmiy asoslari** | 61-63 |
| 18 | **Xo‘janova Tamara Jo‘raevna Otaxonova Saodat Otabek qizi** | **O’quvchi yoshlarda tanqidiy fikrni rivojlantirish** | 63-65 |
| 19 | **Агзамходжаева Шахноза Саидматлабовна** | **Сведения о жизни и творчестве навои, содержащиеся в его собственных произведениях** | 66-69 |
| 20 | **Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич** | **Янги Ўзбекистонда ёшлар эстетик маданиятини ривожлантиришда миллий ғоянинг ўрни** | 70-75 |
| 21 | **Ихтияров Мирзо Рустамович** | **Мамлакатимизда учинчи ренессанс ғоясини тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни** | 76-78 |
| 22 | **Адолат Зиётова** | **Мамлакатимизда учинчи ренессанс ғоясини тарғиб этишда ёшларда дахлдорлик туйғусини оширишнинг долзарб масалалари: муаммо ва ечим** | 78-83 |
| 23 | **Mohidil Nematova** | **O’zbekiston madaniy me’rosi - uchinchi renessans poydevori** | 83-85 |
| 24 | **Эшбеков Баходир** | **Учинчи ренессанс пойдеворини яратишда сўз эркинлигининг фалсафий тафаккурни ривожлантиришдаги аҳамияти** | 85-87 |
| 25 | **Begmatov Rustam Axundjanovich** | **XXI asr yoshlari va ularning har qanday yot g‘oyalarga qarshi kurasha olish mas’uliyatini oshirish** | 88-92 |
| 26 | **Абдуллаев Мадамин Саотбоевич** | **Ёшлар маънавиятини шакллантиришда махтумқули панд-насиҳатларининг ўрни** | 93-95 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **2-шўъба: Ёшларни маънавий баркамоллик руҳида тарбиялаш ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қо`шаётган тарбиявий институтлар. Мулоҳаза ва таклифлар** | | | |
| 27 | **Ахметжанова Муқаддас Вахабовна** | **Учинчи ренессанс ва театр санъатида умуминсоний ғоялар талқини** | 96-103 |
| 28 | **Абилов Ўрол Муродович** | **Учинчи ренессанс давлат тилига эътибордан бошланади** | 103-110 |
| 29 | **Абилов Ўрол Муродович** | **Миллий-маданий меъросимиз бўлган давлат тили ҳақида мулоҳазалар** | 111-114 |
| 30 | **Маматкулов Санжар Тошпулатович** | **Қадриятлар - шахс ҳаётий позицияси шаклланишининг муҳим омили** | 115-117 |
| 31 | **Yormatov Faxriddin Joylovovich** | **Nuroniylarini e’zozlagan yurtim** | 117-121 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 32 | **Normamatova Pardaxol Ochildiyevna** | **O'zbekiston taraqqiyotida millatlararo bag'rikenglik tamoyili** | 122-125 |
| 33 | **Норбеков Умид** | **Ёшларнинг фуқаровий онгини назарий тадқиқ этишда институтционал ёндашувининг аҳамияти** | 125-131 |
| 34 | **Komilov Ro'zi Rabiyevich** | **Nikohning axloqiy-aksiologik mohiyati va barkamol yoshlar tarbiyasidagi ahamiyati** | 131-134 |
| 35 | **Абдунасирова Ҳалима Эрдтиллаевна** | **Ёшлар миллий маънавиятини юксалтиришда жадид маърифатпарварларининг илмий мероси аҳамияти** | 135-137 |
| 36 | **Sohibnazar Karimov** | **Yoshlarni ma'naviy-ruhiy barkamollik ruhida tarbiyalashda tasavvuf falsafasi fanini o'qitishning zarurligi** | 137-143 |
| 37 | **Хайитмуродов Равшан Эргаш ўғли** | **Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялашда даврий матбуотнинг ўрни** | 143-145 |
| 38 | **Собирова Азиза Ислом қизи** | **Соғлом эътиқод мустаҳкам оила асоси** | 146-148 |
| 39 | **Мамиров Азизжон Ниязмухамедович** | **Ёшлар маънавиятини шакллантиришда толерант дунёқарашнинг ўрни ва роли** | 149-153 |
| 40 | **Ҳамидова Мафтуна** | **Баркамол шахс тарбиясида маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини таъминлаш ҳамда узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг аҳамияти** | 153-157 |
| 41 | **Замонов Зокир Турғинович** | **Ёшларни маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашга маънавий-тарбиявий институтларнинг ўрни** | 157-161 |
| 42 | **Xo`janazarova Sabohat Amanova Ra'no** | **Oilada yoshlarni ma'naviy barkamollik ruhida tarbiyalashning dolzarb masalalari** | 161-165 |
| 43 | **Maxmudov Shokir Kamolovich** | **Yoshlarni ijtimoiylashuvi jarayonida fuqarolarga mos ma'naviy va axloqiy tarbiyalash mexanizmlari** | 165-167 |
| 44 | **Qodiraliyev Abror Shavqatulloyev Do`stmuhammad** | **Tasavvuf haqida olimlarning aytilgan fiklar** | 168-172 |
| 45 | **Qodiraliyev Abror** | **Fuqarolik jamiyatini qurishda yosh avlodning ijtimoiy faolligini oshirishning roli** | 172-176 |
| 46 | **Искандаров Нурбек Шерифбоевич** | **Жисмоний етуклик ва инсон организмининг морфофункционал жиҳатлари** | 176-179 |
| 47 | **Искандаров Нурбек Шерифбоевич** | **Анъанавий соғломлаштириш тизимлари ва ижтимоий фалсафий ёндашувлар** | 179-182 |
| 48 | **Bozorova Aziza Saidmurot qizi** | **O'quvchi yoshlarni tabiatni muhofaza qilish ruhida tarbiyalash muammosi** | 182-185 |
| 49 | **Xo'janova Tamara Jo'raevna Otaxonov** | **O'quvchi yoshlar shaxsini shakllantirishda maktab muzeylarining o'rni va ahamiyati** | 185-188 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | Umidbek Otabek o'gli | | |
| 50 | Rahimova Gavhar | Boshlang'ich ta'lim o'qituvchilarining pedogogik faoliyatida kasbiy refleksiyani rivojlantirish | 189-191 |
| 51 | Ro'ziyeva Dilafro'z | Innovatsion yondashuv asosida boshlang'ich sinf o'quvchilarini hunarmandchilikka o'rgatish kompetensiyalarini rivojlantirish texnologiyalar | 191-193 |
| 52 | Абдуносирова Ҳалима Эрдтллаевна | Илмий билишда онг ва онгсизлик тушунчаси | 193-195 |
| 53 | Алкаров Элдор Махмудович | Тарихий қадамжолар ва муқаддас масканларимизда хавфсиз туризмни ташкил этиш масалалари | 196-198 |
| 54 | Maxmitova Dilfuza Saidazimovna | Innovatsion faoliyat o'qituvchi mahoratini oshirish omili sifatida | 198-201 |
| 55 | Muhammadiyeva Mushtariy | Boshlang'ich sinflarda texnologiya fanini o'qitishning xususiyatlari: didaktik aspekt | 202-204 |
| 56 | Xurramov Jasur | O'qituvchining innovatsion faoliyatida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining o'rni | 204-207 |
| 57 | Nosirova Dilnoza Sobirovna | Boshlang'ich sinf o'quvchilari bilan interfaol o'yin texnologiyalaridan foydalanib ta'lim berish usullar | 207-209 |
| 58 | Aziza Raximova | Maxtumquli firog`iy qarashlarida yoshlarni komillik sari yetaklshning asosiy mezonlar | 209-212 |
| 59 | Жуманиязова Махира Рахимберган қизи | Ислом спорт мусобақаларида мусулмон аёлларининг иштироки | 212-216 |
| 60 | Yangiboyev Abdulaziz O'tkir o'g'li Jo'rayev Azizbek Anvar o'g'li | Narshaxiyning "Buxoro tarixi" asarida O`rta Osiyo shaharlari tasnifi | 217-219 |

| 3-шўъба: Ижтимоий – гуманитар фанларни ўқитишда замонавий методларнинг аҳамияти. Тарих фанининг қадриятларимиз узвийлигидаги роли | | | |
|---|---|---|---|
| 61 | Абилов Ўрол Муродович | Давлат тили ҳақида мулоҳазалар | 220-224 |
| 62 | Садикова Роза Исмаиловна Норова Н.А | Ёшлар тарбиясида китобхонлик маданиятини шакллантириш | 224-226 |
| 63 | Ibragimov Alisher Qurbon o'g'li | Ijtimoiy islohotlarda inson oliy qadriyat sifatida | 227-231 |
| 64 | Маҳмудова Гули Тилабовна | Замонавий мураккаб жараёнларнинг тизимли тадқиқотлари методологияси (фалсафий таҳлил) | 231-235 |
| 65 | Бердалиев Низомиддин Шералиевич | Ижтимоий-гуманитар фанларнинг таълим-тарбиядаги аҳамияти | 236-239 |
| 66 | Абдуллаев Ўктам Шералиевич | Мактабларда тарих фанини ўқитишда кейс-стади (case-stade) усулининг самарадорлиги | 239-243 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 67 | **Jummayev Abdimumin Fayziyevich Bozorov Quvonchbek Dilmurod o’g’li Vafoqulov Shohruz Shavqiddin o’g’li** | **Bilikracy schools in uzbekistan** | 244-247 |
| 68 | **Ғуламов Обиджон Ғайратович** | **Миллий ғоянинг таълим тарбиядаги ўрни** | 248-251 |
| 69 | **Далакьян Жанна Сейрановна** | **К вопросу о роли истории в процессе преподавания в вузе** | 251-253 |
| 70 | **Фарход Зияев** | **Янги ўзбекистон ва учинчи ренессанс пойдеворини яратишда тарихий жараёнларнинг аҳамияти** | 253-256 |
| 71 | **Абдужамол Холбеков** | **Ўзбекистонда таълим тизимидаги узвийлик – учинчи ренессанс пойдеворининг бош мезони** | 257-260 |
| 72 | **Ҳомидов Абдурасул Абдуқодирович Жабборов Иброҳимжон Раҳматович** | **Тарих дарсларида “буюк астроном мирзо улуғбек ҳукмронлиги ” мавзусини инноватсион ўқитиш усуллари** | 266-267 |
| 73 | **Маҳмудов Олимҷон Раҳматҷонович Ҳомидов Абдурасул Абдуқодирович** | **Усулҳои фаъолгардонии таълим дар таърихи асрҳои миёна ва роҳҳои ташкили он** | 268-275 |
| 74 | ***Panjiyev Jamshid Toxir o’g’li*** **Yusupov Salohiddin Abduvahob og'li** | **Safaviylar, xojarlar va boburiylar davlatlari bayroqlarining qiyosiy tahlili** | 275-279 |
| 75 | **Sobirov Alijon Samandar o`g`li** | **Noosfera falsafasining mohiyati va genezisi** | 279-281 |
| 76 | **Амонжонов Сардорбек Набижон ўғли** | **Мамлакатимизда учинчи ренессанс ғоясини тарғиб этишда миллий ва умуминсоний қадрятларимизнинг ўрни** | 281-283 |
| 77 | ***Sodiqova Bakhtigul Ibodullayevna Bobojonov Dilshod Jumaqul o’g’li Isakov Fayozbek Fakhriddinovich*** | **Roles of multimedia in education** | 283-286 |
| 78 | **Ғаффорова Улуғой** | **Хозирги инновацион ривожланиш даврида ўқитувчи ролини ошириш муаммо ва ечимлари** | 286-290 |
| 79 | **Kholmatov Azamat Ruzibyevich** | **The role of psychological education at school and family environment** | 290-294 |
| 80 | **Xolmatov Komil Ro’ziboyevich** | **Ta’lim jarayonida tilida nuqsoni mavjud bo`lgan bolalar bilan ishlash samaradorligi** | 294-299 |
| 81 | **Bebitov Maqsud Abdirasulovich** | **Ikki millat –yagona tarix** | 299-303 |
| 82 | **Abdulxayirov Davronbek** | **Somoniylar sulolasining kelib chiqishi** | 303-307 |
| 83 | **Choriyeva.M.N** | **O‘quvchilarda shaxs xususiyatlarining namoyon bo‘lishi (qobilyat misolida)** | 307-310 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 84 | Berdiyeva Sevara | Texnologik ta'lim darslarida o'quvchilarning ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish texnologiyasi. (boshlang'ich sinf misolida) | 310-312 |
| 85 | Erdanova Zamira | Al-hakim at-Termiziy qarashlaridan oliy ta'limda foydalanishning ahamiyati | 312-314 |
| 86 | Istamov Zuhriddin | Boshlang'ich sinf o'quvchilari savodxonligini oshirish jarayonida shaxsga qadriyatli yondashuv metodikasi | 314-316 |
| 87 | Mamatov Eldor | Boshlang'ich sinf o'quvchilarida ekologik tarbiyani takomillashtirishning hozirgi holati | 316-318 |
| 88 | Mamayusupova Mahbuba | Boshlang'ich sinf matematika darslarida o'quvchilarga matnli masalalar va ularni yechishga o'rgatish metodikasi | 318-320 |
| 89 | Xo‘janova Tamara Jo‘raevna | Yoshlarni kreativ tafakkurini rivojlantirishning pedogogik jihatlari | 321-323 |
| 90 | Xolbekova Dilbar To‘raevna | O‘quvchi-yoshlarni vatanparvarlik va insonparvarlik ruhida tarbiyalashning dolzarb muammolari | 323-326 |
| 91 | Jumayeva Nargiza | Zamonaviy boshlangich ta’lim muammolari | 327-329 |
| 92 | Qurbanova Umida | Boshlanganchi sinflarda nutq madaniyatini rivojlantirishning ayrim dozarb masalalari | 329-332 |
| 93 | Mirzayeva Baxtiniso | Talabalar guruhining o'zi-o'zi tashkil etishining zamonaviy texnologiyalari | 332-335 |
| 94 | Normurodova Gavhar | Ijtimoiylashuv jarayonida muloqot funksiyalari | 335-338 |
| 95 | Раҳматов Эркин | Алоуддин аттор ҳазрат баҳоуддиннинг айрим маънавий сифатлари ҳақида (“рисолаи қудсия” асаридаги нақллар мисолида) | 338-343 |
| 96 | Usanova Shahnoza | Boshlang’ich sinf o‘quvchilarining ekologik kompetentligini shakllantirish | 343-346 |
| 97 | Shamsiddinova Maftuna | Zamonaviy ta’lim jarayonida innovatsion pedagogik texnologiyalarning ahamiyati | 347-349 |


**4-шўъба: Миллий-маданий меърос, тарихий қадамжолар ва муқаддас масканларнинг халқимиз маънавий ҳаётидаги о`рни**


| | | | |
|---|---|---|---|
| 98 | Ўразметов Мангубек Турсунбоевич | Сулаймон боқирғонийнинг маънавий мероси | 350-353 |
| 99 | Ў.М.Абилов | Давлат тилига эътибор – миллий ўзликни англаш ва уни намоён қилиш асосидир | 353-358 |
| 100 | Himmatova Zarina Axtamovna | So`fi Ollohyor asarlarida yoshlar ma’naviyatini yuksaltirishda jamoatchilikning o`rni masalalari | 359-361 |
| 101 | Xasanova Nodira | Sovet davlatining ilm-fan va maorif sohasida | 361-366 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | Ibragimovna | amalga oshirgan siyosati | |
| 102 | Каримов Санжар Синдорқулович Нематуллаев Шохжахон Ғайбулла ўғли | Эркин ва масъулиятли шахсларни тарбиялашда ғоявий тарбиянинг аҳамияти | 367-370 |
| 103 | Azimova Charos Azamatovna Jo’rayev Farruh Shobo’ta o’g’li | Tarixiy-madaniy meros o‘zlikni anglash omili sifatida | 370-372 |
| 104 | Буранова Нигора Аъзамкуловна Умарова Камола | Ёшлар таълим-тарбиясида диний қадриятларнинг аҳамияти | 372-376 |
| 105 | Иминова Дилбархон Маннобовна | Ўзбекистон республикаси қонунчилигида аждодларимиз маданий меросининг тадқиқоти ва тарғиботи масалалари | 376-379 |
| 106 | Авазбек Мирзаев | Қадимги мингтепа - маданий мерос маскани | 379-383 |
| 107 | Гуламова Мавжуда Тошпулатовна | Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим Кумушхонавийнинг пайғамбарлар ҳикмати ҳақидаги ғоялари | 383-385 |
| 108 | Закирова Н. Х Эгамбердиева М.Д | Улуғ алламолар ижодида касб-ҳунар камолотини шакллантириш масалалари | 385-388 |
| 109 | Alimov Mansur Narboyevich | Mavlono Muhammad qozi naqishbandiya tariqati nazariyotchisi va davomchisi | 388-391 |
| 110 | Абдурашид Шарипов | Туризм, как стратегическая отрасль развития экономики узбекистана | 391-393 |
| 111 | Najimova Shahrizoda Ashurova Parvina | Fan va madaniyat ravnaqi ix-xii asrlar madaniy yuksalishining shart-sharoitlari. Ilm-fan | 394-397 |
| 112 | Mardonova Madina Hikmat qizi Nuriddinova Rohila Yo‘ldashali qizi Xolboyeva Feruza Abdukarim qizi | Султон Саодат Мажмуаси | 398-401 |
| 113 | Anvar Jo’rayev Azizbek o`g`li Yangiboyev Abdulaziz O`tkir o`g`li | Surxondaryoning qadimiy qadamjolari jarqo`rg`on minorasi misolida | 402-404 |
| 114 | Boborahimov Shoxruhbek Innoyatillo o'g'li. Axtamova Xurshida Jamshid qizi | So'fi Olloyorga zamon boqajak | 405-408 |
| 115 | Boboraxmatova Dilshoda Ismayilovna Mamataliyeva Mohidil O’ral qizi | Sulton Saodat majmuasi | 408-411 |
| 116 | Qobilboyeva Zarnigor Bobomurod qizi Safarova Manzura Salimjon qizi Ermamatova Kamola Ismoil qizi | Surxandaryoda milliy-madaniy meros, tarixiy qadamjolar va muqaddas maskanlarining xalqimiz ma’naviy hayotidagi o’rni | 411-414 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 117 | **Avalova Tursunoy** | **O'quvchi shaxsini rivojlantirishda o'qituvchi mahorati** | 414-416 |
| 118 | **O'zbekova Nozigul** | **Boshlang'ich sinflarni ma'naviy-huquqiy tarbiya berish va mahalla hamkorligini rivojlantirish usullar** | 416-419 |
| 119 | **Qodirova Oysoat** | **Inklyuziv ta'limning o'zbekistonda rivojlanish tarixi va taxlil natijalari** | 419-421 |
| 120 | **Sapayev Valisher** | **Sharq mutafakkirlari qarashlarining yoshlar tarbiyasidagi ahamiyati** | 422-424 |
| 121 | **Жонмурод Саматов** | **Сўфи Оллоёр маънавий меросини ўрганиш ва илмий тадқиқ қилишда “шарҳи суфия” муҳим манба сифатида** | 424-428 |
| 122 | **Машарипова Гуларам Камиловна** | **Учинчи ренессанс ворисларини тарбиялашда Абу Райҳон Беруний бой илмий меросининг ўрни** | 428-431 |
| 123 | **Наврўзова Гулчехра Неъматовна** | **Нақш тушунчаси абдураҳмон жомий талқинида** | 432-435 |
| 124 | **Д.О.Ортиқова** | **Ёшларни маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашда оиланинг ўрни** | 436-439 |
| 125 | **Отаназаров Исломбек Муродбек ўғли** | **Деятельности мунаввара кары как просветитель средней азии** | 439-442 |
| 126 | **Саидова Дилбар Сайфуллаевна** | **Аждодларимиз қолдирган бой илмий-маданий мероснинг халқимиз маънавий ҳаётидаги тутган ўрни** | 442-444 |
| 127 | **Хажиева Максуда Султановна** | **Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида маънавий ва ахлоқий ғояларни акс этиши** | 445-447 |
| 128 | **Саидназаров Улуғбек Ахмеджанович** | **Жисмоний маданиятнинг рационал ташкил этиш метологияси** | 448-451 |
| 129 | **Саидназаров Улуғбек Ахмеджанович** | **Ёшлар жисмоний маданиятини юксалтириш: муаммолар ва ечимлар** | 451-453 |

| **5-шўъба. Ўзбекистон Республикаси стратегик сиёсатининг маънавий қиёфаси. Дунё ва биз** | | | |
|---|---|---|---|
| 130 | **Ў.Т.Нормуротов** | **Мутаассиблик аср вабоси** | 454-458 |
| 131 | **Ҳакимов Акмалжон Мирзағаниевич** | **Жамият тараққиёти қонунлари ва уларни англаш зарурияти** | 458-461 |
| 132 | **Хусан Абдуниязов Нуриллаевич** | **Миллий юксалиш шароитида инсон манфаатларини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни** | 462-466 |
| 133 | **Сафаров Мухлис Махмудович** | **Ўзбекистон ёшлари сиёсий онги ва маданиятини модернизациялашишининг маънавий-маърифий омиллари** | 466-469 |
| 134 | **Jabborova Farangiz Muslaxiddinovna** | **Inson huquqlari – yurtimiz milliy taraqqiyotining asosiy poydevori** | 469-472 |
| 135 | **Vazira Shanshieva** | **Globallashuv sharoitida inson qadrini ulug`lash,** | 472-475 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | huquq va manfaatlarini himoyasining ahamiyati | |
| 136 | Xolmirzayev Shavkat | Yoshlar hayotida virtuallashuv sabablari va omillari ma'naviy barkamollik ruhida tarbiyalash ularni kelajakda tutgan òrni va roli | 475-479 |
| 137 | Madrimov Ixtiyor Baxtiyor o’g’li | O‘zbekiston respublikasida yoshlar jinoyatchiligini oldini olishda mahallabay ishlash | 478-480 |
| 138 | Сайёра Эгамовна Атаджанова | Важные этапы развития узбекистана и стратегические темпы роста нового узбекистана | 481-482 |
| 139 | Юлдашева Махфуза Қобилжоновна | Янги ўзбекитон имиджини шаклланишида маънавий- ахборий омиллар | 482-487 |
| 140 | Husanboev Azizjon Rustamjon o’g’li Toshquvvatov Norqobil Choriyev Otajon Olim o’g’li | Mahmudxo’ja Behbudiy yang davr o’zbek madaniyatining asoschisi | 487-489 |
| 141 | Абдурауф Мухаммедович | Таълим тизимида ёшларда юксак маънавий баркамолликни шакллантириш масалалари | 489-492 |
| 142 | Сарвар Ахмедов | Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқаларида театр санъатининг ўрни. (1950-2021 йиллар) | 492-496 |
| 143 | Nazirov Baxtiyor Safarovich | O’rta Osiyo tarixida ilm-fan yuksalishlari to‘g‘risida ba’zi mulohazalar | 496-500 |
| 144 | Яқубова Дилорам Таджиевна | Сурхон воҳасида 1946-1970 йилларда пахта яккаҳокимлиги сиёсатининг амалга оширилиши ва унинг натижалари | 500-504 |
| 145 | Abdiyeva Turg'unoy | Boshlang'ich ta'lim tizimida innovatsiya jarayonini amalga oshirishda xalqaro tajribalar | 504-506 |
| 146 | Atamurodova Dilnoza | Globallashuv davrida “ommaviy madaniyat”ga qarshi kurashish muammosi | 507-509 |
| 147 | Shakhnoza Sheralievna Nurbekova | Globallashuv jarayonida sivilizatsiyalararo muloqot va uning inson ongi va qalbiga ta’siri | 510-512 |
| 148 | Rasulova Zamira | Maktab o'quvchilarini milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari g'oyalari ruhida tarbiyalashda oila va mahallaning o'rni | 513-515 |
| 149 | Turayeva Sadoqat | Ijtimoiy faol o'qituvchi shaxsini shakllantirishning ilmiy-pedagogik asoslari | 515-517 |
| 150 | Abdurahmonova Muslima | Boshlang'ich sinf o'quvchilarida tabiatga oid ilk qadriyatlarni shaklantirishning dolzarb masalalari | 517-519 |
| 151 | Лайло Азизова | Ёшларни маънавий баркамоллик руҳида тарбиялаш ҳамда уларда интеллектуал салоҳиятни юксалтирищда замонавий дунёқарашнинг ўрни | 519-521 |
| 152 | Бурхонов Мажнун Илхом ўғли | Буюк Ипак йўли шарқ ва ғарбни бирлаштириб турувчи маданият кўприги | 522-525 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | **сифатида** | |
| 153 | **Ziyodullayeva Zulfizar** | **“Milliy tiklanishdan - milliy yuksalish sari” g‘oyasining mazmun-mohiyatini yoshlar ongiga singdirishda “tarbiya” fanining o'rni** | 525-528 |
| 154 | **Зокирова Нигора Холмахаматовна** | **Ҳозирги даврда миллий ўзликни англашда салбий ҳодисаларни бартараф этиш йўллари ва шакллари** | 528-531 |
| 155 | **Narziyeva Xabiba** | **Ko‘p millatli jamiyat sharoitida o‘quvchilarda bag‘rikenglikni shakllantirish** | 531-533 |
| 156 | **Норкулов Убайдулла** | **Маҳалла институтида жиноятларни эрта аниқлашнинг ижтимоий масалалари** | 533-535 |
| 157 | **Сауров Равшонбек Русланбек ўғли** | **Давлат хизматларини институтционал шакллантириш ва ташкил этишнинг объектив шарт- шароитлари** | 536-539 |
| 158 | **Рўзимуродов Сирож Мадатович** | **Глобаллашув жараёнида ёшларни маънвий баркамол руҳида тарбиялашда оиланинг ўрни** | 539-542 |
| 159 | **Нодиржон Тоғаев Лайло Азизова** | **Мамлакатимизда ёшлар маънавиятини шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни** | 542-545 |
| 160 | **Turdiyev Baxritdin Samiyevich** | **Kiberterrorizm - yoshlar kelajagiga tahdid** | 545-548 |
| 161 | **Холиқов Юнус Ортиқлвич** | **“Тараққиёт стратегияси” асосида жамият миллатлараро бағрикенглик маданиятини ривожлантиришнинг ўрни** | 548-551 |
| 162 | **Шодиев Сафар** | **Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик** | 552-555 |
| 163 | **Норбўтаев Исломбек Мусурмонович Омонова Азиза Қаландар қизи** | **Юртимизда ёшлар тарбиясига оид қабул қилинаётган концепциялар ва уларда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти** | 555-558 |
| 164 | **Sayidov Qaxramon Bekturdiyevich** | **Yangi O’zbekiston urbanizatsiya jarayonlari (milliy va umumbashariy xususiyatlar)** | 558-562 |
| 165 | **Sadullayeva Manzuna Mansurjon qizi** | **Globallashuv jarayonlarida tarbiyaviy faoliyat masalalari** | 562-566 |
| 166 | **Xaydarov Sayfiddin Mamatkulovich** | **Mamlakatimizda tashqi savdo munosabatlari. Mulohaza va takliflar** | 566-569 |
| 167 | **Ашуров Назар Рахматуллаевич** | **Узлуксиз маънавий тарбия – оиланинг маънавий юксалиши асоси** | 569-572 |

**МУХТАСАР ИФОДАЛАНГАН ЎТКИР ФИКРЛАР ҲАЁТНИ ЯХШИЛАШГА КЎП ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.**

**ЦИЦЕРОН**

